

Худойим чордевон қилдилар инъом,
"Ҳаёт махзани" дев бердилар некном.
Кошки, "Ганги Хамса", "Ўзбекнома"дек,
Элу юртда топса обрў ва икром.

Alisher Navoiy
2005
4952
10
№ 31551
40
8

Барот Бойқовилов

Ҳаёт маҳзани

ёхуд

Ярим аср девони

Сайланма

«ЗАРАФШОН» НАШРИЁТИ
САМАРҚАНД
2005

84(5Ў)6-5 Бадиий адабиёт - Шеърлар

ТУЗУВЧИ:

ДАВЛАТМУРОД САЪДУЛЛАЕВ

МАСЪУЛ МУҲАРРИРЛАР:

АБДУРАШИД АБДУРАҲМОНОВ
РАШИД РАУФ
НОРМЎМИН ОЧИЛОВ

МУСАВВИРЛАР:

Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон бадиий
академиясининг академиги, Давлат мукофоти соҳиби,
профессор ҚУТЛУҒ БАШАРОВ
ва
МУЗАФФАР АЪЛАМОВ

* * *

Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби, маданият ва жамоат арбоби, олим ва публицист Барот Бойқобилов янги аср ва янги минг йилликка қадам қўяр экан, ўтган асрга — шараф билан босиб ўтилган ҳаёт йўлига миннатдорлик туйғуси билан назар солиб, эллик йиллик сермаҳсул ижоди давомида яратилган шеърий асарларини саралаб, ***«Ҳаёт махзани*** ёхуд ***Ярим аср девони»***ни тузди.

Тўрт китобдан иборат ушбу Куллиётдан ўрин олган шеърлар ва достонларда Ватан ва халқ, замон ва инсон, замин ва осмон, тарих ва тақдир, ҳуррият ва истибдод, ибтидо ва интиҳо, ҳаёт ва мамот, жамият ва табиат, муҳаббат ва садоқат, дўстлик ва қардошлик, виждон ва иймон, эътиқод ва диёнат, ҳавас ва ҳасад, тафаккур ва тасаввур, орзу ва умид хусусида файласуфона фикр юритилади.

«Ҳаёт махзани» чордевонининг биринчи китоби ***«Ҳайрат бўстонлари»***га 1951—1970 йилларда; иккинчи китоби — ***«Сафар эҳсонлари»***га хорижий мамлакатларга қилинган саёҳат натижасида 1971—1980 йилларда ёзилган асарлар киритилган. Куллиётнинг учинчи китоби — ***«Фикрат туғёнлари»***га 1981—1990 йилларда; тўртинчи китоб — ***«Ҳуррият армонлари»***га 1990—2001 йилларда яратилган шеърлар ва достонлар жамланган. Ушбу асарлар муаллифнинг «Янги Хамса» ва «Ўзбекнома» китобларига киритилмаган.

«Ҳаёт махзани» чордевони хамсанавис шоирнинг Халқ ва Ватан олдидаги сарҳисоби, ижодий меҳнат ва машаққат билан ўтган умрнинг унутилмас китоби!

© «Зарафшон» нашриёти, 2005.

Янги аср бошида азиз невараларим Масъудхон, Темурхон ва Бобурхонларга бағишлайман.

Муаллиф



Ярим аср махзанидан
манзумаи даврон туздим,
Замон аҳлин достон этиб,
ҳасби ҳоли замон туздим.
Кирк мине мисраъ назмул-ҳаёт—
ёзганларим чорагидир,
Ўз юртимда қадр топиб,
ўз элимга девон туздим.



ТИНГЛАНГ, САМАРҚАНД СЎЗЛАМОҚДА

Не-не даҳоларни тарбиялаб вояга етказган қадим Самарқандда бир сўлим хиёбон бор. У шоирлар хиёбони. Хиёбон пойида устоз Жомий ва Навоий шеърият ҳақида қизғин баҳс юритмоқда, бир-бирига гўё янги ёзган ғазалларини ўқиб бераётгандек, сал нарида соҳибқирон Амир Темур жангу жадаллардан сўнг тахт узра бир зум ғазал тинглаётгандек виқор билан турибди. Хиёбон тўрида эса ҳазрат Алишер Навоийнинг салобатли ҳайкали қад ростлаган. Ҳар сафар қадрдон дорилфунунга, талабалар ҳузурига шошилар эканман, ушбу буюк сиймоларга таъзим қиламан, кўркам шеърият хиёбонидан кўз узолмайман. Бу хиёбонда не-не асрий чинорлар, осмонўпар адл тераклар шовуллаб туради. Ушбу шеърият хиёбонидан Ҳамид Олимжон, Айний домла, Уйғун, Шароф Рашидов, Воҳид Абдуллолар нафаси келиб туради. Бу буюк зотларнинг қадам излари қолган бу хиёбонда, табаррук маконда.

Шеърият хиёбонидаги сарвқад дарахтлар орасида Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби Барот Бойқобиловнинг ҳам ўз чинори бор. Чинорнинг бардам шохлари менга гўё Мирзо Баротнинг асарларини эслатгандек бўлади, улар қатор достонлар, «Янги Хамса», «Ўзбекнома» бўлиб туюлади, чинор барглари сонет бўлиб, сокин шабада қўйнида сўзлаётгандек.

Мен Барот Бойқобиловни талабалигидан яхши биламан, у ўта тиришқоқ, ҳаракатчан талаба эди. Курсдошларига синфбоши, жамоат ишларида бош-қош, доимо аълога ўқирди, тинмай изланарди. Ана шу изланишлар самараси бўлиб, 50-йилларнинг ўрталарида матбуотда унинг шеърлари кўрина бошлади. Мирзо Баротнинг илк ижод босқичида ёшлик, муҳаббат мавзусидаги шеърлар кўпчиликни ташкил этади. Кейинчалик шоир ижодида она-Ватан, хусусан Самарқанд мавзуси, айтиш мумкинки, асосий ўринни эгаллай бошлади. Унинг ижодининг бошланғич даврида ёзилган «Самарқанд гўзалига» деб номланувчи гўзал бир шеъри бор. Шеър шундай бошланади:

Қора қошинг орасидай кўнглинг менга яқину,
Қора кўзинг қарашлари юлдуз қадар йироқдир.
Қора сочинг чулғаниши кўзларимга ёлқину,
Қора холинг юрагимга азоб солган фироқдир.

Шеърда гўзал қиз сиймоси ўта нозиклик билан чизилиб, қиз тимсоли орқали бутун Самарқанд гўзаллиги, ноз-неъматлари кўз олдингизда намоён бўлади. Булар қуруқ тасвирларгина бўлиб қолмайди, чунки шеърнинг ҳар бандида лирик қаҳрамоннинг ҳис-ҳаяжонлари, юрак эҳтиросларини шеърнинг ҳаётийлигини, таъсирчанлигини таъминлаган:

Сиёб сувин тўлдириб ол Конигил кўзасига,
Барги билан узиб келгин Боғибаланд анжирин.
Чорраҳанинг Пўлатию нони Осиёсига,
Бир кунгина инъом этгин кокилларинг занжирин.

Шеър якунида шоир кутилмаган хулоса ясайди, у ана шу гўзал қизда бутун Самарқанд гўзаллиги мужассам эканлигини кўради ва унга «Ўзинг билан кўзларингга пинҳон этиб Самарқандни олиб кел» деб ёлворади:

Дийдорингни кўролмасдан соғинган кезларимда,
Ёшлигимиз ўтган боғлар самар қандин олиб кел.
Дил-дилимни сеҳрлаган қуралай кўзларингда
Самарқандни пинҳон этиб, Самарқандни олиб кел!

Барот Бойқобиловда шеъриятга ошнолик, у билан қадрдонлик ҳали у туғилиб ўсган Ургутда, мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ бошланган. Балки, унинг юрагига шеър ишқини Ургутнинг сўлим табиати, гўзал боғларию юксак тоғлари, каклик кўзли булоқлари солгандир. Лекин нима бўлганда ҳам шеър ишқи, шеър дарди юракда бўлмаса қийин. Агар гўзал табиатнинг ўзи шоирни тарбиялаганда дунёда гўзал масканлар камми, бундай жойда вояга етганларнинг барчаси шоир бўлиб кетмасмиди?! Барот Бойқобилов юрагидаги шеърга иштиёқ уни Кенагасда еттинчи синфни тугатгач, қадим Самаркандга етаклади, ўзида журъат топиб, устоз Айнийга илк машқларини ўқиб берди, ок фотиҳасини олди.

Дастлаб у шаҳардаги педбилим юртида, кейинчалик дорилфунунда таҳсил олди. Устозлардан кўп нарса ўрганди. У ҳали дорилфунунга келмасданоқ ўзи яқиндагина таҳсил кўрган билим юртида ўзидан катта ёшдаги талабаларга дарс берди. Ҳали дорилфунундаги ўқиш, ҳам билим юртидаги ўқитувчилик уни ҳаётга жуда эрта тарбиялади, пишитди.

Аъламул-уламо Воҳид Абдуллонинг таълимини олган Мирзо Барот шеъриятнинг нақадар заҳматли ҳамда мукаддаслигини қалбдан ҳис этди. Шоир ижодининг бошларида яратилган «Нон ва шеър»идаги қуйидаги мисралар ушбу фикримизга далил бўла олади:

Одам нонсиз, шеърсиз яшолмас асло,
Шеър ҳам унга нондай азизлигидан,
Нон ҳам унга шеърдай лазизлигидан.
Нон қадрин билгандай, шеър қадрин гоҳо
Билмаймиз, аммо.
Нондай улуғ бўлса, шеъримиз, кошки,
Нондай қутлуғ бўлса, шеъримиз, кошки.

Шоир «нондек азиз» шеър битиш ишқида бир умр ёнди, тўлғанди. Лекин бу борада турли хил ижодий синовлар, тажрибаларга қўл уришдан чўчимади. Шоирнинг қадим сонет жанридаги изланишлари ана шундай ўзини синаб кўриш тажрибаларидан бири десак янглишмаган бўламиз. Тўғри, бу жанрнинг ўзига хос мураккабликлари, инжиқлигу нағмалари бор. Барот Бойқобилов ҳар қандай ўн тўрт мисранинг сонет бўлолмаслигини яхши тушунарди. Қолаверса, бу жанр шоирнинг кимлигини дархол кўрсатиб қўя қолади. Дунё адабиётида бу жанрнинг Петрарка, Данте, Шекспир, Мицкевич, Гёте, Гейне, Пушкин, Лермонтов, Фет каби даҳолари бор. Ўзбек адабиёти учун ҳам сонет бегона эмас. Ўтган асрнинг 20—30-йилларида Чўлпон, Боту, Усмон Носирлар сонетнинг гўзал намуналарини яратишган. Яна бу жанрнинг мумтоз адабиётимиздаги ғазалга шаклан яқинлик жиҳатлари анча. Ғазалдаги матлаъ, мақтаъдан тортиб, унинг асосий ғояни баён қилишдаги ички кўтарилишлари сонетдаги катрен, терцетларга, сонет охиридаги «қулф»нинг очилишида хам ўхшашлик мавжуд. Қолаверса, ўзбек шеъридаги жуда кўпчилик ғазаллар етти байтдан, яъни ўн тўрт мисрадан иборат. Биргина буюк Навоий ғазалларининг тўртдан уч қисми етти байтдан иборат эканлигини мутахассислар қайд этишган. Демак, бемалол айтишимиз мумкинки,

Барот Бойқобиловнинг сонетга мурожаат этиши бежиз эмас экан. Шоирнинг сонетларида қадимий ишқ мавзусидан ташқари яққол кўзга ташланиб, бўртиб турган бир нарса бор — бу замин руҳи, давр нафаси! Шу маънода айтиш мумкинки, Барот Бойқобилов сонетга замонавий рух билан, замонавийлик нуқтаи назаридан ёндашди. Эски муҳаббат мавзуини янгилади.

Барот Бойқобилов она юрт шаънига бағишлаб кўплаб сонетлар, сонет гулчамбарлари, сонетда достонлар яратди. Бу ишнинг шакл жиҳатдан ҳам ўз мураккаблигини ҳисобга оладиган бўлсак, шоир меҳнатига таҳсинлар ўқиймиз. Шоир, айниқса, бир сонетида бободеҳқон ўзбек пахтакори сиймосини ҳаққоний яратган. Ушбу сонет шундай бошланади:

Бободеҳқон ишлади роса,
Томган тери бўлди «оқ олтин».
Тонгдан ерга қилди ул сажда,
Кун ботганда фақат олди тин.

Кечаси ҳам пахтани ўйлаб,
Пахта каби оқарди боши.
Кумуш тоққа аста қўйиб лаб,
Ухлаб қолди бир кун қуёши.

«Кечаси ҳам пахтани ўйлаб, пахта каби сочи оқарган», қуёш бош қўйиб ухлайдиган хирмон уйса ҳам, лекин косаси оқармайдиган деҳқон ҳақида бундай дадил гапларни айтиш шоирдан катта жасорат талаб қиларди. Шоир ижодида бундай халқчил сонетлар анчагина.

Юқорида Барот Бойқобиловни журъаткор шоир дедик. Ушбу сўзимизнинг исботи учун бир-иккита мисол келтирай. 60-йилларнинг бошида устоз Шайхзода билан дорилфунунимизда учрашув бўлди, учрашувни ҳурматли домламиз Воҳид Абдулло олиб борди. Шунда залдан туриб Шайх акага Мирзо Барот бир савол берди, бутун зал сув сепгандек жимжит. Ўша савол нима эди дейсизми? Мана: «Домла, Сиз «Мирзо Улуғбек» трагедиясида «Хожа Аҳрор Валий ва Улуғбекни бир-бири билан учраштириб, қарама-қарши қўйиб тасвирлагансиз. Ваҳоланки, улар Самарқандда яшаган йилларида катта фарқ бор-ку, шу ерда тарихий ҳақиқатга зиён етмадимикан?» Воҳид Абдулло домла Шайх акага бу савол оғир ботмадимикин, дегандек қараш қилди-да, меҳмоннинг кўнглини қолдирмаслик учун Мирзо Баротга «бу саволни ўзимга берсанг бўлармиди, кенгроқ тушунтириб берардим», дегандек бир жиддий қараб қўйди. Шайх ака эса драматургияда «вақт, замон, макон» бирлиги ҳақида, Улуғбек фожиасининг бир илдизи хурофотга (динга эмас) ҳам бориб тақалиши, Улуғбекдек фан кишисига, унинг кашфиётларига, эркин фикрловчи кишига қарши ўз даврида хурофот «от» қўйганлиги ҳақида узоқ гапирди. Улуғбекнинг Қуръони каримни ўн бир оҳангда ёддан ўқиганлиги, ўзи қурдирган мадраса пештоқига бекорга «Алло кулли илмин фарзун муслимун ва муслиматун» (Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарз) деган ҳадисни нақшин ҳарфларда ёздирмаганлиги ҳақида гапирди (ушбу ҳадис шўро даври адабиётида кўпгина манбаларда Улуғбекнинг ўз сўзи деганча нотўғри талқин қилиниб келинди). Шайх ака талабаларга бутун сайёралар Ер атрофида айланади, деган назарияга қарши Улуғбекнинг Ер ҳам бошқа сайёралар каби Қуёш атрофида айланишини исботлаган, бундай олимга хурофот кишилари жим ту-

ролмаслиги, трагедияда Хожа Ахрор рамзий сиймо эканлиги, бадиий асарда дин ва фан ўртасидаги азалий зиддиятда аниқ йиллардан кўра ушбу курашнинг моҳияти нимадалиги кўпроқ эътиборли эканлиги ҳақида сўзлади. Шайх ака бу савол учун ҳеч бир хафа бўлмасдан бундай эркин фикрловчи талабалар борлиги учун анча миннатдор бўлиб сўзлади.

Иккинчи бир воқеа. 1968 йили Ўзбекистон Фанлар академиясида менинг докторлик ишим ҳимояси чоғида бўлган. Ҳимоя йиғилишини устоз академик Яҳё Ғуломов олиб борарди, йиғилиш сўнгида Мирзо Барот сўз олиб Амир Темур ҳақида шеър ўқиди. У пайтларда Амир Темур ҳақида жиндек илиқ сўз айтиш жуда қийин гап эди, ҳатто кейинчалик Иброҳим Мўминовдек олим ҳам «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тараққиётидаги роли» асари учун озмунча «ур калтак» бўлмаган дейсизми? Барот Бойқобилов шеър ўқияпти, зал сув сепгандек жимжит, Иброҳим Мўминов ҳар замон бошини сарак-сарак қилиб чайқаб қўяди. У шеърни ўқиб бўлгач, залдан шахдам қадам ташлаб тўғри чиқиб кетди... Кейинчалик Мирзо Баротнинг ҳеч бир тўпламида ўша шеърни учратмадим, балки шоир уни шунчаки қоралама деб тўпламларига киритмагандир.

Ёки унинг «Навоий чойхонаси» деб аталган шеъри юзасидан бўлиб ўтган шов-шувларни эсланг... Барот Бойқобилов ҳамиша ўзининг мустақил, эркин фикрини баралла, журъаткорлик билан айтиб келган, балки шунинг учун ҳам у шоир бўлгандир.

Барот Бойқобилов ўтган асрнинг 60-йилларида ўзбек шеъриятига дадил кириб келган шоир. Унинг ижодига устоз Ойбек, Уйғун, Миртемир домланинг назари тушди, ёш шоирга оқ фотиҳа беришди. Миртемир домла унинг биринчи китобига муҳаррирлик қилди, уни ўз фарзандидек кўрди. Кейинчалик устоз «УРГУТ ВА БУРГУТ» мақоласида Барот Бойқобилов ижоди ҳақида шундай деганди: «Шундай шоирлар борки, тайёрга айёр, ўйлаб, бош оғритиб, тўлқинланиб, қора терга тушиб, уйқудан кечиб, янги гап айтишдан узоқ. Уларда истеъдод йўқ, дейиш хато. Истеъдод ва қобилият етиб-ортгулик. Фақат ижоднинг энг осон ва уят хили ботқоғида, улар янги мавзу, янги тимсол, янги шеър пайдо бўлса, бас, дарҳол ўхшашини дўндиришга ёқа ушлаб ҳайрон қолгулик даражада уста... Уларнинг ақли кемтик, норасо дейиш хато, ўқиш ва изланишга вақти йўқ дейиш ҳам хато. Фақат етук китобхон ҳурматини оёқости қилади, десак бехато бўлади. Барот шу важдан китобхон ҳурматига сазоворки, у изланишда, уринишда, яратишда, янги гап айтишда, зинама-зина юксалишда».

«Мозийга қайтиб иш кўришликни хайрли» дейдилар. Барот Бойқобилов ҳам кейинги 25—30 йил ичида халқимиз тарихига мурожаат қилди. Бу уринишлар натижасида Бобур Мирзо ҳақидаги «Кун ва тун» достони, тўрт достондан иборат «Навоийнома», Хожа Ахрор Валий ҳақидаги «Ҳайратул-Ахрор», «Ўзбекнома» достонлари юзага келди. Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, дорилфунунда Барот Бойқобиловлар курсига навоийшунослик фанини мен ўтганман, ҳали у иккинчи курсдаёқ Навоий асарларини мукаммал ўрганган эди, талабаларнинг олди эди. Ана шу берган сабоқларим зое кетмабди, буни унинг «Навоийнома» туркум достонларида кўриб қувондим.

Асримизнинг аллома адиби Ойбек, Уйғун, Иззат Султон, Миркарим Осим, Л.Бат ва бошқалар наср, назм ва саҳнавий асарларда Алишер Навоий ҳазратларининг улуғвор сиймоларини яратишга мақтовга лойиқ ҳисса қўшдилар. Ана шу устозлар изидан бориб, Барот Бойқобилов ҳам буюк Навоий

мавзусига бел боғлади, натижада «Навоийнома» («Нотинч Хуросон», «Шукуҳли карвон», «Сокин Хуросон» ва «Қонли Хуросон» достонлари) юзага келди. Гарчи тўрт китобнинг учтасининг номи Хуросон билан боғланса-да, асардаги аксар воқеалар Хуросонда давом этгани билан туркум Хуросон тарихини ёритишни эмас, балки ҳазрат Алишер Навоийнинг *буюк сиймосини* яратишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам асарнинг меҳвар бош устуни Алишер Навоий ҳазратлари бўлиб, барча воқеалар, тарихий ва тўқима сиймолар шу ҳазратнинг атрофларига тўпланганлар ёки бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳаммасини ҳаракатга келтирувчи етакчи куч бу ҳазрат Алишер Навоийдир.

Маълумки, кўпгина ижодкорлар томонидан ҳазрат Алишер Навоийнинг бадиий сиймосини гавдалантиришга бағишланган асарларда улуғ шоир ҳаёти ва фаолиятининг маълум бир даври ё болалик, ё ўсмирлик ва ёки етуклик даври қамраб олинган эди. Барот Бойқобиловнинг «Навоийнома» чоркитобини ташкил этувчи достонларда ҳазрат Алишер Навоийнинг болалик айёмларидан умрларининг охирларигача бўлган ҳаёт — ижодиёт ва фаолият йўллари қамраб олинганлиги ишнинг нақадар кўламдор эканлигидан далолат беради. «Навоийнома»да ўзига хос тарзда илмийлик, тарихийлик ва бадиийлик қўшилиб кетган, тарихга одилона кўз билан қаралган. Шунинг учун ҳам муаллифга «Навоийнома» чоркитоби учун мухтарам Президентимизнинг Фармони билан 1994 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг берилиши бежиз эмас.

Барот Бойқобилов ушбу «Навоийнома» чоркитобининг тадрижи сифатида яна XV аср ўзбек тарихига қайтиб Хожагон тариқатининг буюк сиймоси Хожа Аҳрор Валий ҳақида «Ҳайратул-Аҳрор» («Аҳрор ҳайратлари») достонини битди ва беш достонни яхлит ҳолда «Янги Хамса» номи билан чоп эттирди. Матбуотда кўпгина олимларимиз «Янги Хамса» ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Жумладан, академик Азиз Қаюмов «XX аср «Хамса»си» рисоласида шундай ёзади: «Навоий даҳоси асрлар давомида барча ижодкорларни улуғ бадиий маҳсуллар яратмоққа илҳомлантириб келган. XX асрдаги ўзбек адабиёти учун ҳам бу таъсир ўзининг порлоқ натижасини берди. Ўзбек шоири Барот Бойқобилов улуғ устозлари таълимотидан баҳра топиб, улар изидан дадил қадам ташлади. Ўзининг деярли йигирма йиллик тинимсиз мехнатлари натижасида XX аср ўзбек «Хамса»сини яратди».

Ҳар қандай беш достон жамланишидан «Хамса» пайдо бўлиб қолавермайди. Барот Бойқобиловнинг «Янги Хамса»си изчил бир мақсадга, XV аср ўзбек ҳаётини ёркин акс эттиришга қаратилган. Маълумки, ҳазрат Навоий яшаган ва фаолият кўрсатган даврда маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида катта мавқега эга бўлган тасаввуф ва унинг Хожагон тарикатининг таъсири кучли эди. Шунинг учун ҳам Барот Бойқобиловнинг бешинчи китоби «Ҳайратул-Аҳрор» («Аҳрор ҳайратлари») «Янги Хамса»га узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди. Шоир ушбу улкан асари ҳақида сал истиҳола билан шундай ёзади:

Беш достон яратдим авлодларимга,
Оламаро донгдор аждодларимга.
Кошки, улус ани қабул айласа,
«Янги Хамса» дебон мақбул айласа.

«Янги Хамса» Алишер Навоий «Хамса»сидан кейин ёзилган иккинчи «Хамса»дир. Навоийга қадар Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий форс тилида «Хамса» яратган эдилар. Навоийнинг «Хамса»си эса туркий тилда битилган биринчи «Хамса»дир.

50 минг мисрадан иборат «Янги Хамса»ни шеърсевар халқимиз илиқ кутиб олди, ўн беш минг нусхада 1998 йилда чоп этилган асар халқимиз маънавий ҳаётида улкан ҳодиса бўлиб, тез орада қўлма-қўл тарқаб кетди.

Кейинчалик халқимиз шаънига, унинг тўрт минг йиллик тарихига мадҳия тарзида забардаст ва меҳнаткаш шоирнинг «Ўзбекнома» асари пайдо бўлди. «Ўзбекнома» тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий достон бўлиб, олтмиш номадан иборат ушбу асарда шеъриятнинг барча жанрлари намуналарини учратиш мумкин. Лекин бу достонда ҳам Барот Бойқобиловнинг ўз содиқ услубига хос ва мос келувчи маснавий етакчилик қилади. Бемалол айтиш мумкинки, Шарқ шеъриятининг бу қадим жанрига Барот Бойқобилов адабиётимизда янгича бир руҳ ва жон бағишлади, бу борадаги Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом йўлини муваффақиятли давом эттирди.

«Ўзбекнома»нинг ҳар етти фаслини ҳам шоир бир достон билан якунлаб, гўё достон ичра достонлар шодасини яратган. Бу эса «Ўзбекнома»га ранг-баранглик бағишлаган, улар камалакдек жилоланиб турибди.

«Ўзбекнома» — халқимиз асрлар давомида орзу қилган, бу йўлда не-не фидойи фарзандлари жон берган Мустақиллик шаънига айтилган гўзал бир қасида, зафар қўшиғи, озодлик қўшиғи. Достоннинг бошидан охиригача яхлит бир сюжет баён қилинмаса-да, «Ким эдигу ким бўлдик» саволи ҳар бир фаслга жо бўлиб кетган, достонда донишмандлик, бугунги кундан шукроналик руҳи устун.

Барот Бойқобилов тенгдош шоирлар ичида ўзининг истеъдоди ва салоҳияти, маҳорати ва шижоати, фасоҳати ва меҳнаткашлиги билан алоҳида ажралиб туради. Яқинда у «Ҳаёт махзани» номи билан тўрт девон тайёрлади, у янги XXI асрга ҳам илгаригидай ижодий бардамлик билан кириб келди. Дарвоқе, узоқни кўзлаган бургут кўзли нозимимиз бир рубоийсида ўзининг олий мақсадини шундай ифодалаган эди:

Фақир Мирзо Барот Самарқандийман,
Шуаро ичинда аржумандийман.
Битдим «Янги Хамса» ҳам «Ўзбекнома»,
Чордевон тузмакка орзумандийман.

Саодатли айёмда бахтиёр шоирнинг улуғ орзулари рўёбга чиққанига гувоҳ бўлиб турибмиз. Яхши ният — ярим давлат, деганлари бежиз эмас экан.

Тўрт китобдан иборат бу куллиётда мутафаккир шоиримизнинг ярим асрлик ижоди давомида яратган, «Янги Хамса» ва «Ўзбекнома»га киритилмаган шеърлар ва достонлардан иборат сара асарлари ўрин олган.

«Ҳаёт махзани» куллиётининг биринчи девони — «Ҳайрат бўстонлари»га 1951—1970 йилларда ёзилган асарлар; иккинчи девон — «Сафар эҳсонлари»га 1971—1980 йилларда; учинчи девон — «Фикрат туғёнлари»га 1981—1990 йилларда ва ниҳоят тўртинчи девон — «Ҳуррият армонлари»га 1990—2001 йилларда ёзилган шеърлар ва достонлар киритилган.

Биринчи девон — «Ҳайрат бўстонлари»да оташнафас шоир ўзининг она қишлоғи, Самарқанд кишилари, уларнинг олижаноб севгиси, дўстлик ва вафо ҳақида жўшиб-жўшиб қалам тебратган. Қадим Афросиёб ва Ургут манзараларига бағишланган шеърлар биринчи девонда бир талай бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири ўзига хос оҳангда жаранглайди. Шу билан бирга муҳташам ва мафтункор Ўзбекистонни мадҳ этувчи шеърлар ҳам ўқувчи қалбини тўлқинлантиражагига заррача гумон йўқ. Иккинчи девон — «Сафар эҳсонлари»га киритилган хорижий мамлакатларга қилинган сафар таассуротлари асосида туғилган соғинч шеърлари ҳеч шубҳасиз, китобхонга завқли лаҳзалар ҳадя этади.

Шоир қаерда бўлмасин, кимлар билан мулоқотда бўлмасин дунёга ўзбекона кўз билан қарайди, шеърларда шоирнинг руҳий-маънавий дунёси кўзга яққол ташланади. Шоирнинг шахсий, ижтимоий манфаатларни акс эттирган барча шеър ва достонларида ўзбекона руҳ, Ватан туйғуси биринчи ўринда туради. Яна шуниси эътиборга лойиқки, «Шарқ гулдастаси», «Италиядан мактублар», «Туташ денгизлар» каби туркумларни ўқиган киши қадим Ҳиндистон ва Покистон, Ўртаер денгизи, Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб шоир билан бирга сафарга чиққандек, бир тоза сафар ҳавосини симиргандек бўлади. Сайр қилинган жойлар, томоша қилинган манзаралар қуруқ тасвирланмайди, балки уларда шоир қалби, шоир дунёқараши мужассам. Шунинг учун ҳам Барот Бойқобиловнинг «Сафар эҳсонлари»ни ўзбек адабиётида «Сафарнома»ларнинг янгича бир кўриниши десак янглишмаймиз. Айниқса, шоирнинг қаерда бўлмасин ана шу ер халқи тарихини, афсоналарини, турмуш тарзини яхши билишининг гувоҳи бўламиз.

Учинчи девон — «Фикрат туғёнлари»да ҳаётимиздаги ижтимоий зиддиятларни бадиий тадқиқ этувчи асарлар, ижтимоий муносабатларнинг мураккаб қирраларини ўзида ифода этган шеърлар ва инсон руҳиятини қитиқловчи гўзал ғазаллар ҳам ўрин олган. Шунингдек, ушбу девондан она-Ўзбекистонни янгроқ оҳангларда мадҳ этган шеър ва достонлар ўрин олган.

Барот Бойқобилов — нафақат лирик шоир, гоҳо унинг ватанпарварлик, фукаролик руҳидаги шеърлари биринчи ўринга кўтарилиб кетгандек бўлади. Унинг шеър ва достонларида севимли она юрт, аждодларимизнинг босиб ўтган шонли ва қонли йўли, халқимизнинг ўлмас анъаналари, урф-одатлари билан бирга озодликка, эркинликка ташналиги, бу шарафли йўлда жонини фидо қилган жасур ўғлонлари тақдири тараннум этилади. Шу билан бирга бу йўлда тўсиқ бўлишга уринаётган айрим кимсалар аёвсиз фош этилади. Айниқса, бу мавзулар куллиётнинг охирги — тўртинчи девони — «Ҳуррият армонлари»да анчагина.

Мазкур девонга шоирнинг 1990—2001 йиллар ижод намуналари киритилган. Ушбу девонда шеъриятимизнинг қадим жанрларидан бўлган ғазал намуналари анчагина. Бемалол айтиш мумкинки, Барот Бойқобилов ғазаллари XX асрнинг охирларида ўзбек адабиётида замонавий ғазалхонликнинг гўзал намуналари бўла олди. Бу билан шоир қадим ғазал жанрига янгича «тўн»лар кийдирди, уларга янги оҳанг ва оҳор берди. Девондаги ғазалларнинг кўпчилигида Мустақиллик, Озодлик, Одамийлик ҳақида сўз юритилади, уларда Мустақиллик ғояси ва комил инсон орзу-умидлари устувордир. Ғазалларни ўқир экансиз, кўз олдингизда кечаги Марказдан эҳсон кутиб турган мустабид тузумнинг оғир юки, халқимиз бошдан кечирган маълум давр кўз олдимизда яққол намоён бўлади. Халқ руҳини кўтарган, кўксини тоғ қилган Мустақиллик биз учун қанчалик

қимматли ва азиз эканлиги дилга яқин ғазаллар тилида ўқувчи шуурига янада илиқлик бахш этади.

Мазкур ғазалларда шоир туғилиб ўсган диёр, у ернинг сахий, қалби қуёш инсонлари намоён бўлади. Баъзи шеърларни ўқиганда Самарқанд яқинидаги гўзал тоғларни сайр этгандек, зилол булоқлардан сув ичгандек бўласиз. Тоғнинг мусаффо шаббодаси юзингизга урилиб кўтаринки кайфият бахш этгандек ғазал руҳингизга қанот бағишлайди ва юксак орзулар сари етаклайди. Мазкур ғазалларнинг ўқувчилар имтиҳонидан ўтиб, энг яхши баҳо олган, энг саралари сайланма сифатида терилгандир. Ушбу девонда шоирнинг 100 га яқин ана шундай ғазаллари ва XX асрнинг кейинги ўн йиллигида ёзган замон руҳи билан суғорилган энг яхши шеърлари киритилган.

Тўртинчи девон «Ҳуррият армонлари»да шеър ва ғазаллардан сўнг «Махзанул фикрат» номли рубоийлар ва тўртликлар гулшани бошланади.

Шоир Барот Бойқобилов қадим Шарқ шеъриятининг мукаммал ва синалган жанри рубоийда ҳам ўз маҳоратини синаб кўрди. Унинг рубоий ва тўртликларидаги фалсафий теранлик, ҳаётий кузатувчанликда кўпроқ буюк шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубоийларининг таъсирини сезиш қийин эмас. Бобур рубоийларидаги инсонни севиш, унга меҳр-шафқат кўрсатиш каби шеъриятнинг энг долзарб инсонпарварлик ғоялари Мирзо Барот рубоий ва тўртликларида ўзгача тараннум этилади, фикрлар теран ва ихчам, маънолар ранг-баранг, оҳорли, мисралар ўзларининг соддалиги, ҳаётийлиги билан ажралиб туради.

Яна шуни таъкидлаш керакки, кейинги даврда яратилган шеъриятнинг рубоий, ғазал, сонет шаклига хос ҳар бир асарда шеър техникасига, мисраларнинг оҳангдор жаранглашига жуда катта эътибор берилади. Яъни узоқ йиллар йирик шеърий асарлар, ажойиб сонетлар яратиб қаламини чархлаган Барот Бойқобилов ҳар бир тўртликнинг дастлабки мисрасиданоқ ўткир бир фикр айтишга ҳаракат қилади ва буни тўртликнинг кейинги мисраларида давом эттиради ва ҳатто кучайтиради:

Нодон ҳам донодир даврон сийласа,
Бахил ҳам саховдир даврон сийласа.
Даврон гар боқмаса даҳо ҳам хордир,
Гадо ҳам подшодир даврон сийласа.

Айниқса, кўплаб сонет гулчамбарлари ва сонетда достонлар яратган Мирзо Барот Самарқандий сонет «инжиқликларини» яхши билади. Гоҳо унинг оддий шеъридаги бандниг сўнгги қолипловчи мисраси кейинги бандда биринчи мисра бўлиб келади ва бу ҳол шеърга ўзгача бир тароват, оҳангдорлик ҳамда тантанаворлик бағишлайди.

Фикрни қисқа ва лўнда айтиш, айтганда ҳам ихчам миниатюра шаклида баён этиш ҳар қандай ижодкорнинг ҳам қўлидан келавермайди. Заҳматкаш шоир Барот Бойқобилов ўз рубоий ва тўртликларида буни яхши ҳис этган ҳолда қалам тебратиб, бемалол айтиш мумкинки, бу ҳолнинг уддасидан чиққан:

Бир кўнгил совуса, исиши қийин,
Бир эски яранинг битиши қийин.
Барча дардга гарчи топилар даво,
Бир бедаво дардки, дил иши қийин.

ёки

Ўт ёқиб ўтирдим ўчоқ ёнида,
Менинг қоним бордай ўтнинг қопида.
Жонимга жон кирди алангасидан,
Инсон жони бордай ўтнинг жонида.

Севимли хамсанавис шоиримиз Барот Бойқобилов кейинги йилларда рубоий ва тўртликлардан тузилган, тўрт қисмдан иборат адл ва хулқ аҳлининг достони — «Руҳнома» асарини яратди. Шеъриятнинг ғоят қийин, мўъжизавий бу жанрида ҳам Мирзо Барот самарали ижод қилди. 30 минг мисрадан иборат бу улкан достон ҳам нашр этилса, иншооллоҳ, шеъриятимиз хазинаси янада бойир эди.

Маълумки, ҳар қандай рубоий шоир ҳаёт сабоқлари ва ҳаёт фалсафаси билан боғлиқ бўлади. Умуман, рубоий яратиш учун аввало ҳаётнинг дошкозонида «пишиб» етилишга тўғри келади, десак янглишмаган бўламиз. Шундагина шоир ҳаётий сабоқлар асосида инсоф ва адолат, яхшилик ва ёвузлик, ҳавас ва ҳасад, одам ва олам, фано ва бақо ҳақида фикр юритиш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлади. Забардаст шоир Барот Бойқобилов бундай ҳаёт имтиҳонларидан кўп бор ўтган. Унинг мана бу рубоийлари ҳам гўё буни исботлаётгандек туюлади:

Инсофсизман демас ҳеч ким ўзини,
Виждонсиз деб билмас ҳеч ким ўзини.
Инсофу виждонни бир пулга сотиб,
Иймонсиз санамас ҳеч ким ўзини.

* * *

Учрашиб қолишди доною нодон,
Нодон бошида тож; доно лол, ҳайрон.
Кулиб деди нодон: «Донойи даврон,
Энди мен дономан, сен эса нодон»

Ҳаёт драмалари акс этган бундай рубоийлар одамни ўйга солади, беихтиёр одамгарчилик ҳақида фикрлашга ундайди. Мазкур рубоийлар шоирнинг айни шу кунлардаги ижоди намуналаридир. Рубоийларни ўқиганда шоирнинг сўз уммонидан катта машаққатлар билан бетиним дур ахтараётгани, катта илҳом билан ижод қилаётганига гувоҳ бўласиз, деган умиддамиз.

Мумтоз адабиётимиз тарихида Хисрав Деҳлавий, Алишер Навоийлар ҳам чордевон тузишгани маълум. Барот Бойқобиловнинг буюклар изидан боришини, уларнинг анъаналарини давом эттириб, рамзий маънода замонавий «Янги чордевон» тузганлигини фақат табриклаш мумкин.

Барот Бойқобиловнинг 1978 йилда нашр қилинган «Висол ва ҳижрон» тўпламида «XXI аср шоирларига» деб аталувчи бир шеъри бор. Шеър шундай бошланади:

Эй, долғали асрнинг навқирон шоирлари,
Чорак аср олдинроқ орзуйим айтдим сизга.
Сизга муштоқ минг-минглаб юрак жавоҳирлари,
Каҳкашон юлдузидай тўкилсин йўлингизга.

Икки мингинчи йилнинг муқаддас зинасидан,
Сизга таъзим этурман Навоийнинг қошида.
Бир муборак жой излаб ҳазрат Лутфий ёнидан,
Юзни кўзлаб турурман Янги аср бошида.

Бундан чорак аср олдин ёзилган ушбу шеърда мутафаккир шоир бугунги кунларини гўё олдиндан башорат килгандек кўринади. Шеърнинг давомини ўкисангиз, шоирнинг холис ниятлари вожиб бўлгандек кўринади, шарқона нуронийлик билан шоир сўзлайди:

Умримнинг тўрт фаслидан қўлтиқда тўрт жилд китоб,
Қўлимда асо билан даврангизга кирурман.
Сизлар эса қошимда қалам сурсангиз шитоб,
Дунёдан рози бўлиб, ёнингизда турурман.

Ана шундай ёнимизда турган, ҳаётда ҳамнафас, ҳамқадам шоир бугун ярим асрлик ижод намуналарини саралаб «Ҳаёт махзани» ёхуд «Ярим аср девони»ни тузиб, хурматли ўкувчилари, шеърхонлар ҳукмига ҳавола қилмоқда.

Шоир айтганидек:

Тингланг, дўстлар, Самарқанд сўзламоқда,
Эркин сўзга орзуманд сўзламоқда.
Элу юртга, Истиқлолга фидокор,
Ҳур фарзанди аржуманд сўзламоқда!

Тингланг, Самарқанд сўзламоқда! Мавлоно Мирзо Барот Самарқандий бўлиб куйламоқда!

Ботирхон ВАЛИХЎЖАЕВ,
академик

Самарқанд,
2001 йил, март

Девоча

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМОНИР РОҲИЙМ

Қадр кечасида кўрдим эҳтиром,
Дилимда, тилимда илоҳий калом.

Самога боқдиму зўр умид билан,
Қўлга қалам олдим — олам эди шаън.

Олам саҳар каби бўлиб беғубор,
Осойиш уйида ухларди диёр.

Булутлар йўқ эди олис осмонда,
Юлдузлар порларди гўё бўстонда.

Осмон тоза эди — кўк эди шаффоф,
Сарин ел эсарди, ҳаво эди соф.

Туядек мудрарди тоғлар узоқда,
Боғлару кўҳаклар эди мудроқда.

Аммо, Қадр кечасида оқ тулпор
Йўлига интизор кишилар бедор,

Уйғоқ эди — дарё каби уриб мавж,
Орзу-ҳаваслари қилган эди авж.

Кўкдан ерга тушмиш фаришталар ҳам,
Муқаддас заминда сайр этмиш хуррам.

Кеча файзли эди — сўлим, мусаффо,
Ватан боғларида жаннатий сафо.

Ойлар ичра азиз моҳи Рамазон,
Рамазонда азиз бўлса не инсон?

Нима тутсам олтин бўлади дебон
Оқ тулпор йўлига боқди беармон.

Ухламасдан чиқди тонггача улар,
Самога интизор кўзлар тикилар.

Дерлар: учиб ўтган чоғи оқ тулпор,
Кундуздай ёришиб кетгайдир диёр.

Мингдан бир кишига, Ҳақ қўлласа гар
Уни кўрмак, балки, бўлар муяссар.

Кўпдан орзу эди чордевон тузмак,
Улуснинг фақирга қарзини узмак.

Не ёздим, жамъ этмак зўр умид эди,
Дилимни ёритган нур — умид эди.

Хизрнинг йўлига боқиб интизор,
Орзую умидим кўрсатди дийдор.

Бирдан ёдга келди чордевон номи,
Бу, балки, фақирга Ҳақнинг инъоми.

«Ҳаёт махзани» деб бердию садо,
Арши Аълодан ҳам этди муалло.

Оқ тулпорда парвоз айладим гўё,
Кундуздек мунаввар кўринди дунё.

Тўрт девон номи ҳам келди бирма-бир,
Сўзимга улусим, балки, мунтазир:

Сайр этдим мен «Ҳайрат бўстонлари»да,
Меҳр кўрдим «Сафар эҳсонлари»да.

«Фикрат туғёнлари» дилга ўт солди,
«Ҳуррият армонлари» бағримда қолди.

Лайлатул-қадрга айтиб раҳматлар,
Кўнглимда уйғонди янги рағбатлар.

Назмий китобларим варақладим бот,
Улуғ майдон ичра гўё солдим от.

Ёзганларим кўриб чиқдим бирма-бир,
Лозим бўлса, қилдим камина таҳрир.

Ёнимда турмакни этиб ихтиёр,
Устозу шогирдлар бўлди мададкор.

Бир йил меҳнат қилдим — тиним билмадим,
Аламдан бағримни, аммо, тилмадим.

Яна қайтиб келди моҳи Рамазон,
Муслимлик фарзини бажардим комрон.

Яна меҳмон бўлди Лайлатул-қадр,
Ишим кўриб, менга тилади сабр.

Яна оқ тулпорни тонггача кутдим,
Саҳардан ўтганда жиловин тутдим.

Ва парвоз айладим мисли чавандоз,
Саодат йўлимга солди поёндоз.

Бир рубоий битдим, дўстлар, ўшанда,
Сўз билан сайр этиб сўлим гулшанда:

«Чордевон»га топдим ном Қадр кечаси,
Тўрт номни дил этди ком Қадр кечаси.

«Ҳаёт махзани» дуррин тухфа этгали,
Эл қошига урдим гом Қадр кечаси.

Эй, азиз юртдошлар — аҳли замона!
Дунёда кўрмадим Сиздек фарзона.

«Чордевон»им Сизга бир тухфа бўлсин,
Девонлар ичида хуш, турфа бўлсин.

Сиз билан кутдим шод янги асрни,
Сиз билан қурдим бот Сўздан қасрни.

Эски минг йилликдан ёдгор бўлсин у,
Янги минг йилликка пойдор бўлсин у.

Шу олий қасрда меҳмон бўлингиз,
Фақирдек умрбод комрон бўлингиз.

Кўзларим умидвор янги наслимга,
Марҳабо, Сўз билан қурган қасримга!

20[illegible]5
4952
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK



Биринчи девон

Ҳайрат бўстонлари

шеърлар ва достонлар

Не бахтки, салафлар кўлимдан тутди,
Тилим Навоийга ҳамоҳанг этди.

Ғизомий, Дехлавий, Жомий мавлавий
Имдод берди ғўё менга маънавий.

Кутлуғ анъанани қилғил деб давом,
"Ҳамса"нинг пирлари айлади икром.

Салафлар сўзидан ўйланиб қолдим,
Мозий боғларига кириб, йўқолдим.

Тарих сўқмоқларин кезиб пиёда,
Кўп сирри синоат кўрдим дунёда!

"Ҳиндистон Ҳамса"дан



УРҒУТ ВА БУРГУТ

Асл поэзия ҳаёт янғроғидир. Шу важдан одам туғилган кундан то сўнгги нафасигача поэзия билан тотув ва дарддош. Бу — она алласидан бошланади. Алла оҳанглари оғушида гўдак маст уйқуга кетади. Алла она орзулари, она хаёлларининг шеърий ифодасидир. Кейин гўдак эртакларга қулоқ солади — кўз олдига янги ва лол қолгулик хаёлий дунё порлаб келади: йўлбарслар, наҳанглар, аждарлар, жодугарлар, тилсимлар, семурғлар ва ҳаммасидан устун инсон... Бу гўдак хаёлини узоқларга олиб кочгувчи шеърият. Кейин у тўйларда лапар ва ёр-ёр, мотамларда йўқлашларга дуч бўлади. Алифбо уни Ойбек ва Ҳамид Олимжон шеърлари орқали Навоий ва Отойи кўчасига бошлаб келади, кейин Пушкин ва Маяковский кўчаси... Сабза мўйлов чоғида дил дардини ўзи ҳам қофиядош сўзларда ифодалаш зинасига оёқ қўяди. Севги ҳам, айрилиқ ҳам, ранж ҳам, шодлик ҳам, меҳр ҳам, кек ҳам, олчоқлик ҳам, олижаноблик хам, кўрқоқлик ҳам, ғазабу тантилик ҳам шеърда жаз этиб юракдан олади.

Бугун инсон орзулари, инсон туйғуларининг шеърий ифодаси дунё халкларининг шеърида бор ва борган сари нафислик, теранлик касб этмоқда.

Қобиллик, шоирлик одамга она сути — она табиатдан сийлик бўлса, шеър одамзоднинг ҳаётга гавҳардек тансиқ тортиғидир.

Барот Бойқобилов 1960 йили кузда ўн кунлик семинарга келган ёш қаламкашлар ўртасида энг умидли ва келажаги борлардан бўлди. Барот келтирган тўпламни ўша семинарда нашрга тавсия этдик ва ёзувчилар сафига тавсия этилган тўрт ёш ичида Барот ҳам бор эди. Барот семинарда синфбоши ҳам эди. Кейин билсам, у Ленин стипендияси олиб ўқитувчилардан экан. 1962 йилдан Барот Тошкентда, мен унинг китобларини ўқиб, кузатиб бораман. Ҳар янги китоб Барот учун янги бир поғона, янги марра десам холис гап бўлади.

Барот шеърияти ёшлик, бугундан рози, эртанги кунга ишонч, Ватанга ошиқлик шеъриятидир. Одам умрида ёшлик шеърга энг иноқ даврдир. Ёшлик ўзи шеър. Ёшликнинг ҳар кадами, меҳнату ботирлик, Ватанга фидойилик, кексаларга хурмат, ота-она бурчи, аскарлик бурчи, билимга ташналик, севги ва интизорлик, вафо ва умуман юксак одамийлик, ватандошлик, яратишга қодирлик, ўринли ғурур туйғуси ва ўринли ўч туйғуси, инқилобий романтика — ҳаммаси ёшликка хос шеърият.

Барот ўз тенглари ва шеърият шайдолари даврасида ҳурмати бор, тиниб-тинчимас, назирачилик поғонасидан сакраб ўтган, ўзига хос, орли-номусли шоирлардан. Барот кўп ўқийди, кўп изланади, эл кезади, йўл юради. Шу важдан у ўзгани такрорлашга зор эмас, мавзу доираси кенг. Шакли бой, ранг-баранг, фикрлар равон, мақсад очиқ. Чигил гап йўқ, жумбоқ йўк. Ғоявийлик, замонавийлик томирда қондай...

Шундай шоирлар борки, тайёрга айёр, ўйлаб, бош оғритиб, тўлқинланиб, қора терга тушиб, уйқудан кечиб, янги гап айтишдан жуда узоқ. Уларда истеъдод йўқ, дейиш хато. Истеъдод ва қобилият етиб-ортгулик. Фақат ижоднинг энг осон ва уят хили ботқоғида. Улар янги мавзу, янги тимсол, янги шеър пайдо бўлса, бас, дарҳол ўхшашини дўндиришга ёқа ушлаб ҳайрон қолгулик даражада уста... Уларнинг ақли кемтик, норасо дейиш хато. Ўқиш ва изланишга вақти йўқ дейиш ҳам хато. Фақат етук китобхон ҳурматини оёқости қилаётибди, десак, ўзини қарғиш ўқларига халаф қилаётибди, десак бехато бўлади. Барот шу важдан китобхон ҳурматига сазоворки, у изланишда, уринишда, яратишда, янги гап айтишда, зинама-зина юксалишда:

Шамга ўхшаб кетар менинг ҳам умрим,
Мен ҳам тунлар шамдек милт-милт ёнаман.
Сўзлар туркумига сингиб кўз нурим,
Оқ қоғоз бетига эриб томаман.
Бир жажжи хонани айлаб чароғон,
Шам ёнар пирпираб, умридан ризо.
Мен қоғоз бағрини этгум қора қон,
Одамлар бўлсин деб шеъримдан ризо.

Баротнинг адабиет даргоҳига келганига ўн йил бўлди — ўн китоб бўлди. Барот шеърларида туркман кумларидаги ҳарорат, тожик тоғларидаги ажиб саринлик, Қора денгиз кирғоқларидаги жаннатий ором, Ҳиндистон обидаларидаги мармар мўъжиза, Украина шаҳарларидаги гўзаллик — дўстлик тароналаридек жарангдор. Айникса, Ўзбекистон, туғилган диёр мақтовлари — Самарқанд ва Ургут тасвирлари эсда қолгулик. Барот шеърларида ёшликка хос қайноқ севги, одамларга хос вафо, бахт қушиқларидек ёқимлилик жуда ёркин. Барот қаер ҳақида ва нима ҳақида ёзмасин, негизида одам ва ҳаёт бор. Барот кезади. Кезаркан, кўрганлари ва юрагига чўғ солганларини шеърга олади. Мавзуида кенглик, шаклда ранг-баранглик ҳақида айтдик. Унинг сонет машқларини («Сонетлар»), ҳам ватандошлик пафоси тўлғин «Муҳаббат хиёбони» китобларини (кейинги китобларида!) кўзда тутяпман. Барот қаламига тегишли «Ўрта Осиё» шеъри дўстлик ҳам ватандошликнинг жўшқин, жарангдор қасидаси. Бу Ҳамид Олимжондан ўрганишнинг энг юксак намунаси! Озгина сайқал билан (шакл жуда меҳнатталаб!) умрбоқликка айланишига ишонаман.

Қаёнга боқмайин — кумуш пахтазор,
Боғларда сайр этар оқилу доно.
Бўстондан гул узар ёшлар бахтиёр,
Олқиш бўлсин сенга, эй буюк даҳо!
Ўрта Осиё!
Тўрт қутлуғ пойтахтда — тўрт жигар, қондош,
Менга қучоқ очиб дейди: — Марҳабо!
Олтин остонада мамнун эгиб бош: —
Салом сизга дейман, эй, қадим Бобо!
Ўрта Осиё!

Барот шеърларида севги мотивлари ҳам янги, ўзига хос, ўйноқи. Бу ўзгага ўхшамасликка ўта киришганлик белгиси:

Муҳаббат аталмиш бир хиёбондан
Мен сени изладим, сен эса мени.
Кўнгилга саодат битган достондан
Мен сени сўзладим, сен эса мени.
Ошиқлар қадами етмаган қирдан
Мен сенга гул тердим, сен эса менга.
Аму бўса олиб тургандек Сирдан
Мен сенга қўл бердим, сен эса менга.

Севги ҳақидаги «Дарё ва мен» шеъри ҳам мисол бўлгулик:

Мармар қояларга уриб тўшини,
Ошиқар дарё.
Йўқотиб қўйгандай эсу ҳушини,
Тош йиқар дарё.
Кўксидан сув эмас, сачрайди инжу
Олтин қумлоққа.
Қалбига сиғмайин тошар севинчи
Икки қирғоққа.
Босилар манзилга етгани сайин
Асовлиги ҳам.
Жилмайиб, қумликка сингади майин
Оловлиги ҳам.
Васлингга етгунча мен ҳам азиз ёр,
Дарёдек тошдим.
Кўксингга бошимни қўйгунча илк бор,
Дарёдек шошдим.

Барот шеърларида Самарқанд, Ургут ва бургут ўзак тема. Бу тушунарлик ва фахр этарлик. Хушҳаво, сўлим ўша туққан диёр ва меҳнаткаш инсон ҳамма чинакам шоирлар ижодида ўзак мотив бўлгани сир эмас.

Барот меҳнатида ва ғайратида камолот жараёни жуда яркираб турган пайт. Мен ургутлик навқирон ва азамат бургутнинг дадил қанот ёзиб, янги чўққилар эгаллашига дилдан тилакдошман.

МИРТЕМИР,
Ўзбекистон халқ шоири

1973 йил, 5 октябр.

Зарафшон мавжлари

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон – комронли юрт,
Эътиқодли, иймонли юрт,
Хонадони меҳмонли юрт,
Ота маконим менинг.

Ўзбекистон – боғбонли юрт,
Бағри боғу бўстонли юрт,
Эли марду майдонли юрт,
Тоза иймоним менинг.

Ўзбекистон – осмонли юрт,
Осойишу омонли юрт,
Қушлари хам ошёнли юрт,
Орзу-армоним менинг.

Ўзбекистон – қўрғонли юрт,
Сархадлари посбонли юрт,
Кўкси зирҳу-қалқонли юрт,
Дорул-амоним менинг.

Ўзбекистон – хирмонли юрт,
Дафинаси минг конли юрт,
Хазинаси армонли юрт,
Дурри рахшоним менинг.

Ўзбекистон – карвонли юрт,
Карвонлари сарбонли юрт,
Сарбонлари унвонли юрт,
Тахти равоним менинг.

Ўзбекистон – девонли юрт,
Тожу тахтли, султонли юрт,
Бахти боқий, давронли юрт,
Мулки жаҳоним менинг.

Ўзбекистон – ўғлонли юрт,
Ўғлонлари луқмонли юрт,
Лукмонлари туғёнли юрт,
Шеъру достоним менинг.

Ўзбекистон – икромли юрт,
Истиқлоли пайғомли юрт,
Истиқболи илҳомли юрт,
Олтин ошёним менинг.

Самарқанд,
1951

УРГУТНИНГ БУРГУТИ

Ургутнинг бургути учмакда баланд,
Қанотлари қайрилмас.
Фарзандим деса-да қадим Самарқанд,
Ўз тоғидан айрилмас.

Кенагасдан парвоз қилди саҳарда,
Сайр этди Ургутни.
Дунёнинг сайқали бўлган шаҳарда,
Улус кўрди бургутни.

Ўзбекистон деган улуғ бир диёр
Осмонида учар у.
Ва Сомон йўлини қилиб ихтиёр,
Юлдузларни қучар у.

Машҳур Самарқандга бўлса муносиб,
Қалбида орзу-хавас.
Бунда яшамоқлик қилса-да насиб,
Хаёлида Кенагас.

Самарқанд,
1951

* * *

Машойихлар: инсон умрини
Оқар сувга қилишар қиёс.
Майли, умрим оқар сув бўлсин,
Эл наф кўрсин оқар сувга хос.

1951

* * *

Прометей қуёшдан олов олган чоқ
Учқуни сочилиб юлдуз яралган.
Озодлик зарбидан қулаб тожу тахт,
Зим-зиё тунлардан кундуз яралган.

1951

ЖАҲОН САЙҚАЛИ

Ўспирин боламан – ўқиш билан банд,
Китоб – севимли дўстим.
Маърифат нуридан бўлиб баҳраманд,
Китоб ўқиб мен ўсдим.

Фикрлар улғайиб, зеҳним очилди,
Ақлим чархлар илму фан.
Бахтиёр тақдирнинг дури сочилди,
Олам экан бир гулшан.

Самарқанд – тарихнинг тирик ҳайкали,
Муқаддас шаҳар экан.
Жаҳоноро бўлиб жаҳон сайқали,
Тунлари саҳар экан.

Ҳар гўшаси сўйлар менга мозийдан,
Ажойиб ривоятлар.
Айирма, худойим, умри боқийдан,
Тинглайин ҳикоятлар.

Улуғ зотлар ўтган шаҳарда,
Зиёрат – менга одат.
Аждодлар мозорин йўқланг саҳарда,
Савоб эрур зиёрат.

Ўсмирлик бешигин тебратар хурсанд,
Регистон маҳалласи.
Фикру хаёлимни этиб олган банд,
Самарқанд тажаллиси.

Самарқанд,
1952

ИЛҲОМ БУЛОҒИ

Илҳом булоғининг турна кўзлари
Самарқандда очилди.
Қўшиқдек янграган шеърий сўзлари
Инжу каби очилди.

Булоққа ҳамоҳанг булбул сайради
Кўнглимнинг боғларида.
Бахт қуши сингари булбул яйради
Ургутнинг тоғларида.

Булоқ милт-милт қайнаб, жилға мавжланди,
Боғларга оқиб кетди.
Булбул наволари яна авжланди,
Тоғларга боқиб кетди.

Элу юрт жонига бағишлаб дармон,
Булоқ қайнар қалб аро.
Булбул қўшиғини тинглайди комрон
Самарқанду Бухоро.

Ҳали Ўзбекистон бўстонларида
Сўлим булоқ урар мавж.
Сокин ва мусаффо осмонларида
Булбул куйи олар авж.

Учрашармиз, дўстлар, бизлар ўшанда,
Яна булоқ бўйида.
Сайрибоғ этармиз бирга гулшанда,
Сармаст булбул куйида.

Самарқанд,
1952

* * *

Қалбим,
Севгим бердим сенинг амрингга,
Келгил, висол чоғин тарк айла бир бор.
Бу кун ҳам бош эгиб севги зарбига,
Илҳомим олдида қилма гуноҳкор.

* * *

Шеър бўлиб туғилар элга муҳаббат,
Мисрада акс этар қалбим тилаги.
Йиллар ўтар,
Шеърсевар авлод:
Шеърда қолган деяр шоир юраги.

1952

НАВОИЙ ЮЛДУЗИ

Навоий яшаган маҳалла
Хокини сурдим кўзга.
Кўнглим шеърга ошна маҳалда,
Тикиламан юлдузга.

Навоийнинг юлдузи бўлиб,
У менга кўринади.
Тоқи баланд осмондан кулиб,
Тушгани уринади.

Қўлларимни кўксимга қўйиб,
Эгиламан таъзимга.
У халқини жонидан суйиб,
Боқар шаҳри азимга.

Самарқанддек жумла жаҳонга
Нур сочади даҳоси.
Йўғрилгандир меҳри ҳар жонга,
Фақир Сўзин гадоси!

Самарқанд,
1953

* * *

Меҳнатдан қочмайман тонгдан то
оқшом,
Жоним сиғмас ичимга.
Полвон йигитлар ҳам менинг бу айём
Дош беролмас кучимга.

Тоғларни йиқитиб бўлмайди гарчанд,
Отай дейман қўпориб.
Беллашгим келади Алпомиш монанд,
Мардлик майин сипқориб.

Ўсмирлик даврининг кучу қудрати
Оламга сиғмай гўё.
Шердан баланд экан унинг журъати,
Қадрига етсин дунё!

Самарқанд,
1953

УСТОЗ ДУОСИ

Машҳур адиб даргоҳи
Регистоннинг пинжида.
У тарихнинг гувоҳи,
Янги раста кунжида.

Етаклаб борди отам
Мени ўша даргоҳга.
Таъзим қилдик биз хуррам
Сўзда Олийпаноҳга.

Тинглаб отам сўзини,
Айний шеърим эшитди.
Тикиб доно кўзини,
Тилагин баён этди:

«Улғайса бу полопон
Улғай деди сорбургут.
Бошин силаб мехрибон,
Фахр қилғайдир Ургут.

Келиб турсин, даргоҳим
Очиқ деди ёшларга.
Шоир бўлгунча токим
Боши тегар тошларга.

Машқини этмай канда,
Кўп ўқиб, кўп ўргансин.
Шоир аҳли арзанда,
Дилида ўтлар ёнсин».

Аллома сидқидилдан
Мени қилдилар дуо.
Ўқиб-ўрган деб элдан,
Жилмайди улуғ сиймо.

Устозга этиб қуллуқ,
Хайрбод қилдик хурсанд.
Бахтинг келди деб қутлуғ,
Қутлади шод Самарқанд.

Самарқанд,
1953

БИЗНИНГ БОЛАЛИК

Болалик,
О, бизнинг болалик!
Афсона не,
Эртак не билмай,
Оталар тиззасида
Мамнун ўлтирмай,
Оналар қўлида
Қолган болалик,
Оталар дардида
Толган болалик,
Сенга
Жанг кунлари
Эртак айтмоққа,
Кимнинг кўнгли
Бўларди.
Жанг кунлари
Ишдан эрта қайтмоққа,
Кимнинг кўнгли
Тўларди.
Оталар фашист билан
Олишган чоғда,
Бошига қўндоқ билан
Солишган чоғда,
Оналар қўш ҳайдаб,
Хирмон янчганда,
Оталар қахри қайнаб,
Ёвга қилич санчганда,
Оналар кетмон билан
Қазганда канал,
Оталар душман билан
Юзма-юз келган маҳал,
Буғдой нонга зор бўлган
Бизнинг болалик.
Буғдой сўзга ёр бўлган
Бизнинг болалик.
Оналар минг букилиб,

Чигит экканда,
Оталар иблис зотин
Гўрга тиққанда,
Оналар оч-наҳор
Эмизолмай гўдагин,
Оталар куриб мадор
Қучганда рус тупроғин,
«Палов» сўзин эшитиб,
Палов емаган,
Ҳатто гўжа ошга ҳам
Қорни тўймаган,
Бир парча зоғора нон
Дардида оч, болалик.
Кўнгли оху нолалик.
Оналарга дард-ҳасрат
Чанг солганида,
Оталар Ғарбга фақат
Йўл олганида,
Уруш ваҳимасида
Уйқуси бузилган,
Кампирлар лукмасидан
Кўнгли эзилган,
Кўзлари ёш, болалик.
Она кўз-қош, болалик,
Оталар ёвни тор-мор
Айлаган чоқда,
Оналар ёрга хумор
Шайланган чоқда,
«Биз енгдик!» деган сўздан
Кўнгли тоғ, болалик.
Ёшини артиб кўздан
Димоғи чоғ, болалик.
Болалик,
О, бизнинг болалик.
Не кунлар зарбини
Кўрган болалик,
Не тунлар жабрини
Сўрган болалик,
Болалик, дардингни
Айтмаганинг яхшироқ.
Болаларим умрига
Қайтмаганинг яхшироқ.
Болалик,
О, бизнинг болалик!..

1954

ЧИНОРЛАР

Субҳидам еллари эсар эркалаб,
Аллалаб тургандай япроғингизни.
Кўҳистон қизлари келар эрталаб,
Мендек сайр этгани булоғингизни.

Бўйингиз йигитдай барваста, кўркам,
Илдизингиз туташ ер меҳварига.
Самарқанд боғида сайр этиб юрсам,
Мехрингиз тортади мени бағрига.

Сизларни кўрганда тушар эсимга,
Илк дафъа ёрим-ла учрашган чоғим.
Вафони бахш этиб сизлар ишқимга,
Гулларга тўлгани иссиқ кучоғим.

Ишқдан сўзлашганда булоқ бошида,
Сизлар яширгансиз бегона кўздан.
Ўша дам акс этар ёр қарашида,
Умрбод манфаатдор бўлганман сиздан.

Бобом қўли билан сиз экилгансиз,
Фарзанди сингари тириксиз ҳамон.
Биринчи севгимга маскан бўлгансиз,
Неча йиллар оша турибсиз омон.

Ёрим-ла учрашган чоғим соғиниб,
Сизларни кўрганда завққа тўламан.
Шунинг-чун ҳар куни тонгда уйғониб,
Жамолингиз кўрмоқ учун келаман,
Чинорлар, чинорлар!

1954

МУҲАББАТ

Муҳаббатнинг кўчасига
кирмаган борми, дўстлар?
Унинг дилбар қўшиғини
куйламаган ўзи ким?
Бир моҳирўй йўлларига
нигорон бўлиб кўзлар,
Дардларини китоб қилиб
сўйламаган ўзи ким?

Ким, муҳаббат шаробидан
бўлмаган дейсиз сархуш,
Мажнун каби кезмаган ким
Карбало саҳросида?
Хаёл ила юлдуз санаб,
ўнгида ҳам кўриб туш,
Ким оромин йўқотмаган
муҳаббат савдосида?

Висол боғин осмонида
қуёш бўлиб муҳаббат,
Ошиқларни саодатга
ёр қилган бу замонда,
Унинг олтин саройида
топмай эрку фароғат,
Бевафолик сахросида
кимдир кезмиш армонда.

Юрагида аламлари
ёнармиш мисли гулхан
Ва кукунга айланармиш
орзую тилаклари.
Кўз илғамас уфқларда
уни чорлармиш гулшан,
Қулоғига кирмас эмиш
энди ишқ эртаклари.

Гўзал ҳаёт сароб янглиғ
кўринармиш кўзига,
Бегонадай туюлармиш
унга ҳамдард одамлар.
Афсоналар сўзлагандай
муҳаббатнинг ўзига,
Ул уфқсиз биёбонда
ғамгингина қадамлар.

Биродари азизларим,
мен айлаб раҳму шафқат,
Ўшал одам қайғусига
излайман бугун чора.
Ёлғиз боши бардош берган
қалбидаги ғам-ҳасрат,
Ёш умрини қилмай хазон
дардига бўлгум даво.

Муҳаббатда не айб ўзи,
айтинг ахир, дўстларим?
Ул ҳаётдай жуда қадим,
ҳамда биздай навқирон.
Ҳар юракда қолсин дея
менинг азиз изларим,
Биз камолга етган чоқда
қалбда бўлур ул меҳмон.

Ўшал кундан умримизни
ўзи айлар парвариш,
Орзумизга қанот берар,
қалбимиз айлар зебо.
Унинг гўзал давлатида
кўнглимиз билмас қариш,
Ҳаётимиз бўстонидан
эсади субҳи сабо.

Лекин баъзан муҳаббатнинг
тингламасдан розини,
Аччиқ ҳижрон шамолига
юз тутамиз дафъатан.
Чил-чил қилиб синдиргандай
аҳду вафо созини
Муҳаббатни гуноҳкор деб,
тунлар чекамиз фиғон.

Ана, ўша одам ҳамон
уфқсиз биёбонда,
Ишқ жабрини тортиб ёлғиз
ғамгингина қадамлар.
Сиз муҳаббат шаробидан
сархушсиз бу бўстонда,
Унга тезроқ ҳамдард бўлинг,
эй, меҳрибон одамлар!

1955

МИНОРАЛАР

Бошларига кўтаргандай нилий
осмонни,
Регистонда савлат тўкмиш юксак
минорлар.
Санъати-ла тонг қолдириб жумла
жаҳонни,
Қадим элим ҳунаридан сўйлар
меъморлар.

Ҳинд филига миниб келган ҳар бир
мармар тош,
Тоғни қўйса талқон бўлмас метин
пойдевор.
Тош кўксини тилиб битган ўтмишни
наққош,
Бу ёзувни юволмаган на ёмғир, на қор.

Осмондан дўл тўкканда ҳам ўжар
табиат,
Сайқал топган бўёғини ўчиролмаган.
Душманлар ҳам этганида мудҳиш
хиёнат,
Зангор ғиштин, мармар тошин
кўчиролмаган.

Регистондан ўтганимда ҳар кеч, ҳар
сахар,
Файласуфдай хаёл сурар сангин
минорлар.
Ҳар бир ғиштдан, ҳар бир тошдан
наққош ва меъмор –
Боққан янглиғ тилга кирди ғамгин
минорлар:

— Боболаринг бор ҳунари бизда
муҳайё,
Тош ёғса ҳам нақшимиздан ўчмагай
оти!
Меъморларга чўнг ҳайкалмиз бизлар
доимо,
Қуёш билан тенгдир улар умри,
ҳаёти!
Не бахтдирки, кишиликнинг улуғ
замонасида,
Миноралар кашф айлаган ҳусн,
камолот,
Барча одам меҳмон бўлиб остонасида,
Меъморларни, наққошларни этар
зиёрат.

Асрлар оша Улуғбекнинг расадхонаси,
Тиллакори билан Шердор машҳур
жаҳонга.
Таржимонсиз сўйлаб берар санъат
дунёсин,
Миноралар ҳар қитъадан келган
меҳмонга!

1955

КАДРДОН ДАЛАЛАР

Қадрдон далалар, сизлар ҳамиша
Ёлқинсиз дилга.
Кўркам жамолингиз кўрмоқ ишқида
Тушаман йўлга.

Этагингиз уфққа бориб туташар,
Нақадар гўзал!
Аму билан Сир ҳам сизлардан ўтар,
Куйлаб шўх ғазал.

Кўк билан ўпишган ҳайбатли тоғлар
Бошингиздадир.
Асов шалолалар, қайнар булоқлар
Қошингиздадир.

Кундуз қуёш, тунда ой бағрингизга
Тўкар олтин, зар.
Янги тўн ёпади яғринингизга
Паҳлавон эрлар.

Донаси олтинга тенг бўлган буғдой
Сиз эмасмисиз?
Чинни пиёлада шифобахш кўк чой
Сиз эмасмисиз?

Тоғ билан ўпишган пахта хирмони
Сиз эмасмисиз?
Элга машҳур бўлган Самарканд нони
Сиз эмасмисиз?

Яшил водийларда тўлишган майиз
Сиз эмасмисиз?
Ипак қуртларидан етишган атлас
Сиз эмасмисиз?

Қадрдон далалар, юрт бойлигида
Сизни кўраман.
Қаерда бўлмайин эл чиройида
Сизни кўраман.

Қадрдон далалар, сизлар ҳамиша
Ёлқинсиз дилга,
Кўркам жамолингиз кўрмоқ ишқида,
Тушаман йўлга.

1956

* * *

Бир шаҳар борки жаҳонда
ҳар гўшаси кошонадур,
Ҳар кошона узукка кўз
бўлган каби дурдонадир.

Дур донасин изласанг гар
топмагайсан бу оламдан,
Олам ичра тенги йўғу
қуёш каби ягонадир.

Афросиёб, ё Муқанна
сўзласинму тарихидан,
Ёвга таслим бўлмоқ унга
бир умрга бегонадир.

Искандару Дорони ҳам,
Қутайбаю Чингизни ҳам
Тавбасига таянтирган
йигитлари мардонадур.

Амир Темур салтанати
гар титратган бўлса жаҳон,
Улуғбекдай мунажжими
юлдузларга парвонадур.

Қай бирини иншо этай,
сенга бугун, эй замондош,
Бу шаҳарнинг шажараси
шоҳнома ё жангномадур.

Бахт мевасин тотиб бугун
кўкси тоғдай ўсмиш, ажаб.
Ғам-аламдан кўнгли холи,
бир-бирига ҳамхонадур.

Кўкси узра қўлин қўйиб,
меҳмон кутар мезбонлари,
Тўй деганда самарқандлик
Барот каби фарзонадур.

1956

ҚОРА КЎЗЛАР

Қора кўзлар,
Сеҳргар кўзлар,
Мени ипсиз боғлаб қўйдингиз.
Бахтимни ҳам бергандек сизлар
Шарму ҳаё билан суйдингиз.

Қора кўзлар,
Ҳар боқишингиз
Бир умрни бахш этди менга.
Юрагимга ўт ёқишингиз,
Садоқатни нақш этди менга.

Қора кўзлар,
Токи ҳаётсиз,
Ҳамма хумор сизни кўрмакка.
Тилларда ҳам қўшиқ, баётсиз,
Эрк бергансиз сев деб юракка.

Қора кўзлар,
Шам янглиғ сўнсам,
Сизда қолар сўнгги нигоҳим.
Она ерда гул бўлиб унсам,
Сизга тушар яна нигоҳим.

Қора кўзлар,
Эрк бериб сизга,
Дилда ёнар севги чўғингиз.
Қорачиғдай кўрк бериб сизга,
Кошки, бўлсам қорачиғингиз.

1956

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСИДАСИ

Оромижон тоғларингда сайр
этганимда,
Зарафшоннинг қирғоғида шеър
битганимда,
Самарқанднинг боғларида ёр
кутганимда,
Бахт ҳақида ўқиб бердинг гўзал бир
достон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Онасини севганидай ҳар азиз
фарзанд,
Сени севдим, сен онамсан, сен-ла
қалбим банд.
Кучоғингда юз баҳорни кўрсам-да
гарчанд,
Сендан йироқ кетолмайман, кетмам
ҳеч қачон.
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Юлдузларга ўзбегим қўл узатганида,
Онажонлар ўғлин чўлга кузатганида,
Сарвиноздар тўйга неъмат
тузатганида,
Меҳринг дилга жо айлади
минг-минглаб меҳмон.
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Одам бир дам яшай олмас бўлмаса
юрак,
Сен қалбимсан, сен қадримсан, сен
эзгу тилак.
Сенсиз менга инсон бўлиб яшаш не
керак?!
Ризқу рўзим, пок иймоним, ўзинг
жонажон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Йўлим тушиб меҳмон бўлсам Етти
иқлимда,
Аму, Сирлар тўлқинланиб она элимда,
Сенга соғинч қўшиғини битиб
дилимда.
Ҳузурингга таъзим этиб қайтгум шу
замон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Кумуш пахта хирмонларинг Чотколга
тенгдир,
Улуғ элинг юрагидай юрагинг кенгдир.
Еру кўкни безай олган сенинг
мулкингдир,
Сен тўқиган атлас етар куёшга чунон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Кўз бўлмаса қарай олмас жаҳонга
одам,
Сўз бўлмаса битилмайди шоҳ асарлар
ҳам,
Сен – кўзимсан, сен – сўзимсан,
сен – қутлуғ қалам,
Менинг киндик қоним томган
муқаддас макон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Фарғонада бир чақалоқ келса дунёга,
Сирдан боғлар бунёд бўлса чўли
Мирзода,
Тошкент аҳлин хумор кўзи тўлур
зиёга,
Олим инсон қудратидан яшнаган
бўстон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Амир Темур бешигини тебратган
юртим,
Улуғбекни юлдузларга қаратган
юртим,
Навоий ва Бобурларни яратган юртим,
Шарқ уфқида Чўлпон каби ўтли
ғазалхон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Онасини сенганидай ҳар азиз
фарзанд,
Сени севдим, сен онамсан, сен дилга
пайванд,
Қучоғингда юз баҳорни кўрсам-да
гарчанд,
Сендан йироқ кетолмайман, кетмам
ҳеч қачон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

1957

ҚАЙТГАНДА

Салом, Ургут!
Салом, онажон!
Ўзбекистон Кавкази, салом!
Сени кўриб ёнди ўтсимон
Юрагимда соғинч ва илҳом.

Ўша чинор,
Ўша булоқ, сой,
Юксак тоғлар жилвасин кўрдим.
Далаларга бахш этган чирой
Сўлим боғлар мевасин кўрдим.

Ҳар гўшаю
Ҳар дара, қишлоқ
Хазинамдан майли олгин, дер.
Соҳибкорлар қаршилаб қувноқ,
Умринг бўйи бизда қолгин, дер.

О, она ер!
Мехринг булоғи
То тирикман – жўшар юракда
Ва сен ёққан умрим чироғи
Порлаб турар юксак-юксакда!

1957

БОҒ КЎЧАДАН ЎТГАНДА

Соч ўрарди боғда бир сулув
Сўрмоқ бўлдим бир пиёла сув,
Аммо чўмдим ширин хаёлга:
Шунча сочин олдийкин қайдан?
Қолишмайди чиройда ойдан.
Ғўс гўзали шудир, эҳтимол,
Покиза қалб ва лафзи ҳалол.
Тушмагандим бундайин ҳолга.
Балки, майда ўриб сочини,
Оширмоқчи ёр қувончини.
Балки, эрта ўқишга жўнар,
Қарши олар қайси бир шаҳар.
Балки, тамом бошқадир ўйи.
Балки, билар менинг қайтишим,
Унга бирор сўзни айтишим,
Пешвоз чиқмоқ истаб йўлимга,
Оташ солмоқ бўлиб дилимга,
Сочин майда ўраётгандир.
Девор оша кўрдими, дейман.
Ё кўнглига кирдимми, дейман,
Интизордим бир қарашига,
Боқди.
Аммо рўмоли билан
Юзларини яширди гўзал.
Ташналигим унутиб шунда,
Ғўсдан қайтдим юрак тўлқинда,
Аммо кўнглим ўшандан бери
Соғинади боғ кўча сайлин,
Соғинади боғ кўча сайрин.

1957

БАҲОР

Деразамни чертган субҳи сабодай,
Бодом куртагида қиласан наъма.
Ирмоқлар тилида янграб наводай,
Чечаклар лабида тутасан бўса.

Музларни эритиб тоғ чўққисидан
Мармар водийларга бошлаб кетасан.
Мени имлагандай ёр дарчасидан
Қалбимга ишқ чўғин ташлаб
кетасан.

Қуёшни куйдириб бир имо билан
Қирларда қурасан лола базмини.
Меҳрингдан мавж уриб яйрайди
кўклам,
Гулга бахш этасан булбул назмини.

Кўнглин халос айлаб аччиқ фироқдан
Ошиқлар олдида ғолиб турасан.
Не-не қалдирғочни чорлаб узоқдан
Уйимга қўноққа олиб кирасан.

Йўлингга мунтазир ёр юрагига
Муҳаббат куйини солиб кетасан.
Заҳматкаш деҳқонлар ўй-тилагига
Ёр бўлиб, бир умр қолиб кетасан.

Кўнгилларни айлаб ошифта-ю, маст
Ўлкамда кезасан гўзал, осуда.
Кўшиғингни қилиб юракка пайваст,
Одамзод ўқийди сенга қасида.

Ваъдага ошиққан дилбар ёр янглиғ
Висол алангаси ёнар қалбингда.
Кўзларинг қараши шунчалар тиниқ,
Юрак эриб кетар сенинг олдингда.

1958

* * *

Нурдан кошона ясаб
эй, қуёш маконида,
Бир юлдуз порлаб турмиш
Самарқанд осмонида.

Она тупроқ шод бўлиб
қўлга олса оина,
Ўз аксини кўрмиш ул
зилол Зарафшонида.

Яркираган толедан
бошга киймиш олтин тож,
Бахтин намойиш этмиш
иқбол Каҳкашонида.

Қуёшни қалам айлаб
неча йил чекмиш рақам,
Соҳиби сухан янглиғ
Навоий девонида.

Каҳкашонда не юлдуз
унга бўлмиш парвона,
Дур излаган ғаввосдек
маърифат уммонида.

Тожигу озар кўкин
Сурайё янглиғ безаб,
Дўстликка маёқ бўлмиш
ўзбек ошиёнида.

Не ажабким, Улуғбек,
шу юлдузни бир замон,
Каромат этган бўлса
«Зижи Кўрагоний»да.

1958

ИККИ ҚАЙРАҒОЧ

Ургутга борардим бир куни яёв,
Ҳамроҳ бўлиб қолди йўлда бир ошнам.
Қуёш ҳам сочарди нурин беаёв,
Қайрағоч тагида бир оз олдик дам.

Узоқдан чалинди кўзимга аён
Камангарон бетда икки қайрағоч.
Ҳайронман, буларни ким экkан, қачон?
Ошнам, билсанг, тарих саҳифасин оч?

– Юз йиллар муқаддам қадим Ургутда
Бир одам яшаган, фарзанд кўрмаган.
Умри ўтган экан доим ғурбатда,
Фарзанд сурурини, завқин сурмаган.

Мендан ҳам ҳаётда қолсин деб ёдгор,
Икки қайрағочни экиб кетганмиш.
«Фарҳод», «Ҳаёт» дея ном қўйиб сўнг
бор,
Бечора дунёдан ғамгин ўтганмиш.

Шундан бери, дўстим, икки қайрағоч
Ўша одам янглиғ ҳаёл сурармиш.
Одамлар йўлига бўлгандек мушток,
Икки тепаликдан боқиб турармиш.

Отахон, одамлар, эслайди ҳар вақт
Фарзандсиз ўтсанг ҳам ёруғ оламдан.
Сен каби тирикдир «Фарҳод» ва
«Ҳаёт»,
Кишилар миннатдор сендай одамдан.

1958

ПЎЛАТ ВА МУҲАББАТ

Қуюв цехи.
Қайноқ эритма
Оловланиб мартенда ўйнар.
Сувдай оқар тарновдан пўлат,
Ишчи йигит юраги қувнар.

Юзларида томчи-томчи тер,
Тизилгандай марварид шода,
Кўзларида шижоат ёнур,
Артмоқ бўлиб терини шу он

Рўмолчасин олди-ю Билол
Кўрди унда ёри аксини.
Қиз тортиғи — шойи дастрўмол
Ёдга солди севги баҳсини.

Учрашганда деярдим: — Эркам,
Ҳар нарсадан кучлидир пўлат.
Ишонардинг, ўхшатардинг ҳам:
«Пўлат каби бизнинг муҳаббат».

Мен ҳам ишчи бўлгандан буён
Эритаман мартенда металл.
Сенга айтган сўзларим, ишон,
Севги бахсин қилолмабди ҳал.

Эрир экан ҳар нарса ўтда,
Мойдай эриб, оқаркан пўлат.
Энди сезсам, эркам, пўлатдан —
Кучли экан бизнинг муҳаббат.

1958

ШЎХ КЎЗЛАР

Сени жуда зебо дейдилар,
Ақлда ҳам доно дейдилар.
Лекин сенинг сеҳргарлигинг
Шўх кўзингда бино дейдилар.
Унда қанча муҳаббат
Ҳам гўзаллик, нафосат.

Топилмасдан дардим чораси,
Борми десам сенда давоси,
Мени баттар қийнар бегумон
Шўх кўзларинг шарму ҳаёси.
Ўша ҳаё, назокат
Бермайди менга роҳат.

Ҳар кўрганда қоламан ночор,
Енгиб бўлмас қанча ҳукми бор.
Бир қайрилиб қарасанг жонон,
Мен бу бахтдан куйлашга ҳумор.
Ақлим олган шўх кўзлар,
Ишқимдан қачон — сўзлар?

1958

* * *

Э дўстлар, дил сафоси
Самарқанд ҳавосидан,
Бу кўнгилнинг оқлиги
Самарқанд сафосидан.

Илми осмон сирларин
Улуғбекдан ўргандим,
Олим нигоҳин излаб
Самарқанд самосидан.

Ашъор диёрин кезиб
яратдим бир иморат,
Накши нигори ноёб
Самарқанд биносидан.

Мухаббат чорбоғига
кириб келдиму бир кун,
Севги дарсин ўргандим
Самарқанд зебосидан.

Фасли Наврўз келганда
изҳори дил айладим,
Ёр қўлига хол чекиб
Самарқанд хиносидан.

Соғинчлар оташида
ёнса қалбим ўртаниб,
Дўстлар ҳолин сўрайман
Самарқанд сабосидан.

Кошки, эларо эъзоз
Топса ашъоринг, Барот,
Қўшиқларинг оҳанги
Самарқанд навосидан.

1959

СЕН ЭЛИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙСАН

Ҳамид ОЛИМЖОНга

1

Онажоним, гўзал Зарафшон,
Юрагимда меҳринг бир жаҳон!

Кеча-кундуз ҳаёлимдасан,
Менинг мангу иқболимдасан.

Кўнглим яйрар сени ўйласам,
Илҳом қайнар сени куйласам.

Сен билан мен ҳаётда борман,
Сен билан мен шод, бахтиёрман.

Бир сония билмай ҳаловат,
Умрингга ёр бўлиб тароват.

Атлас ёйиб соҳилларингга,
Зар ўрайсан кокилларингга.

Сен қўшиққа, куйга маконсан,
Сен илҳомга, ўйга маконсан.

Сен нақадар бахтли дарёсан,
Бахтли элда тахтли дарёсан!

Шунинг учун бахтиёрсанки,
Қўшиқларда мангу борсанки,

Бўйларингда Ҳамид Олимжон
Бахт ҳақида тўқиди достон.

Бу достонни ўқимоқ учун
Таъзим қилар эл сенга мамнун.

Шодлик ва бахт куйчиси бўлиб,
Бир умрга қуёшдай кулиб,

Шеъриятда мангу қолди у,
Минглаб қалбга илҳом солди у!

2

Буюк устоз Ҳамид Олимжон,
Сен яшайсан тургунча жаҳон!

Шон-шуҳратинг билмагай сарҳад,
Эл қалбида сен борсан абад.

Ўз элининг бахтин куйлаган,
Шодлик билан достон сўйлаган

Шоир яшар эл юрагида,
Яшар унинг ўй-тилагида!

Шеъринг асло қайғуни билмас
Бахт гулидек мангуга сўлмас.

Унда доим мавж урар баҳор,
Унда яшар қалблар бахтиёр.

Кабутардек ул этар парвоз,
Юракларга бахш этар пардоз.

Булбул олиб ундан андоза,
Ҳур севгини қилар овоза.

Дарё бўлиб тошган куйларинг,
Қалбингдаги орзу-ўйларинг,

Юртим каби мангу озоддир,
Ундан барча кўнгиллар шоддир.

Бахтни мақтаб, бахтни олқишлаб,
Шодлик тўла юрагинг яшнаб,

Куйлаганинг сабаби бордир,
Оҳангига эллар хумордир.

3

Бахт изласа бўлиб хору зор
Ўз юртида чеккандир озор.

Ҳатто тунда кўрмайин чирок
Эл калбини эзар ғам, фирок.

Зулмат ичра кулфати ошиб,
Бахт йўлини топмай адашиб,

Юрак-бағрин эзиб дард, кулфат,
Тор кулбада чекиб ғам, заҳмат.

Ҳасрат этиб қалбини пора,
Мунгли ўтган қанча бечора.

Маъшуқасин кўрмай ошиқлар,
Висол тотин сўрмай ошиқлар,

Мажнун бўлиб чўлларда кезган
Ва ҳаётдан умидин узган.

Ғам боғида сарғайиб юзлар,
Гулдай сўлган вафодор қизлар.

Қайғу-алам сиғмай юракка,
Урилгандай тўлқин қирғоққа.

Жиззах эли кўтарганда бош,
Бу мард элга бўлиб қайғудош,

Ғазабларинг урганда туғён,
Оромини йўқотганда жон,

Сенинг маъсум қалбингда, устоз,
Садо берган саодатли соз!

Эл ғамига беролмай бардош,
Термилганда, самодан қуёш,

Силагандир азиз бошингни,
Излаб сенинг дўст, қардошингни!

Шодлик элга бўлганда меҳмон,
Ўзин озод кўрганда инсон,

Ғамни қарғаб, эл бахтин мақтаб,
Бахт ўлкасин шаънига атаб,

Қўшиқ куйлаш бўлмиш одатинг
Ва хаётда зўр саодатинг!

4

«Учар гилам» ҳамда «Ёрилтош»
Айтилгани чиққунча қуёш,

Хотирангда сақланиб бутун
Бермиш сенинг умрингга мазмун.

Сен куйлаган ўлмас қўшиқлар,
Шеър боғида сўлмас қўшиқлар.

Ўша кунлар туғилгани рост,
Она меҳри йўғрилгани рост.

Бахтга ошна бўлган чоғингда
Қуёш ёнмиш кўз-қароғида.

Бахтга ҳамдам бўлганда элинг,
Қўшиқ билан мавж урмиш дилинг.

Самарқандннинг кучоқларида,
Зарафшоннинг қирғоқларида

Ҳаёт созин берди бахтиёр
Қўлларингга жонажон диёр.

Сен ўқиган билим маскани,
Шеъриятнинг сўлим чамани.

Кўнглим этди ўзига ошна
Ва ҳаётда айлади ташна.

Мен ҳам унда фан булоғидан,
Маърифатнинг шам чироғидан

Ёшлигимда бўлиб баҳраманд,
Сенга содиқ бир шогирд монанд.

Самарқанднинг педбилим юрти,
Озод элнинг чин илм юрти

Ёркин бўлсин истиқболинг деб,
Тонгдай кулсин бахт-иқболинг деб,

Бошинг узра бўлиб чароғбон
Йўлларингни этди чароғон.

Мен ҳам ўша билим даргохин,
Шеъриятнинг шан қароргоҳин

Нафас олдим соф хавосидан,
Дил яйради бахт навосидан.

5

Қўйганингда ҳаётга қадам
Жангда эди ўлка ва одам.

Қалбда ёниб илҳом ва иқбол,
Шеъриятни қилиб зўр қурол.

Сен отилдинг ўтли майдонга,
Қанот бериб шеъру достонга.

Ҳар жабҳада урдинг-да жавлон,
Томирингда ловуллади қон.

Кутганида сендан бир нажот,
Кўзларингда ёниб шижоат.

Содиқ қолиб айтган сўзингга,
Бахт учқуни чақнаб кўзингда,

Шодлик ва бахт бўлиб зўр ҳамдам,
Ҳаётингга келди илк «Кўклам».

Курашларда касб этиб қудрат,
Сен тобландинг мисоли пўлат!

6

Ҳар бир уйда бахтни кўрдинг сен,
Шеър боғида жавлон урдинг сен.

Эл бахтини этдинг тараннум,
Куйларингга эл бўлди мафтун.

Куйлар кўпдир бу озод элда,
Куйлар кўпдир озод ҳар дилда.

Аммо сенинг куйларинг, устод,
Қошида бош эгар не авлод!

Неча аср бахтин излаган,
Бахт йўлида толиб, бўзлаган,

Ўз юртида бўлиб хору зор,
Умри ўтган элларнинг ночор.

Орзуси бор сенинг куйингда,
Бахти кулди юрган йўлингда.

Шунинг учун бахт куйчисисан,
Шеъриятда бахт йўлчисисан!

Шеърииг ўқиб такрор ва такрор
Неча тунни ўтказдим бедор.

Ҳар сўзини дилга этдим жо,
Ҳар сўзида кўрдим бир маъно.

Қалбда ёниб ўтли эҳтирос,
Пушкин билан айладим қиёс.

Сен элимнинг қалбида борсан,
Сен элимнинг меҳрига ёрсан.

Шеъриятда сен донг таратдинг,
Сўз-ла ўлмас ҳайкал яратдинг.

Бу ҳайкалнинг умридир мангу,
Ўз элингдек мангу яшар у!

Бу ҳайкалга ҳар янги авлод
Фахр билан таъзим этар шод!

Самарқанд,
20 декабр, 1959

ЖАРҚОҚ ДЕНГИЗИ

Дўстим, Жарқоқ денгизининг сийнасига боқ,
Гунафша ранг тўлқинида қуёш ёнади.
Кўзларингга дурбин қўйсанг кўринмас кирғоқ,
Бир зўр ўтки, ҳатто унда чўнг тош ёнади.

Денгизларга қуйилади дарё одатан,
Қай денгиздан дарё оқар, тўлқини ял-ял?
Табиат ўз бойлигига боқиб дафъатан
Қай денгизда олов ёқар, ёқар зўр машъал?

Денгиз десам, нечун сатҳи кенг эмас, дейсан?
Газ кон десам, қандай ёпдинг бетини, дейсан?
Дарё десам, тўлқинлари кўринмас, дейсан?
Қуёш десам, қандай олдинг ўтини, дейсан?

Дўстим, Жарқоқ денгизи ҳам осмон қадар кенг,
Фақат уни қоплай олган муқаддас тупроқ.
Ҳарорати минглаб қуёш ўти билан тенг,
Она ернинг меҳр ўти, қуёши Жарқоқ!

Ер остида жавлон урар, Жарқоқ денгизи,
Дарёси ҳам ер остидан оқиб ўтади.
Ҳаёт учун ёқилғининг асл, тенгсизи,
Ватан ичра ўз газини ёқиб ўтади.

Дўстим, Жарқоқ газ денгизин қулфин, тилсимин
Очмоқ учун калит бўлди илму фанимиз.
Оловкорлар ҳаёт сари бурди газ йўлин,
Газ туфайли яна ортди обрў, шаънимиз.

Корхонада кимёгарлар солишар ишга,
Оташ бўлиб ўтга буркар ўзбек шеърини.
Жарқоқ гази оқиб кирар бизнинг турмушга,
Кўз-кўз этиб она ернинг қайноқ меҳрини!

1960

СИЁБ

Сиёб,
Баҳор бахмал ёйган
Қирғоқларингдан
Болалигим изладим.
Болалигим изладим.
Болалигим меҳри билан
Қишлоқларингда
Бўзтўрғайдай бўзладим.
Бўзтўрғайдай бўзладим.
Сиёб,
Сўйла
Болалигим ҳақида эртак,
Юрагимга кўчирай,
Юрагимга кўчирай.
Болалигим гулшанидан
Тергали чечак,
Юрагимни учирай,
Юрагимни учирай.
Қатор толлар соясида
Болалик кунлар
Сенда кўнглим ёзганман,
Қирғоғингда кезганман.
Бешигида тебратганда
Зилол тўлқинлар,
Баликлардан ўзганман,
Таним енгил сезганман.
Афросиёб қирларида
Қувнаганимда
Атир пуркаб гулингга,
Узатгансан қўлимга.
Боғибаландда
«Аскар-аскар» ўйнаганимда.
Барқут тўшаб йўлимга,
Завқ бергансан дилимга.
Анжирзорга кирганимда
Бир кун эрталаб,
Боғбондан яширгансан,
Боғбондан яширгансан.
Қўшни қизга олма от, деб.
Мени етаклаб,
Девордан оширгансан,
Девордан оширгансан.
Кечалари тунаб қолиб
Қирғоқларингда,
Тонг юлдузин кутганман,
Илк шеъримни битганман.
Қуёш билан бирга туриб,
Гулбоғларингда
Мактабимга ўтганман,
Дил созини чертганман.
Сиёб,

Яна бўйингдаман,
Қуминг, қирғоғинг
Кўзларимга тўтиё,
Кўзларимга тўтиё.
Сиёб,
Яна кўйингдаман,
Қишлоғинг, боғинг
Асири бўлдимми ё?
Асири бўлдимми ё?
Сиёб,
Рақсга тушган
Нозли тўлқининг билан
Бўй қўшгансан бўйимга.
Болалигим шўхлигидай
Куйлаб шеър, ўлан,
Куй қўшгансан куйимга,
Ўй қўшгансан ўйимга.
Болалигим
Тўлқинларинг беланчагида
Аллалагансан, Сиёб!
Аллалагансан, Сиёб!
Қулф ургансан
Умрим боғи гул-чечагида,
Болалигимсан, Сиёб!
Болалигимсан, Сиёб!

1960

УРГУТ

Карж-карж тоғлар этагида бор
хазинасин,
Жавоҳирдай кўз-кўз этиб юксалар
Ургут.
Кумуш сочли чўққиларга қўйиб
сийнасин,
Чўнг билакли паҳлавондай тер тўкар
Ургут.

Харсанг тошлар кўксин ёриб муздай
булоқлар,
Она ерим шифосини берар дилимга.
Қирларда кезганимда майса, ўтлоқлар
Баркут янглиғ пояндоздир юрган
йўлимга.

Кўзларимни асир этиб минг хил ноз
билан
Қояларнинг чеккасида кулар лолалар.
Далаларни жаранглатиб олтин соз
билан
Мен билмаган куйни айтар шўх
шалолалар.

Чинорларнинг пўстин тилиб отини
битган,
Болалигим бошлаб кетар зумрад
яйловга.
Тоғда кезиб, меҳнат билан суяги қотган,
Болалигим каклик излаб чиқарар овга.

Тоғ кўксига ёнбошлаган чексиз узумзор,
Мевазорлар мўл ҳосилдан кўтаролмас
бош.
Боғ илмини сувдай ичган ҳар бир
соҳибкор
Санъатини олқишлайди ҳаттоки қуёш.

Етти ёшдан етмиш яшар чолига қадар,
Ҳасса тутган кампири-ю келинлари ҳам,
Тонготардан боғлаб олиб белига камар,
Ниҳол экар, боғ яратар Ургутда,
ошнам.

Гиёҳ битмас тошига ҳам экса қаламча,
Бир ой ўтмай ниш отади янги боғ
бунда,
Ўтмишининг довруғи ҳам кетган оламга,
Боғбонларин бахти кулган, вақти чоғ
бунда.

Чинорларин соясида, булоқ бошида
Самарқандниng шоирлари қалам
йўнади.
Йигит-қизлар учрашади севги ёшида,
Қўлларига бахт қушлари келиб қўнади.

Қиш палласи тўй-томоша, улоқ
чопилар,
Йигитларин даврасида янграйди алёр.
Қахратонда истасангиз узум топилар,
Базмлари авжга минмас, бўлмаса ёр-ёр.

Етмиш ёшли чоллари ҳам тушар
ўйинга,
Ҳофизларин қўлларида рақс айлар
дутор,
Йигитлари беллашади ҳосил тўйида,
Алп одамин чехрасида барк урар баҳор.

Карж-карж тоғлар этагида бор
хазинасин,
Жавоҳирдай кўз-кўз этиб юксалар
Ургут.
Кумуш тўшли чўққиларга қўйиб
сийнасин,
Чўнг билакли паҳлавондай тер тўкар
Ургут.

1960

«КЎЗ ТЕГМАСИН» СЕВГИМГА

(Ҳазил)

Севгидан баҳс очса акамлар,
Эшик тирқишидан пойлардим,
Узоққа чўзиларди бундайин дамлар,
Гапларини кўнглимга жойлардим.
Жойлардиму
Ипидан игнасигача
Етказардим ойимга.
Баъзан акам «чақимчи» деб,
Ётқизмасди жойимга.
У вақтлар севгининг
Нималигин билмасдим.
Акамдаги олов туйғуни
Назар-писанд қилмасдим.
Акамнинг бошидаги савдо
Букун менга тушиб қолибди.
Кўнглимга солиб ғавғо
Хаёлимни бир қиз олибди.
Лекин мен акам каби
Сир бермайман ҳеч кимга.
Қизиқ экан ошиқ қалби,
«Кўз тегмасин» севгимга.

1960

ГЕОЛОГ ҚИЗГА

Эй, геолог!
Эй, маърифат дарёсидан
ичган қиз!
Эй, духоба либос кийган –
тоғлар сари учган қиз!
Эй, сен, малак! Бир дақиқа
сўзларимга қулоқ ос.
Сенга ҳурмат,
сенга ихлос,
юрагимда
беқиёс.
Чўнг қоялар таққанида
чеккасига гул-лола,
Чўққилардан оққанида
кумуш ёлли шалола.
Қайчи қанот лочин каби
тоғлар сари учибсан,
Тоғ илмини сипқорибсан,
тоғ кўзини очибсан.
Нор туядай ухлаб ётган
бурма тоғлар сийнаси,
Ўз бағрида сақлаб келмиш
она юрт хазинасин.
Хазиналар эшигини
тилсим этмиш табиат,
Унга калит тополмасдан
ўтган эмиш одамзод.
Юртим сенга берганида
хазиналар калитин,
Кекса тоғлар тилсимини,
қулфини очди илминг.
Ҳароратли қучоғидан
сенга айлади эҳсон,
Бири олтин,
бири мармар,
бири темир ва
маъдан.
Эй, геолог!
Эй, нафосат чашмасини
ўпган қиз.
Эй, илм-фанни қанот айлаб
чўққи узра қучган қиз!
Афсоналар,
тилсимлар ҳам,
бошин эгди қўлингда.
Очилмаган бир хазина –
тилсим қолди йўлингда.
У тилсимда марвариддан,
жавоҳирдан ҳам қиммат,
Бир хазина йўлларингга
интизор бўлмиш фақат.
У тилсимни илминг билан
очмагайсан, эҳтимол.
Унинг сирли калити ҳам
сендадир, соҳибжамол.
Қалб калитинг билан уни
очсанг агар, малак қиз!
Ургут тоғи каби дилим
ҳузурингда чўкар тиз.

1960

Янги ҳаёт

(достон)

МУҚАДДИМА

Бола эдим, лўли қўраси
Мингбулоққа келиб турарди.
Елкасида гадой тўрваси,
Кўчаларда дайдиб юрарди.

Оналарин кетидан мунгли
Лўли қизлар юришар эди.
Одамларнинг эзилиб кўнгли,
Уларга садақа беришар эди.

Мадина ҳам хар бир қадамда
Фол очарди,
Фолбиндек гўё.
Фол ҳақини берган одамга
Рахмат айтиб, қиларди дуо:

— Йирокданми, яқинданми,
Ёлғонданми, ё чинданми,
Ё сукданми, ё киндданми,
Фолинг келди,
Фолинг келди.
Келди бахтинг,
Фол ҳақида недур нақдинг,
Ишқ йўлида бузма аҳдинг,
Тоғдай баланд бўлган тахтинг!
Фолинг келди,
Фолинг келди,
Келди бахтинг...

Мадинанинг Шавкатга шундоқ
Фол очгани ёдимда ҳамон.
Шавкат уни кўрган кунданоқ
Йўқотмишди оромин тамом.

Машаққатли муҳаббат қизга
Янги ҳаёт этди армуғон.
Уни сўйлаб бермасам сизга
Қалбда қолур бўлиб бир армон.

* * *

Гавҳарсойнинг ўнг ёқасида
Ғамгин турар жулдур чодирлар.
Чодирларнинг бўсағасида
Тўп-тўп итлар, хўтиклар мудрар.

Ҳар манзилда бир тунлик меҳмон,
Лўли умри кечади йўлда.
Бир кун ўтгач кўрмоқлик гумон,
Бугун тоғда,
Эртага чўлда.

Кўчиб юрар турнадай эркин,
Ҳар қишлоқда тунаб қолишар.
Тиклагунча жулдур чодирин,
Туни билан шовқин солишар.

Ўтин қалаб тошдон ўчокка
Дардчил Нуртой қайнатади чой.
Қиз-жувонлар Мингбулоқ ёқда
Фол очишар чиққунича ой.

Беланчакнинг ёнида кампир
Аллалайди мурғак гўдакни.
Тақдиридан шикоят ўқир
Овутгандай ғамгин юракни.

Қотган нонни ивитиб сувга
Тамшанади нуроний бир чол.
Тўймагандек кўзлар уйқуга
Ғарибона мудрар бир аёл.

Оқшом тушгач қишлоқдан шу он
Хотин-халаж қайтар чодирга.
Мадинадан кўринмас нишон
Кеч кирса ҳам сўнгсиз адирга...

Мадинани ахтариб Қаро
Сой ёқалаб чопди сарсари.
Бирдан яшил бутазор аро
Жуфт шарпага тушди назари.

Бир вужуддек икки бахтиёр
Сипқорарди висол шаробин,
Қўллар эди белларда камар,
Учратганди ой ўз офтобин.

Шавкат юзин силар Мадина
Йўқотганча эсу хушини.
Бахтдан кўзда порлар нишона –
Тутган каби севги қушини.

* * *

Мадинани йиғлатиб юм-юм,
Чодир томон судради Қаро.
Чодир эмас, бағрини этиб хун,
Қабр томон судради Қаро.

— Эрга тегмоқ бўлса ниятинг
Топиларди ўзимиздан ҳам.
Йўқолдими қизлик уятинг,
Кўнглимизга солдинг ғам-алам.

Қариндошлар олдида буткул
Юзимизни қаратдинг ерга.
Эрсирамай, ергина ютгур!
Шундан кўра, кирсайдинг гўрга,

Сенга тутиб уч-тўрт кун мотам,
Таъналардан кутилар эдик.
Қизим бор ҳам демасди отанг,
Эл олдида энди ким бўлдик?

Бизнинг ҳам урф-одатимиз бор,
Урф-одатга этгин итоат.
Мингбулоқнинг юзини энди
Тушингда ҳам кўрмайсан минбад.

— Юрагимни тилманг пичоқсиз,
Раҳм-шафқат қилинг, онажон.
Сиз – покиза, сутдайин оқсиз,
Кўнглимни ҳам билинг, онажон.

Биз инсонмиз лўли бўлсак ҳам,
Наҳот бизлар қушдан бўлсак кам.
Қушда ин бор,
Бизда йўқ макон,
Маконсиз ҳам яшармн инсон!

Мингбулоқлик барча қиз қувноқ,
Меҳнат билан топар обрў-шон.
Дугона деб сийлашар ҳар чоқ,
Гадо бўлмам энди, онажон!

— Оқ сут эмган тилинг кесилгур,
Кўзинг оқиб тушиб, кўр бўлгур,
Маҳмадона, бас қилгин энди,
Она дея атама мени.

Мадинани қарғиш тумани
Қоплаб олар қора булутдай.
Онасининг таъна тўфони
Кўринади даҳшатли ўтдай...

Қирқ бир ямоқ кўрпа ёпинган
Лўлиларни босади мудроқ.
Шавкат томон қалби талпинган
Ишқ бекаси чодирда уйғоқ.

Кўз ёшлари бўлиб шашқатор
Мадина ўз бахтин ўйлайди.
Ва бахтидан егандай озор,
Қўшиқ билан дардин сўзлайди:

— Оҳ, манглайим шўр экан,
Мени этди саргардон.
Шўр қисмат мисли тикан,
Кўнглимни этди вайрон.

Ҳаёт, сенда ҳаққим бор,
Қисматим этма кора.
Сенда яшай бахтиёр,
Қалбимни этма пора.

Кўкда сузар тун маликаси
Кузатгандай кизни чодирда.
Ҳамон уйғоқ севги бекаси,
Сой садоси янграр адирда.

* * *

Эрта тонгда лўли қўраси
Йўлга тушди узоқ-узоққа.
Мадинада лўли тўрваси,
Куни қолди яна таёққа.

Мадинанинг жигар-бағри хун,
Эргашади қўра изидан.
Телба бўлиб қолгандай беун,
Ёш маржони томар кўзидан.

Кийим-боши чангга беланиб
Довдирайди Ургут йўлида.
Дард иплари дардга уланиб
Судралади таёқ қўлида.

Мадинанинг кўнгил зорига
Шавкат қалби беради садо.
Мадинанинг кўнгил торига
Шавкат қалби беради наво:

— Тоғдай собит бардошинг тугаб,
Талқон бўлиб қолма, Мадина!
Жаҳолатга тақдиринг ўраб,
Шамдай сўлиб қолма, Мадина!

Бахт бўйини уфуриб ҳаёт
Шайдо этар лўли қизини:
— Эй, сен ҳаёт! Бер менга нажот,
Мен ҳам кўрай бахтнинг юзини.

Сени севдим,
Эй, порлоқ ҳаёт!
Сен – қуёшсан, мен унда ёлқин.
Сенсиз менга йўқдир саодат,
Сен – дарёсан, мен сенда тўлқин.

Сен – севгисан, мен сенга ташна,
Висолингга сира тўймайман.
Сен – бир гулсан, мен унда шабнам,
Қуёш олов ёқса, сўнмайман!

* * *

Шавкат нотинч, Шавкат бетоқат,
Чўғ тушгандай маъсум кўнглига!
Юрагида изтироб қат-қат,
Кўзлари ҳам ўхшар мунглига.

Ўчоқдаги олов ҳам
Ёна-ёна кул бўлур.
Майсадаги қиров ҳам
Қуёш ўпса тўкилур.

Саҳродаги гиёҳ ҳам
Сўлар ёмғир ёғмаса.
Сиёҳдонда сиёҳ ҳам
Қурир одам боқмаса.

Қўй бўлмаса қўзи ҳам
Уни излаб келмайди.
Ишқ бўлмаса, қалбинг ҳам
Ёрга вафо қилмайди.

Хаёл ичра ғарқ бўлган Шавкат,
Салт тулпори учар юлдуздай.
Юрагида улкан муҳаббат
Тўлқинланар асов денгиздай.

Муҳаббатнинг олов вулқони
Борлиғига солар ғалаён.
Зилзиладай титрайди тани,
Хаёллари кўтарар тўфон.

Кенагасдан топмай ном-нишон,
Излар уни Мирзақишлоқдан.
Кўрмадим деб бош эгар Сўфён,
Дардсингандай қайтар Гулбоғдан.

Юрагига қиз урган чақмоқ,
Кўзларидан кўринар яққол.
Жисмида зўр момақалдироқ
Гумбирлайди Гавҳарсой мисол.

Сен эй, севги!
Кўрми кўзларинг?
Гинаю рашк соқчими сенга?
Юрагимга кирган кезларинг,
Кўр кўз билан боқдингми менга?

Мадинани топишим аён,
Дийдорига тўярман бир кун.
Қолмас сира кўнглимда армон,
Дил-дилимдан суярман бутун.

Мадинани илк дафъа ўпган,
Сабо эмас, нафасим меним,
Ёнғига нафосат сепган,
Баҳор эмас, бўсам ва қалбим.

Сен эй, севгим!
Сен эй, муҳаббат!
Бош эгасан қалбимга тамом.
Бошланаркан сен билан ҳаёт,
Бахтиёрдир ҳаётда одам!

Шавкат елар,
Учқур тулпорин
Кишнашига тоғ берар садо.
Учиб борар Мадина сари
Дил тубидан кўчган бир нидо.

Юрагини эзиб қайғу бот
Кирар экан Қуйичинорга,
Қишлоқ томон йўлни бурган пайт,
Кўзи тушди жулдур чодирга.

Нуртой чолнинг таниш эшаги
Ўтлаб юрар чодир ёнида,
Хаприкди-ю, йигит кўкраги,
Ишқи ёнди юрак қонида.

Юзларида балқди табассум,
Қувончига тор келди жаҳон.
Чодирларга термилди бир зум,
Вужудини босди ҳаяжон.

Чодир томон йўл олди аста,
Бирдан тўхтаб қулоқ солди у.
Шарқирарди дарё олисда,
Кўпирарди дилида қайғу.

Остонада кўринди шу дам
Барзангидай Қаро Паҳлавон.
Урган эди юзига алам,
Тўлган эди кўзларига қон.

«Мадинамиз сендан кечган воз,
Кўринмоқни ҳатто истамас».
Шавкат қалби титради нохос
Ва чайқалди у мисоли маст.

«Наҳот мени севмайди, йўқ, йўқ,
Қаро менга ёлғонни айтди».
Гоҳ ишониб, гоҳо ишонмай
Шавкат ғамгин ортига қайтди.

«Наҳот мени унутган, йўқ, йўқ,
Унинг ишқи кўксимда қолди».
Йигит худди теккан каби ўқ
Майсазорга бирдан йиқилди.

Бор вужуди озор чекканча,
Тақдирини минг бор лаънатлаб.
Инграб ётди ярим тунгача
Ва қайғуга тўлиб кетди қалб.

* * *

Ярим кеча, уйқуда ҳарён,
Сой бўйида милтиллар чироқ.
Фарзандига бўлиб нигорон,
Бўстон хола ўлтирар уйғоқ.

Шитир этса дарахтнинг барги
Дарвозага термилади зор.
Япроқ мисол сарғаяр ранги,
Кўнглин қийнар соғинч ва дийдор.

Бир-бир юриб оёқ учида
Шавкат ғамгин супага ўтди.
Соғинч ўти ёниб ичида
Онаизор уйғониб кетди:

— Бўйгинангдан ўргилсин онанг,
Сенсиз кўнглим бўлди безовта.
Овунчоғим экансан, болам,
Мени ёлғиз қолдирма қайта.

— Онажоним, менман гуноҳкор,
Кўнглим сизга этмадим ошкор.

Юрагимда мехрин ардоқлаб,
Мехрин эмас, қалбини сақлаб,

Лўли қизга кўнгил қўйдим мен,
Кўнгил эмас, жондан суйдим мен.

Она ҳайрон,
Она дили шом,
Беролмайди ўғлига дашном.

Фикрлари куриган чўпдай,
Чуваланар тугунсиз ипдай.

Санчилгандай игна жисмига,
Жисмигамас, бутун кўксига.

Оғир ўйлар кўтариб тўфон,
Оғзин зўрға жуфтлади Бўстон:

— Бир парча эт, кичик жон эдинг,
Чумчуқдайин полопон эдинг.

Кўзга уйқу қўндирмай зарра
Тонгни кутдим бешигинг узра.

Тўнғич эдинг, даданг ҳар куни
Шон-шавкатим деярди сени.

Уруш уни тортди домига,
Домигамас, машъум комига.

Доғ туширмай отанг номига,
Номи билан обрў-шаънига

Камолотга етказдим сени.
Болам, менга қулоқ сол энди.

Лўли қиздан камми Гуландом,
Унга ҳавас қилар ҳар одам.

— Она, севги ҳар бир юракка
Бир бор меҳмон бўлар дафъатан.
Гоҳ кўтарар уни юксакка,
Гоҳ ўпқонга отар одатан.

Қалбингизнинг буйруғин ҳар он
Адо этиб келдим, онажон!
Узр этинг, онажон, бугун,
Ишқдан жудо бўлолмайман мен.

Шавкат сўзи, Шавкат дардидан
Онаизор паришон ва лол.
Фарзандининг эзгу бахтидан
Ўз бахтини кўргандай яққол.

Она билмас, қаноти синди
Бу кеч ўғлин орзу-тилагин,
Она билмас, Қаро сўзлари
Кемирарди Шавкат юрагин.

* * *

Қадим Дарғом,
Баҳайбат жарлар
Ҳувиллайди таги йўқ ғордай,
Силкинади мункайган толлар,
Тепаликлар мудрайди нордай.

Сукунатда кўҳна қабристон,
Навда-ниҳол қаддин буккандай,
Мадинада минг жабру ситам,
Кўзларига мотам чўккандай.

Хаёлига келар ўтган тун,
Эшитилар Қаро сўзлари:
— Азлу азал бўлмаган дилхун,
Мағрур бўлган лўли қизлари.

Эшит мени, эшит, Мадина,
Ялинаман, менга қайлиқ бўл.
Унут Шавкат исмини, англа,
Йўқдир сира ортга қайтар йўл.

У қайтмайди, у сени севмас,
Уйланармиш қўшни қизга у.
Ҳозир балки юрар ишқдан маст,
Унга ётдир сен чеккан қайғу.

...Тун тортарди тобора хира,
Қутулолмай ўйлар жабридан.
Ҳамма ухлаб қолгач Мадина
Пинҳон чиқиб кетди чодирдан.

Ошиб кора қирлар қўйнини,
Худди тунда адашгандек қуш,
Тонгда етди сой қирғоғига
Ва тикилди сувга фаромуш.

Дунё билан видолашгандай
Чор-атрофга назар ташлади.
Ҳаёт билан жудолашгандай
Видо айтиб кўзин ёшлади:

— Хайр, она,
Бокира ҳаёт!
Хайр, нурга
Чулғанган дунё!
Сенга тўймай кетарман, наҳот?!
Наҳот мени ютар бу дарё!

Боқди: гуллар уруғин тишлаб
Қушлар учар эркин фазода.
Қандай қилиб дунёни ташлаб
Кетмоқ мумкин шундай лаҳзада.

Бирдан бағри тўлди мехрга,
Майсаларни ўпиб энтикди.
Таъзим қилди у она-Ерга,
Шаън қуёшга кўзини тикди.

«Мен яшашни истайман, майли
Армонларга турсам басма-бас.
Юракдаги ишқим туфайли
Яна тўйиб оламан нафас».

Сўнгги марта боқди Дарғомга,
Қишлоқ сари кетди сарсари.
...Қамчи босиб учқур саманга
Уни излаб келарди ёри.

* * *

Сўқмоқ йўлдан қандайдир бир қиз
Бўзтўрғайдан бўзлаб борарди.
Шавкат минган саман изма-из
Ўша қизни кўзлаб чопарди.

Шамолдай тез учгудай Шавкат,
Яқинлашар улар ораси.
Мадинага кўзи тушган вақт
Янгиланди кўнгил яраси.

Мадинанинг хомуш кўзлари
Оҳ чекарди.
Мадина ғамнок,
Хомуш эди,
Фаромуш эди,
Қанотлари синган қуш эди.

Йўқ, синганмас, қайрилган эди,
Жуфт қанотдан айрилган эди.

Шунинг учун парвоз этолмай,
Шунинг учун ёрга етолмай,

Шунинг учун кўзлари маъюс
Макон топмай дайдир эди қиз.

Шавкатига кўзи тушганда,
Ақлу ҳуши бошдан учганда,

Кипригига қўниб олди нам,
Киприк эмас, юзларига ҳам —

Эригандай ҳижрон ва қийноқ,
Қўшилгандай дарёга ирмоқ.

Тоғлар узра зиёбахш қуёш
Муҳаббатдек сочарди зиё.
Эрир эди юракдаги тош,
Тўла эди қувончга дунё.

* * *

Қояларнинг кифтида само,
Ёнбошлаган унга олмазор.
Келин тақкан маржондай зебо,
Новдаларда меваси бисёр.

Тоғ уфқини айлар нурафшон
Барно қизлар, соҳибкор қизлар.
Сой оқади ўқиб шараф-шон,
Қуёш бундан саховат излар.

Дарахтларга қўйганча нарвон,
Жонон қизлар теришар олма.
Қўли-қўлга тегмайди шодон
Олма ташир Раъно, Буолма.

Толеидан бўлмай пушаймон
Олма терар Мадина қувноқ.
Унга ҳеч ким бермайди дашном,
Келиним дер бутун Мингбулоқ.

Бўстон хола Шавкатдан кўра
Мадинани севади жондан.
Ҳамма уни ўтқизар тўрга,
Ҳамма яқин,
Ҳамма мехрибон.

Ҳеч ким унга «таги паст» демас,
Тақдиридан этмас шикоят.
Мадинасиз бирор тўй ўтмас,
Унга ётдир кўҳна ривоят.

Гул баргига қўнгандай шабнам
Тер маржони пешонасида
Бахт жомини сипқорар шодон
Эркин меҳнат кошонасида.

Юракдаги эзгу ўйлари
Қўшиқ бўлиб қучар самони.
Олмазордан янграр куйлари
Мафтун этиб ҳамма-ҳаммани:

— Ҳаёт, сендан шодман бир умр,
Онамдан ҳам азизсан менга.
Сен бергансан кўзларимга нур,
Севги қадар лазизсан менга.

Сен силадинг менинг бошимни,
Мажнунтолдай букмадинг қаддим.
Сен аритдинг кўздан ёшимни,
Сен мунаввар айладинг бахтим.

Ишқим шамдай сўнай деганда,
Қуёш умрин бахш этдинг менга.
Ғам қушлари қўпай деганда,
Иқбол бўлиб кўриндинг менга.

Мадинанинг шўх овозидан,
Қўшиғидан маст бўлар қизлар.
Ҳаёт сари илк парвозидан
Чақмоқ янглиғ чақнайди кўзлар.

Мадинани излаб, ўртаниб
Олмазорга бурилди Шоҳбон.
Аччиқ ғусса ўтида ёниб,
Кўз ўнгини қоплади туман.

Қуригандай танида дармон,
Юрагида сўнди ҳарорат.
Умри гўё тубсиз бир уммон,
Янгиланди кўҳна жароҳат.

Мадинага термилиб Шоҳбон
Қотиб қолди, тош бўлиб гўё.
Нигоҳида ёришди жаҳон,
Йиллар оқди ёш бўлиб гўё.

Сўз қотолмай қийналди жони,
Жони эмас, йўқ хонумони!
Кўзлар кўзга тикилиб қолди,
Ҳайрат наҳри ичра йўқолди.

Ҳаяжондан Мадинаси лол,
Тили бўлмас бир сўз демакка.
Шоҳбон қадди бўлганидан дол
Кўкси торлик қилар юракка.

Бошин олмай қизин бағридан,
Она йиғлар,
Она тўкар ёш.
Мадинанинг тутиб баридан,
Ёлворади, дил тўла оташ:

— Хайриятки, кўролдим сени,
Бор экансан ёруғ дунёда.
Ҳар кўргандан сўрардим сени,
Умринг бўлсин кундан зиёда.

Ҳаққинг бордир
Токи бир умр
Қарамасанг юзимга, қизим,
Ҳаққинг бордир
Қилмоқ учун кўр
Чўп тиқсанг ҳам кўзимга, қизим.

— Йўқ, онажон!
Она номига,
Она тутган ҳаёт жомига

Қора доғни кўрмагум раво.
Шудир менда орзу, муддао.

Сизда гуноҳ йўқдир, онажон,
Сиз фарзандга содиқ, меҳрибон.

Гуноҳкорман, авф этинг шодон,
Набирангиз ҳаққи, онажон!
— Қуллуқ, бўтам!
Ба ҳаққи худо,
Сендан буни кутмовдим асло!

ХОТИМА

Олтин кузак юки кифтида,
Қўйдай ювош тошқин Гавҳарсой.
Сахий қуёш нурли тафтида
Чексиз боғлар очади чирой.

Шовуллаган олмазор боғлар
Борлиғини очар дунёга.
Ерга тегар ҳосилдор шохлар
Етган каби чин муддаога.

Тоғ кафтида қизариб, аста
Товланганда қуёш байроғи,
Уйғонади тоғлардан пастда —
Янги ҳаёт – лўли қишлоғи.

Тўкин яшар, яшайди шодмон,
Анор каби порлар юзлари,
Тонгдан қишлоқ боғлари томон
Йўл олади лўли қизлари.

Бахтиёрдир Нуртой, Шоҳбон ҳам,
Тақдирига тан бериб Қаро
Тулпорини елдирар илдам
Чексиз адир, далалараро.

Бахтиёрдир ҳар ёш, ҳар қари,
Юрак борки саодатга ёр,
Далаларда қўшиқ янграйди,
Бу қўшиқда шундай сўзлар бор:

«Ҳаёт завқи жўш урсин яна,
Нурга тўлсин одил замона.

Салом сенга, эй, янги ҳаёт!
Салом сенга, бахту саодат!»

Толеидан шодланиб, мамнун
Олма терар Мадина қувноқ.
Дилда дард йўқ, юраги бутун,
Кўзларида нур ўйнар оппоқ.

Юракдаги эзгу ўйлари
Қўшиқ бўлиб қучар самони.
Юрагидан учган куйлари,
Мафтун этар бутун дунёни.

— Сени севдим,
Севаман, ҳаёт,
Сен қуёшсан, мен унда ёлқин.
Сенсиз менга йўқдир саодат,
Сен дарёсан, мен сенда тўлқин.

Сен — она-Ер,
Мен бир чашмаман,
Кўкрагингдан сапчийман қайноқ.
Сен — меҳнатсан!
Унга ошнаман,
Қучоғингда тер тўккум қувноқ.

Сен — бир гулсан,
Мен унга шабнам,
Қуёш олов ёқса, сўнмайман.
Сен — севгисан,
Мен сенга ташна,
Висолингга сира тўймайман!

1960

* * *

Сен йироқдан,
Мен ҳам йироқдан,
Лек учрашиб қолдик дафъатан.
Кўзлар
Қалбга солган титроқдан,
Титраб кетди вужудимиз ҳам,

Бир-биримиз билсак ҳам зимдан,
Келмагандик
лекин
рўбарў.
Миннатдорман бугун ўзимдан,
Учратганим учун сени,
париру.

24.1.1961

СЕНИНГ ТАБАССУМИНГ

Неча кундир,
Ўша табассум,
Ўша ишва ва шарму ҳаё,
Ўша иффат ва ўша русум
Мени этди оромдан жудо.

Сенга бир бор боққан кўзимга,
Уйқуни ҳам кўрмайди раво.
Ҳайрон бўлдим тамом ўзимга,
Тополмасдан ўзга бир даво.

Охир сенга этдим шикоят:
«Ўша дарддан айлагил жудо.
Ўз ҳолимга қўймайди ғоят,
Не сеҳр бор жилвангда барно?»

...Сенда яна ўша табассум,
Ўша ишва,
Ўша назокат,
Айт-чи, менинг умримга ёким,
Ўша кўзлар берарми зийнат?

Зийнат берса,
Киргин сўзимга,
Ишванг менда қолсин то азал.
Она бўлсанг,
Ўғил-қизимда,
Табассуминг кўрайин, гўзал!

1961

СУРАЙЁ

Мен сени инжитмайман
Ва лекин тинчитмайман...

МИРТЕМИР

Сарин елдай тўлқинлатгум кокилингни,
Сурайё
Бир кунгина кўрмасам ҳам ёнгум
сенинг ҳажрингда.
Муҳаббатинг тоблагайман қалб ўтида,
Сурайё
Тоғ сингари матонат бор, муҳаббатим,
сабримда.
Тоғда юрсанг сийнангда
Лола каби ёнгайман.
Булбул бўлиб кўйингда
Висолинг соғингайман.

Кипригингга гард қўнса,
Тонг елидай артгайман.
Юрагингда дард унса,
Бахт бўлиб аритгайман.

Меҳмон бўлиб келсанг агар
гулшанимга, боғимга,
Оромижон куйларингни юрагимга
ёзгум бор.
Сирға бўлиб сўзлагайман ишқимни
қулоғингга,
Садоқатинг гулшанидан минг даста гул
узгум бор.

Боғ сайрида кўзгинам ҳам ўпгай босган
изингдан,
Ишқдай туғён уриб киргум ҳароратли
дилингга.
Қорачиғдай жой олгайман жон
олувчи кўзингдан,
Кабутардай келиб қўнгум оқ
сийнангга, қўлингга.
Дувол бўлиб йўлингга
Кетказгани қўймайман.
Дарё бўлиб йўлингга
Ўтказгани кўймайман.

Ўсма бўлиб қошингга
Ҳуснинг очгум, Сурайё.
Қуёш бўлиб бошингга
Гавҳар сочгум, Сурайё.

1961

СИЁБ КЕЧАСИ

Ой нурида кумуш камардай
Жилоланиб жимирлар Сиёб.
Бошида ишқ савдоси бордай
Ошиқона шивирлар Сиёб.

Унга бошин эгиб анжирлар
Эртагига кулоқ тутади.
Юрагидан тўкилган сирлар
Тўлқин бўлиб оқиб ўтади.

Сувда сочин ювган санамдай
Мажнунтоллар — икки қирғоқда.
Севинчидан киприги намдай
Севишганлар сайр этар боғда.

Ошиқларга бўлгандай макон
Хиёбонлар кўнглида сурур.
Конигилда ором топар жон,
Висол завқин тотиб бир умр.

Сиёб ичра ҳар гўзал қишлоқ
Бахт ҳақида сўйлар ҳикоя.
Оғушида минг-минглаб чироқ,
Ёғдусига йўқдир ниҳоя.

Кўк чой ичиб сўрида чоллар
Келтиради замон мадҳини.
Сеп тугади тўйга аёллар
Берсин дея келин бахтини.

Хиёбонда икки навқирон
Бир соядай чалинар кўзга.
Қалбларида оташин сурон,
Тиллар зўрға қовушар сўзга.

Шу икки ёш бахтини кўзлаб,
Қишлоқ аҳли билмайди уйқу.
Бўлажак тўй ҳақида сўзлаб,
Тонгни кутар беғам, беқайғу.

Сиёб узра ложувард осмон,
Сиёб узра мусаффо ҳаво.
Ой кезади кўкда беармон,
Юлдузларга тўладир само.

Сиёб оқар сокин, осуда,
Уйқу нима билмас бир умр.
Ёр қошига шошган маъсума –
Янглиғ унинг қалбида сурур.

Кундуз куёш, тунда эса ой
Нур сочади Сиёб йўлига.
Уни кутар висол кулган жой,
Вафо жомин тутиб қўлига.

1961

УМРИМ ВА ШЕЪРИМ

Самаркандда туғилганимда,
Бахт нурига йўғрилганимда,

Юртим берди қўлимга қалам,
Шодлик бўлсин деб сенга ҳамдам.

Мен юракдан суйган одамлар,
Мен ишқида куйган одамлар:

«Яхшилик қил, қилма ёмонлик,
Ёмонларга йўқдир омонлик.

Одам хусни яхшиликдадир,
Олам хусни яхшиликдадир.

Боболардан меросдир қалам,
Қалам билан улғаяр одам.

Қаламни зор қилмагин, деди
Одамга зор бўлмагин, деди».

Қалбга пайванд этиб қаламни,
Жондан севиб ҳар бир одамни,

Ҳар одамда бир ҳаёт кўрдим,
Ҳар одамда бир ният кўрдим.

Самаркандда туғилганимда,
Бахт нурига йўғрилганимда,

Кўкни ўпган улкан минорлар,
Минор бўлиб қолган меъморлар,

Минорларни кўтарган тошлар,
Тошдай қотиб қолишган бошлар,

Минорлардан кўчган безаклар,
Безакларни қучган тилаклар,

Қатор-қатор ғиштдай суяклар,
Суяклардай синган юраклар,

Нақшларга жон берган жонлар,
Нақшларда жонланган қонлар,

Минорлардай ғамгин наққошлар,
Бўёқлардай қотган кўз ёшлар,

Минг-минг бошдан ўйилган кўзлар,
Безак қилиб қўйилган кўзлар,

Кўз ўнгимда бўлишиб бунёд,
Кўтардилар гўёки фарёд.

Самаркандда туғилганимда,
Бахт нурига йўғрилганимда,

Улуғбекнинг расадхонаси,
Юлдуз илмин тўнғич онаси

Олимини кўтариб бошга,
Бошга эмас, бутун қуёшга,

Хурофотни ўтда ёққандай,
Келажакка уйғоқ боққандай,

Отасига малъун ўғилни, —
Қилич тортган жаллодий қўлни,

Дорга осган халқини менга,
Замонанинг қалбини менга,

Алишерни кўрган Самарқанд,
Унга ғазал берган Самарқанд.

Саккокийдан ўқиб қасида,
Сўйлаб берар сокин, осуда.

Самаркандда туғилганимда,
Бахт нурига йўғрилганимда.

Қалбим мамнун бўлиб қаламдан,
Қўшиқ излар ҳар бир одамдан.

Бир одамки, янги тахт қурган,
Бир одамки, янги бахт кўрган.

Бир одамки, ҳаёт бахти бор,
Бир одамки, қуёш ҳам хумор.

Бир одамки, меҳнат яратар,
Меҳнат билан ҳар кун яшарар.

Бир одамки, юлдузга ихлос
Боболардан унгадир мерос.

Бир одамки, бутун оламни
Забт этмакка қодир қалами.

Менинг умрим — ўша қаламдир,
Менинг шеърим — ўша одамдир.

1962

АССАЛОМ, ИСТИҚБОЛ

Ассалом, эй, Истиқбол!
Эй, қутлуғ замон!
Ассалом эй, замонлардан
Энг улуғ замон!

Эй, юрагим оғушингда маст бўлган
ошён,
Интизорман жамолингни туйиб
кўрмакка.
Онажоним иймонидай муқаддас замон,
Орзумандман
Кўксингга бош қўйиб турмакка.

Йўлингдаман,
Юрагимда даврим садоси
Буюк Аму тўлқинидай жўшар,
ҳайқирар.
Кўзларимнинг қарағида ҳаёт зиёси,
Қуёш мисол жилоланар, ёнар
парпирар.

Гунча лабинг ўпгандайин тонглар
сабоси,
Ҳаёт завқин эмажакман гулбоғларингда.
Қўшиғимда қанотланар меҳнат навоси,
Илҳомингдан қайнагайман
булоқларингдай.

Оромижон кўксинг узра чечаклар
тақиб,
Дарё бўлиб қуйилгайман
денгизларингга.
Тинчлик кулган осмонингда машъала
ёқиб,
Фазогирдай учажакман юлдузларингга.

Эй, миллионлар муддаоси — муқаддас
замон!
Офтобингдан зиё олгай бутун коинот.
Тенглик билан ёзилажак қутлуғ
дастурхон,
Жаҳон халқи топгай сендан бахту
саодат.

Сенга ҳадям Ер вазнидай оғир бўлса
ҳам,
Қучоғингга чақмоқ чақиб учмоқдаман
мен.
Парвозимдан ёқа ушлаб ҳайратда олам,
Кўкрагимга босиб сени кучмоқдаман
мен.

Оташ қалбим бисотидан мен этак-этак
Жавоҳирлар сочажакман азиз
бошингдан.
Онасига талпингандай мурғак бир
гўдак,
Энтикаман нур эмгали ҳур қуёшингдан.

Орзуларим ушалгуси эрта ё индин,
Ҳимолайдай баланд бўлгай менинг
кўкрагим.
Эй, Истиқбол!
Дийдорингни кўргали бугун
Йўлингдаман,
Аммо сенга етган юрагим!

1962

«ЧАРЛЬСТОН»НИ ТИНГЛАГАНДА...»

Бувижон
Бувижон,
Кўнглимга солмай титроқ,
Грамафонни қўйгин баландроқ.
Ургата қол, бувижон,
Ўргата қол,
«Чарльстон» рақсини.
Эсаётир севги насими,
Ўргата қол бувижон,
Ўргата қол,
«Чарльстон» рақсини».
Бувисини қўймай ҳоли-жонига,
Илтифот қил, дея қиз ялинар.
Қизнинг кўнглидаги ҳаяжонига
Ҳамоҳанг «Чарльстон» чалинар.
Ларза тушгандайин жисми жонига,
Япроқдай титрайди қизнинг вужуди.
Такаллуф қилади бувижонига,
Ҳаяжонин йўқдир ҳудуди.
Бувиси ҳангу манг,
Бувисидир лол.
Хаёли паришон,
Қалбида уммон.
Ёшлиги эсига
Тушди, эҳтимол.
Шу ҳаётни деб,
Шу Ватанни деб,
Шу авлодни деб,
Жангга боришган
Кунлари ёдига тушди, эҳтимол.
«Чарльстон»ни истаган қизча,
«Чарльстон»га қистаган қизча,
Бувисин ёшлигин унутса, наҳот?!
Бувижони душман галасин
Ўтказганин қилич дамидан,
Кўролмай ҳатто боласин,
Кечганини кўплар жонидан,
Унутса, наҳот?!
Ҳой, оппоқ қиз!
Унутмакка ҳаққинг йўқ асло,
Тиз чўкмоғинг керак олдида.
Бувижонинг ёшлиги ахир,
Жанглар аро қолди-да!
«Чарльстон»га чорлама уни,
Буза кўрма тинчлигин,
Одамийлик шоҳномасидан
Билиб олгин кимлигин.

1962

АМУ-БУХОРО КАНАЛИДАН ХАТ

Муҳтарам шоирлар!
Беринг ижозат,
Сиз билан
рўйи-рост суҳбат қурмакка.
Вақтингизни олиб,
фақат бир муддат
Юракда борини баҳам кўрмакка.
Танқидчи, деб
чўчиманг биздан.
(Биламиз,
тобингиз йўқдир танқидга!)
Фақат бир илтимос
шоирлар сиздан,
Хатимиз беркитманг
зинҳор сандиққа.
Ёзувчилар уюшмасида,
ё бир анжуманда
Бўлса деймиз муҳокамаси.
Оғир олмангизлар,
кўнгил қурғур,
нозик жуда ҳам.
На чора?
Ўрганиб қолганмиз
рўйи-рост сўзлашга.
Аччиқ, сўзлар топардик,
лекин,
Кўнглимиз бўлмади,
Баъзи шоирларни
роса «тузлаш»га.
Биламиз,
Сизлардан ҳамма миннатдор.
Биз ҳам шундоқ!
Латиф шеърларингиз
ўқисак агар,
Бошимиз етади осмонга!
Шеър завқининг ҳаяжонидан,
қалбдаги уммондан,
Ухлаёлмай саҳарга қадар,
чеккан заҳматингиз
ўйлаймиз,
Бир-биримизга ёддан сўйлаймиз,
қўшиқ қилиб
куйлаймиз,
Қиёс ҳам этамиз «Зайнаб-Омон»га.
Ва лекин
сизлардан бордир гинамиз.
Ҳатто бирортангиз
йўқламайсиз бизларни.
Ахир,
биз ҳам
«пўлат от»га минганмиз,
Айб эмасдир,
воқиф этмоқ сизларни.
Баъзилар ўйлагандай,
биз эмасмиз
гулзор ё
хиёбонда.
Улкан канал қазимоқдамиз
туя ўркач барханлар аро.
Бўрон билан олишяпмиз
саҳро-ю, биёбонда,
Асрлар мудроқ, лаблари қовжироқ,
Она Ер ҳуснига бермоқ-чун оро,
Бунда минг-минглаб одам,
юзлаб пўлат суворий
Кўтариб келмоқчидир
Амуни елкасида.
Қулф урдирмоқ ишқидадир
зебо ҳаёт баҳорин.
Қизилқум саҳросида!
Наҳот,
шундай қудратли тўлқин
Қалбингизга солмаса туғён!
Наҳот,
қурувчилар кўнгли учун,
Этмасангиз бир шеърни инъом.
Эй, шоир дўстларим!
Мактуб орқали
Ёзиб кўнгил дардини,
айтсак гапнинг ростини,
Қурувчилар кўрсак дейди каналда
Шоирларнинг бўйи-бастини!

1962

ТЎРТЛИКЛАР

1

Толиблик чоғимда чиқди китобим,
Не китоб, субҳидам чиқди офтобим.
Шеър бўлиб нурлари таралди элга,
Жонажон ўлкага етди хитобим.

2

Тошкентда ҳаётим янгидан бошладим,
Пойтахти азимнинг бонгидан бошладим.
Самарқандда қолди қавму қариндошлар,
Бегона шаҳарнинг тонгидан бошладим.

3

Таниш йўқ, билиш йўқ — барча бегона,
Шоир кўп, олим кўп — кўпдир
фарзона.
Адиблар сафида кўрдим ўзимни,
Ҳаёт чироғига бўлиб парвона.

4

Раҳнамолик қилди Миртемир устод,
Ойбек мехри этди кўнглимни обод.
Уйғуну Зулфия тутди қўлимдан,
Эркин нафас олдим, улғайдим озод!

Тошкент,
1962, август

ҚАЛБИМ ҚОЛГАН ЙЎЛИНГДА...

(Самарқанд университетига)

Оқ йўл тилаб, пойтахт сари
узатсанг ҳам мени сен,
Иссиқ бағринг тарк этмакка
дилим бўлмовди, нетай.
Қўлларимга гуллар тутиб,
кузатсанг ҳам мени сен,
Сенга хайр демакка ҳам
тилим бўлмовди, нетай.
Фақат тўйиб боққан эдим,
сенга кетар олдимда,
Кўкрагимга қўлим қўйиб,
сенга таъзим этгандим.
Муҳаббатинг Зарафшондай
мавж урганди қалбимда.
Сенинг барча синовингдан
зафар билан ўтгандим.
Сенинг нурли жамолингдан
узилмаскан кўзларим,
Гул баргининг шабнамидай
қўнган эди унга нам.
Силлиқ мармар зиналарда
жонланаркан изларим,
Менга гўзал кўринганди
сенда ўтган ҳар бир дам.
Илм — маърифат чаманидан
гул тутган сен эмасми?
Сен эмасми, ёр ишқида
тунлари абгор этган?
Юрагимнинг дафтарига
куй битган сен эмасми?
Сен эмасми, шеър ишқида
тунлари бедор этган?
Кўзларимдан севгимни ҳам
сездирган сен эмасми?
Сен эмасми, Сурайёнинг
дилини очган менга?
Ой ботгунча иккимизни
кездирган сен эмасми?
Сен эмасми, ишқ гавҳарин
бошимдан сочган менга?
Оқ йўл тилаб, пойтахт сари
узатсанг ҳам мени сен,
Иссиқ бағринг тарк этмакка
дилим бўлмади, нетай.
Қўлларимга гуллар тутиб,
кузатсанг ҳам мени сен,
Сенга хайр демакка ҳам
тилим бўлмади нетай.
Нетай, сенга хайр демадим,
хайрлаша олмадим.
Яхши қолгин демай сенга,
ўзинг сўйла, нетай мен!
Ёримга ҳам хайр демадим,
хайрлаша олмадим.
Яхши қолгин демай унга,
ўзинг ўйла, нетай мен!
У ҳам мендай булоғингдан
ташналиги қонгунча,
Ҳали сўлим бўстонингдан
тотар гуллар тотини.
Уни ҳам сен Тошкент сари
узатиб қолгунингча,
Эктимолки, ёд этарсан
ҳар кун менга отини.
Бугун сендан йироқдаман,
қадим Шош шаҳридаман,
Икки ой ҳам ўтмай сени,
соғиниб қолдим, нетай!
Осиёнинг дарвозаси,
унинг бош шаҳридаман.
Сенга бўлган ҳурматимни,
шеъримга солдим, нетай.
Шеърим — мени ардоқлаган
менга меҳрин сақлаган,
Устозларга, дўстларимга
салом элтган хатимдир.
Шеърим — мени соғингандан,
қалбидан сўроқлаган.
Севгилимга садоқатим,
буюк муҳаббатимдир.
Сени йўқлаб тез-тез келсам,
айбга буюрма асло!
Сенда менинг қалбим қолган,
қалбим қолган йўлингда.
Сени ҳамма мен сингари
жондан севармикан ё?
Сенга ҳали қўшиқларим
мўлдир қайноқ дилимда.
Калбим қолган йўлингда,
ёрим қолган қўлингда...

Тошкент,
1962, октябр

САМАРҚАНД ГЎЗАЛИГА

Қора қошинг орасидай кўнглинг менга
яқину
Қора кўзинг қарашлари юлдуз қадар
йироқдир.
Қора сочинг чулғаниши кўзларимга
ёлқину
Қора холинг юрагимга азоб солган
фироқдир.

Бойчечакдай сарғайтмасдан мени излаб
келсайдинг,
Кўнглим эзган ҳижрон тоши мумдай
эриб кетарди.
Ёш жонимга қасд этмасдан, жиндак
раҳм қилсайдинг,
Кафтинг узра кўтаргандай бошим кўкка
етарди.

Келсанг агар куйлаб келгин
«Самарқанд ушшоғи»ни,
Япроқ бўлиб окиб кетай бир умрга
мавжида.
Меъморлардан қарзга олгин минорлар
бўёғини,
Севгимиз ҳам минорлардай бўлиб
қолсин обида.

Сиёб сувин тўлдириб ол, Конигил
кўзасига,
Барги билан узиб келгин Боғибаланд
анжирин.
Чорраҳанинг пўлати-ю, нони Осиёсига
Бир кунгина инъом этгин кокилларинг
занжирин.

Қош устига қўйиб олиб ироқи
дўпписини,
Боғимайдон олмасидан бир сават узиб
келгин.
Кийиб олиб, Қўшҳовузнинг хироми
туфлисини,
Зарафшоннинг жавоҳирин бир ипга
тизиб келгин.

Сўзангарон яхнаси-ю, Регистон
қаймоғидан
Кулолчиён косалари жарангласин
қўлингда.
Зардолизар данаги-ю, Бағдоднинг
ёнғоғидан
Ҳовуч-ҳовуч ҳадя қилиб, боғлар
қолсин йўлингда.

Гулисафсар гулин олиб кўҳна
Афросиёбдан,
Боғишамол «саккиз тепки» атласидан
кийиб кел.
Мўлиённинг узумидан, Ургутнинг
шаробидан,
Шаробларнинг камёбидан бир пиёла
қуйиб кел.

Севгимизга ошён бўлган Оромбоғ
тупроғидан
Бир қисимча келтирсайдинг, сурма
қилиб кўярдим.
Чўпонота чаманидан, Зарафшон
қирғоғидан
Гули наврўз олиб келсанг, юрт меҳрига
тўярдим.

Оби раҳмат хиносидан хол қўйиб
бармоғингга,
Ҳовзибаланд ипагидан шоҳи белбоғ
тикиб кел.
Мотруднинг гилосидан сирға тақиб
қулоғингга,
Навоийнинг ғазалини шому саҳар
ўқиб кел.

Мени излаб йўлга чиқсанг Себзор
хиёбонидан,
Улуғбекнинг юлдузлари тўкилар
оёғингга.
Висол чоғин сўроқласанг Хаймар
гиёҳларидан,
Атиргуллар бўй уфурар пистадай
дудоғингга.

Дийдорингни кўролмасдан соғинган
кезларимда,
Ёшлигимиз ўтган боғлар самар қандин
олиб кел.
Дил-дилимни сеҳрлаган куралай
кўзларингда
Самарқандни пинҳон этиб,
Самарқандни олиб кел!

1962

ҚОРАЧИҒИМ

Устоз Миртемирга

Киприклар анжуманига
чироқ бўлган қорачиғим,
Элни мунгли кўрмакдан
йироқ бўлган қорачиғим,
Ёр кўзига қаролмай
сўроқ бўлган қорачиғим,
Юрагига чўғ *солиб*,
фироқ бўлган қорачиғим,
Қорачиғим,
сен билан узоқни кўролмасам,
Тоғлар кўксини ёриб,
қўйнига киролмасам,
Денгизлар сийнасида
шаҳарлар қуролмасам,
Яхши ният одамлар
дардини сўролмасам,
Сен билан мен жаҳонни
кўрмаганим яхшироқ!
Бироқ,
Одам бўлиб не қилсам
гувоҳ бўлган қорачиғим,
Не-не қорачиғларда
қўноқ бўлган қорачиғим,
Не-не қорачиғларга
даргоҳ бўлган қорачиғим.
Қорачиғим,
нурингни қозғa тўколмасам,
Яхшилик уруғини
саралаб эколмасам.
Меҳримни пиёлалаб
қалбларга тўколмасам,
Гард қўндирмай, сенга мен
жонимни тиколмасам,
Сен билан мен жаҳонни
кўрмаганим яхшироқ!

Бироқ,
Нигоҳинг етган жойга
боролмай ҳориб келсам,
Севгилимдан бўлакка
кўнглимни ёриб қолсам,
Кўзим ўтмай қолса-ю,
олдинроқ қариб қолсам,
Ўз элимдан айрилиб,
ночору ғариб қолсам,
Кўзгинам гавҳаридан
оқиб тушсанг яхшироқ,
Кўзгинам гавҳаридан
оқиб тушсанг яхшироқ!

1962

ОНАЖОНИМ

Бир мурғак гўдакни,
Бир кичик жонни,
Иссиққина сийнасида асраб,
Камолотга етказган, онажонгинам,
Эй, менинг ҳаётим, жону жаҳоним!
Меҳрингга торлик қилур юрагим,
Юрагимга торлик қилур кўкрагим,
Қуёшдан ҳам сенинг меҳринг
Ҳароратлидир.
Сен кўнглимга битган аллалар
Мўътабар қўшиқлар янглиғ
Фароғатлидир.

Ердан ҳам юз марта улкан юлдузни,
Кўзимга бекитдинг қай санъат билан?
Ойсиз тунларда ҳам ойдин кундузни,
Умримга бахш этдинг қай санъат билан?
Онажоним,
Сен мени севган меҳр билан
Севдим сени, муқаддас диёримни.
Сенга ва юртимга бахши этгум
Шеър билан қалбда боримни,
Садоқат чашмаси мавж урмиш
Маъсумгина юрагимда.
Тилгинамдан ўчмиш хушхон булбуллар,
Элимга муҳаббат гул ёзмиш
Эзгу тилагимда,
Олдда кутмиш мени ойдин йўллар,
Уфқи кенг чўллар.
Онажоним,
Шеърим битмагунча
Сен уйқу билмайсан,
Тунлар бедорсан,
Шеърий ғунчаларим болга тўлмагунча,
Бахтиёр элимга манзур бўлмагунча,
Сен ҳам мендай оромсизсан,
Онажоним,
Сен ҳам шоирсан!

1962

ЁРГИНАМ

Ёргинам, о, мунис ёргинам,
Ишқ, вафода аҳди боргинам,
Суратингга сиғинганимдан,
Хатларингни соғинганимдан
Хабарсизсан, мени ёргинам!

Ёргинам, о, гўзал ёргинам,
Ёшлигидан кўнгли боргинам,
Тушганмисан менинг қасдимга,
Ё мен тушиб сенинг қасдингга,
Адашдикми йўлдан, ёргинам!

Ёргинам, о, сулув ёргинам,
Изларимга муштоқ, зоргинам,
Шунча узун бўларми фироқ,
Фироқ шунча этармй йироқ,
Айриликка қолдик, ёргинам!

Ёргинам, о, дилбар ёргинам,
Дуторимга ипак торгинам.
Куйламагин ҳазин қўшиқни
Куйламагин ҳазил қўшиқни,
Кўнглим пора этма, ёргинам!

Ёргинам, о, зебо ёргинам,
Сийналари оппоқ қоргинам,
Хол бўлай деб ёноқларингга,
Бол бўлай деб дудоқларингга,
Сўзларингга зорман, ёргинам!

Ёргинам, о, зебо ёргинам
Айриликка кўнгли торгинам,
Йўқлаб келсанг мени на бўлғай,
Йўқлаб борсам сени на бўлғай,
Ё кўнглимиз тошми, ёргинам!

1962

НОН ВА ШЕЪР

Шаънингга ёзмасдан бирор қасида,
Мен сени кутяпман шаҳримда бугун.
Шеър билан кўнглингни этардим
мамнун,
Ва лекин тутяпман ризқу насибам —
Нони Осиём!

Сенга шеър бахш этсам, менинг
наздимда
Меҳринг оловида ўртанган юрак —
Ҳаяжон, эҳтиром, ниятдан бўлак,
Не сиғдирар эди унинг вазнига,
Вазмин назмда.

Мағрибу Машриқдан келган ҳар
меҳмон
Шаҳрим тупроғига қўйганда қадам,
Муборак қўлида тутиб дастурхон,
Нон билан кутаркан уларни мудом,
Улуғбек бобом.

Шу важдан, дўстгинам, сенга илк
дафъа
Юртим ҳавоси-ю, суву еримни,
Кўзим зиёси-ю, қайноқ меҳримни,
Нони Осиёмда этиб муҳайё,
Этяпман ҳадя.

Шуҳрати кетгандан етти иқлимга,
Навоий Хиротга элтган бу нондан.
Фурқат ҳам Ёркентга элтган шу нондан
Бобур-ку тушгандан унинг меҳрига,
Элтган Деҳлига.

Одам нонсиз, шеърсиз яшолмас асло,
Шеър ҳам унга нондай азизлигидан,
Нон ҳам унга шеърдай лазизлигидан,
Нон қадрин билгандай, шеър қадрин
гоҳо
Билмаймиз аммо.

Нондай улуғ бўлса шеъримиз, кошки,
Нондай қутлуғ бўлса шеъримиз, кошки!

1963

САМАРҚАНД УШШОҒИ

«Самарқанд ушшоғи»ни тингласам
шому азон
Титрайман гул баргидай.
Дилафгор ноласидан қалбимда сапчир
вулқон
Кўкрагимни ёргудай.

Куйми бу?
Ё Самарқанд ушшоғин ёнишими
Тоҳир-Зуҳра ёшида?
Гул ҳажрида булбулнинг субҳидам
хонишими
Регистоннинг қошида.

Куйми бу?
Ё Фарҳоднинг Ширинга мафтунлиги
Муҳаббат савдосида?
Лайлининг шайдолиги, Қайснинг
Мажнунлиги
Карбало саҳросида?

Куйми бу?
Ё минорлар меъморин фарёдими
Фалак кажрафторидан?
Навоий нидосими, ё Саккокий фардими
Шуаро дафтаридан?

Куйми бу?
Ё Ҳожининг қўшиқда камёблиги
Шаҳрим анжуманида?
Зебуннисо кўнглининг ушшоқда
ноёблиги
Етти иқлим саҳнида?

Куйми бу?
Ё гўдаклар она кўксин излаган
Лабининг ёлқинимми?
Чўли Малик бағрида ирмоқ бўлиб
бўзлаган
Зарафшон тўлқинимми?

Куйми бу?
Ё Оромбоғ гулчисин овозими
Сиёб хиёбонида?
Бастакор Ҳумулийнинг булбул гўё
созими
Ургут Сўфиёнида?

Куйми бу?
Ё чилпора кўнгиллар шиорими
Иқбол биёбонида?
Ё кўнгли пок Тўғралнинг Намозгоҳ
ашъорими
Синиқ сиёҳдонида?

Ҳа, бу мунгли навода, ушшоқ кўнгли
навода,
Муқаннанинг қалби бор.
Она тилим сингари шаҳрим тенги
навода,
Бехзод даҳолиги ёр.
Шунинг учун бир умр «Самарқанд
ушшоғи» ҳам
Тилимда ҳувайдодир.
Шунинг учун бир умр Самарқанд
муштоғиман,
Кўнглим унга шайдодир.

1963

МЕН САОДАТ ФАРЗАНДИ

Сен саодат бахш этган юракка
Мен ёр этдим садоқат,
Онагинам – Саодат!
Сен мени деб,
Титратгандай мулки самони,
Чақноқ юлдузларни узиб
Қададинг кўкрагимга.

Мен сени деб,
Оёқ ости қилиб қора дунёни,
Қитъалар қалбига солдим қўлимни.
Одамзод дардидан нотинч юрагимга
Аланга ташлади олам тақдири.
Сен мени деб,
Олға юрдинг
Жангларарo,
«Ё Ватан,
Ё ўлим!»

Бўлди сенга шиор ҳам байроқ.
Мен сени деб,
Олға юрдим
Жангларарo.
Бошим узра
Кун-маёқ.
Менинг пешонамда қуёш рамзи бор,

Овозимда —
Бургут қўшиғи!
Дунё ишлари ҳам
Елкамда маним.
Қалбим —
Тонгдай қуёшга хуштор,
Тебратгандир мени
Садоқат бешиги!
Сени менга берган,
Мени сенга берган,
Саодатни куйлаб ўтади куним,
Онагинам — Саодат!
Етти иқлим бир юракдай
Уйғонганида,
Етти иқлим бир юракдай
Саодат деб ёнганида,
Эзгуликка чанқоқ одамзод,
Бир овоздан:
— Мен,
Саодат фарзанди! — деяр,
Онагинам — Саодат!
Чақмоқдек кўзингга қўнмасин деб гард,
Бемаҳал боқмасин дея бир номард,
Курашдаман,
Тақдиримга боғлиқ
Сенинг тақдиринг,
Онагинам — Саодат!
Мен —
Саодат фарзанди,
азиз одамлар!
Жар солгандай Ер куррасига:
— Уруш бўлмасин! — деб
Беради фармон,
Онагинам — Саодат!
Саодатни сақлаб қолинг,
азиз одамлар!..

1963

ЎЗБЕК АТЛАСИ

Атлас чўғланади қизлар қорачиғида,
Атлас чўғланади қуёш кокилида ҳам.
Атлас шўхланади кўзлар қорачиғида,
Атлас йўқланади дарё соҳилида ҳам.

Гулсафсар кўксида, мажнунтоллар
баргида,
Чучмома гулида атлас жилоланади.
Бойчечак ҳуснида, узумларнинг
рангида,
Чаманлар тўшида атлас тиллоланади.

Атлас товланади қирмизи ёноқларда,
Ғунча дудоқларда қизийди атлас баэми.
Атлас бўёқлари сеҳргар бармоқларда,
Тоғлар бошида ҳам қизийди атлас
наэми.

Қушлар ҳам чуғурлашиб, атласдан
сўйлашурми?
Чўлда қолиб кетганму тўрғай атлас
ишқида?
Булбуллар шому саҳар атласдан
куйлашурму?
Атлас оҳанги борму тўтининг
«ху-ҳу»сида.

Товус ёхуд атласдан кўйлак кийган
эмасму?
Боғишамол саъваси атласга
хуштормикан?
Кабутар ҳам атласдан хино қўйган
эмасму?
Бедана навосига ё атлас дутормикан?

Табиат жило топмай қуёш бўёқларидан,
Марғилон атласидан келиндек
безанганму?
Дарёлар бўса олиб инсон оёқларидан,
Инсон юрган йўлларга атласдан
узанганму?

Камалак ҳам атласдан андоза
кўчирганму?
Уфқларнинг дудоғи қизарганму
атласдан?
Куз ҳам атлас олдида пардозин
ўчирганму?
Навбаҳор ўз кўксини безарканму
атласдан?

Фасллар ҳам жам этиб тамоми
гўзаллигин,
Атласга берганидан атлас шунча
ноёбму?

Ё фасллар олгандан атласдан
азаллигин,
Атлас нафосатида жилоланган офтобму?

Етти яшар қизчалар атлас кўйлак
кийганда,
Сархуш этиб қўяди навбаҳор
лолазорин.
Бўйга етган қизлар-ку ёрга кўнгил
қўйганда,
Тизза бўйи қорда ҳам қурар атлас
бозорин.

Бўлажак келинига кампирлар атлас
излаб,
Самарқанд бозорида атласдан
сўйлашади.
Йигитлар, чолларда ҳам атласга ҳавас
қўзғаб,
Нур балкиб узорида атласдан
сўйлашади.

Зухра билан Зайнаб ҳам атласни
суйганидан,
Бизнинг қизлар атласни фақат тўйда
киймайди.
Товусдай товланишиб, ҳар кун атлас
кийгандан,
Баркутга ҳам атласни сира кўзи
қиймайди.

Ўзбек диёридамас, ҳатто Ғарбу
Шимолда
Бугун ўзбек атласин жондан севиб
қолишди.
Атласга ишқибозлик ортиб қизу аёлда,
Ўзбеклар одатича атлас кийиб олишди.

1963

СЕВГИ ЁШИДАМАН

Ўн саккиз – олов ёш!
Бу ёшда ҳар ким
Вулқон портлагандек сезар қалбида.
Ақлига юраги бўлади ҳоким,
Жон-жон деб бош эгар севги олдида.

Бош эгар,
Ва лекин
Уни қайтадан
Ўзига бир умр этади таслим.
Мен-чи,
Мен севгимни қандай айтаман,
Ҳамон йўлимдадир ўша бир тилсим.

Мен ҳам ўн саккизда бош эгиб бир бор,
Ақлим йўқотгандим бир қиз ўйида.
Йигирма бешда ҳам бўлиб интизор,
Қалбим ўтга отдим бир қиз кўйида.

Етмишга кирсам ҳам севги кўчасин,
Ўн саккиз ёшимдай байрам қилурман.
Нурафшон этгандай севги кечасин,
Кўрган одамларни ҳайрон қилурман.

Ўн саккизда таслим этган дилдорнинг
Лутфий ёшида ҳам асири бўлгум.
У мени, мен уни севган баҳорнинг –
Гулларин тўйига ёнма-ён келгум.

Ўн саккиз ёшимда ошиқ бўлсам ҳам
Уни севги ёши демоқ не керак.
Баъзилар олдида хато қилсам ҳам
Севги асиридир мендаги юрак.

Шул сабаб, севгини жўшиб куйламоқ,
Қон билан жонимга йўғрилгани рост.
Шул сабаб ҳар шеърда ишқдан
сўйламоқ,
Севгим билан бирга туғилгани рост.

Шул сабаб, севилиб, севганим қизга,
Ошиқ кўнгил билан кўйида борман!
Шул сабаб, қалбимнинг тушиб измига,
Муҳаббат созига сеҳргар торман.

Севги ёшидаман бир умрга мен,
Севги билан тўлгай кўзим зиёга.
Ёшинг ўтди деманг,
Бир умрга мен —
Севмоқ-чун келганман ёруғ дунёга!

1963

Самарқанд ушшоғи

(сонетлардан тузилган достон)

Рафиқам Сурайёхон шарафига

Азалдан шоирлар куйлаб ҳижронни,
Бизга қолдирдилар васли имконни.

МУҚАДДИМА

Регистоннинг қошида бир уй,
Унда яшар ёш бир қаламкаш.
Қарашлари сермаъно, хушрўй,
Файласуфдай ўйчан, хаёлкаш.

Дилбари ҳам ҳуснда танҳо,
Бир-бирига жуда муносиб.
Ҳижрон нима билмаган асло,
Замон кўрган висолни насиб.

Кириб севги деган дунёга,
Ишқига ғов бўлмаган ҳеч ким.
Соф муҳаббат етиб вояга,
Шеърларида висолдир ҳоким.

Шул сабабдан ҳижронсиз юрак
Висол куйин айтмоғи керак.

1

Келганида боғларга баҳор.
Очилганда тоғларда лола,
Қушлар нағма қилганда бедор,
Урилганда тошга шалола.

Табиатнинг гўзаллигига
Тополмасдан бўёқ ва калом
Гўзалликнинг азаллигига
Биринчи бор бергандай салом.

Сиёб бўйлаб кезар хаёлкаш
Сиёб янглиғ жўшқин бир юрак.
Дарё билан ўйлари уйқаш,
Тўлқинлардан тингларди эртак.

Қайлардадир янграрди наво,
Сувдай тоза, сувдай бебаҳо.

2

Ўша наво ишқи билан маст,
Гули Наврўз мунис шайдоси.
Ёш кўнглига ишқ бўлиб пайваст,
Хаёлида дутор навоси.

Ўша наво — қизнинг хониши,
Бу хонишда севги ҳам вафо.
Ёр васлида қалбнинг ёниши,
Бу ёнишда ким бўлмас адо.

Дутор чалмиш бир пари рухсор
Ишқ савдоси тушиб бошига.
Бир сония кўрмакка дийдор
Боролмасмиш йигит қошига.

Юракдаги дардини нукул,
Дуторига изҳор этмиш ул

3

Ҳой, Бахтиёр, ҳой, бургут йигит,
Нечун жимсан, нечун хаёлкаш?
Нечун бунча сақлайсан сукут,
Нелар қилмиш хаёлингни ғаш?

Бошингнангни кўтар бир нафас,
Бадбин ўйлар қул этмасин, қўй.
Дунё бўлмас севгига қафас,
Сен ҳам уни ошиқларча суй.

Боғ кўчада қиз чертса дутор,
Нечун бунда чекасан фиғон?
Куй-ла ишқин у этса изҳор,
Нечун тушмиш қалбингга туғён?

Яхшиликни кўрмасдан раво,
Ёш бошингга ким солди савдо?

4

Боғ кўчада куйлайди дутор,
Шўх ва қувноқ, ҳазин ҳам мунгли.
Наҳот шунча тилга кирса тор,
Эзилади одамнинг кўнгли.

Ошиқларнинг дардин елкалаб,
Узилмапти унинг торлари.
Сарвиноздар бугун эркалаб,
Кўкси узра тутиб чаларми!

Шаън наволар куйлаган дутор,
Титранади барги хазондай.
Сарвқомат кимга бўлмиш зор,
Кимни кутмиш субҳи азондай.

Куй мавжида оқиб барг мисол,
Кимни ёдлар сохиби жамол?

5

Ҳар юракнинг ўз шоири бор,
Ҳар шоирнинг бордир мухлиси.
Менга ёқса бир шоир, зинҳор
Сенга ёқмас унинг «мажлиси».

Минбар узра шогирд ва устод,
Чақмоқ янглиғ чақнар шоирлар.
Ларза солиб юракларга бот
Руҳинг ичра қуюлар шеърлар.

Самарқанднинг осмони узра
Сочилади назм юлдузи.
Қарсаклардан уради долға –
Шеър завқидан одам денгизи.

Михлангандай минбарга кўзлар,
Ҳар кимса ўз шоирин излар.

6

Ана, чиқди жўшқин қаламкаш,
Улуғларни кўрган минбарга.
Юрагида балқиб бир қуёш,
Меҳр билан боқди мингларга.

Гулга кирган ниҳол мисоли
Қадди-басти хушбичим, кўркам.
Бошдан учиб қизлар хаёли,
Қалбларидан яшнарди кўклам.

Қош остидан ул қаро кўзлар
Ҳаё билан боқарди масъуд.
Кўк сахнидан хумор юлдузлар
Кузатарди уларни ёхуд.

Одамларга бергали борин.
Варақлади шоир дафтарин.

7

«Она юртим, заҳматкаш юртим,
Не савдолар кечди бошингдан.
Аму, Сирни сен бунёд этдинг –
Кўздан оққан аччиқ ёшингдан.

Икки дарё қирғоғида сен
Йўловчидай бўлдинг сувга зор.
Ердан олис яшагандай кун,
Бахтли кунга бўлдинг интизор.

Дастурхонда турган нонингни
Тортиб олмоқ бўлди не-не ёв.
Муқаннадай мард ўғлонингни
Бошда тутдинг бамисли ялов.

Фақат Оллоҳ силаб бошингни
Кўзларингдан артди ёшингни».

8

«Халқим, сенга бахшида қалбим,
Сенсиз ҳаёт, менга мангу ёт.
Мен сени деб, қаламни олдим,
Сенга шараф, сенга садоқат!

Сен борсанки, кўкрагим баланд,
Ғамгинликни билмас бу созим.
Сени айлаб қуёшга монанд,
Қўшиқ бўлиб янграр овозим

Бино бўлиб бу олтин қуёш,
Аямаган нурин ҳеч кимдан.
Она ерга мудом эгиб бош
Кузатади оламни зимдан.

Қуёш каби борингни сен ҳам,
Ҳамма билан кўрасан баҳам».

9

«Севгини ҳам сен бериб, халқим.
Жудо этдинг мени оромдан.
Менда севги бўлмаса, балким,
Сенсиз ўтар эдим оламдан.

Севги олиб ҳаловатимни,
Мажнун билан қилди юзма-юз.
Унутсам ҳам фароғатимни,
Билмам шайдо қайси қора кўз.

Хаёлимда бир моҳи рухсор,
Ғойибона хат берган санам.
Неча кундир айлайди хумор,
Танитмайди ўзлигини ҳам.

Балки, бундан ул қилиб роҳат,
Мени кўйди азобга фақат».

10

Ҳамма ўйчан тутарди қулоқ,
Сокин кўлдай қалблар эди жим.
Чирт узилиб тушса бир япроқ,
Чивин учса сезарди ҳар ким.

Бу кечада ёшу қарига
Ҳамдам эди сухан лашкари.
Обдан етиб шеърнинг қадрига,
Ўлтирарди бунда бир пари.

Чеҳрасида табассум хандон,
Гоҳ эзилар қалби анордай.
Қарсагидан кўчади осмон,
Юрагида бир гапи бордай.

Дилбар шеърдан ошифта кўнгил,
Бахтиёрга гул тутади, гул!..

11

Гулни олиб навқирон шоир,
Тилдан учар ширин каломи:
«Гул фаслига бўлибманки ёр,
Қалбда яшар унинг илҳоми.

Гулпарастдир халқим азалдан,
Кўнгли нозик гулдан шул сабаб.
Фарқ қилмасам мумни асалдан,
Қўймам гулни кўксимга қадар.

Етолмасдан гулнинг васлига,
Зор-зор йиғлаб ўтганлар бордир.
Қалбин кўмиб гулнинг фаслига
Қўшиқ бўлиб кетганлар бордир.

Гул шайдоси, ҳой, мунис синглим,
Гулдай нозик бўлмасин кўнглинг».

12

«Сени илк бор кўрган кунимдан
Йўқолганди дилдан фароғат.
Кечган эдим ширин тунимдан
Уйғонганди сенга садоқат.

Қандай қилиб, кўнгил розини
Айтолмасдан эдим азобда.
Чертар эдим севги созини,
Сайрагандек булбул азондан.

Дарё сари шошган ирмоқдай,
Ётоғингга тушарди йўлим.
Қалбим титраб кузги япроқдай,
Деразангда коларди дилим.

Мушоира кунлари ёлғиз,
Тўяр эди васлингга бу кўз».

13

Ёш қалбида неки дарди бор,
Ошкор этди Баҳорга барин:
«Агар этсанг мени ихтиёр,
Сени қийнар кўнгил дардларим.

Дардларимга беролсанг бардош,
Бўлса сенда тоғ қадар сабр.
Бир ёстиққа қўймоқ бўлсанг бош,
Ёш жонимга этмасанг жабр.

Баҳам кўрсанг дунё ташвишин,
Севги фақат демасанг висол.
Енгил қилиб бир одам ишин,
Оқибатда топсанг ҳам завол.

Ўкинмасанг ҳаётдан бедор,
Бу ёш кўнглим сени дер, Баҳор».

14

«Қайдан бўлди бу кўнгил шайдо,
Қайдан сенга дуч келиб қолдим,
Бўлиб доим қаршимда пайдо,
Қўлларингга оласан қалбим.

Учратмасам сени, Бахтиёр,
Ишқ маъносин қайдан билардим.
Этмасайдим сени ихтиёр,
Хандон отиб қайдан кулардим.

Ихтиёрим олиб ўзингга,
Ҳаловатдан айладинг жудо.
Солиб қўйиб тамом измингга,
Фароғатни кўрмайсан раво.

Қалбга кўзлар бўлса таржимон,
Нечун бунча қийналади жон?»

15

«Шеъринг ёдлаб саҳарга қадар,
Шивирлайман ўзимга ўзим.
Ўқувчингдан бўлиб бехабар,
Қайлардасан, менинг юлдузим!

Сенга берган гулимдан, балки,
Санамагил мени беҳаё.
Биласан-ку қизларнинг қалби
Сир сақлайди ишқин доимо.

Келганда ҳам бошига ўлим,
Йигитлардай ёрнинг юзига
«Севаман» деб айтмаган ҳеч ким,
Бор дардини олган ўзига.

Қиз ишқида бўлмаса хаё,
Қора либос киярди дунё»

16

Боғишамол гулзори аро
Регистонга шошилар Баҳор.
Севги унга бергандай оро
Пойин ўпиб, маст этар гулзор.

Гул бўйидан сархуш бу жонон,
Унутгандир бугун дунёни.
Муҳаббатдан қалбида уммон,
Унутгандир бутун дунёни.

Ваъда қилган чинор олдида
Бахтиёри кутади уни.
Ўт солгандай нозик қалбига
Қўлларидан тутади уни.

Шунинг учун кабутар каби,
Чарх уради Баҳорнинг қалби.

17

Миноралар олдида ўйчан,
Баҳорини кутар Бахтиёр.
Севги уни ром этиб қўйган,
Қарашида ажиб маъно бор.

Муҳаббат деб аталмиш шохнинг
Фармонини айлагай адо.
Минг асрлик қайнар булоқнинг
Сувларидан топади даво.

Неча кундир, висол дардида,
Ишқ ўтида ўртанган юрак,
Бардош қилиб севги зарбига
Қўшиқ айтиб ўрганган юрак,

Кириб қолиб ишқ оламига,
Интизордир ёр қадамига.

18

Сиёбдаги гули Наврўздай,
Гулгун бўлиб келади Баҳор.
Субҳидамда балқкан юлдуздай
Пешвоз чиқар унга Бахтиёр.

Икки қалб ҳам бир сўз деёлмай,
Бир-бирини кузатар зимдан.
Дамлар учиб ўтар хаёлдай,
Фарқ қилмасди қалблар тилсимдан.

Тилсим эмас, қалблар олдиндан
Сир-асрорин англаган эди.
Кўзлардаги севги, ёлқиндан
Бир-бирини танлаган эди.

Келмай қолса тилингга сўзлар,
Изҳор этар севгини кўзлар.

19

Кўзлар бир дам айлашгач висол,
Баҳор қўлин тутди Бахтиёр.
Бошларига кўнгандай иқбол,
Сиёб сайрин қилди ихтиёр.

Тўкканида бодомлар гулин,
Гуллаганда ўриклар оппоқ,
Кутганида гуллар булбулин,
Лола базмин қурганида тоғ.

Сиёб бўйлаб, айлаб сайри боғ
Кезар эди ошиқ-маъшуқлар.
Турён урар тўлқинлар шу чоқ
Ишқ аҳлига айтиб қўшиқлар.

Бу қўшиққа бўлиб жўр овоз,
Бахтиёр ҳам сўйлар эди роз.

20

Қалбингда ҳамиша меҳрим ардоқлаб,
Бир нозик табассум эҳсон этасан.
Табассуминг билан ҳолим сўроқлаб,
Ёшгина кўнглимни шодмон этасан.

Навбаҳор гулидай яшнаб йўлимда,
Навқирон умримни бўстон этасан.
Ишқ ўтин ёндириб маъсум дилимда,
Севги қуёшига осмон этасан.

Биргина кўзингни кўрмасдан раво,
Шайдойи қалбимни ҳайрон этасан.
Ширин хаёлимни вайрон этасан.

Ҳар куни тонг билан янгратиб наво,
Муҳаббат боғида меҳмон этасан,
Севгимиз оламга достон этасан.

21

«Бизлар муқаддас деб атаган севги
Минг кўйга солади қалбни, Бахтиёр.
Гоҳ шодлик бахш этиб, гоҳида қайғу –
Роҳату азобга бирдай қилур ёр.

Сени деб дуч келдим таажжуб ҳолга,
Мушоира куни Ором боғида.
Бир жувоннинг қадди ўхшаб ҳилолга,
Китобга термилар хазон чоғида.

Кўксини чок айлаб шоирнинг номи,
Кўзлари қолганди муқовасида.
Тилидан чиқмайди бирор каломи,
Тураради сукунат дақиқасида.

Шоирнинг китобин очмоқлик учун,
Зада бўлган қушдай чўчирди нечун?»

22

«Одамзод яралган қутлуғ бир кунда,
Қалбини забт этган севги деган шоҳ.
У ошиқ-маъшуқни бедор этганда,
Юлдуз чаманига оттирган нигоҳ.

Ўқиб ҳам кўрмасдан шафқат китобин,
Юсуфу Зулайҳо йўлин бойлаган.
Ҳатто тингламасдан Қайснинг хитобин
Карбало даштида сарсон айлаган.

Ширинниng қўлига тутқазиб оғу,
Фарҳодни ватандан этгандир жудо.
Тоҳирни дарёга улоқтириб у,
Зухрага висолни кўрмаган раво.

Севги шоҳ бўлса ҳам инсон қалбига,
Ўзи бош эгмаган шоҳлар олдида».

23

«Баҳор қуёшидай келиб ёруғ кун,
Шоҳлар салтанати қулади тубан.
Севги ўз тахтида қолса ҳам бугун,
Одамлар қалбини айлади равшан.

Юраклар қўрини бахш этиб унга,
Вафо сўзин ёзди шоир қалами.
Севги зор бўлгандай бир умр шунга,
Тилсимдай очилди унинг олами.

Ошиқлар юзида барқ урди ханда,
Висол ойи чиқди сўнгсиз самодан.
Айрилиқ кунлари бўлгандай канда,
Одамлар бахт топди севги-вафодан.

Азалдан шоирлар куйлаб ҳижронни,
Бизга қолдирдилар васли имконни».

24

«У жувон тарихин ўзи бир достон,
У ҳамдам бўлганди шоир дардига.
Бевақт булут билан қорайган осмон,
Соя солиб кетди унинг рангига.

Азизим, дардига шерик бўл унинг,
У билан ўқиб чиқ шоир китобин,
Ҳар мисра қон билан ёзилган куни,
У қарши олганди севги офтобин.

Ана, ўша дамлар, учрашув чоғлар,
Ўша олтин севги яшар ёдида.
Эзгу хотиралар қалбини доғлар,
Фақат китоб қолди унга обида.

Бир олтин фаслни шундан қилур ёд,
Севги деб, ким бўлмиш бир-бирига ёт».

25

«Мармардай тонг чоғи сайри гулзорда
Оромим йўқолур сабо бўлмаса,
Сабонинг эсиши сўлим наҳорда
Кўнглимнинг дардига даво бўлмаса.

Кўксини йиртмасди ғунчалар унга,
Севгилим тонгдан ҳам зебо бўлмаса.
Булбулни мот этдинг демасди менга,
Қалбимда мусиқий наво бўлмаса.

Истиқлол уфқини кўролмас эдим,
Замонлар ичида аъло бўлмаса,
Кўзимда ҳаётий зиё бўлмаса.

Васлингга муяссар бўлолмас эдим,
Севгимизда аҳду вафо бўлмаса,
Одамлар бизларга шайдо бўлмаса».

26

«Бундай латиф, дилбар хонишни
Айт, азизим, ато этди ким?
Шеър дардида бундай ёнишни
Сенга бериб, хато этди ким?

Ё табиат сендай сухандон
Ҳузурида қилдими таъзим?
Қуёш бўлиб олтин сиёҳдон,
Қалбинг билан битдингми назм?

Чашмаларнинг сеҳргар куйин
Мисраларга айладингми жо?
Сархуш этган атиргул бўйин
Сўзларига таратдингми ё?

Ё қўлингда лолагун бир жом,
Тутганмидинг менга бу айём?»

27

«О, жонгинам, билсайдинг зора
Шеърсиз менга ҳаёт йўқлигин.
Шеър бўлмаса, қалб бўлиб қора,
Кўрмас эдим ҳаёт кўҳлигин.

Яхшиямки бахтимга сен бор
Тинглагувчи дардимни ёна.
Йўқса, тунлар чекиб оҳу зор
Бўлур эди бахтим афсона.

Кимки шеърга қараса нохуш,
Фарқи йўқдир юрагин тошдан.
Шеър этмайди кимларни сархуш,
Не савдолар кечмайди бошдан.

Шеър севгидай бахш этар ҳузур,
Севги билан эгизакдир шеър».

28

«Сенсиз келмас, Баҳор, шеърим дунёга,
Юрагим оташи сўнади сенсиз.
Юрагим уришдан тинади сенсиз,
Сенсиз тўлмас, Баҳор, кўзим зиёга.

Сенсиз бир кун яшаш мен учун маҳол,
Ҳаётни тасаввур қилолмам сенсиз.
Севги куч-қудратин билолмам сенсиз,
Сенсиз бўлмас асло умрим мукаммал.

Сенсиз сўнар менда эзгу ҳаяжон,
Шеър эмас, қон сирқир қалбимдан
сенсиз,
Иқболим кўролмам олдиндан сенсиз.

Ошиғинг бўлурман то танда бор жон.
Сен билан бекорга кетмас бу умрим.
Севгингни куйламай ўтмас бу умрим».

29

Дарё билан топишди висол,
Корли тоғдан чопган ирмоқлар.
Ва қуёшдан олгандай тимсол
Олтин рангга кирди бошоқлар.

Боғ кўчанинг боғбонлари ҳам
Анжирини барги-ла узди.
Мажнунтолдай эгилмиш ишком,
Кўзни олар ёқут узуми.

Икки ёшнинг муҳаббати ҳам
Камол топди шу фасл янглиғ.
Ошиқларни кўрган ҳар одам
Бахт уйидан тингларди қўшиқ.

Мўйсафидлар силаб соқолин,
Тилар эди улар иқболин.

ХОТИМА

Икки гулни қўшгали бирга
Рози бўлди ота-оналар.
Ҳамма ишни қўйиб бир ерга
Бел боғлади тўйга янгалар.

Ёзнинг нозу неъмати билан
Дастурхонга зеб берди қизлар.
Узумларнинг шарбати билан
Анор янглиғ қизарди юзлар.

Шеър завқидан яшарди чоллар,
Кўкни қучди қизлар ёр-ёри.
Келин-куёв кўнглини овлар,
Мукаррамхон рақси, «Баҳор»и.

Ошиқларга ўқиб қасида,
Оқар эди Сиёб осуда...

1963

ОДАМЛАР

Танигандан буён ақлимни
Одамлардан тингладим сабоқ.
Гўё қарзга бериб қалбини
Бошим узра этдилар байроқ.

Бор умримни этсам ҳам фидо
Осон эмас, бу қарзни узмоқ,
Мен уларни этмасам ризо,
Не керакдир бу карзни узмоқ.

Бу қарз – менга этилган ҳадя
На кумушдир ва нада олтин.
Бу олтиндан зиёд бир дунё,
Мен шу дунё бағрида қолдим.

Шу дунё деб, билдим ҳаётда
Яхши билан ёмон фарқини.
Кўпни кўрган бу табиатда
Янги тарих Ғарбу Шарқини.

Шу дунё деб, шу одамлар деб,
Сочдим эзгуликнинг уруғин.
Шу дунё деб, шу одамлар деб,
Адо этдим Ватан буйруғин.

Бири артиб кўздан ёшимни
Йиқилганда турғизиб қўйган.
Бири силаб азиз бошимни
Равон йўлдан юргизиб қўйган.

Бири тутиб қўлимга қалам,
Ўргатгандир биринчи ҳарфни.
Бири очиб янги бир олам
Тинглагандир қалбим зарбини.

Бири ўқиб тўнғич шеъримни,
Умид билан оқ йўл тилаган.
Менга туҳфа этиб меҳрини
Китобимни бири қўллаган.

Оталарнинг анъанасини
Шу одамлар берди қўлимга.
Кўр деб Ҳурлик тантанасини,
Шу одамлар кирди дилимга.

Қарзга бериб қалбин, Одамлар,
Олиб қўйди қалбим, Одамлар!

1964

РОБЕРТИНО КУЙЛАГАНДА

Жамайка!
Жамайка!
Жамайка, деб куйлар безавол
Бу маъсум бола.
Карибдаги кичик бир орол
Қилгандай нола...
Жамайка, деб куйлар безавол
Бу маъсум бола!
Мунгли ноладан

Нил сокин,
Сир сокин,
Ганг сокин,
Сокиндир Амазонка ҳам.
Гўёки бир муддат
Босиб сукунат
Болқон лол,
Атлас лол,
Помир лол,
Лолдир Ҳимолай.
Сукунат қопқасида,
Дунё минтақасида:
Осиё жим,
Африка жим,
Европа жим,
Жимдир Америка ҳам.
Бир ғариб кулбада,
Хору зор кулбада,
Туғилган гўдак.
Сорренто яқинида,
Чақмоқлар чақинида
Туғилган гўдак
Ғамнок қўшиғидан
Таралган Италия!
Қўшиқлар ошиғидан
Яралган Италия!
Уруш гирдобида
Ўз умридан ўкинган,
Соборлар меҳробида
Минг букилиб чўқинган,
Данте бешигини
Тебратган Италия!
Карузо қўшиғини
Янгратган Италия!

Бомбалар дахшатин
Тиндирмагунча,
Қиличлар сопини
Синдирмагунча
Жамайка!
Жамайка, деб куйлар безавол
Бу маъсум бола.
Карибдаги кичик бир орол
Қилгандай нола,
Жамайка!
Жамайка, деб куйлар безавол,
Бу маъсум бола!

1964

СЕН ТУҒИЛГАН КУН

Бугун сенинг тўйинг, онажон!
Бугун қалбим сиғмас кўкракка.
Боғлараро ўқиб бир достон
Мен учаман бугун юксакка.

Тупроғингни суртиб кўзимга,
Бола каби сени қучаман.
Шодлигимдан келмай ўзимга,
Булоғингдан зилол ичаман.

Оромимни йўқотиб тамом,
Дилбар қўшиқ излайман сенга.
Шу қўшиққа меҳрим этиб жам,
Қалбим билан сўйлайман сенга.

Баҳорлардан териб гулдаста
Сен турибсан қаршимда масрур.
Меҳринг этиб менга пайваста
Кўзларингдан қалбга окар нур.

Бунда барча миллат меҳрибон,
Бир онанинг фарзанди мисол.
Шифо топиб юртим меҳридан,
Гулшанаро кўргузур жамол.

Муборакбод этгани бари
Бугун келмиш сенинг қошингга.
Ва чарх уриб қалблар каптари,
Жавоҳирлар сочмиш бошингга.

Мен қошингда этгали таъзим,
Талпинаман тўлқинлараро.
Юзларимда ўйнаб табассум,
Кўзларимда чақнар шарора.

Сендан бахтин топган одамлар
Қутлуғ номинг ҳар кун қилар ёд.
Бугун бари айтишиб алёр,
Қўшиқ билан сени қилур шод.

Мен ҳам сенга азалдан ошиқ
Бўлган битта жигарпорангман.
Мен ҳам сенга дилбар бир қўшиқ
Айтмоқ бўлган азиз болангман.

Қўшиқ излаб кездим шул сабаб,
Зарафшоннинг қирғоқларида.
Мармар тонгни кутдим саҳарлаб,
Самарқанднинг гул боғларида.

Кенагаснинг толеидан шод
Шоирона хаёлга толдим.
Юлдузлардан тинглаб муножот
Қўшиқ айтиб чорбоғда қолдим.

Сен бўлмасанг, эй, азиз Ватан,
Қўшиқ айтмоқ бўлмасди раво.
Сен бўлмасанг, бу етти иқлим
Кўринарди кўзимга қаро.

Сен бўлмасанг дунёда агар
Келмас эди дунёга халқим.
Ўзбек халқи бўлмаса агар
Мени ўзбек деяр эди ким?

Сен халқимдай ақлу заколи
Ва халқимдай жуда қадимсан.
Бошга тушган жангу балони,
Халқим билан енгган заминсан.

Азиз бошинг етиб куёшга,
Омон бўл, эй, фидокор ўлкам.
Тўйинг билан сени кутлашга
Қўшиқ битдим, бахтиёр ўлкам.

Ўзбекистон, эй, менинг қалбим,
Севгисиз қалб бўлмагай асло.
Бахтим борки, севгингни ҳеч ким
Юрагимдан этолмас жудо.

1964

ШАҲЛОНИНГ КУЛГУСИ

Ярим ёшга тўлмасдан,
Ҳали катта бўлмасдан,
Қиқир-қиқир кулган қиз,
Дадасини билган қиз,
Менинг қизим Шаҳлодир,
Шаҳло кўзли зебодир.

Ишга кетсам эрталаб,
Шаҳло кулиб, эркалаб,
Кулгиси билан мени,
Узатади ҳар куни.

Ишдан қайтсам кечқурун,
Уйга кирмасдан бурун,
Кулиб кутиб олади,
Гўё ўпиб олади.

Юрагида бор гапин,
Юрагига ёр гапин,
Кулги билан билдирар,
Кулги билан кулдирар.

Шаҳлонинг кулгисида
Чашмаларнинг мавжи бор.
Шаҳлонинг кулгисида,
Гул очгандай навбаҳор.

Шу кулги унга ҳар чоқ,
Умр бўйи ёр бўлсин.
Кулги билан ҳар юрак,
Умр бўйи бор бўлсин.

1964

ЎҒЛИДИР, БАЛКИ...

Ургут қишлоғида бордир бир чинор,
Алпомиш сингари алп қомат, расо.
Унга келиб-кетар бир кампир хумор,
Интизор кўзида бир дунё маъно.

Қирқ биринчи йилда ўғлини шундан
Узатиб қолгандир жангга мардона.
Шундан буён хабар тополмай ундан,
Шу чинор тагида кутади она.

Кеча ҳам, кундуз ҳам шунда хаёли,
Ҳижрон аламлари рангги-рўйида.
Ғазабдан бомбадай портлаган қалби
Анордай эзилган ўғлин кўйида.

Мени кўрган замон босар бағрига,
Тонг мисол ёришиб кетар юзлари.
Бошини қўйгандай умид тоғига,
Боламга ўхшайсан, дейди кўзлари.

Дока рўмолининг учини ечиб,
Қўлимга тутқазар икки энлик хат.
Бахту саодат деб, сувмас, қон кечиб —
Ўтган бир йигитни секин қилдим ёд.

Окопдами ёки жанглар олдидан
Лабга сурилгану бинафша қалам,
Ўқдай учиб чиқиб сўзлар қалбидан,
Энг сўнгги хатини битганми, дейман.

Ўзи ҳам билмасдан сўнгги хатлигин
Сўнгги бор йўллаган онаизорига.
Сўнгги жанглараро Ғарбга хатлаган,
Эрк нурин бахш этиб не-не диёрга!

Она деб, онасин кўролмай кетган,
Арслон келбатли марди майдонлар,
Ватан деб, Ватанда юролмай кетган,
Бевақт курбон бўлган дўсту ёронлар,

Қаторида сен ҳам бормисан, ўртоқ,
Нечун сендан ҳамон хат йўқ, хабар йўқ.
Отанг экқан чинор тагида мушток
Онаизоринг учун тонг йўқ, саҳар йўқ.

Ёинки қай элда асирлик сабаб,
Кимлар даргоҳида қўлга қарамсан.
Қай мистер туғилган юртинг ёмонлаб,
Сени маҳрум этди лутфи карамдан.

Юртингни ёд этиб, узун тунлар жим
Муштипар онангни соғиндингми ё?
Қалбингга айрилиқ бўлгандай ҳоким,
Қоп-қора сочингга оқ индими ё?

Ватанга қайтишдан қўрқма, бор бўлсанг,
Бегуноҳ маҳбусни кечирар халқинг.
Сен унда мурувват, бахтга зор бўлсанг,
Бунда эркин яшаш фарзандлик ҳаққинг.

Онанг-чи, хатингни ўпиб, кечаси
Ёстиғи тагига қўйиб ётади.
Қундуз ёпилмайди уйин дарчаси,
Ўғлим келади, деб сени кутади...

Қаранг, шошар она чинорни кўзлаб,
Эритгандай ҳижрон тошини қалби.
Кимдир йўл бошида тўрғайдай бўзлаб,
Чинорга талпинар, Ўғлидир, балки...

1965

СУРУР

Шодлик йўлга
бошлади мени.
Ҳамид Олимжон.

Ҳаёт деган мунис бир санам
Шодлик майин тутди қўлимга.
Ёлқинланган лола ранг бу жом
Сархушликни солди дилимга.

Шундан буён бу ёруғ дунё,
Кўринади кўзимга гўзал.
Қўшиқ айтиб оқади дарё,
Булбул менга ўқийди ғазал.

Товус янглиғ товланиб кўклам
Гулларини сочар йўлимга.
Келинчакдай ясаниб ўлкам,
Эрк созини тутар қўлимга.

Субҳидамда қайнар булоқлар
Менга ишқдан сўйлайди достон.
Кўкни ўпган оқ сочли тоғлар
Зина бўлиб, чорлайди осмон.

Тоғ бошида жилмайиб қуёш
Менга берур тонг билан салом.
Ҳузуримда олам эгиб бош,
Айла дейди мени якқалам.

Шалоладан гувлаган дара
Солар менинг қалбимга туғён.
Тош устида кўкарган сада
Бошим узра бўлур соябон.

Жаннат макон оромбахш боғлар
Оғушига чорлайди мани.
Сув узатиб муздай булоқлар
Ҳовуч-ҳовуч ич, дейди, қани!

Пахтазорлар мисли бир уммон
Чайқалади сехрлаб қалбим.
Яса дейди тоғ қадар хирмон,
Тонг отгунча бағримда қолгин.

Мен тилини билмаган қушлар
Роз айтади тонгдан то оқшом,
Бу — сирли бир қўшиққа ўхшар,
Бу қўшиқдан сархушдир олам.

Бор бисотин ёзиб табиат
Юртим бўйлаб айлайди кўз-кўз.
Мен қошида ошуфта ва маст,
Чиройига тополмайман сўз.

Кўнглимаро мавж урар сурур,
Кўнглим аро оташ, ҳаяжон.
Бу сурурдан мастман бир умр,
Бу сурурдан ором билмас жон.

Шодлик деган бебаҳо майдан
Ичиб, дўстлар, тинчим йўқолди.
Оромимни топурман қайдан,
Ҳаловатим қайларда қолди!

1965

ҚАЛБ ВА ДЕНГИЗ

Мен қалбимни ўхшатаман денгизга,
У денгиздай тўлқинланар севинчдан.
Дард-аламдан тўфон қурар бир зумда,
Ва дафъатан ўртанаман ич-ичдан.

Денгиз каби билмайди у уйқуни,
Кўксим ичра муҳаббатинг ардоқлар.
Кўргани ҳеч кўзи йўқдир қайғуни,
Қайда бўлсам сени доим сўроқлар.

Денгиз теран бўлганидан сокиндир,
Улканликдан қудратлидир доимо.
Қирғоғида турган қоя собитдир,
Тубидаги гавҳарига маҳлиё.

Менинг қалбим тубида ҳам, мунис ёр,
Муҳаббатим гавҳарлари ётибди.
Ололмади уни асло ёт қўллар,
Унга фақат сенинг қўлинг етибди.

1965

НИҲОЛ ВА ЧИНОР

Саҳнамизда ниҳол ва чинор,
Чинор ғамгин, ниҳолда виқор.

Ҳамма ўйчан, ҳамма сукутда,
Термилади ҳамма паришон.
Юраклари чўлғаниб ўтда,
Оловланар кўзлар бегумон.

Улар ахир шу ёшга қадар,
Кечирмаган бу ҳолни бошдан.
Ҳаяжондан қалблар тўлғанар,
Саҳнамизда балққан қуёшдан.

Яшин гўё чаққандай чақмоқ,
Тилга кирар ғижжаги ғамнок.

Тилга кирар жўшқин, ларзакор,
Тоғу тошлар берар акс-садо.
Гўё бунда вулқон зарби бор,
Қудратидан титрар ер, само.

Тўлқинлардай сапчир қирғоққа,
Дарё мисол ёзар қулочин.
Эфир билан учар йироққа,
Чўққини забт этгандай лочин:

«Уруш» десам тилим куяди,
Тилим эмас, дилим куяди.

«Уруш» сўзи тушса эсимга,
Калимага келмайди тилим.
Жанг кунлари кирса тушимга,
Япроқ каби титрайди дилим.

Уруш, сенга нафратим, қаҳрим,
Ўқдек учар ғазабим, заҳрим!

Кўзларимни ўйиб олсанг ҳам
Толқон бўлмас тоғ каби сабрим.
Кўзларимни ўйиб олсанг ҳам
Куйим билан қазийман қабринг.

Кўзларимни ўйиб олсанг ҳам
Сенга отгум нафрат тошини.
Кўзларимни ўйиб олсанг ҳам
Сенга отгум офат тошини.

Сен бошларга солган асорат
Ғирдобида ўртанди олам.
Сенинг босган изинг касофат,
Вужудингда вабо мужассам.

Дунё агар бўлса тирик жон,
Сен ундаги куйдирги, чипқон.
Дунё агар бўлса тирик жон,
Сен гирдобга тортувчи ўпқон.

Тирик жондан ўша чипқонни
Йўқотмоққа қодирдир инсон.
Ғирдоб сари тортган ўпқонни
Жиловлашга қодирдир замон!»

Олқишлардан янграб кетди зал,
Қандиллар ҳам тебранди сокин.
Қарсак чалмиш ҳамма галма-гал,
Юракларда ҳаяжон ҳоким.

Одамларнинг юзига боқсанг,
Ғижжакчининг кўзи кўринар.
Одамларнинг сўзига боқсанг,
Ғижжакчининг сўзи кўринар.

Киприкларга қўниб олган ёш
Кўнгилбўшлик аломатимас.
Киприкларга қўниб олган ёш
Кўнгилхушлик аломатимас.

Куйни яхши кўрган одамлар
Куйни тинглаб йиғлашин кўрдим.
Куй завқини сурган одамлар
Куйдан қалбин тиғлашин кўрдим.

Воқиф бўлинг, Нью-Йорк, Лондон,
Ҳам Парижнинг кўчаларида,
Ғала-ғовур кечаларида
Ғижжакчилар юрар саргардон.

Расталарда хомуш ва хорғин,
Қуволмасдан кўзлар мудроғин,
Тун ярмидан ошиб қолса ҳам
Унда-бунда тентирар одам.

Одам бўлиб туғилган одам
Боши узра бир дунё алам.

Кун кўради
Куй чалиб ёлғиз,
Куй чалади пул олиб ёлғиз.

Саҳнамизда ниҳол ва чинор,
Чинор ғамгин, ниҳолда виқор.

Чинор кўрган қора бўроннинг
Даҳшатини кўрмаган ниҳол.
Чинор сурган қонли суроннинг,
Ваҳшатини кўрмаган ниҳол.

Кўзларидан айрилиб чинор,
Қорачиғин берган ниҳолга.
Кўзларидан айрилиб чинор,
Юрак чўғин берган ниҳолга.

Саҳнамизда ниҳол ва чинор,
Озод ҳаёт элчиси бири.
Саҳнамизда ниҳол ва чинор,
Жангу жадал йўлчиси бири.

Чинор менга яқин, қадрдон,
Наққош эди, эди зўр меъмор.
Санъатидан топар эди жон,
Нақши кўчган мадраса, минор.

Куйларидан сездим мукаммал,
Кўзин юлган бомба даҳшати.
Минорларга беролмай сайқал
Ғижжагига кўчган санъати.

Нақш бергандай миноргa чинор
Куй нақшини солмоқда дилга.
Бу нақш ўчмас қалблардан зинҳор,
Уни элтар янги наслга.

Боқинг, қандай улуғ санъаткор!
Минорамас, қалбларга наққош,
Лаънат ўқир урушга минг бор,
Унга сен ҳам қўшил, замондош!

Саҳнамизда ниҳол ва чинор,
Чинор ғамгин, ниҳолда виқор!

1966

СУБҲИДАМ

Истиқлол ҳақида
шеър кўп,
қўшиқ кўп,
Уни
куйламаган
одам жуда кам.
Жанг аро тобланган
одамлардан хўп –
Сўраб ёзганлар ҳам
шоири аъзам.
Истиқлол китобин
ўқимоқдай бахт
Менга ҳам,
эй дўстлар,
бўлди муяссар.
Бўлмаса,
ким менга
эркдан қуриб тахт,
Бахтим эъзозларди,
айтинг, бу қадар.
Дўстлар,
бахт боғига кирганида у,
Парвона бўлмишдир
бошимда маним,
Қалбида ҳаяжон,
олий бир туйғу
Камоли умримни
кузатмиш маъсум.
Бешигим тебратиб,
узун тунларда
Ўқимади мадху сано
ва лекин
Бир алла шивирлаб
ойдин тунларда,
Мени саодатга
элтди ул мамнун.
Кўклам нафасини тинглаганим он,
Бағримда ловиллаб
ёнганда оташ,
Гиёҳлар сасига бўлиб таржимон,
Муҳаббат ҳукмига
эгганимда бош,
Бир мисра шеърни мен
дилда ёд айлаб,
Висолга ошиққан кечаларимда,
Бўса оташидан
куйиб-ёниб лаб,
Неон чироғисиз кўчаларимда
Адашиб қолганда,
шивирлаб танҳо,
Кимнингдир шаънига
шеър айтиб ёлғиз,
Мени тинглаганда
бу ёруғ дунё,
Дилдан отилганда
энг муқаддас сўз,
Менга қўшиқ берган
бахтиёр замон,
Васфи-ла ошифта бўлган бу кўнгил,
Истиқлол шаънига
тугал бир достон
Бахш этмак ишқида
қалам олган ул.
Дўстлар, Ватанимни куйладим мен ҳам,
Меҳридан
бир умр
бўлдим бахраманд.
Оталар изидан
кўйдиму қадам,
Ҳурриятни этдим
жонимга пайванд.
Истиқлолга
кўксин этганлар қалқон,
Қон билан Заминга битганлар достон.
Мен ушбу достонни
ўқимоқ учун
Тонг билан
Заминни
ўпаман ҳар кун!

1966

ТАРИХ ЎҚИТУВЧИСИГА

Дунё яралиши, ибтидо асри,
Тош қурол, мамонтлар, ялангтўш
дамлар,
Маймуннинг одамга айланиш фасли,
Ҳаётга қўйилган тўнғич қадамлар.

Урушлар, ғолиблар ҳамда мағлублар,
Қурол-аслаҳалар, ўлган-қолганлар,
Йиллар, ойлар, кунлар, шонли саналар,
Машина кашф этиб, ўйга толганлар...

Беш қўлдай аёндир сенга, дўстгинам,
Дарсинг мавзуи ҳам шу ҳақда доим.
Сен ёниб сўзлайсан файласуфсимон,
Эртак тинглагандай ўқувчинг ҳам жим.

Сўзингда оқади «Маъни» дарёси,
Ўқувчинг дарёдан излайди гавҳар,
Кўзлари ўнгида ўтмиш дунёси –
Харита юзида қорачиғ қадар,

Тош асридан космос асригача то
Суҳбат асносида этолурсан жам.
Жангда ўлган тўнғич одамдан ҳатто
Машъум Хиросима фожиаси ҳам...

Ким тинчлик истаган бўлса тарихда,
Дарсингда байроқдай кўтаргил номин.
Улар муҳтож эмас, балки таърифга,
Ва лекин, олқишла халқ қаҳрамонин.

Тарихчи деб сени қадрлаймиз, бил,
Билмаганлар билсин, тарихни, зинҳор.
Янги тарихда жанг бўлмасин, дегил,
Тарихда келажак қисмати ҳам бор.

1966

САМАРҚАНД

Зарафшон водийсининг
куркам боғлари аро
Саодат бешигида ором олур Самарқанд.
Истиқлол замонида ҳуснига бериб оро,
Қадимий Осиёга
довруғ солур Самарқанд.

Тегирмон тоши янглиғ
ғам юкин елкасидан,
Жаҳаннамнинг қаърига
улоқтирди ҳуррият.
Жамолин ойдин қилиб
зулумот кўлкасидан,
Қалбига ёғду сочди
осойишу амният.

Меҳрибон падар янглиғ
бошини силаб замон,
Бахтли кунда ҳамдард бўлди
орзу-ю армонига,
Истиқлол бешигидан
Шарққа боқиб беармон,
Нажоткор қўлин чўзди
бу санъат бўстонига.

Халқим қилгач парвариш,
шаҳрим топиб оройиш,
Қулочини кенг ёйиб
товланиб ётар бугун,
Жаҳон аро кўркини
қилгандайин намойиш.
Истиқбол қуёшига
ҳар тонг жилмаяр мамнун,

Гугурт қутиси янглиғ
уйлардан йўқдир нишон.
Осмон ўпар бинолар,
Регистоннинг қошида.
Қадимий тор кўчалар
оёққа солмас кишан,
Тахтиравон йўлларнинг
чироқ порлар бошида,

Нур қўйнида парпираб,
бағри бўлиб чароғон,
Ҳуррият қасидасин
ўқир қадимий шаҳар.
Гулзорда гул дасталаб,
қўли гул не-не боғбон,
Ошиқ-маъшуққа тутар,
мамнун боқиб шом-саҳар.

Антиқа обидалар
кашф этиб ўзга чирой,
Хорижий сайёҳларнинг
сеҳрлаб қўяр ақлин.

Ҳайрат бармоғин тишлаб
тикилганда ҳойнаҳой,
Ҳасад ништари бирдан
пора айлайди қалбин.

Шаҳримнинг қалби янглиғ
Ўзбек дорилфунуни
Кўркам хиёбон аро
бошин тутган қуёшга.
Илму ҳикмат чашмаси,
дейди одамлар уни,
Маърифат жомин тутар
бу маскан минглаб ёшга.

Дорилфунун қошида
бордир гўзал Оромбоғ,
Севги хиёбони деб
ёшлар унга қўйган ном.
Мусиқа оҳангидан
дилда қолмас зарра доғ,
Халқ сайли бошланади
сепин ёйганда оқшом.

Қардош эллар фарзанди
оға-инидек иноқ
Иқбол қўшиғин куйлаб,
яшайди дориломон.
Улуғ дўстлик дарахти
қийғос ёзганда япроқ,
Самарқанд учун бари
бирдай фидо этар жон.

Зарафшон водийсининг
кўркам боғлари аро,
Саодат бешигида
ором олур Самарқанд.

Истиқлол замонида
ҳуснига бериб оро,
Қадимий Осиёга
довруғ солур Самарқанд.

1966

БЕРМУД УЧБУРЧАГИ

Жаҳаннамдек даҳшат, дўзахдек ёвуз,
Зулматли тўфонда яшар доимо.
Ҳаётнинг жонига қилиб тажовуз,
Ўкириб, тўлғанар мисли аждаҳо.

Кўкидан ўтолмас бирор самолёт,
Бало чангалидан қочар кемалар.
Домига илинса — ҳаёт бўлур ёт,
Комига тортади қаро кечалар.

Яралгандан буён қотили баттол,
Йўқ ҳали қўлидан омон чиққан жон.
Инсонни еб қўймас нега ул дажжол?
Сабабин билолмай мулзамдир замон.

Учбурчакда турар гўё уч жаллод,
Ёнида ойболта ва темир қафас.
Қочиб қутулолмас тушиб қолган зот,
Ўлим кундасига бош қўяр, хуллас.

Дунё тасодифдан эмасдир холи,
Бермуд учраб турар қуруқликда ҳам,
Ҳаёт сафарида жилмайсин толе,
Хатардан асрасин сени, эй одам!

1966

ОНАЖОНЛАР

(Баллада)

Мунис она иссиқ бўсаси
Фарзанд қалбига ором,
Бешик узра айтган алласи
Кашф этар янги олам.

Дўмбоққина гўдакка она
Меҳри чексиз, бепоён,
Қайғу унга бўлиб бегона,
Тунлар бошида посбон.

Қалб севинчи кўринар аён
Меҳрибон нигоҳида.
Болам дея фидо этар жон,
Ўссин дер паноҳида.

Икки ширин жонни кўриб шод,
Унутаман ўзимни.
Ва бир лаҳза хаёл ичра банд
Чирт юмаман кўзимни.

Эртак айтиб, аччиқ ўтмишдан,
Жонланар кўҳна замон.
Доғлангандай қалбим кечмишдан
Азобланар бегумон.

Қўз ёшлар-у, нолаю афғон
Ўртар менинг жонимни.
Хотиралар қийнар бегумон,
Эътиқод, имонимни.

Бирдан балқиб умид қуёши,
Олам бўлар мунаввар.
Кўкка етиб аёллар боши,
Бахтга бўлар муяссар.

Аёлларни мадх этган қўшиқ,
Тутиб кетар оламни.
Бу қўшиққа асло сархад йўқ,
Лол этар ҳар одамни.

Аёлларнинг аянч тақдири
Асрлар тарихидир.
Қулдай эзган зулм занжири
Асрлар таърифидир.

Кўз олдимда мунгли манзара
Бўлса ҳамки намоён,
Янги даврон мадҳин бир бора,
Айладим эзгу достон.

Онажонлар, Сиздай инсонни
Солдим бугун ашъорга.
Қўшиқларим тутсин осмонни,
Роз айтсин азиз ёрга.

Нигоҳларда барча сир пинҳон,
Умри тугал афсона.
Сочларининг толасисимон
Қора кунлар – бегона.

Қуёш каби қиё боқса гар,
Тарқалар ғам булути.
Қадам қўйса, гуллайди баҳор,
Бузилар чўл сукути.

Хандон урса, ғунча очар гул,
Эрийди тоғлар қори.
Тўлиб оқар дарёлар буткул,
Чертилар юрак тори.

Нега бунча шод-хандон дея
Сўрсангиз мендан агар,
Сизга жуда узун ҳикоя
Сўйлай дейман бир сафар:

Бир замонлар филқудрат Шарқда
Ожиза эди аёл.
Умри ўтиб қафас, тузоқда
Ишларди мисли ҳаммол.

Мактаб юзин кўрмади аёл,
Қолиб кетди узлатда.
Пешанасин ўпмади иқбол,
Умри ўтди ғурбатда.

Кўчаларда кезди саргардон,
Шўр экан деб пешанам.
Орзу қилди, келса-ю даврон,
Кулгига тўлса хонам.

Лекин шаҳло кўзи, мужгони,
Ғунча лаби, ой юзи,
Ҳинду холи, қоши камони,
Ўймоқ сингари оғзи.

Хипча бели, сарви қомати,
Оппоқ нозик бармоғи.
Бодом янглиғ қабоғи,
Қўш қоядай мармар кўкраги.

Ҳажру васли, нозу фироғи
Ширин сўз, раънолиги,
Муҳаббати – кўнглин чироғи,
Дилбару зеболиги

Шоирларнинг тилидан тушмай,
Мадх этилди у замон.
Бу мақтовлар олдида ҳатто
Торлик қилди-ку осмон.

Сочин юлиб бахтсиз аёлдай,
Йиғлаб ўтди асрлар.
Аёлларнинг дардига даво
Тополмади насллар...

Ўзбекистон зулму ситамдан
Бўлгач бутунлай озод,
Кулиб боқди бахтли субҳидам,
Дилларни айлаб обод.

Янги ҳаёт ва янги даврон
Ғунча каби ёзди гул.
Ғам тоғини қилгандай толқон
Шодликларга тўлди дил.

Озодликнинг сочди нурини
Истиқлолнинг қуёши.
Бахтли кўрди порлоқ умрини
Шарқнинг кексаю ёши.

Аёллар ҳам топди эркини,
Адолат хитобидан.
Ўқиб олди замон ҳукмини
Истиқлол китобидан.

Юзларида ўйнаб табассум,
Кўрсатди ёркин жамол.
Ўзбек қизи ҳаммадан маъсум,
Эл аро топди камол...

Бугун ўзбек аёлин номи
Бахш этар дилга сурур,
Дунёси ҳам тутди жаҳонни,
Қалбида фахру ғурур.

Аёлларнинг ноёб безаги
Ҳусн эмас, бахт эрур.
Маҳрум этма уни шу бахтдан,
Шу бахт — юксак тахт эрур.

1966

* * *

Шу азиз тупроқни этмоқ-чун зебо
Нур излаб дунёга келгандир одам...
Заҳмат билан тошдан чиқариб зиё
Умрида илк дафъа кулгандир одам.

Шу кулги сўнмаган одамда ҳамон,
Кўзларда чақнайди ҳамон зиёси.
Шу кулги завқидан миллион йил
сўнг ҳам
Хандон уриб кулар Одам боласи.

ИККИ СИЙМО

Икки сиймо менга азиз дунёда
Икки сиймо меҳри – оби ҳаётим.
Бахтимни кўргандан икки сиймода
Қалбларда қасамдек ёдланур отим.

Икки қалб мен учун этилган фидо,
Бағрида ардоқлаб ўргатган қўшиқ.
Улар севгисидан бўлолмам жудо,
Улар мени этган ҳаётга ошиқ.

Бири — гўдакликда қошимда бедор
Менга қўшиқ битган онаизордир.
Шоир қўшиғига бўлиб бастакор,
Бошимда куйлаган хонанда, ахир!

Бири – йигитликда сўрмай кимлигим,
Ҳаттоки, қарамай наслу зотимга
Дафъатан бузгандир қалбим тинчлигин
Севги сўзин қўшиб қалб луғатимга.

Онамдан эзгулик қўшиғин тинглаб,
Севги қўшиғини ўргандим ёрдан.
Ўша икки сиймо шаънига минглаб
Қўшиқ ато этмоқ ишқида борман.

Кун келиб шоир деб ном олсам агар,
Сиз мени шоир деб атаманг асло.
Бу қўшиқ сохиби – онам ва ёрим,
Шоир деб аталсин шу икки сиймо.

ЮЛДУЗЛАР ТАЪЗИМДА

Юрий Гагаринга

Мен шоир эмасман, шоирлар каби
Ҳаяжон ўтида ёнаман аммо,
Ҳаяжон бўлмаса шоирлар қалби
Ёзда ҳам муз бўлиб қотувчи дарё.

Шоирлар дилдаги ҳаяжонин ҳам
Латиф сўзлар билан солар назмга.
Мен-чи, сенга лойиқ сўзлар тополмам,
Юлдузлар келса ҳам сенга таъзимга.

Сен берган ҳаяжон солса ҳам ғулу,
Ҳали маҳоратим камлик қилади.
Сенга муносиб сўз қуёш бўлса-ю,
Менинг сўзим унда шамлик қилади.

Ҳимолайдай улкан жасоратингга
Менинг этган ҳадям ушоқдир балким.
Волгадай ҳайқирган зўр қудратингга
Менинг жўшқинлигим ирмоқдир
балким.

Қаноти қайрилмас лочин парвозин
Булбул парвозига тенг этиб бўлмас.
Қалами қайралган шоир овозин
Бола овозига авжи мос келмас.

Мен шоир эмасман, буюк фазокор!
Сенга шеър ёздим, деб қилмайман
даъво.
Одамни ҳайратда қолдирган зафар
Шоир қилиб қўйди ҳаммани, аммо.

СЕНГА КЕЛГАНИМНИНГ САБАБИ

Азиз тупроғингни суртгали кўзга,
Сенга кимлар келиб, кимлар кетмаган.
Узун кечаларни улаб кундузга,
Ким сенининг шаънингга қўшиқ
битмаган.

Бастакор куй излаб келса қошингга,
Асака ишқига тушади сайёҳ.
Шоирлар шеър битса ҳатто тошингга,
Тоғларинг тўшидан ов излар сайёд.

Кимлар яксон этиб фироқ тоғини
Олтинкўл қизи-ла кўришар дийдор.
Кўксига қўндириб гулнинг оқини,
Кимдир Шаҳрихондан дўстини излар.

Кимдир толпинади мисли парвона
Нефтинг хазинасин очмоқ қасдида.
Кимдир бургутингдай ҳамон парвозда,
Юлдуз ҳам бир қадам унинг наздида.

Денгиздай уфқи кенг пахтазор аро
Юлдуз чаноқларинг ўпади кимдир.
Миллион эгатлардан олиб зеб, оро
Кўксини тоғ қадар тутади кимдир.

Кимдир Чуст дўпписин кийганда сенда,
Осмонга етгандай туюлар боши.
Ёрбоши анорин тотиб кўрганда
Ёшарган кўринар кимнингдир ёши.

Менга ҳам шундоқсан, лекин, Андижон
Сенга келганимнинг сабаби бўлак.
Сенга саккиз юз тош олис Самарқанд –
Қўшиғин бахш этмоқ истайди юрак.

Шул сабаб бошингга кийгазиб гултож
Таъзим-ла турибман сенинг қошингда.
Севги саҳросини этандай гулбоғ,
Ошиқ бўлиб келдим йигит ёшимда.

ФАРҒОНА ЛАВҲАЛАРИ

I

Бутун борлиқ гуллаган қийғос,
Ғунчаларда пинҳонадир бол.
Гул қошида булбул айтур роз,
Нафосатга асирдир хаёл.

Бутун борлиқ гуллаган қийғос,
Сув мавжида гул оқади, гул.
Табиатнинг бўйи ила маст
Қоғоз узра тўкилар кўнгил.

Бутун борлиқ гуллаган қийғос,
Табиат ҳам гўдакдай маъсум.
Чор атрофда кулги чалур соз,
Юракларга туйғулар ҳоким.

Бутун борлиқ гуллаган қийғос,
Боғлар ичра ошиқлар баҳси,
Чор атрофдан янграр бир овоз:
«Хазон бўлма, эй севги фасли!»

II

Заъфарон бир дафтар ўрик тагида,
Бир-бир варақлайди баҳор сабоси.
Қора қалам ётар унинг қатида,
Саҳифалар ичра кўнгил нидоси.

Майсалар нафаси майин ва хушбўй,
Феруза анхорда дилбар бир санъат.
Деҳқон қизи янглиғ содда ва хушрўй
Баҳор ишвасида ажиб бир талъат.

Дафтарда бўлса-чи, афсус ва ўкинч,
Ҳасрату надомат, дард ила жафо.
Бир кўнгил бечора йиғлайди бетинч,
Ажаб, бунга баҳор қилмайди парво.

III

Лолазорда дилбар бир жувон,
Кабутардай чарх уради ул.
Чаман ичра қизчаси хандон,
Қучоғида даста-даста гул.

Кулгусидан жаранглар само,
Бир ноз ила очар дил қулфин.
Қанот берар куйига вафо,
Субҳи сабо ўйнатар зулфин.

Қизалоғин қилиб томоша
Том бошида имлар дадаси.
Капалакдай гулдан-гул оша
Талпинади унга боласи...

БОБУРНИ ЁДЛАБ

Андижон мулкига қўйганда қадам
Боғ аро сезаман Бобур руҳини.
Юз йиллар китобин варақлаган дам
Мен ундан тинглайман асрий ёхуни:

— Жанг-жадал,
тахт талаш,
мунгли алвидо,
Етим қолган тупроқ эзар кўнгилни.
Диёрин тарк этган шўрлик шаҳзода,
Самога узатиб сўнгги бор қўлни,

Сўнгги бор тиз чўкиб она Заминнинг
Оташ сийнасига қўйганида лаб,
Ҳижрон деб аталган
бу қора куннинг
Оғушида дўсту ёрин қучоқлаб,

Бир қисм тупроқни олиб кафтига.
Қора кўзларига суртиб, ўпар ул,
Сўнгра қамчи босиб қора отига
Сайхунни ёқалаб ғамгин олмиш йўл.

Бобурни пинҳоний узатиб ўлкам
Кўзидан шашқатор ёш оқмиш аччиқ...
Бу ҳижрон дардини машҳур
«Шашмақом»
Ҳануз сизга айтиб беролгани йўқ.

Дўстларим, кечиринг, қурмағур хаёл
Варақлаб кетибди «Бобурнома»ни.
Сизларни соғиниб келгандим бу гал,
Бобур асир айлаб қўйибди мани.

Бир пиёла кўк чой ичиб сиз ила
Сайрибоғ қилмоқчи бўламан оқшом.
Шўх-шан қўшиқларим ғунчадек кула,
Бу олтин фаслда сизга тутмиш жом,

Одамлар шаробдан бўлсалар сархуш
Ташвишдан эсларин йиғиб олурлар.
Қўшиқлар жомидан айласалар нўш
Ҳаёт бўстонида сархуш қолурлар.

Дўстларим, хаёлга келтиринг бу он
Муҳтарам Нерунинг муборак сўзин:
«Бобурдан миннатдор бутун Ҳиндистон,
Кўзга суртдик, дўстлар, унинг ҳар изин!

Бобур қиличидан қон томмади, йўқ,
Қаламидан қўшиқ оқди қоғозга.
Бобур деб ўзбекка қилурмиз қуллуқ,
Ул арзир ҳар қанча ҳурмат, эъзозга!»

Заҳматкаш пахтакор қалбидай тоза,
Қадридай улуғроқ, номусидай пок —
Қўшиқлар дунёга қилсин овоза:
Бу чаманзор — Бобур туғилган тупроқ!

Шу азиз тупроққа тикилганда жим,
Бобур сиймосини кўраман дилхун.
Мен унинг шеърига сиздай сиғиндим,
Қўлин ўпиб кирдим шеъриятга мен.

АРЧА

Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган ўқитувчи
Султон Тўрахоновнинг ёркин
хотирасига

Ҳовлида қуббадай ажиб арча бор,
Олма-анор ичра кўркам ва суюк.
Навқиронлик уни этмиш ихтиёр,
Бул арчанинг, дўстлар, ҳикмати буюк.

Андижон мулкида устоз, муаллим
Ўттиз йил арчага бўлмиш парвона.
Ва тупроқ илмидан бергандай таълим,
Ўттиз йил камолин кузатмиш ёна.

Қримдан келтирмиш маъсуд, беозор,
Қуёшни тутгандай кафтида гўё.
Демишким, бир ниҳол кўрмасин озор,
Ҳаёт деб топгани бўлмасин рўё.

Ватаннинг ҳажрида куймасин деб ул,
Тупроқдан ясади бир олтин маскан.
Атрофига экиб қўйди атиргул,
Ўттиз йил бошида бўлолди посбон.

Танасида қолди қўлин излари,
Кўм-кўк япроқларда ёниқ нафаси.
Қуёш нафасида туйғун кўзлари,
Тунги шивирида энг сўнгги саси.

Дарвоза олдида ҳамон ул ўктам,
Меҳрга ташнадай, ўйчан, хаёлкаш,
Кўк кийиб, эшикка термилар ҳар дам,
Афсуски, кутгани келмайди яккаш.

Афсуски, билмайди арча бечора
Ўша мунис қўлни қолар соғиниб.
Унга қайта ҳаёт бахш этса зора
Ва азиз пойида турса сиғиниб.

Бетиним йиғлайди, жигар-бағри хун,
Ўқувчи боладек устозин излар.
Келурми, кутганин кўрадиган кун,
Қачонгача ахир шу йўсин бўзлар?

Арчанинг аҳволин тушунмас ҳеч ким,
Ким ахир дарахтнинг дардин билади!
Дарахтмас, одамлар дардини, дўстим,
Сўрмакка баъзилар номус қилади.

1964

НЕБИТДОҒ

Берди оғага

I

Қоракум қошида Небитдоғ вазмин...
Қуёш рамзи бордай пешанасида.
Гўё бир улуғ зот битар эрк назмин
Бахтиёр ҳаётнинг кошонасида.

II

Қоракум қошида Небитдоғ вазмин...
Ахир у алп мисол роса ишлади.
Қалбида жаҳонни тингламоқ мумкин,
Тақдирида эса – дунё ишлари.

МАРСИЯ

Тошкентда қулади бир азим чинор,
Гурс этиб қалбимга урилди ларза.
Торлари узилиб ингради дутор,
Шеърият нидоси тинди бир лаҳза!

Мажнунтолдай ерга эгилди бошлар,
Хазонрез япроқдай юзлар заъфарон.
Шўр сув каби қотди кўзларда ёшлар,
Тилимиз музлади, танда эса жон.

Мунғайиб бошида турдик бекалом,
Айюҳаннос солди кўнгил бечора.
Шеъримиз сардори Ғафур ал Ғулом
Мотами дилларни айлади пора.

Бутун ўзбек эли ингради, ҳайҳот,
Ҳайҳот, шеъриятнинг синди қалами!
Бозорга ўхшаган бу дунё, наҳот,
Наҳотки, ўлдирса шундай одамни!

Етим бўлиб қолган шўрлик шеърият
Шоир қабри узра чекарди фарёд.
Қора кийиб олган мунглиғ шеърият
Шоирлар қалбида солар оху дод.

Собитга қўшилиб шоир қабрида
Сочин юлиб йиғлар бугун шеърият.
Шоирни ўлдириб, шоир қалбида
Тирик қолиб йиғлар етим шеърият.

1966

АНҲОРНИНГ ДЕГАНИ

Мунгли қўшиқ тўқиб оқарди анҳор,
Мактуб парчалари бетида гирён.
Дард билан қирғоққа урилар ночор,
Бир ошиқ бошига тушди деб ҳижрон.

Мен, дейди мунғайиб, анҳор бечора,
Боғлаб қўйган эдим икки кўнгилни.
Ошиқлар дардига топгали чора
Оқизиб борардим йигитдан гулни.

Гулни олиб мендан ул оху жонон
Кўксига босганча бўларди сархуш.
Ва йигит қошига учиб шул замон,
Муҳаббат бодасин айлар эди нўш.

Тонггача тинглардим севгидан эртак,
Сув бўлиб оқардим улар пойида.
Наҳот севги бўлса шунчалар эрмак,
Бунча дард чекмовдим Наврўз ойида.

Бугун улар кетди бир-бирин ташлаб,
Ҳижрон тоши қолди бошимда маним.
Севги қисматидан кўзимни ёшлаб,
Мунғайиб чўлларга кўмилар таним.

Самарқанд садолари

Оромбоғ

Зарафшон қўйнида куркам бир диёр
Беланчакда ётган гўдак сингари.
Муҳаббат қўшиғин куйлайди хумор
Ёр васлин излаган юрак сингари.

Тўлқинлар мавжида оқади наво,
Оқ қоғоз бетига ёзилган хатдай.
Мушки анбар бўйин таратар сабо,
Боғ кўчада ёхуд нолиш қилар най.

«Самарқанд сайқали рўйи замин аст» —
Дегандай Оромбоғ саҳнида нозим.
Шоҳона ғазалга дил бўлиб пайваст,
Самарқанд қўйнида янграйди созим.

Бугун ҳам қалбимда бир дунё ёниш,
Чарх ураман шаҳрим қошида якка.
Жисмимни ўртаркан ҳижрон, соғиниш,
Шаҳрим қўшиқ бўлиб оқар юракка.

Ёшлар парвоз этиб дорилфунундан
Миртемир қошига чиқади пешвоз.
Бир парча оташни узгандай кундан
«Нони Осиё»ни тутар сарвиноз.

Неон чироқлари ёнган кечада
Самога интиқдир юлдузпарастлар.
Оромбоғ кифтига туташ кўчада
Ишқ фалсафасидан қизиган баҳслар.

Ошиқлар, севгингиз бўлсин деб омон,
Оромбоғ қўйнига талпинар қалбим.
Мен ҳам шу кўчада бесару сомон
Севгининг домига илиниб қолдим.

Энди ота бўлиб хурсандман бу дам,
Олқишлар айтаман ушбу кўчага.
Ошиқлар, йўлингиз бўлсин-у кўркам,
Баҳсингиз чўзилсин минг бир кечага.

Фарзандларингиз билан Оромбоғ аро
Сайрибоғ қилгани келарсиз бир кун.
Қуйилиб қоларсиз ўшанда зора.
Севгининг сирини биларсиз бутун.

Эҳтимол, сизларнинг фарзандингиз ҳам
Шу кўчадан бошлар ҳаёт йўлини.
Севги деб аталган тилсимли олам
Тиз чўкиб, кўтаргай икки қўлини!

ЮРАКЛАР ГУЛХАНИ

Қуёш парчасидай ловуллар гулхан
Оромбоғ қошида кечаю кундуз.
Гулханга парвона анвойи гулшан
Оташин нафасга мангу тутган юз.

Олов билан гулни аҳли шуаро
Шеъриятда қўйган бир-бирига зид.
Ўт ёнган саҳнда гул бўлган қаро,
Гул унган чаманда ўт сўнган ёхуд.

Оловли жабҳалар ўт билан гулни
Мангу қўйиб кетди бирга, ёнма-ён.
Оталар гул билан бошлаган йўлни
Ўт билан тугатди жангда беомон.

Қалбига ўқ теккан мардларни қайта
Тирилтмоққа асло бўлмади имкон.
Сўнгги бор қабрида алвидо айта,
Тупроқдан ясалди уларга макон.

Мармар тошга ўйиб ёздик номини,
Мажлису суҳбатда доим этдик ёд.
Жанглар чил-чил қилган мардлар
жомини
Тўйларда кўтардик мисли қасамёд.

Қутлуғ қонларини билиб муқаддас,
Қабрига ўрнатдик мармардан ҳайкал.
Кўнглимиз тўлмади бўлиб ҳамнафас,
Жон бахш этолмадик мардларга ҳар гал.

Оқибат донишманд одамлар бир кун
Улар қалбин топди ернинг қалбидан.
Ботирларга ҳаёт ато этмоқ-чун
Таъзим-ла ўтдилар доим олдидан.

Ер қалбини ёқди мардлар бошида,
Ҳайкаллар атрофин айлади гулзор.
Дўстлар, таъзим этинг мардлар қошида,
Сизларда уларнинг бахти, ишқи бор.

Бу шунчаки, машъал эмас, дўстларим,
Абадият ёнар у билан бирга.
Ундан узилмасдан сенинг изларинг,
Мардлар қалби ёнар бу она ерда!

НАВОИЙ ХИЁБОНИДА

Академик Воҳид Абдуллаевга

Умр китобини варақлар хаёл,
Нигоҳ дарёсида оқади дамлар.
Чинорлар олдида ўйланиб хиёл
Устоз профессор ўйчан одимлар.

Сигаранинг чўғи ёнади лабда,
Қошида ўйнайди оппоқ тутунлар.
Кечаги хаяжон сўнмаган қалбда,
Бошида парвона заҳматкаш тунлар.

Ой билан қуёшни айлаб юзма-юз
Тунлар қоғоз узра қалам сурган дам.
Навоий қўлидан ўпганча ёлғиз
Заъфарон девонга қўлни урган дам.

Хаёл кўзгусида бўлади пайдо
Қувончи, ташвиши, дард-ғами ила.
Саҳифалар аро тирилган сиймо
Демишким, азизим, тилагинг тила!

Олим хаёл ичра бир дақиқа жим
Таъзим ила турар шоир қошида.
Қалб калити ила очилган тилсим
Унга шон бахш этди ўттиз ёшида.

Йигирманчи баҳор ғазалин ёна
Самарқанд мулкида битмиш Алишер.
Беш аср қуёшдек порлаб, ул яна
Хиёбон саҳнида ўқиб турмиш шеър.

Шоирнинг номини ардоқлаб мағрур
Дорилфунун турмуш қошида яккаш.
Маъни девонидан излагандек дур
Талабалар чиқар ундан хаёлкаш.

Қўлтиқда бир даста дафтар-китоби,
Олимни қутламиш шогирдлар шоша.
Умридан мамнундай ашъор офтоби —
Алишер бу ҳолни этур томоша.

Қутлангиз устозни, азиз дўстларим,
Аммо хаёлини бўлманг бемаҳал.
Қайга учирдингиз туйғу-хисларин,
Қутловлар келмасин кўнгилга малол.

Ана, хаёллари паришон кезар,
Ўйлаган жумбоғи бўлмай қолди ҳал.
Балки, хиёбондан лойиқ жой излар
Буюк Навоийга қўйгали ҳайкал!

ТОЛИБЛАР

Илм деб аталмиш тубсиз денгиздан
Жавоҳир изловчи уйқусиз авлод.
Хаёл оти ила олис юлдуздан
Қуёшга чоғланган қайғусиз авлод.

Кўркам хиёбонда янгратиб кулгу,
Гулшанга файз берган менинг дўстларим.
Қалбларида оташ, олий бир туйғу,
Чўққини кўзлаган олмос кўзларим.

Бир нигоҳ ташласа ҳар қандай тилсим
Калитсиз очилур мисли афсона.
Устоз профессор ҳайрон қолиб жим,
Сирли кўзингизга боқар парвона.

Мехрибон қўл билан бошингиз силаб,
Нурли чўққиларга этади даъват.
Сиз бўлса, севгидан садоқат тилаб,
Бир дилбар кўнглини овлайсиз фақат.

Китоб ўқиганда сатрлар аро
Ул санам бўлади сизга намоён.
Кўнгил дардингизга топгали чора
Кечалар хат ёзиб, ором топар жон.

Хаёлан ошифта висол қадаҳин
Бўсага интизор лабга тутасиз.
Баъзан сезмай қолиб қиз чеккан оҳин,
Китоблар ичига сингиб кетасиз.

Дўстларим, анжуман чоғида мағрур
Луқмони ҳакимдай сўзлайсиз якто.
Домлангиз юзида барқ уриб сурур,
Қаламин ўйнатиб ўлтирар, доно!

Баҳсга ҳам бирингиз бермай эътибор,
Шеърий китобчадан нимадир излар.
Нимадир кўнглини этган бекарор,
Оппоқ кабутардай туйғу ва ҳислар.

Бир парча қоғозга кўчириб шеърни
Қўшни қизга тутар стол остидан.
Ҳеч кимга сездирмас қиз ҳам бу сирни,
Куйиб-ёнар тамом севги дастидан.

Энг сўнгги сўмга ҳам сўнгги қатордан,
Хилватроқ ўриндан билет олурсиз.
Баъзан кинодан сўнг дўст-биродардан
Ул қизга билдирмай қарз олурсиз сиз.

Бариси ўткинчи...
Лекин бу кунлар
Олтин берсангиз ҳам топилмас кейин.
Стипендия олгач, уйқусиз тунлар —
Давом этар фақат олти-етти кун.

Сўнг яна бояги дўстимсиз меним,
Яна китоб бўлар энг содиқ ҳамрох.
Кечалар ўқиш деб билмайсиз тиним,
Имтиҳон эшикдан этади огоҳ.

Ўшанда билинар ҳар ким аҳволи,
Ким ғолиб, ким мағлуб бўлади аён.
Баъзан ўнг кечади тахминчи фоли,
Баъзида «ёмон»дан қурийди дармон.

Кечқурунлар мўъжаз ётоқхонада
Қизийди шеърхонлик, баҳс, мунозара.
Варақланиб севги дафтари яна
Ошиқлар дардига излайди чора.

Гўё сизга боғлиқ бўлгандай ҳаёт,
Ҳаёлан қурасиз уни қайтадан.
Рўёбга чиққунча бу эзгу ният
Бўлган машаққатни қандай айтаман?

Эй, толиб дўстларим,
Мураккаб ҳаёт —
Қайғусиз.
Ташвишсиз авлоди сизлар.
Китобий билимлар эмасдир баёт,
Ҳаётга мос келмас баъзан ул сўзлар.

Ҳамиша бўлингиз жасур, исёнкор,
Жавоҳир топмасдан чиқманг денгиздан.
Илҳом тарк айлаган шоирдай зинҳор,
Айрилиб қолмангиз севилган қиздан.

УРГУТ ТОҒЛАРИ

О, Ургут тоғлари!
Шоҳона тоғлар!
Сизга асир тушдим болалик кездан,
Шайдойи кўнглимга жонона тоғлар.
Ёшлик мени барвақт айирди Сиздан,
Қошимда чарх урган парвона тоғлар!

Сизда лола териб юрган боладан
«Самарқанд сатри»ни[1] кутгансиз наҳот?!
Кўнглингиз сел бўлиб «Савту наво»дан
Бошингизни чайқаб қўйгансиз наҳот?!
Табрик йўллагандай субҳи сабодан.

Сиздаги булоқдай қайнаб жўшмаса,
Оқлолмай қолади нону тузингиз.
Сиздаги булбулдай сайраб жўшмаса,
Ҳавога кетади айтган розингиз,
Ёдида бўлса ҳам Сизнинг сўзингиз.

Тошкентнинг гард қўнмас кўчаларида
Кумлоқ йўлингизни унутса, увол.
Кундуздай нурафшон кечаларида
Бемаҳал кезишга кўникса, увол.
Шеъри қолиб кетиб ғунчалигида.

---

[1] Шоирнинг биринчи китоби.

Донишманд чоллардай азиз тоғларим,
Кенагасда кўрдим янги оламни.
Унда бир умрга қолди-ю қалбим,
Шаҳарда ҳаётга қўйдим қадамни.
Лекин сиздан олдим жўшқин илҳомни.

Тўлқинга тўш урсам сойингизда мен,
Жисмимда бор дардим тутдай тўкилар.
Совинчдан бош қўйсам пойингизга мен.,
Кўздан ёш тирқираб, юрак сўкилар,
Мен сизни севаман, севилгим келар.

О, Ургут тоғлари!
Шоҳона тоғлар!
Сизга асир тушдим болалик кездан,
Шайдойи кўнглимга жонона тоғлар,
Ёшлик мени барвақт айирди Сиздан,
Қошимда чарх урган парвона тоғлар!

ҚАЛБИМ

Тоғлар диёридан мамнунман, лекин
Қўшиқ эшитмадим ўн кун чамамда
Недир олиб қўйган қалбимнинг эркин,
Қўшиқ битолмадим шундай чаманда.

Қўшиқ битолмадим шундай чаманда,
Шодликдан унутдим ўзимни тамом.
Гўзаллик шоҳиман, деб ҳар қадамда
Менга хитоб қилди Наврўзи олам.

Менга хитоб қилди Наврўзи олам,
Бу ҳаёт дарсидан ол, деди, сабоқ.
Барқутдай мавж уриб йўлимда кўклам,
Руҳимни яшнатди насими сабоҳ.

Руҳимни яшнатди насими сабоҳ,
Минг бир хил гул бўйи қолди лабимда.
Ойсиз кечаларда бу сўнгсиз само
Юлдузлар дунёсин тўкди олдимга.

Юлдузлар дунёсин тўкди олдимга,
Дардингни айт, деди, гар ошиқ бўлсанг.
Озор бердимми ё нотинч қалбингга,
Айт, деди табиат, сал қўшиқ билсанг.

Айт, деди табиат, сал қўшиқ билсанг,
Қўшиқсиз ҳаётда борми ҳеч маъно.
Ахир, сен қўшиқ деб дунёга келсанг,
Сендан қўшиқ кутмай не кутсин дунё!

Сендан қўшиқ кутмай не кутсин дунё,
Нечунким қўшиққа чанқоқ одамлар.
Қўшиқ эшитмадим демагил асло,
Бунда қўшиқ айтган не-не ҳотамлар.

Бунда қўшиқ айтган не-не ҳотамлар
Қўшиқ деб жон фидо этгандир, балким.
Менга ёр бўлса ҳам бахтиёр дамлар
Кечалар бол эмас, қон ютар қалбим.

АФРОСИЁБДА

Аллома Яҳё Ғуломовга

Самарқандда бир хазина бор,
Очолмаган қулфини ҳеч ким.
Унда ажиб бир ганжина бор,
Ганжинадан яралмиш тилсим.

Ушбу ҳикмат асрлар аро
Банд айлади аҳли дониши.
Мубҳам ётмиш қасрлар аро
Юракларга солди ёнишни.

Аждодларнинг муборак хокин
Кўзга суртиб ўтди авлодлар.
Тополмасдан ул ҳикмат чокин
Китоб битиб кетди аждодлар.

Дедиларким, Афросиёбда
Пинҳонадир ноёб бир санъат...
Орзулари чиқмай рўёбга,
Кўз юмишди дунёдан фақат.

Самарқанднинг қадимий кўшки
Ер тагида қолиб кетмишдир.
Сувга айтинг дея бу тушни,
Уламолар хатга битмишдир.

Қон ютса ҳам аҳли фузало
Ҳақиқатни излаб толмади.
Бул ҳикматда бор деб бир маъно
Изланишдан сира қолмади.

Изладилар, топмадилар ҳам
Умр бўйи чекиб азият...
Бугун ўша ерларда, ошнам,
Олим кимни айлар зиёрат?

Хаёллари нечун паришон
Афросиёб бўйлаб кезади?
Кўзларидан ўт чақнаб чунон,
Ёндафтарга нелар ёзади?

Аждодларга қилгандай таъзим,
Нелар кечар унинг ёдидан?
Кафтидаги тупроқда, дўстим,
Кўриндими ўшал обида?

Ана, лабга қўнди табассум
Ва ёришди унинг юзлари.
Асрларни қийнаган тилсим
Ганжинанинг топди изларин.

Қаранг, бугун қандай улуғ кун,
Мўъжизали аср юзма-юз:
«Эй одамзод, сенга минг қуллуқ,
Зиё бердинг юзимга ёлғиз!

Минг уч юз йил бундан мукаддам
Олтин қўллар яратди мани.
Мендан чирой олди у олам
Ва гуллади санъат чамани.

Сўғд мулкини айлаб намойиш
Бешик бўлдим қадим санъатга.
Меъморларим, афсус, осойиш
Тополмади ул мамлакатда.

Маёқ бўлиб турдим шу зайл
Асрларнинг меҳробида ман.
Қолиб кетдим, келиб қаро йил,
Асрларнинг гирдобида ман.

Ҳадя этиб янги бир ҳаёт,
Сен пардамни кўтардинг юздан.
Тупроқ ичра қолмадим абад,
Нур чақнади кўр бўлган кўздан».

Афросиёб жилмаяр қувноқ,
Қалб тўлқини мисли бир уммон.
Ажиб кўшкни бекитган тупроқ
Олимимиз кафтида ҳамон.

Тупроқ эмас, ўзбек халқининг
Зўр санъати, дўстлар, қадимдан.
Ўша қадим халқим қалбини
Топди олим ушбу заминдан!

РЕГИСТОНДАГИ ЎЙЛАР

Икки дунё юзма-юздир
Регистоннинг қошида,
Икки дунё файласуфдай
кун-тун қурмиш анжуман.
Истиқлолнинг ғами бордир
эски дунё бошида,
Янги дунё чеҳрасида
саодат кулган чаман,
Ўрта аср минорларни
қўлда тутиб маёқдай,
Амир Темур даргоҳидек
нигоҳ отмиш Регистон.
Улуғбекнинг юрагини
пинҳон этган кўкракдай,
Олис юлдуз розин тинглаб,
тошдай қотмиш Регистон.
Юлдуз тўла кўкка боқиб
сукунат оғушида
Регистоннинг минорлари
турар эди хитобдай.
Жомий билан Алишербек
мадраса эшигидан
Бир-бир босиб чиқиб келмиш
субҳидамда офтобдай!
Икки буюк сиймо ўйчан
боқмиш янги дунёга,
Оромбоғда бир париваш
куйлар «Қора кўзим»ни.
«Эй турки шўх» дея Жомий
нидо этмиш сабога,
«Ул моҳитоб даргоҳига
еткур менинг сўзимни».
Икки қуёш зиёсидан
қалбим бўлиб нурафшон,

Дил-дилимдан таъзим этдим
устозларим олдида.
Қўлтиғимда беш юз йилни
ошиб келган «Чордевон» —
Оқур маъни дарёсидай
менинг оташ қалбимга.
Икки устоз бошим силаб,
кетди Оромбоғ томон,
Кўзларимга суртиб қолдим
Қадамларин хокини.
Шоирларни қутлагандай
таъзим этиб хар инсон,
Қўшиқ ва шеър бўлган эди
қалбларининг ҳокими.
Беш асрдир икки халқнинг
дўстлигидан кетса сўз,
Жомий билан Навоийни
тилга олур одамлар.
Бизнинг кунда ўзбек-тожик
бўлиб кетди қўшмағиз,
Чин дўстликнинг маъносига
тор келади оламлар!

ЎҒЛИМГА НАСИҲАТ

Ўғлим,
Сен билмайсан, бизнинг дунёмиз,
Сирли мавжудотдан тузилган олам.
Кибернетика-ю,
космос,
кимёмиз —
Илми ҳикмат дея аталгани кам.

Бундан ҳам жумбоқроқ, сирлироғи бор,
Олам тақдирини қила олур ҳал.
Дунёни танисанг бир кун бахтиёр,
Олдингга қўярлар минг турли савол.

Энди луғатингда бир муқаддас сўз:
«Ада» тушунчаси бўлибди пайдо.
Бу — мени қуёшга юксалтди ёлғиз,
Бу — мен кашф этмаган сирли бир дунё!

Ойинг берган азиз, оппоқ сут янглиғ
Қарашларинг бирам ойдин, беғубор.
Юзинг чашма суви мавжидек тиниқ,
Дилингда бир олам ширин сўзинг бор.

Оёққа турмоққа чоғлайсан ўзинг,
Бир дақиқа ўтмай талпинасан шўх.
Қора мунчоқ янглиғ порлайди кўзинг,
Ойинг оғушида дарду ғаминг йўқ.

Ўғлим,
Сен билмайсан,
бизнинг дунёмиз
Сирли мавжудотдан
тузилган олам.
Кибернетика-ю,
космос,
кимёмиз —
Илми ҳикмат дея аталгани кам.

Бундан ҳам жумбоқ, сирлироғи бор,
Сенга ҳозир айтиб қўйганим яхши,
Улғайиб, «Алифбо» олсанг бахтиёр,
Сирли илм бўлсин — умрингнинг нақши.

Бу илм жуда ҳам чигал, мураккаб,
Маъзини чақмоқлик осонмас ҳеч ҳам.
Сен қалам олганда тишлаб қолма лаб,
Шул сабаб олдиндан айтай, ўғилчам,

Одам ҳақидадир — бу илми ҳикмат,
Қалбларда пинҳона унинг китоби.
Сахифалар аро изласанг фақат
Кўнглинг ёритади меҳр офтоби.

Меҳрга ташнадир аслида одам,
Сен ҳам эзгуликни қилгил машъала,
Она сути ила улғаяр у ҳам.
Ўғлим, меҳрингни ҳеч элдан аяма.

Муродга етади яхшилик қилган,
Шафқатли одамлар топмайди завол,
Меҳрибонроқ бўлсанг, умринг кулар
шаън,
Еган нонинг доим бўлғуси ҳалол.

Гўдаклик чоғингда қилдим насиҳат,
Бунинг ҳам сабаби бор эди асли,
Ҳозир баъзиларга одобдан фақат
Насиҳат қилишдан чарчадик рости.

1966

ВИСОЛ

Ўн беш йиллик айриликдан сўнг,
Қишлоғимга қайтдим шод, омон.
Қариндошлар юзлари гулгун,
Бегоналар бепарвосимон.

Мен боримда туғилган гўдак
Ўн олтига қўйибди қадам.
Тинглагали севгидан эртак
Ўрганибди ҳаётдан калом.

Қирчиллама ёшга кирганлар
Бўлиб қолмиш мўйсафид, бобо.
Кеча боғда ўрик терганлар
Ёшлигини олмишдир дунё.

Гугурт кути уйларни ҳаргиз
Изласам ҳам топмадим яна.
Бобоёнғоқ қошида ёлғиз
Бўлиб қолдим асир, парвона,

Мен ёнғоқ-ла хайрлашган он
Ўн тўрт баҳор қисмиш қўлимни.
Севги нима билмай бегумон
Шаҳар сари бурдим йўлимни.

«Қирқ бўлиб е топсанг бир майиз»
Дея бошим силадилар-да,
Изларимдан термилиб, маъюс,
Онам қолди ёнғоқ остида.

Ўша ерда бугун ҳам мани
Кутиб олди азиз волидам.
Чеҳрасида кулгу чамани,
Қарашида сўлим субҳидам.

Дарвозани катта оч, она,
Етар ёлғиз ўзинг кутганинг.
Қариндошлар келмоқда, ана,
Бас, онажон, зардоб ютганинг.

Сен ҳам ахир келиб дунёга,
Оёғингни ўтир узатиб.
Умринг ўтди ўхшаб дарёга,
Келинингга уйни тузатиб.

Ўн беш йиллик айриликдан сўнг
Қишлоғимга қайтдим шод, омон.
Қариндошлар чеҳраси гулгун,
Бегоналар бепарвосимон.

1966

БЕҲЗОДНИ ХОТИРЛАБ

Ҳазрат Навоийни ёд олган тунлар
Хаёлдан кечади Беҳзод, дўстларим.
Қалбимдан отилар оташин унлар,
Жонимни ўртайди оташ ҳисларим.

Сигара дудини тортиб жимгина,
Туманли хотирот ичра қолур қалб,
Эртак айтмоқчидай аллаким менга
Хаёлий паридай сўзга очур лаб:

«Фасли Наврўз келди, очилди лола,
Кўз очиб юмгунча ўтар бу фасл.
Қачон баҳор келур, деб сўрма яна,
Бир йил баҳор бўлмас, жоним,
муттасил»...

Булутлар тарқалгач, чиққандай қуёш,
Ёмғирдан сўнг хандон кулгандай кўклам,
Оқ қоғоз қошида аста эгиб бош,
Недир шивирлайман сизлардан мубҳам,

Мубҳам шивирлаган сирларим, дўстлар,
Тонг билан оқ қоғоз айлайди ошкор.
Бу кеча Беҳзодни васф этган сўзлар —
Туркумида менинг қалбим қони бор.

Баҳор эртагида — дунё савдоси
Бу савдо тушгандир Беҳзод бошига.
Бугун соф бўлганда Наврўз хавоси,
Мен таъзим этурман Беҳзод кошида.

Қалбимда баҳорий орзу ва илҳом,
Чашма сувларидай покдир ўйларим.
Беҳзод даҳосига эзгу эҳтиром —
Баҳор кўчасида айтган куйларим.

Асрлар субҳида от суриб, ана,
Наврўз байрамига келур устозлар:
Навоий, Хондамир, Беҳзод ва яна
Ҳусайний... шаънига чалингиз созлар.

Бу қутлуғ айёмда улуғ меҳмонлар
Бошидан сочингиз гулу лолани,
Кўнглин сархуш этсин абри найсонлар.
Атиргул бўйидан тутинг бодани,

Навоий сиймосин яратган Беҳзод,
Сизни кўриб, дўстлар, тишлаб
қолсин лаб.
Қалбин асир айлаб, бу бахтли ҳаёт
Шоҳона бир сурат чизса, не ажаб!?

Мен излаган баҳор — Ўзбекистон деб,
Диёримиз кўркин этсин яққалам.
Бу юрт ёзилмаган улкан достон деб,
Яна бир Навоий изласин рассом.

Ҳазрат Навоийни ёд олган тунлар,
Хаёлдан кечади Беҳзод, дўстларим.
Қалбимдан отилар оташин унлар,
Жонимни ўртайди оташ ҳисларим,

Ва масрур қалбимга бераман таскин
Юпатмоқ бўлади ўйларим бир дам.
Беҳзодни ўзимча қиламан талқин,
Қандай зариф бўлган ул буюк одам!

1966

АЛВИДО, УСТОЗ!..

Бобурни васф айлаб, битардим достон,
Ҳижрон ёшин тўкиб, йиғларди қалам.
Ҳинду Афғон аро чеккандай фиғон,
Бағримни тун ичра тирларди қалам.

Тошкентда қулади яна бир чинор,
Ва ларзага келди ўзбек тупроғи.
Тун билан эзилиб йиғлади диёр,
Мунгли тўлқинлардан Каспий қирғоғи.

Ўзбегу озорни айлаб садпора,
Боғ аро ситамкор бўзлади «Гиря».
Илҳом парисига кийгизиб қаро,
Тунда нола қилди бу кекса дунё.

Бир юлдуз йўқотиб, лаб тишлар осмон,
Қоғоз узра қалам кўтарди фарёд.
Етим бўлиб қолган юзлаб шеър, достон
Шоир теграсида солар оху дод.

Ҳазрати Навоий шоир бошида
Мунғайиб турибди очолмасдан лаб.
Мирзо Улуғбек ҳам унинг қошида,
Кўксида боладай фарёд чекар қалб.

Донишманд Беруний қўлида асо,
Ташлаб кетдинг, деяр қисматим кимга.
Ғофур ҳам бу ҳолга ишонмай асло,
Қулоғини тутар шоир кўксига.

Бу айрилиқ дардин этганда иншо
Фузулий қўлида титрайди довот.
Қалбидан қон сирқиб Вурғундай сиймо
Бир сўз демакликка ожиздир, ҳайҳот!

Қалбларни тилкалаб, тўлғанар «Гиря»
Кўзлардан шашқатор ёш оқар аччиқ.
Бу сўнгсиз жудолик дардини асло,
Қалам, *хали шарҳлаб беролганинг йўқ.*

Эй, қалам битгунча мотам шарҳини,
Ўксиниб-ўксиниб йиғла қалбимдай.
Қоралаб ётгунча мотам шарҳини,
Елкангга кўтаргил уни халқимдай.

Навқалам шогирдлар сафида сен ҳам
Оташқалб шоирга ўқигил видо.
Умрибоқий зотни айла якқалам,
Сендан ризо бўлсин устоз Шайхзода.

Чала қолган шеърин қилгил-у давом,
Сўнгги наслларга етказ қаламин.
Асрлар уфқида авлоди аъзам —
Кўрсинлар, озорнинг ўзбек Одамин!

1967

БОҒИШАМОЛ

Самарқанд қучоғида
ётган келин сингари,
Ноз уйқудан уйғонар
Боғишамол субҳидам.
Ҳуснини кўз-кўз қилиб,
ўсма қўйгандай пари,
Истиқлол гулзорига
оҳиста қўяр қадам.

Ўз ҳуснига маст бўлиб,
юзин ювар Сиёбда,
Тонг еллари тарайди
қирқ қулочли сочини.
Кумушдай оқ сийнаси
нур эмади офтобдан,
Ғам-ғуссадан йироқдай
кенг ёзар қулочини.

Тун бўйи бошда тутиб
юлдуз тўла самони,
Гўдакдай жилмаяди
янги кун иқболидан.

Сози билан янгратиб
гўё бутун дунёни,
Шароб янглиғ сипқорар
мармар ҳаво болидан.

Регистон обидаси
кўкка тираб бошини,
Ифтихор достонини
иншо айлар қошида.
Кафтида кўтаргандай
меъмору наққошини,
Янги имло илми-ла
ўқир унга қасида.

...От ўйнатиб ўтади
қошидан Амир Темур,
Улуғбек кузатади
етти қават осмонни.
Расадхона сехрига
маҳлиёдир Алишер,
Самарқандни тарк айлаб,
Бобур кўзлар Афғонни.

Боғишамол бир лаҳза
хаёл суриб, боқар жим,
Кўз ўнгида жонланар
сочин юлиб асрлар.
Бахт-саодат тахтига
мангу бўлгандай ҳоким,
Фароғат жомин тутар
унга янги насллар.

Кўнгли таскин топгандай
гўзал ҳаёт боғида,
Ошиқона роз айтиб,
чарх урар Боғишамол.
Табассум жилваланар
лоларанг ёноғида,
Муҳаббат бўстонида
бахти кўрсатур жамол.

Ойнадай кўчасидан
қуёшга чиқиб пешвоз
Дорилфунун қўйнига
ошиқар янги авлод.
Қадоқ қўлли ишчилар
хаётга бериб пардоз,
Асримизнинг мухташам
боғини айлар обод.

Янги авлод камоли
қалбига солар туғён,
Боғишамол қўлида
ўйнайди асрий хома.
Минг йиллик ғам тоғидан
отилган янглиғ вулқон,
Олтин қалами билан
бахтидан битур нома.

Бу нома — ёзилгандай
етти иқлим аҳлига,
Кабутар қанотида
учади тоғлар оша.
Бу нома — қуёш бўлиб
етти иқлим қалбига,
Нотаниш ўлкаларни
айлар сайру томоша.

Бу нома — қадим шаҳрим
Самарқанднинг тўй хати,
Йигирма беш асрнинг
вазни бор ҳар сатрида.
Бу нома — азиз халқим
дилдаги муҳаббати,
Улуғ айём жарчиси
қадим ўзбек шаҳрига.

Бу номани ўқиган,
эй, мехрибон дўстларим,
Дастурхон тузаб қўйдим,
тўйимизга марҳабо!
Икки қўлим кўксимда,
йўлингизда кўзларим,
Мендан ҳам мунтазирдир
Сизга Самарқанд бобо!

1968

ШОИРГА ТАЪЗИМ

(1968 йилнинг 26 сентябрида Регистон)

Регистон майдони ўхшар денгизга,
Одамлар тўлқини отади кулоч.
Етти иқлим бирдан киргандай сўзга,
Алишер бошига кийгизар гултож.

Кўчалар дарёдай оқади тўлиб,
Сайилга ошиқар кекса ҳам, ёш ҳам.
Навоий тўйининг жарчиси бўлиб,
Дунёни айланар бугун қуёш ҳам.

Минорлар бошида янграйди карнай,
Шаҳарни кезади отлиқ жарчилар.
Муғанний қўлида сайрайди сурнай,
Регистон барчани шодон қаршилар.

Тўй либосин кийган бу гўзал майдон,
Жаҳоннинг қалбидай боқар энтикиб.
Анвойи байроқлар уради жавлон,
Алишер бошидан ёғдусин тўкиб.

Шеър билан дунёни забт этган шоир,
Тумонат одамга жилмаяди лол.
Гарчанд сўз бобида бўлса ҳам моҳир,
Бир нима деёлмай, суради хаёл...

Шердор саҳнасидан янграр «Дилором»,
Шоир чўчиб тушар.
«Ўнгми ёки туш?»
Дилором дилларга бағишлар ором,
Мусиқа сеҳридан халойиқ сархуш.

Олмос дирижабл шоир суратин
Регистон кўкида турар ардоқлаб.
Жаҳон аро достон этгандай отин,
Эфирдан шеър янграр, сайилга чорлаб.

Оврўпо тинглайди,
Тинглар Осиё,
Африка қалқийди шеърнинг зарбидан.
Бир юрак сингари тинглайди дунё,
Қутлов хатин йўллаб Ғарбу Шарқидан.

Беш қитъадан келган ҳар аҳли қалам,
Кўксига қадаган шоир нишонин.
Шоир бу шаҳарга қўйган деб қадам,
Ёдгорликка олур Самарқанд нонин.

Тун чўкар Регистон хиёбонига,
Мавж уриб оқади халқ сайли ҳамон.
Салют берилади шоир шаънига,
Мушаклар нуридан мунаввар осмон.

Шоирнинг кўкдаги рамзига шу чоқ,
Прожектор ёғду сочар парпираб.
Барча таъзим қилар шоирга қувноқ,
Минорлар жилмаяр нурда ярқираб.

Мармар пойдевордан олинар ҳарир,
Бу ерда қўйилар шоирга ҳайкал!
Жомий-ла ёнма-ён турмиш Алишер,
Самарқанд мулкига бўлгандай сайқал.

Регистон майдони ўхшар денгизга,
Одамлар тўлқини отади кулоч.
Етти иқлим бирдан киргандай сўзга,
Алишер бошига кийгизар гултож.

1968.

МЕРОС

Самарқанд ўтмишига
қилсам агар сайру боғ,
Қаршимда ланг очилар
ўн икки чўнг дарвоза.
Дарвозабон қўлида
тутиб олмасдан яроғ,
Қайси элдан келганим
сўроқ айлайди роса.

Эзгу ниятим сезгач:
— Шаҳарга, — дер, — марҳабо!
Бадният одамларга
ёпиқдир дарвозамиз.

Туя тотгани келганни
сийлайди олтин қалъа,
Қилич кўтариб келса,
дарров гўрин қазамиз...

Афросиёб давридан
қолган ушбу анъана,
Аждодлардан меросдир
менинг улуғ паслимга.
Бу муқаддас меросга
содиқ қолиб мардона,
Самарқанд мамнун боқмиш
яратувчи асримга.

Дўстлар учун девор надир,
надир ўзи дарвоза,
Самарқанд бир сония
қила олмас тасаввур.
Истиқлол нималигин
элга айлаб овоза.
Регистоннинг қошида
байроғимиз сочар нур.

Тахтиравон етти йўл
шаҳрим қўйнига бугун
Етти тошқин дарёдай
қулоч отиб киради.
Етти иқлимга боғлаб
кўнгил ипини мамнун,
Нилуфар осмонида
«ТУ»лар жавлон уради.

Соқчилар ҳам қўйилмас
етти йўлнинг бошига,
Елкага милтиқ осиб
хеч ким кутмайди меҳмон.
Қучоғини кенг очиб
қадрдон-қардошига
Етти йўлнинг бошида
қаршилар бугун мезбон.

Жанубдан Шимолгача
чўзилгандир бу йўллар,
Ғарбу Шарқни боғлайди
пўлат камар сингари.
Юлдузга ҳам етади
узатилса бу қўллар,
Бу қўлларга куч берар
она ернинг меҳвари.

Самарқанд қалъасига
ўхшар ўзбек диёри.
Сарҳадда не соқчимиз
қўриқлар тинчлигини.
Истиқлол гулбоғида
қулф уради баҳори,
Ғаламис ғанимларга
кўрсатар кимлигини.

Юртимиз дарвозаси
қадимгидай мустаҳкам,
Дўст келса ошини ер,
душман келса бошини.
Етмиш икки эл ўғли
ичгандай эзгу қасам,
Олтинга ҳам алишмас
унинг битта тошини.

Она юртни қўриқлаш —
меросдир аждодлардан,
Қорачиқдай асраймиз
бу меросни бизлар ҳам.
Кўнглимиз мамнун бўлиб,
сўраймиз авлодлардан:
— Доғ туширмай сақлангиз
бу меросни сизлар ҳам.

1968

НАВОИЙ ЧОЙХОНАСИ

Регистон боғининг кунботишида
Чойхона бор эди сўлим ва кўркам.
Миноралар посбон эди бошида,
Шоирни эсларди уни бир кўрган.

Нақшин пештоқига шоир ғазали
Зарҳал ёзув билан ўйилган эди.
Бўлсин дея унинг кўрки, сайқали,
Навоий сурати қўйилган эди.

Бир пиёла кўк чой ичиб одамлар,
Варақлашар эди тарих дафтарин.
Ўтмиш билан ҳозир учрашган дамлар
Шеър билан ёзарди кўнгил дардларин.

«Хамса»ни ёд билган хокисор чоллар
Суҳбати кетарди етти иқлимдан.
Гўдак хотирамда шеърий хаёллар
Ўшанда жой олди менинг дилимдан.

Энди на боғ қолди, на чойхона бор,
Чор атроф шипшийдон,
Тушимми, ўнгим?
Ёлғиз осмон ўпиб мадраса, минор
Сукут сақлаб менга термилади жим.

Қани шеър баҳсию, суҳбат маскани?
Нечун вайрон бўлди чоллар гўшаси?
Дарахтлар қалбидан оқизди қонни
Қайси бир «донишманд» ўтмас тешаси?

Ҳазрат Навоийдан қадимий ёдгор
Чойхона устунин ташиб кетди ким?
Ғазаллар битилган нақшинкор болор
Қай гўшада кўз ёш тўкади юм-юм?

Ногаҳон қаршимда бўлгандай пайдо
Менга хитоб қилди чойхоначи чол:
— Бўтам, дард чекишинг энди бефойда,
Уни қайта тиклаб бўлмайди алҳол.

Қалбимни тилкалар шу ғамгин садо,
Айрилиқ дардига бардош берар ким?
Буюк бир санъатга ўқиб алвидо,
Регистон тунида мунғаяр қалбим.

1968

МЕНИНГ АВЛОДИМ

Катта йўлдан қадамлари гурсиллаб,
Янги авлод бормоқда дадил.
Оталар ҳар дақиқа эркалатиб,
бошларин силаб,
Умрига бўлмоқда кафил.

Янги авлод — менинг авлодим,
Олтмишинчи йиллар ёшлиги.
Галактикага ташлади одим,
Шу эмасми боши тошлиги!

Ҳар жабҳада унинг юраги,
Қуеш бўлиб олов сочмоқда.
Бронзага ўхшаб кетар кўкраги,
Ишга кўл урган чоқда.

Оталар ишига қолишиб содиқ,
Бош эгдилар нурли чирокка.
Ва лекин
оталар юзига боқмадилар тик,
Қасамёд қилдилар она тупроққа.

Оқ ювиб оқ таради оналар бизни,
Оталар ўргатди мардликка.
Оналар сарғайтмади юзларимизни,
Оталар кўтарди кўкка.

Ва лекин авлодим сафида, дўстлар,
Баъзан оқбилаклар учраб қолади.
Кимлардир эркалатган
ул қаро кўзлар
Кўнглимизга ташвиш солади.
Ҳаловатимиз йўқдир уйқуда баъзан,
Ўйлаймиз шу «эркатой»ларни.
Улар-чи,
қулоғига қуйиб кўрғошин,
Эшик тирқишидан бизни пойлайди...

Дастгоҳ дейсизми? Қайда, азизим!
Станокни кўрмаган тушларида.
«Қора мойга ботиб»,
машинани бошқариш
Келмагандир ҳали эсларига.

Оталар пулига «ўйнаб» олмоқчи,
Жазнинг садолари юракда.
Боғлар аро кўнгил овламоқчи,
Уларнинг «дастгоҳи» тамом бўлакча.

Пардоз кўзгусининг ёнида тун-кун,
Қизларнинг қўлида ўйнар мўйчипак.
Қошми, у ё сичқон думими нуқул,
Мужгонлар туш бўлиб уланганидак.

Бармоқларда ёнар ёқут парчаси,
Помидор тилими лабларда.
Бошларда қирқилган соч саватчаси,
«Севги фалсафаси» қалбларда.

Йигитлардан сўранг, қизлардан улар
Қолишмайди «мусобақа»да,
Тирноқдек мўйловча лаб узра «кулар»,
Карнай шимларидан — қўллар ёқада.

Рокн-роллнинг жазавасидан
Ипакдай эшилар тонггача.
«Твист» деган жойда
Пирини ҳам қолдиради орқада.

Майли,
Тегмайлик ул йигит-қизлар «шахси»га.
Мақсадимиз бундан бўлакча тамом.
Шу гўзаллик,
шу санъат деб,
аталса гар аслида
«Ишлари»ни эттирсин давом.

Лекин, қўйиб қўйманг ўзига, дўстлар,
Пўстагини қоқинг ҳар қачон,
Ёшликдаги бебош туйғу ва ҳислар
Ўткинчи бўлса ҳам мисли бир тўзон.

Янги авлод — жўшқин бир дарё,
Улар-чи,
дарё бетидаги хас.
Қадоқ қўлларимиз
кафтидаги бу дунё,
Уларнинг қўлига қараммас.

Янги авлод —
менинг авлодим,
Олтмишинчи йиллар ёшлиги.
Галактикага ташлади одим,
Шу эмасми, боши тошлиги!

Ҳар авлоднинг ўз хатоси бор,
Ўзлари вақтида пайқамас, бироқ.
Бизлар эса
авлодимиз хатосин
Ўз вақтида
англаб олдик
яхшироқ!

1968

ЖУРНАЛИСТ ДЎСТИМГА

Ҳар тонг газетани олган чоғимда
Сен ёдга тушасан, дўстим, дафъатан.
Боғбондек гул узиб менга боғингдан
Юрагим саҳнин айлайсан чаман.

Ёркин саҳифалар аро жилмайиб,
Қаршимда турасан доимо масрур.
Қайноқ туйғуларинг, жўшқин хисларинг
Тонг билан уйимга кирар мисли нур!

Ҳар бир кунимизни айлаб саркитоб,
Миллионлар қалбига йўл тонгунча то –
Қатрада намоён этгунча офтоб,
Тунлар уйқу кўнмас кўзингга ҳатто.

Сўзлар рудасидан жавоҳир излаб,
Билмайсан ором не, недир фароғат.
Ҳар куни янги бир зафардан сўзлаб,
Янги довонларни кўзлайсан фақат.

Сафар тулпорида еласан ҳар кун,
Миллионлар қалбига бўлиб таржимон.
Гўзал Ўзбекистон боғлари бугун
Қаламинг туфайли тилларда достон!

Дерлар, ҳар соҳанинг ўз олими бор.
Ишчи ҳам, олим ҳам
Сенсан, дўстгинам,
Шоиру пахтакор бўлиб субҳидам,
Сенсан қалбимизни тинглаган инсон!

Газета бир соат кечикса баъзан
Биз сени койиймиз билмасдан, дўстим.
Ўрганиб қолганмиз,
Отар экан тонг –
Сен унда жилмайиб турасан маъсум.

Сенинг ўша маъсум қарашларингда
Фароғатли замон, кунлар жилоси.
Ёниб турган қалбинг оташларида
Янги бир дунёнинг порлоқ зиёси.

1968

ШЕЪРИЯТ БЎСТОНИ

Бу бўстон саҳнида
гул кўп, чаман кўп...
Алишер Навоий

Навоий қасрининг қошида кўркам
Шеърият бўстони қилинди бунёд.
Шоирларни бошга кўтарган ўлкам,
Кўнглимиз боғини айлади обод.

Икки ёнда – улуғ устодлар мамнун,
Тўрда – Навоийнинг мармар ҳайкали.
Шеърий анжуманга бош бўлиб бугун,
Алишер лаб жуфтлар недир айтгали.

Ўртада сарҳовуз – илҳом булоғи,
Меъморлар санъати гулдор саҳнида.
Ғазғон мармаридан сўлим қирғоғи,
Шоирлар сиймоси эилол мавжида.

Устодлар изидан очилгандек гул,
Дилни сархуш айлар ажиб чаманзор.
Гул ишқида ёниб ўтгандек булбул,
Шеър шайдоси бундан аримас зинҳор.

Шоирлар руҳини шод қилмоқ учун
Халойиқ ошиқар шеър бўстонига.
Устодлар қошида бош эгиб бугун
Сокин кулоқ тутар дил достонига.

Боғидан саралаб келтирган гулни
Шоирлар пойига қўяр авайлаб.
Таъзим-ла кўксига қўйганча қўлни
Меҳрин изҳор этар шеърин ёд айлаб.

Устодлар миннатдор бўлиб халқимдан,
Мамнун тикилади юзларига жим.
Олқишлар чашмаси жўшиб қалбимдан,
Сўз мулкин шоҳига қиламан таъзим.

Ҳазрати Навоий сўзига муштоқ:
Лутфий ва Нодира, Муқимий, Фурқат.
Диёри васлига етгандай шу чоқ,
Бобур Мирзо кўнглин тарк этган ғурбат.

Ўтли нигоҳ билан боқар устодга
Чўлпон ва Қодирий ҳам Ғафур Ғулом.
Ойбек қўл узатар аста довотга,
Алишер қалбига бахш этиб ором.

Шарқий мушоира қандоқ бўлар деб,
Жилмайиб, кузатиб турибди Пушкин.
Навоий бергандек анжуманга зеб,
Эл аро таратар ғазаллар мушкин.

Одамлар маст бўлиб ғазал бўйидан,
Қалблар дарёсидан теришади дур.
Қуёш жарчи бўлган шоир тўйидан,
Шодлик қадаҳини кўтарар масрур.

Меҳр пиёласин айлаб лиммо-лим,
Навоийга тутар Ҳамид Сулаймон.
Алишер юзида ўйнар табассум,
Устодлар қўлида шароб тўла жом.

Одамлар юзига тикилиб маъсум,
Хаёлга чўмади олими замон.
Навоий қошида этгандай таъзим,
Сухан денгизидан теради маржон.

— Ҳазрати Навоий, асрлар оша
Орзу дарахтингиз меваси ларзон.
Жаҳонни қилинг деб сайру томоша,
Сизни боши узра кўтарди замон.

Бир қаср безатдик, сизга деб, устод,
Унга кўрк бахш этди сизнинг
мулкингиз.
Маъни хазинасин айладик обод,
Кўрсангиз тоғ қадар ўсар кўнглимиз.

Сизни деб кездигу Шарқ ила Ғарбни,
Мулкингиз жамладик ушбу қасрга.
Қутлуғ исмингизга қўндирмай гардни,
Сизга қаср қурдик буюк асрда...

Икки ёнда — улуғ устодлар мамнун,
Тўрда — Навоийнинг мармар ҳайкали.
Шеърий анжуманга бош бўлиб бугун
Алишер лаб жуфтлар ҳикмат айтгали:

«Хушдурур боғи коинот гули,
Барчасидин яхшироқ ҳаёт гули».

1969

БИБИХОНИМ МАДРАСАСИ ҚОШИДА

Асрий мадрасага термиламан лол,
Кўзим қамаштирар антика ранглар.
Олти юз йил оша чарх урар хаёл,
Қалбимни сеҳрлар сирли оҳанглар.

Хароба ўрнида кўркам бир бино,
Ривоят айтгандай бўлар намоён.
Унга ҳасад билан тикилар дунё,
Бошида жилмаяр ложувард осмон.

Қанчалик ҳақиқат бўлса ривоят,
Шунча кўпдир унда ёлғон ва рўё.
Ким тасбеҳ ўгирса, келтирса оят,
Ўзини санайди мусулмон гўё.

Ривоят дафтарин варақламай, йўқ,
Сўзлайин ҳақиқат рисоласини.
Балки, мендан яхши билар халойиқ,
Машҳур Бибихоним мадрасасини.

Хароба қошида хаёлга толиб,
Энтикиб, бир лаҳза юмдим кўзларим.
Мадраса ичида адашиб қолиб,
Унга чор атрофдан қиёс изладим.

Ақлимни лол айлар нақшу нигорлар,
Феруза гумбазда жилоланар нур.
Тўрт бурчакда кўкни ўпган минорлар
Салтанат тожини кийгандай мағрур.

Масжид пештоқида ғаройиб сайқал,
Кошинлар кўркида ажиб тилсимот.
Деворларда ранглар ёнади ял-ял,
Суқ билан термилар унга коинот.

Ҳайрат оламида урардим жавлон,
Гумбаз бир нидога берди акс-садо:
«Бибихоним қурдирган деган гап ёлғон,
Кўрагоний менга жон этган фидо.

Деҳлини забт этиб қайтганда Темур,
Мадраса қурмоққа қилди фармойиш.
Беш йил ҳаловат не билмади амир,
Меъморлар кўркимга берди оройиш.

Ўшанда бир шоир мадҳия ўқиб,
Довруғим жаҳонга айлади достон.
Деди бошим узра марварид тўкиб:
«Баландликда танҳо бўлмаса осмон...»

Ҳайрат ила ҳар ён ташлайман назар,
Мадраса товланиб турар қошимда.
Харобага пардоз бахш этар меъмор,
Минг хил ўй айланар менинг бошимда.

Асрлар қаърида қолиб мадраса,
Бошин силамади меҳрибон бир қўл.
Зулмат ичра ҳеч ким бўлмади асо,
Ғанимлар тошидан яра бўлди дил.

Оёғидан тортди унинг зилзила,
Бошидан учирди мармар пештоғин.
Уч минорин яксон этди бир йўла,
Бир минор узмади ердан оёғин.

Ҳамон ўша минор турар қийшайиб,
Унинг ҳам бошидан учгандир тожи.
Зилзила зарбидан бўлгандай майиб,
Қаддини ростлашнинг борми иложи?

Хароба мадраса қошида бугун,
Қўли гул меъморлар бўлмиш парвона.
Аждодлар санъатин тикламоқ учун
Кошинларга пардоз бермоқда яна.

Истиқлол қуёши кулмаса агар
Мадраса ҳолига ачинарди ким?
Бу санъат гултожи қуласа агар
Кимга ҳам арзини айтарди халқим?

Ҳар қалай етолдик ўтмиш қадрига,
Киприк билан артдик ундан ғуборни.
Одимларни мослаб даврим зарбига,
Достон қилсак арзир ҳар бир
меъморни.

Асрий мадрасага термиламан лол,
Кўзим қамаштирар антиқа ранглар.
Олти юз йил оша чарх урар хаёл,
Қалбимни сеҳрлар сирли оҳанглар.

1969

ШОҲИЗИНДА

Ғиштин зиналарга бермасдан озор
Авайлаб қўксига қўяман қадам.
Ўнгда ҳам, сўлда ҳам мудрайди мозор,
Сукунат қўйнига чўккандай олам.

Мармар сағаналар бошида гумбаз,
Фалакка қўл чўзиб турибди гўё.
Асрлар ғамидан сўйлагандай роз,
Қалбимга урилар мунгли бир нидо.

Юксакка элтади мени зиналар,
Қирқ битта зинада — қирқ бир ривоят.
Ривоятни тинглаб қалбим қийналар,
Қусамнинг қабрида Қуръондан оят:

«Шаҳид бўлганларни Оллоҳ нўлида,
Ўлган деманг асло, улар барҳаёт».
Кимнинг қони оқди кимнинг қўлида,
Ривоятлар ростми, сўйла, эй Ҳаёт?

«Ўнлаб ривоят бор Қусам ҳақида:
Ўз ажали билан ўлган, дер бири.
Бири кетган, дейди арши аълога,
Самарқандда шаҳид бўлган дер бири.

Марвда ҳам унинг қабри бор эмиш,
Дин йўлида шўрлик бўлганмиш қурбон.
Аҳли дониш буюк ривоят демиш,
Ҳақиқат бор ерда не керак ёлғон!»

«Шоҳ ҳаёт ё ўлик» — менга барибир,
Мени қизиқтирмас кўҳна ривоят.
Гумбазлар ичига кириб бирма-бир
Аждодлар руҳини қилмоқчиман шод.

Асрий сағаналар ётибди мудраб,
Ҳижжалаб ўқийман мармар тош хатин.
Олис бир замоннинг ғам юкин судраб,
Минг рангда товланар антиқа кошин.

Темурбек наслидан ўзга киши йўқ,
Бунга кўмилгандир на бир фуқаро.
Додини фалакка айтиб халойиқ,
Қабрда ҳам тенгмас шоҳ билан гадо.

Жон фидо айлаган меъморлар қабрин,
Излаб тополмадим Шоҳизиндадан.
Мунгли бир сукунат тирғлади бағрим,
Маъюс тушарканман қирқ бир зинадан.

Салтанат тожини кийгандай гўё
Шоҳизинда боқар изимдан гирён.
Кўрганим тушмиди ва ёки рўё,
Қалбимда ҳаяжон кўтарар сурон.

Шоҳизинда — ноёб санъат бешиги,
Етти иқлим аро топгандир нуфуз.
Кимларни кўрмади асрий эшиги,
Унда буюк меъмор қабри йўқ, афсус!

1969

ЗАРАФШОН МАВЖЛАРИ

Яна келдим,
Сени йўқлаб, Зарафшон,
Қай сўз билан айтай соғинганимни?
Қалбимга ўқини отганда ҳижрон,
Биласанми,
Сенга сиғинганимни?

Йўқ, билмайсан,
Ҳатто қилмасдан парво,
Мавжланиб,
Шовиллаб оқиб ётибсан.
Мендай бир ўғлингдан қилгандай гина,
Хаёлинг паришон,
Ўйга ботибсан.

Таъна тошин отма менга ўтинчим,
Сўзимни бир лаҳза тингла, эй дарё,
Васлингга етгунча йўқолди тинчим.
Нетай,
Ахир, жуда кенг экан дунё.

Сенинг поёнинг бор,
Дунё бепоён,
Тилсимдан иборат ҳар бир гўшаси.
Сендан улкан дарё кўпдир бегумон,
Лекин сенга пайванд кўнглим риштаси.

Дунё кездим,
Қайда бўлмайин лекин,
Сенинг тимсолингга қиёс излайман.
Дарёлар бўйида олганимда тин,
Зарафшоним,
Сени ёниб сўзлайман.

Исмингни такрорлаб эзгу қасамдай,
Висол айёмига ошиқди қалбим.
Кечалар милтиллаб ёндиму шамдай,
Самарқанд ҳавосин соғиниб қолдим.

«Ёҳу» деб қамчилаб сафар тулпорин,
Тонг билан қуёшдай келдим қошингга.
Дардимни дур каби сочдим, дилбарим,
Севги камалаги кулган бошингга.

Фидойи ўғлингни кечир, Зарафшон,
Қошингга гуноҳим ювай, деб келдим.
Сувингдан бир ҳовуч ичир, Зарафшон,
Қалбимдан ҳижронни қувай, деб келдим.

Сўзларим мағзини чақдинг чамамда,
Нурли жамолингда мавж урди кулги,
Кўнглим таскин топди энди чаманда.
Азизим, бир умр сен амин бўлки,

Энди сени асло ташлаб кетмасман,
Оқларман сен берган нон ва тузингни.
Ҳижронда кўзингни ёшлаб кетмасман,
Ерга қаратмасман сира юзингни:

— Тунлар кўнглим эзган ҳижрон тошини
Эритиб юборди сўзларинг, болам.
Ўксима, баландроқ кўтар бошингни,
Фирокда юрт қадрин англайди одам.

Узаниб, ором ол соҳилда бугун,
Ҳовуч-ҳовуч ичгин сувимдан тўйиб.
Сени деб кўз юммай оқдим куну тун,
Дунёнинг ташвишин елкамга кўйиб...

Ҳар қалай, оҳангдош бўлдинг қалбимга,
Эй, менинг бешигим тебратган дарё.
Шоир фарзандим деб етдинг қадримга,
Эй, менга шеър илмин ўргатган дарё!

Зарафшон, мавжларинг кузатиб мағрур,
Армонсиз умрингга қилурман ҳавас.
Сен каби кўз юммай яшасам масрур,
Шу умр мен учун азиз, муқаддас.!

1969

ЧАҚАЛОҚ КУЛГИСИ

Чақалоқ кулади,
Нурли кулгиси
Шодликка тўлдирар жажжи хонани.
Жингалак сочидан анқиган иси
Сеҳрлаб қўяди мунис онани.

Нурли чеҳрадаги эзгу табассум
Оламни чароғон этгандай гўё.
Ҳаёт ташвишини англамай, маъсум —
Жилмаяр,
Билмайди не экан дунё.

Фарзанд меҳри билан она бўлиб маст,
Юзу кўзларидан ўпади тўйиб.
Жонини жонига қилгандай пайваст,
Барча юмушини унутиб қўйиб,

Бағрига босади,
Сочларин ҳидлаб,
Кўнглида қолмайди заррача ғубор.
Чақалоқ кулади,
Кулар эркалаб,
Она кучоғида беғам, бахтиёр.

Лўппи юзларида кулгандек қуёш,
Табассум бахш этар онажонига.
Иссиқ кўкрагига аста қўйиб бош,
Ғам қушин қўндирмас қалб ошёнига,

Севинч булоғидай митти юраги,
Қоп-қора кўзлари — умид юлдузи.
Жажжи қўлгинаси — она эрмаги,
Йиғиси-чи,
Ҳаёт қўшиғин ўзи.

Фарзанд деб,
Боридан кечган ёш она,
Хаёлига келмас, нимадир пардоз.
Боласи қошида бўлиб парвона,
Саодат уфқига айлайди парвоз.

Тунлар уйқусида йўқдир ҳаловат,
Бешикка суяниб ухлаб қолади.
Алла деган қадим қўшиқни фақат,
Ёд айлаб, ёш она ором олади.

Фарзандин биргина кулгисига у,
Алишмайди ҳатто икки жаҳонни.
Маъсум юрагида олий бир туйғу,
Парвариш айлайди осуда жонни.

Чақалоқ кулади,
Нурли кулгиси,
Шодликка тўлдирар жажжи хонани.
Жингалак сочидан анқиган иси
Сеҳрлаб қўяди мунис онани.

Ҳеч кимса билмайди, бу мурғак инсон,
Митти юрагида не гап бор бугун.
Улғайиб, Алишер бобосисимон,
Жаҳонни ҳайратга солиши мумкин.

1969

Самар Ва Қанд

(достон)

Ўғлим Фарруҳхонга

Жуда қадим замонда,
Кўҳак деган томонда,

Зар дарё қирғоғида,
Конигил қишлоғида

Яшаркан икки инсон,
Икки дўсту қадрдон.

Бири тунлар беармон,
Гилмояга бериб жон,

Юрагида борини,
Меъморлик хунарини

Элга қилиб намойиш
Кўнгли топиб оройиш,

Қураркан кўркам бино,
Маҳлиё экан дунё.

Бири эса қўй боқиб,
Дарё сингари оқиб,

Соҳил бўйлаб кезаркан,
Гул водийни безаркан.

Найини олса қўлга,
Дарс бераркан булбулга.

Кун кетидан кун ўтиб,
Тун кетидан тун ўтиб,

Учрашиб қолса дўстлар,
Нигорон боқиб кўзлар.

Киприкларда ўйнаб ёш,
Таъзим билан эгиб бош.

Қучоғини кенг очиб,
Меҳр гавҳарин сочиб.

Юраклар уриб туғён,
Кўришаркан икки жон.

Кун ботиб тонг отаркан,
Тонг отиб кун ботаркан.

Икки дўст юрагида,
Икки дўст тилагида.

Бир армони бор экан,
Ва бир орзу ёр экан.

Иккови кўрса ўғил
Дўст бўлсин деркан нуқул.

Қиз бўлса-чи, дугона,
Бир-бирига парвона.

Ўғил ва қиз туғилса,
Бахт нурига йўғрилса

Тоҳир билан Зухродай,
Вомиқ билан Узродай

Фарҳод ва Ширин янглиғ,
Лайлию Мажнун янглиғ

Бўлиб ошиқу шайдо,
Элни қилсин маҳлиё.

Дея икки қадрдон,
Меъмор билан шўх чўпон,

Белни боғлашиб маҳкам,
Кўҳакда қуриб маскан,

Қайғу-ғамдан бегона,
Элга бўлиб парвона,

Сарғаймай мисли сомон,
Яшаркан дориломон.

Наврўз кулган чоғида,
Шўх дарё қирғоғида,

Кутилган кун ҳам келиб,
Кутилган тун ҳам келиб,

Икки ёш хонадонда,
Дўстлар бош хонадонда,

Айни тонготар чоғи,
Ёниб умид чироғи.

Туғилмиш икки фарзанд,
Икки ширин, шўх дилбанд:

Бири ўғил, бири қиз,
Бири ой, бири юлдуз.

Дўстларнинг шодлигидан,
Кўнгли ободлигидан,

Тўлқин отиб наҳри зар,
Ўқиганмиш шарафлар.

Булбул барин доғ айлаб,
Дўстлар кўнглин чоғ айлаб,

Гулга бўлиб парвона,
Қўшиқ айтмиш мастона.

Шогирдини елдириб,
Чўпон бир кўй келтириб,

Икки фарзанд шаънига,
Икки дилбанд номига,

Умри узоқ бўлсин деб,
Бахти кундай кулсин деб,

Қассоб сўйибди қўйни,
Қилгали катта тўйни,

Карнайлар чалинибди,
Сурнайлар чалинибди.

Барчани чорлаб шодмон,
Осишибди дошқозон.

Кўҳакнинг оқсоқоли,
Юздан ошган бир чоли,

Суриштириб зотини,
Гўдакларнинг отини,

Китобдан излаб узоқ,
Оқибат дебди шундоқ:

«Чўпон билан меъморнинг,
Қон-қардош, биродарнинг,

Дўстлиги эди асил,
Муроди бўлди ҳосил.

Бу дўстлар ҳеч айрилмас,
Қанотлари қайрилмас,

Эт билан тирноғ янглиғ,
Дарёю қирғоқ янглиғ.

Фарзандларин исми ҳам
Уйқаш бўлсин, вассалом.

Шу важдан ҳам, азизлар,
Кўҳаклик қора кўзлар,

Икки жажжи меҳмонга,
Икки мурғак инсонга,

От қўйиш қилди насиб,
Бир ном топинг муносиб».

Ҳамма хаёлга толди,
Ҳамма ташвишда қолди.

Равшан билан Барнони,
Анвар билан Зебони,

Баҳодиру Дилдорни,
Асқарбеку Гулнорни,

Одамлар олди тилга,
Таскин бериб кўнгилга.

Бу номларнинг ҳар бири,
Бўлса ҳам эл ғурури,

Оқсоқолга ёқмади,
Кўнглига ўт ёқмади.

Узоқ ўйлаб туриб чол,
Бошини қуршаб хаёл,

Халойиққа деди у,
Кўзида порлаб ёғду:

Умри бўлсин деб пайванд,
Ўғли – Самар, қизи – Қанд!»

Бу икки ном ногаҳон
Қалбларга солди туғён.

Ҳаммага маъқул бўлди,
Ҳамманинг кўнгли тўлди.

Келтириб гўдакларни,
Осуда юракларни,

Икки дўст қароғига,
Қичқириб қулоғига,

Номин айтибди шу кун,
Барча бўлибди мамнун.

Ўпиб Кўҳакнинг нонин,
Чол дебди сўнгра: «Омин!»

Сувдай мавжланиб йиллар,
Ўсибди шод кўнгиллар.

Гул терибди баҳордан,
Сув ичибди анҳордан.

Самарнинг камолига
Ва Қанднинг жамолига

Ҳамма ҳавас қилибди,
Кўкси тоғдай бўлибди.

Иккиси бир мактабдан,
Ёғду сочган офтобдан

Бўлишибди бахраманд
Ака-сингилга монанд.

Ғунча гулга киргандай,
Қалблар тилга киргандай,

Севги деган бир туйғу,
Кўзга қўндирмай уйқу

Дилларга солмиш туғён,
Ўтда ёнмиш икки жон.

Ишқин қилолмай изҳор,
Тунни ўтказиб бедор,

Нигоҳин кўкка қадаб,
Кечалар юлдуз санаб,

Самар бўлмиш овора,
Дардига недур чора?

Қанд эса Самар каби,
Кўкдаги қамар каби,

Севги деган дарёда,
Энг муқаддас дунёда,

Тилда эзгу каломи,
Қўлда эса қалами,

Қоғоз узра эгиб бош,
Чиққунча олтин қуёш.

Нома битур Самарга,
Дилдаги азиз ёрга.

Тонг билан бу мактубни,
Мактубдаги маҳбубни,

Элга айлаб сарафроз,
Булбул сайрар хушовоз.

Самар кўкси тоғ бўлиб,
Маъсум кўнгли чоғ бўлиб,

Чаманзорни оралаб,
Атиргулдан саралаб,

Ясаб хушбўй гулдаста,
Ишқин айлаб пайваста

Учар Қанднинг қошига,
Бахт қўнгандай бошига.

Қирқ кокилин ўйнаб Қанд,
Самар билан кўнгли банд,

Сиёб бўйлаб кезарди,
Дил хуморин ёзарди.

Тулпорини ўйнатиб,
Қанд кўнглини қувнатиб,

Самар етиб келади,
Қуёш каби кулади.

Пешвоз чиқар гўзал Қанд,
Кўнглин қилгандай пайванд.

* * *

Икки фарзанд, икки жон
Улғайган кундан буён,

Гўзал Сиёб бўйида,
Самар ва Қанд ўйида,

Меъмор айлаб жон фидо,
Қурарди кўркам бино.

Чўпон ҳам меъмор билан,
Юзида виқор билан

Дўстига тиргак бўлиб,
Ишига кўмак бўлиб,

Ғишт қўйиб, гоҳ ғишт ташиб,
Севинчу завқи ошиб,

Устунлар жилосига,
Жилолар имлосига

Киприклари михланиб,
Боқар эди суқланиб.

Гўзал Қанду Самарга,
Гўё Шамсу Қамарга

Аталган бу кошона,
Эди тенгсиз, ягона.

Самар ва Қанднинг тўйи,
Икки дилбанднинг тўйи,

Бўлсин деб шу бинода,
Донғи кетсин дунёга,

Дея чўпону меъмор,
Қилишди қатъий қарор.

Лекин ошдан тош чиқди,
Кўздан аччиқ ёш чиқди.

Ой юзига қўнди доғ,
Топталди Ишқ деган боғ.

Қанднинг барнолигидан,
Хусни танҳолигидан,

Подшо топдию хабар,
Қўлига тутди ханжар.

Навкар келди от чопиб,
Қутурган итдай қопиб,

Меъмор қизин сўроқлаб,
Шўрликнинг кўнглин доғлаб,

Навкар киришди сўзга,
Чўп тиққан каби кўзга:

«Қанд деган зебо қизга
Ва юзлари қирмизга,

Сарвқомат дилбарга,
Қора кўзли ҳулкарга

Подшо бўлибди шайдо,
Қандсиз бўлармиш адо.

Сенга эса, эй меъмор,
Олтин этармиш нисор.

Иморат қургунингча,
Тер тўкиб юргунингча,

Қандни бериб подшога,
Эга бўлгин дунёга».

Меъмор ғазаби ошди,
Кўҳак сингари тошди:

«Йўқол, тезроқ изингга,
Кўринма ҳеч кўзимга.

Қандни бериб подшога
Юрмам ёруғ дунёда.

Олтинни олгунимча,
Лаънатда қолгунимча,

Яхшироқдир ўлганим
Ҳамда меъмор бўлганим».

Бу гапни писанд қилмай,
Меъморни кўзга илмай.

Навкар эса жар солди,
Самар бирдан кўзғолди.

Қиличин қиндан олиб,
Навкарга дахшат солиб,

Мағрур деди баходир,
Тоғни йиқмоққа қодир:

«Қанд эрур менинг ёрим,
Мунисим ҳам дилдорим.

Уни ололмас ҳеч ким,
Чангал сололмас ҳеч ким.

Подшоҳингга бориб айт
Ва йўлингга тезроқ қайт.

Қандни олса тилга гар,
Кўксига санчгум ханжар».

Навкар эса бўш келмай,
Бу гап унга хуш келмай,

Қамчисини ўйнатиб,
Меъморни ҳам ўйлатиб,

Дўқу пўписа қилди,
Самар бағрини тилди:

«Қанд подшога муносиб,
У сенга қилмас насиб.

Сен бир чўпон фарзанди,
Ким бермиш сенга Қандни».

Самар шердай тўлғанди,
Ғазаб ўтида ёнди:

«Тезроқ йўқол қошимдан,
Жудо қилгум бошингдан».

Кўзларига тўлиб қон,
Калхатдай сапчиб шу он

Қилич ўйнатиб навкар,
Самар сари ташланар.

Самар ҳам селпиб қилич,
Навкарга бўш келмас ҳеч.

Қиличлар жарангидан,
Рақибларнинг жангидан

Динг қилиб қулоғини,
Депсиниб, туёғини –

Тошга уриб кишнар от,
Сувлиғини тишлар от.

Мен подшога навкар деб,
Навкарларга сарвар деб,

Шох чопари жанг қилар,
Самар ҳолин танг қилар.

Лекин бирдан «ёҳу!» деб,
Қўлдан кетмас оху деб.

Она ердан куч олиб,
Ғанимидан ўч олиб,

Қилич солиб навкарга,
Мамнун боқиб дўст-ёрга,

Самар ғолиб чиқади,
Жангдан толиб чиқади.

Навкар кулаб отидан,
Айрилиб ҳаётидан,

Бош қўяди соҳилга,
Қайғу солиб не дилга.

Бу ҳолдан бўлиб огоҳ,
От сурар подшо ногоҳ.

Қишлоққа солиб ғавғо
Бўкирар шоҳ — аждаҳо:

«Навкарни ким ўлдирди,
Ким ҳаётин сўлдирди?»

«Мен, — деди бирдан Самар, —
Шоҳ бўлсанг ҳам солма жар.

Қилмишига яраша,
Келмишига яраша,

Навкаринг олди жазо,
Бемаҳал қилди қазо».

Самарнинг сўзларидан,
Чақнаган кўзларидан

Шоҳнинг қўзғаб асаби,
Ортиб яна ғазаби,

Шоп мўйловин буради,
Сўнг Самардан сўради:

«Кимсан ўзинг, эй қотил,
Мунча узун сенда тил?»

Шоҳ юзига тик қараб,
Шоҳ кўзига мих қадаб,

Мардона деди Самар
Белида қилич, ханжар:

«Қотил дема мени шоҳ,
Ҳамма ишдан сен огоҳ,

Бир чўпон боласиман,
Муҳаббат гадосиман.

Бахтимга чангал солма,
Келган йўлингдан қолма.

Заҳар қўшма ошимга,
Тош отмагин бошимга.

Қанд деган бир гўзалнинг,
Сўзлари куй, ғазалнинг

Мен бир севар ёриман
Ва қаторда пориман».

Шоҳ этмасдан андиша,
Самарга қилди пеша:

«Сенга гўзал санаммас,
Хунук қиз ҳам бўлса, бас.

Менга Қандни бермасанг,
Шоҳга раво кўрмасанг,

Умринг ўтгай зиндонда,
Таниng ёнгай хумдонда».

Самарнинг кўзи чақнаб,
Нигоҳин шоҳга қадаб,

Айтди дилда борини,
Аҳдини, қарорини:

«Ўлдирсанг, майли ўлдир,
Менинг мақсадим шулдир.

Севгида шоҳу гадо
Тенг дейди ақли расо.

Юз ўлчаб бир кессанг-чи,
Ўз аҳдингдан кечсанг-чи.

Ўзингга бўлиб душман,
Кейин емагин пушмон.

Ишкимга қўйма тузоқ,
Қанддан кечмайман мутлоқ».

Навкарларни чорлаб шоҳ,
Фармондан қилди огоҳ:

«Банди қилинг Самарни,
Чўпону Қанд, меъморни».

Меъмор билан чўпонни,
Самар ва гўзал Қандни

Қўлин орқага боғлаб,
Қишлоқ аҳлини доғлаб,

Навкарлар ҳайдаб кетди.
Пичоқ суякка етди,

Қишлоқ аҳли қўзғолди,
Қўлига қурол олди.

Сўзга чечан ва моҳир,
Феруз деган бир шоир,

Халойиққа бош бўлиб,
Унга кўзу қош бўлиб,

Сарой сари йўл олди,
Қалъа қамалда қолди.

Икки гунохсиз банда,
Кетмасин деб армонда,

Яқин-йироқ кишлоқдан,
Намозгоҳу Кўҳакдан

Отланиб ёшу қари,
Қалъага келди бари.

Қасос олиб навкардан,
Етти газли девордан

Ошиб ўтди ботирлар,
Ҳар бир ишга қодирлар.

Дарвозани ланг очиб,
Қаҳру ғазабин сочиб,

Отилдилар қалъага,
Подшо қолди балога.

Подшо ва навкарларни,
Вазиру саркорларни,

Арқон билан боғлашиб,
Ўлим сари чоғлашиб,

Меъмору чўпонни ҳам,
Самар билан Қандни ҳам

Тутқундан озод қилиб,
Кўнглини обод қилиб,

Қишлоққа олиб келди,
Халойиқ ғолиб келди.

Мухаббатга чанг солган,
Халойиқ жонин олган,

Подшони осиб дорга,
Тўй қилишди Самарга.

Чорлаб яқин-йироқни,
Таниш-билиш, ўртоқни,

Қирқ кечаю қирқ кундуз,
Тўй қилишди тинимсиз.

Ўртада ёқиб гулхан,
Қўшиқ куйлаб шўху шан,

Хофизлар наво қилди,
Қўшиғи адо қилди.

Дуторлар тилга кирди,
Сетторлар тилга кирди.

Така-тум деб чирманда,
Эли қўйди армонда.

Товус каби товланиб,
Қалби қуёшдай ёниб,

Раққосалар ўйнади,
Кўзлар ундан қувнади.

Сим дорда юриб дорбоз,
Ҳавода қилиб парвоз,

Қўлда тутиб лангарни,
Тилда куйлаб алёрни,

Қизиқчини мот қилди,
Халойиқни шод қилди.

Феруз рубобин чалиб,
Барча хаёлин олиб,

Ашъорин солди куйга,
Зеб бериб катта тўйга.

Чавандозлар топилди,
Улоқлар ҳам чопилди.

Ғолиблар олиб соврин,
Босишди кўнгил ҳоврин.

Келин-куёв — икки ёш,
Бири ой, бири қуёш,

Барчага этиб таъзим,
Қирқ кун қилишди базм.

Меъмор курган иморат,
Халқ мехридан иборат.

Бу иморат қошига,
Дарвоза пештоқига

«Самар ва Қанд» дейишиб,
Эзгу орзу қилишиб,

Ёзиб қўйди тўй куни,
Шўх қўшиғу куй куни!

Бу рост гап, ё афсона,
Ё халқ топган дурдона.

Не бўлса ҳам, ёронлар,
Эй, дўсту қадрдонлар,

Кўҳакнинг канорида
Ва Сиёб баҳорида

Самар ва Қанд маскани,
Ошиқларнинг чамани,

Минг йилларнинг сўнгида
Олис тарих ўнгида,

Дунёга келиб бир кун,
Қаддин ростлаган мамнун.

Асрлар мехробида,
Асрлар гирдобида,

Ўзгариб йиллар чархи,
Ўзгариб йўллар чархи

Тилдан тилга ўтгандир,
Дилдан дилга ўтгандир.

Ўша кўркам кошона,
Бўлиб тенгсиз, ягона.

Улар ҳам бино қуриб,
Истиқбол уфқин кўриб.

Яшаган шу масканда,
Висол кулган чаманда.

Халойиқ ҳам эҳтимол,
Ишқ топмасин деб завол.

Қадимий Осиёга,
Осиёмас, дунёга

Бешик бўлган шаҳарни,
Бахти кулган шаҳарни,

Самар ва Қандга монанд,
Аталгандир Самарқанд!

1969

ҚОР ЁҒАР

Қор ёғар,
Қор ёғар,
Тонгдан то хуфтон,
Она ер ётибди кўксини очиб.
Заминга сахийлик қилгандай осмон,
Энтикар, бағридан оқ момиқ сочиб.

Эриниб,
Эзилиб,
Ёғиб ётар қор.
Олам чехрасига чўккандай туман,
Ваъда қилган янглиғ ажиб бир баҳор,
Қор ёғар,
Ер узра қуриб анжуман.

Яланғоч танини очиб дов-дарахт,
Кифтига олмоқда кумуш либосин,
Сукунат қаърида бўлгандай карахт,
Зўрға илғаб олар табиат сасин.

Айвонлар пештоқин қилишиб макон
Мусичалар боқар мунғайиб қорга,
Қарға қағ-қағ этар қувонгансимон,
Гоҳ ёнғоқ бошида, гоҳо деворда.

Қор ёғар,
Қор ёғар,
Бетиним,
Беун.
Сукунатда янграр майин бир оҳанг,

Заминга бахт кулиб боққандай бугун,
Кумуш кулги билан жилмайганди тонг,

Она ер ёпиниб момиқ кўрпасин,
Энтикиб,
Ҳансираб,
Терлаб ётибди,
Самовий меҳмонга очиб кулбасин,
Файласуф сингари ўйга ботибди!

Қор ёғар,
Туманли хотирот янглиғ,
Олам ҳам оғир бир ўйга чўмгандай,
Борлиқ чехрасида товланар яллиғ,
Қор ёғар,
Ер узра гавҳар тўккандай.

Қор ёғар,
Болалар солишиб қий-чув,
Дунёни бошига кўтарар хурсанд,
Ариқда эриниб оқар муздай сув,
Дераза олдида хаёлларга банд,

Қор ёғишин ўйчан кузатаман жим,
Кўнглим ҳам қор каби мусаффо бугун,
Руҳимда ажиб бир енгиллик ҳоким.
Сайрибоғ этгани чорлар ойдин тун,
Қор ёғар,
Қор ёғар,
Қор ёғар!..

1969

АРМОН

Табиат бир йигит яратди ўктам,
Тенги йўқ, ягона хусну камолда.
Унга ёр айлади гўзал қизни ҳам,
Шеърият бешиги — жануб томонда.

Аждодлар тўқиган ишқий эртаклар
Ошиқлар қошида бўлди афсона.
Висол чаманида дўсту ўртоқлар
Гулдаста тутдилар уларга яна.

Куёв ҳам, келин ҳам севги ила маст
Бир қатра сипқорди гулгун шаробдан.
Одамлар бўлишиб ҳамфикру ҳамдаст
Сақлашди ўткинчи шону шарафдан.

Икки ёш субҳи-шом илму ҳикматдан
Луқмону Ҳакимдай бердилар сабоқ.
Чоллар дуо қилиб, ул табиатдан
Дўстларим соғлигин тилади ҳар чоқ.

Ва лекин, азизлар, номард табиат
Ўктам бир йигитни қилди-ю бунёд,
Сўнг ўзи суқ ила боқди-да бир вақт
Қора либос ичра қилди қасамёд.

Тариқча нуқсони бўлмаган одам
Кўркам ҳаётига келмишдир рашки,
Йўлдош этмоқ учун унга дарду ғам,
Пешанага отмиш аёвсиз тошни.

Йигитнинг кўксидан оқди лахта қон,
Пахтадай оқарди дилбарин ранги.
Муҳаббат париси бахш этди дармон,
Машъум фалокатдан сел бўлиб дарди.

Ёрининг бошига тушганда савдо,
Жонин фидо этди унга келинчак.
Шафқатсиз дардига бўлолди даво,
Баҳор ёмғиридан қулф урди чечак.

Ва яна гуллади бўстонида гул,
Йигит ҳам дардини унутди тамом,
Умрини олқишлаб сайради булбул,
Ва лекин қалбида қолди бир армон.

Шу армон, дард ила бахтиёрдир ул,
Энди олдингидан кўпдир ташвиши.
Армонсиз бўлганча табиатга қул,
Ҳаёти ташвишли ўтгани яхши.

Ташвишсиз ҳаёт ҳам бахтсизлик,
дўстлар,
Бахтиёр одамга ташвиш ёр эрур.
Армону дард ила ёнмаса ҳислар,
Одамлар темирга айланиб қолур.

1969

УРГУТ МАНЗАРАЛАРИ

Болаларга

БУЛОҚ ҚЎШИҒИ

Баланд тоғлар масканим,
Мен — ернинг сирдошиман.
Қиссам узоқдир маним,
Мен — ҳаётнинг бошиман.

Бошимдаги чинорнинг
Тўрғайига ўхшайман.
Кўнглида дарди борнинг
Қалбига завқ қўшгайман.

Менда юзин ювса ким
Паридай сулув бўлгай.
Сочлари толим-толим,
Оҳудайин қув бўлгай.

Мен кулиб боқсам агар
Дунё тўлади гулга.
Мен боладай бахтиёр,
Ғамим йўқдир кўнгилда.

Мен ва тоғлар бўлмаса
Соққа каби бўлур Ер,
Борлиқ қуриб, шўх сабо
Боғлар аро эсмайдур.

Баланд тоғлар масканим,
Мен — ернинг сирдошиман.
Қиссам узоқдир маним,
Мен — ҳаётнинг бошиман.

1969

УРГУТСОЙ ЁҚАСИДА

Чорчинорда кезаман шодмон,
Чўққиларга термиламан лол.
Бошим узра ложувард осмон,
Борлиқ мендай суради хаёл.

Шаршаралар шовуллар бедор,
Кўтаргандай дарани бошга.
Дардларини қилгандай изҳор
Сув уради бошини тошга.

Файласуфдай хаёлкаш чинор,
Булоқ розин тинглар бошида.
Гул васлига бўлиб интизор
Нола айлар булбул қошида.

Сой бўйида тоғ қизи каби
Сочларини ювар мажнунтол.
Титрагандай севинчдан лаби
Сув тагида жимирлар хилол.

1969

ТОҒЛАР НИДОСИ

Устун бўлиб осмонга,
Ер узра тикладик қад.
Қалбимиз ўхшар конга,
Бизда бойлик беадад.

Бир маҳаллар қалбимиз
Ўхшарди худди музга.
Унутилиб қолдик биз,
Ҳеч ким илмасди кўзга.

Инсон деган улуғ зот
Ҳолимиз сўрди бир кун.
Айлаб кўнглимиз обод,
Ўзи ҳам бўлди мамнун.

Бойликлар дунёсини
Тўкдик унинг олдига
Ва қуёш зиёсини
Кўрдик оташ қалбида.

Ким қўйса бизга қадам
Қушдай яйраб кетади.
Олиб бир дунё илҳом
Қўшиғу шеър битади.

Бизда дўстлар, нур, ҳаво,
Зилол сувлар мўлу кўл.
Минг йиллик дардга даво
Топиб, яйрар ҳар кўнгил.

1971

ГУЛБОҒ

Ургутда тоғлар аро
Гулбоғ деган қишлоқ бор.
Ҳуснига бериб оро
Қуёш термилар хумор.

Ойна кўзли булоқлар
Унда қўшиқ тўқийди.
Шалолалар, ирмоқлар,
Тоғ китобин ўқийди.

Мингга кирган чинорлар
Соябондир бошида.
Чўққида оппоқ қорлар
Жилмаяди қошида.

Узум, олма, анори
Довруғ солган Ургутда.
Кўнглида дарди борни,
Даволайди бир кунда.

Одамларин нигоҳи
Юлдузларни кўзлайди.
Суҳбат қилсангиз гоҳи
Боғ илмидан сўзлайди.

Болалари шўх, қувноқ,
Қалби ўхшар булоққа.
Толеи кундай порлоқ,
Чирой эрур Гулбоққа.

Осмон гўзал, мусаффо,
Чор атрофда юксак тоғ.
Мармар сув, тоза ҳаво
Кони эрур бу қишлоқ.

1971

ТОҲИР ЧИНОРИ

Ургут – чинор макони,
Тоғли бир диёр эрур.
Узум, олманинг кони,
Боғли бир диёр эрур.

Тоғларининг бошида
Эриб ётар мангу қор.
Чинорларин қошида
Кезиб юрар навбаҳор.

Қоялардан шалола
Сакрар мисоли жайрон.
Чўққилардан гуллола
Оламга боқур ҳайрон.

Дарани айлаб бедор
Ваҳиллайди Ургутсой.
Тоғларга ўқиб алёр
Парвоз қилур бургутсой.

Бургутсой парвозида
Далаларнинг меҳри бор.
Ургутсой шўх созида
Юракларнинг сеҳри бор.

Чинорлар ўрмонини
Кеча-кундуз олқишлаб,
Тоғликлар достонини
Бир чинорга бағишлаб.

Сой ваҳиллаб соз чалар
Тўлқинлар бешигида.
Борлиқ олам нозланар
Бу сойнинг қўшиғида.

Бу қўшиқда ишқ, вафо,
Этилади тараннум.
Бир манзар бўлиб пайдо
Этар ўзига мафтун:

Тоҳирин излаб Зуҳро
Сой бўйида ёлворар.
Сандиқ ичида гўё
Тоҳиржон оқиб борар.

Сандиқни тутай деса,
Афсус, қўли етмайди.
Кошки, бир одам бўлса,
Тезроқ уни тутсайди.

Сандиқни тутолмасдан
Сочларини юлар у.
Қирғоқдан кетолмасдан
Кўзларини юмар у.

Бир вақт унутиб ўзин
Кетай деганда ҳушдан,
Зўрға очару кўзин
Огоҳ бўлар бир тушдан.

Қадди расо бир чинор
Турар эди қошида.
Кўркидан балқиб виқор,
Ҳумо қўниб бошида.

Тилга кирдию чинор:
«Тоҳирингман мен», деди.
«Ишқингга бўлиб ёдгор,
Соҳирингман мен», деди.

Зухро йиғлаб Тоҳирин
Оёғига йиқилди.
Кўрдию ёр дийдорин
Кўз ёши булоқ бўлди...

Тоҳир чинорин ҳамон
Пойида қайнар булоқ.
Ишқ туфайли икки жон
Висолга етмиш шундоқ.

1973

МИНГБУЛОҚ

Мингбулоқнинг қошида
Тоғлар мангу соябон.
Гул унади тошида,
Бошида мармар осмон.

Чинорлари минг йилдан
Сўйлар ажиб ҳикоя.
Ғубор кетиб кўнгилдан,
Завқинг билмас ниҳоя.

Булоқлари вижирлаб,
Қўшиқ айтар маст бўлиб.
Ер бетига қўйиб лаб,
Оламга боқар кулиб.

Гуллар қилганда ханда
Кўрар ўз жамолини.
Бўлиб хаёлга банда
Унутар камолини.

Чинорлар бутоғида
Булбуллар ўқир достон.
Қалби ер қулоғида,
Кўзида тоза осмон.

Сувларидан ичса ким,
Дардга чалинмас асло.
Ҳатто Луқмони ҳаким
Бу ҳақда этмиш иншо.

Мингбулоқнинг қошида
Тоғлар мангу соябон.
Гул унади тошида,
Бошида мармар осмон.

1973

Муҳаббат хиёбони

ЎРТА ОСИЁ

Қадим Осиёнинг жаннат диёри,
Шоирлар маскани Ўрта Осиё.
Чаманзор боғингдан илҳом баҳори
Иқбол қуёшидай кетмагай асло,
Ўрта Осиё!

Тарих солномасин кўрсам варақлаб,
Қалбимни сеҳрлар олис бир дунё.
Муштипар онадек ўғлинг ардоқлаб,
Бешигин тебратиб турибсан гўё,
Ўрта Осиё!

Ҳорғин кўзларингга қўндирмай уйқу,
Юрагинг ўртаниб айтасан алла.
Жисмингни эзади бешафқат қайғу,
Кўз ёшинг оқади бўлиб бир дарё,
Ўрта Осиё!

Дастурхонда кўргач буғдой нонингни
Кимлар ёғдирмади бошингга бало.
Гаровга қўйгандай азиз жонингни
Боringдан айрилиб, қолдинг бенаво,
Ўрта Осиё!

Кўксингга от қўйди бир кун Искандар,
Қутлуғ манглайингга тош отди Доро.
Бошингда Қутайба ўйнатди ханжар,
Чингизхон жар солди мисли аждаҳо,
Ўрта Осиё!

Кўксинг калқон этдинг бало, офатга,
Нон излаб, эларо бўлмадинг гадо.
Бош эгиб турмадинг келгинди, ётга,
Ҳар қарич ер учун жон этдинг фидо,
Ўрта Осиё!

Азиз фарзандларинг бошини силаб,
Кеча-ю кундуз ҳам ўқидинг дуо.
Бахтини берсин, деб, тилаклар тилаб,
Топганинг оғзига тутдинг доимо,
Ўрта Осиё!

Меҳрибон қўл билан авайлаб жонин,
Ақл чироғидан таратдинг зиё.
Жаҳонаро достон этгандай номин,
Ҳар босган изини қилдинг тўтиё,
Ўрта Осиё!

Беруний кашф этди янги бир олам,
Минг бир дардга даво тополди Сино.
Форобий билмаган илм қолди кам,
Улуғбек қошида тиз чўкди само,
Ўрта Осиё!

Фирдавсий басталаб ўттиз минг байтин,
Маҳмуддан қувғинга учради аммо.
Рудакий бой бериб олтиндек пайтин,
Кўзлари ўйилгач, суянди асо,
Ўрта Осиё!

Алишер дод деди чархи фалакдан,
Мулла Нафас ишқдан топмади вафо.
Бобур адо бўлди аччиқ фироқдан,
Махтумқули чекди замондан жафо,
Ўрта Осиё!

«Манас»ни яратган буюк бир инсон
Кимлигин билмайди тарих ҳам ҳатто.
Ўша инсон янглиғ қанча улуғ ном,
Оғушингда пинҳон, Ўрта Осиё!
Ўрта Осиё!

Мусаффо ҳавонгдан сипқориб бугун,
Солноманг варақлаб ўтирдим роса.
Бахтли замонамдан дил бўлиб мамнун,
Кўркам жамолингга боқдим осуда,
Ўрта Осиё!

Тиён-Шону Помир турар бошимда,
Копетдоғ, Чотқолдан эсар шўх сабо.
Вахшу Сир мавжланар менинг
қошимда,
Жайҳундан кўзимни узолмам асло,
Ўрта Осиё!

Қаёнга боқмайин — кумуш пахтазор,
Боғларда сайр этар оқилу доно.
Бўстондан гул узар ёшлар бахтиёр,
Олқиш бўлсин сенга, эй буюк даҳо!
Ўрта Осиё!

Тўрт қутлуғ пойтахтда тўрт жигар,
қондош,
Менга кучоқ очиб дейди: — Марҳабо!
Олтин остонада мамнун эгиб бош,
Салом сизга, дейман, эй қадим Бобо!
Ўрта Осиё!
Ўрта Осиё!

ЧЕГАРА

Ватаним – бир юлдуз ер куррасида,
Юлдузга парвона қаҳрамон халқим.
Менинг қоним бордир ҳар заррасида,
Унга зарра бўлиб сочилган қалбим.

Дарёнинг ҳам бўлур боши, адоғи,
Ахир ҳар бобонинг невараси бор.
Кўзнинг ҳам бўлгандай қоши-қабоғи,
Она-Ватанимнинг чегараси бор.

Жанубдан то Шимол, Шарқдан Ғарбгача
Шонли чегарамиз бир олтин камар.
Етти ёшдан етмиш ёшлик мардгача,
Дахлсиз чегара қошида хушёр.

Ўша чегарани кезсанг пиёда,
Ватан нималигин сезурсан аён.
Бундан муқаддас жой йўқдир дунёда,
Ҳар сиқим тупроғи олтин бегумон.

Ҳар қарич ерида сўнгсиз дафина
Кўзинг қамаштириб, ақлинг этар мот.
Тоғлари бағрида ноёб хазина,
Дўстгинам, уйингни этгандир обод.

Чегарада турган гербли устунлар
Эркингни намойиш қилмиш дунёга.
Бошингдан кулганда бахтиёр кунлар,
Кўзгинанг тўлди-ку ахир зиёга.

Чегарам дахлсиз деган посбонлар
Сенинг тинчлигингни қилар ҳимоя.
Ватан деб жон фидо этган ўғлонлар
Тушмасин деганди бошингга соя.

Дақиқинафас уйдан чиқмайин нари,
Ўзга юртни мақтаб, бунча урма лоф.
Кўзингни очибоқ дунёга қара,
Кимлар ноинсофу кимда бор инсоф.

Остин-устун жангни қилгин тасаввур,
Эсла, чегарада тўкилган қонни.
Англасанг, борлигин қанчалик манфур,
Шунда қадрларсан она-Ватанни.

Дунёда гўзал жой кўпдир бегумон,
Ватанинг ярайди кунингга ёлғиз.
Толган оёғингга у берар дармон,
Ахир, ҳар ерда ҳам унмайди ялпиз.

Йўлинг тушиб қолса чегарага гар,
Бош эгиб, қурбонлар руҳин айла шод.
Унда тўкилган қон қутлуғ нақадар,
Ватанга содиқ бўл, дўстим, умрбод.

У қонлар – қурбонлар қонимас ёлғиз,
Миллионлар қони у, у – менинг шоним!
У қонлар – қурбонлар қонимас ҳаргиз,
Бобомнинг қони у, у – менинг қоним!

ШЕЪРИЯТ ДИЁРИ

Устоз Миртемир шарафига

Шеърият диёри – бу дунё халқин
Эзгу орзулари қулф урган чаман.
Эркини куйлаган бу дунё қалбин
Дарди-ю ғамига қадимий Ватан.

Антик дунёдан то шу кунга қадар
Жаҳон шоирлари бошида посбон.
Золимлар кўксига сапчса ҳам ханжар,
Шеърият диёри қолгандир омон.

Бу дунё – на иркий, на синфий низо,
На бойлик маҳридан холидир тамом.
Бунда ҳукм сурар эркин бир дунё,
Тенглик нонин тотар, кимки этса ком.

Ҳаёт неъматидан бахраманд ҳар халқ
Орзусидан бунёд бўлган бу диёр.
На Шимол, на Жануб, на Ғарб ва на Шарқ
Бу диёрга сарҳад бўлмагай зинҳор.

Барча шоир бир халқ фарзанди гўё,
Бу диёр саҳнида айлар сайри боғ.
Она тупроғини қилиб тўтиё,
Ақлу заковатдан ёқишган чироғ.

Шу қутлуғ диёрга қўйдиму қадам
Сеҳрли кўринди кўзимга дунё.
Юракда борини айтди ҳар одам,
Ўз дардин сўйлади беором дарё.

Шеърият диёрин соҳиб давлати
Ҳомер эрта айтар «Одиссея»дан.
Фирдавсий қалбида филнинг қудрати,
«Шоҳнома»ни тутар чўнг Осиёдан.

Рудакий қўл бериб бахтсиз ошиққа,
Шоҳга ташлаб кетар бор салтанатин.
Жаҳаннам кечмишин солиб қўшиққа,
Бу дунё қисматин ўйлайди Данте.

Ҳофиз кашф этгандай ғазал мулкини,
Икки шаҳар бермиш бир қиз холига.
Низомий янгратиб озар кўкини
Пешвоз чиқмиш Вурғун истиқболига.

Навоий «Хамса»ни варақлаб бедор
Улуғбек шаънига ўқийди олқиш.
Бобурга муяссар бўлмай ёр-диёр,
Ҳинду Афғон аро кезар бояқиш.

Россия кўкида бўлиб бир қуёш,
Жилмайиб турибди қошимда Пушкин.
Лермонтов мардона, мағрур тутиб бош,
Россия дардини куйлайди жўшқин.

Бу диёр сахнида шеър ўкир Ғафур,
Тоғ куйчиси Расул бокар Кавказдан.
Нозим парвоз қилар бургутдай жасур,
Олимжон завқ олар исёнкор создан.

Шеърият диёрин салтанатида
Мангуга ҳоқондир ақлу заковат.
Жаҳон шоирлари Пегас отида
Инсонлар қалбига айлар саёҳат.

Шу диёр тахтида сургали даврон
Тошга гул ўяди шоирлар бугун.
Афсуским, ҳали ҳам нотинчдир замон,
Ҳалиям асрдош, толеинг нигун.

Ҳалиям низо бор тузумлараро,
Ирқий камситишлар – асримиз доғи.
Урушлар бахтингни этмоқда қора,
Пентагонда сўнмиш ақл чироғи.

Шеърият диёри янглиғ дунёда
Ҳукмрон бўлсайди ақлу заковат.
Умримиз бўларди бундан зиёда,
Қалбларни тилмасди қуллик, қабоҳат.

Шу эзгу ният-ла ҳур Ўзбекистон
Боғларида тўйиб оламан нафас.
Кун келар, асрдош, бу ёруғ жаҳон
Шеърият диёри бўлса, ажабмас!

ВОРИСЛАР МОНОЛОГИ

Ҳали жуда ёш деб,
Бошимизни силамангиз унчалик,
Улғайиб қолдик бизлар ҳам.
Ишонсангиз бўлар,
Бизнинг қўлимизда энди бу олам.
Баъзан ишлар битди деб,
Қўл солмайсиз кўнглимизга.
Йўқ, бермаймиз ўзимизга зеб,
Бордир жиндак гапимиз сизга.
Бизга ҳам ишонинг энди, устозлар,
Қўлингизда бўлсин танқид қамчиси.
Тўтиқушдай сайраса созлар,
Биз бўлмасмиз шуҳрат тиламчиси.
Ҳали жуда ёш деб,
Борманг ҳар хил ўйларга,
Қилманг сира юз-хотир,
Ой кўзимизга лаганча кўринса-да,
Нури оламга татир.
Сизлар
Айни бизнинг ёшларда
Тебратдингиз Саодат бешигини.
Қаҳрамонлар қони қолди тошларда,
Ланг очдингиз бизга Саодат эшигини.
Шу эшикдан кўрди кўзимиз дунёни.
Билиб олдик яхши билан ёмонни.
Ҳақиқатни машъал этдик,
Сароб дедик рўёни,
Мағзин чақиб кўрдик ушбу замонни.

Ҳали жуда ёш деб,
Бошимизни силамангиз унчалик,
Улғайиб қолдик бизлар ҳам.
Олтмишинчи йиллар ёшлигичалик
Бахтиёрлар камдан-кам.
Озодлик, қуёш янглиғ кулганча,
Амал топмиш бизнинг қўлларда.
Эркалатманг бизларни мунча,
Бурнимизни ерга ишқаб қўйинг,
йўлларда.
Бизни кўрган бу олам аҳли,
Отасининг боласи, десин.
Сизларга меросхўр бўлиш фарахли,
Ишларимиз ўнгидан келсин.
Оталар хатосин тузатдик деб биз
Урмаймиз кўкрагимизга.
Бир гўдак оёққа турганча ёлғиз
Юз марталаб йиқилиб туриш
аёндир сизга.
Сизлар гўдак мамлакатни
Ювиб-тараб қўйдингиз.
Бизлар энди кўтариб қадни,
Жамолига боқиб тўёлмаймиз.
Ҳали жуда ёш деб,
Бошимизни силамангиз унчалик.
Улғайиб қолдик бизлар ҳам,
Ишонсангиз бўлар,
Бизнинг қўлимизда энди бу олам...

УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ

Бир гўзал ётибди ширин уйқуда,
Бу олам ҳуснига бахш этиб оро.
Маъсум қалбидаги оташ туйғуга
Қуёш ҳарорати тенг келса зора.

Мармар кўкси узра ёғду сочар ой,
Юлдузлар бошида бўлмиш парвона.
Кўйида шарқираб оқур зилол сой,
Тоғлар ҳам ҳуснига боқмиш мардона.

Жаннат боғлараро кезган шўх сабо,
Ойдин кечаларда тарар кокилин.
Кўнгил рубобидан янграган наво
Мавжида япроқдек оқади дилим.

Қизил олма янглиғ ёноқларига
Табиат қалами чекмиш қора хол.
Писта пўчоғидек дудоқларига
Лаб қўёлмай доғда қолганмиш хилол.

Қалдирғоч қоши-ю бодом қовоғи
Мот айлар, ким солса унга бир назар.
Қора киприк аро кўзин қароғи
Бир ишва қилса, деб боқаман нигор.

Тўрт Баҳодир йигит – Қўқон, Андижон,
Марғилон, Наманган ёнмиш ишқида.
Бир қиз бокса, деб, фидо этиб жон,
Бахт қушин йўлларимиш олтин кўшкига.

Олтин кўшк қошида тунлар айтиб роз,
Севги достонини куйлар ҳар ошиқ.
Водийни чулғайди дилбар бир овоз,
Гўзални маст айлар жон олар қўшиқ.

Тушида кўргандай бу ҳолни гўзал,
Ойдин тун қўйнида ухлар беармон.
Ошиқлар тонггача куйлаган ғазал
Оташида эриб кетади ҳар жон.

Авжига чиққанда бу ишқ достони
Чўққи узра аста жилмаяр қуёш.
Кўнглида қолмайин зарра армони
Уйқудаги гўзал кўтаради бош.

Сарвқомат дилбар ростлаб қаддини,
Сирдарё сувига ювар юзларин.
Тўрт баҳодир йигит уриб қандини,
Бир лаҳза узолмас ундан кўзларин.

Биллур қатра янглиғ сабуҳий шабнам
Қирқ кулоч сочида жилоланади.
Янги кун қўлига тутқазади жом,
Қирмизи шаробдан лаблар ёнади.

Бахтлар водийсига ҳуси бағишлаб,
Пахтазор кўркига боқар маҳлиё.
Бу ажиб давронни дилдан олқишлаб,
Меҳнат камарини боғлайди гўё.

Бу гўзал – довруғи оламга достон,
Эртакда тўқилган мулки Фарғона!
Сўлим боғларида анвойи бўстон,
Халқим ҳам бир умр унга парвона.

Шоирлар зерикиб қолган чоғида,
Кўнгли истаб қолган Фарғона васлин.
Ойлаб қолиб кетар гўзал боғида,
Шеърга кўчиргунча Фарғона аслин.

Жаҳонни қилгунча сайру томоша,
Фарғонага бир бор бориб келсанг, бас.
Қалбингда очилар кўзи берк чашма,
Кўксинг тўлиб, дўстим, олурсан нафас.

На Париж, на Байрут ва на Қохира
Гўзаллиги сени этолмас асир.
Бу диёр шунчалик зебо, бокира,
Рим ҳам ип эшолмас олдида, ахир!

Ҳар сиқим тупроғи олтин билан тенг,
Венецияда йўқдир мармар ҳавоси.
Пахта хирмонлари Тиён-Шондан чўнг,
Тошни ҳам эритар дилбар навоси.

Бахтиёр замоннинг кошонасида
Ҳаёт шаробидан мастдир Фарғона.
Мен унинг муқаддас остонасида
Бош эгиб турибман, дўстларим, яна!

УРГУТНИ СОҒИНИБ

Яна боғлар оша учди хаёлим,
Яна шеърларимда Ургут шеваси.
Яна дўстларимни соғиниб қалбим,
Ургут сари оқдим умрим кемаси.

Ургутнинг ҳуснига бўлган каби хол,
Кенагас товланиб ётар боғаро.
Она қишлоғимнинг қошида хиёл
Ўзимни унутиб қўйдим якбора.

...Кўкламда капалак қувлар бир бола,
Яланг оёқ, бошда ургути қалпоқ.
Капалак болани қилар овора,
Изидан ҳансираб югурар қувноқ.

Чучмўма гулига қўнди-ю, аҳа,
Капалак ўйнатди пар қанотини.
Болакай қошида бўлиб парвона
Аста тутиб олгач, хивич отини –

Қамчилаб, югуриб келди олдимга,
Юзига термилиб қолдим орзуманд
Бир чақмоқ урилди ногоҳ қалбимга:
«Сенинг болалигинг!» – дегандай
гарчанд.

«Салом, болалигим! Эй, олтин фасл!
Ташвишу ғамлардан бегона диёр!
Кипригига гард ҳам қўнмаган насл,
Гулларга бурканган, эй сўлим баҳор!

Тўйиб-тўйиб ўпай юзларингдан, кел,
Кел, пояндоз солай гулдан йўлингга.
Тўйиб-тўйиб ўпай кўзларингдан, кел,
Кел, шеърий китобим тутай қўлингга».

Болалигим ўйчан боқиб юзимга:
«Ташлаб кетдинг, – дейди, –
қишлоққа мени».
«Йўқ, азизим, ишон менинг сўзимга,
Ўзим билан олиб кетганман сени.

Ажиб хотиротинг қалбимда ҳамон,
Ҳамон шўхликларинг менга берур завқ.
Сени эслаганда тунлар бегумон
Ширин хаёлларга бўлажакман ғарқ.

Қани, болалигим, чорла сайрга,
Томоша қилайлик таниш боғларни.
Хивич отга миниб, сен билан бирга
Зиёрат этайлик юксак тоғларни».

Болалигим тутиб қўлимдан шодмон
Азиз мактабимга бошлади мени.
Оппоқ бино турар ўпганча осмон,
Ям-яшил дарахтлар қуршаган уни.

Энг азиз йилларим кечган бу даргоҳ,
Менга танитганди оқу қорани.
Дунё сирларидан этгандай огоҳ,
Барча саволимга топган чорани.

Қошимда сочлари қордай муаллим
Жилмайиб турарди очиб кенг қучоқ.
Меҳру ифтихорга қалби лиммо-лим,
Қай шамол учирди, дерди у қувноқ.

Ургутнинг шамоли дедиму мамнун
Балодай отилдим кучоғига шод.
Қалбимда мавж уриб сирли бир тўлқин,
Фақат дея олдим: «Ташаккур, устод!»

Ҳаяжон оташи сўнмай қалбимда,
Қадрдон уйимга ошиқдим яна.
Бобом экиб кетган ёнғоқ олдида,
Ота-онам бўлди менга парвона.

Онамнинг кўксига қўйиб бошимни,
Дунё саодосини унутдим тамом.
Кўзидан тиёлмай севинч ёшини
Мени ўпар эди меҳрибон онам.

Заҳматкаш отамнинг қўлида асо,
Киприги намланиб кузатар бизни.
Етмиш беш баҳорнинг ўзи бир дунё,
Отажон, ҳоритиб қўйибди сизни...

Туғилган қишлоғим, азиз Кенагас
Сирли туш кўргандай айлади хитоб:
— Ҳаяжонинг дилда бўлмасдан абас,
Сенга бир сўзим бор, айлагин китоб!

Ўғлим, мени ташлаб кетдинг пойтахтга,
Ва лекин ҳеч қачон қилмайман гина.
Мени деб эришдинг шунчалик бахтга,
Бахтинг ёр бўлсину унутма сира...

О, она қишлоғим! Сенинг номингни
Муқаддас қасамдай ёд қилгум ҳар чоқ.
Сен менга илк дафъа тутган жомингни
Бир умр синдирмай сақлагум мутлоқ.

Тошкентда топсам-да қадру камолим,
Сен билан қалбимнинг риштаси пайванд.
Шеър ёзсам, сен сари учар хаёлим,
Сени деб пойтахтда яшар бир фарзанд!

Сендан бир вакилман пойтахтда бугун,
Дунёга таратай дейман номингни.
Азиз дўстларимнинг сафида мамнун
Дунёга тутарман қутлуғ жомингни.

УФҚДАГИ ЧИРОҚЛАР

Мен борар манзилим жуда ҳам олис,
Уфқдан нарида ул қутлуғ маскан.
Қалбимда мавж урар оташин бир ҳис,
Ҳаёт шаробидан бу кеча масман.

Туйғулар руҳимни айлаган тоза,
Ўзимни сезаман қуш каби енгил.
Бахтимни жаҳонга қилиб овоза,
Муқаддас ошёнга ошиқади дил.

Сутдай ойдин кеча сарин шамоли
Сочларимни силаб эсади сокин.
Сукунат қўйнида окшом жамоли
Маҳлиё қалбимга бахш этар ёлқин.

Олисда қорайиб кўринар тоғлар,
Асов шалолалар берар акс-садо.
Муаттар бўй тарар чаманзор боғлар,
Бошида чарақлар ложувард само.

Илҳом деб аталган мунис дилдорим,
Севги хоқонидир маъсум дилимда.
Сўқмоқ йўлда кишнаб елар тулпорим,
Заранг сопли қамчи ўйнаб қўлимда.

Навбаҳор гуллари кулган воҳада
Тулпорим елади янги йўл очиб.
Туёғи урилар тошга гоҳида,
Сокин тун қўйнида учқунлар сочиб.

Бу йўлдан ҳеч кимса юрмаган ҳали,
Тилсимин очмаган сирли бир дунё.
Менинг изларимни кўрган маҳали
Тонг билан оқади ундан бир дарё.

Янги бир йўл очиб ҳар қайси инсон
Ҳаёт дафтарига чекади имзо.
Шу имзо ёнига мен ҳам бегумон
Ўз қўлим қўйганда бўлурман ризо.

Шул сабаб, ошиқиб нурли манзилга,
Пойгага қўяман саман отимни.
Фидойи бўлай деб суюкли элга,
Тонг билан йўллайман шеърий хатимни.

Уфқда милтиллаб порлар чироқлар,
Менинг кўзларимга бахш этиб зиё.
Уфқда милтиллаб чорлар чироқлар,
Мен улар қошида парвона гўё.

Уфқда милтиллаб ёнган чироқлар
Шеърият диёрин қутлуғ чароғи.
Уфқда милтиллаб ёнган чироқлар
Устоз шоирларнинг кўзин қароғи.

Мен қамчи босган от – умид қуёши,
Садоқат мисраси – кашф этган йўлим.
Сачраган учқунлар – қалбим оташи,
Шеърият диёри – борар манзилим.

Шу қутлуғ диёрни айлаб нурафшон,
Уфқда милтиллаб порлар чироқлар.
Шу қутлуғ диёрга бўл деб бир посбон,
Мени оғушига чорлар чироқлар.

САЛОМ, МУАЛЛИМ!

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Юнус Юсуповга

Ургут боғларидан гул териб қувноқ
Шаҳарга отландим ўн тўрт ёшимда.
Педбилим юртида очиб кенг кучоқ
Сиз пайдо бўлдингиз менинг қошимда.

Мехрибон падардек бошимни силаб,
Дилдан тингладингиз арзи ҳолимни.
Эзгу ниятимга тилаклар тилаб,
Олддан кўролдингиз истиқболимни.

Қўлимга тутқазиб дафтар ва қалам,
Самарқанд кўкида чарх ур, дединғиз.
Мен учун кашф этиб янги бир олам,
Ўйларимга қанот берган эдингиз.

Яхшилик элидан иноят излаб,
Кўнглимиз мулкига гавҳар сочдингиз.
Навқирон дўстларим бахтини кўзлаб,
Маърифат чашмасин кўзин очдингиз.

Ёдимда, арчазор хиёбонаро
Муаллимлар қурган эзгу анжуман.
Сирли жумбоқларга сиз топган чора,
Ҳамон ўша дамга кўнглим орзуманд.

Ҳамон ўша дамлар ширин ҳаёли,
Оташин қалбимга ором бермас ҳеч.
Педбилим юртининг кўркам жамоли
Кўнглимга солади бир дунё соғинч.

Муҳтарам устодлар суҳбатин қўмсаб,
Ёшлик дафтарини варақлайди дил.
Сўнмас хотиротлар бағримни чулғаб,
Юксак чўққиларга талпинар кўнгил.

Ўша билим юрти – тўнғич шеъримнинг
Бешигин тебратган кунлар ёдимда.
Азиз устозларга сўнмас мехримнинг
Оташин ёндирган тунлар ёдимда.

Барча устодларим сарбони сизсиз,
Сиз билим юртининг қайноқ юраги.
Ёш қалблар боғининг боғбони сизсиз,
Сиз билан баланддир ёшлар кўкраги.

Билим юрти эллик ёшга тўлганда,
Сизни эслаб яна жўшди илҳомим.
Даҳбед кўчасига айём келганда,
Сизга бағишладим шеърим, муаллим!

Ушбу шеърим менинг салом, табригим,
Устодларга бўлган мехрим белгиси.
Қутлуғ тўйхонада менинг борлигим,
Барча дўстларимнинг юрак севгиси.

ШОҲИМАРДОН КЕЧАСИ

Тун ухлайди осуда ва маст,
Фақатгина вағиллайди сой.
Қалбим ерга, дегандай пайваст,
Сой тагида чўкиб ётар ой.

Сой тагида синган шишадай
Жимирлайди сонсиз юлдузлар.
Бу хилватгоҳ, муздай гўшадан
Гўё менга боқар шўх кўзлар.

Икки ёнда осмонўпар тоғ,
Ухлаб ётар ёнбошлаб ерга.
Тоғлараро порлар минг чироқ.
Буркагандай дарани нурга.

Боғлар оша сайр этар сабо,
Чўққиларда ўрмалайди тун.
Шивирлайди япроқлар танҳо,
Термилади қоялар беун.

Тун уйқусин бузгандай хаёл
Кўксув солар дарага шовқин.
Шоирона тиниқ бир хаёл
Кезиб юрар дарани сокин.

Сипқоргандай фароғат жомин
Тоғликлар ҳам ширин уйқуда.
Кўзга суртиб бу диёр хокин
Қалбим эшдир оташ туйғуга.

Сой мавжига боқиб осуда
Шовқинига соламан қулоқ.
Кўксув айтган сирли қасида
Оҳангидан кўнглим бўлар тоғ.

Сой вағиллаб, бу дилбар оқшом,
Йўқ, оқмади, дўстлар, Водилга.
Бериб менинг руҳимга ором,
Қўшиқ бўлиб оқди у дилга.

ОНА ВА БОЛА

Она хаёллари юлуқ-паришон,
Ўғлини тун ичра кутади танҳо.
Қафасдаги қушдай типирчилар жон,
«Тиқ» этса эшикка қарайди, аммо.

Муздай бўлиб қолди косадаги ош,
Пиёлада анқир аччиқ кўк чойи.
Тариқдай сочилар тоғдайин бардош,
Гулдай заъфарондир она чиройи.

Ўғлининг йўлига боқмиш интизор,
Заҳматкаш бошида кечар минг савдо.
Ноумид ўйлари қуради бозор,
Фарзанд деб, оналар бўлурми адо!

Дарак йўқ ўғлидан... Ҳануз бепарво
Сайри боғ қилар у беғам, беқайғу.
Онаси ёдига келмайди асло,
Унинг юрагида ўтли бир туйғу.

Кўзлари чақнайди, оташ учқунлар
Киприклар учидан сачрайди ҳар ён.
Юлдуз санаганда хаёлкаш тунлар
Бир соҳибжамолни этур намоён.

Туйғуми. севгими, ҳали номаълум
Қалбин асир этган бир парса фақат.
Ишқ бўлса, керакмас асло муаллим,
Ҳажрда саводхон қилур муҳаббат.

Ва лекин онанинг айтган юмуши
Баҳона бўлди-ю, келмайди ҳамон.
Хаёл гирдобида она ташвиши –
Интизор дилига бермайди омон.

Онанинг тоқати бўлганида тоқ,
Эшик ланг очилиб келиб қолди ул.
Кўзидан шашқатор ёш оқди, бироқ
Ташвишларин она унутди буткул.

САМАРҚАНД ЖАМОЛИ

Жумла-жаҳон ранг олмиш Самарқанд
жамолидан,
Қуёш ҳам ҳайрон қолмиш Самарқанд
камолидан.

Етти иқлим жам бўлиб, сўйлаб етти
ҳикоят,
Сайёҳлар бахрин ёзмиш Самарқанд
шамолидан.

Нақши Жаҳон саҳнида ўрганиб юлдуз
илмин,
Кўзни узмас мунажжим Самарқанд
ҳилолидан.

Аждодларим шаънига барча офарин
айтгай,
Регистонда лол бўлиб, Самарқанд
аъмолидан.

Қирқ йиллик дардга даво топар бунда
ҳар кимса,
Бир қултум ичса агар Самарқанд
зилолидан.

Ошиқ бўлиб келса ким муҳаббат
бўстонига,
Бир умр сархуш бўлур Самарқанд
висолидан.

Бахт-саодат қуёши бошида порлар
мангу,
Бутун жаҳон ҳайрондур Самарқанд
иқболидан.

УХЛА, БОЛАГИНАМ!

Нигинахонга

Ухла, болагинам, тўйиб ором ол,
Бошингда порлайди меҳр қуёши.
Сенга деразадан термилар ҳилол,
Юзингда балқийди сеҳр қуёши.

Тинчгина ухласин дея бугун ҳам
Борлиққа ажиб бир сукунат чўккан.
Сен каби жилмайиб ўй сурар олам,
Юлдузлар ҳам сенга кўзини тиккан.

Дарёлар ҳам оқар сокин, осуда,
Ширин уйқудадир сўлим боғлар ҳам.
Булбул ҳам ўқимас гулга қасида,
Чолдек мудраб ётар юксак тоғлар ҳам.

Одамдан холидир йўл ва хиёбон,
Бахтиёр уйларда ўчган чироқлар.
Уйқу болишида барча тирик жон,
Сукунат қўйнида яқин-йироқлар.

Фақатгина улкан корхоналарда
Чироқлар парпираб сочади ёғду.
Сени деб нон ёпар кимдир сахарда,
Унинг кўзларига бегона уйқу.

Яна кимдир битар латиф бир абёт,
Тонг билан ул сенга этади ҳадя.
Мириқиб ором ол, эй тили новвот,
Сеникидир, ахир, бу гўзал дунё.

Қуёш чиқар ҳар кун сени кўргани,
Сенга мунтазирдир ёркин келажак.
Сен билан бир умр яйраб юргани,
Отанг ўтказгандир боғларга чечак.

Сен билан уйимиз обод, чароғон,
Сен билан волиданг боши осмонда.
Ҳар ишга сени деб фидо этдик жон,
Азизим, кам бўлма ёруғ жаҳонда!

Кенагас.

ЧЎҚҚИДАГИ ЮЛДУЗ

Чўққи узра қўниб олгандай,
Тоғ бошида порлар бир юлдуз.
Юрагимга оташ солгандай,
Тоғ бошига чорлар бир юлдуз.

Сой бўйидан боқаман танҳо,
Юрагимда ажиб бир армон.
Сукунатга чўмгандай дунё,
Фикрим тортар туби йўқ осмон.

Милт-милт ёнган юлдуз чамани
Кўк саҳнини этган чароғон.
Ой, топгандай хилват масканни,
Тун қизидай кезар беармон.

Чўққидаги бир юлдуз эса
Тоғ бошига ёқилган чироқ.
Олмоқ учун заминдан бўса
Келган эмиш ерга яқинроқ.

Ернинг ишқи тушиб қалбига
Ёнар экан тунлар парпираб.
Сув берай деб оташ лабига
Қуйида сой оқар шарқираб.

Менинг ишқим тушиб юлдузга
Чўққи узра қолар нигоҳим.
Қалбим эса киргандай сўзга
Бўлиб олур руҳимга ҳоким.

«Аждодларинг юлдузи, қара,
Юксак бўлган, дейди, нақадар.
Сен кезгунча бу тоғлараро
Чўққини забт этмоғинг даркор».

Шу юлдузни олиб нишонга
Чўққи сари толпинаман шод.
Ҳаловат не билмаган жонга,
Юксакларга уч, дейди, ҳаёт!

Ургут, Сўфиён.

ГУЛБОҒ ЧАШМАСИ

Тоғлараро сўлим бир қишлоқ
Мармар кўксин тутган қуёшга.
Боғлараро минг кўзли булоқ
Тоғларини кўтарган бошга.

Шаршаралар ғувиллаб бедор
Бош уради олмос қояга.
Сой бўйида қадимий чинор
Қулоқ тутар бу ҳикояга.

Қушлар унга бўлиб жўровоз,
Чуғурлашар тонгдан то оқшом.
Булбуллар ҳам янгратгандай соз
Бахш этади қалбларга ором.

Тоғ еллари боғлар оралаб,
Сочларингни силайди майин.
Сув париси боқса мўралаб,
Қаро тун ҳам кўринар ойдин.

Гулбоғдаги булоқлар бағри
Муздай совуқ айни саратон.
Босилади одамнинг ҳоври,
Салқинидан ором топур жон.

Бундан агар бахра топса ким,
Даво топур давосиз дардга.
Калитини тутар ҳар тилсим,
Бу чашмадан ичган жўмардга.

Бунда на сир, на бир каромат,
Фақат Гулбоғ қайноқ меҳри бор.
Инсон учун яралган ҳаёт,
Тоғ қишлоғин ажиб сеҳри бор.

Гар узалсанг булоқ бўйига,
Ердан келар бир сирли нидо.
Оҳанг бериб қалбинг куйига,
Иборат дер, гулбоғдан дунё!

* * *

Икки эшик орасида ноиб овора,
Истеъдоди сарф бўлмоқда
чақимчиликка.
Сухбат чоғи ўзин тутар хоксор, бечора,
Қувлик қилиб, айбинг демас юзингга
тикка.

Аммо, зимдан пок номингни қилади қора,
Кўтарилай, дейди, ўзи энг юксакликка.
Фисқи-фасод ижодкори ўсар тобора,
Гарчи ношок эрур даъво қилур
покликка.

МУҲАББАТ ХИЁБОНИ

Дўстлар, кириб қолдим мен ҳам
дафъатан
Муҳаббат аталмиш бир хиёбонга.
Гуллар китобини айлашиб Ватан,
Сўз мулкин шоҳлари гул тутди манга.

Товуснинг патини айлашиб хома,
Оқ қоғоз қошида аста эгиб бош,
Муҳаббат ҳақида битаркан нома,
Кўзларидан тўкиб аччиқ-аччиқ ёш.

Ошиқлар бошида севги савдоси:
Ким фиғон чекади, ким айлар висол.
Шунақа дегандай севги дунёси,
Лутфий жилмаяди қошимда хиёл.

Мавлоно қўлида севги девони,
Кўксида товланар қор каби соқол.
Шамшод дарахтига суяб асони,
Севгидан куйлайди бир ошиқ мисол.

Навқирон Алишер қўли кўксида,
Мавлоно қошида қилади таъзим.
Шогирдига Лутфий боқар осуда,
Юзида мавж уриб нурли табассум:

«Барча ашъоримни бир байт ғазалга
Алишган чоғда ҳам ютқазмас эрдим».
Алишер тушгандай таажжуб ҳолга,
Устод таҳсинига сўз тополмай жим.

Хиёбонда эса Лайли-ю Мажнун,
Фарҳод бирлан Ширин чекарди нола.
Тоҳир, Зуҳрани деб жигар-бағри хун,
Юсуфини излар эрди Зулайҳо.

Ошиқлар дардига топгали даво,
Хаёл дарёсига чўмди Алишер.
Жафони енгажак дегандай вафо,
Сухан денгизидан терди жавоҳир.

От суриб даврага ошиқар Бобур,
Бир қўлда қиличу бир қўлда қалам.
Мамнун кутиб олди уни Алишер,
Кўнглин тарк этгандай қайғу ва алам.

Гарчанд шоҳ бўлса ҳам ишқ деган савдо,
Кўксига отибди маломат тошин.
Айрилиқ домида чеккандай жафо,
Муҳаббат олдида эгибди бошин.

Ҳофиз ва Фузулий, Мирзо Ғолиб ҳам
Ишқ дардига даво тополмаган ҳеч.
Муҳаббат ҳеч кимга бўйин эгмаган,
Ҳаттоки, бошига келса ҳам қилич.

Ошиқлар қалбида бўлганда меҳмон,
Бир умр солгандир бошига ғавғо.
Мен билан гўзал деб бу ёруғ жаҳон,
Кимга вафо қилган, кимгадир жафо.

Севги хиёбонин боши берк экан,
Бир кирган қоларкан унда умрбод.
Хиёбон сахнида гул билан тикан,
Бировни шод этар, бировни барбод.

Навоий ва Бобур ушбу кўчада,
Сабога айтгандир оху зорини.
Висол не билмаган ойдин кечада,
Ғазалга бахш этган дилда борини.

Устодлар девонин варақлаб сокин
Ошиқлар ҳолидан қалбимда фарёд.
Севги кўчасига кирдиму бугун,
Висол айёмидан кўнглим бўлди шод.

Хиёбон сахнида айлаб сайру бор,
Дўстлар менга тутар вафо жомини.
Ошиқлар кўнглида заррача йўқ дор,
Муқаддас деб билар севги номини.

Саодат бахш этган қутлуғ замонда,
Муҳаббатга чангал солмайди хижрон.
Севги деб ҳеч кимса қолмас армонда,
Жафо қафасида озор чекмас жон.

Авлоддан авлодга ўтган бу мерос,
Муқаддас деб энди, не тонг, олди ном.
Севги деса мағрур жаранглар овоз,
Севги деса, ўйнар қўлимизда жом.

Шу меросга мен ҳам юқтирмасдан гард,
Покиза сақлайман, дўстлар бир умр.
Уни топтаса гар қайси бир номард,
Аждодлар руҳидан қарғишга қолур.

Севги хиёбонин сеҳри бир олам,
Унда меҳмон бўлар ҳар юрак бир бор.
Висол шаробига лиммо-лимдир жом,
Ўша жом синмасин қўлларда зинҳор.

ДАРЁ ВА МЕН

Мармар қояларга уриб тўшини,
Ошиқар дарё.
Йўқотиб қўйгандай эсу ҳушини,
Тош йиқар дарё.

Кўксидан сув эмас, сачрайди инжу
Олтин қумлоққа.
Қалбларга сиғмасдан тошар севинчи
Икки қирғоққа.

Босилар манзилга етгани сайин
Асовлиги ҳам.
Жилмайиб, қумликка сингади майин
Оловлиги ҳам.

Васлингга етгунча мен ҳам, азиз ёр,
Дарёдай тошдим.
Кўксингга бошимни қўйгунча илк бор,
Дарёдай шошдим.

ҚУЁШ ВА МУҲАББАТ

Қуёшга ўхшайди муҳаббат,
Муҳаббат қуёшдай ягона.
Ҳар юрак бўлса бир мамлакат,
Муҳаббат тахт қурган шоҳона.

Муҳаббат ўхшайди қуёшга,
Қуёшдай сўнмагай оташи.
Савдоси тушганда ҳар бошга,
Синалар ошиқнинг бардоши.

Қуёшга ўхшайди муҳаббат,
Муҳаббат маскани юракдир.
Юракда у қурган салтанат
Қуёшдан минг бора юксакдир.

Муҳаббат ўхшайди қуёшга,
Қуёшнинг маскани осмондир.
Осмонда кезса ул саргашта,
Муҳаббат ҳар қалбда султондир.

Қуёшга ўхшайди муҳаббат,
Муҳаббат қуёшдай қаримас.
Қуёш-ла кулгандай табиат,
Юракдан муҳаббат аримас.

Муҳаббат ўхшайди қуёшга,
Қуёш-ку, яшолмас осмонсиз.
Демакким, кирса ҳам не ёшга,
Муҳаббат яшолмас инсонсиз!

ИЛҲОМ ПАРИСИ

Бугун руҳим тонгдай беғубор,
Хаёлларим ел каби учкур.
Ҳисларимда қуёш ўти бор,
Юрагимда ажиб бир сурур.

Илҳом деган сирли бир малак
Менга ваъда айлаган висол.
Фироқида ўртанган юрак
Учрашувга ошиқар хушҳол.

Йўқ, гул эмас, менинг тутганим,
Унга ҳадям дафтар ва қалам.
Висолини, ойлаб кутганим
Бугун менга қилибди карам.

Шунинг учун қалбда аланга,
Кўзларимда сирли бир савол.
Ҳавас билан боқиб оламга,
Вужудимда таажжуб бир ҳол.

Бундай савдо кўп кечган бошдан,
Бундай ҳолнинг йўқдир саноғи.
Қалбга тушган бундай оташдан,
Қизаргандир илҳом ёноғи.

Бугунгиси ўзгача лекин,
Истеъдодим қилар имтиҳон.
Гул тутқазиб қўлимга бугун,
Қутлуғ ишга чорлар бегумон.

Шунинг учун бу ошиқ кўнгил
Оғушида ўтли ҳаяжон.
Ёр висолин соғингандай ул
Тўлқинланар мисли бир уммон.

Биринчи бор йигит билан қиз
Учрашганин қилинг тасаввур.
Бир-бирига қаролмай ёлғиз
Икки ошиқ ер чизар масрур.

Севги деган муқаддас сўзни
Дудуқланар ололмай тилга.
Йигит дейди: «Изладим Сизни»,
Таскин бериб ошиқ кўнгилга.

Қиз эса жим, сақлайди сукут,
Япроқ каби титрайди дир-дир,
Бошқа бир сўз деёлмас йигит,
Қувлик қилиб қиз бермагач сир.

Локин менга шуниси аён,
Қиз севмаса келмасди бунда.
Севги дилга солмаса туғён,
Учрашмасди иккови кунда.

Мен ҳам илҳом деган парини
Ўхшатаман ўша санамга.
Тутқизмаса менга барини,
Солмас эди қалбга аланга.

Олтин бўса қилмаса ваъда,
Қўлларимга бермасди қалам.
Мендай гўзал бўлсин деб дунё,
Чорбоғимга қўймасди қадам.

Шунинг учун илҳом парисин
Шодмон кутиб олурман ҳар гал.
Қия очиб кўнглим дарчасин
Айлашурман тонггача висол.

Бу висолнинг завқи билан маст
Олқиш айтгум ул қалам қошга.
Жонга бўлиб шеър ишқи пайваст,
Гул чизаман тун бўйи тошга!

ДЕНГИЗ ВА ТЎЛҚИН

Денгизнинг тагида ғаввосдай сузиб,
Марварид термоқлик қилмади насиб.
Ё кўкдан олмадим юлдузни узиб,
Фақат бўлай, дедим, сенга муносиб.

Севинчу ғамингни кўргали баҳам,
Ҳаётингга шерик бўлдим бир умр.
Бир умр кўрмай деб кипригингда нам,
Қалбингга қўшиқман, кўзларингга нур.

Бошимга бахт қуши қўнган кунданоқ,
Тасаввур қилолмам ўзимни сенсиз.
Сени деб бир умр ўтурман уйғоқ,
Мен тўлқин бўлсам гар, сен эса денгиз.

Денгиз денгиз эмас, бўлмаса тўлқин,
Тўлқин туғён урмас бўлмаса денгиз,
Сен менсиз дунёда яшашинг мумкин,
Мен эса, азизим, яшолмам сенсиз!

РАФИҚАМГА

Севги деган муқаддас туйғу
Қалбимизни қилолди сирдош.
Бошимизга сочгали ёғду
Умримизга бўлолди қуёш.

Нурларидан айлаб баҳраманд
Йўлимизни этди чароғон.
Дилни дилга қилди-ю пайванд
Уйимизга бўлди чароғбон.

Бахт қушини қўндириб бошга,
Бир умрга этди бахтиёр.
Қалбимизни солиб оташга,
Кўзимизга термилди хумор.

Ҳижрон дардин кўрмасдан раво,
Висол жомин узатди шодмон.
Ғамдан холи бўлсин деб дунё
Шодлик боғин айлади бўстон.

Ундан териб жафо тиканин
Қошимизда ёқди бир гулхан.
Умримизга тиккандай жонин
Ҳар қадамда яратди гулшан.

Мангу бедор айлаб уммонни,
Ошиқларни кўр, деди масрур.
Дарёларга солиб туғённи,
Жудо қилди оромдан, ахир.

Водийларга бахш этиб баҳор,
Буркаб қўйди оламни гулга.
Булбулларга сўйлатиб алёр,
Ҳоким бўлиб олди кўнгилга.

Жавоҳирин сочиб самога,
Юлдузларни этолди бунёд.
Мамнун боқиб ёруғ дунёга,
Гўзал деди мен билан ҳаёт.

Биз ҳам унга қўндирмай ғубор,
Қорачиғдай қилолдик эъзоз.
Ҳар сония этиб жон нисор,
Уфқларга айладик парвоз.

Умр деган гўзал диёрда
Завқли ўтар йиллар карвони.
Ҳаётимиз ўхшар баҳорга,
Ишқ қуёши унинг сарбони.

Фарзандларга қилиб жон фидо
Ҳаловатни унутдик бутун.
Бошларини силаб доимо
Юзларига тикилдик мамнун.

Фарзанд билан гўзал бу олам,
Бизни мафтун айлади яна.
Юксакларга қўйганда қадам,
Ишқ қуёши бўлди парвона.

Ўша қуёш оташи мангу
Қалбимизда сўнмасин, эркам,
Авлодларга мерос бўлиб у
Висол уйин айласин кўркам.

Аждодлардан қолган бу мерос
Ғоят улуғ, ғоят мўътабар.
Ҳижрон унга қилиб суиқасд,
Кўтармасин бошида ханжар!

ЁР ВАСЛИ

Йигитликнинг олтин фаслига
Қадам қўйган қутлуғ кунданоқ,
Етмоқ учун бир ёр васлига
Ким ўтказмас тунларни уйғоқ.

Юлдузларга розин айтмас ким,
Ким ёрини ўхшатмас ойга?
Қалбига ишқ бўлганда ҳоким,
Ким тўлмайди дейсиз чиройга?

Севги деган муқаддас калом,
Қай юракка солмайди оташ?
Барно қизга ким бермас салом,
Ёр қошида кимлар эгмас бош?

Ишқ ҳақида битилган шеърни,
Айтинг, дўстлар, ёд олмайди ким?
Ёрга фидо этиб умрни,
Ким қилмайди унга табассум?

Ҳар бир қалбга ишқ бўлар меҳмон,
Ишқ ўртайди ҳар бир юракни.
Ҳаловатин йўқотган ҳар жон,
Хуш кўрмайди аччиқ фироқни.

Қараганда ёрнинг кўзига
Туғён урар йигитнинг қалби .
Қовушмайди сўзи-сўзига,
Япроқ каби титрайди лаби.

Ушлаганда нозик қўлини
Айтар гапин қўяр унутиб.
Олмоқ учун қизнинг кўнглини
Жилмаяди атиргул тутиб.

Қовушганда икки оташқалб
Ишқ майидан маст бўлар олам.
Бир кучоқда икки оташқалб
Урганида ҳайратда қалам.

Икки қалбга бирдай ҳаяжон,
Ғулу солар биринчи бўса.
Оташида куяр икки жон
Ишқ гулига парвона бўлса.

Ёр васлидан ошуфта ва маст
Ётоғига қайтар икки ёш.
Бўса, умрин қилгандай пайваст,
Қалбларига солгандир оташ.

Кўзларига қўнмайди уйқу,
Тонг отишин кутишар бедор.
Икки қалбда ёнар бир туйғу
Ваъда айлаб ажиб бир баҳор.

Ёр висолин соғиниб мамнун
Хаёлларга бўлишар банди.
Севиб, фақат севилмоқ учун
Туғилгандир инсон фарзанди!

БИР ИЛТИМОС

«Латиф бир шеър ёзинг —
илтимосим шу,
Кулганлар йиғласин, йиғлаган кулсин!»
Илтимосинг ғоят мушкулдир, гулрў,
Дейсанки: дард билан севинч ёр бўлсин.

Қай қалбда бўлмаса ташвиш ёки ғам,
Севги гули унда ёзмагай япроқ.
Шодлик оҳангига жўр бўлган одам
Дардсиз яшай олмас ҳаётда, бироқ.

Қалбимда оқади шу икки дарё,
Кўзимдан чақнайди олтин зарраси.
Қалбимга ўхшайди бу нотинч дунё,
Шодлигу ғамга ғарқ бу ер курраси.

Севинч дарёсидан тўлдириб қадах,
Тонг билан тутаман ҳар бир инсонга.
Дардингиз кунида бўламан ҳамроҳ,
Ғам чангал солмасин осуда жонга.

Қай кимса ўқиса шеъримни агар
Лабига табассум ёр бўлсин, дейман.
Кўзёшидан сира қолмасин асар,
Шу дунё тургунча бор бўлсин, дейман.

Шеърим бўлса агар дардига малҳам,
Майли, йиғлаб олсин мен билан бирга.
Бир ўзи йиғласа — кўнглим босар ғам,
Бундай дардга бардош беролмам сира.

Йиқилган кимсани турғизиб қўймоқ,
Суянчиқ бўлмоқдир эзгу матлабим.
Ноҳақ қораланган кимсани суймоқ,
Уни ёқлаш — таълим олган мактабим.

Шу мактабда толмай чиқардим савод,
Илму ҳунар бўлди олган таҳсилим.
Одамлар кўнглини сийладим дилшод,
Шеър билан очолдим қалблар тилсимин.

Бахтини топгунча одам боласи
Жон фидо айлади ва тўкди кўзёш.
Кўкни тешай деди оҳу ноласи,
Яхшиям, бошида бор экан қуёш!

Шунча йиғлагани етмасин ахир,
Ўтли кўзёшидан эриди тош ҳам.
Инсон зоти шунча бўлса-да басир,
Баъзида қаддини эгар экан ғам.

Йўқ, шеърим ўқиган, эй азиз одам,
Ғам чекманг, ҳаётдан бўлмангиз нолон.
Сизни деб кулганда Наврўзи олам,
Шодликдан янграсин замину замон.

Икки дарё оқар менинг қалбимда,
Қўлимда жаранглар икки пиёла.
Бирида шеър майи — узатай кимга,
Бирида Ишқ майи — ёрга ҳавола!

Бирида севинчим, бирида дардим,
Севинчим сизга-ю дардим ўзимга.
Бир қултум ичсангиз очилар баҳрим,
Жондан азизроқсиз менинг кўзимга,

Қани, айтинг дўстлар, узатай кимга!

СОҒИНИШ

Бир вақтлар севардим ёлғиз қолишни,
Ўзгинам бўлардим хаёлга банда.
Бир дам соқит айлаб бошимдан ишни,
Дунёни ўйлардим ажиб армон-ла.

Хаёлда бир қизнинг чизиб суратин,
Ҳусни камолига боқардим ўйчан.
Ва лекин билмасдим кимлигин, отин,
Қўшиқлар тўқирдим ул қизга шўх-шан.

Қалбимда гавҳардай асраган севгим,
Изҳор этмоқ бўлиб куйиб, ёнардим.
Бир дақиқа хаёл оғушида жим,
Ғойибдан васлига тўйиб-қонардим.

Сўзларин жарангин топиб булоқдан,
Қуёшдан эмардим ўтли нафасин.
Гулларга лаб қўйиб, тонг отар чоқдан —
Булбул навосида тингладим сасин.

Ўшал қиз ёди-ла яшаб кечалар,
Боғаро кезардим ўйчан, бахтиёр.
Ёлғизлик тунида қолган ғунчалар —
Гул ёзиб, мен каби кулмиш беозор.

Буюк армон билан туғилган севгим,
Энг яхши кунларга мени этди ёр.
Хаёлда яратган ўшал севгилим,
Васлига етказиб, қилди бахтиёр.

Изҳори дил айлаб, яшадим иноқ,
Фарзандлар уйимиз қилишди обод.
Дўстларим, оламда яна бир қувноқ
Оилани ҳаёт айлайди бунёд.

Бугун болаларим мендан йироқда,
Бувиси кошида меҳмони азиз.
Мен бўлсам, иш билан бандман бу
чоқда,
Хонаи хуршидда бир ўзим. ёлғиз.

Ёлғизлик нимадир англадим энди,
У жонни ўртайди, қийнар беомон.
Вақтинча бўлса ҳам зилзила мени
Ёлғиз яшамакка ундайди ҳамон.

Бир менмас, тошкентлик азиз одамлар
Фарзанди ўзидан йироқда бугун.
Унда шодлик билан ўтса ҳам дамлар,
Оналар хаёли болада бутун.

Ўйлайди, кечалар билмайди уйқу,
Тушида кўради жигарпорасин.
Болалар бўлса-чи, беғам, бекайғу,
Ўйнашар, соғиниб ота-онасин.

Эртага қайтади, улар шод, дуркун,
Уйимиз бозорга ўхшаб кетади.
Оналар кучоқлаб, йиғлашиб мамнун,
Вақтинча айрилиқ туни битади.

Ёлғизлик, соғиниш, азоб ва хижрон
Ушбу кунлар жуда қалбларга ҳоким.
Болажонлар, тезроқ қайтингиз омон,
Тоғдай кўтарилсин соғинган қалбим.

1966

ЯНГИ ЙИЛ ОРЗУЛАРИ

Дўстим, қўлингдаги шаробни кўтар,
Тинчлик қадаҳидир жонон пиёла.
Янги қўшиқ билан янги йил кутар,
Умримиз юз йилдан бўлсин зиёда.
Тинчлик қадаҳидир жонон пиёла.

Эски йилни бизга унутмак маҳол,
У бизга бахш этган бир дунё зафар.
Ҳаётга нақш этган юз баҳор жамол,
Мадҳини ёзмоққа етмас минг дафтар.
Мирзо Барот гарчи шеърда музаффар

Шу ҳаёт бор экан, қалб қайноқ экан,
Дебоча шеъримиз бўлғуси достон.
Саодат ёр экан, қалб сайроқ экан,
Бизнинг қўшиқларни тинглагай жаҳон.
Дебоча шеъримиз бўлғуси достон.

Ватан муҳаббати, халқ муҳаббати,
Шеър бўлиб туғилар дилларимиздан.
Замон мадҳияси, ёр садоқати
Бир умр тушмагай тилларимиздан.
Шеър бўлиб туғилар дилларимиздан.

Ойни забт этгандай буюк халқимиз,
Шеърий чўққиларга қўнгаймиз биз ҳам,
Ўлмас, етук шеърлар ёзар қалбимиз,
Бизга жўр бўлажак жумлаи олам,
Шеърий чўққиларга қўнгаймиз биз ҳам.

Майли, юзимизга ажин тушса ҳам,
Маъсум юрагимиз қаримасин ҳеч.
Йиллар умримизга умр қўшса ҳам
Қалбимиздан қўшиқ аримасин ҳеч.
Маъсум юрагимиз қаримасин ҳеч.

Дўстим, қўлингдаги шаробни кўтар,
Тинчлик қадаҳидир жонон пиёла.
Янги қўшиқ билан янги йил кутар,
Умримиз юз йилдан бўлсин зиёда.
Тинчлик қадаҳидир жонон пиёла!

АЛЛА

Алла, эй навбаҳорим,
Алла, эй гулузорим.
Қўшиқ айтай тонггача,
Алла, эй бахтиёрим.
Сенга мунтазир олам,
Алла, эй жажжи болам.

Кулгингдан очилсин гул,
Унда сайрасин булбул,
Баҳор келиб чаманда
Рақс этсин наргис, сунбул,
Гул бўйидан бўлиб маст,
Алла, жонгинам пайваст.

Ухлар қишлоғу шаҳар,
Ухлар чаманзор боғлар.
Белга боғлаб зар камар,
Ухлар осуда тоғлар.
Алла, болам-қароғим,
Уйимдаги чироғим.

Шовиллаб оқар дарё,
Ой сузар кўкда бедор.
Эрта тургали гўё,
Ором олар ҳур диёр.
Болишга қўйиб бошинг,
Ухла, менинг қуёшим.

Дарёдаги балиқлар,
Саҳролар сайроқ қуши,
Тоғлардаги оҳулар,
Денгизларнинг оққуши,
Ухлаб ётибди, болам,
Энди сен ҳам ол ором.

Агар онанг бугун ҳам
Ухламаса бирор дам,
Англа, болам, бу уйқунг,
Гулга қўнгандай шабнам.
Роҳату фароғатим,
Алла, менинг ҳаётим.

Сени деб фароғатни
Онанг айлаган канда,
Билмай сира роҳатни,
Бошинг узра посбон-да!
Сеникидир бу дунё
Алла, болам, алла-ё.

Ухламасанг агар сен,
Онанг ҳам мижжа қоқмас.
Ухлаб қолсанг агар сен,
Ором олар бир нафас.
Юзи лўппи дўмбоғим,
Алла, баҳорим, боғим.

Заҳмат чекмаса она,
Бола деб тикмаса жон,
Бўлмаса гар парвона,
Етим қоларди жаҳон.
Алла, умрим, таянчим,
Садоқатим, ишончим.

Агар шоир ҳар соат,
Олмаса лаззат, роҳат,
Мендай саҳар чоғида
Алла ёзмасди албат.
Алла, қўшиқ-баётим,
Тили асал, новвотим.

Ҳамма ухлар осуда,
Ёлғиз сенгина уйғоқ,
Саҳар ўқиб қасида,
Ухлашингга мен муштоқ.
Кўзу қароғим, алла,
Умид чароғим, алла.
Алла-ё,
Алла!

ЖАНГЧИНИНГ РАФИҚАСИ

Перронда чайқалар одам денгизи,
Кўзларда илтижо, меҳр ва ёлқин.
Ҳавода муаллақ маҳбублар сўзи,
Паровоз кўзида чақнайди чақин.

Бир жувон талпинар одамлараро
Марварид томчилар сачрар киприкдан.
Мунғайган кўнглида оғир бир садо,
Юзлари заъфарон дарди кўпликдан.

Тилаб олган ёлғиз ўғлини она,
Ўкиниб, ўксиниб босар бағрига.
Бунда ўзи йиғлаб қолгунча танҳо,
Кириб кетсам, дейди, ернинг қаърига.

Ўғли ҳам ўпади уни жонсарак,
Безовта бўлади нечундир кўнгли.
Фарзандига этиб жонини ҳалак,
Она қараб қолмиш вокзалда мунгли.

Ул пуфлаб ичади қатиқни хозир,
Бир марта шўрликнинг куйгандир тили.
Неча йилдир, ахир, йўлга мунтазир,
Ёрини кутади, яқинми йўли?

Ўсма не билмади қалдирғоч қошлар,
Сурма-ла ёнмади қора кўзлари.
Бағрин кукун қилди ҳижрон, оташлар
Кўрган тушин нуқул сувга сўзлади.

Оқ ювиб-тарадди ўғлини лекин,
Ота бўлиб унинг бошин силади.
Бир йигит бўлдики, чинордай дуркун,
Бугун қизлар унга ҳавас қилади.

Ўша барно йигит – ўктам бир аскар,
Юртини асрайди ёмон кўзлардан.
Ота шинелини фахр-ла кияр,
Собит одим отар шонли излардан.

Она ҳам мунғаяр, ҳам қувонади,
Қўлларин дуога очур дафъатан.
(Қалби минг бир ўтга тушиб ёнади)
— Ой бориб, омон кел, дейди, болажон.

Поезд жўнар аста,
Қўллар ҳавода,
Висолнинг бошига тушади ҳижрон,
Она ҳайкалсимон ушбу аснода,
Қўлин олға чўзиб тебранар нимжон.

Ўғлига кўрсатиб катта, ойдин йўл,
Қалбидан отилар ғамгин бир садо:
«Отангни ҳам ўғлим тезроқ олиб кел!»
Оналар фарзанд деб бўлурми адо!

1970

Назмул-ҳикмат

(Ёшлик китоби)

* * *

Афсонавий қаҳрамон эмасман,
Дунёга маълуммас кимлигим.
Ва лекин ўзимни ожиз демасман,
Мен бузганман Космос жимлигин.

* * *

Аждодлар бўлмагай авлодсиз,
Авлодлар зийнати аждодлар.
Авлодлар кулмагай аждодсиз,
Аждодлар зийнати авлодлар.

* * *

Тоғ бўлмаса дарё ҳам бўлмас,
Дарёларнинг онаси тоғдир.
Тоғсиз дарё дунёга келмас,
Туғилган илк хонаси тоғдир.

* * *

Дунёга келганда ҳар инсон,
Ўзига қурар бир иморат.
Умрдай тизгинсиз бу жаҳон
Иморат қурмоқдан иборат.

* * *

Инсондан гар қолмаса зурёд,
Кўзларига олам қоронғу.
Шодлик боғин қилса-да бунёд,
Бол ўрнига ютади оғу.

* * *

Остонадан ҳатлаган меҳмон,
Меҳмон бўлиб кел яна бир бор.
Оғритса ҳам кўнглингни мезбон,
Душман бўлиб келмагин зинҳор.

* * *

Дўст тутинмоқ жуда ҳам осон,
Сақлаб қолиш дўстликни мушкул.
Дўст деганда қийналмаса жон,
Ундай дўстдан ёт афзал буткул.

* * *

Фарзанд кўриб, унинг васлидан
Ҳеч ким жудо бўлмасин асло.
Бир жон кетиб инсон наслидан,
Зор-зор қақшаб қолмасин дунё.

* * *

Отанг эккан ниҳолни, бола,
«Хивич от» деб синдирма зинҳор.
Сен-ла бирга улғайиб, зора,
Устун бўлса уйингга илк бор.

* * *

Сен шоирсан, шеърингда ҳар кун
Фарзандингни оласан тилга.
Маҳрум этиб меҳрингдан лекин
Нега озор берасан унга?

* * *

Қафас ичра яшаса булбул
Унутади қўшиғини ҳам.
Гарчанд маскан бўлса-да ёт эл,
Она тилин унутмас одам.

* * *

Кутубхонам — мен учун олам,
Ҳар бир китоб — битта мамлакат.
Аҳолиси — минг турли одам,
Барчасига қалбимдир пойтахт,
Шу пойтахтда мен шоҳман фақат.

* * *

Ерни қаттиқ тепсанг оғрир оёғинг,
Осмонга тупурсанг тушар юзингга.
Ёғ устида бўлса ҳамки пичоғинг,
Бир бора боқиб қўй, дўстим, изингга.

* * *

Катта қилди кўтариб онанг,
Отанг олиб юрди елкада.
Одам бўлиб унутдинг, аттанг,
Қолиб кетди иккаласи ҳам
Сен туғилган ўша кулбада.

* * *

Ҳар шогирдга устоз керакдир,
Йўлин топмас шогирд устозсиз.
Куйчига ҳам бир соз керакдир,
Куй ҳеч қачон янграмас созсиз.

* * *

Эзгулик гавҳарин бирма-бир
Тизмагин ёмонлик ипига.
Шеърият парисин, эй шоир,
Ўрама қабиҳлик сепига.

* * *

Йигит бўлиб, бир ёр топдим,
Бир ёр дема — дилдор топдим.
Меҳру вафо гулшани ичра
Вафоли гулнигор топдим.

* * *

Улар олдин қалин дўст эди,
Орасидан ўтмас эди қил.
Бўлиб қолди сув — оташ энди,
Қил эмас, йўқ, ўтиб кетар фил.

* * *

Одам — дарахт,
Болта урсанг,
Титраб кетар илдизи,
Гар тўкилса мисли япроқ
Хазон бўлар ер юзи.

* * *

Етим қолдинг ота-онадан,
Оқ сут берди сенга бир аёл.
Сени одам қилди-ю, лекин
Етим бўлиб қолди шўр аёл.

* * *

Қўлингдан иш келмаган чоғда,
Бир дўст топдинг, содиқ, вафодор.
Ўрнинг топгач, қолдириб доғда,
Юрагини этдинг ярадор.

* * *

Тоғни дерлар дунёнинг томи,
Томсиз битмас бирорта бино.
Лекин томнинг девори бор-ку,
Ер устида тургандай дунё.

* * *

Ота учун фарзанд бир тоғдир,
У йиқилса — суянар тоғга.
Йўқ, фарзандга ота ҳам тоғдир,
Тоғсиз фарзанд қулайди чоҳга.

* * *

Чўққи узра боққунча қуёш,
Жилмайиб қўйди мамнун.
Одамларни кўрди-ю душман,
Жигар-бағри бўлди хун.

* * *

Дарё каби тошдингу баҳор,
Чиқиб кетдинг қирғоқдан.
Энди эса мисли бир анҳор,
Чўчиб қолдинг қумлоқдан.

* * *

Меҳнат қилиб топдинг обрў,
Бахт деб билдинг меҳнатни.
Сенга олтин тахтни ясаб у,
Йўлатмади туҳматни.

* * *

Сен ўзингни санаб доно,
Доно бўлиб қолдинг ўзинг.
Дўстлар ташлаб кетди танҳо,
Энди ўтмас доно сўзинг.

* * *

Олимман деб керилма кўп,
Одам бўлгил, дўстим, аввал.
Маишатга берилма кўп,
Илм сари қил таваккал.

* * *

Истиқболни кўрмоқ учун
Бугун қилмас кифоя.
Кеча ўтган кун ҳам унга
Бўлур бир пиллапоя.

* * *

Олис бўлса қошнинг ораси,
Қиз тушармиш узоққа.
Яқин бўлса қошнинг ораси,
Ким илинар «тузоқ»қа?

* * *

Чукур дарё оқар сокин,
Шовиллайди бўлса саёз.
Пеша қилиб устоз отин,
Ёз фаслида бўлма аёз.

* * *

Чўққини забт этмоқ осон,
Локин ундан тушиш қийин.
Тойиб кетсанг дара томон,
Чиқиш қийин унга кейин.

* * *

Хунук эди бир вақт олам,
Ҳувилларди кимсасиз.
Унга одам қўйгач қадам,
Гўзал бўлди, шубҳасиз.

* * *

Бухороликларга

Қонли жангда ёвга бермасдан омон
Олти минг хамшаҳринг фидо этди жон.
Сен учун,
бахт учун
ва тинчлик учун
Ҳаётин бахш этди олти минг ўғлон!

* * *

Тўлқин тўлқин урмас қуёш бўлмаса,
Одам одам бўлмас қардош бўлмаса.
Одамни тўлқинга ўхшатарди ким,
Тўлқин билан одам сирдош бўлмаса.

* * *

Одамнинг вазнига топилади тош,
Ақлини ўлчайди фикр кўлами.
Қайғудан кўзидан чак-чак томса ёш,
Севинчдан кўкарар ҳаёт кўклами.

* * *

Ҳаммага айласанг изҳори дил,
Бозорга ўхшайди шўр кўнгил.

* * *

Ҳаёт — дарё,
Унинг кемасида
Шодлик ва ғам баробар.
Севги — висол,
Унинг шевасида
Ҳижрон деган дард ҳам бор.

* * *

Ойнинг ярми ёруғ, ярми коронғу,
Ахир, кунинг туни бор.
Май деб узатгани бўлса гар оғу,
Уни ҳам тутар ағёр.

* * *

Шоир қўшиқ ёзар, куйин бастакор,
Иккиси не тунлар чекар азият,
Шоиру бастакор қолиб чор-ночор,
Қўшиқ бир артистга келтирар шуҳрат.

* * *

Шеър йўли — бу қалб йўли, демак,
Қалб йўлини забт этмак мушкил.
Бу — сўқмоқдан чўққига чиқмак,
Бу — қуёшга ошиён кўнгил.

* * *

Ҳайкалтарош тошга бахш этар пардоз,
Тошдан яратади одамни. Лекин
Унга жон бергали, тунлар айтиб роз,
Шоир яратади шу одам қалбин.

* * *

Чинордай юксалмиш йўл бошида чол,
Ўғлининг йўлига бўлгандай маёқ.
Муборак кўксида бир тутам соқол,
Қуёшда кумушдек товланар порлоқ.

* * *

Тушкунлик руҳингга бўлганда ҳоким,
Кўзёшлар қуритар одамни чўпдай.
Сенингча, дардингни сўрамас ҳеч ким,
Бир кунлик умр ҳам кўринар кўпдай.

* * *

Юз йиллик шубҳали ҳаётдан, дўстим,
Бир кунлик ишончли умр яхшидир.
Зулмат кучоғида яшашдан, билким,
Унда чақнаб қолган бир нур яхшидир.

* * *

Чақалоқнинг йиғисидан
жаранглаб кетди хона,
Бир ўлимдан омон қолди
нозиккина навжувон.
Энг муқаддас номни ҳаёт
унга айлади ато,
Энди уни Она деса,
кулгуга тўлур жаҳон.

* * *

Фикр уммонидан термоқлик гавҳар,
Одамлар кўнглини обод этмоқдир.
Ақл тарозусида ўлчаб ҳар сафар,
Покиза қўл билан элга тутмоқдир.

* * *

Севги йўли кўринмас кўзга,
Кўнгилларни боғлаб турса ҳам.
Ким севги деб лаб очса сўзга,
Ўша йўлга қўяди қадам.

* * *

Тоғликнинг улови — учқур саман от,
Қўлида қамчи-ю белида камар.
Уйини тошлардан қилса ҳам бунёд,
Ёнидан тушмайди бир лаҳза ханжар.

* * *

Чоллар суҳбатига гар солсанг қулоқ,
Ҳавас билан эслар йигитлик даврин.
Кексаликни олмас бўйнига мутлоқ,
Қалбидан аритмас ёшликнинг ҳоврин.

* * *

Йиллар ўтар,
Инсон кексаяр,
Ўзгаради ҳатто табиат.
Тоғлардаги оташ ҳам сўнар,
Аммо, сўнмас юртга муҳаббат.

* * *

Она ер меҳрини бағрида сақлаб,
Мажнунтол тупроққа эгилган мангу.
Ота ўгитини меҳнатда оқлаб,
Ота ҳузурида турган ўғил – бу!

* * *

Одамлар оқади бўлиб эўр дарё,
Чимён ҳавосини болдек сўргани.
Шодлиги кўнглига сиғмайин гўё
Қариндошлар келар келин кўргани.

* * *

Мажнундай югурар Чирчиқ шовиллаб,
Бепоён юртимнинг қир, даласига.
Маъсум юрагида севги ловиллаб,
Йигит ошиққандай қиз ваъдасига.

* * *

Сой бўйида икки арғувон,
Новдалари кетган туташиб.
Гўё ишқин этиб армуғон,
Икки ошиқ турар ўпишиб.

* * *

Дурбин билан боқдим Чотқолдан,
Сой бўйида имлар малагим.
Вафо топиб бўсаси болдан,
Қолган экан унда юрагим.

* * *

Бир жуфт анор этдинг армуғон,
Қўлга олиб термилдим узоқ.
Гўё кафтим узра Андижон
Бўлган эди шу куни кўноқ.

* * *

Муҳаббат — оловдир,
Юраклар — ўчоқ,
Ҳаёт бахш этади шу олов танга.
Икки қалб севгиси қўшилса мутлоқ
Ишқ ўти юракда олар аланга.

* * *

Муҳаббатнинг кўр бўлса кўзи,
Қалб йўлини топмасди.
Демак,
Мунгли куйлаб кўр қилар ёлғиз,
Бевафо юрак.

* * *

Сенга ошиқ бўлиб қолгандан,
Ўзимга ҳам ҳайронман тамом.
Унутолмай сени хаёлдан,
Ётоғингга келаман мудом.

* * *

Замин соҳибидир фарзанди башар,
Севгиси — аждодлар инъоми.
Одамнинг умри ҳам қўшиққа ўхшар,
Қўшиқнинг мангудир давоми.

* * *

Қомусни мен чоп этдим деб,
Лоф урар бир тирмизак.
Донишмандлар кулиб қўйиб,
Унга тутар эмизак.

* * *

Меҳмон келса тоғликлар,
Кўй сўяр оёғига.
Меҳмон кетса тоғликлар,
Ниҳол экар боғига.

* * *

Оқни оқ деди у, қорани қора,
Қорани ҳеч қачон оқ демади лек.
Оқни қора деди лекин бир бора,
Шу билан оламдан ўтди у шўрлик.

* * *

Офтоб чиқмай туриб қизарар шафақ,
Оламга бағри қон бўзарар шафақ.
Рухсори офтобдан нурланиб тонгда,
Заминга сочади сийму зар шафақ.

* * *

Кўнгил хазинасин этиб бахш,
Оқ қоғоз бетига чекди нақш.
Нақшким, унга бармоқ урди даст,
Қалб этди нақшига жон пайваст.

* * *

Байрамни унутдик — хуррам дамлар кам,
Кунлар бир-биридан ўтар мазмунсиз.
Кўзларда ҳасрату дилларда алам,
Қадримиз топталиб, йиғлаймиз унсиз.

* * *

Уруш душман билан кўмилди гўрга,
Дилларни эзади озори ҳамон.
Соғ қолган мактублар бутун умрга
Хотира уйидан топдилар макон.

* * *

Дўстлик неъматидан бахраманд инсон
Қўлини узатса, етар қуёшга.
Бу ҳаёт боғида яшар беармон,
Ғам-кулфат савдоси тушмагай бошга.

* * *

Чаманзорга ўхшайди қалбим,
Турфа гуллар унда беҳисоб.
Хуш бўйидан тотмоқ бўлса ким,
Армуғондир унга бу китоб.

* * *

Фарзанд бўлмоқ буюк элга
ажиб бир саодатдур,
Шу эл ишқин солиб шеърга
куйламоқ зўр саодатдур.

* * *

Меҳр – кўзда бўлар, дейди халқимиз,
Минг йиллар меваси – доно нақлимиз.
Авлоддан-авлодга қолган меросга,
Ғубор қўндирмангиз, меҳр ҳаққи — Сиз.

* * *

Жангчилар қабрида мунгли сукунат,
Ярадор оққушдай руҳлар бемадор.
Мармар лавҳаларда мангу сукунат,
Дўстлар, сукунатга бермангиз озор.

* * *

Сархушдурман бир умр
мен висол шаробидан,
Шароб қиёмга етур
шеърият офтобидан.

* * *

Илҳом шаробидан суз менга, соқий,
Кўнглим сархуш бўлсин токи бир умр.
Шеърият мулкида бахтимдир боқий,
Бу учун, соқиё, сенга ташаккур.

* * *

Тухмат тошин отди нобакор —
Илон чақди чиқиб кавакдан.
У ювинди ичибди нахор
Ит ялаган эски тувакдан.

* * *

Чиноздан нарини кўрмайди кўзи,
Қавмидан ўзгага солмайди назар.
Гарчи пахтадай оқ эмасдир ўзи,
Нотавон ўлкада поклик ўрнатар.

* * *

Билағонлик қилди жайдари бошлиқ:
«Навоий — халқимиз фахри, отаси!
Ҳеч нима демаган пахтага боғлиқ,
Ўтмишни битгани — унинг хатоси».

* * *

Қора қумдай қорачиғим қадалган
Қора кўзинг қорачиғига,
Юрагимга ўқ нигоҳинг қадалган,
Илингандир жоним тиғига.

* * *

Қафасда яшайди чумчуқдан то шер,
Балиқ ҳам, чаён ҳам, аждар ҳам қарам.
Тили йўқ — дардини айтолмас далер,
Баъзида афзалдир тили бордан ҳам.

* * *

Эй, офтоб сингари ягона Ватан,
Шодон кунларимда сенга топиндим.
Умрига ғам-ҳасрат бегона, Ватан,
Маҳзун тунларимда сенга топиндим.

* * *

Шеър — бу ҳаёт завқидур,
Табиат армуғони.
Қалбнинг оташ, шавқидур,
Учганда арғумоғи.

* * *

Эсганида мактов шамоли
Варрак каби учди юксакка.
Етмай қолди олқиш каломи
Кўк тоқига даст кўтармакка.

* * *

Ота-она олқишини ол,
Улар сенга эрур омонат.
Фарзанд деган номингга хиёл,
Одам бўлиб, қилма хиёнат.

* * *

Тоғ бошидан қуласа тош,
Гумбурлайди тоғу дара.
Томса агар киприкдан ёш,
Зирқирайди тан бечора.

* * *

Бўлгани чун илдизи теран,
Узоқ умр кўради чинор.
Чинор каби умр кўрган
Отам ёши жонга пойдор.

* * *

Доим эгик бўлар мевали дарахт,
Ҳосилидан шохи синар баъзи вақт.
Теракдай ҳаволаб кетгунча, дўстим,
Шохинг синса ҳам бўл мевали дарахт.

* * *

Энг сўнггида чопар яхши от,
Ўзига йўл топар яхши от.
Рақибларин қолдириб доғда,
Ўзиб кетар сўнг бор яхши от.

* * *

Тоғ одами ўжар, қўпол бўлади,
Гоҳ шалола, гоҳо шамол бўлади.
Ниятинг поклигин англаган замон,
Дил қулфи очилиб, хушҳол бўлади.

* * *

Ёзинг тўкин бўлур кузда эксанг дон,
Тўкин дастурхонга ярашар ҳашам.
Туз тотган даргоҳни этиб ободон,
Остонангдан сира узилмас қадам.

* * *

Мен — дарёман,
Юраклардан юракларга оқурман.
Ирмоқларим
Аортадан югуради танларга.
Тўлқин уриб
Томирларда, ҳаёт ўтин ёқурман,
Ҳам ҳаловат,
Ҳам ҳаяжон солажакман жонларга.

* * *

Мағлублик шомига тикма кўзингни,
Ғолиблик тонгига назарингни сол.
Алам тўфонига урма ўзингни,
Шодлик денгизида дарға бўлиб қол.

* * *

Қамчи боссанг тулпорга —
Қанот боғлаб учади.
Эр бошига иш тушса,
Этик-ла сув кечади.

* * *

Фидо қилдим халқимга ҳаётимни,
Бургут эдим, кесдилар қанотимни.

* * *

Субҳидам — нурдан тоза,
Шафақ рангдир рухсори.
Шунинг учун бир умрга
Қуёш унинг хумори.

* * *

Узангида чапдаст чавандоз,
Кўкрагида гулпор туёғи.
От ўйнатиб келаётир ғоз,
Тақимида — тўйнинг улоғи.

* * *

Фитна уясига тушибди ёнғин,
Ўчирма, эл кўрсин алангасини.
Қувончдан ичингга сиғмайин ёнгин,
Кўргайсан Ҳақиқат тантанасини.

* * *

Фисқу-фужур тиканидан
Ғийбатчи тўқир мато.
Шу матодан рақибига
Кўйлак тикар бехато.

* * *

Қордек совуқ бўлма, аммо,
Кўнглинг қордек оқ бўлсин.
Ғам булути солса соя,
Қалбингда чақмоқ бўлсин.

* * *

Юролмадинг катта йўлдан,
Кўзинг очиқ бўлса ҳам.
Ғурур отин қўймай қўлдан,
Ёниб битдинг мисли шам.

* * *

Қалдирғоч қанот экан
Ўсма қўйган қошларинг.
Кипригингдан ўқ отиб,
Нега кўзинг ёшладинг?

* * *

Инсон худди окар дарё,
Юрган йўли бўстон бўлур.
Қўлларида яшнар дунё,
Усиз замин хазон бўлур.

* * *

Бошинг эгиб бошлиғингга,
Кўтаролмай қолдинг бошинг.
Ёғ кўрмаган қошиғингда
Турмас букун ёвғон ошинг.

* * *

Фарзандларим — бахтим эрур,
Ҳам уйимнинг ободлиги.
Менинг олтин тахтим эрур,
Келажагим бунёдлиги.

* * *

Мансаб бериб, инсон ақлин
Сина, деган халойиқ.
Ақли кемтик бўлса тағин,
Ямай, дея қилма қуллуқ.

* * *

От чопганда гувиллар тор,
Ўт чақнайди туёғидан.
Меҳмон келар, олгил тезроқ
Узангисин оёғидан.

* * *

Ниҳол сиймосида кўринар чинор,
Баҳор нозланади куртак қўйнида.
Бола идрокида улғаяр меъмор,
Қуёш меҳмон экан олам уйида.

* * *

Йўлинг агар бўлса равон,
Қоқилмайсан бир умрга.
Томга чиқсанг қўймас нарвон,
Тушолмайсан қайтиб ерга.

* * *

Ҳикмат дарахтининг меваларидан
Баҳраманд бўлганлар яшайди узоқ.
Нур олиб тафаккур кемаларидан[1]
Манзилга етганлар толеи парлоқ.

* * *

Ҳаёт сени қилар имтиҳон,
Дучор этиб шодлигу ғамга.
Шодлик — ғамсиз бўлмас ҳеч қачон,
Ғам — шодликсиз ётдир одамга.

* * *

Дарахтларнинг куртакларида
Япроқлар сўзлашни ўрганар,
Куртакларнинг юракларида
Туйғулар қуёш деб уйғонар.

---

[1] Тафаккур кемалари — китоблар.

* * *

Қуёшнинг макони – сўнгсиз коинот,
Инсоннинг маскани – муқаддас Замин.
Коинотда замин топади ҳаёт,
Ҳаётга қуёш ҳеч бўлмагай зомин.

* * *

Ҳаёлда чақнаган фикрларим кўп,
Йилт этган учқун гоҳ, гоҳ митти юлдуз.
Қоғозга тушгунча азобларим хўб,
Фикр тутқуниман кечаю кундуз.

* * *

Тоғ бошидан учиб булутлар
Сайр этди водийлар узра.
Чапак чалиб эл эса қутлар,
Ёмғирингни қуйгин деб ерга.

* * *

Булут тўсса қуёш юзини,
Бағри бирдан бўлур лола ранг.
Юмдиролмай унинг кўзини,
Ўзи йиғлаб, қочади аранг.

* * *

Дараларда товуш берсанг гар,
Тоғу тошдан нидо келади.
Оғушида асраб сийму зар
Чўққилардан дарё келади.

* * *

Бино қўйиб ғурур отига,
Булут каби ҳаволаб кетдинг.
Одамийлик бахт дарахтига
Болта уриб, ўзинг йиқитдинг.

* * *

Мудир бўлиб кичик шўъбага,
Билмай қолдинг босар-тусаринг.
Ғийбатчилар тушиб ўртага,
Йироқ этди сендан дўстларинг.

* * *

Шароф Рашидовга

Юлдузни ясади олтиндан Ватан,
Олтин одамларин тутиб бошида.
Бугун Сизни қутлар қалбидан Ватан,
Ўз юлдузин кўриб юрт наққошида!

* * *

Инсон кутар кўкдан мужда – қор,
Қорсиз кундан тоғ ҳам қилар ор.
Ёпинолмай оппоқ кўрпасин
Ер ҳам қорнинг учқунига зор.

* * *

Арақ чиқаради одамни сафдан,
Ҳам маҳрум айлагай шону шарафдан.
Ичмагин дўстгинам, дўстлар тутса ҳам,
Шош ила Самарқанд, Кешу Насафдан.

* * *

Менинг умрим офтобга пойдор,
Ёғдусидан бағрим нурафшон.
Шундан қалбим бир умр бедор,
Оқ қоғозни этар зар афшон.

* * *

Умридан барака топган
Бир боғбон фарзандиман.
Зарафшонда от ўйнатган
Барот Самарқандийман.

* * *

Юришингдан юлдузни ҳам
Ургудайсан бенарвон.
Ташлаб юбор, сенда бўлса,
Қулаб кетсин бу осмон.

* * *

Шодликдан келмади кўзингга уйқу,
Узун бир кечани ўтказдинг бедор.
Кифтингдан қулади тоғдек зўр қайғу,
Сеники келажак, сеники баҳор.

* * *

Раҳмат сенга, тонг тумани,
Ҳадя этдинг ерга қор.
Қизиб кетиб анжумани,
Ботиб кетди терга қор.

* * *

Одамийлик иморати
Бир йилда бўлмас бино.
Унга, ахир, бир умрга
Қилмоқ керак жон фидо.

* * *

Денгиз!
Сувинг шўр бўлса ҳам
Шўр эмасдур пешананг,
Ер жонига бўл деб малҳам,
Сени туққан мард онанг.

* * *

Офтоб чиқмасидан туғилган шеърим,
Бу серфайз умримга – тонг насибаси!
Қалблар қадаҳига қуйилган меҳрим
Ва умрим дафтарин бир саҳифаси.

* * *

Минсанг агар ҳунар отига,
Машаққатлар дош беролмас, бил.
Чорлаб умр фароғатига,
Сени кутар роҳатбахш манзил.

* * *

Салтанат қасрига қўйганда қадам,
Садоқат гулини қорма тупроққа.
Мурувват дурига муҳтож ҳар одам,
Умид кемасида сузар қирғоққа.

* * *

Ният қилсанг, тишинг бутунлигида,
Етгайсан ниятингга.
Тишинг тушиб, умринг ўтинлигида,
Қамчи босма отингга.

* * *

Бир бутун, ҳам якдил, фидойи бор халқ
Яратган эътикод қасрига, зотан,
Тош отиб, бўлмагин қарғиш ичра ғарқ,
Нодоннинг касрига қолма дафъатан.

* * *

Марҳамат қасрини айласанг обод,
Бошингга нур сочар раҳмат қуёши.
Мурувват эшигин қўйсанг гар кушод,
Олтинга айланур остонанг тоши.

* * *

Мардлик тулпорига қўндирсанг эгар
Айилини маҳкам тортгин, чавандоз,
Оёғинг қўймасдан узангисига —
Улоқни тақимлаб, қилмагин парвоз.

* * *

Фазилат кони бор Инсон қалбида,
Ҳурмат соҳибига кўзи интизор.
У мангу тахт қуриб одоб қасрида,
Садоқат шоҳига кўрсатар дийдор.

* * *

Камолот қасрига от ўйнатиб,
Улоқ чопиб келдим мен.
Чавандоз аҳлига шеър сўйлатиб,
Дўст-ёр топиб келдим мен.

* * *

Садоқат бахрида чиқсанг кемага,
Кимсасиз манзилга ташлама лангар.
Довулда қолсанг ҳам, майли, ўксима,
Сени ғарқ айламас уммони башар.

* * *

Ҳаёт деган дарёда
Сузар умр кемаси.
Ўргангани дунёда —
Битта Ишқ калимаси!

Тоғаси тушмади мансаб кифтидан,
Унинг елкасида ўсди жияни.
Елкадан мансабга кўнди дафъатан,
Гул қолиб, кадрлар ким шумғияни?

* * *

Мен кашф этмаган қалблар кўп ҳали,
Мен меҳмон бўлмаган уйлар беҳисоб.
Мен беллашмаган алплар кўп ҳали,
Мен шароб ичмаган тўйлар беҳисоб.

* * *

Халқ дарёдир,
Дарёга зинҳор
Ғов бўлай, деб,
Ўйлама бекор.

* * *

Кўнглимга ажиб бир шукуҳ ҳамроздир,
Дўстларим, тинглангиз розимни.
Мехрингиз азалдан менга мумтоздир,
Сиз учун созладим созимни.

* * *

Элликдан ошганда чўчир одамлар,
Қарилик фаслига қўйдим, деб қадам,
Кўзига сурилар олтиндек дамлар,
Лаҳзалар қадрини англайди одам.

* * *

Чинор тарс ёрилди яшин зарбидан,
Танасида қолди куйган қора доғ.
Бировлар бўҳтонин тиғи амридан
Чинордек бўлинмас қалбларда фароғ.

* * *

Угам сойин бўйида униб,
Юксак тошга бош қўйган олма.
Юрагида меҳрин ардоқлаб,
Онасини қучгандай бола.

* * *

Хислат дарёсида дурри-гавҳар мўл,
У кўнгил мулкида ётибди пинҳон.
Эзгулик ғаввоси унга урса қўл,
Дурахшон сеҳридан нур олар инсон!

* * *

Туйғулар тўлқиндир — шиддаткор, асов,
Қалб зўрға дош берар ғалаёнига.
Умр кемасига ўрнатиб ялов,
Суздилар сарҳадсиз бахт уммонига.

* * *

Ҳикмат қутисини очди донишманд,
Дилларни безади ижод гавҳари:
Навқирон наслга қари Самарқанд
Мозий жавоҳирин сочган сингари.

* * *

Қазиган чоҳингга йиқилдинг ўзинг,
Бошингга келтирди бало, зуғуминг.
Энди оҳ урасан чиқолмай чоҳдан,
Ҳақиқат йўлидан қирилди изинг.

* * *

Нозик муомала, майин табассум,
Илиқ меҳр билан тузар анжуман.
Содиқ дўст сингари қилар тараҳҳум,
Болга қўшиб санчар дилингга тикан.

* * *

Ҳурматнинг кетидан қувди умрбод,
Оёғини қўлга олиб югурди.
Қариганда ҳурмат кўрсам дебон шод,
Шайтонлик йўлига ўзини урди.

* * *

Эл дейди: бир азиз бўлган, бир хор
бўлур,
Ҳаёт тажрибада кўрсатди — чархи каж.
Азиз-ку хор бўлди, аммо толеи шўр —
Хор азиз бўлмади — ҳамон қадри
фалаж.

* * *

Дўстлар гарчи нозик кўришур ҳамон
Қурум қўнганидек кўнгил шиплари.
Балки, боғлаб бўлмас энди ҳеч қачон,
Узилди кўринмас қадр иплари.

* * *

Доира шаклида ҳаёт саҳнаси,
Тегирмон тошидек айланиб турар.
Тош узра шайтонлар ўйин давраси,
Тош остида мардлар дондек янчилар.

* * *

Минг йиллар тамали — эл эътикоди,
Бир миллат кўзининг қорачиғидир.
Балолардан омон қолган бунёди,
Дилида асраган ҳаёт чўғидир.

* * *

Ақллилик балосидан
доно сиғмас жаҳонга,
Ақлсизлик балосидан
бало тегмас нодонга.

* * *

Ақл — доноларнинг ҳаёт юлдузи,
Жаҳл кулбасига сочмас нурини.
Жаҳл — нодонларнинг қизиган сўзи,
Қиличдек кесади ақл умрини.

* * *

Кўрай десанг Ҳақиқатни тик,
Тарихга боқ — алдамас асло.
Ҳақиқатнинг онаси — тарих,
Тарих билан комил бу дунё.

* * *

Эл дегандек тўғри гапирар:
Дўст ачитиб, душман кулдириб.
Дўстлар борки, жилмайиб ўтар,
Бир сўз билан тирик ўлдириб.

* * *

Кўча туман эди — рутубатли кун,
Манзилга етгунча йўл ҳали анча.
Қай малъун хезлади — менга номаълум,
Оёғимдан ногоҳ олди бир лайча.

* * *

Чангалингни чўзма инсон руҳига,
Аламли ва нопок қўлларингни тий.
Инсон руҳи мезон эл шукуҳига,
Заҳрингни сочмагил мисли кора бий.

* * *

Кундузу кечадан тузилган олам,
Хурсандлик уйида яшайди алам.
Яхши билан ёмон тил топмас, гарчи
Ҳаёт фарзандидир иккаласи ҳам.

* * *

Ҳар асрнинг бўлган ўз муаммоси,
Амалга ошмаган эл муддаоси.
Барча асрларни қийнаган, аммо,
Инсон кушандаси — уруш балоси.

1951—1970

Сонетлар

* * *

Қуёш зиёсида тиллолангандай,
Кўзимни сеҳрлар сен кийган атлас.
Камалак сингари жилолангандай,
Қалбимда уйғотар бир дунё ҳавас.

Қаршингда мот бўлиб анвойи чаман,
Гўзаллик сирини излайди сендан.
Шабада атласинг ўйнатар экан,
Товус ҳам товланиб, хусн олар ундан.

Атлас киймасанг ҳам суярдим, дилбар,
Муҳаббат боғида маст этганингдан.
Кўнгил дафтаримга шеър битганингдан,

Атласни севишим билсайдинг агар,
Олдинроқ атласга ҳавас қўярдинг,
Эҳтимол, бир умр атлас киярдинг.

1962

* * *

Самарқандга Наврўз келса, бечора
бобом
Гўримирга ёқар экан ҳар куни чироқ.
Темур руҳин ёд этдими, билмаскан отам,
Бобомдан ҳам бунга жавоб топмаскан
бироқ.

Темур билан Улуғбекка чироқ
ёқмоқлик,
Бобосидан мерос қолган экан бобомга.
Мунажжимдай юлдузларга бедор
боқмоқлик
Ишқи билан келган экан бобом дунёга.

Гўримирдан қадамлари узилмаскан ҳеч,
Унга чироқ ёқсин, деркан неваралар ҳам.
Қутлуғ мерос қолдиргандай бизларга
бобом.

Ўша мерос шами мунгли ёнармиш
ҳар кеч,
Улуғбекка ёқилганмиш юлдуздан чироқ,
Уни бошга кўтарганмиш муқаддас
тупроқ.

1962

* * *

Музей ойналари тагида ноёб, —
Учбурчак мактублар — жангчилар
қалби.
Мен қалблар қошида бир катра симоб,
Она-Ер кафтида турганим каби.

Ўқлардан кўкраги пора мактублар
Бетига сачраган сўнгги томчи қон.
Қўлида қисимлаб уни маҳбублар
Ҳар қарич ер учун фидо этган жон.

Қўйилмасдан қолган кўпида манзил,
Хатто тугамаган ёрга саломи.
«Онажон, омонман» дегану ёлғиз
Тил учида қолган хатнинг давоми.

Мактуб битилганда, дўстлар, ҳеч қачон
Қалам тутган қўлдан сачрамасин қон.

1962

* * *

Ер қалбига ўхшайди юрак,
Юракда дард кўпдир, дўстларим.
Унга қалқон бўлади кўкрак,
Улғайтгали туйғу-ҳисларин.

Динамитга ўхшайди юрак,
Портлаб кетар ёмон сўзлардан.
Зинҳор уни қилмангиз эрмак,
Асранг, дўстлар, ёмон кўзлардан.

Аноргa ҳам ўхшайди юрак,
Ҳаёт ғами унда ол манзар.
Қон томади юракдан чак-чак,
Анордайин эзилса агар.

Юрт бошига ғам тушса, бироқ,
Бомбага ҳам ўхшайди юрак.

1962

* * *

О, менинг орзуларим — қалбимнинг
қанотлари,
Ёлқинли туйғуларим, оташнафас
ҳисларим.
Самарқанд ушшоғидай дардим
муножотлари,
Уйқусиз кечаларда менинг сирдош
дўстларим.

О, менинг орзуларим — шеъримдаги
каломим,
Садоқатим гулшани, меҳримнинг
пиёласи.
Субҳидам оғушида одамларга саломим,
Оқ қоғоз бешигида йиғлаган дил боласи.

О, менинг орзуларим — уфқларга
парвозим,
Ўғил-қизим камоли, юздаги кулгулари.
Деҳқон боласи янглиғ ерга берган
пардозим,
Ёр васлида ошиққан муҳаббат
туйғулари.

О, менинг орзуларим — ҳеч синмас
кўзгуларим,
Сиз билан мен тирикман, о, менинг
орзуларим!

1962

* * *

Ёнимизда бўлса ёримиз ҳар кун
Гоҳида етмаймиз улар қадрига.
Қулоқ солмай баъзан қалбни зарбига,
Билмасдан оғритиб қўямиз кўнглин.

Чой жиндек кечикса — соламиз шовқин,
Унутиб қўямиз эзгу туйғуни.
Боламиз бемаҳал бузса уйқуни,
Йиғлатма, деб озор берамиз ҳар тун.

Узоқда бўлсак-чи, висол дардида,
Соғинч гулханида ёниб-куямиз.
Ёнида бўлгандан ортиқ суямиз,
Шифо бўлсак деймиз нозик қалбига.

Улар-чи, сиғдириб барин кўнглига,
Сира-сира ўхшамайди мунглига.

1963

* * *

Ўн саккиз ёшимда — қутлуғ бир кунда,
Онам ҳадя этди қилич ва қалам.
Бобо меросини олдиму қўлга,
Тиз чўкдим, ичгандай муқаддас қасам.

Бир муддат сукунат ичида қолдим,
Онам оёғига қўйган каби бош.
Сукунатни бузиб титради қалбим,
Севинчдан чиқаркан кўзларимдан ёш.

Мен учун муқаддас — бу икки мерос,
Икковин тиғи ҳам олмосдай ўткир.
Қилични олмасдим, эрса-да мумтоз,
Бўлмаса дунёда душман кўнгли кир.

Шу важдан, қаламкаш ақл ва юрак,
Қўлида қилич ҳам тутмоғи керак.

1963

* * *

Инсон изи бормиш Сомон йўлида,
Ҳар изи бир юлдуз бўлиб қолганмиш.
Қуёш таъзим этиб унинг олдида,
Туғилган ерига қараб олганмиш.

Дерлар, афсонавий қаҳрамон ул зот,
Ва лекин одамлар билмас кимлигин.
Тарих ҳам қилса-да, унинг номин ёд
Билмади, ким бузган фазо жимлигин.

Унга бош эгса ҳам юлдузлар мамнун,
Фазогир номин ҳам кўрмади раво, —
Жаҳолат тахтида ҳукмрон дунё.

Баҳодир фазогир ўзи эканин,
Ўзи ҳам билмасдан осуда ва жим.
«Зичи Кўрагоний» тузган мунажжим!

1964

* * *

Мусога

Юр, чиқайлик сайрга, дўстим,
Соғинганман Сиёб бўйини.
Тарк этайлик шаҳарни бир кун
Кўрмоқ учун кўклам тўйини.

Капалакдай айлаб сайри гул
Боғлар аро кезайлик хуррам.
Сендан фақат илтимосим шул,
Биздан ризо бўлсин бу кўклам.

Қўлингдаги чинни пиёла
Майли, менга тутмасин шароб.
Юр, азизим, тезроқ Сиёбга
Май ўрнига ичайлик гулоб.

Узмоқ учун кўклам қарзини
Тингла, дўстим, кўнгил арзини.

1965

* * *

Мен сени изладим, сен эса мени
Муҳаббат аталмиш бир хиёбондан.
Мен сени сўзладим, сен эса мени
Кўнгилга саодат битган достондан.

Мен сенга гул тердим, сен эса менга
Ошиқлар қадами етмаган қирдан.
Мен сенга қўл бердим, сен эса менга
Аму бўса олиб тургандек Сирдан.

Мен сени соғиндим, сен эса мени
Ҳижронда висолга чорлади мактуб.
Мен сени соғиндим, сен эса мени
Тоҳиру Зуҳродай бўлолдик маҳбуб.

Муҳаббат бўлмаса, икки дунё ҳам
Қовуштиролмасди бизларни, эркам.

1965

* * *

Одам умри ўхшаб кетар йилнинг
фаслига,
У ҳам гуллар, мева боғлар ва бўлар
хазон.
Бир ёдгорлик қолдиради аждод наслига.
Мени ёдга олсин дея хар шому азон.

Не авлодни кўриб сочи оқарган дунё,
Янги инсон билан бўлур яна навқирон.
Меҳнат билан қадоқ қўли қабарган дунё
Ҳаёт деган дарё ичра бошлайди сурон.

Ўша дарё оқимида оқар одамлар
Боболардан қолган дунё бўлиб ҳокими.
Ўз умрига хайкал қўяр қалби ҳотамлар
Жаҳон аро достон айлаб менинг
халқимни.

Дарахтлардан тўкилмоқда барги
хазонлар,
Яна қачон баҳор келар, азиз инсонлар.

1967

* * *

Майлига, бу кеча тўйиб йиғлаб ол,
Йиғи ҳам аритар кўнгилдан дардни.
Шодон кўнгилларга бир дам назар сол,
Ёдингдан чиқаргил ўша номардни.

Ҳеч кимни йўлатма зинҳор олдингга,
Кўз ёшинг хўл қилсин бу кеч болишни.
Дўстларинг кулса ҳам майли ҳолингга,
Бу кеч афзал кўргил ёлғиз қолишни.

Альбоминг варақлаб, афсус, надомат
Дарсини тинглаб ол бу кеча, санам.
Тонг отгунча йиғла, йиғи ҳам роҳат
Бахш этади қалбга янглишса одам.

Оппоқ тонг отганда, сен кутган қуёш
Кўрмасин, азизим, кўзларингда ёш.

* * *

Ҳамма уйда ёнади чироқ,
Кулиб боқар минг бир дераза.
Чироқ ўчган бир уйда бироқ,
Парвоналар тутади аза.

Болиш узра дафтар ва қалам,
Қаро тундай баҳри қародур.
Хат бошига битилган калом
Қиз қалбидай пора-порадур.

Ҳамма уни «севаман» деди,
Қиз ҳеч кимни қилмади писанд.
Севги ёшни ўтди-ю энди
Қилмишидан ўзи еди панд.

Ҳамма қалбда ёнади чироқ,
Чироқ ўчган бир қалбда, бироқ.

* * *

Қора денгиз қирғоғидан боқаман танҳо,
Сархади йўқ уфқларда учар нигоҳим.
Денгиз билан ўпишгандай кўринар само,
Маъсумгина юрагимга ҳаяжон хоким.

Ўқилмаган бир китобга ўхшайди денгиз,
Унинг ҳассос муаллифи табиат балки.
Сув тагида чўкиб ётган миллионлаб
юлдуз, —
Улуғ жангда ҳалок бўлган жангчилар
қалби.

Ўз тилида денгиз сўйлар менга дардини,
Туйғуларим бўлар унга моҳир
таржимон:
«Мен севаман одамларнинг фақат
мардини,
Мардлар мени ўлимлардан асраган
омон»,

Мард одамлар пок сақлаган шеъриятни
ҳам,
Қўркоқларга мухтож эмас, дўстим, бу
олам.

Одесса, 1967

* * *

Қирғоқда бир қоя сокин ва мағрур,
Пойига бош урар ўтли тўлқинлар.
Жисми-жаҳонида қудрат ва сурур,
Унга эртак айтар мудраган тунлар.

Гарчанд ҳис-туйғудан маҳрум бу қоя,
Пушкиндан дардли бир қўшиқ
тинглаган.
Лермонтов қалбига бўлиб ҳамсоя
Исёнкор шеърини тиғга тенглаган.

Қанча шоир келса денгиз сайлига
Бари шу қояни айлаган маскан,
Шоирлар даргоҳин қутлуғ сахнида
Мен ҳам бугун денгиз мавжи-ла
мастман.

Сув парисини кўрмоқ ишқида ҳар ким,
Денгизга боқармиш шу қоядан жим.

Ялта, 1967

* * *

Бу ўлкада чоймас, ичарлар шароб,
Нон-туз, шароб билан оларлар кутиб.
Кўпроқ ичсанг, ҳолинг бўлади хароб,
Яхшиси кайф қилгин бир қултум ютиб.

Йўл чети узумзор кета-кетгунча,
Яшил уфқларда ўйнайди сароб.
Хаёл дафтарига бир шеър битгунча
Сени сархуш айлар арғувон шароб.

Токни симёғочга тортаётган чол
Хориса бир қадаҳ сипқарар шароб.
Ёз яхши келди деб жилмайиб хиёл,
Шароб мўл бўлар дер куёшга қараб.

Менга шароб эмас, дўстлар, шу асно
Бир пиёла кўк чой беринглз, аммо.

Кишинев, 1967

* * *

Чегара. Застава. Ўқ еган бино.
Прут ёқасида чинордай мағрур.
Фашизм номига бўлиб айбнома
Минг йиллар тиз чўкмай туришга
қодир.

Қирқ йигитга қалқон бўлди *бу бино,*
Қирқ кеча тинмади жанги муаззам.
Ҳар қарич ер учун жон бўлди фидо,
Ҳеч ким чекинмади хатто бир қадам.

Бариси шу ерда бўлишди қурбон,
Душман ҳам тил тишлаб қолди
қирғоқда.
Шундан бери ўтди, чорак аср ҳам
Қирқ йигит ухлашар қутлуғ тупроқда.

Қирқ йигит қабрига бўлгандек посбон,
Ул менга ўқийди ғамли бир достон.

Кишинев, 1967

* * *

Инсон билан бирга яралган
Бир чашма бор — мангу муқаддас.
Ҳаёт боғи ундан кўрк олган,
У сўлмоқни билмас бир нафас.

Бу чашмага тушса хору хас
Киприги-ла териб олар кун.
Юракларда қўзғаб зўр ҳавас
Этиб қўяр хаётга мафтун.

Ундан баҳра топмаган одам
Туғилмаган онадан ҳали,
Ёнмагандир кўзларида шам.

Ишқ чашмасин сеҳри туфайли
Танидигу ҳаётни, эркам,
Бошланди чин мухаббат сайли!

1970

* * *

Бир пиёла май беринг, дўстлар,
Сипқорайин тўлдириб бу дам.
Қалбимдаги оташин ҳислар
Бермаяпти руҳимга ором.

Ер остига кўмилган хумда
Қиёмига етгандир шароб.
Очмасангиз уни, чамамда,
Тарс ёрилиб кетгуси шу тоб.

Юртда кезар бир нурли айём,
Ичмай яна қолманг армонда.
Қўлингизда жилвалансин жом,
Байрам завқи жўш урсин қонда.

Суз, эй соқий, дўстларим учун
Бир пиёла май ичай бу кун.

1970

* * *

Регистондай умри узоқ чол,
Гул сотади унинг қошида.
Кўзларида ажиб бир хаёл,
Гул савдоси борми бошида!

Қачон кўрмай, сақлаб эҳтиром
Ошиқ аҳли унга парвона.
Товус боғда этгандай хиром,
Гулдан мастдир не-не жонона.

Бир гул олса кимки қўлидан
Кўнган бўлур бошига иқбол.
Кимки сархуш бўлса гулидан
Минорадай юксалади чол.

Ошиқ аҳли кўпайсин деб ул,
Регистонда улашади гул.

* * *

Дўстгинам, койинма, кўнглингни кенг
қил,
Қалбинг осмонида сузмасин булут.
Заррадай севинчни қуёш дея бил,
Шубҳа хонасига ўзинг қўйгил ўт.

Сен ёниб куйсанг ҳам ўзгага надир,
Бепарво ўтарлар, куларлар зимдан.
Дунёнинг ташвиши етарли эрур,
Бу олам иборат сирли тилсимдан.

Ҳеч ким бўлолмайди дунёга устун,
Биздай йўловчидир барча одамлар.
Яхшилик мулкига шоҳ бўлсанг бир кун,
Юз йил салтанатда ўтади дамлар.

Дўстгинам, олисдир, биз борар манзил,
Йўлда хориб қолма, менга мадад бўл!

* * *

Шамга ўхшаб кетар менинг ҳам умрим,
Мен ҳам тунлар шамдай милт-милт
ёнаман.
Сўзлар туркумига сингиб кўз нурим,
Оқ қоғоз бетига эриб томаман.

Бир жажжи хонани айлаб чароғон,
Шам ёнар паришон, умридан ризо.
Мен қоғоз бағрини этгум қора қон,
Одамлар бўлсин деб шеъримдан ризо.

Дақиқа санайди мажнун парвона,
Куйиб пар қаноти ўтида шамнинг.
Гўдак ўйларимга қоғоз бўб она,
Бағрига босади қалбу қаламни.

Етиб қуёш васлига адо бўлар шам,
Мен эрсам қуёш билан бирга ёнаман.

* * *

Чарақлаб бир юлдуз учди самода,
Ва бир лаҳза ўтмай милт этиб сўнди.
Бир одам камайди чоғи дунёда,
Қайдадир бир булбул хониши тинди.

Қайдадир косада совуб қолди ош,
Узилмасдан қолди гул бутоғидан.
Қайдадир кўзлардан оқди аччиқ ёш,
Кимдир хазон бўлди ёр фироқидан.

Қайдадир дуторнинг узилди тори,
Чироқ ўчиб қолди ёлғиз хонада.
Қайдадир музлади тоғларнинг қори,
Қора либос қолди шўрлик онада.

Қайдадир юз берди бу хол бир лаҳза,
Лекин ҳануз менинг қалбимда ларза.

* * *

Ўзбекни паловнинг подшоси, дерлар,
Ўликни тирилтмиш унинг палови.
Қозонни кафтида ўйнатмиш эрлар,
Қордан олов ёқмиш келса қалови.

Тўрт фасл бу элда ейилар палов,
Ажиб давраларда унинг ҳикмати.
Чинни лаганларда қўйилар палов,
Палов билан гўзал сўзнинг хилқати.

Бу элда ҳар кимса палов устаси,
Довруғ солмаса ҳам егти иқлимга.
Паловга ҳамоҳанг пайров устаси,
Ҳавасим келади менинг элимга.

Паловнинг подшоси экансан халқим,
Доим омон бўлсин ўтирган тахтинг.

* * *

Ошиқ аҳли бўлса жамул-жам
Севги йўлин узоқ дейдилар.
Висол фасли кулган чоғда ҳам
Баъзан йўлга тузоқ, дейдилар.

Ёр васлига етмаса ошиқ –
Ранги-рўйи сомон, дейдилар.
Бўлмаса бахт эшиги очиқ –
Сенга боқмас замон, дейдилар.

Бу ҳикматга ишонмам, зеро,
Севги йўли яқиндир қошдай.
Энди билмас тузоқни асло,
Ошиқ бахти кулган куёшдай.

Фақат қўшиқ топмайди поён,
Узилса гар ёмондир, ёмон!

* * *

Бир нафас ёпимга ўлтир, азизим,
Муҳаббат мулкидан эртак айтайлик.
Мажнунлар руҳини шод қилиб бир зум,
Карбало даштига бориб қайтайлик.

Бизнинг замонда ҳам севгини қарғаб,
Кўзёш тўкканларни айтайлик юзга:
— Қизлар йигитларни алдаса, ё раб,
Йигитлар бевафо бўлсалар қизга!

Севгининг муқаддас номи топталиб,
Наҳотки, бўсанинг қолмаса қадри.
Ёр тутган қизил гул чангга беланиб,
Бундан ўзгаларнинг очилса баҳри?

Бир бўса макри-ла ишқ бўлса қурбон,
Унга аза тутиб ўтади инсон.

* * *

Ерга таъзим этар бугун ўзбегим,
Ўзбегим кафтида ернинг инъоми.
Пахта билан таниб халқим ўзлигин
«Олтин» деб аталди пахтанинг номи.

Пахта меҳри билан нафас олди у,
Тақдир китобини безади пахта.
Пахта деб, тўрт фасл билмади уйқу,
Пахтада — меҳнати бўлди омихта.

Миллион эгатларга сочиб ризқ-рўзин,
Миллиард чаноқларда кўрди бахтини.
Ҳар ғўза мулкига бахш этиб ўзин,
Пахта билан қурди ўзбек тахтини.

Шу пахта тахтида туриб миллатим,
Дунё китобига ёзмоқда отин.

* * *

Эй, менинг бўтакўз, мармар булоғим,
Мен сенсиз яшадим қанча ҳижронда.
Қошингга ёзай деб келдим чанқоғим,
Не гуноҳ бўлса ҳам кечиргин манда.

Сени ҳам эздими ҳижрон тоши ё,
Мунғайиб. милтиллаб, жилмаясан жим.
Соғиниш ўтида бўлдингми адо,
Бошингга бир савдо тушдими ёким.

Мунчалар қарашинг майин, беозор,
Гўдакка ўхшайди одатинг, эркам.
Узгалар қошингда қурдими бозор,
Дардингни мен билан кўра қол баҳам.

Булоғим, эркалан, қани бир кулгин,
Гуноҳим сувинга ювай деб келдим.

* * *

Сен деса, бол томди тиллардан бир вақт,
Ўзингни ердамас, билдинг осмонда.
Ишқдай кулиб сенга қараганда бахт,
Баридан тутолмай қолдинг армонда.

Сенсиз ўтмас эди, дўстгинам, суҳбат,
Бўлар бола бошдан дер эди ҳамма.
Кунлар бахш этарди сенга шон-шуҳрат,
Тунлар шуҳратингга этарди ҳамла.

Ўзингдан ўзгани олмай қўйдинг тан,
Улуғлар ҳикмати бўлди афсона.
Оёғинг тегдими ерга дафъатан,
Бугун дўстларингни излайсан яна.

Кўзингга чумчуқдай кўринган дўстлар
Бугун сенга бургут янглиғ туюлар.

* * *

Кузнинг сўнгги куни бугун
Тақвимнинг варағида.
Боғлар хазон, инграйди мунг
Дарахтлар япроғида.

Қиш дарчасин очиб қия
Изиллар шамол.
Теракларда лайлак уя
Бўм-бўш ва беҳол.

Куз этагин судраб аста
Сарғаяр, юпун.
Умри тугаб, дили хаста
Кезар сўнгги тун.

Кумуш либос кийиб қиш,
Кузга дер олқиш.

* * *

Меҳрибон устод Орифжон Икромовнинг ёрқин хотирасига

Яшин тегди ногоҳ азим чинорга,
Айни ёз қарсиллаб синди шохлари.
Гурс этиб, танаси теккач деворга,
Заминни титратди чинор оҳлари.

Сўкилди тоғларнинг метин чоқлари,
Қоялар қулади сўлим гулзорга.
Мунгли садо берди ишқ булоқлари,
Ошиқлар сўйлади дардин дуторга.

Алвидо айтишиб улкан Чинорга,
Қалбини поралаб ғам жарроҳлари
Қаламга суянди сухан шохлари.

Нихоллар дош бериб дилдаги зорга,
Чинордек кифтини тутиб дўст-ёрга,
Қуёшни қамради ўт нигоҳлари!

1971

* * *

Қабр тошга ёзилмиш: «Бу ётган марҳум
Қирқ кун умр кўрган. Судья бўлган...
«Хато ўқиб турган чиқармиш балким?!»
Деб сўрар Афанди йўловчилардан.

«Асло хато эмас, бизда бор дастур:
Ўлар чоғ барчаси ёдга олинар.
Умрнинг шодумон кезлари бир-бир
Бир кут сараланиб чўтга солинар.

«Қирқ кун...» дейилганин шудир
маъниси...»
«Доноликни қаранг!» — дебди
Афанди, —
Агар элингизда ўлиб кетсам мен.

Сиздан илтимосим, айб этмангу лек,
Қабримга ёзингиз: «Шўрлик Афанди
Дунёга келмаёқ ўлиб кетган» деб...

* * *

Шеърият ҳам катта майдондир,
Бу майдоннинг йўқ чегараси.
Шоирларга мангу макондир,
Бунда бордир заргар, чегачи.

Биров отлиқ, биров яёвдир,
Биров эса чапдаст чавандоз.
Бировининг қалби оловдир,
Бировида эса синган соз.

Бири олиб кетар улоқни,
Бири эса қайтар қуп-қурук.
Бири пуфлар чўғсиз ўчоқни,
Бирин кутар шудгорда қуйруқ.

Бири умрин яшаса бугун,
Бири яшар келажак учун.

1974

* * *

Ота тўй бермоқчи етти иқлимга,
Қирқ кеча-ю қирқ кундуз.
Олтин тўй хатини юборса кимга,
Ташриф буюрсин сўзсиз.

Ўттиз беш шаҳарда осиб дошқозон,
Минг қишлоқда ош дамлар.
Олтинтўй бошида юз минг хонадон,
Турур миллион одамлар.

Қутлагай, Тошкентнинг чўнг қопқасида,
Меҳмонга жон садқадур.
Истиқболдан мамнун хуш сиймосида
Гўёки офтоб ёнур.

Отахон тўйбоши — Ўзбекистон бу!
Валинеъмат мезбон бу!

1974

* * *

Минг рангда товланар она қўлида
Ўзбекистон гуллари.
Дур бўлиб сочилар она йўлида
Ўзбекистон гуллари.

Гунчадай лаб очар она дилида
Ўзбекистон гуллари.
Чамандай қулф урар она элида
Ўзбекистон гуллари.

Онани етаклар шоир қошига
Ўзбекистон гуллари.
Ер исин уфурар эрк қуёшига
Ўзбекистон гуллари.

Бахт тожин кийдирар она бошига
Улуғ инсон қўллари.

1974

* * *

Қабристонда турар баланд бир гумбаз,
Сопол нақшинида офтобнинг акси.
Қилгундайин гўё кўк сари парвоз
Туман ўйга солар одам боласин.

«Баракалла! Мана, марҳумга ҳурмат!»
Дебон қарашади гумбазга ҳар ким.
«Қай замон, қай хонга тобе иморат?
Олимми ё шоир бу ётган марҳум?»

Лаҳат қазиётган кимса нос отиб,
Мийиғида кулар: «Қизиқ экансиз,
У бир кўкнори чол эди-да, хасис.

Бу гумбаз меҳнатсиз олинган топиб,
Ўша чол ўғлидан келган бир ҳунар,
У савдо базасин бошқариб турар...»

* * *

Хаёлпараст бўлар ошиқлар асли,
Тонггача тинглашар севгидан эртак.
Гулгун очилганда муҳаббат фасли,
Оқшомлар гул терар этак ва этак.

Гулрў сочларидан мушки анбарни,
Кўзидан юлдузни излар ошиқлар.
Рухсорида кўриб тўлин қамарни,
Мажнундай, шаънига айтар қўшиқлар.

Қиз ҳам маҳбубининг сўзидан сархуш,
Висол осмонида этади парвоз.
Ҳаёт дейди: «Севги бодасин эт нўш,
Фасли ишқ абаддир менда, сарвиноз!»

Мангу давом этиб висол айёми,
Синмасин, ҳеч қачон муҳаббат жоми!

* * *

Узиламан дейди танбур торлари,
Ҳижрон навосини чалганинг онлар.
Тешиламан дейди уй деворлари,
Кўнглинг пора этса нола, афғонлар.

Ўзгалар кўксида кулгандан кўра,
Гулларим қўлингда бўлай, дер хазон.
Ўзгалар қўлида тўлгандан кўра,
Май тўла пиёланг бўлай, дер яксон.

Синиб адо бўлай, дейди қаламинг,
«Вафо» сўзин этсам агар «бевафо».
Тил учида қолай, дейди қаломинг,
Бировга ёмонлик кўрсам гар раво.

Ўзга ёр кетидан тушса изларим,
Кўр бўлиб қолайин, дейди кўзларим.

* * *

Хиёбонлар хилватгоҳин этингу канда,
Лолазорга чиқинг энди ошиқ-маъшуқлар.
Севги фасли интизордир сизга чаманда,
Дилдан дарё бўлиб оқсин ишқий
қўшиқлар.

Муҳаббатнинг достонидан ўқиб бир
варақ,
Лайли-Мажнун қиссасини сўзлангиз ёра.
Сайри лола қилолмасдан ўтмишда
ушшоқ —
Хор бўлганин ёдга олинг, дўстлар, бир
бора.

Сўнг чаманда кабутардай чарх уринг,
майли
Кўнглингизда қолмасин ҳеч заррача
ғубор.
Лолазорда қолиб кетинг севги туфайли,
Сизлар билан сархуш бўлсин бу гўзал
баҳор.

Эй ошиқлар, билинг, баҳор — уч ойдир
фақат,
Умрингизга тенгдир, аммо, фасли
муҳаббат!

* * *

Зилзила зарбидан қуласа бино,
Янги бир иморат қурмоқлик мумкин.
Тоғ тўсиб қолсаю тўхтаса дарё,
Уни ўз йўлига бурмоқлик мумкин.

Булоқни беркитса харсангтош агар,
Игнадай кўзини очасан бир кун.
Қора илон ногоҳ сочганда заҳар,
Давосин кимдандир топмоқлик мумкин.

Униб чиқмай қолса сепган уруғи,
Такрор экар уни жафокаш деҳқон.
Ўчиб қолса агар ўчоқда чўғи,
Бир гугурт чақилса ловуллар гулхан.

Бевафолик қилса ёринг, мабодо,
Давосин топмайсан икки дунёда.

* * *

Ҳижрон кечасида келмаса уйқу,
Сени бедор этган менинг ёдимдир.
Қалбингга чўғ солса оташин туйғу,
Ўт бўлиб кўринган менинг отимдир.

Ёмғир деразангни чертганда, гулрў,
Билгин, у ёмғирмас, кўзим ёшлари.
Чақмоқлар осмонда қилганда ёҳу,
Тоғлардан кулаган севгим тошлари.

Атиргул қошида бағри қон булбул,
Булбулмас, ҳажрингда йиғлаган кўнгил,
Ҳижрон дардларидан бўлмиш садпора.

Борлиқни титратиб янграган наво,
Навомас, бошимга ишқ солган савдо,
Назар сол, ойдин тун бўлмасин қаро!

* * *

Сен мени деб бўлдинг уйимга посбон,
Дунёни қилмадинг сайру томоша.
Фарзандлар бошида фидо айлаб жон,
Меҳрингга этмадинг ҳеч қачон ташна.

Кеча ҳам, кундуз ҳам бутун ҳаёлинг
Фарзандлар камоли ила бўлди банд.
Ширин кулгусида кўрдинг иқболинг,
Қалбинг бўлди улар қалбига пайванд.

Фарзандларим каби шеъримни мудом,
Оташин меҳринг-ла этдинг парвариш.
Ишқ дарсини сендан ўргандим тамом,
Садоқат посбони бўлдинг париваш!

Сенсиз бир кунимни қилмам тасаввур,
Сен билан ҳаётда масрурман, масрур!

* * *

Бемаҳал узилди дуторнинг тори,
Жудолик мунгидан битмиш бардоши.
Гўёки тоғларни титратиб зори,
Дарёнинг тошларга урилган боши.

Сукут ичра қолди йигит бечора,
Мунгдан пора бўлди яримта кўнгил.
Дутор торларини уласа зора,
Қайғу ғамларини баҳам кўрса ул.

Фожий нобуд бўлмиш гулдай
келинчак —
Севги чироғини кетди ўчириб.
Қирқ кундир қалбидан қон оқар
лак-лак,
Ҳаёт маст, унга ўз захрин ичириб.

Йигитнинг юзлари зард бўлиб қолди,
Қалбида — севги бир дард бўлиб қолди.

* * *

Майлига, бу кеча тўйиб йиғлаб ол,
Йиғи ҳам аритар кўнгилдан дардни.
Шодон кунларингга бир дам назар сол,
Ёдингдан чиқаргил ўшал номардни.

Хеч кимни йўлатма зинҳор олдингга,
Кўз ёшинг ҳўл қилсин бу кеч болишни.
Дўстларинг кулса ҳам майли ҳолингга,
Бу кеч афзал кўргин ёлғиз қолишни.

Альбоминг варақлаб, афсус, надомат
Дарсини тинглаб ол бу кеча, санам.
Тонг отгунча йиғла, йиғи ҳам роҳат —
Бахш этади қалбга, янглишса одам.

Оппоқ тонг отганда, сен кутган қуёш —
Кўрмасин, азизим, кўзларингда ёш.

* * *

Ётоғингга қайтасан сархуш,
Унутгандай дунёни тамом.
Ҳеч ким сени кутиб олмас хуш,
Сен ҳам зормас унга бу оқшом.

Гулдай яшнаб бир санам кўнгли,
Ишқи сени этмаган тутқун.
Шундай экан, қалбингдан мунгли
Садо келур қулоққа нечун?

Сигаранинг тутуни ичра
Кўзларингда чақнайди оташ.
Лекин қалбинг бўлгандай яра,
Азобларга беролмас бардош.

Ётоғингда бир ўзинг, ёлғиз,
Тонг отишин кутасан ҳаргиз.

* * *

Яна қаро кўзларингда оташ ва ҳижрон,
Яна келдинг боғлар аро мени сўроқлаб.
Гул қошида бол арилар қуришиб
ғужғон,
Яна келдинг бинафшани кўксингга
боғлаб.

Тўққиз ойдир, йўлларингга боқдим
интизор,
Қалам билан суҳбат қурдим васф
айлаб сени.
Васли умид гулшанида битилган
ашъор —
Ёлворарди ҳижрон ичра қўйма деб мени.

Бугун ўша куз фаслида битган
шеъримга,
Яна сени келди дея берурман хабар.
Деҳқон уруғ сочган янглиғ она ерига,
Васфинг билан безанажак янги бир
дафтар.

Яна сўлим баҳор келди, азиз инсонлар,
Яна дилдан тўкилмоқда шеърu
достонлар.

* * *

Ичганим шаробмас — кўз ёшинг сенинг,
Қадаҳга томмиш ул мужгонларингдан.
Бағрига ўт олиб фиғонларингдан
Ичимни ёндирган оташинг сенинг.

Ичганим шаробмас — кўз ёшинг сенинг,
Кўнглим фарёд қилар армонларингдан.
Танимда жон йиғлар дашномларингдан,
Кўнглимни қон этмиш ғам тошинг
сенинг.

Бу на кўз ёшлардир, на фиғонлардир
Ва на армонлардир, на-да дашномлар,
Бу — сенинг қалбингдан тўкилган
қонлар.

Бу — заҳар, бу — қайғу лиммо-лим
жомлар,
Ёзилмай қолган бу шеърu достонлар,
Бу — умр даштида вайрон эҳромлар!

* * *

Дўстгинам, койинма, кўнглингни
кенг қил,
Қалбинг осмонида сузмасин булут.
Заррадай севинчни қуёш дея бил,
Шубҳа хонасига ўзинг қўйгил ўт.

Сен ёниб куйсанг ҳам ўзгага надир,
Бепарво ўтарлар, куларлар зимдан.
Дунёнинг ташвиши етарли эрур,
Бу олам иборат сирли тилсимдан.

Ҳеч ким бўлолмайди дунёга устун,
Биздай ўткинчидир барча одамлар.
Бир куни ғам чекса, бир куни мамнун,
Гоҳ шаҳдам, гоҳ сокин олға қадамлар.

Дўстгинам, олисдир, биз борар манзил,
Йўлда хориб қолма, менга мадад бўл!

* * *

Сен мени этсайдинг жондан парвариш,
Ишқингда парвона янглиғ куярдим.
Мажнун не, ундан ҳам ортиқ суярдим,
Енгардим, бошимга тушса мушкул иш.

Шаънингга бир умр ўқирдим олқиш,
Севгинг чашмасидан қониб, тўярдим.
Номингни шеър билан тошга ўярдим,
Лутфий ёшида ҳам билмасдим қариш.

Ҳаётдан маст бўлиб куйлаб ўтардим,
Армонсиз қалбимга солиб қуёшни,
Шодлигим гул қилиб элга тутардим.

Ҳавасин келтириб кексаю, ёшни,
Сени деб, сен билан ўтиб кетардим,
Ғанимлар қошида эгмасдан бошни!

* * *

Мен баъзан етмайман сенинг қадрингга,
Ноўрин сўзимдан оғрийди кўнглинг.
Сўнг эса, пушаймон қиламан минг-минг,
Азобим — ўт бўлиб, етмас калбингга.

Қалб қушим кўнолмай кўнгил қасрингга,
Парвона бўламан, кўзларимда мунг.
Илтижо қиламан, сўзларимда мунг,
Бошимни қўелмай ўтли бағрингга.

Оташли дардингга бўлсин деб шифо
Қалбимдан энг латиф сўзни излайман,
Сен эса қайрилиб боқмайсан хатто.

Васлингга зор бўлиб бағрим тузлайман,
Юзингда табассум кўрмагунча то
Ўзимни сен дея сени сизлайман.

* * *

Сен ҳали билмайсан севишим чиндан
Ё билиб, шунчаки этурсан гумон,
Шубҳалар ўтида ёниб беомон,
Бўлар-бўлмасга ҳам ранжийсан мендан.

Рашк шамширин, жоним, суғурма
қиндан,
Сайёддек кўнглимни олмагин нишон,
Ўқланиб қолмасин милтиғи ҳижрон,
Севгимиз мурувват кутадир сендан.

Кўзим қаросидек азиз севгимиз
Балодан сақлашга бўлурман посбон,
Ўзгалар учун у — қўл етмас юлдуз.

Сен билан кечадир умрим беармон,
Рашк қилсанг яйрайман, эй умри азиз,
Ўтинчим, севгимга қилмагин гумон.

* * *

Кўнглим сезар: Янги йилимиз
Холи бўлғай ғам-андуҳлардан,
Шодлик балқиб турган руҳлардан
Ки, кадарни унутармиз биз.

Қутлуғ келар Янги йилимиз:
Эригандай қорлар кўҳлардан.
Кўнгил яшнар завқ, шукуҳлардан,
Ҳавас билан боқар элимиз.

Fусса тўла дашном жомини,
Синдир, жоним, ўз қўлинг билан.
Менга тутгил илҳом жомини.

Ўтсин умр фаслимиз шўх-шан,
Ол қўлингга икром жомини,
Қутлай сени Янги йил билан!

* * *

Андижонда битта уй бор,
Менга азиз ва қадрдон.
Дарвозасин олди гулзор,
Саҳни гилос, олмага кон.

Узум билан ўрик, анор
Айвон олдин этган жонон.
Уй четидан оқар анҳор,
Мирзатерак унга посбон.

Ҳовли саҳни мисли жаннат,
Унда кўнглим қилур роҳат,
Армонларим йўқдир маним.

Ўшал уйда илк муҳаббат
Умримга бахш этди зийнат,
Сен туғилган унда, жоним!

* * *

Висол билан ҳижрон қалбимда
Кеча-кундуз олиб борди жанг.
Ҳижрон учраб висол қаҳрига
Бир умрга ҳоли бўлди танг.

Висол зийнат бериб қасримга,
Ҳижрон кўнглин этиб қўйди санг.
Оташ бўлиб кириб бағримга
Яқосига унинг солди чанг.

Уввос солиб қичқирди ҳижрон
Ва ушлади висол қиличин
Келтиргали севгимга қирон.

Висол эса олгали ўчин
Юрагимда қўзғаб зўр бўрон,
Ҳижрон кўшкин этди чилпарчин!

* * *

Қўй, азизим, бўлма овора —
Сўраб менинг туғилган куним.
Қутлаш учун излама чора,
Туғилганим — бахтингдир сенинг.

Онам дейди, бир ёз фаслида
Сени кўрдим гулшанлар аро.
Отам дейди, ўғил васлида
Сени кўрдим гулханлар аро.

Шу сабабми, гулшан ва гулхан
Йўргаклабди мени ўзида.
Кўчганмишу қалбимга гулшан,
Гулхан акси бормиш кўзимда.

Майли, гулшан яшнаб, кучсин шаън,
Лек, бемаврид ёнмасин гулхан.

ЖАНГОВАР СОНЕТЛАР

ПИЁДА АСКАР

Пиёда аскарнинг вазмин қадами
Волгадан Одерга бориб туташди.
Заминга тиз чўкиб ичган қасами
Қалбига қасос деб солди оташин.

Жанг аро йўқолган қора калами
Окопда бир лаҳза ҳам қилди бошни.
Ва лекин муждадек ёрнинг саломи
Эритиб юборди қалбдаги тошни.

Хат билан бағрига солиб қуёшни,
Яна у отилди жанг майдонига,
Қалбига жо қилиб тоғдай бардошни.

Ғаним қасд қилса ҳам унинг жонига,
Отлиқ қайтиб келди ёри ёнига,
Зафар билан баланд кўтариб бошни!

ҚАРДОШЛИК ҚАБРИСТОНИ

Қардошлик мозори. Минглаб қаҳрамон
Тупроққа кўмилиб ётар беозор,
Танларин тарк этиб кетган иссиқ жон –
Ҳануз бошларида кезар ярадор.

Саргардон руҳлари излаб ошиён,
Мажруҳ оққушлардай учар бемадор.
Оқ туман қўйнига сингиб бенишон,
Одамлар изига мўлтирар бедор.

Қабристон саҳнига ким қўйса қадам,
Елкасидан тоғдай босар сукунат,
Ўликлар руҳига қилма деб миннат.

Сукунат тилидан янграган қасам,
Ҳар кимни ўйлатиб қўяр бир муддат
Ва қабр бошида тиз чўкар Одам!

ЯРАДОР ДАРАХТЛАР

Дарахтлар гурсиллаб йиқилди жангда,
Қарсиллаб ўт ичра синди шохлари.
Тутундай ўрлади кўкка оҳлари,
Ўлим билан хаёт жон талашганда.

Сўнгги томчи қони қолгунча танда,
Ҳаёт деб курашди, тиз чўкмади лек.
Кўксига қадалди қанча-қанча ўқ,
Булутлар йиғлади зор қақшаганда.

Бомбаю снаряд хар портлаганда
Зир титраб қулашди тупроқ чангаллаб,
Қоп-қора доғ қолди чўрт учган танда.

Қонталаш лаблари тупроқни ялаб,
Ҳаёт ишқи туғён кўтариб жонда,
Етим ниҳолларга боқишди йиғлаб.

СУКУНАТ ДАҚИҚАСИ

Ғалаба куранти вазмин урар бонг,
Бир лаҳза оламга чўкар сукунат,
Қалбларга дардини тўкар сукунат,
Дунёни забт этар вазмин бир оҳанг.

Поездлар тўхтайди йўлда дафъатан,
Кемалар садоси тинар уммонда.
Қушлар ҳам чурқ этмас тоғу ўрмонда,
Дарёлар олкишдан тўхтаса нетонг!

Шамол ҳам ҳавода тўхтар беозор,
Бургут ҳам учмасдан тошга урар чанг,
Сув сепгандай тинчир ҳаттоки бозор.

Қуёш ҳам бир лаҳза қотар лола ранг..
Ва лекин одамзод қалби бир умр
Қурбонлар руҳини эслаб урар занг!

СТАЛИНГРАД ЖАНГИ

Сталинград жангин буюк садоси,
Замин юрагида уриб турар бонг.
Гулдурос оҳангда Волга дарёси,
Мамаев-қўрғонда уйғонади тонг.

Ҳамон зирқиратар қалбни садоси,
Тоғларда портлаган бир вулқонсимон.
Павлов уйидаги гўдак нидоси
Қулоғинг остида янграйди ҳамон.

Қиличи яланғоч она сиймоси
Музаффар қирғоқда рамзи интиқом,
Ва ғаним қуёши ботгандан нишон!

Сокин оқиб ётар Волга дарёси
Ва башар бахтига бор экан жаҳон,
Хотирдан ўчмагай бу жанг садоси!

ҚЎШ ҲАЙДАГАН АЁЛЛАР

Аёллар махсимас, этик кийишди,
Аёллар кавушмас, кийишди чориқ.
Кўнглидан дардлари бўлмасди фориғ,
Ғазаби ўт бўлиб, муштин тугишди.

Омочга зоғорасин боғлаб қўйишди,
Қирларга сепишди арпа ва тариқ.
Хўкизи, ўзидай хўп эди ориқ,
Ҳориса, тошларга бошин қўйишди.

Кечқурун келида толқон туйишди,
Ямашди болалар усти-бошини,
Тиқ этса эшикка қараб қўйишди.

Кўзларидан артиб аччиқ ёшини,
Жангчилар хатини ўпиб, суйишди,
Қўш ҳайдаб, эгмади вале бошини!

ОҚҚУШЛАР

Урушга хат ёзди ургутлик оқсоқол:
«Азиз фарзандларим — менинг
оққушларим,
Қаро тунда кўрган менинг оқ тушларим,
Баланд парвоз қилинг, кўрманг сира
завол!»

Булутлар туманин ёришиб бемалол,
Оққушлар самога уришди тўшларин,
Интиқом қаҳри-ла тугишиб муштларин,
Фашистлар бошига ёғдиришди ажал.

Оққушлар учишди Берлинни кўзлашиб,
Ғалаба кунига етишолмай лек,
Туманлар бағрига шўнғишди бўзлашиб.

Оққушлар сасидан титради еру кўк,
Ва кетди она-Ер бағрини музлатиб,
Ургутлик оқсоқол кўксига теккан ўқ.

НАВОИЙ ЛИСОНИ

Навоий лисони ҳомийга муҳтож,
У тутқун булбулдек эл чаманида.
Қанотин ёймоққа тополмас илож,
Эркинлик истайди ўз Ватанида.

Навоий лисони камолга муҳтож,
Бутун халқ дардини қилиб фасона.
Шуҳратин тиклашга сезиб эҳтиёж,
Жабҳага отилди аҳли замона.

Навоий лисони мехрга муҳтож,
У нажот тилайди, сиздан, насллар.
Кошки, муте бўлмай, бошга кийса тож,
Мангулик тахтини безаб асрлар.

Навоий лисони топсин деб ривож,
Халқимиз фармони олийга муҳтож!

* * *

Саман отга миниб чиқдим сафарга,
Сомон йўли каби йироқдир йўлим.
Қамчи босган сайин асов тулпорга,
Чўғ бўлган уфққа ўхшайди кўнглим.

Тошлоқ йўлда ёлғиз кишнайди отим,
Чақир тош оқизар туёғидан қон.
Ҳансираб олади ярим йўлда тин,
Ул озор тошганга ўхшар бегумон.

Кўзлари ёнади машъала монанд,
Уфқдан нарида қолар нигоҳи.
Туёғи урилса, тошга беомон,
Бечора отимнинг недир гуноҳи.

Отим туёғидан оққан лахта қон,
Менинг юрагимга томар бегумон.

* * *

Қўрғошин сингари қотмаган ҳали
Биринчи бўсанинг изи лабингда.
Сени зебо айлаб севги висоли,
Қуёшга айланар қайноқ қалбингда.

Ҳижрон сувларига ювсанг ҳам ўчмас,
Лахча чўғ сингари ёнар бир умр.
Дудоғинг баргидан қувсанг ҳам ўчмас,
Вафо қуёшидан мангу эмар нур.

Ёнса ҳам лабингни куйдирмас, эркам,
Бегона дил қушин қўндирмас эркам,
Ишқингга табаррук соқчидир мендан.

Ҳаётим боғига куз тушса агар
Кўксингга бош қўйиб энг сўнгги сафар,
Сўнгги бўсани ҳам олардим сендан.

* * *

Дунё ишларини қилиб саркитоб,
Отланмоқ бўлгандай янги буйруққа,
Оталар олдида бергандай ҳисоб,
Мангуга содиқдай қутлуғ байроққа.

Бир муддат оёққа турар одамлар,
Қалбларга сукунат қилар ҳокимлик.
Қўрғошиндек вазмин оқар оҳанглар,
Етти иқлимга ҳам чўккандай жимлик.

Оталар руҳини қилмоқ учун ёд,
Байроққа қасамёд этар ўғиллар.
Оталар руҳини қилмоқ учун шод,
Жангда эгилмаган бошлар эгилар.

Одамлар Ватан деб турар оёққа,
Қасамёд этгандай она тупроққа.

* * *

Бу буюк тупроқни она дер ҳар ким,
Она деб эзгулик излайди ундан.
Инсонга ёғдудай саодат ёрким,
Қуёшдай безавол умри ҳам чиндан.

Антей севганидан шу ерни ортиқ,
Куч-қудрат олгандир уни қучоқлаб.
Прометей оловни этгали тортиқ,
Куёш денгизида сузган кулочлаб.

Эзгуликка чанқоқ туғилиб мен ҳам,
Энтикиб боқаман нур оламига.
Муқаддас тупроққа ҳамдарду ҳамдам,
Жавоҳир сочаман ҳар қадамига.

Ўғлим деб, мени шу муборак тупроқ,
Бошида кўтариб юради ҳар чоқ.

* * *

Одамзод келганда ёруғ оламга,
Табассум армуғон этганмиш қуёш.
Ҳаётни безаган азиз одамга
Табассум гулини тутганмиш қуёш.

Юзингда чақнаса қувноқ табассум,
Табассум завқидан соғаяр бемор.
Инсонда табассум бўлмаса, дўстим,
Сўнган ой сингари кўринар рухсор.

Табассум — юракка бир ёркин ойна,
Табассумсиз чехра чехрамас, ошна.
Инсонлик зийнати экан табассум.

Улкан ҳаёт сари қўяркан қадам,
Қуёшдан табассум олмаган одам,
Одам қуёшга ҳам берган табассум.

* * *

Субҳидам варақлаб само дафтарин,
Қуёш билан чекди уч лочин имзо.
Олмадай қизартиб само рафторин,
Зухродай малакни қилишди ризо.

Боболар қадимдан кўкка юз тутган,
Бир сиқим тупроқдан юлдузлар ясаб.
Эркалаб чанокни юлдузга элтган
Ўзбекнинг фарзанди бўлса не ажаб.

Еру осмон аро бўлгандай кўприк,
Уч лочин поёндоз солди қуёшга.
Бир кечаю кундуз юммасдан киприк,
Одамлар уларни кўтарди бошга.

Йигирманчи асрда муқаддас Одам,
Ер билан осмонни қилди бир қадам.

* * *

Уч космонавт ҳалок бўлди дафъатан,
Дафъатан юзлардан кулги йўқолди.
Яраланган филдай тўлғонди Ватан,
Олимлар сочларин чангаллаб қолди.

Уч уйнинг бошига тушган кулфатни
Ўз ғами деб билди барча хонадон.
Даврадан йўқотиб учта улфатни
Бошин қуйи солди дўсту қадрдон.

Бу мангу айрилик ханжари гўё
Волидалар қалбин тирғлаб юборди.
Хотинлари сочин юлиб, шу асно
Оламни титратиб йиғлаб юборди.

Фарзандлар кўзидан милт-милт
томиб ёш,
Космосга қарашар... мунглидай қуёш...

* * *

Ялт этиб бир юлдуз чақнади кўкда,
Парпираб сочилди унинг жилоси.
Само дафтарида бўлиб бир нукта,
Чекилди янги бир юлдуз низоси.

Бу қутлуғ воқеа дейишиб зотан,
Якқалам этдилар ахли донишлар.
Баъзилар энтикди уни олмай тан,
Ҳақиқат олдида бўлди тонишлар.

Янги бир юлдузнинг чақнаши учун
Дастуруламал этди вақту замонни.
Митти юлдуз бўлса, порлаб кунма-кун
Кўксин безаб турар тилсиз осмонни.

Мен сени ўйлайман узун тунлар жим,
Сен ҳам шу юлдузга ўхшайсан, дўстим!

* * *

Сир ва Аму учрашмас асло,
Бир уммонга қуйилар лекин.
Уммон ичра уларни, аммо
Бир-биридан ажратиш қийин.

Тоғ тоғ билан учрашмас асло,
Гар осмонга бўлса-да устун.
Яшаса-да заминда, аммо
Ундан оёқ узиши қийин.

Ой ва қуёш учрашса аммо,
Қуёш юзи қораяр бирдан.
Зулумотга чўккандай дунё
Мунгли садо чиқади ердан.

Одам билан учрашса одам,
Табассумдан ёришар олам!

* * *

Устодлар хотирасига

Чинорлар қулади устма-уст, афсус!
Ернимас, ларзага солди қалбларни.
Бош эгиб, қошида мунғайдик маъюс,
Ўлим олиб кетди алп адибларни.

Бўм-бўш бўлиб қолди кўнгил гўшаси,
Кўзлардан тирқираб ёш оқди аччиқ.
Қалбларни тилкалар ғафлат кечаси,
Ўлим милтиғидан яна узди ўқ.

Кўксини ушлади бирдан халойиқ,
Икки ўқ қадалди миллион юракка.
Бўронда эгилмас ниҳоллар — эгик,
Чинорларга кифтин тутишди тикка.

Ниҳоллар елкаси метинмас, лекин
Кўтариб турмоқда чинорлар юкин.

1968

* * *

Уруш қурбонлари тирикдай ҳамон
Тириклар қалбида дард бўлиб яшар.
Бу дардга ворислар жони туташар
Асрлар занжирин ҳалқасисимон.

Қурбонлар руҳига келтириб имон
Қабрига эътиқод шамин ёқишар.
Мармар лавҳаларга маҳзун боқишар
Чақмоқлар бағрида қолгандай осмон.

Остин-устун бўлар гўё самовот,
Қуёш юзин тўсар қора булутлар,
Гўё жанг қилади: «Ҳаёт ё мамот!»

Қуёш салом бериб борлиқни қутлар,
Семурғ қуш жонидай ўлмас хотирот,
Юксак чўққисига қўнар бургутлар!

* * *

Номаълум солдатнинг қабри бошида,
Қалбларга сукунат бўлур хукмрон.
Дунёнинг савдоси бордай бошида,
Тупроққа кўмилиб ётар қаҳрамон.

Ўғлини йўқотган минглаб оналар,
Тошдай қотиб қолар унинг олдида.
Кўзига ёш олиб куйиб-ёнарлар,
Оташмас, ғам музи улар қалбида.

Мангу олов ёнар солдат қабрида,
Оловмас, бечора оналар меҳри!
Номаълум йўқолган ўғли жабрида,
Кун борми, очилса оналар баҳри!

Борлиқ жим. Қабр жим. Мангу
оташ жим!
Мен ҳам жим. Сен ҳам жим. Еру қуёш
жим!

* * *

Сарҳадда сервиқор бир туп оқ қайин,
Қурбонлар бошида толмас соябон.
Япроқлари мен-ла сирлашган сайин,
Секин варақланар ғамли бир достон.

Қайин ҳам ўқ еган бир куни жангда,
Кўкрагидан оққан лахта-лахта қон:
«Она!» деган ерга мунгли оҳангда,
«Бу ҳаётдан қачон топурман омон?»

Чорак аср бўлди бу қутлуғ сўзга,
Қайин жароҳати битиб ҳам кетди.
Жангни кўрмагандай тикилар бизга,
У энди фараҳли кунларга етди.

Инсон қалбидаги жароҳат, аммо,
Тош бўлиб қолдию битмади аммо.

* * *

Чорак аср!.. Айтишга жуда ҳам осон,
Кўз очиб юмгунча ўтган бир фасл.
Лекин панжасида типирлар бир жон,
Кечалар қон, зардоб ютиб муттасил.

Алпдай икки ўғил ўстирган она
Айрилиқ дардидан чўп бўлиб қолди.
Фарзандлари жангда ўлди мардона,
Брест қалъасидан «қора хат» олди.

Қора либос она эгнида ҳамон,
Кўзлари мунғайган, сочлари оппоқ.
Қўлида асою, юраги чок-чок.

Фақат икки сурат — икки кемтик нон,
Осиб қўйилгандир уйнинг тўрига.
Ёдгордай ўғиллар боқий умрига.

* * *

Хотира соати вазмин урар бонг,
Бир лаҳза оламга чўкар сукунат.
Қалбларга дардини тўкар сукунат,
Дунёни забт этар вазмин бир оҳанг.

Поездлар тўхтайди йўлда дафъатан,
Поездлар садоси тинар уммонда.
Қушлар ҳам чурқ этмас тоғу ўрмонда,
Дарёлар оқишдан тўхтаса не тонг!

Шамол ҳам ҳавода тўхтар беозор,
Бургут ҳам учмасдан тошга урар чанг,
Сув сепгандай, жимжит, ҳаттоки, бозор.

Қуёш ҳам бир лаҳза қотар лола ранг...
Ва лекин одамзод қалби бир умр
Қурбонлар руҳини эслаб урар занг!

* * *

Навоий боғининг остонасида
Нилуфар чамани очилар ҳар кеч.
Бу гуллар ҳуснига боқиб осуда,
Ўҳшашини излаб тополмайман ҳеч.

Қалбимда қўзғалар сўнгсиз бир ўкинч,
Сиёҳ томгандай дил варақасига.
Нилуфар юзини кўролмай, нотинч,
Қуёш ботар ҳар кун тоғ орқасига.

Ғолиб жангчилар ҳам ўша қуёшдай,
Нилуфар кулгусин кўролмай кетди,
Барҳаёт руҳлари самога етди.

Жангчилар бевасин кўзин ёшидай,
Нилуфар кулади тун қўйнида маст,
Бу кулгу менинг ҳам жонимга пайваст.

* * *

Тинчликдир инсоннинг азал орзуси,
Бу орзу — инсонга тенгдир жон билан.
Ҳимоя қилинган қутлуғ қон билан.
Тинчликдир инсоннинг гўзал орзуси.

Тинчликдир инсоннинг азал орзуси,
Бу орзу — пайвастдир қалб, имон
билан.
Тоабад ҳамдастдир шараф-шон билан.
Тинчликдир инсоннинг гўзал орзуси.

Бу орзу туташдир Ватан жонига,
Ватан юрагига мангу пайванддир,
Сут билан киргандир инсон қонига.

Чин инсон Ватанга содиқ фарзанддир,
Қисмати туташдир хонумонига.
Бу — Тошкент, Бухоро ҳам
Самарқанддир!

* * *

Куйларимга куйдош Зарафшон,
Ҳаёт йўлим сендай долғали.
Долғаларда дарға бўлиб жон,
Умрим ўтса, сендай фойдали.

Сендай узоқ умр кўргали,
Қуёш умрин олмасдим қарзга.
Ҳатто Лутфий ёшин сўргали
Қирғоғингга бормасдим арзга.

Завқим тошиб сени кўрган дам,
Мавжланса ҳам куйим қалбимда,
Қарздорман ҳали олдингда.

Сендай узоқ яшамасам ҳам,
Юрт ишқида ёнарман сендай,
Ўз йўлимни топарман сендан.

* * *

Отам боғбон эди — қўли гул боғбон,
Ёдгор бўлиб қолди Ургут боғлари.
Боғларга пайваста Ургут тоғлари
Отам қабри узра энди соябон.

Отам покдил эди, эди покдомон,
Умрига кўрк эди Ургут тоғлари.
Отамдек алп қомат Ургут тоғлари,
Ёдгор боғларига энди соябон.

Отамнинг кўп эди дўст, ўртоқлари,
Ёшлик чоғларидан эди қадрдон,
Бир-бир сўнди аммо қалб чироқлари.

Устун бўлмас экан дунёга инсон!
Дунё қадар боқий Ургут тоғлари,
Отамдек бошимда энди соябон!

* * *

Зарафшон бўйида бугун зўр айём,
Карнайлар садоси қучар самони.
Сабуҳий шабнамдай покизадир жон,
Эфирда сержаранг дўстлик саломи.

Деҳқонлар васфига йўнилган қалам
Зафар варағига чекмишдир имзо.
Юрт олдида юзи ёруғ ҳар одам
Она тупроғидан бўлмишдир ризо.

Пахтамиздай қадим, меҳнаткаш диёр
Қутлуғ манзилига етди карвони.
Олти ойлик йўлни босиб ул девкор,
Пахтакор ўлкалар бўлмиш сарбони.

Ҳатто пахтакорни шоир қилган эл,
«Оқ олтин» мулкида боши омон бўл!

* * *

...Сингилим хотирасига

Ўлим юлиб кетди сени бағримиздан,
Қалбимиз қон бўлиб, эзилиб қолди.
Кўзларда ёшимиз тизилиб қолди,
Бир сарв ёниб кетди ногоҳ боғимиздан.

Ургут тоғи ларзаланди доғимиздан,
Уйимиз дарз кетиб, бузилиб қолди.
Жонимиз риштаси узилиб қолди,
Баҳор қон йиғлади ғам, фироқимиздан.

Фарёд чекди сочини юлиб, онам шўрлик,
Отамнинг тоғ қадди букилди чўнг
ғамдан.
Ҳаётда, сингилжон, бу қандай кўргилик?

Фарзандларинг ўксиб, бўзлашди
аламдан,
Яқосин йиртди уларнинг етимлик,
Сен эса армонли кетдинг бу оламдан.

* * *

Бу маскан фарзанд деб ўпмиш пешананг,
Сен ташвиш солмагин бошига зинҳор.
Бош эгиб бир умр бўлгин хизматкор,
У сенинг отангдир, у — сенинг онанг.

У дунёга қадам қўйган остонанг,
Тиз чўкиб, пойини ўпгин миннатдор,
Кўзига зиё бўл, кўндирма ғубор,
У — сенинг кулбангу олтин кошонанг.

Сен унга ҳамдард бўл: тўй, азасида,
У, ахир, яратмиш саодатингни.
Ва яшар танингнинг ҳужайрасида.

Ғам туни машъал эт садоқатингни,
Туз ҳаққи, таъзим қил ҳар нафасида.
Ўзбексан, хурмат қил урф-одатингни.

* * *

Асримни асабий дейди одамлар,
Унинг сўзларида чақмоқ чақини.
Бир буюк кудрат-ла асрим одимлар,
Кўзларида ёнар қуёш ёлқини.

Асрлар ғамига қўйгандек нуқта,
Эрк ғамини чалди у, исёнкор қўл-ла.
Тожу тахтни яксон қилди бир йўла,
Асрлар ғамига қўйгандек нуқта.

Қўрғошин парчаси қалбларда қолди,
Бўса оташидан ёнмади лаблар.
Маҳбублар мактуби ўтда йўқолди,
Мармарга айланди миллионлаб алплар.

Йигирма биринчи асрнинг дарди
Асримни асабий қилиб юборди.

* * *

Темурнинг қошига келгунча она
Дасталаб гул терди чаман боғлардан.
Шаҳри Самарқанду Урганч, Фарғона,
Чотқолу Қурама, Боботоғлардан.

Сир билан Амудай йўл босиб ўктам,
Эл меҳрин қалбига жо этди она.
Қайси бир даргоҳга қўймасин қадам,
Шодлик чироғига бўлди парвона.

Гулшан водийларда чарх уриб наҳор,
Дарёдай ошиқди она — пойтахтга.
Субҳидам Амир-ла кўришиб дийдор,
Мушарраф бўлди ул энг буюк бахтга!

Шу бахтдан кўнглида йўқ бугун армон.
Бу, ахир, сенмасми, азиз Онажон!

* * *

Темурнинг пойига қўйиб гулларин
Бир лаҳза сукутга чўмади она.
Кўксига босганча қадоқ қўлларин
Қалбини чулғайди ўтли пўртана.

Вужудин коплайди бирдан хаяжон,
Қон туғён қилади томирларида.
Гўёки ўзидан энг бахтли инсон
Йўқдайин шу замин тақдирларида.

Ўз юраги билан сўзлашар унсиз,
Бир лаҳза эрк берар хаёл қушига.
Орзуси чўғ бўлиб ёнар тутунсиз,
Бу кунлар кирмаган ухлаб тушига.

Амир ҳузурида онаизор шод,
Пойида гул бўлиб ётар истибдод.

* * *

Сиздан йироқ кетсам, соғиниб тунлар,
Кўзларимга уйқу келмас, онажон!
Чаманлар саҳнида анвои гуллар,
Сизсиз бир сония кулмас, онажон!

Тонг чоғи Сизни шод кўрмасам агар
Покиза кўнглим ҳам тўлмас, онажон!
Сизга содиқ ўғил бўлмасам агар
Севгим ҳам вафони билмас, онажон!

Меҳрингиз қалбимда сўнмас аланга,
Ҳаётим гулшани сўлмас, онажон!
Қўшиғим бир умр ўлмас, онажон!

Яхшилик қилмасам азиз одамга,
Юрагим оромни билмас, онажон!
Ҳаётдан кўнглим ҳам тўлмас, онажон!

* * *

Ўғлига сеп йиғди она неча йил,
Келин орзусида билмади ғамни.
Чинордек гуркираб улғайган ўғил,
Гўзалроқ кўрсатди унга оламни.

Ўғлининг қалбига назар солгач ул,
Зиёсин кўролди ишқ ёққан шамни.
Она ташвишларин унутиб буткул
Кўргани отланди ўша санамни.

Бошига бахт қуши қўнгандай ўғил
Номозшом қаршилаб олди онани.
«Қўл етмас юлдузни танлабсан» деб ул
Совчиликка танлаб қолди одамни.

Она қувончидан деярди фақат:
— Келин олиб келар уйга фазилат.

* * *

Қалдирғочдай учиб кетди болалар,
Чолу кампир қолди ховлида ёлғиз.
Улар кеча-кундуз ўқиб дуолар,
Фарзандлар умрини тилайди ҳануз.

Ўксиш нима билмас, умридан мамнун,
Дастурхонни ёзса, бордир илинжи.
Ўғил-қизларини кўргали ҳар кун
Шаҳарга тушмаса йўқолар тинчи.

Дам олиш кунлари — уйида бозор:
Невара-чевара — улар тизида.
Фарзандлар хизматга этар жон нисор,
Келинлар ош дамлар йўқдай ўзида.

Чол-кампир қишлоқда яшайди мамнун,
Уйи бозор бўлар ҳафтада бир кун.

* * *

Фарзандингга бўлиб парвона,
Ёқиб меҳр чироғини, ёр.
Сен ҳам бўлдинг табаррук она,
Безаб башар гулбоғини, ёр.

Кўзларига боқиб беармон
Унутасан дунёни гўё.
Сени кўриб бошида хандон,
Шодлигингга чулғанар дунё.

Қиқир-қиқир кулганида у
Қўшилишиб куласан бирга.
Юрагингда энг олий туйғу
Орзу бўлиб йўғрилар нурга.

Эркам, яна Шаҳлодан зиёд,
Ҳаёт сенга не қилсин бунёд!

* * *

Фарруҳхонга

Осмон деган сирли бир дунё
Жамолига боқдик ҳайратда.
Ўлтиргин деб юксак ҳайъатда,
Сенга бир боғ айладим бино.

Кезар бўлсанг ушбу боғ аро
Қалбин очур сенга одамлар.
Хотирингга келур бу дамлар,
Боғ кўркига бахш этсанг оро.

Одамларнинг изидан унда
Юлдузларни териб олурсан.
Самовотга сен йўл солурсан,
Кафтинг узра қуёш кулганда.

Унутмагин, ўшанда зинҳор,
Она еринг сенга интизор...

* * *

Доктор укол қилди сенга, қизгинам,
Сенгамас, санчилди менга бу игна.
Бирдан лат егандай бўлдию сийнам,
Кўзимга ёш келди меним, Нигина.

Менга келса эди сенга келган дард,
Жон-жон деб тутардим кўксимни унга.
Қўнмасин дер эдим кипригингга гард,
На қилай, ноилож қолдим, Нигина.

Бир кун ҳароратинг пасаймади ҳеч,
Доктор жонин фидо айлади сенга.
Онанг ҳам парвона бўлди эрта-кеч
Кўргунча ҳаётбахш кулгинг, Нигина.

Сен кулдингу бирдан ёришди дунё,
Дунёга кулгини сен бердинг гўё!

* * *

Онасин кўксига бош қўйиб аста,
Мириқиб, беозор ухлайди қизим.
Оташин меҳрини этиб пайваста,
Қошида парвона севган юлдузим.

Йиғлаб қолса борми ярим кечада,
Ҳатто йиғисидан ҳаловат топар.
Ўз бахтини кўриб мурғак ғунчада,
Бошидан сочмоқчи бўлар сийму зар.

Юзу кўзларидан ўпади тўйиб,
Сочларин бўйидан сархуш бўлади.
Ўзининг уйқусин бир ёққа қўйиб,
Фарзанди бошида тонгдек кулади.

Она учун фарзанд — энг буюк бахтдир,
Фарзанд учун она — энг буюк тахтдир.

* * *

Уч азиз фарзандим мендан йироқда,
Қалбимдан сирқийди соғиниш қони.
Ҳижрон ўқи пора этган юракда
Яраланган қушдай отанинг жони.

Тунлар термиламан суратларига,
Авайлаб, тонггача кўзга суртаман.
Ўрганиб қолгандим одатларига,
Энди ёлғизликда, нетай, ўтда мен.

Тушларимда кўриб, ёдлаб исмини,
Қуёш чиқишини кутаман бедор.
Соғиниш азоби ўртар жисмимни,
Биргина сўзига қалб шўрлик хумор.

Ҳижрон дарёсида оқиб беармон,
Умид соҳилига сузаман ҳамон.

* * *

Парвоз учун ёзаркан қанот,
Бургут кўзлар чўққини доим.
Самода чарх ургани заҳот,
Тутмоқ бўлар булутлар пойин.

Толиб қолса қаноти агар,
Чўққи узра қўнади бирпас.
Учмоқ бўлиб юлдузга қадар,
Ҳаловатни қилмайди ҳавас.

Темирқанот боласига ҳам
Ушбу дарсдан беради сабоқ.
Полапонлар камол топган дам
Онасидай бўлар довюрак.

Чўққини забт этса боласи,
Рози бўлур ундан онаси.

* * *

Тўрт минг чақиримдир икки укам ораси,
Иккиси ҳам азиз юртга содиқ бир аскар.
Қалбим машъал этган йигитларнинг
сараси,
Бахтимизни қўриқлар мижжа қоқмай
шом-саҳар.

Бири жасур танкчи Улуғбек тупроғида,
Ат-Термизий Ватанида бириси чегарачи.
Волидаси интизор Сирдарё қирғоғида,
Фарзандлар соғинчин йўқ асло
чегараси.

Каптардай чарх уриб хатлар учса
ҳавода,
Уйимнинг қошида — икки қалбнинг
қуёши.
Онажоним нигоҳи бир дам кезар
самода,
Кўзларидан тирқирар ҳижрону соғинч
ёши!

Жайхун билан Сайхун учрашганда бир
лаҳза,
Яна соғинч дарди солар қалбимга ларза.

* * *

Пахтазорим сўнгсизлиги — баҳрим
кенглигидандир,
Ҳар толасин кумушлигин —
кўнглимнинг поклигидан.
Пўлат отни ўйнатишим — ишим
ўнглигидандир,
Эгатларин ойдинлиги — йўлимнинг
оқлигидан.

Юлдуз мисол чаманлиги — бахтим
кулганидандир,
Осмонўпар хирмонлари — кўнглимнинг
тоғлигидан.
Пахтазордай уйғоқлигим — аҳдим
бўлганидандир,
Чаноқлардай жилмайишим —
кўнглимнинг чоғлигидан.

Қуёш бўлиб нур сочишим — қалбим
оташлигидандир,
Оби ҳаёт бахш этишим — меҳрим
дарёлигидан.
Миллион-миллион тонналарим — элим
қардошлигидандир,
Олтиндан тахт қурганлигим — меҳрим
гиёлигидан.

Ризқу рўзим бутунлиги — эрким
тенглигидандир,
Хирмонимнинг юксаклиги — халқим
чўнглигидандир.

* * *

Пахтазор қўйнига чўкмиш фараҳли
бир тун,
Эгатлар оралаб эсар сарин шабода.
Чаноқлар жилмайиб унга лаб очар беун,
Лабида инжудек шабнам гўёки бода.

Чаноқлар лабига боқиб, япроқлар секин
Шивирлаб сирлашар терим завқини гўё.
Қуёшдан қарз олган нурин ой сочар
мамнун,
Пахтазор оғушин айлаб кундуздай рўшно.

Юлдузлар суқ билан боқар Арши
Аълодан,
Чаноқлар жилвасин кўриб, тинар
кўзлари.
Пахтазор бир инъом кутар субҳи
сабодан,
Қуёшни кутгандай интиқ деҳқон
қизлари.

Чаноқлар чирсиллаб бир-бир очилар
хандон,
Субҳидам этгали ўзин инсонга эҳсон.

* * *

Ўзбекистон бўйлаб кезар куз бобо,
Деҳқонлар белига тол хивич боғлаб.
Олтин саватида ҳосил бир дунё,
У кезар, энг сўнгги бурчини оқлаб.

Кечаги гавжум боғ қолган ҳувиллаб,
Боғбонлар кўммоқда токлар зангини.
Пахтазорда зангор кема гувиллаб,
Куну тун қизитар терим жангини.

Саришталаб барча ишни куз бобо,
Очиқ чеҳра билан жилмаяр қишга.
Хурсанд қучоқ очиб дейди: «марҳабо!»
Нуқта қўйилгандай бўлар ташвишга.

Одамзод умрига куз тушса агар,
Афсуски, бор иши тугамай қолар.

* * *

Шеърият — бу сирли коинот:
Башарий орзулар макони,
Оташли армонлар фиғони,
Чақмоқдек чақнаган хаёлот.

Шеърият — бу сўнгсиз самовот:
Шуълали юлдузлар осмони,
Ой билан қуёшнинг бўстони,
Табаррук тупроққа муножот.

Шеърият — бу замон имони:
Инсофга чорловчи диёнат.
Бу жасур юраклар исёни.

Шеърият — бу зафар, талафот.
Фикрату туйғулар уммони,
Бу — шоир излаган саодат.

* * *

Туйғуларим — менинг бойлигим,
Қалбимдаги оташ хазина.
Баҳордаги тошқин сойлигим,
Маънолардан бунёд дафина.

Туйғуларим — менинг парвозим,
Соф қалбларга қўнган кабутар.
Дарёларни янгратган созим,
Шеър чамани очилган дафтар.

Туйғуларим — менинг борлигим,
Уфқдаги тонгим шафақи.
Дўстларимга эзгу ёрлиғим,
Ҳаётимнинг гуллаган боғи.

Туйғуларим — пок муҳаббатим
Ва душманга ўтли нафратим.

* * *

Устозларни эъзозлаб, толеидан
бўлиб шод,
Айтган доно ўгитин шаксиз келтириб
бажо,
Баъзи ножўя ишин ўзига кўрмай раво,
Устозлар соясида қолиб кетди бир
авлод.

Устозларга айлашиб ҳурмат қасрини
бунёд,
Шогирдлик чизиғидан бир қадам чиқмай
асло,
Одоб бирла бош эгиб, бўлишар деб
раҳнамо,
Устозлар соясида қолиб кетди бир
авлод.

Бу — менинг авлодимдир, қирқдан
ошмиш ёшлари,
Тоғни толқон қилгудек кучи бор
билагида.
Шеър заҳматин чекиб лек эгилгандир
бошлари.

Соянарвар бўлмайлик арғувонлар
тагида,
Кўксимизга тегсин, деб, офтобнинг
оташлари,
Дунёнинг дарди ёнар ўт бўлиб юрагида!

* * *

Эй навқирон шоирлар, биздан бўлинг
жасурроқ,
Ўзни намоён этинг, даврон келган
чоғида.
Қолиб кетманг бир умр сиз шогирдлик
боғида,
Вақтни ўтказиб зое надомат чекманг
бироқ.

Қалби ўтли шоирлар чироғи ёнар
порлоқ,
Мангу яшар халқимиз кўзию қарогида.
Майли, мангулик истаб, бу ҳаётнинг
боғида
Машъалдек ёнсангиз бўлур яна
яхшироқ.

Ёнмай туриб, ўзгани ёндираман,
демангиз,
Бир умр тутаб ёнмай, бир бор ёнинг
лов этиб.
Ҳамид Олимжон бўлиб, майли барқдек
сўнсангиз.

Устозлардан ўтингиз юрагингиз дов этиб,
Бир қутлуғ тонгда агар чўққиларга
қўнсангиз,
Бошда тутар авлодлар қалбингиз
ялов этиб!

* * *

Тоғларни дейишар дунёнинг томи,
Ернинг кўз ёшимиш қайнар булоқлар.
Лолалар — қирмизи май тўла жоми,
Юрак қон томири — сирли сўқмоқлар.

Осмонни кафтида тутган қоялар —
Юлдузлар кўшкига қўйилган устун.
Тошларни тешгудай тик шаршаралар,
Аждодлар қалбидан отилган тўлқин.

Сирли қўшиқ айтган асрий чинорлар,
Кўҳистонлик мардлар умрига ҳайкал.
Дарада ҳайқирган тошқин анҳорлар,
Қўли гул инсонлар ҳукмига маҳтал.

Адашиб қолмасанг сўқмоқда агар,
Тоғлар ҳадя этар сенга сийму зар.

* * *

Тоғдан бошланади аслида дарё,
Дарё билан гўзал кўринар тоғлар.
Гўзаллик мулкига асирманми ё,
Нечун улар доим ақлимни боғлар?

Тоғлар ва дарёлар бўлмасайди бор,
Ер чатнаб ётарди қуёш ўтида.
Ҳаёт деб аталмиш ажиб шаҳсувор,
Даврон сурмас эди ер муҳитида.

Тоғлар она мисол собит, заҳматкаш,
Сафарга йўллайди дарё – ўғлини.
Қайтиб бормаса-да қошига яккаш,
Ҳижрон парчаламас унинг қалбини.

Фарзанди қайтмаса агар қошига,
Дунёни кўтарар она бошига!

* * *

Ўн қадам нарида ўзга бир диёр,
Қовжироқ лаблари бўртиб турибди.
Балолар домидан кўзида ғубор,
Юзини қўёшга тутиб турибди.

Ҳарбий полигонлар зарбидан беҳол,
Танклар занжиридан кўксида яра.
Кишанлаб ташланган арслон мисол
Янкилар зулмидан жисми садпора.

Ўн қадам нарида ҳижрон диёри
Истиқлол юртини кўриб турибди.
Лочиндай талпиниб саодат сари
Кўксида бир юрак уриб турибди.

Эркни машъал этса гар янги авлод,
Ўн қадам нарида жилмаяр сарҳад!

* * *

Хьюстонда юзма-юз икки манзара,
Бир ёнда қашшоқлик, бир ёнда зафар.
Очликдан фуқаро юраги яра,
Бойларнинг белида олтиндан камар.

Ой саҳнига қадам қўйдию инсон,
Ҳайратда қолдирди бутун оламни.
Космос деб пул сочди улар беомон,
Лекин юволмади дилдаги ғамни.

Америка чиққан сари юксакка,
Уруш деб кетмоқда шунча юз тубан.
Ирқий тенгсизликдан ботиб ботқоққа
Фалакка топинар бугун Хьюстон.

Ернинг дард-ғамига тополмай чора,
Ойни ўйлар, Америка — бечора!

* * *

Ишонган одаминг тортди оёқдан,
Деворга ногаҳон урилди бошинг.
Кўзларинг мош каби очилган чоқдан,
Кимлигин англадинг дўсту кардошинг.

Уйингга қайтдингу маъюс, паришон,
Болишга бурканиб ингрединг беҳол.
Бошингга оғир кун тушганда, ишон,
Бегоналар келди сўргали аҳвол.

Ишонган дўстларинг бўлишди «қуён»,
Сени кўрса, йўлни ўтдилар четлаб,
Бугун-чи, ўшалар кутишар чунон,
Янги мансабингдан бир нима чўтлаб.

Бошингга ногаҳон тушганда кулфат,
Ким дўсту ким душман билинар фақат.

* * *

Юлдузга чанг солган чўққида бугун
Кибру ҳаво билан турибди танҳо.
Сололмасдан сенинг қалбингга тўлқин
Дарада шовуллаб оқмоқда дарё.

Дарё садосига боқмайин илҳақ,
Мендан ўрган, дейсан, мағрурлик
дарсин.
Еру осмон аро бўлиб муаллақ,
Узолмай турибсан ҳаётнинг қарзин.

Мендай оқ, дер, дарё минг газ
пастликдан,
Сен бўлсанг, чўққидай қотиб турибсан.
Мағрурлик кўкида авжи мастликдан
Таъна тошларини отиб турибсан.

Юлдуздан паст, ердан баланд бўлгунча,
Одамлар сафида бўлгин бир кунча!..

* * *

Узоқдан таралар мунгли мусиқа,
Шодон кўнгилларни тилка-тилкалаб.
Ҳеч ким демас унга: «Бас қилгин, ука,
Мусиқанг юракни кетди нимталаб!»

Ҳамма тинглар маъюс, чиқиб айвонга,
Наво бешигида тебранар бошлар.
Асрлар ғамидан диллар вайрона,
Кўзлардан мўлтираб тўкилар ёшлар.

Авжига чиққанда узилдию тор,
Қайдандир янгради ғарбча ғата-ғут,
Бир куйчи қалбига солгандай човут.

Торингни улагин тезроқ, бастакор!
Ғата-ғутдан батанг бўлмасин қулоқ,
Сен чалгин бўлса ҳам, майли,
мунглироқ.

* * *

Дунёнинг тагига етмаган ҳеч ким,
Балки сен ҳам, мен ҳам етмасмиз.
Лек дунёни ташлаб кетмасмиз,
Ўз хоҳиши билан кетмаган ҳеч ким.

Ғанимига қилич тутмаган ҳеч ким,
Балки сен ҳам, мен ҳам тутмасмиз.
Таъзим-ла қошидан ўтмасмиз,
Ғанимга бош эгиб ўтмаган ҳеч ким.

Май истаб, оғуни ичмаган ҳеч ким,
Балки сен ҳам, мен ҳам ичмасмиз.
Оғу деб, майдан лек кечмаган ҳеч ким.

Юртни ташлаб, ўзга юртга кўчмасмиз,
Кеч, деса, жондан ҳам кечамиз, дўстим
Ва лекин Ватандан кечмасмиз.

* * *

Ҳисобли дунёдир бу дунё, дўстлар,
Бугун бериб, эрта қайтиб олади.
У кеча берганин эсга солади,
Ҳисобдан адашманг, сиз асло, дўстлар!

Инсофли дунёдир бу дунё, дўстлар,
Биз кетиб, бир куни ўзи қолади.
Ўрнимиз навқирон насл олади,
Сизлар ҳам инсофли бўлинг, о дўстлар!

Имонли дунёдир бу дунё, дўстлар,
Ўлим олдида ҳам тонманг имондан,
Тониб ё бўлмангиз юз қаро, дўстлар!

Умрингиз қадрини сўранг замондан,
Виждонли дунёдир бу дунё, дўстлар,
Виждонсиз ўтмангиз ушбу даврондан!

* * *

Кун билан тун икки қутбга ўхшар,
Бирида ёруғлик, бирида зулмат.
Ҳаёт боғин безар бу икки манзар
Бирида ҳаловат, бирида қудрат.

Одамзод қўлини қадоқ айлар кун,
Тун эса жисмига бағишлар ором.
Кун агар қуёшдай жилмайса мамнун,
Ойни коса қилиб тун тутади жом.

Кун юзин қопласа бемаврид булут,
Қалбинг ёритолмас тун ёқиб чироқ.
Кун агар қалбингга сололмаса ўт,
Тун айлар оромни жисмингдан йироқ.

Кун билан тун қадрин англамоқ зарур,
Шу икки қутбдан иборат умр!

* * *

Бир бор келар экан дунёга одам,
Умр дарахти ҳам гулларкан бир бор.
Бу ҳаёт боғини қилгани кўркам,
Меҳнат ва курашни этаркан шиор.

Ватан деса сира аямаскан жон,
Адо этар экан халқи не деса.
Ҳақ иш учун кўксин этаркан қалқон,
Музга ҳам кираркан қалби буюрса.

Фарзанди бошида бўлиб соябон,
Ҳатто кипригига қўндирмаскан гард,
Оқ ювиб, оқ тараб, фидо қилиб жон.
Бўлсин деяр экан ботир ва жўмард.

Ватан деб, халқин деб, фарзанд деб
инсон,
Бу ҳаёт боғини этар гулистон.

* * *

Бизнинг умримизнинг вориси бўлиб,
Қолган умримизни фарзандлар яшар.
Биз ошмаган тоғдан фарзандлар ошар,
Юрар кўчаларни биздек тўлдириб.

Юртимиз бошида қуёшдек кулиб,
Бизлар ҳавас қилган боғдан гул узар.
Оталик номимиз шон билан безар,
Чеҳрасидан турар ёғду тўкилиб.

Дўстимиз фарзанди билан дўстлашар,
Душманлар фарзанди дўст бўлмас асло.
Бизнингмас, ўзининг ақли-ла яшар.

Кўзида ёш билан, йўқ, кулмас асло,
Ғоямизга содиқ қолур фарзандлар,
Номимиз мангудир, йўқ, ўлмас асло!

* * *

Соғлиқ — туман бойлик, дейди
халқимиз,
Ёру дўст бахтига доим соғ бўлинг.
Фарзандлар бошида турган тоғ бўлинг,
Касал бўлмакка ҳеч йўқдир ҳаққимиз.

Юз йил умр кўрсак, дўстлар, ҳақлимиз,
Бўронда ҳам ўчмас бир чароғ бўлинг.
Ғам деган балога тиғ-яроғ бўлинг,
Шодлик саробидан ёнсин қалбимиз.

Қайғудир азалдан умр эгови,
Одам жони турар игна учида
Мисли чўққидаги ҳаёт ялови.

Умр тобланади ҳаёт печида,
Қордан олов ёқар келса қалови,
Келмаса, дард бўлиб қолар ичида.

* * *

Бир йигит қирқ йилда бўлади бино,
Одам бўлиш қийин бир савдо экан.
Унинг дардларини уқса гар дунё,
Бу дунё жаннатдай бир дунё экан.

Уқмаса, бу дунё чархи бегардун,
Боғи Эрам эмас, дўзахи оташ.
Унинг нағмасига ўйнаган мардум —
Бахт кўкида ногоҳ тутилган қуёш.

Қуёш тутилмасин десангиз агар
Адоват меҳрга солмасин соя.
Кўнглини кўтармоқ учун тоғ қадар.

Инсонга яхши сўз ўзи кифоя.
Инсон дардин уқар дунё муқаррар,
Қалбга ҳамдам бўлса шу эзгу ғоя!

* * *

Қадам қўйма гуноҳ тиканзорига,
Савоб гулшанида сайр қил, инсон.
Эзгулик тоғига тайр қил, инсон,
Лек қўнма, қоялар музу қорига.

Эрк берма қабиҳлар шум карорига,
Мурувват дурини хайр қил, инсон.
Қисмат китобини таҳрир қил, инсон,
Юз тутма, ёмонлар чанг, ғуборига.

Шод бўлсанг дарёдек тошма қирғоқдан,
Жилғадек қурима ғам чексанг, инсон.
Малҳам топ, эл деган тоза булоқдан.

Ҳамдард бўл, инсонга жон тиксанг,
инсон,
Ризқи-рўзинг изла она тупроқдан,
Заминга таъзим қил, дон эксанг, инсон!

* * *

Мағрурлик — асов от, эгар урма, қўй,
Оёқ қўйма пўлат узангисига.
Одат қил камтарлик қирчанғисига,
Катта йўлдан уни четга бурма, қўй.

Қум устида, дўстим, бино курма, қўй,
Қулоқ сол, ҳаётнинг янгроқ сасига.
Маст бўлма шуҳратга — зира исига,
Ердан оёқ узиб, кўкда юрма, қўй.

Бу — ҳаёт! Эл билан бир дарёда оқ,
Пўкакдай отмасин сени қирғоққа.
Қаро тунда излаб юрмагин чироқ.

Асов от минганлар бормас узоққа,
Эл кунига ярар қирчанғи бироқ,
Доно инсон бино қурмас қумлоққа!

* * *

Ўйнашма инсоннинг қисмати билан,
Қўлингда бўлмасин ўйинчоқ.
У инсон, эмасдир қўғирчоқ,
Суюқдир инсон ўз қисмати билан.

Ўйнашма инсоннинг қисмати билан,
Тебратма мисоли арғимчоқ.
Сен учун у бўлмас арғумоқ,
Буюқдир инсон ўз ҳикмати билан.

Қаҳ-қаҳ уриб кулма инсон устидан,
Қўйнингга тўлдирма пуч ёнғоқ.
Ўзинг ҳам яралган инсон пуштидан.

Ўзлигинг унутма, кел, бир боқ,
Одам боласи бўл, сен ҳам, дўстгинам,
Сўнг бўлар ўзингга яхшироқ.

* * *

Қўй энди, сўзлама ҳавойи баланд,
Булбулдек сайрама минбардан ғолиб.
Сенга тушибди чек улуғлар қолиб,
Анжуман аҳлини қилгин-да писанд.

Нечун чиранасан читтакка монанд,
Зиғирдек жонингни минг ўтга солиб.
Ё лаҳча чўғни сен кафтингга олиб,
Оғзингга солдингми, ўйлаб хўрозқанд.

Ўйлама, ўзингни файласуфман деб,
Нотиқлар кўп элда сендан донороқ,
Лек улар бермайди ўзларига зеб.

Бу минбар не десанг чидади узоқ,
Ундан сендек тутаб сўзлаганлар кўп,
Сен эса сўнггиси эмассан бироқ.

* * *

Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил,
Инсонлик унвони барча учун тенг.
Одамлар тўн бўлса, сен бўл унга енг,
Ўзгани осмону, ўзингни ер бил.

Ёши улуғларни ўзингга пир бил,
Кичикни кўрганда бағринг очгин кенг.
Тариқдек бўлса-да юзни безар менг.
Бирон айтган гапни сайрама, сир бил.

Манманлик тоғига қадам қўйма ҳеч,
Бу тоғда омонат турар тошлар ҳам.
Қуласанг, суяшга бўлиб қолар кеч.

Бир куни эгилган мағрур бошлар ҳам,
Эгилган бошни лек кесмаган қилич.
Одамлар ёнидан жой берган, укам!

* * *

Бировга ёмонлик қилма, эй инсон,
Сен — иснод бўлмагин инсон номига.
Сен — заҳар солмагин инсон жомига,
Ҳасад кечасида тупурмагин қон.

Бу ёруғ дунёдан ўтма беимон,
Ўзингни отмагин фитна комига.
Қалбингни ташлама қасос домига,
Адоват даштида кўтарма тўзон.

Тикандан тўқима либосинг зинҳор,
Тилингдан заҳармас, томсин шакар, бол.
Сени кўрган кимса демасин маккор.

Сен учун фарзандинг топмасин завол,
Отам шу демакка у қилмасин ор.
Сен ахир, инсонсан, эмассан дажжол!

* * *

Ўзни баланд тутма, эл билан тенг кўр;
Эл улкан дарёдир, оқади равон.
Равон дарёда ҳеч ғарқ бўлмас инсон,
Лек англа, эл сен-ла эмасдир тенгкур.

Эл неки буюрса, белни боғлаб тур,
Узоқни кўзлаган ул толмас карвон.
Карвоннинг кўнглида кўпдир дард, армон,
Эл билан яшасанг, эл ҳолини сўр.

Камтар бўл ва лекин бўлма хокисор,
Димоғдор кимсалар туртиб ўтмасин
Ва ортда судралиб юрма беозор.

Майли, олдда сенга гуллар тутмасин,
Эл билан баробар қадам ташлаб бор,
Сен қолиб, ўзгалар ўтиб кетмасин.

* * *

Эй Инсон, раҳм қил қушлар жонига,
Қозиққа осилган милтиғинг олма,
Ўқдонига ажал ўқини солма,
Ўт қўйма, жонзотлар хонумонига.

Қотиллик чоҳининг келма ёнига,
Милтиғинг бемаврид елкангга осма.
Қўлингни хун қилиб, тепкини босма,
Қўй, ерни бўяма, қушлар қонига.

Тўкилгани етар одамлар қони,
Қўрғошинлар берар қалбига озор,
Сенда бордир, ахир, инсон имони.

Ўқ узиб қақшатма табиатни зор,
Ларзага тушмасин тоғларнинг жони,
Қушлар қурсин, майли ўлкамда бозор!

* * *

Одамлар қалбини англагунча то
Берилган бир умр камлик қилади.
Яхши сўздан кўнглинг тоғ бўлса ҳатто,
Ёмон сўздан чинор каби қулайди.

Кимгаки эзгулик қилсанг, оқибат –
Не бўлур, келтирма хаёлга зинҳор.
Тегирмон тошидек айланган ҳаёт
Рақиб қутблардан чекмасин озор.

Ёмонликни кўрма ҳеч кимга раво,
Қалбингни асрагин бўҳтон тошидан.
Ғийбатларга қулоқ солмагин асло,
Бир қошиқ ичмагин ағёр ошидан.

Ҳаётнинг неъмати бол янглиғ ширин,
Унга оғу қўшар ағёр яширин.

* * *

Биродар, сен кеча эдинг пиёда,
Бугун эса отга минибсан,
Зар эгарда шод ўлтирибсан,
Кам бўлма, толеинг кулсин дунёда.

Отлиқлар кам элда, кўпдир пиёда,
Ўтирган жойингда унибсан.
Шарафли чўққига қўнибсан,
Бир отлиқ кўпаймиш яна дунёда.

Сен учиб юрибсан бугун самода,
Юлдузлар тоқига қўй қадам,
Лек бино қўймагин ҳаддан зиёда.

Бу дунё барчага хушкарам:
Отлиқлар иши тез битар дунёда,
Сен унутма пиёдани ҳам.

* * *

Сени севдим, севаман ҳаёт!
Сен – қуёшсан, мен унда ёлқин.
Сен – меҳнатсан, сенсан саодат,
Сен – дарёсан, мен сенда тўлқин.

Сен – она ер, мен бир чашмаман,
Юрагингдан сапчийман қайноқ.
Сен – қўшиқсан, сенга ташнаман,
Қўшиқ билан ҳаётман ҳар чоқ.

Сен баҳорсан, мен сенга посбон,
Жамолингга тўймайман сира.
Сен – бир гулсан, мен эса боғбон,
Этажакман сени бокира.

Сен – севгисан, сенсиз ҳеч қачон
Яшай олмас ҳаётда инсон!

* * *

Ҳаёт – сўнгсиз, сўнгсиздир дунё,
Саноқлидир дунёда инсон.
Инсон қалби бир кўзгу гўё,
Унда кўрдим севинч ва фиғон.

Сўнгсиз ҳаёт ва сўнгсиз дунё
Бўлингандир иккига бу он.
Бирига ёр Бахт деган зиё,
Бирин домга тортади ўпқон.

Бу дунёга келган ҳар одам,
Қисматида дунё тақдири.
Бу тақдирда – ҳаёт занжири.

Она ернинг қалбида алам,
Даво излар дардига бугун –
Инсон барри бўлсин деб бутун!

* * *

Не десам муҳайё айладинг, ҳаёт!
Менга кулиб боқди иқбол қуёши.
Қалбиму уйимни айладинг обод,
Сен бўлдинг умримнинг ҳассос нақкоши.

Ишқ бердинг, булоқнинг сувидай тоза,
Йигитлик чоғимда бердинг мунис ёр.
Шеъримни халқимга этдинг овоза,
Сенга маскан, дединг, шу гўзал диёр.

Бир ўғил, икки қиз этдингу эҳсон,
Шодлик чироғини ёқдинг уйимга.
Қалбимда қолдирмай заррача армон,
Булбул оҳангини бердинг куйимга.

Ҳаёт, энди сени қилай деб зебо,
Бир умр жонимни этурман фидо!

* * *

Ҳаётнинг завқидан кўпдир ташвиши,
Шу икки сарҳадда кечади умр.
Бир умр битмайди одамнинг иши,
Ташвиш билан инсон қилади ҳузур.

Эртадан кечгача пешана тери —
Дур бўлиб томади ернинг юзига.
Тундагина ташвиш чекинар нари,
Уйқу фаришгаси кўнгач кўзига.

Гўдакдай ухлайди тунда одамлар,
Кундуз ташвишидан, ғамлардан холи.
Сукунат наҳрида оқади дамлар,
Бошларини силар ҳаёт шамоли.

Ҳаётнинг завқидан ташвиш бўлса кам,
Барвақт қариб қолар ҳар қандай одам.

* * *

Ҳаётдан ўтмади умрим бесамар,
Бир ўғил, икки қиз — зурёдим менинг,
Жонимдан жон берган фарзандим
менинг,
Ворислар бахтидан бағрим тўла зар.

Мангулик бахт менга бўлмиш муяссар,
Соҳиби давлатдир авлодим менинг.
Шеъримда куйлаган дилбандим менинг,
Эл кўнглин сўз билан этдим мунаввар.

Берилган умримни ҳалол яшадим,
Юрт меҳрин жонимга айладим пайванд.
Эл билан ҳамнафас қадам ташладим.

Элу юрт меҳридан бўлиб баҳраманд,
Регистон калбидек янгратдим қалбим,
Мени ҳам ўғлим, деб эслар Самарқанд!

* * *

Шамга ўхшаб кетар менинг ҳам умрим,
Мен ҳам тунлар шамдай милт-милт
ёнаман.
Оқ қоғоз бетига эриб томаман,
Сўзлар туркумида порлар кўз нурим.

Бир кўркам хонани айлаб чароғон,
Шам ёнар милтиллаб, умридан ризо.
Мен эса ҳисларим этаман иншо,
Оқ қоғоз бағрини айлаб қора қон.

Дақиқа санайди мажнун парвона,
Пар қаноти куйиб шамнинг ўтида.
Туннинг бу фараҳли сукунатида
Гўдак ўйларимга қоғоздир она.

Қуёш васлин кўриб, адо бўлар шам,
Энди қуёш билан ён дейди қалам.

* * *

Юз йил яшамакни қилмайман ҳавас,
Андуҳли кексалик менга не керак.
Қувончдан анордек ёрилсин юрак,
Ҳар куним — бир тўйиб олинган нафас.

Мен шеърни ҳаётда билмадим эрмак,
Сўзимга кўксимни қилмадим қафас.
Инсоний қадримни билдим муқаддас,
Шоирман деб аммо кермадим кўкрак.

Элу юрт камоли, бахтин ўйладим,
Бир умр ёнди қалб сирмайин танга,
Самандар сингари ўтда куймадим.

Жон фидо бўлсин деб она-Ватанга,
Бор овозим билан бахтим куйладим,
Ёниб ўтсам дейман мисли аланга!

* * *

Икки зот қисмати руҳимиз эзар:
Бири — тиригида топмади қадр.
Бири — ўлигида бўлди беқадр,
Бу — ҳаёт дарсида қанақа ҳунар?

Бири урди шуҳрат отига эгар,
Ёшликдан шонни у кутди бесабр.
Бири бу ҳаётда кўп кўрди жабр,
Сабрдан боғлади белига камар.

Бу ҳаёт қанчалик одил, бешафқат,
Бирисин дард билан кўзи юмилди.
Бирини қабрига кузатди шуҳрат.

Бири тортган жабр лек унутилди,
Эъзозлаб, номини ёд этди ҳаёт.
Бири шуҳрат билан бирга кўмилди.

* * *

Умр қадрини билмадим қирқ ёшимгача,
Кеч англадим балки мен ҳаёт қадрини.
Балки зое кеткиздим умр зарини,
Қарзга ботдим элимдан кўз-қошимгача.

Танбеҳ берса ҳақли дўст, қардошимгача:
Гоҳ адо этолмадим юрак амрини.
Гоҳ элга тутолмадим шеър гавҳарини,
Илҳом ёлқин сочса-да ич-тошимгача.

Умр китобини безаб шеър, достон,
Эларо янгради қирқ ёшимгача.
Гоҳ мамнун, гоҳ ўксук боқдим китобхон.

Зар ёғду сочгунча тонг бошимгача
Тарки хоб этгум яна умримдан ҳар он
Шеър бўлиб етсин токи қуёшимгача!

* * *

Бу нурли дунёдан куйлаб ўтурман,
Ургут ё Самарқанд садоларида.
Сиёб ё Зарафшон саболарида
Куй бўлиб мангуга қолиб кетурман.

Мен куйлар қалбига чулғанган нурман,
«Чоргоҳ» ё «Муножот» наволарида,
«Гиря» ё «Дилхирож» ҳаволарида
Келажак авлодга бориб етурман.

Долғали кунларда бўлиб елкадош,
Замонларнинг тошқин дарёларида
Ғаввосдек сузурман — эл билан
жондош.

Ҳаётнинг оловли жабҳаларида
Номард кимсаларга бўлмадим йўлдош,
Яшарман Регистон нидоларида.

* * *

Зарафшон заридек завқ, шукуҳимни
Ҳазарга сочдиму Кавказга ўтдим.
Дилафрўз сайрда шеърни унутдим,
Беором этса-да илҳом руҳимни.

Казбек нигоҳида кўрдим толеим,
Дарялга ёлвориб кўмак ўтиндим.
Элбурс, Маъшуққа кўзимни тутдим,
Ўт бўлиб ёндирди бир шеър кўксимни.

Бештов домонида кезганда мафтун
«Ҳалқа тоғ» мозийдан сўйлади ашъор,
Гоҳ шароб айлади кўнглимни мажнун.

Бу сайри дилкушо қолмас бесамар,
Кавказ йўлларида кечган неча кун —
Умри шодасидан тўкилган гавҳар!

* * *

Сеҳргар тор чертар созанда шамол
Ва Эол арфаси янграб дилнавоз.
Чўққидан чўққига куй қилар парвоз,
Изидан термилар армонда шамол.

Машқини этмагай ҳеч канда шамол,
Насими тегсами ўйнар олтин соз.
Куну тун беором кимга сўйлар роз,
Саргашта бу чархи кўҳанда шамол.

Арфага парвона арзанда шамол,
Куй билан Маъшуқни айлаб сарафроз,
Кўнгил қулфин очар чаманда шамол.

Эол наволари дилларга ҳамроз,
Шунча сирлими бу масканда шамол,
Турфа оҳангларга жўровоз Кавказ!

* * *

Кавказ кўрки — икки бошли Элбурс
Салтанатнинг мангулик тулпорида.
Бир буюклик рамзи бор виқорида,
Казбекка тенг миллион ёшли Элбурс.

Мағрур боқар ўт қарашли Элбурс,
Нигоҳ тинар чўққилар муз-қорида.
Хаёл сўнар булутлар ғуборида,
Кун тиғидан кўзи ёшли Элбурс.

Яшил олам мавжланар канорида,
Юксакларда чақмоқ тошли Элбурс
Савлат тўкар самовот диёрида.

Бағри абад чўғ-оташли Элбурс,
Дориломон Кавказнинг анворида
Довруқ солар икки бошли Элбурс.

* * *

Лермонтов уйидан аримас қадам,
Бу ерда учрашар турли тақдирлар.
Шоирни ёд этар нурли тақдирлар,
Шаънига ёғилар лутф ила карам.

Бу уйга талпинар бутун бир олам,
Ерга ошиққандай офтобдан нурлар,
Қалбга интилгандай китобдан шеърлар,
Бу уйда роз айтар юрак ва қалам.

Шеърпараст инсонга шоир мукаррам,
Ул берар қалбига шеър билан сайқал,
Шуурин нурлатар шоир ёққан шам.

Ой кўкдан сочаркан оламга зарҳал,
Авлодлар қалбида яшайди кўркам,
Лермонтов сўз билан яратган ҳайкал!

* * *

Шифобахш сувлардан дардига нажот
Излаган кимсалар меҳроби — Кавказ.
Беором юраклар меҳвари — Кавказ,
Кавказдан одамлар излар фароғат.

Бу тоғли диёрдан завқ олар ҳаёт.
Юлдузли тунларнинг моҳтоби —
Кавказ.
Фараҳли кунларнинг офтоби — Кавказ.
Кавказдан мусиқа тинглар коинот.

Кавказ ҳавосини қўмсар — тирик жон,
Дилафрўз чашмалар сухроби —
Кавказ.
Кавказдан саодат топар чин инсон.

Илҳомбахш давроннинг хитоби —
Кавказ!
Кавказдан қон олар қалбига достон.
Шеъриятнинг мангу китоби — Кавказ!

* * *

Эй сарв, сени қадим не-не шуаро
Ёрнинг қоматига айлади қиёс.
Қайси бир ғазалхон, шеър аҳли аро
Сени ракетага ўхшатгани рост.

Эътирозим йўқдир бунга ҳеч қачон,
Қаламга олмаган шоир сени кам.
Менимча, зулматдан зиёга томон
Талпинган инсонга ўхшайсан, эркам.

Эрк ва нурга ташна одамзод насли,
Буюк эътиқодни айлаган машъал.
Оташда куйса ҳам парвона асли —
Чироққа ўзини ургандир ҳар гал.

Ёруғ кунни ҳадя этганда қуёш,
Қуёш пештоқига сарв қўйган бош.

* * *

Қўшиқ айтар денгиз менга бу оқшом,
«Минг бир кеча» янглиғ узун бир эртак.
Сув париси тутар шароб тўла жом,
Бир қултум ичмасдан сархушдир юрак.

Хаёлимда ширин, ўтли хотирот,
Денгиз тубин кўриб бўлмас бу тунда.
Сув салқини танга бағишлар роҳат,
Олма янглиғ қалбим ўйнар тўлқинда!

Қалбим окар тўлқин билан йирокда,
Денгиз айтган қўшиқ билан ҳамоҳанг.
Мағрур посбон янглиғ қоя кирғокда,
Унга ҳар тонг ташлар ҳарир шуъла ранг.

Денгиз янглиғ инсон қалби бегумон
Баъзан сокин, баъзан солар ғалаён.

* * *

Пушкиннинг изини суртиб кўзларга
Бессарабияни қилдим сайри боғ.
Ўзбек шеъриятин сўзлаб дўстларга,
Олдим Именеску назмидан сабоқ.

Кишинёв қўйнида сўлим хиёбон —
Муаззам шоирлар ажиб маскани.
Икки ёнда улар ўқийди достон,
Тўрда — Пушкин ўзга имлайди мани.

Мармар ҳайкаллардан боқар шоирлар,
Мен сукут қўйнида паришон ва лол.
Лабдан учай дейди ёлқинли шеърлар,
Хаёлим чирмайди минг турли савол.

Бир кафт тупроқ олиб ундан ёнимга,
Келтирдим Навоий хиёбонига.

* * *

Елкасига кўтарганча ўркач-ўркач
барханни,
Яраланган арслондай ҳансирайди
Қоракум.
Қучоғига кўчиргандай поёни йўқ
осмонни,
Бир томчи сув фироқида йиллар
ютади заққум.

Ўчоқ-ўчоқ олов тўкмиш куёш сўнгсиз
бағрига,
Мирзачўлнинг жамолини кўриб,
сарғаймиш ранги.
Дори-дармон топмоқ учун жисмидаги
ярага.
Тун сепини ёйганда ҳам оташда
ёнмиш тани.

Ҳазар томон оққан Аму ҳазар қилиб
Ҳазардан,
Боғларини қовжиратиб, маҳрум айлаб
баҳордан.
Орол сари бош қўйганмиш, кўксига тош
қўйганмиш.

Биз тошда ҳам боғ яратиш ишқин дилга
туйганмиз,
Сени халос этажакмиз бир томчи сув
дардидан,
Чехрангга кўрк беражакмиз
Мирзачўлнинг рангидан!

* * *

Копетдоғ чўққисин мармар кўксида
Инсон ақли тошга бахш этмиш пардоз.
Қуёшга бош қўйган харсанг устида
Тош бургут жон топмиш этгали парвоз.

Олмос кўзларида бир олам ёлқин,
Тоғни кўтарса ҳам синмас қаноти,
Лоларанг уфққа термилар сокин,
Пўлатдек мустаҳкам кучи, саботи.

Бунда аён кўрдим икки Шарқни ҳам,
Копетдоғ ўртада метин девордай —
Чегара соқчиси бургутдай ўктам.

Юртини кўриқлар мангу бедордай,
Тоғ ошиб ўтолмас калхат ҳам, зоғ ҳам,
Бу ерда посбондир бургут ҳам, тоғ ҳам.

* * *

Феруза сувлари кўнглим аллалар,
Чор атроф юксак тоғ осмон кўринар.
Тошларда чайқалар ёқут лолазор,
Баҳор оғушида бўстон кўринар.

Етти чинор бунда неларни ўйлар,
Тошлар тилга кириб ўтмишни сўйлар.
Қушлар мен билмаган қўшиқни куйлар,
Майса-гиёхида достон кўринар.

Азим чинорларин ўзи бир дунё,
Мусаффо ҳавоси минг дардга даво,
Олтин булоғида жаҳон кўринар.

Сойидан сув ҳўплар қизлар кўзаси,
Ирмоғида янграр илҳом музаси,
Феруза келиндай жонон кўринар.

* * *

Феруза қўйнида бир булоқ кўрдим,
«Етти оға-ини» чинор соябон.
Булоқ кўзгусига боққанча турдим,
Қалбимни чулғади сирли ҳаяжон.

Қалдирғочдай енгил сезиб ўзимни,
Чинор соясида ётдим чўзилиб.
Булоқ сеҳрлади менинг кўзимни,
Эзгу хаёлларим қолди узилиб:

«Ҳой, ака, бу ерда ётманг, азиз жой!»
Бир моҳи рухсорни кўрдим бошимда.
Осмондан узилиб тушган каби ой,
Кўрмовдим бундай қизни тушимда:

— Ўз она ерим-ку, қўркма, сулув қиз,
Мен учун ҳамма ер муқаддас, азиз!

* * *

Мехрингга ташнаман мен сенинг,
Оташда ёнур жон мехрингсиз.
Мехрингга ошнаман мен сенинг,
Тунлари бағрим қон мехрингсиз.

Сехринг-ла яшайман мен сенинг,
Сўнгай ишқ чароғи сехрингсиз,
Сехринг-ла яшайман мен сенинг,
Хазондир қалб боғи сехрингсиз.

Икки ўт аро бу жон талош,
Умримга қалбимдир чин йўлдош,
Танлаган йўлимдан тонмасман.

Мехрингу сехрингга қонмасман,
Ишқингдан яратиб бир қуёш,
Ўзга бир ўтда ҳеч ёнмасман.

* * *

Сен уйимнинг файзи, шукуҳи,
Фарзандларим саодатисан.
Шодлигимнинг мангулик руҳи,
Ҳаётимнинг садоқатисан.

Сен қалбимнинг топинган моҳи,
Бор умримнинг зеб-зийнатисан.
Кўзларимнинг ўтли нигоҳи,
Жонимга тенг муҳаббатисан.

Сен шеъримнинг илҳоми, оҳу,
Оташзабон завқ дунёсисан.
Ўйларимнинг сенсан гувоҳи.

Қалбдан оққан ишқ дарёсисан,
Ётдир сенга айрилиқ оҳи,
Сен — умримнинг Сурайёсисан!

* * *

Кунларим қорадир сен бўлмасанг,
Чироқ ҳам ёнмайди уйимда,
Ғам-ҳасрат кезади ўйимда,
Юрагим порадир сен бўлмасанг.

Бағрим қон, ярадир сен бўлмасанг,
Шодлик ҳам бўлмайди куйимда,
Дўст кезмас саройдир сен бўлмасанг.

Жонгинам, уйимда сен бўлмасанг
Жой топмам кўярга ўзимни,
Бир лаҳза ўйимда сен бўлмасанг

Зулумот қоплайди кўзимни,
Тонг билан куйимда сен бўлмасанг
Унутиб қўяман сўзимни!

* * *

Ҳаётда бир тушди умр йўлимиз,
Бу йўлни ўтурмиз манзил-баманзил.
Бўлса-да елкада юкларимиз зил,
Шарафли манзилга элтажакмиз биз.

Биримиз ҳорисак, бордир биримиз,
Қувват бўлар, дерлар, арғамчига қил.
Сув ичади, ахир, кўнгилдан-кўнгил,
Олмосдан ўткирдир кўзда нуримиз.

Ҳаёт йўли қанча бўлмасин оғир,
Ярим йўлда қолмас юкимиз, эркам.
Фарзандлар — қаторда норимиз, ахир.

Сен агар ёнма-ён ташласанг қадам,
Тоғни кўтармакка елкамдир қодир,
Сенсиз тоғдан оғир ҳаттоки тош ҳам.

* * *

Сен бир гулсан, гулдай яшнаб,
Гулдай кулиб тур, жоним.
Иқболингни кўр, жоним,
Менга мамнун нигоҳ ташлаб.

Сен уйимга файз бағишлаб,
Ойдек сочгин нур, жоним,
Завққа тўлиб юр, жоним,
Ишқ боғига мени бошлаб.

Ёшлигимнинг ҳамрозисан,
Сенга севгим зўр, жоним,
Сен — қалбимнинг шўх созисан.

Созимга жўр бўл, жоним,
Сен — қўшиғим парвозисан,
Давру даврон сур, жоним.

* * *

Сенинг севгинг тоза, беғубор,
Мен топурман ундан ҳаловат.
Ишқ бошига солиб маломат
Этма, жоним учқунига зор.

Андуҳларинг ҳаммаси бекор,
Юрагингга солма жароҳат,
Бу умрнинг ўзи омонат,
Унга оғу солмасин ағёр.

Гумонларга қул бўлма асло,
Озор берма ўзингга зинҳор,
Ҳасадлардан холимас дунё.

Сен борсанки оламда, дилдор,
Мени ҳеч ким этмас маҳлиё,
Сенсиз менга кенг дунё ҳам тор.

* * *

Муҳаббат чироғи ёнмаса
Кўнгил уйи зулматдир.
Дунё боғи ғурбатдир
Муҳаббат чироғи ёнмаса.

Муҳаббат чироғи ёнмаса
Кечган умр ғафлатдир.
Яшаш бахтмас, кулфатдир,
Муҳаббат чироғи ёнмаса.

Муҳаббат инсонга қўшқанот,
Дунёни кўргувчи кўзидир,
Авлодлар топинган бахт, нажот.

Инсоннинг у айтар сўзидир,
У билан гўзалдир бу ҳаёт,
Муҳаббат инсоннинг ўзидир!

* * *

Кўнглимда куй бўлиб янграр муҳаббат,
Рухимни эркалаб ҳаволанар куй.
Жисм аро жонимда ўтдай ёнар куй,
Бахт бўлиб бошимни силар муҳаббат.

Арзимни айтмасдан билар муҳаббат,
Мени маст этгани таратар хушбўй,
Дардингни даволар, дейди, бир хушрўй,
Умримга саодат тилар муҳаббат.

Томирда пўртана қилиб қонимни,
Тиғ тортмай, бағримни тилар муҳаббат,
Гоҳ ҳижрон доғида ўртар жонимни.

Гоҳ висол завқи-ла сийлар муҳаббат,
Вафо китобига ёзиб номимни,
Қалбимда бир умр куйлар муҳаббат.

* * *

Тонг билан кўрдим ёр юзида ханда,
Кўзларим нурланди шарорасидан,
Қалбим туғён урди фавворасидан,
Тонг билан кўрдим ёр кўзида ханда.

Чиннидек жаранглар сўзида ханда,
Кўнгилга бол томар иборасидан.
Рухга жон югурар ишорасидан,
Гул бўлиб яшнайди изида ханда.

Бу висол айёмин айламай канда,
Маст бўлиб кўнгилнинг иштиёқидан,
Бошимда чарақлаб куёш кулганда,

Ҳайратланиб Ишқнинг ихтиросидан,
Шеър айтгим келади ушбу чаманда,
Ёр рози эрса бас ҳар мисрасидан!

* * *

Ҳаёт гулшанида бир умр мастман,
Севги шаробидан бир қултум ичиб,
Гўёки юрибман кўкларда учиб,
Зуҳро юлдузига жон пайвастман.

Фарҳоду Тоҳирлар билан ҳамдастман,
Қайсдек ovораман оромдан кечиб.
Дардимни шеър билан тошларга чекиб,
Тоғ аро адашган ишқи сарбастман.

Гар қўйсам муҳаббат жумбоғин ечиб,
Бу чигал ҳаётнинг қолмас қизиғи,
Бахт қуши кетади бошимдан учиб.

Нишонга олса-да, айрилиқ тиғи,
Сархушман, муҳаббат парисин қучиб,
Йўлдан адашма, дер, ёрнинг чизиғи.

* * *

Уй обод ўзининг бекаси билан,
У билан чироқ ҳам равшан ёнади.
Мехридан нурланиб гулшан ёнади,
Уй гўзал ўзининг эгаси билан.

Уй кўркам ўзининг эркаси билан,
Фарзандлар офтобдан тонг уйғонади.
Мехр юлдузидан кўзлар қонади,
Уй порлоқ ўзининг эртаси билан.

Оила тинч бўлса, уй эрур жаннат,
Қарс ҳам икки қўлдан чиқади, ахир,
Оила — аслида кичик бир давлат.

Ота шоҳ бўлса гар вазир онадир,
Фарзандлар — давлатда соҳиби қудрат,
Лек тотув бўлсин дер шоҳ билан вазир.

* * *

Ўз билганини қилмаган шоҳлар,
Вазирлар айтганин этишган адо.
Вазирсиз — бетаёқ қолгандай гадо,
Ўзи қилганини билмаган шоҳлар.

Савобли бирор иш қилмаган шоҳлар,
Маслаҳат бермаса вазирлар танҳо.
Вазирлар қанчалик бўлмасин доно,
Бошидан тожини бермаган шоҳлар.

Қора юрак бўлса вазири агар
Гадо этиб қўйган доно шоҳни ҳам,
Ғазнада қолдирмай тариқча гавҳар.

Соф кўнгил вазир-чи, гадо шоҳни ҳам
Бадавлат айламиш, этмиш суханвар.
Сен ҳам шу вазирга ўхшайсан, эркам!

* * *

Мен сени излайман, сенинг изларинг
Муқаддас кўринар менинг кўзимга.
Мен сени излайман, сенинг изларинг
Ўхшайди шеър қилиб айтган сўзимга.

Мен сени излайман, сенинг изларинг
Гул бўлиб очилар юрган йўлимда.
Мен сени излайман, сенинг изларинг
Чўғ ташлар, шусиз ҳам куйган дилимга.

Мен сени излайман, сенинг изларинг
Умид бахш этади орзу-ўйимга.
Мен сени излайман, сенинг изларинг
Ҳамиша элтади мени уйимга.

Шу уйда кутади мени кўзларинг,
Уйимга элтади сенинг изларинг.

* * *

Эртага учарман ёнингга, эркам,
Висол айёмига қолди бир кеча.
Айрилиқ тунида адо бўлган шам
Сингари ёнурман то тонг отгунча.

Тонг билан кўнглингни айлаб чароғон,
Уйингга қуёшдай кириб борурман.
Кўксинг узра қўйиб бошимни шодман,
Бир нафас жимгина кўнглим ёрурман.

Чарос кўзларингда кўриб ўзимни,
Ғилофга солурман ҳижрон қиличин.
Унутиб қўйгандай айтар сўзимни,
Қошингда боладек жилмайишим чин.

Сени деб кўзимга келмайди уйқу,
Шу бўлса керакдир ишқ деган туйғу.

* * *

Қайтар бўлсам сенинг ёнингга,
Дарё мисол тўлқинланаман.
Малҳам бўлай дейман жонингга,
Қуёшдайин лов-лов ёнаман.

Кўзларингнинг кўрсам қорасин,
Кўнглимда ҳеч қолмайди армон.
Топгандайин дардим чорасин,
Кўксим бўлур бошингга осмон.

Кетар бўлсам сендан узоққа,
Тинган бўлур дарё тўлқини.
Кул бўлгандай чўғлар ўчоқда,
Қалбда қолмас қуёш ёлқини.

Айт-чи, ўша дарё ва қуёш
Қай чаманга олиб кетар бош?!

* * *

Йўлларимга қараб толди кўзларинг,
Ҳар лаҳза йил каби туюлди сенга.
Бир жуфт юлдуз бўлиб қолди
кўзларинг,
Кўкдан ишва билан термилиб менга.

Мен сени, сен мени ёдлаб кунба-кун,
Ҳижрон тунларини уладик тонгга.
Висол қўшиғидан маст бўлиб бутун,
Оламни тўлдирдик ишқий оҳангга.

Севги деган сирли дунё боғида,
Чашмадай мавж уриб оқди қалбимиз.
Лола лаб очгандай умид тоғида,
Фарзандлар меҳридан сархуш бўлдик
биз.

Иккимиз бўлмасак бунча бахтиёр,
Севги ҳам дод солиб, йиғларди зор-зор.

1960—1970

ФАРДЛАР

* * *

Навоий демаган ҳикмат қолмади,
Ҳикмати етмаган миллат қолмади.

* * *

Тўғри бўл, эгрилик душманинг бўлсин,
Ҳалоллик — сайр этган гулшанинг
бўлсин.

* * *

Чақмоқлар чақдилар бошимда менинг,
Дажжолдек турдилар қошимда менинг.

* * *

Шоҳнинг фарзандига юрт ила сипоҳ,
Дарвеш фарзандига масжид, хонақоҳ.

* * *

Кун сайин тўкилмиш кўзимнинг нури,
Йил сайин камаймиш қалбимнинг қўри.

* * *

Ҳаёт бахти — кўрмоқ ўзга қувончин,
Дилингда қозонмоқ ўзга ишончин.

* * *

Нимани истайман? — Билмайман ҳамон,
Истамаган нарсам беш қўлдек аён.

* * *

Қумликлар қизиғидан куяди оёқ,
Чанқоқлик тўзоғида қурийди томоқ.

* * *

Зоҳирий порлоқлик ҳаётимизда:
Назмимиз, насримиз, баётимизда.

* * *

Туйғуларга тўлғин кўкраги,
Кўкрагида шернинг юраги.

* * *

Бир орзу шамига қилдилар сажда,
Бир иқбол тонгидан кутдилар мужда.

* * *

Миллатим отаси Навоий эрур,
Отани қуёшдек бошга кўтарур.

* * *

Ислоҳот жабҳаси — Истиқлол жабҳаси,
Ҳуррият китобин жанговар саҳфаси!

* * *

Саломатлик бахтидан бўлак
Ҳеч нарсани истамас юрак.

* * *

Ургут чинорлари — юртдошим менинг,
Каттаю кичигу қўрдошим менинг.

* * *

Бўйнидан илинар бир кун муғомбир,
Умрингда бир марта ҳақ гапни гапир.

* * *

Олис Хуросондан Туркистон қадар
Ўзбеклар — дашт аро сочилган гавҳар.

* * *

Ҳар кўнгил қулфига калит излар у,
Ҳақ қарор топсин деб одил сўзлар у.

* * *

Абгор қилолмади кўрсатиб ситам,
Ёруғ кунни ваъда этди субҳидам.

* * *

Даврimiz юзида сўгалдек холлар:
Қорасоч кампирлар, соқолсиз чоллар.

* * *

Олифта бангилар, майхўр гадолар
Асримиз бошига тушган балолар.

* * *

Мансаб дарахтига осилди маймун каби,
Мевасини териб емоқ эди матлаби.

МАНСУРАЛАР

Донолик — инсонлик тожини безаган гавҳардир.

Ақл — кишилик дарахтининг самаридир.

* * *

Жаҳл — Ақл дарахтини қулатган қуюндир.

* * *

Ботирнинг қиличи, шоирнинг қалами синмас.

* * *

Гулни алафдан, мевани қуртдан асрайлик.

* * *

Ҳаёт — асаларининг уяси, асалини еган киши заҳарига ҳам чидаши керак.

* * *

Баланд тахт яратиб бераман деб бахтдан айирмаслик керак.

* * *

Қаҳр дарахтини экиб, беқадрлик мевасини териб олманг.

* * *

Муҳфалар

ДОН ЖУАН

БАҒИШЛОВ

(Байрондан)

1

Боб Саути! Сен — шоир, лауреат,
Ҳам бардлар вакили, бу-ку жуда соз!
Тори беги бўлиб топдинг шон-шуҳрат,
Бу энди расм-ку, чиқими ҳам оз.
Хўш, аҳволинг қалай, муҳтарам муртад?
Кўлдаги мактабда ўнларча овоз
Кўнглингни топгали куйлайди хиёл:
«Сеҳрли пирогда жўр қушлар мисол,

2

Қирол дастурхони узра бир маҳал
Шунақа пирогни ушатишган дам,
Одатда, жўр қушлар сайрар бемалол».
Мувақкат шаҳзода жони — бу таом.
Лочинга қалпоғи берса-да халал,
Ҳозир эрур Колриж метафизик ҳам.
У-ку кўп нарсани англатмоқ истар,
Афсуским, изоҳи жумбоққа ўхшар.

3

Сен кўрасан, Боб! Менга сабаби аён:
Юрмоқ орзунг эди, моҳирлик-ла зап
Барча бақироқдан келиб устомон
Пирогда ягона қуш бўлиб сайраб.
Кучингга зўр бердинг, дадил, бегумон
Кейин ерга тушдинг бир зумда қулаб.
Баланд парвоз сенга бўлмагай ёр, Боб!
Қанотли балиққа учиш душвор, Боб!

4

Бизнинг Вордсворт эса, беш юздан зиёд
Саҳифали узоқ «Сайри»да бисёр
Шубҳали андоза қилдики бунёд
Олимлар довдираб колишди ночор.
У ушбу ғалати жаврашни, наҳот
Таъсирчан шеърият дея солса жар.
Ижодми-йўқми бу, ё шовқин-сурон,
Ёки Вавильонча қуруқ тўпалон.

5

Ҳа, жаноблар, сизлар Кезикичгизда
Ўзингиз тортдингиз, кимки сиздан хўб.
Бир-бирингиз ўқиб, кейин ҳар сўзда
Ўзингиз мақташга мохирона ажиб.
Табиий, бир қарор тушди ўзига
Фақат ўзни тожга кўрдингиз вожиб.
Ва лекин, барибир, вақти етди, бас,
Кўлни океанга қилмоқлик қиёс.

6

Мен бўлсам, хушомад қилиб бу қадар
Ўз ғурурим ерга урмасдим асло, —
Ор-номусни сотиб бўлса-да агар
Топган шуҳратингиз, тўкин ҳаёт ё.
Акцизда — Вордсворт, ҳар ким ўрни бор,
Ҳақингиз мўмайдир, шу-да муддао.
Сиз бир аянч халқсиз, шоирсиз гарчанд,
Парнас тепалигин этсангиз-да банд.

7

Сиз лавр-ла яшириб турибсиз ҳозир.
Тақир бошингизу безбетликни ҳам.
Бўзариб қоласиз баъзан барибир.
Йўқ, мен сизга ҳавас қилмам, яширмам —
Шуҳрат тожингиз ҳам истамам, ахир,
Жанг-ла олишар-ку лаврни мудом:
Мур, Рожкрс, Кэмбол, Крабб ва Вальтер Скотт —
Сиз топган шуҳратни қилажакдир мот.

8

Жўн музам туфайли яёвман гарчанд,
Сизнинг отингиз-чи учкурдир! Лекин
Худо берсин сизга дуруст ҳижо, банд.
Шуҳрату ҳадисни. Касбдош учун
Шуҳратингизга етгум — кўплар еди панд
Бу оддий хийлага қул бўлиб бутун.
Мен эса замонга бўлдим ғазабкор,
Шуни деб, авлодлар мақташи душвор.

9

Лекин ким шуҳратни истаса агар —
Фақат авлодлардан бўлсин камтаррок:
У ўзини этиб қўяр ярадор

Шунақа ғояни айтса тумтароқ.
Пайт келиб, Доҳийни давр яратур
Ва лекин одатда — кимки тубанроқ,
Ўшалар талабгор, Ўқувчим, худо —
Не кўрса, уларга шу бўлар раво.

10

Фақат маломатдан панд еган Мильтон
Қасосга чорлади Замонни — мана,
Нориёкор ҳамда саботли ҳакам —
Замон, шуҳрат берди шоирга яна.
Қувғинди, мазлум зот сўзламай ёлғон,
Истеъдодин ерга урмади, зеро
Кимки гар қилмаса ғийбат, хушомад
Золимларга қирон солур умрбод.

11

О, исён қилолса Самиул каби
Ўша чол, пайғамбар қатъий саси ҳам
Даҳшат-ла муэлатар подшолар қалбин!
О, кошки тирилса, жўшқин қалб одам!
Ожиз кўзларини тикарди балки
Жоҳил қизларига. Бахтсиз бўлса ҳам
Хушомад қиларди на тожу тахтга,
На сендай маънавий тубан бадбахтга.

12

Жиноятқор Касярей — сен қув ва
абжир,
Нозик қўлларингни иситдинг, ҳайҳот,
Ирландия қонига. Ва бўлиб моҳир
Англияда бўғдинг озодликни бот.
Қабиҳ хийла-найранг ишлатиб, ахир,
Зулмга жон фидо айладинг фақат.
Тақилган кишанни этиб мустаҳкам,
Узатдинг, тахт турган заҳарингни ҳам.

13

Ҳазар қилар барча қуруқ сафсата
Сотган чоғингда сен силлиқ, сервиқор.
«Мухлис»ларинг жўри тинади ҳатто.
Бор миллат нафрат-ла зимдан илжаяр,
Сўз ахлати қандоқ бўлади барпо —
Айланган тегирмон тошидек бекор.
У-ку олам аро исботлар, балким,
Ҳатто нутқ қийноққа қодир эканин.

14

Сенинг тутуруқсиз ишинг қабоҳат:
Эскини ямашу созлашдир нуқул.
Соҳибингга солар нимадир даҳшат,
Боғлашга баҳона миллатларни шул.
Конгресс чорлашга этмишсан рағбат
Башарни занжирда сақлаш-чун буткул.
Қул қилмишсан шунча чираниб бироқ
Одам ҳам, қисмат ҳам сени қилди оқ.

15

Хўш, аслинг ҳақида бўлур не деса?
Бўғиш ва дил овлаш — мақсадинг эрур.
Сенда бундан ўзга ният йўқ, хумса.
Кимнию қанақа — сенга барибир:
У, Евтропий янглиғ хизматга уста,
Рост, унда биргина фазилат бордир —
Мардлик, бу жасорат бўлмаса керак,
Балки шунчаки ҳис ўлимтик юрак.

16

Қаёққа боқмасин кўзларим маним,
Занжир кўрдим ҳарён. О, Италия!
Ҳатто римча руҳинг сўндирди санинг
Ўша манфур хумпар, маккор маъвия:
У ярадор айлаб Ирландия танин,
Европада қонли ишрат қурди-я.
Ҳамма ерда қуллар, тахту жаҳолат,
Ҳа, Саути — нобоп куйчисан ғоят.

17

Лек, сэр лауреат, мен айлаб журъат
Шу асарим сенга ҳадя этурман.
Алоҳида ваъда қилмам хушомад, —
Вигаларга доим яқин турурман,
Сариқ-мовий рангни хуш кўргум фақат,
Пайғамбар бўлишдан йироқ эрурман,
Гарчи шусиз кўплар ночордир жуда —
Бўлолмай Юлиан ва на Иуда...

ШОИРГА

Сонет

(А.С.Пушкиндан)

Шоир! Олқишлару халқ севгисига —
Иззатталаб бўлма, бирпасда ўтар.
Бир ҳовуч тентаклар муз кулгусига —
Ҳайрон, ўздан қолма, маҳзунлик ўртар.

Сен шоҳ! Ёлғиз яша, эркин ва софдил,
Ақлингга ишониб кун кўргин ҳар вақт.
Энг суюк хаёллар бўлсин такомил,
Жасоратинг учун кутма мукофот.

Улар ростдан сенда. Сен олий ҳакам —
Ўзинг баҳолайсан меҳнатларингни.
Сен-чи, мамнунмисан талабчан рассом.
Майли қойийверсин мамнун оломон —

Тупурсин меҳробда сен ёққан ўтга,
Болаларча мавжкор пок ҳиссиётга...

ИККИ ШЕЪР

(*Н.Бараташвилидан*)

ЮЛДУЗИМГА

Сен аччиқ қиласан кимга мунча ҳам?
Сен билан омадим ўнгидан келмас.
Не қилай, шўр экан менинг пешанам,
Юлдузим, сен билан толеим кулмас.

Гар сени кўрмасам булутлар аро
Тақдирдан норизо, деб сен ўйлайсан.
Ёркин умидлари бўлганми қаро
Ғурбатда бу ғариб, деб сен куйгансан.

Никоҳлаб қўйилган янглиғ иккимиз:
Мен учун сен мангу ҳаётбахш нурсан.
Зулматда йўқолиб кетсанг-да беиз,
Лек қалбим кўкида порлаб турурсан.

Шундай кун келади, тиниқ ва сокин,
На шамол эсади, на ёғар ёмғир.
Сен кўкдан чарақлаб сочганда ёлқин,
Олам, бу юлдузни кўрмагандим, дер.

1837

ЧАҚАЛОҚ

Йўргакдаги чақалоқнинг
саси жуда ёқимтой,
Худди кўкдан ерга тушган
илоҳий рух каби у.
Жаннатнамо бир нимани
чулдирайди ҳойнаҳой.
Волидасин қулоғини
жаранглатар шўх кулгу.
Ишонч билан яралгандир
болалигин дунёси,
Онажони ёнидадир
шул сабаб ул хотиржам.
Мўлтираган кўзларида
саодатнинг зиёси,
Атрофига назар солар
қўрқув билмай сира ҳам.
Унинг учун ҳали ҳаёт,
муаммо эмас сира.
Туғилди-ю одамларни
қилди гўё қарздор:
Ҳамма бир-бир эгилмишдир
чақалоқ боши узра,
Токи гўдак толиқиб,
ухлаб қолгунга қадар.
Кабутардай гувранавер
маъсумгина чақалоқ.

Ўз тилингда сўзлайвергин,
тушунармиз тилингни —
Ҳали ёшсан, сўйлаб қолгин,
ўткинчи дунё бироқ
Ёлғон билан заҳарлаб
қўйгунича дилингни.

1839

ЖОНГИНАМ

(*М.Турсунзодадан*)

Достон

Жонгинам, бағримни эзма мунча ҳам,
Кўнглимни беҳуда бузма мунча ҳам.

Ёнингга келдим-ку жаҳонни кезиб,
Қуёшдай учолдим қанотим ёзиб.

Қайларда ётмайин, қайда турмайин,
Қаерда ким билан суҳбат қурмайин.

Юрагим кўйингда кезарди мудом,
Кўзларим суратинг чизарди мудом.

Сенсиз томоғимдан ўтмас эди сув,
Сенсиз кўзларимга келмасди уйқу.

Сенсиз ҳар бир куним бир йил туюлди,
Сенсиз юрагимда қайғу куйилди.

Сенсиз кўрдим гарчи гўзаллар юзин,
Сенсиз гоҳ тингладим ошиқлар сўзин.

Сенсиз тотдим гоҳи тўйларнинг болин,
Сенсиз гоҳ куйладим булбул мисоли.

Сенсиз хаёлларни васф этдим жўшиб,
Аёл қўлин сиқдим дил тафтин қўшиб.

Дил — кўзгу, кўрдим лек мудом
ўзингни,
Кўзларинг жилваси, ширмой юзингни.

* * *

Жонгинам, бағримни эзма мунча ҳам,
Беҳуда кўнглимни бузма мунча ҳам.

Не сабок ўргатар олам гардиши,
Яхшию ёмонни синайди киши.

* * *

Жонгинам, озодсан, ҳеч ғам емассан,
Мазлумлар ғамидан огоҳ эмассан.

Курашчан шоирлар ёдингда бордир,
Ташриф этган эди Файз деган шоир.

Ватандан сўз очсанг, ёниб кетарди,
Ватанни ҳаёту мамот этарди.

Гарчи у кўпинча лаб очмас эрди,
Паловдан гарчи у озгина ерди,

Гарчи у тингларди суҳбатдошини,
Тамаки чекарди, силкиб бошини,

Аммо кўзларида олов бор эди,
Ҳасратли қалбида ялов бор эди.

Тўлғанарди дарё мавжи сингари,
Панжоб сувларини ўйлаган сари.

Не-не зиндонларда ёзилди оти,
Қил учида турди баъзан ҳаёти.

Курашди севимли эл-юртин ўйлаб,
Ўлимни енгди у ўтли шеър куйлаб.

Руҳи жангчи бўлди, қалами – шамшир,
Дунёни фатҳ этди сўзлари ахир.

Адолат излаб у олам кезмоқда,
Мардликнинг рамзидай юрар ҳар ёқда.

Зулм гарчи оқартди қаро сочини,
Лек қишдан баҳордай олар ўчини.

У ҳам биздай севар жигарпорасин,
Жоним дер кўзининг оқу қорасин.

Покистон ёдига тушганда ҳар вақт,
Фарзандларин ўйлаб ҳайқирар: ё бахт!

Қалбини қон қилар фарзанд ноласи,
Ғазабдан тошади дил пиёласи.

Йиғи ҳам йиғидан, жоним, қилур фарқ,
Қон ютиб аччиқ ёш тўкмоқдадир Шарқ.

Шарқлик не замонлар йиғлади зор-зор,
Шарқ унинг ёшидан бўлди шўразор.

Баъзан шўхлигидан, гоҳ ўйин чоғи,
Ўғлимиз Парвиз ҳам бўлар йиғлоқи.

Йиғи бор, бор экан ҳар қайда бола,
Аммо йиғлаш бошқа, бошқадир нола.

Жонгинам, тоғларнинг сувларига бок,
Сел бошқа, зах бошқа, ўзгадир булок.

Юртимда боладир бахтнинг донаси,
Умридан минг рози унинг онаси.

Баланддир бу юртда аёлнинг боши,
Иззату ҳурматдир унинг йўлдоши.

Ҳар ишда аёлнинг бордир ҳиссаси,
Ифтихор тожидир аёл қиссаси.

Аёлдир давлатга ёру мададкор,
Аёлнинг қўлидан юрт бўлди гулзор.

Аёлдан нур олди истиқболимиз,
Аёлдан ўзгарди бизнинг ҳолимиз!

Ғафлатда ётганни бедор қилди у,
Жоҳилу гумроҳни ҳушёр қилди у.

Она ожизликдан қутулса тамом,
Гўдакнинг уйқуси бўлурму ҳаром?!

Гўдаклар вояга етишар шодон,
Шўхлигу кулгига бозордир ҳар ён.

Зиёда бўлса гар бола сурури,
Ёшарар волида, ошар ғурури.

Курашга бахш этгин юрак тафтини,
Наслимиз кўрмасин уруш афтини.

Камол топсинлару олим бўлишсин,
Барча сайёрага ҳоким бўлишсин.

Яйраб яшасинлар, ижод қилишсин,
Элини, юртини обод қилишсин.

* * *

Жонгинам, койишу қайғуришлар бас,
Ғунчадай очилиб боқгил бир нафас.

Бир нафас бўлайлик садқаю банда,
Бир нафас лабингда ўйнасин ханда.

Соғиндим асалдай ширин сўзингни,
Соғиндим меҳр тўла қаро кўзингни.

Гарчи юзимизга хат чизди ажин,
Гарчи сочимизнинг окаргани чин,

Дилимда орзулар ҳамон беҳисоб,
Орзулар бўйнига ишқ солар таноб.

Истар у, кўзларда қанот қоқишин,
Оқ сочга гул тақиб сенга ёқишин.

Истар у, узоқни қилса якқадам,
Истиқбол ҳикматин айласа рақам.

Олтин чодир курса ойга бир бора,
Ойдан замин юзин қилса наззора.

Бир нафас тинглагин сўзимни, ёрим,
Сенга аён бўлсин юракда борим.

Совғалар келтирдим зўр, бениҳоя, —
Яхши одамлардан ажиб ҳикоя.

Ҳар бири бир олам — одамнинг жони,
Жаҳоннинг тинчлиги — улар армони.

Дўст учун жонини тутмайди дариғ,
Дўст деяр бошида ўйнаса ҳам тиғ.

Сен билан биродар бўлар умрбод,
Ғамингдан ғамгину шодлигингдан шод.

Сулҳ десанг, гул каби хандон бўлғуси,
Жанг десанг, ғазабдан тўфон бўлғуси.

Тинчликсиз йўқолар қуёшнинг тафти,
Тинчликсиз қуруқшар заминнинг кафти.

Тинчликсиз шодликнинг қаноти синиқ,
Тинчликсиз шодликнинг сўниши аниқ.

Бизнинг борлигимиз халқлар бахтидир,
Бизнинг давлатимиз — тинчлик
тахтидир.

* * *

Жонгинам, тинчликдир дунё зиёси,
Ҳаводай зарурдир дўстлик ҳавоси.

Зорланиб дейсанким: «Бадгумон аёл —
Маломат тошларин отди бемалол.

Лабин буриштирар мени кўрганда,
Тузсиз гаплар айтар суҳбат қурганда.

«Бевадан бадтарсан, бағри тошсан», дер,
«Эринг бор, лек худди
сўққабошсан», дер.

«Эринг ялло қилиб» кезар юртма-юрт,
Туну кун йўл пойлаб кўзинг бўлар тўрт».

* * *

Жонгинам, мунча ҳам ранжима зинҳор,
Одамзод яшаркан таъна, пичинг бор.

Лабин буриштирса, парво қилмай ўт,
Шояд ҳазиллашар, таънасин унут.

Дўстлардан ранжимоқ хатодир, гулим,
Дўстларнинг нози ҳам раводир, гулим.

Менга жон бағишлар дўстлар каломи,
Соғлигим илдизи — дўстлар саломи.

Рўдакий тўйини эслайман ҳамон,
Уйингни чароғон этганди меҳмон.

Узоғу яқиндан одам келганди,
Тожикнинг уйига олам келганди.

Рус келди, турк келди, таҳсин ва табрик,
Ҳинд қизи кучганди сени сингилдек.

Оқ сарий қоматин кўз-кўз этарди,
Қора хол байтини такрор битардим.

Сочлари ўхшарди сочингга беҳад,
Тиззасин ўпарди бўлиб қатма-қат.

Ял-ял товланарди танингда атлас,
Тожик аёлида уни кўрсам бас.

Тегмасди агарчи қўлинг қўлингга,
Боқардинг меҳр ила ўнгу сўлингга.

Кулчага севиниб кўз тикар занжи,
Шул дерди, дўстларим жаҳоннинг
ганжи.

Кўзлари ёнарди дўст топган сари,
Нигоҳи соф эди шафақ сингари.

Келганди Ангола деган юртдан у,
Қалбида асрлик алам ва қайғу.

Шакар қамишгадир юрти гарчи кон,
Олмосу гавҳари агарчи хирмон.

Навосиз ўтарди занжининг куни,
Темирдан яралган дердингиз уни.

Золимлар дастидан нолирди жўшиб,
Шикоят устига ҳикоят қўшиб.

Дўстларин кўрарди чунки ҳар ёнда,
Дўсти кўп толмайди курашган онда.

«Қораман, — дерди у, — авлодим қора,
Қоралик гуноҳми, айтинг не чора?!

Рангимиз қорайган, рости, худди тун,
Лаҳатдай тор эрур олам биз учун.

Золимлар ишлатар худди бир банди,
Дарбадар юрамиз она Ватанда.

Биз тўккан терлардан дур унар, ахир,
«Тер тўкиш — сизлардан, дури —
бизга, — дер.

Бизни куйдирмайди қуёшнинг қўри,
Бизларни куйдирди пешана шўри.

Оқларнинг зулмидан куйиб кетдик биз,
Ширин жонимиздан тўйиб кетдик биз.

Занжидан қилурлар агарчи ҳазар,
Нафрат-ла солишар агарчи назар.

Эмаслар биз билан гарчи ҳамтовоқ,
Ҳаммактаб, ҳамхона, ҳамкор, ҳамсабоқ.

Зулукдай сўрарлар элнинг қонини,
Чайнамай ютарлар унинг нонини.

Занжи ҳам курашга отланди бугун,
Тонг отар, ёришар бу дахшатли тун.

Африка уйғонар,
ғафлатдан холи,
Чарақлаб кўринар унинг иқболи.

Биз учун дўсту ёр бисёр керакдир,
Беғараз,
вафодор, ғамхўр керакдир».

* * *

Жонгинам, тинглагин,
ўтлидир бу сас,
Дардмандга ҳамдардлик асли муқаддас.

Бор экан жаҳонда золим ва мазлум,
Луғатдан ўчмайди ғам деган мафҳум.

Дўст билан шодликни баҳам кўришни,
Дўст билан армонсиз даврон суришни,

Тихонов ўргатди,
у машҳур шоир,
Суҳбатин боллари оламга татир.

Сочлари қордайю қалбида баҳор,
Ҳар сўзи дўст учун малҳаму мадор.

Мен ундан ўргандим дўстлик розини,
Навога тўлдирди қалбим созини.

Мен ундан ўргандим адаб дарсини,
Муҳаббат, рафоқат,
ғазаб дарсини.

Ўзгалар дардини олар ўзига,
Ҳамиша тик боқар айтган сўзига.

Бирга жаҳон кездик неча марталаб,
Бизга йўлчи бўлди бир эзгу талаб.

Кўрдик қумзорларни,
кўрдик чўлларни,
Қорли довонларни,
узун йўлларни.

Не-не довонлардан бирга ўтганмиз,
Чўққида саҳарни бедор кутганмиз.

Гоҳида тош қасрин этдик ихтиёр,
Шоҳ Авранг қасрида гоҳ топдик қарор.

Гоҳида халойиқ бўлди юзма-юз,
Гоҳида розимиз тинглади юлдуз.

Гоҳ юрдик шаҳарда,
гоҳи қишлоқда,
Ҳаётнинг маъзини чақдик ҳар ёқда.

Қирқ тўққизинчи йил...
унутмам ҳаргиз,
Тоғма-тоғ юргандик ўша кезда биз.

Осмонни тешарди Ҳиндикуш боши,
Синовдан ўтарди йўлчи бардоши.

Тоғ ичра заррадай пинҳон бўлгандик,
Биллур кошонада меҳмон бўлгандик.

Карвон қўнғироғи жаранглади гоҳ —
Йўлчилар азмидан ягона гувоҳ.

Бомиён бутлари сақлашар сукут,
Не билсин меҳмонни тош пайкарли бут!

Қуёш ҳам кўрсатмай қолганди жамол,
Соялар изғишар ҳар ён бемажол.

Очилди Искандар дарвозаси ланг,
Шамширсиз,
ханжарсиз,
бўлмай ҳангу манг.

Қора тун бағридан кўринди «Дуоб»,
Дуоблик лутфидан бўлдик бахраёб.

Қўллари кўксида, таъзим қилди у,
Тунашга кулбасин тақдим қилди у.

Бўйранинг устида қурдик чордона,
Қоронғи кулбада мезбон парвона.

Бир зумда ўт қалаб олов ёқди у,
Тутундан учди лек кўзлардан уйқу.

Аркондай буралиб айланар тутун,
Маржондай ёш тўкдик барчамиз у тун.

Тутун ҳам тарқалди, порлади олов,
Муҳайё бўлганди чой ила палов.

Эшикни дарғазаб тирнади шамол,
Увиллаб тургандай бир тўда шағол.

Гулханнинг тафтидан чекинди совуқ,
Кулба ҳам ёришди,
меъда эса тўқ.

Меҳмон ташрифидан шод эди мезбон,
Бор-йўғин тўкарди очиб дастурхон.

Дерди у: «Келса гар меҳмон эшикдан,
Унинг насибаси кирар тешикдан».

Биларди, қай юртнинг фарзандимиз биз,
Не мурод-матлабнинг пайвандимиз биз.

Кўзимиз дил розин аён этарди,
Ишқимиз қиссасин баён этарди.

Элимиз орзусин ўқирди, балким,
Муҳаббат байтини тўқирди, балким.

Юртимиз кўринди кўзига шояд,
Кувончдан сиғмасди ўзига шояд.

Тихонов сўзларин ўлчарди, балким,
Неларга қодиркан одамзод ақли.

Балким, тутун ичра кўрарди онги,
Оқибат балқишин бу тоғлар тонги.

Балким, бу эрксевар, меҳмондўст афғон,
Дил қулфин очдию бўлди қадрдон.

Дердиким: «Биз дўстмиз,
бир матлабимиз,
Биз бир данакнинг қўш мағзи кабимиз.

Ён қўшни – жон қўшни, деганлари рост,
Биз билан азалдан сиз бегараз дўст.

Икки юрт дўстлигин куйлайди Жайхун,
Дўстликнинг файзидан сўйлайди
Жайхун.

Сувнинг рўшнолигин кундан кил қиёс,
Дўстларни қалб кўзи танийди, холос...»

Жунли ёпинғични кўтариб хомуш,
Бошини тик тутиб худди Хиндикуш.

Жилмайиб: «Хайрли тун», дебон
кетди у,
Қалбимиз мағзига аммо етди у.

Тонггача милтиллаб ёнарди гулхан,
Кулбани гохида этарди равшан.

Шамол бош урарди тоққа беармон,
Отланиб турарди сафарга карвон.

Уйқуни ўғирлаб учкунларди ўт,
Йўлларнинг азоби бўлганди унут.

Фарзандлар ўтарди кўздан бирма-бир,
Эл-юртнинг хаёли қиларди асир.

Қандай тонг отганин асло сезмадик,
Тихонов сўзларди оҳанрабодек.

Сафарда таниркин одам дўстини,
Дардига, доғига малҳам дўстини.

• • •

Жонгинам, дўст учун қурбон қил жонни,
Жигарнинг мағзидир дўстнинг макони.

Дўст топдим бир олам кезиб оламни,
Осонмас танимоқ асли одамни.

Келдим, қучоқ очиб Тожикистонга,
Дўстларни кўрмоқ-чун кутлуғ маконга.

Токим баҳам кўрай қалбим сурурин,
Дийдордан маст бўлиб бир дам олай тин.

Токим, чўққилардай бошим тутай тик,
Ўлкамни кўрайин кафтимдагидек.

Токим, сайр этайин боғу бўстонни,
Ҳайрона-ҳайрона кезай ҳар ённи.

Токим, бел боғлайин элнинг ишига,
Зафардан сўйлайин ҳар бир кишига.

Токим, ёниб куйлай ошиқ кўйида,
Гул, булбул базмини кўрай тўйида.

Токим, боқий майга бўлайин соқий,
Дўстларнинг қадахи бўлсин деб боқий.

Токим, юрак тафтин бахш этай элга,
Элнинг азму жазмин нақш этай дилга.

Токим, таъзим этай теримчи мисол,
Ахир, камтарликдан мард топар камол.

Токим, ҳар юракнинг тинглаб тепишин,
Дафтарга чизайин эл-юртнинг ишин.

Ишчидай ўйнатиб олов жиловин,
Қорни хам ёндирай топиб каловин.

Қатрадай жўш урай қайноқ булокда,
Заррадай нур сочай заррин маёқда.

Нечун сўрайдилар баъзи ёронлар:
«Айтсинлар, неча кун бизга меҳмонлар?»

Нечун дўстлар дерлар: «Қани,
марҳабо!»
Кутар Тожикистон сени, марҳабо!»

Мен меҳмон эмасман, бу сўзни айтманг,
Ўринсиз сўзлардан бўларман гаранг.

Бегона эмасман бу юртда харгиз,
Хар сиқим тупроғи жонимдай азиз.

Ўхшатманг дўстларим ўткинчи қушга,
Ўхшарди у вақтда хаётим тушга.

Лабимда табассум – тасодиф эмас,
Табассум толенинг нақши эрур, бас.

Шу юртда муҳаббат илдизим — уйим,
Шу уйда ёришди хаёлим-ўйим,

Шу юртда илк бор кўрдим жаҳонни,
Шу юртда ажратдим яхши-ёмонни.

Шу юртда ёр бўлди умримга камол,
Шу юртда камолим бўлди безавол.

Шу юртда овозим янгради баланд,
Шу юртда дўстларга бўлдим дилписанд.

* * *

Жонгинам, ёшликда қурган уйимиз,
Ёшликнинг давронин сурган уйимиз —

Тобора шинамроқ, ободроқ бўлур,
Тожикнинг хонаси зиёга тўлур.

Жаҳонга очиқдир унинг эшиги,
Бу ошён аслида дўстлик бешиги.

Ҳақиқат хокимдир бу уйда мудом,
Шу важхдан дўстларим кўпдир,
вассалом.

Жонгинам, бахтингдан уйингдир гувох,
Аслида бу уйдир бахтингга панох!

ҚИЗИЛ ГУЛ

(*Н.Рубцовдан*)

Ота-онам тор кулбасини
Бузар эдим тинчини хар гал:
— Яна қайга кетди у, қани?
Онам эди шусиз хам касал, —

Боғимизнинг бутазорида
Яшириниб юрардим нукул.
Унинг кўздан пана жойида
Ўстирардим битта қизил гул.

Бу гулни мен севиб жон қадар
Яширардим кўрган одамдан.
Ҳадя этсам онамга агар
Шод этарди, балки оламдан.

Ўстирдиму гулим, хар қалай,
Юпатолдим ўксик кўнглимни.
Элтдим онам қабри кетидан
Мен ўзимнинг қизил гулимни .

ҚАЛДИРҒОЧ

Қалдирғоч тентирар чирқираб,
Уядан йиқилмиш полопон.
Атрофдан болалар дув этиб,
Югуриб келишди шу замон.

Бир бўлак темирни олдим-да,
Ковладим полопон қабрини.
Қалдирғоч учари ёнимда,
Тортгандек айрилиқ жабрини.

Айвоннинг остида чекиб ғам,
Чирқиллаб айланди у узоқ...
Қалдирғоч! Не учун, жонгинам,
Сен унга боқмадинг яхшироқ?

ҚАРҒА

Деворга ўлтириб карға термилар,
Аллақачон кулфдир хамма омборлар.

Қанчалаб карвонлар ўтди-ю, кетди,
Мана ёғин-сочин фасли хам етди.

У мунгли, жонсарак турар деворда,
Бошида бир олам қайғуси бор-да!

Қарғанинг йўқ, ахир, бир дона дони,
Совуқдан сақланса, йўқ хонадони...

САККИЗЛИКЛАР

1

Уйимда зим-зиё,
Уйим тўла ғам.
Тугаб қолди вино,
Тугади таом.
Тугаб қолди сув ҳам
Ошёнда шу чоқ.
Шундай экан, нега
Юрагим қувноқ?

2

Аллакай уйимда
Битди ғам-алам,
Вино қайнар хумда,
Муҳайё таом.
Кўпдан буён сероб
Сувга ҳам уйим,
Шундай экан, нега
Бўм-бўшдир кўнглим.

3

Юлдузли Каҳкашон —
Тўла ёруғ уй,
Эшикда ногаҳон
Тинар шовқин, куй.
Кўзлар боқар чанқоқ
Энг нозик томга.
Қалбда-чи — қалдироқ,
Чақмоқ ва нидо.

* * *

Кўчирмоқлик менга не даркор
Тютчев ва Фетнинг китобларидан.
Ҳаттоки, тинглаб ҳам ўтирмам зинҳор,
Шу Тютчев ва Фет хитобларин ман.

Ўйлаб чиқармоқ ҳам менга не даркор
Ўзимдан махсус бир Рубцовни танҳо.
Бунинг-чун ишониб ўтирмам зинҳор
Худди шу Рубцовнинг ўзига ҳатто.

Ва лекин мен эса Тютчев ва Фетдан
Таққослайман сўзнинг самимийлигин.
Тютчев ва Фетнинг китобин Рубцов —
Китоби-ла давом этмоқлик учун.

ДЕНГИЗ СУВИ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

(*Гарсиа Лоркадан*)

Майсазор четида кулади денгиз,
Тишлари садафу лаблари қирмиз...

— Ҳой, кўкси чўққидай дилафрўз оху,
Нечун соғинч билан кўнглингда ғулув?
— Сув сотурман, жаноб, денгиз сувини!

— Ҳой, қайноқ йигитча! Менга қил аён,
Недир у, денгизда кўтарган сурон?
— Бу сувдир, жанобим, денгиз сувидир.

— Онажон, кўз ёшинг денгизга нечун
Аччиқ дарё бўлиб қуюлар кун-тун?
— Сув бўлиб йиғлайман, жанобим,
мен ҳам
Денгиз суви бўлиб кўздан оқар ғам.

— Эй юрак, айта қол, айта қол, юрак
Бунча ёниб йиғлаш кимга ҳам керак?
— Денгиз суви, жаноб, аччиқдир жуда,

Майсазор четида кулади денгиз,
Тишлари садафу лаблари қирмиз...

СОНЕТ

(*Иоганес Бехердан*)

Германия, бир кун бошингда масрур
Барча қўнғироқлар бирдан урар бонг.
Байроқлар қошингда ҳилпирар мағрур,
Дунёга таралар қувончли оҳанг.

Берлин радиоси мусаффо тонгда
Эфир тўлқинига йўллар садосин:
«Германия озод, бирлашди яна!
Тинчлик қарор топди, тингланг
нидосин!»

Қўл қисиш соати келар ўша чоқ,
Ер юзидан олқиш ёғилар бизга,
Куёшли йўллар ҳам очилар бизга.

Елкадан қуласа тоғдай оғир юк,
Қардошлар, умримда илк бора хушҳол,
Юрагимга дейман: «Энди ором ол!..»

РЕКВИЕМ

(*А.Вознесенскийдан*)

Қўйингиз денгизга гулчамбар,
Бордир шундай инсоний удум —
Денгизда ҳалок бўлган денгизчилар
хотирасига,
Қўйишар денгизга гучамбар.

Шу ерда, шўнғишиб, топди балиқчилар
Ўн минг тик турган скелетларни,
На номларин, на сабабин этмай ошкор,
Орқага энгашган бошларин нурга чўзиб,
Чуқурликдан бизга интилар улар.
Қўйингиз денгизга гулчамбар.

Сал чайқалиб турар умуртқалари,
Кишанлар-ла занжирбанд
қабристонга,
Номсиз даҳшатли марварид гуллар.
Қўйингиз денгизга гулчамбар.

Бирининг челакдай этиги,
Бирининг тумори кўксида.
Уларни чўктиришди отмоқ ўрнига,
Танасини тарк этган рухлари
Ясаб кетди сувда доира.

Қўйингиз денгизга гулчамбар
Най, ноғора ва сирень садоси остида.
Атиргулдан, сирендан, ясминдан
Қўйингиз денгизга гулчамбар.

Қўйингиз заминга гулчамбар,
Унда ётар навқирон эрлар.
Сирендан, атиргулдан, ясминдан
Қўйингиз анвои гулчамбар.

Тўкиб қўйинг замин гулларин
Ер узра ёнган учувчиларга.
Бирга ичган эдингиз парвоз олдидан,
Қўйингиз осмонга гулчамбар.

Майли турсин улар кўкда кўриниб,
Нафратланиб тортиш қонунидан,
Сўзласин келган авлодларга:
«Кимки тирик — қўйингиз гулчамбар».

Қўйингиз замонга гулчамбар,
Бу мангу оловда ёндик биз.
Ясминдан, оппоқ сирендан
Оламга қўйингиз гулчамбар.

ЗАЛДАН БЕРИЛГАН МАКТУБГА ЖАВОБ

(*Р.Рождественскийдан*)

Хатнинг бошланиши жидди-ю,
Лекин охирида дадил айтилган бир гап:
«Мен ҳавас қиламан Сизга жудаям
Ва сизнинг рафиқангизга ҳам».
«Бауманлик талаба қиз» деб
Чекилган имзо,
Унга қандай берайин жавоб? —
Залда тумонат одам.
Регламентдан вақт топиб бир оз,
Бергали жавоб,
Кўрмоқчиман ўзимни синаб,
Сиз танишсиз,
Шеъру олқишлар билан.
Анвойи афишани кўргансиз ўқиб.
Кўринишича,
Аванс билан ҳисоблаб,
Шунақа деб,
Қолган умримизни ҳам,
Мушакбозликдай!
Парад ариясидай
Юксак услубда деб,
Ўйлагандирсиз.
Лекин,
Қилинг тасаввур.
Армияга агар
Парад билан чиқарса ҳукм!
Қўлларин силтаб агар,
Юрса аскар,

Келишган,
қадди бастли эр,
Гарчанд бўлмаса,
ер қазувчи у,
ё юк ташувчи,
Ким дерди уни:
кўрикчи?!
Бизда ҳам ўзимизга яраша,
Йўлимиз ҳам паст-баланд.
Дард ва меҳнат
вазминдир жуда
Ва шунга яраша
ташвишли шараф,
Унча бахтли эмасдир
рафиқамиз ҳам...
Илҳом! —
Сиғмагандай ўзингга-ўзинг,
Илҳом! —
Байрамда ҳам
чеккандай озор.
Бу, ёниб чўғ бўлган юрак
Муздай идрок олдида.

Бу — бола туғилгандай гап,
Бу — ўзинг туғилмоқ демак.
Вазмин ишдир жуда
ҳамда покиза.
Унда асло кўринмас ором,
Поёнсизликда доим
Қолдирар ҳайрон.
Унда ўзинг-ўзингга халқсан,
ҳам ўзинг ҳукмрон.

Мумкин эмас,
оз бўлса-да,
Қалбаки лик!

Ер ҳам сузади
тўзону қалдироқда,
Тақдирингга қўшилган
ундаги тақдир.
Қон билан берилар
бунинг ҳаммаси.
Қон бўлса,
инсонда беш литр фақат.
Бунга чидамоқ даркор.
Мана биз унга
бермоқдамиз бардош,
Ва лекин
сўнггиси
куйланмаган бизда.
Гапнинг лўндаси,
лобар қиз,
Келсину омад,
Қуёшдай бахт берсин сенга,
Ҳамда яхши эрни ҳам,
фақат шоирни
Кўрмасин раво.

БИЗНИНГ ТОШЛАР ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

(С.Капутикяндан)

О, тошлар!
Аянчли тарих элчиси!
Сиздай умр кўрдик яланғоч, ғамгин,
Бизлар қурган бино зулмат белгиси,
Зулмат ёдгори, деб саналди қадим.

Ижодкор одамлар кўзи зим-зиё!
Пешанадан артди қонли терини.
Девор тошлари ҳам эди сим-сиё,
Сиздай қора эди арман тақдири.

Ғам билан мудрарди кора эҳромлар,
Кўҳна масжидлар ҳам эди қоп-қора.
Уларда ситамкор бахтсиз арманлар –
Юрти кўринади — кўкраги яра.

О, мотам тошлари!
О, кўкси пора!
Сиздан олган эди ҳар уй андоза.
Пол қора,
Шифт қора,
Девор ҳам қора,
Қазилган қабрдай тутарди аза.


Қайдадир, хаёлдан унутилгандай,
Гўшада ётарди шодлик тошлари.
Худди кул тагида лаҳча ётгандай,
Кўзларни тортарди чўғ қарашлари.

О, тошлар!
Асрлар мудраган тошлар!
Замона даҳшатин судраган тошлар!
О, тошлар,
Гулранг тошлар!
Сиренранг,
Бинафшаранг тошлар!

Сиз ёриб чиқдингиз ер қафасини,
Қафасда яшамоқ Сизга эди ёт.
Кўк сари,
Ер сари,
Одамзод сари
Сапчишингиз билан кулди эрк, ҳаёт!

Янги деворларнинг рангида баҳор,
Баҳор чиройида кунимиз ҳозир.
Тошларин тақдири билан баробар,
Кўркам Арманистон тақдири нодир.

Ўзининг нажоткор қўллари билан
Янги замон уни уйғотган, тутган.
О, тошлар,
Гулранг тошлар
Сиренранг,
Бинафшаранг тошлар!



Иккинчи девон

Сафар эҳсонлари

шеърлар ва достонлар

Бандаи азизни Худо яратмиш,
Унга мос ажойиб дунё яратмиш.
Дунё боғин обод қилган инсонни,
Худонинг йўлига фидо яратмиш.

'Ўзбекнома'дан





ВАТАН ТУПРОҒИГА ПАЙВАНД ШЕЪРИЯТ

Шеърият...

Нақадар кенг, қомусий тушунча. Ҳар қандай санъат каби шеърият ажиб, сирли ҳодиса. У жуда қадим замонлардан бери одамларга ҳамроҳ бўлиб келаётган дил таржимони. Шеър — дунёнинг завқи, севинчини, ҳикмат тафаккурини ўзида акс эттирувчи ёрқин ойна. Тўлқинли эҳтиросларни, кечинмалар, туғёнлар олами. Табиатнинг ранг-баранг бўёқларидан, ақлни забт этадиган мўъжизаларидан ҳайратланиш, жамиятдаги воқеалардан илҳомланиш меваси бўлган шеър орқали одам ўзини, ўзининг бой маънавий дунёсини ифода қилади.

Гегелнинг фикрича, «шеърият инсон ўзини (яъни, ўз ички дунёси, дардини — М.Ю.) ифода этишга киришган пайтда бошланган; шеъриятда айтилган фикр фақат айтиб юборилган бўлгани учун яшайди. Агар инсон, ҳатто ўз амалий ишлари ва ташвишларидан халос бўлмаган ҳолда ҳам, бирданига назарий диққатини бир жойга йиғиб, ўзини изҳор этишга киришса, дарҳол шеъриятга ўхшаш бир ифода юзага келади»[1].

Бизнинг буюк салафларимиз шеърият мавҳуми остида реал ҳаётий, фаолият-ҳаракатни, курашиш, эҳтиросни тушунганлар. Уни бадиий сўз воситаси билан жамиятга юксак хизмат қилиш, руҳий парвоз, идеал орзулар рамзи деб билганлар. Зотан, шеъриятда илғор ижтимоий аҳамиятга молик бўлган инсоний севинч, ташвиш, тараддудлар кенг ўрин олади, воқеалар эмас, инсон биринчи ўринда туради. У аниқ замон ва маконда, реал ҳаёт қўйнида яшайди.

Таниқли шоир Барот Бойқобиловнинг йигирма беш йиллик ижодий фаолиятидан гувоҳлик берувчи «Ватан тупроғи» китобини варақлаган киши чинакам шеъриятга хос юқоридаги барча фазилатлар мавжудлигига амин бўлади. Шеъриятнинг ҳаётдаги юксак ижтимоий бурчидан баҳс этувчи шоир «Илҳом тулпори хусусида», «Сўзласин», «Шеърият диёри», «Илҳом париси» каби шеърларида ўз жонажон халқига айтадиган муҳим гаплари борлиги учун бу майдонга кирганини, бинобарин, «Фидойи бўлай деб суюкли элга» тонг билан шеърий хатини йўллаяжагини айтади.

У ўзини «ҳаёт неъматларидан баҳраманд ҳар халқ орзусидан бунёд бўлган» куйлар диёрига дахлдор деб билган вақтдан бошлаб, шу диёрни — шеърият диёрини обод қилиб ўтганларнинг меросхўри ҳисоблайди. «Одиссея»дан эртак айтиб кетган Гомер ва овозаси жаҳонни тутган «Шоҳнома» муаллифи Фирдавсийдан тортиб Низомию Навоий, Пушкину Маяковский, Ғафуру Вурғун уни қўлидан ушлаб истиқболга етаклайдилар. Шунда «юрагида ажиб бир сурур» пайдо бўлиб, ҳаёллари ел каби учади, вужудида таажжуб бир ҳол рўй беради — шеър туғилади. Одамларнинг қалбига қулоқ солишни ўрганади. Уларнинг севинчига шерик, «ташвишли кунида ҳамроҳ» бўлишга, «йиқилган кимсани турғизиб», «ноҳақ қораланган» бегуноҳнинг ҳуқуқини тиклашга шошилади. Бора-бора шеър ҳаётда катта руҳий маънавий куч эканини сезади. У худди нондай қадрланаётганидан мамнун бўлади:

Одам нонсиз, шеърсиз яшолмас асло.
Шеър ҳам унга нондай азизлигидан,
Нон ҳам унга шеърдай лазизлигидан...

Барот Бойқобилов китобини кўздан кечириш жараёнида у босиб ўтаётган ҳаёт ва ижод йўли ўқувчи кўз ўнгида яққол намоён бўлади. Шоирнинг умр фасллари минглаб тенгдошлариникига ўхшайди. «Бизнинг болалик» шеърида

[1] Эстетика, 3-том, 337-бет.

«афсона не, эртак не, билмай» ўтган болалик йилларини эслайди. Оталар жанг майдонларида фашистларга қарши ҳаёт-мамот кураши олиб бораётганда оналар қўш ҳайдаб, хирмон кўтарган чоғлардаги оч-яланғоч ўтган болалик, Ғалабадан хабар келганда севинчи ичига сиғмай, отасини кутган болалик... Қиронли йиллар оловида қаноти куйган болалик узоқ давом этмади. «Бургут каби учиб» кетганини унинг ўзи ҳам сезмай қолди. Навқиронлик палласи келди-ю, туғилиб-ўсган қишлоғидан катта шаҳар бағрига олиб кетди. «Илм деб аталмиш тубсиз денгиздан жавоҳир изловчи уйқусиз авлод» даврасига келтириб қўшди. Лекин шунда ҳам болалик унутилмади. Баъзан Сиёб бўйларига сайрга келганда («Сиёб» шеъри) болалигини излайди. Сув соҳилида «тонг юлдузини кутиб, илк шеърини битгани»ни эслайди. Ўтган дамлар ҳақида Сиёбдан эртак тинглашни истайди.

Мен туғилган қишлоғим Самарқанд қанорида:
Катта Ўзбек йўлининг ёқасига жойлашган, —

дейди шоир. Кичикликдан уни ўзига асир этиб, бағрида вояга етказган, хаёл қилишга ўргатган тоғларга ҳайратомуз савол беради: бир вақтлар «Сизда лола териб юрган боладан Самарқанд сатрини кутгансиз, наҳот?» («Ургут тоғлари» шеъри). Дарвоқе, «Қанча буюк шоирлар қадами теккан» Кенагас ҳам, бор хазинасини «карж-карж тоғлар этагида» яширган, паҳлавондай тер тўкиб ишлаётган Ургут ҳам қўшиқчисини кутаётган экан. Қўшиқчи эса, умидингизни оқлайман деб, куйлашга киришди. «Ургут чиноридан менинг қаламим» шеърида ёзади:

Қалбимнинг софлиги — булоқларидан,
Қаддим расолиги алп тоғларидан...
Шеър битган қоғозим — сахий даласи,
Уйқусиз сойлари — умрим кемаси.
Чарх урган каптари — ўй-орзуларим,
Таржимаи ҳолим — Ургут қиссаси...

Табиатни болаликдан севиб қолган, унинг қўйнида эркаланиб ўсган шоир учун дастлаб табиат эҳсонларидан амалий фойдаланишдан кўра, унинг хилма-хил бўёқларидан завқланиш, ажойиботларини ҳис этиш, ҳайратланиш биринчи ўринда туради. Кейин ўша бўёқлар, манзаралар шеъриятга кириб келдилар. Кириб келдиларгина эмас, ҳатто ўз сирларидан хабардор қилдилар. Тоғлар қалбидаги бойликларни олишга одамларни чақиради ва «ким қўйса бизга қадам қушдай яйраб кетади, олиб бир дунё илҳом қўшиғу шеър битади», — дейди. Илдизи неча юз йиллар тарихига кетган кекса чинорлар «қаламингни биздан йўнгин, илҳом париси доимий меҳмонинг бўлади», — деса, саратонда тишни оладиган кумуш булоқ тилга кириб: «Қиссаси узоқлиги-ю, ернинг сирдоши» эканидан, кимники «кўнглида дарди бўлса, завқ бағишлаб», дилини яйратажагидан дарак беради.

Шоир балоғат поясига кўтарилган сари Ватан тушунчасининг географияси ҳам кенгая боради. Ургут мавзуси доимо давом этгани ҳолда Самарқанд оҳанглари бошланади. Қўли қалам ушлашга анча келишиб қолганини Самарқандда сезади. Шаҳар кўҳна тарихидан, зангори гумбазлари осмонўпар обидаларидан, Улуғбек расадхонаси-ю, Навоий қадамжоларидан воқиф қилганда унинг кўз ўнгида янги олам пайдо бўлади. «Боғи шамол», «Шоҳи зинда», «Сиёб кечаси» сингари асарлари Самарқанд мадҳига бағишланган:

«Самарқанд сайқали рўйи замин аст» –
Дегандай Регистон қошида нозим.
Навоий назмига дил бўлиб пайваст,
Самарқанд қўйнида янграйди созим...

Кунларнинг бирида Самарқанд ҳам, студентликнинг олтин даври ўтган дорилфунун ҳам шоирга оқ йўл тилаб, пойтахтга узатди. Шундан бошлаб унинг ижодида Тошкент, Ўзбекистон мавзуи салмоқли ўрин эгаллади. Ўйлаб қаралса, Кенагас, Ургут, Самарқанд «Осиё бешигида улғайган Ўзбекистон» экан. Ниҳоят, мен озод Ўзбекнинг бахтиёр шоириман, камол топган Ватаним улуғ Ўзбекистондир, — деган хулосага келди. «Ўзбекистон кузи», «Чаноқлар ва юлдузлар», «Ўрта Осиё», «Фарғона», «Сенга келганимнинг сабаби» булар барчаси серқуёш ўлка мадҳига, «Тошкентнинг чўнг қопқасида» меҳмонларини кутлайдиган танти ўзбек халқига, жонажон она Ватан мадҳига бағишланган шеърлардир.

Барот Бойқобилов бир граждан сифатида камол топиб, ҳаёт воқелиги бўйини баланд қилганда узоқларни кўрадиган ҳамда бошқа халқлар, эллар, шаҳарлар тарихи, ҳаёти билан қизиқадиган бўлди. Унинг «Меҳрнома» туркумидаги шеърларини ўқиган киши қалбида меҳр мавжланади. Курил оролларидан Помир тоғларигача ястаниб ётган улуғ ва бепоён кенгликлар манзараси жонланади. «Райиснинг қўшиғи — гўзал Латвия», «Олатовнинг чўққисидай кўкраги баланд» Қозоғистон, «Саодат осмонида Зуҳродек балқиган» Тожикистон, Берди оға қадами-ла тавсифланган Туркманистон, э-ҳа, яна қанча-қанча дилга яқин ва тилга яқин қон-қариндошлар!

Шоир қаерга бормасин, кимлар билан мулоқотда бўлмасин ўзбек халқининг эзгу тилак билан келган вакили, чет элларда эса мухтор элчиси сифатида ҳаракат қилади. Унинг руҳий-маънавий идеали ялт этиб кўзга ташланади. Шахсий ва ижтимоий манфаатлар ҳақида ўйлаганда ҳам, хорижий турмуш манзараларини кузатганда ҳам ҳар қадамда ўз халқи, Ватанининг шаънига бўлган ҳурмат, эътибор ҳисси биринчи ўринда туради. Бу шаън, бу шараф ўзбек кишисини улуғловчи маънавий куч ва мадад бўлиб хизмат қилади. Хорижий мамлакатларнинг меҳнаткаш халқига, юксак маданиятига, прогрессив адабиётига муносабатда *миллий ғурурини сақлаган ҳолда интернационалист сифатида майдонга чиқади.*

«Шарқ гулдастаси», «Италиядан мактублар», «Туташ денгизлар» туркумларида бу руҳ яхши сезилиб туради. «Эртак қилиб сўйласа арзигулик мамлакат» — Ҳиндистондан олган таассуротларини тасвирлашга киришган муаллиф хаёлига бу элнинг буюк аждодлари Деҳлавий, Бобур, Мирзо Ғолиб келади. «Мустамлака кишанин чилпарчин қилиб абад» озодликни, тақдирини қўлга олган қўшнимизни қутлайди. Жамна қирғоқларида сайр қилган чоқда Бобур ишларини кўргандай, «мармарга ўйилган достон» — Тож Маҳални томоша қилганда севги сеҳрининг кучи ақлини шоширгандай бўлади. Калькуттадаги Тагор ҳайкали шоир учун ажойиб совғадек туюлади. Деҳли ва Бўмбайдан, Жайпур ва Мадорасдан, Панжоб ва Рожистондан даҳо ёзувчини зиёрат қилгани келганлар сон-саноқсиз:

Дарёга ўхшайди Тагор кўчаси,
Тўлқиндай мавж уриб оқар халойиқ.
Бу дарё тўхтамас ҳатто кечаси,
Кундуз эса, унинг чек-поёни йўқ...

Йўл хотиралари, сафар таассуротлари «Италиядан мактублар»да давом этади. Бу туркум аввалгисидан дардлироқ, ташвишлироқ. Римдаги Колизей харобалари, мухтожлик ва мусибатда «инсон чеккан оҳ», «қабоҳат ва саодат олиб бораётган жанг» юракни эзади. Халқ аламига шерик бўлиб, истиқболнинг субҳини кўришни сайёҳ шоир орзу қилади. Ҳар ерда «сармоянинг қонли панжаси» меҳнат аҳлининг бўғзида! Рассомлар «Рафаэль руҳига қасамёд» қилиб чизган расмларини, шоирлар Петрарка ёки Дантени устоз билиб яратган шеърларини қадрловчи одамни тополмайдилар. Робертино қўшиқлари Жамайканинг мунгли ноласидай эшитилади. «Неаполлик она ҳасрати» эса янада фожиали.

...Қизини бағрига босиб ғамгузор,
Кўзларида ёш она.
Неаполга айлаб дардини ошкор,
Излайди бир бошпана.
Борай деса йўқдир таниш даргоҳи,
Хеч ким бўлмас парвона.
Бир дардкаш ахтариб дайдир нигоҳи,
Борми дея ҳамхона.
...Эртадан кечгача бошин қилиб хам
Дайдир мисли девона...

Сайёҳ жабрдийдаларга лоқайд эмас, дардкаш. Бечоралар ҳолига юракдан ачинади. Ёш рассомга қараб, «Қадрим йўқ деб, ука, кўп ёнма, бирор кун топарсан қадрингни», деб уни юпантирса, кўзларида мунгли қисматин кўрган шоирдан китоб олиб, кўнглини кўтаради.

Жаҳонгашта сайёҳ тиним билмайди. Янги-янги орзулар пайдо бўлади. Одессадан бошланган йўл Босфор кўрфази, Дарданел, Сурия, Латакия, Искандария, Қоҳира, Триполи, Мальта, Афина, Истанбул орқали ўтади. Шуни айтиш керакки, сафар таассуротлари ўлароқ майдонга келган шеърлар асосан маърифий характерга эга бўлиб, китобхон улардан ўзига нотаниш эллар, ўлкалар, одамлар ва урф-одатлар ҳақида маълумот олади. Ҳаяжон билан ёзилган бу бадиий сафарномалар муаллифи ҳосил бўлган туйғуларни ўқувчи ва тингловчилар руҳига сингдиришга қодир асарлардир.

«Бегона юртларнинг баланд-пасти»ни кеза-кеза Ватанга, ўз инини қўмсаган қушдай талпинади шоир. Ўзбек кишиси учун муҳим бўлган катта бир ҳақиқатни ўзи учун яна бир бор кашф этади: «Эй, азиз Ватан, бир жигарбандинг сифатида сен билан фахр этиб юрдим ҳар қачон» ва билдимки:

Сен менсиз яшашинг мумкиндир, ахир,
Мен сенсиз яшолмам ҳатто бир кеча, —

дейди.

Муҳаббат, севги, ишқ. Инсон ҳаётининг зийнати. Ажойиб фазилатларга кон инсон қалби ҳеч қачон ундан холи қолмаган. Муҳаббат, «ҳаётдай жуда қадим ҳамда биздай навқирон», — дейди шоир. Беатриче дардида куйиб ўтган Дантени куйлатган, Мажнундек шоирни саҳройи қилган ана шу муҳаббат, «Гарчи шоҳ бўлса ҳам ишқ деган савдо» олдида Бобурнинг бошини хам қилган. Фуркатнинг ёру диёр ҳажрида чеккан оҳини сабога сўйлатган ана шу муҳаббат. Аммо энди у севишганларнинг «кўзларидан аччиқ-аччиқ ёш» оқизадиган муҳаббат эмас; «саодат бахш этган қутлуғ замонда» муҳаббатга зулм чангал солмайди. Шу эркин, қуёшдек ёркин севги олдида шоир ҳам ўн саккизда бош эгади:

Севги ёшидаман бир умрга мен,
Севги билан тўлгай кўзим зиёга.
Ёшинг ўтди деманг,
Бир умрга мен —
Севмоқ чун келганман ёруғ дунёга!

Бу мисраларни ўқиганда юксак ва покиза муҳаббат аҳлининг сарвари Алишер Навоийнинг: «Дема, бўлди қари-ю ўтди вақти ишқким», «То тирикдурман менга ишқу муҳаббат чоғидур» мисралари хотирга келади. Ҳа, чин муҳаббат ҳеч кексаймайди, ёши ўтмайди. Мана, қачонлардир «Дорилфунун хиёбонида» севги маликасини кутишдан бошланган ишқ дафтарига йиллар ўтган сари алангали мисралар ёзилади. «Боғ кўчадан ўтганда», «Чинорлар», «Қора кўзлар», «Су-

райё», «Ёргинам» сингари кўпгина шеърлар муҳаббат шаънига айтилган қўшиқлардир. Шоир қалбини ўзига ром қилган ёр ҳар ерда ҳозиру нозир мавҳум шахс эмас, у Самарқанд гўзали. Бинобарин, ҳар бир гўзалга айтиладиган сўз унга мос келавермайди. Ёш ошиқ ҳузурига келаётганда «Самарқанд ушшоғи»ни айтиб келса, нур устига нур бўлади. Яна келарингда, эй санам:

Сиёб сувин тўлдириб ол Конигил кўзасига,
Барги билан узиб келгин Боғибаланд анжирин.
Чорраҳанинг Пўлатию Нони осиёсига,
Бир кунгина иноъом этгин кокилларинг занжирин.

...Севгимизга ошён бўлган Оромбоғ тупроғидан
Бир қисимча келтирсайдинг, сурма қилиб қўярдим.
Чўпонота чаманидан, Зарафшон қирғоғидан
Гули наврўз олиб келсанг, юрт меҳрига тўярдим...

Кимки муҳаббатини хор қилса ҳаёт қарғишига учрайди. Бу серташвиш дунёда содиқ дўстлар қаторида вафодор севишганлар бир-бирининг паноҳи. Рақиблар ҳасадидан севгини асраш учун диллар ўзаро пайванд бўлмоғи керак. Ошиқ ёрига қараб, дейди: «Ҳаёт — бу курашдан иборат синов», «Ким менга тош отса, тегар сенга ҳам». Ошиқ ўз номи вафо китобига нақш этилгани билан фахрланади.

Барот Бойқобилов меҳнатсевар, том маъноси билан изланувчи шоир. Миллий классикларимиздан, рус ва жаҳон прогрессив адабиётларидан тинмай ўрганади. У ижод қилаётганда доимо елкасида Навоий ва Бобур, Пушкин ва Маяковский, Ҳамид Олимжон ва Миртемирнинг меҳрибон қўли турганини ҳис қилади.

Барот ўз шеърияти учун таниш бадиий шакллар билан қаноатланиб қолмай, Европа адабиётида қўлланган ва ҳозирги замонда унутилаёзган сонет, октава, стансларни (ўн иккиликларни) адабий истеъмолга олиб кирди. «Петрарка руҳига қасам» шеърида шундай мисралар бор:

...Самарқандда қўлинг олиб,
боғингга қўйдим қадам
Ва офтобни бедор кутиб,
сен каби сурдим қалам.
Сонет ишқи бўлиб сирдош
қалбимга солди оташ,
Бир умрга мамнун этиб,
руҳингга ичдим қасам.

Сонетга бўлган дастлабки қизиқиш кейинчалик бутун бир «Сонетлар» китобининг майдонга келишига сабаб бўлди. Сонетлардан гулчамбар ва сонетлардан тузилган достонлар юзага келди. Уларнинг мавзуи ҳам кенгайди. Муҳаббатни куйловчи, табиат манзараларини тасвирловчи, инсон ва ҳаёт тўғрисидаги ўйларга бағишланган сонетлар орасида Иккинчи жаҳон урушидаги жангчиларнинг жасоратини, шунингдек, фронт орқасида «келида талқон туйиб» ўтказилган ҳасратли кунларни акс эттирувчи сонетлар ҳам анчагина.

Ўзбек шеърий системасида «бармоқ»нинг хилма-хил шакллари бор. Улар модда вазн, аралаш ва қўшма вазн сингари кўринишларга эга. Китобда 14, 13, 11, 9, 8 ҳижоли шеърлар қаторида 11 ва 7 ҳижоли, 8 ва 7 ҳижоли, 11 ва 5 ҳижоли мисралар алмашиниб келадиган бармоқ вазни билан бирга сарбаст ҳам қўлланади. Бандлар аксарият ҳолларда тўрт, беш, саккиз ва ўн икки мисрали бўлган ҳолда қофиялар ҳам турли-туман. Жуфт қофияли маснавий йўлидаги шеърлар, 1 ва 3 ҳамда 2 ва 4 мисралари, шунингдек 1 ва 4 ҳамда 2 ва 3 мисралари қофияланган шеърларнинг тез-тез учраб туриши фикримиз учун далилдир. Шоир бандлардаги

айрим мисраларнинг мантиқий такрорига ҳам алоҳида эътибор беради. Масалан, «Калькуттада Тагор ҳайкали» балладасида ҳар бандниng охирги мисраси сўнгги бандниng биринчи мисраси тарзида такрорланиши мазмунни кучайтиришга ва ўзгача бир оҳангдорликка хизмат қилган. «Рикшалар»да эса биринчи бандниng биринчи мисраси: «Рикшалар мўлтирар Чаурингида» қолган барча бандларнинг ҳам биринчи мисраси бўлиб кела беради. Фақат «мўлтирар» сўзи ўрнига «югурар», «тентирар», «изғийди» ва бошқа сўзлар келтирилади, холос. Шундай усул «Шоир сўзламоқда», «Иқбол мақбарасида» шеърларида ҳам қўлланилган.

Барот Бойқобиловнинг «Одамлар» номли шеъри бор. Унда: «Танигандан бери ақлимни», «Одамлардан тингладим сабоқ», дейди. Дарҳақиқат, уни кичикликдан яхши одамлар ўз бағрига олган, ҳаётдан, курашдан, шеъриятдан сабоқ берган эди. Бири қўлига қалам ушлатган, бири илк шеърини ўқиб, оқ йўл тилаган, қалбини, меҳрини аямаган эди. Ўрни келганда айтиш жоиздирки, ушбу сатрларнинг муаллифи ҳам бир вақтлар, Самарқанд университетида ишлаган йилларида, шоирга сабоқ берганлардан бири эди. Қарийб, йигирма беш йил давомида у шоир ижодидан мамнун бўлиб келаётир. Мураббийларнинг ҳамма яхшилигини ўз вақтида сахийлик билан берилган қарз тарзида тушунган шоир «шу дунё деб, шу одамлар деб, эзгулик уруғини сочиш» борасида тинмай ижод қилаётир. У кишилик дунёси, бахтиёр замонаси билан фахрланиб, «Мен бир буюк даврнинг оташин фарзандиман», — дейди. «XXI аср шоирларига» қилган мурожаатида буюк шоирларга замондош бўлишдек бахт муяссарлигидан қувониб айтган қуйидаги сўзлари ҳамон ўз кучида:

Устозлар нафасидан баҳра олиб ўсди дил,
Улар мени суяшди — тоғдай туриб ёнимда.
Мен бу юксак ишончни оқлай дея муттасил,
Эзгу қасам ичганман, меҳри яшар дилимда.

Шоир ғазалхон элда қўшиқ ўқиб ва қўшиқ тўқиб улғайди. Ҳали йўл бошида турган чоғлардаёқ, «шеърий ғунчаларим болга тўлмагунча, бахтиёр элимга манзур бўлмагунча оромсизман», деган эди. Шеър дардида ороми йўқолгач, қанча-қанча тунларни кунларга улади. Шеър эл наздида ноңдай қутлуғ бўлишини орзу қилди. Меҳрибон онасига, Ватанига, ёрига бўлган муҳаббатини, эзгу ниятларини шеърда айтди. Шеър ҳаётининг маъносига айланиб қолди. Энди бойлиги ҳам, бисоти ҳам шеър. Бу шеърият Ватан тупроғига пайванд шеъриятдир!

Маҳмудали ЮНУСОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Тошкент,
1982 йил

Шарқ гулдастаси

(туркум)

Машриқ сари қилиб сафар,
Бобур юрган йўлдан юрдим.
Назм билан тўлди дафтар,
Элдан олиб элга бердим.

* * *

ҲИНДИСТОН ДАРВОЗАСИ

Қуёш чиқар томонда филқудрат бир
диёр бор,
Эртак қилиб сўйласа арзигулик
мамлакат.
Бу мамлакат боғига бир умрлик
баҳор ёр,
Бу мамлакат бошида қуёш қурган
салтанат.

Бу диёр боғларини қилсанг агар саёҳат,
Руҳингга қанот бўлур Деҳлавийнинг
«Хамса»си.
Лаъл қалъада сайр этиб кўнглинг
топганда роҳат,
Ақлу ҳушинг ўғирлар ҳинд қизларин
ғамзаси.

Ганг дарёси шовуллаб унга қўшиқ
куйлайди,
Ошиқ йигит боққандай севгилисин
кўзига.
Арабия дардини ёлғиз унга сўйлайди,
Калкутта сурмасидан хол қўйгани
юзига.

Хурмозорлар бошига тутиб олиб
соябон,
Қадди самбит қизлардек қиё боқар
қуёшга.
Мажнунтолдай эгилиб, заминни ўпар
банян[1],
Она-ер муҳаббати ғавво солгандек
бошга.

Бенгалия боғлари қўшиқ айтиб
хиромон,
Буюк Тагор изини кўксида
ардоқлайди.
Бобур Мирзо ғазали қалбларда
қурмиш ошён,
Кашмир иқболин Ғолиб сабодан
сўроқлайди.

Икки ҳайкал қўйилмиш
муҳаббатга бу элда,
Муҳаббатдай пок бўлган
Ҳиндистон мармаридан.
Жамна ҳайқириб оққан икки
нурли соҳилда,
Икки ёдгорлик қолмиш
Ҳиндистон сарваридан.

Гангдай оғир йўл босиб,
Ҳимолайдай бардошни
Дилга тугиб отланмиш иқбол
каҳкашонига.
Денгиздай қудрат билан баланд
кўтариб бошни,
Гандидек содиқ қолди эътиқод-
имонига.

Мустамлака кишанин чилпарчин
қилиб абад,
Осиё овозига мағрур берди
акс-садо.
Озодлик суруридан кўнгиллар
бўлиб обод,
Қуёшдек кулиб боқди толеи
кулган само.

---

[1] Мажнунтолга ўхшаш дарахт

Саодат нурин сочар энди куёш
беармон,
Лаъл қалъа узра порлар Ҳиндистоннинг
байроғи.
Иқбол қўшиғин тинглаб, довруғин қилиб
достон,
Шарқ уфқини қизартмиш Ҳиндистоннинг
чароғи.

Афсонавий диёрдай қалбларга солиб
туғён,
Оламни тутиб кетди Ҳиндистон овозаси.
Қилич билан келганни айлар ер билан
яксон.
Дўстга эса очиқдир Ҳиндистон дарвозаси!

Деҳли.
28.10.70

ФИЛ

Дунёда энг улкан мавжудотдир фил,
Кучу қудратда ҳам тенгсиз, паҳлавон.
Сабру тоқатига ҳайрон қолур эл,
Азмидан ҳаттоки тоғ бўлур толқон.

Филга ватан бўлмиш мулки Ҳиндистон
Қаноат, бардошни олгандир филдан.
Муқаддас тупроғин қилган-чун бўстон,
Ҳиндистон мамнундир филқудрат элдан!

2.03.70

БАХТ УСТУНИ[1]

Деҳлида бахт устуни бордир,
Минг йилларни кечирган боши.
Унга висол айёми ёрдир,
Кулиб боққан толе қуёши.

Йироқлардан келиб одамлар
Ҳар куни уни қилар зиёрат.
Зиёратсиз ўтмайди дамлар,
Зиёратсиз кунлар унга ёт.

Устун ўзи қора темирдан,
Вайронада турибди мағрур.
Воқиф бўлмай ундаги сирдан,
Ҳамма уни қучоқлар бир-бир.

Ким қучоқлаб, қўли етса гар
Бир умрга бахтли бўлармиш.
Қучоғига сиғмаса агар,
Сўнг худодан бахтин тилармиш.

О, мунча ҳам содда одамлар,
Ҳар нарсага ишонса, наҳот,
Ўтса ҳамки не-не замонлар
Бахт устунин қилса зиёрат.

Бу устунга топинган инсон,
Бахтни топмай овора лекин,
Зиёратга бўлиб ошиён,
Одамлардан бахтли бу устун!

СЕВГИ ХУДОСИ

Севги туғён солса ошиқ кўнглига,
Дерлар, йўқдир унинг сира давоси.
Баъзан хурсанд, баъзан ўхшар мунглига,
Ёлғиз шифо бермиш севги худоси.

Деҳлида кўрдим мен севги худосин, —
Оқ мармар рамзида кўҳлик бир санам.
Ҳусни-ла ёритиб севги дунёсин,
Ошиқлар изига ёқиб қўймиш шам.

Севги худосининг қошида ҳар кун
Тиз чўкиб, ошиқлар топинар унга.
Пойига қизил гул қўйишиб мамнун,
Таъзим-ла чекинар ортига сўнгра.

Севги худосини зиёрат этган
Ошиқлар бошида кулармиш висол.
Кришнани[1] зиёрат этмасдан кетган
Ошиқлар севгида топармиш завол.

Бу жуда қадимдан қолган афсона,
Ҳар бир қалбга солар туғён ва оташ.
Севги худосига бўлиб парвона,
Шу важдан ошиқлар аста эгар бош.

Севги худосининг ҳайкалин мен ҳам
Ҳинд дўстларим янглиғ этдим зиёрат.
Пойига бир даста гул қўйиб хуррам,
Бир лаҳза бош эгдим қошида фақат.

Вафо достонини пичирлаб маъсум,
Муҳаббат қудратин англадим бугун,
Умрим бино бўлиб сиғинмагандим,
Севги худосига топиндим лекин.

29.10.70

[1] Стуни Ашоқа

[1] Кришна — «Маҳобҳората» эпосидаги севги худоси

ВИСОЛ ДАРИЧАСИ

Лаъл қалъада висол даричаси бор,
Дарича пойида оқ мармар айвон.
Тонгда қуёш билан куришиб дийдор,
Халқ ҳолин сўраркан ҳар кун Шоҳ Жаҳон.

Бугун эса ўша мармар айвонда,
Ошиқлар ёрини чорлар висолга.
Тонг билан узишиб гулу райҳондан,
Тутишар ишқи пок соҳибжамолга.

1970

ЖАМНА

Шоир каби чўмиб хаёлга,
Жамна оқар сокин, осуда.
Дардларини сўйлаб шамолга,
Қирғоқларга битар қасида.

Не савдони кўрмаган боши,
Кўзларида зангори осмон.
Кипригида тўлқинлар ёши,
Тошларида асрлик достон.

Қирғоғида Бобур излари,
Айриликнинг кўзидаги гард.
Тўлқинида шоир сўзлари,
Ҳижрон каби давосиз бир дард.

Тож Маҳалга бир умр бедор
Алла айтар бу мушфиқ она.
Бешигини тебратиб хумор,
Мангуликка бўлур парвона.

Лаъл қалъага термилиб нигор
Деҳли бошин силар жафокаш.
Боғлар аро кашф этиб баҳор,
Водийларга аста қўяр бош.

Не кунларни кўрмади Жамна,
Сувин ичди дўст ҳам, душман ҳам.
Ҳиндга кимлар қилмади хамла,
Кимларга Ҳинд қилмади карам.

Инглизлардан юраги вайрон
Бўлиб Жамна тошди қирғоққа.
Боғларини айлашиб пайхон
Булбуллари солди қийноққа.

Ҳаммасига гувоҳ бу дарё,
Юрагида сўнгсиз бир армон.
Яралгандан буён бу дунё
Фарзандлари бошида посбон.

Боши узра кулдию иқбол,
Бахт ва толе ёр бўлди унга.
Қучоқ очиб нурли истиқбол,
Мамнун боқди бахтиёр кунга.

Жамна оқар, оқади мангу
Ҳинд мулкига бахш этиб ҳаёт.
Шундоқ қилиб уни беуйқу
Яратибди она табиат.

29.10.70

МАРМАРГА ЎЙИЛГАН ДОСТОН

Қошимда — мармардан буюк кошона,
Кўзимни сеҳрлаб, ақлим этди лол.
Қуёшга бош тутмиш мағрур, шоҳона,
Оппоқ сийнасини ўпгандай иқбол.

Мағрур боқишида мунгли бир ўкинч
Мармар тошлар ичра пинҳондир ҳамон.
Мумтоз Султонбегим бунда ётар тинч,
Аврангзеб зулмидан нотинч Шоҳ Жаҳон.

Асрлар нидосин тинглар Тож Маҳал,
Пойига бош урар Жамна шовуллаб.
Қуёш унга ҳар кун бергали сайқал,
Тонг билан ишқида ёнар ловуллаб.

Мумтозбегим руҳин қилмоқ учун шод,
Бу санъат гултожин қурдирди Жаҳон.
Севгисига содиқ қолиб умрбод,
Ғурбат қалъасида у бўлди хазон.

Шоҳ Жаҳон бўлсин деб умридан ризо
Тож Маҳалга қўйди халойиқ уни.
Ҳиндистонни сўраб турган бу сиймо
Кўролмасдан кетди эзгулик кунни.

Сўл қирғоқда — қора мармар пойдевор,
Шоҳ Жаҳон қисмати янглиғ қорадир.
Мунғайиб Жамнага термилар бедор,
Аврангзеб дастидан бағри порадир.

Унинг ўксик бошин силаб не аср
Тож Маҳал қошида бўлар парвона.
Огра кўкси узра кулган бу қаср
Дунёда тенги йўқ мумтоз, ягона.

Кўрганим санъатми ва ёки рўё,
Бу не ўзи? Сўйла, она табиат?
Сеҳрми, алдоқми бу, кекса дунё
Ё бир тилсимотми? Ё қасри жаннат?

Наҳотки, зулматда яшаган инсон,
Ақлу заковати буюк шу қадар.
Сўйла, эй она-Ер, сўйла, эй осмон,
Наҳотки, эш бўлса ақл ва ханжар?

Ханжар тиғли бўлса, ақл эрур паст,
Ақл ўткир бўлса, ханжар ҳам тиғсиз.
Ақлу ханжар қачон бўлгану пайваст,
Бир қалбдан қай маҳал туғилган эгиз?

Ақл устун келган куни ханжардан,
Қалбга ҳоким бўлди Севги худоси.
Ишқ деб садо чиқди кумуш мармардан,
Қуёшдан нур эмди вафо дунёси.

Дунё бино бўлиб, шу кунга қадар
Ким бермиш муҳаббат рамзига сайқал.
Ишқига бўлса-да содиқ, вафодор,
Ким қўйган ёрининг шаънига ҳайкал?

Бу кекса дунёнинг кўрки мисоли
Тож Маҳал — севгидай пок ва дурдона.
Севгидай йўқ асло унинг тимсоли,
Тож Маҳал — севгидай эрур ягона.

Севги ҳар бир қалбга бўлгандай меҳмон,
Ҳар юракни асир айлар Тож Маҳал,
Тож Маҳал — мармарга ўйилган достон
Ва севги мулкига қўйилган ҳайкал.

Огра.
30.10.70

СУРАЙЁ ЮЛДУЗИГА

Эй, Огра осмонининг
дилафрўз маликаси,
Киприкларим йўлингда
кўприк бўлди бу кеча.
Каҳкашон чаманида
юлдузларнинг эркаси,
Сенга кўз нурим элтган
киприк бўлди бу кеча.

Бу кеча тонгга қадар
сенга термилдим бедор,
Дардимни ашъор қилиб,
ёлғиз сенга бўзладим.
Бир қиё боқишингга
тунлар бўлиб интизор,
Сенинг йўлингда қолди
менинг бедор кўзларим.

Ер билан осмон аро
бўз тўрғайдай бўзласам,
Кўнглимнинг оҳ-ноласи
етгайми қулоғингга.
Ҳиндистон боғларидан
сенга бир гул узмасам,
Субҳидамда не қилай
бош қўймай оёғингга.

Сен мендан юксакдасан,
мен сендан қуйидаман.
Қўлларимни чўзсам ҳам
етмайди кокилингга.
Сен менга бепарвосан,
мен сенинг кўйингдаман,
Ошиқ бўлиб қалбимни
берай дейман қўлингга.

Орамизда на тоғ бор,
на дарё-ю на ўрмон,
Лекин ракета учса
толиққудек масофа.
Кўз илғамас маскандан
сен боқурсан нигорон.
Бечора ошиқ ҳолин
қилган каби томоша.

Эй, Сурайё юлдузи,
тушсанг-чи куйироққа,
Бугун ўзга диёрда
айлайлик сайри висол.
Менинг Сурайё деган
ёрим қолган йироқда.
У гўзал жамолингдан
ҳуснига олган тимсол.

Бугун мен ҳам Бобурдек
айрилиқнинг домида,
Ёру диёр висолин
кўролмайин доғдаман.
Севгига сажда қилиб
садоқат меҳробида,
Жамнанинг қирғоғида
бир кунлик қўноқдаман.

Ёримнинг дийдорини
кўрай десам бу кеча,
Орамизда Ҳиндикуш
осмон ўпиб ётибди.
Бобурни Шайбонийхон
кутса қилич тутганча,
Мени эса дўстларим
зор-зор кутиб ётибди.

Масканингни тарк этиш
сенга душвор бўлса гар,
Мен ҳам еримни ташлаб,
боролмайман ёнингга.
Тошкент деган шаҳарда
ёрим менга интизор,
Бу кеча соғинчимни
етказ ўшал жонимга.

Балки, ул ҳам мен каби
сенга термилиб бедор,
Кўнгил розини айтур
етказгил деб ёримга.
Юлдузгинам, бизларни
мунча қилмай интизор.
Бу кеча тўйиб боққил
кўзлари хуморимга.

Ҳижрон тоғидан ошиб,
қайтарман эрта-индин.
Висол бодасин сенга
ёрим билан тутурман.
Жажжи фарзандларимни
бағримга босиб мамнун,
Ёрим билан сени мен
тонг отгунча кутурман.

Эй, Сурайё юлдузи,
битта илтимос сендан,
Бу кеча ёдлаб олгин
мен айтган каломимни.
Жонажон диёримга
қўшиқ элтгину мендан,
Бу кеча айтиб қўйгин
ёримга саломимни!

Огра.
31.10.70

БОҒИ ОРОМ[1]

Сайри дилкушодан қайтардим мамнун,
Баҳримни ёзарди Жамна шамоли.
Ногаҳон ўзига қилди-ю мафтун,
Хаёлимни тортди бир боғ жамоли.

Дарахтлар кирғоққа ташлашиб соя,
Майдек сипқорарди куёш ёғдусин.
Жамна тўлқинидан тинглаб ҳикоя,
Ғазалга соларди кўнгил туйғусин.

Мармардан қилинган нилуфар — фонтан
Гулзор чиройига бахш этар оро.
Кўм-кўк либос кийиб мунғайган банян,
Интикар, отилса дея фаввора.

Посбон хужралари бўм-бўш ва холи,
Боғнинг атрофида қизғиш деворлар.
Бугун сўнган боғнинг файзу камоли,
Мармар шийпонлардан сўнган виқорлар.

Ҳеч кимса кўринмас Баҳридорида[2],
Тахти Товусда[3] ҳам сукут ҳукмрон.
Бир вақтлар бу боғда, ҳинд диёрида
Ғазал куйлагандир Ҳумоюн, Комрон.

Бобур ғазаллари кабутар мисол,
Шу боғдан чарх урган Хуросон сари.
Ҳинду афғон уни тинглаган хушҳол,
Боғи Ором ичра Маъсума пари.

Мушоира қилиб аҳли шуаро
Ҳинд мулкин тавсифин олган қаламга.
Ғазал билан бериб дилларга оро,
Ҳинд мулкин довруғин ёйган оламга.

Бобур Мирзо эса кезиб боғ аро
Ҳижрон дардларига излаган даво.
Фарғона васлини қўмсаб бечора,
Дардини Жамнага сўйлаган, аммо...

Асрларни бошдан кечирган бу боғ,
Бугун Ҳинд мулкида энг азиз ёдгор,
Ҳамон боши узра порлайди чароғ,
Ҳамон боғда Бобур хотираси бор.

Бобур Мирзо қабрин излари унда,
Боғ аро кезади шоир нафаси.
Жамна қирғоғини ўпган тўлқинда,
Қалбимга урилар Бобурнинг саси.

Боғи Оромни мен қилиб зиёрат,
Бир лаҳза шод этдим шоир руҳини.
Дилбар ғазалларин бир-бир этиб ёд,
Англадим ҳижронда чеккан оҳини.

Шоир изларини суртиб кўзимга,
Оромим йўқолди Боғи Оромда.
Таскин бериб дилга, дедим ўзимга:
— Юртингдан азиз ер йўқдир оламда!

ЎЛИК ШАҲАР

(баллада)

Шуми қисмат, оқибат сенга,
Қайга кетди тахту салтанат?
Чироғингни ўчирди нега,
Мозийдаги улуғ мамлакат?

Сенга ахир мармар пойдевор
Қўйганди-ку, Акбар беармон.
Ўн олти йил этиб жон нисор,
Тикилганди сенга Ҳиндистон.

Бир йил даврон сурдингу хуллас,
Сени мангу тарк айлади бахт.
Шоҳга қанча бўлма муқаддас,
Кўчирилди Лохурга пойтахт.

Недир ахир ўзи гуноҳинг,
Ё толеинг эдими қаро?
Йўқ эдими бошда паноҳинг,
Нечун қолдинг икки йўл аро?

---

[1] Бобур Мирзонинг боғи
[2] Мушоира шийпони
[3] Бобур Мирзонинг оқ мармар чорпояси

Йўқ, толеинг эмасди қаро,
Кулган эди иқбол юлдузинг.
Ўғил ато қилиб Акбарга,
Толеингдан шод эдинг ўзинг.

Жаҳонгирнинг шаънига Акбар
Бунёд қилди сени мармардан.
Бошинг узра тўкди сийму зар,
Кам бўлма, деб ҳеч бир шаҳардан.

Ҳатто мармар деворингга ҳам
Нақш этилди ўғлин сурати.
Севинчига тор келиб олам,
Олтин билан ёзилди оти.

Бугун эса қалбинг вайрона,
Оғушингда мангу сукунат.
Не сайёҳлар бўлиб парвона,
Тарихингни тинглашар фақат.

Ўн олти йил чумоли мисол
Тош ташиди сенга не филлар,
Ўн олти йил сен учун беҳол
Тош тарошлаб берди не қўллар.

Ўн олти йил шўрлик халойиқ
Қирчанғидай тер тўкди сенда.
Ўн олти йил — лаҳза тиним йўқ,
Меъмор кўздан нур тўкди сенда.

Ўн олти йил чекилган заҳмат
Кули кўкка соврилди нечун?
Бир йил ҳукм сурган айш-ишрат
Қилдими ё толеинг нигун?

Нигун бўлса толеинг агар
Сенда зафар қучмасди Бобур.
Тиз чўкмасди қошингда Акбар,
Туғилмасди сенда Жаҳонгир.

Ундоқ бўлса, гуноҳинг нима,
Ҳувиллайсан кимсасиз нечун?
Табиатдан қилгайсан гина,
Нега менга боқасан беун?

Хазинасин сочиб ҳавога,
Етмадими қадрингга Акбар?
Шаҳаншоҳни солиб ғавғога,
Ким кўтарди бошингда ханжар?

Пирини[1] дафн этмасди, Сикри[2],
Етмаганда қадрингга агар.
Сенга ханжар кўтарарди ким
Ҳиндни сўраб турганда Акбар.

Сенда сира йўқ эди гуноҳ,
Йироқ эдинг Жамнадан лекин.
Инсонларга бўлиб бир паноҳ,
Тирикчилик қилардинг ҳар кун.

Бино бўлиб, баланд тепадан
Водийларга боқардинг уйғоқ.
Эзгу кунлар кўриб, дунёдан
Мамнун эдинг, шод эдинг, бироқ.

Чанқокликдан лабларинг қақраб,
Қуриб қолди ҳавзи музайян.
Фавворалар тинди, зор қақшаб,
Хазон бўлди анвои чаман.

Сени сувга этмоққа сероб,
Топилмади ҳеч қандай имкон.
Акбаршоҳни алдади сароб,
Қилмишидан бўлди пушаймон.

Азиз бўлма унга нақадар
Кетди сени ноилож ташлаб.
Сирингали пирига Акбар
Келиб турди кўзларин ёшлаб.

Тўрт юз йилдир, бир ҳовуч сувга
Юзларингни юволмай доғсан.
Бошинг қўйиб мангу уйқуга
Қоядаги сўнган чароқсан.

Табиатдан кутгандай эҳсон,
Ёлворасан қуёшга гўё.
Мозийдаги шуҳратинг ҳамон
Кўзларингга сочмоқда зиё.

Ўша зиё порласин абад,
Ёғду сочсин истиқболга ҳам.
Сенда сувсиз сўнса ҳам ҳаёт,
Остонангга бош қўяр одам.

1970

---

[1] Салим Чештий – Акбаршоҳнинг пири.
[2] Фотеҳпур Сикри – Оградан 20 чақирим жанубдаги вайрона шаҳар

АРАБИЯ ДЕНГИЗИГА

Салом денгиз, эй мовий диёр!
Эй, тўлқинли сўнгсиз мамлакат!
Сенга эди кўнглим интизор,
Бугун етдим васлингга фақат!

Сени истаб, сени сўроқлаб,
Ҳиндикушдан ошиб келдим мен.
Сенинг меҳринг дилда ардоқлаб,
Зарафшондай тошиб келдим мен.

Самарқанднинг гўзал боғлари
Сенга мени кузатиб қолди.
Тиёншону Помир тоғлари
Гулларини узатиб қолди.

Ўзбекистон деган диёрдан
Сенга бугун келтирдим салом.
Васлинг кўриб, чиқдим хумордан,
Менга бердинг бир дунё илҳом.

Бошин қўйиб пойимга маним
Оғушига олди тўлқинлар.
Уфқларни қучган елканим,
Қўшиқ айтиб қолди тўлқинлар.

Ғаввос бўлиб сенинг қаърингдан
Марваридлар изладим шодмон.
Кўз илғамас, сўнгсиз бағрингдан
Бугун мен ҳам тополдим макон.

Тўлқинларинг тулпор сингари
Олиб кетди мени йироққа.
Элифанта ороли сари
Суза-суза етдим қирғоққа.

Яна қанча ороллар мағрур
Боқиб турар тўлқинларингга.
Қўшиғингни тинглашар масрур
Шайдо бўлиб оқ тунларингга.

Сенда бир кун қилдиму сайр
Кўнглимда ҳеч қолмади ғубор.
Кўришгунча яхши қол, хайр,
Арабия, эй мовий диёр!

1970

ВАТАН ҲАЖРИДА

(Хориждаги ўзбек йигитига)

Хаёлида яшар бир жаннат диёр
Ҳиндикушдек юксак тоғлар сўнгида.
Шу диёр қалбида кўзғар ифтихор,
Жамоли жонланар кўзи ўнгида.

Тушларига кириб чиқар кечаси,
Номи такрорланар тилида минг бор.
Отаси туғилган шаҳар кўчаси
Уни оғушига чорлайди хумор.

«Минг бир кеча»даги Боғи Эрамдай
Шу диёр банд этган мурғак онгини.
Қалби милт-милт ёнар тунлари шамдай,
Умидвор кутади висол тонгини.

Шу диёр дийдорин кўриб кинодан,
Қанот боғлаб, унинг келар учгуси.
Бир қултум сув ичиб Сирдек дарёдан,
Она тупроғини келар қучгуси.

Тонг отгунга қадар китоб варақлаб,
Ўзбек қомусини дилга этар жо.
Она юрт меҳрини қалбда ардоқлаб,
Жамолин кўрмакка интизор аммо.

Бир қисим тупроғин асраб тумордай,
Нигорон кўзига этар тўтиё.
Гўё отасидан гинаси бордай,
Дарз кетган кўнглига излар мўмиё.

Ўн саккиз баҳорни кўрган навқирон
Қошимда турибди мунғайиб, маъюс.
Дилда ҳижрон дарди кўтарар сурон,
Давосин тополмай ғам чекар, афсус.

Бу йигит хорижда келган дунёга,
Кўз очиб кўрган ул ўзга тупроқни.
Бир ниҳол сингари етгач вояга,
Англади бошига тушган фироқни.

Инқилобдан чўчиб Афғону Эрон
Даштида отаси кезган дарбадар.
Ҳеч қайдан ўзига топмаган макон,
Санқиб Истанбулдан Байрутга қадар.

Отаси ҳам ўтиб кетмиш оламдан,
Энди азобдадир ўғли бечора.
Юрагини эзган дарду аламдан
Чўп бўлиб, дардига излайди чора.

Мунғайиб, тинглайди ҳикоямни жим,
Кўксига сиғмасдан талпинар қалби,
Кўзига ёш олиб, энтикар маъсум,
Сўзлайман дейди-ю, қалтирар лаби.

Битирган бўлса ҳам коллежни гарчанд,
Иш тополмай гаранг шўрликнинг боши.
Хор-зорлик умрига ташлаган каманд,
Юрагида эса айрилиқ тоши.

Бу тошни мум каби эритмоқ учун,
Қалбингда қуёшинг ёнмоғи керак.
Бошингдан ғам юкин аритмоқ учун,
Керакдир тоғ каби бардошли юрак.

Хаёлин чулғаган ул жаннат диёр,
Доврўғи достондир жаҳонга бугун.
Унда кезиб юрар мангу бир баҳор,
Одамлар умридан, бахтидан мамнун.

Осмонўпар тоғдан учиб ўтгали,
Укажон, толиқмас қанот керакдир.
Иқбол қуёшидан ёғду кутгали
Покиза юрагу сабот керакдир.

Сен ҳали кўрмасдан юртинг жамолин
Унинг ёди билан тунлар бедорсан.
Ўзга бир диёрда тилаб камолин,
Тиз чўкиб, тупроғин ўпишга зорсан.

Лекин унутмабсан она тилингни,
Ватан меҳри билан яшайсан ҳамон.
Шу меҳр ёритар сенинг йўлингни,
Шу меҳр висолга чорлар бегумон.

Висол тонги отиб, мисоли қуёш
Жамолин кўрсатар сенга ҳур диёр.
Ўшанда таъзим-ла аста эгиб бош
Кўришарсан она юрт билан дийдор.

Тўйиб-тўйиб йиғла ўшанда, укам,
Дилингда қолмасин заррача ҳам доғ.
Висол ёшларидан кўкарсин кўклам,
Бошингда порлагай Бахт ёққан чироқ!

Бўмбай.
2.11.70

ЭЛИФАНТА

Элифанта, эй, сўлим орол,
Эй, денгизнинг эрка дилбари!
Мени бир дам қучоғингга ол,
Зилол сувга чўмилган пари!

Кокилларинг занжирин, майли,
Банд этгали солгин бўйнимга.
Эй, Мажнунни излаган Лайли,
Тушиб қолдим сенинг кўйингга.

Соҳилингда турибман дардкаш,
Оёғингга уриб бошимни.
Нега парво қилмай, париваш,
Оқизасан кўздан ёшимни.

Шамол ўйнаб қора зулфингни,
Мушки анбар мени этар маст.
Аста очиб кўнгил қулфингни,
Дилни дилга этасан пайваст.

Икки юзу тўқсон зинадан
Тоғ бошига чорлайсан мани.
Қўлларингга қўйган хинадан
Топиларми, қайда чамани?

Банян билан Ним соясида
Ошиқларга қурибсан маскан.
Тош одамлар хикоясида
Кўз ёшими ҳавзи музайян?

Элифанта, эй, қадим орол,
Тош асрининг сўлим гувоҳи.
Гўзаллик худосин, эҳтимол,
Тушганмикан сенга нигоҳи?

Сени кўриб ақлим бўлди лол,
Кўзларимга ишонмай қолдим.
Учиб кетди бошимдан хаёл,
Чиройингдан маст бўлди қалбим.

Элифанта, эй, сўлим орол,
Эй, денгизнинг эрка дилбари!
Соғинганда мени ёдга ол,
Зилол сувга чўмилган пари!

1970

ШАМОЛ ҚАСРИ

Рожистонда Шамол қасри бор,
Бино бўлган қирмизи тошдан.
Кўкни ўпиб турар пурвиқор
Ёғду эмиб олтин қуёшдан.

Океанга чўмилиб қуёш
Чўккanида дилафрўз окшом.
Шамол билан бўлиб суҳбатдош
Ой нурида товланар эҳром.

Меҳмон бўлиб шамол бекаси
Қаср ичра кезар хиромон.
Океаннинг шўх маликаси
Оғушида ором топар жон.

Ҳар ким севгим пок бўлсин дея
Шамол қасрин этур зиёрат.
Ошиқлардан тинглаб ҳикоя
Қилмас экан ёрга хиёнат!

20.11.71

БЎМБАЙ

Етти орол кифтида
хаёл суради Бўмбай,
Етти оролдан тинглаб
етти ажиб ривоят.
Арабия денгизи
шаробга тўла жомдай,
Бўмбайни сархуш айлаб,
тинглар ундан ҳикоят.

Бўмбайнинг ҳикояти
Алиф Лайлодай узун,
Сўйласа адо бўлмас
ҳатто минг бир кечада.
Етти оролга боқиб,
тунлари бўлиб маҳзун,
Бўмбайнинг дарди оқар
дарё бўлиб кўчада.

Ўтмишини ўйласа,
жигар-бағри хун бўлиб,
Мустамлака зулмидан
қадди долдай эгилар.
Саодатли кунлари
гўё бирдан тун бўлиб,
Жовдираган кўзидан
алам ёши тўкилар.

Келажагин ўйласа,
қаддин тутиб мисли роз,
Арабия уфқидан
мамнун кутар қуёшни.
Истиқбол манзилига
бургутдай қилар парвоз,
Тараққиёт отида
баланд кўтариб бошни.

Инглизларнинг зулмини
саксон йилча муқаддам
Бўмбайда кўрган эди
Фурқат ҳижрон домида.
Боғи муаллақ аро
сайр айлаб субҳидам,
Мен бўлдим озод халқнинг
иззату икромида,

Она ўзбек диёрин
мехрин дилда жо айлаб,
Буюк Ганди уйини
зиёрат этдим бугун.
Толстойнинг Гандига
ёзган хатин авайлаб,
Кўзга суртиб ўқидим,
дўстлардан бўлиб мамнун.

Мақсуд Шайхзода кезган
Элифанта бағридан
Бугун Самарқанд ўғли
ўйчан боқди денгизга.
Назм уммони янглиғ
Арабия қаъридан
Оёғига бош уриб,
тўлқинлар кирди сўзга.

Тўлқинлар розин тинглаб
афсонавий Бўмбайни
Етти оролда ётган
гўзалга қилдим қиёс.
Арабия остида
чилпарчин бўлган ойни
Сув парисин кўзгуси,
деганлари, балки, рост.

Етти орол кифтида
хаёл суради Бўмбай,
Етти оролдан тинглаб
етти ажиб ривоят.
Арабия денгизи
шаробга тўла жомдай,
Бўмбайни сархуш айлаб,
тинглар ундан ҳикоят!

27.11.71

БЕНГАЛИЯ

Бенгал тили янглиғ нафис ва гўзал,
Оппоқ нилуфардай, эй, латиф диёр!
Тагордан васфингни ўқигач тугал,
Ҳуснингни кўрмоққа бўлдим интизор.

Эртакда тенги йўқ Боғи Эрамдай,
Хаёлим ўғирлаб олдинг дафъатан.
Тагор қалби сенда милтиллаб шамдай,
Қўйнингга чорлади, эй, сўлим ватан.

Бир қултум ичдиму висол жомидан,
Ўзимни унутдим Ганг кирғоғида,
Шеърият диёрин эҳтиромидан
Қалбим парвонадир ишқ чароғига,

Дарё мавжларига боқиб беармон,
Тўлқинлар куйини тингладим ёниб.
Олма гулларидай бўлиб нафармон,
Сохилларда боғлар ётар товланиб.

Сув бетига қўнган капалак мисол
Нилуфар чамани жилмаяр балқиб.
Кумуш баргларида сузади хаёл,
Қалб эса завқидан кетади қалқиб.

Ёру кўкни чулғаб сеҳрли оҳанг,
Боғлардан таралар ҳинд мусиқаси.
Мусиқа авжига жўр бўлгандай Ганг,
Дилни сархуш айлар тўлқинлар саси.

Товусдай товланиб майсалар аро,
Чарх уриб, раққоса ўйнар хиромон.
Мусиқа авжига чиқар тобора,
Жонолар рақсидан ором топар жон.

Хиёбон саҳнига тушганда салқин,
Шеър янграйди бенгал талаффузида.
Шоирлар кўзида порлайди ёлқин,
Тинчлик ва адолат ҳар бир сўзида.

Юртинг санъатига кийдирган гултож,
Сенми афсонавий жаннат диёри!
Наҳотки, қалбингда шунча эҳтирос,
Ё Гангдан олдингми қўшиқ, ашъорни!

Тагор бешигини тебратиб шодмон,
Гангнинг кудратини бердингми унга?
Ё ўксик қалбингда кўпмиди армон,
Тушунтир, изоҳ эт, сўйлагин менга?

Сени кўрганимдан шодман нақадар,
Кўнглим эриб кетди нафис тилингдан.
Бошингдан сочмасам ҳамки олтин, зар,
Кел, ўпай, тиз чўкиб сенинг қўлингдан.

Калькутта,
1970

КАЛЬКУТТА ЧИРОҚЛАРИ

Сўнгсиз осмон ёрду қилгандай нисор,
Калькуттага сочмиш миллионлаб юлдуз.
Чироқлар қўйнида қолган бу шаҳар
Бу кеча мен билан турар юзма-юз.

Кўзим қамаштирар минг турли ранглар,
Афиша бозори чиққан авжига.
Хаёлим чулғайди мунгли оҳанглар,
Энтикиб боқаман нурлар мавжига.

Енгил машиналар тошқин дарёси
Жар солиб, тун бўйи оқар бетиним.
Тунги ишратхона ҳазин садоси
Раққоса қалбини айлайди тилим.

Бир шаҳар бўлинган икки дунёга,
Иккига бўлинган бир юрак гўё.
Бири кўз тикади сароб, рўёга,
Бирисин қўлида ўйинчоқ дунё.

Бир кўча чароғон, бири қоронғу,
Бирида севинчу бирисида ғам.
Бирида май ичар, бирида оғу,
Бирида тўй бўлса, бирида мотам.

Ҳашамдор уйларда яшайди бири,
Бири расталарда ётар яланғоч.
Бирисин ишратда ўтади умри,
Бириси «бахшиш» деб санқир,
қорни оч.

Кўрмасам бўларди бу манзарани,
Ҳаёт нималигин англадим бугун.
Ким хурсанд қилар, деб бир бечорани,
Қалбимдан қон сирқиб, эзилди бу тун.

Чироқлар парпираб ёнмоқда ҳамон,
Ҳамон давом этар икки хил ҳаёт.
Менинг қалбим эса кўтарар исён,
Иккига бўлинса бир шаҳар, наҳот?!

Миллионлаб чироқлар ёнса ҳам лекин
Зулмат гирдобида ҳали бу шаҳар.
Калькутта қўйнида толеи нигун –
Камбағал қалбига ғам санчар ханжар.

Калькутта,
1970

ТАГОР УЙИДА

Ҳамма нарса одмигина, жўн,
Ҳатто уйнинг жиҳозлари ҳам.
Хонтахтада қўлёзма беун,
Соҳибига мунтазир қалам.

Оддийгина шиша сиёҳдон,
Сукут ичра соат кафгири.
Китобларга лиқ тўла жавон,
Сатрларда Тагор кўз нури.

Бу жавонга назм ила наср
Оддийгина териб қўйилган.
Мушоира дарёси бир-бир
Шу даргоҳга келиб қуйилган.

Тагор уйи оддий ва содда,
Салобати босади лекин.
Ҳамма нарса жўнгина, аммо,
Тагор тоғдай буюкдир бугун!

Калькутта,
1970

РИКШАЛАР

Рикшалар мўлтирар Чаурингида[1],
Усти боши юпун ва яланг оёқ.
Дунё қоронғидай кўзи ўнгида,
Ғамдийда қалбида беаёв қийноқ.

Рикшалар югурар Чаурингида,
Силласи қуриган қирчанғи каби.
Ҳолдан тойиб қолиб манзил сўнгида
Оёғи қалтираб, титрайди лаби.

Рикшалар тентирар Чаурингида,
Омади келмаган сайёд сингари.
Биргина йўловчи топиш дардида
Аравасин қўйиб, елар сарсари.

Рикшалар мудрайди Чаурингида,
Кўзлари киртайган, тани қоқсуяк.
Шотига суяниб, раста ёнида,
Ўткинчи йўлига қўйишар «тузоқ».

Рикшалар изғийди Чаурингида,
Ўксик кўзларида синовчан назар.
Аравага чорлаб ўнгу сўлингда,
Юзингга термилар мисли гуноҳкор.

Рикшалар дайдийди Чаурингида,
Эртадан-кечгача билмасдан тиним.
Аравасин судраб кўча чангида
Шўрликлар бир лаҳза топмайди қўним.

Рикшалар ҳаммолдек Чаурингида,
Тиним йўқ ҳаттоки ярим кечаси.
Кўзлари ўхшайди ғоят мунглига,
Рикша бозоридир шаҳар кўчаси.

Бир оқшом кездиму Чаурингида,
Рости гап, бир умр тинчим йўқолди.
Одамни санамай одам ўрнида
Юрган кимсаларга ғазабим қолди.

Рикшалар ғамгусор Чаурингида,
Бу аянч манзара тиғлади қалбим.
Ҳаёт аламини кўриб рангида
Пегас қанотида йиғлади қалбим.

Тагор сайр этган Чаурингида
Наҳотки, шунчалик қадрсиз инсон?
Шунчалик хор-зорми одам умрида,
Наҳот чорасизсан мулки Ҳиндистон?

Ҳиндистон, дилафгор Чаурингида
Мушфиқ она бўлиб кўриндинг менга.
Инглизлар зулмидан ёдгор ўрнида
Иллат бўлиб қолмиш рикшалар сенга.

Эзгу умид билан Чаурингида
Арабия уфқига боқяпсан бедор.
Буюк истиқболнинг ёрқин тонгида
Саодат қуёши сенга интизор.

Қуёшни қаршилаб Чаурингида
Барча фарзандингни кўрурсан шодмон.
Рикшалар гўёки тарих сўнгида
Эртак бўлиб қолур бир кун, Ҳиндистон.

Калькутта,
1970

[1] Калькуттанинг марказий кўчаларидан бири

ҚУТБ МИНОРДАГИ ЎЙЛАР

Бошимда — сўнгги йўқ мусаффо осмон
Ва нилий гумбазда сайр этган қуёш.
Қошимда — осмондек сўнгсиз
Ҳиндистон
Ва қуёш қалблилар мен билан сирдош.

Мармар минорадан — бир шеър ишқида
Ҳиндистон ҳуснига боқиб турибман.
Гўё меҳмон бўлиб дўстлик кўшкида
Боғларда хаёлан кезиб юрибман.

Бу мармар минора — илҳом маскани,
Юз йил бино бўлган юксак иморат.
Бир соатга меҳмон этди-ю мани,
Илҳоми — юз йиллик шеърдан иборат.

Юз йил агар тошга гул ўйсам яккаш,
Юз йил панжа урсам сухан конига,
Шеърият мулкида бўлиб бир нақкош
Юз йил ғазал битсам Ҳинд девонига,

Мармар миноранинг нақшу нигорин
Кўчирсам шеъримнинг туроқларига.
Балки, шод этардим унинг меъморин,
Бош эгиб Жамнанинг қирғоқларида.

Ўйларим чарх урар мисли кабутар,
Уфқда жимирлар Ҳинд океани.
Боғларда анқийди бўйи муаттар,
Қалбимни забт этган Тагор Ватани.

Юксак минорани тарк этиб гўё
Кабутар сингари учиб юрибман.
Мени қутлагандай ёрқин бир дунё,
Дўстларни дил-дилдан қучиб юрибман.

Бобур кўролмаган давру давронни
Мен кўрдим дўстликнинг салтанатида.
Бобур тополмаган дўсту ёронни
Мен топдим тинчликнинг салтанатида.

Деҳли,
30.10.70

ТАГОР СЎЗЛАЙДИ

(Шарқ гулчамбари)

I

Тагор бешигини тебратган шаҳар
Бешикдай чайқалар ҳаяжонидан.
Бўйнида ранго-ранг шокила чамбар —
Саодат тухфаси Ҳиндистонидан.

Саодат тухфаси Ҳиндистонидан,
Бу бахтга қай шаҳар бўлмиш мушарраф.
Олти юз қирқ миллион эл эҳсонидан
Пойига бош урар уммони шараф.

Пойига бош урар уммони шараф,
Сўзлашиб, тўлқинлар анжуманидан.
Унга қулоқ тутиб бутун Шарқ тараф
Шаънига сўз излар «Рамаяна»[1]дан.

Шаънига сўз излар «Рамаяна»дан,
«Маҳобҳората»ни варақлар бедор.
Чанқоғин қондириб Гангу Жамнадан
Тагор ҳузурига ошиқар хумор.

Тагор ҳузурига ошиқар хумор,
Гоҳ яёв, гоҳ учиб Ҳинд осмонидан.
Деҳлию Бокаро, Бўмбаю Жайпур,
Панжобу Мадорас, Рожистонидан.

Панжобу Мадорас, Рожистонидан,
Отланган кимсалар карвони сўнгсиз.
Бир байтдан ёд олиб эрк достонидан,
Калькуттага елар кечаю кундуз.

Калькуттага елар кечаю кундуз,
Даҳо мадҳин тинглаб сухандонидан.
Шодликдан қалбида мавж урса денгиз,
Ғаввосдек дур излар дил уммонидан.

Ғаввосдек дур излар дил уммонидан,
Ҳашамдор филларда елиб соллона.
Мушоира қилиб ҳинд девонидан
Чимзор майдонларда қурар чордона.

Чимзор майдонларда қурар чордона,
Кўзлари чақнайди дил армонидан.
Яна отланади йўлга мардона,
Нажот сўрагандай Сўз сарбонидан.

Нажот сўрагандай Сўз сарбонидан,
Калькуттага оқар миллионлаб одам.
Чеҳраси ёришиб қалб туғёнидан
Адиб кўчасига қўяди қадам.

Адиб кўчасига қўяди қадам
Гул териб мулки Ҳинд боғ-бўстонидан.
Тилсимин очгандай сеҳрли олам,
Поёндоз солади бахт ошёнидан.

Поёндоз солади бахт ошёнидан,
Энг буюк инсоннинг қошига чорлаб.
Кўчанинг муқаддас хиёбонидан
Бир ҳайкал кўринар қуёшдек порлаб.

II

Севинч ёшларидан киприклари нам,
Интизор кўзларда порлайди ёғду.
Қуёш васлин кўриб, сўнгандай шабнам,
Қалбларни тарк этар асрлик қайғу.

Қалбларни тарк этар асрлик қайғу,
Тонг отар уфқидай ёришар юзлар.
Умид тулпорига босганча қамчи
Қуёшдек порлаган ҳайкални кўзлар.

Қуёшдек порлаган ҳайкални кўзлар,
Саодат насимин эпкинидан маст.
Дийдорин кўрмакка бўтадай бўзлар,
Орзую армони жон ила пайваст.

Орзую армони жон ила пайваст,
Халойиқ кўчага сиғмасдан оқур.
Энг буюк инсон-ла бўлгани ҳамдаст,
Буюк ҳайкалидан кўз узмай боқур.

Буюк ҳайкалидан кўз узмай боқур,
Фикрлар онгида қилур инқилоб.
Ғоялар кураши бир гулхан ёқур,
Қалбига нур сочур иқболбахш офтоб.

Қалбига нур сочур иқболбахш офтоб,
Умр иморатин айлаб чароғон.
Қисмат китобидан очиб янги боб,
Мангулик эркига келтирар имон.

Мангулик эркига келтирар имон,
Нажотбахш қўлини узатиб Даҳо.
Жилмайиб қўяди тирикдай бу он,
Халойиқ уммонин кузатиб Даҳо.

Халойиқ уммонин кузатиб Даҳо,
Ҳиндистон уфқига боқур беармон.
Ойдин йўл бошида мулки Ҳинд гўё,
Сафари бехатар бўлур бегумон.

Сафари бегумон бўлур бегумон,
Чунки содиқ дўсти — йўлдоши бордир.
Барча мушкулини қилгувчи осон,
Жаҳон айвонида қардоши бордир.

---

[1] Ҳинд халқ эпоси

Жаҳон айвонида қардоши бордир,
Кўкси тоғ, кўнгли боғ бугун Ҳиндистон.
Тинчлик йўли унга зўр бир шиордир,
Изидан қайтмагай мисли арслон.

III

Дарёга ўхшайди Тагор кўчаси,
Тўлқиндай мавж уриб оқар халойиқ.
Бу дарё тўхтамас ҳатто кечаси,
Кундуз эса унинг чек-поёни йўқ.

Кундуз эса унинг чек-поёни йўқ,
Қўлларда шиорлар қалқир елкандай.
Дарёни чулғаса жанговар қўшиқ,
Кўзимга кўринар яна улкандай.

Кўзимга кўринар яна улкандай
Мармар супадаги Даҳо ҳайкали.
Жаҳон минбарида сўзлаб тургандай,
Мангулик умрнинг боқий ҳайкали.

Мангулик умрнинг боқий ҳайкали
Соҳиби аъзамдай Шарқ сийнасида.
Ҳиндистон халқига недир айтгали
Камоли эҳтиром ўт сиймосида.

Камоли эҳтиром ўт сиймосида,
Пойида товланар анвойи гуллар.
Мулки Ҳинд бормикан насибасида,
Унга таъзим этар филқудрат эллар.

Унга таъзим этар филқудрат эллар,
Порлоқ тонг отди деб Янги Деҳлидан.
Гўёки шу ерда бирлашиб йўллар
Тагор билан Неру учрашди руҳан.

Тагор билан Неру учрашди руҳан,
Севинчдан қалқиди қадим Осиё.
Халос бўлган каби ғаму андуҳдан,
Нуроний юзида балқиди зиё.

Нуроний юзида балқиди зиё.
Тун барини ёриб, отган каби тонг.
Ҳайрат бармоғини тишлади дунё,
Ҳиндистон оламга урганида бонг.

IV

Калькуттанинг кўркам хиёбонида
Улуғвор жилмайиб уфққа сари.
Тагор сўзлаётир эл уммонида
Шарқдан чиқаётган қуёш сингари.

Шарқдан чиқаётган қуёш сингари,
Бу олам уйини қилмиш мунаввар.
Эркпарвар адиблар бўлиб сарвари,
Тагор сўзлаётир ғолиб, музаффар.

Тагор сўзлаётир, ғолиб, музаффар,
У дунё дардига нажот излайди.
Мангу қолмасин деб зулмдан асар,
Жаҳон минбарида Тагор сўзлайди.

Жаҳон минбарида Тагор сўзлайди,
Аср бошидамас, бугун сўзлайди.
Бу олам саҳнидан ўтса ҳам минг йил,
Жаҳон минбарида Тагор сўзлайди!

Калькутта — Тошкент,
1970

ҲИНДИСТОН СОНЕТЛАРИ

Яралгандан буён билмасдан уйқу
Она каби мушфиқ алла айтар Ганг.
Қалбида — эрк янглиғ олий бир туйғу,
Тилида юракни ўртовчи оҳанг.

Қўли етган ерни олтин қилиб у,
Азиз тупроғига берди турфа ранг.
Оби ҳаёт бўлиб, таратиб ёғду,
Саратон қуёш-ла олиб борди жанг.

Юракка ўхшаган ярим оролга
Қон бериб, жон бериб, шон бериб мангу,
Умр кемасини тебратолди Ганг.

Ҳинд халқи ёр бўлгач бахту иқболга,
Бошидан йўқолгач асрлик қайғу,
Халқин мардлигидан ибрат олди Ганг.

Калькутта,
5.11.72

* * *

Бугун дарду ғамдан холи Ҳиндистон,
Шодлик наҳри тошар бугун қирғоқдан.
Куй билан чулғанган замину осмон,
Бугун қўшиқ янграр она тупроқдан.

Бугун безангандир мулки Ҳиндистон,
Кўзлар қамашади минг-минг чироқдан.
Мушаклар нуридан чароғон осмон,
Бугун эл мамнундир она тупроқдан.

Бугун зарҳал либос кийган қиз-жувон,
Қўлларда хинаю лаблар узра хол,
Ишваю ғамзадан ором топмас жон.

Бугун Дивалидир[1]. Бугун ҳар инсон
Дивали рақсидан сархушу хушҳол.
Бугун тонгга қадар бедор Ҳиндистон!

Деҳли,
29.10.70

---

[1] Дивали — ҳиндларнинг миллий байрами

* * *

Лаъл қалъа — Деҳлида қутлуғ бир маскан,
Шарқ мулкида тенгсиз, мумтоз кошона.
Гарчанд қурдирса-да, уни шоҳ Жаҳон,
Бу ҳинд санъатидан битта нишона.

Қалъанинг довруғи оламга достон,
Қошида Ғарбу Шарқ доим парвона.
Меъморлар номини ёдлаб Ҳиндистон,
Унга зебу зийнат бахш этди яна.

Мустақиллик олган кунда бу диёр,
Лаъл қалъада Неру нутқ сўзлаб наҳор,
Давлат байроғини тикди қошига.

Шундан буён Лаъл қалъа бошида
Озодлик байроғи порлаб музаффар,
Ҳинд халқини бахтга айлар муяссар.

* * *

Ҳиндистон қуёши мисоли тандир,
Оташ ёғдусига беролмайсан тоб.
Мен каби сайёҳлар ахволи тангдир,
Бошида ўт пуркаб, «сийласа» офтоб.

Ер билан кўк аро оташин жангдир,
Юрак қиндан чиқиб, бўлади хуноб.
Чор атроф саробдай жимжима рангдир,
Жон эса танингда бир қатра симоб.

Ташналик қалбингга қилганда хитоб,
Тожмаҳал қошида тиниб кетар кўз,
(Кўз билан қалбингни, эй сайёҳ, қондир).

Бу санъат тарихи бўлиб бир китоб,
Меъмори шаънига топмай қолсанг сўз,
Манго гулоби нақ роҳати жондир.

* * *

Рожистонда филлар ороли бордир,
Тоғлар қуршаб олган уни ҳар ёндан.
Ойнакўл қирғоғи сўлим баҳордир,
Филлар эрк топганмиш ушбу макондан.

Чўққи узра Кўзгу қалъаси хордир,
У эртак сўзлайди олис замондан.
Мармар остонаси меҳмонга зордир,
Сайёҳлар тушгандек гўё осмондан.

Бу ернинг эзгу бир одати бордир,
Меҳмонни ўтказиб ҳашамдор филга,
Қалъа қисматини сўзлайди жондан.

Бугун-чи, менга ҳам шу иқбол ёрдир,
Филбондан жиловни олдиму қўлга.
Бир қўшиқ тингладим мен
Рожистондан.

Жайпур

* * *

Боғи муаллақда сўлим ҳаводир,
Ҳавоси — қирқ йиллик дардга даводир,
Денгиз бўйидаги бу гўзал маскан,
Бўмбайнинг жаннати — мулки маъводир.

Уни сархуш қилган тўлқин — наводир,
Навоси — ҳар дилга ором, сафодир.
Боғ сайри завқидан ошуфта, мастман,
Дўстлар тутган шароб — жоми вафодир.

Руҳим тоза этган субҳи сабодир,
Денгизнинг тухфаси менга танҳодир,
Дунёда топилмас бу ноёб чаман.

Денгиз қошида бу — Арши Аълодир,
Васлига етмаган тамом адодир,
Адо бўлмай хар ким бир қўйсин қадам!

Бўмбай

* * *

Деҳлида — Ҳумоюн мақбараси,
Сукунат қўйнида унсиз ва бедор.
Бобурнинг суянган кўз қораси,
Соҳиби давлатин унда хоки бор.

Ҳамидабегимдан[1] бу сўнгги ёдгор,
Вафодор маҳбуба дил пораси.
Асрлар домида бўлса-да, афгор,
Боғ аро кўз олар манзараси.

Мармарга битилган шажараси
Тонг ила бошланиб, тугаган шомда,
Умр лашкарини айлаб тору мор.

Аёл садокатин айлаб бир шиор,
Маъюс бир ҳиссиёт қўзғайди жонда,
Деҳлида — Ҳумоюн мақбараси.

* * *

Бҳилайда[2] икки дўст инок,
Эритмоқда пўлатни мойдай.
Қалблар аро чин дўстлик — чироқ,
Бахти кулган нақ тўлин ойдай.

Таржимонсиз сўзлашар қувноқ,
Завқи тошар баҳорги сойдай.
Икки элдан бўлса-да, бироқ
Мехри сархуш этади майдай.

---

[1] Ҳамида Султонбегим — Ҳумоюн Мирзонинг рафиқаси, эри вафотидан сўнг унинг қабрига арғувоний мармардан юксак мақбара қурдирган
[2] Бҳилай металлургия комбинати

Азиз дўстлар туриб ёнма-ён,
Бунёд этди улкан корхона,
Шарк уфқида тенгсиз, ягона.

Рус билан ҳинд — икки қадрдон,
Бҳилайда ишлаб мардона,
Бир-бирига эмас бегона.

* * *

Қуёш соатини кашф этган даҳо
Уни бунёд этмиш оппоқ мармардан.
Расад бешигига термилиб само
Боши узра ёғду сочар наҳордан.

Уч юз йилни бошдан кечирмиш, аммо
Ҳануз кўрк кетмаган мармар девордан.
Зиёрат этгани ошиқар дунё,
Қуёш илмин ўқир мозий ёдгордан.

Жайпурлик мунажжим эрта саҳардан
Етти иқлим вақтин ўлчаб ҳар сафар,
Дунё соатидан бераркан хабар.

Соат милини ҳам қилиб мармардан,
Йилнинг фаслларин изоҳлаб берар,
Қуёш соатини кашф этиб илк бор.

14.09.72

КАРОЧИ

Карочи денгизга бўлиб маҳлиё,
Хурмозор қўйнида ётар энтикиб.
Табиат шаънига ўқиб мадҳия,
Денгиз шовиллайди менга кўз тикиб.

Денгиз ғоят ҳадсиз, кўзим илғамас,
Чайқалиб ётибди бу нотинч диёр.
Кимнинг қалбин ахир севинч чулғамас,
Денгиз қўшиқ айтиб, куйласа алёр.

Арабиянинг дилбар қўшиғин тинглаб,
Менга пешвоз чиқди Карочи бугун.
Қадрдон қирғоққа аста қўйиб лаб,
Унинг пойин ўпар ларзакор тўлқин.

Юзларин сийпалаб денгиз шамоли,
Баҳрини ёзади мусаффо ҳаво.
Ўн тўрт куплик ойдай гўзал жамоли,
Дардчил юракка ҳам бағишлар даво.

Қуёш оташида ҳансираб, ёниб
Нигорон боқади фараҳли шомга.
Самодан сочилган ёғдуга қониб,
Аста бош қўяди салқин оқшомга.

Неон чироқлари парпираб бирдан
Баҳс бойлар осмоннинг юлдузи билан.
Карочи жилмайиб завқу сурурдан
Денгизга боқади минг кўзи билан.

Карочи юзида порлайди ёғду,
Арабия эса мудрар, қаро тун.
Тўлқинлар шовуллаб ётар беўйқу,
Карочи, ором ол, дегандай мамнун.

Икки дунё унда ҳоким бўлса ҳам
Денгиз алла айтар онадек бедор.
Бири — сармоянинг домига қарам,
Бири — саодатнинг ёғдусига зор.

Бу ҳолдан бехабар эй, мушфиқ она,
Карочи бошида уйғоқсан тунлар.
Фарзандинг қошида бўлиб парвона,
Дардини қўшиққа солмиш тўлқинлар!

Карочи,
4.11.70

ГУЛ ВА ХАНЖАР

Файз Аҳмад Файзга

Ғазалга минг йиллар мавзу бўлди гул,
Балки, мавзу бўлар яна минг йиллар.
Гул васлин кўрганча йиғлади кўнгил,
Кўнгилдай ғазални ёд этди тиллар.

Минг йиллар гул билан ҳамоҳанг ғазал,
Ғазал билан кўнгил — эт билан тирнок.
Ғазал мавзуси ишқ — тақдири азал
Ва кўнгил мулкига ишқ эрур чирок.

Сарҳад нималигин билмайди ғазал,
У ҳатто айирмас инсон иркини.
Ишқи бор кўнгилни забт этиб ҳар гал,
Ўз қўлига олган инсон эркини.

Ғаним ҳамла қилса она юртга ғар
Ғилофин тарк айлар ханжар дафъатан.
Адолат кўкида яраклаб ханжар,
Қонхўр душманига бичади кафан.

Ғазалинг эркка зор бўлган кўнгилни,
Муқаддас Ишқ каби айлади обод.
Ғаним гулбоғингга чўзганда қўлни,
Ханжарга айланди ғазалинг, Аҳмад!

ИҚБОЛ МАҚБАРАСИДА

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,
Анвойи гулчамбар қабри бошида.
Юзларга маъюслик чўккандай хиёл,
Одамлар бош эгар шоир қошида.

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,
Она-ерни қилиб мангулик макон.
Қалбларни чулғайди минг турли хаёл,
Шоирнинг бошида заъфарон девон.

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,
Бу дунё ғами-ю дардидан холи.
Оташин юрагин ўртамас илҳом,
Бошида чарх уриб ҳаёт шамоли.

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,
Мангулик сукунат чўккан қабрига.
Эркка ташна инсон топгандай камол,
Оёққа қалқиди шеърин зарбига.

Мармар мақбарада ётибди Иқбол,
Шарқ бўйлаб таралар ғазали лекин.
Унга ҳамдард бўлди бахтли истиқбол,
Шоир эркпарварлар сафида бугун.

Лоҳур,
8.11.70

ШАРҚ АФСОНАСИ

Сохибжамол қиз турарди қоя устида,
Йигит унга сўзлар эди қоя пастида:

«Уйдай тошни қулат, дединг, тошкин
дарёга,
Қулатгунча бошим тушди не-не савдога.

Севганимга энди тамом ишонсанг керак,
Менга бошқа оғир шартинг йўқдир, эй
малак?»

Қиз йигитга қилиб минг бир нозу
карашма,
Деди: «Тонгга қадар ўша тошни
тарашла».

Наққош йигит туни билан чекди-ю
заҳмат,
Тонг чоғида қиз олдига боролди фақат.

«Паризодим! Бу шартинг ҳам айладим
адо,
Ишонмасдан мени этма ишқингда гадо».

Қизнинг бирдан томирида ловуллаб
қони,
Ўзга шартни қўймоқ бўлди унинг
виждони:

«Тонгга қадар қўйган эдим сенга
шартимни.
Бажаролмай ерга урдинг менинг
отимни,

Энди бошқа яна бир шарт қўяман
сенга,
«Севаман» деб тирноқ билан ёзасан
унга».

Қиз олдидан йигит шўрлик қайтди-ю
рангсиз,
Тош олдида қолиб кетди не кеча-кундуз.

Охир олиб келиб қизга кўрсатди
тошни,
Тош ёзувдан маликанинг кўзи қамашди.

«Сен тошда ҳам кўрсатолдинг
наққошлик кучин,
Сўнгги шартим қўяй тамом ишонмоқ
учун.

Юрак қонинг билан бўяб
тирноқларимни,
Тонгга қадар ўпгин оппоқ оёқларимни».

Маликанинг қўлин бўяб юрак қонига,
Наққош йигит бошин қўйди унинг
пойига.

ҲАВУЗИ МУЗАЙЯН

Ҳавузи музайян сўлим Лоҳурда,
Оқ мармар кафтида кумуш зилоли.
Сайёҳлар чўмилмиш унда наҳорда,
Музайян бошида кулганмиш толеъ.

Унда чўкиб ётар юлдуз ва осмон,
Чил-чил синган каби моҳтоб сийнаси.
Оби кавсаридан ором топмиш жон,
Мармардай совуқмиш кумуш сийнаси.

Ҳавузи музайян саҳни оқ мармар,
Ҳатто қум зарраси кўринмас унда.
Саҳнига ташласанг бир дона гавҳар,
Овора бўлмасдан топурсан тунда.

Камалак сингари порлаб фаввора,
Етти хил сув оқмиш шаршарасидан.
Манго гулобини ичсанг бир бора,
Кўнгил эриб кетар манзарасидан.

Тиниқ ойинадир ҳавзи музайян,
Фаввора — киприкка қўниб олган ёш.
Лоҳурда икки кун бўлдиму меҳмон,
Муздай сийнасига мен ҳам қўйдим бош.

ШАЛИМАР БОҒЛАРИ

Шалимар[1] боғлари — шодлик боғлари,
Тасаввур қилолмам сизсиз Лоҳурни.
Сиздаги фаввора ақлим боғлади,
Ё сиздан олганми дунё баҳорни!

Муаттар бўйини уфуриб жамбил,
Мени ошуфта-ю ҳайрон айлади.
Сабуҳий шабада яйратиб жисмим,
Кўнглимни бир лаҳза вайрон айлади.

Ҳавзи музайянда юзлаб фаввора,
Мармар нилуфардан отилар кўкка.
Инжу донасига бўлиб овора,
Юрагим сиғмайди бугун кўкракка.

Оқ мармар шийпонлар нақшу нигори,
Мени михлаб қўйди ер меҳварига.
Ораста расталар қизғиш мармари,
Пояндоз бўлдийкин қайси парига?

Ҳовуз бўйидаги Тахти Товус[2] ҳам
Эҳтимол, дунёда эрур ягона.
Нақшу безагига лол қолур одам,
Антиқа санъатга бўлиб парвона.

Мармар Тахти Товус кимсасиз бугун,
Садафдай товланиб, сақлайди сукут.
Ва лекин толеи эмаскан нигун,
Асрлар сўнгида бўлмади унут.

Шалимар боғларин саҳни кенг ғоят,
Тош девор қуршаган уни ҳар ёндан.
Серсоя дарахтлар сўйлар ҳикоят,
Кўнгил завқ олади чимзор маскандан.

Ҳавзи музайянда оқ мармар супа,
Машшоқлар куйидан маст бўлган
замин.
Чарх уриб тонгтача қушдай раққоса,
Эҳтимол саҳнида ўйнаган кадим.

Шалимар боғларин юзини балким,
Кўролмай ўртанган аҳли фуқаро.
Ахир, киролмаган бу ерга ҳар ким,
Осмон билан ерча — шоҳ билан гадо.

Боғ саҳнин тарк этиб кетди салтанат,
Шоҳ Жаҳон номи ҳам олисда қолди.
Инглизлар ҳам унда қуриб айш-ишрат,
Лоҳурнинг бошига не савдо солди.

Бугун-чи, очиқдир боғ дарвозаси,
Шалимар ҳуснига халқ берар оро.
Оламни тутгандан кўрк, овозаси
Сайр этдим Шалимар боғлари аро.

---

[1] Шалимар – шодлик дегани
[2] Тахти Товус – Шоҳ Жаҳон ўтирадиган оқ мармар чорпоя

ИЛОН ЎЙНАТУВЧИ

Илон ўйнар жўр бўлиб куйга,
Тўлғонади тилини чўзиб.
Одам солар уни минг кўйга,
Томошабин ичагин узиб.

Мийиғида кулганча морбоз,
Ғаров найни ҳадеб пуфлайди.
Илон ўйнаб, толганда бир оз,
Бахшиш дея оғиз жуфтлайди.

Садақани олган заҳоти,
Илонини ўйнатар куйга.
Бу морбознинг недир гуноҳи,
Ҳаёт уни солса шу кўйга.

Равалпинди,
1970

ЛОҲУР ҚИЗЛАРИ

Қора парда ичра пинҳон
гулдай рухсорлар,
Қуёш юзин кўрмай чекар
эулму озорлар.
Иқбол боғин сайр этмай
тутқун қуш каби,
Хазон бўлиб кўринадир
гулгун баҳорлар.
Ишқ шевасин ёдлаб тунлар
ёр васли билан,
Кўзга уйқу қуши қўнмас
субҳи наҳорлар.
Ҳаёт дарё мисол оқар
қилмасдан парво,
Лек дарёнинг ёқасида
сувига зорлар.
Оёқ-қўли боғлиқ янглиғ
чекиб оҳ-нола,
Чиқмай русум измидан ҳеч
тутқуну хорлар.
Олмоқ учун гулгун юздан
қора пардани,
Имкон топмай оворадир
алами борлар.
Қалбда пинҳон дарди вулқон
бўлиб портласа,
Қуёш юзин кўрар бир кун
ойдай рухсорлар.

1970

СЕНИ СЎРОҚЛАБ...

Оқ мақбара сийнасида навбаҳор
чечаклари
Ва лекин оқ мармар каби совуқ эди бу
мозор.
Бунда тошга битилгандай муҳаббат
эртаклари,
Ёш бир йигит нолишидан тош ҳам
чекарди озор.

...Дарду ғамдан йироқ эдинг, маъно
эдинг сўзимга,
Суҳбатимга чироқ эдинг, зиё эдинг
кўзимга.

Қўлларингни тароқ қилиб, сочимни
тарар эдинг,
Оғир ишлар бошга тушса, кунимга
ярар эдинг.

Кўзларимга гард қўндирмай даво эдинг
дилимга,
Киприк билан олар эдинг тикан кирса
қўлимга.

Бир кун агар кўрмай қолсанг, шому
саҳар йиғлардинг,
Айрилиқнинг даштларида юрагингни
тиғлардинг.

Мени танҳо қолдиришинг, мени ташлаб
кетишинг,
Дард-ҳасратда толдиришинг, кўнглим
ёшлаб кетишинг,

Булоқ кўзин беркитгандай қалб мавжин
тиндиришинг,
Тегирмоннинг тошларини елкамга
миндиришинг,

Билсам эди, шол бўлсанг гар оёғимдан
кечардим,
Сенга келган бало заҳрин менинг ўзим
ичардим.

Кўзинг кўрмай қолганида кўз бўларди
кўзларим,
Босган изинг адаштирса, йўл бўларди
изларим.

Соқов бўлиб сўзолмасанг берар эдим
тилимни,
Қалбинг урмай қолай деса, берар эдим
дилимни.

Афсус, афсус, билмай қолдим, қолдим
тамом ғафлатда,
Шунча азоб, қийноқ борми биринчи
муҳаббатда!

Энди сени Шалимарга[1] сўроқлаб
боролмайман,
Сенинг ишқий хатингни ҳам варақлаб
қаролмайман.

Суратингга термиламан, дилда азоб,
соғиниш,
Суратингга сиғинаман, дилда изтироб,
ёниш.

Илк бўсанинг тоти ҳали лабимдан
кетмаганди,
Ғунча каби севгимиз ҳам муродга
етмаганди.

...Оқ мақбара сийнасида навбаҳор
чечаклари
Ва лекин оқ мармар каби совуқ эди бу
мозор.

Бунда тошга битилгандай муҳаббат
эртаклари,
Ёш бир йигит нолишидан тош ҳам
чекарди озор.

1970

---

[1] Шалимар — Лоҳурдаги боғ

ВАТАНГА ҚАЙТИШ

Дўстгинам, Ватанга жонни тикканмиз,
Кўнгил орзулари фидо ўшанга.

А.С.Пушкин.

Машриқ сафари ҳам тугади охир,
Ҳар қалай оз қолди Ватан васлига.
Ризқим сочилганкан мисли жавоҳир,
Бегона юртларнинг баланд-пастига.

Сайёд излагандек оҳу сайдини,
Мен илҳом парисин ахтардим Ҳинддан.
Кўнгилга битгандек Тагор байтини,
Қомуси Машриқни тингладим ринддан.

Покистон мулкида Иқбол девонин,
Эъзозлаб, кон топган янглиғ қувондим.
Файз[1] билан сайр этиб ғазал уммонин,
Тилсимот дунёсин сеҳрига қондим.

Мени мафтун этган ранго-ранг олам,
Тушимда кўргандек туюлар бугун.
Кўчаларга сиғмай қалқиган одам,
Танишдай кўринар бугун мен учун.

Сеҳрли дунёда нурга чулғаниб,
Йироқларда қолди Деҳли-ю Огра.
Жайпур билан Бўмбай завқига қониб,
Қалбим парвоз этар Калькутта узра.

Боғларга бурканиб имлайди Лоҳур,
Исломобод ётар тоғларга пайваст.
Равалпинди бағрин безаб хурмозор,
Манго гулоби-ла қалбим этар маст.

Денгиз кирғоғидан Карочи бу кеч,
Минг кўз билан боқар термилиб менга.
Хаёл уммонини тарк этолмай ҳеч,
Мен ҳижрон қўшиғин куйлайман унга.

Ва лекин қалбимда висол умиди,
Она юрт соғинчи кўтарар исён.
Мени банд айлаган Шарқнинг удуми:
Отадан минг карра азиздир меҳмон.

Қанча азиз бўлмай, меҳмонман, ахир,
Эртага кетурман бугун бўлмаса.
Она-Ватан меҳри қалбим эзадир,
Дарё мавж урмагай тўлқин бўлмаса!

Ахир ўз инини кўмсайди қуш ҳам,
Одам боласи-ку, қуш эмас, ахир!
Ўзга элда мадад беради туш ҳам,
Ватанга қайтишим туш эмас, ахир!

Бу рост-ку! Ахир, қалб парвоз олдидан
Ҳар хил ўйга ботса, йўқдир чораси.
Ахир, дил ўртанса мунгли чолғудан,
Бир дилбар куй бўлур унинг давоси.

Мен эса маст бўлиб Машриқ сеҳридан
Ҳали ўзимга ҳам келганимча йўқ.
Ва лекин она юрт қайноқ меҳридан
Жудо бўлиб, гулдек сўлганимча йўқ.

Тириклик зийнати сув бўлган каби,
Шу меҳр қалбимга бахш этар ҳаёт.
Тошдан қаттиқ эрса одамзод қалби,
Нечун гулдай нозик эрур баъзи вақт?

Бугун қалбим титрар гул япроғидай,
Бугун ҳатто унга қил ҳам сиғмайди.
Нозик дард йўқ каби дил фироғидай,
Ватан жамолини кўнглим қистайди.

Ватан соғинчидай дард йўқ оламда,
Бу дардга ҳеч кимса беролмас бардош.
Кўнгил ҳам сўзингга кирмай аламда,
Уни овутолмас ҳатто ватандош.

Бу дардга ошно бўлдиму мен ҳам
Давосин топмадим, нетай, Машриқда.
Ҳижрон кечасида чекса ҳам алам,
Висол умиди бор, ахир, ошиқда.

Шу висол умиди қалбимга ҳамдам,
Танимга қуввату кўзларимга нур.
Дардимга бир лаҳза бўлгандай малҳам,
Соғинган руҳимга бахш этар сурур.

Мен ҳам бир фарзандман, сенга, эй Ватан,
Фарзанд-ку, она деб жон қилар фидо.
Бегона юртларда кезса-да, шўх-шан,
Сенсиз торлик қилур унга бу дунё.

Дунё торлик қилур менга ҳам бугун,
Сўнгсиздай кўринур ўйласам сени.
Васлингга етмоққа қолса ҳам бир кун,
Ҳижрон азоблари қийнайди мени.

Ўн беш кун тузингни тотмадим, Ватан
Ва лекин минг бора ёд этдим сени.
Сен билан фахр этиб юрдим ҳар қачон,
Меҳрингга зор этиб қўймадинг мени.

Машриқ сафари ҳам тугади охир,
Фақат йироқдаман сендан бугунча.
Сен менсиз яшашинг мумкиндир, ахир,
Мен сенсиз яшолмам ҳатто бир кеча.

Карочи,
12.11.70

---

[1] Файз Аҳмад Файз — урду шоири

Тожмаҳал

(достон)

Қизим Нигинахонга

Мулки Ҳинд тупроғида,
Жамнанинг қирғоғида

Саёҳат этганимда
Ва тонгни кутганимда

Тожмаҳал кошонаси,
Бинолар шоҳонаси

Кўзим сеҳрланганда,
Қалбим мухрланганда,

Бошимдан учиб хаёл,
Боққанимда ҳайрон, лол,

Ўхшаши йўқ обида
Оқ мармар сийнасида

Кўрганимда ўзимни,
Унутиб бор сўзимни,

Тожмаҳал тарихини
Ва унинг таърифини

Жамнадан сўрганимда,
Хаёлчан турганимда,

Руҳимни этиб рўшно
Ердан келди бир нидо.

Бошимни солиб ўйга,
Уч юз йиллик мозийга

Мени ул бошлаб кетди,
Бағрим оташлаб кетди.

Ўша нидо оташи,
Мижжамга қўнган ёши

Уч йилдан бери менга,
Ором бермас кўнглимга.

Шунинг учун, дўстларим,
Менинг қаро кўзларим,

Кўнглим қулфини очиб,
Сухан гавҳарин сочиб,

Сизга бугун беармон
Сўзлаб берай бир достон.

I

Ҳумо қуш учган боғдан,
Ҳиндиқуш деган тоғдан

Нарида бир диёр бор,
Қуёш билан баробар.

Шу диёр шому саҳар
Машриққа бўлиб сарвар,

Қулоч ёзиб уммонга,
Бешик бўлиб инсонга,

Бериб унга ризқу рўз
Ва тегмасин дея кўз,

Эртаклар тинглаб Гангдан,
Маст бўлиб шўх оҳангдан

Шатранж илмин ўргатган,
Шарқ бешигин тебратган.

Ҳиндистон тарихини,
Бир жаҳон таърифини.

Дилга сиғмай қувончи,
Дўстга ортиб ишончи.

Сўзлар экан оламга,
Завқ бериб бор одамга.

II

Шу диёрда бир замон,
Эл яшаб доруламон,

Довруғи достон бўлиб,
Ҳар изи достон бўлиб,

Оламни қилиб қойил,
Барчани этиб мойил,

Сувлиқ билан сув ичиб,
Этик билан сув кечиб,

Ниҳол экиб, боғ қилиб,
Ўз кўнглини чоғ қилиб,

Иморат қилиб тошдан,
Кўркмай суву оташдан,

Марду майдон бўлишиб,
Ҳар куни тўй қилишиб,

Қўшиғу алёрига,
Огранинг ёр-ёрига

Рақсга тушиб қизлари,
Анор бўлиб юзлари,

Кўнгилларни шод қилиб,
Рақси билан мот қилиб,

Товусдай товланаркан,
Оташ бўлиб ёнаркан.

Унда аҳли шуаро
Сайр айлаб боғ аро

Эл кўнглидан дур излаб
Ва унга дардин сўзлаб,

Тўқиб шеъру қасида
Яшар экан осуда.

Шу диёрда бир шахар,
Огра деган зўр шахар,

Сирдош бўлиб Дехлига,
Жамнанинг соҳилида

Эъзозлаб Тожмаҳални,
Кўзлаб Миррих, Зуҳални.

Моҳтобдан эмиб ёғду,
Бошидан учиб қайғу

Куёшга чиқиб пешвоз,
Ҳуснига бериб пардоз,

Донғи кетиб дунёга,
Кўзи тўлиб зиёга,

Сураркан давру даврон,
Қойилкан унга жаҳон.

III

Элдан кўнгли тўқ бўлиб,
Ғанимлари йўқ бўлиб,

Осмонга етиб боши,
Элликдан ошиб ёши

Топиб обрў, эътибор,
Яшаб шоду бахтиёр,

Адолатли шоҳ бўлиб,
Саодатли шоҳ бўлиб,

Етимлар бошин силаб,
Халойиққа бахт тилаб,

Қазиб арик, каналлар,
Гоҳо битиб ғазаллар,

Қуриб қасру иморат,
Унда қилиб тижорат,

Баҳам кўриб бир нонни,
Ҳинд билан мусулмонни

Тенгу иноқ қилгали,
Дўсту ўрток қилгали,

Будда бирлан исломдан,
Бошка-бошқа оламдан

Янги дунё қилгали,
Бир дин бино қилгали

Недир ҳузур-ҳаловат,
Билмай роҳат-фароғат,

Кўнглин қийнаб не армон
Яшар экан Шоҳ Жаҳон.

Юртни обод қилса ҳам,
Элини шод қилса ҳам,

Тож-тахтдан кўнгли тўлмай
Баъзан юлдузи кулмай,

Боши чиқмай ғавғодан,
Беклар қилган низодан

Жигар-бағри хун бўлиб,
Кундузи хам тун бўлиб,

Юраги сиқиларкан,
Тангрига сиғинаркан.

Баъзан эса Оградан,
Оградаги қалъадан

Ўзи бино қилдирган
Бахт юлдузин кулдирган

Лаъл қалъа кучоғига.
Деҳлининг гулбоғига

Кетмоқни истар экан,
Дил шунга қистар экан.

IV

Оградан узоқроқда,
Фотеҳпур Сикри ёқда

Шайдо бўлиб Наврўзга,
Ҳатто ишонмай кўзга,

Гўзалликдан бўлиб маст,
Жонига этиб пайваст

От ўйнатиб Шоҳ Жаҳон,
Кўнглида қолмай армон

Этарди сайри шикор,
Юзида ўйнар виқор.

Лекин кўкда шу асно,
Бир булут бўлди пайдо,

Чақмоқ чақиб, сел ёғди,
Сел аралаш дўл ёғди.

Шу булутдек ногаҳон,
Қирда кўринди бир жон.

Қора отин ўйнатиб,
Шикор аҳлин ўйлатиб,

Ёмғирга қилмай парво,
Бошига тушиб савдо,

Шоҳ Жаҳоннинг қошига,
Тоб бермай қарашига,

Ҳовликиб келди чопар,
Икки букилди чопар:

«Мумтоз бегим ҳоли танг,
Оғир бир дард солмиш чанг.

Сизни кутар интизор
Бегим бирлан дўсту ёр».

Чопарнинг бу сўзидан,
Мунгли боққан кўзидан

Шоҳ Жаҳон кўкрагига,
Кўкракмас, юрагига

Бирдан игна қадалди,
Завқи гулдай топталди.

Юзларидан қочиб қон,
Кўнгли бўлиб паришон,

Ғамгин боқиб дўст-ёрга,
Фармон берди навкарга:

«Келтир саманни дарҳол,
Бўлмасин бир кори-ҳол.

Боғи Оромда бу кун
Ором йўқолмиш бутун».

Таъзимни айлаб бажо,
Ўқдай учиб шу асно

Отни келтирди навкар,
Жиловин олди саркор.

Навкар эса йўрғалаб,
Узангини тўғрилаб,

Шоҳ пойига узатди,
Вазирлар тошдай қотди.

Отга миниб Шоҳ Жаҳон,
Бир қамчи босди шу он.

Ўқдай учиб кетди от,
Ўқдан ўзиб кетди от.

Вазиру вузаролар,
Нозиру умаролар

Шоҳ изидан от қўйиб,
Ич-ичидан куйиниб,

Шикорни ташлаб кетди,
Кўзларин ёшлаб кетди.

V

Тошқин Жамна бўйида,
Боғи Ором қўйнида,

Бугун ўзга ҳол эди,
Бугун ўзга фол эди.

Ҳамманинг бўб қадди дол,
Ғамгину афтода ҳол,

Кўзлардан ёш тирқираб,
Диллар толдай зирқираб,

Давосиз дардга дучор
Бўлиб қолгандай ночор,

Мумтоз бегим қошида,
Мумтоз бегим бошида,

Доя бирлан табиблар,
Халифа-ю, ҳабиблар,

Бир лаҳза билмай ором,
Кўнгилларин эзиб ғам,

Мумтоз бегим дардига,
Чехрасининг зардига

Топиларми даво деб,
Даволи бир маъно деб

Бўлишарди гиргиттон,
Сизга садқа дея жон.

Ё давосиз бу дардга,
Киприкка қўнган гардга

Малҳам бўларми деб шоҳ,
Барча унсиз чекиб оҳ,

Изларига зор бўлиб,
Сўзларига зор бўлиб,

Йўлга қараб, термилиб,
Умидлари кул бўлиб

Турган пайт, боғ кўчада —
Қоронғи бир кечада

Ҳадиксираб кишнар от,
Сувлиғини тишлар от.

От сасин Мумтоз бегим
Эшитиб қолди, балким,

Ичга ютиб нафасин,
Кўзларини юмиб, жим,

Сингиб ойсиз кечага,
Қулоқ бермиш кўчага.

Шоҳ Жаҳон кирган замон,
Боғ сари юрган замон,

Милтиллаб йиғлар шамлар,
Шам янглиғ ёнар ғамлар.

Фавворалар тинганди,
Кўзлари юмилганди.

Қимир этмас дарахтлар,
Шивирламас япроқлар,

Боғ саҳнига сукунат
Қуриб олган салтанат.

Фақат шовуллаб Жамна,
Жимликка солиб раҳна.

Қути учиб бу ҳолдан,
Очилмаган бу фолдан

Қон қуйилиб бошига,
Мумтоз бегим қошида

Пайдо бўлар Шоҳ Жаҳон,
Адо бўлар Шоҳ Жаҳон.

Мумтоз бегим ҳоли танг,
Оғир бир дард солиб чанг,

Тўшакда ётар эди,
Аҳволи баттар эди.

Жаҳонин кўрган замон,
Танига кирди дармон.

Қон югурди юзига,
Келди бир оз ўзига.

Мумтоз бегим ёнига,
Малҳам бўлиб жонига

Тиз чўкди аста Жаҳон,
Дард-ғамдан хаста Жаҳон.

Силади ёр бошини,
Кўздан артди ёшини:

«Чекмагил ғам, азизим,
Ўтиб кетур бу дард ҳам.

Кўрмагандай бўлурсан,
Моҳтоб янглиғ кулурсан.

Омон-эсон туғилса,
Бахт нурига йўғрилса,

Янги фарзанд шаънига,
Бахтимиз ошёнига

Қирқ кеча-ю, қирқ кундуз
Элга тўй бергум, шаксиз».

«Орзуйингиз, Шоҳ Жаҳон
Бўлмасин гулдай хазон.

Ва лекин бундан олдин
Бир ўлимдан қолгандим.

Бу сафар ҳолим хароб,
Алдагай сизни сароб».

«Ё раб, ўнгимми ё туш?
Учдими ё бошдан ҳуш?

Кўксимга санчма ханжар,
Май деб узатма заҳар.

Дерлар, ноумид — шайтон,
Умид бирлан тирик жон».

«Гапингиз ҳақ, подшоҳим,
Лекин кечинг гуноҳим,

Кўнглим сезиб турибди.
Жон-чи безиб турибди.

Азроил олса жоним,
Не қилар Шоҳ Жаҳоним?»

«Ё раб, ўзи не савдо?
Не солди бошга дунё?

Мурувват қил, эй Оллоҳ,
Гар бўлса менда гуноҳ?

Қўлингда бўлса дунё,
Дардига топгил даво!»

«Мабодо қолсам омон,
Сизга олам — чароғон.

Вале, қолмасам омон,
Васиятим Шоҳ Жаҳон,

Бажо қилинг, илтимос,
Мендан ёдгор қолса, бас».

«Қўй, ўксима, султоним,
Сенсиз надир давроним.

Сенсиз менга тожу тахт
Зинҳор ато қилмас бахт.

Сенсиз бу телба дунё
Бошимга сочмас зиё.

Сенсиз олам қоронғу,
Оби зилолим — оғу.

Сен билан икки жаҳон
Менга фидо қилур жон.

Бадбин ўйга бўлма қул,
Бахтимга сен омон бўл».

VI

...Доя бирлан табиблар
Шоҳ Жаҳон сари имлар,

Бу имо-ишорадан
Музлагандай жону тан

Мумтоз бегим қошидан,
Дарду ҳасрат тошидан

Кўкраги яра бўлиб,
Юраги пора бўлиб,

Артиб кўздан ёшини,
Қуйи солиб бошини,

Пойидан кетиб дармон
Зўрға чиқар Шоҳ Жаҳон.

Бу кеча Боғи Ором
Кўнглин этолмайди ром.

Елкасида — тегирмон
Тошидек гўё осмон.

Жаҳон ўзин унутиб,
Айтар сўзин унутиб,

Телбадек ташлаб қадам,
Жамна сари юрган дам,

Аҳли сарой жам бўлиб,
Киприклари нам бўлиб,

Сўрашиб ҳол-аҳволин,
Тилаб бегим иқболин

Шоҳга таскин беришар,
Дардин баҳам кўришар.

VII

Тош ҳам эриб оҳидан,
Яраланган оҳудай

Мумтоз бегим тўлғонар,
Жисмида бир ўт ёнар.

«Ҳаёт-мамот!» жангида,
Қони қолмай рангида

Ўлим билан олишар,
Ўлим билан солишар.

Доя ҳовучлаб жонин,
Тополмай ҳеч имконин

Бошида мисли посбон
Волидаи мехрибон.

Лекин очилмай фоли,
Баттар бўлиб аҳволи

Сажда қилиб худога,
Кўзи тўймай дунёга

Мумтоз бегим алаҳлар,
Жон ҳалқумга тиқилар.

Кўз ёролмай бечора,
Дардга тополмай чора,

Дунёдан умид узиб,
Шоҳ Жаҳон уйин бузиб,

Ўқиб ҳаётга видо,
Тонг чоғи қилар қазо.

Ёруғ дунёни кўрмай,
Унинг завқини сурмай,

Тўймай она меҳрига,
Учраб худо қаҳрига,

Мурғаккина бир гўдак,
Пешонаси шўр гўдак

Онаси билан бирга,
Кўзлари тушмай нурга

Қазо қилди субҳидам,
Субҳидам ҳам чекди ғам.

Шу он сочин чангаллаб,
Даҳшатдан қалтираб лаб,

Доя хотин деди: «Дод!»
«Дод!» деб кўтарди фарёд!

VIII

Кўзига қўнмай уйқу,
Кўнглини эзиб қайғу,

Шам қошида эгиб бош,
Шамдай тўкиб аччиқ ёш

Шоҳ Жаҳон бедор эди,
Бу дунё бекор эди.

Юрагида оҳу зор
Берарди унга озор.

Бегим дардига малҳам
Бўлолмайин ушбу дам

Жигари кабоб эди,
Гўёки бетоб эди.

Вале, доя фарёди,
Боғни уйғотган доди

Бирдан қалбин музлатди,
Бегим қошига етди.

Ёр бошида тиз чўкиб,
Дилдан аччиқ ёш тўкиб,

Чорасиз қолиб сўнг бор,
Мотамсаро, дилозор,

Етим каби мунғайиб,
Кузги гулдай сарғайиб,

Бандаи осий янглиғ
Кўксин пора этиб тиғ,

Ҳайкалдай қотиб қолиб,
Мотам ичра йўқолиб,

Беун эди Шоҳ Жаҳон,
Нигун эди Шоҳ Жаҳон.

IX

Тонг оқарди. Ва лекин
Қора эди у букун.

Боғи Ором оромсиз,
Жамна ҳам оқмас ғамсиз.

Тонг билан бу шум хабар.
Қора тундай тарқалар.

Мумтоз бегимдай оқил,
Донишманд ҳамда фозил

Аёлни кам кўрган Ҳинд,
Сурур ила юрган Ҳинд

Аламда қолган эди,
Мотамда қолган эди.

Кун найзага келганда,
Айни пешин бўлганда,

Бегим руҳин шод этиб,
Қайта-қайта ёд этиб,

Гурас-гурас одамлар
Масжид сари қадамлар.

Одам йиғилган роса,
Ўқишдилар жаноза.

Мумтоз бегимни сўнгра,
Энг сўнгги йўлга Огра

Ғамгин кузатиб қолди,
Қалбин музлатиб қолди.

X

Кун ботди-ю тун келди,
Тонг отди-ю кун келди.

Ойни қувиб ҳафталар –
Йилга камарбасталар

Ўтишди такрор-такрор
Мисли чархи кажрафтор.

Дунёнинг савдосидан,
Савдо-ю ғавғосидан

Боши чиқмай Шоҳ Жаҳон,
Оворадир субҳи шом.

Каттакон бир мамлакат
Ундан сўрар маслаҳат.

У кунни-кун демасдан
Ва тунни-тун демасдан,

Мамлакат ободлигин
Ва халойиқ шодлигин,

Орому фароғатин,
Иқболу саодатин

Ўйлаш билан андармон,
Лекин ранги заъфарон.

Гулдайин сўлган эди,
Сўлиб кул бўлган эди.

Мумтоз бегим қисмати
Ва унинг васияти

Оромини бузарди,
Кўнглин тошдек эзарди.

Ишқ яратган бахтига,
Умрининг дарахтига

Болта урилган кунда,
Чақмоқда қолган тунда

Шодлик жоми синганди,
Ишқ чашмаси тинганди.

Шу жомни тузатгали,
Чашма кўзин очгали,

Чегачини излар у,
Ва миробга бўзлар у.

Лекин муроди ҳосил
Бўлмай, фиғон чекар ул.

Тунлар шамнинг қошида,
Шамнинг дардли ашкида,

Ўз дардин кўриб Жаҳон,
Ютиб лахта-лахта қон.

Қоғозга мижжа қадаб,
Мумтоз бегимга атаб,

Бир мақбара режасин
Чизар, не-не кечасин

Шу деб ўтказар бедор.
Бўлиб бегим руҳи ёр.

Чуқур хаёлга толиб,
Хаёл ичра йўқолиб,

Шу мақбара дунёда
Бўлиб тенгсиз ягона,

Қудрату камоли ҳам,
Санъату аъмоли ҳам,

Етти иқлимни ҳайрон
Қилса дейди Шоҳ Жаҳон.

Мақбара лойиҳасин –
Пок севги ойинасин

Оқибат қилиб адо,
Ушалиб бир муддао,

Деҳли билан Лоҳурдан,
Самарқанду Бухордан,

Шом бирла Бадахшондан,
Кашмиру Хуросондан,

Эрон билан Ирокдан,
Мисрдан ҳам йирокдан

Дунёга донғи кетган,
Мақтови элни тутган

Меъмор билан наққошни —
Муҳандис, сангтарошни

Ограга чорлаб бир кун,
Барчасин этиб мамнун,

Ғазнадан тилло бериб,
Тилломас, дунё бериб,

Мақсадин этмиш баён
Афтода ҳол Шоҳ Жаҳон.

XI

Огранинг қучоғида,
Жамнанинг қирғоғида,

Дилкушо бир маскан бор,
Ҳинд мулки эди хумор.

Шу масканда субҳидам
Ва халойиқ бўлиб жам,

Маъқуллаб шоҳ қарорин,
Мақбара пойдеворин

Қўймоқ-чун бел боғлади,
Ўзин ишга чоғлади.

Оградан узоқлардан,
Кўз илғамас тоғлардан

Бир қулоч хартуми бор,
Қамчи кадар думи бор,

Мавжудотнинг энг зўри
Ва мулки Ҳинд ғурури –

Филлар карвони билан,
Филлар сарбони билан

Йўлларда чекиб азоб,
Гоҳи кувноқ, гоҳ хуноб

Бўлиб не-не паҳлавон
Томирида қайнаб қон,

Улкан тоғдай залворли,
Харсанг тошу мармарни

Ҳар куни олиб келмиш,
Йўлларда толиб келмиш.

Вале азоб чекса ҳам,
Қаддини ғам букса ҳам,

Кўнглин бир гўшасида,
Қалбин оташ сасида

Бир андиша бор эди
Ва бир меҳр ёр эди.

Шу меҳр оташидан,
Оташин қуёшидан

Тунини этиб рўшно,
Мулкига олиб зиё,

Ғам абрин пора этиб,
Бахтин ситора этиб,

Кўнглини қилиб обод,
Халойиқдан бўлиб шод,

Ҳиндда топиб эътибор,
Унга бўлиб зўр меъмор

Шоҳ Жаҳон яшар эди,
Зўр тоғи — башар эди.

XII

Огранинг қучоғига,
Жамнанинг қирғоғига

Гўё мулки Ҳиндистон
Кўчиб келган бегумон.

Ҳаммасида бир шиор,
Ҳамда бир аҳду қарор,

Қасамдай қутлуғ эди,
Ундан ҳам улуғ эди.

Улуғ ишга бош қўшиб,
Дарё сингари жўшиб,

Билагида кучи бор,
Юрагида ўти бор,

Тоғни талқон қилгувчи,
Ўзини шер билгувчи

Йигитлар, паҳлавонлар,
Музаффар қаҳрамонлар,

«Ёху!» дея бел боғлаб,
Ўз кучини саноқлаб,

Буюк ишга қўл уриб,
Ташвишин баҳам кўриб,

Оромни билмас эди,
Бир дам тинчимас эди.

XIII

Бир томонда дунёни,
Дунёмас, Осиёни

Қойил қилиб қўйганлар,
Мармарга гул ўйганлар,

Чекиб анвойи нақшлар,
Нақшларга тўкиб ашклар,

Ато қилиб тошга жон,
Тош қалбига бериб жон,

Олам аро тенги йўқ,
Ҳамда сира сўнги йўқ,

Антика бир санъатни,
Санъату тилсимотни

Маҳорат-ла яратиб,
Элни ўзга қаратиб,

Кўзларини сеҳрлаб,
Ақлу ҳушин ўғирлаб,

Сипқориб ҳинд чойидан,
Нур балқиб чиройидан,

Ҳунаридан маст бўлиб,
Ҳамкору ҳамдаст бўлиб,

Гул чекарди наққошлар,
Қуёшга етиб бошлар.

XIV

Бир томонда доврукли,
Юраги оташ, чўғли,

Бўмбайлик чапдаст ёшлар,
Деҳлилик сангтарошлар

Олмос рандаси билан,
Тош кушандаси билан

Кўзгудай силлиқ қилиб,
Ишнинг кўзини билиб,

Ҳунарин қиб намойиш,
Тошга бериб оройиш,

Доғда қўйиб заргарни,
Тарошларди мармарни.

Бир томонда меъморлар,
Огра суянган норлар

Жамна бўйида туриб,
Файласуфдай ўй суриб,

Шоҳ Жаҳон лойиҳасин,
Лойиҳа сахифасин

Ғоят муқаддас билиб,
Кўзга суртгудай бўлиб,

Кўкси бўлиб чўнг тоғдай,
Қалби яшнаб гулбоғдай,

Элга бериб фармойиш,
Кўнгли топиб осойиш,

Тожмаҳал заминига,
Заминнинг қадимига

Тошдан қўяр пойдевор,
Қўяр бир суюк ёдгор.

XV

Кун ботару тонг отар,
Тонг отару кун ботар,

Ойлар ўтар карвондай,
Йиллар эса, сарбондай

Ёшга ёш қўшиб келар,
Дарёдай жўшиб келар,

Неча йилким халойиқ
Бир лаҳза ҳам тинчи йўқ,

Огранинг қучоғида,
Жамнанинг қирғоғида

Тер тўкиб оворадур
Ва юраги порадур.

Лекин тўкилган терлар,
Манглайдан оққан дурлар

Йўқолмасдан бенишон,
Мармар тошда топар жон.

Ниҳол чинор бўлгандай,
Ғиштлар минор бўлгандай,

Тожмаҳал мақбараси,
Мақбаралар сараси

Қордай оппоқ мармардан,
Ғамдан йироқ мармардан,

Мармарлар тозасидан,
Меъмор андозасидан

Бино бўлиб борадур
Ва юксалиб борадур.

Чор атрофда чор минор
Мақбарага боқиб зор,

Одамизод умрининг,
Умрлар шуурининг

Ёз билан қиш фаслидан,
Баҳору куз фаслидан

Бир ғамгин достон ўқиб,
Достонин осмон ўқиб,

Ўтин ясаб оҳидан,
Ўт чақнаб нигоҳидан

Сўзлаб берадур унга,
Бўзлаб турадур унга.

Мақбараю чор минор,
Сарҳовузу нақшинкор

Масжиду мадрасалар,
Мармар зина, расталар,

Саройлару ҳужралар,
Чирой очган муждалар

Шаҳардан олиб жило
Ва унга қилиб имо,

Мақбарага кўрк бериб,
Унга сўнгсиз эрк бериб,

Меъморлар қувноқ эди,
Иродаси тоғ эди.

Топиб обрў, эътибор,
Ҳурматга бўб сазовор,

Эл аро машҳур эди,
Машҳуру манзур эди.

XVI

Мулки Ҳинд аҳволидан
Ва халойиқ ҳолидан

Бўлиб доим хабардор,
Унга қилиб жон нисор,

Ғанимлар ҳужумига,
Хатарли хуружига

Кўксини қалқон қилиб,
Душманин яксон қилиб,

Ўйлаб юрт ободлигин,
Ҳамда элнинг шодлигин

Оворадур Шоҳ Жаҳон,
Дил порадур Шоҳ Жаҳон.

Мироблигу меъморлик,
Шоиру бастакорлик

Базмига олов ёқиб,
Оловин лов-лов ёқиб,

Урду-ю Ҳинд, Эронни
Қўли гул бор инсонни

Бир диёрда жам қилиб
Ва меҳрини шам қилиб,

Баҳам кўриб ёғдусин,
Қувончи-ю қайғусин,

Дардига шерик бўлиб,
Кўзига киприк бўлиб,

Бошин силаб падардай,
Мурувватли сарвардай

Кўзу қошдир Шоҳ Жаҳон,
Элга бошдир Шоҳ Жаҳон.

Лекин ҳамон эски дард
Ва кўзига тушган гард

Сизиллаб сизловуқдай,
Ёпишиб чирмовуқдай,

Бағрин эзиб келадир,
Дардин кўзлаб келадир.

Танҳо қолганда гоҳо,
Тор бўлиб бу кенг дунё

Қафас каби қисадир
Ва тинчлигин бузадир.

Шундай ёлғиз дамларда,
Мунгли боқиб шамларга,

Дардини очай, деса,
Гавҳардай сочай, деса,

Кўнглидан ўзга зинҳор
Топилмагай бир дилдор.

Бу дард ҳам майли эди,
Замона зайли эди,

Тан берарди тақдирга,
Бошин тутиб шамширга:

Дунё бевафо, дерди,
Умр бебақо, дерди.

Ва лекин ўз фарзанди,
Кўз қораси, дилбанди —

Аврангзеб не учундир
Сўнгги кунлар нотинчдир.

Қадам босади бежо,
Борми ё бирор режа?

Ё улғайиб Аврангзеб,
Бердими ўзига зеб?

Ё уни кибру ҳаво
Маст қилдими?
Муаммо

Шоҳ Жаҳонни қийнайди,
Қалбини қиймалайди.

XVII

Ана-мана дегунча,
Чол ўрикни егунча,

Ўтиб кетди неча йил,
Тожмаҳал ҳам муттасил

Сайқалу жило топиб,
Юлдузга нигоҳ отиб,

Сарҳовузу Жамнада,
Замин бирла самода

Ўзининг аксин кўриб,
Сеҳргар ҳуснин кўриб,

Одамзод санъатидан,
Беш кунлик ҳаётидан

Элни қилгандай огоҳ,
Дунёга бўлиб гувоҳ,

Мумтоз бегим руҳига,
Шоҳ Жаҳоннинг оҳига

Қўйилган бир ҳайкалдай,
Ҳинд мулкига сайқалдай,

Ёруғ кунлар шамсидай,
Ойдин тунлар рамзидай,

Оппоқ бўлиб, беғубор,
Боқар эди сервиқор.

Тожмаҳал битган куни,
Довруғи кетган куни,

Тилга кириб мусиқа
Эл кўнглин этди тилка.

Мумтоз бегим жасадин
Ва муздай совуқ танин

Унга қўйиб беозор,
Шоҳ Жаҳон чекиб озор,

Эски дард янгиланиб,
Киприклари намланиб,

Қуйи солиб бошини,
Тоғдайин бардошини

Ғам сели емиргандай,
Қалби музлаган тандай

Маъюсу беун эди,
Кўнгли қаро тун эди.

XVIII

Кўнглидаги бир армон
Ушалган кундан буён,

Дардини унутгандай,
Ёр руҳин шод этгандай

Шоҳ Жаҳон хурсанд эди,
Лекин кўнгли банд эди.

Кўнглин банд этган орзу —
Тожмаҳалга рўбарў

Ўзи учун мақбара
Қурмоқ эди якбора.

У ҳам Тожмаҳал каби,
Умрига ҳайкал каби

Олам аро ягона,
Тожмаҳалдай дурдона

Бўлса деб ўйлар эди,
Кўнглига сўйлар эди.

Ва лекин бу мақбара
Тожмаҳалдай якбора

Оппоқ мармардан эмас,
Бедоғ мармардан эмас,

Бўлса қора мармардан.
Мотамда қолган ёрдан,

Мангуга бўлсин ёдгор,
Деб қилди қатъий қарор.

Икки мақбара аро
Шовуллаб оққан дарё,

Бевақт ҳижронда қолиб,
Ғам нахрида йўқолиб,

Азоб ўтида ёнган,
Ишқ деб динидан тонган.

Қанотлари қайрилган,
Ўлим билан айрилган

Қалблар кўз ёш мисол,
Оқиб турсин безавол.

Оқ ва қора мақбара
Икки қирғоққа, зора,

Бир-бирига термилиб,
Ҳасратлари ўт бўлиб,

Тутуни қуёшгача,
Қуёшдай оташгача

Етмасин деб бир замон,
Иккаласи бегумон

Қовушиб турсин дея,
Халойиқ юрсин дея

Кўприк қурмоқ даркордир,
Бу эзгу бир армондир.

Шу ўй билан Шоҳ Жаҳон,
Вазирин чорлаб шу он

Мақсадин баён айлаб,
Меъморни ишга шайлаб,

Қатъий бериб фармойиш,
Кўнгли топди осойиш.

XIX

Яна Огра қучоғи
Ва Жамнанинг қирғоғи,

Дивали айёмидай,
Машриқнинг маконидай

Тумонат одам бирлан
Чайқалиб кетди бирдан,

Қўлга олиб тешасин,
Обод этиб гўшасин,

Ҳунарманду меъморлар,
Сангтарошдай девкорлар,

Пармакашу наққошлар
Қўлида ўйнар тошлар.

Филларнинг нидосидан,
Халойиқ садосидан

Илон каби тўлғониб,
Тўлқинлари чўғланиб,

Қирғоққа қилиб ҳамла
Тинчин йўқотди Жамна.

Дарёни шердай бўғиб
Ва бўйнига ип солиб,

Қирғоғига пойдевор
Тошини қўяр меъмор.

Тани чўяндай қизиб,
Бири биридан ўзиб,

Қўллари бўлиб қадоқ,
Кўзлари мисли чақмоқ,

Офтоб ҳароратини,
Дунё кароматини,

Баҳам кўриб субҳи шом,
Ишлар тумонат одам.

Мақбара пойдевори,
Унинг қора мармари

Икки газдан ошганда,
Меъморлар заб шошганда,

Шом еб ой ҳам ботганда
Ва халойиқ ётганда,

Огра қалъасига тун
Пардасин ёйгач бутун

Тинмай Жамна ғулуси,
Босиб ғафлат уйқуси

Ётганида Шоҳ Жаҳон,
Қалъада бошлаб исён,

Аврангзебдай оқпадар
Бўлиб ҳийлагар аёр

Қилич кўтарар бирдан
Қонхўр лашкари бирлан.

Шоҳ Жаҳонни қийноқлаб,
Қўлин орқага боғлаб,

Жосуслари шу замон
Ҳибс этади бегумон.

Отасин тож-тахтини,
Мулки Ҳинд пойтахтини,

Ғафлатда ишғол қилиб,
Ҳийлаи ишкал қилиб,

Қалъа ичра тўкиб қон,
Ғанимларин беомон

Ўтказади оламдан,
Ўч олиб не одамдан.

Мулки Ҳинд-чи бу ҳолдан,
Тунги аёз, шамолдан

Тонгда бўлиб хабардор,
Ёқа ушлаб: «Алҳазар!

Бошга тушди не бало!»
Дея кўтарар ғавғо.

Аврангзеб ҳам турмас тинч,
Қўлидан тушмас қилич,

Қай ўрда қилса ғавғо,
Бамисоли аждаҳо

Навкарлар от суради,
Исёнчини қиради.

Кексаю ёш демасдан,
Кўзида ёш демасдан

Олиб элдан интиқом,
Қилишади қатлиом.

XX

Мақбаранинг бошига,
Қора мармар тошига,

Қоп-қора бир кечада,
Садпора бир кечада

Моҳтоб кўзини боғлаб,
Юлдузлар кўнглин доғлаб,

Айюҳаннос солиб кўкка,
Булутлар кўксин тилка —

Тилка қилиб, қўлини —
Гўё илон тилини

Ўлжасига чўзгандай,
Жон риштасин узгандай,

Яшин тегди ногаҳон,
Титраб кетди Ҳиндистон.

Муҳандису наққошлар,
Меъмору сангтарошлар,

Ҳунарманду заргарлар,
Мақбарага сарварлар

Бошида қилич ўйнаб,
Қазо кунидан сўйлаб,

Ҳолини хароб қилди,
Мақсадин сароб қилди.

Шоҳ Жаҳоннинг эли деб,
Ҳамда содиқ қули деб,

Барчасин тум-тарақай
Қилди Аврангзеб атай.

Тожмаҳалу Шоҳ Жаҳон
Мақбарасин бегумон

Боғлаб жон риштасидай
Ва ишқ фариштасидай

Мангуга бедор кўприк,
Арғувон мармар куприк

Ҳатто қилинмай бино,
Ғурбатда қолиб дунё,

Шоҳ Жаҳон армонидай
Армонли давронидай,

Хаёлда қолиб кетди,
Хаёлни олиб кетди.

Кўз ёшин дарё қилиб,
Субҳи шом гиря қилиб,

Бош уриб ғам тоғига,
Ғам тоғин оёғида,

Жамна тўлғониб ётар,
Тўлғониб, ёниб ётар.

XXI

Огра қалъасида бир
Гўшада бўлиб асир

Кўча-кўйга чиқолмай,
Эл дардини уколмай,

Жигари кабоб бўлиб,
Кўз ёши зардоб бўлиб,

Охидан ёниб осмон,
Хазон бўлиб не бўстон,

Ўғлига тутқун бўлиб,
Сўнгаги ўтин бўлиб,

Айрилиб тож-тахтидан,
Бошга қўнган бахтидан,

Неча йилким Шоҳ Жаҳон
Жонини ўртар жаҳон.

Ўз пушти камаридан,
Пушти камар захридан,

Оғуланиб умрбод,
Орзуси бўлиб барбод,

Дардидан офтоб куйиб,
Тунлари мохтоб куйиб,

Додин айтиб фалакка,
Қон йиғлаган юракка

Тополмай дарду даво,
Умри ўтиб бенаво

Занжирбанд шер мисоли,
Қафасда кечиб ҳоли

Ғурбат ичра Шоҳ Жаҳон,
Бўлмоқда эди хазон.

Ҳужранинг ойнасидан,
Қон сирқиб сийнасидан,

Соқчилар паноҳида,
Ҳасратли нигоҳи-ла

Кеча-кундуз бечора
Жамна каби дилпора

Тожмаҳалга боқиб зор,
Бағри бўлиб лолазор,

Кўзларидан нур кетиб,
Қалбидан сурур кетиб,

Суяниб заранг асо,
Мадори қолмай асло,

Қариганда хор бўлиб,
Ширин сўзга зор бўлиб,

Аврангзебнинг дастидан,
Ғанимларин қасдидан,

Қанотлари қайрилиб,
Шодлигидан айрилиб,

Беш кунлик дунё билан,
Бир пуллик дунё билан

Видолашишдан бўлак
Илинжи қолмай андак

Кун ботишин беозор,
Тонг отишин дилозор

Кутар эди Шоҳ Жаҳон,
Ўртанарди Шоҳ Жаҳон.

XXII

Мулки Ҳиндни қийратиб,
Бошда қилич ўйнатиб,

Элга солиб кўп хирож,
Ҳар даргоҳдан олиб бож,

Сўндириб эрк шамини,
Синдириб эрк жомини,

Адолат истагини,
Саодат истагини

Элдан қилиб бадарға,
Кўпларин осиб дорга,

Қон оқизиб Жамнадан,
Қасос олиб ҳаммадан

Аврангзеб давру даврон
Сурар эди шодумон.

Аврангзеб қилмишидан,
Қабоҳатли ишидан

Барча ёқасин ушлаб,
Пешонасига муштлаб,

Тополмайин ҳеч имкон,
Қафасдаги қушсимон

Чекарди зулму озор,
Юрагида оҳу зор.

XXIII

Қудратли бир мамлакат,
Шарқда тенгсиз салтанат

Чок-чокидан сўкилиб,
Балхи тутдай тўкилиб,

Вилоятларда исён
Авж олиб кетди чунон.

Шоҳ Жаҳонни деганлар,
Унинг ғамин еганлар

Неча йилким тиз чўкмай,
Аврангзебга бош эгмай,

Қурол тушмай қўлидан,
Чекинмасдан йўлидан,

Адолатли замонни,
Саодатбахш инсонни

Орзу қилиб куну тун
Гоҳ яланғоч, гоҳ юпун

Ошини ошар эди,
Бир ўй-ла яшар эди,

Аврангзебнинг даврида
Эл бўлиб жабрдийда,

Канал қазилмай қолди,
Ғазал ёзилмай қолди.

Боғу роғ бўлди хазон,
Гулзорлар сўлди азон.

Булбул навоси тинди,
Кўнгил навоси тинди.

Золим бўлиб ҳукмрон,
Санъатга келди қирон.

Вале, уни қўллаган,
Тувагини ялаган

Айғоқчилар бор эди,
Пойлоқчилар бор эди,

Қамчисидан қон томган,
Халойиқ жонин олган

Саркардаю, навкарлар,
Вазиру нобакорлар

Пуч ёнғоқ билан қўйнин
Тўлдирарди бетиним.

XXIV

Огра ғавғоларидан,
Дунё савдоларидан

Аврангзеб боши қотиб,
Оромини йўқотиб,

Тожу тахтни эплолмай,
Элни қўлга ололмай,

Хазинани совуриб,
Ўз ёғига қоврилиб,

Қўлдан кетиб не ўлка,
Бошига тушиб кулфат,

Не қиларин билмасдан,
Қалъадан ҳеч жилмасдан,

Тополмай бирор чора,
Тахт-ла бўлиб овора,

Барчани билиб душман,
Қилмишидан пушаймон

Бўлиб саргардон эди,
Лек ўзига хон эди.

Қалби қийноқда қолиб,
Минг хил сўроқда қолиб,

Орадан узоқроқда.
Эл кўзидан йироқда

Турмоқни кўриб афзал,
Барча ишни қилиб ҳал,

Пойтахтини Лоҳурга, —
Осойишта шаҳарга

Кўчирмоққа тонг саҳар
Оқибат қилди қарор.

XXV

Ўша куни Шоҳ Жаҳон
Жисмида қолмай дармон,

Тонггача бехоб эди,
Бехобу бетоб эди.

У тўшакдан туролмай,
Тож Маҳални кўролмай,

Юрагидан қон сирқиб,
Томиридан жон сирқиб,

Ожизу беҳол эди,
Оёқлари шол эди.

Умид узгач дунёдан,
Дунёю бевафодан,

Чорлаб мулозимларин,
Шоҳ Жаҳон айтди арзин:

«Мулки Ҳиндни умрбод,
Қиларман девдим обод.

Қилиб шафқат, андиша,
Адолатни ҳамиша

Элимга раво кўрдим,
Ва юрт ҳолини сўрдим.

Ўз боламдан оқибат
Кўрмадим зарра шафқат.

Сизга шу васиятим:
Инсонлик омонатим

Бой бериб қўйсам агар
Хоҳи кундуз, хоҳ саҳар

Халойиқ кўрса раво,
Хоҳишим айлаб бажо,

Тожмаҳалга мени ҳам
Дафн этинг, вассалом».

Шундай дея Шоҳ Жаҳон
Кўз юмди-ю, ўша он

Жон риштаси узилди,
Умр уйи бузилди.

Мулозимлар оҳ чекиб,
Кўздан аччиқ ёш тўкиб,

Хабар берди қалъага
Ва ғам солди Оградга.

Кун пешиндан оққанда,
Мағриб сари боққанда

Аҳли Огра жам бўлиб,
Бошларини хам қилиб,

Тожмаҳални кўзларди,
Етим каби бўзларди.

Кўпни кўрган кекса Шарқ
Мотам ичра бўлиб ғарқ,

Қулагандай тиргаги,
Эзиларди юраги.

Шарқнинг чўнг ўлкасида,
Халойиқ елкасида

Юртни босиб зўр сукут,
Лопиллаб борар тобут.

XXVI

Шу пайт Лоҳурни кўзлаб,
Юрак-бағрини тузлаб,

Кочиб элнинг кўзидан,
Қочиб элнинг сўзидан

Аврангзебнинг карвони
Бўғзига келиб жони

Синднинг биёбонида,
Понипат майдонида

Томчи сувга бўлиб зор,
Ҳиндни қилиб дилозор

Кезар эди саргардон,
Кўзларига тўлиб қон.

Карвонга бўлиб сарбон
Ва жисмини қийнаб жон

Огра чеккан ғамидан,
Отасин мотамидан

Қочган каби оқпадар,
Ичгандай аччиқ захар

Борарди мотамсаро,
Қисмати бўлиб қаро.

Огрода-чи, сукунат
Қурган эди салтанат.

Ҳамма мотамда эди,
Мотаму ғамда эди.

Ваҳиллар эди Жамна,
Қирғоққа қилиб ҳамла.

Шоҳ Жаҳон васиятин,
Унинг эзгу ниятин

Халойиқ этиб бажо,
Тинч ётгил энди дея

Тожмаҳал ошёнига,
Мумтоз бегим ёнига

Дафн этиб, қилиб ёд
Ва рухини этиб шод

Топшириб қора ерга,
Юраги яра ерга

Қайтишдилар айни шом,
Маъюс тумонат одам.

ХОТИМА

Эй, қадрдон дўстларим,
Менинг каро кўзларим,

Ҳиндистонда эшитган,
Мен лойини пишитган,

Достон деган иморат
Ҳақиқатдан иборат.

Неча аср ўтса ҳам,
Кимлар келиб кетса ҳам

Ҳамон ўша Тожмаҳал
Кун аро топиб сайқал,

Бу дунёни лол этиб,
Минг йилни хаёл этиб,

Сўзлашиб офтоб билан,
Юлдузу мохтоб билан,

Севгига маёқ бўлиб,
Меҳмонга муштоқ бўлиб,

Донг таратиб дунёга,
Эртак сўйлаб дарёга

Боқиб турар пурвиқор,
Виқорида сеҳр бор.

Мумтоз бегим, Шоҳ Жаҳон,
Икки озор чеккан жон

Ишқин нишонасидай,
Кумуш кошонасидай,

Қон-қардошу биродар,
Ўз касбидан бахтиёр

Меъморлар санъатига,
Тенгсиз маҳоратига

Бахш этиб боқий умр,
Сиймосидан ёғиб нур,

Топиб Ҳиндда осойиш,
Кўркин қилиб намойиш

Биродарлик рамзидай
Вафодорлик шамсидай

Мангу турур бегумон
Тошга битилган достон!

Огра — Тошкент,
1970—1973

Италиядан мактублар

(туркум)

Сени кўриб, мулки Румо,
Сеҳринг босди... Кўзда ҳайрат!
Бир қалбингда икки дунё,
Дилда ҳайрат, сўзда ҳайрат!

ИТАЛИЯ ҚЎШИҚЛАРИ

Италия харитада
Узатилган қўлга ўхшайди
Ва Ўрта ер денгизида
Ул бир даста гулга ўхшайди.
Қўлларини қисган чоғда
Боқсанг агар гулдай юзига,
Қалбидаги дарду ҳасрат
Занжирбанд қулга ўхшайди.

Италия манзараси
Сеҳргардай кўзинг оладир,
Камалакдай ранглар оқиб
Юрагингга туғён соладир.
Сайёд бўлиб товусига
Ўқ узсанг гар, сенинг изингдан
Апеннин ҳам кўз ёшини
Дарё қилиб, йиғлаб қоладир.

Италия одамлари
Кўзларимга ўктам кўринди,
Соҳибжамол шўх қизлари
Сарвқомат, там-там кўринди.
Сармоянинг қон панжаси
Солиб лекин бўйнига чангал,
Юзларида дилни ўртар
Дийдаси хун, ситам кўринди.

Италия ороллари
Денгиз ичра жаннатмакондир,
Табиб даво тополмаган
Дардларингга даводир, жондир.
Лекин она дийдорига
Тўёлмаган мунгли боладай,
Уммон ичра қолиб кетиб,
Кўнгли ярим, жигари қондир.

Италия шеърияти
Пегас узра миндирди мени,
Апеннининг чўққисига
Лочин қилиб қўндирди мени.

Петрарканинг музасини
Чал, деб ўзбек оҳангларида,
Сонет «темир қонуни»га
Бир умрга кўндирди мени.

Италия санъатини
Кўриб менинг ақлим адашди,
Тўққиз муза сеҳргарлари
Жонимга ўт қалашди.
Лек бебаҳо санъатни ҳам
Ватиканда солиб бозорга,
Рафаэлу Боттичелли
Юрагига ханжар қадашди.

Италия қўшиқлари
Ҳамон менинг қалбим эзадир,
Эзилган дил уммонида
Синган қайиқ бўлиб сузадир.
Тўфонларда қолиб кетиб
Етолмасдан олтин қирғоққа,
Нола қилиб, ором олган
Кўнглимни ул яна бузадир.

Рим,
1973

АПЕННИН ТОҒЛАРИ

Денгиз ёқасида ёнбошлаб олиб,
Бехудуд уфққа вазмин кўз солиб,
Кўнглида тўлқиндай армон қўзғолиб,
Ўртанар, куну тун хаёлга толиб,
Апеннин тоғлари.

Балиқчи овига бергин деб барор,
Халойиқни қўйма деб очу наҳор,
Ғаввосга марварид қилгин, деб нисор,
Эрта-кеч денгизга маҳзун ёлворар,
Апеннин тоғлари.

Денгизда қутурса ваҳший суронлар,
Ер-кўкни титратса довул, бўронлар,
Бағрида нажотсиз қолса инсонлар,
Мунғайиб, зор қақшаб ютади қонлар,
Апеннин тоғлари.

Сайёҳлар сафардан қайтса бехатар,
Кемалар манзилга ташласа лангар,
Римга ошиқишса меҳмонлар агар,
Боши кўкка етиб, сочар сийму зар,
Апеннин тоғлари.

Душман кемаларин кўрса уммонда,
Самолётлари чарх урса осмонда,
Танклари ваҳима қўзғатса жонда,
Дод солиб сочини юлар армонда,
Апеннин тоғлари.

Денгизда сайр этса сокин бир ҳаёт,
Тўлқинлар мавжига қувлик бўлса ёт,
Оққушлар уришса кемага қанот,
Мусаффо бўлди, деб ўйлар коинот,
Апеннин тоғлари.

Булутлар бошига солишса туман,
Ер ризқи — ёмғирдан қурса анжуман,
Кўнглида қулф уриб армони чаман,
Тибр ва Арнодан сув тутар шўх-шан,
Апеннин тоғлари.

Қўйнида нозланар тўрт ажиб фасл,
Тўрт фасл айш-ишрат қурар муттасил.
Ким келса, муродин этади ҳосил,
Менга ҳам узатди шароби асил,
Апеннин тоғлари.

Сархуш боқдим сенга Рим қучоғидан,
Сеҳри уммон — Ўртаер қирғоғидан,
Ашъор майи жўшди дил булоғидан
Ва сенга гул қўйдим Ургут тоғидан,
Апеннин тоғлари!

1973

РИМ

Етти тепалик узра
Рим ётибди ёстаниб,
Оёғини узатиб
минг йиллар даргоҳига.
Мозий шуҳрати билан
қадди тоғдай ростланиб,
Парво ҳам қилиб қўймас
инсон чеккан оҳига.

Харобалар баҳрини
тирнамайди қилча ҳам,
Мангу сукутга чўмган
хайкаллар солмас ғулу.
Колизейнинг ноласи
юрак-баҳрин тилса ҳам
Черковлар меҳробидан
бошин кўтармайди у.

Пайғамбарга топиниб,
сажда қилиб худога,
Роҳибалар рамзида
икки букилгандир Рим.
Мозийнинг кўзи билан
боқиб бутун дунёга,
Вайроналар ичида
тутдай тўкилгандир Рим.

Капитолий устида
турар буюк обида –
Ромулу Румо эмар
онам дея бўрини.

Харобалар сурури —
элга суюк обида,
Қуёш қадар кўтарди
бу шаҳар ғурурини.

Римнинг юраги мисол
тўлғанади Ватикан,
Уйғониш санъатини
босганча оғушига.
Сайёҳлар нигоҳига
чулғанади Ватикан,
Олтин занжирли хочни
тақиб олиб тўшига.

Ватиканга эркини
бериб қўйган шўрлик Рим,
У, яқосин чок айлаб,
тутиб олган бўғзидан.
Амрига оғиз очмай,
қулдек бўйин эгиб жим,
Мозийдаги либоси
жулдур бўлиб тўзғиган.

Петрарка ё Дантенинг
овози берса садо,
Яраланган шердай Рим
ўрнидан қўзғалади.
Қулларнинг исёнидан
жонига тушиб ғавғо,
Карузодай куйлаган
қалби ҳам музланади.

Қабоҳат ва саодат
бунда олиб борар жанг.
Икки дунё баҳрида
аросатда қолган Рим.
Уни домига тортиб
сармоя мисли наҳанг,
Тўрга тушган балиқдек
асоратда толган Рим.

Югурик бу асрнинг
темир аравасида
Шовқин-сурон ичра Рим
истиқболга қўяр от.
Қисмат туғёри қолиб
икки ўт орасида,
Эрк ёғдуси балқиган
дунёдан кутар нажот.

Рим қўйнида кўз очиб,
отар бир кун бахт тонги,
Тухумин ёриб чиққан
сор бургут боласидай.
Апеннинни чулғаса
эрк қўшиғин оҳанги.
Қалби туғёнга келар
Тибр шалоласидай.

Асрларнинг оғзини
ўпқондек очтирган Рим,
Сирдош бўлолмай доғдир
одамлар қайғусига.
Не шаҳарлар уйқусин,
кўзидан қочтирган Рим,
Зулмат ичида зордир
саодат ёғдусига.

Эй, мағрибнинг бешигин
тебратган буюк шаҳар,
Бошингдан дурдай сочдим
Самарқанд тупроғини.
Истиқболинг субҳини
кўрай дея мунаввар,
Қалбингга ёқиб кайтдим
меҳримнинг чироғини!

Рим,
1973

БРОНЗА ГУЛЧАМБАР

Пантеон қўйнида буюк мусаввир
Мангулик уйқуга чўмиб ётибди.
Бу олам боғида бўлиб беназир
Румони шуҳратга кўмиб ётибди.

Қачондир чироғи сўнган қироллар
Қабри бунда савлат тўкиб турибди.
Деворга осиқли зангли қуроллар
Гўё қироллардан ўксиб турибди.

Меҳробнинг пинжида мусаввир қабри,
На унда қилич бор ва на мўйқалам.
Ва лекин мангулик тимсоли каби
Қабрида милтиллаб ёниб турар шам.

Чироғи ўчмасин мусаввирнинг, деб
Бу шамни халойиқ ёқиб қўйибди.
Шуҳрат иморатин безатганча хўп,
Бошига дафнани тақиб қўйибди.

Бу дафна япроғи мангу сўлмагай,
Куйиб ҳам кул бўлмас шам ёғдусида.
Шам эса эл меҳри каби сўнмагай
Рафаэл санъатин силсиласида.

Шуҳрат деб чиранган қироллар бугун
Гулга ҳам зор бўлиб, маъюс ётибди.
Мармар қабрларнинг бағрин этиб хун,
Рафаэл қошида, афсус, ётибди.

Мусаввир қабрида, иссиқ жонидай
Шам бўлиб, эл меҳри ёнар бегумон.
Ва унинг бошида шуҳрат тожидай,
Бронза гулчамбар порлайди ҳамон.

1973

КОЛИЗЕЙ ХАРОБАСИ

Жулдур кийган паҳлавонми
Колизей харобаси,
Ё симобий титроқ жонми
Колизей сардобаси.
Инсон билан йиртқич ҳайвон
Олишганда беомон,
Ё қалблардан оққан қонми
Колизей шарораси?

Рим сурони этмиш бедор
Уни асрий уйқудан,
Кўзларини очмиш наҳор,
Гулхан ёқиб оҳидан,
Ростлай деса, қаддини гар
Қалтираб оёқлари,
Замин узра тиз чўкмиш ул
Бағри хундек қайғудан.

Юрагимга солди ғавғо
Колизей манзараси,
Вайронадан берди садо
Колизей можароси.
Нигоҳимни тутқун айлаб
Ситамгар иморатда,
Қуллар наслин қилди бино
Колизей шажараси.

Қуллар сабру тоқат ичра
Филга ўхшаб кўринур,
Армон тоғи кулфат ичра
Зилга ўхшаб кўринур.

Бошида ғам гир айланиб
Тегирмоннинг тошидай,
Кўз ёшлари қисмат ичра
Нилга ўхшаб кўринур.

Тутиб кетмиш Римни, қаранг,
Колизей машмашаси,
Шовқин-сурон ичра гаранг
Колизей кошонаси.
Гладиатор билан йўлбарс
Жон талашган чоғида,
Тортган эди торин таранг
Колизей томошаси.

Ана, инсон сўнгги бора
Рақибига ташланди,
Қони билан ерни кора
Қила олмай ғашланди.
Тиш-тирноғин тиғ қилди-ю,
Ҳамла қилди йўлбарс ҳам,
Ҳаёт-мамот жангин, қара,
Сўнг саҳнаси бошланди.

Қийқирганча бор оломон
Оёққа қалқди бирдан,
Гладиатор учун жаҳон
Махрум бўлганди нурдан.
Йўлбарс эса олиб уни
Оёқлари остига,
Чавақлади, тирқираб қон
Окди бағри қон ердан.

Сочларини юлганича
Фарёд қилди бир аёл,
Жинниларча кулганича
Бағрин тилди бир аёл.

Колизейнинг устунларин
Зирқиратди ноласи,
Унутолмас ўлгунича
Бу саҳнани шўр аёл.
Колизейга келдинг нечун
Волидаи муҳтарам,
Ё адашиб йўлдан бугун
Бежо қўйдингми қадам,
Инсон билан йўлбарсни бир
Майдон ичра ўйнатган
Телба дунё инсон учун
Қачон қилибди карам?

Қачон дунё солмиш қулоқ
Халойиқнинг дардига?
У қулдорга бир ўйинчоқ,
Айланар ўз чархида.

Қуллар ердан топмай омон
Кўкка учди рух бўлиб,
Юлдуз бўлиб қолди бироқ
Колизейнинг аршида.

Сенда шаҳид бўлган инсон
Сони борми, Колизей?
Тупроғинг-ла эрса ниҳон,
Қони борми, Колизей?
Шуҳрат тожи яксон бўлиб
Ётса ҳамки пойингда,
Ё қулларнинг сенда ҳамон
Шони борми, Колизей?

Эй, мардликнинг вайрон бўлган
Хароба кошонаси,
Румо мулкин ҳайрон қилган
Томоша остонаси,
Ўтмишингни қарғаб бунча
Боқмагил мотамсаро,
Қуллар қабрин вайрон бўлган
Сен битта нишонаси.

Рим,
1973

УФФИЦИ ГАЛЕРЕЯСИДА

Тонг чоғи тушиб қолдим
сеҳргар бир оролга,
Ҳаёт деган уммон ичра
сайёҳ каби адашиб.
Ўзимни кўлга олдим,
эрк бермайин хаёлга,
Қаён боқсам, туғён ичра
кўзим қолди қамашиб.

Бу орол мўъжизаси
ақлим этиб қўйди лол,
Ҳайрат ичра одамлар
турарди менга боқиб:
Қисматнинг мусиқаси
минг кўйга солган аёл,
Бағрин эзиб аламлар,
топинар хочни тақиб.

Денгизнинг ёқасида
бир чол турар мункайиб,
Дарё каби шиддаткор
ёшлик даврини қўмсаб,
Тўлқинлар долғасида
боқар шўрлик мунғайиб,
Ҳаёт боғида ночор
танҳо қолганга ўхшаб.

Аждаҳони бўғзидан
тутиб олган бир йигит,
Елкасига қилични
санчмоқ учун шайланган.
Заҳар сочиб оғзидан,
кўзи ёниб мисли ўт,
Йўқотгандек бор кучин,
тимсоҳ кулга айланган.

Тўшак узра тўлғаниб,
ётибди бир ёш жувон,
Қўлида қизил олма —
ёқутдай турар яшнаб.
Сочи белга чулғаниб,
ҳислари қилиб исён,
Кўзларида таманно,
бўсаларга ташна лаб.

Ўнгимми бу ёки туш, —
ҳаёлни босди ҳайрат,
Суратлар кўзгусига
кўзлар қолди михланиб.
Завқ шаробин этиб нўш,
ўзга келдим хайрият
Ва лекин бир умрга
қалбим қолди чўғланиб...

1973

ҲАЙКАЛТАРОШ

Оқ мармардан ясалган бир болакай,
Бир қарашда кўз олар жозибаси.
Ўйламайсан ҳайкал деб сира, ҳай-ҳай,
Бордай унда тириклик насибаси.

Танасида гўёки жони бордай,
Ҳаёт шами порлайди кўзларида.
Томирида гупирган қони бордай,
Балқиб турар табассум юзларида.

Қўлларида — искана бирлан болға,
Бир қизалоқ ҳайкалин у тарошлар:
Толим-толим сочлари мисли долға,
Тиғи паргон этгудек камон қошлар.

Жон бахш этиб қизалоқ ҳайкалига,
Ҳайкал бўлиб қолибди бу болакай.
Ҳамма лолдир бу ҳайкал сайқалига,
Яратибди қайси аканг қарағай!

Бу — Бернини, унинг ўт болалиги,
Тўрт ёшида отаси ҳам қолган лол.
Ё Тициан санъатга шайдолиги,
Мармар тошлар ҳуснига берган жамол.

Бу — Канава, сеҳргар олий дахо,
Ё табиат санъатин мужассами.
Бу — тошдан садо берган Микеланжело,
Моисейни яратган зако шами.

Қизалоқ ким, Дантени этган сарсон —
Беатриче ёки бир умри жаннат?
Ё Рафаэл қалбида қолган армон,
Фаришта ё соҳиби бир муҳаббат!

Ё Жоттани қошида тиз чўктирган,
Ассизининг кўҳида кезган оҳу?
Боттичелли кўзидан ёш тўктирган,
Флоренция рамзими бу моҳирў?

Бу — қалбларни сеҳрлаб турган ҳайкал
Қаршисида лол бўлмай йўқдир илож.
Соҳибин ул шуҳратга кўмиб тугал,
Мулки Румо бошига кийгизди тож!

1973

ВЕНЕЦИЯ

Венеция — тождор шаҳар,
маликаи уммондир.
Сочин ювар оби кавсар,
ҳусни моҳитобондир.
Кўзлардаги сеҳру жоду
ўт қаласа жонингга,
Ғамзалари дилни ўртар
оҳу каби жонондир.

Мен унга бир боқиб қиё,
кириб қолдим боғига,
Қалбга тушиб ўтли зиё,
илиндим тузоғига.
Муҳаббатим оққуш бўлиб
сузай деди баҳрида,
Оташ бўлиб оҳим гўё
таралди кирғоғига.

Айлай десам унга ошкор
нола қилган ишқимни,
Кокилини қилиб симдор,
бошдан олди ҳушимни.
Ошиқ бўлсанг тиз чўк, деди,
менинг қошимда, ўғлон,
Юзлаб орол сенга хумор,
кўргин олтин кўшкимни.

Ошиқлигим айлаб баён
ўтдим тўрт юз кўприкдан,
Висолида ўртанди жон,
ёшлар оқиб киприкдан.

Худди писта пўчоғидек
ўйнатиб қайиғимни,
Юзлаб канал этди гирён,
қолма, дея кўрикдан.

Синовига бериб бардош,
кездим оролма-орол,
Кўзларида кўрдиму ёш
бошимдан учди хаёл.
Субҳидамдан оқшом қадар
сув мулкини сайр этиб,
Мажнунтолдай эгдиму бош,
сўрадим ундан савол:

— Венеция, айла карам,
қалбим қолди қийноқда,
Куйдиради қалбинг не ғам,
ўт ёнгандек ўчоқда?
Занжир солиб оёғингга
тортарми ёки денгиз,
Ё дардимга бўл, деб малҳам,
осилдингми қирғоққа?

— Ҳолим кўриб, қўрқма, меҳмон,
мен денгиз парисиман,
Бағрин айлаб оромижон,
кулган бир наргисиман.
Тўлқинлари эркаланиб,
ўпиб ётар пойимни,
Мен денгизга солиб туғён
турган эл ворисиман.

Мени денгиз бешигида
тебратган онажоним,
Шўх тўлқинлар эшигида
улғайган азиз жоним.
Неча йилдир, мени уммон
ётар мағрур қучоқлаб,
Унинг жўшқин қўшиғида
куйланар бор армоним.

Леонардо[1] қўлларига
тутқаздим шоҳ мўйқалам
Ва Дантенинг йўлларига
гул сочиб, этдим карам.
Тицианга ҳамроз бўлиб,
мармар тошга бердим жон,
Петрарканинг шўх торига
жўр бўлсин, дедим олам.

Ошиқ бўлсанг менга агар
бир шарт қўяй олдингга,
Ишқ боғига бўлиб сарвар,
қулоқ солгин қалбингга.

Муҳаббатинг гар бўлса чин,
майли, кетма қошимдан,
Данте каби бир шоҳ асар
инъом айла халқингга!

Венеция, жаннат диёр,
сенга севгим бегумон.
Юрагимда ишқи ашъор,
бағрингга этди меҳмон.
Қучоғингда қолар эдим,
яшар эдим умрбод,
Сенга эди жоним нисор,
бўлмаса Ўзбекистон!

1973

[1] Леонардо да Винчи

НЕАПОЛЛИК ОНА ҲАСРАТИ

«Паноҳгоҳим Неапол,
Қаддим бўлди мажнунтол.
Сен қилмасанг мурувват,
Ёш умрим топар завол».

Сершовқин кўчанинг муюлишида
Тентирайди ёш она.
Дарёнинг денгизга қуйилишида
Пешонаси тош она,

Қизини бағрига босиб ғамгусор,
Кўзларида ёш она.
Неаполга айлаб дардини ошкор,
Излайди бир бошпана.

Борай деса йўқдир таниш даргоҳи,
Ҳеч ким бўлмас парвона.
Бир дардкаш ахтариб дайдир нигоҳи,
Борми, дея ҳамхона.

Ҳеч кимга шўрликка парво қилмайди,
Ўтиб борар мардона.
Назари тушса ҳам кўзга илмайди,
Кўнглин этиб ғамхона.

Сеньорлар эшигин пойин ўпса хам,
Кел, демас бир остона.
Эртадан кечгача бошин эгиб хам,
Дайдир мисли девона.

Бирдан қулаб кетиб суянган тоғи,
Мотам этди сўзона.
Чўп каби қуритди айрилиқ доғи,
Бахт бўлмади дугона.

«Паноҳгоҳим Неапол,
Қаддим бўлди мажнунтол.
Сен қилмасанг мурувват,
Ёш умрим топар завол».

Неапол бағрини тирнар хасрати,
Ўксинади ёш она.
Бошига тушганда хаёт кулфати,
Кезар, кўнгли ғаш она.

Бир томчи сут қолмай пок сийнасида,
Шодлик бўлди бегона.
Қоқилиб, ғам тоғин силсиласида
Дўст тополмас ягона.

Умр аравасин тортай деса гар,
Олмайди бир корхона.
Қизинг-ла сен ахир кимга, деб даркор,
Излашади баҳона.

Жонидан ортиқроқ кўрган қизини,
Асраб худди дурдона,
Заъфарон этганча гулдек юзини,
Паноҳ излайди она.

Отасидан ёдгор қолган тирноққа,
Даъво қилмай кошона,
Меҳрини сут билан бериб гўдакка,
Ёримдан деб нишона,

Неаполнинг дардманд кўчаларида
Қалби қуёшдай ёна,
Бахт излаб, коронғи кечаларида
Саргардондир ёш она!..

1974

ТИВОЛИ ФАВВОРАЛАРИ

Тиволи боғининг фавворалари
Ғаройиб кўринар менинг кўзимга.
Юксакдан сакраган шаршаралари
Ҳаловат бахш этар ҳорғин рухимга.

Ранго-ранг товланган фавворалари
Ўхшайди сафобахш сирли тилсимга.
Ҳавода ўйнаган шароралари
Ўт билан киради менинг кўксимга.

Апеннин тоғининг шалолалари
Тиволи ишқида тинмас бир зумга.
Тибрнинг уйноқи дилпоралари
Турнакўз булоқдай сингмади қумга.

Тиволи сурурбахш фавворалари
Бошида дарахтлар ўхшайди тимга.
Баргларни сўйлатар шўх зарралари,
Бир лаҳза қулоқ сол, дея мавжимга.

Мармарга чекилган шажаралари
Тиволи довруғин таратди Римга.
Беш аср қайнаган замзамалари
Боғ ичра завқ-шукуҳ бермади кимга.

Туйғулар завқ берар сархуш кўнглимга,
Мен илҳом нахрида оққаним сари
Мавж уриб тургандай кўзим ўнгида
Тошкентнинг ҳузурбахш фавворалари.

Боғ ичра чарх урар дил кабутари
Саломлар элтгали она элимга.
Тошкентнинг камалак фавворалари,
Мен сизни алишмам етти иқлимга!

1974

РИМЛИК ЁШ РАССОМ

Ватикан музейин пинжида
Мўлтираб турибди ёш рассом.
Бисоти — деворнинг кунжида,
Намойиш қилинар то оқшом.

Санъатга ошиққан чоғида,
Тутганда қўлига мўйқалам,
Куйганда муҳаббат доғида,
Ғамзаваш боққанда бир санам,

Қалбида дарёлар қўйиб от,
Тошларни тилганда туёғи,
Сеҳргар жилмайиб самовот,
Кўзига чўкканда бўёғи.

Рафаэль руҳига қасамёд
Қилганда Пантеон қўйнида,
Сезмаган эди-ю, гирдибод
Турмушнинг тошини бўйнида,

Санъатдан бошқани олмай тан,
Тушмасди Пегасдек тулпордан.
Сурп узра яратиб бир чаман,
Чиқарди ҳамиша хумордан.

Ҳаётдай сўқмоқли тилсимот
Йўлида адашиб қолди у.
Ва мендан қолсин деб яхши от,
Бекатда бир тўхтаб олди у.

Кўчанинг чолдевор сийнаси
Кўринар кўзига серҳашам.
Ва Румо ҳаётин ойнаси
Олдидан кетмайди ёш рассом.

Ёнидан аримас харидор,
Бу ерда учрашар тақдирлар.
Суратин олса гар бир сеньор,
Бириси шунчаки табриклар.

Ёш рассом ҳолидан ийманар,
Сотмаса, куни ҳам ўтмайди.
Яшамоқ учун у куйманар,
Бировдан садақа кутмайди.

Ёнига йўлатмас Ватикан,
Нечунким, унчалик машҳурмас.
Пайт келиб, гар Румо берса тан,
Ватикан кадрини оширмас.

Ёш рассом, умрингдан ўртанма,
Лек тингла юрагинг амрини.
Қадрим йўқ, деб ука, кўп ёнма,
Бирор кун топарсан қадрингни.

Эҳтимол, эшигин ланг очиб,
Сенга ҳам жой берар Пантеон.
Санъатинг тожидан дур сочиб,
Қабрингга шам ёқар Ватикан!

1975

ТИБР ҚИРҒОҒИДА

Шошма Тибр, жон Тибр,
Саргузаштга кон Тибр,
Сен билан қурай суҳбат
Тўхтагил бир он Тибр.

Юрагингда не дард бор,
Кўзларингда не гард бор?
Мунча ҳам пўртанасан,
Айт, олдингда не шарт бор?

Апеннин оёқ тираб,
Чўққисидан қор нураб,
Не учун термилади
Изларингдан мўлтираб?

Боғу роғни оралаб,
Шаҳри Римни қоралаб,
Нечун мунча шошасан,
Қирғоғингни поралаб?

Тўхта, Тибр, ҳой Тибр,
Қалби асов, той Тибр,
Сўзим уқсанг не бўлғай,
Эй, илҳомга бой Тибр?

— Бир дам тўхтасам, меҳмон,
Ҳаёт тинар бегумон.
Дўзахда қолиб Румо,
Кўз очиши даргумон.

Боғларга тушиб хазон,
Кимсасиз қолар бўстон.
Қирғоқларга уриб бош,
Зардоблар ютар уммон.

Умримга тилаб ривож,
Менга эса эл муҳтож.
Муҳтож элнинг бошига,
Мен кийгиздим олтин тож.

— Сўзинг уқдим, эй Тибр,
Жонгинанг бўлсин темир.
Элнинг эзгу бахтига,
Тўхтама мангу, Тибр!

1975

ФЛОРЕНЦИЯ

Флоренция, уммон ичра
ок елканга ўхшайсан,
Кўҳна Риму Милан ичра
гоҳ улканга ўхшайсан.
Венеция қисматига
бўлиб сен бир қайғудош,
Тунлар бедор, гирён ичра
оҳ урганга ўхшайсан.

Флоренция, туғён ичра
наҳри шўх Арномисан?
Ё мағрибда туман ичра
кўринган дунёмисан,
Тоскана гар сўраб нажот,
кўзларидан тўкса ёш,
Сен бепаноҳ фиғон ичра
ё кўнгли сиёмисан?

Флоренция, даврон ичра
олтин бешик экансан,
Ёр ҳажрида армон ичра
жунун ошиқ экансан.
Тиволида минг фаввора
урганидек тошга бош,
Қалб қаърида афғон ичра
ётган қўшиқ экансан.

Флоренция, бўстон ичра
булбулигўёмисан?
Ё ситамгар жаҳон ичра
меҳри бир гиёмисан?
Данте сени тарк этса ҳам
Байрон келибди мунгдош,
Ё мозийда тўфон ичра
порлаган зиёмисан?

Флоренция, сурон ичра
халоватсиз шаҳарсан,
Рутубатли макон ичра
тонгни кутган саҳарсан.

Ватиканга тўлаб хирож,
меҳробига эгиб бош,
Гард қўнмаган имон ичра
хурофотга сарварсан.

Флоренция, чаман ичра
наргис ё раъномисан?
Ё армонли маскан ичра
паридек барномисан?
Сарҳиния қирғоғидан
излаб ўзингга сирдош,
Ё афсунгар уммон ичра
дур каби танҳомисан?

Флоренция, жаҳон ичра
санъат тожин кийибсан,
Равеннага армон ичра
Данте хокин қўйибсан.
Галилей ва Леонардо[1]
қалбида сўнгач оташ,
Ситам билан ниҳон ичра
ўз ўтингда куйибсан.

Флоренция ё қон ичра
ғавво қилдими жонинг,
Жонинг ўртаб ё жон ичра
савдо қилдими қонинг?
Микеланжело билан рух
бўлганида жонталаш,
Ё бедаво ҳижрон ичра
қолдими сўнмас шонинг?

Флоренция, шамдон ичра
мангу ёниқ чироқсан,
Апеннининг жаҳон ичра
кўзларига қароқсан.
Санта-Крочи соборида[2]
кипригингда ўйнаб ёш,
Мурувватсиз фиғон ичра
саргашта, кўнгли доғсан.

Флоренция, осмон ичра
шуҳратинг бермиш садо,
Сен деб Данте достон ичра
руҳга жон этмиш ато.
Мен эса лек йўлларингни
Шарқ билан этдим туташ,
Қўшиқ излаб, замон ичра
Румони кезиб танҳо.

Флоренция,
1975

[1] Леонардо да Винчи – буюк итальян олими ва рассоми

[2] Санто-Крочи соборига Италиянинг улуғ фарзандлари – Галилей, Леонардо да Винчи, Микеланжело дафн қилинган. Соборда Дантенинг рамзий қабри бор. У Равеннага дафн қилинган

МИКЕЛАНЖЕЛО

Буюклик тожига дур қадаб,
Юксакда турибди улуғвор.
Нигоҳи шафақка ўт қалаб,
Қуёшга этибди жон нисор.

Флора диёрин қалбида
Ифтихор дарёси уриб мавж,
Мангулик заковат қасрида
Қурибди унга деб тахти ганж.

Жонининг риштасин Арнога
Улабди сеҳргар қўллари.
Анвои оҳангли органга[1]
Пайваста бўлибди диллари.

Заковат шоҳига таъзимкор
Пойида тиз чўкмиш уч аёл:
Сангтарош, шоира ҳам меъмор
Ёд этмиш руҳини безавол.

Бошига кўтариб она-Ер
Ардоқлар шаҳристон кўксида.
Бир фарзанд ўстириб мисли шер,
Балқиди шарафлар кўкида.

Тошга жон бахш этган даҳога
Дафнадан кийгизди гулчамбар.
Қуёшдек улуғлаб дунёга,
Бошидан сочди у дур-гавҳар.

Ҳаётлик даврида тушига
Кирмаган шуҳратдан этди лол.
Шоҳ қилиб нафосат кўшкига,
Бош эгди қошида қул мисол.

Сукунат мулкининг қироли
Бу бахтдан тушибди ҳайратга.
Тириклик чоғида, зероки,
Сайланган эмасди ҳайъатга.

Қул янглиғ тер тўкиб бир умр
Қироллар амрига эгди бош.
Ҳаёти кечса-да беҳузур,
Заррача тўкмади кўздан ёш.

Қироллар ётибди ер тишлаб,
Шуҳратин унутди асрлар.
Арвоҳи кезса-да ер муштлаб,
Эслаб ҳам қўймайди насллар.

Румонинг довруғин таратиб,
У эса турибди юксакда.
Оламни ўзига қаратиб,
Яшайди миллионлаб юракда!

1975

[1] Орган – музика асбоби

ПЕТРАРКА РУҲИГА ҚАСАМ

Сени ўқиб дунё ичра
лол бўлдим бу оламда,
Кезиб мулки Румо ичра
ёд этиб ҳар қадамда.
Сўрокладим саболардан,
тонг чоғи наволардан,
Юлдузлардан само ичра,
бир дард кўриб қаламда.

Венеция тожин олиб,
кий деб менга тутқазди,
Юрагимга туғён солиб,
қайиғига ўтқазди.
Флоренция боқиб қиё,
хокинг айлаб тўтиё,
Изларимдан йиғлаб қолиб,
берди сен чолган созни.

Генуядан изларингни
изладим тонгга қадар,
Юлдузларга кўзларингни
ўхшатди шамсу қамар.
Соррентонинг қучоғида
ва Апеннин тоғида
Садо берган сўзларингни
тингладим шому саҳар.

Бошда тутиб сени Милан
чалар экан торингни,
Палермони қучиб уммон
айтар экан зорингни.
Сонетларинг кабутардай,
Румони безаб зардай,
Ишқинг элга айлаб достон
излар экан ёрингни.

Келмас экан фасли баҳор
мулки Румога сенсиз,
Эсмас экан сабо наҳор
Тибру Арнога сенсиз.
Сенсиз Пегас учмас экан,
оламни қучмас экан,
Янграмаскан қўшиқ бисёр
ёруғ дунёга сенсиз.

Христофор Колумб надир
сен бор жойда, Петрарка.
Ким борлиқни кашф этадир,
доғ бор ойда, Петрарка.
Сени қутлаб мулки ашъор,
сонетга этди сардор,
Вале севги қилди жабр,
ёринг қайда, Петрарка?

Самарқандда қўлинг ўпиб,
боғингга қўйдим қадам
Ва офтобни бедор кутиб
сен каби сурдим қалам.
Сонет ишқи бўлиб сирдош
қалбимга солди оташ,
Бир умрга мамнун этиб,
руҳингга ичдим қасам.

1975

ҚАЙИҚЧИ

Гранде каналин бекатида
Сарвқомат ёш жувон.
Бир олтин қайиқ бор бисотида,
Кўзлари мисли жайрон.

Елкага сочилган сунбул сочин
Ўйнатади шўх шамол.
Оқ мармар кўксин ўпган хочин
Занжири олтин мисол.

Бир тутам белини турар қучиб,
Тўрт энликча зар камар.
Сайёҳлар боқишар кўнгли учиб,
Сайрига бўлиб хуштор.

Жувон эса, кимга келса навбат
Ўтказар қайиғига.
Тилидан томса-да қанду новвот,
Кулади мийиғида.

Ноз билан қайиғин гуриллатиб,
Сайрга қилар парвоз.
Сайёҳлар қалбини тўлқинлатиб,
Венеция сўйлар роз.

Бекатда қанчалаб сайёҳ яна
Бу санамга интизор.
Қирғоқда — қалбида шўх пўртана,
Туришар турнақатор.

Қарчиғай келбатли қайиқчилар
Бозори бўлар касод.
Жувонга рашк билан зимдан боқар,
Кулди деб унга омад.

Ва лекин бу ҳолга қилмас парво
Гранде маликаси.
Оламга боққандек сертаманно
Венеция эркаси.

1975

АДРИАТИКА ДЕНГИЗИГА

Эй, денгиз!
Мунча ҳам кўтарма сурон,
Даҳшат солиб, мени ўйлатма.
Юрагим элкандек сени кучган он,
Писта пўчоғидек ўйнатма.

Умримнинг лангари бўлса қўлингда,
Тўлқинларга эш этгин, майли.
Жоним фидо бўлсин, майли, йўлингда,
Сенга тушган ишқим туфайли.

Қўрқмасдан чўққига қилганман парвоз,
Мен — ургутлик, тоғ боласиман.
Сен эса заминга соласан уввос,
Мен — чўққилар шалоласиман.

Қирғоқни емириб, домга тортсанг сен,
Мен — тоғ бағрин этгум боғу роғ,
Венецияга ташвиш юкин ортсанг сен,
Мен — Ургутга ёқурман чароғ.

Сендан ризқ изласа фарзанди башар,
Мен — ерни ҳам кийдирган жонман.
Сен — инсонга раҳм қилмасанг агар,
Мен — шафқат тахтида султонман.

Сен пинҳон сақласанг борлиқ мулкингни,
Мен ёзурман элга дастурхон.
Сен — толе кулфидан олсанг илкингни,
Мен очурман тоғлар ичра кон.

Сен — тўфон отига бўлсанг чавандоз,
Мен осойиш кўшкига посбон.
Сен — мулки Румони этсанг сарафроз,
Мен — Ургутда тенгсиз ғазалхон.

Сен — Румою Болқон ичра жонталаш,
Мен — юртимнинг қалбига жонман.
Сен — аросат ичра бағри қонталаш,
Мен — бахтиёр Ўзбекистонман.

Эй, денгиз!
Қўй энди, асов кудратинг,
Борлиқ кул бўлмасин қаҳрингда.
Мени кўриб, мунча қистама отинг,
Сендан зўр денгиз бор қалбимда!

1975

«ҚУЁШ ЙЎЛИ»

«Қуёш йўли» чўзилгандир
Римдан то Милан қадар,
Қалб ороми бузилгандир
фарахбахш шому саҳар.
Икки буюк шаҳар сари
узатиб икки қўлин,
Бедор кўзи сузилгандир
ичгандек оби кавсар.

Кипригига бир лаҳза ҳам
қўнмайди уйқу қуши,
Холи қолмас ҳатто бир дам
қора мармардек тўши.
Томирида қон қўпириб,
туғён қилар танда жон,
Боши узра учар хуррам,
хаёлда кўрган туши.

Апеннинга назар солар,
этагида узаниб,
Тоғ бағрига кириб олар
баъзан ўзин қизғаниб.
Яна жаннат водийларни
оралаб дарё каби,
Сайёҳларга қараб қолар,
изларидан бўзланиб.

Машиналар карвонидан
умуртқаси букилмас,
Танидаги дармонидан
кўздан ёши тўкилмас.
Апенниннинг вазни қадар
юк бўлса ҳам елкада,
Унга ҳамдард сарбонидан
боши асло хам бўлмас.

Мушкулларни қилиб осон
миннатдордир умридан,
Боши узра кулган осмон —
қалбининг суруридан.
Буюк замин кўкси узра
турар уни ардоқлаб,
Минг чақирим тахтиравон —
эл кўзининг нуридан.

Қадоқ бўлиб инсон қўли
қурибди бир кўркам йўл,
Кимки унга тушса йўли
узатади дўстга қўл.
Бу йўлда ҳеч тўкилмасин
йўл қурган одам қони,
Соврилмасин кўкка кули,
«Қуёш йўли», омон бўл!

1975

ШОИР

Перужида очиб дўкон
Шоир сотар китобини.
Гўё элга этар эҳсон
Юрагининг офтобини.

Кўзларида мунгли қисмат,
Боқар менга серилтижо.
Сўзларида дурри ҳикмат,
Қалб амрини этар бажо.

Юзларида шўх табассум
Мени кўриб жилваланар.
Олинг, дея сайёҳ дўстим,
Гуноҳкордай боқар мустар.

Тили бурро таржимоним,
Уни жуда зўр шоир, дер.
Шоир ҳолин кўриб жоним,
Томиримда қондай сирқир.

Яна сайраб мисли булбул,
Шоирлигим этар ошкор.
Дўстим эса узатиб қўл,
Қўлларимни қисар бисёр.

Қизиб кетар бирдан суҳбат
Қадим Румо тупроғида.
Йўқолгандай бўлар сарҳад
Шеъриятнинг гулбоғида.

Китобига ёзиб дастхат
Дўстим менга этар ҳадя.
Кўриб бизни дўсту улфат
Жилмаяди ёруғ дунё.

Китобини дастхат билан
Беролмайди элга ҳозир.
Кулганича толеи шаън,
Яшамоғи керак шоир.

1975

КУЛОЛ

Сурмадек тупроққа жон қилмиш ато
Ассизида бир кулол.
Лойини хамирдек пишитгунча то
Ором билмаскан хиёл.

Ёшлик кабутарин олис-олисга
Учириб кетмиш шамол.
Энди у чўққида чалинмиш кўзга.
Чўлпон юлдузи мисол.

Йилларни чарх каби йигириб ҳаёт,
Қошида сурмиш хаёл.
Умридан хақини чегириб ҳаёт,
Чинор қаддин этмиш дол.

Лайлак қор ёғдирса ҳам бошига фалак,
Кўзи чашмадек зилол.
Ҳунари этса ҳам уни жон ҳалак,
Кўнглига келмас малол.

Тоғ тўшида куриб олган маскани
Гўё кўкдаги ҳилол.
Юлдуздай термилиб унга Тоскана,
Қош устига бўлмиш хол.

Антиқа кўзасин жаҳонга Румо
Кўз-кўз этар бемалол.
Косасин чертганда янграган садо
Кўнгилни айлар хушҳол.

Анвои лаганин кўрса камалак,
Ёйдай эгилмиш дарҳол.
Гулгун пиёласин ўпганда малак,
Лоларухсор бўлмиш лол.

Ҳунарин асрабон мисли қорачиғ,
Фарзандларга демиш: ол!
Пуштипаноҳимиз мероси янглиғ
Нонингни этгай ҳалол!

Фарзандлар ёнида туришиб қатор,
Чолга бахш этмиш камол.
Ва ота касбидан қилишмасдан ор,
Эл аро топмиш иқбол.

Чол эса лой қориб ва элаб тупроқ,
Боқар худди мажнунтол.
Умр дарахтининг томири бироқ
Зиркирар турса шамол.

Эй кулол, қўли гул инсони аъзам,
Ҳаёт қадар боқий қол.
Тупроқнинг қадрига етса гар одам,
Хор қилмагай истиқбол!

1975

МИЛАН

Ломбардия осмонига
Милан боқар гердайиб,
Эрк гулзори эрур пайҳон
оёқларин остида.
Дош бериб ғам тўфонига
турибди ул серрайиб,
Зулм қамчиси мисли илон
тўлғанади дастида.

Қучоғида икки дунё
жон талашар беомон:
Йигит билан бир ўжар чол
беллашгандай курашда.
Йиқилишни кўрмай раво
чол ҳам танда борки жон,
Йигит қаддин этай дер дол,
ўзи эса нурашда.

Кураги ҳеч ер кўрмаган
йигит чолга урар даст,
Қовурғаси зирқирайди
чолнинг ногоҳ ҳужумдан.
Бино бўлиб ҳеч кулмаган
осмон гўё бўлар паст,
Кўздан ёши тирқирайди,
нажот кутгандек Римдан.

Милан эса сукут ичра
бошига хоч қўндириб,
Афтодаҳол кузатади
бу кураш жараёнин.

Савлат тўкиб булут ичра,
само кўзин тиндириб,
Сомон каби тўзғитади
асрий орзу-армонин.

Кўзларига кори зулмат
ин қуриб ўргимчакдай,
Ғам арқонин эшиб аста
тўрга солар жонини.
Анор каби эзиб кулфат,
ўйнатиб арғимчоқдай,
Борлиғини этар хаста,
тингламас гирёнини.

По[1] сувига оёқ солиб,
ўй сурар Сан-Сатиро![2]
Қисмат тасбеҳин ўгириб,
бу курашга очар фол.
Оғир хаёлга толиб,
қилар унсиз илтижо,
Йигит жонини суғуриб,
умрини қилар завол.

Ла-Скала саҳнасига
кўчар бу жанг ҳолати.
Ботир йигит зарбларидан
титраб кетар қандиллар.
Қироллари инг даҳмасига
дарз солар чол даҳшати,
Адолатнинг ҳарбларидан
узилай дер занжирлар.

Йўқ, саҳнамас! Милан ичра
бу кураш этар давом,
Адолат ва разолатнинг
авжи жанги бошланган.
Зулумотни гулхан ичра
ёқмоқ учун бу айём,
Янги дунё саодатнинг
бағрини оташлаган.

Норғул йигит чол курагин
бир кун теккизар ерга,
Кураш ахир майдон ичра
бўлмагай ҳеч мағлубсиз.
Эрк нашъаси эл юрагин
чулғаса завқ-сурурга,
Дунё дейди: Милан эли,
энди мангу ғолибсиз!

1975

ЛА-СКАЛА ҚЎШИҚЧИСИ

Ла-Скала[1] пинжида,
Хурмо тагида
Анвои шар сотар мункайган бир чол.
Оқ нейлон халтасин олиб эгнидан
Харидор қошига ошиқар дархол.

Болалар куршайди мисли болари,
Арзонроқ сотинг, деб қилар илтижо.
Бозори авжига чиққани сари,
Чолнинг омадига йўқдир интиҳо.

Лабини ушшайтиб шўх сеньоралар,
Ёнидан таманно бирла ўтишар.
Сотувчи кўксида дил пораланар,
Ёрилиб кетгандай худди қизил шар.

Сеньорлар боқади унга бепарво,
Бурқситиб сигара чекар қошида.
Юлдузни ургандай гўё бенарвон,
Чолнинг қисматидан қилар нашида.

Ла-Скала узра сеп ёяр оқшом,
Неон ёғдусида хаёл сурар чол.
Харидор қошига қўймайди қадам,
Ҳеч кимса сўрмайди сотувчидан хол.

У эса, ёшлигин кемасида банд,
Сурур дарёсида отади қулоч.
Бир вақтлар куйларди Карузо монанд,
Бошидан тушмасди шуҳрат берган тож.

---

[1] *По — дарё*
[2] Сан-Сатиро — ибодатхона

[1] Ла-Скала — машҳур Милан опера театри

Ла-Скала ичра кетиб довруғи,
Қарсаклар мавжида сузар эди у.
Қўлидан тушмасди шон-шуҳрат туғи,
На Милан, Румони безар эди у.

Сеньоралар унга боқиб ишвакор,
Ўртаниб, дасталаб гул узатарди.
Кошки, бўлсам дея сизга мунис ёр,
Ҳатто уйигача зор кузатарди.

Усиз ўтмас эди санамлар базми,
Дилкаш овозидан яйрар эди жон.
Дафналар тақарди деб ҳурмат рамзи,
Давралар тўрини бериб бегумон.

Ўтиб фасли шуҳрат, қайтмади баҳор,
Хазонрез куз кирди умрин боғига.
Бошига ёғди-ю, қирчиллама қор,
Туткун бўлиб қолди зорлик тоғига.

Қўшиқ ҳам қилмади умрига вафо,
Палахмон тошидай ирғитди замон.
Ва лекин дафнадан ясаб бир асо,
Ла-Скала қошида шар сотар ҳамон.

1975

ДАНТЕ КАБУТАРИ

Беатриче ҳажрида
ранглари бўлиб сомон,
Шўрлик Данте бошига
тушди жунун савдоси.
Саҳарлар қон тупуриб,
мажруҳ руҳга бериб жон,
Қалб қушини учирди
борми, дея давоси.

Беатриче кўшкига
кўнгани ошён излаб,
Оқ кабутар чарх урди,
бўйнида ишқ тумори.
Қанотин қайчи қилиб,
учди кеча-кундузлаб
Ва лекин парво қилиб
қўймайди ҳеч хуштори.

Муҳаббат дарчасидан
қиялаб чинни каптар,
Сарви қаднинг оқ мармар
тўшига қўнди охир.
Ишқ туморин узатиб,
кўзлари боқиб мустар,
Беатриче пойини
ўпди гўё мусофир.

Кабутар нолишидан,
ўртаниб хонишидан
Вафо ниҳолини ул
ўтқазмади боғига.
Ва Данте дардин сўзлаб:
ўт бўлиб ёнишидан,
Парвонадай урмади
ўзин ўт чироғига.

Оқ қоғоз юзин қаро
қилмади ул нома деб,
Тутундай кўкни тутди
кабутар оҳ-фиғони.
Муҳаббат маликаси
лек ўзига берди зеб,
Оғзидан оташ бўлиб
чиқди шоир армони.

Ишқномага кабутар
олиб бормаса жавоб,
Шоир умр чинорин
яшин этарди яксон.
Шунинг-чун Беатриче
пойини қилиб тавоф,
Ишқ қасрининг қошида
кабутар урар жавлон.

Данте ҳам ишқ элчисин
кутиб кўзлари толди,
Юлдузларга ёлвориб,
ойга айтди оҳини.
Тундай сиёҳ хаёллар
гирдобида йўқолди,
Гадо айлади қисмат
бу муҳаббат шоҳини.

Мулки Румо кўкидан
парвоз қилган кабутар
Муҳаббатдан роз айтиб,
учиб юрибди ҳамон.
У минг-минглаб юракдан
жой топса ҳам мўътабар,
Беатриче қалбидан
қувғинди, борки жаҳон.

Кабутарнинг изидан
қамчи босиб Пегасга,
Данте ҳам мажнунсифат
ташлаб кетди Румони.
Беатриче қўлида
тушдими, деб қафасга,
Ўзи ҳам билмай қолди
забт этганин дунёни!

1975

СОРРЕНТОЛИК САНАМ ҚЎШИҒИ

«Соррентога кел қайтиб,
Кетма мени мунғайтиб.
Чорлаб висол боғига,
Ишқ қўшиғин кел айтиб».

Сорренто осмонин чулғаб овози,
Нола қилар бир санам.
Торлари узилган муҳаббат сози,
Ўксиниб инғлар оқшом.

Салерно[1] қалбини ханжар сингари
Тилкалар қиз ноласи.
Тиррен тўлқинлари чопар сарсари,
Борми, дея давоси.

Беозор термилиб Неополитан[2]
Сабоси силар сочин.
Сорренто бағрини эзгандай ситам,
Бўйнига тақар хочин.

«Соррентога кел қайтиб,
Кетма мени мунғайтиб.
Чорлаб висол боғига,
Ишқ қўшиғин кел айтиб».

Чокидан сўкилиб маъшуқа кўнгли,
Дардин сочар шамолга.
Интизор кўзлари жавдираб мунгли,
Суянар мажнунтолга.

Бошида саргашта ойга ёлворар,
Юлдузларга айтар роз.
Ёрига ғойибдан кўнглини ёрар,
Ишқдан солар пояндоз.

Сарин боғлар ичра мудраб ётган тун,
Қўшиғидан тўлғанар.
Мулки борлиқ бағрин қўшиқ этиб хун,
Апеннин ҳам уйғонар.

Сўлим қирғоғидан тошади Тибр
Маъшуқа ноласидан.
Ва дейди: Эй фалак, қизга бер сабр,
Асра ишқ балосидан!

Севги чанг алидан чиқолмай санам,
Титратади борликни.
Қўшиғин тинглайди боши хам олам,
Раво кўриб зорликни.

«Соррентога кел қайтиб,
Кетма мени мунғайтиб.
Чорлаб висол боғига,
Ишқ қўшиғин кел айтиб».

1975

[1] Салерно — Италиянинг Салерно водийси
[2] Неополитан — Тиррен денгизининг Неополитан қўлтиғи

ГЕНУЯЛИК БАЛИҚЧИ

Қайиқ лангарини денгизга ташлаб,
Балчиққа тўлдириб тўрини,
Алмисоқ фаранги муштукни тишлаб,
Тутатиб тамаки кўрини.

Ичига ютганча аччиқ тутунни,
Оёғин узатиб кумлоққа,
Денгизнинг ортига узатиб кунни,
Мушфиқ чол ўлтирар қирғоқда.

Чағалайдай чийлаб хаёл қушлари
Тўлқинлар мавжига урар тўш.
Беғам болаликда кўрган тушлари
Қариган чоғида келмас хуш.

Ёшлик орзулари хаёлга ўхшаб,
Беозор кўнгилни алдади.
Ҳаёт-ку умрини тўфонга ташлаб,
Кўксига ханжарин қадади.

Илм даргохининг дарвозасини
Очишга етмади қўллари,
Маърифат чироғин парвонасини
Қанотин куйдирди шуъласи.

На қилсин, бўш эди унинг ҳамёни
Ва рўзғор сиртмоғи бўйнида.
Қайнаб турса ҳамки томирда қони,
Турмуш бошин эгиб қўйди-да.

Тирикчилик уни отди денгизга,
Баҳордай яшнаган чоғида.
На юлдуз ва на ой кўринди кўзга,
Бешафқат бу ҳаёт боғида.

Кун бўйи денгизда кезди умрбод,
Тебратай деганча рўзғорни.
Балиқлар мушкулни қилса ҳам кушод,
Қизитиб юрмади бозорни.

Қанча қаттиқчилик кўрса ҳамки ул,
Кўнглига олмади ҳеч малол.
Ёшлик ҳаваслари бўлса ҳамки кул,
Умрини яшади пок, халол.

Тамаки тутунин ичига тортиб
Денгизга хаёлчан боқар чол.
Турмуш ташвишини елкага ортиб,
Тўлқинлар мавжида оқар чол.

1975

РИМ БОЗОРИДА

Шаҳарга келди деҳқон
Оркалаб ҳосилини.
Бозорда бўлгач меҳмон
Тишлаб қолди қўлини.

Чайқовчилар аридек
Уни ўраб олишди.
Нима керак оғир юк,
Деб минг кўйга солишди.

Деҳқон бўлиб ҳангу манг,
Ушлади ёқасини.
Кўриб, ҳоли бўлди танг,
Чайқовчи чақасини.

Улар эса жўр бўлиб,
Нах уришди молини,
Ва деҳқонга қўл бериб,
«Силашди» соқолини.

Олмага қурт тушибди,
Деб, «чўқиб» кўрди бири.
Афсус, кечроқ пишибди,
Деб кулиб турди бири.

Бири деди: паст экан
Тиволининг навидан.
Бири деди: ростакам
Қолибди қаровидан.

Бири дер: яхши олма
Билинади рангидан.
Мол олсанг танлаб ол-да,
Ассизининг мардидан.

Деҳқоннинг қути ўчиб,
Боши айланиб қолди.
Турса ҳам молин бичиб,
Ипсиз боғланиб қолди.

Тўрга тушган балиқдек
Типирчилар танда жон.
Минг мақомда ташлаб чек,
Чайқовчилар тиргиттон.

Қутулсам бу балодан
Қилай дея садака,
Деҳқон кечиб олмадан
Деёлди: Бор, барака!

Сотиб арзон-гаровга,
Тезгина қочиб қолди.
Чайқовчилар бу овга
Този каби ташланди.

Бошланиб жанг, можаро,
Бирин бўлди бурни қон.
Бирининг юзи яра,
Бири эса чалажон!

Оёғи етмагани,
Қўлларига ёпишди.
Биқини тегмагани,
Тўши билан топишди.

Чайқовчилар ҳолидан
Бўлиб гўё бағри қон,
Қутулди-ю молидан
Римни тарк этди деҳқон.

1975

КАПРИ АРМОНИ

Мени кечир, муқаддас орол,
Қилолмадим сени зиёрат.
Рухсат берса сеньорлар хиёл
Бўлмас эди ахир қиёмат.

Кўзларимга кўриниб ўтдай,
Хаёлимни этган эдинг банд.
Мен талпиниб сенга бургутдай,
Қилмоқчийдим жонимни пайванд.

Минг афсуским, кўнглим эзилиб,
Теплоходдан термилдим нигун.
Орзуларим ипи узилиб,
Қолди, нетай, кўнглимда тугун.

Ихтиёрим бўлса ўзимда,
Ўпар эдим сенинг қирғоғинг.
Ёт тирқираб, балки кўзимда,
Сийлар эдим азиз тупроғинг.

Петрарканинг эл учун қутлуғ,
Боғин кўрмоқ бўлса муяссар,
Сенга Капри, қилиб минг қуллуқ,
Этар эдим сайрим мухтасар.

Данте эккан олмаю хурмо
Хиёбонин этолмай сайр,
Учмасин деб бошингдан ҳумо,
Неаполга кетяпман, хайр!

Хайр сенга, жаннатий орол,
Буюкларнинг шифо макони!
Менга кулиб боқмайин висол,
Қалбда қолди Капри армони!

Капри қирғоқлари,
1976

НЕОПОЛИТАН ҚЎШИҒИ

Эй, санам, раҳм қил жонимга,
Бечора кўнглимни қийнама.
Бир лаҳза келсанг бас ёнимга,
Ишқинг-ла майлига сийлама.

Қаро тун кўйнида кирғоқда
Кўзингга термилай беозор.
Изларинг қолсин бу кирғоқда,
Эй, мени ўкситган дилафгор.

Сочиларинг силайин бир лаҳза,
Бир лаҳза маст бўлай мушкидан.
Қалбимга солгунча сен ларза,
Кел, жоним, маскан топ кўшкидан.

Қолганман сўзларинг соғиниб,
Ишқинг-ла йўқотдим ўзимни.
Сен берган суратга сиғиниб,
Қалбимга ёр этдим тўзимни.

Бир пулдор синорнинг тузоғи,
Домида бўлмагил овора.
Қолмасин кўнглимнинг ғам-доғи,
Йўқлаб кел, мени ҳам бир бора.

Севгимиз ўзи бир кабутар,
Ул учиб кетса гар нетайин.
Изидан боқаман мен мустар,
Бош олиб қайларга кетайин.

Қафасга ўхшайди Неапол,
Балки, мен жаҳонга сиғмасман.
Бошимга солса ҳам ишқ завол,
Кел, жоним, мен сенга тегмасман.

Эй, санам, ҳол сўраб кела қол,
Кўнглимнинг қонидан ол шафақ.
Мен билан кирғоқда ором ол,
Денгизга бўлмасин десанг ғарқ.

Неапол,
1976

БЕМОРЛИКДА

Тобим қочиб, бўлиб беҳол,
Ётиб қолдим Румода.
Сени эслаб толди хаёл,
Сендан олис дунёда.

Сен бошимда йўқсан, нетай,
Ким тушунгай зоримни.
Сендан бошқа кимга айтай,
Бу дунёда боримни.

Ёлғиз сенга сиғиндиму,
Ўйинг билан яшадим.
Сўзларингни соғиндиму,
Боқишингга ташнайдим.

Ҳароратим ошиб танда,
Иситма қилди ҳужум.
Менга мангу ёт масканда,
Ёт эди бир табассум.

Топинганим дори-дармон
Ва сен эдинг ягона.
Сен бўлмасанг ёруғ жаҳон,
Менга эди бегона.

Сен бўлмасанг ўз дардимни,
Енголмасдим ўзим ҳам.
Кўрсанг эди гар рангимни,
Чекар эдинг оҳ, ситам.

Сени эслаб беморликда,
Овунтирдим ўзимни.
Тонгни кутиб бедорликда,
Мўлтиратдим кўзимни.

Сени эслаб, сени қўмсаб,
Руҳимга ҳам кирди жон.
Сени қўмсаб, сени эслаб,
Югурди танга дармон.

Сенга энди фидо бу жон,
Олқиш сенга чин дилдан!
Сенинг ёдинг мени омон,
Олиб чиқди ёт элдан!

Сицилия,
1978

ҲИССИЁТНИНГ БЕМОР ҚУШЛАРИ

Беш кундирким руҳимда кезар,
Ҳиссиётнинг бемор қушлари.
Қалбимга ҳам ўзин ёт сезар,
Ётдир менга кўрган тушлари.

Қанотлари жароҳатланган,
Яра бўлиб қолган тушлари,
Кўзларини қоплаган туман,
Ҳеч нарсага йўқдир хушлари!

Мен уларни даволай десам,
Ҳакимликдан йўқдир хунарим.
Тўлқин ичра қолгандай кемам,
Сўзларимга кирмас лангарим.

Кўкрагимни қилиб қатағон,
Тугулганча жажжи муштлари,
Даво излаб, ютишади қон
Ҳиссиётнинг бемор қушлари.

Мана, бугун денгиз ҳавоси,
Руҳимга ҳам бағишлади жон.
Ва топилди, қушлар давоси,
Бормисан, эй шифобахш уммон!

Соғайгандай ростлади қанот
Ва тўлқинга тегиб тўшлари,
Ана, учди уфққа, Барот,
Ҳиссиётнинг олов қушлари!

Сиракуза,
1976

СТАНСЛАР

Бернининг «Умрнинг уч фасли» ҳайкали қошида...

1

Румонинг дунё лол ҳайкалтароши,
Мени ҳам сеҳрлаб қўйди Рим ичра.
Қалбимга нур сочди бу тилсим ичра,
Боргезе қасрининг порлоқ куёши.

Жон топди дер, гўё қалб кўксим ичра,
Бернини қўлида Апеннин тоши.
Уч фасл умрнинг дея йўлдоши,
Бир ҳайкал яратмиш қадим Рим ичра

2

Мармар шоҳсупада болакай маъсум,
Жилмайиб турибди кундек беғубор.
Юзида навбаҳор таровати бор,
Балқийди кўзида ёркин табассум.

Дард нима, ғам нима билмай, бахтиёр,
Бегуноҳ умрини айлаб тараннум.
Шодлигин оламга қилгандек маълум,
Ҳаётга боқади қувноқ, беозор.

3

Йигитлик фаслига ул қўйди қадам,
Куч тўлди навқирон билакларига.
Қалби торлик қилди тилакларига,
Яна ҳам гўзалроқ кўринди олам.

Субҳи сабо тегди кўкракларига,
Таниди ким яхши, ким ёмон одам.
Дунёда ғам кўпу шодлик экан кам,
Ишқ тикани кирди юракларига.

4

Йигитлик кифтида турар кексалик,
Серғавғо умрнинг сўнгги фасли бу.
Одам устун бўлмас дунёда мангу,
Зийрак кўзи билан кўрар кексалик!

Тандан дармон кетиб, мункайганча у
Ҳаётга боқади дилга кек солиб,
Кошки, умр оти бир оз кеч қолиб,
Яна болаликка келса рўбарў.

5

Бир ҳайкал рамзида топмишдир карор,
Инсон камолотин уч фасли аён.
Болакай кифтида йигит бегумон,
Йигит елкасида бир чол — беозор.

Умр бу — уч инсон минган бир тулпор,
Бу тулпор кифтида асли бир инсон.
Жиловин тутолмай, чекади фиғон,
Ул чопар энг сўнгги манзилга бедор!

Рим, 1976

ҚИРҒОҚДА

Бир санам куйлайди кирғоқда мунгли,
Паришон сочларин тўзғитар шамол.
Ларзакор тўлқиндай безовта кўнгли,
Дардини тинглашга ожиз Неапол.

Денгиз ҳам англамай қизнинг оҳини,
Тўлғаниб ётибди мисоли аждар.
Тун эса оламга ёйиб сочини,
Кўнглига вахима солади баттар.

Самовот саҳнида ёнган гулханлар,
Милтиллаб таратмас зар шуъласини.
Ошиқлар изига муштоқ гулшанлар,
Эшитмас гўё қиз ашуласини.

Неапол тушунмас унинг кўнглини,
Дардига бу жаҳон торлик қилажак.
Тўлқинлар ололмас комига уни,
Ул ахир вафога тимсол бўлажак.

Қизни маҳнун этган, эй, олов йигит,
Мунчалик бўлмасанг ахир бағритош.
Борми сенинг ўзи юрагингда ўт,
Ё, нажот кўлини чўзсинми куёш!

Қайларда юрибсан, кела қол тезроқ,
Сендан бошқа қизнинг дардин англамас.
Келар, деб йўлингга мунтазир қирғоқ,
Биласан, ишқ ахир маскан танламас.

Унга керак эмас сендан бўлаги,
Толеи кўкида сен бўлсанг басдир.
Сени деб ўт бўлиб куйлар юраги,
Қиз учун муҳаббат олий хавасдир.

Неапол,
1976

СИЦИЛИЯ

Сицилия — жаннатий орол,
Палермонинг сўлим диёри.
Қўлларингни менга бера қол,
Юрагимни ит чиқсин хумори.

Қайиғимни олиб кўйинингга,
Лангарини тўлқинларга сол.
Меҳмон келди бугун уйингга,
Боғларингда сургали хаёл.

Пелоритан тоғлари оша
Мессинига[1] солайин қулоқ.
Денгизингни қилиб томоша,
Боғларингда бўлайин қўноқ.

Лимонингдан кесиб бир тилим,
Солиб қўйгин чойимга, майли.
Небродига[2] тушибди йўлим
Сенга бўлган ишқим туфайли.

Сермавж Тунис қўлтиғида ё
Гаввос бўлиб терай дурингдан.
Дардларингга излаб мўмиё,
Рози қилай сени умрингдан.

Юрагингнинг оташими ё,
Ловиллаган Этна вулқони?
Пелоритан қуёшими ё,
Олов сочган тубсиз ўпқони?

Жаннат эрсанг, нечун деҳқонинг
Неъматингдан эмас бахраманд?
Нечун ўтда ўртанар жонинг,
Ёруғ кунга бўлиб орзуманд?

Дунёда бор ҳаёт неъмати
Қучоғингда эрур муҳайё.
Ёки сенда, денгиз жаннати,
Кўрмак бору емак йўқми ё?

Тупроғинг-ку бўлиқ ва семиз,
Дарёларинг сувга-ку сероб.
Эру хотин бўлиб қўшхўкиз,
Ишласа-да рўзғори хароб.

Замонанинг дастидан нолон,
Отилдингми вулқон бўлиб ё?
Юз лир турса сенда бурда нон,
Кимнинг бағри бўлмайди сиё?

Ҳуснинг жуда бўлса ҳам кўркам,
Юрагингда дардинг кўп экан.
Сармоянинг панжаси, эркам,
Кўзларингга кирган чўп экан.

Ҳамма нарса бор экан сенда,
Етмас экан бир нарса хиёл.
Қолган каби қайиқ тўфонда,
Зор экансан Эркка, эй орол.

Сицилия, эй рангпар диёр,
Денгиз ичра йиғлаган она.
Кўз ёшингни этма шашқатор,
Кулги бўлмас сенга бегона.

Қайтмоқдаман уйга беармон,
Қўлларингни очгил дуога.
Кўришармиз сен билан омон,
Эсон бўлсак ушбу дунёда!

1976

[1] Мессини — Тиррен денгизининг кўрфази
[2] Неброди — Куркам водий

Флоренциялик бола

(достон)

Қизим Шаҳлохонга

1

Етти кўприкли дарё,
Кумуш кўприкли Арно

Бўйида бир бола бор,
Кўнглида оҳ-нола бор.

Кирганда ул ўн ёшга,
Манглайи тегиб тошга

Кўзларига тўлди ёш,
Мунғайиб боқди қуёш.

Қуёшга ул ёлворди,
Дарёга кўнглин ёрди.

Тўлқинлар бўлиб сирдош,
Ҳузурида эгди бош.

Бола эса энтикиб,
Тўлқинларга юз тутиб,

Кўздан артиб ёшини,
Сувга эгиб бошини,

Гирдобга мунгли боқиб,
Юрагин ўтда ёқиб

Бирдан қўшиқ куйлади,
Дардин қўшиб куйлади:

— Дарёжонним, дарёжон,
Арножоним, Арножон.

Тошмай оқсанг, на бўлғай?
Шошмай оқсанг, на бўлғай?

Шошиб қайга борасан?
Тошиб қайга борасан?

Сувинг ичиб муттасил
Сени кутар қай манзил?

Сувинг нечун лойқадур,
Нечун тинмай чайқалур?

Сенинг ҳам менга ўхшаш,
Ё ҳаётдан кўнглинг ғаш?

Ёинким пешонангга,
Тўлқинли кошонангга

Ҳаёт тошин отдими,
Кўнглинг ғамга ботдими?

Ё баҳор булутлари,
Аппенин бургутлари

Тоғингга кўндимикан,
Елкангга миндимикан?

Ёки сувингдан ичиб,
Яна кўкларга учиб,

Йиғлаб кўзёш қилдими,
Ўз бағрини тилдими?

Сувинг нечун лойқадур,
Нечун тинмай чайқалур?

Ё менинг толеимдай,
Ситам тўла кўнглимдай,

Сенинг бахтинг қорами,
Юракларинг порами?

Айта қол, эй дарёжон,
Айта қол, эй Арножон!

Болакай қўшиғидан,
Қўшиқдаги йиғидан

Дарё тўлғониб кетди,
Арно тўлғониб кетди,

Жавоб излаб сўрокка,
Бошин урди қирғоққа.

Бешик-бешик тўлқинлар
Бағридан чиқиб унлар,

Тилга кирди шўх дарё,
Дард-ҳасрати чўғ Арно:

— Болакай, ёш экансан,
Хаётдан ғаш экансан,

Ёш бўлсанг ҳам ва лекин
Улғайиб қопсан бутун.

Хаётнинг баланд-пасти
Тоблаб қўйибди асти.

Сенинг ҳар бир сўзингдан,
Алам тўла кўзингдан

Менинг кўнглим бузилди,
Хамда бағрим эзилди.

Қўшиғинг оҳангидан,
Эски дардим янгидан

Кўксимда қилиб ғавғо,
Бошимга солди савдо.

Шунинг учун чайқалдим,
Ўзанга сиғмай қолдим.

Менинг битта онам бор
Ва туғилган хонам бор.

Мен тоғнинг боласиман,
Баҳор шалоласиман.

Онам мени улғайтиб,
Бошимда қўшиқ айтиб

Узоқ сафарга йўллар,
Сафарда доим қўллар.

Одамлар менсиз бир кун
Яшай олмаслар бутун,

Мен бўлмасам бу замин
Қақшаб йиғлаши мумкин.

Одам билан ерга мен
Обиҳаёт билан тенг.

Мен — ҳавоман, сув, нонман,
Мен — давоман, қон, жонман.

Мен — заминнинг мехриман,
Мен — ҳаётнинг сехриман.

Шунинг учун шошқинман,
Дарё бўлиб тошқинман.

Бир оёғим боғдадир,
Бир оёғим тоғдадир.

Эй, болакай, менинг ҳам
Дардим кўпдир жудаям.

Тотган бўлсанг тузимдан,
Сўзла энди ўзингдан?

Сен кимнинг боласисан,
Қай тоғнинг лоласисан?

Ота-онанг ўзи ким,
Отинг нимадир, иним?

Тинглаб дарё сўзини,
Тинглаб Арно сўзини

Бола хаёлга толди,
Хаёл ичра йўқолди.

Кўксини тирнаб алам,
Кўзин мунгли этиб ғам,

Бағрида ёниб оташ,
Оташ ичра бериб дош,

Киприклари намланди,
Бир озгина жонланди.

Шафақнинг ёнишидай,
Булбулнинг хонишидай,

Тутиб элни овози,
Янграб кетди дил сози:

— Мен сенинг фарзандингман,
Битта жигарбандингман.

Арно, сенинг сувингдан
Ичиб катта бўлдим ман.

Лекин қирғоқларингда,
Кўм-кўк ўтлоқларингда

Яйраб юролмай доғман,
Тонгда сўнган чироғман.

Сўраб ота-онамни
Сен тирладинг танамни.

Бу диёрда, айт, қачон,
Юрт бўлган доруломон?

Қорни мешдай бойни ким
Яратган қилиб ҳоким?

Шўрлик аҳли фуқаро
Нечун толеи қаро?

Отам камбағал экан,
Бойга у нағал экан.

Ўттизга қўйгач қадам,
Чанг солибди унга ғам.

Шўрлик вабо дастидан,
Келган бало дастидан

Ҳаётга ўқиб видо,
Бевақт қилибди қазо,

Онам шўрлик бечора,
Қисмати бўлиб қора,

Қўлини косов қилиб,
Мехрини ялов қилиб

Мени катта қилибди,
Бойга чўри бўлибди.

Тонгдан оқшомга қадар
Минг букилиб, хокисор,

Эгилибди қомати,
Лек келмабди омади.

Бемор бўлиб қолибди.
Оёқлари толибди,

Юзларидан қочиб қон,
Ранги бўлмиш заъфарон.

Ишга ярамай қопти,
Биров қарамай қопти.

Бойнинг-чи, феъли айнаб,
Қаҳру ғазаби қайнаб

Ишдан ҳайдабди уни,
Қулабди бахт устуни.

Торгина бир кулбада,
Ўзи бемор бўлса-да,

Мени ўйлаб зор қақшар,
Кеча-кундуз бемадор.

Мен шўрлик ҳаммол бўлиб,
Қаддим эса дол бўлиб

Юк ташийман эрта-кеч,
Топилмайди чора ҳеч.

Соғайса онажоним,
Менинг жону жаҳоним,

Қандай яхши бўларди,
Бошимда ой куларди.

Мактабга борар эдим,
Онамга қарар эдим,

Ёнида ташлаб қадам,
Унга бўлардим ҳамдам.

Ёрдам берардим доим,
Шод бўлсин дея ойим.

Сўраб яна отимни,
Қайирма қанотимни.

Агар келса қўлингдан,
Мени бошла йўлингдан.

Мен ҳам сендай тошайин,
Тоғ-тошлардан ошайин.

Отим Жанни, Арножон,
Сен дарёсан, дарёжон,

Мен-ку, сенинг болангман,
Кўнглинг эзган нолангман.

Ўзга чора борми, айт,
Менга толе ёрми, айт?

Тиниб дарё тошқини
Тиниб Арно тошқини,

Боланинг кўзларига,
Мунғайган юзларига

Бир лаҳза боқиб қолди.
Кўнглига ёқиб қолди.

Сўнг унга бўлиб дармон,
Юраги уриб туғён,

Қўл билан бошин силаб,
Жанни бахтини тилаб,

Шовуллаб сўзлаб кетди,
Ловуллаб сўзлаб кетди:

— Эй, Жаннижон, фарзандим,
Нораста бир дилбандим,

Маъюс кўнглингга яна
Мен солибман пўртана.

Кечир мени, азизим,
Кечир, эй қора кўзим.

Отанг ўлган бўлса ҳам,
Гўлдай сўлган бўлса ҳам,

Снажонинг бор экан,
Тенганингга зор экан.

Ўтиб кетар бу кунлар,
Ўтиб кетар бу тунлар.

Куёш бўлиб қошингда,
Бир кун сенинг бошингда

Бахт офтоби куладир,
Кўнглинг завққа тўладир.

Қўшиқ айтган ҳар инсон,
Қўшиқ билан тирик жон

Бу диёрда хор бўлган,
Барча нонга зор бўлган.

Сенинг дилбар овозинг,
Дилдан янграган созинг,

Қилсанг агар чиндан аҳд,
Келтиражак сенга бахт...

Дарёнинг сўзларидан,
Арнонинг сўзларидан,

Кўнгли бўлиб тоғ каби,
Кўксига сиғмай қалби,

Куйлаб юборди Жанни,
Титратгудай жаҳонни:

«Флоренция, Флоренция,
Бешигим маним,
Ғам билан тебраниб
Боқмайсан қиё.
Флоренция, Флоренция,
Қўшиғим маним,
Гулзорингга чорлаб
Сочмайсан зиё,
Флоренция, Флоренция,
Дардли Ватаним,
Бечора кўнглимни
Этмагил сиёҳ,
Флоренция, Флоренция!..»

Бу қўшиқ қанот боғлаб,
Ўзига элни чоғлаб,

Чулғаб Арно бўстонин,
Флоренция осмонин,

Мисли чинни кабутар
Чарх уриб, парвоз этар.

Бу қўшиқнинг сасидан,
Жаннатнинг нафасидан

Лол бўлишиб одамлар,
Арно сари қадамлар.

II

Дарёнинг қирғоғида,
Арнонинг қирғоғида

Битта кафе бор эди,
Лекин бир оз тор эди.

Тор бўлса ҳам узун тун
Чироғи сочиб учқун,

Афишаси порларди,
Одамларни чорларди.

Мусиқанинг шўх саси,
Қўшиқ ва куй нафаси

Жаннининг ёш қалбида,
Ўту оташ қалбида

Бир ҳисни қўзғар эди,
Оромин бузар эди.

Кафенинг хўжайини
Қирғоқда кўрса уни,

Қилмасди ҳеч эътибор,
Ўтиб кетарди сеньор.

Баъзан бериб бурда нон,
Кўнглин этарди бўстон.

Бугун эса лол бўлиб,
Қалби севинчга тўлиб

Кафенинг айвонида,
Арғувоннинг ёнида

Кўнглига малол кўрмай,
Жаннига халал бермай

Қўшиғини тинглади,
Карузога[1] тенглади.

Жанни кўнглига шу чоқ
Ташламоқ бўлиб қармоқ,

[1] Карузо – машҳур италян қўшиқчиси

Чорлаб қолди дафъатан,
Юзида яшнаб чаман:

— Бу ёққа кел, хой бола,
Дарёга қилма нола.

Қилдимми деб бир гунох,
Бўлмасдан сирдан огох,

Жанни югуриб келди,
Кафега кириб келди

Ва сеньорга эгиб бош,
Тинглади сўзин ювош:

— Отинг нима, а?
— Жанни.
— Киминг бор ўзи сани?

— Биттагина онам бор,
Уйда ётибди бемор.

Топсам агар озроқ пул,
Мендан хурсанд бўлар ул.

Ишингиз бўлса агар
Жон-жон деб қилай, сеньор?

— Қўшиғингни эшитдим
Ва ўзимни унутдим.

Овозинг яхши экан,
Кўнгилнинг нақши экан.

Кафега олсам сени,
Қўшиқ айтсанг ҳар куни

Икки минг лир берардим,
Сени хурсанд қилардим.

— Гапингиз ростми, сеньор?
Не десангиз мен тайёр.

Майли қўшиқ айтаман,
Жўшиб-жўшиб айтаман.

— Хамир учидан патир
Бериб қўймасам, ахир,

Балки, ойинг ишонмас,
Сўзингга, балки, қонмас, —

Дея Жаннига сеньор
Бир оз акча узатар.

Сеньорнинг пулин олиб,
Уни чўнтакка солиб,

Жанни чопди уйига,
Вокзалдан сал қуйига.

Фарзандини кўриб шод,
Онага ғам бўлди ёт:

— Биласиями, ойижон,
Томиримда қайнар қон.

Юрак қиндан чиқай, дер
Ва тоғларни йиқай, дер.

Мен билан битта сеньор
Сўзлашиб қолди бисёр.

Кафега келгин, деди.
Қўшиқчи бўлгин, деди.

Ўзи кийим берармиш.
Ясантириб қўярмиш.

Мана бу пулни эса
Бериб юборди сизга, —

Деб ойисин кучоқлар,
Гул-гул ёниб ёноқлар,

Жаннининг юзларидан,
Жилмайган кўзларидан

Тўйиб ўпар онаси,
Бошида парвонаси:

— Биласанми, жон болам,
Кулибди сенга олам,

Толеинг ёр бўлибди,
Бахтинг ҳам бор бўлибди.

Тезроқ бориб сеньорга,
Мехрибон ғамгусорга,

Қуллуқ қилгин, болажон,
Менда ором топсин жон.

III

Флоренция узра шом,
Чўкди дилрафрўз оқшом.

Ёнди чироқлар бир-бир,
Шаҳар ичра сочиб нур.

Афишалар товланди,
Анвои рангда ёнди.

Кафею ресторанлар
Куй, қўшиқдан жаранглар.

Дарёнинг бўйида ҳам,
Арнонинг кўйида ҳам

Кафе ичра ситамгар,
Жон олар қўшиқ янграр.

Жанни ёниб куйларди,
Ўзи қониб куйларди:

«Санта-Лючия,
Санта-Лючия,
Бахтим эшигин
Очсанг-чи, қия,
Санта-Лючия,
Санта Лючия
Бахт дегани, о,
Тушми ё рўё,
Санта-Лючия,
Санта-Лючия!
Мурувватсизми ё,
Менга бу дунё,
Санта-Лючия,
Санта Лючия!»

Кафе қучоқларидан,
Арно қирғоқларидан

Парвоз қилган бу қўшиқ,
Барчани айлаб ошиқ,

Кўкда учиб юрарди
Ва қалбларга қўнарди:

«Санта-Лючия,
Санта-Лючия.
Менга ҳам бахт
Бокдими қиё,
Ё олтиндан тахт
Яратиб дунё,
Менинг кўзимга
Сочдими зиё,
Санта-Лючия,
Санта-Лючия!»

Жаннининг овозидан,
Юрагининг розидан

Кафедаги бор одам,
Кўнглига дард ёр одам,

Бешик каби чайқалиб,
Оғир хаёлга толиб,

Сархуш бўлиб батамом,
Олқишлашди дамодам.

Жанни бошин силашди,
Унга омад тилашди.

Кутилмаган бу ҳолни,
Очилмаган бу фолни

Зимдан кузатиб сеньор,
Энди ғоят бахтиёр.

Жанни билан эўр омад,
Келар унга даромад.

Шунинг-чун, у шод эди
Ва кўнгли обод эди.

Боши эди осмонда,
Қалби эса туғёнда.

Жанни довруғи роса,
Элга бўлди овоза.

Сеньорнинг кассасига
Ва унинг киссасига

Даста-даста пул келди,
Жанни жуда кўл келди.

Сеньор бундай омаддан
Ва мўмай даромаддан

Жуда ҳам шошиб қолди,
Ақли адашиб қолди.

Жанни келажагини
Ва ким бўлажагини

Ўйлаб қолди дафъатан,
Санъатига бериб тан.

Режа тузиб оқибат,
Жаннига айтди фақат:

— Жанни сенга жуда мос,
Топиб келдим бир устоз.

У машҳур бастакордир,
Юзлаб шогирди бордир.

Дарс олсанг яхши бўлур,
Овозинг нақши бўлур.

Машҳур қўшиқчи сендан
Чиқишига аминман.

Қилмасанг гар эътироз,
Бўлур эди жуда соз.

— Жон-жон дейман, о, сеньор,
Лекин бунга пул даркор.

Бастакор ҳам текинга
Устозлик қилмас менга.

Ойим эшитса агар
Билмадим нима деяр.

Иш тополмай бечора,
Ҳамон мен деб овора.

Сеньор ўйланиб қолди,
Жаннига разм солди.

Сўнг қилиб қатъий қарор,
Жаннига деди сеньор:

— Иш топарман ойингга,
Кўнглинг тушсин жойига.

Кафеда ҳам унга мос
Иш топилиб қолар хос.

Бастакор ҳақини ҳам
Мен тўлайман, чекма ғам.

Сенинг пулингни агар
Оширсам ўн баробар

Кўнглинг тўларми, Жанни?
Бахтинг куларми, Жанни?

Жанни қалбидан уммон
Бирдан кўтарди тўфон.

Ловуллаб ҳаяжони,
Танига сиғмай жони,

Юзи бўлиб лоларанг,
Тили жуфтлашди аранг:

— Қуллуқ қилурман, сеньор,
Сиздан розиман минг бор.

Менга шунча мурувват,
Эътибор билан ҳурмат

Бўлишин кутмагандим,
Келишин кутмагандим.

Раҳмат сизга, сеньорим,
Меним сахий саркорим!

Ойижони олдига,
Завқи сиғмай қалбига,

Югуриб келди Жанни
Ва кириб келди Жанни:

— Ойижоним, ойижон,
Ёришди рўйи жаҳон.

Сизга бугун иш топдим,
Топдиму уйга чопдим.

Сизни йўқлади сеньор,
Кафеда битта иш бор.

Менга эса бастакор
Топиб қўйибди сеньор.

Энди мен ҳам ўқийман,
Ўқиб, қўшиқ тўқийман.

Ҳа, айтгандай ҳақим ҳам
Ўн баравар ошаркан.

Кўпайса гар пулимиз,
Узатганда қўлимиз

Истаган жойга етар,
Эл бизни ҳурмат этар.

Яшаймиз тўқ, фаровон
Ва кулбамиз чароғон

Бўлиб кетар, ойижон,
Қолмас ғамдан ҳеч нишон.

Устозимни ҳам сеньор
Қилар эмиш миннатдор.

Ҳақин ўзи тўлармиш,
Доим шундай бўлармиш.

— Вой, болажон, тилингдан
Келгил, ўпиб қўяй ман.

Бахтимга бор экансан,
Толеи ёр экансан,

Пешонанг тошдан бўлсин,
Ишинг ўнгидан келсин.

Бахтимизга сеньор ҳам
Ҳамиша бўлсин бардам!

Қўлин очиб Волида
Сеньорни қилди дуо.

Жанни эса қувониб,
Кўзлари ўтдай ёниб,

Жўшиб тошқин дарёдай,
Жўшиб шошкин Арнодай

Қўшиқ айтиб юборди,
Тоғ-тошларни қўпорди:

«Санта-Мария,
Санта-Мария,
Қутлуғ маъбуда,
Улуғ маъбуда,
Менга раҳминг ё
Келдими жуда!
Санта-Мария,
Санта-Мария,
Сендай муқаддас
Борми дунёда?
Гуноҳдан халос
Бўлайин дея,
Чўмилдингми ё
Зилол Арнода,
Тошқин дарёда!
Санта-Мария,
Санта-Мария.
Азиз маъбуда,
Сен қилдингми ё
Бахтим зиёда,
Санта-Мария,
Санта-Мария!»

Кўпни кўрган бастакор
Жаннини кўриб илк бор,

Кўкси унинг тоғ бўлди
Ва димоғи чоғ бўлди.

Холи топиб сеньорни
Айтди кўнглида борни:

— Бир ҳафтага икки бор
Дарс ўтказсам гар, сеньор,

Жаннининг бора-бора
Овози ҳам тобора

Очилар мисли булоқ,
Сизники бўлур улоқ.

Ул уста кўрмаса гар,
Ҳар мақомга йўрғалар.

Дарс олган куни, сеньор,
Қўшиқ айтмасин зинҳор,

Кафега ҳам келмасин,
Ёнимдан ҳеч жилмасин.

Қўшиқ айтса кафеда,
Жанни бўлади адо.

Бўғилади овози,
Синади кўнгил сози.

Сўнг бўлур у ортиқча,
Сизга ҳам келмас акча.

Сеньор ўйланиб қолди,
Чуқур хаёлга толди.

Сўнг юракда борини —
Айтди аҳд-қарорини:

— Жанни бўлмаса, жаноб,
Кафеим бўлар хароб.

Бир ҳафтада икки кун,
Биласизми, мен учун

Тушар жуда қимматга,
Мен бундайин «ҳиммат»га

Қандай узатай оёқ,
Кўнглимга ёқса чироқ

Ёришмас сўзингиздан,
Гап қолмас ўзингиздан.

Бозорим бўлса касод,
Қайдан келур даромад?

Ишонганим Жаннидир,
Суянганим Жаннидир.

Кундуз дарс олсин, майли,
Оқшом Жанни туфайли

Кафеим обод бўлсин,
Жазманларим шод бўлсин.

Йўқса ҳолим харобдир,
Умидларим саробдир.

Қалби икки ўт ичра,
Чорасиз сукут ичра.

Бағрин доғлаб бастакор
Рози бўлди чор-ночор:

— Лекин, сеньор, унутманг,
Сўнг эса деманг, аттанг,

Жанни ҳали бир ниҳол,
Эгилувчан мисли тол.

Гар қилмасак эҳтиёт,
Қўшиқ айтмоқ бўлур ёт.

Кафени ўйлаб, сеньор,
Бир кун этмасанг хору зор.

— Йўқ, ундай бўлмас, жаноб,
Этмайман бағрин кабоб,

Қорачиғдай асрайман,
Бир кунига ярайман.

Жанни билан бастакор —
Кўнглини овлаб сеньор,

Илинтириб қармоғига,
Шартнома варағига,

Иккисин қилиб ризо,
Қўйдириб олди имзо.

IV

Бастакор билан Жанни
Фидо қилишиб жонни,

Тўғри келиб юлдузи,
Тинмай кеча-кундузи,

Арнодан сал қуйида,
Бастакорнинг уйида

Қўшиқлар қанотида,
Сехрли соз остида

Парвоз қилишди баланд,
Дилга-дил бўлиб пайванд.

«Арно» кафесин оти —
Элни тутди шуҳрати.

Сеньор ҳам донг қозонди,
Эл аро шон қозонди.

Жаннининг шайдолари,
Қўшиқнинг гадолари

Кафени обод қилди
Ва сеньорни шод қилди.

Жаннининг нархи ошиб,
Риму, Милан талашиб,

Ким ўзарга от солди,
Корчалонлар дод солди,

Торонта-ю, Генуя,
Болонье, Венеция

Бармоғин тишлаб қолди,
Кўксига муштлаб қолди.

Капри-ю Сардиния,
Перужи, Сицилия

Унга қуръа ташлади,
Таклиф қила бошлади.

Румоннинг радиоси,
Телевизор дунёси

Уни бозорга солиб,
Бор ороми йўқолиб,

Кўтарди шовқин-сурон,
Барчани қилиб ҳайрон.

Сеньор эса бўш келмай,
Бастакорни хуш кўрмай,

Уни бозорга солди,
Жанни довдираб қолди.

Кезиб шаҳарма-шаҳар,
Ошини қилиб заҳар,

Қўғирчоқдай ўйнатди,
Жонин олиб куйлатди.

Милан театрусида,
Машҳур Ла-Скаласида

Унга минглаб халойиқ
Қарсак-ла қилди қуллуқ.

Жанни ҳориб қолганда,
Қўшиқ айтиб толганда,

Раҳми келиб бастакор
Сеньорга деди ночор:

— Бас қилинг энди, сеньор,
Жаннида йўқ ҳеч мадор,

Овози чиқар хаста,
Сўниб бормоқда аста.

Бўғилиб қолса агар,
Шуҳрат дарахти қулар.

Оз бўлса яхши шакар,
Кўп бўлса ул бир заҳар.

Энди бермайман рухсат,
Сизга эса ижозат!

— Янглишасиз, жанобим,
Кўлимдадир таноби,

Ла Скала билан мен
Икки соатга ҳар кун

Келишганман — озгина
Чекинмайди камина.

Мен хўжайин бўлсам гар,
Сиз ёлланган бастакор.

Жанни ҳам худди шундоқ,
Ганимдан чиқмас бироқ.

Қони қайнаб бастакор:
— Шартнома, — деди, — бекор.

Энди орамиз очиқ,
Жанни айтмайди кўшиқ.

Мен унинг устозиман,
У йўқ деса розиман.

Милан театрусида
Икки ўт ўртасида

Қолди бечора Жанни,
Ҳовучлаб қўлда жонни.

Бўталоқдай бўзлади,
Сўнг бор дадил сўзлади:

— Шартнома бузилса ҳам,
Лек бағрим эзилса ҳам,

Энди қўшиқ айтмайман
Ва сўзимдан қайтмайман.

Тўйиб кетдим жонимдан,
Айрилсам ҳам нонимдан,

Сиз билан энди, сеньор,
Кўшиғимни этмам хор.

Мен сизга ишонгандим
Ва сизга суянгандим.

Кўздан артиб ёшимни,
Силовдингиз бошимни.

Бўлган эдим миннатдор,
Қилар эдим ифтихор,

Кўзим очилди энди,
Дардим сочилди энди.

Овозим борлигида,
Кўшиғим ёрлигида

Мен сизга қўл келибман,
Гўёки қул бўлибман.

Энди-чи, мен ҳам озод,
Қўйинг, ёзайин қанот.

Истаса гар устозим,
Тингласа кўнгил розим,

Содиқ шогирд бўлурман,
Айтганини қилурман.

Дўқ уриб лекин сеньор
Бўлганида шармисор,

Бастакор юзларида,
Нуроний кўзларида

Севинч нури балқиди,
Киприкда ёш қалқиди:

— Балли, ўғлим Жаннижон,
Сенга фидо бўлсин жон,

Ақлинг кириб қолибди,
Ақлинг тиниб қолибди.

Шогирдларим қатори,
Бўлиб кўнглимнинг тори

Битта ўғлим бўларсан,
Қалби чўғли бўларсан.

Авайлаб овозингни,
Синдирмай дил созингни,

Ниятингга етказсам,
Шухрат тожин тутқазсам,

Қўшиғингни қилма хор,
Сеньорларга бўлма зор.

1974, март

Туташ денгизлар

(туркум)

Қалбимда орзую дардлар бешумор,
Анор донасидек ётибди пинҳон.
Уқмоқни истасанг, эй дўсти дилдор,
Мен билан дунёни сайр эт шодон.

ЎҒЛИМГА

Ўрта Ер денгизин саёҳатига
Мени кузатгани чиқибсан, ўғлим.
Роз айтиб умримнинг саодатига,
Бугун ота бўлиб қайта туғилдим.

Кўнглимда чайқалди шодлик дарёси,
Ғурур чўққисига қадалди кўзим.
Эй, порлоқ умримнинг меҳригиёси,
Бахтим осмонида кулган юлдузим.

Ота учун бундан ортиқ бахт қайда,
Кузатгани келса изидан ўғли.
Унга ясатилган тожу тахт қайда,
Фарзандин юраги бўлмаса чўғли.

Жилмайиб турибсан қошимда камтар,
Саёҳат завқи-ла кўзларинг ёниб.
Мен эса ичимдан ўртаниб баттар,
Хайр, дейишга ҳам қолдим қийналиб.

Тўйиб-тўйиб ўпиб юзу кўзингдан,
Сочларингни силаб, босдим бағримга.
Бошим кўкка етиб ширин сўзингдан,
Бир лаҳза шўнғидим хаёл наҳрига.

Ой бориб, қайтгунча қошингга омон,
Қандай бахт, сен чироқ бўлсанг уйимга.
Сенинг ҳам қўлингда бугун бу жаҳон,
Бўйинг етиб қолмиш менинг бўйимга.

Сен ҳам отанг каби эрта ё индин
Таниб қолажаксан дунёни, ўғлим.
Дунё ҳам фахр этар сен билан бугун,
Менинг ҳам қисматим қўлингда, балким.

Дунёни танисанг, танисанг одам,
Шу эрур, эй ўғлим, одам бўлганинг.
Шодлик ёр бўлсину сира билма ғам,
Менга буюк бахтдир ҳамдам бўлганинг.

«Яхши боринг!» — дея тилак тиладинг,
Тишларинг бутундир, айтганинг келгай!
Эзгу ният билан мени қўлладинг,
Отанг дуоси шу — толеинг кулгай!

Яхши қол, Фарруҳжон, кўзим кораси,
Умримнинг таянчи, ўғлим, яхши қол.
Мунис меҳрибоним, жигарпораси,
Умримнинг қувончи, ўғлим, яхши қол!

1976

«ҚОРА ДЕНГИЗ» МЕҲМОНХОНАСИДА

Бешинчи ошёна, Бешинчи хона
Менинг бир кечалик азиз масканим,
Шаҳарга боқаман мен ошиқона
Ва лекин хаёлда яшар Тошканим.

Миллионлаб чироқлар ёғдуларида
Парпираб қаҳрамон шаҳар кўринар.
Денгиз тўлқинларин ёҳуларида,
Жанубни лол этган саҳар кўринар.

Потёмкин зинасин қадамлаб залвор,
Матрослар гул қўяр Пушкин пойига.
Чинорлар тагида термилишар зор
Севикли маъшуқа гул чиройига.

Интизор кўзларда соғинч айёми,
Қалблари денгиздек қилар ғалаён.
Севги шаробига тўла дил жоми,
Унга лаб қўяркан қайси бир жонон.

Матрослар не ойлаб сузиб денгизда,
Она тупроғини соғиниб қолди!
Ва қирғоқ намоён бўлганда кўзга,
Висол суруридан тинчи йўқолди.

Уларни зориқиб кутишган қизлар,
Ошиқди денгизнинг бандаргоҳига.
Ҳар ким палубадан ёрини излар,
Ким ахир тушунмас қизлар оҳига!

Бахтиёр ёшларни кузатиб хумор,
Ёдимга тушади таниш хиёбон.
Матрослардек мен ҳам чеккандим озор,
Васлингга етгунча, эй, моҳитобон!

Одесса.
1976

ҚОРА ДЕНГИЗГА

Қора денгиз, бугун мани
Эркаладинг оғушингда.
Ҳарир каби тонг тумани
Ором олар оқ тўшингда.

Йўлга чиқдим, сайёҳ бўлиб,
Тингла, эркам, дил розимни.
Дардларимдан огоҳ бўлиб,
Сенинг ўзинг чал созимни.

Шеърларимга бовла қанот,
Парвоз қилсин осмонингда,
Пегасда чарх уриб Барот,
Мангу қолсин достонингда.

Йўлим маним жуда узоқ,
Саёҳатим ғаройибдир.
Қачон келар дея муштоқ
Шарқ жамоли сарғайибдир.

Мени кутар мулки Араб,
Юнон эса интизордир.
Италия йўлга қараб,
Туркия ҳам менга зордир.

Ўрта денгиз ичра Малта
Тўлғонадир ҳаяжондан.
Сайёҳингга олқиш айта,
Шод қил мени бу жаҳондан.

«Минг бир кеча» янглиғ узун
Сенга айтар қўшиқларим.
Юрагингни ул этмас хун,
Мамнун этар ошиқларинг.

Сокинликда сендай денгиз,
Кўрмагандим кезиб жаҳон.
Бўлиб қолдинг менга азиз,
Эй кўнгли пок, сирли уммон.

Ёки менга қилиб шафқат,
Этмадингми бугун исён.
Тўлқинларинг сирли хилқат
Оғушида топдими жон.

Денгизларнинг хислатида,
Менга аён даҳшатли ҳол.
Ва сайёҳлар қисматида,
Хавфу хатар бордир хиёл.

Шу балодан асраб мани,
Тебратасан бешигингда.
Мен ҳам мамнун этгум сани,
Қолажаксан қўшиғимда.

Қора денгиз, оқ йўл тила,
Садқа бўлсин сенга бу жон.
Сафаримда ўзинг қўлла,
Қўлла мени, эй онажон!

1976

БОСФОР КЕЧАСИ

Сендан ўтдим тунда, Босфор,
Тўёлмадим жамолингга.
Қилмасам-да кўнглим ошкор,
Кўксим очдим шамолингга.

Оғушингга қўниб туман
Ҳарир тортмиш юзларингга.
Оқ кемадан бўлиб хурсанд
Мен тикилдим кўзларингга.

Нозаниндай нигоҳ ташлаб,
Илинтирдинг тузоғингга.
Мен бу бахтдан кўзим ёшлаб,
Тушолмадим қирғоғингга.

Ўтиб кетдим, хаёл ипи
Чуваланди йўлларингда.
Камалакдек илҳом сепи
Ял-ял ёнди қўлларингда.

Осиёю Оврупога
Кўл узатган янги кўприк,
Ўхшаб худди роҳибага
Қокиб қолди менга киприк.

Истанбулнинг чироқлари
Мўлтирашди изларимдан.
Ёнди Мармар қирғоқлари
Юракдаги хисларимдан.

Эртакдаги сирли тундай
Сен яшайсан хаёлимда.
Ошиқ бўлдим мен Мажнундай,
Шу бор экан иқболимда.

Учрашгунча хайр, Босфор,
Кўришармиз чиқса қуёш.
Шунда қалбим қилгум ошкор,
Оёғимга урурсан бош!

Босфор кўрфази,
1976

МАРМАР ДЕНГИЗИ МОНОЛОГИ

Мен мармарман денгизлар аро
Кўрк олганман само рангидан.
Ой сузганда юлдузлар аро
Туғилганман қуёш, ер билан.

Шундан буён ҳаёт тўлқини
Бериб турар танимга дармон.
Атагунча Мармар деб мени
Миллион йиллар яшади инсон.

Икки қитъа тупроғин ўпиб,
Бино қилдим мармар қасрлар.
Жангу жадал уруғин сепиб,
Нола қилди менга асрлар.

Эгей билан Қора денгизга
Дардим сўйлар Дарданел, Босфор.
Қанча яқин бўлмайин кўзга,
Юрагимда маним ҳам дард бор.

Асар қолмай мармарлигимдан
Бўлмақдадир юзларим қаро.
Бир вақтдаги гавҳарлигимдан,
Бугун маним кўкрагим яро.

Истаганда кўтариб тўфон
Кемаларни яксон этурман.
Гар мен билан олишса инсон
Наҳангларга эҳсон этурман.

Тоғу тошни тубдан кўпориб,
Зирқиратиб қўйгум заминни.
Керак бўлса, ер мағзин ёриб,
Олов билан сийлайман сени.

Лек қудратли бўлмай нақадар
Инсон олди шохимни эгиб.
Тошларимдан қурган бинолар
Туришибди савлатин тўкиб.

Шунинг учун, эй азиз сайёҳ,
Мен топиндим пойингга бугун.
Тинчлигимга ўзингсан гувоҳ
Мармар денгиз бўлганим учун.

1976

ДАРДАНЕЛДАГИ ЎЙЛАР

Бир-бирига келди яқин
Икки қирғоқ, икки тоғ.
Боқишади, кўзда ёлқин
Икки чаман, икки боғ.

Берай деса қўлни-қўлга,
Дарданел бор ўртада.
Қўшай деса гулни-гулга
Тўлқин-аждар ўртада.

Кўзим қувнар кўриб ерни,
Кутгандай ундан нажот.
Сабза урган икки қирни
Безаб турар икки от.

Икки чашма сувин ичиб,
Арғумоқлар кишнашар.
Икки деҳқон ёлин қучиб,
Жиловин ушлашар.

Икки тоғдан қулоч отиб,
Оқиб ётар икки сой.
Уммон эса пастда ётиб,
Сирларини бермас бой.

Бир тупроқни икки бўлиб,
Чайқалади Дарданел.
Кипригини кўприк қилиб,
Термилади икки эл.

Дарди бордир икки элнинг
Бу ҳаёт саҳнасида.
Бирдир ризқи икки дилнинг
Дарданел хазнасида.

Икки от ҳам пойга куриб,
Бир майдонда чополмас.
Чавандози даврон суриб,
Ўз тенгини тополмас.

Учрашолмас икки тоғ ҳам,
Боғлар айри тушгандир.
Икки сойнинг кўзлари нам,
Бошдан ҳуши учгандир.

Лекин бизнинг оқ кемамиз
Кўприк бўлиб ўртада,
Бир соатга бўлса ҳам биз
Ойдай кулиб ўртада,

Икки қирғоқ, икки тоғни
Яқин этдик қош мисол.
Икки чаман, икки боғни
Кўкида чиқди ҳилол.

1976

ЭГЕЙ ДЕНГИЗИГА

Тўлқинланма мунча, Эгей,
Ҳовурингдан туша қолгин.
Қамчилама отингни, ҳей,
Сен ҳам бир оз ором олгин.

Боғлиқ бўлса қозиққа гар
Ер тепинар бедов от ҳам.
Қўй, солмагин оламга жар,
Сен ҳам ердан узмай қадам,

Қисматим гар бўлса сенда,
Мушкулимни қилма осон.
Қасдинг бўлса ёки менда,
Қўнсин, майли, бошга осмон.

Лек кемамни қилиб эрмак
Ўйнатмагин тўлқинингда.
Сени айлаб элга эртак,
Мен ярарман бир кунингда.

Минг йилларким, қирғоқдаги
Қояларга етмас кучинг.
Бугун бўлса узоқдаги
Меҳмонингда борми ўчинг?

Нима бўлди, сенга ахир,
Тўлғонасан мисли аждар.
Ё табиат қилса қаҳр,
Бўласанми мулки тождор.

Бир оз ғина қайт шаҳдингдан,
Вайрон қилма ўйларимни.
Кел, азизим, туш тахтингдан,
Тингла маним куйларимни.

Бу куйларим халоватнинг
Боғидан бир гулдастадир.
Сайёҳ топган саодатнинг
Мулкига жон пайвастадир.

1976

ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИДА

Сукунат қўйнида бугун бу денгиз,
Тўлқинлар бешикдай чайқалар аста.
Балки, у ғавғо ҳам қиларди менсиз,
Менсиз кўнгли, балки, бўларди хаста!

Мен билан чеҳраси кетди чароқлаб
Ва бўлди хонаи хуршиди обод.
Ложувард осмони боқди яроқлаб,
Сеҳрга тўладир бугун коинот.

Мени у елкага миндириб олиб,
Сурия сайридан сўйлайди ашъор.
Узоқдан кўринар қалбга ўт солиб,
Туркия тоғларин чўққисида қор.

Бағрида ёстаниб ётар булутлар,
Туманга чўмгандай кўринар жаҳон.
Қорли чўққилардан учган бургутлар
Чағалай зотига келтирар қирон.

Денгизда чайқалган олма мисоли
Кипр ороли ҳам мунғайиб қолди.
Кема байроғига мафтун хаёли
Долғалар бағрига кириб йўқолди.

Шамол ҳам денгизда кезар дарбадар,
Табиат яратган уни бемакон.
Тўлқинлар кўксига ургани ханжар,
Гувиллаб бошлади яна тўполон.

Кемамиз чайқалиб сузмоқда ҳамон,
Денгизу осмондан яралган дунё.
Кўзингга кўринмас бирорта инсон,
Хаёлинг ўғирлар сароб ё рўё!

Денгиз ўхшар қайнаб ётган қозонга
Ва лекин тубида кўринмас олов.
Қудратли тўлқинлар чиқса майдонга,
Олишувга баъзан юрак бермас дов.

Қорайиб ётибди худудсиз уммон,
Омонат уй каби кемамиз унда.
Олқиш бўлсин сенга, ўрток Капитан,
Тобланганинг учун буюк тўлқинда!

1976

ЛАТАКИЯ

Латакия, сени кўриб,
Кўзларимга ишонмадим.
Қирғоғингда хаёл суриб,
Завқ отидан тушолмадим.

Шаҳри жонон бўлиб менга
Тонг пайтида қучоқ очдинг.
Яширмасдан айтсам сенга
Бошларимдан дурлар сочдинг.

Мен бу иззат-икромингдан
Йўқотгандай сездим ўзни.
Қалбга солган илҳомингдан
Унутиб ҳам қўйдим сўзни.

Кўзга айлаб борлиғимни
Чиройингга боқиб қолдим.
Дўстларинг-ла борлиғимни
Айтай дея ёнди қалбим.

Мен биламан, бино бўлиб
Не савдони кўрди бошинг.
Жигар-бағринг қонга тўлиб,
Кўз ёш тўкди хатто тошинг.

Румо билан сени Юнон
Кўкрагингга санчди пичоқ.
Тариқ каби қилиб талқон,
Ўзи яксон бўлди бироқ.

Бугун улар қурган қаср
Қулаб ётар оёғингда.
Ўтса ҳам минглаб аср
Нидоси бор қулоғингда.

Угаритинг бунга гувоҳ,
Гувоҳ эрур тош устунлар.
Йўқлигидан сенда гуноҳ
Рўшно бўлди қаро тунлар.

Бугун эса ёруғ юз-ла
Боқмоқдасан истиқболга.
Бахт чўққисин мағрур кўзла,
Барҳам бердинг истибдодга.

Латакия, нон-туз тутиб,
Қарздор ҳам этдинг мени.
Олам аро достон этиб,
Унутмайман асло сени!

Сурия,
1976

УГАРИТ

Эй, Угарит[1] толеингга
Яхшиям бор аҳли дониш.
Йўқса, шўрлик манглайингга
Ёзиларди мангу қарғиш.

Не-не олим қалб қўрини
Муз қалбингга бағишлади.
Йиллаб тўкиб кўз нурини,
Охир сени олқишлади.

Сангин уйлар остонасин
Тозалашиб киприк билан,
Ёзувларнинг намунасин
Топиб, элни этди хурсанд.

Ҳарфма-ҳарфу ҳижо-ҳижо
Ўқиб берди жангномани.
Тошда пинҳон илк алифбо.
Ҳайрон этиб қўйди мани.

Милодгача икки минг йил
Муқаддамроқ бўлмиш бино,
Финикийлар унда буткул
Кашфиётин этмиш иншо.

Ҳеч ким билмас бу алифбо
Қай бир даҳо мўъжизаси.
Ким бўлса ҳам минг тасанно,
Омон бўлсин шажараси

Эй, Угарит, бўлмаса гар
Толеингга ўша Инсон.
Остонангни қилиб тавоф,
Бош урмасди бугун жаҳон!

Латакия,
1976

ТУН

Зулмат қучоғида ҳансирар денгиз,
Ёввойи тўлқинлар ётар тўлғаниб.
Даҳшатли қудрати беаёв, тенгсиз,
Дарбадар сукунат йиғлайди ёниб.

Вахима босади хаёллар оғир,
Юрак эса кетар орқага тортиб.
Бир чироқ кўринса ўт олар бағир,
Тўлқинлар исёнин елкага ортиб.

---

[1] Сурияннинг Угарит шаҳарчасида илк алифбо намунаси топилган.

Юлдузлар илтижо қилгандек унга
Кўкдан термилади ғамгин ва бехол.
Ой эса кўрк бериб турса-да тунга,
Денгизни ёритиш келади малол.

Қирғоқдан узоқда, денгиз қўйнида
Кемамиз зулматда порлаган нурдир.
Тун бизни денгизга ташлаб қўйди-да,
Энди топай деса кўзлари кўрдир.

Биз туннинг қўлидан етаклаб олиб,
Кун билан қилгали уни юзма-юз,
Тўлқинлар бағрига нурдан из солиб,
Тонготар қошига еламиз ҳануз.

Денгизда чўмилиб, тонгдай пок бўлиб,
Қуёш сочларини тараган чоқда,
Тун ғойиб бўлади бағри доғ бўлиб,
Уни тополмайсан ҳатто қирғоқда.

Шу хаёл мавжида оқади юрак,
Денгиз кечасидан ларзага келиб.
Сайёҳ бўлмоқ учун мард юрак керак,
Шунда сенга қуёш боқади кулиб.

Зулмат қучоғида ҳансирар денгиз,
Ёввойи тўлқинлар ётар тўлғаниб.
Дахшатли қудрати беаёв, тенгсиз,
Дарбадар сукунат йиғлайди ёниб.

1976

БАНДАРГОҲДАГИ БОЛАКАЙ

Бандаргоҳда дайдир бир бола,
Усти боши юпун ва жулдур.
Муҳтожликка бўлиб мубтало,
Орзулари оташсиз кулдир.

Мўлтирайди кўзлари мунгли,
Чеҳралари сўлғин, заъфарон.
Лабларига бегона кулги,
Қолмагандай танида дармон.

Сайёҳларга қилиб илтижо
Мунғайганча сўрайди бахшиш.
Ким жилмайиб бахшиш берса, о,
«Шукрона», деб боқар боякиш.

Бу болакай аҳволин кўриб,
Бандаргоҳда ўйланиб қолдим.
Искандарияга юзма-юз туриб,
Илк учрашувдан хаёлга толдим.

Бу бола ҳам умрининг ахир
Турибди-ку бандаргоҳида.
Қолган умри бўлмасин тахир
Бу ҳаётнинг қароргоҳида.

Билсам, шўрлик қолиб дарбадар,
Тополмабди бошига паноҳ.
Бахшиш билан кунин ўтказар,
Тунлаб оч ҳам қолар экан гоҳ.

Бу болага ўхшаганларни
Кўп учратдим шаҳарда, нетай!
Бир бошпана қўмсаганларни,
Очлар ҳолин кимга ҳам айтай!

Эй, бағритош, раҳмсиз ҳаёт,
Фарзандингга ўтказма ситам.
Шодлигингни унга этма ёт,
Бошларини қила кўрма хам.

Искандария,
1976

ҒАВВОС БИЛАН МУЛОҚОТ

Сўйла, ғаввос, денгиз тагида
Кўздан пинҳон қанча дур, гавҳар?
Эшитганим Шарқ эртагида
Сен ўшами ғаввоси абгор?

Бу ҳунарни ўргандинг кимдан,
Тақдирингга ким босди муҳр?
Дарс олгансан қай муаллимдан,
Кўзларингда мунчалар сеҳр?

Ярим умринг ўтиб қолибди,
Не бахт топдинг денгиз остидан?
Умрингга ғам чангал солибди,
Қутулгайсан қачон дастидан?

Қанча дурни этиб бемакон
Чиғаноқлар бағрини тилдинг?
Соҳибингга қилгани эҳсон
Қай гўшага икки букилдинг?

Не жононлар бўйнини безаб,
Не қўлларни этдинг ҳусндор?
Сени ким ҳам ғаввос дер, ажаб,
Донасига ўзинг бўлсанг зор?

Қолибсан-ку ярим-яланғоч,
Дур излаган қўлларинг титрар.
Таниг қотиб мисоли оғоч
Илтижоли кўзинг мўлтирар.

Шу эдими умидинг сенинг,
Қўйганингда ҳаётга қадам?
Ёруғ кунни борми кўрганинг
Бу дунёда сен бўлиб одам?

Сув остида ўтган умрингдан
Қилдингми ҳеч, айтгил, пушаймон?
Айрилсанг-да, бор хузурингдан,
Нима топдинг ҳаётдан, инсон?

Дурларингдан безанган жонон
Сенга бир бор боқдими қиё?
Ё қўнганча бурнига осмон
Толеингни этдими сиё?

Қилдими ё соҳибинг карам,
Силадими айтгил бошингни?
Ё кул янглиғ этганча қарам,
Тер, дедими сенга тошингни?

Бошларингни кўтар бир нафас,
Ердан узгил мунгли кўзингни.
Дунё сенга бўлса-да қафас,
Эшитайин, ғаввос, сўзингни.

— Мен умримни совурдим кўкка,
Тутунидан йиғлайди осмон.
Гўримда ҳам турурман тикка,
Соҳибимга келмаса қирон.

Йигит эдим, бургутдай ёвкур,
Кўтарарди эҳромни елкам.
Порлагандай кулбамизда нур,
Менга кулиб боқди бир одам.

Ўша кундан мен бўлиб ғаввос,
Умрим ўтди денгиз остида.
Ва яшадим одамларга хос,
Бу ҳаётнинг баланд-пастида.

Чиғаноқдан терган дуримни
Ҳисобига ақлим адашар.
Жавоҳирга кетган умримни
Англаганлар сароб аташар.

Энди толдай қолдим мункайиб,
Синган шохдай қўлим шалвирар.
Оёқларим бўлгандай майиб,
Тўлқинларни кўрса қалтирар.

Болалигим ширин орзуси
Учиб кетди ҳавога қушдай.
Чил-чил синиб кўнгил кўзгуси,
Умрим ўтди гўёки тушдай.

— Эй бечора, ғаввоси абгор,
Тешса ҳамки оҳинг осмонни,
Яшадингу ҳаётда бир бор,
Безаб кетдинг қанча жононни!

1976

МУҲАММАД АЛИ КЎЧАСИДА

Бу кўчада бошим қотди,
растаси экан бозор,
Юришмасди олди-сотди,
харидорга экан зор.
Дўконлар ланг оғзин очиб,
турар эди анқайиб,
Остонага ўзин отди
бизни кўриб савдогар.

Тўти каби жавради у,
кўз-кўз қилиб молини,
Булбул бўлиб сайради у,
баён этиб ҳолини.
Харидорлар ҳамёнини
токи қоқиб олгунча,
Лўли каби авради у,
кўзлаб ўз иқболини.

Сотаман деб арзон-гаров
минг мақомга кирди у,
Ола қолинг, дея дарров
шолғом бўлиб турди у.
Сайёҳлар йўқ дейишса ҳам
қўймади ҳол-жонига,
Қурук кетманг биздан бирров,
совға олинг, дерди у.

Бу дўконга кирган одам
қолар эди адашиб,
Сигарету совун, қалам
ётар эди қалашиб.
Соат, мато, туфли, камар
бозори бўлиб касод,
Сайёҳ менга қил деб карам,
боқар эди талашиб.

Турса ҳамки моллар ерда,
нархи эди осмонда.
Фаллоҳ бунга кирар зўрға,
пул бўлса ҳам ҳамёнда.
Савдогар-чи, чирмовуқдай
сайёҳларга ёпишиб,
Оёғини тираб ерга,
олинг, дерди эҳсонга.

Моллар эди турли элдан –
Фарангу Рум, Япондан,
Келган эди узоқ йўлдан –
Эрону Чин, Олмондан.
Сайёҳларнинг боши қотиб,
қисиб кўяр елкасин,
Бирор совға олмай Нилдан
чиқар экан дўкондан –

Гўё таъна тошин отди
остонада савдогар,
Касод бўлиб ғамга ботди,
бу нима деб харидор.
Молин мактаб орқасидан
чопди ярим йўлгача,
Бор оромин дил йўқотди,
«ол-ол»дан бўлди безор.

Яна бири тутиб олди
қутулганда биридан,
Меникини ол, деб қолди,
қўймай турган еридан.
Оқибат бир сигаретни
ҳадя қилиб «бахшиш»га,
Бу савдодан ўйга толди,
кечди шаҳар сайридан.

Теплоходга келганида
жонлари топди хузур,
Кўнгли яйраб кулганида,
кўзларида балқди нур.
Савдогарлар тузоғидан
хайрият чиқди омон,
Бундай ҳолни билганида
сайр этмасди бир умр.

Искандария,
1976

НИЛ

Нилга боқиб сурдим хаёл,
шуҳрат тожи бошимда,
Сфинксдан сўрдим савол,
эҳром турди қошимда.
Ва Хеопс[1] қудрат билан
тилга кирди, во ажаб,
Буюк қисмат айлади лол
мени йигит ёшимда.

Мени ҳаёт ибтидоси
ўз қасрида қолдирди,
Юнону Рум истилоси
дилга ғавғо солдирди.
Ғам дарёси бўлиб гўё
Нил тўлғанди пойимда,
Эркинликнинг интиҳоси
хаёлимни толдирди.

Зилол сувмас, оқди Нилдан
қулларнинг оҳ-фарёди,
Оташ бўлиб чиқди дилдан
кўкни титратган доди.
Ғазабидан осмон тутаб,
юлдузлар кийиб қаро,
Яланг оёқ боқди чўлдан
қул наслининг аждоди.

Қўрғошиндай кўзларидан
ҳасрат бўлиб оқди Нил,
Сомон каби юзларидан
шафқат бўлиб боқди Нил.
Супра каби заминига
сув ташиса кўзалаб,
Бахти қаро изларидан
раҳбат гулин ёқди Нил.

Нил бош уриб қирғоғига:
— кеч, — деди гуноҳимдан,
Нурман ҳаёт чироғига,
ер рўшно нигоҳимдан.
Вале қуллар қисматидан
жигаримдан томиб қон,
Жон берсам-да, тупроғига,
қуёш кулар оҳимдан,

Мен кўрган жанг балосидан
кўзларим кўр бўлгандир,
Дашти Ғазо ноласидан
паймонам лиқ тўлгандир.
Фиръавнлар салтанати
бўлгандай кунпаякун,
Истиқболнинг садосидан
бахтимга кун кулгандир.

Болаликдан таниш тарих
кўз ўнгимда жонланди,
Китобларга сиғмас таъриф
Нил бўйида қонланди.
Етти минг йил орқага мен
кетиб қолибман отлиқ,
Олқиш бўлсин, эй муаррих,
сен-ла мозий шонланди.

— Муаррихмас, Нил берди шон, —
садо келди заминдан.
Мен билан Нил бир парча нон
бердик элга қадимдан.
Мозий эса бошимизга
отди бало тошини,
Ғаним келди гоҳо Юнон,
гоҳ Фарангу, гоҳ Румдан.

Қиёматдай дахшатлардан
омон чиққан — Сен, эй Нил!
Ғолиб келган офатлардан,
гўрга тиққан — Сен, эй Нил!
Асвон ичра жон талашиб
шамол билан, қум билан
Боқиб янги равотлардан,
хўп чиниққан — Сен, эй Нил!

Тупурибди тузлиғингга
бир касофат! Чекма ғам,
Ҳатто эгри сўзлигига
ишонибди ўзи ҳам.

---

[1] Хеопс эҳроми

Дўст юзига қўйиб оёқ
ким ёлчибди ҳаётдан,
Сен содиқсан ўзлигингга,
буни билар ҳар одам.

Сен мангусан ҳаёт қадар,
эл бошига омон бўл!
Ва белига боғлаб камар,
оёғига дармон бўл!
Сен борган ер гул-гул яшнаб,
тўкин бўлсин дастурхон,
Бир умрга бериб самар,
сахийликда жаҳон бўл!

Нилга боқиб сурдим хаёл,
шуҳрат тожи бошимда,
Сфинксдан сўрдим савол,
эҳром турди қошимда.
Ва Хеопс қудрат билан
тилга кирди, во ажаб,
Буюк қисмат айлади лол,
мени йигит ёшимда!

Қоҳира,
1976

ЁҒДУ ВА САДО

Тун чўкди Ғазонинг гунг саҳросига,
Сукунат қўйнидан чопиб шамоллар
От қўйди Мисрнинг Қоҳирасига,
Нилнинг ёқасида тебранди толлар.

Юлдузлар мунғайди кўкда заъфарон,
Шамолга кўксини тутди эҳромлар.
Эҳромлар кифтидан ой боқди нолон,
Ғазога келганда минглаб одамлар.

Беш қитъа бу ерда бўлди жамулжам,
Учрашди бир йўла турли қисматлар.
Вале бир-бирига қилмасдан карам,
Авж олди бир лаҳза баҳсу исботлар.

Сўнг эса бошланди «Ёғду ва садо»[1]
Сфинкс кўксига михланди кўзлар.
Саҳнида жонланди олис бир дунё,
Ғазо юрагидан портлади сўзлар.

Машъаллар парпираб ёнди дафъатан,
Эҳромни ёритди сирли ёғдулар.
Ҳилол ҳам жилмайди гўё бериб тан,
Ёғдудай сел бўлиб оқди қайғулар.

Кумуш кошонадан зулматлар аро
Сўзлади Сфинкс ҳамда эҳромлар.
Қуллар юрагидай бўлиб садпора,
Чил-чил синди гўё дур кўзли жомлар.

Ёғду ва садонинг маҳзун оҳанги
Комида сирқиди қалблардан қонлар.
Гўёки оламни титратиб бонги
Мунгли нидо берди кул бўлган жонлар.

Қуллар фарёдидан тўлғанди замин,
Япроқдай узилди бандидан қалблар.
Шаробдек сипқориб ҳаётнинг заҳрин,
Тош бўлиб ёлворди эҳромдан алплар.

Инсон қиёфали, вале тани шер –
Сфинкс бу ҳолдан чекади оҳлар.
Мусиқа паридек титрайди зир-зир,
Ёғдуни домига тортади чоҳлар.

Фиръавнлар эса мангулик қасрин
Қўйнида миқ этмай ётибди — хоклар.
Дунёга бонг уриб, шуҳратли наслин
Авлодлар қошида гўёки оқлар.

Эҳромлар бағридан топмай бир газ ер,
Руҳ бўлиб учибди кўкка меъморлар.
Муҳандис бечора пешонам деб шўр,
Нилни макон айлаб, чекибди зорлар.

Таҳқир кемасида бўлганича ғарқ,
Сочини юлибди шўрлик аёллар.
Тишини тишига қўйганича Шарқ
Эҳромдай тош бўлиб сурди хаёллар.

Ёғду ва садонинг томошасидан
Ҳайрат ичра қолди бу тун одамлар.
Мангулик салтанат кошонасидан
Минг йилларни кўзлар беун эҳромлар!

1976

[1] Миср эҳромлари қошида тунда намойиш қилинадиган «Ёғду ва садо» томошасига ишора

ФАЛЛОҲЛАР

(станслар)

I

Умид кўзин ерга тикиб,
Ердан излаб ризқу рўз,
Мажнунтолдай қаддин букиб,
Хохи кеча, хоҳ кундуз,

Дунёнинг бир пучмоғида
Жони келиб халқумга,
Тирикчилик сиртмоғида
Умри ўхшаб заққумга,

Судраб турмуш аравасин,
Қирчанғидай чираниб,
Тополмайин калавасин.
Тойғоқ йўлда сирғаниб,

Ўз умридан ўкингандай,
Оворадир фаллоҳлар.
Тутдай пишиб тўкилгандай,
Дилпорадир фаллоҳлар!

2

Белга тугиб қора нонин,
Чориқ билан қўш ҳайдаб,
Аямасдан ҳатто жонин,
Дилда армони кайнаб,

Қуриганда танда дармон,
Омочига суяниб,
Ҳўкизига босиб гаврон,
Ризқи учун куйманиб,

Ўзи емай, сепиб ерга
Топган-тутган уруғин,
Топингандай дала, қирга,
Кидириб иш йўриғин,

Экин экиб кечга қадар,
Хориб қайтар фаллоҳлар.
Яна эса туриб сахар,
Ерни ўпар фаллоҳлар!

3

Ниш отганда ердан уруғ,
Кўзларига ёш келиб
Ва заминга қилиб қуллуқ,
Оилага бош бўлиб,

Чархпалакдан ҳўкиз билан
Ерига сув чиқариб,
Тақдирига бергандай тан,
Ғам бўзасин сипқариб,

Жазирама саратонда
Экинга солиб ўрок,
Янчилганда дон хирмонда,
Бағри гирён яқо чок!

Заминдорлар ҳийласидан
Боши эгик фаллоҳлар.
Деҳқончилик қисматидан
Қадди букик фаллоҳлар!

4

Бор ҳосилнинг учдан бирин
Зўрға олиб ўзига,
Тирикчилик эзиб умрин,
Ғусса тўлиб кўзига,

Қозонида ҳафтада бир
Ёғлик шўрва қайнамай,
Ўйнамасдан қўлда капгир,
Думба палов дамламай,

Суюк ошни кўриб баҳам
Бола-чақаси билан,
Қаро тунда ёқишиб шам,
Бағрин эзиб дард-ситам,

Яна тонгни кутиб дардманд
Барвақт турар фаллоҳлар.
Дилга этиб жонин пайванд,
Ризқин сўрар фаллоҳлар!

Нил соҳили,
1976

СФИНКС

Миср эҳромларин остонасида
Сфинкс ётибди буюк, улуғвор.
Илоҳий кудратли тош танасида
Инсон билан шернинг гўё қони бор.

Эҳромларнинг мангу кўрикчисидай,
Узаниб ётибди Сфинкс содик.
Фиръавн Хеопс кўрикчисидай,
Кўзида олмосу кипригида ўқ.

Инсон шамойили, ақлу закоси,
Шернинг куч-кудрати унда мужассам.
Мозийнинг офтобдек ёркин даҳоси
Сфинкс қошида ичгандир қасам.

Юзига тик боқсанг, ўхшар инсонга,
Ёнидан қарасанг, шер дейсан гўё.
Инсон билан шерни солиб хумдонга
Сфинксни гўё яратган дунё.

Тани пайванд бўлиб икки мавжудот,
Сфинкс рамзида кўрсатган жамол.
Унга ном қўйганда, балки, Геродот,
Музаффар юнон деб қилгандир хаёл.

Йўқ, асло! Юнонмас, бу сеҳри қудрат,
Кўрки ҳам ўхшамас фарзанди Нилга.
Вале ҳайкалтарош этгану журъат
Сфинкс сиймосин кашф этган элга.

Шундан буён тинглаб инсонлар оҳин,
Дардини кўнглига қулфлар Сфинкс.
Кунчиқар томонга тикиб нигоҳин
Нил билан офтобни кутлар Сфинкс.

Ортида — эҳромлар анқайган беун,
Кимсасиз ҳувиллар Фазо саҳроси.
Қошида — дарёи Нилгадир мафтун
Мисрнинг серғавғо ал-Қоҳираси.

Мен эса Сфинкс қошида танҳо,
Кўзларим узолмам сеҳри эҳромдан.
Буюк меъмор қулдай нола қилар, о,
Гўё май сипқориб дарз кетган жомдан.

Ҳайкалтарош бўлса ўзи яратган
Сфинкс руҳига этганда қасам,
Эҳромлар бошида кун бўлиб қотган
Мангулик тахтига қўйгандир қадам.

Қулларнинг кўзгудай шаффоф армони
Эҳромлар тошидан синганда чил-чил,
Фиғони қуюндай босган саҳрони —
Тарк этиб, аждардек тўлғангандир Нил.

Миср эҳромларин остонасида,
Сфинкс ётибди буюк, улуғвор.
Илоҳий қудратли тош танасида
Инсон билан шернинг гўё қони бор!

Фазо,
1976

ҚОҲИРА МИНОРАСИДА

Мени этди сайри Нил
Қоҳира минораси,
Офтоб билан топди тил
минора ситораси.
Мен осмони фалакдан
ташладим ерга назар,
Жон риштасин этди қил
меъморлар ихтироси.

Шаҳри азим ястаниб
ётар қирғоғи Нилда,
Баҳор каби ясаниб
боқар гулбоғи Нилда.
Мен битта ўзбек эса
Нил бошидан тўксам зар,
Ул хуснини қизғаниб,
яйрар қароғи Нилда.

Қоҳирага мафтун Нил
ўз кўркидан сархушдай,
Африкага фусун Нил
кўринади бир тушдай.
Мен хаёл тулпорида
мозийга қилсам сафар,
Ўз дардидан мажнун Нил,
қаноти куйган қушдай.

Фиръавнлар мақбараси
посбондай Нил бошида,
Дунё лол шажараси
акс этар Нил тошида.
Менга саҳройи Фазо
васли бўлса муяссар,
Эҳромлар манзараси
балқар Нил қарашида.

Асвонга бош уриб Нил
ўпди фаллоҳ пойини,
Саҳрода тахт қуриб Нил
узатди кўк чойини.
Мен ватандош дўстгинам,
сенга ўқирдим ашъор,
Ўз бахтини кўриб Нил,
гул қилгач, чиройини.

Кўкка бериб нилий ранг,
кўзгу бўлди кунга Нил,
Кунни чил-чил этгач санг,
йиғлаб боқди тунга Нил.
Мен кун билан Нил васлин
кузатдим оқшом қадар,
Вале Фазо солгач чанг
сингди гўё қумга Нил.

Мени этди сайри Нил
Қоҳира минораси,
Офтоб билан топди тил
минора ситораси.
Мен осмони фалакдан
ташладим ерга назар,
Жон ришталсин этди қил
меъморлар ихтироси!

Қоҳира,
1976

ФАЛАСТИНЛАР

(станслар)

1

Яқин Шарқда баҳри хун бўлиб,
Ҳасратидан ловиллаб осмон,
Мухтожликда дийдаси тўлиб,
Ёт элларда кезиб саргардон,

Ўз юртидан қувғин ва гадо,
Она тупроқ висолига зор,
Ранги рўйи сўлғин, қахрабо,
Дашту чўлда чекиб ғам, озор,

Элдан-элга дайдиб бемакон,
Юзларига санчилиб қумлар,
Юрагидан чак-чак томиб қон,
Нажот излар фаластинлар.

2

Чорак аср чекар оҳ-фиғон,
Ватанидан жудо бўлган эл,
Сионистлар макридан гирён
Сабр косаси лим-лим тўлган эл.

Қасос ўти ўртаб бағрини
Муштларини туйганча маҳкам,
Ғанимига сочиб қахрини,
Фаластинга қўйгали қадам,

Нафрат билан қалқиб оёққа,
Ёв кўзидан оқизиб хунлар,
Қасам ичиб, она тупроққа
Даво излар фаластинлар.

3

Шарқ қалбига солиб ғалаён,
Кўзларида ғазаб вулқони,
Нафратлари тошиб беомон,
Томирида кўпириб қони,

Бир зарб билан тепкини босиб,
Ёш бошига солиб маломат,
Қўлларини дор қилиб осиб,
Ўз тупроғин этгани обод,

Юрагида ўч ва интиқом
Алангаси гуриллаб тунлар,
Бунёд этиб метин истеҳком
Сафланадир фаластинлар.

4

Пўлат занжир сингари сафлар
Бирлашади ҳалқама-ҳалқа.
Сафга туриб оташнафаслар
Гурас-гурас ошиқар олға.

Одимлари шаҳдам, залворли,
Елкаларда музаффар курол.
Қарашлари бургут виқорли,
Бир-бирига дейди: «Қурол ол!

Жангга киргил, адолат учун,
Зое кетмас қувғинди кунлар».
Башарий бахт-саодат учун
Отланадир фаластинлар!

5

Қозонажак адолат зафар,
Тутилса ҳам қораймас қуёш.
Ғаним бошда тутса ҳам ханжар
Эгилмайди сира мағрур бош.

Мағрур бошлар кўпдир бу элда,
Арофотдай ботир, довюрак.
Уфқдаги туташган йўлда
Арафадан хабар беражак.

Кўк тоқига чирмашиб борар
Яқин Шарқда олов тўлқинлар,
Отажак деб тонги музаффар
Мағрур боқар фаластинлар!

6

Фаластинга нажоткор қўлин
Узатганча эркпарвар башар,
Осон қилмоқ учун мушкулин
Жафокаш эл дарди-ла яшар.

Сионистлар мисоли чаён
Сўнгги дамда чақмоқда ўзин.
Манфурлиги бўлган-чун аён
Чўқимоқда бир-бирин кўзин.

Қайраганча қасос қиличин
Ёвкур боқар кўкси метинлар.
Душманидан олгали ўчин
Қўзғоладир фаластинлар!

Фаластин,
1976

ЎЗБЕКИСТОННИ СОҒИНИБ...

Қайда қолдинг, Ўзбекистон,
ўзлигингдан бер хабар,
Сўзинг уқса, балки уммон
бехатар бўлгай сафар.

Кўк ҳам унга бергай садо
сен агар қилсанг нидо,
Йўқса, соғинч қилиб туғён
қалбдан ханжар ўтказар.

Сенинг бирлан боди сабо
тоғ ошиб берса сафо,
Бошим маним ўпиб осмон,
кун сочар йўлимга зар.

Мулки Араб айлаб наво,
боқди менга Нил қиё,
Малта бирлан зордир Юнон,
дафнаи Рим тожи сар.

Гар сайри Турк бир муддао,
орзуинг айлаб бажо,
Билсанг, Барот, Ўзбекистон
сен билан бирга кезар!

Искандария — Триполи,
1976

ЧИРОҚЛАР

Каҳкашон тоқидан тушган юлдуздай,
Денгизда милтиллаб қолар чироқлар.
Қирғоқни излаган умидвор кўздай,
Қора кун қўйнида порлар чироқлар.

Кемалар тўшини уриб тўлқинга,
Чироқ-ла бир-бирин дардин сўроқлар.
Нажот уруғини сочгандек тунга,
Тўлқинлар уфқидан боқар қирғоқлар.

Фалокат рўй берса денгизда агар,
Бир-бирига кўмак берар чироқлар.
Турли мамлакатлар бунда учрашар,
Учрашар денгизчи дўсту ўртоқлар.

Барча денгизчининг қисмати бирдир,
Бирдир васли айём, бирдир фироқлар.
Бирдир шодлик дами, кулфати бирдир,
Бирдир кутиб ётган яқин-йироқлар.

Бирдир борадиган бандаргоҳи ҳам,
Бирдир сайр этажак нотаниш боғлар.
Бирдир денгиздаги кудратли олам,
Бирдир ўз юртида учрашув чоғлар.

Сайёҳ қисмати ҳам чироқлардадир,
Чироқлар, ёт бўлсин, сизга фироқлар.
Ёдингиз миллионлаб юраклардадир,
Сизларга интизор боқар нигоҳлар.

Денгиз чироқлари, сўнманг ҳеч қачон,
Ёр бўлсин сизларга бахтиёр чоғлар.
Дунёни қуёшдай сайр этинг омон,
Сизларни қутласин доим қирғоқлар!

1976

НАВБАҲОР

Табиат уйғонди уйқудан,
Эсди шўх, денгизнинг шамоли.
Далалар тўлғанди туйғудан,
Ёришди офтобнинг жамоли.

Чопишди булутлар барқ уриб,
Тоғларга урилди бошлари.
Чақмоғин чақди-да, барқ уриб,
Даштларга тўкилди ёшлари.

Сабзалар танига жон олиб,
Қуёшга узатди найзасин.
Яйловлар бағрига завқ солиб,
Чўпонлар янгратди най сасин.

Дарахтлар уйғонди тонг билан,
Япроқни туш кўрди куртаклар.
Тўрғайлар сайради шўху шан,
Соф ҳаво симирди кўкраклар.

Одамлар унутди мунгини,
Юзида барқ урди табассум.
Завқу шавқ чулғади кўнглини,
Бахтини этгандек тараннум.

Далаю дастгоҳга отланди,
Англади ўзининг кимлигин.
Истиқлол тонгидан шодланди,
Бузгандек борлиқнинг жимлигин.

Шодлиги дарёдай жўш уриб,
Қуёшга айтганча шўх алёр,
Ливия қалбида ниш уриб,
Жилмаяр сурурли навбаҳор!

Триполи,
1976

СОБРАТ ХАРОБАСИ

Денгиз бўйи, боқар жулдур
Қадим Собрат[1] харобаси.
Ўтиб кетди гулгун умр,
Сўнди кўзда шарораси.

Фақат эслаш кайфи қолди,
Тўлқинларга боқиб маҳзун.
Сувга қараб кўзи толди,
Қирғоқларда кўриб афсун.

Румо билан бахс, рақобат
Қил анлари тушга ўхшар.
Шарққа садо берган Собрат
Ёшлигини ёниб қўмсар.

Мулки Юнон оғзин боғлаб
Қўйган кунлар энди армон.
Мангуликка ўзин чоғлаб,
Юрган тунлар унга дармон.

Собратнинг тош иморати
Кўрди юнон томошасин.
Румнинг бир ишорати
Бузди умр кошонасин.

Боқийликка қўл узатиб,
Яшагани бўлди сароб.
Шарқ мулкига гул тузатиб,
Турган Собрат энди хароб.

Дунё боқий, вале унда
Бор нарсаки омонатдир.
Умр эса зўр тўлқинда
Қалқиган бир иморатдир.

Ўкинмагин мунча, Собрат,
Кўзларингга чўкмасин ғам.
Қилмоқ учун бир зиёрат,
Бахтдир сенга қўймоқ қадам!

1976

НОТАНИШ ҚИРҒОҚЛАР

Нотаниш қирғоқлар менга олисдан
Ҳаётнинг бешиги бўлиб кўринди.
Қалбим гўлқинланиб қувончли ҳисдан
Минглаб дераза лар кулиб кўринди.

Ул олтин бешикни тебратиб турган
Одамлар пойига топингим келди.
Мендек сайёҳларни қанчалаб кўрган
Қирғоқлар қошида бошим эгилди.

Нотаниш қирғоқлар танишдай гўё
Менга қучоқ очди уммон сайрида.
Қаршимда жонланиб ўзга бир дунё,
Менга кулиб боқди жаҳон сайрида.

Туйғу тулпорига босолмай эгар,
Жиловин тутолмай қолдим армонда.
Чавандоз бўлсам-да, дўстлар, бу сафар
От сурмай, лол қолдим ўзга майдонда.

Ва лекин кўксимда дукурлаб бир от,
Томирда қонимни қилди пўртана.
Хаяжон чашмасин сипқорди-да, бот,
Нотаниш қирғоқда қурди тантана.

Истанбул завқидан сархуш бу тулпор,
Мармар денгизига тўшин ургандир.
Изидан мунғайиб қолганда Босфор,
Дарданел қўйнида базм қургандир.

Ўрта ер денгизин тўлқинларида
Сурия қирғоғин кўзлагани рост.
Машҳур Латакия оқ тунларида,
Мисрнинг дардидан сўзлагани рост.

Искандар шаҳрида туёқларидан
Ўт чақнаб, отланган ал-Қоҳирага.
Ёғду ва самонинг чироқларидан
Кўзлари қамашган сал Қоҳирада.

Триполида қўним топди-да бир дам
Ла-Валлетта сари йўлга тушди у.
Неапол кўксига қўйгали қадам
Малтани тарк этди мисоли оҳу.

Рим билан Афина бўлиб интизор,
Унинг йўлларига боқади тунлар,
Помпей эса тўқиб мунгли бир ашъор
Сени кутар, дейди кумуш тўлқинлар.

Сицилия қўйиб пойига бошин
Туёғин гардини қилар тўтиё.
Ва яна Истанбул тўкиб кўз ёшин
(Бу тулпор изида) қилади дарё.

Она юрт қирғоғи қайтгин деб омон,
Термилиб ётибди Қора денгизга.
Бошим омон бўлса, Ватан — онажон!
Нотаниш қирғоқдан қайтурман Сизга.

1976

[1] Собрат — Триполи шаҳридаги қадимий хароба

МАЛЬТА

Ўрта ер денгизин қучоқларида
Бир гўзал ётибди қилиб таманно.
Тўлқинлар шов-шуви қулоқларида
Куну тун жаранглаб дейди тасанно.

Ғаввослар денгиздан марварид излаб,
Маржон шодасини тақар бўйнига.
Ва битта бўсанинг дардида бўзлаб,
Умид билан келар қирғоқ бўйига.

Кемалар денгизга лангарин ташлаб,
Ҳусни камолини қилар томоша.
Сайёҳлар севинчдан кўзларин ёшлаб,
Васлига ошиқар тоғлардан оша.

Савдогар келади молин сотгали,
Мальта бозорини қизитайин деб.
Рассомлар келади нигоҳ отгали,
Ва яна ҳуснига бермоқ учун зеб.

Дилбар овозини тинглаб бастакор,
Кипригидан ясар танбур торини.
Ишқида шоирлар бўлиб беқарор
Илҳом парисига айтар зорини.

Меъморлар эса-чи, кўнгил мулкидан
Бир қаср қурай, дер ўша санамга.
Олимлар тутганча оппоқ қўлидан,
Тонггача бош эгар каҳрабо шамга.

Ҳарбий кемаларнинг аждаҳо тўпи
Тортмоқчи бўлади уни домига.
Ғаним самолёти титратиб кўкни,
Заҳар солай дейди олтин жомига.

Ғаними милтиғин турибди ўқлаб,
Гулзорни пошнаси қилмоқчи пайҳон.
Менга кучоғингни оч, дейди дўқлаб,
Йўқ эса қилурман ер билан яксон.

Денгиз маликасин ранг-қути ўчиб,
Сочлари паришон тўзғир шамолда.
Ўз она халқига у қасам ичиб,
Қиличин суғуриб турар оролда.

Сайри уммон ичра мени, эй Мальта,
Тонгда кутиб олдинг қизил гул билан.
Ёв келса бошини кесардинг шартта,
Қиличнинг сопини тутган қўл билан.

Мальта, майли, сенга келсин сайёҳлар,
Келсин рассом, шоир, бастакор, меъмор.
Лек маъсум қалбингда қўзғатиб оҳлар,
Қилич кўтарганлар келмасин зинҳор!

Ла-Валлетта,
1976

РАДИОГРАММА

Малтани тарк этиб кетар онимда,
Менга келиб тегди ёрнинг муждаси.
Севинч ёши сузиб кўз уммонида,
Маржон териб олди унинг мижжаси.

Руҳимга югурди ажиб бир сурур
Ҳам висол боғидан тутди гулдаста.
Айрилиқ қалбимга қулдек ялинур,
Жигархун бағримни этма, деб хаста.

«Болалар саломат, ҳаммаси аъло,
Яхши хордиқ тилаб, сизнинг Сурайё!»
Бу илиқ сўзларда бир дунё маъно,
Самимий муҳаббат, меҳр ва вафо!

Бу сўзлар мен учун қанчалик зарур,
Қанчалик мадордир юртдан йироқда.
Зулматни тилкалаб ташлагандек нур,
Жонимга жон бўлди мужданг фироқда.

Мен билмас эканман, сенга суяниб,
Сенга ҳам тоғ бўлиб қолганлигимни.
Ишқинг оташида ёниб, ўртаниб,
Сенинг ҳам қалбингга ўт солганимни.

Мен эса зор бўлиб ширин сўзингга
Нотаниш юртларда оворадирман.
Бир лаҳза боқолмай ўтли кўзингга
Соғинч гулханига парвонадирман.

Болалар ўзига ипсиз боғлашиб,
Оёғим тушовлаб қўйишган экан.
Мен эса бу хисни сездим эл ошиб,
Бегона диёрни этганда маскан.

Сенинг муждангдаги тўққиз илиқ сўз,
Тўққиз диёрнимас, боғлаб нур қанот,
Тўққиз қават осмон ва минглаб юлдуз
Сайрига чорлайди мени умрбод.

Мужданг учун раҳмат, азизим, сенга,
Раҳмат, сен бахтимга борлигинг учун!
Бу — бир дунё шодлик бахш этди менга,
Фироқда мехрингга зорлигим учун!

1976

ДЕНГИЗ ТОМОШАСИ

Тўлқин билан шамол жангин денгизда
Биринчи саҳнаси бошланган.
Ваҳима чашмаси билтиллаб кўзда,
Игнадек киприклар ёшланган.

Палубага тулқин солади чангал,
Қорайиб кетгандир юзлари.
Шамол билан бунда кўтариб жанжал
Кумушга айланган излари.

Сайёҳлар юрагин ҳовучлаб олган,
Кемамиз — пистанинг пўчоғи.
Анордек юзларнинг ранги йўқолган,
Даҳшатдир — денгизнинг кучоғи.

Чайқалиб чайқалиб бешиктебратдай,
Неапол қўйнига сузиб боради.
Долғага дош берган буюк кудратдай,
Тўлқинлар жангини бузиб боради.

Сайёҳлар мўлтирар каютасидан
Кўзларда илтижо, раҳм ва шафқат,
Денгиз саҳнасининг энг ўртасидан
Оқариб кўринар сароб бир хилқат.

Ўзининг ҳоли танг ва лекин улар
Ўйлайди уйини, бола-чақасин.
Кўнгли йиғласа ҳам лаблари кулар,
Мунғайиб жилмаяр, ушлаб ёқасин.

Аския ё ҳазил тоғдай юк бўлиб,
Елкасини эзиб қўйиши мумкин.
Ё кўнгил чокидан дарди тўкилиб,
Денгиз ҳам бир зумда куйиши мумкин.

Ҳол сўраб борсангиз, майин жилмайиб,
Қачон тинар, дея мунгли боқади.
Яқинроқ қолдими Неаполга, деб,
Кўзидан ҳасратнинг наҳри оқади.

Денгиз томошасин сўнгги саҳнаси —
Ҳаёт-мамот жанги бошлангани йўқ.
Сукунат — денгизнинг зўр кушандаси
Ҳали уммон ичра топмаган ҳуқуқ.

Эй денгиз! Тўхтатгин бор томошангни,
Биринчи саҳнаси етарли бизга.
Тўлқинда титраган чўнг кошонангни
Кўргани чиқмовдик билсанг денгизга.

Қўйгил, бу томоша этмасин давом,
Тўфоннинг бир лаҳза тинсин нафаси.
Қисматини сенга топширган одам,
Мангу бўлмасин, дер сўнгги саҳнаси.

Ла-Валлетта — Неапол,
1976

ЮНОНИСТОНГА

Салом сенга, Юнонистон,
Аристотел макони!
Келди ошиб бешта уммон
Навоийнинг ўғлони!

Эй, илму фан бешигини
Тебратган қадим макон,
Эй, тарихнинг эшигини
Ланг очган дарвозабон!

Софоклнинг уйин кўрсат,
Шоҳ Эдипдан сўрай ҳол!
Гераклнинг тилин ўргат,
Иштиёқим бор хиёл.

Эсхил менга Акрополда
Ўқиб берсин бир асар,
Орфей билан бир тулпорда
Коринфга айлай сафар.

Эпикурнинг қўлин ўпиб,
Сўйлаб берай Гомердан.
«Илиада» мадҳин кўриб,
Шод бўлсин Миртемирдан.

Гомер руҳи қайда яшар,
Қайдадир «Одиссея».
Бугун унга гулдан чамбар
Олиб келди Осиё.

Борган эди қилич тутиб,
Самарқандга Искандар,
Қайтди, лекин шароб ютиб,
Афросиёб солгач, жар.

Лек мен эса, Юнонистон,
Сенга келдим бўлиб сайёҳ.
Қиличимдан томмайди қон,
Юрагингдан инграмас оҳ.

Акрополдан боқдим сенга,
Тоғдай тутиб кўкрагимни.
Дарё бўлиб оқдим сенга,
Машъал айлаб юрагимни.

Сочиб турса қалбим ёғду
Сени этгум гўзал достон,
Билма сира ғам ва қайғу,
Гомер юрти — Юнонистон!

Афина,
1976

АГАМЕМНОН ТОҒИ ҚАРШИСИДА

Рўбарўда турар бир тоғ
лол айлаган достонларни,
Кўкрагида қолган не доғ —
ўртар ҳамон инсонларни.
Агамемнон тоғидир бу,
мулки Юнон бошига тож,
Елкасида мисли чирок,
тутиб турар осмонларни.

Бу тоғ эмас, гўё боқар
Агамемнон юлдузларга,
Нигоҳ ташлаб қўяр хумор
кун чўмилган денгизларга.
Ул чалқанча ётур, ана,
тоғ бошида паҳлавондек,
Табиатга бермай озор,
мафтун боқар кундузларга.

Кўз олдидан ўтар оқиб
хотиротнинг дарёлари,
Трояда чамбар тақиб
қутлаган эл даҳолари.
Касандра висолига
етган базм оқшомлари,
Шухратидан замин қалқиб,
Юнон ҳам лол дунёлари.

Троядан қайтарди шод
афсонавий Аргос шоҳи,
Ғалабадан кўнгли обод,
йўқдир зарра дилда оҳи.
Клитемнесра билан Эгисф
қилди ногоҳ жонига қасд.
Умр уйи бўлиб барбод,
мангу сўнди ўт нигоҳи.

Рафиқаси топиб жазман,
яна қилса эрига қасд,
Нечун қулаб кетмас осмон,
нечун тоғлар бўлмагай паст!
Элни тутган шухратингни
айлагали ер-ла яксон,
Тош отди-я сенга, Юнон,
фитна қилиб икки нокас.

Эл йиғлади кийиб қаро
тоғ бағрини Ватан айлаб,
Юраклари бўлиб яра
оқ шоҳини кафан айлаб.
Касандра сочин юлиб
Агамемнон қабри узра,
Бағрин тилди мотамсаро
ўлгунича қасам айлаб.

Агамемнон топди макон
баланд тоғнинг ёнбағридан,
Шухрат тожи бўлиб яксон
боқди Юнон ғам бахридан.
Аламидан ўксиб Гомер
олганида қўлга қалам,
«Илиада» ургандай бонг,
садо келди ер қаъридан.

Минг йилларким, янграр ҳамон
жаҳонда бу юксак садо,
Бу садога бахш этди жон
Гомердай энг буюк даҳо.
Агамемнон тоғи абад
турса Юнон тупроғида,
Мангу яшар Агамемнон,
боқий эрур «Илиада»!

Пирей,
1976

АФИНА МАНЗАРАЛАРИ

Уч томони баланд тоғ,
Бир-бирига пайванд тоғ.
Афинага роз айтар
Уч ботирга монанд тоғ.

Тоғлар аро Афина
Қўлига қўйиб хина,
Чўққиларга ёлворар,
Тош отма деб кўксима.

Чўққилардан жилғалар
Чулдирашиб, жилвагар,
Афина қулоғига
Тақар кумуш сирғалар.

Тоғ бағридан ўрмонлар,
Тошга битиб достонлар,
Қуламангиз зинҳор дея,
Кўксин этар қалқонлар.

Қоя узра Акропол
Қуёшдан кутиб иқбол,
Оёғига бош урган
Афинадан сўрар ҳол.

Афина дер: шухратинг,
Тоғдай собит кудратинг,
Менмас бутун дунёни
Лол айлади санъатинг.

Сенинг қошингда қадим
Ҳайкалим бордир маним.
Мендай маъбуда бирлан
Фахр этарди ватаним.

Шунинг учун Юнонга,
Кўҳистонли бўстонга.
Эл қўйди маним отим,
Довруғ сол, деб жаҳонга!

Уч томони баланд тоғ,
Бир-бирига пайванд тоғ,
Афинага роз айтар
Уч ботирга монанд тоғ!

Афина,
1975, баҳор

ПАРФЕНОН

Аттиканинг тоғларига
бахш этиб кўрку ҳашам,
Афинанинг боғларига
афсунгар қўйиб қадам,
Харобалар қоя ичра,
мозийдан сўзлаб достон,
Боқар гулгун чоғларига
Парфенон[1] хар субҳидам.

Олқиш айтиб хайкалтарош
Фидийнинг даҳосига,
Эгиб гўё гаъзимга бош
Иқтининг закосига,
Калликрат[2], Перикл[3]
руҳига айлаб қасам,
Бағридан жой олмиш қуёш,
манзур эл баҳосига.

Қуллар тоғда куриб бино,
дол бўл Парфенондан,
Якосини ошлаб дунё,
лол бўлди Парфенондан.
Мулки Юнон солди довруғ,
кирғоқдан тошди Эгей,
От сурдию унга Румо,
шол бўлди Парфенондан!

Зевснинг қизи — санъат-ҳунар
маъбудаси Афина.
Уруш билан шонли зафар
маҳлиқоси Афина,
Ҳайкалини Парфенонга
қўйгунча токи Фидий,
Илҳом берди унга шаҳар
маликаси Афина.

Аҳли Юнон севинчидан
кўкни ўпди Парфенон,
Етти иқлим ўкинчидан
тизин букди Парфенон,
Бу кажрафтор дунё ичра
манглайига тегиб тош,
Дўсту душман қиличидан
ерга чўкди Парфенон.

Бор савдога бўлиб гувоҳ
қулади тош устунлар,
Чанг-тўзонга тўлиб нигоҳ,
кўкка чиқди тутунлар.
Харобада сайраб бойқуш,
дилни эзди ноласи,
Парфенонда недир гуноҳ
тоғ бўлди-ку, кукунлар.

Чангал солди унга калхат,
тумшуғидан оқиб қон,
Бу — фашизм деган офат,
Юнонда сурди даврон.
Зулмат ичра оташланиб
бонг урганда Акропол,
Қалқди бирдан янги авлод,
довюрак ботир инсон.

Тикди унинг пештоқига
мулки Юнон байроғин,
Қўл чўзиб дўст-ўртоғига,
қўлга олди яроғин.
Тонг отганда порлар эди
Акрополда ол байроқ,
Афинанинг қароғига
бериб Эркнинг чароғин.

Аттиканинг тоғларига
бахш этиб кўрку ҳашам,
Афинанинг боғларига
афсунгар қўйиб қадам,
Харобалар қоя узра
мозийдан сўзлаб достон,
Боқар гулгун чоғларига
Парфенон хар субҳидам!

Афина,
1976

---

[1] Парфенон — қоядаги харобa шаҳар (Акропол).
[2] Калликрат — Парфенон меъмори
[3] Перикл — Парфенонни бунёд қилдирган подшо

СЕНИ ИЗЛАБ...

Сен томонга учди бир қуш
Афина қучоғидан.
Кўрган бўлсанг ширин бир туш,
Ўп, шу қуш дудоғидан.

У боғлардан учиб ўтар,
Тўш урар уммонларга.
Қояларни кучиб ўтар,
Кўрк берур бўстонларга.

Бу бир қушким, соғинчларим,
Митти қалбин ўртаган.
Нилдай тошқин севинчларим
Тоғлар оша йўллаган.

Унинг қора кўзларида
Дардларим ифодаси.
Мезон қолган изларида
Севгимнинг ҳикояси.

Бу қуш учди билсанг, жоним,
Навбаҳор субҳидами.
Томиримда қайнаб қоним,
Ёнганда кўзда шами.

Етти диёр дардларини
Юрагига этиб жо,
Паст-баланд йўл гардларини
Жонга этиб мўмиё.

Ишқ қўшиғин куйлаб нолон,
Учади сени излаб,
Йўлга чиққин тезроқ, жонон,
Сен ҳам тўрғайдек бўзлаб.

Кел, кафтингга қўнсин бир бор,
Бўйнидан ол хатимни.
Кўзларига боқиб хумор,
Ўқи муҳаббатимни.

Сен томонга учди бир қуш,
Афина қучоғидан.
Кўрган бўлсанг ширин бир туш,
Ўп, шу қуш дудоғидан!

Афина — Истанбул,
1976

СЕВГИ МЕҲРОБИ

Хориждан мен топингани
мехроб топмадим,
Надир мехроб, талпингани
офтоб топмадим.

Дардларимни қилиб гирён
ўртанди бу жон,
Чанқоғимни қондиргани
бир об топмадим.

Кўча-кўйда кезиб сарсон,
ранг-рўйим сомон,
Зор бўлиб бир ёлқингами
моҳтоб топмадим.

Йўқдир бунда дўсту улфат,
на бир мехрибон,
Жоним ором олдиргани
гулоб топмадим.

Севгим қуши сайраб нолон,
ўксийди ҳамон,
Дил ишқини ёндиргани
шароб топмадим.

Васлинг қўмсаб дилда армон,
эй, гўзал жонон,
Кезиб жаҳон, билсанг, сани
сўроб топмадим.

1976

БОСФОРГА

Яна келдим сенга, Босфор,
Очгил, жоним, қучоғингни.
Табиатга бермай озор,
Тутгил менга дудоғингни.

Қучай сени ошиқона,
Қўлларимни айлаб камар.
Бўса олай қона-қона,
Бошларингдан сочиб гавҳар.

Биласанми, маним, Босфор,
Бир дард қийнар юрагимни.
Сенга қилмай уни ошкор,
Истанбулдан излай кимни?

Сендан ўзга ҳеч ким маним
Тушунмагай дардларимга.
Кул бўлса ҳам ўтда таним,
Қулоқ солмас оҳ-зоримга.

Бир ой бўлди кетганимга
Ватанимдан узоқларга.
Сендан илк бор ўтганимга,
Мафтун боқиб қирғоқларга.

Шундан бери соғинч қуши
Юрагимда чекар фиғон.
Бир санамдир курган туши,
Ҳажрида мен тупурдим қон.

Ул яшайди сендан йироқ,
Бағри тоза қайғу-ғамдан.
Эслармикан мени бироқ,
Шод бўлса ҳам бу оламдан.

Насимингга айтгил, Босфор,
Кўнглин сўраб, қайтсин тезроқ.
Гар соғинган бўлса дилдор,
Берсин, майли, бир сиқим хок.

Кўзга суртиб, жон деб ўпай,
Озор бермай хаёлига.
Йўлларига дурдай сепай,
Етказгин, деб висолига.

Тошкентда ул кезар хандон,
Мен ёт элда мусофирман.
Сен кўп бўлма фидойижон,
Барибир мен мухожирман.

Бир кун қолди, топар поён
Жаҳонгашта мухожирлик.
Ўз элимда бермас нишон
Ғавғоли бу мусофирлик.

Бир кун колди, сен рухимга
Қанот бергил, қилсин парвоз,
Шавқ бўлгину шукуҳимга,
Соғинчимни қил сарафроз.

Қанча ишва, ғамзаларга
Қул бўлмасдан қайтаяпман.
Ботмай ғаму ғуссаларга,
Сенга дардим айтаяпман.

Мушкулимни қилиб осон,
Ёримга айт, борлигимни.
Билиб қўйсин ҳатто уммон,
Висолига зорлигимни.

Билсанг, ундан гўзал санам
Топилмагай бу дунёдан.
Ҳатто осмон мендан бир дам
Ажралмагай Сурайёдан.

Истанбул.
1976

БОСФОР КЎПРИГИДАН ЎТГАНДА...

Ўтдим Босфор кўпригидан
Қуёш кулиб боққанида.
Икки қитъа кипригидан
Висол ёши оққанида.

Қўлни-қўлга бериб маҳкам
Икки ботир турар гўё.
Ҳижрон дарди топиб барҳам
Учрашганди икки дунё.

Бошларидан ўтган савдо
Бўлган каби мангу унут.
Пайванд этиб қалбин гўё
Боқар эди икки бургут.

Кўприк турар тордай таранг,
Оёғида — икки қирғоқ.
Юрагида сирли оҳанг,
Босфор узра кўзи муштоқ.

Икки қитъа тақдирини
Гўё боғлаб турибди у.
Айриликнинг занжирини
Узганидан, дилда ғулу.

Бу кўприкдан ўтаётиб,
Босолмадим хаяжоним.
Туйғуларим қулоч отиб,
Чайқаларди қалб уммоним.

Икки қитъа — икки ёнда,
Лек пойимда битта тупроқ.
Шеърий бир завқ қайнар жонда
(Кўприк узра) мисли булоқ.

Мен одамзод орзусига
Қаноатни қилдим пайдо.
Бир боқдиму кўзгусига
Оромимдан бўлдим жудо.

Ахир инсон қилиб бино,
Ўзи лолдир бу санъатдан..
Машиналар курса пойга,
Кўзи лолдир бу шиддатдан.

Бу кўприкда буюк зако,
Ғолиб идрок мужассамдир.
Вале, Башар, сендай даҳо
Санъатига бу ҳам камдир.

Сен денгизда куриб шаҳар,
Космосни забт этган зотсан.
Васли ой ҳам бўп муяссар
Зухрога жом тутган зотсан.

Вале сенким, икки қитъа
Йўлларини боғлаб қўйиб,
Осойишни кута-кута,
Оқибатда қолма куйиб.

Дўстлик учун, кошки, Босфор,
Бу кўпригинг қилса хизмат,
Аҳли дунё сенга зинҳор
Қилмас эди сира миннат.

Тинчлик учун боғлаю бел,
Элда чиқар сен яхши от.
Дўст ахтариб, узатгин қўл,
Йўқлаб келсин десанг Барот!

1976

ИСТАНБУЛ СТАНСЛАРИ

1

Икки қитъа қароргоҳида
Тотиб ҳаёт аччиқ-чучугин.
Олтин Босфор бандаргоҳида
Сувга тушин айтолмай нигун.

Сармоядан бағри тилиниб,
Ўтли оҳи қизартиб кунни.
Бир юраги икки бўлиниб,
Ажратолмай кун билан тунни.

Аросатда қолиб беором,
Ҳайрон бўлиб умр тарзидан,
Ҳаёт қилмай шафқат ва карам,
Осмон тутар мунгли арзидан.

2

Кўк мачитнинг олти минори
Қўлларини чўзиб самога,
Дини ислом бўлиб шиори
Сажда қилиб олис Каъбага.

Канда қилмай бешвақт намозин,
Муаззинни тинглаб азондан.
Арши аъло тингламай розин,
Насибаси тушмай осмондан.

Шамшод кадди ёйдай эгилиб,
Тош меҳробга қўйиб бошини,
Дард-ҳасрати тутдай тўкилиб,
Қучиб ётар Босфор тошини.

3

Етти тепа кифтига миниб,
Термилганча дардкаш мозийга,
Сочларига оппоқ қор қўниб,
Бармоқ уриб мунгли созига.

Олтин тоғнинг канорасида
Асраб Миср ёдгорлигини,
Византия харобасида
Кўриб Румо меъморлигини,

Тўп қалъанинг хазинасини
Пинҳон айлаб қорачиғига,
Бекитганча қон сийнасини
Қалқон излар ғаним тиғига.

4

Мармар билан Қора денгизга
Ҳасрат билан ташлаб нигоҳин,
Кўзларига чўккан юлдузга
Излаганча иқбол даргоҳин,

Разолатнинг манфур қалбига
Киприкларин ўқ қилиб отиб,
Ханжар қадаб зулм қабрига,
Нафрат билан ғамларга ботиб,

Кемаларни чорлаб Босфорга,
Пок ният-ла ташла деб лангар,
(Дардларини этмай ошкора)
Маёғига боқиб, мунғаяр.

5

Тирикчилик аравасини
Кўчаларда судраса башар,
Йўқотгандай калавасини
Боши қотиб, ақли адашар.

Мушкулини қилгали осон,
Истиқболга термилар муҳтож.
Ер қаттиғу узоқдир осмон,
Силласини қуритган хирож.

Кишан солиб тортар оёқдан,
Жигар-бағрин хун этар буткул.
Ой тамғали нил ранг байроқдан
Нажот кутар бугун Истанбул.

6

Босфордаги кўприги ноёб
Тилла бошга кийгизгандай бурк.
Орзулари бўлмасдан сароб
Боқар унга Камол Отатурк.

Нозим Ҳикмат шеъриятининг
Садосидан тўлғанса шаҳар,
У излаган ҳурриятининг
Офтобидан нурланар башар.

Одимларда оҳанги сарбаст,
Юракларда залворли зарби.
Эрк деганнинг жонига пайваст
(Истанбулда) Нозимнинг назми!

Истанбул — Тошкент,
1976

НАЖОТ ҚИРҒОҒИ

Она юрт тупроғи — нажот қирғоғи,
Кўзимга чалинар сирли хилқатдай.
Мен учун ягона ҳаёт қирғоғи,
Хаёлим банд этар нурли хилқатдай.

Бутун борлиғимда ёниб эҳтирос,
Кўзимда тирқираб севинч ёшлари.
Қийқиргим келади болаларга хос,
Қорайиб кўринса қирғоқ тошлари.

Мендек бир сайёҳга силкитгандек қўл,
Дарахтлар шохини ўйнатар шамол.
Қирғоқдан хуш бўйин узатади гул,
Она юрт меҳридан эрийди хаёл.

Қалбим тўрин айлаб Ватанга пайванд,
Қадрдон қирғоққа сузар «Латвия»[1].
Тупроғин ўпмоққа кўнглим орзуманд,
Тезроқ суз, мен каби, эй муштоқ кема.

Одамлар севинчи юзидан аён,
Палуба ўхшайди Шарқ бозорига.
Қирғоққа термилар ҳамма нигорон,
Ҳамма ошиқади интизорига.

Ҳижронда менинг ҳам кўнглимнинг тори
Нозик бўлиб қолди жон риштасидай.
Висол айёми-ла битур озори,
Сен боқсанг, эй ёр, ишқ фариштасидай!

Она юрт қирғоғин кўрки бўлиб сен,
Тургандай туюлдинг хаёлан менга.
Ва лекин йўқлигинг билар эдим мен,
Яна қанча йўл бор етгунча сенга.

Қаерда бўлсанг ҳам мени кутасан,
Кутасан, кўзларинг йўлга интизор.
Сен деган чоғда мен ўтдан ўтаман,
Сувга ҳам кираман, эй, мунис дилдор.

Шунчалик соғиниб қолдимки сени,
Кўз ёшим киприкда турар омонат.
О, синаб кўрмоқчи бўлсанг гар мени,
Сели олиб кетса, қилма маломат.

Сенинг ёдинг билан она қирғоққа
Яқин қолганимни сезмабман, эй ёр,
Сен ахир яшайсан ўша тупроқда,
Бундан ортиқ менга қандайин бахт бор!

Кора денгиз,
1976

[1] «Латвия» теплоходига ишора

МАЖНУНТОЛ

(достон)

МУҚАДДИМА

Кузак эди, серфайз ва тўкин,
Толиқарди йўлларда карвон.
Очган эди бозорлар кўркин
Сехри билан қўли гул деҳқон.

Далаларда пахта хирмони,
Борар эди юлдузни кўзлаб.
Безарди ишқ хиёбонини,
Ошиқлар ҳам дардидан сўзлаб.

Тинч ва сокин йўл босар Анҳор,
Ўйнар эди боғларда хазон.
Менга ўқиб Ҳофиздан ашъор,
Сайр этарди шоири Эрон.

Саъдий тутса «Бўстон»идан гул,
Суханини безарди Хайём.
Лоҳутий ҳам унга бериб қўл,
Узатарди шароб тўла жом.

Шу шаробдан бир қултум ичиб,
Бир умрга бўлган эди маст.
Юрар эди осмонда учиб,
Ишқи ашъор жонига пайваст.

У Номаълум солдат қабрини
Маъюсгина этди зиёрат.
Ва сездирмай кўнгил зарбини
Сўйлаб берди ажиб ривоят.

I

Мусаллонинг кўркам бўйида
Ўсар эди бир туп мажнунтол.
Тушиб унинг ишқи кўйига
Лайлак боқди осуда ва лол.

Боғлар оша қилди-ю, парвоз
Хору хасни йиғди беармон.
Гул баргидан берди-ю, пардоз,
Мажнунтолда қурди ошиён.

Не асрдан буён мажнунтол
Роз айтарди тошқин дарёга.
Ўтпарастлар давридан хиёл
Олдин боққан эди дунёга.

Ошиён ҳам не-не тарихга
Гувоҳ бўлиб, сувга эгди бош.
Аянч қисмат сиғмас таърифга,
Кўзларидан оқди аччиқ ёш.

Юнондан от сурди Искандар,
Девдай солди араблар наъра.
Домга тортди Заҳҳокдай аждар,
Уни яксон айлади Кова.

Бу қиёмат, бу жангу жадал
Ошиённинг бағрида пинҳон.
Барчасига гувоҳ мажнунтол
Юрагида шунинг учун қон.

Гоҳ табиат ёмғири, дўли
Гоҳ баҳорда ёққан лайлак қор,
Гоҳ дарёнинг шиддаткор сели,
Мажнунтолга берарди озор.

Санчган каби кўксига ханжар
Синдирарди не-не шохини.
Баргларини юлқилаб минг бор
Буркситарди дилдан оҳини.

Оқ лайлакнинг ошиёни ҳам
Турар эди қалқиб, омонат.
Деворидан дарз кетиб кам-кам,
Вайрон бўлай дер эди, ҳайҳот!

Мазлумларнинг кўз ёши янглиғ
Тўкиларди сувга тупроғи.
Боши узра ғаним тутган тиғ
Зарбидандир дилдаги доғи.

Қаро тунда турди-ю, тўфон,
Қуршаб олди уни ҳар ёндан.
Мажнунтолни қўпориб шу он,
Жудо қилмоқ бўлди жонидан.

Тол тебранар, илдизи лекин
Узилмасди ернинг бағридан.
Ошиённинг толеи нигун,
Дод соларди тўфон жабридан.

Лайлак эса ёқасин ушлаб
Болаларин босар бағрига.
Ошиёнин кетмасдан ташлаб,
Бардош берар ғаним қаҳрига.

Яна хуруж айлади тўфон,
Ва оқизди кўздан ёшини.
Юрагини этиб лахта қон,
Хам қилдирди лайлак бошини.

Кошонасин тарк этиб лайлак,
Болаларин олмай ёнига,
Юрагидан қон оқиб чак-чак.
Шафқат қилмай ширин жонига,

Тўфон сари юрди юзма-юз,
Кўкрагини айлади қалқон.
Дош беролмай ғанимга, афсус,
Яраланиб йиқилди шу он.

Қалқир эди ошиён ҳамон,
Болалари чекарди фарёд.
Қарс-курс синар шохлар беомон,
Мажнунтол ҳам солар оҳу дод.

Бошпанасиз қолган не гўдак,
Чирқирашиб қолди тўфонда.
Яраланган шўр она лайлак
Ётар эди беланиб қонга.

Тарк этишиб она ошёнин,
Қанотлари қайрилиб, ҳолсиз,
Ҳовучлашиб қўлида жонин,
Тўфон ичра қолиб мажолсиз,

Олға елар етим гўдаклар,
Гоҳ йиқилиб, гоҳ қилиб парвоз.
Ҳолдан тойиб зўрға эмаклар,
Чор атрофда қўрқинчли овоз...

II

Бу қадимдан қолган ривоят,
Кўпни кўрган бувим чўпчаги,
Ҳақиқатга яқиндир ғоят,
Ахир бор-ку, денгизнинг таги.

Ахир қўлда кўтариб қилич,
Босган камми ўзга диёрни.
Ривоятнинг мағзин десам пуч,
Билолмасдим дўсту аёрни.

Ўтиб кетди тўфонли замон,
Ўлиб кетди она лайлак ҳам,
Болалари бўлса-чи, ҳамон
Онам, дея чекар қайғу-ғам.

Мусаллонинг бўйидаги тол,
Тўфон ичра қолган ошиён,
Бошларига тушган аянч ҳол,
Онасининг бўлгани қурбон.

Бошпанасиз, бўлиб дарбадар,
Тополмасдан дардига даво,
Кезганлари қолиб оч-наҳор.
Хотиридан чиқмади асло.

III

Мен ҳам ўша етимлар мисол
Кўп савдони кечирдим бошдан.
Силаганча бошимни иқбол,
Яралганман, дер эдим тошдан.

Мен ҳам ўша етимлар мисол
Мажнунтолнинг фироғида мен.
Кўрсатгунча ошёним жамол
Мусаллодан йироқдаман мен.

Чўллар аро тоғ этагида
Ястангандир жаннатдай диёр.
Сафобахш бир толнинг тагида
Онам қурган ошиёним бор.

Кўз олдимда ўша мажнунтол,
Сўлим маскан жонланар гоҳо.
Қариндошлар қошида хушҳол
Суҳбат қурган бўламан гўё.

Улар менга лайлак ошёни
Тўғрисида сўзлашар тағин.
Мажнунтолга келган тўфонни,
Ўлдирганин лайлакни ғаним.

Мусаллонинг кўркам бўйида
Ҳамон турар ўша мажнунтол.
Қаримоқлик келмай ўйига
Она-Ерга бош эгмиш хушҳол.

Тирилганмиш она лайлак ҳам,
Ғолиб келган эмиш тўфондан.
Болаларин излаб, чекиб ғам,
Бағри доғмиш ҳамон ҳижрондан.

Ўша лайлак — бизнинг онамиз,
Излар эмиш уфқдан бизни.
Биз ҳам онам дея ёнамиз,
Оқлайлик деб нону тузини!

ХОТИМА

Ривоятга қўйди-ю, нуқта,
Бир эътикди шоири Эрон.
Унга дардин этиб омихта,
Ҳақиқатга келтирди имон.

Кипригида ёш бўлди пайдо,
Ва кўзимга мунгли тикилди.
Ғурбат уни этгандек адо,
Кўнглида бор дарди тўкилди.

Сезар эдим дилдан, интизор,
Ризқинг агар бўлса бутун нон,
Унда озроқ кемтик жойи бор, —
Бир тишлатиб қолганми Эрон?

Сен бахтингни топсанг ҳам, даво —
Излаяпсан дарё кетган дилга.
Ватан дарди эрур бедаво,
Васли — шифо ёлғиз кўнгилга.

Мунг янграйди ҳамон созингдан,
Кел, шодликни куйлайлик бирга.
Мусалло ҳам шўх овозингдан,
Эрк боғида чулғансин нурга.

1975

ИРОҚ ҒАЗАЛЛАРИ

* * *

«Минг бир кеча» афсонадир,
топар эъзоз Бағдодда,
Шаҳризода афсун этар
оччанда роз Бағдодда.

Дил торлари титраб кетар
саргузашт ҳавосидан,
Самарқанду Тошкент гўё
топар пардоз Бағдодда.

Мен «Араби Мадина»[1] дан
келдим ийди рамазон,
Гарчи бунда гул фаслидур,
кўнглимда ёз Бағдодда.

Субҳи шомда майин-майин
эсди Дажла насими,
Ал-Фуротдан елган сабо
қилди парвоз Бағдодда.

Бобил қасрин кеза-кеза
хаёл ипи чувалди,
Ассурийлар рухи гўё
берди овоз Бағдодда.

Икки шаҳр: Карбалою
Нажафни дил истади,
Хурмозорлар мунча хуррам,
топдим эъзоз Бағдодда.

Амир Темур ҳам эсланди,
ёдланди Мир Алишер,
Аждодларим номи машҳур
Шарқда мумтоз Бағдодда.

Мулки Ироқ наволарин
мавжида қолди, Барот,
Олам аҳлин сел қилгали
янгради соз Бағдодда.

Бағдод,
14.04.90

* * *

Дажла бўйида чалди
Носир[2] «Чўли Ироқ»ни,
Куй авжида маст бўлиб
мавжлар ўпди қирғоқни.

Хурмозор боғлар оша
кўкка етди тарона,
Томошага чиқди ой,
юлдуз ёқиб чироқни.

---

[1] Араби Мадина — араблар Самарқандни эъзозлаб шундай дейишар экан

[2] Носир Шамма — Ироқнинг машҳур созандаси

Машриқ кўнгил торини
чертган каби муғанний,
Уд кўксида ўйнатди
навога жўр бармоқни.

Гўё Мажнун Лайли деб
дашти Карбало ичра
Ох уриб кезар сарсон,
тотиб майи фироқни.

Босраю Мосулга ҳам
етди унинг садоси,
Аҳли Ирок ошуфта
куйга тутди қулоқни.

Вайрона ишқ қасридек
Атра нола айлади,
Дардига таъмир даво –
у кўп чеккан қийноқни.

Аҳли Бағдод жам бўлиб
санъаткор даргоҳида,
Меҳр шароби билан
сийладилар қўноқни.

Уднинг дилбар навоси
саҳаргача қилди авж,
Куй сеҳрига чулғади
Носир мулки Ироқни.

Бағдод,
19.04.90

* * *

Сеҳру асрор диёри
азал дашти Карбало,
Ошуфта дил ушоққа
маҳтал дашти Карбало.

Қайсни Мажнун этиб у
ёқди Лайли васлида,
Жаннат туюлди унга
тугал дашти Карбало.

Шоирлар дафтарини
нақши нигор этди у,
Афсонага жон берди
аввал дашти Карбало.

Мажнундек ёна-ёна
кезар ҳар ён ошиқлар,
Ишқ даштида бўзлатди
ҳар гал дашти Карбало.

Севгучи қисматига
ҳижрон хати битилган,
Айрилиқ дўзахидан
афзал дашти Карбало.

Шу важҳдин аҳли ишқ
бош олиб кетар унга,
Гўё Эрам боғидек
гўзал дашти Карбало.

Назм мавзуи ишқдир,
мазмуни ҳажру висол,
Севги девони ичра
сайқал дашти Карбало.

Карбало,
24.04.90

* * *

Пулсиз сайёҳ Бағдодда
нақ гадога ўхшайдур,
Текин томоша деса
мубталога ўхшайдур.

Қатор-қатор иморат
гўзалликдан иборат,
Бир шаҳрки — Самарқанд,
Бухорога ўхшайдур.

«Очил дастурхон» каби
дўконлар кўзни олар,
Навбат кутган кимса йўқ,
афсонага ўхшайдур.

«Пижо», «Ниссан», «Тойоти»
чумолидек серқатнов,
«Волга» билан «Жигули»
бегонага ўхшайдур.

Ҳар қадамда таомгоҳ,
меҳмонхона беҳисоб,
Мадраса ила масжид
раҳнамога ўхшайдур.

Дажла кўприги узра
боқдим нахрул ҳаётга,
Ирок нефти туганмас
шу дарёга ўхшайдур.

Қай даргоҳда бўлмайин
мени кутиб олди хуш,
Аҳли Бағдод хеш ила
акрабога ўхшайдур.

Вале ошиқ аҳлининг
бошида ишқ савдоси,
Ишқ аро Бағдод дашти
Карбалога ўхшайдур.

Бағдод,
21.04.90

Меҳрнома

(туркум)

Болтиқдан то Ёқутистон —
Поёни йўқ барқутистон.
Ўхшаши йўқ диёр экан,
Ҳайратдаман, Ургутистон.

Оқ Иделдан то Энасой
Жамолида ўзга чирой.
Орол билан Бойкўл узра
Сайр этаркан самода ой.

* * *

МЕҲРНОМА

(Тожик халқига)

Жаҳон ичра курдинг бир
муҳташам бино, тожигим,
Кўрку жамолин кўриб,
лол қолди дунё, тожигим,
Айлаб мулки тожикка
жонингни фидо, тожигим,
Илми меъморга чекдинг
бебаҳо имло, тожигим.

Бу иморат завқидан
қалбда туғён қўзғалиб,
Кишвари олам ичра
мен сайри боғ этсам ғолиб,
Турди оёққа мозий
минбари кўшкдан сўз олиб,
Мушкул экан қисматинг,
кўзимга зиё, тожигим.

Мен башар кўзгусига
сени излаб солдим назар,
Қуёш билан тенгдош деб,
кўҳи Помир берди хабар,
Бошинг узра ғанимлар
тутмиш вале, конли ханжар:
Манглайингга отмиш тош
чархи бевафо, тожигим.

Кезиб боғи жаҳонни
дардингга ахтардинг даво,
Малҳам топмай жонингга,
андухга бўлдинг мубтало,

Жигару бағринг тузлаб,
бошингга ёғди минг бало,
Илми коинот ичра
эрсанг-да, доно, тожигим.

Сен тарих саҳнасида
мағрур бошингни эгмадинг,
Искандару Дорога
бир қатра кўз ёш тўкмадинг,
Қутайбаю Чингизга
ҳаргиз тизингни букмадинг,
Жанг аро балогардон,
эй, Сўғдиёна тожигим.

Ҳаёт-мамот жангидан
неча бор чиқсанг-да омон,
Мурувват қилмай дунё,
қалбингдан оқди лахта қон,
Шоҳу беклар дастидан
шому саҳар этдинг фиғон,
Бу фалакдан бошингга
тушди минг савдо, тожигим.

Ҳасратинг учқунидан
учди кўкдан не ситора,
Ой юзига қўнди доғ —
бўлмагин деб бахти қаро,
Абр эрса зор йиғлаб,
боқди сенга мотамсаро,
Охингдан куйиб офтоб,
ўртанди само, тожигим.

Кова бирлан Сухробдек
элда чиқардинг яхши от,
Темур Малик исёни
журъатингга берди қанот,

Рустамдек сарбон билан
қўйдинг мулки рўшнога от,
Эрк тупроғин кўзингга
айлаб тўтиё, тожигим.

Гўшаи зулмат ичра
ёқиб маърифат машъалин,
Сочдинг оламга ёғду,
кўз-кўзлаб қалблар
сайқалин,
Нур олди шуурингдан
Юнону Араб, Ҳинду Чин,
Ўрта Осиё ичра
умри Осиё, тожигим.

Мулки ғазалга бўлиб
Ҳофиз янглиғ шоҳу хоқон,
Сен Шарқдан қилсанг нидо
аксу садо берди жаҳон,
Фирдавсий бирла Хайём,
Саъдийдан баҳра топди
жон,
Бешиги назм узра
Рудакий бобо, тожигим.

Шамшод қаддинг дол айлаб,
пахта экқан деҳқон ўзинг,
Лойдан ясаб пиёла,
кўк чойга зор бир жон
ўзинг,
Каҳкашон тилсимини
фош айлаган инсон ўзинг,
Пахтакору ҳунарманд,
олиму доно, тожигим.

Икки юртни пиёда
сайр этса кимки масрур,
Бир қишлоғи тожигу
бир қишлоғи ўзбек эрур,
Ёхуд битта қишлоқдан
икки тил ҳам янграб турур,
Тўйбошию тобуткаш,
дўсту ҳамсоя, тожигим.

Бу дўстликнинг томири
теран чинор илдизидек,
Жомий бирла Навоий –
икки халқнинг юлдузидек
Балқар мозий кўкида,
бир кимса икки кўзидек –
Боқдинг мулки борлиққа,
мўътабар сиймо, тожигим.

Бу икки халқ доимо
бир-бирига парвонадир,
Самарқанду Душанбе,
Хўжанду Фарғонадир,
Панжикент, Бухородек
битта дарёдан қонадир,
Жони жонимга туташ,
эй меҳригиё, тожигим.

Сен толе офтобининг
шуъласига ювдинг юзинг,
Истиқлол неъматидан
мўл-кўл бўлди нону тузинг,
Саодат осмонида
Зуҳродек балқди юлдузинг,
Қўнди Оллоҳ туфайли
бошингга ҳумо, тожигим.

Сен бугун боқсанг агар
нур ёғилар юзларингдан,
Меҳр чашмаси оқар
юракларга кўзларингдан,
Қай уйга қўйсанг қадам
гуллар унар изларингдан
Қадамингга ҳасанот,
эй, кўнгли дарё, тожигим.

Қалбингга қулоқ солсам –
Помир каби ахдинг баланд,
Ахдингдан ўйга толсам –
Помир каби бахтинг
баланд,
Бахтингдан қалам олсам –
Помир каби тахтинг
баланд,
Бу жаҳоннинг боғида
эй, тахти тилло, тожигим.

Бобур мирзо шеърияти
қалбим ичра чақди чақмоқ,
Фитрату Чўлпон менга
истиқлолдан берди сабоқ,
Бузурги замон Айний
отам бирлан эрди иноқ,
Самарқанднинг сайқали –
Айний аллома, тожигим.

Менга берди қўшқанот
икки тупроғу икки эл,
Кўнглимни этди рўшно
икки чароғу икки дил,
Шеъримга берди маъно
икки қароғу икки тил,
Зуллисонайн ўғлингман,
сўзлари наво, тожигим.

Ҳамид Олимжон бирлан
Айний менга устод эрур,
Назм гулшани ичра
кўнглим мани обод эрур,
Мирзо Турсунзоданинг
ҳар шеъри менга ёд эрур,
Ғафур Ғулом ғурури –
шоири Мирзо, тожигим.

Шаънингга минг «Шоҳнома»
ёзса бугун, оз, деб сенга,
Ўзбекистон халқининг
қалби мумтоз соз, деб сенга,
Даъват этди ўзбегим,
бир қасида ёз, деб сенга,
Помирдек кадди баланд,
эй чашми сиё, тожигим!

Бу қасидам сенга бир
содиқ дўстинг саломидир,
Меҳринг билан мунаввар
қалбининг ўт каломидир,
Ўғлинг Мирзо Баротнинг
таъзиму эҳтиромидир,
Офтоб каби омон бўл,
тургунча дунё, тожигим!

Душанбе,
1975

ҚОЗОҒИСТОН — БУ![1]

(қасида)

Еттисувнинг деҳқонидай оташ юракли,
Қарағанда ишчисидай толмас билакли,
Олмаота тонгларидай сокин, мусаффо,
Балхаш кўлнинг сувларидай дардларга
даво,
Ок мачитнинг боғларидай дилафрўз
гулшан,
Обой оқин юрагида жўш урган ўлан,
Қозоғистон — бу!
Бахтга ошён — бу!

Толдиқўрғон водийсидай серфайз ва
тўкин,
Тиён-Шаннинг бургутидай ўктам ва
дуркун,
Олатовнинг чўққисидай кўкраги баланд,
Сариоғоч баҳоридай жаннатга монанд,
Олмос тўқ отлар чопса ҳайқирган диёр,
Сирдарёнинг тўлқинидай айқирган диёр,
Қозоғистон — бу!
Ёруғ жаҳон — бу!

Милён пудлаб буғдой дондан тикланган
хирмон,
Кўкрагига олтин юлдуз тақкан қахрамон,
Ўзбекларнинг тўйидаги энг азиз меҳмон,
Ғафур Ғулом уйидаги Собит ал-Муқон,
Жамбул бобо қалбидаги қўшиқ ва алёр,
Мухтор билан Туманбойни улғайтган
диёр,
Қозоғистон — бу!
Бағри осмон — бу!

Космонавтлар бешигини тебратган ўлка,
Фазо сари учишга ҳам ўргатган ўлка,
Қозоқ элин донғин ёйиб жумла-жаҳонга,
Заковатдан машъал ёқиб нилий осмонга,
Бойқўнғурдан парвоз этса қайси фазокор,
Оғушига қўнмагунча термилган бедор,
Қозоғистон — бу!
Қутлуғ макон — бу!

Фарзандлари камолига боқиб умидвор,
Синовларда бўлсин, дея, ғолиб, устувор,
Оламшумул зафарини олқишлаб дилдан,
Гулдасталар ҳадя этиб миннатдор элдан,
Қардошларин тўйга чорлаб, тузаб
дастурхон,
Кўкрагига қўлин қўйиб кутгувчи меҳмон,
Қозоғистон — бу!
Азиз мезбон — бу!

Олмаота,
1960

[1] Олмаотада бўлган тантанада ўқиб берилган

ОЛОНХО ОҲАНГЛАРИ

(туркумдан)

ТАЙГАНИ КЎРГАНДА

Тайга шунча сўнгсизми дея
Бовар қилмай қолдим ақлимга.
Лов этди-ю ўша сония
Қуёш кирди гўё қалбимга.

Кўм-кўк бўлиб, кўзимни олди
Уфқларга туташган тайга.
Хаёлларим тизгинсиз қолди,
Пегас билан қургали пойга.

Минг йилларнинг бўлиб гувоҳи
Сукут сақлаб ёввойи ўрмон.
Ҳар дарахтда сўниб нигоҳи
Термилади қуёшли осмон.

Не қайинлар яшаб ёшини
Хазон бўлган кумуш либосда.
Қуёш сари чўзиб бошини
Нав-ниҳоллар улғаяр аста.

Тайга узра учган чоғида
Толиқади «Ил»нинг қаноти.
Сайёҳ эса, қолиб доғида
Ярим йўлда тугар саботи.

Тайга сокин айтган алёрни
«Олонхо»дан[1] сўзлайин кимга.
Бугун шундоқ сўнгсиз диёрни
Колумб янглиғ очдим қалбимга.

Якутск,
22.07.71

[1] Олонхо — ёқут халқ достони

ЛЕНА УСТУНЛАРИ

Уфқсиз тайгага сўйлаб ҳикоя
Шовиллаб ётибди Лена беармон.
Қирғоқда — уйқусиз қўриқчи гўё,
Кўкўпар устунлар турар ёнма-ён.

Бу тош устунларни кашф этган даҳо
На замин, на само ва на Ленадир.
Сеҳрли кўркига тикилган асно
Антиқа санъатдан кўзлар тинадир.

Балки ҳаёт пайдо бўлган кунданоқ
Худонинг амри-ла қилинган бино.
Балки, сайёҳларга бўлгин деб маёқ,
Пойига бош урган ларзакор Лена.

Наққош қўли билан тарошлангандай,
Мозийнинг сеҳри бор тош устунларда.
Қуёш дастгоҳида оташлангандай,
Жилоланиб турар ойдин тунларда.

Самарқанд минори, Миср эҳроми
Инсон идрокига бўлса гар ҳайкал.
Лена устунларин тенгсиз меҳроби
Табиат қўлида топгандир сайқал.

Табиат сеҳрига тополмай тимсол,
Лена дарёсида суздим қўноққа.
Парвозга шайланган ракета мисол
Устунлар кўзларди ойни қирғоқда.

Лена соҳили,
23.07.71

БУҒУ ШОХИ

Бўлганимда Вилюйда меҳмон,
Кутиб олди Нурғун[1] ватани.
Буғу шохин этишиб эҳсон,
Ёқут дўстлар сийлашди мани.

Дўстлар удмин рамзи деб уни
Тундрадан келтирдим уйга.
Ёру дўстлар каршилаб мени,
Буғу шохин солишди куйга.

Уй тўрига уни қўйса ким,
Бахт чироғи сўнмас экан ҳеч.
Умр жоми тўлса ҳам лим-лим,
Ғам қушлари қўнмас экан ҳеч.

На ривоят, на ҳақиқат бу,
Халқ яратган ҳикматдир лекин.
Ҳар уй бахтли бўлсин деб мангу,
Шу ҳикматга топиндим бугун.

Вилюй,
24.07.71

ОҚ ҚАЙИН

Яшил ўрмонзорнинг маликасидай,
Оқариб кўринар оқ қайин.
Поёнсиз Тайганинг шўх эркасидай,
Жилмайса, ўтмайсан боқмайин.

Лена шамолида ҳилпираб ўйнар,
Осмонранг дурраси бошида.
Барглари шивирлаб эртакми сўйлар,
Юз йиллик арчалар қошида.

Оқ қайин пўстидан қилгали кўза,
Танасин тилади ёқутлар.
Кўзасига солиб қимиз ё бўза,
Навбаҳор байрамин эл қутлар.

Оқ қайиндан қилмай кўза ё чарон,
Байрамни қутламас ёқутлар.
«Олонхо» айтсин деб дўсту қадрдон,
Навбаҳор тўшайди баркутлар.

Ёқутлар ғурурин бўлиб тимсоли,
Оқ қайин безайди тайгани.
Чавандозлар отда бургут мисоли
«Иссиқ»да[1] қуради пойгани.

Бутун эл байрамга чиқади шодон,
Қўшиқлар чулғайди осмонни.
Навбаҳор қўшиғин куйлаб беармон,
Қимизга тўлдирар чаронни.

Оқ қайин сингари қадди расо эл
Кўнглингнинг рамзими оқ қайин.
Дўстлар даврасида бўлиб косагул,
Чаронга қуй, қимиз ё майинг.

Ёқутистон,
25.07.71

---

[1] Нурғун ботир – ёқут халқ эпосининг қаҳрамони

[1] Ёқутларнинг баҳор байрами

ҚЎШИҚЧИ КУЙЛАГАНДА

Бир қўшиқ янгради Тайгада ногоҳ,
Сеҳридан сукунат уйғонди.
Дутор дардларидан эттандай огоҳ,
Қалбимда лов этиб ўт ёнди.

Тайга осмонини қўшиққа чулғаб,
Қўшиқчи куйларди беармон.
Наврўзда афсунгар қўшиқни илғаб,
Гулзорлар товланар нофармон.

Лена тўлқинлари ўпиб қирғоқни,
Қўшиқдан маст эди бу кеча.
Лена устунлари сийлаб қўлоқни,
Куйлаган дерди тонг отгунча.

Юлдузлар ғуж бўлиб қилди томоша,
Қўшиқчи йигитни осмондан.
Ой эса қошида қилар карашма,
Васлига етолмай армондан.

Оқ қайин баргига қўнгандай сабо,
Эсишдан тўхтади бир нафас.
Қўшиқ оҳангидан бўлгандай адо,
Қалбларда ёнарди эҳтирос.

Қўшиққа интизор бўлгандек қуёш,
Шафақни айлади лоларанг.
Чўққида кўринди бир лаган оташ,
Қўшиқчи оташдай ёнган тонг.

У тинмай куйларди ўт бўлиб ҳамон,
Қўшиқдан Лена ҳам чайқалди.
Қалбидан оқдию бир дарё армон,
Қўшиқ-ла забт этди Тайгани!

27.07.71

ГАВҲАР

Хаёлимда яшарди Тайга,
Кўрмагандим лекин ҳеч қачон.
Ҳатто инсон чиқса ҳам ойга,
Бўлмагандим Тайгада меҳмон.

Тайга билан кўришиб дийдор,
Кўнглим аро мавж урди тўлқин.
Ёқутистон деган бир диёр,
Мени этди ўзига мафтун.

Океандай мовий мамлакат,
Тайга ичра сурмоқда даврон.
Бунда уч ой ёз бўлса фақат,
Олти ойдир ҳоким қаҳратон.

Мангу музлик ҳукмрон диёр,
Бағри тўла олтину олмос.
Геологлар айлаб жон нисор,
Қанча-қанча кон топгани рост.

Геологлар сингари мен ҳам
Кезиб юрдим Ёқутистонда.
Руҳим сира топмасдан ором
Эзгу армон яшади жонда.

Охир топдим сўнгсиз бир конни,
Олмосдан ҳам ноёб нақадар.
Бу — ёқутдай чапдаст инсоннинг
Қалбидаги бебаҳо гавҳар.

Якутск — Тошкент.
28.07.71

ТОШ ОДАМЛАР

Абаканнинг бир пучмоғида
Тириклардай хаёлга ботиб,
Ҳаёт сўниб кўз қарорғида
Тош одамлар турибди қотиб.

Милён йиллик юрни тарк этиб,
Келишибди шаҳарга бугун.
Зулматдаги умридан кечиб,
Отилибди ёруғлик учун.

Совуқ танга бериб ҳарорат
Бошларини силабди қуёш.
Қалбларида битиб жароҳат,
Сўқир кўздан тирқирабди ёш.

Томирига югурибди қон,
Сочларига тегибди шамол.
Оёғига кирибди дармон,
Бошларига қўнибди иқбол.

Авлодларин оёқларига
Йиқилибди шўрликлар охир.
Шивирлашиб қулоқларига
Дардларини қилибди зоҳир.

Кўнгли юмшоқ, ҳотам хакаслар
Топинишиб аждодларига,
Шарафига чалишиб созлар,
Ёдгор этиб авлодларига.

Қўйишибди кўркам боғ аро
Тош одамлар ҳайкалларини.
Қилишибди гўёки бажо
Аждодларин айтганларини.

Истиқболдан бўлсанг умидвор,
Аждодларинг руҳин қилма хор!

Абакан,
1973

МУСО ЖАЛИЛ

Қозон Кремлининг чўнг қопқасида
Тиканли симлар-ла бўлиб занжирбанд,
Мардлик чўққисининг шоҳсупасида
Қафасдан отилган арслон монанд.

Ўт нигоҳи қилиб қуёшни ишғол,
Қўллари орқага боғланиб маҳкам,
Каҳкашон сайрини қўмсаб безавол.
Қозон тупроғига қўйганча қадам,

Буюк Мусо Жалил турибди мағрур
Башарий жасорат силсиласида.
Қараши самони тешгудек ёвқур,
Гўё уриб турар қалби кўксида.

Бу қалбнинг исёнкор ўтли нидоси
Маобит турмасин ларзага солди.
Манфур фашизмнинг чўнг аждаҳоси
Заҳрини сочолмай, тўлғаниб қолди.

Аждаҳо бошини мажақлаб, янчиб,
Кўзларини ўйиб олди дўстлари.
Ғалаба қиличин ғанимга санчиб,
Афсуским, Мусосиз қолди дўстлари.

Ва лекин мангуга бўлмади унут,
Мусо ҳам жанг қилди дўстлар сафида.
Шеърлари бахш этди юракларга ўт,
Зафарга чорлади ҳар нафасида.

Дўстлари сингари ғолиб, музаффар
Мусо ҳам шон билан қайтди Қозонга.
Милёнлаб қалбларда яшаб мўътабар,
Қўшиқдай янгради номи жаҳонга.

Мангу тимсол бўлиб мардликка Мусо,
Мармар қоя узра турибди бугун.
Унга ҳавас билан жилмаяр дунё,
Ватан деб фидойи бўлгани учун!

Пойида тўлғаниб ётибди Эдил,
Фарзанди ҳажрида куйган онадай.
Ва дейди: «Мусожон, қучоғимга кел,
Бир лаҳза бўлса ҳам меҳрингга қонай!»

Қорларда бағри қон бўлиб лолазор,
Қўлини узатар висол жомига.
Чучмома, бўтакўз термилганча зор,
Чанг солар айрилиқ истеҳкомига.

Эдил эпкинида гуллаган боғлар
Илҳом париси-ла сайрга чорлар.
Гавҳар шодасидай оппоқ бутоқлар
Эгилиб, қўлига узатар торлар.

Булбуллар боғ аро бўлиб яқо чок
Мусо севган гулни излар чамандан.
Муҳаббат ғазалин куйлашар чаҳ-чаҳ,
Ҳижрон гулханида мисли самандар.

Турна кўзларидек зилол булоқлар
Унга сув узатар тонг кўзасида.
Тоғлардан пиёда чопган ирмоқлар
Мусони ёд этар ашуласида.

Шоирни миннатдор этгали осмон
Қуёш, ой, юлдузин этади нисор.
Ва уни ардоқлаб ҳур Татаристон
Кафтида кўтариб турибди бедор!

Қозон.
1974

Энасой нидоси

(достон)

Ўғлим Фарруҳхонга

ДЕБОЧА

Умрим маним — чопоғон от,
Тутолмайман тизгинидан.
Уфқларга урса қанот,
Нур порлайди юлдузидан.

Сувлиқ билан сув кечганда,
Узангидан узмам оёқ.
Шамолдан ҳам тез учганда —
Муродимни айлаб маёқ.

Ёлин силаб, сағринига
Босолмайман қамчинимни, —
Ғолибликнинг совринига
Ундасам-да, лочинимни.

Авайлайман, тоғу тошда
Қонамасин деб туёғи,
Адашмасман чўлу даштда
Омон бўлса гар оёғи.

Бир лаҳза ул билмас тиним,
Иборатдир умри йўлдан
Сийла ғандир Деҳлию Рим,
Чанқоғи ҳам қонган Нилдан.

Бугун уни қутлар Сибир,
Қутлар уни мовий Тайга.
Бағри унинг хазинадир,
Қалби ўхшар Энасойга.

Қучоғига сиғмай ўрмон
Узанибди Саянига.
Саян бошин силаб осмон
Ҳайрон боқмиш меҳмонига.

Саян тоғин чўққисини,
Кўзлар бу кун отим маним.
Сўзлай олмай туйғусини.
Бўзлар бу кун отим маним.

Остонангга уриб бошин,
Жавдирайди кўзи, Саян!
Пилланоя қилгин тошинг,
Қолсин сенда изи, Саян!

САЯН

Тулпорингнинг туёғига
Хино бўлсин тошим маним.
Дард кўрмаган оёғига
Фидо бўлсин бошим маним.

Қўнай деса қояларга,
Маскан бўлсин кўшким маним.
Тунай деса сояларда,
Тўшак бўлсин тўшим маним.

Кўксимдаги турфа гуллар
Пояндоздир ғиротингга.
Чўққи сари кетган йўллар
Еткизажак муродингга.

Дейдиларким, қари ошга,
Ишга келур шунқор йигит.
Бунда тўшин қўйиб тошга,
Чўққиларда ухлар бургут.

От туёғи бўлса олмос,
Изи қолур тош устида.
Сибир сени ёт санамас,
Келгил меҳмон, бош устига!

ШОИР

Излаб келдим сени, Саян,
Қабул айла саломимни.
Эҳтиромим деб бил, Саян,
Қалбдан учган каломимни.

Сирдарёнинг қирғоғидан
Сени излаб, тошиб келдим.
Ўзбекистон қучоғидан
Тиёншонни ошиб келдим.

Сенда бир ГЭС бўлмиш бунёд,
Довруғига олам тормиш.
Бағринг этмиш ёшлар обод,
Юз бир элдан вакил бормиш.

Баҳодирлик мисли чинор,
Томир отмиш сенда теран.
Шу чиноргa битай ашъор,
Тилларимни айла бийрон.

Қай дарада ботир инсон
Энасойнинг йўлин боғлар!
Тоғу тошни айлаб бетон,
Энасойдан ҳол сўроқлар!

Дунёда энг зўр иншоот,
Жабҳасида урай жавлон.
Керак бўлса, кўксин, Барот,
Энасойга қилсин тўғон.

ЭНАСОЙ

Томиримга югурди қон,
Болам, сенинг овозингдан.
Оёғимга кирди дармон
Саян сари парвозингдан.

Сиғмай қолдим ўзанимга,
Тошай дедим қирғоғимдан.
Оёқ қўйдим узангига,
Нур сочай, деб, чироғимдан.

Боқсам, йўлинг ойдин экан,
Кел, пойингни ўпай, ўғлон.
Қирғоғимдан бериб маскан,
Сийлагайман сени, меҳмон.

Йўқлаганинг учун қуллуқ,
Кўкка етди бошим бу кун.
Бундан ортиқ, менга бахт йўқ,
Гавҳар бўлди тошим бу кун.

Қирғоғимга узаниб бир
Сувларимдан ичгин қониб.
Тану жонинг қилиб ҳузур,
Юрагингда меҳрим ёниб.

Унутарсан чанқоғингни,
Ўзинг қушдек сезажаксан.
Тарк этолмай қирғоғимни,
Шому саҳар кезажаксан.

Она бўлиб, узун тунлар
Бошларингни силагайман.
Қалбингдаги оқ тўлқинлар
Бешигида тунагайман.

Ором билмас бу жонимни
Жон риштанга боғлагайман.
Сўзлаб янги достонимни
Чўққиларга чоғлагайман.

ЗАМИН

Энасойнинг нидосидан
Тушди, ажаб, жонимга ўт.
Тулпорингнинг садосидан
Саянимдан учди бургут.

Энасойга келса меҳмон,
Бағрим маним осмон бўлур.
Садағаси кетса мезбон,
Босган изи бўстон бўлур.

Қучоғимни очиб мангу
Узатганим нон-туз бўлур.
Чеҳрасидан ёғса ёғду,
Кечаларим кундуз бўлур.

Саянга сен қўйгач қадам,
Кўнглим юмшаб кетди маним.
Чўст дўппию ҳам беқасам –
Тўнни қўмсаб кетди жоним.

Обиҳаёт наҳри оқар
Менинг қайноқ юрагимдан.
Бу дарёга дунё боқар,
Гул узай деб кўкрагимдан.

Бу дарёи азим эрур,
Энасойдир қадим оти.
«Манас»дай чўнг назм эрур
Сибирдаги салтанати.

Оёқ узиб ул Тувадан
Бош қўяр Муз океанга.
Оқа-оқа қир, увадан
Ҳамла қилди сўнг Саянга.

Яланғочлаб қиличини
Туширди нақ елкасига,
Карждай тилиб тоғ ичини,
Юрди шимол ўлкасига.

Ва шу сойдан отиб қулоч
Оқиб кетди она дарё.
Тақимида бир қулоч соч,
Тўлғанганин кўрди дунё.

Сибир ичра суриб даврон
Унга берди обиҳаёт.
Умри ўтар мисли карвон,
Юрган йўлин айлаб обод.

Мана, бу кун қирғоғида
Бораётир шиддатли жанг.
Саян тоғин қучоғида
Янграётир жўшқин оҳанг.

ИНСОН

О, Энасой, мушфиқ дарё,
Ҳаётпарвар онажоним,
Ғам-шодликка тўлиқ дарё,
Менинг азиз меҳрибоним.

Силамасанг сен бошимни,
Бўлур эди пешонам шўр.
Ариқмасанг кўз ёшимни,
Кўрмас эди кошонам нур.

Сибир ичра она сойсан,
Номинг сенга ярашиқдир.
Фарзандларга жуда бойсан,
Қони-қонга қоришиқдир.

Сенинг икки қирғоғингда
Эл яшайди қиркдан ортиқ.
Униб-ўсиб қучоғингда
Билмайди не хору зорлик.

Бир майизни кўрар баҳам
Қирқ оғайни ботир бу кун.
Бир дастурхон файзи бекам
Қону қардош дўстлар учун.

Агар бири ушатса нон,
Узатади бириси чой.
Изласа гар кимки макон,
Бу дарёдан топилар жой.

Торлюқ бўлса уйи гарчанд,
Сибир каби кўнгил кенгдир:
Дўстга жонин этиб пайванд,
Бириси — бар, бири — енгдир.

Битта уйда ўнса чироқ
Ўн хонадон парвонадир;
Бир заминда яшаб иноқ,
Дил ҳасратга бегонадир.

Лозим бўлса дўсти учун
Заҳар ичар бунда шу чоқ,
Дўстлик учун гулдан ўтин
Ва қоғоздан ясар ўчоқ.

Бу дўстликни қилмиш ижод,
Бир замонлар, билсанг, Яздон.
Унга бу кун мангу ҳаёт
Фарзандлари тўқир достон.

САЯН ҚИШЛОҒИ

Менинг олтин бешигимни
Мард инсонлар тебраттандир.
Эрк яраттан қўшиғимни
Бастакордек ўргаттандир.

Сибирда бир дили вайрон
Гўша эдим қоп-қоронғу.
Сут ўрнида ичиб айрон,
Ўртар эди жоним оғу.

Сажда қилиб табиатга,
Кўрар эдим пешонамдан.
Сиғмасдим-у коинотга,
Ўтолмасдим остонамдан.

Зулмат ичра инграб беҳол,
Яшар эдим барри доғлик.
Бирор кимса сўрмасди ҳол,
Қилолмасди вақти чоғлик.

Инсон зоти бўлиб унут,
Тентирарди оч ва юпун.
Ҳаёт вазмин сақлаб сукут,
Этар эди мени дилхун.

Зулумотдан қолмай нишон,
Нурга тўлар бугун Ватан.
Замон бўлиб дориломан,
Қалбим яшнар мисли чаман.

Дивногорскда ёнган чироқ
Ёғдулари кўзимдадир.
Сибир ичра бўлиб маёқ,
Рўшнолиги юзимдадир.

Зулмат ичра чақнаган нур
Шуълалари изимдадир.
Одамларга минг ташаккур,
Меҳрим нурли сўзимдадир.

Қалбимдаги сўнмас зиё
Саодатга чорлар бу кун.
Элга бўлиб меҳригиё,
Кошонамда порлар бу кун.

Красноярск нурхонаси
Кишиликнинг орзусидир.
Нурхоналар дурдонаси
Орзуларин кўзгусидир.

ШОИР

Сокин Саян қирғоғида
Мен азиз меҳмондаман,
Кўркам Саян қишлоғида
Иззату икромдаман.

Дўстлар билан қуриб суҳбат,
Кўриб қанча зиёфат,
Бу муқаддас даргоҳ ичра
Гўё мен эҳромдаман.

Мўъжаз Саян бугун, дўстлар,
Донғи кетган шаҳардир,
Жамолидан қувнар кўзлар,
Одамлари заргардир.

Осмонўпар кошоналар
Сехрлагай ақлингни,
Ҳатто Саян ГЭСига ҳам
Аҳли Саян сарвардир.

Сўнгсиз Сибир ўлкасида
Кезганимда навбаҳор,
Обод Саян чеккасида
Кўлда сайр этдим наҳор.

Саян менга улуғ Сибир
Қалби бўлиб туюлди.
Бу қалб — Инсон қалби каби
Экан тоза, беғубор!

СИБИР

Кекса Саян бағри бу кун
Олов ёшлик маконидир.
Ҳаёт қайнаб ётар кун-тун,
Зўр иншоот майдонидир.

Энасойнинг оқ ёлидан
Тутиб олиб навкиронлар,
Тоғда машъал ёқмоқ учун
Нур карвонин сарбонидир.

Саян тоғин юрагига
Ғулу солди бу иншоот,
Ҳамроз бўлиб тилагига
Берди унга нурдан қанот.

Занжирланган паҳлавондай
Тўш урса ҳам Энасойга,
Қудрат бўлиб билагига,
Унга кулиб боқди ҳаёт.

Булдозерлар наърасидан
Боши гангиб қолди Саян,
БелАЗларнинг садосидан
Хаёл ичра толди Саян.

«Бу саробми ё рўёми», —
Тушин айтиб Энасойга,
Ўтли қалблар зиёсидан
Кўзига нур олди Саян.

Инсон билан асов дарё
Жанги бу кун Саяндадир,
Қалбларида нури кимё
Порлай дея армондадир.

Гарчи тоғдай қудрат билан
Ҳамла қилса ҳамки шердай,
Инсонга тиз чўкиб гўё
Дарё тоғдан поёндадир.

Энасойга тўкиб бетон
Бағрини доғ қилди ёшлар
Ва йўлига қуриб тўғон —
Метиндек тоғ қилди ёшлар.

Боши тошга тегиб дарё,
Солганида Саянга чанг,
Очиб унга янги ўзан,
Кўнглини чоғ қилди ёшлар.

Бу ёшларга эрур сарбон
Сибирда донг тараттанлар,
Ангарада нурли ошён —
Братск ГЭСни яратганлар.

Энасойнинг ёлин силаб,
Жиловини олиб қўлга,
Қизилжарда қозониб шон,
Элни ўзга қаратганлар.

Уста бўлса сарбон агар,
Адашмагай йўлдан карвон.
Юлдузни ҳам узиб олар,
Кўк тоқига қўйиб нарвон.

Бу ёшларга эрур маёқ
Сарбонларин шон-шуҳрати.
ГЭС жабҳаси айлаб девкор,
Ёғду ичра порлар Саян.

Саян ГЭСи бунёд бўлса,
Дунёда ҳеч тенги бўлмас.
Офтоб мисол нурга тўлса,
Унингдайин чўнги бўлмас.

Волхов ГЭСу Фарҳод ГЭСдан,
ДнепроГЭСу Чорвоқ янглиғ
Юзлаб ГЭСлар тиклагай қад
Ва лекин бу сўнги бўлмас.

Шунинг учун меҳнат жанги
Бугун юксак Саяндадир,
Шеъриятнинг авж жаранги
Бундан ортиқ қаёндадир!

Жасоратнинг салт тулпорин
Эгарлаган бунёдкорлар —
Юрагида ҳаёт бонги,
Шоир каби гўяндадир.

Саян билан Дивна асли
Қошу кўздай эрур яқин,
Кулиб мангу иқбол фасли
Қалбларига солмиш тўлқин.

Паҳлавонлар нигоҳидан
Ёғду олган Саян узра
Тикласа ГЭС инсон насли,
Бағрим бўлур яна ёрқин.

Учта ўзбек йигити ҳам
Саян ТЭСин шунқоридир,
Дўстларига бўлиб ҳамдам,
Қатордаги алп норидир.

Бири — Тошкент, бири — Анжон:
Бири келмиш Самарқанддан.
Алпомишдай эрур ўктам,
Энасойнинг сарваридир.

Бири Дилшод, бири Иқбол,
Бири Элнур — бари моҳир.
Сир бўйида топиб камол,
Эл кўзига бўлибди нур.

Дилшод бўлса моҳир шофёр,
Муҳандиси замон — Иқбол.
Элнур эса Саян аро
Меъморликда танҳо эрур.

Уч оғайни ботир бу кун
Менинг азиз ўғлонимдир.
Уммон эрсам, уч эўр тўлқин —
Қалбимдаги туғёнимдир.

Тингла, шоир! Саян тоғдан
Келаётир ўтли нидо.
Кўзларидан чақнаб учқун
Энасой ҳам тўлғанибдир.

УЧ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР

Саян тоғи олмос тоғдир,
Қилич кесмас тошини.
Шунинг учун мангу оқ, дер,
Кумуш сочли бошини.

Пойин ўпиб, Энасой ҳам
Ундан узмас оёғин.
Қирғоғига қўйсанг қадам,
Тутиб турар ёноғин.

Ёноғидан ўпса гар ким,
Қолар ипсиз боғланиб.
Бир умрга қўмсаб ёким
Юрар барғи доғланиб.

Энасойсиз Сибирни ким
Келтиради хаёлга!
Саян тоғсиз Сибир, балким,
Етмас эди камолга.

Сибир деса, бир замонлар
Кетар экан тил музлаб.
Томирларда қотиб қонлар,
Кетар экан дил музлаб.

Сибир деса, «сургун» сўзи
Ўқдек жонга ботаркан.
Мунғаяркан эрк юлдузи,
Ҳасрат ичра қотаркан.

Сибир деса, борса келмас —
Ўлка деб қўрқар экан.
Дунё бўйлаб бир тор қафас,
Ҳаёт бичаркан кафан.

Сибир деса, энди, бешак,
Танда кетар жон яйраб.
Сибир деса, югуражак
Томирларда қон яйраб.

Энди кимки Сибир деса,
Тилларидан томар бол.
Сибирда гар меҳмон бўлса,
Кафтига қўнар иқбол.

Сибир энди тутиб нон-туз,
Пешкаш қилур жонини.
Тожик, арман ёки қирғиз...
Ёзгай дастурхонини.

Сибир энди ёруғ жаҳон,
Бахти кулган диёрдир.
Унга азиз, дўст-қадрдон,
Шижоат аҳли бордир.

Сибир энди дунёда зўр —
Иншоотлар майдони.
Олам ичра мард, баҳодир —
Навқиронлар макони.

Саянда биз от ўйнатиб,
Довруғ солиб юрибмиз.
Энасойни гоҳ ўйлатиб,
Гоҳ қувнатиб турибмиз.

Сибирдаги чароғ аро
Уч оғайни ботирмиз.
Саян деган чўнг тоғ аро
Ҳар бир ишга қодирмиз.

Биримиз — кўз, биримиз — қош,
Қорачиғмиз биримиз.
Қалбимизда битта қуёш,
Бирдай порлар нуримиз.

Осмондаги юлдуздан ҳам
Кўпдир бунда дўстимиз.
Қўлни-қўлга бериб маҳкам
Энасойни тўсдик биз.

Истиқболга тўлқин оттан
Улуғ дўстлик наҳримиз —
Энасойда донг таратган
Элнур эрур фахримиз.

Элнур ўзи битта достон,
Ўн қўшиққа мавзу бўлар.
Куйлаб шеърим, қозонгин шон,
Ҳаёти бир орзу бўлар.

Отаси-да унинг машҳур,
Фарҳод ГЭСин бунёдкори.
Сирдарёдан узатган нур,
Ўз элининг мард шунқори.

Камол топиб Самарқандда
Элнур ақли тиниққан.
Дурларга кон ул уммонда
Ғаввос бўлиб чиниққан.

Саянга ҳам келиб, мана,
Тилга тушиб қолди оти.
Ҳаммамизни эса яна
Қойил қилди заковати.

Чинорларнинг ўрмонида
Кўз илғамас ниҳолмас у.
Ҳатто юксак тоғ ёнида
Олмос каби йўқолмас у.

Минглаб ёшлар ичра унга
Насиб қилди улуғ бир бахт.
Ворис қилиб Гагаринга
Бошин ўпди қутлуғ бир бахт.

Гагариннинг белкураги
Бирла бетон қуйди Элнур.
Фазокорнинг ўт юраги
ГЭСда уни этди машҳур.

ГАГАРИН ЮРАГИ

Мардлик руҳи мисли бургут
Қоним ичра яшар маним.
Бургут қалби бўлиб бир ўт,
Жоним ичра яшар маним.

Бургут учар юксакларда,
Ҳавас қилмас пастликни ҳеч.
Руҳи бўлса юракларда
Эзмас унинг барин ўкинч.

Бургут қўнса, қўнмас ерга,
Чўққиларни этгай ошён.
Мағрур боқиб тоғлар узра
Кўзлагани бўлур осмон.

Бургут ўлса, кўкда ўлар,
Қалби ерга лек жон бўлур.
Лекин руҳи ўлмас дерлар,
Юлдузларга пайкон бўлур.

Бургут бўлиб, самовотга
Мағрур ёздим қанотимни.
«Восток» деган яшин отга
Пайванд қилдим ҳаётимни.

Космонавтлар юрагига
Юрак бўлиб қолдим абад.
Қанот бўлиб тилагига
Космосда ҳам бердим мадад.

Менинг изим Каҳкашондай
Мангу ўчмас самоватдан.
Космонавтлар қаҳрамондай
Тушмас асло пўлат отдан.

Пўлат отим мангуликка
Эл орзусин этмас поймол.
Парвоз айлаб сўнгсиз кўкка
Юлдузларни қилур ишғол.

Белбоғ бўлиб Ер шарига,
Менинг изим порлаб турар.
Мангуликнинг сарварига
Бандаларин чорлаб турар.

Руҳим эса топди макон
Баҳодирлар юрагидан.
Оташ бўлиб бермас омон,
Отилай дер кўкрагимдан.

Кимки бўлса ожиз, қўрқоқ,
Руҳим унга боқмас қиё.
Қўрқоқлардан мардлик йироқ,
Мардлар билан гўзал дунё.

Мен мардликка бўлиб тимсол,
Мангуликка бахтиёрман.
Қанча қалбни қилсам ишғол,
Шунчалик мен устуворман.

Мен забт этган қалб кўксини
Долғаларга қилур қалқон.
Довулларга ўз ҳукмини
Ўтказишга қодир ҳар он.

Бўронларга очиб қучоқ,
Омон чиқар оташлардан.
Қаро тунда бўлиб чақмоқ,
Ёвду олар қуёшлардан.

Музликларнинг барин ёриб,
Ҳайиқмагай уммонлардан.
Сув остидан дур ахтариб,
Ҳайиқмагай тўфонлардан.

Самоларга қадаб киприк,
Юлдузларга учсам, дейди.
Шуълалардан ясаб кўприк,
Ойни бориб қучсам дейди.

Кезиб дунёни Каҳкашонни,
Ўтсам дейди, Зуҳрога ҳам.
Тонг қолдириб бу жаҳонни,
Қўйсам, дейди, Ерга қадам.

Менинг руҳим мисли оташ
Мард қалбларда яшар мангу.
Қилич келса, эгмагай бош,
Тиз чўкмагай ғанимга у.

Фазокор қалб эрурман мен,
Ер жонига жоним туташ.
Эл тургунча турурман мен,
Эл қонига қоним туташ.

Улуғ Ватан тупроғида
Босган изим бўлди чаман.
Энасойнинг қирғоғида
Менга азиз нурли маскан.

Красноярск ГЭСидир бу,
Ўхшар Сибир қуёшига.
Қалбим мисол сочур ёғду
Дориломон эл бошига.

Мен бу ГЭСга қўйиб бетон,
Кўзга суртдим тупроғини.
Белкурагим этиб эҳсон,
Ёқиб кетдим чироғини.

Бу нурхона кўкрагида
Уриб турган юрак — менман.
Мангу тинмас юрагида
Кулиб турган юрак — менман.

Мен чулғаниб оташ ичра,
Кул бўлмаган юракдирман.
Саянда дўст-қардош ичра
ГЭС курмоққа керакдирман.

Энг муқаддас белкурагим
Эъзозланур Саян ичра.
Юлдуз бўлиб ўй-тилагим
Яшар мангу Ватан ичра.

САЯНГОРСК

Менинг бағрим ғондай бутун,
Бошим кундай осмондадир.
Толеим ҳам кулиб дуркун,
Ҳумо қушим Саяндадир.

Манглайимдан қуёш балқиб,
Доғ қолмаган кўкрагимда.
Томиримдан оташ оқиб,
Қуёш ёнар юрагимда,

Гагариннинг қутлуғ номи
Ёзиқлидир китобимда.
Сўнса ҳамки ҳаёт шоми,
Қалби яшар офтобимда.

Саян ГЭСин майдонида
Унинг шонли жабҳаси бор
ГЭСнинг тоғдай тўғонида
Белкурагин тамғаси бор.

Саяндаги ҳар навқирон
Унинг номин буркар шонга.
Хонасида бўлса меҳмон,
Мардлик руҳи сингар қонга.

Белкурагин ўпиб сокин
Бир дақиқа сақлар сукут,
Сўнг кўзида порлаб ёлқин
Ўзин сезар мисли бургут.

Гагариннинг ворислари
Менинг бағрим этган макон.
Космонавтдай жасур бари,
Бойқўнғирдан учгансимон.

Бағримни тарк этиб саҳар,
ГЭС қошига этур парвоз.
Тўғон бошин кечга қадар
Тутиб кетар янгроқ овоз.

Майдон ичра фидойи жон
Паҳлавонлар беллашади.
Саян ичра солиб сурон
Икки эўр куч тиллашади.

Тўлғанади Энасой ҳам
Бошин уриб тоғу тошга.
Шому саҳар қилиб карам
Термилади минглаб ёшга.

Мен эса бир она мисол
Мардлик жангин гувоҳиман.
ГЭС қалъасин этган ишғол
Ботирларнинг нигоҳиман.

Гагариннинг волидасин
Бардоши бор бардошимда.
Ва бу мардлик обидасин
Нигоҳи бор қарашимда.

Томир отиб, бағримда бир
Гуркирайди азим дарахт.
Юрагингда бўлса не сир
Унга изҳор этмоқ бир бахт.

Бошингга гар тушса мушкул
Ўша дарахт қилур осон.
Саяндан ҳам кудратли ул,
Энасойдай меҳри уммон.

НАЖОТ ДАРАХТИ

Паҳлавон эл қароғидан
Ёғдуланган дарахтдирман.
Минглаб қалблар булоғидан
Қайнаб чиққан зўр аҳддирман.

Мен кўкариб, ўсган тупроқ
Дунёда энг муқаддасдир.
Бу тупроқда даврон сурмоқ
Ўзи бир бахт, зўр ҳавасдир.

Бу тупроқда билмам завол,
Томирларим теран эрур.
Кун сайин мен топгум камол,
Ер дармону кун берар нур.

Чор атрофга қулоч отиб,
Гуркирайман шому саҳар.
Шохларимни шовуллатиб,
Боғлаганман белга камар.

Шафтолидай мўрт эмасман,
Довул турса қилмайди кор.
Бўронларни чўрт кесарман,
Менга чинор умри пойдор.

Менинг жоним тошдан қаттиқ
Ва толеим эрур порлоқ.
Кўкрагимни тешолмас ўқ,
Қулатолмас ҳатто чақмоқ.

Чунки менинг томирларим
Томир отган юракларда.
Мен қалбларни қадрладим,
Яшайин деб кўкракларда.

Ниҳол эдим мен бир замон
Бу кун эса кунга пойдор.
Парваришлаб қанча инсон,
Мен туфайли шод, бахтиёр.

Меҳр менга боғбон эрур,
Дилимдаги нурли гавҳар.
Бу кун мени жаҳон кўрур,
Ҳавас қилур борки башар.

Эл қалбига бўлиб ҳамдам,
Теран томир отдим бу кун.
Ким Саянга қўйса қадам,
Юрагига солдим тўлқин

Ва гуркираб қалб боғида
Дўст меҳридан баҳрамандман.
Бағрим куймай дўст доғида,
Жон ипига мен пайвандман.

Ботирларнинг қароғидан
Ёғдуланган дарахтман мен.
Минглаб қалблар булоғидан
Қайнаб чиққан зўр аҳдман мен.

Мен Саянда этдим бино
Олтин севги маёғини.
Қалблар бўлиб ундан рўшно,
Ёқди ҳаёт чароғини.

ҲАЁТ ВОРИСЛАРИ

Она еру сирли само
Бизга очди қучоғини.
Юлдузлардан келди садо,
Замин тутди қулоғини.

Оқ пўлатдан ясаб кема,
Энг суюкли ўғлонларин
Сукунатдан кўркма дея,
Галактика кўрғонларин —

Забт этгали учириб шод,
Орқасидан боққан шу Ер.
Сибирни ҳам қил, деб, обод,
Қалбларга ўт ёққан шу Ер.

Жасоратда мулки Сибир
Қолишмайди космосдан ҳеч.
Бағри тўла унинг сирдир,
Юрагида жиндек ўкинч.

Кўтаргали кўнглин бироз
Ўпдик унинг остонасин.
Бунёд этдик мардларга хос
Улкан ГЭСлар кошонасин.

Қилмасак-да Ойни ишғол,
Сибир билан оворамиз.
Саяндан ҳам сўраб аҳвол,
Дараларда даврадамиз.

Танимизни айлаб тўғон,
Сувдан олов чиқарамиз.
Оташларда уриб жавлон,
Тоғ-тошларни қўпорамиз.

Саян ГЭСин қурмоқ асли
Ойни олиш билан тенгдир.
Бунга кимнинг тегса дасти,
Дунёда энг бахтли денглар.

ГЭС ҳам ўхшар ёшликка нақ,
Томирига сиғмайди қон.
Кўзларида чақнар чақмоқ.
Тобланади ўтида жон.

Сибир бўйлаб қўйгали от
Чоғланмоқда бу кун ўзин.
Чиқармоқда темир қанот
Тўлқин ичра очиб кўзин.

Олов ёшлик дарвозаси
ГЭСга бу кун макон эрур.
Саян тоғин тор дараси
Тўғонига майдон эрур.

ГЭС кифтини тутиб тоққа
Қадагандир Ерга оёқ.
Тўшин қўйиб зар қирғоққа,
Ёқсам, дейди, тоғда маёқ.

Энасойнинг қўлин қисиб,
Кўксин тутди оқимига.
Тўлқинларин йўлин кесиб,
Бешик бўлди ёлқинига.

Бу ГЭС бўлур Саян ичра
Мардликка бир буюк ёдгор.
Ёғду сочиб жаҳон ичра
Порлаб турар мангу бедор.

Бизлар Мардлик набираси,
Мангу содиқ ворисимиз.
Космос билан Сибир асли
Таълим олган комусимиз.

Биз қўрқмаймиз суву ўтдан,
Еру кўк ҳам измимизда.
Бу кун биздан нажот кутган
ГЭС ёлқини кўзимизда.

БАМ

Мен ҳам Сибир фарзандиман,
Бойкўлдаги дилпораси.
Йўлагидаги дилбандиман,
Кўзда ҳаёт шарораси.

Мен туғилдим айни баҳор,
Баҳодирлар урганда бонг.
Эриганда Тайгада қор,
Оқарганда Бойкўлда тонг.

Одам юрса адашган бир –
Тайга ичра туғилдим мен.
Пешонамдан ўпиб Сибир
Юрт меҳрига йўғрилдим мен.

Мард ўғлонлар менга Бойкўл
Қирғоғида бешик ясаб,
Турксибдай топ, дея камол,
Сочларимни қўйди тараб.

Мен дунёга келган наҳор
Мангу яшар ҳаёлимда.
Ваъда этди у бир баҳор
Кун балқиган иқболимда:

Умид деган олтин дарё
Очиб гўё янги ўзан,
Долғалари бериб садо,
Элга боқиб ясан-тусан.

Уролдан то Бойкўл қадар
Қулоч отиб, жилоланди.
Жасоратдан боғлаб камар
Дарғаларин қалби ёнди.

Нотинч ёшлик қўшиқлари
Юрт осмонин чулғағанда
Ва тайганинг ошиқлари
Ишқ наҳрида тўлғанганда.

Бешик-бешик тўлқин бўлиб,
Бойкўл пойин ўпганида,
Ишқ нафаси — эпкин бўлиб,
Қалбини забт этганида.

Довюраклар бошлаб ҳужум
Тайга қасрин қилди ишғол.
Қайдан келди, деб бу қўшин,
Кўксин ушлаб қолди Бойкўл.

Мен туғилдим бу қасрда,
Муқаддасдир остонаси.
Тақдирим ҳам шу наслда,
Тошдан бўлсин пешонаси.

САЯН ГЭСИ

Мард инсонлар оёғига
Бошим урсам арзир бу кун.
Чўққидаги байроғига
Топинади ҳар тонгда кун.

Мен шижоат қозонида
Қайнаган бир оташ жонман.
Гагаринлар замонида
Туғилган бир паҳлавонман.

Красноярск ГЭСи менга
Хамиртуруш бергани рост.
Шунинг учун бу кун унга,
Таъзим ила узатдим даст.

Ёшлар қилди жонин фидо,
Ер бағрини ўйгунича,
Пойдеворин тиклаб, ҳатто
Сўнгги ғиштин қўйгунгача.

Оёғимга бўлиб мадор,
Томиримга беришди қон.
Кўзларимга нури бисёр,
Жисмим аро оташи жон.

Мен ҳам қўлим узатсам гар,
Кафтим узра кулар юлдуз.
Кўзларимда ёғду порлар,
Тун чекиниб, кулар кундуз.

Ёшлар менга этди ато
Оташин бир юрак бу кун.
Мен қилмасам агар хато,
Қаримас бу юрак бутун.

Мангу ёшлик бўлса меҳмон,
Мен қувонмай, қувонсин ким!
Томиримда қайнаса қон,
Мен ёнмайин, айт, ёнсин ким?

Мен ёнурман, борки жаҳон,
Умрим узоқ ҳаёт қадар.
Зулумотдан қолмай нишон,
Сибир узра кулгай қамар.

Мен ёнурман мисли қуёш,
Вулқон каби сўнмагайман.
Бағримдан жой олган оташ
Шуъласида куймагайман.

Мен ёнурман Саян ичра
Мард инсонлар юрагидай!
Милён-милён инсон ичра
Битта юрак тилагидай.

ШОИР

Сибир билан этмиш фикр
Суви уммон Энасой,
Қулоч ёзмиш Нилдай мағрур
Мард паҳлавон Энасой,
Тайга олар ундан ҳузур
Кори-эҳсон Энасой,
Меҳри бирлан мулки Сибир
Дориломон Энасой.
Дастурхони тўкинки бир —
Сахий мезбон Энасой.

Энасойда этдим сайр
Тонгдан то оқшом қадар.
Қолди Саян, дея, хайр!
Белимга боғлаб камар:
«Тўлқинларнинг шохин қайир.
Бехатар бўлгай сафар!»
Кема мисли қорабайир
Пойгада жавлон урар,
Мендек яна кирқта шоир
Сенда меҳмон, Энасой!

Япроқ ёзди дилда хумор
Дарёнинг шамолидан,
Юзда ўйнар завқу виқор
Тайганинг жамолидан,
Қалб дафтарин безар ашъор
Сибирнинг камолидан.
Гул-гул ёнар фасли дийдор
Бу юртнинг аъмолидан,

Учрашишди бу кун, ахир,
Дўст-қадрдон, Энасой!

Азиз Саян шоду хуррам
Термилар изимиздан,
Минусинск узмас бир дам
Кўзини кўзимиздан.
Тотгин, дейди Абакан ҳам
Нон ила тузимиздан,
Жондан бошқа нарса бекам
Топилар ўзимиздан,
Хакасистон бўлса манзур,
Қол, дер, ўғлон, Энасой!

Дейдиларким, фасли наврўз
Энасой жаннатидир.
Қирғоқлари эрса қирмиз,
Табиат санъатидир.
Яшил кияр Тайга ҳар кез,
Бу унинг одатидир.
Ангараю Бирюсамиз
Ёзилган қанотидир.
Она ерни айлаб масрур,
Бўлур дармон, Энасой!

Чор атрофда кўм-кўк ўрмон
Баҳри дилинг ёзадир.
Замин бирла кўм-кўк осмон
Шишадан ҳам тозадир.
Уфқда ҳам кўм-кўк уммон
Қирғоғидан тошадир.
Энасойда қолмай армон
Сайр қилмоқ мазадир.
Қалам ожиз қилса тасвир —
Сибирни, жон Энасой!

Дарё тошиб қўшиқ айтди,
Кечга қадар толмади.
Шоир каби жўшиб айтди.
Кўнглида доғ қолмади.
Дардларини қўшиб айтди.
Киприкларни намлади.
Узоқ йўлга тушиб айтди,
Ҳеч ким кўзин олмади,
Сени кутар Шимолда бир
Музли уммон, Энасой!

Агар оқсанг Жануб томон,
Қонар чўл ташналиги,
Сибир бирлан Қозоғистон —
Ортар дўст-ошналиги,
Хазинасин Туркманистон —
Билур чўл-даштлигин,
Пахтага кон Ўзбекистон
Тупроғин чашмалиги
Яна бир бор аён бўлар,
Бойликка кон, Энасой!

Энасойда сайр айлаб,
Сайри гулбоғ истадим;
Дустлик меҳрин дилга жойлаб,
Дўсту ўртоғ истадим;
Қалбимни шеърга шайлаб,
Нурдан ваҳоғ истадим:
Дивногорск кутар ойлаб,
Ундан чароғ истадим;
Чароғ истаб бўлдим асир,
Жонимга жон, Энасой!

ЭНАСОЙ

Чароғ истаб, парвонадай
Қанотларинг куймасин ҳеч.
Бағримдаги пўртанадай
Қалбинг асир этсин севинч.

Меҳмон эмас энди сен ҳам,
Менинг битта ўғлонимсан.
Қаерга мен қўймай қадам,
Тўлқин урган туғёнимсан.

Сени тоблаб долғаларда,
Оташларда чиниқтирдим.
Етиб ол деб дарғаларга,
Сибиргa ҳам кўниктирдим.

Саян билан айлаб иноқ,
Пайғанд этдим қисматингни.
Яхши кўриб қолдим бироқ
Ёқимли бир хислатингни.

Мен меҳмонман деб ўзингга,
Юрмадинг ҳеч қўйиб бино.
Меъмор бўлиб сен ГЭСимга
Ғишtлар тердинг, минг тасанно.

Содиқ қолиб Гагаринга
Белкурагин ардоқладинг.
Қанот бер, деб зафаримга,
Ундан мадад сўроқладинг.

Бош тўғонга қўйиб бетон
Қилганингда руҳини шод,
Белкурагин мисли эҳсон –
Кутар эди янги авлод.

Авлодлардан авлодларга
Ўтади бу қутлуғ мерос.
Таъзим қилиб аждодларга,
Яшамоқлик башарга хос.

Қолгай дерлар, яхшидан от,
Безак бўлиб асрларга.
Қалб мулкида қурсанг работ,
Номинг еттай наслларга.

Ўғлон, сенинг битта сўзинг
Жаранглайди қулоғимда.
Шуни ўйлаб балки ўзинг
Тургандайсан қирғоғимда.

Орзуйимга боғлаб қанот,
Рағбат бердинг менга бу дам.
Жанубга ҳам қўйгин деб от,
Ёқдинг менинг қалбимда шам.

Музликдамас, қуриб ошён –
Чўллар аро жилолансам.
Обиҳаёт наҳрисимон
Кун нурида тиллолансам.

Тўлқин уриб боғлар аро
Ариқларда шарқирасам,
Она ерга бериб оро
Ойнакўлдай яркирасам,

Пахтазорлар жилвасини
Кўрсам, қолмас армоним ҳеч.
Унинг зангор кемасини –
Юргизмасам туролмам тинч.

Мен Сир билан иноқлашиб,
Бир яйловда ётсам, кошки,
Бир эгатда мавж талашиб,
Бирга қулоч отсам, кошки.

Тутсанг агар жиловимни,
Мен изингдан қолмагайман.
Келтиролсанг сийловимни,
Сен толсанг ҳам толмагайман.

Лекин йўлинг жуда узоқ,
Ухлаб тушга кирмагандир.
Бу йўллардан салт арғумоқ –
Бўлиб дарё юрмагандир.

Жануб томон менинг агар
Жиловимни бурсанг, ўғлон,
Ғаним дили тарс ёрилар,
Ёқасини ушлар жаҳон.

Орзу қолмас бўлиб армон,
Ушалгай бу замон ичра.
Сайр этурсан бир кун хандон,
Мен яратган бўстон ичра.

ШОИР

Энасойга тоғдай тўғон
Кўкси метин қалқон бугун.
Тўғон узра тахтиравон
Йўлдан кўзлар шодмон бугун.
Оқ тўлқинлар уриб тувён.
Икки қирғоқ гирён бугун,
Дивногорск — шаҳри бўстон,
Чехралари хандон бугун,
Дарё суви, жаҳон ҳайрон,
Осуда бир уммон бугун.

Тайга ичра даврон суриб —
Оққан нахри шўх Энасой,
Йўл юрса ҳам мўлроқ юриб,
Дард-ҳасрати йўқ Энасой,
Дориломон юртни кўриб,
Тошқин кўнгли тўқ Энасой,
Сибир совуқ бўла туриб,
Қалби оташ чўғ Энасой,
Йўлин боғлаб ботир инсон
Қалби нурга ошён бугун.

Сибирликлар бу ГЭСни
Ҳаёт чароғи, дедилар,
Энасойда улуғ Руснинг
Кўзу қароғи, дедилар,
Марду майдон йигит-қизнинг
Севги маёғи, дедилар,
Қону қардош барча дўстнинг
Зафар байроғи, дедилар,
Сибир бўлиб ёруғ жаҳон,
Юлдуз тўла осмон бугун.

Дарё сиғмай ўзанига
Метин тўғонга бош урар,
Шаршаралар тўзонига
Пўлат қувурлар дош берар,
Тушиб ГЭС қозонига
Ёғду қуёши парпирар,
Оёқ қўйиб узангига
Нурпош чавандоз талпинар,
Энасойни хуррам замон
Айлар зап имтиҳон бугун.

Жирафадай босиб ерга
Симёғочлар оёғини,
Одим отмиш кенг Сибирга.
Кўзлаб яқин-йироғини,
Тарам-тарам симлар нурга
Очганича қучоғини
Ҳар хонага кирмиш бирга,
Ёқиб ҳаёт чироғини,
Сибир бўлиб нурга макон,
Чароғондир ҳарён бугун.

Зулмат ичра кўзёш тўкиб,
Инграб ётганда Сибир,
Толеидан минг бор ўксиб,
Ғамларга ботганда Сибир,
Паҳлавондай қаддин букиб,
Чорасиз қотганда Сибир,
Ҳолин сўрмиш аҳли замон,
Сибирда йўқ армон бугун.

Красноярск ГЭСи мамнун
Нур таратар Саянга ҳам,
Олам аҳлин айлаб мафтун,
Тайгада ҳар маконга ҳам,
Ёшлар қалби урса тўлқин,
Ишқдан нотинч ҳар жонга ҳам,
Тўй-ҳашамнинг очган кўркин —
Қўшиғу достонга ҳам.
Толеига кулиб даврон
Сибир ёруғ жаҳон бугун.

Дунё ичра тенги йўқ ГЭС
Куч-қудратда ягонадир,
Бир дақика юммагай кўз,
Тинмоқ унга бегонадир,
Кўз нуридек нури азиз,
Учқуни ҳам дурдонадир.
Дастгоҳларда кеча-кундуз
Жони фидо мардонадир,
Сибир кўксин безаб нишон,
Қаҳрамондир ҳар жон бугун.

«Сўзловчи» бир харита бор
ГЭСнинг пешонасида,
Кўзлар унга боқур хумор
Сеҳрли остонасида,
Ҳатто ақл қилмас бовар
Турсанг ҳам нурхонасида:
Братская, Қуйи Ангар,
Тунгус, Игар кошонасида
Саянликлар бўлур меҳмон,
Сибир ГЭСга майдон бугун.

Энди кимки деса, Сибир,
Тили болу сўзи шакар.
Тайга ичра кезса масрур,
Кўзни олар мовий диёр,
Энасойда этса сайр
Кўнглида ҳеч қолмас ғубор,
Тушиб қолдим жаннатга бир
Меҳмон бўлиб мен ҳам дўст-ёр,
Меҳнат аҳли эрур боғбон,
Сибир баҳри бўстон бугун.

Красноярск ГЭСи деса,
Кўз олдимга келур Сибир.
Сибир деган чоғда эса,
ГЭС сочур йўлимга нур.

Бир даргоҳдан ким туз еса,
Унутмагай, борки умр,
Мен ҳам отим омон бўлса,
Яна йўқлаб келгум, Сибир.
Қалбим эса уриб туғён
Сени айлар достон бугун!

СИБИР

Қаҳратонда қаҳри қаттиқ
Волидаи муҳтарамман.
Саратонда бағри иссиқ,
Меҳри оташ мукаррамман.

Бу дунёнинг чорагида
Яшар менинг фарзандларим.
Ёли бордир юрагида,
Улар менинг қалқонларим.

Сахалинда бир қароғим,
Бир қароғим Уролдадир,
Муз уммонда бир оёғим,
Бир оёғим Бойқўлдадир.

Менинг икки она қизим
Қўндирмайди кўнглимга доғ.
Ойдан ёруғ икки юзим,
Бири — ёвду, бири чароғ.

Энасойдир каттакони,
Кенжатойи Лена эрур.
Шодликларин йўқ поёни,
Тайга ичра даврон сурур.

Невараю чеварамни
Юлдуздан ҳам кўпроқ дейман.
Бахти бутун эварамни
Боққан ҳам шу тупроқ дейман.

Кўп савдони кўриб бошим,
Дийдам тошдай қотган эди.
Кипригимда музлаб ёшим,
Кўксимга тиғ ботган эди.

Олис осмон гардунида
Булут бўлиб оҳим кезар, —
Замонларнинг тутунида
Гоҳо йиғлаб, гоҳ жим кезар.

Сургунларнинг сиртмоғида
Тиқилганда бўғзимга жон,
Дунёнинг бир пучмоғида
Чекар эдим оҳу фиғон.

Декабристлар нидоси бир —
Ғулу бўлиб қоним кезар.
Руҳи билан ёниб бағир,
Жони гўё жоним кезар.

Бир зўр адиб Вилюй ичра
Саккиз йилча чекди азоб,
Қафас каби тор бир ҳужра
Ўйларини этди сароб.

Қалбимдаги эрк учқунин
Бўлсин дея ўт-аланга,
Рўшно айлаб зулмат тунин,
Ҳаёт кулиб боқди менга...

Ўтган кунлар тушга ўхшар,
Дилим эзар оҳ-ноласи.
Бу кун эса завқим жўшар,
Дилда шодлик шалоласи

Учай десам осмонга гар,
Қайрилмаган қанотим бор.
Изласам гар Ердан самар,
Дориломон ҳаётим бор.

Қўшиқ айтсам, олам янграб,
Каҳкашон ҳам бергай садо.
Етти иқлим менга қараб,
Ўқир бу кун савти наво.

Ҳар қадамим ўзи бир кон,
Бойликларга хазинадир:
Олтин, олмос, мис ва маъдан,
Дур соҳиби каминадир.

Бойқўл деган кўлим маним
Тенг ўн азоб уммонига.
Ҳазар садқа, дейди, жоним,
Тумандаги нефть конига.

Баҳоси йўқ ўрмонимнинг,
Қолдирганман дунёни лол.
Олтин буғдой хирмонимни
Тиклаганлар билмас завол.

ГЭСларимдан бу кун жаҳон
Ёқа ушлаб, ҳайронадир.
Жаҳон надир, ҳатто осмон —
Юлдузлари армондадир.

Шунинг учун менинг бу кун
Ўпсанг арзир манглайимдан.
Фавворадек билмайин тин
Нур отилгай мавжларимдан.

Фарзандларим шер билакли,
Тоғни қилар толқонга тенг.
Сенга ўхшаш ўтюракли,
Босган изи достонга тенг.

Красноярск — Тошкент,
1973

ҚОРАҚАЛПОҚ ҚЎШИҚЛАРИ

НУКУС

Аму ёқасида муаззам шаҳар,
Боғларга чулғаниб боқар орзуманд.
Меҳнаткаш ўлкага меҳрибон сарвар,
Бунёдкор эл ишқи жонига пайванд.

Саодат тожини кийиб хушхиром,
Янги Шарқ ҳуснига боқар музаффар.
Тонг билан қуёшга айлаб эҳтиром,
Ватан шавкатига бўлур муяссар.

Мармар либос кийган кошоналари
Антиқа товланар кун ёғдусида.
Ўз бахтин кўради Нукус шаҳари,
Аму тўлқинидек эл туйғусида.

Кўркам хиёбонда Бердақ ҳайкали,
Кўрк қўшиб турибди шаҳар кўркига.
Истиқбол қасрининг бўлиб сайқали,
Боқийлик тилайди халқин эркига.

Гулларга бурканиб боғу хиёбон,
Баҳор қучоғида олмоқда нафас.
Табиат сеҳрини бунда беармон,
Кўрмоқнинг ўзи ҳам эзгу бир ҳавас.

Кўчалар қалбини янгратиб шодон,
Дорилфунун сари ошиқар ёшлар.
Меҳнату ижодга бўлиб чароғбон,
Қўшиққа ошнодур қалби оташлар.

Қизилқумга кўкдан тушгандек гавҳар,
Кўзимни сеҳрлар Нукус жамоли.
Аму зилолими ё оби кавсар,
Ё унинг нафаси — дарё шамоли!

Ҳайрат наҳри ичра қалбим бўлур ғарқ,
Бир шаҳар гуркирар қумликлар аро.
Бахти бор бўлмаса, айт-чи, кўҳна Шарқ,
Ким ахир пойтахт деб берарди оро?

Мадойин қасридек Нукус қалъаси,
Бу олам саҳнидан ўчарди мангу.
Юзини ўпмасдан офтоб шуъласи
Оҳидан ўт олиб ёнарди Аму.

Минг шукр, Оллоҳнинг иноятига,
Рўшнолик кўролди нурга чанқоқлар.
Кишилар етолди саодатига,
Қаддини ростлади қорақалпоқлар.

Азамат диёрнинг пойтахти бўлиб,
Беором юракдай Нукус урар занг.
Қизкеткан сувидан ҳуснга тўлиб,
Қалбида янграйди қўшиқ ва оҳанг.

Бу жаҳон боғида омон бўл, Нукус,
Чаманзор боғларинг кўрмасин хазон.
Азиз меҳмонингга тутиб нону туз,
Тонг билан бир қўшиқ этдинг армуғон.

Нукус,
1975

НУКУС САРОЙИ ХУСУСИДА

Бу — на ажиб саодатким,
Нукуснинг нақ ўртасида,
Амунинг ёлдор елкасида,
Олам ҳайрон қолғулик
яралмиш бир кошона.
Бердақнинг қадимий қалъасида,
Ажиниёз, Бердақнинг
ғазалхон ўлкасида,
Дунёга бергусиз
Қорақалпоқ республикасида,
Бу — Қоратоғ мармарин
сеҳридан бир нишона!
Мен ишонмай кўзимга,
тишлаб ҳайрат бармоғин,
кезиб Аму қирғоғин,
Савол бериб ўзимга,
тополмай қолдим жавоб.
Қалбим кирмай сўзимга
кўксим ичра қўяр от,
Довруғ солиб Қизилқумга,
жарчи бўл, дер, эй офтоб!
Бу кошона сеҳридан
лолмисан ё коинот?
Қоратоғ мармарида,
мармарлар сарварида
Бўлса шунча мўъжиза,
Тоғ бағрида не учун
шунча йиллар ётди тинч?
Қизкеткан, тупроғидан,
кўзларин қароғидан
Қилса ҳам олтин кўза,
Оламга жар солмаган
Қорақалпоқ бағрин букун
Амудек чулғар севинч.
Бу оқ мармар кошона
қуёшга айтиб розин,
Янгратиб санъат созин,
ўпиб турибди осмон.
Каҳкашон юлдузлари
бўлиб унга парвона,
Тошқин Аму қирғоғидан
тинглаб дилбар овозин,

Олқиш айтур сенга минг-минг,
қорақалпоқ қадрдон.
Оқ мармар зиналарни
ўпади қадамларим,
Ойнабанд эшикларин
очур менга тилсимот.
Бошим узра бир лаҳзада
ёқиб минглаб шамларин
Гўё санъат ёғдусини
сочур менга тилсимот.
Афсонавий қаср ичра
қирқ қиз айлар хиромон,
Гўё Аму кучоғида
сузиб юрар оққушлар.
Диловар куй-қўшиқдан
қўрғошиндай эрир жон,
Бошлардан учар хушлар.
Бунда «Чорёр» куйланади
минг бир мақомда
Дилафрўз оқшомда.
Бунда «Қирқ қиз» сўйланади
то тонгга қадар,
Кўнгиллар чорбоғига
сочиб сийму зар.
Бу — Бердақнинг ушалмаган армонлари,
Йиғлаган зор-зор.
Ажиниёз исёнлари
Ва узилган тор,
Дил оҳидан қизарган бир лолазор.
Хаёл отин тизгинидан тутаман маҳкам
Ва боқаман саҳна узра
учган ёшларга,
Қўшиқ ва рақс оғушида чайқалар олам,
Қалбимни ҳам ташлаб маним
ўт-оташларга!
Сайёҳ гўё Қизилқумда
йўл излагандай,
Ақлим маним қолар адашиб.
Бўэтўрғай кенг чўлга сиғмай бўзлагандай,
Қалбим кетар дарёдек тошиб...
Бу — на муъжизаким,
Нукуснинг нақ ўртасида,
Амунинг ёлдор елкасида
Олам ҳайрон қолғулик
яралмиш бир кошона.
Бердақнинг қадимий қалъасида,
Ажиниёз, Бердақнинг
ғазалхон ўлкасида,
Дунёга бергусиз
Қорақалпоқ республикасида,
Бу — меъмору муҳандис
илмидан бир нишона,
Қорақалпоқда — ягона!

Нукус,
1975

АМУ

Сарҳади йўқ бу дунёнинг
бахтли пучмоғида,
Қулочкашлаб сузиб ётибди Аму.
Қорақалпоқ тупроғининг
иссиқ кучоғида,
Вазмин бир хаёлга ботибди Аму.
Ошиб шунча тоғу тошни,
кезиб дала-қирни,
Асов отдай тутқазмади ёлидан.
Елкасига эгар солган
қанча чапдаст шерни
Йиқитиб,
қаҳ-қаҳлаб кулди ҳолидан.
Тахиатош тўғонига
боши тегиб бирдан,
Ёлвориб,
қорақалпоқ пойига йиқилди.
Мени маҳрум этдинг дея
асовбахш ғурурдан,
Чўлларга
«оқ олтин» бўлиб тўкилди.

1975

ҚОРАТОҒ МАРМАРИ

Узоқлардан қорайиб
кўринади Қоратоғ,
Силсиласи ханжар мисол
кўк тоқига қадалган.
Қизилқумнинг этагида
тўлғанган бу сара тоғ,
Дарасига оху янглиғ
менинг қалбим қамалган.
Тутқунликдан чиқай деса,
чор-атрофи баланд тоғ,
Кўкка боқса, кўзларига
ёлғиз осмон кўринур.
Пойин ўпиб, оғушига
олур уни бир чорбоғ,
Чорбоғ ичра Қоратоғдан
ноёб бир кон кўринур.
Қоратоғга сиғмай қалбим
талпинар мисли жайрон,
Шодлигини айтай дейди
мушфиқ Амударёга.
Қорақалпоқ тонги каби
борлиқ бўлиб дурахшон,
Амударё тўлқин отиб,
жар солсин, дер дунёга,
Бугун ноёб бир кон топдим
Қоратоғнинг қўйнидан,
Чўққиларга сакраб чиқиб
бола каби қийқирдим.

Кўзларимни узмай бир дам
Қизилқум қуюнидан,
Қоратоғга карвон бўлиб
йўл олган элни кўрдим.
Қувончимдан сиғмай кетдим
Қоратоғ дарасига
Ва беадад мармар конин
тонг чоғи пармаладим.
Олтин лавҳа чекканимдай
конлар шажарасига,
Қоратоққа кўз-кўз қилиб,
мармар тоғин қаладим.
Кончи дўстлар Аму каби
тошиб келди қошимга
Ва даст урди паҳлавондек
Қоратоғ сийнасига.
Берунийнинг хазинасин
сочган каби бошимга,
Қалб қўрини тўкди кундек
мармар дафинасига.
Нукус билан пайванд этиб
Қоратоғ йўлларини,
Ганжинани кўҳистонда
ноёб деб чекди рақам.
Сайлаб олиб меъморларнинг
энг қўли гулларини,
Элликқалъа чиройига
мармардан берди ҳашам.
Бу хушхабар яшиндай тез
элга бўлгач овоза,
Қорақалпоқ мармарига
борлиқ тилади ривож.
Осмонўпар кошоналар
ундан олгач андоза,
Қадим Шош ҳам шу мармардан
кийсам деди бошга тож.
Шош истагин бажо айлаб,
мунаввар метросига,
Меъмор билан муҳандислар
кийдирар зарҳал либос.
Ва Шарқ қойил қолсин, дея
Нукус ихтиросига,
Қоратоғнинг жон риштасин,
Тошкентга этди пайваст.
Кошки, энди қалблар ичра
қамалса қалбим маним
Ва ҳеч кимса тополмаган
кашф этса эди бир кон,
Майли эди тутқунликда
ўтказса умрин қалбим,
Қоратоғга ҳавас қилиб
яшар эдим беармон.

1975

КРЕМЛ БОҒИДА

Кремл боғида баҳорий шукуҳ,
Қалбимда қўзғайди ифтихор.
Мен билан сайр этар ўғилчам Фаррух,
Кўзлари Курантга интизор.

Ёқут юлдузига қараб тўймайди,
Чарақлаб кетади кўзлари.
Юз хил савол бериб мени қийнайди,
Кўнглимни қитиқлар сўзлари.

Мен оғиз жуфтламай, ул ўзи бир-бир
Ёнғоқдай чақибон ташлади.
Сўнг эса қўлимдан етаклаб мағрур:
Сайрибоғ қилишга бошлади.

Олмазор шохлари эгилиб ларзон,
Сеҳрлаб қўярди кўзларни.
Болалик ҳаваси қўзғалиб шу он,
Фаррухжон ялиниб сўзларди:

-Биттагина олиб беринг, дадажон!
-Йўқ, ўғлим, қўлларим етмайди.
-Бўлмаса, кўтариб туринг, дадажон,
Битта олсам камайиб кетмайди.

Мени мот қилса ҳам ўғлим тамоми,
Кўзида балқирди илтижо.
Кремл боғининг кекса боғбони,
Истагини келтирди бажо.

Фаррухжон қўлига олиб олмани,
Миннатдор жилмайди боғбонга:
Қойил қилиб қўйган сингари мани,
Шодлиги сиғмасди жаҳонга!

Москва,
1975

ПУШКИН УЙИ

Шоирни сўнг йўлга кузатган бу уй,
Бир умрга қолди бағри доғланиб,
Нева қирғоғида сурганича ўй,
Фирокда турибди юраги ёниб.

Илҳом тулпорини эгарлаб қўйиб,
Шоирин интиқиб кутади ҳамон.
Пушкин келмас вале бу уйга қайтиб,
У бутун жаҳонни этгандир макон!

1975

ОЙДИН КЕЧАЛАР

Нева бўйларига чўкмиш ойдин тун,
Тунми бу ё лайлак тўзғитган оқ пар?
Садаф ранг булутдай қўнганми ё кун,
Ё сайр этарми чинни кабутар?

Ё оққуш кўлими бу азим шаҳар,
Чарх уриб оғушин этган кумуш ранг?
Ё макон этганми сутдай кечалар,
Ўзбек пахтасидан ё олганми ранг?

На кўкда юлдуз бор ва на шаҳарда
Милт этиб кўймайди биронта чироқ.
Баркашдай ой ботмас ҳатто саҳарда,
Воажаб, туни ҳам кундуздай порлоқ.

Йўллар ҳам боғлар ҳам, дарё ҳам ойдин,
Ойдиндир майдону хиёбонлар ҳам.
Диллар ҳам, уйлар ҳам, дунё ҳам ойдин,
Ойдиндир кирғоғу шаҳристонлар ҳам.

Кун билан тунни ҳеч қилиб бўлмас фарқ,
Ҳарир парда ичра борлиқ рўшнодир.
Ошиқлар муҳаббат наҳри ичра ғарқ,
Юраклар диловар дамга ошнодир.

Кун бўйи ўпишиб ётган кўприклар
Нақ ярим кечада ажралар, ажаб!
Тонг билан яна бир-бирини йўқлар
Ва қуёш чиқмасдан лабга қўяр лаб.

Кўприклар ўпишиб, айрилишини
Кўрмоқнинг ўзи ҳам олий бир ҳавас.
Гўё икки ошиқ кўрган тушини
Кун бўйи сўзлашар чиқармасдан сас.

Ойдин кечаларда кундуз била тун
Ошиқ кўприклардай кетар қовушиб,
Нақ ярим кечада бунда чиқса кун
Қошида ҳайкаллар ётар мук тушиб.

Билмайсан — кечами, кундуз ё саҳар,
Ё мангу меҳмонми оппоқ субҳидам.
Ё наҳри садафга чўмган бу шаҳар,
Дейдими, кордан ҳам оппоқдир сийнам.

Йўқ, асло!
На сийна — толеи оқдир,
Оқдир бу шаҳарнинг борлиғи абад.
У — бизга нурини сочган маёқдир,
Маёққа ошиқар асли одамзод!

1975

НЕВА БЎЙЛАРИДА

Невага маҳлиё учади бир қуш,
Кўзига қорачиғ — орзулар.
Фавворалар урар қанотига тўш,
Қояга сакраган оҳулар.

Дилафрўз манзара кўнглин этар хуш,
Сеҳрлаб қўяди нигоҳин.
Саодат шаробин этгин дея нўш,
Ойдин тун тутади қадаҳин.

Парвозин кузатар одамлар сархуш,
Кўнглига сиғмайин ҳаваси.
Дейишар: «Эй қушча, бирдам
пастга туш».
Сабодай ёқимтой нафаси.

Одамлар розидан яйраб сайроқ қуш,
Чарх урар мусаффо самода.
Бошида бордайин қутлуғ бир юмуш,
Сувратин кўради дарёда.

Соғинган қалбида орзулар жунбуш,
Шаҳри Эрк ишқининг булоғи.
Самовий парвозин олқишлаб кулмиш,
Неванинг мукаддас қирғоғи.

Ҳайкаллар боқишар кўрган каби туш,
Қушчанинг изидан маҳлиё.
Ва борлиқ коинот бўлгандай кумуш,
Нигоҳин этади тўтиё.

Қушчанинг қалбидан ёғилиб олқиш,
Эрмитаж излаган қасрим, дер.
Нева бўйларида сайр этган қуш,
Қуш эмас, бу менинг қалбимдир!

1975

ПИСКАРЁВ ҚАБРИСТОНИДА

Сукунат,
Сукунат,
Оғир сукунат...
Сукунат тилкалаб ташлар қалбимни.
Сукунат,
Сукунат,
Сағир сукунат
Яқоси чок бўлиб хотирлар кимни?

Сукунат қўйнида руҳим паришон,
Ўйларим кўзгуси чил-чил сингандир.
Маъюслик қалбимга бўлиб ҳукмрон,
Елкамга тегирмон тоши қўнгандир.

Сукунат қаърига чўкиб кетаман,
Борлиғим зил юкдан беҳол ва мажруҳ.
Қабрдан қаброа зўрға ўтаман,
Теграмда саргардон етим қолган руҳ.

Супадек қабрлар ётар ёнма-ён,
Бошида мармар тош, йиллар санаси,
Гиёҳ бўлиб бунда кўкарган ҳар жон,
Тупроққа қоришиб ётар танаси.

Бир қабр қазилар ўлса ҳар инсон,
Бунда юзлаб инсон мозори бирдир.
Кимлиги, миллати, жинси даргумон,
Қисмати, нафрати, озори бирдир.

Бирдир ўлими ҳам, дафни ҳам бирдир,
Бирдир бошга тушган балою офат.
Бу ғамни зиркираб кўтарган ердир,
Одам зоти бардош беролмас, ҳайҳот!

Қабристон саҳнида кезар одамлар,
Кўзларда,
Юзларда,
Юракларда мунг.
Беозор ташланар зилдай қадамлар,
Елкасига қўнган хасрат тоғи чўнг.

Фарзанди ухлайди қайси мозорда,
Оналар билолмай овораи жон.
Отаси меҳрини қўмсаб наҳорда,
Қабрлар бошида фарзанд саргардон.

Оталар суяниб заранг асога,
Қарчиғай боласин қабрин излайди.
Кампирлар қўлини очиб дуога,
Неварасин ёдлаб, дардин сўзлайди.

Номаълум мозорга қўйиб гулдаста
Тўтиё этишар кўзга хокини.
Мармар тош лавҳасин силашиб хаста,
Ичига ютишар чеккан оҳини.

Қабристон тўрида халоскор Она
Ҳайкали турибди мунгли, музаффар.
Бу ҳайкал қошида бўлиб парвона,
Излаган кимсасин тополмас башар.

Ҳатто Пискаревнинг деворида ҳам,
Жафокаш қурбонлар номлари йўқдир.
Ва лекин ундаги сўз ила рақам,
Милён юракларга қадалган ўқдир.

Қамал кунларининг қурбонларини
Қучоқлаб ётибди она-Ер нолон.
Унутмай бомбалар суронларини,
Сукунат қўйнига чўмган қабристон.

Бу замин сукунат кўксин поралаб,
Бир маромда урар монометр занг.
Мунгли мусиқаси дилин яралаб,
Бир лаҳза тинмайди ситамкор оҳанг.

Монометр бонги — минглаб қурбонлар
Юрагин мангулик тинмас нидоси.
Бу нидо қалбларга солиб суронлар,
Сукутга чўмади башар дунёси.

Сокин Пискарёвдан чиқаман хомуш,
Мунгли бир сукунат синиқ руҳимда.
Агар сен бўлмасанг, эй қонли уруш,
Фарёд қилмас эди қалбим кўксимда.

1975

ҲАЁТ ЙЎЛИ

Танага юракдан югурмаса қон,
Томирларда тўхтар ногаҳон ҳаёт.
Ҳужайралар ичра муздай қотар жон,
Умр саройида бўлар қиёмат.

Ленинградни душман қилганда қамал,
Кунига яради Ладога кўли.
Бошига ёққанда уруғин ажал,
Қалбига қон берди шу Ҳаёт йўли!

1975

ТАЛЛИН ТАРОНАСИ

Бир қўшиқ тингладим Таллиндан,
Мозийнинг дилафгор оҳидек.
Боқди у қадимий заминдан,
Кўзлари куралай оҳудек.

Ёй қилиб қаламдек қошларин,
Ўқ узди қалбимга беаёв.
Муҳаббат тоғининг тошларин
Бошимга отди у, ёпирай!

Ҳисларим мавжида чўмилиб,
Пўртана қилдирди қонимни.
Кўзларим баҳрида кўмилиб,
Оташга ташлади жонимни.

Мижжамга қўндириб юлдузни,
Моҳтобни бекитди кўнглимга.
Пойимда мавжлатиб денгизни,
Бесўроқ кирди у ўйимга.

Тизгинсиз сурурим отини
Ўйнатди қаҳрабо мулкида.
Таратиб чаманлар тотини,
Лабимни жўр этди кулгига.

Қаноти устига ўтқазиб,
Ўрмонлар оралаб учди у.
Дарёю кўллардан ўтказиб,
Қалбимга солди у зўр ғулу.

Эстонлар қалбининг дурини,
Эй меҳмон, тортинмай ол, деди.
Болтиқдан теранроқ меҳрини,
Ўзбекча шеърингга сол, деди.

Мен қўшиқ сеҳридан бўлиб маст,
Кўзларим узолмам Таллиндан.
Риштаи жонимга у пайваст,
Бир умр чиқмагай қалбимдан!

Таллин,
1975

ДАУГАВА

Даугава,
Бир қўшиқ айтгил,
Кўнглимда заррача ғубор қолмасин.
Орфей каби бир жўшиб айтгил,
Ҳеч кимса ғафлатда эзиҳор қолмасин.

Шодлигингни дур қилиб сочгил,
Сен билан бу олам кулсин беармон.
Қалблар кўзин сеҳринг-ла очгил,
Зим-зиё гўшаси бўлсин нурафшон.

Дардларини тут каби тўккил,
Кулфатдан эгилган бошин кўтарсин.
Қўлларига гулдаста тутгил,
Шодлиги вулқондек тоғни кўпорсин.

Даугава,
Қўшиқчи дарё,
Каҳрабо диёрин норғул ўғлони,
Кўзларингда бўлмасин гиря,
Шодлик кўшиғига кўмгил жаҳонни.

Сен куйласанг,
Қуёш чарақлар,
Қувғунга учрайди кора булутлар.
Ой ғамзаваш сочин тароқлар,
Юлдузлар базмини коинот кутлар.

Сен куйласанг,
Шамол эсар шўх,
Самода чарх урар чинни кабутар.
Оламни чулғайди дилрабо шукуҳ,
Болтиқ ҳам кирғоққа сочар сийму зар.

Сен куйласанг,
Жўр бўлар олам,
Тоғу тошдан ошар Тинчлик қўшиғи.
Лаънат ёзар урушга қалам,
Осойиш топади башар бешиги.

Даугава,
Куйла, жонгинам,
Мен эриб кетаман сен куйлаганда.
Қўшиқ билан тўлади сийнам,
Субҳидам сен куйлаб,
Сен ўйлаганда.

Даугава,
Эй, қалби сайроқ –
Латвиянинг мушфиқ дарёси!
Сен куйласанг,
Яшнар бу тупроқ,
Хазон бўлмас қўшиқ дунёси!

1975

ГАУЯ ТЎЛҚИНЛАРИ

Гауя тўлқинида
Хаёлим оқиб кетди.
Тўлқинлар эпкинида
Юрагим қалқиб кетди.

Мижжамдан севинч ёши
Тўкилди юлдуз бўлиб.
Юлдузлар теккан тоши
Порлади кўзгу бўлиб.

Борлиғимда туйғулар
Ўти олди аланга.
Ҳар ён сочиб шуълалар,
Сиғмай қолди жон танга.

Ўйларим оловланиб,
Руҳимга берди қанот.
Сигулда минг товланиб,
Кўзларимни этди мот.

Пўртана ҳаяжоним
Завқ булоғин қайнатди.
Қуш каби яйраб жоним
Тилларимни сайратди.

Бу навога ҳамоҳанг
Дарё оқди тўлғаниб.
Латвияга бериб ранг,
Боқди нурга чулғаниб.

Ёзиб дил хуморини
Бир умр қолгин дея,
Илҳомим тулпорини
Олиб кетди Гауя!

Сигулда,
1975

БОЛТИҚ ДЕНГИЗИ

Эй, Болтик!
Эй буюк, қудратли диёр!
Нечун оғушингда мунча ғалаён?
Нечун юзларингда асабий ғубор,
Тўлқинлар қилдими ёки қўзғолон!

Ўшқириб, қирғоққа этасан ҳамла,
Қалбингга сиғмайди нечун туғёнинг?
Солмоқчи бўласан заминга ларза,
Нечун томирингда пўртана жонинг?

Сенинг мақомингга беролмасдан дош,
Писта пўчоғидек ўйнар кемалар.
Жонини ҳовучлаб сайёҳлар мунгдош,
Дарғага илтижо қилиб термилар.

Сен эса бепарво соласан уввос,
Қуёш ҳам музлайди чўкса бағрингга.
Қаърингдан дур излар қай жўмард ғоввос,
Жонини гаровга қўйиб қаҳрингга?

Сенга зўр ҳавас-ку, заминий ҳаёт,
Руҳингни яйратар оби ҳавоси.
Не учун сен ундан кутмайсан нажот,
Дахшатли қалбингнинг не муддаоси?

Қайга ҳам борардинг қилиб қўзғолон,
Тўнтарай десанг гар йўқдир давлатинг.
Сен учун тожу тахт соҳиби инсон,
Қалбида мавж урар сенинг санъатинг.

Сен ҳаддингдан ошган чоғингда, Болтиқ,
Қаърингга чўккандир қанча тирик жон.
Қанчалаб кемалар сенда еган ўқ,
Ва бағринг этгандир мангулик макон.

Сен қанча мардларни олиб комингга,
Умр дарахтини тубдан қўпординг.
Худди доғ тушмаган каби номингга,
Айбингни сув билан ювиб юбординг.

Қаърингда яширин мардлар мозорин,
Ҳали инсон кўз-ла кўрганича йўқ.
Сен эса тингламай ўликлар зорин,
Ўкириб ётибсан, эй ғамсиз Болтиқ.

1975

ЮРМАЛА

Юрмаланинг сўлим қучоғи
Жаннат эрур айни саратон.
Мовий денгиз олтин қирғоғи
Сайёҳларга топилмас макон.

Чумолидай кезар сайёҳлар,
Қирғоқ ўхшар Шарқ бозорига.
Арғамчидай толғин нигоҳлар
Қулоқ тутар денгиз зорига.

Адиблар ҳам денгиз ёқалаб
Юрмалада овораи жон.
Наср юкин зўрға орқалаб,
Тўлқинларга боқар беармон.

Умрида ҳеч денгиз кўрмаган
Шоир келса жанубдан агар,
Болтиқнинг бир томчисига ҳам
Битиб ташлар бир туркум ашъор.

Юрмаланинг оромгоҳида
Ахли сайёҳ чиқарса хордиқ,
Шоир халқи шеър жанггоҳида,
Тунлар отар ўз қалбига ўқ.

Бири ўқдан бўлса ярадор
Ундан ғолиб чиқади бири.
Бири териб Болтиқдан гавҳар
Шеър парисин қучади бири.

Бири териб Болтиқдан гавҳар
Ўз юртига қайтса пиёда,
Бири эса ўйнатиб тулпор
Олиб қайтар сувин кўзада.

1975

КАҲРАБО ДИЁРИ

Болтиққа ёнбошлаб хуш-хиром,
Ўрмонга узатиб оёғин,
Қуёшга термилиб субҳидам,
Шафақдан қизариб ёноғи,

Кахрабо диёри уйғонар
Фараҳли баҳорий уйқудан.
Пойида тўлқинлар тўлғанар
Маст бўлиб, нашъали туйғудан.

Кўзларин уқалаб, қулочин
Ёзади зангори кенгликка.
Ёғдулар иситиб қучоғин
Орзусин учирар у кўкка.

Мовий кўл — умидбахш кўзлари,
Сочлари — бошоғи буғдойнинг.
Ғаллазор — олтин ранг юзлари,
Рамзими ерда у ё ойнинг.

Дарёлар — қўллари, узатса,
Тошлоқ ер ранг очар, бўлар боғ.
Шу боғда дастурхон тузатса,
Дунёнинг бўлгуси кўнгли чоғ.

Калев ва Линданинг қиссасин
Сўзлайди ғамгусор башарга,
Фоже бир муҳаббат қисматин
Гул билан нақш этиб ханжарга.

Қуёш-ла ўрнидан қўзғалиб,
У билан тер тўкар ёнма-ён.
Муқаддас гупроқдан дур олиб,
Халқига этади армуғон.

Фаровон хаётнинг нашъаси
Қон бўлиб югурар қалбида.
Ёнида ишончли ошнаси,
Шодумон саодат қасрида.

Юраги Таллиндай уйғоқдир,
Куну тун оламга урар бонг.
Меҳри ҳам қуёшдай қайноқдир,
Бошини силайди оппоқ тонг.

Дўстларин бахтига кўрмай дард,
Саодат мулкида шодмон бўл.
Кўзингга кўнмасин зарра гард,
Шу жаҳон тургунча омон бўл!

Таллин,
1975

САЛОМ, ЛАТВИЯ

Эй, Латвия — Болтиқ эркаси,
Даугава ошиғи, салом!
Салом сенга Лацис ўлкаси,
Ян Райниснинг қўшиғи, салом!

Сенга боқиб, хаёлим қуши
Осмонингда солди арғимчоқ.
Олиб кетди мени оқ тўшли
Илҳом деган учқур арғумоқ.

Узангига қўйиб оёғим
Боғлар аро от қўйиб кетдим.
Қонатмасин дея туёғин
Гаюдан бир сакраб ўтдим.

Сигулдада тўхтаб бир нафас,
Ўпиб қўйдим кумуш ёлини.
Ўрмонзорлар чорлаб басма-бас,
Очди гўё йўлим фолини.

Элга машҳур Турайд қалъаси
Ўқиб берди қиссаи ноёб.
Сигулданинг бир дилрабоси
Қуйиб берди менга майи ноб.

Салапилсда йиғлади қалбим,
Монометр мунгли бонгидан.
Руҳим синиб, хаёлга толдим,
Яраланди кўнглим янгидан.

Қутлаганда Юрмала хушҳол,
Болтиқ берган завқу сурурдан
Астробод ҳавоси мисол
Фасли кўнгил ўзгарди бирдан.

Қай даргоҳга қўймайин қадам,
Меҳмон бўлмай қайси боғларда,
Излагандай дардимга малҳам,
Кулиб турди гул кучоқларда.

Қуёш бўлиб очиқ чеҳралар
Ёғду сочди хонаи дилга.
Қардошликнинг меҳри эркалар
Олиб маним қалбимни қўлга.

Сенда кезиб мулки каҳрабо,
Мовий рангдан тинди кўзларим.
Юрагимни чулғаб минг наво,
Дарё бўлиб оқди ҳисларим.

Эй, Латвия — Болтиқ эркаси,
Даугава ошиғи, салом!
Салом сенга Лацис ўлкаси,
Ян Райниснинг қўшиғи, салом!

Рига,
1975

Калев ва Линда

(достон)

1

Бизнинг бахтли замонда,
Эстония томонда,

Таллиннинг четроғида,
Болтиқнинг қирғоғида

Кундай кулиб балқиган,
Ойдай тўлиб олқаган,

Қайнар булоқдай тоза,
Номи элга овоза

Юлиместа кўли бор,
Мовий кўллар гули бор.

2

Тоомпеага субҳидам
Сеҳр-ла қўйгач қадам,

Шафақ қизарганида,
Қуёш бўзарганида,

Тўлқинлар туш кўрганда,
Оққушлар тўш урганда,

Денгиз юзида шамол
Суриб қолганда хаёл,

Кўз илғамас уфқда,
Дил чулғамас уфқда

Қолиб кетганда нигоҳ,
Толиб кетганда нигоҳ,

Харсангтошга ўлтириб,
Денгиз-ла суҳбат қуриб,

Руҳим енгил бўлганда,
Кўнглим булбул бўлганда,

Тўлқинлар — салт арғумоқ —
Ташлаб гўё арғимчоқ.

Мен билан Фарруҳжонни —
Икки шарқлик меҳмонни

Эгарсиз тулпорига,
Эгасиз тулпорига

Имлаб чорлаганида,
Кўзи порлаганида,

Болтиқ бобо чайқалиб,
Бир пиёла чой олиб,

Қултум-қултум сипқориб,
Аста кўнглини ёриб,

Силаб оппоқ соқолин,
Тилаб ўғлим иқболин,

Кўздан артиб ёшини,
Эгиб мағрур бошини,

Бу кўлнинг афсонасин,
Афсона дурдонасин,

Менга қилди ҳикоя,
Ҳикояга — эл доя.

3

Бу ҳаётнинг боғида,
Денгизнинг қирғоғида

Жуда-жуда қадимда,
Бизнинг ушбу заминда

Балиқчи чол яшаркан,
Яшаб, ошин ошаркан.

Чолга эса бир кампир
Қўшни экан беназир.

Кампиридан ажраб чол,
Бўлиб қопти қадди дол.

Кампир эса чолидан
Уйин оқсоқолидан

Айрилиб, мункайибди,
Етимдек мунғайибди.

Ва лекин чолу кампир
Ёнида мисли шамшир

Ўғил-қизи бор экан.
Бахт ва толе ёр экан.

Баликчи чол ўғлини,
Қалби кундай чўғлини

Денгизга ўргатибди,
Йўлини кўрсатибди.

Калев бўлиб паҳлавон
Денгизга сопти сурон.

Довул бўлиб рўбарў
Келса, енгар экан у.

Тугиб наҳанг бўғзидан,
Дур оларкан оғзидан.

Дельфин-ла бўлиб инок
Умри ўтаркан қувнок,

Чевар аёл қизини,
Элнинг кўрар кўзини

Жондек асраб жонида,
Паноҳ бўлиб ёнида,

Туғлари эртак айтмиш,
Ювиб-тараб улғайтмиш.

Чеварлик ҳунарини,
Ҳунарининг зарини

Қорачиғидай асраб,
Етти туманда мактаб.

Линда деган қизига,
Бахтининг юлдузига

Ўргатди онаизор
Бўлмасин деб хору зор.

4

Денгиз бўйида яйраб,
Булбул сингари сайраб,

Икки дил арзандаси –
Калев билан Линдаси

Бўлиб қолибди сирдош,
Мисли ой билан қуёш.

Паївваста икки кўнгил,
Хулди гул билан булбул.

Бири — ер, бири — осмон,
Ишқи экан бир достон.

Қизнинг қоши камони
Экан ҳилол фиғони.

Йигитнинг бўй-бастидан
Офтоб тушмиш тахтидан.

Калев билан Линда гар
Денгизга солса назар

Довул ҳам тўхтар экан,
Парилар йўқлар экан.

Икки ошиқ ишқидан,
Ишқ яратган кўшкидан

Олам олиб андоза
Этар экан овоза.

Чол билан кампир эса
Икки қудағай бўлса,

Тўйга ҳам жазм қилиб
Ва катта базм қилиб,

Элни тонгда кузатиб,
Оёғини узатиб,

Ёшлар бахтини тилаб,
Тожу тахтини тилаб

Ўтирган маҳалида,
Шаҳарнинг шимолида

Элни қилиб ҳангу манг,
Бошланибди катта жанг.

Ғаним хуруж қилибди,
Юртга ҳужум қилибди.

5

Калев ғазаби ошиб,
Асов денгиздай тошиб,

Қиндан олиб қиличин,
Ғазаб ёндириб ичин,

Ўзи бош бўлиб элга,
Қамчи босиб дулдулга,

От қўйибди ёв томон,
Ўлим сочган дев томон.

Калев сардор оломон,
Ғазаби бўлиб уммон,

Қўлга олиб қуролин,
Танг қилиб ғаним ҳолин,

Етти кечаю кундуз
Жанг қилибди тинимсиз.

Ғаним ер тишлаб қопти,
Кўксига муштлаб қопти.

Омон-эсон қолгани,
Жангдан ҳориб-толгани

Қочибди тумтарақай,
Ўзинг асра, деб ҳай-ҳай!

Ва лекин бир ёсумон
Пистирмада сақлаб жон,

Калевнинг кўкрагига,
Ўт ёнган юрагига

Шамшир санчибди бирдан,
Сакраб чиқиб зовурдан.

Зафар майини ичмай,
Калев Линдасин қучмай,

«Оҳ!» — деб кўксин ушлабди,
Оти йиғлаб, кишнабди.

6

Эшитиб от товушин,
Киймасдан ҳам кавушин,

Ялангоёқ, ялангбош,
Кўзида тирқираб ёш,

Сочи тўзғиб шамолда,
Қолдими деб қамалда,

Калевни излаб Линда,
Бўтадай бўзлаб Линда,

Жанггоҳга келган замон
Ёрини кўрди бежон.

«Дод!» — деб ўзин ташлади
Ва кўксига муштлади.

Танида қуриб дармон,
Ҳушидан кетди шу он.

7

Ёвни яксон этган эл
Кўз ёшидан оқди сел.

Ҳамма мотамда қолди,
Мотаму ғамда қолди.

Дардга беролмай бардош,
Линда кўкси бўлди тош.

Бечора кийиб қора
Дайдийди мотамсаро.

Жигар-бағри эзилгач,
Ишқ биноси бузилгач,

Оҳак тошли тепага,
Баланд Тоомпеага

Линда ўз қўли билан
Ишқидан ясаб кафан

Калевни дафн этди,
Дарди оламни тутди.

Қабри баланд бўлсин деб,
Калев кўнгли тўлсин деб,

Ташиб минг-минглаб тошни,
Тошларга уриб бошни,

Тоғ қилганда қабрида,
Бўйин эгмай амрига

Юмалаб кетди бир тош,
Линда эса тўкиб ёш,

Тошга йиғлаб осилди,
Бағрин тиғлаб осилди.

Қанча кўз ёш тўкса ҳам,
Умид кўзин тикса ҳам.

Уйдай тошни тепага,
Юксак Тоомпеага

Судраб чиқа олмади,
Танда мадор қолмади.

Линдага раҳми келиб,
Оппоқ кўксини тилиб,

Оққайинлар йиғлади,
Оғайнилар йиғлади.

Денгиз кўтарди сурон,
Ўрмонга қочди бўрон.

Булутлар чақмоқ чақди,
Кўз ёш тўкиб тутақди.

Линда тошни қучоқлаб,
Куйган жигарин доғлаб

Аччиқ-аччиқ тўкди ёш,
Кўз ёшига бўкди тош.

Линда охир кул бўлди,
Кўз ёшлари кўл бўлди.

8

Кўзларин қароғидан,
Умрининг чароғидан,

Қатордаги норидан
Ва умид чиноридан,

Орзу-истак боғидан
Ва суянган тоғидан

Бемаҳалда айрилган,
Қанотлари қайрилган

Балиқчи чол фарёди,
Чевар кампир оҳ-доди

Ер қўкни титратди.
Қайинларни қулатди.

Қирғоқдан тошди денгиз,
Ҳаддидан ошди денгиз.

Булутлар кийиб қора,
Йиғлади мотамсаро,

Чақмоқ чақиб осмонда,
Бурон турди ўрмонда.

Моҳтоб мунғайиб қолди,
Офтоб сарғайиб қолди,

Фарзанд доғи кўп ёмон,
Ранглари бўлиб сомон,

Чолу кампир бечора,
Оқибат топди чора.

Ўз она тупроғига,
Хазон билмас боғига

Денгиз ортидан яна
Ёв қилмасин деб ҳамла,

Такиб Калев қиличин,
Олмоқчи бўлиб ўчин,

Олис уфқни кўзлаб
Жигар-бағрини тузлаб,

Бир қайиққа ўлтириб,
Дарди селдай қутуриб,

Сархадга отланибди,
Юрт ишқида ёнибди.

Шундан буён икки жон
Денгизни этмиш макон.

Оққушлар учиб келса,
Тўлқинни қучиб келса,

Балиқчи чол рухи деб,
Чевар кампир оҳи деб,

Эстонлар сийлар экан,
Дардларин сўйлар экан.

Калевдай санаб ўзни
Севар эмиш денгизни.

9

Юлиместе — зумрад кўл,
Чиндан ҳам серқудрат кўл.

У — Линда кўз ёшидан,
Кўз ёши оташидан

Пайдо бўлганмиш қадим,
Ободмиш шундан замин.

Ҳануз кўл ўртасида,
Савлат тўкиб осуда,

Оҳак тошли тепадан,
Баланд Тоомпеадан

Тушган харсангтош турур,
Сувлар унга бош урур.

Уни «Линда тоши» дер,
Кўлни кўзин ёши, дер.

Денгизга монанд бу кўл,
Ҳар дилга пайванд бу кўл

Таллин учун ҳаётдир,
Ҳаёт учун нажотдир.

Мен унинг қирғоғида,
Бир дўстим қўнғоғида

Эшитган афсонани,
Минг йиллик дурдонани

Бир ипга тизиб шодмон
Сизга этдим армуғон!

* * *

Таллин — Тошкент,
1975

Гул ва шамшир

(достон)

* * *

КИРИШ

Сигулда — жаннатмакон,
Хушҳаво диёр экан.
Қучоғи кўм-кўк ўрмон,
Илҳомбахш баҳор экан.

Гауя — оғушида,
Дарё экан — ғазалхон.
Тўлқин ўйнаб тўшида,
Асов экан азалдан.

Турайд қалъаси ичра,
Бор экан бир минора.
Боқсанг минора узра,
Қўл етгудек ситора.

Пойида — қуёш хумор,
Водий боқар ноздаиб.
Тонг қизига интизор,
Сойлар оқар соз чалиб.

Дарахтлар даста-даста,
Мовий гумбазга ўхшар.
Жони ерга пайваста,
Чинорлар умрин кўмсар.

Анвойи ранглар мавжи
Камалак наҳри гўё.
Минг хил қушлар валфаржи
Синиқ дилга мўмиё.

Яшил борлиқ қўйнида
Сеҳрланди кўзларим.
Бўлиб кўклам тўйида
Тўлқинланди ҳисларим.

Сигулдада сайр этиб
Мен бир қисса эшитдим.
Райнисдан мадад кутиб,
Сизга ишқ гулин тутдим.

ҚУЁШ ВА ЕР МУЛОҚОТИ

I

Тўрт юз йиллар муқаддам
Мусаффо бир субҳидам.

Қуёш бундай қараса,
Олов сочин тараса,

Кўзларин қамаштириб,
Ақлидан адаштириб,

Сигулда қучоғида,
Гауя қирғоғида

Ям-яшил ўрмон ичра,
Антиқа бўстон ичра,

Қирмизиранг бир қалъа,
Тош деворли зўр қалъа,

Нур мавжида товланиб,
Қасри ёқутдай ёниб,

Савлат тўкиб турганмиш,
Юлдузга қўл берганмиш.

2

Бу қалъа жамолидан,
Сеҳрли камолидан

Қуёш бўлиб ҳайрон, лол,
Ердан сўрабди савол:

— Эй, замини мўътабар,
Менга ўзинг бер хабар,

Ўнгимми бу, ё тушим,
Учди-ку, бошдан хушим.

Бу қандай ажойибот
Ва бўлди қачон бунёд!

Куни кеча бу ерда,
Қалъа йўқ эди қирда!

Бу ғаройиб иморат
Ўзи недан ишорат!

Афсунгар табиат ё
Этдими сенга ато!

Ё тушдими осмондан,
Огоҳ эт бу эҳсондан!

3

Гул гул ёниб жамоли,
Кирдан эсиб шамоли,

Гавҳари шарқираб,
Лаъл қалъаси ярқираб,

Шоҳуллар ўрмонлари,
Тер тўкиб инсонлари,

Жилмайиб, қатъий, вазмин,
Сўзга киришди Замин:

— Олампаноҳ, эй, қуёш,
Менга азалий сирдош,

Очлигим, тўқлигим ҳам,
Борлигим, йўқлигим ҳам

Рўшною сиёлигим
Ва меҳри гиёлигим,

Қишим билан ёзим ҳам,
Баҳор билан кузим ҳам,

Сенинг шарофатингдан,
Сеҳру кароматингдан.

Сен бўлмасанг бу жаҳон
Менинг учун зиминстон.

Бу — Турайда қалъаси,
Қалъаларнинг аълоси.

Табиат сеҳри эмас
Ва унинг мухри эмас.

Тушмагандир осмондан,
Бу — туҳфадир инсондан!

Биласан-ку, инсонлар
Кўзига тўлса қонлар,

Заминда ҳам турмас тинч
Ва қўлга олар қилич.

Бир-бирига бўлар ёв,
Уйига қўяр олов.

Бино бўлиб бу дунё,
Бошдан кечди кўп савдо,

Бечора латишлар ҳам
Дунёда кўп чекди ғам.

Қўлдан-қўлга бу диёр
Ўтиб турди неча бор.

Эл жонига соябон
Бўлсин дея бегумон,

Бир бўлиб ёшу қари,
Ишга бел боғлаб бари,

Тинч кечсин дея ҳаёт,
Қалъани қилди бунёд.

ЎЛИКЛАР ОРАСИДАН ТОПИЛГАН ГЎДАК

1

Турайд қасрин довруғи,
Элни чорлаган туғи

Оламни тутиб кетди,
Фарангу Румга етди.

Мисру Болқон боқди лол,
Бошидан учиб хаёл.

Немис баронлари ҳеч
Ёта олмай қолди тинч.

Швед билан Фин эса
Денгиздан шамол эсса

Сигулдага тикилди,
Ҳасад ила кул бўлди.

Кўпдан поляку швед
Ўту сув эди, ёхуд.

Шведларга тиз чўкмоқ —
Полякларга тик ўлмоқ

Билан баробар эди,
Дўсти ҳам аҳёр эди.

Бу ҳолдан огоҳ ғаним
Қиличин олиб тағин,

Польша томон сурди от,
Яна бўлди қиёмат.

Дарё-дарё қон оқди,
Қон деб ғаним тутоқди.

Тандан бошлар кесилди,
Кўплар дорга осилди.

Пайҳон бўлди боғ-роғлар,
Сўнди қандил-чироғлар.

Урушнинг олов тили
Сигулдага чўзилди.

Тош отишди қалъага,
Турайд қолди балога.

Деворлари бузилди,
Жон риштаси узилди.

Гауя ҳам тўлғонди,
Ғазаб ўтида ёнди.

Халойиқ олиб курол,
Оёққа турди дарҳол.

Унга Горис бош бўлди,
Жангда кўзу қош бўлди.

Поляклар-ла ёнма-ён
Ғанимга солди қирон.

2

Тинганда жанг ғавғоси,
Сигулданинг Мирзоси

Ўликлар орасидан
Битта норасида

Гўдакни топиб олди,
Ерга тиз чўкиб қолди.

Онаизор бечора
Ётарди пора-пора,

Гўдак чинқирар эди,
Замин зирқирар эди.

Сут деб у қон эмарди,
Она-чи, жон берарди.

Бу — ғаним касофати,
Элга солган офати

Мирзо кўнглин тирғлади,
Ич-ичидан йиғлади.

Ва гўдакни авайлаб,
Жажжи қўлларин боғлаб,

Кўксига босиб олди,
Жанг бағридан йўқолди.

3

Мирзо бу қизалоққа,
Ғунчадек қизғалдоққа

Майя дебон қўйди ном,
Гуллар тутди унга жом.

Кунлар ўтиб ой келди,
Жилғалардан сой бўлди.

Майя гулдай очилди,
Толеи кундай кулди.

Сочлари бўлиб толим,
Олди кўплар хаёлин.

Пистадай дудоқлари,
Анордай ёноқлари

Қизил гулга ўхшарди,
Гуллар уни қўмсарди.

Ҳуснин кўрган одамлар,
Суҳбат курган одамлар

Майямас, Роза дерди,
Гулдан ҳам тоза дерди.

БОЛАЛИКДАН БОШЛАНУР БАҲОР

1

Энг қувноқ болаликдан,
Тошқин шалолаликдан,

Ташвишлардан бегона,
Капалакка парвона

Уйқусиз болаликдан,
Қайғусиз болаликдан

Бошланур умри баҳор,
Чақмоқ чақиб бахтиёр.

Чақмоқнинг овозидан,
Яшиннинг парвозидан

Қалдираб кетар осмон,
Сиғмагандек танга жон.

Кўк пўстагин қоқади:
Ёмғир сим-сим ёғади.

Сел аралаш жала, қор
Ёғиб қолади бисёр.

Сўнг эса балқир офтоб,
Нур оқур ерга шитоб.

Олам бўлур чароғон,
Одам бўлур чароғбон.

2

Худди шунда Роза ҳам
Баҳорга қўйди қадам.

Болаликнинг боғида,
Шўх дарё қучоғида

Тўлқинларга тўш уриб,
Тунлар ойдин туш кўриб,

Ниҳолдек топди камол,
Кулиб боқди истиқбол.

3

Ота-онасин Роза
Билмаса ҳамки тоза.

Етимлик ғурбатидан,
Дайдилик кулфатидан

Ўсиб-улғайди озод,
Дил боғи бўлиб обод.

Мирзони ул ота деб,
Рафиқасин она деб,

Суяниб бахт тоғига,
Отилди қучоғига.

Улар ҳам ўз қизим деб,
Кўрар қора кўзим деб.

Ой ювиб, оқ тарашди
Ва кунига ярашди.

4

Роза ҳам ота-она
Дунёда деб ягона,

Оғирин, енгил қилди,
Тоза қўли гул келди.

Ҳусну ақлу одобда,
Сигулдада одатда

Унинг тенги йўқ эди.
Қалби оташ чўғ эди.

Ой деса ой дегудай,
Йигитлар «вой» дегудай,

Бир қиз бўлдики Роза,
Эл оғзида овоза.

ИШҚ ЎТИ БОР ЙИГИТ КЎЗИДА

1

Арғувон гуллаганда,
Болари ғувлаганда,

Булутлар пода-пода
Чопишганда самода,

Гауя пишқирганда,
Боғларга ўшқирганда,

Валфаржи қалдирғочлар
Уйдан излаб оғочлар,

Чўп, хас, лой ташиганда,
От сағрин қашиганда,

Оқ лайлаклар боткоқдан,
Қирғоқ ё кўл, чорвоқдан

Чувалчанг излаганда,
Уясин кўзлаганда,

Уйғонганда капалак,
Тол хивичдан жамалак

Боғлаб олганда қизлар,
Жўшганда қалбда ҳислар,

Роза ёзиб қулочин,
Ўйнаб қаҳрабо сочин

Боғларда чарх урганда,
Гул кулгисин кўрганда,

Боғбон йигит Викторга,
Кўпдан таниш шунқорга

Нигоҳи тушиб қолди,
Кўнгли бирдан ўт олди.

Ҳарорат чиқди танга,
Қалбда ёнди аланга,

Кўзлари чақнаб кетди,
Борлиғи яшнаб кетди.

Танидан қочиб дармон,
Қотиб қолди шу замон.

2

Розанинг кўзларига,
Лолагун юзларига

Виктор шундай боқдики,
Ишқ ўтини ёқдики,

Қарашига бермай тоб,
Изига қайтди шитоб.

— Ҳой, Роза! Тўхта, — дея,
Изидан шу сония

Югуриб борди Виктор
Ва кўнглин ёрди Виктор:

— Боғимдан гул термасдан,
Сайр этиб юрмасдан,

Мендан аразлаб нечун
Отланиб қолдинг бу кун?

Роза аста ер чизиб,
Ташлади сўзни тизиб:

— Сенми, бугун бошқасан,
Таниб бўлмас ошнасан.

Менга ёмон қарадинг,
Кўнглимга ўт қададинг.

Кўзларинг ҳам бошқача,
Сўзларинг ҳам бошқача.

Вужудим титрар зир-зир,
Бу нимаси, тушунтир?

3

Виктор ҳам лов-лов ёниб,
Роза сўзига қониб.

Қалби гуп-гуп урарди,
Ўзи зўрға турарди.

Вужудидан тер чиқиб,
Борки кучини йиғиб

Дардин айтмоқчи бўлди,
Унга яқинроқ келди.

Оппоқ билагин ушлаб,
(Баҳор кўнглини хушлаб)

Кўзларига боқди тик,
Роза мисоли кийик

Қучоғида талпинар,
Лаблари оловланар.

Бир зарб билан ва лекин
Виктор бағридан тутқун —

Отилиб чиқди Роза,
Лоларанг бўлиб тоза.

— Бу нимаси, уятсиз,
Борми ўзи сенда юз?

Виктор хижолат бўлди,
Боши ерга эгилди.

Қиз кўнглини билгандай,
Сўнг илтижо қилгандай,

Розага бериб юпанч,
Бағрини қоплаб кувонч.

Гул узатди боғидан,
Кўзининг қароғидан.

СЕВМОҚ УЧУН ТУҒИЛАР ИНСОН

1

Ишқ бўлиб жонга пайваст,
Роза қайтди боғдан маст.

Кўзидан тонгга қадар,
Уйқу бўлди дарбадар,

Хаёли боғлар ошди,
Уфқларга туташди.

Орзуси — оқ кабутар,
Чарх уриб ойга қўнар.

Юлдузлардан юлдузга,
Сайр этди бир зумда.

Борлиғин зўр ҳаяжон,
Забт этгани бегумон.

Қалби билан сўйлашар,
Булбул билан куйлашар:

— Наҳотки, мен Викторни,
Сигулда ичра норни

Севиб қолган бўлсам-а,
Ойдай тўлиб кулсам-а?

Ишқ дегани ўтмикан,
Кўзлари бургутмикан?

Нега боқиб кўзига,
Қулоқ солиб сўзига

Оромимни йўқотдим,
Ўзимни ўтга отдим?

Неча йилдир, не учун
Кўзида сирли учқун

Заррасин сезмагандим,
Тинчлигим бузмагандим?

Не бўлди менга бугун,
Қалбимда ғавғо нечун?

Кўзига қаролмайман,
Йўқлаб ҳам боролмайман?

Сўйла, юрак, не учун
Бағрингда мунча тўлқин?

2

Виктор учун бу оқшом
Ой ҳам тутар унга жом.

Ёр кўзидай юлдузлар
Унга нимадир сўзлар.

Ҳаёлин олган осмон
Мисли поёнсиз уммон.

Қалби эса кенг дунё,
Унда оқар минг дарё,

Ишқин айлаб тараннум
Орзум бермайди бир зум.

Виктордай бахтли инсон
Дунёда йўқ бу оқшом.

Шунинг учун беуйқу.
Қалбида ширин туйғу.

Қўлида қалам ўйнар,
Дил розин ёрга сўйлар:

— Эй, кўнглим маликаси,
Ишқ боғининг эркаси.

Сен бўлмасанг бу жаҳон
Менга эди зимистон.

Сен менга нур, навосан,
Оби ҳаёт, ҳавосан.

Орзу-армоним ўзинг,
Танда дармоним ўзинг.

Сен бир гулсан боғимда,
Адо бўлмай доғингда.

Сенга бир боқиб қиё,
Бўлмасин умрим сиё.

Эй, менинг бахтиёрим,
Сенга бўлсин гулзорим,

Боғимга кел ҳар оқшом,
Кўнглим сенга бўлди ром.

Мактубим оқ кабутар,
Тонг билан сенга элтар.

Жавобига интизор,
Ишқингга содиқ Виктор!

МАРД БИР ЎЛАР, НОМАРД ЮЗ...

1

Сигулдада баҳодир,
Ҳамма нарсага қодир,

Зап йигитлар бор эди,
Лек Розага зор эди.

Роза истаса агар
Сочишарди сийму зар.

Барчасин кўнглин ҳасад
Ўти қиларди барбод.

Розани бир амаллаб,
Олтину дур-ла алдаб,

Қўлга олмоқ бўларди,
Чангал солмоқ бўларди.

2

Ва лекин икки ошиқ
Севгиси бўлиб қўшиқ,

Тилдан-тилга кўчарди,
Минг-минг дилни қучарди.

Розахон билан Виктор
Кўришмай қолса ночор,

Ичишган янглиғ оғу
Олам эди қоронғу.

Тўхтаб қоларди дарё,
Борлиқ қиларди гиря.

Шунинг учун икки ёш,
Икки навқирон сирдош

Бир-бирига йўллаб хат,
Этмасдан тарки одат,

Турайда чорбоғида,
Шўх дарё қирғоғида,

Гутман ғорида ёким
Учрашиб турди ҳар кун.

3

Поляк — швед уруши,
Икки қўшин юриши,

Ўн саккиз йилдан буён
Соларди элга қирон.

У гоҳ тиниб қоларди,
Гоҳ эса авж оларди.

Баъзида жанг булути,
Кўкка ўрлаган ўти

Сигулда бошига ҳам
Соя солиб, қилар хам.

Жангдан қочган бир аскар,
Якуб олчоқ деган хар,

Дайдиб қолди бу элда,
Ғаламис ният дилда.

Розага кўзи тушиб,
Бошидан ҳуши учиб,

Кўнгил наҳрига шу чоқ
Ташлади сирли қармоқ:

— Сени эшитиб жангдан,
Қочиб келдим Познандан.

Бир қара погонимга,
Оро кирар жонингга.

Офицерман — келишган,
Қаддим расо, тўлишган.

Офицерни қиз зоти
Севмоқ асли одати.

Рози бўлсанг жон-жон деб,
Йиғар эдим сенга сеп.

Бизни агар кўрса эл,
Ҳавас қиларди нуқул.

Нима дейсан, Роза, айт,
Тўй қилишга айни пайт?

Розанинг чиқиб жони,
Ўт олиб хонумони,

Офицерни тинглади,
Уни ерга тенглади:

— Қолма келган йўлингдан,
Бир қиз танла элингдан.

Мен муносиб эмасман,
Офицерни демасман!

Менга керакмас номард,
Топилиб қолар бир мард.

— Мен номардми, Роза, айт,
Бу сўзингдан тезроқ қайт,

Не десанг ҳам бари бир
Хотин бўласан, ахир.

Сенга кимки қилса қасд,
Кўкрагига ургим даст.

Жудо бўлгай жонидан,
Гуллар унар қонидан.

— Заҳар томар тилингдан,
Ҳеч иш келмас қўлингдан,

Мард бўлсанг гар қочмасдинг,
Овзинг катта очмасдинг.

Сен лапашанг, қўрқоқсан,
Эл қарғаган олчоқсан,

Менинг ўз суйганим бор,
Ишқида куйганим бор.

У — Виктор, боғбон йигит,
Сигулдалик эўр бургут.

Чангалига тушган он,
Қолмагайсан ҳеч омон.

4

Виктор номин офицер
Эшитганда чиқди тер.

Кўнглини босди ваҳм,
Жонига қилди раҳм.

Не деярин билмасдан,
Ўз жойидан жилмасдан

У унсиз қотиб қолди,
Даҳшатга ботиб қолди.

Миясидан ялт этиб
Бир ҳийла кетди ўтиб:

— Мен Викторни биламан,
Нима десанг, қиламан.

Кеча сой қирғоғида,
У битта ўртоғига

Сени севмаслигини,
Сени демаслигини

Ўз оғзидан эшитдим,
Сўзига қулоқ тутдим.

Роза хаёлга толди,
Гур этиб олов олди.

— У севади, бу — бўҳтон,
Мана мактуби, инон!

Офицер хатни олиб,
Мағзига разм солиб:

— Бу қалбаки хат, — деди, —
Сийқа муҳаббат, — деди.

Роза даҳшатга ботди
Ва ўзини йўқотди.

Иккиланиб у бир оз
Қилмоқ бўлди эътироз:

— Рост бўлса гапинг агар,
Кўксимга ургим ханжар,

Айт, қалбингда, муҳаббат,
Бормиди шунча ғурбат!

Йўқ, мени алдаяпсан,
Ишқимиз булғаяпсан.

Мени тинч қўй, кета қол,
Бахтимга бўлма завол.

5

Офицер кўнгли юмшаб,
Висол бўсасин қўмсаб,

Қиличин олиб қиндан,
Хафа бўлма деб мендан,

Розага бўб парвона,
Сўз бошлади мардона:

— Мени писанд қилмаса,
Кимлигимни билмаса,

Мана шу қилич уни
Жонин олар шу куни.

ҒОРДАГИ УЧРАШУВ

1

Қалъага қайтиб Роза,
Ўзига келмай тоза,

Игна-ла қудуқ қазиб,
Икки энли хат ёзиб,

Узатди хизматкорга,
Элтгин дея Викторга:

«Арғувон майдонида
Ажинағор ёнида

Учрашайлик номозшом,
Қийнар мени бир одам...»

2

Турайда чорбоғида,
Айни пешин чоғида

Мактубни олиб Виктор
Ўқиди такрор-такрор,

Кўзига ишонмади,
Мазмунига қонмади.

Ўйланиб қолди узоқ,
Кўнглини эзди қийноқ:

— Ким экан унга хуштор
Ва менга бўлган ағёр?

Унга қўлин чўзди ким,
Жондан умид узди ким?

Ким бўлса ҳам қасдимдан,
Омон қолмас дастимдан.

Виктор лов-лов ёнарди,
Йўлбарсдек тўлғанарди.

3

Тушганида номозшом
Учрашишди икки жон.

Ажинағор ёт кўздан —
Бекитди ой, юлдуздан.

Розани қучиб Виктор
Дардини этар ошкор:

— Сенга хуштор ўзи ким,
Қани айттил, севгилим?

— Битта қочоқ офицер
Бўлмоқчиймиш менга эр.

— Ким айтди буни сенга,
Тезроқ тушунтир менга?

— Миноранинг олдида
Мени кўриб қолди-да,

Ишқингда ўлай, деди.
Қурбонинг бўлай, деди.

— Қандай жавоб қилдинг сен?
Тиғсиз бағрим тилдинг сен.

— Севаман десам сени,
Ўтга ташлади мени:

Хатларинг бўҳтон эмиш,
Ишқинг ҳам ёлғон эмиш.

Мендан бошқа — суйганинг
Бор эмиш-ку, куйганинг.

— Ё алҳазар, бу туҳмат,
Бундай гаплар менга ёт.

Мен бир сени деганман,
Сен деб йиғлаб-куйганман,

Сен — шодлигим, ҳаётим,
Сен — қайрилмас қанотим.

Топиб ўша қочоқни,
Ёсуману олчоқни

Бурда-бурда қилмасам,
Терисини шилмасам

Онам берган сут ҳаром,
Ҳаром йигит деган ном.

ҚОЧОҚ ОФИЦЕР ХИЙЛАСИ

1

Ишқ ўтида ўртаниб,
Роза васлида ёниб

Неча тундир офицер
Бирор ҳийла топсам дер,

Виктор номидан охир
Хат ёзади муғомбир:

— «Розахон! Севгим гули,
Ғариб кўнглим булбули,

Эшитмасам овозинг,
Кўрмасам ишва, нозинг,

Туролмайман бир нафас,
Дунё бўлур тор қафас.

Шунинг учун азизим,
Эй, менинг ширин сўзим,

Кун пешиндан оққанда,
Ғарб томонга боққанда,

Гутман ғорида бугун
Сени кутаман дилхун».

2

Роза очиб мактубни,
Соғингандай маҳбубни

Тикилиб сўзларига
Суртади кўзларига.

Кўзлаб висол чоғини,
Дилдан ювиб доғини,

Оқ шоҳи кўйлак кияр,
Бошга рўмолин ўрар.

Товусдай минг товланиб,
Юраги оловланиб

Гутман ғорига томон
Отланади бегумон.

3

Ғорда унга сўйлаб роз
Офицер чиқар пешвоз,

— Кел, азизим, кела қол,
Бир тун меҳмон бўла қол.

Меҳрим этай пойандоз,
Жонимдай қилай эъзоз.

Сўнгра эса бир умр
Менга дейсан ташаккур...

Сўзига қилмай парво,
Қарғишни айлаб раво

Роза отилди ғордан,
Қочмоқ бўлиб ағёрдан.

Ағёр кўнгли ғашланди,
Оч бўридай ташланди.

Роза эса шу асно
Ялинар телбанамо:

— Не десанг ҳам розиман,
Бир оз ҳолдан оздим ман.

Қўйиб юбор, олай дам,
Севсанг қилгин-да, карам.

Офицер оғушидан
Ором топган тўшидан

Розани этди халос
Жўмард йигитларга хос.

«СИРЛИ» ҚИЗИЛ РЎМОЛ

1

Роза ўйлаб қараса,
Кочиб кетолмас асло.

Сўнг бир хийла ишлатди,
Қочоқ кўнглин хушлатди.

Ечиб қизил рўмолин,
Деди: — Менинг иқболим.

Бу — Викторнинг ҳадяси,
Қатида ишқ дунёси.

Бу рўмолнинг сири бор,
Ҳеч кимса билмас зинҳор.

Уни боғлаб олса ким,
Чангал сололмас ўлим.

Сенга этсам армуғон,
Мушкулинг бўлур осон:

Уни қилич ҳам кесмас,
Йўлингни ҳеч ким тўсмас.

Рўмол сени этур шод,
Мени айлагил озод.

Ма, ола қол, жонгинам,
Сендан йўқдир ҳеч гинам.

Олиб «сирли» рўмолни,
Кучиб соҳиб жамолни,

Офицер боққач узоқ,
Қайтиб берди ўша чоқ:

— Менга рўмол керакмас,
Сенинг ўзинг бўлсанг, бас.

Сен билан рўйи жаҳон
Менинг учун чароғон.

Сендай моҳи рухсорни,
Сарвқомат дилдорни

Бу дунёда кўрмадим,
Ҳатто суҳбат қурмадим.

Кирсанг агар сўзимга,
Олтин сочгум изингга.

Сигулдадан кетайлик,
Гауядан ўтайлик.

Нуқул тошдан иборат
Қурай сенга иморат.

Роҳат қилиб Познанда,
Яшайлик бу жаҳонда.

2

Роза қилиб табассум,
Офицерга боқиб жим,

Пуч ёнғоқ соб қўйнига,
Рўмолин ўз бўйнига

Маҳкам олди-да, боғлаб,
Ўзин ўлимга чоғлаб

Майли, синаб кўр, деди,
Қилич билан ур, деди.

Қани кесарми қилич,
Бунга қилич ўтмас ҳеч.

3

Розанинг сўзларига,
Нажоткор кўзларига

Офицер лек ишонди,
Гўё васлига қонди,

Яланғочлаб қиличин,
Мушуклар тирнаб ичин,

Ишқига тилаб ривож,
Қилич солди ноилож.

Розанинг мағрур боши,
Мисли палахмон тоши,

Ҳандалакдай узилди,
Умр қасри бузилди.

Танаси мисли чинор
Қон тирқираб шашқатор,

Гурс этиб қулаб кетди,
Ерга жон улаб кетди.

Яқосин ушлаб қочоқ,
Жаллоддай боқди бироқ.

АРҒУВОНГА ОСИЛГАН ОЛЧОҚ

Содиқ қолиб Викторга,
Жонидан севган ёрга,

Ҳатто ўлимни Роза
Ўзига кўриб раво

Кўз ёш тўкмаганини,
Бўйин эгмаганини

Ишқ-муҳаббат ёт қочоқ
Тушуниб етди кечроқ.

Кўзлари тўлиб қонга,
У боқиб тўрт томонга,

Ҳуши учиб бошидан,
Муздай жасад қошидан

Қиличин солиб қинга,
Шўнғиди қаро тунга.

Қочоқ изидан қувлаб,
Гўё бўрондек увлаб,

Кийиб олиб оқ кафан,
Руҳ чопарди дафъатан.

Оқиздинг деб қонимни,
Топиб бер деб жонимни,

Коптоқ каби юмалаб,
Ўрмон ичра қувалаб

Чопар эди жонсиз бош,
Мисли қонталаш қуёш.

Гоҳ хандақда эмаклаб,
Гоҳ дарёга қўйиб лаб,

Бошин уриб дарахтга,
Ўхшаб қонхўр калхатга,

Эсидан оғиб тамом
Ва боши оққан томон

Қочиб борарди қочоқ,
Қазилгандай ўзга чоҳ.

Қолмагач бирор чора,
Қисмати бўлиб қора,

Камарин ечиб белдан,
Япроқдек титраб елдан,

Бўйнига қилиб сиртмоқ
Ўзини осди олчоқ.

Сиртмоқ қисиб бўғзидан,
Кўпик оқди оғзидан.

Қилмишига яраша,
Бўлиб қолди тараша.

Бир силкиниб арғувон
Ўрмонга солди сурон:

Қочоқдан у ор қилди,
Лекин шохин дор қилди.

ХАЗОН БЎЛГАН ГУЛ

1

Тонг билан топиб хабар,
Қўлига олиб ханжар

Қайраб қасос қиличин,
Олмоқчи бўлиб ўчин

Тўрт томон чопди Виктор,
Қочоқни топди Виктор,

Вале, бўлган эди кеч,
Бағрини эзди ўкинч.

Сўнг йўлбарсдай югурди,
Ўзини ғорда кўрди.

Телбадай қилиб фарёд,
Ўкирганча солди дод!

Ғорни кўтарди бошга,
Бошини урди тошга.

Роза жасадин қучди,
Бошидан ҳуши учди.

Лаънат ўқиб ўзига,
Боқолмай ёр кўзига,

Чекиб афсус, надомат,
Қилиб элга киёмат

Кўксига урди ханжар,
Қалбидан қон тирқирар

Отилиб тўрт томонга,
Алвидо, деди жонга.

2

Роза билан Викторни,
Икки ошиқ дилдорни

Сигулдада борки жон,
Кўз ёшин қилиб уммон

Топширди қаро ерга,
Ўрмонзор икки қирга.

3

Роза, ахир, гул эди,
Виктор бир булбул эди.

Гулу булбул бўлмаса,
Ошиқ кўнгил бўлмаса

Ҳар қандай боғ, боғ эмас,
Унда қўшиқ янграмас.

Сигулданинг боғлари,
Дилафрўз қучоқлари

Айрилиб ўз гулидан,
Қўшиқчи булбулидан

Хазонга ўхшаб қолди,
Бир умр кўмсаб қолди.

ХОТИМА

Тўрт юз йилким, Сигулда
Роза руҳин этар шод.
Хуснин кўриб ҳар гулда,
Кабрини этар обод.

Бошида чўнг арғувон,
Посбон унга бир умр.
Гулни айлаб армуғон,
Ҳар баҳор қилар ҳузур.

Сигулдага келса ким,
Қабри узра қўяр гул.
Бир лаҳза қилиб таъзим,
Ўз бурчини оқлар ул.

Шоир Янис Порукнинг
Рафиқаси бир замон,
Қўйган мармар лавҳани,
Ўқир бунда ҳар инсон.

Севги енгиб ўлимни,
Яшар бунда барҳаёт.
Мен ҳам қўйиб гулимни,
Ишқ бекасин қилдим ёд.

Ўғлим билан рафиқам
Қабр узра эгди бош.
Роза қошида шу дам,
Саргашта эди қуёш,

Роза мардлиги маним
Қалбимга солди туғён.
Оташда қолиб жоним,
Сизга айладим достон.

Эй, ўқувчим!
Бу қисса,
Дерсиз, балки, афсона.
Ҳақиқат учун Сизга
Сўзлаб бердим мен яна.

Рига — Тошкент,
1975



Учинчи девон

Фикрат туғёнлари

шеърлар ва достонлар

Уморат қурмадим ғиштдан ё тошдан,
Мармари олмади жило қуёшдан.
Мен Сўздан яратдим бир олий қаср,
Замини: Эътиқод, Иймон, Бардошдан.

'Махзан ул-фикрат'дан





ШОИРНИНГ ЮЛДУЗИ

Шеърни, шеъриятни тақдир деб билган Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти сохиби Барот Бойқобилов ушбу шеърлар девонини «Фикрат туғёнлари» деб номлабди. Юрак ва ақл туғёнларидан гуғилган ушбу тўпламдаги шеърлар ва достонлар 1980—1990 йилларда яратилган бўлиб, инсон ва замон, ҳаёт ва қисмат, Ватан ва халқ, муҳаббат ва садоқат, висол ва ҳижрон муаммоларини қамраб олган. Манзума билан танишар экансиз, гўё ўзингизни чексиз маънолар денгизига тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Бир денгизки, пўртаналари кўпириб туғён урган, ўз қаърида тенгсиз ғалаёнларни мужассамлаштирган...

Барот Бойқобилов Ургутнинг жанговар ўзбек уруғларидан бирининг номи билан аталувчи Кенагас кишлоғида туғилиб, вояга етди. Безавол болалик чоғлари урушнинг даҳшатли йилларига тўғри келди. Шунинг учун ҳам хаётнинг аччик-чучугини эрта татиб кўрди, тиришқоқ қишлоқ болалари не юмушларни бажарса, у ҳам бу меҳнатларга эрта кўникди. Унинг мурғак юрагига гўзалликни, шеъриятни ошно қилган Ургут тоғларию Ургут боғларининг гўзал манзаралари бўлса, ажаб эмас. Гоҳида у тоғ чўққисидан туриб пастда ястаниб ётган поёнсиз далаларга боқиб хаёл сурарди. Бу тоғлардаги ҳар бир қоя, ҳар бир дара ҳақида туғилган афсоналарни кечқурунлари бувисидан тинглар, шундоққина тепаларида порлаб турган сонсиз юлдузларга болаларча ажиб бир мехр билан термиларди.

— Ана у чарақлаб турган юлдуз сенинг юлдузинг бўлади, — дерди бувиси. Шу-шу у Каҳкашон юлдузларига яқин ўша юлдузга бошқача бир мехр билан боқарди.

Шоир юлдузларга ошуфталигини «Чаноқлар ва юлдузлар» деб номланган шеърида жуда чиройли ифодалаган, пахта чаноқлари ва юлдузлар ўхшашлигидан Ватан тақдирига алоқадор фалсафий умумлашмалар чиқарган:

Юлдузларсиз хаёлга ҳам сиғмас осмон,
Узилади тасаввурнинг арқонлари.
Чаноқларсиз яшнамагай Ўзбекистон,
Ушалмагай эзгу орзу-армонлари.

Болалик, ёшлик хотиралари аста-секин шоирнинг шеърларига мавзу бўлди, шоир шеърларига қанот бағишлади.

Биз юқорида Барот Бойқобиловнинг болалик чоғлари даҳшатли уруш йилларига тўғри келганлигини эслатган эдик. Балки, шунинг учундир унинг ижодида уруш мавзуси, унинг даҳшатлари тасвири алоҳида ўрин эгаллайди.Шоирнинг бундай шеър ва достонларида шеърий ялтироқлик йўқ, улар ўзининг хаётийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоирнинг «Ҳайкаллар сўзлайди», «Садоқат» достонларида ушбу мавзунинг юқори пардаларда ички бир дард билан тасвирланганини кўрамиз. «Садоқат» достони урушдан қайтмаган жангчининг деворга осиғлиқ суратини оташ сўзлар ёрдамида чизишдан бошланади:

Бир даста қуриган, барглари хазон
Қора райҳон турар сурат қошида.
Нафис гунчалари уролмай хандон
Қовжираб қолибди дард талошида.

Ва лекин мушкидан ўртанган бир жон
Ловуллаб ёнмоқда ишқ оташида.
Бу оташ кун сайин олиб аланга,
Ҳижрон лашкарини чорлайди жангга.

Достон айрилиқ оловида айтилган дардли қўшиқ бўлиб янграйди, инсоний садоқат улуғланади. Юқоридаги кичик парчага эътибор берган бўлсангиз, бу ердаги рамзийликлар шеърий портретни янада кўз олдимизга ёркинроқ гавдалантиришга хизмат қилади. Суратга қистирилган бир даста «қора райҳон», «қовжираб қолган дард», «мушкидан ўртанган бир жон» ва ниҳоят «ҳижрон лашкарини чорламоқ», буларнинг барчаси жангчининг содиқ бевасига бориб тақалади. Унинг қалби ёрига садоқат меҳри билан тўла. У ана шу меҳр билан ёридан ёлғиз ёдгори — фарзанди, ўғли Санжарни тарбиялаб вояга етказади. Достон бева аёлнинг ўғлини уйлантириши, невара кўриши билан, адабий тил билан айтганда, оптимистик рух билан тугайди. Айтиш мумкинки, ёрига садоқат кўрсатган бева Юлдузнинг армонлари ҳам оптимистик руҳ касб этади:

Ғалаба байрами келса ҳар баҳор,
Кўрмакка ошиқар онаю фарзанд,
Содиқнинг қабрига қўйиб гулчамбар,
Зарҳал ёзувларга боқар орзуманд.
...Ва лекин Юлдузнинг қалбида ҳамон,
Ургут тоғи қадар яшар бир армон!

Тоғ каби армон, ёш ўспирин Барот Бойқобиловнинг ҳам орзу-умидлари, армонлари Ургутда ниш отиб, Самарқанд ва Тошкентда бўй кўрсатди. У Ургут тоғларидан узоқ манзилларга кўз тикканида, энг аввало, уни афсонавий шаҳар Самарқанд ўзига маҳлиё этарди. Шунинг учун ҳам у мактабнинг еттинчи синфини тугатиб, Самарқанддаги педагогика билим юртида таҳсилни давом эттирди, меҳри дарё муаллимлардан таълим олди. Юрагидаги шеър ишқи, оташи кейинчалик уни Самарқанд Давлат университети томон етаклади. Дорилфунундаги ўзбек мумтоз адабиёти сабоқларини юрагига жо қилган устоз мураббийлар Воҳид Абдулла, Маҳмудали Юнусов, Ботирхон Валихўжаевлар, қолаверса, бу ердаги соғлом адабий муҳит ёш шоир ижодининг шаклланишида муҳим ўрин тутади. У худди шу ердан ёш шоир беш юз йил нарига, нурли бир сиймога алохида меҳр билан кўз тутди, бу буюк Навоий сиймоси, унинг чексиз ва тенгсиз ижоди эди. У кўтаринки бир руҳ билан, фахр-ифтихор билан ушбу даҳо шоир ижодини севиб ўрганди, ижодда унинг этагидан тутди. Биз буни ишонч билан айтишимизга шоирнинг йиллар ўтиб яратган тўрт китобдан иборат «Навоийнома»си асос бўла олади. Кейинчалик у ана шу чоркитоби учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлди. Сўнгра «Янги Хамса», «Ўзбекнома»лар пайдо бўлди.

Барот Бойқобилов ижодида бундай улкан ишлар бирданига пайдо бўлган эмас, у қатор йиллар қилинган тинимсиз меҳнатнинг мевасидир. Ўз ижодини лирик шеърлар ёзишдан бошлаган шоир қатор йиллар адабиётимиз учун янгилик бўлган сонет жанрида қалам тебратди.

Шарқ шеъриятида шакл ва мазмун қадимдан кўп баҳсларга сабаб бўлган, унинг назарий ва амалий жиҳатлари мукаммал ишланган. Барот Бойқобилов шакл ва мазмун бирлигини қатъий талаб қилувчи Ғарб шеъриятидан кириб келган

сонетда Шарқда ҳам гўзал асарлар яратди, бу жанрнинг ички инжиқликларига, темир қонунларига чидади. Натижада унинг ижодида дилбар сонетлар билан биргаликда, юртимиз шаънига битилган сонет гулчамбарлари, юз сонетдан иборат «Мен кашф этган Ўзбекистон» достони вужудга келди.

Ватан мавзуси Барот Бойқобилов ижодида ўзига хос ғурур ва фахр билан баланд пардаларда куйланади. Шоир ижодида қадрдон Кенагас, Ургут, Самарқанд, Андижон, Тошкент, Ўзбекистон, унинг мард ўғлонлари, сўлим гўшалари, оддий чинноридан тортиб гўзал боғларигача шоирга илҳом бағишлайди.

Улуғ узбек халқининг ардоқли шоириман,
Камол топган Ватаним улуғ Ўзбекистондир.
Ўз умридан бахтиёр милёнларнинг бириман,
Мен куйлаган чаманим қутлуғ Ўзбекистондир, —

деганида шоир ҳақ. У шундай элда туғилиб вояга етганлигидан фахрланади, нон ва туз ҳақи она заминга фарзандлик бурчини бажариш учун, унинг мадҳи учун қўлига қалам олади.

Шоир тарихий мавзуда қатор шеър ва достонлар яратди. Адабиётшунос олимлар «тарих ва замонавийлик» деган атамаларни ёнма-ён қўйиб ишлатишади. Барот Бойқобилов ҳам халқимизнинг минглаб йиллик тарихига бугунги кун нуқтаи назаридан холисона ёндашади. Унинг бундай ёндошуви илк бор Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги «Кун ва тун», «Афросиёб», «Самар ва Қанд» достонларида кўзга ташланган бўлса, шоирнинг кейинги ижодида тарихга бундай ёндошув мукаммаллашиб борди. У «Эрк қўшиғи» деб номланган шеърида бу борадаги ижодий маслак йўлини шундай белгилайди:

Халқимизнинг юз минг йиллик тарихин варақласам,
Шодлигимдан ҳайқираман, аламимдан йиғлайман.
Ватанига фидойилар номини ардоқласам,
Ватанфуруш хоинларга инсоф нима билмайман.
Қисматидан ўйга ботсам — жон кемаси тўлганар,
Конларимда олов ёнар, юрагимда исёнлар.
Асрларнинг уйқусидан аждодларим уйғонар —
Зўр ўлкани душманлардан қўриқлаган посбонлар.

Тарихий мавзу билан бирга Барот Бойқобиловга замонавийлик ҳам бегона эмас, унинг замонавий мавзулардаги шеърларида шоир шахсияти билан ижтимоий реал воқелик қоришиб кетади. У бу ҳолни, айниқса, ушбу девондан жой олган «Ҳалокат» достонида яққол тасвирлаган. Достонда риёкор бир музофот раҳбарининг фожиаси, эл-юрт назаридан қолиб хор бўлиши ҳаётий лавҳаларда тасвирланади:

Шуҳрати ўлкани тутган музофот
Зугуми остида титради унинг.
Казо-казолар ҳам айтиб муножот,
Нури деб биларди ўзини куннинг.

Кун чиқмай қошида эгар эди бош,
Не деса қиларда шу он муҳайё.
Унинг ниятига бўлиб бир сирдош,
Хизматига жонин этарди фидо.

Халққа хизматини у айлаб пеша,
Неча кордон раҳбар бошига етди.
Ҳеч кимга қилмади рўйхуш, андиша,
Дуч келган кимсани хасдек итқитди.

Достонда яқиндагина халқимизнинг қарғишига учраб, ўзининг нобакор ишлари туфайли ишдан кетган, номи қаро бўлган қатор раҳбар ходимларнинг умумлашма тимсоли шу тахлит ҳаққоний чизилади. Унга маддоҳлик қилган шоир, ёзувчи ва мухбирлар иккиюзламачиликда айбланади, бу ҳолни жимгина кузатиб турган ижодкорлар қораланади. Достон ўзининг шу тахлит ҳаётийлиги билан алоҳида қимматга эга. Достон якунида ҳақиқат қарор топади, лекин ана шу ҳақиқатнинг қарор топиши осонликча кечмаганлиги хулосаловчи мисраларда баён қилинади:

Эл-юрт қарғишига учрар бир замон,
Тузлиқни хор қилса — ким ичиб тузин.
Кимда-ким халқ мулкин айласа талон,
Надомат чоҳида кўради ўзин.

Кимки зулм солса халқнинг бошига,
Қилгусидир ўзин ер билан яксон.
Халқни нишон қилса алам тошига,
Бу тошлар ўзига теккай бегумон.

Барот Бойқобилов қамрови кенг шоир, у қадим тарихдан олиб бугуннинг гапигача, келажак қисматигача сўзлайди, сўзлаганда ҳам баландпарвозсиз, ялтироқсиз, алдамай гапиради. Ушбу сўзимизнинг исботи сифатида унинг «Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?» деб номланган машҳур шеърини мисол келтиришимиз мумкин. Шеър шундай мисралар билан бошланади:

Она юрт! Биламан ташвишларинг кўп,
Зиммангда улуғвор юмушларинг кўп,
Бағрингда олтину кумушларинг кўп,
Кўп бўлса ишқибоз сенга жаҳонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Гўзал она юртимизга кўз олайтирганлар, шоир айтганидек, ишқибозлар кўп бўлса, унинг фарзандлари сокин яшай оладими? Ҳеч қачон! Ушбу шеър бир неча йил илгари (1986 й.) ёзилган бўлишига қарамасдан худди бугуннинг гапини кучли ватанпарварлик руҳида айтгани учун ҳам қадрли, гўё бу шеър шу кунларда ёзилганга ўхшайди, бу эса шеърнинг ҳаётийлигидан, умри боқийлигидан дарак беради. Қаламга олинган мавзу одилона, ҳаққонийлик позициясидан туриб ҳал қилинган:

Ҳаёт бешигини тебратган башар,
Жонига қасд этса ажнабий аждар,
Эл қонин ичмоқдан қилмаса ҳазар,
Хавф-хатар домида турган жаҳонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Бир қарашда ушбу шеър Некрасовнинг машҳур «Россияда ким яхши яшайди?»сини номигагина эслатса-да, бу ерда мутлақо ўзбеконаликни, ўзбекона оҳанг ва ўзбекона юракни кўрамиз. Ҳар бир банд охирида такрорланувчи «Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?» мисраси шоир ҳаяжонини янада ошириб юборган. Ҳаётнинг айнан-аниқ манзаралари, ўз мураккабликлари билан чизилган мисраларда ҳаётнинг, меҳнатнинг асл моҳияти ўз ифодасини топган:

Пахта деб, халқимиз билмаса ҳузур,
Чаноққа тўкилса кўзидаги нур,
Турмуш аравасин судраса базўр,
Она-ер қисмати қолса деҳқонда.
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Ким сокин, тинчгина яшаши мумкин бугун Ўзбекистонда? Шунча пахта деб меҳнат қилгани билан косаси оқармаса, турмуш аравасини базўр тортса? Шоир кўпчиликни ўйлантирган масалани дангал ўртага қўймоқда. Хўп, биз ҳам ўйлайлик-чи, дунё алғов-далғов бўлиб турган бугунги кунда ким сокин, тинчгина яшаши мумкин? Она юртининг тақдирини ўйлаган киши ўзича бир четда туриб, сокин яшаши мумкинми? Асло! Шоир шеър ечимини ҳам моҳирлик билан топган, шеър юксак ватанпарварлик руҳи билан, келажакка ишонч руҳи билан якунланади:

Она юрт! Эртангдан кўнглинг тўқ бўлсин,
Дўстинг кўп, душманинг мангу йўқ бўлсин,
Шодлигинг денгизу қаҳринг ўқ бўлсин,
Муштумзўрлик ҳукм сурган даврода,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Ватанпарварлик мавзуси Барот Бойқобилов ижодида ўзгача бир оҳангдорлик касб этади. Қайси мавзуда бўлмасин ҳар қандай шеър ўз-ўзидан туғилмайди, балки маълум бир таъсир асосида қоғозга тушади. Сўнгра унинг ўзи ҳам қалбларга завқ бағишлаб, одамларни туғёнга солади. Биз шунга аминмизки, шеър ёзган одам бировларга ёмонликни раво кўрмайди. Балки Барот Бойқобиловнинг таниб-танимаган бировларга ёрдам бериб юришларининг боиси ҳам шундандир. Ҳаммамиз болаликда шеър ёзишга интилганмиз. Тенгқурлар орасида баралла-баралла айтиб ҳам юрганмиз. Лекин вақт ўтиб қалбдаги ана шу таъсирдан асар ҳам қолмай, илҳом қуши бизни аросатда қолдириб, узоқ-узоқларга учиб кетади. Ким агар ана шу қушга ўз қалбида ошиён ясай олсагина у қайта-қайта бу қалбга қайтиб келаверади, учиб кетмайди. Илҳом парисини бир умр ушлаб қололган шоир Барот Бойқобиловнинг асарларининг ҳаётийлиги, одамлар қалбини ҳаяжонга солиши, китобларининг қўлма-қўл бўлиб ўқилишининг сабаби ҳам битта. У ҳам бўлса, бу ижоднинг жўшқин истеъдод маҳсули эканлигидадир.

Барот Бойқобилов гоҳида оддий ҳаётий воқеалардан, афсоналардан янги умумлашма хулосалар чиқаради. Бу ҳолни унинг «Ялдо туни», «Лайлатул-қадр» ва «Театр» сарлавҳали шеърларида айнан кўришимиз мумкин. Шоир узоқ чўзилган зулматли «Ялдо туни»нинг қўрқинчли ҳамда даҳшатли манзарасини чизади:

Қаро туман тўсган фалакни,
Сочин юлиб ой сўрар нажот.
Нолалари эзиб юракни,
Юлдузларга тилайман сабот.

Шеърда драматик ҳолат тобора кучайиб боради. Уйқусиз ўтган ва узоқ чўзилган ваҳимали қоронғи кечанинг қачон тугашини шоир интизорлик билан кутади, тонгга, нурга талпинади:

Ялдо туни тугаб, менинг ҳам
Ҳаётимда янги тонг отди.
Юрагимни тарк этиб алам,
Дардларимни тошдек ушотди.

«Лайлатул-қадр» шеърида эса ҳаётда ҳур фикрли, ақлли кишиларнинг ёвуз кимсалар томонидан исканжага олинганлигидан, натижада аҳлу донишлар ҳаёти фожиага айланганидан афсус-надомат чекади:

Сигдирмади уларни ҳаёт,
Ақлу ҳушдан айлади жудо.
Жоҳилларни сийлади да, бот,
Телбаларча қувонди дунё.
Шоҳни гадо этди ва лекин
Гадони шоҳ қилмади ҳаёт.

Шеърда шоир «дарвиш», «девона» деб ном олган аҳли дониш, ақлли кишиларнинг кўзлаган манзиллари узоқ эканлигини, уларнинг фисқу фужурларидан йироқ эканлигини таъкидлайди. Шоир тоза тилакларни келажакда мустажоб қиладиган тундан, кўкдан учиб ўтадиган афсонавий оқ дулдулдан — лайтул-қадрдан олтин, тилло эмас, одамларнинг ўз қадрини топишини, бир-бирини қадрлашини сўрайди, одамларга қадр тилайди.

Бўлса энди лайлатул-қадр,
Дулдул ўтса — нидо қилгайман.
Мен ҳеч нарса сўрмайман, тақдир,
Одамларга қадр тилайман.

Зукко шоирнинг «Театр» деб номланган шеърини шеърий триптих деб аташ мумкин. Учала манзаранинг ҳам лейтмотиви, яъни ҳаракатлантирувчи кучи оддий томошабин. Биринчи манзарада саҳнада Ёсуман кампир пайдо бўлади. Фарходга оғули атиргулни ҳидлатиб, ҳушдан кеткизиб занжирбанд қилади:

Ғолибона қаҳ-қаҳ урди Ёсуман,
Найрангбоз кўзлари томошабинда.
Томошабин боқди унга ёвсимон,
Аммо қутқармади — Фарҳод тутқунда.

Иккинчи манзарадаги саҳнада Қоработир пайдо бўлади ва Тоҳир сандиққа жойланиб дарёга ташланади. Энди Тоҳир тутқунда, актёрнинг Қоработир ролини

моҳирона ижро этгани учун томошабин қарсак чалмоқда. Шеърда афсоналар ҳаётийлик касб эта боради: энди Тоҳир тутқунда.

Учинчи шеър, саҳна манзараси хулосаловчи аҳамият касб этади, афсоналар, мажозий рамзлар шоир фалсафаси билан ўз тасдиғини топади:

Ҳаёт ҳам театр, элга тикилур,
Иложин тополмай Фарҳод, Тоҳирлар.
Афсуски, баъзида тантана қилур,
Машъум Ёсуману Қоработирлар.

«Фикрат туғёнлари»да бундай ҳаётий чуқур фалсафий руҳ билан йўғрилган, шоир юрагидан дард билан тўкилган шеърлар бисёр. Девондан, шунингдек, ўз даврини акс эттирган уч достон ва шеъриятимизнинг турли жанрларига оид дилбар шеърлар ўрин олган. Ўйлаймизки, улар шеърият мухлисларини қувонтиради. Шеъриятимизда мумтоз адабиёт анъаналарини замонавий руҳда давом эттирган «Фикрат туғёнлари»дек юки оғир фалсафий девон яратгани билан севикли ва заҳматкаш шоиримизни чин юракдан муборакбод этамиз.

Бўрибой АҲМЕДОВ,
академик.
Лазиз ҚАЮМОВ,
профессор.

2001 йил, май.

Ким сокин яшайди Ўзбекистонда

ҚЎЗҒАЛУР

Сенга боқсам, эй диёр,
Жисмим аро жон қўзғалур,
Кўзларим айлаб бедор
Юлдузли осмон қўзғалур,
Қўшиғим тинглаб наҳор
Булбулда гирён қўзғалур,
Васфингни этсам ашъор
Залворли достон қўзғалур,
Келиб кўнглимга баҳор
Дашт аро найсон қўзғалур.

Гул баргин ўйнаб сабо
Боғда хиромон этмаса,
Сиғмай ўзанга дарё
Тўлқини туғён этмаса,
Узатиб қўлин вафо
Фироқ барин қон этмаса,
Жилмайиб боқий дунё
Башарни шодон этмаса,
Жонимни айлаб нисор
Кўнглимда армон қўзғалур.

Дўст кўзида ногаҳон
Милтиллаган ёш кўринса,
Фарзанд қилиб бепосбон
Пешанаси тош кўринса,
Мухожир излаб макон
Оғу унга ош кўринса,
Йўлдан адашса инсон,
Десалар гар: «Қоч, кўринса»,
Руҳимга бериб озор
Шафқати уммон қўзғалур.

Гул деб экса-ю башар
Ўрнида тикон кўкарса,
Дўстига санчиб ханжар
Сўнг ўзи фиғон кўтарса,
Меҳмонни мезбон агар
Остонадан итарса,
Ўғил бўлиб оқпадар
Отага қўл кўтарса,
Айлаб ғазабни ихтиёр
Кўксимда вулқон қўзғалур.

Бир санамга қасди жон
Учирилган қош кўринса,
Тўйингда бўлиб қурбон
Аёр унга бош кўринса,
Эл мулкин қилиб гумдон
Яна кўзи оч кўринса,
Йўлингга бўлиб тўғон
Сўнг эса сирдош кўринса,
Нафратим ошиб бисёр
Қаҳри кўҳистон қўзғалур.

Айбингни айтмай юзга
Ортингдан иғво қилсалар,
Жилмайиб боқиб кўзга
Сўнг эса ғавғо қилсалар,
Раҳмат деб нону тузга,
Кетгач сўнг савдо қилсалар,
Содиқ дўстмиз деб сизга
Ғанимдек адо қилсалар,
Қўлларимни айлаб дор
Жонимда исён қўзғалур.

15.3.74.

СЎЗЛАСИН

Бу минбардан тегса навбат
Тиллари бийрон сўзласин,
Сўзин безаб дурри хикмат
Манзур сухандон сўзласин,
Аҳли мажлис деса раҳмат
Умридан шодмон сўзласин,
Лек ўзгалар кутар фурсат
Борича имкон сўзласин,
Келмай қолса кимга навбат
Кўнглида пинҳон сўзласин.

Ҳар кимсага бу дунёда
Сўзлаш-чун навбат берилар,
Гоҳи озроқ, гоҳ зиёда —
Умри омонат берилар,
Умр деган бу дарёда
Ғаввоси қудрат берилар,
Турмас кутиб тошқин ҳаёт
Ошиқиб ҳар жон сўзласин.

Сўзламаса дилда борин
Кўнгилни армон ўртагай,
Чертолмаса юрак торин
Оҳанги ҳайрон ўртагай,
Айтолмаса оҳу зорин
Нолаи афғон ўртагай,
Очолмаса қалб дафтарин
Жонини сўзон ўртагай,
Ўртаниб ул айтса баёт
Тўлғониб уммон сўзласин.

Сўзлаганда фикри тулпор
Жиловин ол қўлингга,
Камарини тортиб сўнг бор
Майли тушгин йўлингга,
Онажонинг нонин зинҳор
Боғлаб олгин белингга,
Қамчига ҳам бериб озор,
Кўтарма ҳеч элингга,
Узангига бериб зийнат
Чавандоз инсон сўзласин.

Сурон солиб оқса дарё,
Тубы тошлоқ ва саёздир,
Куз бошига бўлган бало
Тоғлардан эсган аёздир,
Одам агар кўйса бино,
Мансаб берган бир ниёздир,
Гар сўзида йўқдир маъно
Нотиқ баланд парвоздир,
Анжуманда бугун фақат
Толиби даврон сўзласин.

Сўзлаганда, эй қора кўз,
Юзларда хандон ўйнасин,
Дилга тугён солиб ҳар сўз
Кўзларда пайкон ўйнасин,
Оҳангидан кеча-кундуз
Яйраб кўнгил, жон ўйнасин,
Томошага чиқиб юлдуз,
Ой бирла осмон ўйнасин,
Сўзларингга бериб қанот
Шоири замон сўзласин.

Келди навбат менга бугун
Сўзламоқлик пайтидир,
Шеър ишқида ёниб кун-тун
Бўзламоқлик пайтидир,
Одамлардан бўлиб мамнун
Изланмоқлик пайтидир,
Сен қўятур бу кун Барот,
Кел, Ўзбекистон сўзласин.

17.03.1974.

ИЛҲОМ ТУЛПОРИ ХУСУСИДА

От минганлар бари бирдан
Чапдаст чавандоз бўлмагай,
Тоғ қайдадир, ўтмай қирдан
Қолса якандоз бўлмагай,
Улоқни гар узиб ердан
Кетмаса эъзоз бўлмагай,
Ўтолмаса Аму, Сирдан
Совриндор шоввоз бўлмагай,
Тулпори гар қолса шердан
Олқишга ҳамроз бўлмагай.

Қамчи босинг, дўстлар агар
Нўноқ эрса тулпорингиз,
Жиловини тортманг зинҳор
Ўзмоқ бўлса шиорингиз,
Ниқтаб бунча берманг озор
Пойгада ул барорингиз,
Нағал қоқиб унга такрор
Оқсатмангиз шунқорингиз,
Кўзидан ёш томса зўрдан
Бургутдек парвоз бўлмагай.

Гар дарёдан сув ичганда
Қондирсангиз чанқоғини,
Сувлиқ билан сув кечганда
Қонатсангиз туёғини,
Шамолдан ҳам тез учганда
Сўндирсангиз чақмоғини,
Асқар тоғда шон қучганда
Олмасангиз улоғини,
Чавандоз деб Сиздай эрдан
Тулпор қадди ғоз бўлмагай.

Узангидан узиб оёқ
Ёлини тараб қўймасанг,
Эгарини олиб тезроқ
Кунига яраб, суймасанг,
Дон-ем билан айлаб қўноқ
Кўзига қараб тўймасанг,
Посбон бўлиб унга, бироқ
Бошини силаб қўймасанг,
Қанотлари синиб бирдан
Сизга жўровоз бўлмагай.

Бу майдонда довруғ солиб,
Дўстгинам, от ўйнатмасанг,
Устозлардан ибрат олиб
Кўнгил торин куйлатмасанг,
Сени ким дер илми толиб
Халойиқни ўйлатмасанг,
Қалам бирлан яккаш қолиб
Қоғозингни сўйлатмасанг,
Кўринмаса қалбинг шеърдан,
Номинг сарафроз бўлмагай.

Чавандозсан, қуриб пойга
Тулпорингни хор қилмагил,
Муккасидан кетиб майга
Сўзларингга зор қилмагил,
Ўхшасанг хам тошқин сойга
Эл ишидан ор қилмагил,
Устозларинг турган жойга
Сен ўзни саркор қилмагил,
Қилсанг Барот, оёқ ердан
Узилиб, парвоз бўлмагай.

18.03.74.

ЧОРБОҒ ИЧРА

Сен билан яшнар кўнгил бу чорбоғ ичра,
Васфи жамолинг сўйлар гул япроғ ичра,
Кўзларинг боқур қиё бир сўроғ ичра,
Сўроқ ичра қасри ишқ интизор сенга.

Сайрибоғ айлаб саҳар бу чорбоғ ичра,
Қора сочингни ўйнаб сен тароғ ичра,
Сувратинг этса ниҳон кўз қароғ ичра,
Қароғ ичра қасри ишқ интизор сенга.

Гул териб даста-даста бу чорбоғ ичра,
Юзимиз бўлса рўшно дўст-ўртоғ ичра,
Ишқ ила ёнса қалблар нур-чароғ ичра,
Чароғ ичра қасри ишқ интизор сенга.

Васли муҳаббат кулса бу чорбоғ ичра,
Риштаи жонлар ёнса шамчироғ ичра.
Васфингни ёзмиш Барот зарвароғ ичра,
Ваpoғ ичра қасри ишқ интизор сенга.

9.02.74.

СИРДАРЁ ҚИРҒОҒИДА

Занғори уфқларда
Осмон билан туташиб,
Мовий уммон сингари
Мавжланади пахтазор.
Лаби чанқоқ ер билан
Оби ҳаёт талашиб,
Дарё етаклаб келмиш
Мирзачўлга пахтакор.

Чўлга дармон бағишлаб,
Ғўзаларга бериб жон.
Қуёшга юзин тутиб
Жимирлайди бу дарё.
Тоғларни елкасида
Кўтаролмас қахрамон,
Эгатларда сув тараб,
Яшарсин дер бу дунё.

Пахтазор мавжларида
Ўйнаган нурми, сароб?
Чўл қувган баҳодирлар
Лочинми ё қарчиғай?
Дарё ичра балқиган
Қуёшми ё моҳтоб?
Бу дарёни забт этган
Кимлар ўзи ҳар қалай?

Субҳи сабо варақлаб
Кетди чўлнинг китобин,
Оташ бўса олгали
Ғунчаларга қўйди лаб.
Кишиликнинг субҳида
Тинглаб Ҳурлик хитобин,
Озод инсон от сурди
Чўл қўйнига эрталаб...

Дарё ҳамон мавжланар,
Мен эса қирғоғида,
Йиллар карвони ўтар
Кўз олдимиздан пайдар-пай.
Мирзачўлдай жаннатнинг
Оромижон боғида,
Самарқанд фарзандига
Азиз дўстлар тутар май.

Ҳаёт нафаси келар
Асрий даштлар бағридан,
Қуш учганда қаноти
Синмас энди бу чўлда.
Пахтакор тутиб олган
Сирдарёнинг баридан,
Одам юрса оёғи
Куймас энди бу чўлда.

Мирзачўл жамолига
Бўлиб қолиб маҳлиё,
Навбаҳор кезиб чиқдим
Бу диёрни пиёда.
Пахтакор камолига
Дилдан ўқиб мадҳия,
Чўлни гул қилган элдай,
Умрим бўлди зиёда.

Тахтиравон кўчалар,
Оқ мармардан бинолар,
Қишлоғу шаҳар менинг
Ақлимни олди, дўстлар.
Қоплардаги ўсма-ю,
Қўлга қўйган хинолар,
Гўзаллар хуснин кўриб,
Қувоймай нетсин кўзлар.

Истиқболнинг куёши
Кулиб боқмаса агар,
Келтириб ҳам бўлмасди
Бу лавҳани хаёлга.
Мирзачўлмас, келмасди
Ҳатто қалбларга баҳор,
Табиат ачинмасди
Дилдаги аянч ҳолга.

Мана, Гулистон узра
Бахт қуши қилар парвоз,
Ўзбекистон халқининг
Қалбида эрк куёши.
Қадим она-ерига
Пахтакор берар пардоз,
«Оқ олтин» хирмонидай,
Кўкка етгандир боши!

Дўстлик дарахти бунда
Гулга киргандир қийғос,
Сирдарё куйлаб оқар
Мирзачўл қўшиғини
Гўзаллик масканида
Фарҳод каби айтдим роз,
Ширин учратиб қолди
Бу элда ошиғини.

Эй, илҳомбахш Мирзачўл,
Сенинг элинг сингари
Жаҳон халқи яшаса,
Дўст-қадрдон ва инок.
Ҳар гўшада яшнаб гул,
Чарх уриб Эрк каптари,
Дунё жаннат бўларди,
Бўлар эди боғу роғ.

1974

РАЗВЕДКАЧИ СИРОЖИДДИН ВАЛИЕВ МОНОЛОГИ

1

Мен жангга отландим йигитлигимда,
Чўққига даст урган бургутлигимда.

Пўртана қиларди томирда қоним,
Танимга сиғмасди оташин жоним.

Жондай азиз эди Ватаним менга,
Униб-ўсган боғу чаманим менга.

Дарёлари тошқин хаётим эди,
Тоғлари ирода, саботим эди.

Учқур қанот эди ғурури менга,
Бахту нажот эди сурури менга.

Даласи берганди ризқи рўзимни,
Боғлари очганди менинг кўзимни.

Қўшиқ ўргангандим булоқларидан,
Ер исин эмгандим ўтлоқларидан.

От чопсам гувларди тоғлар дараси,
Мен эдим отамнинг кўзин қораси.

Волидам қошидан бир қадам лекин
Нари жилмагандим ёшлигим учун.

Ўн гулимдан бири сўлмаган эди,
Бахтим тўлин ойдай кулмаган эди.

Нориндай ҳайқириб оқмаган эдим,
Ёв кўзига хали боқмаган эдим.

Ҳали тутмагандим қўлимга қурол,
Она-Ватан деди: «Эй ўғлон, қўзғол!»

Мен тоғдай қўзғалдим ўрнимдан бирдан,
Алпомиш куч-қудрат олгандек ердан.

«Қўлингга қурол ол! — деган зўр нидо,
Қалбимга матонат берди бир дунё,

2

Мен жангга отландим йигит ёшимда,
Ғазаб ўти ёниб ичу тошимда.

Изимдан боғларим мунғайиб қолди,
Қадди тик тоғларим мункайиб қолди.

Ранглари оқариб қолди мактабим,
Йўлга қараб кўзи толди мактабим.

Волидам ҳайкалдай термилди бежон,
Бир кечада қўнди сочига мезон.

Отам асо тутиб йўлимда қолди,
Бобомнинг қиличи қўлимда қолди.

Севгилим кўз ёши бўлди Зарафшон,
Кўнгил гулшанига қўл чўзди хазон.

3

Мен жангга отландим, қалбда интиқом,
Интиқом этарди мени имтиҳон.

Пўртана қиларди томирда қоним,
Танимга сиғмасди оташин жоним.

Кўзимда чақнарди қасос учқуни,
Қалбимда тошарди мардлик тўлқини.

Қаҳримнинг тиканли чўл-даштларида,
Нафратим беаёв оташларида

Фашист иблислари ёнарди лов-лов
Ва қора кукунга айланарди ёв.

4

Мен жангга отилдим — қўлда автомат,
Белимга боғланган эди гранат.

Фашист-ла юзма-юз келдим неча бор,
Кўзидан қон оқиб, тиз чўкди аёр.

Кўкрагидан отдим кўкда учганда,
Қўндоқ билан солдим ердан чиққанда.

Дарёда дуч келса сувга чўктирдим,
Қирғоқда қуласа қумга кўмдирдим.

Ўрмонда учраса дарахтга осдим,
Мушукдай қочганда шер бўлиб босдим.

Ботқоққа ботганда тўкдим ёшини,
Совуқда қотганда уздим бошини...

5

Мен жангда тобландим, менга гар ғаним
Ўқ узса, ўтказмас эди баданим.

Кўкракда бор эди пўлат қалқоним,
Бошимда дубулға — асровчи жоним.

Кўксимда арслон қалби бор эди,
Отамнинг мардлиги менга ёр эди.

Билакда бор эди кучим тоғ қадар,
Дуч келса, ҳар қандай ғаним янчилар.

Разведкачи бўлиб жангда тобландим,
Ёв устига арслон каби ташландим.

Қўлини орқага арқон-ла боғлаб,
Ўнлаб қаттол ёвни ўлимга чоғлаб,

Тирик олиб келдим, «тил» олиб келдим,
Зафар карвонига йўл солиб келдим.

Жасоратим бўлди эл аро достон,
Кўксимни безади энг олий нишон.

Таман дивизиясида тўкдим қонимни,
Украина учун бердим жонимни.

Жоним азиз эди, жонимдан азиз —
Ватаним бор эди дунёда ёлғиз. —

Шу ёлғиз Ватан деб, она тупроқ деб,
Отам деб, онам деб, дўсту ўртоқ деб,

Ишқ учун, бахт учун, чин ҳаёт учун,
Сув учун, нон учун, куй-баёт учун

Жоним фидо этдим йигит ёшимда,
Ой йиғлаб қичқирди менинг бошимда.

Юлдузлар дув этиб тўкилди ерга,
Осуда ётгали мен билан бирга.

Гўзал Фарғонамни кўролмай кетдим,
Сўлим боғларида юролмай кетдим.

Онамнинг кўксига қўёлмадим бош,
Тонг отса, хабар бер: сен ўзинг қуёш.

Мен учун бошида сен бўлгин омон,
Сен билан рўшнодир бу рўйи жаҳон.

Ва лекин бу кеча бошимда йўқсан,
Шунинг-чун қуладим бегона ўқдан!

Ўғлинг ботирларча ўлди, деб айтгин,
Ўлганда ҳам гулдек сўлди, деб айтгин.

Дўстларимдан эса қилгин илтимос,
Мен учун олишсин душмандан қасос!

Қасос ол, эй Ватан, бутун умрга,
Эрка ўғлинг яшар сен билан бирга.

Мен учун сенинг пок кўйингдан азиз,
Муқаддас маскан йўқ дунёда ҳаргиз.

Сен билан эл кўнглин этажакман шод,
Сен билан мени ҳам халқим этар ёд.

Эй Ватан! Мен сенга демасман видо,
Ўлсам ҳам бағрингни тарк этмам асло.

Онажон, кел, қўяй кўксингга бошим,
Ҳеч қачон сўнмасин сендек қуёшим.

1975

КУМУШ ҚУШ

(баллада)

1

Ўзбекистон қучоғида
Чўққиларга уриб тўш,
Камол топиб эл боғида
Учиб юрар кумуш қуш.

Кумуш қушнинг қанотлари
Момиққина, укпардай,
Ушалиб ўй-ниятлари
Чарх уради каптардай.

Қулоч отиб юлдузларга
Ойни кўзлаб учади.
Ёғду сочиб кундузларга
Оқ тоғларни қучади.

Қучоғига олиб само
Эркалайди субҳи шом.
Қанотига ёзиб нома
Қуёшга йўллар салом.

Эртакларда куйланмаган
Афсонадир кумуш қуш.
Достончилар куйламаган
Дурдонадир кумуш қуш.

Бу бир қушким, ўнлаб достон
Камлик қилур шаънига.
Қўшиқларга бахш этиб жон,
Жон бўлур эл жонига.

Бу бир қушким, олам аро
Хумо каби мўътабар.
Юрт қўйнига бериб оро
Водийларга сочар зар.

Бу бир қушким, эл бошига
Кийдиради олтин тож.
Ва ҳаётнинг нақшига
Бўлур авжи дилхирож.

Бу бир қушким, тахти зафар
Интизор қадамига.
Қутлуғ бўлсин дея сафар
Мунтазир карамига.

2

Ўзбекистон қучоғида
Чўққиларга уриб тўш,
Камол топиб эл боғида
Учиб юрар кумуш қуш.

Кумуш қушнинг қўшиғини
Эл тинглайди маҳлиё.
Тонгда очиб эшигини
Йўлига сочар зиё.

Қўнгин менинг кафтимга деб,
Қошига чиқар пешвоз.
Бергин дея уйимга зеб,
Кумуш қушга айтар роз.

Қушнинг сеҳру имосидан
Тўш урар завқ нахрига.
Кўзидаги жилосидан
Ўт тушади қалбига.

Бахт тожини этар тухфа,
Кумуш қушни тутса ким,
Олам аро ғоят турфа
Калитин берар тилсим.

Шу тилсимни очган инсон
Бўлур тенгсиз бахтиёр.
Унда бордир туганмас кон,
Умри минг йилга пойдор.

Кумуш қушнинг кўзларида
Порлар шодлик ёғдуси.
Тўлин ойдек юзларида
Балқир севган оҳуси.

Қуёш кулган манглайида
Ярқирар тахти иқбол.
Эл кўтарган танглайида
Бийрон тили мисли бол.

Юмшоққина оқтўшида
Инсон қўлин изи бор.
Садафдан ҳам пок тишида
Умрзоқлик барқарор.

Бу на Семурғ, на Ёнар қуш,
На Турнадир ва на Хумо.
Булбул каби лек сайрар хуш,
Дил бўлур пок қилса имо.

Кумуш қушнинг пойқадами
Теккан уй бўлур обод.
Ва парпираб ҳаёт шами
Юракларни этур шод.

Хонадонга файзу шукух,
Фаровонлик ёр бўлур.
Чеҳраларга ойдин бир рух,
Чароғонлик ёр бўлур.

Кулиб умр кошонаси,
Билмагай қайғу ғамни.
Олтин бўлиб остонаси
Узмагай эл қадамни.

3

Ўзбекистон кучоғида
Чўққиларга уриб тўш,
Камол топиб эл боғида
Учиб юрар кумуш қуш.

Кумуш қушнинг қарашидан
Оқаради тун бағри.
Кўзидаги оташидан
Оташланар кун бағри.

Чанокларни этиб мафтун
Пахтазор оғушида,
Жилмаяди тонгда дуркун,
Қуёш балқиб тўшида.

Висолига элни чорлаб,
Очади кучоғини.
Чанокларда дурдай порлаб,
Тутади дудоғини.

Ким қошига қўйса қадам,
Кўксини тоғ қилади.
Айлаб унга лутфи карам,
Кўнглини боғ қилади.

Кучоғида этиб ханда,
Ушалтирар орзусин.
Қолмагин деб ҳеч армонда,
Узатар нону тузин.

Чаман бўлар борки чанок,
Учиб ўтса кумуш қуш.
Чанокларда қайнар булок,
Кучиб ўтса кумуш қуш.

Машиналар елкасида
Олтин сандиқ тебранар
Ва пахтазор ўртасида
Оппоқ тоғлар юксалар.

Сайилгоҳга ўхшаб кетар
Олтин кузда пахтазор.
Гўё борлиқ соврин тутар
От ўйнатса пахтакор.

4

Ўзбекистон кучоғида
Чўққиларга уриб тўш.
Камол топиб эл бағрида
Учиб юрар кумуш қуш.

Кумуш қушнинг парвозини
Эл кузатар шодумон.
Тинглаб дилбар овозини
Туғён қилар танда жон.

Кумуш қушнинг қанотида
Порлар зафар номаси
Ва оромбахш баётида —
Пахтакор муддаоси.

Бу қуш шундай ажиб қушким,
Мадҳи сиғмас жаҳонга.
Бу қуш шундай нажиб қушким,
Бахт келтирар инсонга.

Бу қуш қўнса эл муроди
Ҳосил бўлур чинакам.
Пахтакорлар мард авлоди
Бахтига бўлур ҳакам.

Бу қуш қўнса, она-Ватан,
Оёғига сўяр қўй!
Садқа дея жон бирла тан,
Элда қилар катта тўй!

Бу кумуш қуш — ҳосил қуши,
Парвози жуда баланд.
Укпар каби оппоқ тўши
Юксак тоғларга пайванд.

Бу кумуш қуш — ҳосил қуши,
Парвозига жон фидо.
Пахтамизнинг олтин кўшки
Тахтига қўнган хумо.

Бу кумуш қуш — ҳосил қуши,
Она тупроқ неъмати.
Пахтакорнинг юртга ишқи,
Таги олтин меҳнати!

Бу кумуш қуш — ҳосил қуши,
Бахт қушидир бегумон.
Она ерга тегса тўши,
Армонсиз Ўзбекистон!

1975

ЧАНОҚЛАР ВА ЮЛДУЗЛАР

Ўзбекистон пахтасининг чаноқлари,
Юлдузлардай чаман бўлиб очилгандир.
Куз завқидан кумушланиб ёноқлари,
Ер саҳнига юлдузлардай сочилгандир.

Чаноқлар ҳам юлдузлардай беш
қиррадир,
Гўё деҳқон қўлининг у беш панжаси.
Кўсаклари гумбазлардай кунгирадир,
Чаноғига сиғмас ҳатто ганжинаси.

Гар юлдузлар кундуз бўлса кундан хира,
Оқшомлари барқ уришиб, боқар хандон.
Чаноқларни қуёш хира этмас сира,
Минг яшнатиб, баҳрин этар
кумушсимон.

Юлдузлардан осмон саҳни чароғондир,
Қўйнида ой кезар мисли кумуш кема.
Чаноқлардан мулки борлиқ фаровондир,
Деҳқонларнинг чеҳраси ҳам
офтобсиймо.

Мунажжимлар юлдузларни этди рақам,
Ҳисобини билур ёддан китобхонлар.
Ўзбекистон тупроғини этган кўркам —
Чаноқларни санолмай лол ҳисобдонлар.

Ҳисоби йўқ чаноқлардан пахтакорлар
Ойга қадар уйишади тоғ-тоғ хирмон.
Юлдузларни забт этганда фазокорлар,
Ўзбекистон пахтасини этар инъом.

Қалб увишар учса агар битта юлдуз,
Топди дея қай бир одам умри завол.
Бир чаноқдан пахта тушса ерга, ҳаргиз,
Кўзга суртар кампиру чол, этмай увол.

Юлдузларсиз хаёлга ҳам сиғмас осмон,
Узилади тасаввурнинг арқонлари.
Чаноқларсиз яшнамагай Ўзбекистон,
Ушалмагай эзгу орзу-армонлари.

Юлдуз билан осмон гўзал, борки хаёт,
Ёр кўзидай кўринар ул ошиқларга.
Чаноқ билан Ўзбекистон баҳри жаннат,
Мавзу бўлур ул абадий қўшиқларга!

Чаноқларнинг боши узра мисли юлдуз
Бир умрга парвонадир менинг халқим.
Кўз нурини тўкиб унга кеча-кундуз,
Пахтазорда мардонадир менинг халқим.

Менинг халқим — тоғ вазнини ўлчаган
халқ!
У — тоғларни кўтаргайдир! Лолдир
жаҳон!
Шарқ уфқидан офтоб каби урганча барқ,
Тоғлар узра боқиб турар Ўзбекистон!

1975

ОТАМНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

1

Отам деган эдилар:
Қўлдан олма — ердан ол,
Ер бахтинг этмас увол.
Қўлдан олсанг — гумроҳсан,
Ерни боқсанг — подшоҳсан.

2

Отам деган эдилар:
Дўсту душман устидан кулма,
Дўстга эгил, ёвга эгилма.
Дўст устидан кулсанг — душмансан,
Қароғига кирган тикансан.
Ёв устидан кулмас мард киши,
Мардга етар ёв бошининг эгиши.

3

Отам деган эдилар:
Яхшига яқин юр, ёмондан — узоқ,
Тамагир кимсага бўлма дўст, ўртоқ.
Яхшининг ҳурмати, меҳри беминнат,
Ёмоннинг хизмати ортиқча ғурбат.
Ёмондан хавфлидир тамагир азал,
Игна қўшиб бир кун узатар асал.
Нозик муомала — унинг қуроли,
Тамагирни урар элнинг уволи.

4

Отам деган эдилар:
Каттага кичик бўл, кичикка катта:
Ҳурматин жойига қўйгил, албатта,
Улуғлар — кетгувчи, дуоси — савоб,
Кичиклар — келгувчи, бўл мисли
офтоб.
Қўрдошларинг билан бўлсанг ҳамқанот,
Учсанг — қафас каби қисмас коинот.

5

Отам деган эдилар:
Савоб иш қилгину гуноҳ иш қилма,
Элга изза бўлиб ерга тикилма.
Савобдан юз ёруғ, баланд бўлгай бош,
Гуноҳдан юз қора, бошин ёргай тош.
Бошингга тош эмас, тегмасин қум ҳам,
Савоб гулшанидан узмагин қадам.

6

Отам деган эдилар:
Оғир меҳнатдан ҳеч бўйин товлама,
Енгил меҳнат ўлжасини овлама.
Қаддингни букса-да лек оғир меҳнат,
Эгилиб, бировга этмайсан хизмат.
Бир бурда нонингни егайсан халол,
Кечаси ухлайсан тинч ва бемалол.
Бахтингни излама енгил меҳнатдан,
Қаддинг ёй, бошинг хам бўлгай
миннатдан.

7

Отам деган эдилар:
Қўлинг пок, кўзинг пок, дилинг пок
бўлсин,
Имонинг, виждонинг, тилинг пок бўлсин.
Нопокдан нафсингу ўзингни тийгин,
Қўлингу дилингу кўзингни тийгин.
Муродга етказар ҳаётда поклик,
Қадрни кеткизар, билсанг нопоклик.

8

Отам деган эдилар:
Тиласанг — тишингнинг бутунлигида,
Ўксинмайсан умринг ўтинлигида.
Ёшлигингда мақсад иморатин қур,
Қариликда унинг хузурини кўр.
Навқирон чоғингни этмасанг кадр,
Кексалик фаслида тортгайсан жабр.

9

Отам деган эдилар:
Амалга учмагин, амал — ўткинчи,
Бағрингни эзмасин унинг ўкинчи.
У — бугун бор, йўқдир эртага, аммо,
Бирор кишига у қилмаган вафо.
Соф виждонли инсон бўлмоқ зўр амал,
Шу амалга қўйгин бир умр тамал.

10

Отам деган эдилар:
Ҳаёт гули гарчи сертикан:
Қўша қари рафиқанг билан.
Ўзгани ҳеч этмагин хаёл,
Дўстлик қилмас бегона аёл.
Ўз аёлинг — шодлигу ғаминг,
Бир умрлик мунис ҳамдаминг.

11

Отам деган эдилар:
Пуштимиз пок — чиқмаган нопок,
Қўрқоғи йўқ — барчаси бебок.
Боболаринг ўтган — тўғри сўз,
Эгри сўздан тотмагандир туз.
Тўғрисини сўзлар мард мудом,
Гарчи номард кўтарса-да лом.

12

Отам деган эдилар:
Иш тут ўз ақлинг билан,
Тинч бўл ўз халқинг билан.
Ўзга ақли шам бўлмас,
Ўзга эл ҳамдам бўлмас.
Ўз элинг, юртинг омон,
Ранг-рўйинг бўлмас сомон.
Ота-онангдир Ватан,
Гўру кафандир Ватан.

13

Отам деган эдилар:
Арпа экиб кутма буғдойни,
Ҳавас қилма қўл етмас ойни.
Нима эксанг — ўрасан шуни,
Заминдадир ҳаёт мазмуни.
Ризқи рўзинг тушмас осмондан,
Топилмайди ўзга макондан.
Экканингга қилгил қаноат,
Осон эмас кори зироат.

14

Отам деган эдилар:
Сен — отасан, аяма жонни,
Фарзанд учун ярат имконни.
Аммо қанча кўрсатма ҳиммат,
Туз бердим деб қилма ҳеч миннат.
Сен — отасан, эмассан малик,
Саломингга яраша алик.

15

Отам деган эдилар:
Бировнинг дилини оғритма зинҳор:
Оғритсанг — ўз дилинг чекади озор.
Ҳар инсон ўзича бир дарвиш,
Дарвишга солмагин ғам-ташвиш.
Дарди йўқ одамнинг ўзи йўқ асли,
Дард билан туғилар одамзот насли.
Дардмандга ҳамдард бўл, келса қўлингдан,
Қўлингдан келмаса, изла элингдан.
Ҳаммани бахтиёр кўраман дема,
Тўфонли денгизда сен тушган кема.

16

Отам деган эдилар:
Ҳамроҳсиз сафарга отланма,
Қўшилма дўстини сотганга,
У сотиб кетади сени ҳам,
Зимдан иш тутади муттаҳам,
Бўлсин десанг сафар бехатар,
Яхши билан бўлгил ҳамсафар.

17

Отам деган эдилар:
Эл танлама, дўст танла, аммо,
Чин дўст топмоқ чигал муаммо.
Барча таниш, билки, дўст бўлмас,
Дўстинг каби мағзу пўст бўлмас.
Дўст билинар ёмон кунингда,
Ой чиқмаган қора тунингда.
Барингни бутун бўлгай дўст билан,
Дўст санчмайди кўзингга тикан.

18

Отам деган эдилар:
Шуҳратга учмагин, у — вафосиз ёр,
Юзин шунут қилган ким бўлса хуштор.
Жафокор ёрдан қоч — оқибати йўқ...
Бир куни сени у отади беўқ.

19

Отам деган эдилар:
Қавмингни ўзингдан этма бегона,
Мушкул дамда уйинг бўлмас ғамхона.
Уларга ҳеч нарса сендан керакмас,
Дўстларинг сафида омон юрсанг, бас.

20

Отам деган эдилар:
Ўз фикри йўқ кимса ўзгага муҳтож,
Яшаш йўлин излар қилиб бир илож.

21

Отам деган эдилар:
Кимки сенга қилса ёмонлик,
Оқибатда кўрмас омонлик.
Эсингда тут: қора юрак у,
Болга қўшиб узатар оғу.

22

Отам деган эдилар:
Туққанингга ёқмасанг-да ҳақни айт,
Ҳақни айтиб, ноҳақ юрган йўлдан қайт.
Гарчи аввал кўринурсан кўзга ёмон,
Кўзга яхши кўринурсан, келиб даврон.
Билиб қўйгин: ҳақ деган тил кесилган,
Кесилмаса — омбур билан қисилган.

23

Отам деган эдилар:
Яшаш оғир — кечмагай бир маромда,
Қоқилмаган одам йўқдир оламда.
Тушкун бўлмай, ким бошини тутса тик,
Эр йигит деб узатади эл илик.
Қоқилганда ўзингни ол қўлингга,
Она халқинг кўз тикади йўлингга.
Улуғлардан имдод кутма — бепарво,
Халққа суян, қадринг этар муалло.

24

Отам деган эдилар:
Ҳаёт йўли ўнқир-чўнқир, паст-баланд,
Оғишмасдан босиб ўтгин эр монанд.
Равон йўлни ахтармагин, ейсан панд,
Мушкулларни енгиб ўтар чин фарзанд.
Элга содиқ ўғлон бўлай десанг гар,
Эл билан бўл, тошни ҳам этар гавҳар.

25

Отам деган эдилар:
Ҳайвонга ҳам бермагин озор,
Демасинлар сени дилозор.
У ҳам инсон зотидек азиз,

Инсон каби тили йўқ ёлғиз.
Ўз тилида сўзлайди, аммо,
Тушунолмас инсондек даҳо.
Табиатнинг фарзанди у ҳам,
Дардларини англагин, болам!

26

Отам деган эдилар:
Гапирма бировнинг орқасидан ҳеч,
Ўзингга санчилар, қайтиб бу қилич.

27

Отам деган эдилар:
Бировга ёмонлик қилма — жиноят,
Жазосин тортасан ўзинг ниҳоят.
Яхшилик кўрмаган ёмонлик қилган,
Ёмонлар йўлига чоҳлар қазилган.

28

Отам деган эдилар:
Одамларга ўргатма ақл,
Фойда дема не этсанг нақл.
Ақлли санайди ҳамма ўзини,
Тингловчи киши кам доно сўзини.
Ақлни ўргатиб бўлмайди, ишон,
Ҳунарин ўргатар шу важҳдан инсон.

29

Отам деган эдилар:
Ҳаддан ошма — сўкиласан,
Тўлиб-тошма — тўкиласан.
Бирга юрсанг эл қаторида,
Ўкинмайсан кун ботарида.

30

Отам деган эдилар:
Таъбинг хира бўлса эрталаб,
Кун боқмайди сенга эркалаб.
Эрталаб қўнмасин кўнглингга шом,
Ғанимат кунингни этма ҳаром.

31

Отам деган эдилар:
Танбеҳ берма — танбеҳ бир тикан,
Тушунтиргин ётиғи билан.
Танбеҳ қилса сенга ким,
Гарчи ноҳақ — тингла жим.
Сабоғин сочма елга,
Эрк берма, аммо тилга.

32

Отам деган эдилар:
Мақсад манзили узоқ,
Бир умр етмас, бироқ.
Йўл юрсанг-да олмай тин,
Унга етишинг қийин.
Аммо, бўлма хомтама,
Яқин йўлни излама.
Гарчи йироқ манзилинг,
Қатордаги нор — элинг...

1975

ФАХРИЙЛАР

Файз бериб биз курган анжуманларга,
Ёр бўлиб кўнгли пок орзумандларга,
Зеб бериб, биз кезган боғ-чаманларга,
Жилмайиб қўясиз шўх фарзандларга,
Фахрийлар!

Бошингизда ўрик гуллабди оппоқ,
Сиймонгизда иқбол ёқибди чироқ,
Қаддингизга ҳавас қилиб Боботоғ,
Қалбингизда қайнаб ётибди булоқ,
Фахрийлар!

Маъмур уйингизнинг ёниқ чироғи,
Довруқли тўйингиз минг-минг қўноғи,
Файзиёб умрингиз ёлқин, чақмоғи —
Ёшлар истиқболин сўнмас маёғи,
Фахрийлар!

Дарёлардан қўрқмай, муз кечиб ўтган,
Вайронада нону туз ичиб ўтган,
Тоғлардан бургутдек тез учиб ўтган,
Жанг аро зафару шон қучиб ўтган,
Фахрийлар!

Энг қаттол ёвни ҳам айлаб тору мор,
Гўдаклар жонига бермайин озор,
Европа бахтига бўлиб халоскор,
Қайтдингиз, дўстларга этиб жон нисор,
Фахрийлар!

Биз ёшлар суянган умид тоғимиз,
Мангу хазон бўлмас шодлик боғимиз,
Оби ҳаёт берган булоғимиз сиз,
Йўлимиз ёритган чироғимиз сиз,
Фахрийлар!

Қадамингиз етган ер гулзор букун,
Нигоҳингиз тушган ер дилдор букун,
Меҳрингиз тўкилган ер ашъор букун,
Сизлар мактуб битган ер баҳор букун,
Фахрийлар!

Бугун сафингизда йўқлар руҳини,
Қоши ё киприги ўқлар руҳини,
Жангларда кўйлаги туғлар руҳини,
Ёд этамиз қалби чўғлар руҳини,
Фахрийлар!

Меҳнат жангида ҳам яловбардорсиз,
Елкаси ер кўрмас полвон, шунқорсиз.
Улоғин олдирмас чавандоз, норсиз,
Ҳар бир ишимизда дўсту ҳамкорсиз,
Фахрийлар!

Кўксингиз безаган орден, медаллар,
Кўнглингиз банд этган ширин хаёллар,
Сизларни зориқиб кутган аёллар
Бахтига бор бўлинг, эй оқсоқоллар,
Фахрийлар!

Сиз кўрган урушни кўрмайлик бизлар,
Қошингизда йиғлаб турмайлик бизлар,
Ғаним юрган йўлдан юрмайлик бизлар,
Сизсиз бир анжуман кўрмайлик бизлар,
Фахрийлар!

Кўзимизга суртиб изларингизни,
Хор қилмай муқаддас сўзларингизни,
Ерга қаратмай ҳеч кўзларингизни,
Бошда тутсак, деймиз, ўзларингизни,
Фахрийлар!

Сизга деб гул териб келдик боғлардан,
Ургуту Қурама, Боботоғлардан,
Селдай тошар букун гул қучоқлардан,
Бу — байрам совғаси дўст-ўртоқлардан,
Фахрийлар!

Ғалаба тонги бу — байрам муборак,
Қалбларга жўровоз айём муборак,
Сиз кутган Наврўзи олам муборак,
Қўлларда товланган ол жом муборак,
Фахрийлар!

1975

Садоқат

(достон)

Тоғам хотирасига...

• • •

1

Бир даста қуриган, барглари хазон
Қора райҳон турар сурат қошида.
Нафис ғунчалари уролмай хандон
Қовжираб қолибди дард талошида.
Ва лекин мушкидан ўртанган бир жон
Ловуллаб ёнмоқда ишқ оташида.
Бу оташ кун сайин олиб аланга,
Ҳижрон лашкарини чорлайди жангга.

2

Суратни дафнадек безаган райҳон,
Қўл тегса, дув этиб тўкилар гўё.
Нозик новдалари мунғайиб бежон,
Йиллар ғуборидан кўринар сиё.
Юпанчин топгандай, бир аёл гирён,
Райҳонни этади кўзга тўтиё.
Мушки бирлан райҳон файз бериб уйга,
Аламнок кўнгилни солар минг кўйга.

3

Бу райҳон дастаси ул жувон учун
Дунёда энг азиз бир ёдгор эрур.
Гар уни кўрмаса яшолмас бир кун,
Бу ёруғ олам ҳам кўринур бенур.
Армон гулшанида кезмаса маҳзун,
Гуноҳин ҳеч кимса этмагай мағфур.
У — ёшлик, у — севги, у бир оташдир,
У — ҳаёт, у — қўшиқ, у бир қуёшдир.

4

Сиғмасдан қолганда кўнглига қил ҳам
Қовжироқ баргларин ўпар беозор.
Дардин кўтаролмай толганда фил ҳам
Бўйидан бир лаҳза ёзади хумор.
Борлиғига ларза солганда дил ҳам.
Гурс этиб қулолмас бамисли чинор.
Райҳон уруғидан экиб ҳар баҳор,
Ҳовлисин саҳнини ул этар гулзор.

5

Бу райҳон дастаси — орзу чароғи,
Ҳижрон лашкарини енган яроқдир.
Умид дарахтининг сўлмас япроғи,
Севги кемасини кутган қирғоқдир.
Умр кўҳистонин қайнар булоғи
Ва толе кўкида ёнган маёқдир.
Бу райҳон ёдгордир жангчи ёридан
Ва севги фаслининг илк баҳоридан.

6

Тоғларга пайваста Ургутистонда
Эл кўзига тушиб қолди икки ёш.
Севги туғён уриб икки ёш жонда
Битта атиргулни ҳидлашди сирдош.
Беармон кезганда боғу бўстонда
Бахтларин тилашди қавму қариндош.
Тоғлар садо бериб қўшиқларига,
Боқишди бахтиёр ошиқларига.

7

Шу икки ёшни деб қайнар булоқлар,
Қоядан оҳудай сакрар шалола.
Бекасам тўнини кияди тоғлар,
Чўққилар қошида кулади лола.
Атиргул бўйига чўмади боғлар,
Тонг билан булбуллар қилади нола.
Табиат бор сепин тўшайди ерга,
Икки ёш бўлсин деб умрбод бирга.

8

Қуёш ҳам бошида кезар саргашта,
Пойига солади нурдан пояндоз.
Ой эса нозланиб қилар карашма.
Юлдузлар ишқини айлар сарафроз.
Суқланиб, Чўлпону Зуҳро қарашса,
Икки ёш берарди Заминга пардоз.
Фалаку ер ичра ҳуснда тенгсиз
Шу икки ёш эди — Содиқ ва Юлдуз!

9

Содиқ қуёш бўлса, ой эди Юлдуз,
Уларсиз бу олам эди зимзиё.
Содиқ кирпик бўлса, Юлдуз эди кўз
Бодомқовоқ узра қошдан эди ё.
Севги осмонида икки шўх юлдуз
Хумодек чарх уриб турарди гўё.
Содиқ томир бўлса, Юлдуз эди қон,
Юлдуз юрак бўлса, Содиқ эди жон.

10

Ўн саккиз оламга боққанида лол,
Кўзларига сингди ёғду бўлиб ишқ.
Бошлардан бир лаҳза учганда хаёл
Томирларда оқди туйғу бўлиб ишқ.
Тоғларга талвириб, сўрганда савол,
Чўққига чорлади орзу бўлиб ишқ.
Беором этди ишқ икки ёш жонни,
Мунаввар этди ишқ гўё жаҳонни.

11

Юлдузнинг қалбини олиб нишонга,
Алпомиш ботирдай асир этди ишқ.
Юлдуз бошин эггач мард паҳлавонга,
Қалбини ўзига қаср этди ишқ.
Майи нобни тутгач шоҳижаҳонга,
Ургут маликасин масрур этди ишқ.
Ишқ уни этдию тунлари бедор,
Қалбида уйғотди ажиб бир дунё.

12

Ишқ деган фариштa бир қиё боқиб,
Содиқнинг қалбига солди ғалаён.
Кўзларин сеҳрлаб, бир оташ ёқиб,
Жисмини гулханга отди беомон.
Ва висол кўкида чақмоқлар чақиб,
Фироқ уммонида қўзғади тўфон.
Ишқ бериб Содиққа висол шамширин,
Тору мор эт, деди фироқ лашкарин.

13

Тоғларни янгратди карнай овози,
Дойрага осмон хам берди акс-садо.
Чашмани сўйлатди машшоқлар сози,
Ошиқлар пойига узанди дарё.
Қўлдан-қўлга ўтди тўй пояндози,
«Ёр-ёр» садосига кўмилди дунё.
Бошлардан сочилди кумуш тангалар,
Чимилдиқни пойлаб қолди янгалар.

14

Келиннинг субҳидам саломидан шод
Қайнона, қайнота, қавму қариндош.
Хонаи хуршидни қилгали обод,
Падари бузруквор элга берар ош.
Ҳаёт иморатин қилишиб бунёд,
Ишқ баётин тинглар икки олов ёш.
Мангудай кўринар бу тўй айёми,
Сипқорса тугамас муҳаббат жоми.

15

Келин салом берди баланд тоғларга,
Ургутсойга айтди ширин тушини.
Қанотинг ёзиб уч, деди, боғларга,
Боши узра қўнган Хумо қушини.
Бахтидан роз айтиб дўст-ўртоқларга,
Кўз-кўз қилар эди шод турмушини.
Ҳаёт майин энди этганида нўш,
Бахтига чанг солиб бошланди уруш.

16

Уруш кириб келди чимилдиғига,
Қучоғидан олиб кетди Содиқни.
Кўксин қалқон этиб қолди тиғига,
Узатиб, деворда турган милтиқни.
Кўз ёшларин артиб ёр қийиғига,
Бойлаб қўйди унинг белига ўқни.
Содиқ ҳам жўнар чоғ, танга сиғмай жон.
Юлдузга узатди бир даста райҳон.

17

Райҳон дастасини кўксига босиб,
Сарвдай комати хам бўлиб қолди.
«Асал ойи» унга қилмади насиб,
Кўз ёшдан рўмоли нам бўлиб қолди.
Айрилиқ дардидан ранг-рўйи озиб,
Содиқнинг йўлига шам бўлиб қолди.
Ўн гулидан ҳали бир гули сўлмай,
Чимилдиқда қолди келин, ёпирай.

18

Қўғирчоқдай қилиб безатилган уй
Содиқсиз кўзига гўрдай кўринар.
Кечаги тантана, карнай-сурнай, тўй
Саробда ялт этган нурдай кўринар.
Гулзори тонг билан таратмас хушбўй,
Гўё пешанаси шўрдай кўринар.
Булбул кутиб, боғда навоси тинди,
Юлдуз елкасига гўё тоғ минди.

19

Ургут бургутлари учиб кетдилар,
Тоғлари мунғайиб, ҳувиллаб қолди.
Булоғин сувидан ичиб кетдилар,
Ортидан сойлари гувиллаб қолди.
Тизза бўйи тупроқ кечиб кетдилар.
Болалар қийқириб, чувиллаб қолди.
Содиқни сарбон деб йўл олди карвон,
Тушида кўрмаган қонли жанг томон.

20

Содиқ ҳам жанг қилди Москва учун,
Азиз тупроқ учун аямади жон.
Ҳужумга ўтганда кундуз бўлди тун,
Ёв ўқига этди кўкрагин қалқон.
Душмандан олгали элу юрт ўчин
Алпдай тоғ йигити жангда тўкди қон.
Лек ҳалок бўлди у сўнг нафасида,
Жанг қилиб, Москва остонасида!

21

Юлдузни ахтариб келди «қора хат»,
Тоғларни титратди келин нидоси.
Юрагин айлади пора-пора хат,
Бошига ёғилиб мотам балоси.
Ургутнинг кўксини қилди яра хат,
Тоғларнинг бошидан қулаб қояси.
Юлдузнинг қалбига соя солди тун,
Тунни ёритмоққа қодир эмас кун.

22

Тунда нур балқиди — туғилди ўғил,
Жонига жон бўлди Содиқ ёдгори.
Ғамгусор кўнглига мадад берди эл,
Уланди қалбининг узилган тори.
Шўнғиб кетди ишга Юлдуз муттасил,
Энди бордир унинг қаторда нори.
Содиқнинг ўрнини босса ҳам Санжар,
Юлдузнинг кўнглидан эримади қор.

23

Ота меҳрин кўмсаб улғайди Санжар,
Сурати турса ҳам уйин тўрида.
Бир оғиз сўзига кўнгли эди зор,
Ёди яшар эди уй-шуурида,
Дийдорин кўрмаклик бўлмай муяссар,
Армони зўр эди азиз умрида.
Шарафларга буркаб ота номини,
Бошига кўтарди онажонини!

24

Юлдузнинг ярқ этиб кулди толеи,
Бир моҳирухсорга уйланди Санжар.
Очилди гўёки уйнинг иқболи,
Келинчак бошидан сочиб сийму зар.
Санжарнинг ҳаёти кечиб сафоли,
Жангчи ота руҳин мангу шод этар.
Йиллар ўтиб, Юлдуз кўрди невара,
Энди у невара билан овора.

25

Ғалаба байрами келса ҳар наҳор,
Кўрмакка ошиқар онаю фарзанд.
Содиқнинг қабрига қўйиб гулчамбар,
Зархал ёзувларга боқар орзуманд.
Москва деб жондан кечган музаффар
Жангчидан миннатдор мангу Самарқанд.
Ва лекин Юлдузнинг қалбида ҳамон,
Ургут тоғи қадар яшар бир армон!

1975

ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДИМАН

Улуғ ўзбек халқининг ардоқли
шоириман,
Камол топган Ватаним улуғ
Ўзбекистондир.
Ўз умридан бахтиёр милёнларнинг
бириман,
Мен куйлаган чаманим қутлуғ
Ўзбекистондир.

Ўзбекистон деганда — кўксим тутиб тоғ
қадар,
Бир буюк ғурур билан янграр менинг
овозим.
Шеърият майдонида от ўйнатиб
музаффар,
Оламни куйга чулғаб жаранглар юрак
созим!

Бу бир гўзал Ватанким, қилиб бўлмас
тасаввур,
Кўркидан боғи жаҳон яқосини этган чок.
Бунинг борлиғи учун ерга айтиб
ташаккур,
Қуёшу ой, юлдузлар жилмайиб боқар
қувноқ.

Бу диёрга табиат қилиб гўё каромат,
Қалбига берди ҳаёт Осиё сийнасида.
Қўли гул эл бахтига бўлгин, дея,
саломат,
Олам ҳуснини кўрди муборак
сиймосида.

Мусаввирдек тонг билан қўлга олганда
қалам,
Ҳали гўдак дунёдан ахтарган турфа
ранглар.
Борлиқ гўзаллигини жамолида этиб жам,
Бошидан минг ўргилиб, пойига сочган
зарлар.

Меҳрин қўшиб қорганда бу замин
тупроғига,
Сероб дарёси билан тоғларини яратган.
Сеҳргардай боққанда кўзларин қароғига,
Мўътадил иқлим бирла боғларини
яратган.

Осиё бешигида улғайган Ўзбекистон
Кўркига жило берди меҳнаткаш эл
санъати.
Истиқлол ёғдусига йўғрилган
Ўзбекистон
Бошини силар мангу мустақиллик
давлати.

Бу муқаддас заминда топиб дўсту
биродар,
Яратганга ташаккур — тонгда айтган
каломи.
Ҳуррият даҳосидан мангу бўлиб
миннатдор,
Оқ саройга йўлланар Ўзбекистон
саломи!

Улуғ ўзбек халқининг юрак
ташаккурида
Менинг ҳам нурдан тоза меҳру
муҳаббатим бор.
Дунёни ҳайрон қилган буюк
тафаккурида
Менинг ҳам учқун қадар заковатим
барқарор.

Улуғ ўзбек халқининг ардоқли
шоириман,
Камол топган Ватаним улуғ
Ўзбекистондир.
Ўз умридан бахтиёр миллионларнинг
бириман,
Мун куйлаган чаманим қутлуғ
Ўзбекистондир!

1976

«ОҚ ОЛТИН» ТОҒЛАРИ

Ўзбек диёрига боқсанг маҳлиё,
Йўлингни ёритса дурахшон зиё,
Тупроғин кўзингга этсанг тўтиё,
Ақлингни лол айлар сеҳрли дунё —
«Оқ олтин» тоғлари!

Олисдан кумуш тоғ бўлиб кўринар,
Уйғоқ дарёлари тўлиб кўринар,
Чўққилари кундай кулиб кўринар,
Бошига Эрк туғин илиб кўринар —
«Оқ олтин» тоғлари!

Деҳқон манглайининг реза теридан,
Гўдакнинг заминга қайноқ меҳридан,
Қизларнинг ғўзага ишқи сеҳридан,
Шоирнинг тонг нурин эмган шеъридан —
«Оқ олтин» тоғлари!

Ўзбек ғуруридан, ўзбек фахридан,
Шодлиги уммонга сиғмас наҳридан,
Ғанимга беаёв ғазаб-қаҳридан,
Қуёш ҳам чўмилган кумуш бахридан —
«Оқ олтин» тоғлари!

Чўлни чаман қилган соҳибкорлардан,
Кўнгли пок, қўли гул пахтакорлардан,
Шарафдан тож кийган бахтиёрлардан,
Хазинаи ноёб пахтазорлардан —
«Оқ олтин» тоғлари!

Қаҳратон қиш фаслин кумуш қоридан,
Баҳорнинг нашъали гулрухсоридан,
Тароват анқиган ёв нисоридан,
Олтин куз қуёшин ифтихоридан —
«Оқ олтин» тоғлари!

Кўнгилни яйратган тонг жилвасидан,
«Тошкент»ни кашф этган онг
шуъласидан,
Пахтакор тўқиган ашуласидан,
Беадад карвонлар силсиласидан —
«Оқ олтин» тоғлари!

Донишманд чоллариинг ўй-хаёлидан,
Нурсиймо кампирлар бахт-иқболидан,
Деҳқон қизларининг ой жамолидан,
Қишлоқ йигитларин илк висолидан —
«Оқ олтин» тоғлари!

Она табиатнинг бор инъомидан,
Қуёшнинг заминга тонг саломидан,
Заминнинг инсонга эҳтиромидан,
Гўдаклар сўйлаган илк каломидан —
«Оқ олтин» тоғлари!

Ишчи-ю деҳқоннинг олимлигидан,
Уларнинг олимдек толиблигидан,
Ака-ука янглиғ қалинлигидан,
Ҳунару закода ғолиблигидан —
«Оқ олтин» тоғлари!

Халқимнинг юраги баҳорлигидан,
Меҳнату санъатда ҳамкорлигидан,
Азиз хонадонда дўст-ёрлигидан,
Одими шаҳдаму залворлигидан —
«Оқ олтин» тоғлари!

Истиқлол умиди, саодатидан,
Меҳнаткаш улуснинг садоқатидан,
Озодлик офтобин шарофатидан,
Ўзбек тупроғининг кароматидан —
«Оқ олтин» тоғлари!

1976

МЕНИНГ АСРИМ

Мен бир буюк асрда ғурур билан
яшадим,
Маърифатли оталар содиқ фарзанди
бўлиб.
Йигирманчи асрнинг қалбини оташладим,
Келажак авлодларга умид билан
термилиб.

Дунёни ҳайрон қилган Афросиёб
наъраси
Замонлар ўтса ҳамки юрагимда урди
бонг.
Улуғвор кудрат билан айланган Ер
курраси
Узра қуёшдай балқиб, отди буюк оппоқ
тонг.

Амир Темур замонин гулдурос
чақмоқлари
Болалигим кўкида чақин чақиб
ўтгандир.
Салтанат офтобидан порлаб Ургут
тоғлари,
Сайрибоғ этганларга гулдаста
узатгандир.

Мен яшаган асрда тинчлик қозониб
зафар
Урушни дафн этди жаҳаннамнинг
қаърига.
Дунёнинг учдан бири юртим билан
музаффар
Мағрур нигоҳ ташлади Истиқлол
чироғига.

Бешигида тоблади исёнкор, долзарб
дамлар,
Қоғозга нақш ўймоқлик ҳунари қилди
насиб.
Кўк тоқига қўйилди тарихда илк
қадамлар,
Тўнғич космонавтларга тенгдош бўлдим
муносиб.

Очиқ космосда инсон сузган кутлуғ
айёмни
Мангулик хаёлида сақлар ҳамон
хотирот.
Ойга ҳам бориб келган энг биринчи
одамни
Ўз кўзим билан кўриб, қилдим сайру
мулоқот.

Космосда туташганда «Союз» билан
«Аполлон»,
Яна бир бор тан бердим одамзод
даҳосига,
Ой тупроғин олимлар ерга этганда эҳсон,
Ҳайрат-ла таъзим этдим давримиз
закосига.

Сайёрама-сайёра бизнинг жасур
одамлар
Сайр этиб юрган кунлар васли бўлса
муяссар,
Битта шеър учун, майли, керак бўлса
жон агар,
Жонимни берар эдим, берар эдим
муқаррар.

Мен бир буюк асрнинг оташин
фарзандиман,
Бошим узра кўтардим шеърият
машъалини,
Мулки назм султони Навоий
дилбандиман,
Жаҳонга этдим достон Самарқанд
сайқалини.

Шу сайқалдан нур олинг, эй, навқирон
насллар,
Гагариндек космонавт бўлингиз
шеъриятда!
Сизларни ардоқлагай бахти порлоқ
асрлар,
Доимо баланд бўлсин кўлингиз
шеъриятда!

1976

XXI АСР ШОИРЛАРИГА

Эй, долғали асрнинг навқирон
шоирлари,
Чорак аср олдинроқ орзуйим айтдим
сизга.
Сизга муштоқ минг-минглаб юрак
жавоҳирлари
Каҳкашон юлдузидай тўкилсин
йўлингизга.

Икки мингинчи йилнинг муқаддас
зинасидан
Сизга таъзим этурман Навоийнинг
қошида.
Бир муборак жой излаб ҳазрат Лутфий
ёнидан,
Юзни кўзлаб турурман, янги аср
бошида.

Умримнинг тўрт фаслидан қўлтиқда тўрт
жилд китоб,
Қўлимда асо билан даврангизга
кирурман.
Сизлар эса қошимда қалам сурсангиз
шитоб,
Дунёдан рози бўлиб, мен жилмайиб
турурман.

Хушхирому нозикдир, дўстлар, қалам
тулпори,
Бу тулпорни аяшган азал шоирлари ҳам.
Ким унга билар-билмас қамчи урса
тўпори,
Юзини қаро қилиб, этмагай асло карам.

Ўша тулпор кўзига қўндирмай зарра
ғубор,
Ўз асримда кўрганим якқалам этдим
сизга.
Сиз кўрмаган буюклар суҳбатин тинглаб
бисёр,
Ноёб хазина билан келдим ҳузурингизга.

Улкан наср мулкида Ойбек эди
шаҳаншоҳ,
Ғафур Ғулом — янги Шарқ шеъриятин
султони!
Шайхзода шеър ўқиса — кўкда чақарди
чақмоқ;
Миртемир чапдаст эди, мисли шеър
арслони!

Беҳбудий билан Фитрат, Чўлпон,
Ҳамид Олимжон,
Абдулла Қодирийни кўрганларни
кўрганман.
Усмон Носир қалбини ўқ тешганда
беомон,
Нафратим найза қилиб, шеърга панжа
урганман!

Ўзбек халқин сарвари, бир мўътабар
буюк зот,
Менга олий даргоҳда таълим берди минг
йилдан.
Юртни жаннат қилганда юртимда энг
суюк зот,
«Ўзбекнома» қаламин олдим қаҳрамон
элдан.

Мен буюк шоирларга бўлдим бахтли
замондош,
Бундан юксак бахтни хеч топмагайман
изласам.
Устозлар ҳузурида бир умрга эгиб бош,
Таъзим этиб турурман, сизга бугун
сўзласам.

Устозлар нафасидан баҳра топиб
ўсди дил,
Улар мени суяшди — тоғдай туриб
ёнимда.
Мен бу буюк ишончни оқлай,
дея муттасил,
Эзгу қасам ичганман, меҳри яшар
жонимда.

Устозларни дунёга танитган бу буюк халқ
Битта фарзанди каби умримга берди
камол.
Бошим силаб мехрибон: Қуёшдай ур,
деди, барқ,
Сендан ҳали кўп нарса умидвордир
истиқбол!

Мен отамнинг сўзига оғишмай қилдим
амал,
Бир қадам ҳам чиқмадим буюк халқим
измидан,
Ватаним не буюрса, адо этдим
мукаммал,
Қуёшга етди бошим Навоийнинг
назмидан.

Қирқни қоралаб қолган кирчиллама
ёшимда,
Сизга мактуб йўлладим, келажак
шоирлари!
Мендан буюкроқ бўлинг сизлар менинг
ёшимда,
Йигирма биринчи аср бўлажак
шоирлари!

1976

ЎЗБЕКИСТОН КУЗИ

Баланд тоғлар қоясидан
сойлар оқар хиромон,
Булбулларнинг навосидан
маст бўлиб боқар жайрон.
Булоқларнинг қирғоғида
чинорлар сурар хаёл,
Дараларнинг қучоғида
дуторин чертар шамол.
Завқу сафо кезидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Оқ булутлар паға-паға,
офтобга тортар ҳарир,
Қушлар излаб бир қўналға
кўкда учар бесабр.
Куз қўзғалар болишидан,
ҳавода ўйнар мезон,
Турналарнинг полишидан
ларзага келар осмон,
Ёзнинг сўнгги изидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Томиб турар шарбату бол
сахий боғлар тилидан,
Тил ёрилар есанг хиёл
меваларнинг селидан.
Полиз оғзи қулоғида —
қовунга урсанг чақмоқ,
Тарвузларнинг қучоғида
базм қурар қизғалдоқ,
Олтин фасл юзидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Пахтазорда мисли бодроқ
чаноқлар кулар хандон,
Чаноқларга боқиб муштоқ
яраклаб турар осмон.
Кўтаролмас кўсагини
шохи ларзон ғўзалар —
Гўё очиб юрагини
боқар олтин кўзалар,
Далалар нон-тузидир бу,
Узбекистон кузидир бу!

Кумуш тоғлар қоясини
тонг билан кўзлар деҳқон,
Тарк этиб тут соясини
офтобда кезар деҳқон.
Пахтазорга бўлиб посбон
тўкар манглай терини,
Олтин қўлга этар эҳсон
чаноқлар ҳам қўрини.
Деҳқоннинг ризқ-рўзидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Айлаб гўё сайри уммон
сузар зангор кемалар,
Елкасида урар жавлон
сандиқ тўла сийму зар.
Сийму зардан бўлур бино
тоғ-тоғ кумуш хирмонлар,
Мулки борлиқ ундан рўшно,
ёғду сочар армонлар,
Шарқнинг сепли қизидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Қишлоқ йўлин безар бугун
турна қатор карвонлар,
Гўё дарё урар тўлқин —
бағрида зўр туғёнлар.
Қалбни қалбга этиб пайванд
ҳамдастдир ишчи-деҳқон,
Ким элига содиқ фарзанд —
пахта деб фидойи жон.
Юртнинг юрак сўзидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

Ҳамма бўлиб бир жону тан
пахтазорга парвона,
Қучоғида мисли чаман
жилва қилар дурдона.
Бутун бир эл хаёлида
«оқ олтин» меҳри яшар,
Бутун бир эл иқболида
кун бўлиб пахта балқар,
Буюк халқнинг кўзидир бу,
Ўзбекистон кузидир бу!

1976

МЕНИНГ ЭЛИМ

Мен жаҳонга келдиму жондош бўлди
жонимга эл,
Мулки башар боғида қондош бўлди
қонимга эл.
Куйлаб шу эл бахтини — топдим бахту
саодатим,
Токи умрим борича ҳамроз бўлди
шонимга эл.

Бу элнинг аждодидан қўшиқ қутлуғ
мерос эрур,
Қўшиқ айтмоқ азалдан бу элга зўр
ихлос эрур.
Она қўшиқ ўргатар фарзандига
бешикдаёқ,
Қўшиқ-ла тиши чиқмоқ ҳар бир гўдакка
хос эрур.

Қўшиқ айтмоқ бу элнинг бахтидан
бир нишонадир,
Юртини чаман қилган аҳлидан бир
нишонадир.
Ғоздек тутиб каддини, тоғни тутиб
елкасида
Жаҳонга кўз-кўз қилган тахтидан
бир нишонадир.

Қўшиқ айтган бу элнинг ғамдан
йироқ кошонаси,
Борлиқ мулки оламга машъал
чироқ кошонаси.
Қўшиқ билан ер ҳайдаб, қўшиқ
билан пахта экиб,
Пештоқида порлатар нилий байроқ
кошонаси.

Янги фарзанд туғилса, қўшиқ
билан қутлар бу эл,
Кимки кўргани келса, қўшиқ
билан кутар бу эл.
Оёғига қўй сўйиб, уйнинг тўрига
ўтқазиб,
Азиз меҳмон қўлига танбурини
тутар бу эл.

Қўшиқ билан келин-куёв пойига
тўшар пояндоз,
Янги уй зийнатига зийнат, кўрк
қўшар пояндоз.
«Тўйлар муборак!» дея икки ёшни
қутлаганда,
Куёвтўра йигитлар тортишар зар
пояндоз.

Катта базм қуриб оқшом, ош
берилар айни наҳор,
Созандалар сўйлатади дутор
билан найни наҳор.
Қўшиқ билан ҳофизлар ёзар
дарду ғуборингни,
Баковуллар ош қўяр, канда айлаб
майни наҳор.

Қўшиқ билан қутланар олтин
кузда ҳосил тўйи,
Шодлик зиёсин кўрар қаро кўзда
ҳосил тўйи.
Улоқ чопиб яйрашар отчопарда
чавандозлар,
Бу элнинг ризқин кўрар нону
тузда ҳосил тўйи.

Бу эл яйраб, бир умр ғам
кўрмагай қўшиқ билан,
Кипригида заррача нам кўрмагай
қўшиқ билан.
Қўшиқ билан дон янчиб, ширмой ёпиб
тандир-тандир,
Ёру-дўстлар бошини хам кўрмагай
қўшиқ билан.

Қўшиқ билан улғайган ғазалхон эл —
менинг элим,
Сўзларидан бол томган сухандон эл —
менинг элим.
Башарий ғурур билан қўшиқ бешигин
тебратиб,
Дунёни мафтун этган отахон эл —
менинг элим.

Қўшиқ билан кунлари ўтар шодон бу
Ватанда,
Кўксида порлаб юлдуз боши осмон бу
Ватанда.
Алп қомати дол бўлиб, куй-қўшиғи
тинар вале,
Ногоҳ кўзини юмса, бирор инсон бу
Ватанда.

1976

НАВҚИРОН ЁШИМ МЕНИНГ

Бургут янглиғ учиб кетмиш
навқирон ёшим менинг,
Ўпмиш қирқнинг остонасин
шу мағрур бошим менинг.

Баланд тоғнинг чўққисидан
қарайман, кўзда ҳайрат:
Нахот, маҳзун ташлаб кетмиш
умри наққошим менинг.

Ҳасрат эмас, севинч билан
унга қўлим узатсам,
Булоқ бўлиб қайнаб чиқмиш
кўзимдан ёшим менинг.

Бор бисотим харж айлабон
бир дастурхон тузатсам,
Боролмайман дейди ҳаргиз
содиқ йўлдошим менинг.

Бир кунгина меҳмон бўл, деб
умид билан чорлайман,
Йўлига кўз тутиб мушток
дур бўлди тошим менинг.

Ул эса зўр шиддат билан
дейди учиб юргайман,
Бир умрки кутмоққа хам
етар бардошим менинг.

Олтин зина бирла мени
чиқариб тоғ устина,
Чўққидан ҳеч тушма дейди
мангу қўлдошим менинг.

Кўнглинг кўзи бирла боқиб
ёру диёр хуснина,
Куйла, умринг борича, дер
мунис сирдошим менинг.

Мен ёлвориб чорлагайман
қошимга бургутимни,
Вале, келмас сира яқин
олис қуёшим менинг.

Нетай, Барот, маскан айлаб
боғу роғ Ургутимни,
Тоғлар узра учиб юрмиш
ул кўзу қошим менинг.

1976

ЭГИЗАКЛАР

1

Бизнинг бахтли замонда,
Ургут деган томонда
Яшаркан икки бола,
Икки кувноқ шалола,
Оти Ҳасан-Ҳусанкан,
Доим ясан-тусанкан.

2

Бўстон деган қишлоқда,
Ойна кўзли булоқда,
Корли тоғ этагида,
Азим чинор тагида.
Мен билан Ҳасан-Ҳусан
Сухбат курди завқ билан.

3

Иккови ҳам шўх экан,
Элда тенги йўқ экан.
Гапни тугатмай Ҳасан,
Илиб кетаркан Ҳусан,
Бир-бирига бермай гал,
Бўлишмасди ҳеч ўсал.

4

Каттароқ экан Ҳасан,
Кичикроқ экан Ҳусан.
Кичиклигин лек Ҳусан
Олмас эди сира тан.
Мен сендан каттаман, деб,
Турарди кўкрак кериб.

5

Ҳасан жўжахўроздай,
Қаддини ростлаб ғоздай,
Бўйингни ўлча, дерди.
Мен сендан катта, дерди.
Мен бир энлик баландман,
Билсанг сенинг акангман.

6

Ҳа, сен менинг акамми!
Айтинг-чи, сиз амаки.
Мен каттами ё Ҳасан!
Дерди ўжарроқ Ҳусан.
Ҳасан катта десам гар,
Ҳусан мендан ўпкалар.

7

Ҳасан катта ё Ҳусан,
Ҳусан катта ё Ҳасан!
Отлари айтиб турар,
Ўсиб, чинордай бўлсин
Ва юртни қойил қилсин!

1976

КЎНГЛИМ

Чироқ ёқса ёришмас бугун кўнглим,
Юлдузсиз тун янглиғ қаро тун кўнглим.

Излама, жонгинам, ҳаргиз шамчироқ,
Офтоби қуйган бир гардун кўнглим.

Рақиблар ҳасади тиғдай беаёв,
Санчишар бу кўксима, хун кўнглим.

Иғво қотилин ул қошида танҳо,
Ичга ютиб дардини, маҳзун кўнглим.

Бошига ёғилиб санги маломат,
Паноҳ излаб, зор йиғлар беун, кўнглим.

Ҳасрат шаробин нўш айлаб то саҳар,
Қайтиб ўзига келмас жунун кўнглим.

Бир яхши сўз бўлғай дардингга даво,
Ўксинма, ҳаётга боқ мамнун, кўнглим.

Ҳасадгўй осилгай лаънат дорига,
Тонг билан бошингда кулгай кун,
кўнглим.

10.12.76.

Мажнундара маликаси

(достон)

1

Шоҳимардон деган ёқда,
Турнакўзли Қизбулоқда,

Мажнундара кучоғида,
Чақмоқлисой қирғоғида,

Икки фақир хонадонда.
Наврўз сайли кулган тонгда,

Қўшниларни айлаб шодмон,
Бу дунёга бўлиб мехмон,

Айтиб гўё элга эртак
Туғилибди икки гўдак.

2

Ҳунари мўл бу табиат,
Қилиб гўё эзгу ният,

Яшнасин деб боғда гулзор,
Боғбон бўлсин деб бахтиёр,

Ато қилмиш унга бир қиз,
Гўё кўкдан тушмиш юлдуз.

Дурадгорга эса ўғил
Эҳсон этиб, шод эмиш ул.

Чунки бир кун бўлиб тиргак
Отасига берар кўмак.

Балки, элга уйлар қурар,
Ё қўш ҳайдаб, ғалла ўрар.

Не бўлса ҳам икки гўдак
Одам бўлсин, элга керак.

3

Гулдай униб-ўссин дея
Ҳусни элни тутсин дея.

Гулларни ҳам қилсин деб ром,
Дилором деб қўйишди ном.

Бўлсин дея элга йўлдош,
Мушкул кунда бир елкадош.

Қўлласин деб дўсту ёрни,
Йўқ қилмасин дея борни,

Тилга олсин деб кекса-ёш,
Ўғил номи бўлди Қўлдош.

4

Йилар ўтди сувдай оқиб,
Икки жонга нурли боқиб,

Болаликлар қолди йироқ,
Ўспиринлик боқди муштоқ.

Битта боғда топиб камол,
Эсди ёшлик деган шамол.

Куртак отди дилларда ишқ,
Бўй таратди гулларда ишқ.

Бахра топиб Ишқ нахридан,
Ишқ нахрининг зўр сехридан

Бир йигитки бўлди Қўлдош,
Қўл урса гар ун бўлур тош.

Бой йилқисин боқсин дея,
Эл кўнглига ёқсин дея,

Рози қилиб дурадгорни,
Обод қилур деб рўзғорни,

Катта тўйлар қилурсиз деб,
Ва обрўли бўлурсиз деб,

Олиб кетди Қўлдошини,
Ҳар бир ишда йўлдошини.

Шоҳимардон деган ёқда,
Ойна кўзли Қизбулоқда,

Мажнундара кучоғида,
Чақмоқлисой қирғоғида

Дилоромдай соҳибжамол
Ёр ишқида урар хаёл.

У ноз билан шому саҳар,
Борлиққа бир солди назар,

Ҳуснидан ой бўлиб ҳайрон,
Яқосини этмиш вайрон.

Кўзларига боқиб юлдуз,
Этар экан тунни кундуз.

Унга мафтун кезиб қуёш,
Тоғлар сари иэлаб сирдош.

Қамаштириб кўзларини,
Ўпмоқ учун изларини

Юрагига ўт ташларкан,
Борлиғини оташларкан.

Васли бирлан яшнаб баҳор,
Чўққиларга битиб ашъор,

Қир-адирни айлаб чаман,
Булбулларни куйлатиб шаън,

Сел тошириб тошлоқ сойдан,
Сармаст бўлиб гул чиройдан.

Кезар экан Водил бўйлаб,
Довруғини элга сўйлаб.

Сарвқомат соҳибжамол
Гул-гул ёниб лола мисол,

Сайр этиб тоғ довонида,
Сочи тушиб товонига,

Шалоладай тўлғанаркан,
Тақимида чулғанаркан.

Анор янглиғ ёноқлари,
Писта каби дудоқлари,

Йигитларни айлаб адо
Солар экан бошга ғавғо.

6

Дукурласа от туёғи,
Унут бўлиб ишқ фироғи

Санам йўлга қарар экан,
Сочин майда ўрар экан.

Хиром айлаб чорбоғида,
Ўтдай ёниб ёр доғида,

Мўлтиратиб кўзларини,
Қўмсаб ширин сўзларини

Кеча-кундуз кузатаркан,
Кулбасини тузатаркан.

7

Кўли Қуббон томонларда,
Чордара ё Ёрдонларда

Тоғу тошни қилиб макон,
Ёр ҳажрида ёниб гирён,

Бой йилқисин боқиб мунгли,
Ўз умридан тўлмай кўнгли,

Саргардонлик тегиб жонга,
Тиғ кадалиб устихонга,

Юрар экан жўмард йигит,
Макони йўқ, ёвқур бургут.

8

Кўлдош деса, тик қоялар
Ғурур билан садо берар.

Дарада сой ваҳиллайди,
Тун қўйнида шаҳирлайди.

Чўққиларда эрийди қор,
Сел тошириб елар баҳор.

Гулга тўлур далаю қир,
Кўк ўйнатар қўлда шамшир.

Бургутлар ҳам паст учар сал,
Ўлжасига урар чангал.

9

Қўлдош деса, чавандозлар
Йўлга тўшар пояндозлар.

Унга ҳеч тенг келар йўқдир,
Сирларини билар йўқдир.

Лол қолдириб ул чортоқни,
Илиб олиб зўр улоқни

Босганида тақимига,
Чавандозлар яқинига

Келолмасдан айланарди,
Янги жангга шайланарди.

Шунда уриб кўксига бой,
Кетай дейди садағанг, ҳой,

Бошқа бойлар ҳасад билан
Боқар унга — кўзда тикан,

Улоқдан сўнг эса Қўлдош
Дилором-ла бўлиб сирдош,

Тўёлмасдан висолига,
Сирли боқиб жамолига

Ёрдон томон кайтар эди,
Дардин тоғга айтар эди,

Яна бўлиб йилқига бош
Кезар эди ул тоғу тош.

10

Маҳкундара маликасин,
Қизбулоқнинг шўх эркасин

Гўзалликда танҳолиги,
Моҳитобон, барнолиги,

Ойни доғда қўйганлиги,
Отбоқарни суйганлиги

Водилга ҳам тарқалибди,
Бой кўнглига ўт солибди.

Бой толеи кундай кулиб,
Фойибона ошиқ бўлиб,

Қизбулоққа қўйибди от
Сўрагали элдан нажот.

Бой келишин кутиб муштоқ
Отланибди бутун қишлоқ.

Белларига осиб ханжар
Ҳамроҳ бўлиб уч-тўрт навкар,

Савлат тўкиб бой келибди,
Эл унга минг букилибди.

Қишлоқ экан унга қарам,
Шунинг учун этмиш карам.

Бири қўйин боқар экан,
Бири молга қарар экан.

Бири экса ерига дон,
Бири экан унга боғбон.

Хуллас, қаддин букиб қишлоқ
Мутеъ экан бойга мутлоқ.

Лекин элнинг тилагида
Армони зўр юрагида

Учқунланиб ўч шуъласи,
Порлар экан алангаси.

11

Қизбулоқнинг зебо қизи,
Тоғ гулидай барно қизи —

Дилоромнинг отасин ҳам
Кўнглида бор экан алам.

Бўлса-да, ул бойга боғбон,
Яшамаскан дориломон.

Қизи бўйга етган сари
Ортган экан ташвишлари.

Қўшнисининг ўғли Қўлдош,
Қизи билан экан сирдош.

Бой йилқисин кетидан ул
Кезар экан тоғда нукул.

Тўй қилишга топмай чора,
Сарсон экан ул бечора.

Отаси ҳам бирор кўмак
Беролмаскан унга бешак.

12

Дилоромга кўзи тушиб
Ва бошидан қути учиб,

Ваъда қилиб молу дунё,
Боғбон чолни алдаб гўё,

Бой бўлибди боғда меҳмон,
Ёлворибди шўрлик мезбон.

Раҳм қилинг ёшига, деб,
Зулм солманг бошига, деб,

Оёғига йиқилибди,
Кўздан ёши тўкилибди.

Бой эса-чи, қилмай парво,
Қиз кўнглига солиб ғавғо.

Фарёдига солмай қулоқ,
Қўлларини боғлаб шу чоқ

Бойнинг олғир навкарлари
Отланибди Водил сари.

13

Қўлдош бундан топиб хабар,
Санчилгандай дилга ханжар,
Қизбулоғу Шохимардон,
Кўли Қуббон, ҳам Ёрдондан

От қўйибди Водил сари,
Тоғнинг ёвқур йигитлари.

Бой уйини босиб шу тун
Ҳамда уни айлаб туткун,

Дилоромни этиб озод,
Қилиб қизнинг кўнглини шод,

Бойни олиб Қизбулоққа
Қайтишибди шу кун тоққа.

Сой бўйига эл бўлиб жам,
Бошларини этмасдан хам

Бойга бўлсин дея ўлим,
Чиқарибди қатъий ҳукм.

Тошбўронга олиб бойни,
Лойқалатиб Чақмоқсойни,

Қаддин баланд тутибди эл,
Муродига етибди эл!

1977

* * *

Самарқанд сайқали рўйи заминдур,
У меҳрим қибласи — жонга яқиндур.

Шаҳар хокин тавоф этгай бутун эл,
Буюклар хоки бу — хатти жабиндур.

Унутгайми киши Кўҳакни ҳаргиз,
Суви лаззатда мисли ангубиндур.

Самарқанд жилва қилгач олам узра,
Жаҳон аҳлин нидоси — офариндур.

Агар дунё узук бўлса, Самарқанд
Узукка хусн ато қилган нигиндур.

Ғазал сўз гўзали, алҳақ ва лекин
Самарқанд лафзи андин нозаниндур.

Адо бўлмас Самарқанд васфи, Барот,
Ахир у сайқали рўйи заминдур.

1978

ҚОН ВА ШОН

Эрк учун тўкилган қонлар қутлуғдир,
Замин юрагига бағишлар ҳаёт.
Қон билан қучилган шонлар улуғдир,
Шонли инсонларни олқишлар ҳаёт!

АҚЛ ВА ЖАҲЛ

Ақл доноларнинг ҳаёт юлдузи,
Жаҳл кулбасига сочмас нурини.
Жаҳл — нодонларнинг қизиган сўзи,
Қиличдек кесади ақл умрини.

ҒОЛИБЛИК ВА МАҒЛУБЛИК

Мағлублик шомига тикмай кўзингни,
Ғолиблик тонгига назарингни сол.
Алам тўфонига урма ўзингни,
Шодлик денгизида дарға бўлиб қол.

1980

ВАТАНДАН ЙИРОҚДА...

Уйимни соғиндим... Бу нечук сайр?
Ўзга юрт: манзара, иқлими ўзга.
Қасд қилдим, эртага дегайман: — «хайр!»
Ватан тупроғини сураман кўзга.

Элимни соғиндим... Нечун айрилиқ?
Ўзга эл: турмуши, русуми ўзга.
Бу ерга қилмасин яна қайтгулик,
Ҳижронда бағримни тутаман музга.

Тилимни соғиндим... Нечун соқовлик?
Ўзга тил: тушунмам биронта сўзга.
Ўз тилда сўзлолмай ёндим оловдек,
Ёруғ жаҳон — зулмат кўринди кўзга.

Ўз юртим, ўз элим, ўз тилим бор бўл!
Мен сени соғиндим — яловбардор бўл!

1980

ҲАҚИҚАТГА СУИҚАСД

Ташвишли кун эди... Визиллади ўқ,
Ҳақиқат кўлидан бўлди яралор.
Чор атрофга боқди — бирор кимса йўқ,
Ким отди? Не учун? Билмайди зинҳор.

Ногирон кўлини кўксига босди,
Бағрини ол этди тирқираган қон.
Кўзидан ўт бўлиб ғазаби тошди,
Чақинлар зарбидан титради осмон.

Булутлар тарқалди — жилмайди куёш,
Мусаффо ҳаводан олам беғубор.
Ҳақиқат дардига бўлиб қайғудош
Одил даврон боқди — дилида озор.

Давр — она, асл фарзанд — Ҳақиқат,
Фарзанд билан она жони туташдир.
Токи юрагида яшар ҳамият,
Фарзанди бошида она қуёшдир.

У, мажруҳ Ҳақиқат ҳолин сўроклаб,
Жонин малҳам қилди жароҳатига.
Ноумид бўлма деб кучди, ардоқлаб,
Тан берди бардошу садоқатига.

Ҳақиқат бош эгди она қошида,
Қотилни топгани этди қасамёд:
Қиличлар синса ҳам гарчи бошида,
Маломат уйини қилмоқчи барбод.

Олий мақсад бўлиб қалбига қувват,
Даврон амри билан изига тушди.
Унсурлар кўзини босганда ғафлат,
Адолат тоғидан кўчкилар кўчди.

Кўчкининг комида қолди маълунлар,
Бўғзидан мардона тутди Ҳақиқат.
Инсон лиқосини кийган маймунлар
Айбидан тонмас, деб, кутди Ҳақиқат.

Ўзини чақкандек чаён сўнгги дам,
Ҳақиқат кўзига боқдилар ёвуз.
Буруқсаб ёнди-да ичида алам:
Қилма, деди, бизга ноҳақ тажовуз.

Биз ушлаб турганда ер меҳварини,
Эгдик, вале сени синдирмадик, йўқ.
Обрўли зотлармиз, инсон қадрини
Топтамоққа сенга ким берди ҳуқуқ?

Ҳақиқат нигитдек тиклаб қаддини,
Қотиллар кимлигин фош этди бир-бир:
Даврон ҳокимидек билмай ҳаддини,
Эл-юртни талашди бир тўда олғир.

Оқни кора дебон чекдилар имзо,
Қоғоз тўлдирдилар йўқни бор дебон.
Қўшиб ёзишларга бўлдилар мирзо,
Айш-ишрат қурдилар келди деб даврон.

Қотиллар айбига бўлмасдан иқрор,
Ҳамонки, жар солиб оқлар ўзини,
Ҳақиқатга қилиб суиқасд не бор,
Бўяшди давлат ва халқнинг кўзини.

Ҳақиқат сўзини маъқуллар Она
Ва ўзи чиқарар энг одил ҳукм:
«Бу ҳаётнинг боғи бўлгай бегона,
Суиқасд қилса гар Ҳақиқатга ким».

1986

ОЛҚИШЛАР

Олқишлар! Олқишлардан учиб юрдик
ҳавода,
Замину осмон аро қолдик гўё муаллақ.
Ерга ҳам тушолмадик, яшолмадик
самода,
Тақдир бизни боши узра кўтарганди
муҳаққақ.

Олқишларга кўмилди биллур қандил
саройлар,
Қарсакларнинг зарбидан майдон,
боғлар тебранди.
Қирғоғини қўпориб тошди дарё ва
сойлар,
Тушиб ҳайрат домига осмон, тоғлар
тебранди.

Юракдан тошиб чиқди мадху сано
сўзлари,
Тили бийрон кимсалар тушмади ҳеч
минбардан.
Донолик даъво қилиб элга боқди
кўзлари,
Олқиш совришин олди олқишсевар
минглардан.

Олқишлар даври эди — олқиш билан
яшадик,
Кимки олқиш айтмаса, давримизга
дедик ёт.
Хазонсиз боғ сингари олқиш олиб
яшадик,
Билмай ўзга ҳаётни олқиш излаб
сурдик от.

Яратилди хушхаво ва мўътадил бир
иқлим,
Ҳаётбахш ёмғир каби ёғди олқиш
сўзлари.
Бу ажойиб фурсатда мақтовга ўч
бўлса ким,
Бошин кўтариб қолди қўзикорин
сингари.

Олқишлар — сўз шаклида узатилган
поралар,
Кўнгил йўлини топди, руҳларни этди
баланд.
Сўзлар — олқиш-ла йўлга кузатилган
поралар,
Мўъжизадек дилларни дилларга қилди
пайванд.

Олқишларга бел боғлаб хизмат қилди
қарсаклар,
Қўллар енгин шимариб шўнғиб
кетдилар ишга.
Мақтовни хуш кўрмаган дилни тилди
қарсаклар,
Қарсаклар воситадир сўзлар туққан
олқишга.

Олқишларга қул бўлиб, ўзимизни
унутдик,
Ҳаётда билмай қолдик босар-
тусаримизни.
Қилкўприкни гўёки тахтиравон
деб ўтдик,
Шаҳар деб эълон этдик, ҳатто
гузаримизни.

Қайга боқма, «офарин», «тасанно»
саси келди,
Ватанни тутиб кетди мадхиялар садоси.
Мағлуб йўқдек, ҳар ёндан ғолиб нафаси
келди,
Ер-кўкка чангал солди манманликнинг
балоси.

Гарчи жар ёқасида турсак-да,
кўзимизни
Олқиш пардаси тўсиб кўрмадик
жаҳаннамни.
Қуламас устун каби санадик ўзимизни
Ўзгармас деб ўйладик қалқиб турган
оламни.

Аммо олам ўзгарди — ўзгарди олқиш,
қарсак:
Энди ўзни саваймиз, ўзгалар бўлур
ҳамдам.
Кошки, шуҳрат тоғини таги билан
қўпорсак!
Шубха билан боқмасак ўтган ютуқларга
ҳам!

Улуғ ўзгариш ясаб онгу виждонимизда,
Ислоҳот садосига қалблар бўлсин
жўровоз.
Янги даврон даъвати барқ урсин
қонимизда,
Олқишлар биносида пок инсон топсин
эъзоз.

1986

ОРОЛ ҚИСМАТИ

Занжирбанд шерсимон қўл-оёғи банд,
Замон зўрларидан еган каби панд,
Ҳаёт илдизлари узилган монанд,
Маҳзун кўзларида ҳасрат ва малол,
Мунғаяр Орол!

Танини тарк этиб бурунги қудрат,
Қалбидан қувғинди бўлиб эрк, журъат,
Табиатга тўлаб беҳад бож, пудрат,
Дармони кетгандек ҳорғин, бемажол,
Бенажот Орол!

Нолаваш, дилсўзон Амударёдан,
Қочиб қутулолмас келган балодан,
Умиди қолмаган телба дунёдан,
Мангулик умрига келгандек завол,
Нотавон Орол!

Дашту чўлга сочиб ҳаёт инжусин,
Синдириб қўйгандек умид кўзгусин,
Кифтида кўтариб тоғдек қайғусин,
Зўр дарё ирмоқдек қуюлса беҳол,
Эзилар Орол!

Янги ер очурлар — ерга йўқ инсоф,
Обиҳаёт эса қилинур исроф,
Харажати кўпу фойда йўқдир соф,
Талон-торож бўлур юрт мулки алҳол,
На чора Орол!

Осойиш сувлари тўлғин, лиммо-лим,
Қирғоғи жаннатдек сафобахш, сўлим,
Ким денгиз, эркалаб ким дерди: кўлим.
Толеи ҳур эди, ёр эди иқбол,
Бахтиёр Орол!

Совуқ шамол эсса шимолдан саҳар,
Унда бир чўмилиб, исиниб олар,
Шимолга йўл олса иссиқ шамол гар
Унда ҳоврин босиб, елар бемалол,
Мўътадил Орол!

Боши чиқмай қолди қуюн, тўзондан,
Жони ғулғулада довул, тўфондан,
Табиат асрасин даҳшат, бўрондан,
Сувсизлик балоси зўрайди — дажжол,
Ўксинар Орол!

Қайга қочмоқдасан кирғоқни ташлаб?
Қайга чўкмоқдасан кун сайин пастлаб?
Қайга тикмоқдасан кўзларинг ёшлаб?
Ҳаёт ҳам шунчалик бўлурми қаттол?
Ғамгусор Орол!

Ўзга паноҳинг йўқ Амударёдан,
Қўлингни ювмагин ҳали дунёдан,
Сенсиз ҳаёт сўнгай бу Осиёдан,
Ўрта Осиёнинг кўрки бўлиб кол,
Ҳаётбахш Орол!

Эй, инсон, Ер ишқи бўлса қонингда,
Ҳаёт ишки ёнса азиз жонингда,
Дўстлар сафдош бўлиб турса ёнингда,
Оролни ҳимоя қилишга қўзғол,
Гирдобда Орол!

Орол қисматини муҳофаза қил,
Фарзандсан, унутма, она қадрин бил.
Ҳаёт тўфонига кўксинг қалқон қил,
Инсоний бурчингни адо эт ҳалол,
Мухтождир Орол!

Орол қуримоқда... яна эллик йил,
Ёки юз йил яшар мисли Салсабил.
Сўнг эса не бўлур? Қўзғалмаса эл,
Табиат чиқарар ҳукмин, эҳтимол:
«Хайр!» деб Орол!

Келажакдан келмай «хайрбод» саси,
Бўғзидан бўғилмай Орол нафаси,
Мангуга сўнмасдан ҳаёт ҳаваси,
Наъра тортт, жонингни пайванд қил
дарҳол,
Интизор Орол!

1986

ЖАНГЧИ ОТЛАР

Урушда отлар ҳам жангларга кирди,
Жангчидек қилдилар душманга ҳужум.
Бешафқат, беаёв фашистни қирди,
Кўксига ўқ ботди, кўзларига қум.

Бошига дўл каби ўқ ёққанида
Окопга урмади ўзини шиддат.
Бағридан тирқираб қон оққанида
Ярадор бўлдим деб чекмади заҳмат.

Қуюнли кунларда қорда ётганда:
На тўшак топилди, на болишга тош.
Қаҳратон кишларда муздек қотганда
Маҳзунли кишнамай, термилди юлдуз.

Оч-тўқин йўл босди, ботди ботқоққа,
Совуқ дарёлардан кечолди девкор.
Кўзлари чақнади ўхшаб чақмоққа,
Ўқдек учди душман устига ҳар бор.

Орқага *чекинмай босди илгари,*
Ўқ еган чоғда ҳам олға йиқилди.
Ўрнидан қўзғалса ғолиб сингари
Душманнинг бўғзига жони тиқилди.

Кўзига кўринмай ўзининг жони,
Жангчини асради ўлимдан омон.
Қаттол ўқ қулатса — тошиб фиғони,
Бошидан кетмади мисли нигоҳбон.

Ғолибона елди Берлингача то
Аскардек билмади иссиқ-совуқни.
Элбага қадами етганда, ҳатто,
Ғанимдан аяди олис-ёвуқни.

Отлар ҳам Ватан деб бўлишди қурбон,
Ватан деб, юртидан тушдилар йироқ.
Уруш қурбонларин эслаймиз ҳамон,
Унутганмиз жангчи отларни, бироқ!

1986

ЭРК ҚЎШИҒИ

Халқимизнинг юз минг йиллик тарихин
варақласам,
Шодлигимдан ҳайқираман, аламимдан
йиғлайман.
Ватанига фидойилар номини ардоқласам,
Ватанфуруш хоинларга инсоф нима
билмайман.

Қисматидан ўйга ботсам — жон кемаси
тўлғанар,
Қонларимда олов ёнар, юрагимда
исёнлар,
Асрларнинг уйқусидан аждодларим
уйғонар —
Зўр ўлкани душманлардан қўриқлаган
посбонлар.

Ўз ерини, ўз эркини ўлимдан кўрган аъло,
Самандардек ҳайиқмаган даҳшатли
ёнғинлардан.
Чигирткадек ёприлганда дўзахни кўрган
бало,
Шердек омон чиқа олган қиёмат
босқинлардан.

Гоҳ Алпомиш, гоҳ Гўрўғли бўлиб ёвга
ташланган,
Спитамен, Широқ каби қилич кесган
бошини.
Муқаннаю Темур Малик, Торобийдек
яшаган,
Ёв бошида айлантириб тегирмоннинг
тошини.

Баҳодир халқ кўчманчимас, муқим эди
қадимдан:
Дониш эди, деҳқон эди, эди меъмор,
хунарманд.
Яралмишки, насибасин топди она
заминдан,
Хориж элдан ризқ-рўз излаб
дайдимади ит монанд.

Туққан элда кечди умри шоҳу гадо
бўлса ҳам,
Ўзга юртлар жаннатини кўнгли
қилмади ҳавас.
Боғу роғлар жамол очди қаерга қўйса
қадам,
Бирор ўлка кўринмади ўз юртидан
муқаддас.

«Ўз уйим — ўлан тўшагим» деб яшади
азалдан,
Улуғларнинг ҳикматига хамон оёқ
узатар.
Танибдики ўз ақлини, баҳра топар
ғазалдан,
Ўлан куйлаб, алёр айтиб кўнгил уйин
тузатар.

Минг бир дардни даволади Ибн Сино
бўлиб у,
Назири йўқ қомус битди Беруний
сиймосида.
Улуғбекдек юлдузобод самони қилди
орзу,
«Хамса» чекди Навоийдек ул
Ўрта Осиёда.

Арик қазиб сув чиқарди, чўлга келтирди
баҳор,
Ҳаёт гулин чаман этди, ўлкасин жаҳон
аро.
Бино қурди, шаҳар қилди — қуёш ҳам
боқар хумор,
Ҳунарига башоратдур Самарқанду
Бухоро.

Бир Ватаннинг ўғли гарчи, икки синф
эди мавжуд:
Бири золим, бири мазлум — гўё эди
икки халқ.
Бири мамнун, бири маҳзун — шоҳу
гадодир ёхуд,
Кутди ғариб фуқаролар эртанги кунни
илҳақ.

Қирғиз, қозоқ, туркман, тожик —
эдилар дўст-биродар,
Ери туташ, бағри туташ — от чопдилар
майдонда.
Бир дарёдан сув ичдилар — шодлигу
ғам баробар,
Ош-нонини баҳам кўриб яшадилар
жаҳонда.

Жанг-жадалга кирди бирга тўрт оғайни
ботирлар:
Искандару Қутайбага, Чингизхонга
бериб дош.
Ота юртни сотмадилар қазилса-да
қабрлар,
Она тилин қирғинлардан
куткардилар — эгмай бош.

Қадди камон, ранги сомон бўлса-да
муҳтожликдан,
Ўтдек ўриб ташлолмади истибдоднинг
ўроғи.
Ўз элини ғарк этмади ўлса ҳамки
очликдан,
Гўру кафан бўлди доим туғилган
ер-тупроғи.

Офтоб чиқар бошимга деб ўзмади
умидини;
Ғалла ўрди, пахта терди, чарх йигирди
кечалар.
Эрксизликдан алам ўти қоплади
вужудини,
Лола каби юзин очди бағрида қон
ғунчалар.

Кишанларни узди бир кун занжирбанд
ўғиллари,
Оллоҳдан *нажот излаб* қалқидилар
оёққа.
Истиқлол байроғини баланд тутди
қўллари,
Эрк истаган мард юраклар айланди ўт,
чақмоққа.

Озодликнинг шамолидан нафас олди бир
Ватан,
Бир дастурхон атрофида давра қурди
юз миллат.
Адолат нури қилди буюк оилани шан,
Этди жаҳон аҳлини лол бу ҳуррият, бу
хилқат.

Ўзбек халқин закосига яна олам
берди тан,
Кудратин қилди намоён ҳурриятли
ўлкаси.
Ватан боғи, кўнгил боғи эрк нуридан
хуш чаман.
Тоғларни ҳам кўтаради бу ўлканинг
елкаси.

Улуғ халким эркин кўриб, ғуруримга
йўқдир хад,
Кўнглимда ҳеч аламим йўқ, шодлик эрур
улфатим.
Кишиликнинг дунёсида бор бўл, омон
бўл абад,
Саодатли Ватанда эътиқодли миллатим!

1986

ЗАРАФШОН МУЛОҚОТИ

Зарафшон бўйида кездим бот,
Кўнглимнинг чигили ёзилди.
Ҳол сўраб, этди у мулоқот,
Шош, деди, умрингга ёз келди!

Сесканиб хаёлим жамладим,
Анчаси ўтибди умримнинг.
Оз қолди ёки кўп? Билмадим,
Қисматин ўйладим шеъримнинг.

Дарё дер: «Ёз келди! Ёз энди!
Кўп вақтинг совурдинг шамолга.
Қуш каби эркинсан — соз энди.
Ҳаётда етгансан камолга.

Шеърингга қолмади фурсатинг,
Ташладинг ўзининг ҳолига.
Элу юрт қилса-да иззатинг,
Учмагин амалнинг болига.

Баъзилар қилишиб тарғибот
Шеърини кўкларга кўтарар.
Эл ичра этиб зўр ташвиқот
Мақтовнинг кетидан югурар.

Латиф куй, хуш овоз хонанда
Жўн шеърга кийгизди навлибос.
Баъзилар артист-ла кезганда
Сен боқдинг ҳайрат-ла беихлос.

Бу йўлдан юрмадинг сен асло,
Зўр эди қалбингда орият.
Дўст эди эзгу бир муддао,
Бурчингга қилмадинг хиёнат.

Шеъринг лек қалб йўлин излади,
Диллардан тополди чин маскан.
Бургутдек чўққини кўзлади,
Эл билан тузолди анжуман.

Борингни бағишла шеърингга,
Бўл энди бошига соябон.
Қонсинлар оташин мехрингга,
Падарга азиздир ҳар ўғлон».

Дилимда қўзғалди ҳаяжон,
Дарёга ташладим хуш назар:
«Сўзларинг дилпазир, онажон,
Бағримни айладинг мунаввар.

Гуноҳдан холимас ўғлинг хам,
Дейдилар: айби йўқ фаришта.
Мен одам боласи, қай одам
Фаришта дейилар хар ишда.

Йўқ, асло! Фаришта осмонда,
Заминда яшайди одамзод.
Айбсиз инсон йўқ жаҳонда,
Фаришта бўлмайман умрбод».

У дейди: «Айни ёз — саратон:
Мевалар ғарқ пишган боғингда.
Куз тушмай, бўлмасдан қахратон,
Ёз энди, баркамол чоғингда!»

Зарафшон мавжланди, оқди шўх,
Юзимга урилди нафаси.
Кўксида минг йиллик эўр шукух,
Қулоғим тагида ўт саси.

Хаёлга ботаман бир муддат,
Отимнинг жиловин бураман
Чақмоқдек чақнару — барқ суръат,
Жабҳага ўзимни ураман.

1986

ҲАҚИҚАТ АСКАРИ

Ҳаёт уни ўтказди минг чиғириқдан,
Дондек тушиб тегирмонга,чиқолди омон.
Мағрур бошин эгмади таҳқир,
тазйиқдан,
Довулда бўлмади умид кемаси яксон.

Бошоқдек ўролмади ўткир ўроқлар,
Лекин оёғи остида дондек янчдилар.
Ўчирдилар, йўлида бўлса чироқлар,
Орқасидан ярок санчиб, бағрин
очдилар.

Мевали дарахт эди — шохин кесдилар,
Илдизига болта уриб, йиқолмади лек,
Сертошқин дарё эди — йўлин тўсдилар,
Бўғзига чангалин солиб, бўғолмади лек.

Жасур бургут эди — шиддати чақин,
Қайирдилар, синдиролмай толмас
қанотин.
Бир қадам чекинмади — чоҳ эди якин,
Олға босди хавф остига қўйиб ҳаётин.

Муддаога етгунча кўрқмай олишди,
Адолат ёнма-ён туриб жанг қилди
бирга.
Зўр келган чоғда чўқмор билан
солишди,
Ёпирилди ўнлаб тулки бир жўмард
шерга.

Шер ёлғиз эмас эди — тилади нажот,
Истиқлол узатди унга ҳақиқат қўлин.
Адолат тантанасин кўрди кўзи бот,
Хокини сурди кўзига Ҳақиқат йўлин!

1986

ҚАДР

Элу юртда қадр топгунча инсон
Игна билан гўё қазийди кудуқ.
Ҳаёти боғини қилгунча бўстон
Жонида ҳузуру дилида дам йўқ.

Курашиб яшайди эзгулик учун,
Олий мақсадидир элу юрт ғами.
Тирикчилик қилмас қузғунлик учун,
Риёкор кимсалар бўлмас ҳамдами.

Ғанимат умрига бағишлаб мазмун,
Бемаъни ҳаётдан ўгирар юзни.
Боболар умиди топсин деб якун,
Бунёдкор жабҳага уради ўзни.

Гарчанд яшаса-да нотинч давронда,
Озор илкин чўзмас қуш инига ҳам.
Эркига қасд қилса кимки жаҳонда,
Адолат шамширин тутади маҳкам.

Бу телба дунёни қилгани хушёр,
Осойиш субҳида туриб, бонг урар.
Эркпарвар элларга бўлиб нажоткор
Метиндек жанговар сафларда турар.

Турмуш ташвишлари қўйса-да эзиб,
Ҳаёт оғирини қилай дер енгил,
Мурувват уруғин терар, эл кезиб,
Садоқат қизидир қалбига сингил.

Ерга сув, қушга дон, инсонга нексўз
Ҳунари бўлмаса топмасди қадр.
Меҳр қуёшимас, дилда қотса муз,
Ҳаёт ўзи унга қазирди қабр.

Э дўстлар, ҳаётда бўлманг бекадр,
Инсон деган улуғ номни оқлангиз.
Одаммас, қушга ҳам қилманг ҳеч жабр,
Қадрли кишилар қадрин сақлангиз!

1986

БОҒ

Дунёда қолсин деб мендан яхши от,
Инсон илк узатди хайрли ишга.
Она замин билан қилиб мулоқот,
Қалбини буюрди улуғ ташвишга.

Қушқўнмас даштига боқиб умидвор,
Боғ қилмоқ ишқида ёнди вужуди.
Сарғайиб ётарди қуврай, янтоқзор,
Маҳзун тараларди ҳаёт сурури.

Зарафшоннинг икки қирғоғи боғ-роғ,
Дилларни яйратар жаннат ҳавоси.
Қушқўнмас — жаннатнинг юзидаги доғ,
Азалдан бир томчи сувнинг гадоси.

Дарёни етаклаб келди бир баҳор,
Шаркираб даштаро сочилди инжу,
Бадарға қилинди: қуврай янтоқзор;
Ҳавас қалби билан нафас олди у.

Орзу уруғлари қадалди ерга:
Ниҳоллар гуркираб ўсдилар қийғос.
Куёш қизиғида чўмилди терга,
Қалбида қайнади меҳр ва ихлос.

Қўли бўшамади экин-тикиндан,
Ҳайратлар қўзғатди ўтган кишида.
Гўё ошиқ Фарҳод келдию Чиндан,
Ариқлар қазиди Ширин ишқида.

Қулоч отди даштда ажойиб бир боғ,
Чайламас, тикланди оппоқ иморат.
Хирмонда мевалар юксалди тоғ-тоғ,
Фаровон фаслдан бериб далолат.

Элу юрт меҳрига бўлиб сазовор,
Меҳнат гаштин сурар қўли гул инсон.
Заҳматлари унинг кетмади бекор,
«Боғбон» деб берилди энг олий унвон.

Умрида бир ниҳол экмаган киши
Боғ қадрига етмас — яшар мисли зоғ.
Ҳаётда зўр асли боғбон ташвиши,
Яхшидан — боғ қолар, ёмондан-чи — доғ.

Доғ қолмасин десанг, элда яхши бўл,
Хазонсиз боғингга баҳишла оро.
Инсонсан, инсонлар кўрки, нақши бўл,
Сен кетгач, қисматинг бўлмасин қаро!

1986

ҚЎМСАШ

Болалик Ургутим қўмсайман ҳамон,
Ҳамон ёди билан яшайман унинг.
Унутсам — дунёда қолиб ломакон
Ҳаётим кечарди муҳожирга тенг.

Соғинчдан дил уйи — хароба эҳром,
Қўшиғим — қуш бўлса, синар қаноти.
Юрагим ўтланиб кетади мудом
Қулоққа чалинса Ургутнинг оти.

Оҳанрабо каби тортиб ўзига
Ҳайбатли тоғлари бўлур намоён.
Боқаман булоқлар турна кўзига,
Жаннатий боғларда ураман жавлон.

Тошқин сойларида отаман қулоч,
Ҳайқириб, боладек дарё кечаман.
Қадрдон кўринар ҳар ниҳол, оғоч,
Гулобдек, ҳавосин қониб ичаман.

Азамат чинорлар хаёли босиб,
Тирилар ўтмишнинг хотиралари.
Лолазор водийда ҳаяжон тошиб,
Дарёдек оқаман болалик сари.

Аччиқ тамакини ҳавас қилмаган
Ургут — Самарқандга чирой эди, менг!
Хали тамакининг ҳиди келмаган
Қўлидан ўпаман, қўли гул унинг.

Тамаки — боғларга келтирди қирон,
Мевали дарахтни қилди бадарға.
Покиза баданга ёпишди — чаён!
Саломат ўпкани чўқиди — қарға!

Булоқ суви билан улғайган Ургут,
Энди ташна лабдир — тамаки ичар.
Гарчи дастурхонда баракаю қут,
Мева-чева танқис, тамаки чекар.

Тамаки заҳардир, пули ҳам заҳар,
Заҳарга айирбош бўлмоқда соғлик.
Наслини ўйласа ургутлик агар,
Демас: тамакига қисматим боғлиқ.

Болалик ўтмоқда тамакизорда,
Шомдан ярим оқшом — тамаки тизар.
Она қистови-ла туриб азонда,
Мактабгача яна тамаки узар.

Ҳаяомас, тамаки заҳрини ютиб,
Нафаси бўғилар дим этакларда.
Оталар алдашар хўрозқанд тутиб,
Ҳақиқат юзига тортилар парда.

Болалик Ургутим, қайларда қолдинг?
Тамакисиз тўйиб олардинг нафас.
Гавҳардек ё тупроқ ичра йўқолдинг,
Булбулдек масканинг бўлдими қафас?

Мен сени излайман — ҳаёлим сенда,
Бахтиёр эди-ку, болалик у он!
Мен сени истайман, сен эса манда,
Қалбимда яшайсан, азиз Онажон!

1986

НОМУС

— Номус нима? — бобосидан
сўраб қолди эвара.
Ўйлантириб қўйди уни
болакайнинг саволи.
Юз йил яшаб, кўриб шунча
невараю чевара,
Бунча боши қотмаганди,
нега тарқоқ хаёли?

Мушкул савол — кони жумбоқ,
ечиб бўлмас мукаммал,
Эварасин зеҳни ўткир,
нега сўрди? Дили лол.
Гап учидан фикрин англар
айтмаса ҳам муфассал,
Синчков боқди: «Эх, тойчоғим,
жуда қийин бу савол.

Номус — одам обрўсидир,
номус — умр зийнати,
Элнинг суюк ўғли бўлгай
номуси зўр кишилар,
Кимда виждон нопок бўлса,
қолмас қадру қиммати,
Номуси йўқ одамлардан
элу юрт қилур ҳазар».

Эвараси ўйга толди:
Нега муаллимини
«Беномус», деб сўкди раис,
пахта бўлиб баҳона?
У, жонини аямасдан
ўргатар ўз илмини,
Мактабда ҳам, далада ҳам
ўқувчига парвона.

Англаб етди: муаллиммас,
раис ўзи беномус,
Уни кўрса, зир титрайди
қишлоқдаги барча жон.
Элда қадрин йўқотган у,
демак, унда йўқ номус,
Бобосининг сўзлари ҳақ:
муаллими чин Инсон!

1986

ЎКИНЧ

Автобус бекати... Курсилар гавжум,
Ширакайф бир йигит ёнимга чўкди.
Маъносиз кўзларин тикди-да бир зум,
Сигара тутатиб, аламин тўкди.

«Вега»син буради хўрсиниб оғир,
Жангари музика бекатни тутди.
Уч дона гулини тутамлаб сағир,
Ғам-ғусса комида зардоб, қон ютди.

Онаси ўлганмиш уч кун муқаддам,
Кеч хабар топдим деб чекар надомат,
Ёш кетмиш — қирқ бешга қўймасдан
қадам,
Ўғлининг бошига солиб қиёмат.

Икки йил кўрмабди волидасини,
Энди афсус чекар, ёшланар кўзи.
Шаҳарда тебратиб оиласини,
Онасин унутмиш, ёмангиз сўзи.

«Вега»дан шўх қўшиқ ҳамон таралар,
Сигара тортар у ширакайф, маҳзун.
Уч дона гулини энди авайлар
Онаси қабрига қўймоқлик учун!

Псков,
1986

ЁРИЛГАН АНОР...

Одамлар қалбида давр дардлари,
Урушнинг битмаган яраси ҳамон.
Хотираси тирик Ватан мардлари,
Келажак наслнинг ёди бегумон.

Ҳамон зирқирайди оғриқдан тани,
Юраги заддадир ўқ парчасидан.
Гарчи осойишда яшар Ватани,
Хайиқиб боқади тонг дарчасидан.

Давр дардларидан ҳаловати йўқ,
Қуроллар тиғида турибди жаҳон.
Ҳамон қитъаларда визиллайди ўқ,
Инсоннинг қонини тўкмоқда инсон.

Даврнинг энг оғир дарди — урушдир,
Калхатдек кезмоқда уруш балоси.
Урушнинг душмани сокин турмушдир,
Фаровон ҳаётдан бўғиқ нидоси.

Тинчлик қўшинлари енгилмас, девкор,
Метиндек мустаҳкам музаффар сафи.
Уруш қалъаларин босар ҳужумкор,
Мақсад байроғида инсон шарафи.

Даво топмоқ учун энг мушкул дардга,
Давр дарди билан олингиз нафас.
Уруш балосига беринг зарба,
Тинчликка йўғрилган даъват муқаддас.

Одамлар қалбида давр дардлари —
Ёрилган анорнинг қон доналари.

1986

РУҲИЯТ МЕЪМОРЛАРИ

Қуюнда бузилди руҳият уйи,
Ҳуррият шамини ўчирди тўзон.
Янграмай кесилди эркинлик куйи,
Бўғилган фикрлар тутқунда ҳамон.

Қайдасиз, қўзғолинг руҳ меъморлари,
Уйғонган бутун эл сизларга муҳтож.
Руҳимиз уйининг бунёдкорлари,
Бузилган уйларга топинг бир илож.

Ҳуррият шамларин ёқингиз тезроқ,
Тўзонкор бандалар кўмилсин ғамга,
Зулматдан зўр келиб яшар-ку чирок,
Чироқни ўчирган қолсин мотамда.

Эркинлик куйларин чалинг, руҳ қонсин,
Кесилган тилига бағишланг даво.
Янгроқ садосидан қалблар уйғонсин,
Келажак уйғонсин куйдан руҳафзо.

Бўғилган фикратни қилингиз озод,
Тутқунлик занжирин узинг бўйнидан.
Худбинлар эл-юртда солса-да фарёд,
Фикрни қутқаринг зиндон қўйнидан.

Қўзғолинг, исёнкор руҳ меъморлари,
Бузилган рух уйин тикланг янгидан.
Келажак руҳининг байроқдорлари,
Қалбингиз уйғонсин давр бонгидан.

Халқимиз қалбига солингиз кулоқ,
Ҳамоҳанг бўлингиз эл садосига.
Гарчи толеимиз кундай ярқироқ,
Қалбимиз мухтождир руҳ даҳосига.

Бизга даҳо керак — руҳ даҳолари,
Дарз кетган дилларни айласин таъмир.
Гарчи улуғ кўпдир, йўқ даҳолари,
Руҳ меъмори керак — донғи оламгир!

1986

УРГУТ БОҒЛАРИ

Тоғлар ардоқлаган жаннат ўлкаси,
Булоқлар сув тутган ҳаёт эркаси,
Сойлар қўшиқ айтган даврон бекаси,
Бошингдан кетмасин шодлик чоғлари,
Ургут боғлари!

Дунё кувончлари қалбдан тошганда,
Ғамлари дод солиб ўзин осганда,
Ҳаёт бўстонлари қучоқ очганда,
Меҳрингдан гул ёзар жон бутоқлари,
Ургут боғлари!

Сен жаҳон боғининг сўлим гўшаси,
Дилларни уйғотган ишқ ашуласи,
Оламга жон берган ҳаёт шуъласи,
Ўзи гул, юзи гул, гул дудоқлари,
Ургут боғлари!

Ҳаёт ўйинидан кўнглим синганда,
Илҳом танбурининг куйи тинганда,
Кўзимга соғиниш дарди инганда,
Сени кўргим келар, умид тоғлари —
Ургут боғлари!

Сен ҳаёт оғусин тотмагин асло,
Заҳридан бўғилиб қолма бенаво,
Қушлар ҳам тарк этгай бузилса ҳаво,
Гулларингдан асал йиғсин болари,
Ургут боғлари!

Қафасдек тор уйда қисилиб кетсам,
Шаҳар ғавғосидан жон чекса алам,
Тошқин оломондан кўз толиққан дам,
Қочаман кенг, сокин кучоғинг сари,
Ургут боғлари!

Дунё кезиб кўрдим неча чаман, боғ,
Кўнглим эркалади неча жаннат, тоғ,
Бағримда қолмади гарчи ҳасрат, доғ,
Тенгингни топмадим, гул кучоқлари –
Ургут боғлари!

Отам хотирасин ёд қилмоқ учун,
Онам тилагини шод қилмоқ учун,
Жигарлар кўзига тикилмоқ учун,
Қуш бўлиб учаман Кенагас сари,
Ургут боғлари!

Наслимиз бахтига яшна, омон бўл,
Меваси асалу ҳосили кон бўл,
Ғам ўқига қалқон, бахтга макон бўл,
Кўксингни тутмасин кулфат доғлари,
Ургут боғлари!

1986

КЕЧА ВА КУНДУЗ

Кеча эди — дил боғида оппоқ тонг отди,
Ойга соқчи юлдузлар ҳам сўндилар
бир-бир.
Боғ гулларин шўх қушларнинг сози
уйғотди,
Жамол очди ҳайрат ичра рангли бир
тасвир.

Юрак, қувон! Ҳаётингда бошланди
кундуз!
Қорасини кўрсатмагай қочқин кечалар.
Кўнгли закий дўстлар билан зўр
анжуман туз,
Сароб тушдай унутилсин босқин
кечалар.

Яна улуғ минбарлардан ўқи шеърингни,
Тазйиқларнинг занжирини тилка-пора
қил.
Боқий қуёш нурларига йўғир
меҳрингни,
Алам-андуҳ тиканини ўтларда ёққил.

Элнинг меҳр булоғидан қониб-қониб ич,
Ўликни ҳам тирилтирар пок меҳри
унинг.
Эл ишқида, юрт ишқида ҳаловатдан кеч,
Ёниб яша, фарзандисан қуёшли
куннинг.

Кеча ёғди бошинг узра маломат тоши,
Мардлик билан кўкрагингни қилолдинг
қалқон.
Кундуз бўлди сенга бугун шодлик
йўлдоши,
Балоларнинг нишонидан ўтолдинг омон.

Сенга ҳамла қилганларнинг юзлари қора,
Зўрға фитна кавагидан чиқарар бошин.
Томга чиқиб чалмайдилар энди ноғора,
Тўй-ҳашамда унутмайди сендек
қардошин.

Дўсту душман кимлигини билдинг
кечада,
Кундуз келди — ёруғ куннинг қадрига
етгил!
Гарчи душман сенинг учун заҳар
ичса-да,
Дўстлар учун ғам ўқига кўксингни
тутгил!

Кўзларингнинг кипригидек дўстинг кўп
бўлсин,
Қароғингга посбон бўлур улар ҳамиша.
Йўлларига меҳринг нури дурдек
тўкилсин,
То тириксан, садоқатни айлагил пеша.

Кеча сенга сабоқ бўлсин — дарсин
унутма,
Кундузда ҳам керак бўлур кечанинг
ғами.
Шодлик билан улуғ элнинг арзин
унутма,
Унутмагин, кундузнинг лек кеча
ҳамдами!

Кенагас,
1986

УРУШ БОЛАЛАРИ

Уруш болалари — қирмизи лолалар,
Оналар кўксидан уруш узди сизни,
Оталар бағридан уруш узди сизни,
Қалбларни ёндирган оташли нолалар.

Урушнинг заҳарли қўллари кесилди,
Сизни тўрт томонга лоладек сочдилар,
Нотаниш хонадон эшигин очдилар,
Аждахо фашистнинг йўллари тўсилди.

Узилган лолалар — оқ, сариқ болалар,
Онадек меҳрибон оналар топдилар,
Отадек қадрдон оталар топдилар,
Кўксига босдилар бағри кенг далалар.

Лолалар сўлмади — яшнади меҳрдан,
Онаси бағрини қўмсашди кечалар,
Отаси меҳрини исташди кечалар,
Мужда кутиб ўсди уруш узган ердан.

Сочилган лолалар теран томир отди,
Ўзга тупроқ билан туташиб кетдилар,
Узилган ерининг бағрига етдилар,
Дастурхон устида бир нонни ушатди.

Лолалар қўпайди — бахтиёр болалар
Йигитлик отига мингашиб чопдилар,
Бокира қизларни қидириб топдилар,
Униб-ўсди эркин очилган лолалар.

Очилган лолалар — бу, бизнинг
болалар,
Оналар кўксидан уруш узмасин ҳеч,
Оталар бағридан уруш узмасин ҳеч,
Умримиз безасин қирмизи лолалар!

1986

УРУШ АВЛОДЛАРИ

Эсимда: ғолиблар қайтди урушдан,
Кўкраги ордену медалга тўлиб,
Юраги эзилиб ночор турмушдан,
Ҳаётни тебратди соябон бўлиб.

Бир қўлу бир оёқ ногиронлар ҳам
«Меҳнат тешаси»ни қўлга олдилар.
Ғам кирмаган уйлар гарчи эди кам,
Ерга кетмон уриб, қувонч солдилар.

Оёққа қўзғалди — шол эди шодлик,
Дилма-дил, уйма-уй кезди музаффар.
Қишлоққа келтирди яна ободлик,
Дон бўлиб далага айлади сафар.

Қаттиқчилик кўрган эл бир жону
бир тан,
Мушт каби тугилди жангчилар қайтиб.
Қаддини тиклади яродор Ватан,
Уруш авлодлари наслин улғайтиб.

Бир каллага тинчлик бермай минг хаёл,
Остин-устун бўлди ҳаёт низоми.
Минг хаёл пуч экан, фош бўлди яққол,
Кўзини очди кеч юртнинг авоми.

Яна адо этди даврон амрини,
Ўзини мардона урди оташга,
Ҳаётда топсин, деб инсон қадрини,
Ўрганди бирини бири мақташга.

Афсус, яна кўзи очилди кечроқ,
Қалбига санчилди надомат тиғи.
Олқишга қарсагин урганда, бироқ,
Ўйламаган эди: даврон қилиғи.

Олқишдан воз кечиб танқидга ўтди,
Даврга ҳамнафас ташлади қадам.
Адолат қайғуриб қўлидан тутди:
Ҳақ сўзни демасанг бошинг бўлур хам.

Фашизмни енган авлод наслимиз,
Ўзимиз енголмай доғдамиз нечун?
Кўзни кеч очамиз — ўтар асримиз,
Эртароқ очилса келажак учун!

1986

Қоялар ва соялар

(достон)

Навоий орзуси ушалган, одил —
Саодатли даврон, эрк фарзандимиз.
Қон-қардош, биродар, оға-ини эл
Кўзин қорачиғи, жигарбандимиз.

Буюк Соҳибқирон ворисларимиз,
Музаффар қон жўшар томиримизда.
Истиқлол мулкининг сарварларимиз,
Насллар қисмати тақдиримизда.

Буюк хонадонда топдик биз камол,
Бошимиз силади қутлуғ замона.
Ҳаёт кўзгусида кўрсатди жамол
Боболар армони, асрий афсона.

Фарҳоддек чиниқдик меҳнат, ижодда,
Гулларга буркадик Ватан боғини.
Темур васиятин тутдик-да ёдда,
Машъалдек кўтардик эрк маёғини.

Жаҳонни қамради юртимиз донғи,
Олқишлар эшитдик етти иқлимдан,
Дўст қувонди, душманинг чиқди чанги,
Метиндек бирликни кўриб элимдан.

Оқсарой бағридан боқсанг Тошкентга,
Кўксингга тўлдирар чексиз ифтихор.
Зарра гард қўнмасин бу қуёшкентга,
Осойиш ҳамиша бўлсин унга ёр!

Тошкентдан бир ўлка олган андоза:
Қишлоғу шаҳари серфайз ва обод.
Халқимиз кўнглидек фикримиз тоза,
Шонидек букилмас, қаддимиз шамшод.

Филқудрат ўлкамиз юксалди бечун,
Асрларга тенгдир йиллар салмоғи.
Кунларни безади бир олам мазмун,
Қўллардан тушмади зафар байроғи!

Фароғатда яшар хонадонимиз,
Рўзғоримиз тўкин, ризқимиз бутун.
Бир элга татийди дастурхонимиз,
Тўю томошадан ҳаёт серфусун.

Қудрати дунёни тутган Ватанда,
Ҳайиқдик на довул, на-да бўрондан,
Истиқлол оташи ёнди-ю танда,
Тонмадик эътиқод, маслак, имондан.

Улуғ синовлардан ўтдик биз омон,
Қаддимиз букмади йўқлик савдоси.
Фазони қадамжо қилганда инсон,
Муаммодир бугун тўқлик балоси.

Бу ҳам бир синовдир, беролмасдан дош,
Ғафлат кечасига юз тутдикми ё?
Тўқликка-шўхлик, деб айландими бош,
Қаҳатлик кунларни унутдикми ё?

Фаровон ҳаётнинг етмай қадрига,
Орзу-ҳавасларга бўлдикми ё қул?
Ё завқли турмушнинг тушиб наҳрига
Ҳаёт — ўйин-кулги, дедикми, нуқул?

Дунёга бир марта келар деб, инсон,
Бир марта берилар дея бу умр,
Шоҳона яшадик, гуллади даврон,
Дилни сархуш этди қувонч ва ҳузур.

Лек элга панд бериб гумроҳ соялар,
Сўқмоқдан юрдилар, қолиб равон йўл.
Қалбига сингмасдан улуғ ғоялар,
Мўмай даромадга узатдилар қўл.

Яшашди ўзгалар ҳисобига шод,
Амал тулпорига босишиб эгар.
Мажлис ҳайъатини қилдилар обод,
Бутун бир ўлкага бўлгандек меҳвар.

Зулукдек ёпишиб давлат танига,
Қонини сўрмоқдан топдилар нашъа.
Канадек ин куриб пок баданига,
Молу дунёга кўз тикдилар ташна.

Ўлкага дағдаға солиб бу тўда
Элга кибр била боқди чўққидан.
Амал шохидамас, юрди баргида,
Юртга човут солди шуҳрат кўкидан.

Зўр ҳомий кидирди бириси узоқ,
Ёзмоқни истади ўлкага қулоч,
Адиблар йўлига у қўйди тузоқ:
Мақтовга ўч эди, шон-шухратга оч.

Орзуга айб йўқ, дейди, халойиқ,
Элу юртга унинг таралди номи.
Иззат-обрў топди мақтовга лойиқ,
Ҳаётнинг шу эди унга инъоми.

Валинеъмат топиб зимдан бу одам
Нажот қалъасини тез этди ишғол.
Элнинг боши узра ташлади қадам,
Ҳаёт низомини айлади поймол.

Писанд этмай қўйди унча-мунчани,
Дунёга ўстун деб, санади ўзни.
Очилмасдан эзди не-не ғунчани,
Кўзлади кўкдаги ёниқ юлдузни.

Доврўғига унинг ўлка келди тор,
Ер кўкка сиғмай, элга боқди ёт.
Дахлсиз яшади мисли хукмдор,
Водийда жиловсиз ўйнатолди от.

У ғоят шум эди, устомон эди,
Ҳатто шайтон ундан олар эди дарс.
Аммо салтанати бир жаҳон эди,
Ерни катта тепса, кетар эди дарз.

«Гах» деса — кафтига қўнарди бургут,
Соясига барча берарди салом.
Минглаб жон қошида сақларди сукут,
Ўлкада топганди шухрат-эҳтиром.

Олий минбарлардан сўзлаб улуғвор,
Оғзига қаратган эди оммани.
Гарчи бўлмаса-да, ўзи дахлдор,
Иложин топганди не муаммони.

Шуҳрати ўлкани тутган музофот
Зуғуми остида титради унинг.
Казо-казолар ҳам айтиб муножот,
Қонун деб биларди унинг айтганин.

Кун чиқмай, қошида эгар эди бош,
Не деса қиларди шу он муҳайё.
Унинг ниятига бўлиб бир сирдош,
Хизматига жонин этарди фидо.

Давлат режасида борми ёки йўқ,
«Амри вожиб» дея топарди имкон.
Сўзи ерда қолса — ўтмаса буйруқ,
Пойтахтга сим қоқиб, қиларди бадном.

Халққа хизматини у айлаб пеша,
Неча кордон раҳбар бошига етди.
Ҳеч кимга қилмади рўйхуш, андиша,
Дуч келган кимсани хасдек итқитди.

Ундан зор қақшади ҳақ деган инсон,
Оғиз очган замон тили кесилди.
Даҳани қилинди метин истеҳком,
Норози кимсанинг йўли тўсилди.

«Қойилмақом» қилди ишини мудом,
Юртга элдан олдин этди овоза.
Мухбиру ёзувчи унга бўлди ром,
Оғиз кўпиртириб мақтади роса.

Йўлидан чалғиди гоҳо «Ахборот»,
Экранни титратиб мадҳу санодан.
Шу зайл қилди у элга сиёсат,
Тўраларча боқиб теле-кинодан.

Аммо туякушдек топиб баҳона:
На парвоз қилди у, на кўтарди юк.
Кордондек ўзини тутиб мардона,
Раҳбарлар кўзига кўринди суюк.

Ким бўлса қариндош, дўсту биродар,
Сийланди, ҳар ишда бўлди кўз-қоши.
У томир отганда Тошкентга қадар,
Шухрат гулларига кўмилди боши.

Бу шухрат сўнмайди, дедилар абад,
Қадлари дол бўлиб қилдилар сажда.
Унинг доврўғига йўқ эди сарҳад,
Бирор зот этмасди сўзини канда.

Қучоққа сиғмади «чинор» танаси,
Чуқур илдиз отди ернинг қаърига.
Шохида сайради «бахт» беданаси,
Аммо дош бермади замон зарбига.

Тарвақайлаб кетган шохлари синди,
Қулади — томири чангаллаб тупроқ.
Сайроқи бедана овози тинди,
Мажрух бутоқлардан тўкилди япроқ.

Юзини ўгирди дўст-биродари,
Ер чизиб қолдилар казо-казолар.
Ога-инилари елди сарсари —
Қўлида рўкачдир минг хил даъволар.

Айюҳаннос солади у эса ҳамон,
Дуч келганга отар тухмат тошини.
Ўзини оқ қилиб кўрсатай дебон,
Фитна уясига тиқар бошини.

Кўкси тўлиб кетган тутунга унинг,
Қурум босган кўнгил мўриси қора:
«Адоғи бормикан қоронғи туннинг,
Дил уйин ёритса, тонг нури, зора».

Урушни кўрмади тенгкурларидек,
Қон кечиб, ётмади совуқ окопда.
Яшади дунёнинг кузирларидек,
Мол-дунё тўплади бир неча қопда.

Аммо, у айрилди баридан бугун,
Йиққан бойлиги ҳам қилмади вафо,
Шоҳид каби уни фош этди беун,
Бошига беаёв ёғдириб жафо.

Шунча йил шарафга чулғанган умр
Тўфон ичра қолди ва топди завол.
Балки, ҳаром турмуш уни қилди кўр,
Таянса асо йўқ, тиқ қомати — дол.

Обрўси тўкилиб қолди яланғоч,
Шуҳрат дарахтидан баргдек узилди.
Қоплондек гавдаси мисоли оғоч,
Риёкор умрнинг қасри бузилди.

У, ғофил бандамас, янглишасиз, йўқ!
У, қилни қирқ ёрган устаси фаранг.
Кичикка дўқ қилди, каттага қуллуқ,
Кўплар ундан қочиб қутулди аранг.

Домига илиниб масъул кишилар,
«Совға-салом» билан сийланди мудом.
Қахат эмас эди унга сийму зар,
Жонини берарди кўнгли этса ком.

Кимга не йўлласа суратин олди,
Сийловлар дафтарин безаб қўйди хос.
Барчасин дасталаб сандиққа солди.
Ашёвий далил, деб, тинчиди бир оз.

Совғаю саломлар ишқибозлари
Виждон азобини билмаслар, бироқ.
Ҳамон авж пардада янграр торлари,
Хавотир даштидан диллари йироқ.

Юзтубан тушганда дахлсиз одам
Бемисл шони ҳам бўлмади қалқон.
Қора курси узра ўтиргани дам
Йирткич бўри каби бошлади сурон.

Тишини қайради — учраган жонни,
Қўзидек бўғизлаб ташлашга тайёр.
Диёнатни сотди, сотди имонни,
Виждонни тупроққа қорди бу айёр.

Энди у жонидан олиб хавотир
Жазо қафасида чекмоқда фиғон.
Гарчи аждаҳодек ютмоққа қодир,
Захрини сочмоққа тополмас имкон.

Гарчи қилолмади эл юзин қора,
Қудратли ўлкамиз обрўсин бир пул:
Доғда қолдик: бўлди қалбимиз пора,
Хижлатдан чиқмоққа изладик лек йўл.

Ақл кўзи билан боқмадик чуқур,
Раҳнамо қилмадик ғолиб идрокни.
Адолат китобин этмасдан дастур,
Фарқига етмадик покдан нопокни.

Бироқ, сездим аён, машъум кўлкаси
Ҳамон ўнгирларда изғийди унинг.
Арвоҳдек кезади қуриб тинкаси,
Ҳамроҳи бўлгандек кўзи кўр туннинг.

Юрагин олдириб қўйган одамлар,
Унинг соясидан ҳайиқар ҳамон.
Нафаси ичига тушган маҳрамлар
Суянч тоғи қулаб, ғурбатда тамом.

Мушкул бу мавзуга топмоқ суҳбатдош,
Мардлар марди йиртди унинг ниқобин.
Ҳатто бир мансабдор олиб қочди бош,
Кийиб риё аҳлин сохта либосин.

Баланд чўққи узра дахлсиз кимса,
Кўнгли ёришмайди ёқса ҳам чироқ.
Кибру ҳаво билан боқмасин кимга,
Қалбига ўт қалар момақалдироқ.

Нечун у ҳайкалдек турибди қотиб,
Ҳасад доғи ўртар жисмини нечун?
Нечун ғазабини ўқ қилиб отиб,
Ўзининг ёғида қоврилар дилхун?

Нечун соф ҳаводан олмас у нафас,
Ложувард осмондан ўгирар юзин?
Нечун ўлка унга кўринар қафас,
Қопқонга тушгандек ҳис этар ўзин?

Ким у? Элдан айри тушди у нечун?
Нечун оёқлари ердан узилди?
Нечун бурқсиб чиқар бағридан тутун?
Нечун кипригига шўр нам илинди?

Халқ бу — силсила тоғ! Чўққилари кўп,
Бағрида қайнайди тоза булоқлар.
Тоғ билан ҳамнафас умр кечар хўб,
Ҳаёти боғида ўчмас чироқлар.

Аммо, борки нодон, ғофил кимсалар,
Шон-шуҳрат пайига тушиб доимо,
Қудратли тоғ аро шовқин, жар солар,
Ўрмалаб чиққунча чўққигача то.

Улар тўйдан олдин чалиб ноғора,
Бирини ўн қилиб элга кўрсатар,
Зиёфат тугашиб сўлим боғ аро
Фойдали одамлар товонин ялар.

Йўқни боғ қилдим, деб, кўзларни бўяр,
Сохта рақамлардан тузишар карвон.
Ҳосил хирмонини қоғозда уяр,
Донсиз айлантириб гўё тегирмон,

Ясама зиналар солиб тоғ сари,
Чўққиларга қадаб қалбаки нарвон.
Елга совурилиб эл орзулари,
Улар тоғ бошида ураралар жавлон.

Ғолиблик байроғин тикиб тоғ узра,
Эл ичра билағон санарлар ўзни.
Меҳнатда қаҳрамон бўлдим, деб, сўнгра,
Обод этдим, дерлар, далаю тузни!

Ўз юкин ортиб сўнг эл елкасига:
Ҳунари золимлик, касби жафодир.
Қора довдир улар хур ўлкасига
Ва *унинг бошига битган балодир.*

Ким тутса адолат тарозисини,
Тазйиқу қувғиндан чиқмайди боши.
Чилпарчин қиларлар дил кўзгусини,
Таъқибдан тугайди унинг бардоши.

Гарчи олий ҳакам бўлса-да ҳаёт,
Измига солдилар уни ногаҳон.
Ҳақиқатнинг кўзи бойланса, ҳайҳот,
Пахтазорда улар тер тўкди қачон?

Қачон кетмон олиб ғўзани чопди?
Чанқоқ ниҳолларга сув берди қачон?
Қачон тонг отгунча далада ётди?
Ўзини деҳқонга тенг кўрди қачон?

Бундай раҳбарлардан юраклар зада,
Юлиб олдилар-ку, элнинг патини.
Қарокчи сингари талаб панада,
Қўмсашди яна эл муҳаббатини.

Уйдилар жавоҳир, олтиндан хирмон,
Пулга тортлик қилди пўлат сандиқлар.
Комига тортдилар аждаҳосимон
Инсон либосини кийган махлуқлар.

Пора солиғини солиб пинҳона,
Иддаҳо қилдилар ким бермаса гар.
Сопол кўзаларга ясаб хосхона,
Ўрага кўмдилар олтину гавҳар.

Халқ сезиб турса-да, сақлади сукут,
Миқ этса — нафаси шу он бўғилди,
Сукут — аломати ризо, деб ёхуд
Ғофиллар шуҳрати дурга йўғрилди.

Нега сукут этдик, биз — аҳли қалам?
Зиёфат, совғани нега хуш кўрдик?
Нега ҳақ йўлига қўймадик қадам?
Кўзни ерга тикиб, нега жим турдик?

Ишчию деҳқонлар қолиб бир томон,
Мадҳ этдик, сиғиндик амал аҳлига.
Чорбоғида ётиб ёздик шеър, роман,
Теранроқ боқмадик, афсус, қалбига.

Адолат йўлидан чекиндик қай он?
Қай он ўтмаслашди қаламнинг учи?
Ҳавойи гапларга биз учдик қай он?
Қай он заиф тортди илҳомнинг кучи?

Бонг уриб бузмадик шуҳрат қасрини,
Юлғичу қаллобни қилолмадик фош.
Энди тортмоқдамиз улар қасрини,
Бўёқдор сўзларга эдик-да наққош.

Жўр бўлдик уларнинг синиқ созига,
Таърифу тавсифда йўқолди мезон.
Жон қулоғин тутмай эл овозига,
Бош узра кўтардик тошни дур дебон.

Оғизларга эса биз солиб толқон,
Инсоний бурчимиз, афсус, унутдик.
Довруғига довруқ қўшиб минг чандон,
Сохта «қаҳрамон»лар қўлидан тутдик.

Улар туя қилди халқнинг нонини,
Юрт мулкин кемирди каламушсимон.
Мол-дунёга сотди жон, имонини,
Кўзлари тўймади, нафс эди ўпқон.

Халқ эса ишонди, биз ҳам ишондик,
Тўғридан эгрини қилолмадик фарқ.
Баъзида ваъзхонлар сўзига қондик,
Ясама рақамлар ичра бўлдик ғарқ.

Қанча-қанча қоғоз қилинди қора:
Чорва ҳам қоғозда, гўшт ҳам қоғозда.
Жонимизга кирди қоғозлар оро,
Қалбаки маълумот бўлди парвозда.

Тонналаб донни ҳам кўтарди қоғоз,
Минг-минглаб ниҳолни қоғозга экдик.
Нозу неъмат берди қоғозга пардоз,
Саробни офтоб деб, дадил кўз тикдик.

Қўшиб ёзишлардан қоғоз ўртанди,
Йўқни бор, деганда, кўтарди фарёд.
Ярадор кабутар янглиғ тўлғанди.
Овози чиқмади — деса ҳамки дод.

Баъзилар тонналаб пахта хирмонин
Қоғозда тиклади қуруқ рақамдан:
Қўли узун раҳбар топди имконин,
Қўли калта эса ёнди аламдан.

Қоғозда саналди жўжалар кузда,
Қоғозда жўнади қатор вагонлар.
Минбарда ўзини кўрсатиб сўзда,
Улоқни олдилар тили бийроилар.

Давлатни алдашди, халқимизни ҳам,
Ёлғон ҳисоботга чидади қоғоз.
Ким ўзарда елди отлари илдам,
Ҳақ кўзин бўяди ноҳақ туриб ғоз.

Қоплади Ҳақиқат кўзгусини чанг,
Ўт тушди инсофу имон боғига.
Сохта ҳужжатларни безаб турфа ранг,
Даво бўлолмади виждон доғига.

Бирор иш битмади таниш-билишсиз,
Қўлга боқди — ишинг тушса баъзилар.
Танишлик узилди бориб-келишсиз,
Пора бош суқмаса орага агар.

Куни туғиб қолди таъмагирларнинг,
Даллолдан хавфлидир аҳли хушомад.
Бозори чаққон бўб қув, олғирларнинг,
Кулди иғвогарлар бошида омад.

Раҳбарни эъзозлаш азалдан русум,
Бурчдир ҳурматини қўймоқ жойига.
Бироқ тама билан қилиб табассум,
Бош уриб келдик биз унинг пойига.

Хушомад бошқаю бошқадир ҳурмат,
Буқаламун бўлиб яшамоқ нечун?
Қачон тўғри сўзга топилар журъат,
Ахир, курашчимиз Ҳақиқат учун!

Кўкка ларза солди баҳор чақмоғи,
Чокидан сўкилди абри найсонлар.
Ёришди замину само қучоғи,
Нажот кўзин тикиб боқди инсонлар.

Паҳлавон қаддини тиклади ўлка,
Силкинди қудратли тоғ силсиласи.
Чўққидан қулади мисли кўланка
Дахлсиз одамнинг куриб силласи.

Овози чиқмайди солай деса жар,
Зулмат дарасида ётар нотавон.
Ҳаёт нидосидан қулоқлари кар,
Кўзига коронғи кўринар жаҳон.

Инсон ниқобига ўралган дажжол
Бўғзига тиқилар пажмурда жони.
Оёғида дармон йўқдир — бемажол,
Хиёнат чоҳида нопок виждони.

Бутазорга урди ўзин тулкидек,
Яроғини тиқди этик қўнжига.
Хиёнат жарроҳи бағрин тилгудек,
Дахшатдан биқинди харсанг пинжига.

Ким эди? Ким бўлди? Одил бу дунё
Риёкор одамдан олар интиқом,
Шунча «хизмат»лари унут ва рўё,
Ҳаёт солди унинг оёғига дом.

Ўйлаб боши қотди: ҳаёти чигал,
Ўтмиши мураккаб, қисмати қаттол.
Ёвуз қўли кимга солмади чангал,
Ким унга бўлмади малай ё ҳаммол.

Ҳаёли фаромуш — хаёли бузғун,
Руҳи синиқ — кўнгил гўшаси вайрон.
Бошида саргардон кезар оч қузғун,
Тутқун ўлжасидан чангаллари қон.

Мағлуб кўзин узди оч қузғундан у,
Теварак-атрофга боқди мунғайиб.
Нотавон қалбида алам ва ғулу,
Харсангга бошини қўйди мункайиб.

Зуғум ва аламдан дилидир хуфтон,
Ҳаёт ҳақиқатин тан олмас сира.
Ўзини ҳақман, деб, ўйлар бегумон,
Адолат кўзгусин қилмоқчи хира.

Қора булутлардан ўрнатиб чодир,
Ўлкага боқмоқни истар туйнукдан.
Гарчанд пашшадан фил ясашга қодир,
Умидвор — шудгорда ётган қуйрукдан.

У, ҳамон санайди чучварани хом,
Ҳаёт ғилдираги кетга айланмас!
Шиддат билан олға елади мудом,
Ҳеч бир куч изига қайтара олмас.

Эл-юрт қаршисига учрар бир замон,
Тузлиқни хор қилса — ким ичиб тузин.
Кимда-ким халқ мулкин айласа талон,
Надомат чоҳида кўради ўзин.

Кимки зулм солса халқнинг бошига,
Қилгусидир ўзин ер билан яксон,
Халқни ёншон қилса алам тошига,
Бу тошлар ўзига теккай бегумон.

У — мажруҳ, харсангдан кўтарди
бошин,
Ҳазар қилиб қочди ундан қузғун ҳам.
Юзидан сидирди аччиқ кўз ёшин,
Қалбини эговлаб емиради ғам.

Чаёндек чақмасди ўзин сўнгги дам,
Эл қатори яшаб, элдек юрганда.
Домига тортмасди уни жаҳаннам,
Заминдан томири узилмаганда.

Зулматга кўмилган ён дараларда
Ивирсир кимсалар — унга ўхшашлар.
Адолат ҳукмига қилгандек зарда,
Ҳаёт сабоқини, афсус, укмаслар.

Тоғдан нидо келди, даҳлсиз одам
Бақрайди, кўзлари чиқиб чаноқдан.
Ёқавайрон боқди нопок тўда ҳам,
Кўнгли фиғон чекиб ғам ва қийноқдан.

Ўзини урмоққа топмай бир туйнук,
Жиноят ғомида қолдилар танҳо.
Элга боқай деса — юзлари қуюк,
Айбини тан олса — тортгуси жазо.

Талвасага тушиб улар даҳшатдан,
Ўзларин урдилар бўҳтон ғорига.
Гадодек тентираб, гангиб ваҳшатдан,
Кирдилар туҳматнинг қароргоҳига.

Туҳмат тутди маҳкам ётлар бўғзидан,
Деди «Қилманг ёруғ кунларимни шом».
Яна деди, олов чиқиб оғзидан:
«Қочиб қутулмассиз — оёқларда дом».

Сўнгра ғазаб билан қувиб чиқарди,
Маҳкам қулфлаб олди қора маконин.
Илон ини бўлса, бошин тиқарди
Нотавон кимсалар, ҳовучлаб жонин.

«Чинорлар» илдизи емирилди лек,
Кўз етмас тубларда қолдиғи омон.
Қайта амал олар, қараб турсак тек,
Қуритмасак агар уни батамом.

Баъзи сохта шуҳрат соҳиблари шод,
Омон қолдик дея кўнгли тўқ, мамнун
Кишилик шаънига келтириб иснод,
Шахсий манфаатни қўярлар устун.

Нопоклар қилмоқда покларни бадном,
Бошида чақмоқда бўҳтон ёнғоғин.
Нопокдан ҳайиқиб яшар не одам,
Синдирмасдан унинг иғво таёғин.

Зеро, ҳақиқатни айтмасдан юзга,
Бош эгиб турмоқни қилганмиз одат.
Бу иллат тикандек ёпишиб бизга,
Қадр-қимматимиз айлади ғорат.

Ақлу идрокимиз бўлиб раҳнамо,
Халқимиз қаддини кўтарди баланд.
Ўлкамиз ҳавосин қилиб мусаффо,
Қалбларга жасорат айлади пайванд.

Фош бўлиб оқибат мунофиқ тўда,
Пардаси йиртилди нуқсонлар юзин.
Шармисор этилиб не тирик мурда,
Эгилган Ҳақиқат тик кўрди ўзин.

Ёғ босган кўзимиз очилди ногоҳ,
Оёққа қалқиди адолатгўй дил.
Кўрдик: ништарини олмаса жарроҳ,
Эски яраларни тузатмоқ мушкул.

Ютуқлар олдида эсанкираб, биз
Унутиб қўйибмиз ўзлигимизни.
Нопоклик кундан-кун отганда илдиз
Шон-шуҳрат маст қилиб қўйибди бизни.

Фикру ўйимизда Истиқлол рухи,
Муқаддасдир ҳар кун, ҳар бир онимиз!
Тўтиёдир кўзга унинг шукуҳи,
Токи, томирларда урар қонимиз!

Улуғвор ишларга қодир замонда,
Икир-чикир билан қотирмасдан бош,
Ижод шижоати жўш урса қонда,
Буюк зафарларга бўлгаймиз йўлдош.

Янги аср бу кун эшик қоқмоқда,
Балоғат ёшида дуркун бир авлод.
Полапон орзулар қанот қоқмоқда,
Парвозига фидо бутун коинот.

Поклик — мусулмонлик фазилатимиз,
Иймон-ла яшамоқ керакдир — халол!
Уни шиор қилса ўғил-қизимиз,
Кафти узра тутар нурли истиқбол.

Эзгу тилак билан бирлашса қўллар,
Бизлар забт этмаган довонлар қолмас.
Биз томон туташса жаҳоний йўллар,
Тинчлик сафларини ғаним бузолмас.

Юртимиз Истиқлол имтиҳонида,
Тоғни кўтармоққа қодир елкамиз.

Бу улуғ давроннинг ҳар бир онида,
Шонларга йўғрилар улуғ ўлкамиз.

Зафарли истиқлол кутмоқда бизни,
Шарафлар ёр бўлғай, комил имоним.
Кимки, эъзозласа тупроғимизни,
Унга йўлдош бўлсин, Ўзбекистоним!

1986

КИМ СОКИН ЯШАЙДИ ЎЗБЕКИСТОНДА?

Она юрт биламан, ташвишларинг кўп,
Зиммангда улуғвор юмушларинг кўп,
Бағрингда олтину кумушларинг кўп,
Кўп бўлса ишқибоз сенга жаҳонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Сен бугун замонлар имтиҳонида,
Музаффар бурилиш жараёнида,
Бунёдкор жабҳалар зўр майдонида,
Ислоҳот кўндаланг турган давронда
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Даврimиз барчани кўздан ўтказар,
Дон донга, сомони сомонга чиқар,
Тупроқ ичра, аммо, йўқолмас гавҳар,
Даврга мосланса айёр бир онда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Иғвогарлар изғиб қолса бу айём,
Туҳматлардан солса оёқларга дом,
Гулоб деб, оғудан узатсалар жом,
«Имзосиз хат»лардан зада маконда
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Одамлар ҳайиқса бири-биридан,
Айбини қидирса тирноқ киридан,
Дўст огоҳ бўлмаса дўстнинг сиридан,
Оқибат йўқолса дўст-қадрдонда
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Бекорга ётмайди қуйруқ ёбонда,
Шернинг юраги ҳеч бўлмас қуёнда,
Ким тулки, ўз бошин кўрар қопқонда,
Юлғичлик-чирмовиқ бўлса бўстонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Пахта деб, халқимиз билмаса ҳузур,
Чаноққа тўкилса кўзидаги нур,
Турмуш аравасин судраса базўр,
Она-ер қисмати қолса деҳқонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Осуда яшашга тополмай имкон,
Турмуш азобидан юрак-бағри қон,
Тақдирнинг ҳукмига кўтариб исён,
Аёллар оловда ёнган замонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Бемаза қовушнинг кўпдир уруғи,
Текин даромаднинг қабиҳ йўриғи,
Қаллобнинг яхшидир боридан-йўғи,
Диёнат учқуни бўлса виждонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Сохта обрў-шараф пайида адиб,
Турли унвонларни тиланиб олиб,
Хос фикрин айтолмай, турса мўлтайиб,
Шўр адиб имонин сотган замонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Мозийга отилса палаҳмондан тош,
Кўзини чиқарса, қўяман деб қош,
Бошоқдек эгилса хижолатдан бош,
Адолат лангари қолса нодонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Донолар курганда улуғ анжуман,
Дон қолиб, сомонни титса «Ёсуман»,
Фикрат осмонини қопласа туман,
Гумонлар қуюни кўпса хар ёнда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Ижод аҳли аро солинса нифоқ:
Бирин қора этса, бирин эса оқ,
Тўғрилик бошида чақилса ёнғоқ,
Эгрилик қаддини тиклаган онда
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Ҳақсизлик тиғлари тилса жонларни,
Зуғум эулуклари сўрса қонларни,
Тазйиқлар синдирса пок инсонларни,
Умидлар кул бўлса эркин замонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Эл мулкин ўмарса очкўз аждаҳо,
Оқ юзга нафс қўли суркаса қаро,

Гурзи бўлиб ёрса бошни можаро,
Ҳақиқат ердамас, бўлса осмонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Ўзга ғамни қўйиб, еса ўз ғамин,
Элу юрт мулкидан тўлдирса камин,
Нафаси учирса диёнат шамин,
Худбинлик авжига чиққан давронда
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Гарчи бир халқ ўғли — миллати улкан,
Шаҳаркашлик қилса бир-бири билан,
Дунёда иллат йўқ бундан хам тубан,
Дарз кетиб, инграса юрак фиғонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Ўз қавмин қўлласа соҳиби даврон,
Ўзгага: кимсан, деб боқмаса ҳамон,
Улуснинг қадрини айласа яксон,
Мард қолиб, от чопса номард майдонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Дўппию гўн кийма деса бир маккор,
Дин аҳлин таъқиблаб, қадрин этса хор,
«Муқаддас» аталиб, кесилса чинор,
Осори атиқа гирён тўзонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Тамагир аҳлининг келса даврони,
Суяксиз тил бўлса ҳийла гаврони,
Қуюшқондан чиқса тузлар фармони,
Ҳақиқат урокдек эгилган онда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Ҳаёт бешигини тебратган башар —
Жонига қасд этса ажнабий аждар,
Эл қонин ичмоқдан қилмаса хазар,
Хавф-хатар домида турган жаҳонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Бу масъул дамларда қилмасдан парво,
Барча тинч яшаши мумкиндир, аммо,
Зиёлининг бунга ҳаққи йўқ асло,
У — элнинг юраги, жони туғёнда,
Хеч сокин яшолмас Ўзбекистонда?

Эй сиз, ақли санъат, аҳли илму шеър,
Жанговар жабҳада бўлинг мисли шер,
Улуғ бобонгиздир сизнинг Алишер,
Ўт сўзли бўлингиз, ўт сўнса қонда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

Она юрт! Эртангдан кўнглинг тўқ бўлсин,
Дўстинг кўп, душманинг мангу йўқ
бўлсин,
Шодлигинг денгизу қахринг ўқ бўлсин,
Муштумзўрлар хукм сурган давронда,
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда?

1986

ЭЪТИҚОД

Эътиқоди мустаҳкам, бардошли
кишилармиз,
Чинордек дош бергаймиз довулу
бўронларга.
Қалбимиз нафас олмас замон
ташвишларисиз,
Кўзимиз интизордир осуда давронларга.

Шундай кунлар келади — ишонаман
муқаррар,
Бизга қасд этганларнинг қовоқ боши
бўлгай паст.
Осуда яшамоққа халқлар бўлгай
муяссар,
Қора кўнгил кимсалар дил уйи егай
шикаст.

Улуғ халқимиз толмай бахтин қидириб
яшар,
Гарчи бу олам аро бахт деганин ўзи йўқ.
Бахт деган тушунчани ҳар ким ҳар хил
тушунар,
Элу юрт тинчлигидан юксак бахт
юлдузи йўқ.

Жаҳон узра кезаркан урушнинг
ваҳимаси,
Башарият ўзини санай олмас бахтиёр.
Қўшиқ бўлиб янграсин ЭРК, Тинчлик
калимаси,
Келажак тонгларига инсон боқсин
ғолибкор.

Ҳаёт қадрига етмас калтабинлар оз эмас,
Қўғирчоқ қилиб ўйнар инсонлар
қисматини.
Сўзи бошқа, иши бошқа ақлини еган
галварс,
Хусуматда йўқотди инсонлик
хислатини.

Эркимиз, фикримизни қилмоқ керак
ҳимоя,
Бир қаттол амри билан оёқ ости
бўлмасин.
Уруш хавфи калхатдек солмасин бошда
соя,
Ядролар гирдобида хаёт гули сўлмасин.

«Юлдузаро урушлар» ғояси топсин
барҳам,
Бетонгўрда чирисин қанотли ракеталар.
Дунёни оч комига тортмоқ бўлур
жаҳаннам,
«Ҳаёт-мамот» жангининг жабҳасида
қитъалар.

Афросиёб наслидан музаффар
аждодимиз,
Қонимизга сингиган сут каби пок
эътиқод.
Бу улуғ эътиқодга содиқдир авлодимиз,
Оталари яратган Ватанда чекмас фарёд.

Эътиқодли фарзандлар қисматида
бу дунё,
Тоғни ҳам ўз ўрнидан қўзғатмоққа
қодирлар.
Керак бўлса, Ватанга жонини этур фидо,
Қалбини бомба қилиб ёв устига отурлар!

1986

УРУШДАН УЗОҚДА

Урушдан узоқда яшардик ночор,
Хонадон йўқ эди уруш кирмаган.
Томири зирқираб турарди чинор,
Дарахт йўқ, ғам тиғи шохин қирқмаган.

Ҳаёт рутубатли: қаҳри қаттиқ қиш,
Баҳорни йўргакда урарди совуқ.
Меҳри иссиқ ёзда кўп эди ташвиш,
Куз кўксин яралаб қиш узарди ўқ.

Қишлоқлар хувиллаб қолган эрларсиз,
Аёллар таянчи чолу ўспирин.
Қишлоқ нафас олар жўмард шерларсиз,
Нафратин ўқ қилиб ясайди қирғин.

Аёллар қўш ҳайдар — қўлида гаврон,
Ҳўкизлар толиқиб судрайди омоч.
Чориқ билан шудгор кечар, нотавон,
Омочга таянган танлари оғоч.

Чолларнинг қомати гарчи ёйсимон,
Даладан қайтмайди қўнса ҳамки шом.
Кифтида залвардек пахта билан дон,
Урушнинг дудидан уйқуси ҳаром.

Болалар рангпару бардоши маҳкам,
Азоб-укубатдан синмаган руҳи.
Оталар юкини кўтарар ўктам,
Бошини эголмас уруш андуҳи.

Кампирлар тебратар ғариб рўзғорни,
Неваралар билан чувийди кўсак:
Келинлар кўнглидан ювиб ғуборни,
Ҳижрон тунларида ёнида тиргак.

Урушдан узоқда уруш тақдири:
Жангдадир бутун эл, жангдадир Ватан.
Қиндан суғурилган қасос шамшири,
Элу юрт жангдадир бир жону бир тан.

Ўзи емай-киймай жўнатар жангга,
Ғалаба тонгига кўзи интизор.
Ёвга сичқон ини бўлса минг танга,
Эрийди кўнглини босиб ётган қор.

Ногирон аскарлар қайтар урушдан,
Кўчани йиғлатди ёғоч оёқлар.
Бир қўли йўқлар ҳам қочмади ишдан,
«Қорахат»лар санчди дилга пичоқлар.

Элу юрт кўзида умид ва нажот,
Қасос ўти билан ёнарди бағир,
Уруш ғами билан кечарди ҳаёт,
Урушдан узоқда, урушдан оғир.

1986

УЙҒОНИШ

(Навқирон адибларга)

Янги авлод туғилмоқда чақинлар
оташида —
Инқилобий ислоҳотнинг довюрак
жарчилари.
Иродаси тобланмоқда Ҳақиқат қуёшида,
Адлсизлик занжирини узмоқда шер
сингари.

Юрак билан жавоб бериб даврнинг
садосига,
Ҳақиқат учун жонини қўймоқда зўр
гаровга.
Виждон билан исён қўзғаб ҳақсизлик
балосига,
Жангчи каби кўкрагини тутмоқда
ўт-оловга.

Ҳукм суриб келган даврон низомларини
бузиб,
Жаҳаннамга ирғитмоқда эски
русумларини.
Имонсизлик дарахтини томири билан
узиб,
Тузатмоқда жамиятнинг носоз
қусурларини.

Ижтимоий адолатни этмоқ учун
барқарор,
Ижодиёт дунёсида инкишоф қилмоқ
учун,
Янги даврон минбаридан сўзламоқда
жанговар,
Улуғларга ўргатмоқда Ҳақиқат дарсин
бугун.

Меҳнаткашмас, раҳбар эди асарлар
қаҳрамони,
Мансаб деган асов тулпор эгарин
безаганлар.
Энди эса дилга эгов — адиблар
пушаймони,
Бармоғини ўқ қилмоқда бирга асал
еганлар.

Ёши улуғ аҳли қалам сийлов кўрди
доимо,
Ҳақиқатга кўл узатди дили, тили
поклари.
Ҳадик босган юрагида турли ташвиш ва
ғавғо,
Топиларми ушбу дамда устознинг
сабоқлари?

Унутилмас сабоқдир бу навқирон авлод
чун,
Сехргардек яшаб келди ниқоб кийган
кимсалар.
Қабиҳ парда йиртилдию юзи кўринди
бутун —
Милён-милён акча ютган меш қоринли
тимсоҳлар.

Янги авлод уйғонмоқда уқалаб
кўзларини,
Келажакнинг умидлари яшар мурғак
жонида.
Ҳақиқатнинг аскари деб билмоқда
ўзларини,
Истиқлолий ҳайқириқлар бонг урар
виждонида.

Баъзи зотлар бу авлодга шубҳа кўзин
тикмоқда,
Ҳаёт чизган чизиғидан оғишди,
демоқдалар.
Ёш қалбларга кину ҳасад уруғини
экмоқда,
Истеъдоднинг фарзандини тириклай
кўммоқдалар.

Дарё бўлиб оқай деса йўлин тўсар
тўғондек,
Юлдуз бўлиб чақнай деса булут каби
солар чанг.
Булбул бўлиб сайрай деса ёпирилар
тўзондек,
Шогирд бўлиб устоз деса орқасидан отар
санг.

Ким мунофиқ, замонасоз, айёр,
диёнатфуруш,
Хира пашшадек кўринар ўзгариш
манзарида.
Ё мансабин рўкач қилган қаллоб
сиёсатфуруш,
Қадри йўқдир мис чақадек ёш авлод
назарида.

Фиғон ичра яшар жони жайдари
кадрлардан,
Югур деса — югуради, билмайди нима
учун?
Аммо дилда умиди зўр раҳнамо
кабирлардан,
Инсон, ахир, туғилмайди фақат ваҳима
учун.

Сафарбарлик эълон қилди янги авлод
бу дамда:
Адабиёт ва санъатда ислоҳот қилмоқ
ният.
Неча йилдир ўзбек насри яшаб келди
ҳашамда,
Янги фикр, янги кучга муҳтож бугун
шеърият.

Янги мазмун, янги шакл, янги услубга
муҳтож,
Истифода қилинмасдан ётар сўз
хазинаси.
Янги ва мард истеъдодга сезмоқда у
эҳтиёж,
Нурли қалам тегмай турар шижоат
саҳифаси.

Сўз қасрининг пештоқига қадамоқ учун
байроқ
Имон билан қалам тутган инқилобчи
ёш насл,
Даврон келди — овозингиз бўлсин яна
баландроқ,
Ислоҳотдан иборатдир ҳаёт ўзи
муттасил.

Долзарб дамда ислоҳотни кимки айласа
ниқоб,
Худбинликни шиор этса, шаънингизга
тушар доғ.
Ундоқ кимса сизга дўстмас, сўз
мулкида бир қаллоб,
Ёки ижод кишварини ҳавас қилган
қора зоғ.

Улуғлар қазиган ариқ сувидан қонмай
чанқоқ,
Янги ариқ очинг тезроқ эл-юрт
баҳраманд бўлсин.
Ўнқир-чўнқир йўлдан кечинг, қочинг
учраса сўқмоқ,
Катта йўлда жавлон уринг, барча
орзуманд бўлсин.

Сизни ислоҳ қилмай даврон, давронни
қилинг ислоҳ,
Ўт жабҳада бўлинг доим Ҳақиқат
мардонаси.
Юрак сўзин айтиб қолинг — халқимиз
бўлсин гувоҳ,
Яна қайтиб келмас, балки, Ҳақиқат
замонаси!

1986

ҲАҚИҚАТ СЎЗИ

Тарих бўлиб қолган ўтган йилларни
Қайтадан яшамоқ мумкинмас, қардош.
Ўтган хатоларни, ўтган йўлларни
Тафтиш қилиш билан қотирамиз бош.

Биринчи галдаги зўр вазифамиз:
«Қайтадан яратмоқ ўтган тарихни».
Ишимиз қолмагай ҳеч натижасиз,
Тарихга бергаймиз янги таърифни.

Қайтадан ёзамиз солномаларни,
Тафтишга учрайди қомусимиз ҳам.
Англадик кўнгли кир алломаларни,
Таҳрир қилинмаса номусимиз ҳам.

Устамиз ислоҳот ясашга сўзда,
Амалда — тарихга ғаркдир бошимиз.
Бугунни кўрсатиб ялтироқ тусда,
Заминда йўқ деймиз тамал тошимиз.

Бугун бош кўтариб қолган кишилар
Эллигинчи йиллар мансабдорлари.
Отдан тушса ҳамки, тагида эгар,
Тилида ясама халқ шиорлари.

Қотиб қолган эски фикрларга қул,
Чизган чизиғидан чиқмаса башар.
Қанот ёйган янги фикрлар тугул,
Навқирон наслни англамай яшар.

Ўрним бор тарихда деб қилар даъво,
Пашшадан бир зумда ясашади фил.
Менсиз чиқмасин дер қомус, солнома,
Арқон дейди, гарчи осилгани — қил.

Шу йўсин янгидан тарих битамиз,
Гўрга кўмган каби эски тарихни.
Чангу ғубор ютиб китоб титамиз,
Қайда хатоси, деб чин муаррихни.

Баъзи алломалар кўзи мўлтайиб,
Ўтган йилларини қилди тошбўрон.
Бошқалари қулоқ солди сўлжайиб,
Хатолардан холи яшагансимон.

Ўлтирар бўйнини ичига тортиб,
Хатоси очилиб қолишдан қўрқар.
Вақт ўтди — тишлари тоғни қўпориб,
Энди жар бўйида қалтираб турар.

Бу машъум фожини неча йил бурун
«Адашган кема»да[1] айладим тасвир.
«Зўр асар!» деди-да, бир ақли узун,
Ачинди: «бошингиз кетмаса, тақсир».

Таажжуб бармоғин тишладим ҳайрон,
Ҳақиқий ҳолатни этсам-да, рақам,
Подадан олдин чанг кўтарган, ҳамон
«Дўстона маслаҳат» берар баъзи дам.

Ўзимиз айбдор: сўзламадик чин,
Ёлғон билан раҳбар кўнглин хушладик.
Чумчуқни чумчуқмас, биз дедик лочин,
Мансаб жиловини маҳкам ушладик.

Ўтган хатоларга барча дахлдор,
Ундан четда турган бирор киши йўқ.
Ҳақиқат олдида бирдек жавобгар,
Ўн қалб яра бўлур тегса битта ўқ.

Энди қидирамиз ҳар хил баҳона,
Оқ қилиб кўрсатмоқ мақсаддир ўзни.
Айбимизни айтмай, очиқ, мардона,
Турли томонларга бурамиз сўзни.

---

[1] Шу номдаги достонга ишора

Ўтмишни ёмонлаб тортамиз наъра,
Тарихга гўнкаймиз гуноҳни бутун.
Эл гувоҳ: кўзи-ла кўрди минг карра,
Яна бугун уни алдамоқ нечун?

На чора? Тарихга отмоқдамиз тош,
Шубҳа-ла боқяпмиз баъзан ютуққа.
Қардошлар олдида хижолатда бош,
Бир элнинг хизмати чиқмасин йўққа!

Долзарб масалалар турар кўндаланг,
Тарихни титкилаш энди етар, бас!
Ўтган кунлар билан бош бўлмай гаранг,
Янги даврон билан олингиз нафас.

Тиниқсин, тегмангиз тарихга зинҳор,
Ўтган хатолардан лек олинг сабоқ.
Тарих — келажакка мангу дахлдор,
Авлодлар эҳтиёт қилса яхшироқ!

1986

САРБАДОРЛАР

Озодлик уруғин дилга экканлар,
Истибдод дарахтин шохин букканлар,
Эрк учун бошини дорга тикканлар,
Эзилган элларга яловбардорлар,
Сарбадорлар, қон-қардош биродарлар!

Ўлмаган — рухингиз ҳамон тирикдир,
Мозий чироғига гўё пиликдир.
Эркнинг қароғига посбон киприкдир,
Истиқбол йўлида муқаннаворлар,
Сарбадорлар, исёнкор биродарлар!

Олти асрдирки, ўчмас номингиз,
Томирларда кезар олов қонингиз,
Тарихларни безаб турар шонингиз,
Мангулик шарафга умри пойдорлар,
Сарбадорлар, эркпарвар биродарлар!

Ажал заҳрин сочди каттол мўғуллар,
Чопилди-кесилди бош, оёқ, қўллар.
Улуснинг қонидан ясалди кўллар,
Ёнғинда кул бўлди, қишлоқ, шаҳарлар,
Сарбадорлар, жафокаш биродарлар!

Чингизхон макридан барри доғланган,
Зулм занжирига шердек боғланган.
Саодат жангига эрдек чоғланган,
Бало-офатлардан қўрқмас шунқорлар,
Сарбадорлар, довюрак биродарлар!

Гарчи ватанингиз шаҳри Сабзавор,
Кўҳакда ҳам қўпди насли сарбадор,
Ёв билан олишди минглаб найзакор,
Зулумот тонгида чақмоқбардорлар,
Сарбадорлар, ватандош биродарлар!

Миришкор деҳқонсиз, гул
ҳунармандсиз,
Муқанна, Широққа чин жигарбандсиз,
Душманга бўйсунмас алп Самарқандсиз,
Спитомендек жўмард ватанпарварлар,
Сарбадорлар, ҳамшаҳар биродарлар!

Золим босқинчилар этилди тор-мор,
Адолат машъали ёқилди такрор,
Эл сезди ўзини эркин, бахтиёр,
Зиндонлар бузилди, қулади дорлар,
Сарбадорлар, олқишга сазоворлар!

Душман чиқди, аммо, ўз ичингиздан,
Дилни қурум босди севинчингиздан,
Ғафлатда айирди қиличингиздан,
Садоқат кўзига санчилди хорлар,
Сарбадорлар, жонажон биродарлар!

Сиз билан курашда бўлгали яктан
Конигилга қўнди қўшин дафъатан,
Дўст бўлиб кўринди сизга нисбатан,
Қўйнингизга кириб олишди морлар,
Сарбадорлар, алданган биродарлар!

Гарчи яшасак-да, эркли замонда,
Қонингиз оловдек ёнадир қонда,
Сарбадор насли дер бизни жаҳонда,
Ватанда бор, аммо қисмати хорлар,
Сарбадорлар, қадрдон биродарлар!

1986

МЕЗОН

Вақт — одил мезон, паллалари тенг,
Янги давр — унинг тарозибони.
Бирида адолат тошлари унинг,
Бирига қўйилар инсон виждони.

Қайси тош босади: адл ё виждон?
Ёки шайинлари келар баробар.
Шунга қараб ҳукм чиқарар даврон,
Покни нопоклардан ажратиб олар.

Ҳаётнинг азалий русуми билан
Синовдан ўтказар ҳаммани замон.
Бу усул даврга жуда қўл келган,
Ўзини мукаммал англар ҳар инсон.

Виждонини қўйиб Вақт мезонига,
Давр кўзига тик боқар бебоклар.
Адашиб қаллоблик чанг-тўзонида,
Мезондан ҳайиқиб яшар нопоклар.

Давр нафасини ҳамон англамас,
Ўткинчи шамол деб ўйлашар бекор.
Дўлу қор ёғса ҳам олтин зангламас,
Соф виждонли киши бўлмас гуноҳкор.

Мезонга қўйингиз имонингизни,
Шайинлар тенглашар виждон бўлса пок,
Тоза деб оқламанг виждонингизни,
Адолат тош босмас гар бўлса нопок!

Вақт — одил мезон ҳам олий ҳакам,
Қочиб қутулолмас ундан тирик жон.
Зулматдек босмасин дилингизни ғам,
Энг мушкул кунларда синалар инсон.

Бундан оғирига ҳам у берган бардош,
Елкаси ғам тоғин қўйса, чўкмаган.
Адолат йўлида хеч эгмаган бош,
Хоинлар қошида тизин букмаган.

Симоб сувда, олтин ўтда билинар,
Халқимнинг виждони одил мезонда,
Ҳақиқат синмайди гарчи эгилар,
Ўз юзин кўрсатар барча бу онда!

1986

БАЙРОҚДОРЛАР

Байроқдорлар элтди ғалаба томон,
Энг оғир дамларда чекинмади, йўқ.
Талафотсиз бўлмас уруш ҳеч қачон,
Ким юрса олдинда олиб кетди ўқ.

Орқада юрганлар қолдилар омон
Ё кечроқ ҳаётга дедилар видо.
Қўрқоққа зиндондек туюлди жаҳон,
Ботирга жилмайди зафар доимо.

Байроқни сақлади ўзи ўлса ҳам,
Бағрига яширди юраги каби.
Душманга тушмасин дея сўнгги дам
Бомба бўлиб ёвга отилди қалби.

Байроқлар тушмади душманга асир,
Гарчи байроқдорлар бўлишди қурбон.
Омонлик уйида асради тақдир,
Эл ғолиб юрсин, деб байроқлар томон.

Урушда билимдон, довюрак солдат
Байроқ кўтармоққа бўлур сазовор.
Ҳаётда баъзида: чаққон, хушқомат,
Тамагир кимсалар бўлур «байроқдор».

Улар қай томонга бошласа йўлни,
Ишониб, изидан оқур халойиқ.
Оғмачи деб хато ўйлашар элни,
Эл собит, қахридан омон қолган йўқ.

Эй, халқим, ўзлигинг энди таниб ол,
Кетидан югурма кимки байроқдор.
Жангчи байроқдордек ўз постингда қол,
Қалбингда тош эмас, чақнар чақмоқлар.

Алданганинг етар, кўзингни очгил,
Сен қачон имонинг сотгансан зарга?
Ўзинг она юртга чин байроқдор бўл,
Ишонма, ясама «байроқдорлар»га!

1986

СИРК

Найрангбоз маймунлар бўлди масхара,
Олқишга кўмилди чавандоз эрлар.
Мадонга бир аёл чиқди — тасқара,
Амрида: қафасга солинган шерлар.

У, ярим-яланғоч — қилар таманно,
Илондек билтанглаб кўрсатар ҳунар.
Темир қафасларни очиб шу асно
Ҳавони кесгандек қамчи ўйнатар.

Қафаслардан чиқар шерлар солланиб,
Ёт деса — ётишар, тур деса — турар,
Аёлнинг измидан чиқмас, мосланиб,
Оловли халқадан сакрашиб ўтар.

Бир парча хом гўшт-ла сийлаб ҳар замон,
У, шерлар кўнглини қўяди хушлаб.
Қарсакдан қўлини тийиб, нотавон
Оломон боқади жонин ҳовучлаб.

Ҳаёт — сирк эмасдир, аммо, бир аёл
Ёткизиб турғизар эрларни алҳол.

1986

ХОНАДОН

Осуда яшарди улкан хонадон,
Гарчи юмушлари кўп эди унинг.
Бирор гапи чиқмас эди хонадан,
Фарзанди эдилар қувончли куннинг.

Меҳмон келса — меҳри эди садаға,
Ўзи емай, тутар эди меҳмонга.
Бири ини бўлса, бириси оға,
Жонини берарди сахий мезбонга.

Йўқ эди ўртада ётлик белгиси,
Бириси кўз эди, бириси қабоқ,
Дилларда жўшарди дўстлик севгиси,
Толеи хур эди, иқболи порлоқ.

Отаси сўзидан чиқмай, ўғлонлар,
Меҳрини кезониб вояга етди.
Йигитлик чоғида қилиб туғёнлар,
Бокира қизларга ишқ изҳор этди.

Келинлар файзидан яшнаб хонадон,
Барини кенг очди чақалоқларга.
Энди... гап ўрмалаб чиқди хонадан, —
Тўкилди сирмасдан гул қучоқларга.

Ташвиш селин босди соҳиби хона,
Бир кемага тушди қуда-кудағай.
Меҳр чироғига бўлиб парвона
Дедилар: бирлашсак тоғ ҳам қулагай.

Ва лекин чўп тушди аяган кўзга:
Хонадон соҳиби ўтди оламдан.
Фарзандлари тутди барини музга,
Келинлар кўк либос кийди мотамдан.

Улуғ хонадоннинг оқил бекаси
Таянч тоғи қулаб қолди бепаноҳ.
Тўфонга учради ҳаёт кемаси,
Вайрона бўлгандек мунаққаш даргоҳ.

Низо чиқди, аммо келинлар аро,
Пуфлашди ётликнинг оловларини.
Мерос талашгани бошлаб можаро
Қудалар қўзғади куёвларини.

Дўстлар меҳри билан обод хонадон
Файзи ўчган каби шодлик энди ёт.
Оға-ини зада, узилди меҳмон,
Ҳукмини ўтказар нотинч бир ҳаёт.

Эсин йиғиб олди, аммо фарзандлар,
Жонин аямади азиз онадан.
Дилларни-дилларга меҳр пайвандлар,
Ота руҳи билан яшар хонадон.

1986

ЗАМОНАСОЗ

Умр йўли равон эмас, паст-баланд,
Қинғир-қийшиқ сўқмоқлардан иборат.
Лек довулу бўронларга бериб панд,
Қоқилмаган, замонасоз, «аломат».

Эҳтиёткор, билиб босар қадамин,
Оёғига, ҳатто, тикан кирмаган.
Жарлик келса, ўтказган-да маҳрамин,
Хавф-хатарли йўлдан ўзи юрмаган.

Обрў топган, хизмат қилиб раҳбарга,
Териб юрар олди-қочди гапни у.
Донғи кетган писмиқ дебон шаҳарга,
Ер ўпади, бошлиқ келса рўбарў.

Амал деса — ўзин ташлар жарга ҳам,
Дўстини ҳам сотиб кетар бир пулга.
Айғоқчидек гап ташийди барга ҳам,
Минбар тегса, дарс беради булбулга.

Ҳеч кимсанинг айбин айтмас юзига,
Мусичадек ювош тортиб ўлтирар.
Бошин эгиб, қулоқ солар сўзига,
Мисли укки, шум кўзлари мўлтирар.

Улуғларга бўлиб доим ҳамнишин
Ҳанузгача сўзин икки қилмаган.
Хамирдан қил суғургандек ўз ишин
Тўғрилаган, ўзгаларни билмаган.

Ўз одами бўлса жонин аямас,
Ҳимояга кўксин қалқон этади.
Бегонани йиқилса ҳам суямас,
Мағзини еб, пўчоғини титади.

Беозордек кўринса-да, у гарчанд
Кулча бўлиб ётар илон ичида.
Аҳли тама қилар унга жон пайванд,
Зуваласи пишган фитна печида.

Шунинг учун омон чиқди синовдан,
Диёнатин сотиб зўрға қутулди.
Вале бугун қуруқ қайтди у овдан,
Боши узра гўё қуёш тутилди.

Тутилса-да, қуёш бироқ кораймас,
Яна қайтар, балки, кетган обрўси.
Бу кенг дунё унинг учун тораймас,
Замонасоз, калбида мўл «орзуси».

1986

БУҚАЛАМУН

Вазифаси қийин унинг, табиат
Яратибди пешанасин шўр қилиб.
Жонзотларга бўлолмасдан ҳамсуҳбат,
Дарахт узра яшар ўзин шер билиб.

Бу дунёда бошга тушмас не савдо,
Ҳар балодан омон чиқар, устомон.
Бир кунда минг турланади, беибо,
Наштарида заҳри ҳаёт — сақлар жон.

Шароитга мослашмаса, илож йўқ,
Ҳаёт уни солиб қўйган шу кўйга.
Лек умридан нолимайди, кўнгли тўқ,
Гарчи хунук, хавас қилмас хушрўйга.

У заҳарлаб ўлдирди не жонзотни,
Ғам чекмади, қилмишидан яшнади.
То тирикдир, билмас ўзга ҳаётни,
Дунё шундоқ яралган деб яшайди.

Буқаламун янглиғ ҳаёт боғида
Айшин сурар баъзи шахслар лек ҳамон.
Яшамаслар гарчи дарахт шохида,
Минг турланиб, судралурлар бу даврон.

1986

НИМА ҚОЛАР БИЗНИНГ АСРДАН?

Адиб кезар Анҳор бўйида,
Руҳи синиқ, паришонхаёл.
Бир дўстининг бўлиб тўйида
Ўз кўнглига келтирди малол.

Тўй эгаси адиблар қолиб,
Кимларнидир ўтказди тўрга.
Елкасига адрас тўн солиб,
Гир айланди бошлари узра.

Ваъз айтдилар ўшалар яна,
Дарс бердилар назму насрдан,
Дедиларки, қуриб тантана:
«Нима қолар бизнинг асрдан?»

Нима қолар? Билмас ўзлари,
Лек тиллари узун ва бийрон.
Ёрилади пуфак сўзлари,
Санайдилар ўзни билағон.

Пуфак сўзлар ёрилсин, майли,
Юраклардан лек кетмасин дарз.
Бир совуқ сўз, иғво туфайли
Чиқармангиз икки қўлдан қарс.

Ўзгаларни деманг саводсиз,
Эр билади ҳамма ўзини,
Тама деса — гарчи омадсиз,
Юзга айтар адл сўзини.

Сиздек кўрқоқ, қуёнюракмас:
Мард бир ўлар, номард эса юз!
Тилёғлама бўлманг, керакмас,
Ўтиб борар умрингиз, афсус.

Нима қолар? Қотирмангиз бош,
Сизга қолган эмас бу юмуш.
Халқ билади, айлангиз бардош,
Ким олтину ким эса кумуш.

Бизни замон элакка солмас,
Ғалвирида элаб, ўтказар.
Ким ғалвирда қолар ё қолмас,
Олий ҳакам — замона билар.

Биздан қолар кўп эзгу нарса,
Балки, яна уч-тўрт шоҳ асар.
Назмимизда, кўп нари борса,
Беш-ўнта шеър етар муқаррар.

Эзгу нарса йўқолмас асло,
Қорачиғдек асрайди элим.
Бир фикрни ўйласам, аммо,
Даҳшат босиб, эзилар дилим.

Яна қолар ёт нарса фақат,
Авлодимиз сезмас бегумон.
Бу — йўқолган виждон, диёнат,
Қадру қиммат, инсоф ва имон!

1986

МУЛОҚОТ

Биринчи адиб:
Намунча қувасан унвон кетидан?
Ахир, унвонсиз ҳам булур-ку, яшаб.
Иккинчи адиб:
— Унвон бўлса, ҳеч ким олмас
бетингдан,
Ҳайъатга сайлашар унвонга қараб.

Биринчи адиб:
— Кўп-ку, унвон билан пастда ўтирган,
Бугун ҳайъатда-ку, унвонсизлар ҳам.
Иккинчи адиб:
— Улар ишларини энди битирган,
Қолгани унвонга даъвогар, ошнам.

Биринчи адиб:
— Ундан кўра ёзсанг яхшироқ асар,
Эҳтимол, олдинроқ олардинг унвон.
Иккинчи адиб:
— Асар кимга керак? Унвон бўлса гар
Катта ёзувчи деб санар китобхон!

1986

ҚОТИЛ

На қон тўкар, на олади жон,
Азроилдек турмас бошингда.
Айғоқчиси мисли сувилон
Пайдо бўлар ногоҳ қошингда.

Ханжари йўқ гарчи қўлида,
Тилидадир қиличнинг тиғи.
Ер ўпади барча йўлида,
«Амри вожиб» унинг буйруғи.

Кимки тортса буйруғидан бош
Минг азобга солар жонини.
Қийноқларга беролса бардош,
Жонин олар, тўкмай қонини.

Йўл қидириб қалбу фикрига,
Ишга солар бор хунарини.
Қувқўз билан боқиб зикрига,
Қўзғаб қўяр қовоқарини.

Қовоқари ўзи бўлиб бош
Ариларга чақтирар уни.
Чивинлар ҳам отар кесак, тош,
Нишон олиб қонли кўксини.

Тавбасига таянмаса у,
Фармойишин чиқарса йўққа,
Бўлсин дебон ҳаёт қоронғу,
Фикрларин тутади ўққа.

Мард фикрлар кўркмай ўлимдан,
Йиқилмасдан жон беради тик.
Қотил қасос олмоқда кимдан?
Фикрга ҳам энди йўқми эрк?

Бири ўлса, бир фикр, аммо
Исёнчидек турар оёққа.
Ҳайиқмасдан қотилдан асло,
Айланади шу он чақмоққа.

1986

СУВИЛОН

Бўлар-бўлмас кўзга кўринмайди у,
Сув остида яшар пинҳон, дилозор.
Балки, яралмасди бўлмаганда сув,
Ҳаёт этмиш уни қувкўз ва айёр.

Тегмасанг чақмайди — заҳрини ютар,
Сувдан бўйнин чўзар керакли дамда.
Бошин ликиллатиб, билтанглаб турар,
Сен нима ғамдаю у нима ғамда?

Чикора, ўз ишин тўғриласа, бас,
Бу — унинг ҳаётдан олган сабоғи,
Сувдан қуруқ чиқмоқ унга қийинмас,
Нима хизмат бўлса — қўлда оёғи.

1986

ИЛОН БИЛАН ИҒВОГАР

Дўзахнинг оловли дарвозасида
Учрашиб қолдилар икки содиқ дўст:
Иғвогар тиржайди жон тамасида,
Заҳар сочиб боқди — илон ташлаб пўст.

«Ҳа, ошна, йўл бўлсин?» — иғвогар
сўрди,
«Дўзахга!» — вишиллаб тўлғанди илон.
Иғвогар танига дармон югурди
Ва илон кўзига боқди нотавон.

«Ҳа, сенга не бўлди, ғамгинсан
мунча?» —
Илон сўрди ундан — тилида заҳар.
«Элга ҳалол хизмат қилдиму шунча,
Қадримни билмади», — деди иғвогар.

«Элдан озиб қаён борурсан энди?»
Иғвогарга боқди илон ғамандуз,
«Дўзахга!» — иғвогар тилдан тутилди,
Илоннинг бадани баттар бўлди муз.

Дўзахга ким олдин киради дебон,
Можаро қўзғалди — бошланди зўр жанг.
Кулча бўлиб олди қўрққандек илон,
Иғвогар солганда яқосига чанг.

Илон деди бошин чиқариб зўрға:
«Заҳарлаб ўлдирдим мен қанча жонни»,
«Йўқ, — деди иғвогар, — узатдим гўрга
Ҳаётда сендан кўп асл инсонни.

Сен чақдинг йўлингда дуч келган зотни,
Мен эса яхшисин танлаб, сўнг чақдим.
Кўзига қоронғи қилдим ҳаётни,
Лаънат тамғасини кўксига тақдим».

Илон мулзам бўлиб бошин беркитди,
Заҳарли тилини тортди ичига.
Иғвогар маломат тошин ирғитди
Ва кўксини тутди дўзах печига.

Иғвогар келди-да, бу жангда ғолиб,
Қах-қах уриб, дўсти бошида турди.
Пажмурда илондан гўё ўч олиб,
Биринчи бўлиб у дўзахга кирди.

Ва лекин шукуфта ҳаёт боғида
Яхши одамларнинг зурёди қолди.
Жаннатга киролмай, лаънат тоғида
Илону иғвогар фарёди қолди.

1986

АНДИША КЎЗГУСИ

Танибдики ўзини инсон
Юрагида яшар андиша.
Қадр боғин этиб гулистон
Садоқатга йўллар ҳамиша.

Ўтса ҳамки қанча замонлар,
Йўқолмади, у келди яшаб.
Меҳр билан боқди инсонлар,
Андишадан дил уйи яшнаб.

Пок кишига тош отса нопок,
Қўлларини ушлади маҳкам.
Жаҳл бошин эгди-да, бебок,
Эътиқоддан ичирди қасам

Оқибатни ўртага қўйиб,
Дилдан-дилга кўприк солди у:
Ўзи алам ўтида куйиб,
Одамларни дўст қилолди у.

Бир-бирини қилиб юз-хотир,
Дардларини ютиб ичига,
Яшаб келар одамлар — қодир,
Йиғи бўлмай дўст севинчига.

Бирига ғам тоғи қуласа,
Елкасини тутади бири.
Йиқилганда бири қўлласа,
Жардан олиб ўтади бири.

Бири юпун, бўлса яланғоч,
Ечиб берар бири тўнини.
Бири бўлса адо, қорни оч,
Ўзи емай, тўйғизар уни.

Йўқолгандан буён йўқчилик,
Тўйган сари эл қорни нонга,
Бўлган сайин юртда тўқчилик,
Киборларча боқдик инсонга.

Унутдик-да, ўтган кунларни,
Молу дунё билан қувондик.
Қайтмагай деб қора тунларни,
Корчалондек имондан тондик.

Оқибатни қўйдик унутиб,
Дилимиздан меҳр йўқолди.
Нафс балоси бизга йўлиқиб,
Худбинлик ўз йўлига солди.

Андишанинг кўзгуси синди,
Парчалари ботди юракка.
Ҳеч тузатиб бўлмагай энди,
Чиқмайлик биз қанча юксакка!

1986

* * *

Одам сайр этмаса бўстон бўстонму?
Эл дардин битмаса достон достонму?

Умр ганжин харж қилиб қурдинг
иморат,
Гар қадам етмаса ошён ошёнму?

Соҳиби дунёдир башар фарзанди,
Инсонга гул тутмаса даврон давронму?

Кун ҳаёт сарбони, онаси замин,
Ерни шод этмаса осмон осмонму?

Меҳр билан уйингни қилиб обод,
Дўст бўлиб кетмаса меҳмон меҳмонму?

Висол иқболини тутмайин дариғ,
Синовдан ўтмаса ҳижрон ҳижронму?

Ишқ боғини қилиб кўркам, дунёдан
Эзгулик кутмаса инсон инсонму?

1986

* * *

Боғ аро қўйсанг қадам
саҳни гулистон ўртанур,
Яшнатиб гул баргини
инжуда хандон ўртанур.

Товланиб товус каби
қилсанг агар нозик хиром,
Гул қошида барғи қон
булбули хандон ўртанур.

Кўрибон лаъли лабингни
волаю шайдо бўлиб,
Кўз ёшин дарё қилиб
лаъли Бадахшон ўртанур.

Ё фалакдин ерга тушган
Ҳулкару Зуҳромисан,
Ҳулкару Зуҳро дебон
мулки Хуросон ўртанур.

Эл сени билгай кўзининг
оқ-қорасидин азиз,
Оҳ чекиб ҳасрат ила
бебаҳра мужгон ўртанур.

Мен сени жонон, дедим,
жонимга жон бўлгин, санам,
Йўқса аҳволим забун,
жисмимдаги жон ўртанур.

Шавқ ила битди Барот,
ушбу ғазални, эй ғизол,
Тинглагин, ашъорида
қалби ғазалхон ўртанур.

1986

* * *

Ёна-ёна кул бўларман:
келмасанг ёнимга, ёр,
Кулмагин кул бўлди, деб,
раҳм айлагин жонимга, ёр.

Ёр, ёритгин манзилимни
шуълаи дийдор ила,
Йўқса, ёрим, қора тун бўлғай
бу ошёнимга, ёр.

Орзую армонларим
карвони сарсондир бугун,
Сен ахир сарбонисан,
боққил бу карвонимга, ёр.

Қилмагум номимни зар
бирла жаҳон овозаси,
Бас эрур гар нома келса
сендан унвонимга, ёр.

Гар сўзим бўлса шакардин
ҳам ширинроқ, не ажаб,
Болдайин лаълинг эрур
ҳар шеъру достонимга ёр.

Минг тўсиқин ёрибон
васлингга етгум, ёр, ахир,
Чунки сен илҳом берурсан
ушбу паймонимга, ёр.

Тингла сен Барот сўзин,
ишқингда гар қул бўлса ҳам,
Бош кўтаргай янгидан
келсанг агар ёнимга, ёр!

1986

* * *

(Навоийга назира)

Хуснинг балоси расо бўлибдур,
Жонга расо у бало бўлибдур.

Қалбим адодур, лутфинг даводур,
Ёрим, давойинг адо бўлибдур.

Қилдим дуолар, кўрма жафо, деб,
Қилган дуойим жафо бўлибдур.

Жуда вафоли эрдинг, ажабким,
Ишқинг вафодин жудо бўлибдур.

Кўзинг сиёси — умрим зиёси,
Умрим зиёси сиё бўлибдур.

Даъво этурсан, борми давойинг,
Қилган давойим даъво бўлибдур.

Аълосан, эй ёр, кўзлар аълодур,
Аломат ўлди, аъло бўлибдур.

1986

* * *

Сен билан яшнар кўнгил бу чорбоғ ичра,
Васфи жамолинг сўйлар гул япроғ ичра.

Гул териб даста-даста сенга узатсам,
Кўзларинг боқур қиё бир сўроғ ичра.

Бахтимиз кулган оқшом ғамзаларинг ўт,
Қора сочингни ўйнаб сен тароғ ичра.

Гул атри қилса сархуш қалбингни,
санам,
Сувратинг этар ниҳон кўз қароғ ичра.

Юзимиз бўлса рўшно аҳд чироғидан,
Ишқ ила ёнур диллар дўст-ўртоғ ичра.

Муҳаббат бахтли этса бир куни бизни,
Гул ила булбул қолмас ўт-фироғ ичра.

Севги сирини, кошки, бир китоб айлаб,
Васфингни ёзса, Барот, зарвароғ ичра.

1986

* * *

Сенга бир боғ яратдим,
сайри боғ этсанг, кошки,
Боғимга бериб оро
кўнглим чоғ этсанг, кошки,
Йўлингга кўз тутади
ҳуснингга шайдо гуллар,
Гулшан аро гулларнинг
барин доғ этсанг, кошки.
Кўзларимни шам қилиб
ёқурман изларингга,
Ҳижрон шомида йўқлаб,
бир сўроғ этсанг, кошки.
Ишқ дардига йўлиқдим,
сендан ўзга йўқ табиб,
Мен беморни соғиниб,
яна соғ этсанг, кошки.
Келсанг хоки пойингни
тўтиё этгум, эй ёр,
Зор кўнгилнинг даштини
боғу роғ этсанг, кошки.
Соғинч ўтида ёниб
охимдан куяр осмон,
Юлдузларни йўлимга
шамчироғ этсанг, кошки.
Сен келмасанг, дилрабо,
боғим бўлгайдир хазон,
Муҳаббат бурчини ўтаб,
сайри боғ этсанг, кошки.

1986

* * *

Кўзларинг шароридан
тушди менинг жонимга ишқ,
Жон аро гулхан ёқиб
тушди менинг қонимга ишқ.

Ишқ бўлиб орзуларим
руҳимга бахш этди қанот,
Етти осмонни баробар
қилди ошёнимга ишқ.

Ишқ ўти жисмим аро
ловуллади гул фаслида,
Гул чоғида ёр бўлиб
ўт қўйди афғонимга ишқ.

Сархуш бўлиб субҳидам
боқдим Наврўзи оламга,
Райҳон ҳидин таратди
ёр кезган бўстонимга ишқ.

Ишқ дебон берди садо
нидо қилсам еру само,
Олам аҳли жўр бўлиб
эрк берди паймонимга ишқ.

Пешанам силаб толе
бахт эшигин этди кушод,
Вафодор ошиқ қилди
суюкли давронимга ишқ.

Элу юрт берган қалам
назмга солди дил сўзин,
Илҳом париси бўлди
шеъру достонимга ишқ.

1986

ФИҒОН

Катта шаҳар — нотинч, безовта дили,
Бағрида шафқатдан гўё йўқ асар.
Соковдек — шовқинда кесилган тили,
Дардингни эшитмас — қулоқлари кар.

Кўзи кўр — кўрмайди ким хазин, ким шод.
Очми, тўқ? Иши йўқ — яшар бепарво.
Келиб-кетгувчига қилмайди имдод,
Бағри тош — меҳрини билар нораво.

Русумни унутган шаҳарликлар ҳам,
Мусофир кимсага боқмайди киё.
Қадр, мурувватни йўқотган одам,
Кўнгил кўнгилдан сув ичмайди гўё.

Ўз ташвиши билан барча овора:
Югурар сёғи куйган товуқдек,
Ким шошар трамвай, кимдир автога,
Ўн чақирим йўлни билар ёвуқдек.

Бозорлар тиқилинч, дўконлар тирбанд,
Қайишар расталар умуртқалари.
Кўчани бошига кўтарган монанд
Ғизиллаш асримиз «кумурска»лари.

Она қишлоғини ташлаб ломакон
Мусофир санқийди катта шаҳарда.
Корхона кўп, ишга топилар имкон,
Паспортин қайд этиб олса агарда.

Эшигин счади унга қай гўша?
Ким олар бағрига оғайни дебон?
Гарчи дарвозаси очиқ ҳамиша,
Шаҳар сийламайди: «Келинг»,
деб меҳмон.

Ёшлар тарк этмоқда она қишлоғин,
Мунғайиб қолмоқда чолу кампирлар.
Фусса оташига ташлаб тупроғин
Шаҳарнинг йўлида сарсон тақдирлар.

Кимсасиз, ҳувиллаб ётар қишлоқлар,
Қишлоқлар ўлмоқда кун сайин, ҳайҳот!
Шаҳарда ёнсин деб минглаб чироқлар,
Қишлоқдан юзини ўгирар ҳаёт.

Ошиқманг мунча ҳам катта шаҳарга,
Сарсон-саргардонлар унда бесаноқ.
Гулоб деб, лабингиз тутманг заҳарга,
Ҳаёт бошингизда чақмасин ёнғоқ.

Катта шаҳарда бек бўлгандан кўра,
Фуқаро бўлингиз қишлоғингизда.
Қишлоқлар ўлмасин, босмасин шўра,
Унинг келажаги, қисмати сизда!

Москва,
22.09.86.

МАНГУ ЖАНГЧИЛАР

Жангчи яралмаган аёллар гарчанд
Ҳаёт учун мангу олиб борган жанг.
Жонидан жон олиб туғилган фарзанд,
Уйини тўлдирган муаззам оҳанг.

Ҳаётга суиқасд қилса қай баттол,
Энг аввал учраган аёл қаҳрига.
Эрлардан олдинроқ қўзғалган аёл,
Дано қидиргани душман заҳрига.

Аёл озор бермас бирор жонзотга,
Қалбига қотиллик бегона гарчи.
Ёв келса, қамчини босгану отга,
Эрларни урушга қўзғаган жарчи.

Аёллар ҳаётга бўлмаса она,
Наслдан-наслга қолмаса зурёд,
Бу жаҳон айвони бўлур вайрона,
Ҳаёт сўнар мангу кўтариб фарёд.

Аёллар ҳаётни эттирар давом,
Ҳаёт учун улар мангу жангчилар.
Қуёш ҳам аёлга беради салом,
Ҳаёт йўқ, аёллар бўлмаса агар.

Эрлардан аёллар матонати зўр,
Дўзахий жангларни кечирди омон.
Қаҳрига учради қўзғалса қонхўр,
Мангулик ҳаётга музаффар посбон.

Инсон ижодкори, ҳаёт онаси —
Аёллар қошида таъзимда бошим.
Эй мангу жангчилар, бахт кошонаси,
Қуёшдек бор бўлинг, мунис қуёшим!

1986

«ЗАНЖИРБАНД ШЕР»

Фикрни бўғмоқда — эркин фикрни,
Қўл-оёғи боғлик «занжирбанд шер»дек.
Ким озод қилади туткун фикрни,
Инқилоб ясаган довюрак эрдек?

Эркин фикрларга мухтождир даврон,
Ким давр нафасин бўғмоқда дилхун.
Ўзгалар фикрига бўлиб ҳукмрон
Ўз худбин фикрини ўтказмоқ учун?

Тўтидек сайратмоқ истар бизни ким,
Адолат йўлидан оздирар нега?
Сўзлатмасдан кесар тилимизни ким,
Нега қалбимизга бўлмоқчи эга?

Ҳақиқатдан чўчиб ўгирмайлик юз,
Пайтидир бажармоқ юрак зикрини.
Сўнг яна кечикиб чекмайлик афсус,
Ошкора айтмасдан даврон фикрини.

Давр талабидан чекинмоқ учун,
Виждонни сотмоққа ким берди ҳуқуқ?
Масъулмиз кечаги хатолар учун,
Бугун хатоларга ҳуқуқимиз йўқ.

Лек ҳамон тирикдир баъзи хатолар:
Эркин фикрлилар таъқибда ҳамон.
Одил гапни айтса: нодон аталар,
Тазйиқ тошларидан қолмайди омон.

Биламан, хатолар умри қисқадир,
Фикрни таъқибда тутиб бўлмайди.
Тазйиқчи томирин даврон узадир,
Эркин, хур фикрлар яшар, ўлмайди!

Закийроқ бўлингиз, сўз соҳиблари,
Адолат постида бўғманг фикрни.
Нодон улуғларнинг мусоҳиблари,
Қўллангиз, давримиз туққан фикрни.

Тезроқ озод этинг «занжирбанд
шер»ни —
Қалбларга ўт солган эркин фикрни!

19.11.86

АДИБ ВА ТАНҚИДЧИ

Танқидга учради навқирон адиб,
Қизиган ноғора така-тум қилди.
Минбарда ўлтирар «мардлар» талтайиб,
Танқидчи-адибнинг терисин шилди.

Афсус, ўн кун бурун мазкур танқидчи,
Кўтариб қўйганди адибни кўкка.
Унга жўр бўлганди неча тақлидчи,
Бугун мадху сано чиқди-ку йўққа!

Танқидчи ўзин ҳам кетди дўппослаб,
Ҳар қалай, ёш адиб қолди бир ёқда.
Хато қилдим дебон сўзлади қоплаб,
Асарни кўрсатди қора бўёқда.

Нега? Барча ҳайрон, зал ғала-ғовур:
Асари кимгадир ёқмай қолибди.
Навқирон адиб-да, бош эгмас, мағрур,
Кимнингдир бўш жойин узиб олибди.

Танқидчи воз кечди айтган сўзидан,
Йўлини қилиб у, қутилди осон.
Адиб воз кечолмас, аммо, ўзидан,
Хатто, қуласа-да бошига осмон.

Нега юз ўгирар ўз боласидан?
Нега қотил десин оқил ўғилни?
Бағри эзилса-да дил ноласидан,
Аросат домида тишлади тилни.

Асари қилмаса уни ҳимоя,
Кимдан у мутедек излайди панох?
Адибнинг бошига ким солса соя,
Уни ҳам тортади ўз қомига чоҳ.

Ҳақиқат эгилар, синмайди вале,
Дардини ичига ютди анжуман.
Долзарб мавзудаги асар туфайли
Навқирон адибнинг бошида туман.

Бу туман тарқалиб, осмон бўлгай пок,
Ўз сўзидан қайтар танқидчи яна.
Эй адиб, сен бўлгин курашчан, бебок,
Курашчан инсонлар қилгай тантана!

26.07.86

ФАЛАКНИНГ ГАРДИШИ

Кичик махкамага бўлса-да раҳбар
Бир ошнам юрарди хизматдан нолиб.
Ижодга вақтим йўқ дебон ҳар сафар
Тинчлик бермас эди ғирмайиб олиб.

Меҳру шафқат ҳиссин қўзғатиб дилда,
Ўзини тутарди ғариб ва хоксор.
Адиб асар билан танилса элда,
Дер эди: амалнинг не кераги бор?

Ўйлаб боқсам: ошнам сўзларди тўғри,
Адибга амалга йўқдир эҳтиёж.
Ва лекин у боқиб кўзимга ўғри,
Дер эди: ўзингиз қилинг бир илож.

Тинчроқ жой топилса, иши бўлса кам,
Ижодга сарф этсам бутун вақтимни.
Қойилмақом қилсам хизматни, ошнам,
Ижоддан топсайдим қолган бахтимни.

Ошнамнинг орзуси топдию амал,
Белини боғлади янги хизматга.
Ва лекин унда ҳам тўқиди тақал,
Мушарраф бўлса-да иззат-ҳурматга.

Иш оғир, ташвиш кўп — нолиди яна,
Вақтим сарф бўлмоқда икир-чикирга.
Бир нарса ёзмадим, гувохсиз, мана,
Бақамти келсайдик бирор фикрга.

Ризолик кўзини тикдим ошнамга:
Сабр таги — олтин, дейди донолар.
Парвона ўзини урмаса шамга,
Қаноти куймасдан яна ҳаволар.

Фалакнинг гардиши туфайли ошнам
Эгар урди мансаб тулпорига бот.
Янги махкамага қўйди-да кадам,
Ўзини унутди, шунақа ҳаёт!

Энди нолимайди — ҳавоси баланд,
Ҳаммани кўрсатар оёқ учида.
Олди-қочди асар билан боши банд,
Қисмати турибди вақт қиличида.

27.08.86.

СЎЗ ВА ТОШ

Бир хикмат сўзлади даврон доноси:
«Тўғри сўз тош ёрар, ҳар эгри сўз — бош».
Яна сўрдим ундан келиб хонаси:
«Қайси бири оғир-сўзми ёки тош?

Аллома билдирди эътирозини:
«Сўз тошдек тарози босмайди, бўтам.
Вале тош чертолмас кўнгил созини,
Нишонга теккан сўз оғир тошдан ҳам».

1986

МУНОФИҚ

Истеъфога чиқди мўътабар одам,
Иззат-обрў билан узатди дўст-ёр.
Юксак қадрланди хизматлари ҳам,
Эл-юрт олқишига бўлди сазовор.

Кетди деб, кўпчилик дили ачишди,
Ўрганиб қолганлар неча йил, ахир.
Баъзилар хайр-хўш қилмай қочишди,
Нима қилсин, солса шу йўлга тақдир.

Собиқ раҳбарнинг лек содиқ шогирди
Таажжубга солди баъзиларни ҳам.
Куёви бўлса-да, юзин ўгирди:
Энди нафи тегмас, деди муттаҳам.

Қўйди-чиқди бўлди хотини билан,
Воз кечди, хаттоки, ўғил-қизидан.
Санчилмасин дебон қўлимга тикан,
Ўзин олиб қочди устоз кўзидан.

Жон ширин, керакмас унга ҳеч нарса,
Омон сақлаб қолса басдир жонини.
Янги раҳбар учун енгин шимарса,
Яримта қилмайди, балки нонини.

Хаёли пуч экан, кўп ўтмай, аммо,
Мунофиқ кимсанинг думи тугилди.
Яна у шогирдлик қилди-да даъво,
Устози пойига келиб йиқилди.

1986

САЙЁҲЛАР

Тинч эди сафарга чиққанда кема,
Сайёҳлар хушчақчақ, хурсанд эдилар.
Дилларда йўқ эди хадик, ваҳима,
Туғишгандек инок, дилбанд эдилар.

Неча бандаргоҳда қўниб ўтдилар,
Кўрдилар неча юрт ва неча шаҳар.
Янги қирғоқларга кўзни тутдилар,
Орзулар мавжланди қалбларда баттар.

Ногаҳон бошланди денгизда тўфон,
Йўқолди осойиш, йўқолди шодлик.
Сайёҳлар жонини ҳовучлаб гирён,
Кема остин-устин. Бу не бедодлик!

Кўмирдек қорайиб бўғади осмон,
Ялмоғиз тўлқинлар увлар, қутирар.
Бермуд учбурчаги аждаҳосимон,
Ўпқондек оғзини очиб, ўкирар.

Мухожир сайёҳлар кўтарар фарёд,
Чаноғидан чиққан кўзлари — ёвуз.
Комига тортгандек тубсиз гирдибод,
Ёш хотин эрига қилар тажовуз.

Муштипар чол ожиз, қилар тавалло,
Дахшат солар ҳамон маккора хотин:
«Сендан айрилганим менга минг авло,
Энди сен пўкаксан, эмассан олтин.

Яхшидир бўлганинг наҳангларга ем,
Бойлигинг ўтказиб олдим чекимга.
Энди бўлолмайсан дардларимга эм,
Мен ишрат бекаси, боққин кўксимга.

Кўксимни эмганинг етар, бас энди,
Бу йигит — ўйнашим, пулдор
корчалон».
Чол шўрлик оёғин ўпиб, топинди:
«Жонимга раҳм қил, бўлма беимон».

Бўғиб, қўл-оёғин боғлаб, раҳмсиз,
Нейлон копга тиқди жазмани чолни.
Қутирган денгизга бокиб, ваҳмсиз,
Ўлжангни ол дебон ташлади копни.

Қотил хуштор қайтди каютага шод,
Бағрига ўзини отди маккора.
Бирга бўлгаймиз деб энди умрбод,
Ром ичиб, ҳислари ёнди ошкора.

Қий-чув, йиғи-сиғи, нолаю афғон,
Фалокат домида чайқалар кема.
Бермуд учбурчаги тўфонда ҳамон,
Оламни босгандек дахшат, ваҳима.

Эй сарбон, ўлимдан қутқар кемани,
Ҳалокат комига қолди бир қадам.
Қутқар сайёҳларни! Қотил бекани —
Ҳазар қилиб ютмас, балки Бермуд ҳам!

1983

ТОКИЛОН

Ўтлоқларда яшайди пинҳон,
Ранги ўхшар калтакесакка.
Оёқсизу югурар чаққон,
Ваҳм солар кўрган юракка.

Ток новдаси каби буралиб,
Бош уради вишиллаб ҳар ён.
Оёғингга олса ўралиб,
Сиртмоғидан қутулмоқ гумон.

Ўтганингда ўтлоқдан, дўстим,
Ҳушёр бўлгин, учрар илонлар.
Куч-қудратда бўлса-да, устун,
Илонлардан қўрқар инсонлар.

1986

ОТ ҲАҚИДА МОНОЛОГ

Дукур-дукур от садоси эшитилар
йироқдан:
Бу — Алпомиш Бойчибори ё Гўрўғли
ғироти.
Туёғидан ўт чақнатиб ўзиб келар
чақмоқдан,
Эгарида Улуғбеку Навоийнинг авлоди.

Пойга қуриб, қора қувиб чавандозлар
хайқирар,
Қулоғи ўқ, кўзлари чўғ, кишнаб учар
тулпорлар.
Дарёлардан сакраб ўтиб, дарё каби
айқирар,
Тақимига улоқ босиб қир ошади
шунқорлар.

Ҳаёт кўрки йигит эди, йигит кўрки
эди от,
От чопмаган йигитни эл эр демасди бир
замон.

Ким курашда ғолиб чиқса от қиларди мукофот,
От туфайли жанг-жадалда йигитлар қолди омон.

Йигитлардек омон қайтди бедовлар ҳам урушдан,
Қурбон бўлган аждодлари, насллари ёдида.
Имдод бўлиб элу юртга нажот топди турмушдан,
Бош кўтармай жавлон урди ташвишлар гирдобида.

Омоч тортди, уруғ сочди, бошоқ ташиб янчди дон,
Чўл кувлади, чигит экди, пахта тоғин кўтарди.
Оғир ишни енгил қилди, инсон учун берди жон,
Қўли қадоқ эл дилидан ғам оғочин кўпорди.

Қир-адирни, яйловларни безади арғумоқлар,
Сурув ўтса, кулди тошқин қишлоқнинг кўчалари.
Турмуш ишир-чикиридан кўнгил қисилган чоқлар,
Кишнаб қолса, яйрар эди шаҳарнинг кечалари.

Отдан азиз дўст йўқ эди ғаму шодликда бирга,
Мушкулларни осон қилиб кувонтирди элни от.
Отинг бўлса, қаратмасди хижолат кўзинг ерга,
Тоғдан ошсанг, кўкка учсанг от бўларди зўр қанот.

Чумолидек босди авто ўлкамиз йўлларини,
От қадрини ерга урди от минмаган бир нодон.
Гўё ипсиз боғлаб қўйди деҳқоннинг қўлларини,
Ярим милён йилқимизнинг бошига солди кирон.

Ўттиз йилча ўтиб, мана, олтмиш тўрт минг от қолди,
Тақсимланса — уч юз жонга тўғри келар битта от.
Қишлоқлардан, шаҳарлардан отнинг изи йўқолди,
Ғолибларга берилмоқда енгил авто мукофот.

Янги авлод улғаймоқда — отни кўриб кинодан,
Отдан ҳуркиб, ўйнатмоқда «Жигули» ё «Волга»ни.
Не-не йигит от чопмасдан бўшанг ўтур дунёдан,
Нима қилсин, кимга етар тулпорларнинг қолгани.

Долзарб дамда бонг урмоқда жонкуяр мухбиримиз:
Муҳофаза қилинг дебон тирик қолган отларни.
Ҳавас қилар: от безаса яйлову адиримиз,
Инсоф боғи томон чорлар отга масъул зотларни.

Кошки, мухбир садосига ўлка бўлса жўровоз,
Қўрихона қилган каби мушкулга топса илож.
Келажакнинг номидан у ҳайқирмоқда бизга хос:
Йилқичилик — бобо касбдир, унга беринғиз ривож!

Азиз фурсат кетса қўлдан — пушаймонга бўлур кеч,
Наҳот, ҳамон тузатмасак биз нодон хатосини.
От бошида даврон қўли гарчи синдирди қилич,
Кеч бўлса-да, билсак, кошки, хатонинг маъносини.

Умид ўти қолган бўлса келажак қуёшидан,
Отни асранг — наслларга чинакам зўр мерос бўлсин.
«Ҳаёт-мамот» жангини у кечирмоқда бошидан,
Истиқболнинг кўчалари отлиқ эр билан тўлсин.

Чавандозлар кўпкарида чопсин яна улоқни,
Йўқолмасин эл удуми — халқим азал шоҳсувор.
Йигитликнинг майдонида ўйнатинг арғумоқни,
Алпомишу Гўрўғлининг рухи сизга мададкор.

1986

ДЕҲҚОН ОРЗУЛАРИ

Сирдарёнинг бандаргоҳида
Оқ елкандек дала шийпони.
Соя-салқин қароргоҳида
Ўйга ботди Чиноз деҳқони:
Баланд бўлгай бу йил хирмони!

Ҳосил чўғи кўзни олмоқда:
Бодроқ каби очилган пахта.
Толеидек кулган чаноқда
Дала-тузнинг меҳри пайваста,
Ҳар туп ғўза оппоқ гулдаста.

Шувут бўлмас юзи эл аро,
Ўринлагай берган ваъдаси.
Орзуларин этмаса қаро
Ёмғир ё қор терим палласи,
Узоқ эмас зафар марраси.

Мардлар билан у қуриб пойга,
Кўпкарида олгай улоқни.
Қозон осиб кўримли жойга,
Тўйга чорлар бутун қишлоқни,
Ёру дўстни, яқин-йироқни.

Байроқ қадаб юксак қояга,
Ғолиблигин этгай овоза.
Кенжа ўғли етди вояга,
Келин олса — қандайин соз-а!
Меҳмонларга очиқ дарвоза.

Оқ «Волга»ни безатса башанг,
Боғидан гул этса армуғон.
Карнай-сурнай қилса вадаванг,
Ҳамқишлоқлар боқса орзуманд,
Раққосалар учса хиромон.

«Ёр-ёр» айтиб куёв жўралар
Олиб келса уйига келин,
Куёвидан хурсанд кудалар
Тўйга маҳкам боғласа белин,
Қойил қилса тўйсевар элин.

Ўтин қалаб ёқса зўр гулхан
(Унутилган элда бу расм)
Шўх-шўх янграб қўшиқ ва ўлан
Тонг отгунча қизиса базм,
Ҳавас қилса пойтахти азим.

Оқ «Волга»дан миндириб отга,
Эл сийласа келин-куёвни.
Дил розини айтиб ҳаётга,
Айлантириб ўтса оловни,
Тонгда берса юртга паловни.

Қўни-қўшни, қавм-қариндош,
Қишлоқдошлар бўлса миннатдор.
Ўғлин севиб, қайси, қаламқош
Хонадонин этар бахтиёр?
Энди келин танламоқ даркор.

Тушлик қилиб салқин шийпонда,
Ҳаётдан шод Чиноз деҳқони.
Умидлари — кузги хирмонда,
Тўй қилмоққа комил имони,
Қиз танласа басдир ўғлони!

1986

МЕҲМОН

Меҳмон келди тоғли қишлоққа
Самарқанддек қадим шаҳардан.
Мезбон хабар берди тўрт ёққа
Туриб олиб эрта саҳардан,
Хабар берди дўсту ўртоққа.

Қувончлари сиғмай юракка
Уйин босди қадрдонлари.
Ташвишига келди кўмакка
Бир бешикда ўсган сингари,
Меҳмон қадрин тутиб юксакда.

Еру кўкка ишонмай мезбон
Меҳмонини қўйди бошига.
Баланд тоғлар қўзғалиб шодон
Таъзим этди келиб қошига,
Тоғлар узра жилмайди осмон.

Отадан ҳам азиздир меҳмон,
Оёғига қўй сўйди унинг.
Атрофида бўлиб жонфишон,
Шодлигини баҳам кўрди тенг,
Дардларидан қолмади нишон.

Қўшиқ айтиб, ўйинга тушиб,
Тоғ бошида базм қурдилар.
Чўққилардан оқдилар жўшиб,
Оҳуларни қувиб юрдилар,
Қайтдилар шод қаклик тутишиб.

Орзуларин сўйлаб булоққа,
Сувларидан симирди меҳмон.
Меҳмон бўлиб бутун қишлоққа,
Инсон қадрин билди бегумон,
Тоғлик жони садқа кўноққа.

Сокин тонглар, шафақли шомлар
Унга шодлик қилдилар инъом.
Масъуд кунлар, салқин оқшомлар
Бағишлади қалбига ором.
Беҳад еди иззат-икромлар.

Товликларни чорлаб меҳмонга,
Жўнар бўлди шаҳарга томон,
Қуллук қилиб барча мезбонга,
Совғаларга кўмилди тамом,
Қовушмади тили каломга.

У ўзини қўйди йўқотиб,
Ҳайрон қолди тор одатига.
Ҳайрон қолди хаёлга ботиб,
Товликларнинг садоқатига,
Юракларда меҳр қўзғатиб.

У бир уста — таъмирчи бечун,
Яратган янги Регистон.
Бунча ҳурмат этдилар нечун
Билолмасдан ҳайратда ҳамон:
Эъзозланди Регистон учун!

Омонқутон,
1987

ОНА-ЕР АРМОНИ

Ерни — она, дедик — онадек у ҳам
Тўйдириб-кийдириб келмоқда бизни.
Кўпни талаб қилдик — гарчи бердик кам,
У қисиб қўймади ризқ-рўзимизни.

Нима керак бўлса — олдик бешафқат,
Она деб ардиша қилмадик асло.
У бизга борини берди беминнат,
Фарзандим, деб этди ўзини фидо.

Дам бермай — пахтани экдик мунтазам,
Толиқиб — қуриди, балки тинкаси.
Бутифос заҳридан бўғзида алам,
Арзини тингла, эй, пахта ўлкаси!

Полизу боғларнинг қонини сўриб,
Жонини суғуриб олмоқда хаёт.
Пахта чангалида ўзини кўриб,
Экинзор далалар тилайди нажот.

Меҳр сувларига ташна лаблари,
Ҳориган танида қолмаган мадор.
Шифога муҳтождир дардли қалблари,
Тарк этиб кетмасин боғларин баҳор.

Бўлмасин жонажон юрти бегона,
Сарсону саргардон қушлари қайтсин.
Сайрашиб булбулу каклик, бедана,
Осуда тонгларда розини айтсин.

Далалар маст бўлсин беда хидидан,
Муаттар таратсин полизли қирлар.
Адирлар яйрасин ток кулгусидан,
Кенгайсин ёнғоқзор, бодомзор ерлар.

Боболар экини бўлмасин унут,
Пахтадек Ватанда топсин эътибор.
Сайҳонни безасин зиғиру кунжут,
Оқ жўхори, кошки, экилса такрор.

Заминга тикайлик қалб кўзимизни:
Эзилган юраги бўлмасин пора.
Келажак насллар кечирмас бизни,
Она-Ер жонига кирмасак оро.

Дарёлар айланиб борар ирмоққа,
Амуга хайрбод қилмоқда Орол.
Саҳро олов тилин чўзар гулбоққа,
Тириклик фаслини этгали поймол.

Оролда қўзғалар туз бўронлари,
Қинидан суғурар ҳужум шамширин.
Иҳота қилмасак — қум тўзонлари
Қўлига олади замин тақдирин.

Бугунни кўрмасдан — ўйлаб наслимиз,
Заминни ардоқлаб қолдирсак ёдгор.
Келажак умрига тегса касримиз,
Авлодлар қисматин этгаймиз ночор.

Бешафқат бўлмайлик она жонига,
Боғлар кулоч ёйсин пахта сингари.
У боқар умидвор қиз-ўғлонига,
Қўлида хаётнинг турфа гуллари.

1987

МАРДЛИККА ҚАСИДА

Мирзагани Искандаровга

Мард — майдонда синалгандир
қадимдан,
Юрагига журъат берган адолат.
Кучу қудрат олиб доим халқимдан,
Ҳақиқатга жонин қўйган кафолат.

Ватан учун аямаган жонини,
Кўкрагини қалқон этган халқига,
Керак бўлса — жангда тўккан қонини,
Эл меҳридан мадад олиб қалбига.

Ўз юртига қилмаган ҳеч хиёнат,
Ор-номусин обрў учун сотмаган.
Ҳаётига машъал бўлган диёнат,
Дўст бошига бало тошин отмаган.

Виждонига гард қўндирмай, тутган пок,
Сабот билан ҳатлаб ўтган не ғовдан.
Ҳавас қилган унга замин ва афлок,
Омон ўтган тошқин селу оловдан.

Бўронларда тоблангандир имони,
Ғолиб этган букилмаган эътиқод.
Дил тўрида ардоқлаб мард инсонни,
Номард билан чекмаган ҳеч оҳ-фарёд.

Эл қалбига раҳна солса қай авбош,
Кеч билинган замонага ётлиги.
Жўмард инсон этса унинг айбин фош,
Шалоладек тошган элнинг шодлиги.

Қаҳрамонлик кўрсатиб у чинакам,
Оғир юкни дадил олган елкага.
Пок ниятли элга бўлиб ҳамқадам,
Адолатнинг шамин ёққан ўлкага.

Мард ўғлонин Ватан тутган бошида,
Шавкатига мангу бўлган фидокор.
Она халқи таъзим этган қошида,
Қисматига ўзин билган дахлдор.

Эл эъзозлаб ҳайкал қўйган мардларга,
Замонларнинг синовига берган дош.
Мард сўзини айтар чиқиб минбарга,
Нопок билан бўлмас асло маслакдош.

Мард қадрини баланд тутар эл-улус,
Номардга лек топилмайди гўр-кафан.
Мард ҳақида давраларда кетар сўз,
Мангуликка унутмайди мард Ватан!

1987

ОЛИС ҚИРҒОҚ

Адашган кемага тушиб қолибсан,
Манзилинг аёнмас — қибла тўрт томон.
Ёнингга дўстларинг йиғиб олибсан,
Ҳаёт мушкулини қилгали осон,
Тўфонли денгизда ғавғо солибсан.

Сен каби ғолибдир фалакда офтоб,
Сен каби муаллақ кезиб юрибди.
Булутлар тумани юзида ниқоб,
Денгизга ботишин сезиб турибди.
Уфққа чорлайди жимирлаб сароб.

Адашиб қолибсан тамом йўлингдан,
Нажот қидирасан — кўринмас қирғоқ.
Ҳеч нарса келмайди энди қўлингдан,
Тугилган элингдан тушибсан йироқ,
Юрт меҳри шам каби сўнмиш
дилингдан.

Кўзингда ваҳима, кўзингда фироқ,
Эркингни бой бердинг — қўлингда эмас,
Мард бўлсанг — кўксингга санчирдинг
яроқ,
Ҳадсиз денгиз сенга бўлмасди қафас,
Сомон йўли қадар олисдир қирғоқ.

Ўзингга ўхшаган ҳамтовоқларинг,
Қориндан ўзга йўқ ташвиши, ғами.
Ўрадек чўккандир кўз чаноқларинг.
Заъфарон юзингда ҳаёт алами,
Минг туяга юкдир ғам-фироқларинг.

Эл-юртга тош отиб кечирдинг турмуш,
Тирикчилик учун ҳар ишни қилдинг.
Нотавон умрингни ўтказдинг нохуш,
Хўжайин қошида қулдек эгилдинг,
Гоҳ хушёр яшадинг, гоҳида сархуш.

Ўзгани шер билмай — ўзни билдинг эр,
Зўр келган фурсатда дўстларни сотдинг.
Ўзни осмон дединг, ўзгаларни — ер,
Ғурбат совуғида муз каби қотдинг,
Остин-устун қилди ҳаётинг тақдир.

Айюҳаннос соласан ғолиб денгизда,
Бўғзингга сўнгакдек тиқилар жонинг.
Жонингдан қўрқасан, ҳатто кундузда,
Кечаси, дунёни бузар афғонинг,
Умид кўзинг бўлар ой ва юлдузда.

Қора шамол эсар — кучаяр тўфон,
Тўлқинлар аждардек тўлғанар ёвуз.
Ҳаёт илинжини қилиб тошбўрон,
Оч довул кемага этар тажовуз.
Канадек ёпишиб тупурасан қон.

Ҳолингга маймунлар йиғлайди кулиб,
Сен эдинг — ўз элин от қилиб минган.
Керилдинг, жайдари раҳнамо бўлиб,
Энди бошинг узра гавронлар синган,
Мунғайиб турибсан икки букилиб.

Гуноҳинг кўп сенинг — кечирмас улус,
Бағрига сиғдирмас инжиган диёр.
Буқаламун каби олма ўзга тус,
Эл-юрт бермас яна сенга ихтиёр,
Меҳрга зор бўлиб, чекасан афсус.

Она қирғоқ қилар изингдан ҳазар,
Кўзига ҳеч қачон тушмагай кўзинг.
Довулда барқ бўлсанг чекмагин қадар,
Қичқирсанг қирғоққа етмагай сўзинг,
Ҳаёт жазоси шу — кимки оқпадар!

1987

САРКАШ ДАРЁ

Баҳор келиб, саркаш дарё тошди
қирғоқдан,
Анҳорларда ҳамла қилиб пишқирди
селоб.
Макрухларни ювиб буткул она
тупроқдан,
Азим ўлка боғларидан оқмоқда шитоб.

Собит халққа улуғ офтоб келди ёрдамга,
Музлар эриб, қорлар эриб, ёғди
ёмғирлар,
Хурсанд замин қучоғини очди кўкламга,
Кўклам билан таъмирланди вайрон
тақдирлар.

Ерда кўклам, дарахтларнинг бошида
кўклам,
Кўклам келди, қишдан зада эл юрагига.
Озод нафас олди яна тўлғонган ўлкам,
Бахтиёрлик ваъда этиб эл тилагига.

Тоғлар узра қанот ёзди бургутлар
шодон,
Чангалзорга жуфтак урди очкўз
қузғунлар.
Чумчуқ ўзин эълон этди лочинман
дебон,
Каваклардан бош чиқарди фикри
бузғунлар.

Чақмоқ чақнаб, тилкаланди қора
булутлар,
Остин-устун қилди кўкни момақалдироқ.
Замин бағрин канда этди қишки
сукутлар,
Эл толеи кулди яна тонг юзидек оқ.

Баланд кўкдан даҳшат солган бир мода
калхат,
Чақмоқ тегиб, кулаб тушди ерга
юзтубан.
Малайлари ташлаб қочди — дилида
ваҳшат,
Уввос отиб олам бузар энди ёсуман.

Саркаш дарё тўғонларни, ғовларни
бузди,
Қулочини ёйди улуғ кенгликлар томон.
Қуриб қолган чинорларнинг томирин
узди,
Қадди букик дарахтларга боқди
жонфиғон.

Ниҳолларга сув узатди меҳр булоғи,
Обиҳаёт бўлиб кирди янги боғларга.
Ер бағридан алам доғи ювилди чоғи,
Гулшанлари маскан бўлмас энди
зоғларга.

Бунга гувоҳ: чарақлаган офтоб фалакда,
Ерда эса замин гувоҳ — башар онаси.
Она меҳри яшар экан ҳар бир юракда,
Улуғ ўлка булбулларнинг бўлгай хонаси.

Ватан мадҳин куйлаб булбул яшар
серҳавас,
Зоғлар эса макр билан боқмас бепарво.
Ғофил банда, булбул учун ясама қафас,
Халқ билан ҳам ўйнашмагин, халқ —
саркаш дарё!

1987

БУТУН ЭКАН ТОКИ ИМОНИНГ

Бешафқатдир ҳаёт қонуни,
Аямайди бирор инсонни.
Кимки қилса ўйинчоқ уни.
Кўзига ёт этар жаҳонни.
Яшагунча қонунни бузиб,
Кетганинг хўб умидни узиб.

Одам бўлиб туғилмоқ мумкин,
Инсон бўлиб яшамоқ қийин.
Ҳақсизликдан бўғилмайди ким
Тикласин деб адолат кўксин.
Яшамасанг ҳақиқат учун
Бош кўтариб юрмоғинг нечун?

Ўзни ўйлаб, қўйсанг ўзгани,
Ширин сўз-ла сийлаб алдасанг.
Шухрат тожин ундан қизғаниб
Қароғига игна қадасанг.
Қон чиқармай олмасдан жонин,
Эъзозлагин инсон унвонин.

Мухтож жонга бермасдан нажот,
Мансабдордан тиласанг кўмак,
Ўйнатгани дўст бошида от,
Душман каби бўлсанг тошюрак.
Яшашингнинг йўқдир маъноси,
Оғир бўлгай ҳаёт жазоси.

Кўрсатсанг-да, ўзни покдомон,
Юрагингда яшаса шумлик,
Зўр келганда бўлиб қадрдон
Сўнг кўзига тиқилсанг қумдек.
Бўлмай инсон либосли илон,
Илон бўлсанг, тинчирди инсон.

Қулдек таъзим қилсанг бошлиққа,
Ўроқ қаддинг тиклай олмасанг,
Кўтаролмай бошингни тикка,
Оёғини итдек яласанг.
Яшагунча тиз чўкиб, нолон,
Ўлгани соз тик туриб инсон.

Оёқ туриб, юрсанг бош билан,
Меҳр ўрнин банд этса қаҳр.
Ҳақ бошини ёрсанг тош билан,
Майга қўшиб узатсанг заҳр,
Никоб кийиб юрсанг эл аро
Ҳаёт этгай қисматинг қаро.

Каззобларга бўлиб корчалон
Бир ўлкада айирсанг шаҳар,
Шаҳарларни этмай қадрдон
Нифоқ солсанг орасига гар,
Ўз элингдан қилмагин умид,
Пир бўлсанг-да, топмассан мурид.

Шаҳарларинг кўп эмас, оздир,
Юз уруғли битта миллатсан.
Оз бўлса-да, дурдек мумтоздир,
Нифоқлардан зада қисматсан.
Бир бешикда олмасдан нафас
Шаҳаркашлик қилгайдир нокас.

Эл фарзанди бўлмоқ истасанг,
Қарғиш олма — олқишини ол.
Мартабада бўлсанг-да, наҳанг,
Ўлгунингча инсон бўлиб қол.
Бутун экан токи имонинг,
Ўғлим деяр Ўзбекистонинг.

1987

ТЕАТР

1

Театр. Ёсуман саҳнага чиқди,
Уккидек кўзидан томарди заҳар.
Атиргул ичига оғуни тиқди,
Жилпанглаб, зал томон ташлади назар.

Фарҳодни билтанглаб кутди овлоқда,
Аянч башараси тиржайди мудҳиш.
Оқибат «ўлжасин» кўрди тузоқда:
Макр гулин хидлаб, йиқилди беҳуш.

Ғолибона қаҳ-қаҳ урди Ёсуман,
Найрангбоз кўзлари томошабинда.
Томошабин боқди унга ёвсимон,
Аммо кутқармади — Фарҳод тутқунда.

2

Яна театр. Қора ботир саҳнада,
Бадкирдор, гумашта Ёсуман билан.
Эзгулик уйига солиб дағдаға,
Залга ўқдек бокар — кўзида тикан.

Тоҳирнинг ишқига қилар суиқасд,
Дарёда окар у — тутқун сандиқда.
Макр шаробидан Қоработир маст,
Томошабин дили эса санчиқда.

Тоҳирнинг бахтига бўлолмас кўмак,
Нима дейсиз, оддий томошабин-да,
Ўйин ижросига уришар қарсак,
Аммо қутқармайди — Тоҳир тутқунда.

3

Яна янги театр. Ўтиб асрлар,
Ҳаёт саҳналари айланиб турди.
Театрга келди янги насллар,
Тақдир ўйинини саҳнада кўрди.

Қабиҳ ҳунарини намойиш этур
Ўлмаган иблислар яна саҳнада.
Томошабин ғазаб кўксини тутур,
Дажжоллар макридан қалби ларзада.

Ҳаёт ҳам театр, элга тикилур,
Иложин тополмай Фарҳод, Тоҳирлар.
Афсуски, саҳнада тантана қилур,
Машъум Ёсуману Қоработирлар.

1987

* * *

Ер юқар инсонни, ер кўрки — инсон,
Инсон ҳеч ер учун аямайди жон.
Онаю фарзанддек яшар қадрдон,
Ерни яшнаттали инсон керакдир.

Инсон ҳам дарахтдир — томири чуқур,
Дарахтдек меваси ҳаётга манзур,
Униб-ўссин десанг дунёда мансур,
Парвариш этгали боғбон керакдир.

Бу дунё бор экан — яшар ёнма-ён:
Эзгу билан ёвуз, яхши ва ёмон.
Тўғри билан эгри, рост билан ёлғон,
Чин инсон бўлгали имон керакдир.

Ўлимдан қўрқмайди ҳақиқатпарвар,
Адолат аҳлига бўлгай мард сарвар.
Сиёсат бошида қилич ўйнатар,
Ҳақгўйлик қилгали даврон керакдир.

Юрт бўлса қудратли — имтиёзи кўп,
Эл бўлса ҳимматли — унар, экса чўп,
Дўст бўлса виждонли — қадрдони хўб,
Сайри боғ этгали бўстон керакдир.

Мамлакат қаёти кечмас бехатар,
Дўсти асал бўлса, душмани заҳар,
Дунёда дўст бўлмас барча муқаррар,
Юртни асрагувчи посбон керакдир.

Одамлар ҳаводек ўзгариб турар,
Дўстни сотиб, душман базмини қурар,
Диёнат дарёсин орқага бурар,
Мард инсон бўлгали виждон керакдир.

Кимки бош эгмаса замон зайлига,
Қалби жўр бўлмаса элнинг майлига,
Зуғумни кўрсатса доно хайлига,
Илкини тиймоққа имкон керакдир.

Кўшнинг тинч — сен тинчсан, элу юртинг тинч,
Тинчингни бузмасин «қора юрак» ҳеч,
Тургани яхшидир ёнингда қилич,
Осуда яшашга осмон керакдир.

Жонзотки яралмиш — бош паноҳи бор,
Ғурбатда қолмагай — қароргоҳи бор,
Гадоми ёки шоҳ — бир даргоҳи бор,
Муқим яшагали макон керакдир.

Янги тур кимсалар бўлибди пайдо,
Оёқ туриб, юрар тил билан, аммо,
Иғво чорбоғида қилар кайф-сафо,
Пок инсон кўксига қалқон керакдир.

Нопок курол бўлур бу сур оламда,
Каззоблар бошини қолдирмас ғамда,
Салла деса — калла олгай бир дамда,
Донони ургали нодон керакдир!

1987

ҲАЁТ МИНБАРИ

Сенга бугун тегибди минбар,
Оғир юкни олдинг елкангга.
Бу минбардан сўзлаган кўплар,
Сен нимани дейсан ўлкангга,
Ҳайрат билан боқмоқда минглар.

Халққа айтар не сўзларинг бор,
Юрагингда яшайди нима?
Мақсадларинг, балки улуғвор,
Балки, вайрон сен тушган кема,
Минбар берди қайси омилкор?

Сендан бурун чиққан нотиқлар
Юлдуз терди кўкдан нарвонсиз.
Қизиб кетди савдо-сотиқлар,
Кўпик каби тошди армонсиз,
Маломатга қолди ҳозиқлар.

Сўзладилар мисли билағон,
Қўлларини қилишди пахса.
Муштумидан титради осмон,
Сўзлар қилди ерни палахса,
Ёқа тутиб боқди оломон.

Бири берди қоп-қоп ваъдани,
Қўйин тўлди пуч ёнғоқ билан.
Бири бургут деди саъвани,
Гул ўрнига узатди тикан,
Совурилди мулкнинг махзани.

Бири сўзин тугатмасданоқ
Тушиб кетди минбардан, ажаб.
Бири титраб вайсади узоқ
Ёлғон гапни рост билан бежаб,
Алмисоқдан қолган қўнғироқ.

Бири зимдан талашди шаҳар,
Маҳдудликни айлади ниқоб.
Бири шонга бўлди муяссар,
Сароб томон от сурди шитоб,
Елга сочди умрин мукаррар.

Нотиқлардан олмасдан сабоқ,
Кўтарилдинг минбарга нечун?
Таржимаи ҳолинг чатоқроқ,
Сендан поклар элда кўп бугун,
Бигиз қилма бармоғинг бироқ.

Кибр билан боқдингу залга,
Юрагингга ғулғула тушди.
Қотиб қолдинг ўхшаб ҳайкалга,
«Ўртоқлар!» деб кўтардинг муштни,
Ташвиш тушди эркак-аёлга.

Юрагингда санчиқ қўзғолди,
«Оҳ» деб кўксинг ушладинг бирдан.
Дўстлар сени бағрига олди,
Кўтаришиб кетди минбардан,
Лабин тишлаб эл қотиб қолди.

Янги нотиқ бузди сукутни,
Бўлмагандек ҳеч нарса содир.
Тингладилар янги ўгитни,
Билмасдан у нимага қодир,
Фарқ қилолмай сув билан ўтни.

Ташвишлидир ҳаёт минбари,
Ҳайъат аҳли ўзгариб турар.
Ўзгаради дунё сиғари
Минбардаги эски мавзулар.
Ўзгаради эл нотиқлари.

1987

Самарқанд йўлидаги булоқлар

САФО КЕЛТУРДИНГ

Самарқанди азимдан
менга сафо келтурдинг,
Беақибат давронда
ахдга вафо келтурдинг.

Дилимни эзиб ҳасрат,
дардимни тутдим пинҳон,
Луқмони ҳаким каби
дардга даво келтурдинг.

Назмга шайдо кўнгил
назмдан эди зада,
Илҳом танбурин чалиб,
дилга наво келтурдинг.

Обираҳмат сувига
ташна эди лабларим,
Регистон кўзасида
оби шифо келтурдинг.

Тошкент неъмати билан
гарчи тўкин дастурхон,
Самарқанд насибаси —
«нони осиё» келтурдинг,

Қадамингга жон садқа,
бош устига, меҳмоним,
Қавму қариндош ила
дўстдан садо келтурдинг.

Ғусса булути тарқаб,
гард қолмади руҳимда,
Ёшлик ўтган бўстондан
менга сафо келтурдинг.

1987

УРГУТИСТОН

Укам Холмуҳаммад Нурга

Дунёда топилмас азиз масканим,
Эй, ўзбек диёрин жаннат гўшаси,
Мангу хазон бўлмас боғим, чаманим,
Самарқанд элининг хирад пешаси,
Боғлардан яралган ажиб гулистон,
Ургутистон, Ургутистон!

Афсона қалашган баланд тоғларда
Ҳайбатли чўққилар вахми босганда,
Жаннат ҳам талашган сўлим боғларда
Юракка сиғмасдан қўшиқ тошганда,
Мен сендан изладим хилват бир макон,
Ургутистон, Ургутистон!

Қахратон қишларда совуқда қотиб,
Тиззадан қор кечиб каклик тутганда,
Камон ўқларини олқорга отиб,
Чўққидан-чўққига сакраб ўтганда,
Ўткинчи сайёддек қилмадинг сарсон,
Ургутистон, Ургутистон!

Боғларни уйғотиб елганда баҳор,
Табиат хуснига қўнганда ханда,
Қирларда ёнганда ўтдек лолазор,
Лайлаклар жанубдан учиб келганда,
Заминга тўшадинг гулдан дастурхон,
Ургутистон, Ургутистон!

Самарқанд эшитар айласанг хитоб,
Сен қадим шаҳарнинг кўз қорачиғи,
Бир ёнда Панжакент, бир ёнда Китоб,
Оға-ини каби жон ярашиғи.
Бешигинг тебратиб ўтар Зарафшон,
Ургутистон, Ургутистон!

Азим чинорларинг мозийдан ёдгор,
Улуғ аждодларнинг пушти паноҳи.
Авлодни авлодга этгали пойдор
Зарварақ тарихда замон гувоҳи,
Сойларинг ваъиллаб тўқийди достон,
Ургутистон, Ургутистон!

Булоғинг кўп, балки, одамларингдан,
Ҳар дарада қайнаб ётар минг булоқ.
Булоқлар яралган аламларингдан
Бахтиёр кунларни кутгандек муштоқ.
Булоқлар макони ажиб кўҳистон,
Ургутистон, Ургутистон!

Ота касбинг эди боғбонлик азал,
Боғ қилиб, ҳаётга бўлдинг қўрикчи.
Боғбонинг йўқ эди айтмаса ғазал,
Бошингга ғам тушса, топдинг йўрикчи,
Қўлинг дард кўрмасин, эй моҳир боғбон,
Ургутистон, Ургутистон!

Хор қилмоқ нечундир ота касбингни,
Нафас олмоқдасан тамакизорда.
Тамаки заҳари эзар қалбингни,
Ўспирин авлодинг жони озорда,
Гарчи рўзғоринг бут, ҳаётинг шодон,
Ургутистон, Ургутистон!

Тақдирим риштаси сенга боғликдир,
Шод бўлсанг шодонман, ғам чексанг ғамгин.
Ёлғиз тилаганим сендан: соғликдир,
Меҳрим узилмасин қутлуғ заминдан,
Гуноҳим бўлса гар кечир, онажон,
Ургутистон, Ургутистон!

Мардликка ўргатдинг мени ёшликдан,
Тоғ қўйса букилмас алп бардошимсан.
Умрим айри тушди бағритошликдан,
Эл ичра кўтариб юрган бошимсан,
Сен бердинг покиза виждону имон,
Ургутистон, Ургутистон!

Номард кимсаларга этмадинг йўлдош,
Тиз чўкиб яшашдан дарс бермадинг, йўқ,
Зуғум ўтказса ҳам эгма дединг бош,
Тик туриб ўлмоққа бергансан буйруқ,
Баҳодир ўлғонлар синалган майдон,
Ургутистон, Ургутистон!

Тирикман — қаратмам ерга юзингни,
Доно ўгитларинг ёдда сақларман.
Кўзимга сурурман нону тузингни,
Муқаддас номингни албат оқларман,
Зарра гард қўндирмам сенга, меҳрибон,
Ургутистон, Ургутистон!

Узримни қабул эт, Ўзбекистоним,
Ургутни атадим Ургутистон деб,
Журъатим ўринли, Ургутистоним,
Мен сени тушундим Ўзбекистон деб,
Ўзбекистон билан уйқаш қўйдим ном,
Ургутистон, Ургутистон!

1987

САМАРҚАНД ЙЎЛИДАГИ БУЛОҚЛАР

Самарқандни кўрмоқ ишқида
Саратонда отланган сайёҳ,
Бўлсанг ҳамки йўл ташвишида
Сирдарёни айла қароргоҳ.

Мирзачўлдан ўтар чоғингда
Тулпорингни сурмасанг шитоб,
Қовургандек сени ёғингда
Куйдиради фалакдан офтоб.

Чанқаб қолсанг жазирамада
Ариқлардан сув ичма зинҳор.
Сабр айла саросимада,
Сарбозорнинг булоқлари бор.

Бир дам Темур дарвозасида
Етар тўхтаб ўтганинг сенинг.
Баланд тоғлар акс-садосида
Салобати яшар ўтмишнинг.

Тоғларга шод деғин-да, хайр
Қулочинг ёз кенгликлар томон.
Сангзор бўйлаб қилгин-да сайр,
Далалардан сўра хаяжон.

Йўлга чиқиб азим пойтахтдан
Қуриганда танингда дармон,
Соя излаб ҳар бир дарахтдан
Ўз йўлингдан қолма, қадрдон.

Самарқанднинг йўлида сенга
Интизордир қайнар булоқлар.
Ихтиёринг олгин қўлингга,
Чарчоқ нима билмас сайёҳлар.

Ривоятли чинор тагида
Кўз тутади сенга Музбулоқ.
Минг йилларки, тоғ этагида
Йўловчилар бўлишган қўноқ.

Музбулоққа етганинг онда
Нима қилсанг сенда ихтиёр.
Жонинг яйраб сўлим маконда,
Ҳовуч-ҳовуч сув ич, биродар.

Ё узаниб булоқ бошида
Ташналигинг қонгунча симир.
Сеҳр кўриб қуму тошида
Завқинг тошиб, юрагинг эрир.

Музбулоқнинг тиниқ кўзлари
Булбул кўзи сингари маъсум.
Дилда қолмас алам музлари
Юзларингдан тошар табассум.

Юрагингдан йўқолгай доғлар,
Кўзларингни тарк этгай туман.
Эркалагай дилрабо боғлар,
Хушхон қушлар қургай анжуман.

Тамом янги одам бўлурсан,
Туғилгандек қайтадан гўё.
Бошинг билан бахтга тўлурсан,
Қўшиқ бўлиб жаранглар дунё.

Музбулоққа айтиб ташаккур
Самарқандга бўлсанг равона,
Маржонбулоқ йўлингга чиқур
Дардларингни айлаб бегона.

Сув узатар сенга косалаб,
Меҳмон этар соя-салқинда.
Бахт косаси бўлиб лабо-лаб,
Чайқалурсин ажиб тўлқинда.

Қуллуқ қилиб Маржонбулоққа
Кабутардек чарх урганинг он,
Бағрин очиб азиз қўноққа
Муллабулоқ ёзур дастурхон.

Унутасан ўзингни бутун,
Ҳаволарда юрасан учиб.
Дўстлик меҳри келгандан устун
Қуллуқ дейсан мезбонни қучиб.

Яна қайтиб келаман дебон
Хурсанд бўлиб йўлга тушасан.
Қўлин силкиб қолади мезбон
Самарқандга қушдек учасан.

Шошма, сайёҳ — Самарқанд яқин,
Ҳали қанча булоқлари бор,
Юрагингда чақнайди чақин,
Регистонни кўрмоққа ҳумор.

Самарқандда ундан ҳам тоза,
Бордир ундан ажиб булоқлар.
Шуҳратига бўлиб парвона
Олислардан келар қўноқлар.

Бу булоқлар аҳли Самарқанд
Юрагида азалдан қайнар.
Кимки бўлса ундан бахраманд
Яна кўрмоқ ишқида қайтар...

Булоқларга дардини айтар.

1987

НАЖОТ ИЗЛАБ...

Ўлтирибсан хилват гўшада,
Алам ўтиб — афтода бир ҳол.
Эл оқади катта кўчада,
Ҳолинг сўрса олурсан малол.

Қулоғингга кирмайди зарра
Кўчадаги шовқин ва сурон,
Ғам солади қалбингга арра,
Пайраҳасин этади хирмон.

Мажнунтолдек Анҳор бўйида
Дардли бошинг сувга эгилган.
Адашгандек ҳаёт кўйида
Ҳасратларинг жунбушга келган.

Ўткинчига қилмайди парво,
Сувга қараб қотган нигоҳинг.
Излагандек Анҳордан даво
Мавжларида оқади оҳинг.

Хаёлингни босган туманлар,
Кўзларингга олам қоронғу.
Сенга хасад қилган тубанлар
Ҳамон зимдан кўтарар «ёҳу».

Буқаламун сингари яшаб
Тилларини қилар бир қарич.
«Имзосиз хат» макрида яшнаб,
Хаётингда ясар ўзгариш.

Ниқоб кийган номаълум кимса
Изларингни этади таъқиб.
Кимки йўқлаб қошингга келса,
Хас сингари ёнар тутоқиб.

Кўз узмайсан сокин Анҳордан,
Оқиб кетар сувда хаёлинг.
Тозаланар, дилинг ғубордан,
Булутлардан чиқар ҳилолинг.

Бир дам енгил сезиб ўзингни
Хаёл билан кўтарасан бош.
Оқар сувдан узиб кўзингни
Тикиласан: фалакда қуёш!

Сузиб юрар бир парча булут
Узилгандек йўлда хайлидан.
Ўйларингни босади сукут,
Қайтолмассан кўнгил майлидан.

Умид кўзин тикиб кўчага
Қўзғаласан ўрнингдан аста.
«Хайр» дейсан сокин гўшага
Одамларга боқиб ҳавасда.

Кўксинг тутиб мавж урган селга
Завқланасан шовқин-сурондан.
Қўшиласан ирмоқдек элга
Нажот излаб Ўзбекистондан!

1987

* * *

Ҳаётнинг жазоси ҳар хил — беомон,
Берилмас гуноҳдан ортиқ ҳеч қачон.
Гуноҳсиз яшамоқ истасанг, инсон,
Савобнинг қўлидан насибангни ол.

Заминга билиб бос ҳар қадамингни,
Ўзгага юклама дард, аламингни,
Ғамдан халос айла дўст, ҳамдамингни,
Ҳиммат гулзорига боғбон бўлиб қол.

Меҳнат мевасин еб, яша пок, ҳалол,
Ҳаром турмушни ҳеч қилма хомхаёл,
Нафс балоси очдир мисоли дажжол,
Бўғзига қаноат сиртмоғини сол.

Ўзни яхши дема, ўзгани ёмон,
Дема: ер қаттиғу баланддир осмон.
Ер бўлгин — барингда баҳра топсин жон,
Чинордек кўп яшаб, кўкар мисли тол.

1987

ИҲОТА ДАРАХТЛАРИ

Табиат ўйини азалдан қизиқ,
Ҳадиксираб турар ундан ҳар мавсум.
Фаслларга доим ўтказар тазйиқ,
Ўрганиб қолган бу ўйинга мардум.

Баъзан куз, баъзида чўзилар баҳор,
Ердан аямайди қор ва ёмғирни.
Ёзни маҳтал қилар, кузни бекарор,
Турфа мақомида ўйнатар ерни.

Инсон эса унга бўлмаган тобе,
Тап тортмай яшайди самумларидан.
Сафро бўлмасин деб боғлар жамоли,
Қўриқлар қуюнлар ҳужумларидан.

Ўтказиб иҳота дарахтларини
Асрайди гармсел балоларидан.
Ҳимоя қилади нек бахтларини
Бетайин табиат жазоларидан.

Энди боғларинмас, баъзи устомон
Мансаби атрофин қилур иҳота.
Тама аҳлин этиб ўзига посбон,
Кичикни ўғлим дер, улуғин ота.

Иҳота бўлмайди мевали дарахт,
Теран томир билан турар устувор.
Ислоҳот даврида ким бўлса карахт,
Иҳота билан ҳам яшаши душвор.

Ҳаёт низомига боқиб нописанд
Юрган кимсаларинг йўлидир хато.
Даврон синовида албат ейди панд,
Кимки мансабини қилса иҳота.

1987

ТАСАЛЛО

Сен ўзгадан нажот кутма,
Умидинг уз, биродар.
Бунинг учун зардоб ютма,
Ҳаётинг этма заҳар.

Билмайсанми, энди инсон
Манзараси ўзгарган.
Мурувватни кўрдинг қачон
Сен юраги музлардан?

Қалби қуёш кишилар бор,
Қуёш каби лек йироқ.
Дардларингни қилсанг ошкор,
Йўлингга қўймас тузоқ.

Қуёшдек нур сочар асил
Барча жонга баробар.
Ўша нурдан ҳар ким ҳар хил
Фойдаланар, биродар.

Бир ошнам бор — ўзин доим
Унга яқин кўрсатар.
Сўзи ширин, таъби ҳалим,
Элга ақл ўргатар.

Тегирмондан қолиб омон,
Сувдан қуруқ чиқади.
Кимки улуғ — бошин шу он
Қўлтиғига тиқади.

Унга ўқиб мадҳу сано,
Қуллуқ қилиб эгилар.
Чиқмаган деб сиздек сахо,
Оёғига йиқилар.

Нима иши бўлса унинг
Номидан битиради...
Ойни кўрмас ўзига тенг,
Мансабда кутиради.

Одамларни кўрсатар у
Оёғининг учида.
Тилларида тутиб оғу
Илон ётар ичида.

Ўзганимас, ўзин билар,
Нафси унинг аждаҳо.
У доимо рўкач қилар:
Таянчим деб раҳнамо.

Энди ошнам ўйинига
Тушмадингми, биродар.
Тушиб ҳаёт қуюнига,
Чиқмоқ йўлини ахтар.

Нурдан қандай фойдаланиш
Сирини бил ошнамдан.
Камаяди шунда ташвиш,
Бошинг чиқади ғамдан.

Ҳаёт йўли пасту баланд,
Сочилгандир гул, тикан:
«Қишлоқ эмас, бу ер Тошканд,
Бунда ўзга анжуман».

Пойтахтнинг ўз ҳаёт тарзи,
Ўз низоми, йўли бор.
У, қишлоқнинг бутун акси,
Замонанинг кўли бор.

Шунинг учун сен бировдан
Кутма шафқат, мурувват.
Ўтарсан-да зўр синовдан,
Қолмас дилда кудурат.

Ўзгани қўй, қолма ўздан,
Қисматинг ўз қўлингда.
Қачон учқун чиқмиш муздан?
Чироғинг ўз йўлингда.

Иссиғи йўқ нурдан сира
Яшама, кутиб нажот.
Ўзинг нур соч — кўнгли хира
Диллар равшан бўлсин бот!

1987

ЯЛДО ТУНИ

Зулмат ичра тентирайди қиш,
Деразамда музлар нафаси.
Оч қашқирдай ғижирлатар тиш,
Кўзларида совуқ ҳаваси.

Боғу роғлар яшар зулматда,
Зулматдадир сағир тоғу тош.
Тонг жунжикиб ётар узлатда,
Қоронғида кўтаролмас бош.

Қора туман тўсган фалакни,
Сочин юлиб ой сўрар нажот.
Нолалари эзиб юракни
Юлдузларга тилайман сабот.

Дарёларнинг бағри қўрқинчли,
Тўлғонади мисоли аждар.
Яланғочлаб гўё қилични
Далаларнинг кўксига урар.

Дараларда сойлар бўғилар,
Чўққиларнинг бошида зулмат.
Адирларда дайдир бўрилар
Қўй-қўзига солиб қиёмат.

Қишлоқларда сукут ҳукмрон,
Дарвозалар ёпилган маҳкам.
Чироқлардан кўринмас нишон,
Ойга қараб ҳурмайди ит ҳам.

Тўхтаб қолган йўлларда ҳаёт,
Бекатларнинг оғуши холи.
Замин билан қилиб мулоқот
Ялдо тунин тонгда хаёли.

Кора махлуқ болта кўтариб,
Қонсираган жаллоддек кезар,
Эшигимни кўрар итариб,
Туйнуклардан бўйнини чўзар.

Деразамга юзини босиб
Мўлтирайди жодугар кампир.
Тузалмаган ярамни топиб
Босмоқ истар унга қалампир.

Ёсумонга дугонаман деб
Кирмоқ учун қилар тавалло.
Хусуматдан бегонаман деб
Юрагимга берар тасалло.

Ташқарида изиллайди қиш,
Мунча узун, зулмат бу кеча?
Қайлардадир тонг урмоқда ниш,
Умид гули отмоқда ғунча.

Чўққилардан мўралар қуёш,
Деразамдан эрийди музлар.
Тутқун каби кўтараман бош,
Тонгга боқиб, ишонмас кўзлар.

Ялдо туни тугаб, менинг ҳам
Ҳаётимда янги тонг отди.
Юрагимни тарк этиб алам,
Дардларимни тошдек ушотди.

1987

ЛАЙЛАТУЛ-ҚАДР

Эртаклардан излайман ҳаёт,
Ишонаман афсоналарга.
Шафқат билан тилайман сабот
Ҳаётдаги девоналарга.

Ҳушёр эди улар бир маҳал,
Доно эди ақлу фикрда.
Адолатга қидириб тамал
Бечун эди илму фикрда.

Ўткир ақли сиғмай бошига,
Фикрлари кўтариб исён,
Йўламасдан тузлар қошига,
Тополмади ҳаётдан омон.

Сиғдирмади уларни ҳаёт,
Ақлу хушдан айлади жудо.
Жоҳилларни сийлади-да, бот
Телбаларча қувонди дунё.

Шоҳни гадо этди ва лекин
Гадони шоҳ қилмади ҳаёт.
Нишон қилиб камонга кўксин
Қонли булоқ яратди, ҳайҳот!

Имон бермай хушёр нодонга,
Девонага берди диёнат.
У суиқасд қилса виждонга,
Бу билмади — нима хиёнат.

Болаликдан лайлатул-қадр
Фасонаси мени этди банд.
Тилаб келдим қалбимга сабр
Эртакларга бўлиб ҳавасманд.

Эсимдадир қадр кечаси:
Кўкка боқдим ўтар деб дулдул.
Болаликнинг ғўр тушунчаси
Оғушида яшади кўнгул.

Учиб ўтар чоғи оқ дулдул
Само бўлмиш нуридан равшан.
Айланармиш олтинга буткул
Нима тутган бўлсанг дафъатан.

Дулдул учиб ўтар ёки йўқ,
Сўнгра сира бўлмади ишим.
Ҳаёт нечун бермади буйруқ,
Етиб-ортди бошдан ташвишим.

Эртак эмас, ҳаётда кўп бор
Ўтру келдим «девона»ларга.
Ҳавас билан тикилдим такрор
Фиск-фужурдан бегоналарга.

Ақлу хуши жойида мутлоқ,
Кўп нарсага етар фикрати.
Қалб торлари нозик ва титроқ,
Зарифларки — элнинг зийнати.

Аммо эсим бор деган тентак,
Дарвиш дебон қилмайди писанд.
Илму фанда гарчи бир кесак
Бермоқ иши жунунларга панд.

Тентакларга солмайди қулоқ
Кашф билан банд аҳли «девона».
Хусуматдан яшайди йироқ
Ўзи билан ўзи овора.

Бўлса энди лайлатул-қадр,
Дулдул ўтса — нидо қилгайман.
Мен ҳеч нарса сўрмайман, тақдир,
Одамларга қадр тилайман!

1987

БИЗНИНГ ХОТИРА

Биз тирикмиз хотира билан,
У туфайли бошимиз баланд.
Замонларни лол этиб келган
Хотирамиз бизнинг Самарқанд.

Биз мағрурмиз хотира билан,
Тутқунлик ёт бу олам аро.
Минорадек кўкка юксалган
Хотирамиз бизнинг Бухоро.

Биз ғолибмиз хотира билан,
У эрк бонгин чалган қадим Шош.
Маърифатга ташна туғилган
Хотирамиз бизнинг — Кўкалтош.

Биз закиймиз хотира билан,
У дунёга бергусиз ганждир.
Хоразмнинг меҳри тўкилган
Хотирамиз Кўҳна Урганчдир.

Биз ғолибмиз хотира билан,
У — қирроққа элтгувчи кема.
Самумлардан бағри тилинган
Хотирамиз бизларнинг Хива.

Биз улуғмиз хотира билан,
Машриқ аро қолган яхши от.
Навоийга соябон бўлган
Хотирамиз муқаддас Ҳирот.

Биз бунёдкор хотира билан
Бағишладик мозийга сайқал.
Дўстлик меҳри билан яралган
Хотирамиз бизнинг Тожмаҳал.

Биз саҳомиз хотира билан,
Тарихларда қолдирдик ёдгор.
Меъмор бўлиб нурга йўғрилган
Хотирамиз Ўш билан Ўтрор.

Хотирамиз азалдан бутун,
У ҳеч кимга бўйсунмас юрак.
Бизни таслим этмоқлик учун
Хотирамиз ўлдирмоқ керак.

Қайси дажжол саҳнага чиқиб,
Ҳужум қилса хотирамизга.
Унга тоғни отгаймиз йиқиб,
Дош беролмас ҳеч кимса бизга.

Биз боқиймиз хотира билан,
У юракда яшаган жондир.
Ўзбек бўлиб дунёга келган
Хотирамиз Ўзбекистондир!

1987

ШИОРБОЗЛАР

Шиорлар — афиша, бокма қаёққа:
Бинолар қошида, кўча бошида.
Аршин-аршин харфлар туриб оёққа,
Бонг урар, ҳаттоки тоғлар тошида.

Шиорсиз манзил йўқ, шиорсиз йўл йўқ,
Шиорлар жар солар бекатларда ҳам.
Ҳар қадамда гўё беради буйруқ,
Қуруқ хитоблардан гангийди одам.

Кўз толиб, дил нолиб ўйга ботасан:
Шиорлар мазмуни эди-ку, бечун!
Ҳайрат ёқасида тошдек қотасан:
Сийқаси чиқдими ёинки бугун?

Нима қилмоқ керак? Воз кечиб ёки
Шиорсиз ишлашни қилсакми удум?
Эски анъанани унутиб, токи,
Янгича яшашни ўрганса мурдум.

Ўтли шиор эди олий мақсадлар
Боболар инқилоб ясаган даврон.
Жанговар шиорлар бўлмаса агар
Урушдан чиқмасдик ғолиб, қаҳрамон.

Фурсат ўтган сари тушдими қадри
Ё турғун даврнинг акс-садоси бу?
Қайга кетди ўтли шиорлар амри?
Лоқайдмиз келганда энди рўбарў.

Халқ дейди: яхшидир шакарнинг ози,
Кўп бўлса, тегади бир кун меъдага.
Шиорлар оз бўлиб — соз бўлса, кошки,
Адолат бонгини урса ўлкага.

Аммо шиорбозлар ҳамон авжида,
Эски корхонаси ёпилган эмас.
Бурилиш даврининг оқар мавжида,
Қайтадан қурмоқни, балки ўйламас.

Бас, етар! Камайса қуруқ шиорлар,
Ишимиз орқага кетмас, эҳтимол.
Шиорларсиз меҳнат қилса шунқорлар,
Нафасин ростласа ўлка бемалол.

Ишсиз қолмас асло шиорбозлар ҳам,
Кўкрагин кермагай, балки минбарда.
Замон талабига мосласа қадам,
Қуруқ шиор билан қилмаса зарда.

Ҳар қайси даврнинг талаби янги:
Ҳаёт холи бўлсин шиорбозлардан.
Шиорсиз қизисин меҳнат оҳанги,
Эл кочсин шиорга ишқибозлардан!

Шиорлар мазмуни қайтсин аслига,
Беҳуда муҳитга бермасин ҳашам.
Инсон чирой бўлиб ҳаёт фаслига,
Умид гулшанига ташласин қадам.

Дилга шиор бўлсин эътиқод, имон,
Умрни безасин виждон, диёнат.
Истиқлол туғини кўтарди даврон,
Шиор билан элга қилманг хиёнат!

1987

ЕТТИНЧИ ҚИТЪА

Олти қитъа — олти миллиард дард,
Олти миллиард қувонч ва алам.
Ҳаёт туққан олти миллиард мард,
Юрагида тўй билан мотам.

Олти қитъа қисмати билан
Нафас олар еттинчи қитъа.
Тутқунликдан жони бўғилган,
Наъра тортар озодлик истаб.

Наъра тортар у банди шердек,
Занжирини узар бўйнидан.
Қитъаларга дахлдор эрдек
Отилади зулм қўйнидан.

Ер куррасин кўрай дер озод;
Гарданида ўлим шамшири.
Инсон уйи бўлмаса обод
Озод бўлмас дунё тақдири.

Золимлардан олиб қочмас бош,
Жанг килади яккама-якка.
Ўлимларга беради бардош,
Ҳаёт ўтин солар юракка.

Эл қарғаган сотқинларга у
Жой бермагай бағридан асло.
Ширин умри кечса-да, оғу,
Ботирларга бўлгай раҳнамо.

Барча миллат яшар унда тенг;
Оға-ини, қавму қариндош.
Байналмилал қўшиғи унинг
Бор эканки фалакда куёш.

Ҳаловатсиз еттинчи қитъа
Тақдирини берган халқимга.
Қуёш каби озодлик истаб,
У яшайди менинг қалбимда!

1987

ҚОНЛИ БУЛОҚ

Кўкрагимда қонли булоқ,
Қирмизи қуму тошлар —
Кўзларимга чиқмай, бироқ,
Тўкилган аччиқ ёшлар.

Булоқ эди бир пайт зилол,
Сувлари тиниқ, тоза.
Қониб-қониб ичди иқбол,
Мадҳи эди овоза.

Боши узра азим чинор
Соябон эди унинг.
Қўшиғига она диёр
Тасанно деди минг-минг.

Булоқ кўзин бекитгали
Бошланди қора куюн.
Чинорини йиқитгали
Бўрон кўрсатди ўйин.

Алам ўти ёнди узоқ,
Ҳайриятки, бош омон.
Кўкрагимда қонли булоқ,
Ўзбекистон, онажон!

1987

УЧБУРЧАК МАКТУБЛАР

Уруш жабҳасидан отланди йўлга
Учбурчак мактублар мисли қахрамон.
Жангчилар розини жойлаб кўнгилга,
Манзилин сўроқлаб, учди ҳар томон.

Учбурчак мухрни бағрига босиб,
Чехраси нурланиб азиз исмдан.
Голиб аскар каби қувончи тошиб,
Мужда билан елди харбий қисмдан.

Беаёв душманлар изидан тушди,
Замину ҳаводан бошлади ҳужум.
Мактублар бошидан хаёли учди,
Бомбалар портлади — қўзғалди самум.

Учқур поездларнинг йўли кесилди,
Турнадек вагонлар бўлди ярадор.
Баъзи мактубларнинг қўли кесилди,
Баъзиси сёкдан ажралди — ночор.

Партизан лочинлар келди кўмакка,
Бало чангалидан олди кутқариб,
Мехрин малҳам қилиб босди юракка,
Юрак томиридан қонлар юбориб.

Мактублар қувониб турди оёкка,
Яна кабутардек ёздилар қанот.
Умид бошин тутди гарчи чақмоққа,
Сабот қуёшидан кутдилар нажот.

Учбурчак мактублар тақдири турли;
Битилган — окопда ё блиндажда.
Аммо барчасининг тақдири нурли,
Ким ўқиса — қилур жангчига сажда.

Халоскор аскарга дегай ташаккур,
Оналар армони унда мужассам.
Оталар қалбига бағишлар ғурур,
Вафодор келинлар қалбида қасам.

Мактублар манзилга етолмай баъзан,
Йўлларда солдатдек бўлдилар халок.
Хокини баҳрингда асрагин, Ватан,
Авлодлар, тутингиз хотирасин пок!

Жангда қурбон бўлган бўлиб мактублар
Хотира хайкалин қўйингиз, токи,
Қошида бош эгсин бугун маҳбублар,
Жангчилар шонидек умридир боқий!

1987

ЭСКИ ШАҲАР

Мозий тўзонига кўксини тутиб,
Замонлар қуюнин кечириб бошдан,
Асрдан-асрга мардона ўтиб,
Эски шаҳар боши яралмиш тошдан.

Супрадек ҳовлилар, катакдек уйлар
Қалашиб ётибди саржин сингари.
Лойсувоқ деворлар, тор кўча-кўйлар,
Кирса гар адашиб қолади ари.

Иноқ маҳаллалар, қондош даҳалар
Бириси йиқилса — бириси тиргак.
Қавму қариндошу куда-андалар
Тўй билан азада жондош, ҳамюрак.

Қай файзли кулбага ташлама назар
Унда нафас олар жўжабирдай жон.
Турмуш ташвишидан нолимас магар
Ҳаёт ишқи билан обод хонадон.

Ўзини унутиб, ота-оналар
Ясантириб қўяр кўз қарогини.
Саломат камолга етсалар агар
Фарзандлар ёқурлар ўз чирогини.

Истиқбол умиди яшаб жонида
Бахтини яратар эски шаҳарлик:
Қутлуғ анъанали хонадонида
Узукка қўйилган тоза гавҳардек.

Эски Жува унинг юраги — қайноқ
Муаззам бозори — файзли дастурхон.
Рўзғор ташвишида бормагин қай чоқ
Мушкулингни енгил қилади деҳқон.

Келинчак уйидек дўконлар ҳашам:
Кўзларни толдирар зеб-зийнат, безак.
Товланиб турса-да, атлас, бекасам,
Ҳожати чиқмасдан харидор халак.

Расталар тиқилинч, серғавғо тимлар,
Мева-чева билан майдонлар тирбанд.
Савдо-сотиқ дебон келмайди кимлар:
Бирин кенг, бирин тор имкони гарчанд.

Куш каби елурлар — кафтида жони...
Унинг фурсати зиқ, ташвиши бисёр.
Гарчи пойлаб турар китоб дўкони,
Табиат музейи кутар бекарор.

Қадимий оҳанглар янграйди бунда,
Бунда тенг кўргайсан қувонч, афғонни.
Алам бодасига бағринг тўлганда,
Уйингга қайтурсан яйратиб жонни.

Янги шаҳар қанча қилмасин ҳамла,
Тик туриб бермоқда Эски шаҳар дош.
Ўзлигин йўқотмай боқар оламга,
Омон қолсам дейди мисли Кўкалдош.

Бир томонда Хадра, бир ёнда Чорсу:
Бетон ошёнларда олмоқда нафас.
Шахристон дилида ўрнатиб орзу,
Хастимом кўркига этмоқда хавас.

Кўп қават бинолар савлати босиб,
Ўйланиб турибди осуда ва лол.
Замон сийловига бўлиб муносиб,
Ҳаёт жабҳасида топмоқда камол.

Бешигин тебратиб азамат кентнинг
У яшар заминда — улуғ волида.
Меҳрини қозониб янги Тошкентнинг
Ғолиб авлодларга бўлгай обида.

Меъморлар қалбида уйғонса журъат,
Адолат ҳукмини чиқаргай даврон.
Эски шаҳар мухтож таъмирга фақат,
Қайдасан, тақдирин ўйлаган инсон?

Бу олтин бешикда ўсиб-улғайди,
Саодат асрига ким очди эшик.
Кўнглидан дарз кетиб, наҳот, мунғайди,
Тебраниб турсам дер муқаддас бешик.

Муқаддас бешикни тебратинг, унда —
Ухлар янги Ойбек, Ғафур Ғуломлар.
Толе юлдузини кўриб гардунда
Қисматига посбон бўлинг, одамлар!

1987

ХАДРА ПИНЖИДА

Хадранинг пинжида мўмин ва хоксор
Мўйсафид қўллари очиқ дуога.
Кўзида уқубат, дилида озор,
Нега келганини билмас дунёга.

Дунё ажиб экан — тинч яшаса, бас,
Ҳаётдан кўп нарса қилмайди талаб.
Гарчи ёшлигини этса-да, ҳавас,
Армонлар бағрига кетар ўт қалаб.

Ёшликда нимани қилмади орзу,
Юлдузлар тўкилди, юрса — йўлига.
Анҳордан қоплондек ҳатлаб ўтди у,
Кабутарлар келиб қўнди қўлига.

Довруғи таралди Эски шаҳарга,
Дуч келган полвонни бир тишлаб отди,
Кулфат чанг солганда она диёрга
Душман боши узра тошни ушотди.

Бағрин поралади аммо малъун ўқ,
Юрагида қолди совуқ қўрғошин.
Милтиғин кўтариб қотил урди дўқ,
Тутқунлик девори қонатди бошин.

Освенцим печидан чиқолди омон,
Ўлимларни енгиб қайтди Ватанга.
Маҳбуслик тамғаси эзди беомон,
Шубҳа ўти тинмай олди аланга.

Алангада ёнди қуруқ ўтиндек,
Умр дарахтидан тўкилди хазон.
Алами ўрлади кўкка тутундек,
Қуёшга сиғинди туриб ҳар азон!

Ҳарқалай, бошидан тарқалди булут,
Кўнгил гўшасига мўралади нур.
Гарчи ўтмиш дардлар бўлмади унут,
Осуда ҳаётдан тополди ҳузур.

Куз ўтиб, яшайди умр қишида,
Баҳор фаслига у деди: алвидо!
Нимани кўрмади ўз турмушида,
Ватан деб жонини қилса-да, фидо.

Энди у дуогўй — бир одамга хос
Умр кечиради Хадра пинжида.
Худком кимса билан фикри келмас мос,
Беором яшайди эл илинжида.

1987

ОНАИЗОР

Темир-бетон уйлар ошёнма-ошён
Кўкалтош қошида ҳаволар кўкка.
Чорсунинг қалбини чулғаб ҳаяжон
Мозий обидасин босар кўкракка.

Эски маҳаллалар қилиб хайрбод
Йўқлик дунёсига қўймоқда қадам.
Маскани бузилган кимсалар ношод,
Гарчи янги уйлар эшик очса ҳам.

Туғилган манзилин тарк этмоқ оғир,
Жаннат ваъда этса — қилмас айрибош.
Умр сўнгигача ўртанар бағир
Киндик қони томган ерга қайғудош.

Кўз очиб дунёни кўрган маҳалла
Кўзига кўринар Маккадан азиз.
Бошига мушкулот тушган маҳалда,
У жонига ора киради ёлғиз.

Хокини тўтиё қилиб топинар,
Бош урса муқаддас остонасига,
Гарчи яшаш учун маскан топилар,
Тенг келмас лек хароб «кошона»сига.

У — тилни ўргатган, танитган элни,
Ҳам ҳаёт дарсидан бергандир сабоқ.
Ватан бахти учун боғлатган белни,
Кўксини тоғ этгин, толеини оқ.

Бешигин тебратган онаизордек,
Кўзидан нур берган, кўкрагидан сут.
Соябон бўлган у азим чинордек,
Мурғак ниҳолапондан чиқарган бургут.

Девор бўлиб тўсган — кўзғалса тўзон,
Қоядек асраган тошганида сел.
Дўл ёғса — бошини тутган жонсўзон,
Дўстга — дўст бўлсин, деб, элга эса эл.

Шу важдин қисмати вайрон маҳалла
Дардидан муқим эл дилида озор.
Алвидо демоқда сўнгги маҳалда:
«Қабрингда тинч ётгин, эй онаизор!»

1987

ТАҚДИР ЎЙИНИ

Уйидан бадарға қилинди соҳиб,
Бошига урилди ғойибдан чўқмор.
Тўнкага боқди у ҳайратда қолиб,
Юраги санчиқдан урди бемадор.

Кўксини ушлади — лек демади «оҳ»,
Тақдир ўйинига айлади бардош.
Сабр дарахтидан топди-да паноҳ,
Самога тикилди — ғафлатда қуёш.

Кўргилик экан-да, юклаб ашқолин
Яшаган манзилин маҳзун тарк этди.
Ичига ютди-да ҳаёт дашномин,
Таъна камонига кўксини тутди.

Падари кўзининг ёғин ялаган
Алмисоқдан қолган қув замонасоз,
Сўнг дўсти гўрига ўтин қалаган
Кимса кўчиб кирди — замона носоз.

У гарчи заминга бир ғишт қўймаган,
Доимо янгилаб турди уйини.
Кимда омад бўлса, уни сайлаган,
Тўлдирган пуч ёнғоқ билан қўйнини.

Замонасоз дебон гарчи топди ном,
Ҳаёт дарсидан у олмади сабоқ.
Инсонлик унвоним покиза дебон
Танҳолик азобин тортади бироқ.

Дўстининг ўғлини у йиғлатиб қон,
Ўзини ҳақ дебон суради даврон!

1987

МИНОРА

Зилзиладан шаҳар бузилди,
Ночор улус қидирди чора.
Иморатлар жони узилди,
Омон қолди якка минора.

У ҳам, аммо лат еган — пора,
Минорасиз бўлмайди шаҳар.
Жипслашдию улус тобора,
Шаҳар бўйлаб кизиди ҳашар.

Иморатлар юксалди бир-бир,
Лекин тамом битмади яра.
Улус қанча кўрмасин тадбир
Тикланмади янги минора.

Эскисига қилди қаноат,
Таъмир қилиб бўлмас на чора?
Ёдгорликмас, у бир харобат,
Нажот излар жулдур минора.

Аросатда қолиб бош меъмор
Дардларига ахтарар чора.
Қутламоққа бермас ихтиёр
Омонатдир гарчи минора.

Ваҳм босар — йиқилса бехос,
Қанча қисмат бўлгайдир қора.
Замон билан талашиб мерос
Савлат тўкар бошсиз минора.

1987

АЛВИДО, РАКЕТА!

(2000 йилнинг шеъри)

Тонглар сокин... Ширин уйқудан
Уйғонмоқда Наврўзи олам.
Халос қилиб ерни қайғудан,
Балолардан қутулди одам.

Рўйи замин фавқулодда тинч,
Жаннат каби боғлар осойиш.
Дарёларнинг лабида севинч,
Сайҳонларда гулгун намойиш.

Ҳаво тоза, осмон мусаффо,
Нафас олар осуда дунё.
Табиатда ажиб завқ, сафо,
Сокин ҳаёт кўринар рўё.

Анҳорларда тозадир сувлар,
Ҳовуч-ҳовуч ичиб, қонмайсан.
Юракларга сиғмас орзулар,
Жимжитликка ҳеч ишонмайсан.

Келажакдан ноумид бўлмай,
Кўз тикасан қиру адирга.
Ракеталар кўмилди — ўлмай,
Халқ қазиган бетон қабрга.

Портламайди энди ҳеч қачон,
Ўлим бўлиб қилмайди нидо.
Қабри узра бош эгмай нолон,
Қувонч билан дейсан: алвидо!

1987

ТАМАГИР

Шамол эсган томонга
Салом берар бир кимса.
Донни тенг дер сомонга
Кимки амалдан жилса.

Кеча унинг мушугин
Эркаларди пишт демай,
Бугун қисиб муштумин
Ёмонлайди, ғам емай.

Шамол эсмай — бўлса дим
Бўғилади нафаси.
Яна келар дебон ким?
Қисилар жон қафаси.

Бўрондан у қўрқади,
Учириб кетса, нетар?
Ичи мисли носкади,
Заққуму зардоб ютар.

Шамол эсди неча бор,
Неча бор берди салом.
У мисли кунгабоқар,
Эгилади — қўйиб дом.

Домига илинмаган
Бошлиқ туғилгани йўқ.
Барри ҳеч тилинмаган,
Шунинг учун кўнгли тўқ.

Шамол эсмас томонга
Салом бермас ҳеч қачон.
Боқмас донсиз осмонга,
Унга керак фақат дон.

Салом бермоқ — савоб дер,
Эсиб турса, бас, шамол.
Салом бериб, ўпиб ер,
Майли, кадди бўлса дол.

Унинг ҳаёт тарзи шу:
Букрини гўр тузатар.
Либос кийган тулки у,
Гарчи эл ичра яшар.

1987

ТЕГИРМОН

Гувиллаб тегирмон тоши айланар,
Комига тортади сарбасар донни.
Тошлар орасида гарчи янчилар,
У оппок ун бўлиб, сийлар инсонни.

Мухтож қилмай уни хўрлик нонига,
Қадрини эл аро этар сарбаланд.
Тушма деб замонлар тегирмонига,
Дастурхон устида гўё берар панд.

Инсонни эъзозланг, янчманг дон каби —
Сув қуйиб ахли жоҳ тегирмонига,
Бошоқ каби бошин кўтарсин адил,
Файз берсин тириклик дастурхонига.

1987

ЧАРОҒБОНЛАР

Азиз устоз Азиз Қаюмовга

Навоий даҳосига таъзим қилиб
даставвал,
Қўлёзмалар махзанин зиёрат қилмоқ
одат.
Бу олий даргоҳга ҳеч кирманг,
қилиб тавакқал,
Илм заҳматин чекмоқ бўлсин шараф,
саодат.

Бу қадамжо маскандир — муқаддас
остонаси,
Хокини кўзга суриб, мехробига уринг
бош.
Осори атиқамиз минг йиллик нишонаси,
Буюк аждодларимиз дарди билан
қайғудош.

Замонлар чангин ютган китобин айланг
тавоф,
Унинг ҳар бир варағи — кўзимиз
қорачиғи.
Нафасингиз пок бўлсин, дилингиз тоза,
шаффоф,
Ҳар сўзи, ҳар жумласи — қалбимиз
ярашиғи.

Қўлёзмалар бошидан кечган неча жанг,
ўлим,
Маърифатчи кишилар йўлида бўлган
қурбон.
Тутунли кечаларда юзини босган қурум,
Дўзахий ёнғинлардан жони қолгандир
омон.

Ўрхун ёзувидан то янги ўзбек имлоси
Шаҳодат берур сизга битиклар
хилқатидан.
«Қутадғу билик»дан то «Навоий»нинг
иншоси
Халқимизга азиздир дунёнинг
давлатидан.

Беруний қўлёзмаси, Навоийнинг
дастхати
Қай бир қутлуғ даргоҳда йўлингизга
интизор.
Неча замонлар ўтиб, балки келди
муҳлати,
Гавҳар йўқолган билан тупроқ ичра
бўлмас хор.

Қадимги китобларни этганда мутолаа,
Замон зайли-ла боқиб, янги кашфиёт
қилинг.
Бир дона дур топсангиз, айламай
муболаға,
Элга инъом этгунча жондек эҳтиёт
қилинг.

Раҳнамо бўлиб сизга, биринғизга қўшар
минг,
Бу маскан олимлари — фидойи, қалби
чўғлар.
Тўполон асрларнинг қопқасини очиб
кенг,
Мозий қароргоҳидан боқур гўё улуғлар.

Улуғлар нафасини туймоқ бахтдир —
тенги йўқ,
Дилингизни ёритар меҳри бўлиб зўр
қуёш.
Камолингиз кўролмай, нодон зимдан
узса ўқ,
Кўкрагин қалқон этиб, бўлур сизга
елкадош.

Машаққат тортиб фанда — аямай кўз
нурини,
Нодир қўлёзмаларга меҳрин тўкиб
берар жон.
Сарғайган варақларга сарф этиб ўз
умрини,
Шамдек ёнмоқда равшан неча умри
жовидон.

Алломалар таъби хуш, нозикдир
фасоҳати,
Дил кўрки бўлгай тоза қилган чоғда
мулоқот.
Фахр ҳиссин қўзғатар тилининг
нафосати,
Мулоқотдан ўзга йўқ сизга олий
мукофот.

Бу махзаннинг соҳиби ўртада ой бўлса
гар,
Теграсида нур сочар ёркин юлдузлар
унинг,
Даҳолар қисматига жони билан
жавобгар,
Тарихий хизматлари даврон мазмунига
тенг.

Бир миллат хазинасин жонкуяр
посбонлари,
Китобларга гард қўнса киприк билан
олурлар.
Замонамизнинг закий, хоксор
қаҳрамонлари,
Унутилмас тарихда тарих бўлиб
қолурлар.

Буюк насллар сизни жон уйида
қадрлар,
Халқимизнинг мулкини асрадингиз
қароғдек.
Давр чархи айланиб, ўтса ҳам не
асрлар,
Бу махзанда қалбингиз ёниб турар
чароғдек!

Чароғнинг зиёсидан замон бўлур
бахраманд,
Элни ҳайратга солур илмий
жасоратингиз.
Сиз ўтган улуғ йўлга ёшлар боқур
орзуманд,
Навоийнинг номига қўшиб айтур
отингиз!

1987

ЎКИРГАН ШЕР — ШЕЪР ЎҚИЙМАН, ДЕР

Бешоғоч гумбазин ларзага солиб,
Ҳамон тингани йўқ кудратли овоз.
Акс-садо бергандек Тошкент кўзғолиб,
Арпапоя томон елур сарафроз.

Муқаддас даргоҳга таъзимда боши,
Қутлуғ остонани хатлаб ўтурлар.
Хонасидан чиқиб назм наққоши,
Жумлаи мўминни шодон кутурлар.

Бошида чуст дўппи, елкасида тўн,
Ялангтўш кўксида қўли саломда.
Шеърият заҳматин чекиб узун тун,
Субҳидам муждаси Ғафур Ғуломда.

Зарварақ дафтарни ўйнаб офтобда,
Жонажон улусни этмай мунтазир,
Юраги меҳрга зориққан тобда:
Мағрур ўкирган шер —
шеър ўқийман, дер!

15.09.87.

ВАТАН

Ғалаба байроғин машъала қилиб,
Ўғиллар қўлига тутди оталар.
Ёвни енгдик деди ўтли тикилиб,
Гарчи ўтди биздан қанча хатолар.

Сизлар хато қилманг — хато қилган чоқ
Ҳақиқат қиличин уринг юракка.
Тирқираган қонда чақнасин чақмоқ,
Чақмоқли юракни қаданг юксакка.

Порласин Ғалаба байроғисимон,
Келажак уфқида шафақдек ёнсин.
Табаррук нурига толпинган инсон
Қалбида саодат тонги уйғонсин.

Ғалаба байроғи — юрак қонидан,
Ватан қисматига йўғрилган қуёш.
Йигирма милённинг азиз жонидан,
Авлодлар бахтига туғилган қуёш.

Қуёш кораймайди, биласиз, зотан,
Ҳимояга муҳтож — бўлингиз паноҳ,
Сизнинг қўлингизда энди бу Ватан,
Мўътабар қонимиз тўкилган даргоҳ.

Керак бўлса — беринг жонни Ватанга,
Музаффар умрни қилингиз фидо.
Чақмоқдек бир лаҳза олиб аланга,
Замину фалакда берингиз садо.

Муқаддас маскан йўқ Ватандан бўлак,
Тиригу ўликка керакдир Ватан,
Ўғлим деб бағрига олади — ўлсак,
Тириклар танига юракдир Ватан.

Юракдан айрилманг — аждодий мерос,
Сизга қолдирмоққа ўзга нарса йўқ.
Азиз фарзанд бўлинг оталарга хос
Биринчи бўлиб сиз, аммо, узманг ўқ!

1987

АВЛОДЛАР

Авлодлар ўтмоқда карвон сингари,
Қўл силкиб қолмоқда баланд довонлар.
Қалбига куч берар бардош филлари,
Бошини кўтарса бўри, қоплонлар.

Авлодлар карвони ҳалқама-ҳалқа,
Истиқбол йўлида узилмас занжир.
Гоҳ хурсанд, гоҳ хафа — интилар олға,
Бир мақсад уйида туташган тақдир.

Оталар, болалар, неваралардек
Қони бир, жони бир, диёнати бир.
Бобога эргашган чеваралардек
Ҳаёт мушкулида музаффар дастгир.

Авлодлар — бир бутун, аҳил, иттифоқ:
Етилган мевадек — йўқдир ғўраси.
Бир маслак йўлида елар бенифоқ,
Садоқат ўғлининг содиқ жўраси.

Манзил узоқ эди — бир умрлик йўл,
Сарбонлар жамғарди ишонч гавҳарин.
Манманлик шароби маст этди буткул,
Тополмай қолдилар таянч меҳварин.

Даврон эркаси деб яйратди ҳаёт,
Бўрию қоплонлар боқдилар ёвуз.
Кўзлари боғликдек кўрмади, наҳот,
Элу юрт ҳақига қилса тажовуз.

Авлодлар ишонди — алданди, аммо,
Хатосиз бўлмагай ҳаёт китоби.
Сафарда учради қанча муаммо,
Афсус, йиртилмади юздан никоби.

Ғулғула кўзғатиб карвон ичида,
Расмият бандаси тирикдир ҳамон.
Имонин чаваклаб кин қиличида,
Қад тиклар мисли кўзойнакли илон.

Ишончим комилдир — одил давронда
Капалак кимсалар яшамас узоқ.
Адолат уйғонган Ўзбекистонда
Ҳақиқат манглайи кундай ярқирок!

1987

НАФС БАЛОСИ

Ёшликдан йўликди нафс балосига,
Унинг макри билан кечирди ҳаёт.
Малайлик қилгани нафс даҳосига,
Товонини ялаб тилади нажот.

Манфаат пўстинин кийиб мулойим,
Худкомлик кулоҳин бошга қўндирди.
Бало шайтонига бўлиб мулозим,
Нафс учун югуриб, йўқни йўндирди.

Улуғлар меҳрига бўлиб сазовор,
Эл мулкин ўмарди мисоли наҳанг.
Минбарда кўрсатиб ўзин тадбиркор,
Қилдан қийиқ топди — устаси фаранг.

Ўзим бўлай дебон қўйди ўзгани,
Жасур тенгдошларга зимдан отди тош.
Давраларга кирди дўстни бузгани,
Ғарчи ўзин тутди қўй каби ювош.

Ширин сухан билан алдади элни,
Бошини силади кимки эгилса.
Таъмагир аҳли-ла бир қилиб тилни,
Ёпишди ўзидан ким баланд келса.

Даллол бўлиб кирди бахт савдосига,
Арзон садоқатин пуллади қиммат.
Бошидан илинди нафс балосига,
Омон чиқармагай домидан қисмат!

1987

ДУНЁНИНГ БАХТИГА БЎЛИНГ ХАЛОСКОР

Халоскор наслимиз — жаҳон ҳавасда,
Онамиз — Саодат, Истиқлол қизи.
Халоскор бўламиз керак нафасда,
Заминдан йўқолгай золимлар изи.
Озод нафас олгай ер юзи илк бор
Сен кимнинг бахтига бўлдинг
халоскор?

Ер куррасин барча қитъаларида
Ўлимдан ҳайиқмай қўпар мазлумлар.
Қитъаларнинг ўтли нуқталарида
Эрк деганни ўққа тутар золимлар.
Қотилни эл аро айлаб шармисор
Сен кимнинг эркига бўлдинг халоскор?

Бағри бутун одам йўқдир жаҳонда,
Ўзига етади ҳар кимса ғами.
Юраги ловуллаб ёнар армонда,
Сомон йўлин тутар аччиқ алами,
Шодликдан кўнглини қилиб шуъладор,
Сен кимнинг ғамига бўлдинг халоскор?

Бу телба дунёнинг савдолари кўп,
Бахтиёрман деган сўзларинг ёлғон.
Бир инсон бошида ғавғолари кўп,
Тўғрисини айтмай қотдинг безабон.
Ҳақиқат кўзига боқмай гуноҳкор,
Сен кимнинг дардига бўлдинг халоскор?

Инсонни минг кўйга солади қисмат,
Ҳаёт уқубати қийнар беомон.
Эзилган жонига қилмайди шафқат,
Шуъладор кўнглини этади хуфтон,
Тақдир ўйинини бузиб диловар,
Сен кимнинг жонига бўлдинг халоскор?

Мевали дарахтга худбин отар тош,
Эгилган шохини синдирар қасддан.
Фалакка теракдек кўтаради бош:
«Барча ҳавас қилиб тикилса пастдан».
Адолат лангарин тутиб жанговар,
Сен кимнинг умрига бўлдинг халоскор?

Аҳли қалам азал халқнинг юраги,
Қисмат кемасида сузар қайғудош.
Халқига тегмаса унинг кўмаги
Бошида фалак ҳам ушатади тош,
Қаламкаш нодондан чекканда озор,
Сен кимнинг назмига бўлдинг халоскор?

Муродга етолмай севги ҳижронда,
Ошиқлар қалбида тинмайди бўрон.
Муҳаббат оташи ловуллар қонда,
Айрилиқ домида типирчилар жон.
Жафо лашкарини этиб тору мор,
Сен кимнинг ишқига бўлдинг халоскор?

Халоскор наслимиз — жаҳон ҳавасда,
Онамиз — Саодат, Истиқлол қизи.
Халоскор бўламиз керак нафасда,
Заминдан йўқолгай золимлар изи.
Озод нафас олгай ер юзи илк бор,
Дунёнинг бахтига бўлинг халоскор!

1987

ЎТЛИ НУҚТАЛАР

Ўтли нуқталарда ҳаётим менинг,
Кўкраги порадир ўқ ва бомбадан.
Нажоткор лочиндек абётим менинг,
Ҳақиқат излайди нотинч дунёдан.

Юрагим жанг қилар истиқлол учун,
Эркпарвар элларга бўлиб елкадош.
Яшаш мақсад бўлса истиқбол учун
Золимлар қошида нега эгсин бош?

Ҳайиқмас юракка тилайман сабот,
Жабҳада курашга чорлайман ғолиб.
Қитъадан қитъага у ёзар қанот
Исёнкор мардларни ёнига олиб.

Замона қалбидек ўтли нуқталар,
Ҳуррият истаги олган аланга.
Эркни байроқ этган жасур қитъалар
Истибдод домини ташлар гулханга.

Юракдан отилар виждон овози,
Ер юзин чулғайди муаззам оҳанг.
Самони қоплайди бургут парвози
Виждон овозига бўлиб ҳамоҳанг.

Золимлар бўғзидан бўғади юрак
Занжирбанд шерларни этгани озод.
Афкор омма учун ҳуррият керак
Зулм панжасида чекмасин фарёд.

Юрак билан виждон елкама-елка,
Уруш дажжолини чапдаст нўхталар.
Озод нафас олгай не элу ўлка.
Ҳаёт ваъда этар ўтли нуқталар.

Ўтли нуқталарда қисматим менинг,
Қалбимни Эрк учун машъал этурман.
Бахтли фарзандиман қуёшли элнинг,
Қуёшдек Эрк нурин сочиб ўтурман.

1987

* * *

Баҳорни соғиниб қишда яшадик,
Қаҳратон қаҳридан музлади бадан.
Қуёшга жилмайдик нурга ташнадек,
Қишнинг қафасида қисилди Ватан.

Бошини қор босди, елкасини муз,
Тили танглайида қотди совуқдан.
Зимистон заҳридан очолмади кўз,
Совуқ садо келди узоқ-ёвуқдан.

Музлаган йўлларда оқсади ҳаёт:
Автолар ҳансираб, поезд пишқирди.
Оғир нафас олди кўкда самолёт,
Музёрар кемалар шердек ўкирди.

Гарчи табиатдан кутмадик эҳсон,
Нажот бағишла, деб, офтобга боқдик.
Совуққа бошимиз эгмадик бир он
Баҳор оғушида ёнган чироқдек.

Умид шуълалари қотмади қишда,
Қор, музни эритиб юборди баҳор.
Аммо, бир нарсадан жоним ташвишда:
Ҳануз не қалбларни босиб ётар қор.

Баҳор ҳавосида яна яшнадик,
Офтоб шуъласидан яйради бадан.
Гарчи эркин нафас ола бошладик
Қор ётган қалбларга жилмайгин,
Ватан!

1987

ЮРАК ТАҚДИРИ

Яна телба дунё бесару сомон,
Муштипар онадек ғамгин, нотавон.
Фалокат комида турар беомон.
Қўлида қонталаш юрак тасвири,
Юрак тасвирида инсон тақдири.

Юрак типирчилар — ярадор лочин,
Фазога ёзолмас мажрух қулочин,
Қон сачраб қучади умид оғочин,
Нафасин бўғмоқда зулм занжири,
Зулм занжирида юрак тақдири.

Ҳаёти хавфдадир — излар халоскор,
Ғанимлар кўзига боқар қасоскор,
Яшамоғи учун барча асос бор,
Хатардан қутқармоқ замон тадбири,
Замон тадбирида ҳаёт тақдири.

Оғир санчиқлардан зада ҳаёти,
Нафратин қўзғатар ёт сиёсати,
Жонини қиймалар дўст хиёнати,
Инфарктнинг қўлида юрак тақдири,
Юрак тақдирида ҳаётнинг сири.

Юрак туғёндадир — осойиши йўқ,
Хатарли дунёдан кўнгли эмас тўқ,
Кўксини тешмоқда ҳар кун минглаб ўқ,
Ўқ эмас, ёғсин дер ҳаёт ёмғири,
Ҳаёт ёмғирида замин тақдири.

Ёрилган анордек бағри қон юрак,
Бағри қон инсонга азиз жон юрак.
Азиз жонга номус, шараф-шон юрак,
Юракдир инсоннинг ҳаёт томири,
Ҳаёт томирида жаҳон тақдири.

Юраги уришдан тўхтаса ҳайҳот,
Дунёдан кўз юмар ҳар қандай жонзот,
Ҳаёт уйи бўлур мангуликка ёт,
Юракни асрангиз — ҳаёт замири,
Ҳаёт замирида юрак тақдири.

Юрак — кўксимизда курраи замин,
Бомбага кўмилиб борар кун сайин,
Ядромас, атоммас — ўссин оқ қайин,
Юракнинг бошида инсон тақдири,
Не инсон ғанимат жаҳон тақдири!

1987

УРГУТ ЧИНОРЛАРИ

Сенга қачон келмайин, Ургут,
Ҳайрат тоғи босар елкамдан.
Хаёлимни этаман унут
Кўз узолмай она ўлкамдан.

Юрагимда бир парча булут
Бўлса агар тарқалиб кетар.
Ҳаяжондан ловуллайди ўт,
Ташвишларин бутун унутар.

Тоғ бошида сайр этган бургут
Ҳавас билан тикилар менга.
Бургут каби сақлайман сукут
Дардларимни айтолмай сенга.

Кел, онажон, қўлларимдан тут,
Бошла мени чўққилар томон.
Сойларингдан бир-бир олиб ўт,
Булоқларинг сўзласин достон.

Чўққиларинг кўксида совут,
Ҳасадгўйлар ўқига қалқон.
Ким бахтингга сололгай човут,
Чинорларинг бўлса гар посбон.

Қояларга чиқиб мени кут,
Етиб боргум сўқмоқлар оша.
Далаларинг кийибди баркут
Тўпхонадан қилай томоша.

Боғларингда баракаю қут,
Дастурхонинг тўкин намунча?
Каллакландинг гарчи мисли тут,
Яшагайсан дунё тургунча.

Сенда зўрдир орият, субут,
Йўқотмагин диёнатингни.
Тоғларингдек бўлгину собит,
Оқла, Ургут деган отингни.

Каминг йўқдир — ҳамма нарсанг бут,
Ифтихоринг — юксак чинорлар,
Бу чинорлар — элингдир, Ургут,
Мангуликка керак чинорлар!

1987

ҚАМАЛ

Қамалда яшайман — ҳужум остида
Кўзини очолмас ижод қалъаси.
Устувор турибди юрак постида,
Бошидан ёғмоқда тазйиқ жаласи.

Тўққиз юз кундирки — тинмайди ҳужум,
Гоҳ тиниб, гоҳ кўпиб қолар ёсуман.
Гоҳ қуюн қўзғалар, гоҳ эсар самум,
Ижод осмонини қоплайди туман.

Бир «бомба» портлади қалъадан йироқ,
Абёт бинолари ларзага тушди.
Тўзонидан, аммо, ўчмади чироқ,
Нақшин пештоқидан кошинлар кўчди.

Дераза ойнаси синди зарбидан,
Бағри яраланди парчасидан лек.
Бўғиқ нидо чиқди қалъа қаъридан,
Майдон томон боқдим дарчасидан тик.

Саросима ичра олмоқда нафас,
Ёсуман қўмондон жони фиғонда.
Мода тўнғиз каби ичиб мусаллас,
Дажжолдек айюҳаннос солар майдонда.

Бўғзига чанг солган сингари ажал,
Малай «қўшин»ини олар зуғумга.
Ҳаёт қисматини қилса ҳамки ҳал,
Англамас иморат курганин қумга.

Ҳужумга отландим қулай фурсатда,
Мардонавор ёриб ўтдим қамални.
Ёсуман чекинди — колиб ғурбатда.
Кутмасдан ошкора жангу жадални.

Мақсад жабҳасида урдиму жавлон,
Бошим омон қолди минг бир ажалдан.
Ғалаба қадаҳин кўтардим шодон,
Ленинград каби чиқдим қамалдан!

1987

АҚЛСИЗЛИК БАЛОСИ

Фалакнинг гардиши билан бир жоҳил,
Мансаб курсисини айлади ишғол.
Ўзини санади эл ичра оқил,
Бошини тумандек босди хомхаёл.

Ўйлаб боқди: унинг қарамоғида
Неча шўъба, неча кордон мулозим.
Хўрак ташлаб кўрди кин қармоғида,
Илинса: бағрига олмоғи лозим.

Қармоғига тушди баъзи худкомлар,
Зимдан қўзғадилар фисқи-фужурни.
Ишчан ходимларга қўйилди домлар,
Тирноқ орасидан излаб қусурни.

Кимки баҳам кўрса фитна таомин,
Маъқуллар сафига тиркаб қўйилди.
Кимки ошкор этса хусумат комин,
Номақбул саналиб, думи тугилди.

Шўъба мудирларин солди қувғинга,
Тум-тарақай этди ходимларни ҳам.
Адоват қиличин солмасдан қинга,
Макр билан қўйди изидан одам.

Зиёлига чўзди чангалин сўнгра,
Нопок деб атади пок одамларни.
Қора қузғун бўлиб бошлари узра
Юракларга солди минг аламларни.

Худбинлар ўйнади ноғорасига,
Саждага эгилди аҳли тамагир.
Махрамлар кир ювди тоғорасига.
Мансабга эришди кимки домангир.

Кўзига қўлини ким қилса бигиз,
Тошдек улоқтирди совуқ узлатга.
Ислоҳотни рўкач қилди-да, эссиз,
Яқин йўлатмади бирор хизматга.

Дардини ичига ютди зиёли:
Ҳақиқат эгилар, синмас деди лек.
Ярасига боғлаб меҳригиёни,
Чинордек қаддини эгмади тетик.

Мард инсон минбарга чиқди дафъатан,
Жоҳил кирдикорин фош этди ғолиб.
Хайрихоҳ тинглади улуғ анжуман,
Баъзи тамагирлар қолди қўзғолиб.

Бутун эл миннатдор зўр сухандондан,
Кўргани кўзи йўқ эди жоҳилни.
Ҳайрат кўзин узмас чин қаҳрамондан:
Бошига кўтарди аҳли оқилни.

Ҳақиқат тиклади эгилган қаддин,
Юрагида мард инсоннинг садоси.
Амалда: билмади жоҳил ўз ҳаддин,
Қурбон этди ақлсизлик балоси.

1987

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ХАРИТАСИ

Аллома Матёқуб Қўшжонов шаънига

Ўзбек адабиётининг харитасини
Кўрмоқ бўлсанг, меҳр билан эл қалбига
боқ.
Тинглаб ундан шоирларнинг ўтли
сасини,
Не ажабки, юрагингда чақнаса чақмоқ.

Минг йилларки, имон каби бу харита
пок
Авлодлардан авлодларга ўтмоқда мерос.
Жон уйида асрар уни халқимиз бебок
Қону қардош элларда ҳам уйғотиб
ихлос.

Замонларнинг суронидан омон ўтиб у
Янги мазмун, янги шакл этди инкишоф.
Оламшумул хазинадан жой олиб мангу
Маънавият осмонини айлади шаффоф.

Жаҳон адабиётининг харитасида
Обрўсига хос ўринни айлади ишғол.
Ўзбекистон бўлиб турар ер куррасида,
Ҳар шоири сўз мулкида бечун,
бетимсол.

Бу харита юзи узра Ҳирот улуғ менг —
Адабиёт давлатининг ғолиб пойтахти!
Манфаатин кўзлаб донғи таралган
элнинг
Мангуликка кулди унда Навоий бахти.

Самарқанддан сайқал берди унга
Саккокий,
Лутфий бўлиб Дехи Канор кўрсатди
жамол.
Бобур ёзди Андижонни дард билан
боқий,
Хоразмнинг қисматидан Мунис боқди
лол.

Фурқат ўзга ўлкаларни айласа ватан,
Амирийдек муҳаббатни куйлади Қўқон.
Огаҳий ва Феруз нола қилса Хивадан,
Ғафур Ғулом, Ойбек бўлиб Тошкент
топди шон.

Жиззах нсмин битди шодон Ҳамид
Олимжон,
Чўлпондан Андижон бўлди яна муалло.
Миртемир га шодиёна чалар Туркистон
Шайхзода га ўзбек юрти берди тасалло.

Харитага умид билан боқар истиқбол,
Авлодларга нидо қилар эркин замона:
«Навоийнинг каломига берингиз камол,
Ўзбекистон қўшиғини куйланг мардона!»

Яна қанча шаҳар, қишлоқ йўқ харитада:
Ўз масканин кўрмоқ истар ҳам аҳли
қалам.
Орзулари жило топсин зар саҳифада,
Кошки, уға ёза олсам Ургутни мен ҳам»

1987

ТАВАЛЛО

Қисматингдан нолима, дўстим,
Беҳудага чекмагин афғон.
Аҳволингни тушунмаса ким
Тошбағир деб ўкинма пинҳон.

Сен ҳаммадан кутма мурувват,
Тасаллининг пучдир уруғи.
Юрагингни тилса кудурат
Топилади бир кун йўриғи.

Улуғларга бўлма домангир,
Кичиклардан тилама шафқат.
Дунё шундай яралган, ахир,
Юз ўгирма ҳаётдан фақат.

Ҳаётнинг ўз қонунлари бор,
Бўйсунишга мажбурдир барча.
Кимки бўйин товласа кибор
Қалбига ғам очгайдир дарча.

Сен чиқмасанг измидан унинг,
Талабини этолсанг адо.
Яна ёруғ бўлгайдир кунинг,
Номардларга қилмас мубтало.

Ўтган кунлар ўтди, қўмсама,
Қайтиб келмас энди ҳеч қачон.
Мартабага бўлма хомтама,
Ташлаб қўймас кўчага даврон.

Мансабингдан кетсанг-да гарчанд
Эл билади қадрингни сенинг.
Суҳбатингга бўлиб орзуманд
Юрганлар кўп ичида элнинг.

Элга ишон, каззобларни қўй,
Иродангни тоғ қилиб суян.
Товламачи баззозларни қўй,
Шерга паноҳ бўлолмас қуён.

Иссиғи йўқ шуълалардан қоч,
Ёғду излаб қилма тавалло.
Қуёшга, кел, кучоғингни оч,
Нури бўлур жонга тасалло.

Қайғураман сенга нақадар,
Иродангга дейман тасанно.
Дўстларинг ҳам қочсалар агар
Ҳақиқатга айла тавалло!

12.05.87.

ИЛТИЖО

Истиқлолнинг одими шиддат,
Истиқболга урмоқда жавлон.
Умрин безаб энг олий ҳиммат,
Қадрин топса дейди ҳар инсон.

Ниятлари булоқдек тоза,
Юзларида тонгнинг нафаси.
Ҳақиқатни қилиб овоза
Замонага келар ҳаваси.

Юрагида баҳор тошқини,
Самимият ёнар кўзида.
Чалиб эркин ҳаёт бонгини
Эл орзусин кўрар ўзида.

Азми тутди улуғ Ватанни,
Қудратидан барча ғайратда.
Тарқатди у намхуш туманни,
Жумла жаҳон дили ҳайратда.

Кўзларига ишонмас хориж,
Ўз ақлига қилмайди бовар.
Вашингтон, Лондон ва Париж
Истиқлолдан ҳайкалдек қотар.

Туҳматчилар тили кесилиб,
Ҳақ кафти-ла оғзи ёпилди.
Иғволарнинг йўли тўсилиб,
Фитналарга даво топилди.

Янги давр довонин ошиб,
Эркин нафас олар мамлакат.
Орзулари юракдан тошиб.
Халқ билан у тузар маслаҳат.

Истиқлолга ишонмаганлар
Топилади ҳали Ватанда.
Ҳаёт тубдан ўзгармаса гар
Зулук каби яшарди танда.

Улардан ҳам хавфли ва баттол
Бош кўтарди яна бир тўда.
Калласида кезар шум хаёл,
Андишани билмас хужумда.

Ислоҳотни «ҳимоя» этиб
Булбул каби сайрар минбарда.
Қоматини хўроздек тутиб
Қичқиради гўё сахарда.

Кўзлар нуқул ўз манфаатин,
Сўзи билан бир эмас иши.
Писанд этмас эл маслаҳатин,
Қизиктирмас юртнинг ташвиши.

Шулар эди тушмай минбардан
Олқишлаган ўтган даврни.
Энди эса чўчиб минглардан,
Кўрдик дейди қанча жабрни.

Булбулларга сайраш бўлса, бас,
Хўрозларга қичқирмоқ, зотан.
Истиқлолга бўлиб ҳамнафас,
Ислоҳотни сақлаб қол, Ватан!

1987

ЛАЙЛАКЛАР ОШЁНИ

Ялламадан ўтган онимда
Пешвоз чиқар йўлимга Чиноз.
Ҳиссиётлар ёниб қонимда
Хаёл билан қиламан парвоз.

Сирдарёнинг салқин нафаси
Эпкин бўлиб урар кўкракка.
Далаларнинг тошиб ҳаваси
Қувонч бўлиб кирар юракка.

Табиатга тикиламан лол
Оқ лайлаклар учар бошимда.
Мисли сават кўтарган аёл
Симёғочлар турар қошимда.

Бошларида лайлак ошёни,
Бир-бирига қўл берган маҳкам.
Кўрмагандим бундай маъвони
Қўйсам ҳамки элликка қадам.

Бир замонлар баланд теракка
Қурар эди лайлаклар ошён.
Полапонин босиб кўкракка
Хатарлардан сақларди омон.

Энди эса тераклар қолиб,
Симёғочда кечирмиш ҳаёт.
Юксак вольтли симлар солланиб,
Лайлаклардан тинглайди баёт.

Элга маълум жуда қадимдан:
Қай гўшада бўлса осойиш,
Лайлак кетмас ўша заминдан,
Ўз эркини қилар намойиш.

Сирдарёнинг соҳилларида
Яшар яхши одамлар, демак.
Ғубор йўқдир кўнгилларида,
Йўқса, ошён қурмасди лайлак.

Лайлак келган маскан кўрмас ғам,
Обод бўлгай у келган диёр.
Чиноз эли шунинг учун ҳам
Бахтиёрлар ичра бахтиёр.

Қаддин ростлаб баланд ошёндан
Парвоз учун ёзаркан қанот,
Кўз узолмай тоза осмондан,
Лайлакларга тилайман сабот.

Омон бўлинг, эй озод қушлар,
Ҳаёт сизни айласин эъзоз.
Хавф-хатарда қолсангиз агар,
Нидо қилинг, қутқаргай Чиноз!

1987

УЧИНЧИ ҚУТБ

Икки қутб мавжуд — абадий музлик:
Бириси Жанубда, бири Шимолда.
Ўртада — шоирдек турибди ўзбек,
Учинчи қутбни кўзлаб шикорда.

Абадий музликдан асар йўқ унда,
Қор ёғса — бир дамда эриб кетадир.
Севги кемалари асов тўлқинда,
Қирғоқдан қирғоққа сузиб ўтадир.

Ғалаён кўтариб яшар денгиздек,
На кундуз, на кеча билмас ҳаловат.
Жавоҳир изловчи ғаввосдек ўзбек,
Муҳаббат қўшиғин қилар тиловат.

Икки қутбни у забт этган қачон
Барча синовлардан саломат ўтиб.
Бир қутбни, аммо, ололмас ҳамон,
Одамлар қалбида бу олис қутб!

1987

КЕМАЛАР НОЛАСИ

Кимсасиз кемалар нолон қирғоқда
Лайлак ошёнидек ғариб ва беҳол.
Кўзлари жовдираб гирён йирокда
Муштипар онадек озурда Орол.

Қумликка ҳасратли тушини босиб,
Эгасиз кемалар паришон ва лол.
Бало қуюнидан бош олиб қочиб,
Тақдирнинг ҳукмига бўйсунмас Орол.

Кемалар додини фалакка айтиб,
Соҳибин йўқлайди: ярадор марал.
Эски қирғоғига келгали қайтиб,
Сир билан Амуга толпинар Орол.

Кемалар ем бўлмиш қум тўзонига,
Гарчи балиқ овин қилурлар хаёл.
Кўкрагини тутиб Вақт тўфонига,
Ҳаёт гирдобида тўлғонар Орол.

Қисматин замонга қилиб ҳавола
Хароба кемалар оёқлари шол.
Гирдибод давридан бағрида нола
Қирғоқдан бош олиб кетмокда Орол.

Ҳали сўнгани йўқ умид учқуни,
Кемалар қалбига бағишлар мажол.
Ҳалокат лашкарин бўлиб тутқуни
Элдан имдод тилар сардоба Орол.

Оролнинг дардига қайғудош эллар
Ватани ўзига қайтди, эҳтимол.
Бир-бирига бериб дўстона қўллар,
Оёққа қўзғолди сен учун Орол.

Кошки, муаммога топилса илож,
Элнинг боши қотиб нотинчдир хиёл.
Эл сенга, сен элга экансан мухтож,
Баҳрул нажот бўлиб қолгайсан Орол!

1987

* * *

Тўтиё этгум кўзимга
мен Ватан тупроғини,
Нур ила пайваста этгай
кўзларим қароғини.

Кир-адирда лола унди,
лола барги доғ-доғ,
Кўргум унда бахт дебон
сўнган юраклар доғини.

Бахту иқбол рамзини
излашга ҳожат бормикан,
Бахту иқбол рамзи, дерман
мен Ватан байроғини.

Кенг эрур гарчи Ватан,
кўзимга жо этгум уни,
Ҳар қаён боқсам кўрурман
Кенагас қишлоғини.

Мен ҳаёт тўфонларидан
зарра парво қилмагум,
То абад кифтда тутарман
Ургутистон тоғини.

Менга зар даркор эмас,
тонг чоғи зар сочганда кун,
Бас эрур сайр айласам гар
Зарафшон қирғоғини.

Орзусиз кўнгил — канотсиз
қуш эрур, эй кошки,
Шеърга нақш этсам эди гар
Регистон бўёғини.

Сўзларим томгай тилимдан
шеър бўлиб, достон бўлиб,
Кезганимда юртимизнинг
қутли боғу роғини,

Не-не биллур чашмалардан
сув ичиб келдинг, Барот,
Қондирар, балким китобинг
бир юрак чанқоғини!

1987

* * *

Кимки замин фарзанди —
азиз жигарбанд менга,
Тили ўзга, дили бир —
жон ила пайванд менга.

Меҳримни чароғ қилиб
дил уйида ёкурман,
Иқбол ўғлони дебон
жаҳон орзуманд менга.

Тинчлик ниҳоли билан
эрк боғин яшнатурман,
Дунё кўзин қувнатган
мевалари қанд менга.

Жумла-жаҳон иқболин
қўриқлайин хатардин,
Қалбига ғам қўнмасин —
барчаси дилбанд менга.

Сидқ-вафо гулшанида
қадрини тутдим баланд,
Улуғлар падар бўлса,
кичиклар фарзанд менга.

Аҳд қасрини қургали
дилимга сўзлар башар,
Беҳунар киши йўқдир.
барча ҳунарманд менга.

Не бахтдирки, қисматга
зар билан ёзди Ватан:
Олам боғи сизгаю
ёлғиз Самарқанд менга.

1987

* * *

Замона зайли билан
узлатни обод айладим,
Дўстларни қилиб гирён,
душманларни шод айладим.

Кийиб оқил либосини
жоҳил қилди қатағон,
Ўқига тутиб кўксим,
макрини барбод айладим.

Адл излаб, нишон қилдим
таъна тошига бошим,
Бошимдан кечиб адлнинг
илдизин бунёд айладим.

Элларни кўриб носоз —
бирин баланд, бирин паст,
Безаб мурувват уйин,
тенгликни мурод айладим.

Кемтик дунё бутун бўлмас,
гарчи ойнинг доғи бор,
Буқаламун кимсага
диёнатни ёд айладим.

Хайрли иш савоб эрур,
гуноҳ юзи қорадир,
Эзгулик истар дилга
орзуни имдод айладим.

Чарх азал каж айланур,
гарчандки дарди бедаво,
Рост келтурмак қасдида
ўзимни Фарҳод айладим.

1987

* * *

Аҳли Ургут йиғилган —
Наврўз бугун Тўпхонада,
Олам гулга кўмилган
тоғлар аро кошонада.

Чарақлаган осмонда
паға-паға абри найсон,
Барри нурга йўғрилган
олтин қуёш томошада.

Қирдан-қирга елиб шўх,
эркалайди боди сабо,
Чорчинор ҳам эгилган —
меҳмон кутар остонада.

Дошқозондан сумалак
тортилади косаларда,
Нишолда ҳам сузилган —
сайл баланд ошёнада.

Куй, қўшиққа чулғанар
сархуш бўлиб тоғу дара,
Диллардан дард тўкилган —
боғлар кўзи мастонада.

«Беш қарсак»нинг садоси
етар Ғўсу Кенагасга,
Мингбулоқ ҳам тикилган —
қалб қулоғи тўйхонада.

Базми Наврўз савтига
Самарқанд ҳам маҳлиедир,
Бугун янги йил туғилган —
Тўпхона шодиёнада

Боғлар қувноқ, тоғлар қувноқ,
қувноқликдан сой тўлғонар,
Қафасда ғам бўғилган —
тантанадир гулхонада.

Қўли гул эл юзида
ўйнар баҳор табассуми,
Зўр анжуман тузилган —
улус фикри фарзонада.

Бундай улуғ сайилни
кўрмагандим Тошкентда ҳам,
Жумлаи Ургут келган —
Наврўз бугун Тўпхонада!

1987

* * *

Дорруғи олам аро
достон Самарқандимсан,
Санъат кошонасига
макон Самарқандимсан.

Бир бешикда улғайган
ўзбек ила тожикка
Каъбадан ҳам муқаддас
ошён Самарқандимсан.

Рудакийни ёд этиб
ҳамроз бўлсам мозийга,
Улуғбек юлдузига
осмон Самарқандимсан.

Навоий бирла Жомий
васфини этмиш тарона,
Қон-қардошлик назмига
девон Самарқандимсан,

Кўз бирла қарағ каби
жони жонига пайванд,
Тақдири бир улусга
имон Самарқандимсан.

Дўстлик меҳри кўзингда
порлаб турсин то абад,
Жумла жаҳон сайр этган
бўстон Самарқандимсан.

Икки халқнинг шукуҳи —
рўйи замин сайқали,
Жамоли жаҳон аро
жонон Самарқандимсан!

1988

* * *

Сокин маскан излаб ўғлим,
қолди, нетай, Чорбоғда,
Не кечди деб ҳоли унинг
юрак-бағрим қийноқда.

Гарчи йигит бўлиб қолди,
қалби менга тилсимдир,
Мақсудини этмай ошкор,
нелар қилар овлоқда?

Хаёлини банд этганми
юлдуз тўла Каҳкашон,
Нега унинг умид кўзи
кўкда ёнган чироқда?

Ишқ савдоси тушдими ё
гулдек масъум қалбига,
Ўзин синаб кўрмоқчими
тоғлар аро фироқда?

Ёш бошига бермай омон
ё кашфиёт ғавғоси,
Теран фикри яшар гўё
мен билмаган жумбоқда?

Тоза ҳаво, тинч манзилда
ўтказур ё тажриба,
Ё сайр этиб кўнглин ёзур
Чирчиқ оққан қирғоқда?

Умид ўти дилда ёниб
тунни ўтказдим бедор,
Ихтиёрим ўзимдамас,
гарчи ўғлим қўноқда,

Волидасин ҳузури йўқ —
дарди унинг ичида,
Жисми суврат бўлиб қолган,
қалби эса Чорбоғда!

1988

* * *

Гулшанда гул бисёр — сен гулнигор,
ёр,
Сен каби гулнигор йўқдир зинҳор, ёр.

Ёлғиз сенга қилдим қалб сирин ошкор,
Сўзимга бўл иқрор, мунис дилдор, ёр.

Гулшан аро сенсиз кезмоқ не даркор,
Гуллар кўринар хор, парирухсор, ёр.

Гул чоғи сен билан гўзал ва дилдор,
Сенсиз бу олам тор, ҳар оғоч дор, ёр.

Бир лаҳза кўрмасам жоним бекарор,
Васлингга дил хумор, кўз интизор, ёр.

Ҳижрон қадаҳини синдир бахтиёр,
Қон йиғласин аёр, айтай алёр, ёр.

Сен билан қувонса арзир эл, диёр,
Умридан миннатдор, эй вафодор, ёр!

1988

* * *

Ошиққа энг улуғ орзу — муҳаббат,
Қалбига ўт солган туйғу — муҳаббат.

Ёшлик гулшанига қўйганда қадам,
Бахт тонгин ёритган ёғду-муҳаббат.

Ғаввосдек шўнғиса ишқ денгизига,
Кўнгил қаъридаги инжу — муҳаббат.

Гарчи аксин кўрар инсон кўзгуда,
Синса гар тузалмас кўзгу — муҳаббат.

Ўқ узмоқ истаган пайтда камондан,
Сайёдни лол этган оҳу — муҳаббат.

Вафо аҳлига ишқ бахт этур ато,
Жафокор кимсага қайғу — муҳаббат.

Юракни юракка боғлаб то абад,
Мангулик бағишлар мангу — муҳаббат!

1988

* * *

Ёшлик айёми келиб,
мени шайдо этди ёр,
Кезса қай гулшан аро
шу он пайдо этди ёр.

Соясидек ёнидан
айрилмадим бир қадам,
Арзимга қулоқ солмай
гўё ғавғо этди ёр.

Умид шамини излаб
кўзларига тикилсам,
Ҳаё билан ер чизди —
не таманно этди ёр.

Ёр сукутда, мен эса
розилик рамзи дебон,
Дилга аҳд ипин тугдим —
ё тасалло этди ёр.

Очилар эди бахтим
юрак сўзин эшитсам,
Кўнгил қулфини очмай,
сабрим адо этди ёр.

Шому саҳар пойладим
ёр эшигин, найлайин,
Васлини тутиб дарғ,
ишқим гадо этди ёр.

Оқибат шод айлади
камина мубталони,
Ризолик бошин эгиб,
ўтли садо этди ёр.

1988

* * *

Қадр гавҳарин асранг —
кўзга қароғ, э дўстлар,
Меҳр уйин ёритар —
дилга чароғ, э дўстлар.

Ўтиб ёшлик баҳори,
умрнинг ёзи келди,
Куз бирла қиши яқин —
олтин бу чоғ, э дўстлар.

Бир даврон кемасига
тушганмиз соф дил билан,
Жонимиз ҳам бир бизнинг —
кутар қирғоғ, э дўстлар.

Назм қаламин олиб
қалб амрин этдик иншо,
Замона зайли билан
бўлманг йироғ, э дўстлар.

Биз юрганда кўчалар
тўлар эди бир замон,
Сийракланди сафимиз —
кўнгилда доғ, э дўстлар.

Вақт чопағон от эрур
олиб қочар узоққа,
Ёлидан тутинг маҳкам,
елкаси тоғ, э дўстлар.

Ўтирган давраларда
йўқолмасин ўрнимиз,
Хазонга юз тутмасин,
биз кезган боғ, э дўстлар!

1988

* * *

Ғаройиб дунё экан —
асрорин билолмай доғман,
Гоҳ гул тутар, гоҳ тикан —
мулоқот қилолмай доғман.

Тақдир қаён бошласа,
кетдим оёғим етгунча,
Умрим мисли бир елкан —
қирғоққа келолмай доғман.

Сархади йўқ дунёнинг
кўрдим яқин-йироғини,
Сийласа-да не маскан —
камина сийлолмай доғман.

Умид боғида гарчанд
иқбол шароби сийлади,
Ҳаёт сеҳридан мастман —
ўзимга келолмай доғман.

Ўтрордан Хиротгача
силсила тоғдек ўзбеклар
Юрти гоҳ чўл, гоҳ чаман —
ел каби елолмай доғман.

Жоҳилни қилиб доно,
оқилни нодон айлаган
Замона экан манман —
бағримни тилолмай доғман.

Эътиқод мехробига
бошимни қўйиб дегайман:
Сенга не бўлди, Ватан,
қисматинг билолмай доғман!

1988

* * *

Бир ақли расони ишқ жунун қилди,
Жунунлик кўйида ишқ дилхун қилди.

Ўзини малик, деб билди дунёда,
Аммо малика йўқ, ишқ фусун қилди.

Алами ўт бўлиб кезди сарсари,
Кўнгил дардларини ишқ фузун қилди.

Чақиндан бузилди толе ошёни,
Хароба ошёнда ишқ маҳзун қилди.

Кўксида талотум абри найсондан,
Чақмоққа бағрини ишқ гардун қилди.

Ҳайрат кўзин очди Наврўзи олам,
Умид гулшанида ишқ мафтун қилди.

Муҳаббат дарсида ўргатиб сабоқ,
Жунун ошиқни ишқ Афлотун қилди.

1988

* * *

Гиёхсиз сахродир гулистон сенсиз,
Зим-зиё гўшадир хиёбон сенсиз.

Ҳаёт гули, нетай, яйратмас дилни,
Гулистон олам хам биёбон сенсиз.

Боғимда кезгандек хазон айёми,
Нурафшон баҳорим зимистон сенсиз.

Арз айлаб, йўлламак истасам нома,
Қаламни хуш кўрмас сиёҳдон сенсиз.

Кўнгилни ёзгали келсам қирғоққа,
Зар сочиб, мавжланмас Зарафшон
сенсиз.

Субҳидам сайр этсам васлингни қўмсаб,
Кўзимни қувнатмас сарвистон сенсиз.

Самарқанддек менга бўлмади азиз,
Шаҳарлар ичида Андижон сенсиз.

1988

* * *

Ёрга нома битдим гул чоғи,
Ишқим ошкор этдим гул чоғи.

Кабутарни қилиб номабар,
Йўлига кўз тутдим гул чоғи.

Булбул каби айлаб навозиш,
Саҳарлаб қон ютдим гул чоғи.

Очилгунча ғунча гул бўлиб,
Ишқ дафтарин титдим гул чоғи.

Гулшан аро кезиб яқо чок,
Жавобини кутдим гул чоғи.

Келармн деб ёрдан бир мужда,
Минг синовдан ўтдим гул чоғи.

Кабутардан бўлмагач пайғом,
Ёр изидан кетдим гул чоғи.

1988

* * *

Тонг отмагай саҳар бўлмаса,
Саҳар бағри анвар бўлмаса.

Ёришмагай зулмат коинот,
Кўк париси — қамар бўлмаса.

Ёнма эди юлдузлар шўх-шан,
Мунажжимга раҳбар бўлмаса.

Уйғонмагай саҳарлаб инсон,
Субҳи содиқ дилбар бўлмаса.

Офтобни тонг кутмас интизор,
Ёруғликка сарвар бўлмаса.

Қуёш бўлмас ҳаётга сарбон,
Ер юзида башар бўлмаса.

Башар қилмас заминни бўстон,
Ҳаёт ишқи — кавсар бўлмаса.

1988

* * *

(Фонийдан)

Агар Фарҳоду Ширин кўз очиб боқса бу даврона,
Кўриб бизни, аё жонни, бўлурлар лолу ҳайрона.

Агар ишқ даштига бир бора борса мен билан Мажнун,
Бўлур ошуфта ҳоллардин, кўриб қал — бимни вайрона.

Вафо кўйига ёш окса, ниҳол унгай дема, эй дил,
Агар унганда боғ бунёд этарди чашми гирёна.

Очилмасди гирибон чокидай гул ҳар саҳар чоғи,
Кўзимнинг ёшидай баҳримда бўлса шўху жонона.

Фирок чоғи нега минг тун кўзимдан уйқу олмасди,
Агар келганда бир тун ул моҳи бемеҳр меҳмона.

Кўзин очганда нозу ғамза бирла гул моҳитобон,
Моҳитобон бўлур ҳайрон кўриб ул кўзи мастона.

Вафо бўлганда бир зарра гўзаллар қалбида, Фоний,
Вафосизларгамас, ул ёр бўлурди менга ҳамхона.

1988

* * *

Ҳижрон тушса бошингга
ўксиб-ўксиб жон йиғлар,
Отмасдан висол субҳи
юрак-бағринг қон йиғлар.

Ўз кулбангга сиғмасдан
боққа чиқсанг мажнунвор,
Гуллар кўксин доғ этиб,
маҳзун хиёбон йиғлар.

Розингни сўйлай десанг,
маҳрами рози бепарво,
Кўнгилдан ўзга сирдош
топилмай, виждон йиғлар.

Қўлингга олиб қалам
ёрингга ёзсанг мактуб,
Қоғоз бағри ўртаниб
мунгли сиёҳдон йиғлар.

Боғ олиб кетай десанг,
дашт ёки биёбонга,
Куйиб-ёнганинг кўриб,
дашту биёбон йиғлар.

Ой шом еган кечада
кўнглинг тундек зим-зиё,
Толе чирогинг сўниб,
юлдузсиз осмон йиғлар,

Сендек ишқ мубталоси
етса ёрнинг қадрига,
Субҳи содиқ жилмайиб,
висолдан ҳижрон йиғлар.

1988

* * *

Боғ ичра куйлар бир дилбар Турбатда,
Дил мулкин султони — аскар ғурбатда.

Гарчи тавоф айлар ёр мактубини,
Қиз кўнгли яримта — кадар фуркатда.

Ишқидан нолимай тилайди сабот,
Мулки афғонда у — сарвар журъатда.

Зафар билан кел, деб қилар муножот,
Дўстлари ташлама бесар зулматда.

Ҳиндикуш тоғига етар навоси,
Мушток кўнгил шому саҳар даъватда,

Маҳбуба қалбига чанг солар хатар,
Ишк ришгаси бўлур камар қудратда.

Ватанга қайтмоқда дўстлари омон,
Балодан асрасин гавҳар фурсатда.

Пойини ўпадир ўзбек тупроғи,
Дарёдан ҳатласа саман ғиротда.

Ёр васлин соғиниб куйлайди зор-зор,
Ҳижрон кул бўлмоқда ахгар қисматда.

Боғ гулин дастлаб термилар йўлга,
Замзама қилиб бир дилбар Турбатда!

1988

* * *

Мужда келди гул чоғи азиз ёрдан,
Нурга тўлди дил боғи лазиз ёрдан.

Тинди бир нафасда қалбим гирдоби,
Қолмай унда ишқ доғи ҳаргиз ёрдан.

Кўз чўқинди номанинг ҳар сўзига,
Таскин топди қароғи ёлғиз ёрдан.

Тилак қуши самода ёзди қанот,
Унут бўлди фироғи гулрез ёрдан.

Ошуфта ҳол унутилди афғоним,
Ёнди висол чироғи ангиз ёрдан.

Оламаро бахтиёр йўқ менингдек,
Қолмади ишқ сўроғи ғамсиз ёрдан.

Нома битдим — кулди висол айёми,
Ошиқ кўнгил фироғи азиз ёрдан.

1988

* * *

Ҳақ гапни айтиб юзга
бошим чиқмас ғавғодан,
Турмушим тушмас изга
чеккан жабру жафодан,

Ким бўлса менга ҳамдам,
айғоқчи боқди мубҳам,
Чўп тиқди зимдан кўзга,
бедавоман иғводан.

Душмандек қочди дўст ҳам,
ғам устига бўлиб ғам,
Ўзимдан билмас ўзга,
бағрим қон бу савдодан.

Ўзим колиб, шеърим ҳам
таъқибда яшар гоҳи,
Қора чизар ҳар сўзга,
кечайми ё иншодан?

Дил уйида ёнса шам,
ўчирди бир муттаҳам,
Кўксимни тутдим музга,
паноҳ излаб самодан.

Қаерга боссам қадам,
изимдан тушди шу дам,
Ёки кўринмай кўзга
кетайми бу дунёдан?

Гарчи кенгдир бу олам,
туққан эл азиз ҳар дам,
Илким узатдим сизга,
қутқаринг бу балодан.

1988

* * *

Сайри боғ этмаса одам
бўстон бўстон эмас,
Эл дардин қилмаса рақам
достон достон эмас.

Умр ганжин харж этиб
қурмоқ бахтдир иморат,
Халойиқ қўймаса қадам
ошён ошён эмас.

Башар фарзанди азал
соҳиби дунё эрур,
Инсон деб қилмаса карам
даврон даврон эмас.

Қуёш ҳаёт сарбони,
волидасидир замин,
Бўлмаса ерга ҳамдам
осмон осмон эмас.

Инсонлик бурчи ила
уйингни қилиб обод,
Шодликни кўрмаса баҳам
меҳмон меҳмон эмас.

Зулмат ўтин сўндириб,
сочиб вафо шуъласин,
Висолга боқмаса хуррам
ҳижрон ҳижрон эмас.

Мавжудотлар тожи инсон,
у энг азиз хилқат,
Дунёни этмаса кўркам
инсон инсон эмас.

1988

* * *

Келиб ҳижрон кулбасин вайрон эт,
Алам зоғини ҳайдаб, сарсон эт.

Ғариб кўнгил муштоқдир висолингга,
Гулоб тутиб, жонига дармон эт.

Тўрғай каби бўзлайман дашт аро,
Дашт аро сен ҳам мендек жавлон эт.

Ишқ мулкида бор экан саҳро, ажаб,
Саҳрога қўйиб қадам, бўстон эт.

Қора булут тўсмасин фалак юзин,
Ишқ юлдузига қалбинг осмон эт.

Ҳижрон тиғи этди бағримни хун,
Висол қасрида сийлаб, меҳмон эт.

Кўнглим обод этиб, умр борича,
Ишқимизни оламга достон эт.

1988

* * *

Ишқ фасли ошиққа ширин бир азоб,
Изтироб домида юраги хуноб.

Қўли етмас ойга бўлиб мубтало,
Зорини юлдузга этади хитоб.

Ўт бўлиб чиқадур юракдан оҳи,
Оҳининг ўтига тош ҳам бермас тоб.

Розини рўёдек сўйласа сувга,
Сув узра ўйнайди бепарво ҳубоб.

Бўтадек бўзласа ҳижрон даштида,
Кўзини алдайди жимирлаб сароб.

Висол умидида кезса гулшанда,
Гул баргидан гўё очилар китоб.

Симобдек титрайди хайратдан жони,
Маъшуқа юзидан кўтарса ҳижоб.

1988

* * *

Бўлсам сен туғилган масканда,
Рухсоринг кўраман чаманда.

Атиргул бўйидан кўнгил маст,
Гарчи тани унинг тиканда.

Болалик чоғингни эслатиб,
Капалак ўйнайди савсанда.

Нозик танин яшириб сувга,
Оқ юзли нилуфар арзанда.

Бу куни шўх булбул навосоз,
Ёнади ишқ деган гулханда.

Қалбим яйраб кетолмай қолдим,
Тулпорим гўёки расанда.

Булбулдек ўрганмоқ истадим,
Топмадим ишқ илмин ҳеч фанда.

Ишқ мактабин толиби бўлиб,
Кошки, бахтим кулса Ватанда.

1988

* * *

Уэлат кулбаси бўлди
ўтли кўрхона менга,
Гоҳо ёниб, гоҳ сўндим —
илҳом парвона менга.

Юрагимнинг қонидан
гўё анор олди ранг,
Дунёнинг ғами бисёр,
шодлик бегона менга.

Юртимга назар солиб,
дарди билан тўлғондим,
Турмуш азобин чеккан
элим ҳамхона менга.

Гарчи дўстлар оз қолди,
кўпайди аҳли каззоб,
Эътиқод илмин берган
ҳаёт дарсхона менга,

Навоий каломидан
дил уйига кирди нур,
Фазл аҳли мусоҳиб,
хўблар фарзона менга.

Латиф бир ғазал битсам
учдим рух қанотида,
Тошкент денгизи гўё
гулгун паймона менга.

Замона муғаннийсин
навосига жўр кўнгил,
Илҳом париси чалар
мунгли тарона менга.

1988

* * *

Висол чоғин кўнгли қилиб ком,
Хиёбонда ёр этди хиром.

Боғ ёришиб ой жамолидан,
Кундуз каби жилва қилди шом.

Турфа гуллар айлаб табассум,
Шивирлашиб бердилар салом.

Рухсорини кўрмоққа чиқди
Ою юлдуз айлаб эҳтиром.

Ғамза билан кезди маҳбуба,
Юрагида ишқ деган калом.

Бахт майидан хаёли сархуш,
Аҳли олам гўё тутди жом.

Боғ қучоғи тўлди навога,
Ёр васлига етган хуш айём.

1988

* * *

Боғ кўчадан ёр берди овоз,
Дил торини чертди навосоз.

Ажиб куйлар таралиб ундан,
Ишқин этди элга сарафроз.

Туғён уриб висол умиди,
Назм базмин айлади оғоз.

Чала қолди ёрга мактуби,
Қўлларида титради қоғоз.

Не тонг, ёниб соғинч ўтида,
Кўчасидан ўтар нағма соз.

Вафо қилиб аҳд-паймонига,
Кошки, меҳмон бўлса дилнавоз.

Жой тузатиб ҳовуз бўйида,
Боғ кўчада қилди у парвоз.

1988

* * *

Сенга шайдо қолдию
мени абгор этди ҳаёт,
Сарсон этмай ишқ аро
энди ўзинг бергил нажот.

Кўриб хароб ҳолимни
ғавғо солди кўкка чақин,
Абри найсон юм-юм йиғлар,
сен эса хурсанд наҳот?

Кўз ёшим тома-тома
кўксимдан оқди сел бўлиб,
Наҳот, селда бузилган
ишқингда мен курган работ!

Оҳим ўрлаб фалакка
кўк тоқига бўлди устун,
Бағритош бўлма мунча,
гарчи сенда зўрдир сабот.

Вайрона ошён эрур
сенсиз менга шахри азим,
Бошим олиб кетай, десам,
йўлатмас учқур Фирот.

Умид билан толеимни
берай дейман қўлимга,
Кулма ғариб ошиғингдан
килсам ёниб муножот.

Қулоқ тутсанг қалбимга —
ишқинг билан олур нафас,
Орзуларим этма поймол,
сенга мубтало Барот!

1988

* * *

Сарви равонлар аро
сарвинозимсан менинг,
Нозингга назмим садқа
сарвиравонимсан менинг.

Сарви бўстоний аро
сайри боғ этган чоғим,
Кўнгил дуторин чертган
навосозимсан менинг.

Замзама қилар бўлсам
ишкингда ёна-ёна,
Қўшиғимга жўровоз
нағмасозимсан менинг.

Висол истаб, зоримни
сабога этсам изҳор,
Сабодан ҳолим сўрган
ишқибозимсан менинг.

Ҳижрон шомида кезиб
ойга боқсам дилафгор,
Ойдек жамол кўрсатган
жилвасозимсан менинг.

Туйғуларим жўш уриб,
турсам булоқ бошида,
Булоқдан сув узатган
дилнавозимсан менинг.

Умид қадамин қўйсам
бахтимиз ошёнига,
Ошёнга оро берган
ёр, хамрозимсан менинг.

1988

* * *

Ўтган кунлар қайтмагай —
мозийга у дахлдор,
Мозий билан қўйдик биз
истиқболга пойдевор.

Пойдевор узра боқий
бино қурдик мухташам,
Келажак авлодимиз
қилса арзир ифтихор,

Тоқидан кўчса кошин,
гумбазидан ўчса ранг,
Насллар этур таъмир —
биздек бўлгай фидокор.

Меъморлик — ота мерос,
меросга зўр эҳтиёж,
Эҳтиёж кошонаси —
«Тиллакорию» «Шердор»

Харобага юз тутмас
кошонамиз то абад,
Кошонага парвона,
қодир, уста авлод бор.

Меросни оёкости
қилмоқ бўлса оқпадар,
Келажак тўзонида
албат бўлгай хору зор.

Бир бино қурмоқ азал
хар йигитга қарз эрур,
Қарздор бўлмай десанг,
ўз қасрингга бўл меъмор!

1988

* * *

Ҳаёт саботи менга,
нишоти сенга бўлсин,
Меҳнат савоби сенга,
азоби менга бўлсин.

Дунё ажиб ғаройиб,
каж чарх уриш берур зеб,
Шоми кароси менга,
зиёси сенга бўлсин.

Ишқ дардига ҳаким йўқ,
даъвоси лутфи маъшуқ,
Висол лаззати сенга,
малоли менга бўлсин.

Тонг ортидан шом келар,
мақомга ҳам ком келар,
Нокомлик бўлса менга,
шодкомлик сенга бўлсин.

Боғу чаман муаттар,
гул сочди мушки анбар,
Муаттар гули сенга,
тикани менга бўлсин.

Бахт оғочи самарин
бирга тотдик дилбарим,
Аччиқ меваси менга,
ширини сенга бўлсин.

Умр ўтар ҳар созда,
турли-туман алфозда,
Шўх-шан навоси сенга,
ноласи менга бўлсин.

1988

* * *

Севмоқ ва севилмоқдан
буюк бахт йўқ инсонга,
У севилиб-севгани
келар ёруғ жаҳонга.

Ишқи билан янгилаб
кўҳна дунё боғини,
Чўлу саҳросин унинг
айлантирар бўстонга.

Вайрона кулбасига
кошонадан бериб нақш,
Ойни исирға қилар
токи қийшиқ осмонга.

Бир мунис ёр ишқида
яшайди ҳар бир кўнгил,
Муроди бўлиб ҳосил
қуллуқ қилур давронга.

Севсаю севилмаса,
ё севилиб, севмаса,
Аросатда қолур бахт —
азоб бўлуб виждонга.

Ниятим: ҳар йигит, қиз,
ишқдан бахтини топсин,
Вафода ибрат бўлсин
замин ила замонга.

Кўрмайин босиб тикан,
сўнг тортмасин жабрини,
Севиб-севилмоқ бахти
насиб қилсин инсонга!

1988

* * *

Дил истагин адо этди қалам,
У не буюрса айлади рақам.

Оқ қоғоз юзини қилиб сиёҳ,
Гоҳ қувонди, гоҳ чекди алам.

Аскардек жабҳага уриб ўзин,
Юрак амри билан босди қадам.

Бошига тушганда мушкул савдо,
Кўнгилнинг дардига бўлди малҳам.

Даврон ўйинидан қотиб боши,
Гоҳ сукут этди, гоҳо урди дам.

Ҳақиқат либосини кийса сўз,
Котибга узатди обизамзам.

Эзгулик туфайли қозонгач ном,
Қаламга таъзимга келди олам.

1988

* * *

«Собиқ раҳбарлар» қилди
доноларни дилафгор,
Обрўсин ерга уриб,
нодонлардан этди хор,

Бошини эгмоқ учун
зуғум ўтказди беҳад.
Тазарру айласин деб
эл аро қилди абгор.

Далер аҳли зиёли
тонмади имонидан.
Қулдек хизмат қилмади
гарчи барри лолазор.

Арининг уясига
ўхшаб колди тинч ўлка,
Фисқу фужур авж олиб,
каззоблар қурди бозор.

Аҳли муғомбир бўлди
гумроҳларга мулозим,
Базми жамшид тузганда
кўпайди лаганбардор.

Ўткинчи бу дунёда
мансабни билиб боқий,
Қанча улуғ зотларнинг
қароғига санчди хор.

Мафкураси бузуқлар,
ҳар қалай қўлга тушди,
Ҳақгўй аҳли зиёли
қадри тикланди такрор.

1988

* * *

Эзгулик кўп қилдим вале кўрдим кам,
Бу карам туфайли чекмадим алам.

Инсонлик бурчини оқлайин дебон
Мурувват боғидан узмадим қадам.

Ўз ташвишим гарчи ортар бошимдан,
Ўзганинг дардига изладим малҳам.

Марҳамат қилиб гоҳ эшитдим миннат,
Риёкор қилмишин тутаркан мубҳам.

Одам танимабман — таниб дунёни,
Ўзгариб, турланиб тураркан одам.

Дунё телба экан, гардун эса дун,
Ҳақгўй тилни кесиб этаркан мулзам.

Гарчи яхшилик деб кечдим ўзимдан,
Элимдан ўзга бир топмадим ҳамдам.

1988

* * *

Умринг ўтар мазмундор
дўсти фарзона бўлса,
Кўнгил уйи безангай
фикри дурдона бўлса.

Ғурбат тунида ўксиб
зор бўлмассан зиёга.
Меҳр чироғин ёқиб
жони парвона бўлса.

Мушкул кунда синалгай
дўсти ҳабиб азалдан,
Ёлғиз ташлаб қўймагай
ишқи ягона бўлса.

Омад тутиб қўлингдан
бахт қасрига бошласа,
Гулдан солур пояндоз
қайғу бегона бўлса.

Садоқат ошёнида
базм қурса зарифлар,
Дилингда дард қолмагай
авжи тарона бўлса.

Гўзал анжуман тузиб
тонг отганин билмассан,
Муҳаббатдан сўйлаб роз
дилдор ҳамхона бўлса.

Каҳкашон юлдузидек
толеинг этгай баланд,
Умрингга жонин тиккан
аҳли замона бўлса!

1988

* * *

Бир назмим туфайли танбеҳ қилдилар,
Тилинган бағримни яна тилдилар.

Душмани кўп экан қаҳрамонимнинг,
Ундан чўчиб, менинг этим шилдилар.

Ноҳақ бўлсам, нега айтмас ошкора?
Нега юзларига парда илдилар?

Таъна тошин отиб зимдан берахм,
Ўзларин бенуқсон дебон билдилар.

Номимни сақичдек чайнашиб пинҳон,
Ибво уруғини сочиб елдилар.

Гўё қилмишимдан этгали огоҳ,
Ёт шахслар уйимга босиб келдилар.

Менга жонин тиккан дўстлар, ҳар қалай,
Танбеҳга кўксини қалқон қилдилар.

Ҳақиқат сарбози бўлмоқ душвордир,
Гарчи риёкорлар чоҳга писдилар.

1988

* * *

Ҳақиқат изин излаб
бошим тегди деворга,
Девор минбар бўлганди
алвон-алвон шиорга.

Кўзим очиб қарасам
аршиндек ҳарфлар ғолиб:
Даврон бизники, дебон
жар соларди диёрга.

Ҳайрат ўтида ёндим
ярамга излаб малҳам,
Дилим зада бўлса-да,
юз тутмадим никорга,

Сабр ниҳолин экиб
парвариш этди умид,
Меҳр боғида ўсиб
ўҳшар азим чинорга.

Мақсуд гулшани аро
бир ажиб наво истаб,
Мунгли садо чиқарди,
қўл тегизсам дуторга.

Ҳаёт ошиғи каби
замзама қилай десам,
Жўровоз бўлди кўнглим
эл куйлаган алёрга.

Заррадек шодлигимни
қуёшга қилиб қиёс,
Ҳақиқат шуъласи, деб
кўрсатдим мунис ёрга.

1988

* * *

Осуда дил мулкига
қадам қўйди навбаҳор,
Севги фасли келди, деб
мени этди хабардор.

Бу ажойиб муждадан
қалб ҳислари уйғонди,
Эркимни олиб қўлга
бўлди соҳиб ихтиёр.

Туйғулар гирдобида
мен ўзимни йўқотдим.
Кўзимни босиб ҳайрат
эҳё қилди иктидор.

Қаёнга солсам назар
олам кўҳлик кўринди,
Боғлар гул қучоғида,
киру адир лолазор.

Гулшан аро бир санам
истиғно этди, ажаб,
Ишқ розин тутиб пинҳон
ғойиб бўлди жафокор.

Мухаббат бўстонини
томоша қилди юрак,
Ул дилрабо сайрига
яна бўлиб интизор.

Висол субҳини муштоқ
кутдим неча кечалар,
Чўлпондек жилва қилди
бахт тонгида вафодор.

1988

* * *

Боғимга ёғди ёмғир
абри карам туфайли;
Гуллар юзида ҳанда
инжу шабнам туфайли.

Навниҳоллар жонланиб
яшнаб кетди бир дамда,
Япроғида ғубор йўқ
обизамзам туфайли.

Ораста жамол очди
гўшаю хиёбонлар,
Табассум қилиб офтоб
қўйган қадам туфайли.

Булбуллар наво айлаб
оқшомгача қурди базм,
Ҳаёт бўстони ичра
гуллар кўркам туфайли.

Етти иқлим кўз тикиб
ҳавас қилди боғимга,
Ахли олам орзуси
унга ҳамдам туфайли.

Алам ўти кул бўлиб
ёнди шодлик гулхани.
Сайру томоша этган
инсон хуррам туфайли.

Мусаффо ҳавосидан
ахли дил олди нафас,
Кўнгил боғи гўзалдир
эрка санам туфайли.

1988

* * *

Боғни боғ қилмоқ учун
қўли гул боғбон керак,
Қўли гул боғбонга ҳам
осуда имкон керак.

Эзгулик қилган киши
оқибат бўлса ёмон,
Қайда зар қадри дегувчи
заршунос инсон керак.

Аҳли жоҳ бино қўйиб
танбеҳни қилса қурол,
Жафокаш аҳли меҳнат
кўксига қалқон керак.

Доно сукут этсаю
ваъзхонлик қилса нодон,
Жоҳил ботир бўлганда
оқилга майдон керак.

Танҳолик дашти аро
қолмагай дўсту ҳабиб,
Дил андуҳин ёзгали
дўсту қадрдон керак.

Текин унган таомдан
аҳли дил қилган ҳазар,
Ҳалол яшамоқ учун
покиза виждон керак.

Усти бут бўлган билан
бахтиёр бўлмас киши,
Ақли комил инсонга
шеър ила достон керак.

1988

* * *

Никоҳ оқшомида ёр очди жамол,
Ҳижоб ўтига сув урди оқ рўмол.

Кўксимга қадалди ўқдек мужгони,
Кўзининг мардумидан боқди иқбол.

Жонимга ўт тушди — ёндим қувончдан,
Кўнгил кошонасин ёритди омол.

Томоша қилгали ёр чиройини,
Кўк саҳнига чиқди юлдуз ва ҳилол.

Севги дуторидан янграб тарона,
Боғ узра чарх урди кабутар мисол.

Муҳаббат тантанасин айлаб достон,
Бахт талашиб, қутлади аҳли камол.

Армоним қолмади кўнглимда зарра,
Мурод ошёнида сийлади висол.

1988

* * *

Ёшлик чоғимда бир дилбар истадим,
Кўзи юлдуз, юзи қамар истадим.

Гўзаллар хиромон этган бўстонда,
Қадди сарву парипайкар истадим.

Муҳаббат дардидан чекиб изтироб,
Нотавон кўнгилга назар истадим.

Ёр васфин битиб номаи иқболга,
Йўлига кўз тутиб, хабар истадим.

Тонг отиб, кун ботди — ишқи висолини,
На кундуз, шом ила саҳар истадим.

Бахт кулиб, хуш айём, толе бўлди ёр,
Мен севдим, мени ҳам севар истадим.

1988

* * *

Дединг: «Элга гапим бор —
менга бир минбар керак».
Дедим: «Сўзлар нутқингга
фикратдан меҳвар керак.

Сузиб ваъз денгизида
тўфон ичра бўлма ғарқ,
Бандаргоҳда тургали
кемага лангар керак.

Лафзинг пуфак бўлмасин
ҳаёт тўлқинларида.
Силлиқ тошдан не фойда,
ғаввосга гавҳар керак.

Томоғинг қуриб қолса,
сўз чиқмайин бўғзингдан,
Муздай сув келтиргали
югурдак назар керак.

Бир ўзинг қолма танҳо
минбар узра кеккайиб,
Халойиқ қочар бўлса,
тутгали навкар керак.

Сўзнинг мағзи тўқ бўлсин,
пуч бўлса йўқ ҳожати,
Гап эшитиб эл тўйган,
улусга самар керак.

Қўлин ювиб қўлтиққа
урсалар, сени тинглаб,
Сўзингни маъқулловчи
«қарсакбоз аскар» керак».

1988

* * *

Қуёшни кутар мушток сокин сабоҳ,
Сабоҳда эса шўх насими салоҳ.

Салоҳ элчисига солиб пояндоз,
Мунаввар баҳрини очар ҳар даргоҳ.

Даргоҳни ўтганда иқбол қадами,
Кўнгил чамани яшнаб қилар нигоҳ.

Нигоҳда янги кун умиди балқиб,
Фароғат маскани бўлар навоғоҳ.

Навоғоҳдан янграб асрий тарона,
Фалакка чирмашар оҳанги «Чоргоҳ».

«Чоргоҳ»ни эшитиб чиқади қуёш,
Базмаро улусга бўлгани ҳамроҳ.

Ҳамроҳ бўлса қуёш элга то оқшом,
Бахтига изламас ўзга бир гувоҳ!

1988

* * *

Ватанни жонимдан ортиқроқ суйгум,
Ишқида лозим бўлса, ўтда куйгум.

Қалбга жон этар ато Ватан меҳри,
Ватан меҳри билан оташин туйғум.

Қўлига кирса тикан, чекиб озор,
Жаҳон айвонин хароб қилар қайғум.

Ватанни сезмоқ, этмоқ жонни фидо,
Улуғ аждодлардан мерос ва русум.

Бир кеча ғурбатда қолсам, водариғ,
Тонг отмас — кўзимга хеч келмас уйқум.

Ғаройиб сайр ҳам татимас дилга,
Висолин истаб қалб азобдан тўйгум.

Муқаддас гупроғига етгач қадам,
Ватан меҳробига бошимни қўйгум.

1988

* * *

Муҳаббат тонги отиб
кўнглим этди мунаввар,
Зулматдек кеча тугаб
кундуз бўлди муяссар.

Қаёнга солсам назар:
олам ойдин кўринди,
Гулшанлар қилиб ханда,
гуллар сочди муаттар.

Кўзимга ишонмасдан
кездим иқбол бўстонин,
Ўзига шайдо этди
мени зулфи муанбар.

Қалбим тушиб домига,
оҳиста бир сўз қотдим,
Истиғно айлаб, ажаб,
сайрин қилди мухтасар.
Ишқ кўйин обод қилиб
уйигача кузатдим,
Юрак дардини ёниб
изҳор қилдим муқаррар.

Кўзимга тик қаролмай
ёноқлари бўлди ол,
Аммо висол онини
ваъда этди музаффар.

Мен каби бахтиёр йўқ
гўё бу олам аро,
Зулфи муанбар билан
умрим бўлгай муаммар.

1988

* * *

Қаро кунда муртад отди тош,
Йўқ, йўқ, бошимда ушотди тош.

Ёруғ олам бўлиб қоронғу,
Хунрез тошдан қонга ботди бош.

Ахли даврон қилди томоша,
Жоҳил кирдикорин этмай фош.

Ҳақсизликнинг тортдим жабрини,
Дил йиғлаб, кўзга келмади ёш.

Топилмади бир балогардон,
Жароҳатга ўзим бердим дош.

Қон оқса-да, эгмадим бошим,
Умид донин йиғиб, этдим чош.

Адолатни қилибон рўкач
Тош отиб, муртад олди маош.

1988

* * *

Тошкент гулшани этди
мени ўзига шайдо,
Самарқанддек қалбимда
ишқини қилдим пайдо.

Шердор рамзини кўрдим
Кўкалдош жамолида,
Бибихоним сингари
Хастимом берди садо.

Шоҳизинда бағрида
Самарқанд аждодлари,
Шошнинг салафларидан
Чиғатой этди нидо.

Регистон майдонидек
Хадранинг салобати,
Бешоғоч тимсолида
Чорраҳадир ҳувайдо.

Эски Жўва бозори
Сиёб бозорига хос,
Рухобод даҳасида
Шайхонтаҳур муҳайё.

Боғишамол ҳавоси
Тахтапул самосида,
Кўкчанинг дафтарига
Намозгоҳ чекур имло.

Самарқандда туғилиб,
умрим кечар Тошкентда,
Оға-ини кентларга
жонимни этгум фидо!

1988

* * *

Ўртада тошқин дарё:
сен унда зор — мен мунда зор,
Ишқ дардига мубтало:
сен унда зор — мен мунда зор.

Ўтай десак кўприк йўқ —
тўлқинлар мисли аждар,
Қирғоққа қилар ҳамла:
сен унда зор — мен мунда зор.

На қайиқ бор ва на сол,
келса бизга кўмакка,
Бошимизда зўр савдо:
сен унда зор — мен мунда зор.

Дарёга солай десак
остимизда бедов йўқ,
Аҳли ишқмиз пиёда:
сен унда зор — мен мунда зор.

Дарё туби терандир,
саёз жойи йўқ унинг,
Сузиб ўтмоқ муаммо:
сен унда зор — мен мунда зор.

Учиб ўтмоқ истасак
қанотимиз йўқ, афсус,
Кўзимизда илтижо:
сен унда зор — мен мунда зор.

Муҳаббат — асов дарё,
майли, ғарқ этсин бизни,
Қалбга берур тасалло:
сен унда зор — мен мунда зор.

1988

* * *

Мулки афғонда дўсту
душман аро кетар жанг,
Ёв бўлиб, дўст уйига
қаттол ғаним солар чанг.

Не дўст уйи, ўз уйин
баттоллар этар вайрон,
Қашқирнинг ҳужумига
кўкси қалқондир паланг.

Гарчи элга мукаддас
азал мактабу масжид,
Масжиду мактабларга
ўт қўяр, ёғий гаранг.

Фалокат денгизида
нафсига излаб емиш,
Улусни балиқ дебон
ўзини санар наҳанг.

Минг-минглаб ўғлонимиз
дўст учун бўлди қурбон,
Тўкилган қонларидан
дашти Афғон лоларанг.

Душман йўлин тўсдилар
кўксини қалқон қилиб,
Мисли Кўҳи Бадахшон,
Кўҳи Балх, кўҳи Саланг.

Кошки, душманлик йўқолса,
осойиш топса қарор,
Мулки афғон Эрк созин
чалса дейман вадаванг!

1988

* * *

Аввал сезмай эҳтиёж
машқ қилмадим арузда,
Бугун эса ақтидор
учқунин кўрдим ўзда.

Арузга майл қўйиб,
ғазалга этдим рағбат,
Қаламим синаб кўрдим
эҳтирос ёниб сўзда.

Гарчандки неча йиллар
рақам этдим бармоқда,
Аруз ишқи дардимга
оташ солди Наврўзда.

Қуллуқ қилиб бош эгдим
минг йиллик низомига,
Чекиб ранжу мазаллат
наво туздим кўбузда.

Аруз азалдан мушкул,
қалам тебратиш душвор,
Вале ошик сингари
тунлар кўзим юлдузда.

Аҳли замона билан
гўё қилдим анжуман,
Ғазалга шайдоликни
кўрдим ҳар қаро кўзда.

Аруз қулфига калит
излаб қолдим, ёронлар,
Ёшлик даврони ўтиб,
гарчандки, умрим кузда!

1988

* * *

Олтин бўлса остонанг —
аждодингни унутма,
Осмон бўлса кошонанг —
авлодингни унутма.

Қисматинг кечиб душвор
дилафгор кездинг не тун,
Шодлик бўлса мастонанг —
фарёдингни унутма.

Кўнгил даштин яшнатди
дўстлар меҳр узори,
Дўстлар бўлса мардонанг —
муродингни унутма.

Мартабанг бўлиб баланд,
қайтиб келса гар омад,
Закий бўлса ҳамхонанг —
ҳамзодингни унутма.

Эл ичидан чиққансан —
эл билан босгин қадам,
Улус бўлса фарзонанг —
устодингни унутма.

Шаъну шавкат истасанг
диёнатинг сақла пок,
Шуҳрат бўлса паймонанг —
ўз ёдингни унутма.

Аҳли даврон умиди
сен билан бўлсин бутун,
Доно бўлса парвонанг —
ижодингни унутма!

1988

* * *

Лайлаклар қайтиб келди —
қувонди аҳли айём,
Навбаҳор фасли елди
лолалардан тутиб жом.

Ғунчалар қилиб ханда —
гуллар очди жамолин.
Дарахтлар отиб куртак,
япроқлар берди салом,

Булбуллар чах-чаҳлашиб
тонгдан сўйлар розини,
Сайроқи забонида
ишқ ўргатган хуш калом.

Ҳаёт таронасидан
боғлар бағри тўлғанди,
Хаёли бўлиб сархуш
мастона кезди авом

Табассум айлаб кўклам
яшнади қир-адирлар,
Чирманда чалиб само —
замин базмин этди ком,

Дарёлардан пишқириб
қирғоққа тошди селоб,
Жўш уриб анҳорларда
зилол сув берди ором.

Абри найсон йиғлади —
замин қалбида фарах,
Деҳқон белини боғлаб
далага этди хиром!

1988

* * *

Дўстингдан қилма менга,
дўстим, арзу шикоят,
Жонимга тегди, нетай,
бу эски гап — ҳикоят.

Дилгир бўлсанг, нолимай,
дардинг ютгил ичингга,
Сабрдан боғлаб камар,
элга қилма ривоят.

Аҳли зариф тушмагай
икки дўст ўртасига,
Дўст розини дўст билур —
бир башорат кифоят.

Сен ҳақми ё дўстинг ҳақ,
ҳожат йўқдир ҳакамга,
Ўзаро десанг рўй-рост,
ойдин бўлур ниҳоят.

Дўст тутинмоқ мушкулдир,
содиқлик ундан душвор,
Садоқатни ўртага
қўйса, кошки бидоят.

Дўстдан шикоят этмоқ
эр йигитга ярашмас,
Ерга урар қадрни,
гап-сўз қилар вилоят,

Мендан гина сақлама —
дўст ачитиб гапирар:
Шикоят тилин кессанг,
илкин тутар ҳидоят!

1988

* * *

Имтиёзли одамга
жонинг сенинг парвона,
Имтиёздан айрилса,
гарчи ғамхўр — бегона.

Кўрсанг ҳам кўрмагандек
йўлни четлаб ўтурсан,
Энди унинг борлиги,
афсун ёки афсона.

Милтираган шуълангинг
ёнишига ишинг йўқ,
Гарчи кафтни куйдирар,
чўғдан керак нишона.

«Така бўлсин — сут берсин»
мақолин айлаб шиор,
Нафи теккан одамга
эгиласан мастона.

Узоқнинг донидан лек
яқиннинг хўб сомони,
Эртага парвойинг йўқ,
бугун сенга ҳамхона.

Худкомликда дўстни ҳам
сотмоқдан қилмай ҳазар,
Ўз ишинг тўғрилайсан,
бошинг ўпиб остона.

Балки, сенда гуноҳ йўқ,
айблашдан мен йироқ,
Бундай замонасозликни
хат чизадур замона.

1988

* * *

Аҳли даврон, иш тутманг
зинҳор виждонга хилоф,
Виждон измидан чиқмоқ
аҳли давронга хилоф.

Замона зайли билан
замонасоз бўлмангиз,
Замонасоз кимсалар
одил замонга хилоф.

Виждон бўлса покиза
имон ҳам бўлгай бутун,
Нопок йўлга юз тутмоқ
покўй имонга хилоф.

Ҳаёт эъзозлаб, сизга
умрни этмиш эҳсон,
Умрни исроф этмоқ
аҳли эҳсонга хилоф.

Ҳалол яшамоқ учун
муҳайё барча имкон,
Ҳаромга қўл чўзмангиз,
ҳаром имконга хилоф.

Умр — ўткинчи карвон,
виждон сарбони унинг,
Карвонни адаштирмоқ
макри сарбонга хилоф.

Виждон бурчин бажармоқ
инсонга улуғ шараф,
Виждондан тонмоқ эса
олий инсонга хилоф.

1988

* * *

Ўзбекистон тупроғи
улуғ боболардан мерос,
Улуғ боболар ўтган
олис дунёлардан мерос.

Бу табаррук меросни
асранг кўзнинг қарогидек,
Аҳли даврон бахтига
буюк пешволардан мерос.

Бу — Спитомен бешиги,
Муқанна волидаси,
Темур Малик меҳроби,
жони фидолардан мерос.

Бу — Беруний ҳам Сино,
Улуғбекнинг ватани,
Навоий билан Бобур —
олий даҳолардан мерос.

Муқаддас оғушида
ётар қанча аҳли туроб,
Аҳли миллат маскани,
умри боқолардан мерос.

Ўзга сувн даркор эмас,
эби ҳаёти унинг
Волидамиз Сирдарё,
Амударёлардан мерос.

Бу тупроқ Ватан бўлур
ўзбекка то борки қуёш,
Не тонг, у Одам Ато,
Момо Ҳаволардан мерос!

1988

* * *

Мунис ҳамрозим йўқ дилимдан ўзга,
Дўсту душманим йўқ тилимдан ўзга.

Тил билан дилимни дўст қилмоқ учун,
Таянган тоғим йўқ элимдан ўзга.

Дил амрин тил адо этди, сўзлаб рост,
Комим йўқ назм ила илмдан ўзга.

Каззоблик қилмади мушкул дамда ҳам,
Фикримни сўрмади мулкимдан ўзга.

Гоҳ чиқиб измидан ношукрлик қилди,
Раҳбар топмади муаллимдан ўзга.

Элим қалқон бўлди ғам жабҳасида,
Иноят этмади раҳмдан ўзга.

Тилимни кесдилар ҳақгўйлик қилсам,
Дунё ранжин чекдим ўлимдан ўзга.

1988

* * *

Шеър ёзсам — енгаман ранжу аламни,
Алам — зулмат бўлса, ёқаман шамни.

Қоғоз меҳробига бошимни эгиб,
Дуолар қиламан азиз қаламни.

Қалам ҳамроз бўлиб ўксик кўнглимга,
Ўқтин-ўқтин титраб, чекар рақамни.

Мажруҳ қуш сингари азобли руҳим,
Озурда жонига излар карамни.

Юрак фориғ бўлиб дарддан тобора,
Ғусса озорига қўяр малҳамни.

Аламим тўкилиб, жон яйраб бир оз,
Тузатган бўламан дилда ярамни.

Эркин нафас олар юрак, оқибат,
Шеъримга жо этсам дардли оламни.

1988

ЧОРРАҲА

Чорраҳада турибман ҳайрон,
Замонанинг кўзига қараб.
Ғофил каби чопар оломон,
Қиблагоҳдек унга тўрт тараф.

Ёзувларга қилмай эътибор
Боши оққан томон кетурлар.
Ўзларида йўқдек ихтиёр,
Адашганда билмам нетурлар?

«Борса келар» — бир йўл берар сас,
«Борса келмас» — ўқраяр бири.
Бири — «борса келар ё келмас»,
Бири номсиз — йўқдек охири.

Ёзувларни кузатаман лол,
Парво қилмас аммо оломон.
Адашсам-да йўлимдан алҳол
Оломонга демам: алъамон!

Доно бўлсанг, сўзла, эй рафиқ,
Қайда қолди Халқ деган даҳо?
Қайда қолди, айт, аҳли тавфиқ,
Оломонга бўлса раҳнамо!

Чорраҳада кўнглим паришон,
Кўзим илҳақ — халқни излайман.
Қасд қилдингми — топурсан дебон
Мен ўзимга сабр тилайман.

1988

ДЎСТЛИК МАНЗУМАСИ

Азиз устоз Ботирхон
ВАЛИХЎЖАЕВГА

Ўзбегу тожик дўстлигин қадим
дунёлардан сўранг,
Таваллудин Одам Ато, Момо
Ҳаволардан сўранг.

Мутафаккир ўғлонлари қачон имло кашф
этдилар,
Тошни ўйиб нелар ёзди — ўрхун
иншолардан сўранг.

Зардуштийлар муқаддас деб сиғиндилар
ўтга яксар,
Қуёшга ҳам топиндилар — еру
самолардан сўранг.

Карвон каби ўтди йиллар — ўтди
қутлуғ асрларким,
Бир-бирига тиргак бўлди — улуғ
боболардан сўранг.

Ёвга қарши ҳарбу зарбда от чопдилар
бир майдонда,
Афросиёб, Спитомен ҳам
Муқаннолардан сўранг.

Кўз-қабоқдек бўлиб яқин, бўлиб
қуда-кудағай ҳам,
Бир бешикда улғайдилар — эгиз
даҳолардан сўранг.

Дўсти учун қалқон бўлди, лозим дамда
кечди жондан,
Виждон амрин адо этди — жони
фидолардан сўранг.

Дўстлик тарихи зарварақ, котиби
аъзамин унинг
Қомусул аълам Беруний ҳам Ибн
Синолардан сўранг.

Зулмат эмас, мозий равшан —
чароғбонлар ўтган комрон,
Ал Хоразмий ҳам Фирдавсий — буюк
заколардан сўранг.

Бир диёрнинг фарзандлари — бири
олим, бири шоир:
Форобий бирла Рўдакий — умри
боқолардан сўранг.

Мардум икки кўзи бўлса; бири ўзбек,
бири тожик:
Олам боғин кўрар рўшно — сўнмас
зиёлардан сўранг.

Бири ноёб узук бўлса, бири бўлди унга
нигин,
Бахт илкини безаб келди — заргар
сиймолардан сўранг,

Она замин жамолига деҳқон бўлиб
берди оро,
Боғу бўстон бунёд қилиш — азим
дарёлардан сўранг.

Бир ғазалнинг шоҳ байтидек безар назм
китобини,
Жон риштаси пайванд абад — аҳли
сафолардан сўранг.

Бундай содиқ дўстлар камдир — бири
пиру бири мурид:
Уни Жомий ҳам Навоий — кабир
пешволардан сўранг.

Нодир асарлар яратди Машриқ аро
солиб довруқ,
Тарихин оламтоб «Хамса»ю,
«Шоҳнома»лардан сўранг.

Зуллисонайн салафлари халқ дардини
айлаб рақам,
Икки элда қадр топди — шоҳу
гадолардан сўранг.

Русуми бир, дини ҳам бир, шамойили
ўхшаш тамом,
Ўзбекми ё тожикми у — дўсту
ошналардан сўранг.

Дили бирю тили ўзга, лек шодлигу ғами
тенгдир,
Бир танбурнинг қўш торидан чиққан
наволардан сўранг.

Қозоқ ила қирғизга ҳам, туркманга ҳам
бўлиб қардош,
Минг йилларки аҳил яшар — Ўрта
Осиёлардан сўранг.

Тўғрал билан Чўлпон гувоҳ, Айний
билан Ойбек кафил:
Дўстлар молу мулк талашмас — комгор
саҳолардан сўранг.

Биродарлик қўшиғини куйлаб келди
то азалдан,
Ғафур Ғуломга жўр Мирзо
Турсунзодалардан сўранг.

Илалабад қадрдонлик мадҳи етди
Каҳкашонга,
Унга гардун берди садо — Арши
аълолардан сўранг.

Замонларнинг синовидан авлодимиз
ўтгай омон,
Дўстлигимиз шажарасин ақли
расолардан сўранг.

Жумла-жаҳон ҳавас қилур
бу дўстликка борки ҳаёт,
Қитъалардан ошиб келган олқиш-
садолардан сўранг.

Қисмат тамал тошини бирга қўйиб,
қурди шаҳарлар,
Меъмор аждодин Самарқанду
Бухоролардан сўранг.

Оға-ини шаънига бир манзума битди
нозим,
Дўст қадрини дўст билади —
Барот Мирзолардан сўранг.

Самарқанд,
1988

* * *

Ё ажаб, ўзбегу тожик аро Ибн Сино
талаш,
Даҳолик даъво қилиб ҳар бири, улуғ
сиймо талаш.

Бири ўзбек деса бугун, бири эса дейди
тожик,
Қайси ҳақу қайси ноҳақ, сўйла мозий,
даҳо талаш.

Бу заминнинг бир қишлоғи ўзбек, бири
тожик эрур,
Қуда-анда бўлиб яшаб қилмаган ҳеч
маъво талаш.

Қора мушук ўтдими ё икки дўстнинг
ўртасидан,
Маҳдуд ўзин санаб дониш, депсинадир,
доно талаш.

У қирғоқда турар Лоиқ, Барот эса бу
қирғоқда,
Бир-бирига қилиб даъво гўё Сайҳун дарё
талаш.

Қайси элга мансуб дебон миллатингиз
қилманг пеша,
Ҳақиқатга сўзлаб хилоф, тағин этманг
хато талаш.

Ибн Сино воқиф эрса: у туфайли чикур
низо,
Шажарасин этиб иншо қилмас эди
ғино талаш,

Ўйласа гар бир элатни бўлмас эди улуғ
ҳаким,
Жумла жаҳон шавкати у билмас надур
бақо талаш.

Минг йил бурун ўтган даҳо бизнинг буюк
аждодимиз,
Ворислари бўлса комил, билмагай не
пешво талаш.

Таъзим ила Форобийни қозоқларга
этдик инъом,
Феъли кенг бир халқ эканмиз, энди
нечун зако талаш?

Кошғарийга даъвогару талабгор кўп
Навоийга,
Улуғбекка чиқса соҳиб, бўлур Бобур
Мирзо талаш.

Эллар аро талаш бўлса бизнинг буюк
алломалар,
Ўкинмангиз, Темур қолур, ҳеч ким
қилмас подшо талаш.

Муҳаммад ал-Хоразмий ва бордир
Аҳмад Фарғонийлар,
Фахр этсак арзир, дўстлар, офтоб
этмас жило талаш.

Ибн Сино бир баҳона: фурсат келди
дебон шоир,
Дўстлар аро солиб нифоқ, обрў излар
низо талаш.

Жомий бирла Навоийнинг дўстлигидан
олинг ибрат,
Зиёлига ётдир азал зулмат ичра анво
талаш.

Тинч қўяйлик алломани, кўпдир ўзга
ташвишимиз,
Маҳдудликни шиор этган — даво
топсин, шифо талаш.

Буқаламун эрса даврон, йўқотманг сиз
диёнатни,
Тушганмиз бир кема ичра, бу уммонда
яқо талаш.

Янги Ибн Сино чиқса, кошки, бизнинг
замонадан,
Авлодлари қуриб бозор, балки, этмас
савдо талаш.

Биз кетурмиз, қолур Барот, Ибн Сино
номи абад,
Бу ўткинчи дунёда, дўстлар, қилмангиз
дунё талаш!

Душанбе,
1988

КЕНАГАС

Мен туғилган қишлоғим Самарқанд
канорида,
Катта Ўзбек йўлининг ёқасига
жойлашган.
Ғурур юлдузин кўриб Самарқанд
минорида
Мангулик тожи учун қуёш билан
талашган.

Минг йилларким ҳаётнинг булоғидан сув
ичиб,
Меҳнату санъат билан зуваласи
пишгандир.
Мушкул кунлар келганда тизза бўйи
кор кечиб,
Ургутда донг таратиб, майдонга ҳам
тушгандир.

Улуғ зотлар меҳрини тортиб
оҳанрабодек
Азалдан мафтун этган бу маскани
муқаддас.
Кўнгил торини чертиб илҳоми
дилрабодек
Қадамига ҳасанот ўқигандир Кенагас.

Оқ отини ўйнатиб Катта ариқ бўйида
Чорбоғ ичра кезиб шод сайр этган
Улуғбек
Меҳмон бўлиб бир деҳқон
фарзандининг тўйида
Кенагаснинг довруғин бошга кўтарган
туғдек.

Навоийни йигитлик чоғида этиб
меҳмон
Янги қишлоқ гулидан пойандоз
тўшагандир.
Бир ғазалнинг кўйида қилиб қўйиб
саргардон,
Ноёб мусаллас билан кўнглини
хушлагандир.

Самарқандни тарк этиб кетар чоғида
Бобур,
Васфин эшитиб элдан Кенагасга
тушгандир.
Дарду ҳасратларини Чорбоғда қилиб
зоҳир,
«Кетгайман...» ғазалига балки бир байт
қўшгандир.

Ҳамид Олимжон эса Кенагасга
келганда
Байрам бўлиб кетганин сўзлар ҳамон
одамлар.
Ўртагузар боғида азиз мехмон
бўлганда
Сухбатидан бахраманд бўлган экан
отамлар.

Ғафур Ғулом Ургутда эди машхури
олам,
Олий Кенгашга биздан бўлган эди
депутат.
Ўн ёшга тўлганимда танитган эди отам,
Балки, ўша кун мени сехрлаган
шеърият.

Шеърга ҳавасим сезган отам мени
етаклаб,
Олиб келди бир куни Айнийнинг
даргоҳига.
Назмимни ўқиб устод, фарзандидай
эркалаб,
Бошимни силаб қўйди олгандек
паноҳига.

Шеър ишқи оташ бўлиб ёндирди
юрагимни,
Шоирлар диёрига бошлаб келди мени
шеър.
Шеър ишқи ушалтирди менинг бор
тилагимни,
Қалбим чўғин қалбларга ташлаб келди
мени шеър.

Шеър билан мен дунёни кўрдим яна
гўзалрок,
Мисрамга жило берди отамнинг
ҳикматлари.
Доно сўзлари ёқиб шууримга
шамчирок,
Равшан кўринди менга дунёнинг
хилқатлари.

Кулфат тушиб бошимга, бўлганида
қаддим дол,
Уйғун суянчиқ бўлди отамнинг
мотамида.
Унга таъзим айлашиб кенагаслик
қанча чол,
Кўзларига ёш олди дўстининг аламида.

Ғафур Ғулом айтгандай, довруғи элни
тутган
Катта Ўзбек йўлининг сен «Олмос
камари»сан.

Тошкент билан Термизнинг муборак
қўлин ўпган,
Ургутнинг донғин ёйган қишлоқлар
сарварисан.

Қанча буюк шоирлар қадами теккан
тупрок
Тўтиё бўлса арзир Самарқандининг
кўзига.
Гар толеи бўлмаса қуёш каби ярқирок
Юлдузи дуч келмасди шоирлар
юлдузига.

Ёнсин, парпираб ёнсин, сенинг сўнмас
юлдузинг,
Шоирларни бағрингга чорлаб тургин,
Кенагас!
Самарқанд канорида йўлга термилиб
кўзинг,
Менинг бахт юлдузимдай порлаб
тургин, Кенагас!

Кенагас,
1988

ЧАЛКАШ ДАВР

Кейинги 3—4 йил Ўзбекистонда
чалкаш давр бўлди...»
Сухбатдан.

I

Чалкаш давр ўтди — ростладик қомат,
Ҳаёт чархи тағин тушмоқда изга.
Давлатни алдашни қилмадик одат,
Гарчи шубха қилди ўзгалар бизга.

Рахматнинг ўрнига эшитди таъна,
Меҳнати бекадр бўлган аждодлар.
Танбеҳга кўксини қилди нишона
Пахтага қисмати боғлиқ авлодлар.

II

Чалкаш давр ўтди — аммо, иллати
Худкомлар онгида яшайди ҳамон.
Пахтага фидойи ўзбек миллати
Оғир синовлардан чиқса-да омон.

«Қўшиб ёзди» деган гуноҳ балоси
Заҳматкаш деҳқонни баттар хўрлади.
Тўйтепадан нари ўтмай садоси,
Пешонаси замин каби шўрлади.

III

Чалкаш давр ўтди — танидик ўзни,
Адолат юзидан олинди парда.
Ёсуман ман этди гарчи Наврўзни,
Байрам қилинди боз қишлоқ, шаҳарда.

Баъзилар мадҳ ўқиб юрт хўжасига:
Даврон бизники, деб элга солди жар,
Қарсаклар чалишиб, маърузасига,
Минбарга чиқдилар бўлиб «халқпарвар».

IV

Чалкаш давр ўтди — у кув давронда:
Диёнат наҳрини четлаб ўтилди.
Меросхўр раҳбарлар талтайган онда,
Аламлар, фиғонлар ичга ютилди.

Ҳокими мутлаққа ўхшаб киборлар,
Мансаблар ўзаро тақсим қилинди.
Ниқобини ечди лаганбардорлар,
Адолат аҳлининг баҳри тилинди.

V

Чалкаш давр ўтди — ўтди чалкашлик,
Турғун замондан ҳам бу ошиб тушди.
Дўлвору маккорни мақтаб, адашдик,
Имонни сотганлар боши қовушди.

Бутун халқ шаънига тўқилди туҳмат,
Беш-ўнта порахўр гарчи айбдор.
Алдаб кун кўрмаган, алданган фақат
Халқимиз қилиниб ёппа пахтакор.

VI

Чалкаш давр ўтди — ўтди ноҳаклик,
Ҳақиқат қидириб ўзбек уйғонди.
Авлодлар дардида ёниб чақмоқдек,
Қуриётган Орол каби тўлғонди.

Мозий қопқасини очса аждодлар —
Порлоқ асрлардан наъра тортдилар:
Беруний, Навоий, Сино, Бехзодлар
Халқ ғамин кифтига тоғдек ортдилар.

VII

Чалкаш давр ўтди — келди рост замон
Ва лекин иллати кетмас турмушдан.
Пахта азобини кўп тортган деҳқон
Мурувват кутмоқда қайта қуришдан.

Оқ пахта толеин этмасдан қаро,
Юмшоқ болиш бўлса у қўйганда бош.
Обрўси тикланса миллатлараро,
Пахтага ўралиб отилмаса тош!

1989

ДАВОМЛИ ҚАРСАКЛАР

Давомли қарсаклар яқин мозийдан —
Шахсга сиғиниш давридан мерос.
Тузалмас иллатдир соҳта «дохий»дан,
Зада юракларда жўшган эҳтирос.

Шўролар даврида гангиб санодан,
Даҳога айланди кўплар оқибат.
Қутулмай, йўлиққан мазкур балодан,
Бебақо шуҳратни билди ғанимат.

Ҳар қалай, бошланди янги бир давр,
Толиққан мамлакат ростлади нафас.
Мадҳия тинди-ю босилди ҳовур,
Беҳуда олқишга йўқолди ҳавас.

Тамали мақтовлар замони ўтди,
Қалбаки чапакка талаб эса кам,
Одил гаплар гарчи Ватанни тутди,
Давомли қарсаклар топмади барҳам.

1989

КОР ОДАМ

Кор одам яшармиш қорли тоғларда,
Жумлаи жаҳон лол — афсона ё чин!
Изини кўрмаган бўлса агарда
Қасдига тушмасди Непал, Чин-Мочин.

Қояларда шердек у тортмиш наъра,
Овозин эшитган кимсалар ҳайрон.
Ўзини кўрмаган гарчи бир карра,
Бошини қотирар олимлар кордон.

Қароргоҳи, балки, зулмат ғорларда,
Одамлардан безиб, кезмиш беармон.
Совуқдан қотмайин қаттиқ қорларда,
Эркин кун кечирмиш у балогардон.

Деҳлида аҳли дил этди ҳикоят:
Одамлар ичида яшаб бир айём,
Оқибат йўқлигин билгач ниҳоят,
Тарки дунё қилмиш асли Кор одам.

1989

МАНҚУРТЛАР

Манқуртлар ўтганмиш қадим замонда:
Хотирадан маҳрум ёвуз бандалар.
Падаркушлик расм бўлган давронда,
Одамзод наслига ёт кушандалар.

Ёдида йўқ тамом ўтмиш аждоди,
Эсини йўқотиб ғофил яшаган.
Хотирасиз ўсган гумроҳ авлоди
Шажара китобин ёқиб ташлаган.

Мозий обидаси бўлиб харобот,
Лаҳадга айланган ота макони.
Бойқушлар сасига тўлиб самовот,
Аршидан қулаган имон айвони.

Замонлар қуюни ўтиб беомон,
Манқуртлар домида қолди не юртлар.
Аждодин хотирлай олмайди ҳамон
Ўтмишин унутган баъзи манқуртлар!

1989

* * *

Нон шаҳри домида банд бўлиб ўйи,
Поезддан тушди у саҳари мардон.
На борар уйи бор, на юрар кўйи,
Шомгача анграйиб кезди саргардон.

«Меҳмон» деб сийлади муқим аҳоли:
Ғами йўқ — усти бут, қорни эса тўқ.
Қаровсиз қишлоғин қуриб мажоли,
Йўлига қарайди — ундан дарак йўқ.

Ўзга ўлкаларда топиб бошпана,
Тупроғин унутган фарзандлар талай,
Маскани кимсасиз бўлса вайрона,
Ундай ўғиллардан асрасин, ҳай-ҳай!

1989

* * *

От хуркади — юрса кўланкасидан,
Катта кўчалар ҳам қилади торлик.
Керилиб муҳташам қўнолғасидан:
«Яшасин, — дейди у, — дўст-
биродарлик!»
Ва лекин сўзига қилмайди амал,
«Ҳолва» деган билан чучимас оғиз.
Гарчи элни алдаб тўқийди матал,
Ҳамон муқим хору мусофир азиз.

1989

ОНА ТИЛИМ БАҲОНА

Ғайри тиллар топгай ривож —
она тилим баҳона,
Қонунга ҳам бордир илож —
тилга йўқдир завлона.
Она тилим — бу онамдир,
она муте бўлурми?
Она агар бўлса муҳтож —
бағрим бўлсин сўзона.
Қонунсиз ҳам гул-гул яшнаб,
эркин эди мозийда,
Қонун энди бир эҳтиёж —
қалқон аҳли фарзона.
Она тилим ҳурлик истар,
олтин қафас керакмас,
Кошки, кийиб олтиндан тож —
даврон сурса шоҳона.
Буюк улус уйғондию
жабҳага урди ўзин,
Адолатга излар минҳож —
келди одил замона,
Она тилим азиз менга —
гарчи барча тил лазиз,
Зулмат аро бўлур сирож —
жоним унга парвона.
Нуктадону закий элим
фасоҳатда беназир,
Дил наҳрига солсин амвож —
ҳар каломи дурдона.
Мир Алишер лисони у,
донғи Машриққа аён,
Кўк тоқига қўяй меърож —
эркин қилсин тарона.
Меҳмон тилга уй тўрини
бериб қўйиб, пойгаҳда —
Не бисотин этди хирож —
қолди фақат остона.
Тилнинг катта-кичиги йўқ,
йўқдир шоҳу гадоси,
Ўз мулкидан бўлмас ихрож —
юрти унинг ягона.

1989



Тўртинчи девон

Хуррият армонлари

озодлик куллиёти

Ваздат шаробин ичиб, Ғарот,
келдию кетди, демана,
Хайрат шаробин ичиб, Ғарот,
келдию кетди, демана.
Худо хоҳласа, ўзим қураан
Сўз қасрида яшарман,
Ҳаёт шаробин ичиб, Ғарот,
келдию кетди, демана!

'Рухнома'дан





АРМОНЛИ ДУНЁ ЎЙЛАРИ

Деворни нам йиқади,
Инсонни гам йиқади.
Қоғозга сажда қилган
Шоирни шам йиқади.

Агар узоқ муддат зулматда, қоронғилик қўйнида ётган киши бирданига ёруғликка чиқарилса, унинг кўзлари ёркин қуёш нурларига тоб беролмай ҳеч нарсани кўрмай қолиши мумкин. Ана шунда у бир муддат қандай қадам ташлаш ва нима қилишни билмай довдираб қолиши тайин. Нега энди ёруғликка, рўшноликка чиққанида зулматда ётган киши ҳеч нарсани кўрмай, кўзлари қамашиб қолди? Ахир у бир умр ёруғликни, нурни орзу қилиб яшаган эди-ку, нега энди унга етганида довдираб қолди?

Юртбошимиз 1991 йил 1 сентябрни юртимиз мустақиллиги куни, деб эълон қилганида кўпчилик худди шундай ҳолга тушган, бир муддат эрк, озодлик, мустақиллик нуридан довдираб қолиб, ўзини йўқотиб қўйган эди. Ахир, бизнинг ҳам неча йиллар, асрлар бўйи кутганимиз ана шу эди-ку! Нега энди унга етганимизда ўзимизни йўқотиб қўйдик, бу ёғи қандай бўларкан, деган андишага бордик?

Ана шунда юксак минбардан баланд мақомда «Ватанда ватансиз эдим», «Ўзбекнинг ўзлигини топганлиги рост бўлсин», деган шеърлар ўқилди. Мустақилликни ҳам биринчи бўлиб қувонч билан бағрини очиб кутиб олган шеърият бўлди. Ахир, бу рўшнолик, озодлик ва эрк Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирдек не-не зотларнинг энг юксак орзу-армони эди-да. Ана шунда мустақиллик ғояларини инсонлар онгига сингдиришда адабиёт ва санъатнинг роли катта бўлди. Мустақилликни қувонч ва ифтихор билан куйловчи шоирлар пайдо бўлди. Ана шундай ижодкорлардан бири, сўзсиз, Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳиби Барот Бойқобиловдир. Унинг ижодида мустақиллик ғоялари бирмунча олдин пайдо бўлган, ҳатто бу давр ўзининг унумдорлиги билан алоҳида ажралиб туради. У мустақиллик даврида серунум меҳнат қилди, мустақиллик ғоялари, мафкурасини тарғиб қилувчи ва уларни инсонлар онгига сингдирувчи республикадаги ижтимоий-сиёсий журнал «Мулоқот»га Бош муҳаррирлик қилиш билан бирга, мустақилликни тараннум этувчи шеърў достонлар, «Янги Хамса», «Ўзбекнома»ларни яратди. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун шоир ўзининг эл-юрт олдидаги фуқаролик бурчини тўғри англаб, янги умидлар, янги режалар билан яшади. У мустақиллик тонгидаёқ «Субҳидам умидлари» шеърида шундай деб ёзган эди:

Умидли яралгандир
азалдан инсон зоти,
Қайрилса ҳам синмагай
умид қушин қаноти.
«Ноумид шайтон» деган
мақол қадим-қадимдир,
Умид қадим-қадимдан
ҳар мушкулнинг нажоти.

Ҳа, энг аввало, «ҳар мушкулнинг нажоти бўлмиш — умид» ҳар бир юракда порлаб турмоғи лозим. Инсоннинг, айниқса, шоирнинг юраги замон ҳодисаларига, теварагида бўлаётган воқеаларга жуда сезгир бўлади ва ҳақиқий шоир бундай пайтда ўзини бир четга олмасдан бевосита тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг фаол иштирокчисига айланади, чунки унинг юрагида келажак умиди, яратувчилик ва янгилик умиди порлаб туради. Давр ўзгаришлари шоир қалбига кириб, уни бошқача зарб билан уришга ундайди, жанговар, сафарбар сатрлар юзага келтиради. Барот Бойқобилов ҳам юрак зарбларини мустақиллик оҳангларига мослабгина қолмай, балки халқимиз қўлига теккан мустақиллик неъматларини бойитишга, унга ўз ҳиссасини қўшишга шошилди. Бу йўлда замоннинг долзарб мавзуларини қамраб олган оташнафас шеърларидан ташқари «Навоийнома» чоркитоби, Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари ҳақидаги «Ҳайратул-Аҳрор» достони ёзилди, пировардида «Янги Хамса» яратилди. Икки минг йиллик сарҳадида эса узоқ даврни қамраб олган тарихий «Ўзбекнома» лиро-эпик достони дунёга келди. Бу асарларни мустақиллик даври ўзгаришларига, зарбларига ҳамоҳанг ижод этган, имони бутун шоирнинг қалб маҳсули деб айтиш мумкин.

Ўз мустақиллигини қўлга киритиб, унинг пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида дадил бораётган юрт шоирнинг жасоратли меҳнатларини ҳам муносиб қадрлади. Ҳукуматимиз Барот Бойқобиловни 1994 йили «Навоийнома» чоркитоби учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти билан тақдирлади. 1997 йили эса унга «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилди. Ушбу мукофотлардан руҳланган шоир қалами янада ўткирлашди. У республикамиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш билан бирга «Янги Хамса», «Ўзбекнома»-лардан кейин «Навоий Ватани» номли мустақиллик даврида республикамиз вақтли матбуотида эълон қилинган Истиқлол бадиалари — публицистик мақолалари мажмуасини чоп эттирди.

Истиқлол замонида Барот Бойқобилов йирик эпик асарлар яратиш билан бирга кўпгина лирик шеърлар, ғазал ва тўртликлар ҳам яратди. Мана бу — қўлингиздаги шеъру ғазаллардан, тўртликлардан таркиб топган «Ҳуррият армонлари» девони («Ҳаёт махзани» чоркитобининг тўртинчи девони») ўзининг кўламдорлиги, мавзу доирасининг кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу девоннинг асосий таркибини ғазаллар ва тўртликлардан тузилган «Армонли дунё» достони ташкил этади.

Ғазал ёзишнинг мураккаблиги ҳаммага аён. Чунки ғазалнинг вазни, рукнлардаги оҳангдорлик, қофия, бадиий воситалар, услубий санъаткорлик шоирдан жуда катта меҳнат, ақл-заковат ва маҳорат талаб қилади. Мисралардаги мазмун, оҳанг, фалсафий мушоҳадалар занжиридаги узвийлик бузилмаслиги керак. Шунинг учун бўлса керак, бундан анча йиллар олдин адабиётшуносликда «Ғазал бугунги кун талабига жавоб бера оладими, даврнинг долзарб муаммоларини кўтариб чиқа оладими, йўқми?» деган мавзуда қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтган эди. Ўшанда кимдир ғазал ҳозирги ўзбек тили қонун-қоидаларига тўғри келмайди, шунинг учун ҳам мумтоз адабиёт вакиллари ғазалларида араб ва форс сўзлари кўп учрайди деса, кимдир «гап фақат сўзда ёки шаклда эмас, балки шоирнинг маҳоратида» дея фикр билдиришган. Худога минг қатла шукрки, минг йиллик ғазалимиз яна ўзига хос бўй кўрсатди. Бунга салафларимиз Ҳабибий, Чархий, Чустий, Восит Саъдуллалар, шунингдек Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар муносиб ҳиссаларини қўшишди. Ана шу истеъдодлар сафида ғазалнавис Барот Бойқоби-

ловнинг ҳам борлиги кишини қувонтиради. Тўғрисини айтганда, «Ҳуррият армонлари» билан танишгунча мен Барот Бойқобиловни ғазалнавис шоир сифатида яхши билмасдим, *лекин девон билан танишгач, Навоий ижодидан баҳраманд* бўлган, дастлаб Самарқанд адабий муҳитида тарбия топган, форс-тожик тилини яхши билувчи ва бу тилдан ажойиб асарларни маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган шоирнинг бинойидек ғазалнавис эканлигига имоним комил бўлди. Билишимча, унинг 1999 йилда чоп этилган «Ким сокин яшайди Ўзбекистонда» деган китобида ҳам бирмунча ғазаллари бор экан.

Барот Бойқобилов ғазалларининг ўзига хос хусусияти уларнинг лисондаги жимжимадорлик, ялтироқликдан холи эканлигидадир. Шоир ўз сўзини, ўз фикрини гоҳ тимсоллар, рамзлар орқали, гоҳида дангал, очиқчасига айтиб қўя қолади, бежаб-бўяб ўтирмайди. Бу билан у ғазалхон қалбини осон эгаллайди, гапни олиб қочмайди. Шу ўринда унинг ғазалларида шоир шахси биринчи ўринга чиқишини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бу услубда шоир ўзини тўлқинлантирган, ларзага солган ҳодисаларни қаламга олади, уларни ўқувчига юқтиради.

Берк эшикдан келди Эрк,
қадрига етинг, дўстлар,
Умр дафтарин безаб
Эрк сўзин битинг, дўстлар, —

деб ёзади шоир «Дўстлар» радифли ғазалида. Шоир Туркистон халқларини ҳамжиҳатликка, қадимий халқларимиз дўстлигини амалда ривожлантиришга чақиради. Барот Бойқобилов ғазалларида яна бир устун жиҳат — уларда публицистик нафаснинг ўткирлиги, шоирнинг давр ҳодисаларини тийрак кўз билан илғай олишидир. Юқоридаги фикрларга далил сифатида шоирнинг «Туркистон» ғазалига назар солайлик:

Бут эдинг, бутун эдинг
дориломон Туркистон.
Ким қилди парча-парча,
бу не макон, Туркистон?
Қайга боқсанг, кўзингга
кўринди қизил чироқ,
Истиқлол йўлин излаб
боқдинг сарсон, Туркистон.

Мустабид шўролар тузуми яхлит Туркистон халқларини парчалаб ташлаганидан, уларнинг истиқлол йўлларига тақиқловчи «қизил чироқ»лар ўрнатилганидан шоир куйиб-ёнади. Ушбу ғазал алғов-далғов даврда, шўро даврининг қулаш арафасида, яъни 1990 йилда Ўш-Ўзган, Қувасой, Қўқон, Паркент воқеаларидан олдинроқ ёзилган. Шоир юраги теварак-атрофда бўлаётган воқеаларга ҳеч қачон бефарқ эмас, улардан афсус-надоматлар чекади, одамларни тўғри йўл, дўстлик йўлини танлашга чақиради. Агар халқлар иттифоқига раҳна тушса, бунинг ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида бонг уради:

Бир она фарзандларин
ёт қилмоқчи қай баттол?
Ога-ини ёв бўлса,
охирзамон Туркистон.
Бир биридан айириб
бўлмас эту тирноқни,
Эту тирноқ айрилса,
дарёлар қон, Туркистон!

Дарёлар қон бўлишидан Худонинг ўзи асрасин. Шоир халқларни дўстликка, биродарликка чақиради. У тинчликсевар Ўзбекистон сиёсатининг ўткир тарғиботчи ва ташвиқотчисига айланади:

Кошки, низо чиқмаса
туркийлараро, Барот,
Келди бирлашур чоғинг,
одил даврон, Туркистон!

Шеърият ҳамиша инсонларни тириклик учун курашга, улар руҳиятини енгиллатиб ҳаёт муаммоларини ечишга ундайди. Буни чуқур ҳис қилган Барот Бойқобилов жадаллик билан қадам ташлаётган мустақиллик ғояларини тезроқ, омма онгига етказишга шошилади. Бу сиёсий лириканинг ҳар қандай даврда ҳам энг биринчи талабларидандир.

Барот Бойқобиловнинг мустақилликдан бирмунча олдин яратган ғазалларида ҳаётдан, мустабид тузумдан ва у келтириб чиқарган аянч оқибатлардан нолиш оҳанглари кўзга ташланади. У бир ғазалида мана шундай деб ёзади:

Ағёрнинг туҳмат тоши
пешонамни қонатди,
Не пешонам, бошимда
ғам тошини ушатди.
Дардимни айтай десам
дардкаш бирор ҳабиб йўқ,
Ҳабиб йўқлигин билиб
тош устига тош отди.

Инсон юраги ҳамиша шодлигу ғамларга, қувончу ташвишларга макон экан, туйғу ва эҳтиросларидан, ўй-фикрлар қарама-қаршиликлари билан яшайди, гоҳо шоир юраги бутун оламни ўзига сиғдириб лирик қаҳрамон самоларда қушдек енгил учиб шодликлар қанотида юрса, гоҳо ҳаётнинг, қисматнинг нохуш қилиқларидан ер билан кунпаякун бўлади. Ҳамма гап ана шу зиддиятларни маҳорат билан қоғозга туширишда, рост сўзлашда. Шеър фақатгина кўтаринки кайфият, даврнинг ўткир ғояларидан туғилиб қолмасдан, балки инсоний дард-аламлардан ҳам пайдо бўлишини унутмаслик керак. Ҳамма гап ана шу туйғуларни санъаткорона ифода этишда, одамларни ларзага солишда, ўз ғам-ташвишини ёки шодлик қувончини бошқаларга ҳам юқтира олишда.

Барот Бойқобиловнинг сиёсий лирикасида мураккаб даврнинг, бозор иқтисодиёти даврининг ўтли нафасини яққол сезиш мумкин. Бунга сабаб юқорида таъкидлаганимиздек, шоирнинг бор гапни гоҳ тимсоллар, рамзлар орқали, гоҳ бежаб-безаб турмасдан, дангал айтиши, шеърдаги шоир шахси — «мен» сабаб.

Барот Бойқобилов шеъриятига хос яна бир ижобий хусусият унинг шеър ва ғазалларида бадиий такрордан, бир сўзни кейинги мисрада янада ўткирроқ, жарангдор оҳангда усталик билан қайтариш санъатидан моҳирлик билан фойдаланишдадир. Мана, бунга бир мисол:

Умидли бу дунёда
умидингдан айрилма,
Умидни қилиб бутун
удумингдан айрилма.
Удумдан юз ўгирсанг
аросатда қолгайсан,
Аросат мисли гирдоб
ҳудудингдан айрилма.

Шоирнинг бадиий такрори шеър мазмунини, ҳаяжонни кучайтиришга хизмат қилади, таъсирчанликни оширади.

Барот Бойқобилов ғазалларида биринчи мисра ёки биринчи матлаъ жуда кучли жаранглайди. У ҳали республика мустақилликка эришмаган даврда, яъни мустабид тузум даврида шундай деб ёзган эди:

Дўппи топилар, дерлар,
бош агар омон бўлса,
Ҳақ сўзни айтар эдим
одил бир замон бўлса.

Ана шундай «одил бир замонни қўмсаш» билан бошланган ғазал кейинги байтларда янада жиддий мазмун касб этади ва ғазал охирида шоир ўзининг соф ниятини, ҳар бир ўзбекнинг бошида ҳур, озод Ўзбекистоннинг бунёд бўлишини шундай ифодалайди:

Машриққа достон бўлиб,
дўппи эмас, кийса тож,
Омон бошида унинг
ҳур Ўзбекистон бўлса!

Шоир ниятлари вожиб бўлиб, республикамиз ўз мустақиллигига эришди. Бу шодиёнани шоир чексиз қувонч, юрак тўла келажак орзулари билан кутиб олади ва ниҳоят «ҳақ сўзни айтиш даври келди», деб ҳисоблайди. Шоир сўзида ва ижодий фаолиятида кескин бурилиш ясаб адабиётимизда биринчи бўлиб, не-не Темурий шаҳзодалар, Навоий ва Бобурлар буюк пир деб билган Хожа Аҳрор Валий ҳақида ажойиб достон битди. У мустақиллик шаънига сонетдан шеърий гулчамбарлар тақди. Шоир янги давр бошидаёқ шундай деб ёзган эди:

«Занжирбанд шер — енгаман дер»,
занжирбанд Туркистонда,
Навоийвор ўкирган шер
аржуманд Туркистонда.
Наърасидан эл уйгонди,
уйгонди шер юраклар,
Эрк деганга боқди далер,
орзуманд Туркистонда.

Халқимизнинг асрий орзуси — Мустақилликка эришилгач, ҳамма нарсага ўз-ўзидан осонликча эришилди деб бўлмайди. Унинг йўлида ғовлар ҳам кўп бўлди, вазиятдан фойдаланиб устомон мансабпарастлар, лаганбардор, тилёғламачи кимсалар юқори мансаб курсиларини эгаллашди, уларнинг асл мақсадлари ўз чўнтакларини тўлдириш эди. Шоир бундай кимсаларга нисбатан шеър тиғини, ўткир қалам тиғини ишга солади:

Бир каззоб раҳбар бўлиб
раҳбарликни хор этмиш,
Аҳли мўмин раҳбарим
демакка ҳам ор этмиш.
Пиёдага сон тегиб,
отлиқлар қаторида,
Улус кўзини алдаб
йўқ обрўни бор этмиш.

Шоир бундай нобакорликдан нола қилади, ўзининг ҳам ҳаётда бундайлар туфайли озор чекканлигини баён этади ва ўз ахлоқий тамойилларига содиқ қолган ҳолда оталарча насиҳат қилади:

Ўзгадан кутма нажот,
юртим, ўзингдан қолма.
Гарчи бошингда қилич —
одил сўзингдан қолма.
Оғалик ҳурматини
роса келтирдинг бажо,
Ҳурмат кўраман десанг
ўғил-қизингдан қолма.

Шеър ҳамиша заруриятдан, зиддиятлардан пайдо бўлади, унда юрак туғёнлари мужассам. «Ҳуррият армонлари» девонига кирган шоирнинг кейинги йилларда ёзган шеърларида, айниқса, унинг тўртликлардан тузилган «Армонли дунё» достонида бу ҳолни янада яққол кўриш мумкин. Тўртлик айтиш, тўртлик ёзиш туркий халқлар адабиётида, халқ оғзаки ижодида қадим-қадимдан одат. Унинг энг гўзал, пурмаъно намуналарини Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғатит-турк»ида, буюк авлиё Аҳмад Яссавий ҳикматларида кўрамиз.

Умар Хайём, Навоий, Бобур, Мирзо Бедил рубоийларини алоҳида меҳр ва ҳурмат билан мутолаа қилган Барот Бойқобилов буюк устодларга эргашиб, кейинги йилларда шеъриятимизнинг тўртлик жанрида ҳам ўзини синаб кўрди ва муваффақиятларга эришди. Сонетнинг «темир қонуни»ларига, «инжиқлик»ларига кўник-

кан шоир «тор майдончали» тўртликда ҳам баракали ижод қилди, бу йўлда устозлар йўлидан борди.

Маълумки, тўртлик ихчамликни севади, унда фалсафий фикр тор майдончада юз кўрсатади, бунга эса эришиш осон эмас, бу майдон ичра от сурмоқ осон кечмас. Сонетнинг «темир қонун»ларида пишган Барот Бойқобилов шеъриятнинг бу жанрида ҳам муваффақият билан қалам сурди. Унинг тўртликларида шарқона анъана — панду насиҳат устун туради:

Яхши сўз туфайли инидан чиқар илон,
Ёмон сўз туфайли инсонлар бўлур шайтон.
Яхши сўз, ёмон сўз чиқар бир оғиздан,
Тилингдан заҳармас, асал томсин, эй инсон.

Барот Бойқобилов тўртликларида ўзи кўрган, ўзи билган жиддий ижтимоий ҳаёт масалаларини фалсафийлик асосида ихчам ёритади. Унинг кўпгина тўртликлари тарбия, одоб, хулқ-ахлоқ масалаларига бағишланган. Шоир ижоди адолатсизликка қарши аёвсиз курашга, одамларни уйғоқликка чорлади, бундай ижод намуналарини шоир ижодидан кўплаб келтириш мумкин.

Тўртлик (рубоий) шарқ шеъриятида ғазал каби ишқий лирикадан кўра ижтимоий-фалсафий фикрларни кўпроқ ифодалайди. Бунга буюк шоирларимиз ижоди яққол мисол бўла олади. Барот Бойқобилов ҳам устодлар изидан бориб, бу анъанани давом эттиради, инсонларни яхши ният билан ўз халқига, ватанига хизмат қилишга, ватан довруғини бутун оламга ёйишга чорлайди:

Меҳрингни халқингга пойандоз қилгил,
Қалб чўғига кафтинг хокандоз қилгил.
Жонингни аяма халқинг ишидан,
Номини оламга сарафроз қилгил.

Ватан тақдири ҳамиша шоирлар тақдири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Ватан дея, шоирлар халқининг олдинги сафларида туриб жонини тиккан, халқининг иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга даъват қилган. Барот Бойқобилов ҳам Ватан ҳақида куйлаганда катта достонлардан ташқари бежирим тўртликларида ҳам алоҳида бир ғурур, ишонч билан куйлайди:

Ўзга миллатлардан кам жойимиз йўқ,
Бизга ҳам берилган яшашга ҳуқуқ.
Тақдир, ҳаётимиз ўз қўлимизда,
Ўзгалар бизларга беролмас буйруқ.

XX аср бошида шоир Чўлпон «Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам хур туғилғонсан» деган бўлса, аср охирида Чўлпонга ҳамоҳанг тарзда Барот Бойқобилов «Ўзга миллатлардан кам жойимиз йўқ, Ўзгалар бизларга беролмас буйруқ», дея бонг урмоқда. Дунёда Ватан муҳаббатидан устун нарса йўқ, дунёга не-не буюк зотларни берган шундай Ватанни севмай бўлурми? Дунё китобига олтин ҳарфлар билан номи битилган она-юртимиз шаънига, қарангки, мустабид даврда бўлмағур гаплар айтилди, қора ранглар чапланди, не-не азиз фарзандларнинг ёстиғи қури-

тилди. Бунинг учун биргина кейинги шўро давридаги «пахта иши», «ўзбек иши» каби суюқ-ёлғон атамалар билан номланган қатағонни эслашнинг ўзи кифоя. Бундай фожиадан инсонлар юрагида пайдо бўлган дард-аламлар ҳақида шоир Барот Бойқобилов бир тўртлигида шундай ёзади:

Булбул кўз ёшида ҳижрон қўшиғи,
Бургут кўз ёшида армон қўшиғи.
Дардманга қўшиқдан ўзга йўқ даво,
Инсон кўз ёшида афғон қўшиғи.

Халқимиз фиғонлари ариб, шодмон кунлар етиб келди. Эндиликда шоир ўз меҳнатидан рози, Ватан озодлигидан кўкси тоғ. Мустақиллик шоирнинг энг эзгу армони эди, энди унга эришилгач, шоир илҳоми янада жўшади, шоир ярим аср мобайнида яратган асарларини тўплаб рамзий маънода «Янги Чордевон» тузади ва бу ҳақда у ўз ниятини қуйидагича ифодалайди:

Пайғамбар ёшимда чордевон туздим,
Ҳаётим боғидан минг гулни уздим.
Риндона кездиму тўрт бўстон аро,
Ёдгор бўлсин дебон элга тутқаздим.

«Чордевон»нинг тўртинчи девони «Хуррият армонлари» билан танишар экансиз, хамсанавис, заҳматкаш шоир Барот Бойқобилов ижодида янги қирраларни кўришингиз мумкин. Шуниси қувончлики, ундаги ҳар бир шеър ўқувчини ўйлашга, ўз даврига муносиб бўлишга чорлайди. Шоир ўз тақдирини халқ тақдири билан яхлит ҳолда кўради:

Халқимни жонимдан ортиқ кўраман,
Жонимни халқимга тортиқ кўраман.
Халқ билан тирикман, халқсиз абгорман,
Қисматим халқимга боғлиқ кўраман!

Ҳа, она халқини юракдан севган ижодкор ҳеч қачон кам бўлмаган, ижоди эса ҳамиша эл ардоғида бўлган. Шоир Барот Бойқобиловни ҳам ана шундай ижодкорлар сирасидан деб биламиз.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
академик

Тошкент,
2003 йил, декабр

Туркистон туғёни

* * *

Юрагим ларзада Туркистон туғёнидан,
Не юрак, жисму жон — туйғулар исёнидан.
Озодлик нафаси эсар Сайҳун, Жайҳундан,
Истиқлол уйғонди инсонлар виждонидан.

* * *

СУБҲИДАМ УМИДЛАРИ

Умиддан яралгандир
азалдан инсон зоти,
Қайғурилса ҳам синмагай
умид қушин қаноти.

«Ноумид шайтон» деган
мақол қадим-қадимдир,
Умид қадим-қадимдан
ҳар мушкулнинг нажоти.

Умид билан Янги йил
субҳига хуш тикилсам,
Кўнглимга туғён солди
донолар мулоқоти.

Тоғ узра балқиб офтоб
юртимга берди салом,
Қалбида эл дардию
тилида эрк баёти.

Бир ажиб нур таралди —
тоза рух, тоза шукух,
Тоза руҳ, тоза шукуҳ
топсин элим ҳаёти.

Янгиланиш умиди
уруғ сочган ҳар жойда
Арши аълога етар
буюкларнинг саботи.

Бир эркин замон келиб
диллар қулфи очилди,
Остин-устун бўлмасин
Суханварлик работи.

Замон билан пайванддир
инсон эту тирноқдек,
Ахли деҳқонда бўлсин
ер олганлик бароти.

Истиқбол умидлари
яшар юрак-юракда,
Умиддан айрилган кун
маҳв бўлар инсон зоти.

Ватан иқболин ўйлаб
кимки бўлса фидойи,
Миннатдор эл тилидан
асло тушмагай оти.

Янги йилда бахт, омад
элга муяссар бўлсин.
Осойишда яшасин
юртнинг ҳар музофоти!

1.01.90

* * *

Карвонсарой экан дунё —
ҳамма келиб кетгувчидир,
Устун бўлган киши йўқдир,
елдек елиб кетгувчидир.

Бир эшикдан кириб гўё
бирисидан чиқиб кетар,
Икки эшик орасида
сарсон бўлиб кетгувчидир.

Тотиб турмуш аччиғини,
ширинидан топмай баҳра,
Тирикликнинг неъматини
ҳавас қилиб кетгувчидир.

Эзгуликка бўлиб чанқоқ,
ёвузликка топмай чора,
Дардларини ютиб-ютиб,
ғамга тўлиб кетгувчидир.

Дунё баланд-пастин кўриб,
кўриб узоқ-яқинини,
Чумолидек ризқ-рўзини
бир-бир териб кетгувчидир.

Юз мақомга солиб қисмат —
кўриб яхши-ёмон кунни,
Ҳаёт сари ташна боқиб,
бағрин тилиб кетгувчидир.

Сув томизган фарзандларин
дийдорига ташна-ташна,
Умид кўзи милт-милт ёниб,
бир интилиб кетгувчидир.

15.01.90

* * *

Қисмат хатин Оллоҳим
пешонамга ёзмишлар,
Ҳайрат тўла нигоҳим —
мунглиғ шамга ёзмишлар.

Манглайимга битилмиш
хатти барот маъносин —
Тафсирлаб ёнди моҳим
сўзонамга ёзмишлар.

Ажинлар иншосида
қисматим эмиш аён,
Тақдир нега берахм?
— паймонамга ёзмишлар.

Бу доғули замонда
хатто болда оғу бор,
Номард қилиб жарроҳим,
балки, ғамга ёзмишлар.

Ширидир у Лайлидир,
гуноҳдан фориғ ёрим,
Менинг ҳоли табоҳим
таронамга ёзмишлар.

Гарчи ишқда Фарҳоду
Мажнунга сабоқ бергум,
Билмам надир гуноҳим,
дард-аламга ёзмишлар.

Гўё жафо уруғин
сочмишман ёр дилига,
Гардунни тутгай оҳим,
парвонамга ёзмишлар.

Ёрга сажда қилмасам
бош кўтариб юрмасман,
Вафо эрур паноҳим,
замонамга ёзмишлар.

Гумон ўти ёмондир,
алангаси беаёв,
Шубҳада ёнар хоким,
остонамга ёзмишлар.

Дилбаримга жонимни
курбон қилсам арзигай,
Обод этди даргоҳим,
кошонамга ёзмишлар.

Кўз очиб кўрдим ёрни,
кўз юмгунча кўз узмам,
Кўз устина, Оллоҳим,
пешонамга ёзмишлар.

19.02.90

ТЎРТЛИКЛАР

Бир фикр каллангга келса «ярқ» этиб,
Жисму жонинг олса нурга ғарқ этиб.
Баридин тутиб ол — қочиб кетмасин,
Шеър қилиб, дилларни ёрит барқ этиб.

* * *

Янги гап айтмасанг сукут сақлагил,
Орифлик бурчини, нозим, оқлагил.
Янги фикр қурса бошингда ғужғон,
Ақл қўрасида пишсин, ёқлагил.

* * *

Оқил дер ўзини жоҳил одамлар,
Кўзига ёт эрур оқил одамлар.
Бўхронлар комида қолганда дунё,
Оқилу жоҳилдан ғофил одамлар.

* * *

Бойлар нимадир, бахт, сафо билмайди,
Уйига тиланиб гадо келмайди.
Сахо остонасин босгани камдир,
Билмасми: мол-дунё вафо қилмайди.

* * *

Умр жавоҳири нодир, бебаҳо,
Ўйламай ҳавога сочмагил, аммо.
Дил сўзига қўйгил ақл сурмасин,
Ажратсин: бир эмас оқ билан қаро.

* * *

Қаллоблар уяси ҳаёт бозори,
Бир-бирин алдашар — жоннинг озори.
Бўзни шойи дебон сотурлар унда,
Пайҳон бўлган адлу инсоф гулзори.

* * *

Ватандан чиқмасанг кўрмайсан зарар,
Жисму жонингга ҳам етмайди хатар.
Дунё тасодифдан холи эмасдир,
Ватан ичра, аммо, айла хуш сафар.

* * *

Берк эшикдан келди эрк —
кадрига етинг, дўстлар,
Умр дафтарин безаб
эрк сўзин битинг, дўстлар.

Олтин қўллар атадик
«у»ни «ў»дан фарқ қилмай,
Зада бўлган деҳқоннинг
қўлини ўпинг, дўстлар.

Қафасдан озод бўлган
шер каби уриб жавлон,
Дўслик уйини бузманг,
раҳм-шафқат этинг, дўстлар.

Майдон мардники, дерлар,
қуён гоҳ шердан ботир,
Дарёни ҳам арикдек
бир ҳатлаб ўтинг, дўстлар.

Арининг уясига
чўп тиқилган айёмда,
Аралаш са оқ-қора,
заҳрини ютинг, дўстлар.

Имонни қилиб бутун
диёнатни йўқотманг,
Кудурат ўтган бўлса —
ўтди, унутинг, дўстлар.

Молу мулкни талашманг,
талашманг обрў, амал,
Шукрона деб эзгулик
йўлини тутинг, дўстлар.

Дўстлик — аждодий мерос,
йўқотсанг топмагайсан,
Мерос — умр мазмуни,
эҳтиёт этинг, дўстлар.

Туркистон улусининг
ўртасида нон, холос.
Нифоқ тухмин куритинг,
дўстларни кутинг, дўстлар.

6.03.90

* * *

Тарки дин айлаб нодон
чиқди аҳли муслимдан,
Бир паноҳ топмай ўтди
дунё деган тилсимдан.

Отаси экқан дарахт
мевасини тотмайин,
Оёқ ости қилиб у
таҳсин кутди ҳар кимдан.

Тангрини тан олмасдан
кун кечирди дахрийдек,
Хизмат қилмоқ ўрнига
кир излади элимдан.

Донолар даврасига
бош суқолмай, тирқишдан —
Пойлаб ўтди оғзини,
кулиб эски илмдан.

Ўзини ерда эмас,
доим билди осмонда,
Муаллақ яшаб гўё
айри тушди мулкимдан.

Динни у афюн дебон
минбарларда солди жар,
Исломга тош отганда
қўрқмас эди ўлимдан.

Дарё бўйида туриб,
сувга зор ўтди гарчанд,
Қариганда сўфилик
даъво килди элимдан.

16.03.90

* * *

Одамийлик тожини
безар инсоф гавҳари,
Инсоф гавҳари азал
одам зотин зевари.

Сийму зарни бахшида
этган инсон хор бўлмас,
Элу юртда азизу
бахт бўлгайдир сарвари.

Сарвари бахт бўлган зот
ёмон кўйга кирмагай,
Яккаш эзгулик бўлур
унинг топган ҳунари.

Ҳунарин бериб элга
тупроққа олиб кетмас,
Сахо боғида яшар
Ҳотами Той сингари.

Ҳотами Той сингари
номи ўчмас тарихдан,
Шох қилиб тож кийгизар
абадият кишвари.

Абадият кишвари
барча инсонга ҳавас,
То дунёни безаркан
она замин заргари.

Она замин заргарин
зийнати экан инсоф,
Инсоф азал-азалдан
эзгуликнинг самари.

17.03.90

* * *

Туҳматчининг юзи йўқ —
ноҳақ туҳматдан асрасин,
Туҳмат балоси ёмон —
аччиқ кулфатдан асрасин.

Оғзи ошга етганида
тегмасин боши тошга,
Эгри улфат — нақд кулфат —
эгри улфатдан асрасин.

Умид мевасин териб
энди ейман деганда,
Туҳмат тоши ёғдирган
ногоҳ офатдан асрасин.

Элу юртнинг тилига
номи тушган давронда,
Тама аҳли кўрсатган
сохта ҳурматдан асрасин.

Шуҳрат шароби ўткир,
барчани қилгай сархуш,
Лек саробга ўхшаган
қуруқ шуҳратдан асрасин.

Туҳмат кўзни боғлагай,
ҳақни ноҳақ кўрсатар,
Дўсту ёрдин айирган
совуқ узлатдан асрасин.

Қодирий билан Фитрат,
Чўлпон туҳмат қурбони,
Қурбонлар етар энди —
ҳаргиз ғурбатдан асрасин.

Тақдир ҳукми беаёв —
қочиб ундан қутулмоқ йўқ,
Мехмонсан бу дунёда —
аянч қисматдан асрасин.

18.03.90

* * *

Улус завқи, шукуҳин
кўрдим ийди Наврўзда,
Дил сурури акс этди
ҳайратдан чақноқ кўзда.

Наврўзи олам кезар
гул устина гул сочиб,
Толе жилосин кўриб
тонг балқиган юлдузда.

Кўркам ўлкам безанди
каштали либос кийиб,
Кўклам кўз-кўз этмакда
бисотин дала-тузда.

Тошкент карнайи ёки
фалак узра гулдирак,
Самарқанду Бухоро,
Андижону Нукусда.

Олтин ҳаргиз зангламас,
эл қадри ҳам олтиндир,
Қоронғи тун ҳолини
кўринг энди кундузда.

Ўйин, кулги, тарона
авжи етди фалакка,
Наво қилдик дутору
танбур ила қўбузда.

Жон ўртар дардга даво
топилган хуш айёмда,
Дўсту ёрон сайр этар
гулшани дилафрўзда.

Кимгадир хуш ёққанди
ўзгалар чилдирмаси,
Миллий байрам шавқини
ҳис этдик яна ўзда.

Қоматимиз тик тутиб
алифдан олдик қиёс,
Тағин долдек эгмасин,
тоғ тик турсин улусда.

Уйғонган халқим менинг,
боз кетмангиз уйқуга,
Баҳор қайтиб келса-да,
қолиб кетманг ҳеч кузда.

Кузда кейин қиш келар —
киш эса қаҳратондир,
Энди етдик баҳорга —
Эрк сўзи талаффузда.

Ўзбеклар диёрига
қасд этганлар бўлган паст,
Мулки Машриқ ичинда
азалдан у нуфузда.

Наврўзни қора қилди
оқ-қорани билмаган,
Учраб эл қарғишига,
бағрини кўрди музда.

Гулдек урфни хор этган
киши умри хазондир,
Меҳрга ҳам зор бўлар,
ҳатто ийди Наврўзда.

Байрам муборак бўлсин,
заҳматпеша юртдошлар,
Кўнглим эзгу тилагин
баён айладим сўзда!

20.03.90

* * *

Ғаройиб дунё экан —
асрорин билолмай доғман,
Гоҳ гул тутар, гоҳ тикан —
мулоқот қилолмай доғман.

Тақдир қаён бошласа,
кетдим оёғим етгунча,
Умрим мисли бир елкан —
қирғоққа келолмай доғман.

Сархади йўқ дунёнинг
кўрдим яқин-йироғини,
Сийласа-да не маскан —
камина сийлолмай доғман.

Умид боғида гарчанд
иқбол шароби сийлади,
Ҳаёт сеҳридан мастман —
ўзимга келолмай доғман.

Ўтрордан Ҳиротгача
силсила тоғдек ўзбеклар
Юрти гоҳ чўл, гоҳ чаман —
ел каби елолмай доғман.

Жоҳилни қилиб доно,
оқилни нодон айлаган
Замона экан манман —
бағримни тилолмай доғман.

Эътиқод меҳробига
бошимни қўйиб дегайман:
Сенга не бўлди, Ватан,
қисматинг билолмай доғман!

21.03.90

* * *

Ағёрлар қилмишидан
бўғилди гоҳ овозим,
Гоҳо торин уздилар,
синдирдилар гоҳ созим.

Гоҳ суворий, гоҳ яёв
ўтдим алам даштидан,
Қор ва ёмғирда қолиб
қишга айланди ёзим.

Ҳақсизлик саҳросида
адолат йўлин излаб,
Ҳақ бор дебон юпандим —
ҳаққа бўлиб мулозим.

Ўзим чеккан жафони
ўзгага кўрмай раво,
Дардига бўлдим хамдам —
дарднок менинг ҳамрозим.

Эзгулик дуторига
жон риштасин тор қилиб,
Саҳарлаб чалдим, токи,
улусга етсин розим.

Ҳалол, покиза яшаб,
нопокдан қилдим ҳазар,
Гуноҳдан юз ўгириб
савоб бўлди ниёзим.

Садаф бағрида дурни
асраб авайлагандек,
Халқим дилидан, кошки,
жой олса дейман нозим.

22.03.90

* * *

Шоҳлар амри вожиб деб
унсиз бўзлар гадолар,
Қамишдан белин боғлаб
турли казо-казолар.

Қадди алиф кимсага
қадди доллар осилди,
Тик бошин эгмагунча
тинмади не пешволар.

Тепадан тушган буйруқ
пастда бўлмади инкор,
«Ҳа» турганда чиқмади
«йўқ» деган ҳеч садолар.

Шоҳлар шахсин ҳимоя
этди доим сиёсат,
Сиёсат каж бўлса ҳам
тик турмади донолар.

Улуғларнинг сўзига
чапак чалди халойиқ,
Даъво қилмади ҳаргиз
ўз дардига даволар.

Нотиқлик тегирмони
тиним билмай айланар,
Дўлда эса дони йўқ,
аммо зўр муддаолар.

Аввал иқтисод дерлар,
кейин сиёсат, Барот,
Бу ўйинда шоҳ ютар,
ютказар фуқаролар.

23.05.90

* * *

Ўтмишсизлар ўтмишга
ўйлаб топарлар номни,
Муқаддас калом санаб
ахком айтар каломни.

Ўтмишга қора суркаш
ҳунар саналди яккаш,
Тонгни зулмат аташиб,
ойдин дедилар шомни.

Тарихга бош бўлмасдан
топтадилар ҳар нафас,
Шаробини сипқориб
отдилар биллур жомни.

Бино бино бўлмайди,
ўз-ўзидан — минг савдо,
Деворин тикламасдан
ёпдилар гўё томни.

Суврат ила сийрати
мос келмаган замона
Мақомига йўрғалаб
аврадилар авомни.

Салафлар меросини
пайҳон қилиб нохалаф,
Дарё ўзанин бузиб,
тўзиб қўйди маромни.

Адл тутганлар чархи
кажрафторни тузатар,
Озод бўлинг, деб узгай
оёғимиздан домни.

6.06.90

* * *

Кабутарлар кўринмас
Тошкентнинг осмонида,
Ё изғир қора қузғун
коинот айвонида?

У ҳуррият, омонлик,
мустақиллик рамзидир,
Нега ўйнаб яйрамас
фароғат маконида?

Кабутарга ишқибоз
одамлар кўнглида ё
Ҳавас ўти сўндими
тириклик армонида?

Анқо уруғи каби
кабутардан нишон йўқ.
На Хадраю на Чорсу,
на Ўрда майдонида.

Қушга ҳам кафтин тутар,
кувониб кутар элим,
Кабутарни асрагай
оқибат имконида.

Кошки, тўлиб майдонлар
учиб юрса бемалол,
Кафтларга қўнса келиб
ғанимат замонида.

Орзуга айб йўқдир:
эркинлик рамзи бўлиб,
Кабутарлар чарх ургай
пойтахтим осмонида!

7.06.90

* * *

Саодат сароб эмас —
саодатни изларман,
Адолатсиз давронда
адолатни изларман.

Укубатли тунларда
азоб бўлиб ҳамрохим,
Алам чеккан жонимга
фароғатни изларман.

Ўзбекни ўз уйида
тинч қўймаса, нетай мен?
Ғазаби сел элимга
қаноатни изларман.

Лаби лунги бадавий
муқимлик қилиб даъво,
Ер талашса, мозийдан
шаҳодатни изларман.

Нифоқ ўтини ёқди
қай нокас эллар аро,
Энди қачон сўнгай у —
башоратни изларман.

Барча миллат дўст деган
шиордами бу иллат,
Нега диллар ёт бугун —
синоатни изларман.

Туркистон улусини
яна кўрай деб иноқ,
Оқибатсиз замонда
оқибатни изларман.

11.06.90

* * *

Ҳаёт боғи кўзимга
бўстон кўринди,
Бўстон боғбони бўлиб
инсон кўринди.

Инсон дилига боқсам —
бағри қон анор,
Чашмида дард-ҳасрату
афғон кўринди.

Афғон ўтида ёниб —
дардига излаб малҳам,
Тириклик даштида у
сарсон кўринди.

Сарсон бўлмаган йўқдир
бу олам аро,
Ҳар кўнгилда бир орзу,
армон кўринди.

Орзую армон ила
келиб-кетгай у,
Жаҳон айвони, аммо,
вайрон кўринди.

Вайрона иморатга
берай деса зеб,
Зулм аҳли илкинда
гаврон кўринди.

Гаврондан тилим-тилим
гарчи елкаси,
Аҳли дунё кўзига
комрон кўринди.
Комронлар даврасини
тарк этай деса,
Ҳаёт гулшани ичра
жонон кўринди.

12.06.90

* * *

Лаби лабига тегмай
биров вайсар минбарда,
Эл оғзига элакни
тутар қайсар минбарда.

Ўзга сўзга навбат йўқ,
қарашлари худди ўқ,
Шому саҳарни кутар
шому саҳар минбарда.

Аввалларн халойиқ
сўзин сийларди лойиқ,
Энди эса минбарга
фақат сайрар минбарда.

«Яхши от кейин чопар»,
мақолин қилиб рўкач,
Турли-турли товланиб
сочар заҳар минбарда.

Вилоятга бош бўлди,
вилоят гапга тўлди,
Гапни ипакка ўраб,
хўп мақтанар минбарда.

Боши берк кўчага у
кириб, қайтиб чиқолмас,
Деворга тегиб боши
элни аврар минбарда.

Қуруқ ваъда билан ҳеч
улус корни тўймайди,
Гапдан ишга ўтмасдан
тилин қайрар минбарда.

Сув бўлмаса тегирмон
юрмайди дер халойиқ,
Сўз билан у йўқ донни
гўё янчар минбарда.

Сабр косаси тўлган
вилоят аҳли нетсин,
Замона зайли билан
ношуд раҳбар минбарда.

14.06.90

МУСТАҚИЛЛИК МАНШУРИ

Хуш айёмда элимнинг
дилга сиғмас сурури:
Юртим бўйлаб таралди
Мустақиллик маншури.

Кифтидан қулаб тушди
гўё тегирмон тоши,
Кўнглин тоғдек кўтарди
янги авлод шуури.

Эрк тонгин қутлади у
истиқбол жабҳасида.
Шом чўккан гўшаларни
ёриб ўтди эрк нури.

Гавҳардек териб олса
агар тўккан терларин,
Ранж чеккани билинмас,
ўзгада меҳнат дури.

Мустабидлик қуюни
ўчиролмас то абад,
Юракларнинг тубида
ёнса Ҳуррият қўри.

Ўз эрки, ўз мулкига
бўлгай соҳиби мутлақ,
Дахлсиз ҳудудида
манзур унинг дастури.

Эркинлик ҳавас қилмас
инсон йўқдир жаҳонда,
Давлат йўққим, мустақил
бўлмай деса кузири.

Ҳатто тоғ сийнасини
ёриб ўтар булоқлар.
Зўрлик отин чополмас
келса оламнинг зўри.

Мустақиллик ёрлиғин
кўзига сурган ўзбек
Диёри бўлса, кошки,
Туркистоннинг ғурури.

У бой берган эркини
излаб топди оқибат,
Тавоф тумори бўлгай
Мустақиллик маншури.

22.06.90

ТУРКИСТОН

Бут эдинг, бутун эдинг
доруламон Туркистон,
Ким қилди парча-парча,
бу не макон, Туркистон?

Қайга боқсанг кўзингга
кўринди қизил чироқ,
Истиқбол йўлин излаб,
боқдинг сарсон, Туркистон.

Сен пайкар бўлсанг агар
туркий эди сенга дил,
Бир дилни нимталади
кай беимон, Туркистон?

Бир ҳудудда тўрт ўлка
яшар тўрт девор аро,
Тўртавлон тугал бўлмай,
ўртанар жон, Туркистон.

Жисм аро жонинг ҳалак,
жонингда қонинг ҳалак,
Не занжилар ичра сен
худди арслон, Туркистон.

Бир она фарзандларин
ёт қилмоқчи кай баттол?
Оға-ини ёв бўлса,
охирзамон, Туркистон.

Исми жисмига монанд
диёр эдинг-ку азал,
Арзир номингни туркий
этса достон, Туркистон.

Бир-биридан айириб
бўлмас эту тирноқни,
Эту тирноқ айрилса,
дарёлар қон, Туркистон.

Асли тоза улуснинг
насли тоза авлоди,
Қора эгар ёндошсанг
кора қозон, Туркистон.

Кошки низо чиқмаса
туркийлар аро, Барот,
Келди бирлашур чоғинг,
сдил даврон, Туркистон!

25.06.90

* * *

Дономи ёки нодон
амалдор амри баланд,
Аввал-охир мансабда
амалдор қадри баланд.

Унинг кўнглин овлайди
ошилиб лаганбардор,
Лаганбардор аҳлига
амалдор меҳри баланд.

Мансабдан тушса, балки,
қайтадан танир ўзин,
Эгарда турган пайтда
амалдор қаҳри баланд.

Омонат мавқеига
кимки етказса футур,
Оғуни малҳам билиб,
амалдор заҳри баланд.

Ҳақ сўзни айтган киши
тилини қилгай соқов,
Ё хийла тиғи кесгай,
амалдор макри баланд.

Пасту баланд дунёда
баланд санаб ўзини,
Амал узра қурилган
амалдор қасри баланд.

Бу не сирру синоат,
ҳатто адам даштида,
Фуқаро қабри пасту
амалдор қабри баланд.

2.07.90.

* * *

Аёрнинг туҳмат тоши
пешонамни қонатди,
Не пешанам, бошимда,
ғам тошини ушатди.

Дардимни айтай десам,
дардкаш бирор ҳабиб йўқ,
Ҳабиб йўқлигин билиб
тош устига тош отди.

Ғолиблик чорбоғида
қуришиб базми Жамшид,
Мағлуб ҳолимдан кулиб
кўнгилларин кувнатди.

Ўзларидан ўзгани
демайин ҳақ сарбози,
Ҳақ деган тилни тилиб
соқов каби сўйлатди.

Гўё гадо шоҳ бўлиб
амал майидан сармаст.
Оқни қора қилгали
ошналарин унатди.

Дилларида мехрмас,
қайнаб қаҳр зардоби,
Саратонда куйдириб,
қаҳратонда музлатди.

Қора қуюн сингари
ўтиб кетди аҳли жоҳ,
Бошим устида гарчи
қиличини ўйнатди.

3.07.90

* * *

Даъвойим йўқ оламга
бир сокин маъво бўлса,
Сокин маъво паноҳи
мусаффо само бўлса.

Мусаффо само сирин
қилай десанг интишор,
Боқий дунё султони
офтоб ҳувайдо бўлса.

Офтоб ҳувайдо бўлиб
сўрса ҳоли табоҳинг,
Гул қабосин титратган
муаттар сабо бўлса.

Муаттар сабо эсиб,
руҳингга берса ором,
Жон кушин яйратгали
дилрабо наво бўлса.

Дилрабо наво авжга
чиққан гўзал айёмда,
Дардингдан қолмай асар
дилинг мусаффо бўлса.

Дилинг мусаффо бўлиб
шодлик созини чалсанг.
Ёр жафоси йўқолиб
аҳдига вафо бўлса.

Вафо куйин мавжида,
Барот, олам тебрангай,
Бир умрким ёнингда
дилдор Сурайё бўлса.

4.07.90

* * *

Умидли бу дунёда
умидингдан айрилма,
Умидни қилиб бутун
удумингдан айрилма.

Удумдан юз ўгирсанг
аросатда қолгайсан,
Аросат мисли гирдоб,
ҳудудингдан айрилма.

Ҳар кимнинг она юрти
олтин бешикдир бешак,
Олтин бешикни асраб,
мардумингдан айрилма.

Мардумдан айрилганни
бўри ер, дер халойиқ,
Бўрига ем бўлгали
вужудингдан айрилма.

Вужудингга жон бўлиб
токи ураркан юрак,
Юрагингнинг сурури —
сурудингдан айрилма.

Сурудсиз ҳаёт азал
ваҳшийликнинг рамзидир,
Ваҳший бўлмай десанг гар
соз-удингдан айрилма.

Уд савти жонга ором
бағишлар, дейди пирлар,
Пир бўлсанг, келиб даврон,
муридингдан айрилма.

6.07.90

* * *

Жондан кечган мажнуннинг
жононаси сенмасму?
Жамолингга мафтуннинг
парвонаси сенмасму?

Сенинг хаёлинг билан
кундан излар жамолинг,
Афсона битган туннинг
мастонаси сенмасму?

Ҳаёт боғида ҳар ким
қидирар ўз бахтини,
Бахтдан кўнгли мамнуннинг
кошонаси сенмасму?

Ғаввосни қўйиб доғда
садаф ичра ётмиш дур,
Дур излаган мардумнинг
мардонаси сенмасму?

Муҳаббат тузоғини
қўмсамаган қалб борму,
Ёр ҳажрида тутқуннинг
сўзонаси сенмасму?

Ишк сароби сеҳридан
девона бўлмаган кам,
Осойишсиз бу куннинг
девонаси сенмасму?

Кемтик дунёда азал
бағри бутун йўқ, дерлар,
Бўлса, бағри бутуннинг
ягонаси сенмасму?

9.07.90

* * *

Дўппи топилар, дерлар,
бош агар омон бўлса,
Ҳақ сўзни айтар эдим
одил бир замон бўлса.

Одил замонни кутиб
сочларимга тушди оқ,
Балки, келгай муждаси
олам гулистон бўлса.

Олам гулистон бўлиб,
эрк қутулса қафасдан,
Ҳурлик гаштин сургали
дўсту қадрдон бўлса.

Дўсту қадрдон ила
эркин нафас олсанг бот,
Ҳар киши ўз мулкида
соҳиби даврон бўлса.

Соҳиби даврон бўлиб,
топсанг ўз иқболингни,
Чеккан жабру жафойинг,
кошки, бир ёлғон бўлса.

Истибдод ёлғон бўлиб,
истиқлолга етолсанг,
Истиқлолнинг эгаси
насли Кўрагон бўлса.

Насли Кўрагон яна
тикласа қоматини,
Ўзбекнинг шухрати боз
Машриққа достон бўлса.

Машриққа достон бўлиб,
дўппи эмас, кийса тож,
Омон бошида унинг
ҳур Ўзбекистон бўлса!

11.07.90

* * *

Шажарам ибтидоси
Кўрагон аждодидан,
Аждодларнинг дуоси
Туркистон муродидан.

Туркистоннинг муроди
эрку истиқлол абад,
Истиқлол алифбоси
пок имон ижодидан.

Пок имон ижодига
«Қуръон»и карим гувоҳ,
«Қуръон»нинг калимаси
мусулмон бунёдидан.

Аҳли муслим бунёди
барбод бўлмагай мангу,
Мангуликнинг иншоси
қиз-ўғлон саводидан.

Саводхон улус кўзин
қаросидур даҳолар,
Даҳоларнинг нидоси
аҳли ком имдодидан.

Аҳли ком имдодига
мухтож аҳли замона,
Аҳли замон даҳоси
чин инсон зурёдидан.

Чин инсон зурёдининг
эркин бўғар истило,
Истило интиҳоси
Туркистон авлодидан!

18.07.90

* * *

Туркистон аҳли аро
қай бузғун кўзғар нифоқ,
Нифоқ қиличин қайраб
яқинни этар йироқ.

Йироқдаги муртаднинг
юраги, юзи қора,
Қора юрак кимсалар
Туркистонга ёт, бирок.

Бирок, унинг сўзига
гоҳи учар ғофиллар,
Ғофил бандалар ҳаргиз
бўлмас йиртиққа ямоқ.

Ямоқ билан йиртиқни
гарчи бўлур тузатиб,
Тузатиб бўлмас асло
дил кўзгуси синган чоқ.

Дил кўзгуси синганда
жигар-бағринг бўлур қон,
Жигар-бағринг қон бўлса,
қон сирқир мисли ирмоқ.

Ирмоқсиз булоқ йўқдир,
оби ҳаётсиз дарё,
Оби ҳаёт дарёси
эл толеин қилур оқ.

Толеи оқ элларнинг
бахти бўлмагай қаро,
Қаро тунни ёритгай
мехрдан ёнган чироқ.

7.07.90

* * *

Аҳли Самарқанд базми
Регистон майдонида,
Не Регистон, мозийнинг
чароғон айвонида.

Чароғон айвон ичра
замона зукколари,
Зукколар қасидаси
ҳар инсон лисонида.

Ҳар инсон лисонида
ўзбек элин ўзлиги,
Ўзбек элин ўзлиги
Кўрагон достонида,

Кўрагон достонига
Яздий этмиш жон фидо,
Жон фидо ҳар бир инсон
қаҳрамон баёнида.

Қаҳрамонлар истиқлол
эркин қилмиш намойиш,
Эркни намойиш этган
чароғбон маконида.

Улусига ўзини
чароғбон билган инсон,
Инсон зотин бургути
Зарафшон осмонида.

Зарафшон осмонида
зоғлар учмасин, Барот,
Булбуллар чаҳ-чаҳласин
Туркистон бўстонида.

23.07.90

* * *

Олди-сотди қизиган
замона бозорида,
Фуқаронинг қисмати
бозор ихтиёрида.

Нарх-наво кўкда учар,
кора ерда харидор,
Бозорнинг алоласи
харидорнинг зорида.

Қимматчилик авж олди,
арзончилик умиди —
Офтобда ҳам эримас
баланд тоғлар қорида.

Еб-ичувчи серобу
нозу неъматдир сароб,
Гарчи моллар мўлу кўл
ижрокўм қарорида.

Ризқ-рўз тушмас осмондан,
балки ерда унар у,
Ердан юз ўгирганлар
текинхўр қаторида.

Нон шаҳрин излаб келган
аҳли меҳмон беҳисоб,
Уларни еб-ичириш
ўзбек соҳибкорида.

Увоқ қидириб елган
чумолидек жон ҳалак,
Аҳли даврон изғийди
тириклик бозорида.

24.07.90

* * *

Устоз Шуҳрат домлага

Не тарихни ўрганиб
тош каби қотди бошлар,
Ўзимизнинг тарихга
отилди, аммо, тошлар.

Мозийга тўғри боққан
эгри дебон топилди,
Алам тўла кўзларда
маржондек қотди ёшлар.

Мағрибга қилиб сажда,
Шарқдан юмдик кўзимиз,
Сиёсатга бош эгди
биз сингари қардошлар.

Саломимиз аликсиз
қолиб диллар доғланди,
Қадримиз ерга уриб,
ер тепинди авбошлар.

Ўтмишга тамға босиб,
қопқалари қулфланди,
Туйнигидан қаролмай
ўтди кексаю ёшлар.

Амир Темур «қонхўр», деб,
Бобур эса хўрланди,
Қодирий ва Чўлпонсиз
қолди Андижон, Шошлар.

Фитратту, Усмон Носир
бийрон тили кесилди,
Шукуруллою Шухратда
букилмади бардошлар.

Жабру жафо чексак-да
умид билан яшадик,
Ҳурлик айёми келди,
ҳурликка бошлар бошлар.

Эрк туғилган кунидан
гарчи бўғиб келинар,
Хайрият, ўзни таниб
уйғонди ватандошлар.

25.07.90

* * *

Юрак шердек қўзғалур
уйғониш азобидан,
Жисм аро жон тўлғанур
уйғониш шаробидан.

Уйғониш фаслидадур
улуғ мулк инсон каби,
Аросатда уйғониш
уйғонур хитобидан.

Боқса олам аҳлига
олам каби ўзгармиш,
Кўксида мозий урур
уйғониш шитобидан.

Муте фуқаро янглиғ
давлатга бўлиб банда,
Юрак-бағри ўртанур
уйғониш хунобидан.

Молу мулкдан айрилиб
айрилиб эрк, иқболдан,
Адл бошин кўтарур
уйғониш мехробидан.

Тиланчидек қўл чўзиб,
ҳақин сўраб давлатдан,
Ҳақ сўзини ўрганур
уйғониш китобидан.

Фуқароси сингари
ўзлигини топур мулк,
Қисмати ҳам ўзгарур
уйғониш аҳбобидан.

Ҳукуқсиз давлатга у
ғулом бўлмагай, Барот,
Кўзларига нур олур
уйғониш офтобидан.

26.07.90

* * *

Қишлоқ аҳлини ўйласам
кўксимда исён қўзғалур,
Юрак исёни зарбидан
жисмим аро жон қўзғалур.

Жисмим аро жон қўзғалиб,
жонимни бергум жабборга,
Жонимни жабборга берсам,
азобдан виждон қўзғалур.

Тортиб виждон азобини
ҳақир ҳолидан куйгайман,
Куйиб, токи кул бўлгунча
жонимда вулқон қўзғалур.

Вулқон ичра қолиб жоним
тўлғонадир самандардек,
Самандардек ўтда куймай.
устувор имон қўзғалур.

Имонни қўйиб ўртага
нажот илкин узатгайман.
Нажот илкин тутиб маҳкам
бечора деҳқон қўзғалур.

Аҳли деҳқон эркин қулдек,
турмушидан нолимас лек,
Гарчи қаттиқ орияти,
оҳидан хазон қўзғалур.

Босилиб хазон хирмони
манглайига тегмиш офтоб,
Офтобдек мурувват қилиб
жон Ўзбекистон қўзғалур.

26.07.90

* * *

Боши берк кўчададир
аҳли Туркистон мендек,
Деворга тегиб боши
пешонаси қон мендек.

Ошиб ўтмоқ истаса
баланд девор бўй бермас,
Бу куйга кирганидан
энди пушаймон мендек.

Деворнинг орқасида
жаннатми ё жаҳаннам,
Аён эмасдир унга
бесару сомон мендек.

Изига қайтай деса,
эр йигитлик изн бермас,
Босган изидан қайтмас —
қувғин арслон мендек.

Деворни қулатмаса
қутилмас берк кўчадан,
Девор бутун қолса гар
умиди вайрон мендек.

Учиб ўтайин деса,
йўқдир учқур қаноти,
Тор кўчада адашиб
сарсон-саргардон мендек.

Деворни бузиб, Барот,
муродга етсанг, кошки,
Катта дунёга чиқсин
аҳли Туркистон мендек.

27.07.90

ТУРОН

Қадим туркий миллатининг
имонию эрки — Турон,
Аждодимиз туғилган юрт
азалдан билки — Турон!

Олам олам бўлган чоғдан,
одам одам бўлган ондан,
Борлиқ китобига битмиш
номини килки[1] Турон.

Мулки Чиндан Ажам қадар,
мулки Ҳинддан токи Рус,
Ҳудуд аро ёзса етар
қулочин илки Турон.

Олам рўшно бўлсин дебон
хар субҳидам эркалаб,
Елкасида даст кўтарди
офтобни кўҳи Турон.

Сайҳуну Жайҳун аро
қурди олий қасрларким,
Самарқанду Бухоро —
жаҳон аро, кўрки Турон.

Офтоб каби эркин улус
коинот айвонида,
Одамийлик қасрига
жило берди рукни[2] Турон.

Нафосат гулшанида
анжуман тузиб аҳли дил,
Машриқ элин лафзига
ҳусн берди лутфи Турон.

Қилич бирла жаҳонгирлик
қилмади олам аро,
Жаҳонгашта бўлиб, аммо,
яйради кўнгли Турон.

Туркий бешигин тебратиб
волидайи мухтарам,
Алла айтди кечалар
оқаргунча субҳи Турон.

Ярасига малҳам бўлиб,
шифо излаб жонига,
Ўлимдан ўзга дардга
даво топди илми Турон.

Босқинларда қурбон бўлса
довюрак ўғлонлари,
Гумбази гардуни баркдек
титратди мунги Турон.

Афросиёб, Тўмарис
илкига бериб эрк туғин,
Спитамен, Широкни туққан
мард она — асли Турон!

Она юртин ташлаб кетмай,
унга жони фидойи
Улуғ улус Осиёда
муқим бир элки — Турон!

Қайси боғу чаман аро
туркий лафзи янграса,
Янграса шўх аския, кулги,
амин бўлки — Турон!

Исми жисмига монанду
жисмига исми мосдир,
Туркийдан исми Турону
хокидан жисми Турон.

Етти иқлим мехрини
тортган оҳанрабо абад
Рўйи заминнинг сайқали —
Самарқанд — қутби Турон!

---

[1] Килк — қамиш қалам

[2] Рукн — устун

Ҳар туркий юрагида
Турон берур акс садо,
Бу гапни айтмагимдан
мақсадим шулки, Турон!

Туркий эли бирлашса,
бирлашса бўлак-бўлак юрт,
Ўрта Осиё, Барот,
кошки, бўлса мулки Турон!

27.07.90

* * *

Гап тоғча, иш тирноқча —
сайрар «оғзи полвон»лар,
Гапдан матлаб топмасдан
хайрон дили вайронлар.

Ёмғирдан сўнг потирлаб
чиққан қўзиқориндек
Гапдонлар кўпайдию
камдир ишбилармонлар.

Қурук ароба судраб
бедовлар чопар гўё,
Қурук сўздан сарғаяр
дон деб ранги сомонлар.

Дейдиларки, бекорга
мушук чиқмас офтобга,
Иш танобин тортмасанг
тутқич бермас армонлар.

Сув бўлмаса айланмас
тегирмоннинг тоши ҳам,
Дўлидан дон тушмаса
тош янчар тегирмонлар.

Гап билгунча иш бил, деб
ҳалойиқ айтмас абас.
Қирчанғидек ишлаб лек
ёлчимади деҳқонлар.

Қайга боқсанг минбарлар:
кўзлар, сўзлар, қарсаклар.
Мажлисни туш кўради
уйқусида гапдонлар.

Олий Кенгаш ўтдию
олий ҳиммат кўринмас,
Қонундан қорин тўймас
қорғозбозлик замонлар.

Мамлакат таназзулда,
таназзулда сиёсат,
Аммо, эгардан тушмас
от минган корчалонлар.

Сиёсатга берилиб,
оқсаб қолди иқтисод,
Иқтисод тузалмаса
бошда синар гавронлар.

28.07.90

* * *

Камимизни бут қилмас ҳеч
четдан келиб бегоналар,
Бутимизни кам қилгай лек
ўлжа излаб равоналар.

Олди-сотди бозорини
қўмсаб қолибди аҳли жоҳ,
Ёз келмасдан сайрар гўё
навбаҳорда беданалар.

Мулкимизга кўзин тикиб
аҳли тожир шакаргуфтор,
Сархад қопқаси очилиб,
қуллуқ қилди остоналар.

Қариндошинг ошга чақир,
аммо чошга чақирма, дер,
Ошга эмас, чошга келмиш
қоп кўтарган парвоналар.

Ёмон кунда дўст йўқлайди,
яхши кунда эса меҳмон,
Дўстми ёки меҳмон? — Билмам —
совғаларда завлоналар.

Қўйнимизни пуч ёнғоққа
тўлдириб ё аврар бизни,
Хўрозқандга учдими ё
аҳволи танг фарзоналар.

Ўзимизнинг тузимизга
эл тўйдирган эл эдик-ку!
Қўл узатиб ўзгалардан
бахшиш сўрар мардоналар.

Тижоратда мулки Машриқ
қойил қолган эди бизга,
Мағрибга ҳам машҳур эди
Самарқанду Фарғоналар.

Ўзгалардан нажот кутмай,
ўз элингдан қолма, Барот,
Замонанинг зайлидан, воҳ,
юртингда кўп сўзоналар.

29.07.90

* * *

Бизлар оддий қул эмас —
бизлар «олтин қуллар»миз,
«Олтин қуллар» қул бўлган
бизлар «олтин қўллар»миз.

«Олтин қўллар» қорайиб
«оқ олтин»ни яратдик,
«Оқ олтин»нинг тоғини
бир мирига пуллармиз.

Бир мири пул билан лек
тебратдик рўзғоримиз,
Рўзғоримиз тебратиб,
ўзгани ҳам қўллармиз.

Ўзгани қўллаб, аммо,
ўзимиз қолдик юпун,
Юпун қолиб, Марказга
топганимиз йўллармиз.

Топганимизни йўллаб,
нонга қолди кунимиз,
Нондан ўзга ризқ-рўзни
билмаган йўқсиллармиз.

Ўзимиз йўқсил бўлиб,
ўзгани бек қилганмиз,
Ўзгани бек қилишда
оғзимиздан гуллармиз.

Оғзимиздан гуллаб, эҳ,
айрилдик боримиздан,
Боримиздан айрилиб
гўё бағри чўллармиз.

Бағримиз чўлдек ёниб
ташнадир Эрк наҳрига,
Эрк наҳрисиз Оролдек
ёш тўкиб лаб хўллармиз.

Орол каби ёш тўкиб
қалбимиз қилар исён,
Қалби исёнда қолган
бизлар мард ўғиллармиз.

Мард ўғлони бор ўзбек
ўз эркига бўлса бек,
Юртини маъмур этгай,
Барот, «олтин қуллар»сиз.

30.07.90

* * *

Кул қолдирма, гул қолдир
ҳар қаён қўйсанг қадам,
Кул хароба рамзидир,
гул билан бутдир олам.

Бойўғли — ғам элчиси,
булбул — шодлик куйчиси,
Оёғинг-ла кул титмай,
бўстонга қўйгин қадам.

Кул билан гул ораси
гарчи кўзу қошдек яқин,
Кул тимсоли мамотдир,
ҳаёт ишқи гулда жам.

Кул оёқ ости бўлса,
гул чаккага тақилар,
Йиғи келса кулзордан,
гулзорга кулги ҳамдам.

Гулнинг ўлими кулдир,
кулнинг тирилиши гул,
Кулзорда бўлса аза,
гулзорда тўю байрам.

Кул ўхшар қаро шомга,
гул ранги субҳидамдан,
Кулга ошна бўлса ғам,
гулга шодлик мукаррам.

Кул босган ерни, Барот,
гулистон қилсанг, кошки,
Кул ўрнида гул ўсиб.
гул васфин битса қалам.

31.07.90

* * *

Одам азиз бўлмаса
олам гўё вайрона,
Умри лазиз бўлмаса
олам мисли ҳибсхона.

Гарчи кенг олам аро
яшаса тор қафасда,
Вайрона-ю ҳибсхона
оёғига завлона.

Коинот айвонида
бош панохи йўқ инсон
Ҳайронадир ҳар ёна
гўё олам бегона.

Гадога шоҳ боқмайди,
қорни тўқ эса очга,
Юпун ҳоли афтода,
зоминмикан замона?

Йиқилган бир кимсани
тепиб ўтар ва лекин
Турғазиб қўймай бўлар
ўз йўлига равона.

Кўл билан эшик очмай,
тепиб киргувчи бисёр,
Нағалли оёқлардан
охирчадир остона.

Отлик юрган кўчада
пиёдага йўл бўлсин,
Одам боласи тенг, деб
айтди қайси фарзона?

Мурувват уйи қачон
айланди харобага,
Таъмир этса, не ажаб,
улус бўлиб парвона.

Раҳмат ўрнига лаънат
эшитиб оқил ҳайрон,
Жоҳил бўлса зўравон
нетсин аҳли мардона.

Қайда қолди диёнат,
меҳру оқибат, Барот,
Инсон қадри хор бўлиб
жоним менинг сўзона.

1.08.90

* * *

Эрк субҳи сабосидан
жисмим аро жон уйғонур,
Жонлари жонимга туташ
аҳли даврон уйғонур.

Аҳли даврон хўрланган
эрк аҳлига бериб ҳурлик,
Ҳуррият нидосидан
ғафлатдан виждон уйғонур.

Ғафлатдан виждон уйғониб,
боқса — ўзгармиш олам,
Олам аро янги насл
шисли арслон уйғонур.

Янги насл наърасига
жўр бўлар Ўзбекистон,
Ўзбекистон наърасидан
янги замон уйғонур.

Янги замон қопқасини
катта очмиш истиқлол,
Истиқлол зангин чалиб
довюрак инсон уйғонур.

Шердил инсон эрк топгани
рост бўлсин деб илоҳим,
Илоҳим эркинликдан
инсофу имон уйғонур.

Имон бўлса устувор
ҳақ тилини кесмас қилич,
Қилич кесмас тил билан
ҳақгўй сухандон уйғонур.

Ҳақгўй сухандон замони
эл онгин уйғотдиким,
Уйғонган онгларга эш
Қодирий, Чўлпон уйғонур.

Қодирий, Чўлпон руҳи,
Усмон Носир, Фитрат руҳи
Руҳ бериб улуғ улусга
мозий жовидон уйғонур.

Жовидони мозий мулки —
Ўзбекистон мулкидир,
Ўзбекистон мулкидан
мулки Туркистон уйғонур!

2.08.90

* * *

Сафарга чиқар бўлсам
учқур қанотим дулдул,
Тоғу тош, дашту чўлдан
ўтур саботим дулдул.

Узоқни яқин қилиб,
туёғин чақин қилиб,
Кўзимга ёлқин бўлиб
қўнур работим дулдул.

Содиқ дўстим каби ул
кўрсатади менга йўл.
Бошимга тушса мушкул,
норим-нажотим дулдул.

Тизга қадар сув кечар,
даредан учиб ўтар,
Чанқаганда сув тутур
оби ҳаётим дулдул.

Манзилга етмай қолсам,
дилимга ташвиш солсам,
Хаёл ичра йўқолсам
суянур отим дулдул.

Менга азиз бу олам,
оламдан азиз одам.
Қўлимга олсам қалам
битур абётим дулдул.

Мурод-мақсадга етган
дулдул минганлар ўтган,
Донғи оламни тутган
сурур-нишотим дулдул.

Мехр уйида сийлаб,
дулдулим ёлин силаб,
Сафарда омад тилаб
кучар ғиротим дулдул.

3.08.90

* * *

Кўҳак кўкидан боқсам
Сайҳун узра Шош кўринди,
Самарқанд кўзи устида
гўё қора қош кўринди.

Бир мушфиқ волиданинг
эгизак фарзандларидек
Икки қадимий шаҳар
менга кўкалдош кўринди.

Дўстга очиқ, ёвга ёпиқ
ўн икки дарвозаси,
Боғу бўстон аро Шош
Чотқолга ёндош кўринди.

Тўрт дахада яшагандек
тўрт оғайни ботирлар,
Аҳли Шош ёру биродар,
эмикдош кўринди.

Хожа Аҳрори Валий
ҳамда Шайх Хованд Тоҳур
Аждодим шажарасида
бир қариндош кўринди.

Гўримирга қўйгали
Туркистон тоғларидан
Мирзо Улуғбек келтирмиш
қора тош кўринди.

Алойи Шоший таҳсин
ўқиганда Навоийга,
Алломаю шоирнинг қисмати
нурпош кўринди.

Ипак йўлин карвонлари
Шошга қўниб ўтганда,
Дастурхонда нозу неъмат,
наҳорги ош кўринди.

Боғларига оро берган
аҳли Шошнинг қўли гул,
Болдан ширин мевалари
бозорда чош кўринди.

Муҳаббат имлосин ўқиб
аҳли роз кўзларидан,
Шоирлари ошиқларга
гўё сирдош кўринди.

Ўзбек тупроғида гарчи
азим кентлар беҳисоб,
Самарқанду Шош қадимдан
кентларга бош кўринди.

Сайқали рўйи заминдек
Шошнинг толеи нурли,
Мозийси уфқин безаб
бошида қуёш кўринди.

Қуёш куйгани билан,
аммо, у қораймас, Барот,
Умри боқий Шош аҳли
менга қариндош кўринди.

4.08.90

* * *

Низо тиғи санчилди
жонима жондин яна,
Алам оғуси ўтди
қонима қондин яна.

Жаллодга болта берди,
қай газанда, қай қаттол?
Хонумондан айрилиб,
Айрилса жондин яна.

Бир меҳробга бош қўйган
пирга мурид ёв бўлса,
Жонни асра, меҳробдин
чиққан чаёндин яна.

Бўрига изн берсалар
қўй-қўзининг ҳоли вой,
Кимдан нажот кутсин у,
кутмай чўпондин яна.

Отани ўлдирсалар
қасос олар фарзанди,
Фарзанд қўли қон бўлмасин
тўкилган қондин яна.

Муқим улус мулкига
даъво қилса бадавий,
Муттаҳам борми яна
дунёда ондин яна.

Ён қўшниси ёт чиқиб,
қонига ботди ўзбек,
Ўзбек паноҳ излайди
Ўзбекистондин яна.

5.08.90

* * *

«Халқ» деган сўз муқаддас,
мазмуни оламча бор,
Қилмай аввал фикру бикр
уни зикр этма бекор.

Нонни катта тишлаю
гапни катта гапирма,
Оғзи а сиққанини
сўзлар нодон, дилозор.

Камтарга камол, дерлар,
манманга эса завол,
Элга ақл ўргатмай,
ақлингни йиғ, биродар,

Кўз-кўз этма ўзингни
ҳа деб жаҳонномадан,
Шакарнинг ози яхши,
кўп бўлса иллати бор.

Одамларнинг тилига
номинг тушса — кадрла,
Беқадр бўлмай десанг
сўзингга бер эътибор.

Кичикдан салом дерлар,
каттадан эса алик,
Салом бермасдан, аммо,
аликни кутма зинҳор.

Бир фарзанд бўлай десанг
сени ўстирган элга,
Олқиш таъма қилмасдан
меҳрига бўл сазовор.

Меҳр — кўзда, дейдилар,
кўз-кўзга тушиб турсин,
Ойнаи жаҳон, Барот,
ўртада ойна девор.

7.08.90

* * *

Халқ номидан сўзлашга
сенда йўқдир ваколат,
Ўзингга бино қўйма,
бино бузмоқ разолат.

Кимнинг товонин ялаб,
кимга бўлдинг супурги,
Улусга аён эрур,
недир малол маломат?

Бир даҳани лоф билан
адаштирдинг имондан,
Яко чоку, вако йўқ,
ўтган ишга саловат.

Емга зор тулпоришга
кунжара бўлмиш емиш,
Энди охурни бузиб,
нега қилар қиёмат?

Аслзода эмассан —
қул ўғлидан фарқинг йўқ,
Фуқародан юз буриб,
юзсиз қилма сиёсат.

Заминдан оёқ узиб,
осмонни қилиб ҳавас,
Муаллақ қолдинг, ахир,
замон экан аломат.

Халқ номини сотмагин —
товламачи халққа ёт.
Ўз номингдан сўзласанг,
демас сени касофат.

Хамирдан қил суғуриб
гарчи чиқдинг минбарга,
Қилган ишинг савобмас,
манманлигу қабохат.

Минбар шундай курсиким
пастни ҳам қилур баланд.
Тушсанг минбардан, аммо,
ёт бўлгайдир рисолат.

Ўз қадрингни билмасанг —
билмассан ўзга қадрин,
Қадринг йўқотсанг, укам,
йўқ демагин адолат.

Минбарга чиққанингда
улуғни кичик дединг,
Нодонни доно дебон
савлат тўкдинг — разолат!

Халқ ваколат бермаса
халқ номидан сўзлама,
Бевақт қичқирган хўроз
бўлармикин саломат?

6.08.90

* * *

Филдек матонат билан тугатдим улуғ
ишим,
Улуғ ишга сарфладим неча ёз, неча
қишим.

Неча ёз, неча қишим ўтди азимат ила
Азимат қилган сари бошдан ортди
ташвишим.

Бошдан ошиб ташвишим унутдим
ҳаловатни,
Ҳаловатни унутди мендек энг яқин
кишим.

Энг яқин кишим менинг илҳом берди
кўнглимга,
Илҳом бериб, истади ўт сингари
ёнишим.

Ўтдек ёниб-сўндим гоҳ, гоҳо чўғга
айландим,
Чўғга айланган чоғда кузатди у
болқишим.

Болқишимдан руҳланиб озорини
унутди,
Озорини унутиб, хуш тинглади
хонишим.

Хонишимга жўр бўлди Навоий
навосида,
Навоий навосида элга етди товушим.

10.08.90

* * *

Нодон етса мансабга
турфа бир доно бўлғай,
Доноларнинг бошига
у битган бало бўлғай.

Элни элга совуриб
«амрим вожиб» дегандек,
Қоришади панду фанд
гўё ҳаммаъно бўлғай.

Ўзини бир чақага
гарчи олмайди улус,
Ўтирган курсисига
лекин қадди ё бўлғай,

Шаккоклик қилса кимки,
жони қолар зуғумда,
Аҳли тама бир зумда
унга тўтиё бўлғай.

Узангига оёғин
қўймасдан отга минса,
Отдан йиқилар бешак —
аламдан адо бўлғай.

«Юз ўлчаб, бир кес» дерлар,
унга қайчи бўлса, бас,
Узун қолиб қисқани
кесгани хато бўлғай.

Мансаб одамни эмас,
у безасин мансабни,
Ўшанда хатти Барот
бехато иншо бўлғай.

11.08.90

ИСТИҚЛОЛ АРАФАСИ...

«Мулоқот» журнали нашр этилиши муносабати билан...

Келинг, дўстлар, қилайлик
сидқидилдан мулоқот.
Юракдаги гапларни
тўкиб-солайлик бот-бот.

Кўнглимиз тўлиб кетган —
очиқ гаплашиб олсак,
Эҳтимол, енгил тортур
ва эркин ёзур қанот.

Муаммолар қалашиб
ётур саржин сингари,
Ечгали ақлу идрок
ҳамда керак зўр сабот.

Ҳақ бошида қиличлар
ўйнаган замон ўтди,
Ҳақгўй даврони келди —
ҳақгўй бўлсин ҳар бир зот.

Ёлғон гаплар теккандир
халқимиз меъдасига,
Рост гапни айтинг рўй-рост,
чин сўзга муҳтож ҳаёт.

Эл кўнглин топиб айтган
ҳаётда кам бўлмаган,
Эл кўнглини қолдирган
қолдиргандир ёмон от.

Истиқлол арафаси
ҳайиқмай денг мардона,
Сизга кимки тош отса,
қалқон бўлғайдир Барот.

12.08.90

* * *

Одам бўлсанг мард бўлгил,
мардники майдон, дерлар,
Номард одам макридан
эл кўнгли вайрон, дерлар.

«Мард — бир ўлар, номард — юз» —
халойиқ сўзи ҳақдир,
Номард кўнгли зулмату
мард йўли тобон, дерлар.

Йиқилганни суямоқ
бўлса агар мард иши,
Номард тепиб ўтгувчи
ҳилагар шайтон, дерлар.

Мард улусга ён босар,
номард эса эл бузар,
Номард бир чаён бўлса,
мард дардга дармон, дерлар.

Марднинг иши ошкора,
номардники пинҳона.
Мардга қаймоқ қуйилса,
номардга айрон, дерлар.

Мард мардликдан тутилса,
номард қочиб қутилар.
Номарднинг қилмишидан
иблис ҳам ҳайрон, дерлар.

Мард — эзгулик сарбози,
номард макри — ёвузлик,
Номард элни алдаса,
мард элга сарбон, дерлар.

Мард кўпу номард камдир,
кам бўлса ҳам офатдир,
Мард — донойи даврону
номардни нодон, дерлар.

Мардга йўлдош бўл, Барот,
номарддан юр йироқроқ,
Номард ини кавакдир,
мардники майдон, дерлар.

13.08.90

* * *

Равон йўлни ахтариб,
сўқмоқларда адашдик,
Гоҳо сариқ, гоҳ қизил
чироқларда адашдик.

Яшил боғлар ортида
мақсуд манзили, дерлар,
Бу манзил саробмиди,
йироқларда адашдик.

Ҳаёт денгизи тошиб
остин-устун бўлганда,
Йўқ кемани қидириб,
қирғоқларда адашдик.

Тўфонга дош берганда
гоҳи биз чиққан елкан,
Она қирғоқни излаб,
маёқларда адашдик.

Ишонган дўстлар тикди
пўстимизга гоҳ сомон,
Дўст-душманни билолмай,
куроқларда адашдик.

Меҳр ёнган кўзларни
қаҳр ўти қоплади,
Оқни қора қилгувчи
бўёқларда адашдик.

Бир асрча йўл босиб
топмадик равон йўлни,
Балки, энди топармиз —
қаёқларда адашдик?

18.08.90

* * *

Ботир тиғи синмаса —
ўткир шоир қалами.
Ботир юрган кўчада
шаҳдам шоир қадами.

Бир мушфиқ волиданинг
кўзин қораси улар.
Бир миллатнинг дилбанди,
бир юракнинг малҳами.

Қўрқоқдан чиқмас ботир,
номарддан эса шоир.
Ботир билан шоирнинг
мардлик мангу ҳамдами.

Шер юраги бўлмаса
ботир билан шоирда.
Гардуни дунни тутғай
тутун каби эл ғами.

Қилич ололмас мулкни
қалам забт этгай, дерлар.
Қалам олдида ўтмас,
ўткир қиличнинг дами.

Ботир билан шоирни
туққанга бош эгарман.
Унга бўлсин улуснинг
эҳтироми, карами.

Ботир билан шоири
бўлмаган эл, эй Барот.
Алам билан, ғам билан
синар қилич, қалами!

21.08.90

* * *

Пок инсон тутган ҳар гул,
нопок қўлида алаф.
Нопок қарғишга лойиқ,
пок олқишга мушарраф.

Пок билан нопок гўё
нурли куну қаро тун:
Ёруғлик бир тарафу
зулумотдир бир тараф.

Эзгуликнинг йўлига
тузоқ қўяр ёвузлик.
Халаф қасдига тушиб
кон ютгандек нохалаф.

Кўнгли оқ — тоза булоқ,
қора юракдир зардоб.
Булоқ оби ҳаётдир,
зардоб қилмиши талаф.

Виждонни жиғилдонга
урмоқ нопок қилмиши.
Нафсини тийган киши
топгани бўлур шараф.

Тузин ичиб, тузлиққа
тупурса нопок агар,
Пок инсонга ўргатган
поклик дарсини салаф.

Нопок даврага тушса
пок инсон қадр топмас.
Бир дур авлодир, Барот,
гарчи минг-мингдир садаф.

22.08.90

* * *

Турмуш дастидан нолиб азоб чекар
оворалар,
Заминда аҳли даврон, кўкда ҳайрон
ситоралар.

«Олма пиш — оғзимга туш» дерлар сояю
салқинда,
Қўлидан иш келмас ёки ишёқмас
бечоралар.

Аҳли танбал замбилин кўтармагай аҳли
меҳнат,
Ё ғилдирак аравасин сурмагай
суворалар.

Тоққа чиқмасанг дўлана қайда дейди
халойиқ,
Жон қойнтмай жонона излар гўё
дилпоралар.

Чумоли ҳам ризқини излаб топар
азал-охир
Меҳнатсиз нон емакни ор билади
фуқаролар.

Ҳар инсоннинг қисмати ўзининг
қўлидадир,
Ўзга мурувватидан обод бўлмас
харобалар.

Меҳнатдан қочган кимса толеи забун,
Барот,
Очик турган бўлса ҳам ёпилади
дарвозалар.

22.08.90

* * *

Айтинг, бу не кўргилик —
тинч хонадон бузилди.
Дилни дилга боғлаган
меҳр ришгаси узилди.

Устунлар бир-бир қулаб,
вайронадир айвонлар.
Остин-устун кулбада
нуқул мажлис тузилди.

Ваъзхонлар беҳисобдир —
ўртада минбар талаш.
Қолиб бир ён иттифоқлик,
нифоқ оши сузилди.

Сабр косаси тўлди
тўзими тўзғиб элнинг.
Дийдаларда хуноб ёш
маржон каби тизилди.

Вайрона хонумонда
армондаю дармонда.
Ким жавоб берар нечун
ифво баттар қўзилди?

Бузғун кулбани тиклаб
яраш оши қилғай ким?
Унча-мунча кенгашлар
ё отига тузилди?

Эркинлик — муштумзўрлик,
ошкоралик — душворлик,
Қайта куриш — бузишмас,
чўзма каби чўзилди.

Кимга керак бу тахлит
ошкоралик, эркинлик,
Қайта куришдан кечдим,
Барот, умид узилди.

23.08.90

* * *

Жаҳон боғи бўлса хароб,
қўли гул боғбон безагай,
Қўли гул боғбон умрини
боғ ила бўстон безагай.

Боғ ила бўстон яратмак
савоб ишдир аввал-охир,
Аввал-охир боғ-бўстонни
дилкушо ошён безагай.

Ажиб ошёни бўлмаса
бу оламда шоҳ ҳам гадо,
Гадо билан шоҳ сингари
оламни инсон безагай.

Инсон — олам кўрки азал,
усиз кўркам дунё хароб,
Дунёда инсонлик тожин
инсофу имон безагай.

Имон гавҳари тозадир,
тоза гавҳар гард қўндирмас,
Фазилат олий қасрини
у дурри жаҳон безагай.

Дурри жаҳонни сотмангиз,
сотган кимса ёлчимагай,
Ёлчиган киши кўнглини
ҳикмати даврон безагай.

Ҳикмати даврон безаса
шоири замон дафтарин,
Шоири замон дафтарин
шеър ила достон безагай.

24.08.90

* * *

Ўйнашмагин арбоб билан
арбоб урар аҳбоб билан,
Аҳбоб эса тил топишган
сенга раҳбар арбоб билан.

Арбоб гарчи сўзида ҳақ —
сен ўзингча дейсан ноҳақ,
Ноҳақ бўлса исбот қилгил,
дўст тутинмай шароб билан.

Шароб билан ошна бўлган
кимса ҳоли оқибат вой,
Оқибатинг вой бўлмасдан
хайрлашгин зардоб билан.

Зардоб умр заққумидир,
оби ҳаёт — жонга роҳат,
Роҳат топиб ўз ишингдан,
Умринг ўтказ савоб билан.

Савоб истаб эзгулик қил,
ёмонликдан қочгин — гуноҳ,
Гуноҳ тортар ўз комига
ғарқ этгувчи гирдоб билан.

Гирдобга кўз тикмас оқил,
у маёқни олгай нишон,
Маёқ сенга йўл кўрсатса —
йўлинг рўшно офтоб билан.

Офтоб билан йўлдош бўлсанг
барча мурод бўлгай ҳосил,
Мурод ҳосил бўлса, Барот,
умринг ўтказ китоб билан.

25.08.90

* * *

Эй ёронлар, ўзни таниб —
ўзимга қайтмоқдаман,
Умримнинг ўтиб ёзи,
кузимга қайтмоқдаман.

Эл дейдики: арслон
изига қайтмас, гарчи
Арслон йигит эдим —
изимга қайтмоқдаман.

Ёт тил ҳукми остида
она тилим чекди ранж,
Боз волидам ўргатган
сўзимга қайтмоқдаман.

Назм торини чалдим
мағриб оҳангида гоҳ,
Шарқона нағма билан
созимга қайтмоқдаман.

Тортиб олган мулкимни
қайтарар дебон давлат,
Зироат истаб, дала-
тузимга қайтмоқдаман.

Қардошлар урф-одати
йўғирилмади қонимга,
Ўзбекни ўзбек қилган
русумга қайтмоқдаман.

Янги тузум дегани
ёлғон экан-ку, Барот,
Ўзлигим излаб, эски
тузумга қайтмоқдаман.

24.11.90

* * *

Қаро кечада қолиб,
бўғилдим тонг отгунча,
Алам ўтида ёниб,
чўғ бўлдим тонг отгунча.

Бахт тонги отди дебон
алданибман, ёронлар,
Офтоби сароб экан,
бўзладим тонг отгунча.

Уйимга қадам қўйган
меҳмонга тўрни бериб,
Ўзимни сенлаб, уни
сизладим тонг отгунча.

Пешонам шўр эканми,
ювсам ҳамки кетмайдир,
Оби кавсар қайда деб
изладим тонг отгунча.

Тонг отармиёки йўқ,
айтинг, эй машойихлар,
Офтобни кутиб, бағрим
тиғладим тонг отгунча.

Ҳурлик тонги отиб ё
нур тушармикулбамга,
Ғафлат уйқуси қочиб,
йиғладим тонг отгунча.

Ўзбек ўзига бек деб
алданиб юрдинг, Барот,
Беклигимдан юртимга
сиғмадим тонг оттунча.

6.01.91.

* * *

Тақдир хукмини битмиш Оллоҳ
пешоналарга,
Меъмор нақш чизган каби тоқи
кошоналарга.

Алифбоси Оллоҳдин ўзгага аён эмас,
Саводи йўқ бандаси ўхшар
ҳайроналарга.

Пешонага ёзилган қисмат хати
жумбоқдир,
Асрори аён эмас ҳатто фарзоналарга.

Пешонада борини кўргайдир олам аҳли,
Бошин уриб ўтгайдир турли
остоналарга.

Бандасини яратган Оллоҳга илтижойим,
Толе хатин ўқитса, қошки
мастоналарга.

Ўзидин ўзгадан ҳеч тиламасинлар
нажот,
Юзлари сарғаймасин зинҳор
бегоналарга.

Раҳму шафқат илкини узатгил дарҳол,
Барот,
Ўзини ўтга уриб куйган парвоналарга.

7.01.91.

«НАВОИЙНОМА» ХУСУСИДА...

«Шукуҳли карвон» билан йўлга чиқдим
қирқ ёшда,
Навоий бўлиб сорбон ихрожни кўрдим
бошда.

Самарқанди азимдан Ҳиротга айлаб
сафар,
Узоқ йўлда гоҳ қотдим, гоҳо ёндим
оташда.

Наҳри Жайҳунни кечиб, Салангдан учиб
ўтдим,
Илҳом тулпорин изи қолди тоғ ила
тошда.

Ҳиротга қадам қўйсам экан «Нотинч
Хуросон»,
Темурбек сулоласи тож ила тахт
талошда.

Сулҳга чорлаб Навоий сузди «яраш
оши»ни,
Умид донини кўрди Ҳиндикуш каби
чошда.

У туфайли осойиш топди мулки
Хуросон,
Адл уйи жилобахш меъмор ила
нақкошда.

Хожа Аҳрор саломин еткурдим
дўсту ёрга,
Қуллуқ қилди аҳли дил таҳсин ўқиб
қардошга.

«Сокин Хуросон» аро кезиб, кўздан
йўқолдим,
Элу юртнинг қисмати тош ўқталган
авбошда.

Узлатга бўлиб банда чекдим жабру
мазаллат,
Мехру оқибат қолди қайғурган
қариндошда.

Қалам бўлиб таянчим, сажда қилдим
қорозга,
Алам ўти ёндию рамзин кўрди қуёшда.

Юрак-бағрим хун қилди яна «Қонли
Хуросон»
Мўмин Мирзо қатлидан фиғон кексаю
ёшда.

Яродор арслондек фарёд қилди
Навоий,
Набиракуш султондан кўзлари селоб
ёшда.

Бу дарднинг йўқ давоси — қиёматли
дўст эрур,
Қиёматда узгайдир қарзини,
кўкалдош-да.

Навоий билан кезиб неча ёзу неча қиш,
Фасли баҳорга етдим, ҳар қалай, ҳақ
нурнош-да.

Хуросонни тарк этдим — лек ёди
қалбда, Барот,
«Навоийнома» тугаб, мулоқот этдим
Шошда!

22.01.91.

* * *

Истиқлол умидида уйқудан вижон
уйғонди,
Виждонга ҳамдард бўлиб жафокаш
инсон уйғонди.

Инсон дарди чўғ бўлиб чирмашдими
гардунга,
Оҳидан куйиб моҳтоб диллари сўзон
уйғонди.

Дили сўзон, тили лол; қаён боқса
пахтазордир,
Чамани хазон бўлган булбули нолон
уйғонди.

Булбули нолон навосин тинглагувчи
мардум йўқ,
Улус ҳолин кўриб хароб марди майдон
уйғонди.

Марди майдон от чопганда гумбурлади
еру кўк,
Занжирин узиб гўё ўкирган арслон
уйғонди.

Ўкирган арслоннинг наърасига бериб
садо,
Эрк деганга бўлиб йўлдош оқил сарбон
уйғонди.

Оқил сарбон элу юртнинг истиқлолин
ўйлайдир,
Истиқболинг кулди, Барот, Ўзбекистон
уйғонди.

28.01.91

ЗАНЖИРБАНД ШЕР...

Бандангмен агар қилиб шод
Бошингдин уюруб этсанг озод.

Алишер Навоий.

«Занжирбанд шер енгаман, дер»,
занжирбанд Туркистонда,
Навоийвор ўкирган шер
аржуманд, Туркистонда.

Наърасидан эл уйғонди,
уйғонди шер юраклар,
Эрк деганга боқди далер,
орзуманд Туркистонда.

«Ҳунарни асрабон» нетсин,
ўргатди закий элга,
Аҳли ўзбек бўлди моҳир
ҳунарманд Туркистонда.

Жайҳун икки қирғоғида
икки мулк бир ватандир,
Хуросон, Мовароуннахр —
дилписанд, Туркистонда.

Чархи даврон кажрафтору
телба дунё жафокор,
Айри тушмиш қисмати бир
жигарбанд Туркистонда.

Улуғ мулкни кўриб тобе,
шоир лолу жигархун,
Муқим хору ёт азиздир
девмонанд Туркистонда.

Ўзлигини излаб энди
мозийдан сўрмиш имдод,
Тарихидан қилур фахр
ҳар фарзанд Туркистонда.

Бир волида фарзандлари
бир-бирига бўлмас ёт,
Ёт қилганлар манқуртлардир —
«аҳли панд» Туркистонда.

Униб низо уруғлари —
қариндошлар бекадр,
Бари ўзим бўлсам деяр
сарбаланд, Туркистонда.

Тўрт оғайни тил тополмай —
оғзидагин олдирди,
Қўли очиқ, сахийки бир —
бемонанд, Туркистонда.

Биз азалдан миллий эмас,
эдик ҳудудий давлат,
Мақсадимиз муштарақдир —
баҳраманд, Туркистонда.
Занжирбанд шер насли — ботир,
занжирини узгай у,
Озод нафас олса арзир
бекаманд Туркистонда.
Аждодининг даҳосига
таъзим қилур авлоди,
Шамсул миллат Мир Алишер
эл хурсанд Туркистонда.
Туркистонда гарчи туркман
қозоғу қирғиз, тожик,
Барот, ўзбек бешигидир,
Самарқанд, Туркистонда.
Эй, уйғонган элим менинг,
кўрсам деб сизни озод,
«Занжирбанд шер енгаман, дер!»
занжирбанд Туркистонда!

9.05.91

• • •

«Бозор қопқасин очди»
афсус, сотарга мол йўқ,
Мол келди деб ғойибдан
эсгувчи бир шамол йўқ.

Ўғри уриб кетгандек
хувиллайди дўконлар,
Сотувчига термилган
харидорда омол йўқ.

Ҳафсаласи пир бўлиб
кўчага чиқар аранг,
Уйига қайтай деса
оёғида мажол йўқ.

Нархи наво осмонда —
етмайди қўл узатсанг,
Арзонроқ деб ўртага
тушгувчи бир даллол йўқ.

Берувчи кам ва лекин
егувчи кўп бу айём,
Чумолидай санқиган
тирик жонда малол йўқ.

Мамлакат инқирозда —
умуртқаси синган шер,
Оёққа турай деса
суянгувчи дувол йўқ.

Яродор шер хориждан
хайру садақа сўрар,
Шердек таҳлика юкин
кўтаргувчи ҳаммол йўқ.

«Олма пиш — оғзимга туш»,
деган билан иш битмас,
Мамлакат аҳволини
таърифлашга мақол йўқ.
Бой-бадавлат бир давлат
талон-торож қилинди,
Дастурхондан файз кетиб,
меҳмонга ҳам ол-ол йўқ.

Ҳар бандаининг ризқ-рўзи
ўз ерида муҳайё,
Ўзга элдан насиба
излаганга камол йўқ.

Она тупроғинг, Барот,
толеинг этмас забун,
Эртадан умид узма,
умидворга завол йўқ.

11.05.91

• • •

Навоий дорилфунуни —
назмул жавоҳир махзани,
Назмул жавоҳир махзани —
аҳли шуаро маскани.

Аҳли шуаро маскани
Каъба каби муқаддасдур,
Муқаддас Каъба ичинда
азал шуаро маъмани.

Шуаро маъмани азал
қаср эмас харобадур,
Харобада гарчи хароб,
кўнгил қаърида маъдани.

Кўнгил қаъри маъданида
беҳисобдур дур, марварид,
Беҳисоб дур марвариди
улус ғамининг хирмани.

Улус ғамининг хирмани
дилини ўртаган дарддир,
Дилини ўртаган дардлар —
кўзида алам гулхани.

Кўзида алам гулхани
шуъласин сочур дилларга,
Дилларга шуъласин сочса,
хуш ўтур эл анжумани.

Анжуманда нола айлар
нотавон булбул каби, оҳ,
Нотавон булбул дардини
фориғ айлар юрт чамани.

Она юрт чамани мангу
шукуфта боғи жаннатдур,
Жаннатни тарк этма, Барот,
дўзахдур ўзга ватани!

12.05.91

• • •

Аҳли Турон, уйғонингиз —
уйқу тенгдир ўлимга,
Истиқлол илкин узатмиш
буюк Турон элимга.

Бўғилган яқони йиртинг —
кўкракка шамол тегсин,
Субҳ насими кирсин майин
юрак ётган тилсимга.

Мен уйқудан кеч уйғондим —
тонг бўзариб қолибди,
Надоматим сизга айтмай,
яна айтайин кимга.

Сиз ҳам мендек ухлаб қолманг,
чиққан қуёш ботажак,
Қуёш ботмай, Эрк оҳанги
туғён солди дилимга.

Ботган қуёш чиқар деманг,
ахир, куннинг туни бор,
Тун ўтдию ёруғ куннинг
нури тушди йўлимга.

Ёруғ кунда ҳурлик истаб,
бузиб олтин қафасни,
Домдан чиққан Турон қуши
келиб қўнди қўлимга.

Ўз элида гадо шоҳдир,
ўзга юртда шоҳ гадо,
Бизлар эса шоҳ бўлмадик,
гадолар шоҳ муқимга.

Турон деган сўзни тилга
олган тиллар кесилди,
Буюк Турон номи аён
гарчи етти иқлимга.

Бешигимиз синдиролмай,
гарчи ўтга ташланди,
Туронзамин самандардай
ўт узатди мулкимга.

Аҳли Турон, уйғонингиз —
гарчи уйғониш азоб,
Азоб чекмай, роҳат йўқдир,
Барот, аҳли муслимга!

15.05.91

• • •

Чалкаш давр фарзандимиз —
замона экан ғаддор:
Кўза синдирган азизу
сув келтирган хору зор.

Меҳнат қилган узлатдаю
лаганбардор иззатда,
Баланд гардун дун экану
чархи даврон кажрафтор.

Улуғлар қолиб пойгоҳда,
кичиклар ўтар тўрга,
Ким минбарга чиқиб олса,
ажаб, топмиш эътибор.

Мансаб оти гарчи саркаш —
ношуд бўлур «чавандоз»,
«Чавандоз»дан имдод кутиб,
пиёдалар жиловдор.

Эл ғамини шиор этиб
эл ғамини еган кам,
Ўз ғамидан кечмиш қачон,
айтинг қайси амалдор.

Аҳли тамиз ўтолмаса
андишанинг юзидан,
Андишасиз жоҳил бўлур
дарс бергувчи омузгор.

Борига ҳам, йўғига ҳам
кўнар гарчи фуқаро,
Пешанаси шўр эканми
оқибатда гуноҳкор.

Барот, чархи кажрафторни
тузатиб бўлмас вале,
Имонингни сақла бутун,
кемтик дунё беқарор.

16.05.91

* * *

Улус аччиқ қисматидан
жонимда жон туғён қилур,
Жон қушини ўтга ташлаб
қонимда қон исён қилур.

Умидлари ўтин каби
ёниб кўкка чирмашадир,
Алангада қолиб осон,
ерда кулдан хирмон қилур.

Эркин канот ёзолмасдан
қанотлари қайрилган қуш
Қафас ичра яшар гўё
дарди дилни вайрон қилур.

«Эрк» сўзини эшитгану
эрк нимадир билмас ҳамон,
Озодликда мазлум бўлиб
кўксида қалб афғон қилур.

Гарчи мозий китобида
нурли саҳифалар бисёр,
Бир варағин ўқий олмай,
аждодини ҳайрон қилур.

Маломат тошлари тегиб
тарихин манглайи яра,
Малҳам излаб ҳаким каби
ўққа кўксин қалқон қилур.

Улуғ аждодлар руҳидан
мадад олиб мардонадир,
Шерафкандир авлодлари,
ҳали номин достон қилур.

Аждодлари — олис юлдуз,
шуъласидан топиб баҳра,
Ўзбекистон самосини
юлдуз тўла осмон қилур.

Эрк, ҳуррият қўнғироғи
занг урмоқда, тингла, Барот,
Жўровоз бўлсин улусинг,
кеч қолсалар армон қилур.

18.05.91

* * *

Шўро халқи азалдан
бир шахснинг қурбони,
Қурбонликка атаган
уни барча султони.

Ленинни пайғамбар деб
кўтарди ўз бошига,
Қишлоқ, шаҳарни босди
хайкалларнинг ўрмони.

Доҳий деб Сталинни,
сиғиниб ўтди умри,
Қирғоқларни емирди
мақтовларнинг уммони,

Яна қанча зотларга
жонини этди фидо,
Олқишу қарсаклари
титратди бор дунёни.

Тангрига топингандек
улуғларга букилди,
Ёлғон сўзларга тўлди
мадҳу сано дўкони.

Тиригида эъзозлаб,
ўлигини этди хор,
Кулин кўкка совурди
ёмонлашнинг бўрони.

Замон боқмаса сенга,
замонга боқ, деганлар,
Олам уйини бузди
манқуртларнинг сурони.

Бесамар бу «инқилоб»,
тақдирга тан бер, Барот,
Шўро халқи азалдан
бир шахснинг қурбони.

20.05.91

* * *

Бир каззоб раҳбар бўлиб
раҳбарликни хор этмиш,
Аҳли мўмин раҳбарим
демакка ҳам ор этмиш.

Пиёдага сон тегиб
отлиқлар қаторида,
Улус кўзини алдаб
йўқ обрўни бор этмиш.

Босар-тусарин билмай
у ўзини йўқотди,
Манфаати макрида
эл дардини тор этмиш.

Лўлидан чиқса раҳбар
чодирига ўт қўяр,
Ўтирган шохин кесиб,
улусига дор этмиш.

Сичқон сиғмас инига,
ғалвир боғлар думига,
Омадга шукр қилмай,
кенг уйини тор этмиш.

Алданган халойиқни
яна бир бор алдади,
Кўкракка уриб муштни,
зўрликни шиор этмиш.

Зўрдан зўр чиқса, Барот,
оёқлари қалтирар,
Элнинг бардоши тугаб
раҳбарни бекор этмиш.

21.05.91

* * *

Дунё деган ҳудудсиз маъво
сеғалва бозор экан,
Аломон алоласи бузган
бозор бедевор экан.

Тожиру харидор, даллол
муноқаша қилмиш гўё,
Бир қарор йўқдир ўзаро
аҳдида беқарор экан.

Аҳли ано қисмати-ла
аҳли жоҳнинг иши йўқдир,
Бедарвоза бу бозорда
аҳли дилга озор экан.

Суворийлар от ўйнатар
кўпкарида чавандоздек,
Эшакли ҳам отлиқ каби,
яёвларга душвор экан.

Тирикчилик аравасин
кирчанғидек тортар ғариб,
Тийра рўзғор эзиб қўйган,
нетсин, ахир, рўзғор экан.

Адам даштидан ўзга бир
сокин макони йўқ дунё
Бир гўшаси жаннат бўлса,
бир гўшаси мозор экан.

Алоладан қулоқлар кар,
бозорда жон қилур фиғон,
Бедодликни кўрдинг, Барот,
дунё қурилган дор экан.

22.05.91

* * *

Эркимни қўлдан бериб
қайтиб ололмай қонман.
Бўйнимда занжир йўғу
домдаги арслонман.

Наъра тортсам овозим
титратади оламни.
Жигари хун улуснинг
бўғзидаги фиғонман.

Ҳурсан, озодсан дебон
мени алдаб келдилар,
Эркинлигим ёлғондир,
эркин йўқотган жонман.

Гарчи оёқда кишан
ва бошимда қилич йўқ,
Кишану қиличлардан
тилка-пора маконман.

Толеим оқ эдию
уни қаро этдилар.
Қорани оқ қилолмай,
муте бўлган ҳоқонман.

Мозийда ўз эркимни
ўзим қилгандим бунёд,
Бузилган эрк қасридек
энди бағри вайронман.

Қўлдан берган эркингни
яна қайтиб ол, Барот,
Истиқлол васиқасин
битган Ўзбекистонман.

25.05.91

* * *

Остин-устун бўлгай мулк
жоҳил ҳукмдор бўлса,
Мулк қасридан кетгай кўрк
у қаллоб меъмор бўлса.

Ҳур фикратли бошларни
дон сингари янчар у.
Ҳақ сўзига бермас эрк
ноҳаққа дўст-ёр бўлса.

Мақтов майин сипқориб,
танқид заҳрин хуш кўрмас,
Адл уйи бўлур берк
ҳақгўйга ғаддор бўлса.

Дўст ачитиб гапирар,
душман эса кулдириб,
Дўст-душманни қилмас фарқ
маҳрами аёр бўлса.

Ўзини оқил билиб,
ўзгани санар жоҳил,
Аҳли дилга бермас илк
яхшидан безор бўлса.

Улусни тобе билиб
ўзини дейди султон,
Мулкка қила олмас милк[1]
худкомлик шиор бўлса.

Эл дардин сўйлаб, Барот,
бошингда синди гаврон,
Синмас эл қайғудош килк[2]
мақсад устувор бўлса.

20.06.91

* * *

Кема қилмоқ бўлибман
мен писта пўчоғидан,
Чўғ ахтариб куйибман
ҳақиқат ўчоғидан.

Мен замонга боқдиму
замон боқмади менга,
Букаламун давроннинг
доғдаман тузоғидан.

Ҳақ сўзни юзга айтсам
юзимга шаппат урдилар,
Қувғин қилиб қувдилар
кенг Ватан пучмоғидан.

Тузлар зулм ўтказиб
оқни қора дедилар,
Ярамга малҳам босдим
она юрт тупроғидан.

Аҳли идрок мулоқот
этди, аммо бошимга —
Қайноқ сувлар тўкилди
аҳли жоҳ қумғонидан.

Мақтамасанг кун йўқдир,
танқид қилган ун йўқдир,
Эрк сўзи эрк топмади
разолат тўкмоғидан.

Ақл шамин кўтариб
қаро тунда адашдим,
Рост йўлга чиқолмадим
адолат сўқмоғидан.

Беоқибат давронда
меҳнатинг топмас қадр,
Бош олиб кетгил, Барот,
бу даврон кучоғидан.

27.06.91

* * *

Букаламун давронда,
нетай, қанча шоҳ кўрдим.
Шоҳ нимаси, шоҳдан-да
керик аҳли жоҳ кўрдим.

Шоҳ атрофи иҳота —
катта-кичик амалдор
Халойиқни йўлатмас —
черикни огоҳ кўрдим.

Чархи дунга етса ҳам
шоҳга етмас эл зори,
Дарди ичида қолган
юракларда оҳ кўрдим.

Шоҳга эл қилиб хизмат,
вазирлар топса иззат,
Азиз умрин хор этган
бандада гуноҳ кўрдим.

---

[1] Милк — эгалик
[2] Килк — қамиш қалам

Шоҳни йўлдан ургувчи
мансабдору маҳрамлар,
Падарига панд берган
фарзандни бадхоҳ кўрдим.

Бу тескари дунёнинг
ишлари ҳам тескари,
Рост келтирмак аҳдида
улусни паноҳ кўрдим.

Шоҳ билан улус аро
аҳли жоҳ бўлса девор,
Ҳақ гапни айтсам, Барот,
шоҳ йўлида чоҳ кўрдим.

27.05.91

* * *

Ўзгадан кутма нажот,
юртим, ўзингдан қолма,
Гарчи бошингда қилич —
одил сўзингдан қолма.

Оғалик ҳурматини
роса келтирдинг бажо,
Хурмат кўраман десанг
ўғил-қизингдан қолма.

Узоқнинг донидан соз
яқин ернинг сомони,
Ризқи-рўзингни берган
дала-тузингдан қолма.

Боқимандалар келиб
сени дер боқиманда,
Боқимандани боқиб
ризқи-рўзингдан қолма.

Қаҳратон қишда қақшаб,
очилмадинг баҳорда,
Тани-жонинг яйрасин,
ёзу кузингдан қолма.

Эрк йўли равон эмас —
ғов ила чоҳлари бор,
Мустақил бўлай десанг
босган изингдан қолма.

Эр йигит тиз чўккандан
ўлгани авло дерлар,
Марди майдонда, Барот,
зинҳор ўзингдан қолма.

28.05.91

* * *

Гардун тоши ёғилди
бошимга бу тузумдан,
Кўнгил қон йиғлар, аммо,
ёш чиқмайди кўзимдан.

Тузумга ишонч қўйиб
оқланмади ишончим,
Ёлғиз ўзим билурман
ўтганини ўзимдан.

Умрим елга совурдим —
меҳнатим кетди зое,
Баҳорим хазон бўлиб,
умидим бор кузимдан.

Адолат фарзандидек
ҳақ гапни айтдим элга,
Бошимда гарчи қилич,
қайтмагайман сўзимдан.

Ҳақиқат офтоб эмас,
сароб экан, ёронлар,
Сароб мени алдади,
сўранг ўғил-қизимдан.

Бу тузларнинг тузуми,
қул ва қулдор гарчи йўқ,
Очиқ дунё берк бўлиб,
чиқма деди измимдан.

Остин-устун қилди бу
тузумни одил даврон,
Барча умидинг, Барот,
энди янги тузумдан.

28.06.91

* * *

Ғурбат надур, жабрини
тортган ғариб инсон билур,
Аламга ем сабрини
сабр қилган даврон билур.

Дерлар: жони оғримаган
киши билмагай дардни,
Дарднинг оғриқ зарбини
озор чеккан бир жон билур.

Қисмат ўйини қизиқ:
унда ғолиб, мағлуб йўқдур:
Аҳли башар қадрини
башар ёки замон билур.

Бу ўткинчи дунёга
ҳар инсон бир келиб-кетгай,
Паст-баланд йўл ҳарбини
юк кўтарган карвон билур.

Умр манзили азал
узоқ ёки ёвуқ эрур,
Дўст меҳри, ёт макрини
юрак деган сарбон билур.

Палахмоннинг тошидек
қай гўшага тушмас инсон,
Аччиқ тақдир амрини
адо этган виждон билур.

Бир боғга тушса, нетай,
минг савдою минг бир бало,
Ҳаёт боғу захрини
заққум ютган боғбон билур.

Кечиримли халқимиз
афв этган ҳар фарзандини,
Она ватан ҳажрини
висол уйи вайрон билур.

Ўзбек йўқдир хорижда
ватан дарди билан ёнмас,
Бари ўзбек қасрини
ота мерос ошён билур.

Дунёга очди, Барот,
Ўзбекистон қопқасини,
Мир Алишер наслини
не Туркистон, жаҳон билур.

1.07.91

* * *

Тили бошқа — дили бошқа
раҳбар тузум маҳсули,
У маъмурий-буйруқбоз
сиёсатнинг бир қули.

Қул бўлса ҳам ўзи хон,
кўланкаси майдондир,
Сиёсатдан озганни
уриқ учун ўнг қўли.

Ўнг қўлини кўтариб
минбарларда ўқир ваъз,
Гўё халқ ғамин ўйлаб
билмас қайда ўнг-сўли.

Ўнг-сўлини унутиб
аъом бошин қотирар,
Саҳрода сайрар гўё
сиёсатнинг булбули.

Сиёсат булбулининг
хониши тегди жонга,
Бозор иқтисодидан
йўқдир ўзга бир йўли.

Бу йўл гарчи паст-баланд,
нотаниш бир сўқмоқдир,
Адашмас кимса каби
санагани эл пули.

Эл пулига мол йўғу
бозори касод, Барот,
Умид-орзу хирмонин
кўкка совурилган кули.

8.07.91

* * *

Донойи даврон билиб
ўзини нодон янглишур,
Умрини боқий санаб
омонат инсон янглишур.

Найлай, сабоқ бўлмади
ўткинчи шоҳлар қисмати,
Бошимда тож абад деб
муваққат султон янглишур.

Эл ғами тилидаю
дилида, аммо ўз ғами,
Юрт ғамин ниқоб қилиб
ҳокими даврон янглишур.

Ҳар инсон бир оламдир —
олам азалдан тилсимот,
Тилсимотга йўл топмай
сафарда сарбон янглишур.

Соҳиб истеъдод қолиб
каззобни этса парвариш,
Гулу алаф фарқини
билолмай боғбон янглишур.

Ишонч уйи бузилса
уни қайта тиклаб бўлмас,
Устунлар ўтин бўлса,
ўт ёққан имон янглишур.

Юртим, сенга не бўлди? —
ҳақиқат чироғи сўнган,
Адолат шамин излаб,
Барот чароғбон янглишур.

15.07.91

Саодат салтанати

* * *

Умрим ўтди Ўзбек мамлакатида,
Эрк берган Саодат салтанатида.
Бир нозим сингари этдим иштирок,
Катта-кичикларнинг машваратида.

* * *

БИЗ ТЕМУР АВЛОДИМИЗ

Сўрса, дермиз, аҳли жаҳон:
биз Темур авлодимиз,
Еру кўкда марди майдон
биз Темур авлодимиз.

Мулки Ажам, мулки Араб,
мулки Чину Ҳинд аро
Ўзи бегу ўзи хоқон
биз Темур авлодимиз.

Очун гувоҳ, башар гувоҳ,
гувоҳ фалакда офтоб,
Туркистонда соҳиб даврон
биз Темур авлодимиз.

Буюк соҳибқирон номи
тахти каби юксакдур,
Пойтахтида соҳибқирон
биз Темур авлодимиз.

Гарчи тахтга валиаҳдмиз,
тожу тахт бўлмас талош,
Тожу тахтга кўкси қалқон
биз Темур авлодимиз.

Эрки йўқ эркин эдик,
мулки бору тож-тахти йўқ,
Тожу тахтсиз бахти сарсон
биз Темур авлодимиз.

Кулди элим, чин истиқлол —
бошда тожинг муборак,
Тахтга чиқди боз Кўрагон —
биз Темур авлодимиз.

2.04.92

* * *

Туркия бешиги Туркистондадир,
Қиблаи олами бу макондадир.

Бош уриб ота юрт остонасига
Тавоф қилмакка турк армондадир.

Азалдан муқаддас хоки Туркистон,
Кўзига сургали жон туғёндадир.

Аждоди руҳини шод қилиб, шодон —
Атрок боши тўққиз осмондадир.

Яссавий ва Темур — улуғ бобоси,
Навоий меҳри ҳам дилу жондадир.

Шажара дарахтин томири теран,
У Шошу Самарқанд, Андижондадир.

Олтин бешик, Барот, атрокка Турон,
Аҳли Турон жони Туркистондадир.

27.04.92

СОНЕТ

Марҳамат дарахтин чуғурчиқ босди,
Безовта сасидан ҳайрон кўриқчи.
Чуғурчиқ ғаласи билмас йўриқни,
Дунёни бузгудай ҳаддидан ошди.

Ташвишдан улуснинг ҳузури қочди,
Осойиш бўлғай деб кутди буйруқни.
Гарчи салтанат деб бор қилди йўқни,
Умид гулларини елларга сочди.

Марҳамат дарахтин шохи эгилди,
Чуғурчиқ базмидан талотум майдон,
Ларзон мевалари ерга тўкилди.

Чуғурчиқ ғаласин ҳайдар деб посбон,
Майдонга ғажотбахш кўзлар тикилди,
Бургутлар азмига муҳтож соябон

24.06.92

* * *

Чоркитоб безади китоб жавоним,
Не жавон, безади у хонумоним.

«Нотинч Хуросон»у «Шукухли карвон»
Йўлида қолмади орзу-армоним.

«Сокин Хуросон»у «Қонли Хуросон»
Мулкида занг уриб ўтди карвоним.

«Навоийнома» деб унга қўйдим ном,
Улус баҳра топғай, комил иймоним.

Ўттиз беш минг мисра ё эллик табақ
Маснавий, назм аро жону жаҳоним.

Олий ҳазрат умрин якқалам этдим,
Гарчи заҳмат чекдим — роҳатда жоним.

Умрим тўрт фаслидан туҳфа —
чоркитоб,
Девон битмасам-да, у чордевоним.

Қаро кунлар ўтди гарчи бошимдан,
Шамс-ул миллат ила ёруғ осмоним.

Саҳв ўлса, авф этгай она улусим,
Нек ўлса, севингай Ўзбекистоним.

21.07.92

* * *

Яна қайтдим шеъримга
қўлимга олдим қалам,
Яна ижод даргоҳим
рўшно этди биллур шам.

Тарки одат қилибман
бир йил ё ундан зиёд,
Гоҳо кайфим хуш бўлди.
гоҳида чекдим алам.

Ўзим англаб етмадим
ўз ҳолатимни, дўстлар,
Кўнглимда кузми ё киш,
киприкда ёшми, шабнам?

Бу талотум дунёда
ҳаёт ўзи талотум,
Талотумли денгизда
қолдими ёки кемам.

Дур излаган ғаввосдек
ғарқ бўлдимми уммонга,
Ё қирғоққа чиқдимми —
ҳайратда ўзим бу дам.

Турфа оламга боқсам —
ҳамон ўша-ўша у.
Кўнглим замзама қилиб,
сипқордим оби замзам.

Олам билан одамни
кўриб ҳамнишин, ҳамроз,
Андуҳларга кўл силтаб,
шодликка бўлдим ҳамдам.

Қоғоз юзи безанди,
Барот, дил каломидан,
Янги шеър гўдак каби
ҳаётга қўйди қадам.

29.07.92

* * *

Ўзбек ўзига бек бўлди —
бек бўлгани рост бўлсин,
Эрксиз бошида эрк кулди —
Эрк кулгани рост бўлсин.

Адашган карвон каби у
жўмард сарбон излади,
Сарбон қадами нек келди —
нек келгани рост бўлсин.

Олтин қафас ичра гўё
муте эди Ватани,
Озод, мустақил Мулк бўлди —
Мулк бўлгани рост бўлсин.

Ҳурлик қопқаси очилди —
шодликдан яйрар улус,
Кулфат бешиги берк бўлди —
берк бўлгани рост бўлсин.

Эркин қушдай озодсан деб
мазлум боши силанди,
Буюк мулкига кўрк бўлди —
кўрк бўлгани рост бўлсин.

Меҳмонни тўрга ўтказиб,
ўзи эди пойгохда,
Жабру зулмга чек қўйди —
чек қўйгани рост бўлсин.

Содиқ дўст топди оқибат
жаҳон айвонида, у —
Шажараси бир турк бўлди —
турк бўлгани рост бўлсин!

4.08.92

* * *

Мустақиллик ийдига
ажиб эҳсон келтирдим,
«Чоркитоб»дан иборат
ўтлуғ девон келтирдим.

Ўпиб Ҳазрат илкини
ўн беш йиллар муқаддам,
Истиқлол кулган кунда
элга имкон келтирдим.

«Шукуҳли карвон» билан
йўлга чиқиб субҳидам,
«Нотинч Хуросон» ичра
шомда армон келтирдим.

Она юртдек сийлади
«Сокин Хуросон» мани,
«Қонли Хуросон» ила
шеърга дармон келтирдим.

«Навоийнома» дебон
«Чоркитоб»га қўйдим ном,
Олий Ҳазратдан элга
қутлуғ фармон келтирдим.

Ўттиз беш минг мисрани
жон ипига тизибмен,
Эллик босма табақни
эсон-омон келтирдим.

«Шоҳнома»ю «Хамса»га
ҳавас кўзин тикибмен,
Кошки, қисматдош бўлса,
қаламга шон келтирдим.

Маснавийнинг қуриган
ариғидан оқди сув,
Қақраб ётган даштига
боғу бўстон келтирдим.

Унинг сўнгсиз йўлида
ҳайиқарди сарбонлар,
Хароба манзилига
улуғ карвон келтирдим.

Замона шоирлари
маснавийни унутмиш,
Ўлик жасадга гўё
рух ила жон келтирдим.

Мевали дарахтга тош
отадурлар азалдан,
Кўксим яра бўлмасин
зирҳу қалқон келтирдим.

Мискин улус кўнглини
истиқлол этди обод,
Дил тўридан жой бергай,
азиз меҳмон келтирдим.

Хўб ўлса раҳмат айтгай,
саҳв ўлса кечиргай,
Улус етгай қадрига
дилда иймон келтирдим.

Сен мустақил бўлдингу
кўксимга тегди шамол,
Қабул айла, она юрт —
Ўзбекистон келтирдим.

17.08.92

* * *

Истиқлол насиб қилиб
Ўзбекистон туғёнда,
Оллоҳдан ваҳий келиб
дориломон туғёнда.

Ваҳийни нозил этган
Юртбошими ё улус,
Ё Пайғамбар сийлаган
зотми, жаҳон туғёнда.

Мустақиллик Китоби
Қуръони карим каби
Осмондан тушдими ё
еру осмон туғёнда.

Тўрт халифа сингари
битур ё аҳли ўзбек,
Жумлаи жаҳон ўқиб
жисм ила жон туғёнда.

Ҳар сураси бир жаҳон,
ҳар ояти мулки жон,
Ҳар жузда Ўзбекистон,
эркли инсон туғёнда.

Ҳар калима жонсўзу
ҳар каломи оташин,
Самарқанду Бухоро
ҳам Андижон туғёнда.

Ҳар танга бериб дармон,
ҳар дилга бахш этиб жон,
Сайхун ила Жайхуну
ҳам Зарафшон туғёнда.

Бу муқаддас Китобга
бир калом этсам иншо,
Умримда қолмас армон,
Барот комрон туғёнда.

24.08.92

* * *

Жабру зулм азоби
бор экан деб тақдирда,
Занжирбанд шер сингари
нетай, ётдик занжирда.

Эрк шамоли эсганда
гарчи тутдик кўксимиз,
Бағримизни чок айлаб,
бошни кўрдик шамширда.

Бахтга зору бахтиёр,
қулдек хору шоҳ каби,
Жаҳон аҳлин лол этдик
мақтанишу ташҳирда.

Худохўй улус насли
камол топди «худосиз»,
Қуръон оятларини
ўқий олмай «Тафсир»да.

Эркину тутқун эдик,
юрти бору мулки йўқ,
Ўтин қилиб ёқилди
сўнгагимиз тандирда.

Олтин қафасда тутиб
тўти каби сайратди.
Зоғлар кезиб гулшанда,
булбул эди таҳқирда.

Жигаримиз кабобдек
симдан ўтказди, ё раб!
Душман дўстдек кўринди,
уста экан тадбирда.

Замон зўрники, дерлар,
замона зайли билан
Тиканзорни гулзор деб
тасвир этдик тасвирда.

Занжирбанд шер занжирин
уза олди, хайрият,
Мустақиллик куни ҳам
бор экан-ку, тақдирда!

26.08.92

* * *

Улуғ тўйдир, қутлуғ тўйдир
озод Ўзбекистонда,
Эркин қўшиқ, эркин куйдир
обод Ўзбекистонда.

Карнай-сурнай садосидан
еру осмон ларзавор,
Танбур, дутор навосидан
эл шод Ўзбекистонда.

Дойраю рубобу ғижжак,
уду чанг оҳангига,
Наво нақшига жўр янги
авлод Ўзбекистонда.

Қаддини ғоз тутиб Ўзбек,
кутар субҳи содиқни,
Кулди Истиқлол офтоби
бомдод Ўзбекистонда.

Олтин қафасдан қутулиб
наво айлади булбул,
Занжирин узиб шер тинди
фарёд Ўзбекистонда.

Оқибат кўриб рўшнолик
Темурхон келди тўйга,
Манглайидан кун балқиган
аждод Ўзбекистонда.

Ўзбек улуси чиқди ҳазрат
Навоийга пешвоз;
Лайлию Мажнун, Ширину
Фарҳод Ўзбекистонда.

Жонажон элим, ҳамдаму
ҳамкору ҳамдаст бўлинг,
Эрку Истиқлол бўлмасин
барбод Ўзбекистонда.

Озодлик қадрига етинг,
Ватан бўлсин осойиш,
Бедорлик кўрмасин бот
тифлзод Ўзбекистонда.

Мустақиллик дарахти —
мевали дарахт, дўстлар,
Тош отсалар, тийинг илкин,
омад Ўзбекистонда.

Улуғ тўйда ният қилсанг,
ниятинг бўлғай бажо,
Бу айёмни минг йиллар этғай
ёд Ўзбекистонда.

Сафар бехатар бўлмас,
аммо, Оллоҳ қўллағай,
Толеъимиз кулғай, мушкул
кушод Ўзбекистонда.

Умидсиз банда йўқ, Барот,
озодлик эвазига,
Фикру зикр озод бўлғай
озод Ўзбекистонда.

31.08.92

* * *

Миллий истиқлол руҳи
жисмимаро жондир менга,
Ғурур ила ифтихорим,
ҳам шавкату шондир менга.

У — ҳаётим, ҳам нажотим,
кўз нурию дил сурури,
Томиримда жўшиб оққан
ўтлиғ тоза қондир менга.

У — Ватаним, она тупроқ
киндик қоним тўкилган ер,
Волидам тебратган бешик,
ҳам қутлуғ макондир менга,

У — миллатим, буюк элим,
аждоду авлодим менинг,
Азиз ёру биродарим,
дўсту қадрдондир менга.

У — булоғим, ҳам анҳорим,
Сайҳун Жайҳуним менинг,
Биллур Обираҳмату
ҳам наҳри Зарафшондир менга.

У — каломим, она тилим,
навобахш созимдир менинг,
Баётиму абётимдир,
ҳам ўтлуғ достондир менга.

У — мен нафас олган ҳаво,
ўчоқдаги оловимдир,
Бошим узра порлоқ Қуёш,
ҳам този осмондир менга.

У — Оллоҳнинг инояти,
ўзлигимга қайтишимдир,
Элу юртга эътиқодим,
ҳам дину иймондир менга.

У — Истиқлол туғёнидир,
уйғонган эл ҳуррияти,
Жабру зулмдан озод, Барот,
ҳур Ўзбекистондир менга.

1.09.92

* * *

Ватансизлик дардини
тортди ватандошлар, нетай,
Ўзга элда, ўзга юртда
эгилди бошлар, нетай.

Сарсону саргардон бўлиб
кезиб бесару сомон,
Бағрини соғинч тилди,
оёғини тошлар, нетай,

Тил билмаган дил билмас,
дер, дил билмаган эл билмас,
Тилу дилу эл билгунча
чол бўлди ёшлар, нетай.

Ватан ҳажри эзиб кўксин
умидлар бўлмиш сароб,
Гўё елга совурилди
ғурбатда чошлар, нетай.

Пасту баланд ўлкаларда
сочилган ризқин териб,
Дастурхон ёзганида
заҳар бўлди ошлар, нетай.

Сўраб ота юртини
ўксинганда фарзандлари,
Дард ўтида ёндилар,
дош бермади дошлар, нетай.

Ғойибдан кутиб мужда,
Оллохдан сўрдилар имдод,
Ўз меҳрига зор этди
қавму қариндошлар, нетай.

Истиқлолга умид боғлаб
боқди субҳи содиққа,
Каъбадан азиз кўринди
Самарқанд, Шошлар, нетай.

Эрк тонги отиб, ҳарқалай,
насиб этди Юрт васли,
Она тупроқни ўпиб,
кўздан окди ёшлар, нетай!

1.09.92

* * *

Мен ҳаммага қайғураман,
хеч ким қайғурмас менга,
Ҳеч ким қайғурмагани
асло қайғумас менга.

Ўз ғамиммас ўзга ғами
мени қийнар куну тун,
Ўзга ғамсиз хобгохда
уйқу уйқумас менга.

Ўз дардимда ўзим ёндим,
ўзгага кўрмай раво,
Ўзга дардила ёнмаса,
туйғу туйғумас менга.

Ўзга ғамини едиму
емадим ўз ғамимни,
Ўз ғам тошимдан тизилган
инжу инжумас менга.

Ўзгалар қутқусига фақир
умид боғламадим хеч,
Умид боғласам, мабодо,
қутқу қутқумас менга.

Ўзгалар мушкулин осон
этмакни ҳунар билдим,
Ўз мушкулим мушкул бўлса,
мушкул мушкулмас менга.

Мен ҳаммага қайғураман,
ҳеч ким қайғурмас менга,
Ҳеч кимнинг қайғурмагани,
Барот, қайғумас менга.

4.09.92

* * *

Истиқлол — бу улуғ жангдир,
талафотсиз бўлмас жанг,
Жангда ғолиб, мағлуб бўлур,
маломатсиз бўлмас жанг.

Урушмас бу, бу — Ҳуррият,
Эрк-чун жанги муаззам,
Бу — Юрт учун фидойилик,
валломатсиз бўлмас жанг.

Бу муаззам жангда Ўзбек
ғолиб чиқди, қон тўкмай,
Бу — Оллоҳнинг каромати,
иноятсиз бўлмас жанг.

Остин-устун бўлди алҳақ
эски тузум, истибдод,
Намойишда янги тузум,
ислоҳотсиз бўлмас жанг.

Мазлум улус озод бугун,
фикру зикр ҳам озод,
Озод бўлди мазлум Ватан,
саодатсиз бўлмас жанг.

Ҳокимият учун, аммо,
кураш кетар пинҳона,
Бир-бирининг тагин ковлар,
касофатсиз бўлмас жанг.

Эл-юрт ғамин еса кимки,
кам бўлмаган азалдан,
Қўллар Оллоҳ ила улус,
риёзатсиз бўлмас жанг.

Юртда одил сиёсатни
юргизадир Юртбоши,
Барча мамнун сиёсатдан,
сиёсатсиз бўлмас жанг.

Бу жанг аро Барот сен ҳам
фидойи муҳорибсан,
Мустақиллик иймонингда,
диёнатсиз бўлмас жанг.

8.09.92

* * *

Сиёсатга хизмат қилиб
ахли қалам еди панд,
Аммо, кўзи очилмади,
ҳамон бўйнида каманд.

Мадху сано ўқиб тузум,
ҳам сиёсат шаънига,
Бола каби алданди ё
кутиб ундан хўрозқанд.

Халойиқ дер: кўр асосин
олдиради бир карра,
Икки карра олдирди у,
кўзи очиқдир гарчанд.

Сиёсатга ишонмаса
турмас эди «лаббай» деб,
Қуллигини билмай, афсус,
таъзим этди қул монанд.

Бирин сийлаб, ўнин хўрлаб
боқиманда қилди у,
Баробармас беш қўл дебон
фикру зикрин этди банд.

Аҳли қалам пешонаси
шўр эканми, билмадим,
Қандай сиёсат бўлса у,
элни этди бахраманд.

Аммо, энди тузум ўзга,
сиёсат ҳам ўзгадир,
Мустақиллик сиёсати —
сиёсатда аржуманд.

Унга хизмат қилмоқ шараф,
Барот, аҳли қаламга,
Ҳур тузумда бўлмас, балки,
бири паст, бири баланд.

9.09.92

* * *

Ўзбек халқи — улуғ халқ,
ўзи бек, ўзи хоқон,
Ўз юрти, ўз мулкида
ўзи қул, ўзи султон.

У азал шавкатли халқ,
бағри кенг халқ, танти халқ,
Тошдан яралган боши,
янчгувчи йўқ тегирмон.

Зулмдан озод бўлиб,
истиқлолга етди у,
Аммо, Эрк жабҳасида
кўксида зирху қалқон.

Ўзбек ўзлигин билур,
ўзлигига этса қасд,
Вулқон каби портлагай,
қаҳри қаттиқ, беомон.

Ўзбек бир қўзғолмасин,
бир қўзғолса босилмас,
Тоғу тошни қўпориб
қилур ер билан яксон.

Қутлуғ йўлга отланди
Ҳурриятнинг карвони,
Сафар бехатар бўлмас,
хатардан асра, Сарбон.

Агар Сарбон адашса,
тўғри йўл кўрсатгувчи —
Улуғ халқ, сен қайдасан,
ўзингни қил намоён.

Оломон беомондир,
оломондан сақлагин,
Оллоҳ, улуғ халқингдан,
йўқдир ўзга мехрибон.

10.09.92

* * *

Қайга бошимни урсам
бошим тегди деворга,
Деворни бузмоқ бўлиб
кўп уриндим бекорга.

Барча саъй-ҳаракатим,
балки, кетгандир зое,
Ҳақ йўлини қидириб,
бошим қолди ниқорга.

Тузум тартиботига
бўйинсундим ноилож,
Иложим йўқлигидан
бошимни тутдим дорга.

Дор йўқ деб даъво қилманг,
кўринмайди кўзга у,
Ҳар қадамда ўнлаб дор,
сиғмайди у шуморга.

Дардан қочиб қутулсам,
дорул-ано[1] келди дуч,
Дорул-ано узлати
кўксимни тутди хорга.

Хор санчилиб баҳримга
қон сирқиди дилимдан,
Шафқат илкин чўзмади
замона мендек зорга.

Истиқлолга зор бўлиб
Эрк субҳига талпиндим,
Сайёд ўққа тутди бот
чиққан экан шикорга.

Ўқдан омон қолдиму
ёруғ кун қилди насиб,
Эрк тонги отиб, офтоб
чиқди она диёрга.

Бошимни урай десам,
энди, шукр, девор йўқ,
Ёр кўксига бош уриб
дардимни айтдим ёрга.

16.09.92

* * *

Минг бир дарду алам кўрар инсон
инсон бўлгунча,
Инсон қўли гул бўлгандир бўстон бўстон
бўлгунча.

Бўстон аро гоҳо булбул, гоҳ зоғ сурган
айшини,
Булбулу зоғ яралибди жаҳон жаҳон
бўлгунча.

Саҳни жаҳон пасту баланд сархадсиз
макон экан,
Инсу жинсга макон бўлмиш макон
макон бўлгунча.

Макон ичра ғаму шодлик, азобу роҳат
азал,
Кун — тун бўлмиш, тун эса кун —
замон замон бўлгунча.

Замон аҳли замонага боқибди, боқмай
замон,
Ўз ҳукмин ўтказибди даврон даврон
бўлгунча.

Даврон гоҳо дунлик қилмиш, гоҳо
буқаламунлик,
Дўст ёв бўлмиш, ёв эса дўст — султон
султон бўлгунча.

Султони йўқ улус йўқдир, султон
йўққи — улуссиз,
Омон бўлсин дориламон омон-омон
бўлгунча.

18.09.92

* * *

Ҳеч ким ортмас ўзидан — ўзга билан
иши йўқ,
Ўзга ишини қилиб ўздан кечган киши
йўқ.

Турмуш ташвиши элни эзиб қўйди
чамамда,
Рўзғор ғамидан ўзга унинг зўр
ташвиши йўқ.

Куни ўтиб турса бас, борига қилар шукр,
Обод рўзғор ёзи бор, тийра рўзғор
қиши йўқ.

Қимматчилик домига тортмоқ истайди,
аммо,
Қаҳатчилик арисин чақай деса ниши
йўқ.

Тўкин-сочин ўлкада тақчиллик бўлмас,
чунки
Йўқчилик аждаҳосин тишлай деса тиши
йўқ.

Бундан оғир кунларни кўп кўргандир
халқимиз,
Умидсизлик чоҳига тушган бирор киши
йўқ.

«Ўзбек топса тўй қилар» ё курар бир
иморат,
Тўй қилмоқ, уй қурмоқдан ўзга зўр
ташвиши йўқ.

Ўзбек ўзидан кечиб ўзгага берар
нажот,
Ўзгага эш бўлмоқдан ўзга унинг иши
йўқ.

19.09.92

---

[1] Дорул-ано — машаққат, қийинчилик, азоб, уқубат уйи

* * *

Аҳли ҳасад худкомлиғдин ҳасад ўтида
ёнмиш,
Шому саҳар ҳасад қилиб, ҳасад
майидан қонмиш.

Бадмастлиғдин кон тупурмиш
лахта-лахта, водариғ,
Ётиб ҳасад тўшагида илон каби
тўлғонмиш.

Оғусин тутиб комида, ўйнатмиш заҳар
тилин,
Офтобга ҳам қилиб ҳасад оғу сочиб
уйғонмиш.

Кўролмаслик касалининг дарди азал
бедаво,
Бедаво дардга йўлиқиб, дину иймондан
тонмиш.

Кимнинг ошиғи олчидир ёки келса
омади,
Қирқоёқдек ўзин чақиб, ўз заҳрида
чўлғонмиш.

Кийиб дўстлик ниқобини душман
ишини қилур,
Қўлтиғига кириб олган у дўст эмас,
чаёнмиш.

Чаёнлардан асра, Оллоҳ, заҳри
қотил — заҳари,
Истиқлолга ҳамла қилиб аҳли ҳасад
қўзғолмиш.

22.09.92

* * *

Фақир улус ғамини ер, ким ер анинг
ғамини,
Ками бўлса бут қилсам дер, ким бут
қилур камини?

Ўздин кечиб, ўзгага у балогардон
бўлғайдур,
Бало аҳли этса дилгир, ким ёзар
аламини?

Мазаллат чеккан муслимни қадр
кафтида тутғай,
Маломат қилса такфир ким қутқарғай
махрамини?

Ғурбатда ғариб чекса дард малҳам этур
жонини,
Дили яра бўлса фақир ким тутар
малҳамини?

Такбири таҳрим боғласа ёзмай беш вақт
намозин,
Дил-дилидан қилса такбир ким англар
ҳамдамини?

Ҳар нарсани жуфти билан яратмиш азал
Оллоҳ,
Ҳаёт сўнги мамот, ахир, ким олур
қаламини?

Қаламимни олиб қўлдан эъзозлар
фарзандларим,
Сийласа не яна тақдир ёқиб ҳаёт
шамини!

23.09.92

* * *

Ўткарибмен умрни вайронада,
Бошима емрулгудек кошонада.

Алишер Навоий

Бу не турфа вайронаким кошонага
ўхшайдур,
Бу не мумтоз кошонаким вайронага
ўхшайдур.

Вайронами, кошонами ёхуд кулбаи
аҳзон[1]?
Тийра дунё гўшасида дардхонага
ўхшайдур.

Машаққат уйи узатмиш ғам майин
қадаҳ-қадаҳ,
Алам ўтида жигарим сўзонага
ўхшайдур.

Вайронада кездим ғариб — дилимда
умид шами,
Куймак ўтида масканим утхонага
ўхшайдур.

Кошонада гарчи шоҳмен, аммо тожу
тахтим йўқ,
Тожу тахтсиз очун азал шоҳонага
ўхшайдур.

---

[1] Кулбаи аҳзон — ғам уйи

Дўстлар душманлиғ қилсалар,
душманлардан не илинж,
Ҳатто оға-ини хешмас бегонага
ўхшайдур.

Беш кунлик бу ёлғон дунё гоҳ хўрлаб,
гоҳ сийлади,
«Умри гузарон» азалдан девонага
ўхшайдур.

Умрим ўтди гоҳ вайрона, гоҳ, Барот,
кошонада,
Вайронаю кошонаси ғамхонага
ўхшайдур.

4.10.92

* * *

Наврўзи слам келиб ўлкам кўркам
безанди,
Кўркам либосин кийиб бутун ўлкам
безанди.

Ўлкамнинг қир-адири кўклам сеҳридан
кўркли,
Кўркам кишилар билан бугун кўклам
безанди.

Кўклам навоси янграр сайхону тоғу
тошда,
Тоғу тошда гул униб олам там-там
безанди.

Там-там олам безаниб дала-тузда эл
базми,
Эл базмида зироат, деҳқон хуррам
безанди.

Хуррам деҳқон қўлида яна ўйнади
кетмон,
Кетмон теккан тупроқда оби зам-зам
безанди.

Оби зам-замни ичиб савобга ботди одам,
Одам оёғи етган ерки, илдам безанди.

Илдам безаниб замин уфурди гул
бўйини,
Гул бўйидан маст бўлиб гулдек эркам
безанди.

Гулдек эркам безаниб чирой берди
оламга,
Олам каби шеър билан қоғоз, қалам
безанди.

21.03.93

АЛВИДО

Ҳайдар Пўлатов хотирасига

Буюк бир аллома ўтди оламдан,
Мотам либосини кийди қадим Шош.
Халойиқ қомати эгилди ғамдан,
Асраб қололмадинг нега, айт, куёш?

Муштарий юлдузи сингари порлоқ
Умрнинг, наҳотки, сўнди шамлари?
Манглайи эди-ку кундай ярқирок,
Пойтахтга сиғмади улус ғамлари.

Мунғайган кўзларда ёшлар шашқатор,
Юраклар қаърида ҳасрат ва алам.
Боғи муаззамда қулади чинор,
Синди истиқлолни қутлаган қалам.

Улус оғзи теккан чоғида ошга,
Наҳот, тошга тегиб қонар бошимиз?
Етмаган эди у пайғамбар ёшга,
Ғафлатда қолдими аҳли Шошимиз?

Ғафлатда қолди дўст, қавми-қариндош,
Ё азиз умрга қарадик бефарқ?
Жудоликка нечук бергаймиз бардош,
Нажиб зотсиз қолди, наҳот, кекса Шарқ?

Ўзбек осмонидан учган юлдузни,
Тутиб қололмади қўлида олам.
Ярамиз тузалмас боссак-да музни,
Юракни босгандир чунки бу мотам.

Тобутинг устида кўз ёшим тўкиб,
Афтода турибман унсиз, бенаво.
Дўсту ёр мунғаяр мен каби ўксиб,
Иложсиз дегайман, нетай, алвидо!

19.05.93

УЛУС ИЙМОНИ

Саройга интилган шоири мардум,
Элу юрт меҳроби саналган сарой.
Не бахтдир, тикланди азалий удум,
Шоиру эл билан султон соҳиб рой[1].

Амир Темур руҳи бўлиб мададкор,
Истиқлол шамлари ёнди саройда.
Юз йиллаб бўлдик биз ётга мададкор,
Тилимиз бўғилди туғилган жойда.

[1] Соҳиб рой — фикр эгаси, доно

Босқинчи булутлар жамолин тўсиб,
Хира тортса ҳамки, тутилмади ой.
Бошидан бўҳронли асрлар ўтиб,
Яна обод бўлди мунаққаш сарой.

Золимларнинг совуқ нафаси тегиб
Биллур шамдек сўнган қандиллар ёнди.
Кўксига қадалган қилични эгиб,
Ҳуррият тонгида ўзбек уйғонди.

Занжирбанд шер каби тортдию наъра,
Зулм кишанини узди дафъатан.
Халоскор сардорга қуллуқ минг карра,
Озод нафас олди хўрланган Ватан!

Ислом юлдузидан улус бахтиёр,
Ўзбек осмонини тўлдирди нурга.
Минг садафдан чиқар бир дурри
шоҳвор,
Бир умри татийди минглаб умрга.

Умр берган Оллоҳ берсин бахтини,
Элу юрт бошида у омон бўлсин.
Қарордек асрасин тожу тахтини,
Осойиш тунида мард посбон бўлсин!

Кеча кўксимиздан олинган қилич,
Огоҳ бўлинг, ҳали синганича йўқ.
Гарчи ғилофида у ётса-да тинч,
Қиличбоз кимсалар тинганича йўқ.

Ўзбекнинг ичидан чиқмаса сотқин,
Билиб қўйинг, уни енгиб бўлмайди.
Ватан деган жойда — фидойи лочин,
Ўзбек — улуғ миллат, ўзбек ўлмайди!

Мен ҳам ўзбекнинг бир фарзанди
бўлсам,
Истиқлол йўлида фидойи жоним.
Ватан учун, майли, жабҳада ўлсам,
Тирик қолса басдир Ўзбекистоним!

Саройга интилган шоири мардум,
Элу юрт мехроби саналган сарой.
Не бахтдир, тикланди азалий удум,
Шоиру эл билан султон соҳиб рой.

Бир пиёла чой устида, дил ёзиб,
Ажиб суҳбат қурди шуаро билан.
Зарбоф тўн кийгизди меҳр кўргузиб,
Қайси шоҳ қўлидан шоир тўн кийган?!

Бу бахтга, ҳарқалай, бўлдик муяссар,
Темурий анъана, қадр рамзи бу.
Ерда қолмас, демак, биз ёзган асар,
Буюк истиқлолга хизмат қилар у.

Шоирни сийлаган кам бўлмас асло,
Унга тушган, дерлар, Оллоҳ назари.
Ким шоир қадрини қилса муалло,
Умрини безагай иймон гавҳари.

Шоири зўр элнинг подшоҳи ҳам зўр,
Салтанати буюк, буюк тожу тахт.
Давлати қошида дунё чарх урур,
Қиблага айланур у турган пойтахт.

Истиқлол — Оллоҳнинг буюк инъоми,
То абад таянчи — Оқсарой бўлсин!
Салтанат бошида улус иймони —
Президент бўлсин, соҳиб рой бўлсин!

24.04.93

ЭЛИМ ДЕБ ЧИҚДИ У ЎЗБЕКИСТОНДАН

Тангри озод қилиб яратган ўзбек,
Бир асрдан ортик яшади тутқун.
Иқболини топиб меҳнатдан ўзбек,
Шукрки, ҳурликка юз тутди бугун,
Зафар бонги янграр Ўзбекистондан.

Истиқлол мулкида дадил ростлаб қад,
Собит қадам ташлар заминга пойдор.
Тожу тахтин тиклаб абадул абад,
Аҳли жаҳон билан кўришди дийдор,
Эрк пайғомин элтиб Ўзбекистондан.

Истибдод занжирин узди шерга мос,
Бошида алп юрак закий сарвари.
Темурий журъати чин ўзбекка хос,
Қалби ёлқинланиб машъал сингари,
Ўзбекмиз деб чиқди Ўзбекистондан.

Кўп сарварни кўрди ўзбек мозийда,
Буюкни кўрмади Амир Темурдан.
Бугун Ватан кўзи зоти олийда,
Кўкраги тоғ бўлиб миллий ғурурдан,
Ватандан чиқди у Ўзбекистондан.

Кўп жабрни тортди ўзбек ўтмишда,
Тонмади ва лекин дину иймондан.
Дилида Оллоху қўлидир ишда,
Бор умиди энди жўмард инсондан,
Миллат деб чиқди у Ўзбекистондан.

Кўп даврни кўрди ўзбек тарихда,
Рўшнолик кўрмади, аммо, даврондан.
Бугун унинг кўзи доно маликда,
Кафолат калитин олиб ҳар жондан,
Ҳурлик деб чиқди у Ўзбекистондан.

У буюк аждодлар қўлидан олиб
Ҳуррият яловин кўтарди баланд.
Ўртанган улусни етаклаб ғолиб
Озодлик бахтидан этди бахраманд,
Башар деб чиқди у Ўзбекистондан.

Ватану миллатга бағишлаб ўзни,
Тангрига топиниб тилади нажот.
Оташин сўз билан эритиб музни,
Ўзбек лисонига бахш этди қанот,
Тилим деб чиқди у Ўзбекистондан.

Халоскорим дейди ҳар ўзбек уни,
Шаънига таҳсинлар ўқир доимо.
Дориломон ўтар шаксиз ҳар куни,
Шафоат кўрсатар жонкуяр сиймо,
Замин деб чиқди у Ўзбекистондан.

Ўзбек китобида очиб янги боб,
Ўз қўли-ла битди Янги тарихни.
Истиқлол аталмиш бу нодир китоб,
Умридан шод этгай илк муаррихни,
Тарих деб чиқди у Ўзбекистондан.

Эзгулик ҳамиша бўлиб барқарор,
Муқаддас даргоҳга айлансин девон,
Салтанат дарахти турсин устувор,
Қузғунлар унга ҳеч қўнмасин дебон,
Иймон деб чиқди у Ўзбекистондан.

Мамлакат тинч бўлур — тинч турса сарой,
Осуда ва тотув яшайди улус.
Сарой узра асло тутилмагай ой,
Салтанат қошида эл топса нуфуз,
Элим деб чиқди у Ўзбекистондан.

Истиқлол музаффар қутлуғ маконда,
Бежиз этмади у Темур руҳин ёд.
Темур ворислари турган майдонда,
Мухташам ҳайкалин айлади бунёд,
Адл деб чиқди у Ўзбекистондан.

Улуғ зот шод этди Темур руҳини,
Оллоҳ қилгай унинг қадрини баланд.
Дунёга таратди юрт шукуҳини,
Темурдек уни ҳам берди Самарқанд,
Темур деб чиқди у Ўзбекистондан.

Самарқанд бор экан, бор экан Темур,
Ўзбекнинг довруғи билмагай сарҳад.
Самарқанду Темур Ўзбекдай машҳур,
Ўзбекистон номи бор бўлгай абад,
Озод Инсон чиқди Ўзбекистондан!

26.12.93

ОМОНЛИК УЙИ

Не улуғ бахт, янги йилни
омон-эсон кутмакдаман,
Она юртим — мулки Ўзбек,
дорул-амон,[1] кутмакдаман.

Эски йилга минг-минг раҳмат —
не тиласам этди бажо.
Ўғил-қизим хурсанд ундан,
ёрим шодон, кутмакдаман.

Ёруғ кунлар насиб этди —
қаро тунлар қочди йироқ,
Хонадоним иқлимидек
тоза осмон, кутмакдаман.

Манглай терин ерга тўкдим —
ерга бердим дил меҳрини,
Меҳнат ила обод бўлди
сокин Дўрмон, кутмакдаман.

Навоийни васф айлаган
«Чоркитоб»им юртда олий
Мукофотга бўлиб лойиқ,
қозонди шон, кутмакдаман.

Мени лолу мафтун этди
Хожа Аҳрор ҳайратлари,
Ки, «Ҳайратул-Аҳрор» дебон
битдим достон, кутмакдаман.

Дилбар қизим Шаҳлохоним
таклиф этди даргоҳига,
Сурайёхон билан қилдик
сайри Олмон, кутмакдаман.

Оллоҳимга минг шукрки,
толеъи ёр экан унинг,
Ота-она орзулари
бўлмай армон, кутмакдаман.

---

[1] Дорул-амон — тинчлик уйи, омонлик уйи

Фарруҳжону Нигинахон
қаддимизни этди баланд,
Бахтимизга авлодимиз
бўлсин омон, кутмакдаман.

От изини той босар, дер —
фарзандларим ақли комил,
Менинг ўрним боссин, илоҳ,
аҳли замон, кутмакдаман.

Элим озод, юртим обод —
унга бўлсин жоним фидо,
Бошимизда ғамхўр инсон
ботир посбон, кутмакдаман.

Истиқлолнинг неъматидан
баҳра топмак буюк бахтдир.
Бахт қадрига етсак, кошки,
дўст-қадрдон, кутмакдаман.

Эзгу тилак тилай сизга
янги йилда аҳли муслим:
Ғам кўрмангиз, кам бўлмангиз,
яшанг комрон, кутмакдаман.

Ундан менинг умидим зўр,
орзуларим эса бехад.
Эски йилдек вафо қилса,
бўлса сарбон, кутмакдаман.

Яхши кунда ният қилдим —
етсам, кошки, муродимга,
Мурод ҳосил бўлсин дебон
яшар инсон, кутмакдаман.

Ватан мисли чаманзор боғ —
унда улус кўнгли обод,
Бир гули ҳам сўлмасин, дер,
моҳир боғбон, кутмакдаман.

Мулки жаҳон аро тенгу
аҳли жаҳон ила дўст мулк,
Истиқболинг порлоқ бўлсин,
сургил даврон, кутмакдаман.

Иншоаллоҳ, Ўзбекистон,
Амир Темур даврига хос
Шуҳратини тиклар яна
Соҳибқирон, кутмакдаман.

21.12.94

УЛУҒБЕК БЕШИГИ

Муаллимим Иброҳим Холмуродовга бағишлайман.

Улуғбек бош қўйган меҳроб —
Самарқанд,
Улуғбек порлатган офтоб — Самарқанд.

Самарқанд — улуғлар жилмайган
бешик,
Самарқанд — улуғлар улғайган бешик.

Мен ўша бешикда камолга етдим,
Шеър ёзмакдек хайри аъмолга етдим.

Мен ўша бешикда Олампаноҳни
Буюк кишиси деб билдим Оллоҳни.

Мен ўша бешикда кўрдим рухини,
Дунёни забт этган зўр шукуҳини.

Мен ўша бешикда кўрдим авлодин,
Бошига кўтармиш улуғ аждодин.

Мен ўша бешикда англадим аён
Нечоғлик шавкатли олими жаҳон.

Мен ўша бешикда боқдим мозийга,
Не мозий, мозийдек умри боқийга.

Комил инсон зилол ичган булоқдан
Баҳра топиб, боқдим унга йироқдан.

Улуғ зотлар суҳбатида кўрдим бот,
Имдод тилаб, этдим унга муножот.

Самарқанд тахтида Мирзо Улуғбек,
Оламда одил шоҳ йўқдир унингдек.

Адолат ўрнатиб мулки азимда,
Мулки Турон аҳлин кўрди таъзимда.

Темурхон авлоди ичра улуғ бек,
Не улуғ, қадами азиз, қутлуғ бек.

Маърифат чироғин ёқиб, нур сочди,
Илм маҳзанидан гўё дур сочди.

Улуснинг меҳрига дили тўлуғ бек,
Бошида кўтарди мулкини туғдек.

Юксак осмон сари ул солиб назар
Қоронғи самони этди мунаввар.

Қалб қўрин гўёки адади йўқдек,
Каҳкашон саҳнига сочилмиш чўғдек.

Юлдузлар кўнглига солиб қўлини,
Кўрсатиб бермишдир юрар йўлини.

Олам аро қурди якто бир расад,
Фан аҳли бошида жилмайди омад.

«Зижжи Кўрагоний» жадвалин тузиб,
Фалак илмида ул кетмишдир ўзиб.

Ҳамонки, бу расад амалиётда,
Нодир кашфиётдир фалакиётда.

Истиқлол айёми аҳли замона
Улуғбек ҳақинда айтур фасона.

Бир давронки, Озодлик замонида
Аҳли ўзбек илму фан маконида.

Рўйи замин олимлари бўлган жам,
Мадрасалар аро ёнур минглаб шам.

Султонидан Самарқанд кўнгли тўқдек,
Шаҳри дилкушо йўқ, балки, унингдек.

Самарқанд довруғи оламни тутган,
Руму Ажаму Шом Фарангга етган.

Олмондин Ҳиндгача, Чиндин то Юнон
Самарқанд васфидан ўқийди достон.

Эҳтиром тахтида Мирзо Улуғбек,
Аъламул-уламо йўқдир унингдек!

1994

ҚУТБИ МИЛЛАТ

Аллома Иброҳим Мўминов хотирасига

Амир ҳазратлари! Сизга қаламкаш
Дўстларим номидан тавба қилурман.
Бутун бир улусга буюк аламкаш
Бўлганингиз фақир яхши билурман.

Жаҳон айвонида бўлиб овора,
Мозийга, тарихга боқдик даргумон.
Оғага кўрсатиб ўзни бечора,
Мадҳу сано ўқиб, кутдик шуҳрат-шон.

Бир замон Ўзбекка қасида ёзиб,
Табаррук номингиз олмадик тилга.
Таҳқирдан тоймадик Сизни оқсоқ деб,
Золим эди дебон боқмадик элга.

Дунёни титратган фотиҳ амир деб,
Бўҳтон тошларини отдик беомон.
Музаффар умрни элга қилиб зеб,
Улуғлаб, афсуски, солмадик сурон.

Рост гапни айтганда бир алломамиз,
Инжиган руҳингиз этганида шод,
Яқосидан олди не уламомиз,
Мансаб илинжида кўтариб фарёд.

Сизга туҳмат қилган ўсди амалда,
Мукофот, унвонга кўрилди лойиқ.
Сиз тараф гўёки қолди қамалда,
Ҳимоя қилмади ожиз халойиқ.

Сизни бадном этиб назму насрда,
Илмда дарёни бурдик тескари.
Гарчи яшадик сиз қурган қасрда,
Отага муносиб фарзанд сингари.

Ўзбек тарихидан ўчмади, аммо,
Шаъну шавкатингиз маёқ мисоли.
Сиз бўлиб келдингиз элга доимо
Одил ҳукмдорнинг буюк тимсоли.

Аждоддан авлодга ўтди номингиз,
Насллар қалбида топди эҳтиром.
Машриқу мағрибни тутди шонингиз
Офтобнинг нуридек, эй зоти киром.

Не бахт, озод бўлдик оқибат биз хам,
Қутулдик, харқалай, асрий зулмдан.
Аслимизга қайтдик эркин ва хуррам,
Асорат қолса-да, ғайри тузумдан.

Қурдошлар қатори фақир муқаррар,
Руҳобод даҳасин зиёрат қилдим.
Ворислик бахтига бўлиб муяссар,
Гўримир пойида маҳзун эгилдим.

Гуноҳи азимдан фориғ бўлиб хос,
Не ажаб, покланса насли Кўрагон.
Ҳазратга бўлгани муносиб ва мос,
Ўз қадрини билса аҳли Туркистон.

Ҳуррият субҳи бу — тавба фурсати,
Тазарру қилингиз азиз хилқатга.
Истиқлолга етган Ватан хурмати,
Фидойи бўлингиз қутби миллатга.

Оллоҳга минг шукр, Ўзбек сарвари
Қаддини тиклади Сохибқироннинг.
У буюк халоскор Темур сингари
Музаффар фарзанди мулки Туроннинг.

Муаззам улуснинг соҳиб давлати
Иқбол олиб келди ҳар хонадонга.
Яна қайтиб келди Ўзбек шавкати
Шукуҳи оламтоб Ўзбекистонга!

15.03.95

* * *

Мустақиллик либосин кийиб Ватан
ясанмиш,
Ватанга бериб оро боғу чаман ясанмиш.

Боғу чаман ичинда булбули хушхон каби,
Истиқлол мадҳин куйлаб ҳар жону тан
ясанмиш.

Ҳар жону тан Ҳуррият насимидан завқ
олиб,
Қадамидан гул униб мисли гулшан
ясанмиш.

Мисли гулшан ясаниб байрамга
чиқса тонгда,
Баланд тоғлардан ошиб қуёш равшан
ясанмиш.

Равшан қуёшга боқиб, шукр қилиб
Оллоҳга,
Озодлик ёғдусидан эл-юрт аҳсан
ясанмиш.

Элу юртнинг толеи, не бахтки, порлоқ
экан,
Ёруғ кунларга етиб яна шўх-шан
ясанмиш.

Яна шўх-шан безаниб,
Мустақилликни асраб,
Озод халқи сингари обод Ватан
ясанмиш.

27.07.95

* * *

Кел, Шукур, дўстим бугун Истиқлол
айёмидир,
Насиб этган Озодлик Оллоҳнинг
инъомидир.

Умр ўтиб кетди деб ўкинчга йўқдир
ҳожат,
Қадрини тонган пирлик саодат
пайғомидир.

Самарқандга қайтмак бор, йўқдир
ёшликка қайтмак,
Ёшлигимиз қолган боғлар дўстликнинг
маконидир.

Йўлимиз бўлмай равон кўрдик пасту
баландни,
Ҳар ўтган кунга дилда шукрона
қаломидир.

Елдек зое кетмади, хайриятки,
умримиз,
Олий орзумиз энди Каъбанинг
эҳромидир.

Худо умрни берса ҳали узоқ яшаймиз,
Кўнглимизни кўтарган элу юрт
икромидир.

Қиёматли дўст бўлиб қолгаймиз,
иншооллоҳ,
Бу шеърим сенга, Шукур, садоқат
илҳомидир.

29.07.95

БОЗОР

Ҳамма ўзин бозорга урди
Қиладиган ишлари қолиб.
Арзонроқ мол кўрса югурди
Оёғини қўлига олиб.

Тижорат қилмаган қолди кам,
Изғишади шаҳарма-шаҳар.
Савдода ўргимчак бўлса ҳам
Пул вамида қотган каллалар.

Бўзчининг мокиси сингари
Хорижга қатнайди тожирлар.
Елкага қоп кўтарган бари,
Тоғни ҳам йиқмоққа қодирлар.

Туркиянинг шаҳарларида
Тентирашар мисли чумоли.
Амирликнинг саҳарларида
Очилгандек тижорат фоли.

Юртидан чиқмаган бекалар
Ҳайратда қолдирди дунёни.
Ёнида акаю укалар
Кизитди хорижда савдони.

Хорижда нима кўп — дўкон кўп,
Бозори ўтмаган мол бисёр.
Тожирлар кўради уни хўб,
Юртида топилар харидор.

Минг азобга беришиб бардош
Қайтишади қопни елкалаб.
Йиғилишиб қавму қариндош
Бозор томон чопар эрталаб,

Бозор тирбанд, бозор тиқилинч,
Босиб кетган хориж моллари.
Харидорлар безовта, нотинч,
Кўзни олар матолар зари.

Одамнинг жонидан бўлаги
Топилади гарчи бозорда,
Нархидан сиқилиб юраги
Халойиқнинг жони озорда.

Ҳамма олиб-сотиш билан банд,
Чайқовчидан фарқи қолмаган.
Тижоратга бўлиб ҳавасманд
Виждонини қўлга олмаган.

Бир бозордан олса арзонга,
Қиммат сотар ўзгасида у.
Харидорни ташлаб уммонга,
Қутқаришни қилмайди орзу.

Ҳамма кўзлар ўз фойдасини,
Ўзга билан иши йўқ асло.
Бузиб бозор қоидасини
Фирибгардай қилади савдо.

Кимни кўрсанг «бизнесменман», дер,
Тайини йўқ гарчанд ишининг.
Унга асло кераги йўқдир
Фойдаси йўқ эл ташвишининг.

Куни ўтиб турса, унга бас,
Қизиб турса басдир бозори.
Юрт бахтини қилмайди ҳавас
Бозорининг келса барори.

«Бизнесменлар» бўлса шу тахлит
Ўйланиб қоласан чорасиз.
Бозор қулфи бўлса бекалит,
Айтинг, дўстлар, қайга борамиз?

Бутун бир халқ бўлмас савдогар,
Ҳамма бирдек олиб-сотмайди.
Улус борки, бозор, савдо бор,
Бозорсиз эл тонги отмайди

Озодлик — бу, олиб-сотдимас,
Бунёд этмак, ихтиро, ижод.
Халқига фидойи бўлмоқ, бас,
Юртни қилмоқ яна ҳам обод.

Истиқлол неъматин эъзозлаб,
Қадрига етмоқдир озодлик.
Ватани меҳри-ла ёнса қалб,
Озодлик келтирар бахт, шодлик.

Озодлик — бу эркин ҳар банда
Меҳнати роҳатин кўрмакдир.
Мустақил ва обод Ватанда
Қаддини кўтариб юрмакдир.

Савдогарлар кўпайсин, майли,
Сотмасинлар иймонни аммо.
Бахти кулиб бозор туфайли
Диёнатли бўлсин доимо.

11.08.95

* * *

Эй ёронлар, биродарлар,
шукр қилинг тинчликка,
Тинчлик билан юртимизда
қарор топган тенгликка.

Тенглик бўлса — дўстлик бўлур,
дўстлик бизга мукаддас,
Ўз тенгини топса ўзбек
бормас асло менликка.

Нотенг билан дўст бўлмайди,
дўстдан жонин аямас,
Дўст ҳурматин баланд тутиб,
даъво қилмас бекликка.

Ўзбек азал ўзига бек,
ўзга бекни истамас,
Қаҳри тошса, ҳеч бир миллат
тенг келолмас ўзбекка.

Меҳр қўйиб боқса сизга
қадрига етинг унинг,
Дўстлик билан ўзбек номи
таралгандир кенгликка.

Истиқлолнинг неъматидан
сиз ҳам бўлиб баҳраманд,
Ўзбекни ўз оғам дебон
қўл узатинг дўстликка.

«Ўзбекистон — ўз уйим» деб
фахр қилсангиз арзир,
Ўзбек билан кам бўлмайсиз,
бошингиз етур кўкка.

4.08.95

ҚЎРДОШЛАРИМГА

Дунёга келганмиз қуллик замонда,
Озодлик иқлими бизга эди ёт.
Мустақил бўлмаган Ўзбекистонда
Мутелар сингари кечирдик ҳаёт.

Қафасда туғилган шер боласидек
Ҳуррият нимадир билмай улғайдик.
Ёзда хазон бўлган тоғ лоласидек
Қуёшнинг юзига боқиб мунғайдик.

Гарчи озод эди боболаримиз,
Отамиз туғилган экан қулликда.
Оллоҳга етмайин ноласи ҳаргиз
Сувдек сингиб кетмиш чўлу қумликда.

Отамиз фиғони ўртаб ичини
Тутундек ўрламиш гўё фалакка.
Гарчи чархламади ўч қиличини,
Эрк даъватин солди бизнинг юракка.

Отамиз қулликда яшаб ўтмишлар
Саодатли кунга бўлиб интизор.
Боболар қиличин бизга тутмишлар
Ватан йўриғига бўлур деб даркор.

Ҳарқалай, бу қилич қолди қинида,
Озодликка чиқдик тўкилмасдан қон.
Истиқлол муяссар бўлган кунида
Оламаро топди Ўзбекистон шон.

Ҳуррият шамоли тегди кўкракка,
Эркин нафас олдик одам қатори.
Мустақиллик нури кириб юракка,
Юракда қолмади қулликнинг зори.

Озодлик нимадир биламиз энди,
У — улус иқболи, Ватан шухрати.
Ҳурликда яшашни ўзбек тушунди,
У ҳам Расулуллоҳ эркли уммати.

Энди билдик кечмиш фожиамизни,
Бош эгиб, кимларга қилмадик хизмат.
Яна ким қул қилмоқ истаса бизни,
Боболар қиличин тутгаймиз шиддат.

12.08.95

АССАЛОМ, НАВОИЙ!

Ассалом, Навоий, эй зоти киром,
Гул қўйгали келдик улуғ наслингдан.
Ҳар ўзбек қалбида меҳру эҳтиром,
Бизга етиб келди сенинг асрингдан.

Номинг мангу яшар бор экан ўзбек,
Юраклар кўкида офтоб сингари.
Сен кезган бўстондан, не тонг, гул
уздик,
Эй, ўзбек назмининг буюк сарвари.

Озод нафас олиб «Хамса» мулкида,
Илоҳий қудратдан ҳайратда қолдик.
Даҳовий заковат кўриб килкида,
Ўхшашин тополмай хаёлга толдик.

Териб «Хазойинул-маоний»дан дур,
Чор баҳрун-нажотда ғаввосдек суздик.
Назмул-жавоҳиринг учун ташаккур,
Шаънингга оламтоб «Чоркитоб» туздик.

Истиқлол туфайли қайтиб ўзликка,
Оламга намоён қилолдик ўзни.
Толе кулиб боқди яна ўзбекка,
Эрк тафти эритди диллардан музни.

Улуснинг фахрига айландинг, зотан,
Сен билан қилурмиз доим ифтихор.
Сени боши узра кўтарган Ватан
Умри билан бўлур умринг пойдор.

Пойтахтга улуғлар қўйганда қадам,
Зиёрат этурлар сени даставвал.
Сен Ватан рамзисан, эй қутби олам,
Миллатимиз сенсиз бўлмас мукаммал.

Туғилган масканим, дорулфунуним,
Кўйим ҳам, не бахтки, сенинг
номингда.
Сен турган бўстонда ўтади куним,
Сен билан биргаман субҳи-шомингда.

Сен турган кўчада яшайман мағрур,
Қисматим сен билан, балки, вобаста.
Сен билан бул ҳақир этгаймен фахр,
Пойингга шеър билан қўйиб гулдаста.

Не мен, бутун улус сенга таъзимда,
Сен бизга қуёшдек юксак инсонсан.
Қадринг сарбаланддир мулки азимда,
Сен бизга падарсан, бизга султонсан!

6.02.96

МУСТАҚИЛЛИК ҚАСИДАСИ

Мустақиллик — бу хуррият,
бу — озодлик демакдир,
Бу — элу юрт осойиши,
бу — ободлик демакдир,

Истибдоднинг заҳмин чеккан
ўзбек учун бу байрам,
Энг улуғу, энг азизу
буюк шодлик демакдир.

Бу — муқаддас бир байрамдир,
таворихда тенги йўқ,
Истиқлолнинг қасрига бу —
бир бунёдлик демакдир.

Амир Темур замонидан
ўтиб қанча давронлар,
Яна қайтдик аслимизга,
бу — аждодлик демакдир.

Биз йўқотган эркимизга
мушарраф бўлдик яна,
Иншооллох, бу улуғ бахт,
хур авлодлик демакдир.

Икки улуғ ҳайит бизга
азиз эди азалдан,
Мустақиллик ийди азиз,
умрбодлик демакдир.

Хурриятнинг қадрин билур
қул бўлиб ўсган киши,
Бизлар энди қул эмасмиз,
хур нажотлик демакдир.

Инсон зоти туғилганда
қуллик учун туғилмас,
Эркинликда яшаш азал
одамзодлик демакдир.

Ўзбекларни таъқиб этган
замонлар ўтиб кетди,
Келди озод бир авлодким,
бу зурёдлик демакдир.

Жумла жаҳон ичра биз ҳам
бир донишманд миллатмиз,
Билинг қадру қимматингиз,
рух ободлик демакдир.

Буюк Ватан жабҳасида
барча бўлсин фидойи,
Истиқлолни асранг, дўстлар,
бу — фидолик демакдир.

Мустақиллик — энг улуғу
энг азиз бахтдир бизга,
Шаън-шавкати бўлсин баланд,
бу — абадлик демакдир.

Кимнинг бўлса иймони пок —
билур Ватан қадрини,
Хурриятга жони фидо,
эътиқодлик демакдир.

Эркни асранг қароқ каби,
ахдда бўлинг устувор,
Кулликдан Сиз ҳазар қилинг,
бу — фарёдлик демакдир.

Элнинг азиз фарзандлари
буюк бўлган Ватанда,
Асли тоза бир улусмиз,
бу — покзотлик демакдир.

Озод Ватан — обод Ватан,
жаннатда ҳам топилмас,
Ватан хокин суринг кўзга,
бу — рўшнолик демакдир.

Мустақиллик ийди бизга
насиб қилсин то абад,
Иймони бор кишига бу
одамзодлик демакдир!

1997

СЎЗ МУЛКИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

Сўз мулкида гарчи кўп ўтган шоҳлар,
Сиз каби музаффар кишваристон йўқ.
Хоқондек сийлаган олий даргоҳлар,
Сизга тенг донишманд хисравнишон йўқ.

Йўқдир сиздек буюк ва табаррук зот,
Аҳли дилга шафеъ комил инсон йўқ.
Йўқдир аҳли жоҳга бергувчи нажот,
Калом кишварида фахри даврон йўқ.

Шодумон этгани аҳли замонни,
Инсон тилин билган бир забондон йўқ.
Якқалам қилгани озод давронни,
Закий соҳиб қалам бир сухандон йўқ.

Йўқдир сўзга шавкат бергувчи даҳо,
Муаззам тоғ каби бир соябон йўқ.
Йўқдир турк улусин уйғотган садо,
Ҳурликдан ўкирган бир арслон йўқ.

Гарчи ақлим олди не-не даҳолар,
Назм давлатида сиздек султон йўқ.
Падари бузургдек қилмиш дуолар,
Сиздек менга азиз бир меҳрибон йўқ.

Йўқдир турк назмида сиз қадар дако,
«Хамса»дан буюкроқ асар ҳамон йўқ.
Йўқдир «Хазойин ул-маоний» — якто!
Сизсиз Хуросону буюк Турон йўқ.

Не бахт, мукаррамсиз аҳли оламга,
Сизсиз нозимларга даври даврон йўқ.
Қиличлар кудратин бермиш қаламга,
Сизсиз она замин, тоза осмон йўқ.

Йўқдир сизни азиз билмаган юртдош,
Сизсиз улусимга шарафу шон йўқ.
Йўқдир фалак узра балқиган қуёш,
Сизсиз бизга ҳаёт, ёруғ жаҳон йўқ.

Ҳамонки, маддоҳлар устомон, дилхоҳ,
Ўзининг дардидан бўлак армон йўқ.
Санахонлик қилур — сўзомол, суллоҳ,
Тилини тийгувчи марди майдон йўқ.

Йўқдир Калом қадрин баланд тутган
зот,
Сўз бозори касод — фидойи жон йўқ.
Йўқдир суханварлар сарвари, Барот,
Иншодан бахтиёр аҳли иймон йўқ.

Не шараф, улусга Раҳнамо падар,
Қадрингиз сарбаланд этмаган он йўқ.
Миллий боғингизни қилиб мунаввар,
Сизга гул элтмаган аҳли замон йўқ.

Йўқдир сизга таъзим қилмаган меҳмон:
Президенту қирол, шоҳу султон йўқ.
Йўқдир номингизни билмаган инсон,
Чордевон етмаган ҳур хонадон йўқ.

Сиздек бунёд этиб олий қасрлар,
Ҳазрати Инсондан, балки, шодмон йўқ.
Ҳавас қилса арзир, эллар, насллар,
Машрикда бундайин дорул-амон йўқ.

Йўқдир бундан обод дорус-салтана,
Улусга Ватандан азиз макон йўқ.
Йўқдир ўзга юртда бундай тантана,
Сардордан фидойи Меъмор инсон йўқ.

Сиз миллат рамзисиз, миллат фахрисиз,
Сиздек шамсул миллат, зеби жаҳон йўқ.
Сиз билан то абад баланд қадримиз,
Тангри назар қилган сиздек комрон йўқ.

Йўқдир сиздек элга азизу ғамхор,
Улусин ўйлаган соҳиб девон йўқ.
Йўқдир хар Каломи минг дурри
шоҳвор,
Маснавийда сиздек фахри жаҳон йўқ.

Сизга шаҳар қурдик Навоий дебон,
Бундан зиёд, балки, зўр армуғон йўқ.
Замон фарҳодлари айлади бўстон,
Ўзбекдай меъмору қўли гул жон йўқ.

Йўқдир икки қадим шаҳарда армон,
Улуғ кентлар аро бундай бўстон йўқ.
Йўқдир ҳайрат билан боқмаган инсон,
Бир тўхтаб ўтмаган азим карвон йўқ.

«Янги Хамса» битдим, сизга, эй устод,
Бу айём бундан-да улуғ достон йўқ.
Бир умр боғингиз этурмен обод,
Мен сизни унутсам — Ўзбекистон йўқ.

Йўқдир сиздек хоқон бу жаҳон аро,
Назмда забардаст бир қаҳрамон йўқ.
Йўқдир пири комил бир достонсаро,
Сўз мулкида сиздек Соҳибқирон йўқ!

26.12.97

ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН!

Марҳабо, эй, Янги йил! —
Қадаминг қутлуғ келсин,
Эски йилдек сенинг ҳам
Йўлларинг ёруғ келсин!

Аҳли Ватан бошига
Бахт тожини кийдириб,
Шодлик тахтин раво кўр,
мартабанг улуғ келсин.

Яхши ниятлар қилинг,
аҳли замон, бу айём,
Орзулар топиб амал,
Оллоҳдан йўруғ келсин.

Тила — тилагингни, дер,
ул Сарвари коинот,
Дийдор боғида сийлаб,
дўсту ёр хушлуғ келсин.

Эртанги кунни ўйлаб,
кимки ерга сочса дон,
Мурод экинзорида
ҳосили бўлуғ келсин.

Инсон қадр гавҳарин,
асра кўз қароғидек,
Кишилик манзилига
иззат-обрўлуғ келсин.

Етти рақами азал
аҳли муслимга азиз,
Етти иқлимни ошиб
Эрк наҳри тўлуғ келсин.

Муборак етти ёшин
қутлар сенда Истиқлол,
Ҳуррият байрамига
ҳар инсон ўзлуғ келсин.

Мустақиллик Каъбасин
кўргани озод улус,
Ўн икки вилоятдан
айлашиб табуғ, келсин,

Аждодларга муносиб
бўлса, не тонг, ҳур авлод,
Истиқлолга ворислар
юраги ўтлуғ келсин.

Ёруғ куниинг кўп бўлсин,
бўлмасин қаро куниинг,
Ҳар азиз хонадонга
офтобдан нур-чўғ келсин.

Оила бўлса давлат,
ота-она — шоҳ, вазир,
Йўқлаб азиз фарзандлар,
қариндош-уруғ келсин.

Ҳар янги нарса азал
эскидан хўбу азиз,
Янги Олий қасрингга
инсон комжўйлуғ келсин.

Не тиласам, эски йил
менга этди муҳайё,
Сенда «Янги Хамса»дан
турк назмига туғ келсин.

Эски йилга хайр, деб,
сенга омад тиладим,
Бараканга элу юрт
қилгани қуллуғ, келсин.

Марҳабо, эй, Янги йил! —
Қадаминг қутлуғ келсин,
Эски йилдек сенинг ҳам
йўлларинг ёруғ келсин!

20.XII.97

ЎЗБЕКИСТОН УНУТМАС

Аллома Музаффар Хайруллаев шарафига

Яхшилик қилган кишини
яхши инсон унутмас,
Машойихлар қилур дуо,
аҳли замон унутмас.

Анинг сўзи офтоб каби
дил уйин этур равшан,
Сўзидан жон қуши яйрар,
дўсту ёрон унутмас.

Башар ақли қолур ҳайрон
хидоят, аъмолидин,
Фикрат дуррин тутар хурсанд,
меҳри уммон унутмас.

Бир яхшилик қилган зотга
юз яхшилик эрур кам,
Минг садаф ичра бир дурни,
аҳли комрон унутмас.

Эзгуликни ният қилган
киши етгай муродга,
Савоб боғин этур обод,
аҳли даврон унутмас.

Оқил кирган уйга, дерлар,
жоҳил қадам қўёлмас,
Китоб қадрин билса кимки,
аҳли иймон унутмас.

Аҳли замондин яхшилик
кўрсин яхши одамлар,
Яхши инсон — кўрки жаҳон,
насли инсон унутмас.

Не ажаб, Раҳмат наҳридин
оби ҳаёт сочилса,
Савоб билан кечмиш умр
бўлса достон, унутмас.

Ҳайит куни Мирзо Барот
ёзди қасидасини,
Заковатли алломани
Ўзбекистон унутмас.

30.01.98

МУСТАҚИЛЛИК САОДАТИ

Мустақиллик — бизга олий саодат,
Ҳақ раво кўрган илоҳий саодат.

У Одам Атодин, Момо Ҳаводин,
Ҳам Расулуллоҳдин мозий саодат.

Кишилик руҳининг қасрига меъмор,
Ҳам зевар бергувчи моний саодат.

У кўкдан тушмаган, чиқмаган ердан,
Иймонли инсонга хокий саодат.

Уни деб не зотлар бўлмиш фидойи,
Шаҳидлар қонидан боний саодат.

Жон ичра яшади муте замонда,
Юракдан излади ҳомий саодат.

Тутқунда яшаган улус бахтига,
Ҳурлик олиб келди дохий саодат.

Саодатсиз одам бўлур хору зор,
Кулфатга табибу комжўй саодат.

Саодатни қўйманг йўқотиб, дўстлар,
Қароғдек асрангиз, жомий саодат.

Мустақиллик қадрин тутинг сарбаланд,
Кимга боқий, кимга оний саодат.

Қуёш омон экан, омондир замин,
Элу юрт ҳур экан, боқий саодат.

Истиқлол шарафи, Ватан шаънига,
Бир пиёла май сун, соқий саодат!

22.05.98

КАРВОН ЎТАР...

Эй, ҳасад бандаси, очгил кўзингни,
Ҳур замонда сочма заҳар сўзингни.
Билиб қўй: ит ҳурар — ўтадир карвон,
Аҳли дил сафига урма ўзингни.

Акиллаб қолурсан карвон ортида,
Не карвон, донишманд сарбон ортида,
Сен сиғинган шўро замони ўтди,
Ўтмишни қўмсама замон ортида.

Энди қайтиб келмас сенинг давронинг,
Гарчи қўлингдадир найза, гавронинг.
Қозилик қилмоқни истайсан ҳамон,
Дилингни зулукдек сўрар армонинг.

Ҳамон валдирайсан — ниятинг фасод,
Замонадан нолиб соласан фарёд.
Не тонг, чарх айланмас сен истагандек,
Сўзингга кирмайди энди ҳур авлод.

Адолатни ниқоб қилиб олибсан,
Эътикод уйида ғавғо солибсан.
Буқаламун каби турланиб, тониб,
Эски аравани суриб қолибсан.

Ҳамон ғарб олдида қиласан сажда,
Гарчи созинг тори узилди авжда.
Кўкракка урасан ҳакам сингари,
Пўкакдек оқасан кўпирган мавжда.

Ҳасад қилма мунча, қўй, ҳавас қилгил,
Ҳасадни ўзингга бир қафас билгил.
Қушдек озод бўлгил сен ҳам қафасдан,
Истиқлол аҳлига ҳамнафас бўлгил.

Истиқлолни кўзлар шукуҳли карвон,
Ҳуррият мулкида элу юрт шодмон.
Фуқаро бўлсанг гар озод Ватанга,
Тавба қил, гуноҳинг оқла, эй нодон.

Қилич кесмас дерлар эгилган бошни,
Ўз элу юртингга отмагил тошни.
Қуёшдек боқийдир ҳур Ўзбекистон,
Ким уриб туширмиш кўкдан қуёшни.

Қуёшга таъзим қил — зиёсини ўп,
Жаннатдек боғлари, дарёсини ўп.
Етти иқлим аро тенгсиз ва нодир,
Бебаҳо тупроғи кимёсини ўп!

10.08.98

ЯХШИ ҚОЛИНГ, БОҒЛАРИМ

(Мавлоно Ислом Шоғуломов монологи)

Баҳор гулларига бурканган боғлар,
Офтоб нурларига чулғанган боғлар,
Табиат феълига ўрганган боғлар,
Яхши қолинг, яна излаб келурман.

Азиз фарзандимдек ҳар дарахтингиз,
Мен билан очилди толе, бахтингиз,
Тоғдек баланд бўлсин тожу тахтингиз,
Яхши қолинг, сиз-ла бирга бўлурман.

Мевангиздан яхши одамлар тотсин,
Жамолингиз кўриб ҳайратда қотсин,
Бошингизда нурли, ҳур тонглар отсин,
Яхши қолинг, эслаб завққа тўлурман.

Сиздек «Шарқ»ни ташлаб кетаётирман,
Ҳаёт синовидан ўтаётирман,
Қаддимни тоғ каби тутаётирман,
Яхши қолинг, яна тонгдек кулурман.

Етмиш икки баҳор сизларда қолди,
Чўққига туташган изларда қолди,
Кулиб боққан қора кўзларда қолди,
Яхши қолинг, сабо бўлиб елурман.

Дўстлар баланд бўлсин, душманларим паст,
Ватану халқ меҳри жонимга пайваст,
Сиз билан бўлурман ҳамкору ҳамдаст,
Яхши қолинг, шодман ўтган умрдан.

Сизлардан бол йиғсин асаларилар,
Парвона бўлмасин ҳасад арилар,
Мендек эслаб келсин покрўй қарилар,
Яхши қолинг, яшнаб туринг сурурдан.

Бўстонлиқнинг Янгиқўрғонида Сиз,
Кўкўпар тоғларнинг маконида Сиз,
Ғазалхон булбуллар ошёнида Сиз,
Яхши қолинг, Сиздан минг ўргилурман.

Мен Сизни яратдим яхши кунларда,
Ғурбатда қўймадим қора тунларда,
Кўрмакни истадим барқут тўнларда,
Яхши қолинг, рози бўлинг фақирдан.

Не ажаб, боғларим, нурли «Шарқ» бўлсам,
Яхшилар қалбида меҳр, барқ бўлсам,
Баҳор гулларига Сиздек ғарқ бўлсам,
Яхши қолинг, яна қайтиб келурман!

2000 йил, 5 апрел

ЎЗБЕКМАН ДЕГАНДА ОЛАМ УЙҒОНСИН

Миллий мафкурамиз жабҳаларида,
Истиқлол китобин саҳфаларида

Миллий ғоя бизга даъваткор бўлсин,
Ўзбек тургунича мангу бор бўлсин!

Шонли курашларга бизни чорласин,
Қалбимиз кўкида кундек порласин.

Бизга ғурур берсин, берсин ифтихор,
Ўзбекман деганни уйғотсин такрор.

Кучу қудрат бўлсин жисми-жонига,
Жони фидо бўлсин ўз маконига.

Ўзбекистон деса оёққа турсин,
Ўзбекман деб мағрур кўкракка урсин.

Юртини, элини қилсин ҳимоя,
Қалбига қон берсин зўр миллий ғоя.

Жанговар сафларда турсин музаффар,
Ғолиблик доимо бўлсин муяссар.

Шонли тарихига қўндирмасин гард,
Мозийга отлансин кимки бўлса мард.

Истиқлол нурини сурсин кўзига,
Зийнат берсин Мустақиллик сўзига.

Миллий мафкурага фидойи бўлсин,
Миллий ғоя умрин чиройи бўлсин.

Жисмига жон берсин ватанпарварлик,
Ватан жабҳасида қилсин сарварлик.

Кучу қудрат олсин халқпарварликдан,
Кўнгли нурга тўлсин ҳақпарварликдан.

Ватанига, халқига ким фидокор
Бошига кўтаргай уни ҳур диёр.

Миллий ғоя — иймон нури сингари,
Қалбимиз ёритсин унинг нурлари.

Миллий мафкурага у асос бўлсин,
Биздан авлодларга зўр мерос бўлсин.

Наслимиз асрасин кўз қорачиғидек,
Олам аро ёнсин Сўз чорағидек.

Истиқбол йўлини мунаввар этсин,
Истиқлол авлодин музаффар этсин.

Кимки раҳна солса миллий ғояга,
Миллати ичида етмас вояга.

Улус назаридан қолиб, хор бўлар,
Дилида мехрмас, тиканзор унар.

Элу юрт қадрига етмаган жонлар,
Манманлик даштида сарсон шайтонлар.

Умрини ўтказар икки ўт аро,
Билмаски, бағри хун, толеи қаро.

Мафкурани сохта қурол қилганлар,
Сўз билан кишилар бағрин тилганлар.

Керилиб, кўкракка урмасин қанча,
Элга нафи тегмас ҳатто тиканча.

Бозори ўтмаган мафкурабозлар,
Минбар текканида тили дарозлар,

Миллий ғоямизга солмасин соя,
Бизга айтмасинлар эртак, ҳикоя.

Истиқлол йўлига бўлмасинлар ғов,
Халқимиз ичидан қидирмасин ёв.

Ақл ўргатмасин, бўлиб билағон,
Эсин йиғиб олса, яхшидир, шоён.

Миллий мафкурамиз фидойилари!
Миллий ғоя эрур миллат гавҳари.

Бу гавҳарни асранг, йўқотманг асло,
Ундан ҳосил бўлур барча муддао.

Олмос кўзингизга қорачиқ бўлсин,
Қалбингиз ёндирган пора чўғ бўлсин!

Унга жонин берсин Ўзбекман деган,
Миллати йўлида фидойи бўлган!

Ифтихор қуёши қалбида ёнсин,
Ўзбекман деганда олам уйғонсин!

14.03.2000

НАВОИЙ СЎЗЛАМОҚДА

(Ўзбек гулчамбари)

Акам шаънига

Муаззам Тошкентнинг пок сийнасида
Мунаввар Машриққа боқиб улуғвор.
Асрий орзуларнинг силсиласида
Навоий сўзлайди, минг йилга пойдор.

Навоий сўзлайди, минг йилга пойдор,
Буюк Истиқлолнинг шоҳсупасида.
Ижодкор инсондан бўлиб миннатдор,
Олқишлар янграйди ўтли сасида.

Олқишлар янграйди ўтли сасида,
Қошида парвона фарзанди башар.
Муқаддас шоҳсупа бўсағасида
Халойиқ беҳудуд уммонга ўхшар.

Халойиқ беҳудуд уммонга ўхшар,
Васлига ошиқар минг-минглаб дарё.
Шодик уммонидан териб дур, гавҳар,
Таъзимга бош эгар Ўрта Осиё!

Таъзимга бош эгар Ўрта Осиё,
Шоирнинг пойида — яшнаган гулзор.
Энтикиб, кўз тутар орзуманд дунё,
Ўрта Осиёнинг бахтига хумор.

Ўрта Осиёнинг бахтига хумор
Офтоб ҳам жилмайиб боқар фалакдан.
Қондош фарзандларин сийлаб бахтиёр,
Олқишлар ёғдирар ўтли юракдан.

Олқишлар ёғдирар ўтли юракдан,
Қўли гул, заршунос соҳибкорига.
Унга бир тахт ясаб жуда юксакдан,
Ўзини бахш этар ҳур диёрига.

Ўзини бахш этар ҳур диёрига,
Бободеҳқон бўлиб фидо этар жон.
Самовий қасрлар бунёдкорига,
Бир олам қувончни этар армуғон.

Бир олам қувончни этар армуғон
Ва таъзим этади шоир қошида.
Заҳматкаш инсонни қутлаб шодумон,
Ўз шодлигин кўрар шеър қуёшида.

Ўз шодлигин кўрар шеър қуёшида
Ўзбегу тожигу, қирғизу туркман.
Ўрта Осиёнинг қадим Шошида
Бугун давом этар буюк анжуман.

Бугун давом этар буюк анжуман
Шоир сўзлаётир улуғ минбарда.
Бошида жилмайиб эрки аржуманд,
Шоир сўзлаётир бугун мингларга.

Шоир сўзлаётир бугун мингларга.
Денгиздай сертўлқин тумонат одам.
Навоийнинг ўтли шеърин тинглашга,
Шараф майдонига қўйишган қадам.

Шараф майдонига қўйишган қадам
Шоирга қалбида мехри бор инсон.
Буюк улусини айлаб якқалам,
Шоҳ сатрин битади шоири замон.

Шоҳ сатрин битади шоири замон,
Сўзлар уммонидан излаб жавоҳир.
Ҳуррият завқидан замзама бу жон
Истиқлол котиби эрур беназир.

Истиқлол котиби эрур беназир,
Қалбида мавж урар чашмаи илҳом.
Навоий шаънига ўқигали шеър,
Шайланиб турибди не ахли калом.

Шайланиб турибди не ахли калом,
Жилмайиб қўяди улус беназир.
Заҳматкаш халқига буюк эҳтиром,
Завқига тор келур Зарафшону Сир.

Завқига тор келур Зарафшону Сир,
Шоир сўзларидан қалбларда жунбуш.
Ойнаи жаҳондан кўз узмас масрур
Андижон, Ашгабат, Душанбею Ўш.

Андижон, Ашгабат, Душанбею Ўш
Тошкентга қалбини айлаган пайванд.
Истиқлол боғидан гул териб сархуш
Шоирни олқишлар Бишкек, Самарқанд.

Шоирни олқишлар Бишкек, Самарқанд,
Бухорою Чимкент унга хамоҳанг.
Ўзбек диёрига бўлиб орзуманд,
Буюк армонларга берар турфа ранг.

Буюк армонларга берар турфа ранг,
Шоир ҳам жилмайиб қўяди қувноқ.
Бор бўлсин, Ҳуррият берган
тахт-авранг,
Оқсарой устида хилпирар байроқ!

Оқсарой устида хилпирар байроқ
Бахтимиз кўз-кўзлаб жумла жаҳонга.
У — қисмат бизларга тутқазган маёқ,
Ёғдуси сут билан сингиган жонга.

Ёғдуси сут билан сингиган жонга,
Боболар қалбига пайваста ранги.
Бизни у ёр қилиб эрку иймонга,
Дунёга келгандир Ҳуррият тонги.

Дунёга келгандир Ҳуррият тонги,
Иқболбахш кунимиз ундан туғилган.
Шоир сўзларининг янгроқ оҳанги
Оппоқ тонгимизга нурдай йўғрилган.

Оппоқ тонгимизга нурдай йўғрилган
Навоий кўзидан балқиган зиё.
Бугун ифтихор-ла таъзимга келган
Умридан миннатдор Ўрта Осиё!

Умридан миннатдор Ўрта Осиё
Қалбини забт этган шеърият асри.
Унга ёғду сочиб турибди гўё
Оламда беназир Оқсарой қасри.

Оламда беназир Оқсарой қасри
Улуғ кошоналар — ўзи бир жаҳон!
Бу — янги Тошкентнинг зарварақ
фасли,
Бахт тожини кийган хур Ўзбекистон!

Бахт тожини кийган хур Ўзбекистон
Навоийга ўқир дилдан қасида.
Ва таъзим этади миллионлаб инсон
Муаззам Тошкентнинг пок сийнасида.

Муаззам Тошкентнинг пок сийнасида
Ўзбек диёрига боқиб миннатдор,
Асрий орзуларнинг силсиласида
Шоир сўзлаётир, минг йилга пойдор!

2000

ЎЗБЕКИСТОН

(сонетлар гулчамбари)

I

Бир улуғ диёр бор рубъи маскунда,
Мен учун онамдек азиз, ягона.
Бошида умрбод бўлдим парвона,
Ҳурлик давлатини кўролдим унда.

Кўкда сайёра кўп, ерда мамлакат,
Шу икки оламдан иборат дунё.
Икки олам аро қуёшдай танҳо,
Ўзбекистон азиз қалбимга фақат.

На бирор сайёра, на бир мамлакат
Меҳри юрагимга сололмайди ўт.
Мағрур қанот ёздим мисоли бургут,
Ўзбек қурганида буюк салтанат.

Афросиёб туғин кўтарган Турон,
Юлдуздек порлайди унда ҳар инсон.

II

Юлдуздек порлайди унда ҳар инсон,
Муқаддас кўксига қўйиб бошини,
Мум янглиғ эритиб қайғу тошини,
Шодлик уммонида уради туғён.

Ватаним Истиқлол ёғдусин сочиб,
Зим-зиё дунёни қилди мунаввар.
Амир Темур туғин тутди музаффар,
Эрк деганга иқбол эшигин очиб.

Буюк Соҳибқирон қурган салтанат
Дунёни ҳайратга солди дафъатан,
Улуғ элни айлаб бир жону бир тан,
Бошини силади улуғ мамлакат.

Музаффар Ўзбекни сийлаб гардунда,
Саодат офтоби балқиди унда.

III

Саодат офтоби балқиди унда,
Ғам-алам қушларин учириб бошдан.
Ватаним миннатдор улуғ наққошдан,
Кишилик бешиги — рубъи маъмурда.

Ўзбекистон — жаннат диёрим менинг,
Боболар бешигин тебратган Ватан.
Менга шеър каломин ўргатган Ватан,
Дунёда топилмас баҳорим менинг.

Ўзбекистон — шодлигу бахт уммоним,
Толеимдек кулган илҳом маскани.
Иймон, эътиқодим, эрким чамани,
Дунёда кашф этган ёруғ жаҳоним.

Ўзбекистон балқиб қуёшдай хандон,
Нуридан оламни этди чароғон.

IV

Нуридан оламни этди чароғон,
Уйқудан уйғотди Янги асрни,
Буюк сафда кўриб янги наслни,
Жаннатдек яшнади ҳур Ўзбекистон!

Жангу жадалларни кечириб бошдан,
Заминга қадамин қўйди устувор,
Қўндирмади юрагига чанг-ғубор,
Нур эмиб, Ҳуррият деган қуёшдан.

Ерда мамлакат кўп, кўкда сайёра,
Сайёралар инсон изига мушток,
Мамлакатлар ичра бир диёр порлоқ,
Мен учун дунёда олтин гаҳвора.

Эрк соҳибин кўриб тахти гардунда,
Ватаним тўй қилар муборак кунда.

V

Ватаним тўй қилар муборак кунда,
Кўзларни сеҳрлар кўркам жамоли,
Ҳар уйдан эсмоқда тўйнинг шамоли,
Озодлик қувончи аҳли муслимда.

Тўйга тўёнасиз бормайди бизда,
Тўёна — азалий расми-одатдир,
Одатга киргани зўр саодатдир,
Муборак анъана Ватанимизда.

Ўзбек ўз одатин этмасдан канда,
Ҳаёт жабҳасида меҳнат билан банд.
Тоғни қалқон қилар Фарходга монанд.
Қадоқ қўлларини ишга урганда.

Тўёна ишқи-ла яшар ҳар одам,
Шодлигига бугун тор келур олам.

VI

Шодлигига бугун тор келур олам,
Саодат мулкида сурмакда даврон.
Дунё карвонига бўлгандек сарбон,
Нурли уфкларга кўймокда кадам.

Унга хавас килар кўшни давлатлар,
Хурлик дастурхонин ёзганлир тўйга.
Бугун мехмон кутар хашамдор уйда,
Бошида парвона шаъну шавкатлар.

Тонг билан куёшдай келган мехмонни,
Мезбонлар эъзозлаб нону туз билан,
Уйини кўрсатиб ёруғ юз билан,
Бошига кўтарар азиз инсонни.

«Ўзбек» сўзи янграр янги мазмунда,
Ўз кадрини топди мулки маъмунда.

VII

Ўз кадрини топди мулки маъмунда,
Саодат боғида дўстини йўклаб,
Ширин сўзлар билан кўнглини хушлаб,
Хаёт завкин сурар рубъи маъмурда.

Хуррият нуридан ўйлар мунаввар,
Бошимиз кўкда-ю, кўкрагимиз тоғ,
Кўнгиллар ободу димоғимиз чоғ,
Хуш айём бахш этар улкан бир зафар.

Зафарлар тошкини тинмас куну тун,
Тошканди азимга окар дарёдай,
Кўзни камаштириб олтин зиёдай,
Милёнлаб калбларни сехрлар бугун.

Истиклол нашъасин сурмокда бу дам
Ўзбек тупроғини яшнатган одам.

VIII

Ўзбек тупроғини яшнатган одам
Аклу идрокига олам берди тан.
Ватани равнакин ўйлаб мукаррам,
Дарди-ю, ғамини кўролди бахам.

Адолат байроғин кўтариб баланд,
Буюк бир Ватанни комрон этди у,
Ўзини тинчликка посбон этди у,
Калбларни калбларга этолди пайванд.

Улуғ тўй кунида содик дўстлари,
Ўзбек шарафига куриб анжуман,
Юртимиз хуснига бўлиб орзуманд,
Дунё бўйлаб янграр олкиш сўзлари.

Дўстлик билан эрур умри зиёда,
Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда.

IX

Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда,
Ой каби танҳомас, юлдуздай кўпдир,
Хуррият касрига безакдир, зебдир,
Умид каҳкашонин кўрар самода.

Дўстлар кувончининг чеки йўк асло
Ва лекин душманлар ҳоли эрур танг.
Ватаним кўксига солай дея чанг,
Кафасдай кўринар кўзига дунё.

Тўйдан дўст кувонар, куйинар душман,
Бу ҳикмат аёндир кадимдан бизга.
Бахт кулиб боққанда заминдан бизга,
Дўстлик боғин яна этурмиз гулшан.

Ёв кўксига тиғдай ботиб ҳар сўзи,
Куёшдай ярқирар толе юлдузи.

X

Куёшдай ярқирар толе юлдузи
Сирли сайёралар туркуми ичра,
Саодат ёғдусин тўлқини ичра,
Сехрдан камашар одамзод кўзи.

Кўкда сайёра кўп, ерда мамлакат,
Бир инсон сингари порлар ҳар юлдуз,
Заминдан бахт излаб кечаю кундуз,
Не жонлар эл аро чекар азият.

Кўк ичра курса хам куёш салтанат
Фукаро дардига топмади чора.
Ҳатто киролмади жонига ора
Ўзлари туғилиб ўсган мамлакат.

Ва лекин топади бахтин дунёда,
Саодат умиди бўлиб зиёда.

XI

Саодат умиди бўлиб зиёда
Эркин нафас олсам дейди ҳар одам.
Одамсиз олам хам яшолмас бир дам,
Одам билан, ахир, олам зебо-да.

Бор нарса муаллақ самода, балки,
Янги сайёралар пайдо бўлмагай,
Янги юлдузлар ҳам порлаб кулмагай.
Лекин шунга менинг қалбим аминки,

Қуёш атрофида айлангандек ер,
Бахтиёр авлодлар келиб дунёга,
Одамлар парвона бўлиб зиёга,
Истиқлол қуёшин менинг бахтим, дер.

Хуш олам қўйнида парпираб кўзи,
Тонгдек жилмаймоқда бугун ер юзи.

XII

Тонгдек жилмаймоқда бугун ер юзи,
Олам ранг олмоқда Савоб боғидан.
Олам нур олмоқда Офтоб боғидан,
Пешонасин ўпиб иқбол юлдузи.

Ерда мамлакат кўп, кўкда сайёра,
Юлдуздек беҳисоб заминда инсон.
Беҳисоб инсонлар ичра бегумон
Ўзбек ҳам азиздир бу жаҳон аро.

Улуғ тўй кунида азим Тошкандда
Барча вилоятдан дўстлар бўлур жамъ.
Эътиқодин этиб яна мустаҳкам,
Пойтахтда ўзини сезар арзанда.

Қалбларда жўш уриб ўтли қасида,
Мамнунлик янграйди Ўзбек сасида.

XIII

Мамнунлик янграйди Ўзбек сасида,
Ватан бўйлаб янграр бу буюк нидо,
Жаҳон бўйлаб янграр бу суюк нидо,
Улуғ тўйнинг ҳар бир дақиқасида.

Буюк улусини кўриб шодумон,
Бахтиёр юзида акс этиб офтоб,
Қалбидан отилиб оташин хитоб,
Тўй билан қутлайди Яздони комрон.

Улуғ тўйга бўлиб ўзи тўйбоши,
Халқимиз бошини силар Худойим,
Бизга бахту иқбол тилар Худойим,
Мангу балқигандек умид қуёши.

Бу қуёш чулғанар эрк шуъласига,
Дунё боғин барча минтақасида.

XIV

Дунё боғин барча минтақасида,
Ҳаётнинг мангуга бўлиб йўлдоши,
Қалбларни ёритиб Ҳурлик қуёши,
Порлайди замонлар силсиласида.

Бу қуёш зиёси тушмаган уй кам,
Ёғдусидан баҳра олмаган қалб йўқ,
Нурига орзуманд бўлмаган алп йўқ,
Бу нурга маҳлиё жумлаи олам.

Бу қуёш сўнмагай токи бор жаҳон,
Ҳаёт рамзи бўлиб порлайди абад,
Бизни Истиқболга чорлайди абад,
Қуёшдай жилмаяр Ўзбегим комрон.

Меҳрининг нури бор ҳар заррасида,
Бир улуғ диёр бор ер куррасида.

ГУЛЧАМБАР

Бир улуғ диёр бор рубъи маскунда,
Юлдуздек порлайди унда ҳар инсон.
Саодат офтоби балқиди унда,
Нуридан оламни этди чароғон.

Ватаним тўй қилар муборак кунда,
Шодлигига бугун тор келур олам.
Ўз қадрини топди мулки маъмунда,
Ўзбек тупроғини яшнатган одам.

Бугун дўсти кўпдир унинг дунёда,
Қуёшдай ярқирар толе юлдузи.
Саодат умиди бўлиб зиёда,
Тонгдек жилмаймоқда бугун ер юзи.

Мамнунлик янграйди Ўзбек сасида,
Дунё боғин барча минтақасида.

2000

УМР ҚАСИДАСИ

Аллома Мурод Шарифхўжаев шаънига

Шариф зотнинг фарзанди
алломаи замондир,
Муродига етолган
бир нодири даврондир.
Зарифлик саройида
қуриб илм тахтини,
Маърифат тожин кийган
саодатли султондир.
Сокин оқар зўр дарё —
баҳри тўла жавоҳир,
Оби замзами зилол —
баҳра топган комрондир.
Офтоб нурини сочар
барча элга баробар,
Меҳр зиёси тушган
кўнгиллар чароғондир.
Китоб кўрган кишининг
ҳаёт йўли мунаввар,
Зулмат соя сололмас,
адолат соябондир.
Яхши инсоннинг юзи
дили каби нурлидир,
Назари тушган кўнгил
марҳаматдан бўстондир.
Элга илм ўргатмоқ
савоб иш дер машойих,
Ирфон боғига азал
доно инсон боғбондир.
Гул очилган чаманда
алаф ҳам ўсгай, дўстлар,
Алафга қўшиб гулни
узмаган чин инсондир.
Фариб бошин силайди
маърифатли одамлар,
Олимман деб оламни
бузган асли нодондир.
Даврон қўлида гаврон
бўлмас асло донолар,
Доно бошини ёрган
нодондаги гаврондир.
Бош ёрилса, э дўстлар,
дўппи остида, дерлар,
Бошингизни ёрмаган,
билинг, одил замондир.
Ўзбек ўзига бекдир,
бордир хос салтанати,
Бунда шоҳу гадо тенг —
эрк тахтида султондир.

Элу юрт омон бўлсин,
омон бўлсин сарвари,
Алломалар макони
азал Ўзбекистондир.
Етмиш ёшга кирмишлар
Мурод ака бу айём,
Юзга кирсин, илоҳим,
шариф зотга ўғлондир.
Азиз умрин бахш этди
илму фан ривожига,
Кимдан сўрасанг дейди:
умр йўли ирфондир.
Мурод акадек шариф
алломалар бор бўлсин,
Бир қасида битгил, деб,
дуо қилган Яздондир!

ВАТАН ҚАДРИ

Ватан қадрини Ватандан кетганлардан
сўранглар,
Хуноб ила номаи хол битганлардан
сўранглар.

Айрилиқ азобин тортган кишиларнинг
дарди ўт,
Ҳаёти боғини кукун этганлардан
сўранглар.

Боши тошга тегиб, нетсин, пешанаси
ярадир,
Кечалар заққуми захар ютганлардан
сўранглар.

Қавму қариндош меҳрига зор бўлиб
йироқларда,
Ватандан эсган елга юз тутганлардан
сўранглар.

Юртма-юрт, элма-эл кезиб сарсон
саргардонликда,
Қисмат чохи Бобулидан ўтганлардан
сўранглар.

Дилидан сиркираб оқиб қонлар шому
сахарлар,
Висол субҳини ғурбатда кутганлардан
сўранглар.

Ватан соғинчи ўтдирким, ким куйиб кул
бўлмади,
Ёна-ёна, хокин кўзга суртганлардан
сўранглар.

Мусофир бўлмаган киши мусулмон
бўлмас, дерлар,
Ғурбатда кўнгил чокини ситганлардан
сўранглар.

Фалакнинг гардиши билан умри ўтиб
фуркатда,
Жигар-бағри хуну кўнгли ситамлардан
сўранглар.

Муҳожирлик азобини бошидан ўтган
билур,
Бесару сомон ҳаётдан безганлардан
сўранглар.

Ватану хеш-акрабодан азиз не бор
дунёда,
Элу юртни бойлик деб унутганлардан
сўранглар.

Хижозу Сахройи кабир ё дашти
Карбалода,
Қаландардек девонавор кезганлардан
сўранглар.

Нил бирла Ганг орасида оҳидан куйиб
осмон,
Боғ аро гул деб тиканни узганлардан
сўранглар.

Дом-дараксиз кетганларни излаб овора
бўлманг,
Айрилиқ наҳрида чўкиб, йитганлардан
сўранглар.

Умри гузорони ўтиб тонг отмас
кечаларда,
Кўнгил дуторини нолон чертганлардан
сўранглар.

Бўйнига тумор қилгали она юрт
тупроғини,
Ҳасрат китобини йиғлаб, титганлардан
сўранглар.

Ватан нима эканлигин Ватан ўтида ёнган
Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайитлардан
сўранглар.

Ота-она тиригида мехрига тўйган
борму,
Ватан ҳам ота-она деб ўтганлардан
сўранглар.

Бошини қўймакни истаб Ватан
остонасига,
Дарёю кўл, саҳрою қум кечганлардан
сўранглар.

Аждодлари ўтган тупроқ авлодларга
азиздир,
Ота юртин истаб яко йиртганлардан
сўранглар.

Ҳурлик замони келдию эшиклар ланг
очилди,
Кўнглин боладек энди юпатганлардан
сўранглар.

Ватан ичра гарчи Барот, тортар Ватан
ҳажрини,
Ватан қадрини Ватанга етганлардан
сўранглар.

23.02.2000

ЎЗ-ЎЗИНГНИ МАҚТАБ ҚОЛ

Ўз-ўзини мақтаганда
мақтамай қолғайми ман.
Ғафур Ғулом

Ғафур Ғулом баҳона — ўз-ўзингни
мақтаб қол,
Сайра мисли бедана — юз-кўзингни
мақтаб қол.

Шоир хаёт чоғида сен эдинг бир
ўргимчак,
Шеър тўрига парвона — мўъжизангни
мақтаб қол.

Бировлар тўқиганин ёзиб олдинг
тилидан,
Сенга эди бегона — ёзиғингни
мақтаб қол.

Сен борми ёки йўқми билмас эди
аллома,
Бугун бўлибсан доно — ўз сўзингни
мақтаб қол.

Шоир номидан нома битма ўзингга,
нозим,
Ўзни дема ягона — афсусингни
мақтаб қол.

Ўзи билмаган касни йўкламасди
азиз зот,
Садаф, эмас дурдона — денгизингни
мақтаб қол.

Халқингга даъво қилмай, ибрат ол
ундан аввал,
Тўлмай ҳали паймона — кундузингни
мақтаб қол.

Яна қачон юз ёшга киради
Ғафур Ғулом,
Навбат келди, мардона — кўбузингни
мақтаб қол.

Қирқ йил аввал ким эдинг, ўз аслингга
боқ, э дўст,
Кўнгли эдинг вайрона — гумбазингни
мақтаб қол.

Ўзни катта санамай, кичик санасанг
хўбдир,
Шошда ўпиб остона — ўз юзингни
мақтаб қол.

Сайҳуну Жайҳун оқар — икки дарё
бўйида
Сувга зор бўлма яна — қундузингни
мақтаб қол.

Сен қайдаю бу айём, Ғафур Ғулом
қайдадир,
Кимга боқди замона — ғаразингни
мақтаб қол.

Комил муршид тоғ бўлса, сен тош эмас,
заррасан,
Эл демагай Мавлоно — аразингни
мақтаб қол.

Бахмалу шоҳи, атлас бебаҳодир эл аро,
Кўнглинг бўлмай ғамхона — ўз
бўзингни мақтаб қол.

Сўз аҳлига дўст бўлиб, сўнгра қилма
душманлик,
Фитна қурмай пинҳона — мугузингни
мақтаб қол.

Калла қўйиб меҳмонга, сўймаган қўйни
дема,
Кузатмасдан ранжона — вон-тузингни
мақтаб қол.

Бўзингни шоҳи дебон сотдинг қанча
бозорда,
Топибсан зўр корхона —
ризк-рўзингни мақтаб қол.

Устозга етдим дебон ўзни тенг
қилма унга,
Эл демасин девона — афрузингни
мақтаб қол.

Салом-алик бўлмасдан шоири замон
билан,
Мақтанмагил киброна — фаразингни
мақтаб қол.

Элни алдаб, обрўли кўрсатмагил
ўзингни,
Шуҳрат қилса сўзона — қувқўзингни
мақтаб қол.

Ҳар янги раҳбар келса мажнунтолдек
ер ўпдинг,
Тонгдан қилмай тарона — Наврўзингни
мақтаб қол.

Кибру ҳаво кўкида учиб юрибсан, аммо,
Қумга қурмай кошона — нуфузингни
мақтаб қол.

Ўзни улуғ кўрсатма — яхши билар
сени эл,
Шўр бўлмасин пешона — ферузингни
мақтаб қол.

Аҳли сўз, аҳли нағма қул бўлди, қўйиб
берсанг,
Дунё эмас майхона — қимизингни
мақтаб қол.

Улуғ чўлни бошингга кўтарибсан,
во ажаб,
Элга боқма мастона — оразингни
мақтаб қол.

Арнасойдан нарига ўтсанг ҳеч ким
танимас,
Жиззахни қўй, Фарғона, Нукусингни
мақтаб қол.

Бир эшикдан кирибсан, бирисидан
чиқурсан,
Бу дунё меҳмонхона — гуризингни[1]
мақтаб қол.

---

[1] Гуриз — кочиш

Улуғ айём чоғида қараб турма, биродар,
Ғафур Ғулом бахона — ўз-ўзингни
мақтаб кол.

* * *

Шеърият бўстонига равона бўлдим,
дўстлар,
Гулзор аро булбулдек парвона бўлдим,
дўстлар.

Дардим ичимга сиғмай шому саҳар
куйладим,
Аҳли дилнинг дардидан сўзона бўлдим,
дўстлар.

Бу бўстонда ўсаркан гулу алаф баробар,
Тикансиз гул йўқ экан, гирёна бўлдим,
дўстлар.

Ҳар нозим ўз дардини бунда айтиб
йиғларкан,
Оҳин эшитгувчи йўқ, ғамхона бўлдим,
дўстлар.

Бошини урай деса дунёнинг йўқ
девори,
Бағри хунлар пойига остона бўлдим,
дўстлар.

Бўстон аро гадо йўқ, барча ўзин
шоҳ санар,
Беш қўл эмас баробар, ҳайрона бўлдим,
дўстлар.

Халқ ғамини сўзда ер, амалда ўз
ғамини,
Тил бошқаю дил бошқа, вайрона
бўлдим, дўстлар.

Дилни хуфтон этурлар нолиб аҳли
замондан,
Ҳасаду кин аҳлига бегона бўлдим,
дўстлар.

Илҳом шаробидан маст аҳли алам
кўп экан,
Жунун хайлига боқиб, девона бўлдим,
дўстлар.

Ҳаётдан ёлчимаган бахти қаролар,
нетсин,
Бир қултум ҳам ичмасдан мастона
бўлдим, дўстлар.

Зарпечаклар босмасин Сўз
гулшанин то абад,
Оро бериб бўстонга, афсона бўлдим,
дўстлар.

Улуғ китоблар битиб эл раҳматин
олдиму
Аҳли ҳасад ўқига нишона бўлдим,
дўстлар.

Навоий, Жомий, Бобур, Хожа Аҳрор
Валийга
Қўл бериб, қўл олдиму ягона бўлдим,
дўстлар.

Олам аро сайр этиб кўрдим яхши-
ёмонни,
Дарс олиб шоҳ, гадодан фарзона бўлдим,
дўстлар.

15.04.2000

САМАРҚАНД

Аъламул-уламо Ботирхон
Валихўжаев шарафига

Самарқандга сайқал берди алломаю
меъморлар,
Олам аро донг таратган ҳунарманду
заркорлар.

Ўхшаши йўқ иморатлар кўк тоқига
қўйди бош,
Жамолига оро берди мадрасаю
минорлар.

Юксак нилий гумбазлари кўк ичида
булди кук,
Қуёш билан ойдан олди зарҳал нақшу
нигорлар.

Шоҳизинда, Бибихоним, Гўримир бир
жаҳондир,
Ой, юлдузлар кўзин узмас шомдан токи
наҳорлар.

Самарқанднинг мартабасин янада этди
баланд,
Мадрасаи Улуғбеку Тиллакори,
Шердорлар.

Соҳибқирон Амир Темур, султон
Мирзо Улуғбек,
Ҳам Муҳаммад Ялангтўшдек борми яна
шунқорлар.

Боғибаланд қучоғида Расадхона
бунёдким,
Нужум сари нигоҳ отди кўкка жони
нисорлар.

Фан аҳликим, жам бўлмишдир бунда
рўйи заминдан,
Ҳавас қилди жаҳонгиру саркардаю
тужжорлар.

Фирдавсмонанд шаҳар дебон, ушоқ
тошин ганж дебон,
Гарди фано қўнмасин деб Навоий
қилди зорлар.

Шоҳруҳ хоқон меҳри қолди Кўҳакда
боғлар аро,
Равзаи жаннат яратди боғбону
соҳибкорлар.

Самарқанд ҳавоси ё жаннат
ҳавосимикан,
Етти иқлим аро йўқдир иқлими,
биродарлар.

Самарқанднинг осмонидек серюлдуз
осмон йўқдир,
Ишқ аҳлидек яхши билар шому саҳар
бедорлар.

Кошки, яна қайтса унга пойтахтлигу
тахту тож,
Зиёратга келса, не бахт, фуқарою
тождорлар.

Шараф нури, ислом нури таралар
Самарқанддан,
Рўйи замин сайқали деб бўлди жаҳон
иқрорлар.

Боғишамол, Боғимайдон,
Боғидилкушо бунда,
Обираҳмат, Обимашҳад ўқир унга
алёрлар.

Асли тоза, насли тоза авлодлар
улғайдиким,
Ер аҳлига зевар бўлди насаби пок
аброрлар.

Теран томир отди элим шажараси
заминга,
Минг йилларга умри пойдор ўсди азим
чинорлар.

Сўғдиёна, Мароқанду Мовароуннаҳрдир
бу,
Тарихини этмиш рақам донишманду
киборлар.

Не ғанимлар қўйиб оёқ кўргизди
жабру зулм,
Бош кўтариб, озод қилди тупроғин
халоскорлар.

Бухорий, Мотрудий, Абулайс руҳи
бунда бархаёт,
Хожаи Хизр сингари муршид Хожа
Аҳрорлар.

Воҳиди доно, Ботирхон алломаи
калондир,
Номларин этсин сарафроз мусоҳиби
дилдорлар.

Туғилмадим тоғу тошда ё бир Дашти
Қипчоқда,
Самарқандда униб-ўсдим, бор бўлсин
бахти борлар!

«Янги Хамса», «Ўзбекнома», «Ҳаёт
махзани» — маним,
Регистону Рухободдек умри элга
пойдорлар.

Анжуман тузса Самарқанд жумлаи
жаҳон билан,
Мирзо Барот нозим берсин кўркига
кўрк, виқорлар.

Тупроғини тавоф айлаб, бош қўйдим
мехробига,
Кўзимга суриб хокини ўтурман дўсту
ёрлар.

Навоийдек қилдим фақир Яратганга
тавалло,
Боши узра қўнмасин ҳеч гарди фано,
ғуборлар.

Ер юзига сайқал бўлсин то борки ушбу
жаҳон,
Озоду обод бўлсин, кўзига кирмасин
хорлар.

Туркистоннинг Маккаси деб
Самарқанд олди унвон,
Тупроғини тавоф айлар шоҳу гадо —
хоксорлар.

Афросиёб авлодига бешик бўлган шаҳар
бу,
Қуёшдек учмасин абад, чекмасин ҳеч
озорлар.

Ўзбек халқи бор эканки, дорул-амон
Самарқанд,
Ҳаёт ўтин ёқиб бунда, қўллар
Парвардигорлар!

19.04.2000

* * *

Шеър ёзмай қўйган эдим
анча йиллардан буён,
Тухматлардан тўйган эдим
қилишганда тошбўрон.
Рубоийлар, фардлар ёзиб,
машқ қилиб юрдим, аммо,
Тошга нақшлар ўйган эдим
наққош каби бегумон.
Қўлим чиқиб кетмасин деб
қалам сурмакдан, дўстлар,
Сўз аҳлидан куйган эдим
фитна қилганда пинҳон.
Катта асар ёзмак учун
дилга тинчлик керакдир,
Элу юртни суйган эдим —
ичимдан чекдим фиғон.
Тилу дилим боғладилар
оёқ-қўлим сингари,
Ҳақ элига ийган эдим —
бошимда синди гаврон.
Ичга ютиб аламимни,
босиб юрдим ўзимни,
Ғазаб тилин қийган эдим —
қўймади дўст-кадрдон.
Яна олдим қаламимни,
қоғозга қилдим сажда,
Фикру сўзим тийган эдим —
эрк берсам, бўлманг ҳайрон.

20.04.2000 й.

* * *

Бош урманг, э дўстлар, бегона
остоналарга,
Сизни дўст этмаган остона бегоналарга.

Бегона дўст бўлмас, остона мехроб
эмасдир,
Аиқайиб, боқмангиз парвона
кошоналарга.

Кошона ичида соҳиби замон аждахо,
Тилсимдек кўринур кошона
парвоналарга.

Хазина қўриқлаб, ётур сийму зар
узра у,
Дунёга келибки, мастона хизоналарга.

Омонат умрни алишмас молу дунёга,
Тариқча кўринмас хизона мастоналарга.

Мастона аҳлига бу дунё жаннат
кўринур,
Ким боқар ҳаётдан гирёна сўзоналарга.

Тақдирда борини кўрар азалдан
одамзод,
Бахт жилмайса, кошки, сўзона
гирёналарга.

Ҳар кўйга кирмагил, ўзингни қилгил
эҳтиёт,
Бошингни суқмагил майхона
ғамхоналарга.

Сийму зар керакмас, саломатлик керак
сенга,
Яшай десанг, кирма ғамхона
майхоналарга.

Ҳар йигит келиб дунёга бир иморат
қургайдир,
Аммо, меъмор бунёд қилмас кошона
вайроналарга.

Баланд қаср қурган билан паст обрў
баланд бўлмас,
Ўткинчи бахт, омад боқар вайрона
кошоналарга.

Маърифат жавҳари донолар умрин
зевари,
Тухфадир Ҳақдан у девона
фарзоналарга.

Нодонлар аждардек комига тортсалар
зарни,
Зар ишқи тушмаган фарзона
девоналарга.

21.04.2000

* * *

Дарди йўқ киши борми бу боғу
бустонларда,
Ҳасрати кул бўлганми бу дашти
хазонларда?

Армонли дунё дейди бу дунёни одамзод,
Армонсиз дунё борми бу ёруғ
жаҳонларда?

Ниятига етолмай кетди канча кишилар,
Мурод манзили йўқми бу замин
замонларда?

Тийра рўзғор ташвиши бордир барча
бошида,
Турмуш азоби йўқми ё бахтли
инсонларда?

Булутнинг кўз ёшидек ғамини қилиб
дарё,
Қирғоққа етган борми дарёю
уммонларда?

Шуҳрат деган балони боши узра тож
қилиб,
Ким адашиб юрибди дашту
биёбонларда?

Шодлик майидан бўкиб қолганлар
девонадир,
Кўзларига кум киргай бу чангу
тўзонларда.

Оқилларнинг бошида мушт кўтармиш
жоҳиллар,
Ақл деган дур йўқми ё ғофил
нодонларда?

Қоғоздан ўчоқ қилиб, гулдан ўтин
қилган ким,
Аҳли дард шунча кўпми арконсиз
айвонларда?

Бахту омад йўлига тикилиб шому саҳар,
Умид юкин ким кўрди шукухли
карвонларда?

Отлиғу пиёдадан бозор экан бу жаҳон,
Оёқ билан юрмайди ким тахти
равонларда?

Ҳаёт шаробин ичиб тўйдим деган кимса
йўқ,
Умр ўтиб кетмакда орзую армонларда.

Ҳаёт низоми даҳшат: зўр яшаб,
ожиз ўлмиш;
Шафқат уруғи йўқми ер билан
осмонларда?

Юрак дунё дардидан дарз кетмасин
анордек,
Асраб-авайланг, дўстлар, умри
гузаронларда.

Бир-бирингиз қадрлаб яшасангиз на
бўлғай,
Обрў, иззат талашмай бу
даври-давронларда.

Сизу биздан ҳам қолар бу дунёи
харобот,
Жаннат ё дўзах кутар у дунё
томонларда.

22.03.2000

* * *

Олам вайрон бўлди дилпора
бечоралардан,
Ўкинган, ўксинган бечора
дилпоралардан.

Мурувват қидириб бўлманг сарсону
саргардон,
Кишилик кўйида овора фуқаролардан.

Бошини урарга девор тополмас оламда,
Иборат эканму фуқаро оворалардан?

Омаду толега кўз тутманг шому
саҳарлар,
Бахт нури тўкилмас сайёра,
ситоралардан.

Халойиқ дейдики, харакатда
баракотдур,
Даромад изламанг ситора,
сайералардан.

Кундузи кўринмас юлдузларга
боқинг тунлар,
Кўзингиз ёшлари шарора
фавворалардан.

Оламга сочилсин дардларингиз
инжулардек,
Кўк сари отилсин фаввора
шароралардан.

Дардингиз давоси топилмас деманг
жаҳондин,
Шифолар олингиз дилдора
ғамхоралардан.

Меҳригиё зўрдир барча
дори-дармонлардан,
Тузалиб кетгайсиз ғамхора
дилдоралардан.

Вайрона олам уйин тузатгайсиз
меъморлардек,
Мурувват ахтариб умаро, кубаролардан.

Мунаққаш қасрда ўтказгайсиз
ҳаётингиз,
Кам бўлмай яшайсиз кубаро,
умаролардан.

23.04.2000

* * *

Синглим Музаффарага бағишлайман

Меҳру муҳаббат менга кўргизди
қариндошлар,
Оловга муҳтож бўлсам дилдан берди
оташлар.

Атрофимда парвона бўлдилар
кеча-кундуз,
Қавмингдан ҳам азизроқ йўқ экандур
қардошлар.

Яхши-ёмон кунимда борини кўрди
баҳам,
Бир нонни бўлиб едик йўқликка
бериб дошлар.

Шодлигин менга бериб, ғамларимни
олдилар,
Деворнинг орқасидан тош отганда
авбошлар.

Ўз юкини ўзлари кўтардилар бир умр,
Менга юклаб қўймади — бор бўлсин
эмукдошлар.

Ҳар бир от аравасин ўзи тортса,
кошкийди,
Юк ерда қолмасмиди бу айём,
замондошлар.

Кундалик ташвишлардан нолимас
асл одам,
Қийинчилик олдида тўкмайди кўздан
ёшлар.

Чумоли ҳам ризқ-рўзин ўзи топар
ҳаётда,
Ким ишласа — тишлайди, унутмангиз
кўрдошлар.

Куну тун игна билан кудуқ қазиганлар
бор,
Меҳнат қилган хор бўлмас, қуласа-да
тоғ-тошлар,

Бегонага сарғайиб, рангингиз қилманг
сомон,
Қадрингиз ерга уриб, қошида эгманг
бошлар.

Ҳаромдан ҳазар қилган, яралмишки,
одамзод,
Ошингиз ҳалол бўлса, кўчада ичинг
ошлар.

Иш кўзини билганлар кўчада қолмас
асло,
Ҳунарин хор қилмайди меъмор ила
наққошлар.

Машаққат нони азиз, азобсиз йўқдир
роҳат,
Савобни истаганлар элга бўлур
йўлдошлар.

Душман асло дўст бўлмас, дўстдан
чиқмайди душман,
Дўстлик қадрига етган биз билан
кисматдошлар.

Булбуллар керак бизга, етарлидир
тўтилар,
Ўз сўзини айтганга раҳмат десин
қўлдошлар.

Эшик олдидан оққан сувнинг қадри йўқ,
дерлар,
Аммо, сувсиз ҳаёт йўқ, нур сочмайди
куёшлар.

Яқин сомони яхши узоқ жойнинг
донидан,
Борига шукр қилинг, бор эканки
бардошлар.

Элу юрт омон бўлсин, омон бўлсин
кавмингиз,
Аҳли жаҳон ичида кўтариб юринг
бошлар!

24.03.2000

* * *

Эй инсон, ўзингни ислоҳот қилгил,
Дилинг билан мудом мулоқот қилгил.

Фикрингни янгилаб, ўзингни бойит,
Эски қарашингга маломат қилгил.

Жамият фикрига қилиб эътибор,
Русуми давронга итоат қилгил.

Замон олға кетса — қараб турма тек,
Етиб олай дебон ҳаракат қилгил.

Оқсаб юрган қолиб кетар орқада,
Орқада қолмай деб иқомат қилгил.

Орқангдан келмоқда ёшлар сафланиб,
Улар ўтиб кетмай мурасот қилгил.

Қотиб турма терак каби кеккайиб,
Ҳаракат чошига баракот қилгил.

Орият ўлимдан қаттиқ дейди эл,
Қўйган вазифасин ижобат қилгил.

Оғзингга келганин гапирма ҳа деб,
Тилингни жонингга кафолот қилгил.

Ҳаёт йўли равон эмас, паст-баланд,
Ҳар бекатда тўхтаб ибодат қилгил.

Бошинг тошга тегмай, эсинг йиғиб ол,
Ақлни дилингга шаҳодат қилгил.

Инсофни аҳконинг уруғи дема,
Ўзингни кўрмасдан иноят қилгил.

Юки енгил туя бақироқ келур,
Вазминлик йўлида илтифот қилгил,

Одам эли ичра бўлгину ибрат,
Хайри аъмолингда адолат қилгил.

Элдан дариғ тутма меҳру карамни,
Мурувват мулкида саодат қилгил.

Йўлидан адашган кимсалар ночор,
Гумроҳлар хайлига ҳидоят қилгил.

Буқаламун каби турланма зинҳор,
Юзингни сақлашга ишорат қилгил.

Яхши ном, яхши иш, яхши ҳаётинг,
Наслу насабингга мукофот қилгил.

Сочларинг оқармай ғусса шомида,
Тангри-таолога муножот қилгил.

Чангитмасдан бекорчилик кўчасин,
Кунингга ярарли маҳсулот қилгил.

Замон талабига бергали жавоб,
Ки қирчанғи эшагингни от қилгил.

Чиқариб қўймасдан йўл чеккасига,
Илму ҳунарингни тарғибот қилгил.

Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз, дерлар,
Қирқ бирин эгаллаб, мўъжизот қилгил.

Ўйла, излан, бошинг котсин
жумбоқдан,
Не ишни қилсанг бир кашфиёт қилгил.

Ислоҳот қилмасанг ўзингни ўзинг,
Бошқа қилмас, англа, рисолот қилгил.

Эртангни кунингни ўйлаб, режа туз,
Келажак ойдин деб башорат қилгил.

Бугунин ўйлаган кимсалар нодон,
Истиқбол умидин шижоат қилгил.

Чақиндан тез бугун замон шиддати,
Чақмоқдек чақнашни зўр одат қилгил.

Аҳли замон ичра бахтиёрман деб,
Бахтингни валийдек каромат қилгил.

Муродга етаман десанг, эй инсон,
Тўрт мучалинг доим саломат қилгил.

Ҳавас билан яша — қилмагил ҳасад,
Аҳли ҳасад кўнглин зулумот қилгил.

Парво қилма, кимки сени кўролмас,
Эзгу ишинг билан машғулот қилгил.

Бахилнинг кўкармас, дейдилар, боғи,
Боғингни яшнатиб, элни мот қилгил.

Сени эслаб юрсин яхши кунда халқ,
Меҳрини қуёшли самовот қилгил.

Инсон меҳри сиғмас тор дилга, аммо,
Кўнглингни мисли кенг коинот қилгил.

Савобли ишларга бағишла умринг,
Эзгулик уйини мақомат қилгил.

26.04.2000

* * *

Эй даврон, айирма аҳли сафолардан,
Кўнгил қон бўлмасин жабру
жафолардан.

Ёруғлик истаб бу дунёга келибман,
Баҳраманд айлагил меҳри зиёлардан.

Ўн саккиз минг олам аро саргаштаман,
Ошуфта эрурман сирли дунёлардан.

Кишилик китобин укдим — жумбоқ
экан,
Шуурим ёришди асл маънолардан.

Ҳайрат чорбоғида ўтмакда ҳаётим,
Дил уйи мунаввар кўнгли зеболардан.

Ўзимга келмайман шомдан токи саҳар,
Мастона бўлибман майи вафолардан.

Умридан нолиган каслардан ҳайронман,
Чалпак ёғсин дейди ерга самолардан.

Оёқ узат дерлар кўрпангга қараб, дўст,
Ўзингни сақлагил кибру ҳаволардан.

Ҳаёт муаллими сенга берур сабоқ,
Маърифат кутмагил казо-казолардан.

Шодлик оҳангидан гарчи дилинг
сархуш,
Айри тутма ани мунгли наволардан.

Саҳарда уйғониб тонг йўлига чиқсанг,
Кўнгилни яйратгил субҳи саболардан.

Тоғ аро шер каби наъра тортсанг,
нозим,
Еру кўк тўлғонар акси садолардан.

Осойиш ҳаётни истайди ҳар кўнгил,
Дунё ғурбатдадир уруш, ғавғолардан.

Зўрники тегирмон тошини юргизур,
Худойим асрасин нафси балолардан.

Одамлар дўстликни унутган замонда,
Ҳайратга тушмангиз ажаб савдолардан.

Ҳавас қилсанг, нетай, тенгликни,
одамзод,
Дунё иборатдур шоҳу гадолардан!

27.04.2000

* * *

Равзаи жаннатга боқиб кўзим ёнди
ҳайратлардан,
Ҳайратлар наҳрида оқиб дил тўлғонди
хайратлардан.

Тушимми бу ёки ўнгим? — Тушиб
қолдим қаёнга мен?
Наҳот, Ўзбек юртидир бу? — Кўз
қизғонди ҳайратлардан.

Бундай иқлим, бундай ҳаво, бундай
эилол қай элдадир?
Жамолини кўргали кун, тонг уйғонди
ҳайратлардан.

Ҳар қадамда боғу бўстон, чаманзору
гулистонлар,
Сайҳуну Жайҳунга боқиб, жон
қувонди ҳайратлардан.

Гоҳ отдаю гоҳ пиёда кезиб чиқдим улуғ
юртни,
Тоғларда кўриб виқорни кўзим қонди
ҳайратлардан.

Жаннат борки жойда, дўстлар, дўзах ҳам
бор, дер халойиқ,
Жаннат юртни кўриб обод дўзах ёнди
ҳайратлардан.

Аммо, дўзах киролмади сархад ошиб
ўлкамизга,
Ҳасад билан боқиб нолон, не тонг,
тонди хайратлардан.

Не бахт, жаннат яратганлар
Ўзбекистон кишилари,
Дорул-амон бўлсин юртим, дилим
қонди хайратлардан.

Бахту омад тилаб сизга, жаннат аро
кезиб хурсанд,
Олқиш айтди Мирзо Барот
Самарқандий ҳайратлардан!

27.04.2000

* * *

Дунёда бўлганда бағри бутунлар,
Кўк тоқига қўйиларда устунлар.

Одамзод оҳидан куймаса фалак,
Сўнгаклардан қилинмасди ўтинлар.

Оққушдек булутлар булмасди қора,
Юзларини қопламаса кукунлар.

Бу дунёга бериб ғаму ғуссани,
Тангри қилдими ё дардни фузунлар.

У дунёга қолдириб ё шодликни,
Инсонни жаннатга қилди мафтунлар.

Ишқ деган балони солиб дилларга,
Ошиқлар хайлини этди жунунлар.

Саодат субҳига интизор башар,
Тонг отмас кечалар бўлди узунлар.

Қанақа бўлур деб бахт билан омад,
Одамзод орзуси бўлди тутунлар.

Умид ўтларида кулга айланди,
Юракни ларзага солди отқинлар.

Оламга сиғмаган дардлари унинг
Хасрат денгизида урди тўлқинлар.

Бот-кети йўқ бу дунёда, э дўстлар,
Кўп экан дардманду юраги хунлар.

Умидсиз шайтон, деб, умид-орзуси
Хаётига бағишлади маъмунлар.

Умр йўлин босиб ўтганки хар жон,
Оқибат ясади унга якунлар.

У дунёга кимки бўлса равона,
«Яхши одам эди!» деди тутқунлар.

Одамзод дунёга бўлмаса тутқун,
Юракдан чиқмасди «ох» деган унлар.

Хоки муқаддасдан яралган инсон
Зотида йўқ экан бағри бутунлар.

28.04.2000

* * *

Орзуларим учиб юрар ҳаволарда,
Ҳаволарда таралган куй-наволарда.

Наволарда умид бирла армонларим,
Армонларим юлдузлари самоларда.

Самоларда мақсудимнинг ой, қуёши,
Ою қуёш нури Арши Аълоларда.

Арши Аъло паноҳида Каҳкашондир,
Каҳкашоннинг ҳашамати дунёларда.

Дунёларда донг чиқарган сонсиз инсон,
Сонсиз инсон тафаккури маъноларда.

Маъноларнинг мағзин чақиш
мушкулотдир,
Мушкулотнинг калити ҳам доноларда.

Доноларга мунаввари мусоҳибман,
Мусоҳиблик шамъи аҳли заколарда.

Заколарнинг ҳаётига қисматдошман,
Қисматимни кўрдим аҳли вафоларда.

Вафоларга бағишладим ҳаётимни,
Ҳаётимни кўрмай дедим жафоларда.

Жафолардан бағри қондир аҳли олам,
Аҳли олам кўнглин ёзар сафоларда.

Сафолардан яйраб кетар жисму
жоним,
Жисму жоним жон қулоғи садоларда.

Садолардан келар менга муждаи ҳақ,
Муждаи ҳақ бахти жони фидоларда.

Фидоларнинг отасидир буюк халқим,
Буюк халқим кўнгил кўзи худоларда.

Худолардан узун умр тилагайман,
Тилагайман Руҳ бўлай деб самоларда.

Самоларда руҳи пири муршидларим,
Муршидларим жони умри бақоларда!

29.02.2000

* * *

Мардлар иши ҳал бўлади майдонларда,
Не майдонлар, жаҳон деган айвонларда.

Майдонларни ўраб олган сонсиз улус,
Умид кўзи кураш тушган полвонларда.

Кошки, ҳамма полвон бўлса, кураш
тушса,
Ҳал бўлмасди барча ишлар
пинҳонларда.

Марди майдон полвон камдир ушбу
айём,
Дунё ғами номард деган нодонларда.

Зўрларники бўлиб замон, дунё лолдир,
Халқлар ёқа тутиб қолди ҳайронларда.

Мансабларда ўтирибди зўравонлар,
Инсонларнинг қисмати ҳам
шайтонларда.

Оқилларнинг боши узра жоҳиллардир,
Адолатнинг тарозиси хоқонларда.

Шоҳу гадо тенг бўлмаган бу дунёда,
Норозилик саси янграр инсонларда.

Жим тургандан ҳуриб қолган яхши
дебон,
Итлар кўзи ўтаётган карвонларда.

Адл излаб, ростлик излаб бўлма сарсон,
Ҳақиқат йўқ замин тугул осмонларда.

Анқо кушин оти бору ўзи йўқдир,
Дондан асар йўқ бугунги сомонларда.

Қайга борма, ёқа вайрон эл ғамдадир,
Оёқлари осилгандир нарвонларда.

Ҳалол қолиб, ҳаром ўтмиш илғор
сафга,
Иймон нури сўнмиш качон
виждонларда.

Яшаш бугун роҳат эмас, бир азобдир,
Элнинг кўзи ризқ кўйида сарсонларда.

Одил подшоҳ келгай дебон қилдик ҳавас,
Улус кўрди бизнинг бахтли замонларда.

Навоийнинг Ватанидир юртинг, Барот,
Истиқлолга сен етишган давронларда.

Аждодлари билсанг унинг
Самарқанддан,
Гарчи хоки Ҳирот деган томонларда.

Боши узра ўзбек уни тутди баланд,
Қуёшга етсин деб Ўзбекистонларда!

30.04.2000

* * *

Дўстлар, мана сизга яна бир достон,
Уни ким битади ва айтинг қачон?

Мавзу тополмасдин бўлманг овора,
Агар кўнглингизга солмаса Яздон.

Ўйланг, ерга олиб кўйиб дўппини,
Бошингизга оғир келмасин чунон.

Мавзунинг бўлмайди яхши-ёмони,
Ва лекин рост турса, демангиз ёлғон.

Элини алдаган бормас узоққа,
Йўлида учрайди чох ёки тўғон.

Яхши мавзу йўқ деб қидирманг юпанч,
Ёзаман деганга бир олам жаҳон.

Забардаст бўлмаса адиб қалами,
Энг яхши мавзу ҳам қозонолмас шон.

Яна: иқтидорга боғлиқдир мавзу,
Маҳорат, заковат бўлгайдир мезон.

Сиздан хўб ёзганга қилингиз ҳавас,
Ҳасад билан дилни этманг зимистон.

Худо берган бўлар, бермаган бўлмас,
Тангрига боғлиқдир тақдир бегумон.

Элу юртга кимки қилибди хизмат,
Олдилар мукофот ҳам фахрий унвон.

Барча даҳо бўлмас ва барча нодон,
Шоҳу гадо фарқи ер билан осмон.

Худо берар экан шукр қилганга,
Ношукр бандага боқмайди жаҳон.

Шукр қилинг, ёрдир ҳаёт ва ижод,
Саъдийдек яратинг «Бўстон»,
«Гулистон».

29.04.2000

* * *

Манзилга ошиқар улуғ карвонлар,
Юк бўлиб ортилган орзу-армонлар.

Ҳасрату дард-алам кўп, хуржунларда,
Кетидан эргашар бағри сўзонлар.

Шодлигу бахт, омад сандиқлар ичра,
Калитин йўқотиб сарсон инсонлар.

От, эшак, туялар елар соллона,
Етаклаб кетмакда сергак сарбонлар.

Карвонлар елади тонгдан токи шом,
Хайратда дашту қир, чўл-биёбонлар.

Елар кун чиқишдан кун ботарга у,
Икки эшик орасида — сарсонлар.

Эрталаб меҳмонга келишиб, кечда
Уйига қайтмакда гўё мехмонлар.

Эрта келган эрта кетади, дерлар,
Кеч келган — кеч кетар, йўқдир
мезбонлар.

Ёки Одам эли келиб бозорга,
Бозордан қайтмакда — кўпдир
хайронлар.

Бири қуриб, бири бузган дунё бу,
Ҳайратга тушгандир еру осмонлар.

Нега келдинг, нега кетдинг? —
билгил, дўст,
Сен каби кўпми ё кўнгли вайронлар?

Карвон ўтиб турсин, йўл бўшамасин,
Кимсасиз колмасин боғу бўстонлар.

Қўлинг етмас юлдузларга чўзма қўл,
Қўяман демагил кўкка нарвонлар.

Дўсту душман орасида яшайсан,
Ўқланиб турибди сенга камонлар.

Қирғоққа сочилган қумдек одамлар,
Бағрига яширган дурни уммонлар.

Ботоқнинг бошлари эгилар дондан,
Хирмонни босмасин яна сомонлар.

Донолар қилмакда ҳаётни обод,
Дунёни бузмасин хайли нодонлар.

Бир иморат қурмай кетма дунёдан,
Боғларга кўрк берсин кўшку айвонлар.

Темирчидай босқонингни босиб тур,
Ҳаёт нафасидан яйрасин жонлар.

Шодадек узилиб колмасин асло,
Тўхтамасдан ўтиб турсин карвонлар.

30.04.2000

* * *

Мен чекмай ким чексин фиғон,
гардиши бу даврондин,
Дилим бўлса элдин сўзон,
нима кутай инсондин?
Остин-устун бўлиб дунё
оқу қора аралаш,
Адолатдан йўқдир нишон,
аламдадир замондин.
Ақллими, ақлсизми —
каллалар хумга ўхшар.
Билиб бўлмас нима пинҳон —
ерга боқар осмондин.
Амалдорда кибру ҳаво,
амалсизда мутелик,
Бирлашдими еру осмон —
кўнглимда ўт фиғондин.
Девори йўк сарой экан
дунё деган ғамхона,
Бунда қанча ёқа вайрон —
норизодир жаҳондин.
Диёнатнинг уйи куйиб,
мехру шафқат йўқолди,
Дўзах деган ўтли хумдон
сўнгак излар кулдондин.
Ғамдин куйиб кул бўлганлар
оҳи ўрлар фалакка,
Ерда йўқдир бир соябон,
нажот излар Яздондин.
Ташвишининг кўплигидан
ўзидан ортмас бир зот,
Йўқлаб турмас дўст-қадрдон
фойдаланиб имкондин.
Мехру шафқат уруғидан
асар колмадими ё?
Пули борга боқиб замон,
заҳар олар илондин.

Виждон пулга сотилганда
кўп бўлса не харидор,
Сотувчида борми виждон
ё айрилди иймондин?
Аҳли наво ўтиб кетди
аҳли Сўз, Фан аҳлидан,
Сотилмасин пулга виждон
кўрқинг ҳазрат султондин.
Ришватгирлик авж олдию,
қадр-қиммат йўқолди,
Ким йўлига бўлур тўғон,
сўранг аҳли даврондин.
Ҳар мушкилот ҳал бўлармиш
пул билан дер халойиқ,
Пул йўқолса бўлур гумдон,
ришват ҳам бу жаҳондин.
Одам борки, пул йўқолмас
бу дунёдан, ёронлар,
Демак, ришват ҳам йўқолмас
ҳаёт деган макондин.
Бу дунёнинг ишларига
қараб ҳайрон қоламан,
Эгриларни тўғри дебон
нидо қилар қўрғондин.
Тама аҳли яхши бўлиб,
ҳақгўйлар ёмон бўлса,
Кимга боқар, айтинг, даврон,
яхши чиқмас ёмондин.
Одам эли, ҳаддан ошма,
инсоф берсин ўзингга,
Сендан қолар, бил, бу жаҳон,
фарқинг йўқдир, меҳмондин.
Гардиши даврондин, э дўст,
фиғон чекиб, нетурсен?
Бўлди-ку дунё ободон
ўзбек деган инсондин.
Ўзбек элидан бошқа эл
мени фарзанд деёлмас!
Она элим, бўлгил омон,
кетмагил бу жаҳондин.
Сен борсанки, менга азиз
Ўзбекистон то абад,
Мирзо Барот то жони бор,
айрилмас Она Жондин!

1.05.2000

* * *

Ўз юртимда, нетай, бегонага ўхшайман,
Хонаси вайрон девонага ўхшайман.

Зулмат ичра яшаб, зиё истаб кечалар,
Чироққа урилган парвонага ўхшайман.

Олий қасрларга ҳавасим зўрдир
гарчанд,
Хароба этилган кошонага ўхшайман.

Пойгахда қолдирмай уй тўрига
ўтказган,
Хўблар босиб ўтган остонага
ўхшайман.

Бош-кети йўқ дунё молбозорми,
гулбозор?
Даллоллар алдаган мастонага ўхшайман.

Уммонлар қаърида қочиб ёмон
кўзлардан,
Садаф ичра ётган дурдонага ўхшайман.

Нодонлар хайлининг оёқлари остида
Пайҳону кул бўлган фарзонага
ўхшайман.

Замона дастидан додлаб ўтмади кимлар,
Фиғондан ўт олган вайронага
ўхшайман.

Нетай, бу дунёда йўқмиш бағри
бутунлар,
Юрак-бағри куйган сўзонага ўхшайман.

2.05.2000

* * *

Дунёнинг савдоси, ажаб, яна
бошимдадир,
Бозорининг кирдикори кўзу
қошимдадир.

Мол савдоси, жон савдоси унда қизиб
ётар,
Ҳаёт ғами, элнинг ғами ичу тошимдадир.

Даллолларга тўлиб кетди бу бозор
дусту ёрлар,
Олди-берди савдолари нуроний
ёшимдадир.

Одилларни ҳайдаб чиқди бу бозордан
жохиллар,
Ҳалол тузи, савоб кўзи нону
ошимдадир.

Чуғурчуқлар босиб келиб бургутларга
чанг солди,
Лочинлар фиғони хуноб кўздаги
ёшимдадир.

Майналару тўтилардан ҳайрат ёқасин
тутдим,
Булбулларнинг ҳасратлари ун бўлган
тошимдадир.

Бегоналар саройидан аркон излаб
юрмадим,
Умидимнинг таянчлари дўсту
қардошимдадир.

Даллоли йўқ бозор истаб, кезманг,
дунё бозордир,
Бозорга келганлар сабри фақир
бардошимдадир.

Сотадиган, оладиган нарсам йўқдир
бозорда,
Менинг молу дунём эса Самарканд,
Шошимдадир.

3.05.2000

* * *

Гулшани жаннатга ўхшар навбаҳорда
толалар[1],
Ёнди қирмиз пиёладек толаларда
лолалар.

Бўтакўзу чучмомаю чиннигуллар
очилди,
Даста-даста териб юрмиш ўғилу
қизболалар.

Табиатнинг санъатига боқиб кўзлар
хайратда,
Мусаввиру чеварлар дилида
истиҳолалар.

Тоза ҳаво, тоза нафас, тоза еллар
эсадир,
Хурсандликдан томар юзга
кўзларингдан жолалар,

Еру кўкнинг жамолидан тану жонинг
яйради,
Қаҳ-қаҳ уриб тоғу тошдан тўкилар
шалолалар.

Юрагингда қолмай армон чарх урсанг
гулзор аро,
Ғам булутин ҳайдаб бошдин айлайди
парголалар.

Баракотнинг уруғини сочиб бўлиқ
тупроққа,
Ки бир деҳқон ерни хайдар, бири
босар молалар.

Ҳур замонда дилни ёзиб, яшаб қолинг,
ёронлар,
Азиз ҳаёт қувончини билмас кўнгли
олалар.

Ҳаёт мудом баҳор бўлмас — ёзи, кузи,
қиши бор,
Фурсатни қўлдан бой бериб, чекманг
афсус, нолалар.

---

[1] Тола — дала

Сизга боқди ажиб замон, сиз ҳам
боқинг замонга,
Икки қўлдан чиқади қарс — дўст ғамин
дўст олалар.

Кўк акси Ердамикан ё Ер акси Кўк
ичра кўк,
Ер — юлдуззор, кўкда гулзор — Еру
Кўкда волалар..

Гулшани жаннатга ўхшар навбаҳорда
толалар,
Ёнди қирмиз пиёладек толаларда
лолалар.

12.05.2000

* * *

Кишилик тамаддуни куну тундан
иборат,
Минг йиллар мобайнида қурилган бир
иморат.

Яхшилигу ёмонлик ғишти қўйилган унга,
Оёғин ердан узмай кўкка қилар иқомат.

Шодлик уйи муҳташам, ғам қулбаси
вайрона,
Ёруғ кун, зулмат тунда қилар
тоат-ибодат.

Йўли тахти равонмас, пасту баланд
экандур,
Равнақ ила таназзул қилар тинмай
рақобат.

Оқу қора аралаш, оқил билан жоҳил
тенг,
Инсон билан шайтонлар юргизади
сиёсат.

Маърифат кўзин боғлаб даврон сурар
жаҳолат,
Истибдоднинг чангида зорланади
адолат.

Тутқунлик замонида азоб чекар
эркинлик,
Озодлик насимига кўз тикади саодат.

Азалдан абад сари интилади одамзод,
Ёруғ дунё бахтига бўлсин соғу саломат.

Ибтидою интиҳо узоқ масофа эрур,
Ер билан қуёш қадар — дунё экан
аломат.

Инсон кўзига тупроқ тўлмагунча
тўймайди,
Диёнатга бош эгмай, нафсга қилар
итоат.

Одам элининг, дўстлар, кўп экан
дард-армони,
Орзулари ўлгунча бўлмас дерлар
ижобат.

Инсон орзу-ҳавасин чегараси йўқми ё?
Худкомлик — хоҳишига қиладими
раёсат?

Остин-устун этмасин бу дунёни
одамзод,
Қилғилигини қилиб чекмасин сўнг
надомат.

Равнақу таназзулда кишилик
тамаддуни,
Бу жараён бардавом бўлмагунча қиёмат.

16.05.2000

* * *

Бошимни уриб, эй Эрк, остонангда
йиғларман,
Сопол кўзадек синиб майхонангда
йиғларман.

Сим-сим деганим билан очилмайдир
эшигинг,
Девор ошиб ўтолсам ҳар хонангда
йиғларман.

Темирданми дарвозанг ёки пўлатдан,
айтгил,
Мунча баланд деворинг, айвонингда
йиғларман.

Меҳр кўргизай деган бир меҳрибон
топмадим,
Кўзу қошинг устида — пешонангда
йиғларман.

Одамларнинг бўлмаса мунчалар ҳам
бағри тош,
Кўзимдан оқиб хуноб, сўзонангда
йиғларман.

Ялт этиб чақин чақиб ўтиб кетди,
эх, омад,
Чақмокдек тутиб бўлмас, равонингда
йиғларман.

Қўлга киритган Эрким, нетай, тортиб
олдилар,
Эрким йўқдир ўзимда, бегонангда
йиғларман.

Эшаклар арпа, отлар сомон еган
замонда,
Башар хорлигин кўриб, вайронангда
йиғларман.

Дилдан тўкилган дардим шаробдек ютди
қоғоз,
Қалам билан хун бўлиб паймонангда
йиғларман.

Бу дунё жаннат десам, дўзах экан,
водариғ,
Йўқотган эрким излаб дошхонангда
йиғларман.

Дорул-фанони ташлаб дорул-бақога
кетсам,
Дорул-амонда яшаб, кошонангда
йиғларман.

22.05.2000

* * *

Бу дунёи фонийдан бир хиёбон
изларман,
Дил дардини ёзгали дўст-кадрдон
изларман.

Қаёнга қадам қўйсам ҳайратдан қотди
бошим,
Элдан кетмиш оқибат, бир меҳрибон
изларман.

Подшолар гадо бўлиб, шоҳ бўлибди
гадолар,
Мол боқишга одам йўқ, мен бир чўпон
изларман.

Оқиллар бўлиб жоҳил, жоҳиллар
бўлмиш оқил,
Остин-устун дунёда бир соябон
изларман.

Яхши билан ёмоннинг фарқи қолмабди,
дўстлар,
Оку қора бир бўлмиш — тоза инсон
изларман.

Оқибатсиз замонда адлу инсоф
йўқолмиш,
Бесар оломон ичра дину иймон
изларман.

Бутун бир халқ, наҳотки, чайқовчига
айланса,
Бир-бирини алдайди — одил даврон
изларман.

Иши битиб эшаги сувдан ўтса басми ё,
Товламачи ахлдан ахду паймон
изларман.

Халол билан харомнинг фарқи
йўқолди, нетай,
Бало нафс комидан покдил виждон
изларман.

Тилларда савоб сўзи, дилларда гунох
музи,
Нахот, қўрқмас худодан — дилдан
Яздон изларман.

Элу юрт мулкин талаб иморат қурган
неча,
Баднафс амал аҳлидан халол инсон
изларман.

Бозор билан иш битмас гар ерга
боқмаса эл,
Ер элни боқсин дебон асл деҳқон
изларман.

Бир тўда «олиб-сотар» ё амалдор
қорни тўқ,
Улус ризқ рўзи, афсус, оби ёвғон,
изларман.

Умр йўли узун ё қисқа экан, билмадим,
Йўлда ҳориб қолмасин, тахтиравон
изларман.

Жаханнамнинг қаърида азоб чекар
ҳамият,
Қутқарувчи киши йўқ, фидойи жон
изларман.

Ўз бурчига хиёнат қилган чоғда
одамзот,
Кул бўлди-ку куну тун, еру осмон,
изларман.

Дину иймонни сотиб кун кўрганда
аҳли хол,
Ислом элига содиқ бир мусулмон
изларман.

Элнинг эрку ҳуқуқи поймол бўлмасин
дебон,
Жонни қўйиб гаровга жонга дармон
изларман.

Доднинг айтиб фалакка зорланма мунча
нозим,
Сени эшитгувчи йўқ, соҳибқирон
изларман.

Кишилик гулистони, водариғ, бўлгай
хазон,
Ҳаёт гули сўлмасин, моҳир боғбон
изларман.

Эзгулик нахри қуриб диллар бўлмиш
биёбон,
Жафокаш эл кўнглидан боғу бўстон
изларман.

Таълим-тарбия бугун текин пулга
топилмас,
Инсофи йўқ даврондан илму урфон
изларман.

Яхши ўқиган бола давлатнинг
арзандаси,
Ёмон ўқиган бола бўлур нодон,
изларман.

Етти иқлимни кезиб кўрдим боғу
саҳрони,
Икки дарё бўйидан бир гулистон
изларман.

Келдингми ё кетдингми бу дунёга
барибир!
Ўз сўзимни айтгани аҳли замон
изларман.

Одамларни инсофга чорлаб ўтдим,
ёронлар,
Адл ва Хулқ аҳлидан шеъру достон
изларман.

Бошингда тоғдай турай, она юртим,
умрбод,
Дўсту душман ўқига зирҳу қалқон
изларман.

«Шоҳнома»га арзийди Мустақиллик
даврони,
Ким уни битгай дебон соҳиб даврон
изларман.

Қалам билан қоғозда кўриб сирру
синоат,
Денгиздек қуриб битмас бир сиёҳдон
изларман.

Элу юртнинг иқболи бўлсин яна
сарбаланд,
Гарди фано қўнмасин, балогардон
изларман.

Бесаранжом дунёда сокин маскан
тополмай,
Бошимга бўл деб паноҳ, Ўзбекистон,
изларман!

25.05.2000

* * *

Етти иқлимда азиз саждагоҳимсан,
Ватан
Ургуту Самарқанддек бош паноҳимсан,
Ватан

Сенсан олтин бешигим, ҳам хоки
муқаддасим,
Бу дунега бергусиз қароргоҳимсан,
Ватан.

Сен билан бошим баланд, қаддим эса
тоғ эрур,
Дунё кезиб тўхтаган бандаргоҳимсан,
Ватан.

Сенинг бахтингдан бўлак менга бахт йўқ
жаҳонда,
Мен бўлсам бир фуқаронг, сен
подшоҳимсан, Ватан.

Эзгулик жавоҳирин сочсам арзир
бошингдан,
Менинг элимдан кўрган бир
салоҳимсан, Ватан.

Яхши-ёмон кунларни раво кўрди
дўст-душман,
Сен шодлигу толеим, дарду оҳимсан,
Ватан.

Парвардигори олам то яшаркан
дилимда,
Сен Ердаги сиғинган бир Оллоҳимсан,
Ватан!

30.05.2000

* * *

Пешвою раҳнамосиз илму фанда,
устозлар,
Топибсиз шаъну шавкат ҳур Ватанда,
устозлар.

Не-не улуғ китоблар олди кўзлар
нурини,
Бол эмас, чанг ютдингиз бу гулшанда,
устозлар.

Илм йўли равон эмас, пасту баланд
экандур,
Билимдон киши қолмас чанг, туманда,
устозлар.

Битта дурнинг ёнида мингта садаф
турадир,
Ки биттадан от гарчи ҳар расанда,
устозлар.

Машаққат чекмай киши билмас илм
қадрини,
Илмни хор қилганлар шўр, афканда,
устозлар.

Билимдон бўлган одам етгайдир
муродига,
Илм олмакка ёшлар орзуманда,
устозлар.

Ёшларга йўл кўрсатиб олға бошланг
доимо,
Сизлардан ибрат олсин анжуманда,
устозлар.

Ота ҳурмати учун баҳо берманг ўғлига,
Амал аҳлин фарзанди шўх, арзанда,
устозлар.

Илм аҳли хор бўлган замон сизга ёт
бўлсин,
Азиз бўлинг эл аро Самарқандда,
устозлар.

Назарингиз тушган дил кундуз каби
нурафшон,
Сиз берган илм билан эл равшанда,
устозлар.

Бир харф ўргатган устоз юз йил бўлсин
иззатда,
Минг жонлар бўлсин фидо
аржумандда, устозлар.

Сизсиз ҳаёт зулматдир, шоҳлар эса
гадодир,
Жамиятга раҳнамо, сиз, Ватанда,
устозлар!

31.05.2000

* * *

Замона аҳлида виждон қолмади,
Не виждон, оқибат, иймон қолмади.

Инсоф тўғрисида гап сотар бари,
Ва лекин инсофдан нишон қолмади.

Бир-бирини алдаш билан овора,
Алдамай яшашга имкон қолмади.

Эрк истар кимсанинг бағри тилинди,
Бошида сиймаган гаврон қолмади.

Мард бўлсанг, майдонга чиқ, дер
халойиқ,
Мардлар чиқай деса майдон қолмади.

Одамзод аламда муштумзўрлардан,
Аҳволин сўргувчи сарбон қолмади.

Етти иқлим мулки талон-торождир,
Чуғурчуқ босмаган хирмон қолмади.

Бой билан камбағал ер билан осмон,
Қулоғи синмаган қозон қолмади.

Диёнат, эътиқод, орият, ғурур
Устидан кулмаган нодон қолмади.

Бир даста аҳли жоҳ пичоғи мойда,
Саргардон бўлмаган бир жон қолмади.

Дунёнинг дардига борми халоскор,
Бошини кўтарган полвон қолмади.

Хонавайрон бўлди жаҳон айвони,
Аршидан тушмаган аркон қолмади.

Олди-берди қизиган бир замонда,
Юрмакка оёқда дармон қолмади.

Жумлаи жаҳоннинг ошди алами,
Ўқини отмаган камон қолмади.

Жаннат деб, дўзахдан кўркмай
яшаймиз,
Нафсимизга балогардон қолмади.

Кошки, аҳли, жаҳон боқса юксакдан,
Томга чиқай деса нарвон қолмади.

Тили бошқа, дили бошқа мезбондан,
Якосин тутмаган меҳмон қолмади.

Барча кўзлар бугун ўз манфаатин,
Халқ ғамини еган инсон қолмади.

Бойлик дебон дунё бошин
гангитдик,
Гангимаган аҳли жаҳон қолмади.

1.06.2000

* * *

Тўйга келган кишилар бегоналарга
ўхшамас,
Ё тўйни обод этган мастоналарга
ўхшамас.

Қўлин кўксига қўйиб тавозе ила
келмишлар,
Юзларида табассум — ҳайроналарга
ўхшамас.

Тўйхона остонаси то азалдан
мўътабардир,
Нопок оёғи теккан остоналарга
ўхшамас.

Хизматга бел боғлаган каттаю кичик
баробар,
Раҳбар кўнглин овлаган парвоналарга
ўхшамас.

Гурас-гурас эл келар тўйхонага
қаторлашиб,
Одам оёғи етмас кошоналарга ўхшамас.

Тошканди азимда тўй бошланади
тонг-саҳарда,
Самарқанду Бухоро, Фарғоналарга
ўхшамас.

Тўйхонадан ободроқ маскан топилмас
шаҳарда,
Бойқушлар сайраб ётган вайроналарга
ўхшамас.

Юзидан нур томганлар атрофингда
парвонадир,
Қовоғидан қор ёққан ҳамхоналарга
ўхшамас.

Дўсту ёр дийдоридан дилларда қолмас
армонлар,
Шодлик куйи янграмас ғамхоналарга
ўхшамас.

Азиз зотлар қадами теккан ер обод
бўлғайдур,
Тўйхона маъмур жойдир —
майхоналарга ўхшамас.

Тўй оши ширин бўлар, балки, жаннат
неъматидир,
Ошпазга минг тасанно — сўзоналарга
ўхшамас.

Азиз ёру биродар, таниш-билиш
қадрдонлар,
Шароб дардида юрган гирёналарга
ўхшамас.

Елкасига тўн ёпиб улуғ зотлар
сийланурлар,
Бу — хушомад, тамадан нишоналарга
ўхшамас.

Илму фанда олим кўп ўтмиш билан
қилсанг қиёс,
Донғи дунёга кетган алломаларга
ўхшамас.

Бугун ўзбекнинг вале олимидан
шоири кўп,
Лутфий ё Навоийдек мавлоноларга
ўхшамас.

Дастурхон кулиб турмиш сархил нозу
неъматлардан,
Бойлигини яширган хазоналарга
ўхшамас.

Наҳор чоғи янграган куй-қўшиқлар жон роҳати,
Кечқурунги бузуқи тароналарга ўхшамас.

Навоий ё Бобурдан зўр ҳофизлар наво қилур,
Ўртаниб дардин айтур — пандномаларга ўхшамас.

Пири бадавлат аҳл тўй ҳуснига қўшар ҳусн,
Тупроқ ичра хору зор дурдоналарга ўхшамас.

Гар ҳожати чиқмаса бозорга ким қўяр қадам,
Бағри вайрона бўлган корхоналарга ўхшамас.

Эркак қолиб, бозорни эгаллади аёллар, оҳ,
Олиб сотар хонимлар жононаларга ўхшамас.

Олиб келган молининг божи ўзидан қимматдур,
Баъзи бир божхоналар божхоналарга ўхшамас.

Уйнинг гапи кўчага тўғри келмаган замонда,
Ўзбек эркаги, ажаб, мардоналарга ухшамас.

Арақ балосидан, Ҳақ, элни асрасанг на бўлғай,
Заҳар тўла пиёла — паймоналарга ўхшамас.

Худо берган умрдан нолимангиз аҳли замон,
Ўз умридан пушмонлар бечораларга ўхшамас.

Шукр қилиб яшамак ҳар бандага саодатдур,
Ношукрлар шукри ҳам шукроналарга ўхшамас.

Жонин бериб жабборга — молини бериб ғаффорга,
Тўй қиламан деганлар, эҳ, доноларга ўхшамас.

Тўйга етган кишилар пешонаси ярқироқдир,
Косаси оқармас шўр пешоналарга ўхшамас.

Ўзи емай-ичмасдан элга ош берган бахтлидур,
Ниятига етибди — равоналарга ўхшамас.

Ҳалол дастурхон ёзиб, савобга ботган кишилар,
Довруғи элни тутиб, фасоналарга ўхшамас.

Ўзбек тўйи ажойиб — тўйи ўтмас тўёнасиз,
Тўёнасиз тўйхона — тўйхоналарга ўхшамас.

Катта тўй тўёнаси катта бўлур, биродарлар,
Кичик тўй тўёнаси — тўёналарга ўхшамас.

Тўй қилган зарар кўрмас, фойда қилур оқибатда,
Тўй қадами қутлуғдир — завлоналарга ўхшамас.

«Мабдаи нур»ни, айтинг, битмиш қайси девона,
Бу Машраби девона — девоналарга ўхшамас.

Бундай тўйларни қачон кўрди ўзбек шунча яшаб,
Бизнинг замон, ўтганки, замоналарга ўхшамас.

Ҳар инсон тўйга етсин — элига берсин борини,
Тўй қилганлар, эй Барот, ягоналарга ўхшамас.

10.11.2001

* * *

Омолим буюк эди — умримга дўсту ёрлар,
Дилда аҳдим зўр эди — чинордек устуворлар.

Ҳаёт шами ёритди пасту баланд йўлимни,
Ёшлик қуеши сочди бошим узра шарорлар.

Ер юзида кўп экан гулзору тиканзорлар,
Йўл юриб, оёғимга, нетай, санчилди хорлар.

Олам ҳайрати босиб тоғу тошлардан ошдим,
Оби ҳаёт узатди дарё, булоқ, анҳорлар.

Жумла жаҳон, ажаб, сариғ, оқу қорадир,
Бир-бирига ўхшамас — турли удум, атворлар.

Гарчи дунё поёнсиз, ҳар мулкнинг сархади бор,
Элу юртлар аро гоҳ тоғлар бўлмиш деворлар.

Жаннат боғларни кўриб, кетгим келмас ҳаётдан,
Умри гузарон гарчи жафоси зўр дилдорлар.

Менинг дардим бошқаю олам дарди бошқадир,
Аммо, дард манбаи бир — дунёдаги ниқорлар.

Одамзод борки, балки, уруш, низо тугамас,
Яхшилик муждаси кам, нуқул ёмон ахборлар.

Дунё дардидан толиб, мозийга қараб кетдим,
«Сайдинг қўя бер, сайёд» дебон қилдим шикорлар.

Самарқанд тамал тошин қўймишдир Афросиёб,
Эрк туғини кўтармиш Муқаннадек шунқорлар.

Маҳмуд Торобий бир ён, бир ёнда Темур Малик,
Амир Темур сингари элига фидокорлар.

Хоразмийдан то Сино, Берунийдан Улуғбек
Кашфиётдан дарс берди — илм-фанда донгдорлар.

Фалсафа сабоқларин ургандим Форобийдан,
Яссавийга қул қилди мени аҳли аброрлар.

Низомий ва Деҳлавий «Хамса»си кўнглим олди,
Навоий бирла Жомий имдод этди — киборлар.

Ўн саккиз кун йўл юрдим Самарқанддан то Ҳирот,
Шукуҳли карвон билан ўтдим қанча диёрлар.

Икки дарё ораси асл масканим менинг,
Олий қасрлар қурди унда буюк меъморлар.

Кундуз куёш, кечаси ой, юлдузлар ҳайратда,
Мадраса, минорларда мўъжизавий виқорлар.

Бинолар пештоқию гумбазига берди ҳал,
Ҳаёт сийму заридан нақкош ила заркорлар.

Омон бўлсин бу диёр токи тургунча дунё,
Кўз ила кипригига қўнмасин гард, ғуборлар.

Ҳайрат солиб оламга, донғи кетган усталар,
Кўз нури, дил меҳридан берди нақшу нигорлар.

Иқлими соф, мўътадил Самарқанд фарзандиман,
Тошкент ҳавосин, ажаб, этибман ихтиёрлар.

Ўтиб кетди баҳору ёзу кузим, водариғ,
Ҳаётим боғида қиш — бошимга ёғмиш қорлар.

Ёшликда ақл камдир, қариганда танда куч,
Инсон надомат чекар қолмаганда мадорлар.

Худога минг шукрким — розиман ҳаётимдан,
Бу дунёда кўпайсин менингдек бахтиёрлар.

Сариъул-қалам бўлиб, Мирзо Барот, камтар бўл,
Элу юрт ҳурматига сазовордир хоксорлар.

Хамсакентнинг боғида кўриб Лутфий қувонди,
Бобур Мирзо кўнглида қўзғалди ифтихорлар.

Узоқ сафарда бўлиб мозийда қолиб кетдим,
Уй тўрига ўтказди ҳурматга сазоворлар.

Дарёдан кечиб ўтдим, қирлардан учиб ўтдим,
Омон-эсон етказди не манзилга тулпорлар.

Сафарим қариб бир кун қайтар бўлдим Ургутга,
Сандиқ-сандиқ китоблар — юким эди залворлар.

Темир аробаларда келтирдим гард юқтирмай,
Азиз ҳамюртларимга мендан бўлсин нисорлар.

Бир укам Холмуҳаммад менга кўргизди меҳр,
Худо берсин бахтини — элга бўлсин сардорлар.

Кутубхона қилибман ўз уйимни, ёронлар,
Илму маърифат сочсин элга зиё-шарорлар.

Китоб кирган даргохга зулмат қўймасин қадам,
Мирзо Барот дуоси сизга бўлсин туморлар.

Дунёда сир-асрор кўп — фақир билмак истадим,
Унча-мунчага очмас тилсимини асрорлар.

Доривор гиёҳлардан дардимга топдим даво,
Она ернинг меҳридан йўқ зўр дориворлар.

Кимки билса фақирни омон бўлсин умрбод,
Яхши кунда эсласин — мехрин этсин изҳорлар.

Бирдан баланд, бирдан паст қилмади Тангри мени,
Эл қатори яшадим умрим безаб ашъорлар.

Она юртим деб Ўзбек кечди ўз ҳаётидан,
Дунёда кам бўлмасин Ватан бахтига борлар.

Ватан қутлуғ меросдир ота-боболаримдан,
Тупроғини кўзимга сурма қилдим, дўст-ёрлар.

Дунёда йўқдир бошқа менинг азиз Ватаним,
Жаннатда ҳам топилмас Самарқанду Бухорлар!

12.12.2000

ВАТАН ВА ХАЛҚ

Борим ҳам, йўғим ҳам Ватан ва халқдир,
Очим ҳам, тўқим ҳам Ватан ва халқдир.
Ватану халқимга жон бўлсин фидо,
Ўтим ҳам, чўғим ҳам Ватан ва халқдир.

Эътиқод, иймоним Ватан ва халқдир,
Эркиму виждоним Ватан ва халқдир.
Ватану халқимсиз йўқ менга дунё,
Жисмим аро жоним Ватан ва халқдир.

Шамс ила қамарим Ватан ва халқдир,
Шом ила саҳарим Ватан ва халқдир.
Ватану халқимдир ҳаёт-мамотим,
Манзилу сарварим Ватан ва халқдир.

Қавму қариндошим Ватан ва халқдир,
Дўст ила қардошим Ватан ва халқдир.
Ватану халқимдир суянган тоғим,
Меҳробу йўлдошим Ватан ва халқдир.

Ифтихор, ғурурим Ватан ва халқдир,
Номусим, сурурим Ватан ва халқдир.
Ватану халқимга қилич, қалқоним,
Қароғим, кўз нурим Ватан ва халқдир.

Бошимда паноҳим Ватан ва халқдир,
Таянчим, даргоҳим Ватан ва халқдир.
Ватану халқимдир дину иймоним,
Сиғинган Оллоҳим Ватан ва халқдир.

Дунёда бор бўлсин Ватан ва халқим,
Ҳаётга ёр бўлсин Ватан ва халқим.
Ватану халқимга бўлинг фидокор,
Абад пойдор бўлсин Ватан ва халқим.

11.24.2000

МОЗИЙГА САФАР

Мозийга муборак сафар айладим,
Иймонни дилимга раҳбар айладим.

Йўлга чиққан эдим ёшлик замони,
Пирлик манзилини кавсар айладим.

Йўл юрдим — мўл юрдим, чекдим алам, ранж,
Риёзат шомини саҳар айладим.

Пасту баланд экан мозийнинг йўли,
Машаққат даштини маҳзар айладим.

Буюклар ганжини излаб субҳу шом,
Асрдан асрга гузар айладим.

Варақ-варақ ўқиб чиқдим тарихни,
Китоблар бағрини анвар айладим.

Салафлар махзанин дурри яктосин
Кўзимга қароғу гавҳар айладим.

Не бахт, панжа уруб улуғ аъмолга,
Дилимни мозийга дафтар айладим.

Устозлар боғини этдиму обод,
Мақсуди олийни шажар айладим.

Аждодлар мозорин этиб ободон,
Эътиқод шамъини қамар айладим.

Дўстларнинг дардига қидириб малҳам,
Душманга сўзимни ханжар айладим.

Махзани бебаҳо мулк экан мозий,
Бир ҳовуч ганжидан пайкар айладим.

Эътиқод қўйдиму буюк пирларга,
Ёд этиб, аллоҳу акбар айладим.

Бобуру Навоий ҳам Ҳожа Аҳрор
Ҳаётин беназир асар айладим.

Не шараф, муборак сафар туфайли
Улусу юртимни самар айладим.

Беш улуғ достонни қилиб саранжом,
Шодумон улусга хабар айладим.

«Янги Хамса» билан қайтиб сафардан,
Истиқлол тожига зевар айладим.

Хамсанавис деган ном олиб шоён
Ўзни яна хоксор, камтар айладим.

Ватан шарафини иймондек асраб,
Иймонли наслимга назар айладим.

Мозийга умримни сарф этиб комрон.
Салафлар дуосин сарвар айладим.

ВАТАН КАЪБАСИ

Истиқлолга етишдим
мен ҳам инқилоб айлаб.
Ҳурлигимни англатдим
ўзимга хитоб айлаб.
Юрак дов бермай турди
мен озодман демакка.
Туткунда ўтган умрим
бир бошдан ҳисоб айлаб.
Кўзга ишонмай боқдим
Мустақиллик субҳига,
Эл ҳам кутди мен каби
Тунни тарки хоб айлаб.

Оллоҳга минг шукрким,
порлади Эрк қуёши.
Золим хукмдорларнинг
ниятин сароб айлаб.
Карнай-сурнай садоси
етди Арши Аълога.
Ранго-ранг мушаклар ҳам
учди кўкка тоб айлаб.
Истиқлол шодёнасин
кўриб башар қувонди,
Дўстлар боқди ҳайратда,
ғанимлар шитоб айлаб.
Зулмдан озод бўлиб
эркин нафас олди юрт.
Эл ўзлигин топди бот
мендек изтироб айлаб.
Мустақиллик самарин
тотиб кўрди, ҳар қалай,
Шамъдек умидин халқим
кўнглида офтоб айлаб.
Ватан каъбаси улус
бахтига ошён бўлсин,
Омон бўлсин то абад,
эл ўтсин савоб айлаб,

Сўқмоқларда адашдим
неча йиллар, аммо, боз
Мустақиллик йўлини
топдим интихоб айлаб.
Ўзни бахшида этмак
юртга иймон амридур.
Кошки, бўлсам фидойи.
Каъбасин мехроб айлаб.
Эл-юртни озод кўрдим,
озоду обод кўрдим,
Аҳли дилни шод кўрдим
қайта инкишоф айлаб.
Не шараф, хуш замонда
«Янги Хамса» яратдим,
Истиқлол берган бахтни
бошимда офтоб айлаб.
Ҳурриятдан ўзгарди
руҳиятим батамом,
Ўтгайман Мустақиллик
мехробин тавоф айлаб,
Ўтмиши, келажаги
буюк юрт фарзандиман,
Бугунин ундан буюк
кўрдим бир китоб айлаб.

Армонли дунё

(тўртликлардан тузилган достон)

Булбул кўз ёшида ҳижрон қўшиғи,
Бургут кўз ёшида армон қўшиғи.
Дардмандга қўшиқдан ўзга йўқ даво,
Инсон кўз ёшида афғон қўшиғи.

* * *

Афросиёб от чопгандир Кўҳакда,
Шони янграр Кўҳакдан ҳам юксакда.
Ҳайрат тоғи узра боққанда Эрон,
Турон номин эшитган ҳар юракда.

* * *

Офтобни кутдим бедор Қадр кечаси,
Оламда кўрдим виқор Қадр кечаси.
Тонггача иқбол тилаб фарзандларимга,
Ҳаққа топиндим минг бор Қадр кечаси.

* * *

Май ичгил ва лекин бўлмагил бадмаст,
Саркашсан, жонингга мажнунлик пайваст.
Май ичдинг, ичмадинг, дунёга нима,
Дунё ҳам сен каби телба ёки маст.

* * *

Сен кеча шод эдинг, бугун ғамноксан,
Лек эрта бўлғайсан ғамдан йироқ сан.
Индин қандоқ бўлар ҳолатинг, билмам,
Сен дунё қўлида бир қўғирчоксан.

* * *

Бугун очсан, аммо, эртага тўқсан,
Бугун борсан, вале эртага йўқсан.
Бу дунёга қайтиб келаман дема,
Ҳаёт милтиғидан отилган ўқсан.

* * *

Кам-кам ичдим, гоҳо пинҳона ичдим,
Гоҳ шодликдан, гоҳо гирёна ичдим.
Севгилим кўзидан сочилмиш шабнам
Қадаҳга тўкилди, мастона ичдим.

* * *

Сен ўксиб, бағримни садпора этдинг,
Сен қувнаб кўнглимни хумора этдинг.
Ғамли тунларингда бўлолмай ҳамдард,
Юзқаролиғ қилдим, на чора этдим?

* * *

Бешафқат койидинг, сен ҳақсан, нетай,
Бошимга тош отдинг, мутлақсан, нетай.
Ғам-кулфат булутин чилпора этган
Шуъласи ҳаётбахш чақмоқсан, нетай!

* * *

Толега шукрким, сен раҳмдилсан,
Мурувват боғида ўсган бир гулсан.
Тиканинг бағримга санчилса, нетай,
Мен гулга мубтало ҳақир булбулман.

* * *

Хотининг дўст бўлса — уйингдир жаннат,
Кўнглида ёт бўлса — ҳар куни ғурбат.
Сен қайга қочасан — қўйнингда илон,
Илондан, биродар, кутма мурувват.

* * *

Туртиб ўтишаркан хоксор бўлсанг,
Бузиб ўтишаркан девор бўлсанг.
Иззатни билмаскан гоҳ одамлар,
Тепиб ўтишаркан бемор бўлсанг.

* * *

Булоқлардан ичиб ўтдим,
Дарёлардан кечиб ўтдим.
Муродимга етай дебон,
Тоғлар келса, учиб ўтдим.

* * *

Офтобга ўхшайди Оллоҳнинг юзи,
Юлдузга ўхшайди Оллоҳнинг кўзи.
Тавба дейман гуноҳ қилган бўлсам гар,
Одамга ўхшайди Оллоҳнинг ўзи.

* * *

Умр ўтиб кетди — аламда қолдим:
Довоту қоғозу қаламда қолдим.
Бу дунёга келиб айтдим сўзимни,
Сўз қадрини билган оламда қолдим.

* * *

Ҳаёт махзанини бир умр йиғдим,
Елга сочмай зарим, минг шукр, йиғдим.
Кошки, мерос этмас азиз наслимга,
Молу дунё эмас, тафаккур йиғдим.

* * *

Меҳнат ҳоритади, ҳатто, фил бўлсанг,
Кулфат қуритади наҳри Нил бўлсанг.
Бу дунё ўткинчи — умр ғанимат,
Ҳаёт қаритади Салсабил бўлсанг.

* * *

Шеър ёзиб, даврондан эҳсон кутмадим,
Ё мақтаб, инсондан икром кутмадим.
Халқимга суяндим энг оғир дамда,
Кўнглимга ёр бўлди Яздон. кутмадим.

* * *

Дунёни кўрибман девонавор,
Айшини сурибман девонавор.
Тузатолмай фақир чархи кажни,
Ҳайратда турибман девонавор.

* * *

Азалдан нарида ибтидо бордир,
Абаднинг сўнгида интиҳо бордир.
Билинг: ибтидодан интиҳо қадар
Бандага дунёйи илтижо бордир.

* * *

Тийра кулбам ёриса, кошки,
Дилимдан дард ариса, кошки.
Обод бўлиб тийра рўзгорим,
Меҳмон аҳли дориса, кошки.

* * *

Бошимни силади сарви гуландом,
Ишқимни тилади сарви гуландом.
Томиримни ушлаб кўрмасдан аввал,
Дардимни билади сарви гуландом.

* * *

Нолаю зоринг яна гардунга етди,
Не гардун, заминда не мардумга етди.
Яна тошлар отибди манқуртлар сенга,
Фиғонинг Хартангу Хартумга етди.

* * *

Қулоқ солдим даврим садосига,
Бўйинсундим амру фармосига.
Кўнглимга келмади даврон сурмоқ,
Бардош бердим жабру жафосига.

* * *

Май ичса, ўзини санарди далер,
Наъра тортар эди мисли бола шер.
Жаҳон айвонида солиб айюханнос,
Англамай, ўзини дерди Алишер.

* * *

Шоирман, деб кечди хеш-ақрабодан,
Юзини ўгирди дўст, фузалодан.
Манқуртлар аҳлига малайлик қилди,
Ўзин олиб қочди аҳли донодан.

* * *

Бир хайл қўлида миллат қисмати,
Бир хайл йўлида миллат исмати.
Халқ деган донишманд қолди қаёнда?
Бир хайл дилида миллат хислати.

* * *

Дунё иборатдир яхши-ёмондан,
Ҳозиру келажак, ўтган замондан.
Ўзига зеб-зийнат излайди дунё,
Ватану Миллату Дину Иймондан.

* * *

Манманлик дарахтининг шохларини
синдирдим,
Илдизини суғуриб, оҳларини
тиндирдим.
Танасини арралаб, ўтин қилиб бир
саржин,
Қамтарликка қазилган чохларини
кўмдирдим.

* * *

Таъмир қилдим вайрона хоксорлик
кулбасини,
Сочдим бўлиб парвона дилдорлик
шуъласини,
Мискин кўнгил уйини меҳр билан
тузатиб,
Айтдим ғамдан бегона ёрлик
ашуласини.

* * *

Ғам уйин вайрон этиб, шодлик уйини
қурдим,
Ғам кўйини тарк этиб, шодлик кўйида
юрдим.
Хуррамлик билан ўтсин, деб кишилар
ҳаёти,
Ғамзасин даф қилиб, шодлик тўйини
қурдим.

* * *

Ҳар куни бир ғишт қўйдим инсонлик
биносига,
Камтарлик нақшин ўйдим инсонлик
биносига,
Қадр тошидан ясаб Остонаю Тоқини,
Меҳр жавҳарин уйдим инсонлик
биносига.

* * *

Меҳр булоғин суви — оби замзам
экандур,
Ундан ичган кишилар кўп муҳтарам
экандур.
Бир томчисин камина алишмас минг
тиллога,
Қадрига етган зотлар, пок, мукаррам
экандур.

* * *

Бармоқ вазнин этиб даргоҳ,
Арузга ҳам солдим нигоҳ.
Оға-ини жанрларнинг
Соясида топдим паноҳ.

* * *

Ҳақиқатдан кўз юмсанг,
кўзларинг кўр бўлгайдир,
Хору зорлик даштида
пешонанг шўр бўлгайдир.
Ҳақиқат тантанасин
қурмоқ асл мақсудим,
Билиб қўйгин: Ҳақиқат
кўзларга Нур бўлгайдир.

* * *

Руму Араб, Юнонни кўрдим,
Етти улуғ уммонни кўрдим.
Сафар қилиб мозий мулкига,
Тарих битган достонни кўрдим.

* * *

Буюклик тожига даъвогар эмасман,
Ўзимни тождордан ёмонроқ демасман.
Яхши ҳам эмасман сизлардан, шоирлар,
Буюклик ғамини, адашиб, емасман.

* * *

Акуладай ёвуз жонзот йўқ уммонда,
Шафқатни билмагай нафсоний
тўфонда.
Дуч келган махлуқни тортади комига,
Ҳаттоки, инсон ҳам қолмагай омонда.

* * *

Ем бўлма, эй инсон, «акула»ларга,
Дўст билиб, ишонма зинҳор уларга.
Билиб қўй, комидан чиқмайсан омон,
Дуч келма, сувдамас, ердагиларга.

* * *

Инсон ва Қонунни муҳофаза қил,
Ҳимояга муҳтож иккиси ҳам, бил.
Мукаммал бўлмаса Инсон ва Қонун,
Давлат ва жамият бўлмайди комил.

* * *

Комил жамиятни мен ҳавас қилдим
Ва унга дилимни ҳамнафас қилдим.
Озод фикр айтиб эркин замонда,
Истиқлол Сўзини муқаддас қилдим.

* * *

Чорсуда қурилмиш юксак мусалло[1],
Хожа Ахрор номин этмиш муалло.
Унга қадам қўйган аҳли мусулмон
Иймон нури билан қилмиш муҳалло.

* * *

Нур Отадан нур таралар йўлларимга,
Не йўлларим, Оллоҳим бор дилларимга.
Ибодатга ошиқаман имдод тилаб,
Авлиёдан нур таралар элларимга.

* * *

Висол шаробин ичдим
мен вафо саройида,
Ҳижрон жомин синдирдим
мен жафо саройида.
Висол кулган чаманда
хижрон менга не керак,
Ҳаёт айшини сурдим
мен сафо саройида.

* * *

Ўз-ўзини мақтамакка
уста экан шайтонлар,
Ўзгага айб тақамакка
уста экан шайтонлар.
Инсонларни ўйнатурлар
қўлда кўғирчоқ каби,
Дурни тош деб атамакка
уста экан шайтонлар.

---

[1] Мусалло — катта масжид

* * *

Яхши ҳаётни кутиб
ўтиб кетди кўп йилим,
Кутмаклик ёмон экан,
дилимни қилди тилим.
Ваъда аҳли сўзига
ишониб келдим, нетай,
Мендек алдандими ё
ўтмишда она элим.

* * *

Шеъримни тошларга ўйиб ёздим,
Улусга меҳримни қўйиб ёздим.
Жамият унутса ҳамиятни,
Офтоб ёки ойдай куйиб ёздим.

* * *

Туялар — кемадир чўл уммонида.
Эҳтиёж фарзанди эл ўрмонида.
Иссиққа, совуққа бераркан бардош,
Вафодор дўст экан йўл бўҳронида.

* * *

Умримни ўтказдим Сўз кошонасида,
Барча яшар, билинг, ўз кошонасида.
Ўзга уйин фақир ҳавас қилмадим,
Ва меҳмон бўлмадим муз кошонасида.

* * *

Шайтонлар ёзгани керакмас менга,
Ушалмаган орзу — тилакмас менга!
Инсонлар ёзганин қадрига етмас
Иблислар ёзгани эрмакмас менга.

* * *

Улусга етказиб тўғри Сўзини,
Эл қатори тутсин адиб ўзини.
Ёлғон сўзлар билан уни алдаса,
Тузликка тупурар ичиб тузини.

* * *

Ҳаётда бўлмайди нуқсонсиз киши,
Ўзин тузатмакка имконсиз киши,
Билмаган одам йўқ ўз нуксонини,
Хатосин тан олмас иймонсиз киши.

* * *

Киши йўқ — ўзини ёмон деса,
Доно йўқ — ўзини нодон деса.
Беназир санайди барча ўзин,
Инсон йўқ — ўзини шайтон деса.

* * *

Ҳаёт боғи мени мафтун айлади,
Ўткинчи умрдан мамнун айлади.
Абадий тириклик булоғин излаб,
Муҳаббат қўйида мажнун айлади.

* * *

Ҳаёт не буюрса — мункир этмадим,
Ғанимни ҳаётга мухбир этмадим.
Ота-боболарим ўтгандир покзод,
Нопокни йўлимда мунир этмадим.

* * *

Белимга инсофдан белбоғ боғладим,
Эътиқод уйига элни чоғладим.
Виждон билан қилдим нима иш қилсам,
Виждонсизни ўз ўтида доғладим.

* * *

Ерни мен аиорга ўхшатдим,
Ёзу куз, баҳорга ўхшатдим.
Анордек унинг ҳам бағри қон,
Давоси йўқ беморга ўхшатдим.

* * *

Тоғдай юксалади инсон ҳурматдан,
Тоғни кўтаради кифти қудратдан.
Инсон ҳурматини қўйсанг жойига,
Тоғни талқон қилар, қочмас меҳнатдан.

* * *

Менинг ишим йўқдир сиёсат билан,
Сиёсат қилгувчи раёсат билан.
Аммо, унга бўйинсунмоқ бурчимдир,
Амрига тайёрман раият билан.

* * *

Фикрингиз қочмасин фикр ўқидан,
Лафзингиз нурлансин фикр чўғидан.
Кишини қадрли қилади фикр,
Қадрсиз бўлади фикр йўғидан.

* * *

Яхши иш қилсангиз, юрманг осмонда,
Яшангиз яхшилик кўрган ҳар жонда.
Ёмон ишдан қочинг — охири войдир,
Гарчи шайтон қони бордир инсонда.

* * *

Мен сенга суяниб яшайман,
Ўзимдан ийманиб яшайман.
Илоҳим, биз қўша қарийлик,
Куну тун куйманиб яшайман.

* * *

Сен уйимнинг зийнати бўлибсан,
Ҳаётимнинг қиймати бўлибсан.
Сенсиз дунё менга ғамхонадир,
Тириклигим тийнати бўлибсан.

* * *

Кўздан нур кетмакда кун ўтган сайин,
Қарилик қўлимиз тутмакда майин.
Сезмай қолмакдамиз вақт ўтганини,
Ҳаётда бирор иш қилдикми тайин?

* * *

Иш қилиб, ўзимдан қониқмадим,
Баҳор, ёз, кузимдан қониқмадим.
Қониқмай яшадим ҳаётимдан,
Шеър ёзиб, Сўзимдан қониқмадим.

* * *

Қайрилиб қарасам ўнгу сўлимга,
Не ўнгу сўл, балки, ўтган йўлимга.
Кўнглимда ташвишлар бўлади пайдо,
Бирор нарса илинмайди қўлимга.

* * *

Ўйлайман: ё умрим ўтдими абас,
Бўлмадим замонга, балки, ҳамнафас.
Наҳот, қуруқ келиб, мен қуруқ кетсам,
Ё сароб эканми орзую ҳавас?

* * *

Шеърдан бўлак, айтинг, нима иш
қилдим?
Нега ўз жонимга зўр ташвиш қилдим?
Иш бўлдими, айтинг, китоб ёзмак ҳам,
Ёзиму кузимни нега қиш қилдим?

* * *

Қашшоқлик кўйига қўйманг қадам,
Ундаги уйларда жабру алам.
Тийра рўзгорингиз обод бўлмас,
Қайрилиб боқмайди меҳру карам.

* * *

Дўсту ёронлар, куринг, фаровонлик
қасрини,
Бирга обод этайлик, фаровонлик
асрини.
Азиз умрни сарфланг, хайрли, савоб
ишга,
Бошида тутсин Ватан фаровонлик
наслини!

* * *

Бошим осмонга етди ҳурлик
замонасида,
Умрим кечар осойиш нурли
кошонасида.
Тириклик булоғидан бир пиёла
сипқориб,
Толе хатини кўрдим халқим
пешанасида.

* * *

Дарахтларни баҳор уйғотди,
Кундузимас, наҳор уйғотди.
Ҳақдан тила ризқингни дебон
Сахар туриб, бедор уйғотди.

* * *

Ўйлаб ўтирмай энди таваккал
қилмоқчиман,
Таваккал қилган ишим муфассал
қилмоқчиман.
Ўзимни ўту сувга уриб, айтинг, не
қилдим,
Бир ишни чала қилмай, мукаммал
қилмоқчиман.

* * *

Кўнглимда гапим кўп — хеч тугамайди,
Гапирсам эртаю кеч тугамайди.
Гапиргандан кўра ёзган яхшироқ,
Ёзганда дилда севинч тугамайди.

* * *

Бузиб ўтдим йўлимдаги тўғонларни,
Босиб ўтдим қўзғалган чанг-
тўзонларни.
Сакраб ўтдим чоҳу жарлик,
жаҳаннамдан,
Енгиб ўтдим тулкидан қув шайтонларни.

* * *

Бошимга иш тушганда Кенагасни
эсладим,
Дилда илҳом жўшганда Кенагасни
қўмсадим,
Қавму қариндош меҳри чорлайди
кучоғига,
Элга бўлиб арзанда Кенагасни истадим.

* * *

Иймон нури туфайли дил уйи
равшандир,
Ислом нури туфайли эл уйи
равшандир.
Иймону ислом нури оламни ёритди,
Инсон нури туфайли адл уйи
равшандир.

* * *

Мен билан дуст бўлди аҳли карамлар,
Мен билан ёв бўлди аҳли аламлар.
Караму аламни кўрдим ҳаётда,
Билмадим дўстми, ёв, ахли қаламлар?

* * *

Мен тарихни элакдан ўтказдим,
Буюк орзу-тилакдан ўтказдим.
Ҳайрат босиб, мозий қисматини,
Ақл билан юракдан ўтказдим.

* * *

Мевали дарахт эксанг — савобдан
чиқмас бошинг,
Пешана терин тўксанг —
дур бўлур тутган тошинг.
Умид билан яшайсан —
ет орзу-ниятингга,
Нонингни егил ҳалол —
харом бўлмасин ошинг.

* * *

Бу дунё кечирар — кечирмайди у дунё,
Бол егизиб, заҳарин ичирмайди бу дунё.
Бу дунёда эркалаб, унутма у дунёни,
Барча ҳисоб-китобни қилур асли у дунё.

* * *

Дил боғи яшнади — Сўз қадрин
билсам,
Жон қуши қақшади — Сўз бағрин
тилсам.
Озор берма деди Сўз ва Маънога,
Дилу жон алқади — Сўзга эгилсам.

* * *

Умр зарин сочмадим елга,
Ҳаёт боғин бермадим селга.
Тўзонларга кўксимни тутиб,
Бор бисотим бердим ҳур элга.

* * *

Ўзим қолдим яланғоч —
элга бериб боримни,
Мисли яланғоч ороч
қишга айтдим зоримни.
Элу юрт баҳра топди, не бахт,
меваларимдан,
Қишдан омон чиқурман
Кутгали баҳоримни.

* * *

Айтар гапинг бўлмаса —
мингбарга чиқма зинҳор,
Элдан кўнглинг тўлмаса —
минбарга чиқма бекор.
Тилингни тийсанг яхши,
маҳмадоналик қилмай,
Қадрингни эл билмаса —
минбарга чиқма, тулпор.

* * *

Мажлисларга бормайсан —
ҳайъатда ўтирмасанг,
Минбарлардан сўз олиб,
совундек кўпирмасанг.
Манманлик балосига
йўлиқибсан, водариғ,
Кеча бир гадо эдинг,
шоҳ каби қутирмасанг.

* * *

Худойимга минг шукр,
ишим келди ўнгидан,
Ёрдам сўраб тутмадим
бировларнинг енгидан.
Инсонлик бурчим оқлаб —
яшаяпман беминнат,
Эртам ойдин бўлгайдир,
билинг, ўтган кунгидан.

* * *

«Қорин тўйди — қайғу кетди», деган
замонлар ўтди,
Яшаб қорин ғамида, қорни
оч инсонлар ўтди.
Энди-ку, қорин тўқ, аммо,
каллада хеч вако йўқ,
Мафкуравий зулм қилиб,
манқурт шайтонлар ўтди.

* * *

Ҳамма нарса бор бугун — миллий
ғурур етишмас,
Барча ўзидан мамнун — нима
етмас, билишмас.
Ватан марди майдону аҳли
закога муҳтож.
Ғурур деган туйғу бор,
ҳаёт еб ва ичишмас.

* * *

Ётиб есанг, билгил тоғ ҳам чидамас,
Меҳнат қил, меҳнатнинг нони тугамас.
Ишламай тишлаган бормас узоққа,
Меҳнат нонин еган одам қуламас.

* * *

Шумлик қилиб, қайга борасан, шайтон?
Нимага ҳаётни қиласан вайрон?
Инсонни бузасан нимага, айтгил?
Ёки йўқ дейсанми инсонда иймон?

* * *

Ҳаёт карғишига қолмайин десанг,
Не ажаб, кишилар ғамини есанг,
Топганингни ўз нафсингга урмасдан,
Мурувват уйига кўтариб келсанг.

* * *

Элу юртни бой қилар қўли очиқ
одамлар,
Салтанатни безайди оғзи ёпиқ одамлар.
Бахил билан гапдонга қолса дунё
бузилар,
Ватан яшнар, тождорга қилса тобуқ
одамлар.

* * *

Бирдан кўзга кўриндинг —
дурдек тобандасан,
Бирдан кунга уриндинг —
нурдек тобандасан.
Дур билан нур сингари
тоза, покзод экансан,
Бирдан Ҳаққа юкундинг —
Ҳурдек тобандасан.

* * *

Менга насиб этди ранж паймудалиғ[1],
Не ранж, назм аро ганж паймудалиғ.
Салафлар изини суриб кўзимга,
Дунёда «Хамсаи панж» паймудалиғ.

---

[1] Ранж паймудалиғ — қийналганлик

* * *

Ёмон одам бир бўлса,
яхши одамлар мингдир,
Ёмонлари сенингу
яхшилари менингдир.
Икки дунёда, билгил,
яхши-ёмон тенг эмас,
У дунёси менингу
бу дунёси сенингдир.

* * *

Умрингни безади сенинг зарофат,
Умримни безади менинг шарофат.
Зарофатли, шарофатли Ватанда,
Умримиз безади бизнинг каромат.

* * *

Одами хокийман ҳамда оламзод,
Олами хокийман ҳамда одамзод.
Оламзод, одамзод — Худо бандаси,
Қалами хокийман ҳамда қаламзод.

* * *

Мирҳожлиқ қилибсан бугун
ҳожиларга,
Қозикалон эдинг кеча қозиларга.
Шамол эсган ёққа юзингни бурибсан,
Сағбонлиқ қилурсан эрта тозиларга.

* * *

Юлдузлар сайлига чиқсам оқшомлар,
Кўнглимни майлига қарар илҳомлар.
Бошимни чулғайди фикрату ҳикмат,
Маънолар хайлига бўлсин икромлар.

* * *

Билмадим: бошимга кимлар тош отди,
Тош билан бошимни уриб ушотди.
Юзларимга оқди лахта-лахта қон,
Кўзиму юзимда хуноблар котди.

* * *

Ўтмишда кучайди элга бедодлик,
Селдек босиб келди юртга барбодлик.
Юраклар қон ютди жабру зулмдан,
Ватанни тарк этди шодлик, ободлик.

* * *

Шоирнинг ўзига баҳоси баланд,
Не баҳоки, кибру ҳавоси баланд.
Бирини ўн қилиб кўрсатиб элга,
Шуҳрат кўчасида даъвоси баланд.

* * *

Мен ишимни басар[1] қилдим,
Эрк субҳида яксар қилдим.
Эллик йиллик ижодимни,
Йиғиб, элга сафар қилдим.

* * *

Олами куброда кўпдир ҳодисот,
Гаҳи ёмон, гаҳи хўбдир ҳодисот.
Ҳодисот ичинда яшайди дунё,
Осойиш юзингдан ўпдир, ҳодисот.

* * *

Соғ бўлсанг, шеър сирғар кўнгилга,
Келар ўзи куюлиб тилга,
Хаста бўлсанг, руҳинг бўлиб паст,
Кўринасан кераксиз элга.

* * *

Отанг Бобурхон деб сенга қўймиш ном,
Бу зотни эл қилар иззат ва икром.
Майли, олиб берма Кашмиру Ҳиндни,
Неварам, номингга лойиқ бўл мудом.

* * *

Темурхон номига бўлиб сазовар,
Улуғ бобонгиздек бўлинг диловар.
Чинордай юксалиб, Бобурхон билан
Отангиз ёнида туринг бахтиёр.

* * *

Масъудхон, неварам, соҳиби камол,
Сиз мулки Олмонга нажот ва омол.
Онангиз қадрини тутиб бош узра,
Меҳр куёшига бўлибсиз жамол.

* * *

Неваралар меҳри билан яшайман,
Қишда ҳам ёздаги гулдек яшнайман.
Умидсизлик, зорлик тиканларини,
Ҳаёт бўстонидан узиб ташлайман.

* * *

Яхши зотлар билан қилиб мулоқот,
Меҳрнинг қўлидан олдим мукофот.
Садоқат гулзори яшнаб йўлимда,
Тангрига субҳи шом этдим муножот.

* * *

Чарақлаб турибди кун қошимизда,
Хўмрайиб турибди тун қошимизда.
Умримиз кечмакда куну тун аро,
Бахтимиз: ой ила қуёшимизда.

---

[1] Басар — саранжом

* * *

Мен чеккан зулмни ўзга чекмасин,
Кўкрагини босиб музга, чекмасин.
Эркин нафас олсин ўз ватанида,
Дил дардини айтсин Сўзга, чекмасин.

* * *

От миниб, отасин унутган каслар,
Одам бўлинг, демасинлар нокаслар.
Билингиз: эртага тушасиз отдан,
Оёқлар остида бўлгайсиз хаслар.

* * *

Гулзорда дуч келдим кўзойнакли
илонга,
Тик туриб ташланди — захрини сочиб
жонга.
Бўйнидан тутдиму бўғдим кучим
борича,
Думлари билтанглаб, кўзлари тўлди
конга.

* * *

Кўпни кўрган чол менга қилди панду
насиҳат:
Катта асарлар ёзиб, нима кўрдинг
оқибат!
Тинч юрсанг бўлмасмиди тенгдошларинг
қатори,
Бу ёғига чидайсан, »дўстлар» қилса
қиёмат.

* * *

Ҳаёт заҳрин кўп тотдим,
нетай, боли кам экан,
Барча жабру машаққат
йўлларимда жам экан.
Яхши-ёмон кунларни
ўтказолдим саломат,
Ҳаёт дегани асли
шодлик билан ғам экан.

* * *

Қизғинам, бошингда Ҳумони кўрдим,
Бахт ва толе кулган дунёни кўрдим.
Чарақлаб кулгайдир иқбол қуёшинг,
Бошингда паноҳинг Худони кўрдим.

* * *

Ҳавас қилса арзигулик қор,
Ер юзини қилди ҳусндор.
Ғамларини кўмиб, оламни
Бокирадай кўрсатди, дилдор.

* * *

Давлатнинг қадрига етган кишини,
Худойим ўнг қилар доим ишини.
Эҳтиром тахтига кўтаради юрт,
Тўкин ёз қилади қаттиқ қишини.

* * *

Фаррухжон, омон бўл, ўғилларинг
бошида,
Тоғдай юксалиб тур кеча-кундуз
қошида.
Сен билан фахр этсин, эргашсинлар
изингдан,
Меҳрингни кўрсинлар қавму
қариндошида.

* * *

Масъудхон, Темурхон, Бобурхон
комрон,
Мени суяб турар бугун тоғсимон.
Бошида кўтариб невараларим,
Дерлар: бахтимизга бўлинг соғ-омон!

* * *

Эркул ака билан қилиб мулоқот,
Дилимга югурди умид ва нажот.
Кўкка кўтардингиз, деди, Ўзбекни,
Эл меҳридан йўқдир олий мукофот.

* * *

Ўз қадримга етдим ўзим, ҳар қалай,
Олтин, кумуш туриб, бўлмадим қалай.
Тупроққа қормадим ўз ғуруримни,
Бошим баланд тутдим, бўлмадим малай.

* * *

Фархландим, менга ким қилса ҳасад,
Кўксимни кўтардим тоғдек сарбаланд.
Ҳасадгўйлар чумолидек кўринди,
Бошимдан бир умр кетма, эй омад!

* * *

Сув билан ҳавони қилмангиз ифлос,
Ер билан самони қилмангиз ифлос.
Оламу Одамга келтирманг қирон,
Дил билан Иймонни қилмангиз ифлос!

* * *

Инсофсизман демас ҳеч ким ўзини,
Виждонсиз деб билмас ҳеч ким ўзини.
Инсофу виждонни бир пулга сотиб,
Иймонсиз санамас ҳеч ким ўзини.

* * *

Қоғозга тўкилди қордай оппоқ
туйғуларим,
Тафаккур уйида қочиб кетди
уйқуларим.
Айтсам тилим куйди, айтмасам куйди
дилим,
Қор билан кўмилди ҳасрату
қайғуларим.

* * *

Ҳамма қордек оппоқ — қораси йўқдир,
Қорани оқ демак чораси йўқдир.
Оқ билан қорадан иборат дунё,
Гўё икки эшик ораси йўқдир.

* * *

Бир кун туз тотган жойга қирқ кун
салом беринглиз,
Мезбон меҳрин қозониб, иззат-икром
кўрингиз.
Окибатли одамлар олам уйин безасин,
Ташвишли кунларида тоғдек суяб
турингиз.

* * *

Энди билсам, худбинлар ўйлар экан
ўзини,
Тузлиғига тупурмиш ичиб элнинг
тузини.
Оёғини узатса ёзган дастурхонига,
Элнинг тузи азиздир, кўр қилади
кўзини.

* * *

Учиб юрманг, э дўстлар, манманлик
осмонида,
Ерга тушиб, сайр қилинг камтарлик
бўстонида.
Меҳр булоғин излаб, ичинг оби
замзамдан,
Номингиз янграб турсин кишилик
достонида.

* * *

Эл раъйига қараб гапирдим,
Эл кунига яраб гапирдим.
Аҳли жаҳон уйида, дўстлар,
Эл ҳақида яйраб гапирдим.

* * *

Шукрлар қиламан, субҳидамга
етганимга,
Шеъру достонимни субҳидамда
битганимга.
Ўз фикру ўйим билан сухбат қилиб
саҳарлар,
Тириклик офтобин субҳидамда
кутганимга.

* * *

Даредай оқиб сокин умрим
ўтиб кетмакда,
Орқасидан қарайман — омад
кутиб кетмакда.
Баҳорги тошқинлардан
гўё асар қолмаган.
Мўйсафид чолдек доно —
элни тутиб кетмакда.

* * *

Дўстлар билан ўтирсам,
дилдан ғубор ёзилар,
Кўзларда балқиб меҳр,
дарди бемор ёзилар.
Шодлик куйлари янграб,
ғам унлари босилар,
Ҳаётнинг неъматидан
шукрона ашъор ёзилар.

* * *

Ҳаёт сувини ичиб Оби раҳматдан,
Худога шукр қилар эл марҳаматдан.
Тоат-ибодат билан умрин ўтказиб,
Ҳайратда: Дунё деган зўр хашаматдан.

* * *

Табиат қонуни — ҳаёт қонуни,
Абадий ўзгармас — Ҳақ битган уни.
Бандаси ёзгани ўзгарар мудом,
Чунки тўғри келмас унга мазмуни.

* * *

Тама остонасин яламадим, йўқ,
Амалдор аҳлига қилмадим қуллуқ.
Ватану миллатим хизматин қилдим,
Кўксимга тегса-да, ғаним отган ўқ.

* * *

Элга хизмат қилдим — нодонга эмас,
Не нодон, аҳли жоҳ, шайтонга эмас.
Шарафли бурч билдим улус ишини,
Тонг сари интилдим — хуфтонга эмас.

* * *

Мақтовлар кўкида юрмадим учиб,
Ой, қуёш ва ёки юлдузни қучиб.
Фақир ерда юрдим ва қилдим шукр,
Риндона яшадим ўзимдан кечиб.

* * *

Мозий мунча бой бўлмаса,
Дарё, уммон, сой бўлмаса,
Зулмат экан, алломалар —
Қуёш, юлдуз, ой бўлмаса.

* * *

Умр берса менга худойим,
Тутилмагай қуёшим, ойим.
Ҳақ сийлаган Сўз саройида
Тўрда бўлгай, албатта, жойим.

* * *

Маддоҳлар ўпсам дейди оёғингни,
Не оёқ, есам дейди кўз ёғингни.
Ишонма, э дўст, аҳли мунофиққа,
Қуёш деб элни алдар чироғингни.

* * *

Ўзбек китоби кўп — китобхони кам,
Қомусу Тафсиру Қуръонхони кам.
Навоийни бобо деймизу аммо,
«Хамса»син ўқиган достонхони кам.

* * *

Учрашиб қолишди доною нодон
Нодон бошида тож: доно лол, ҳайрон.
Кулиб деди нодон: «донойи даврон,
Энди мен дономан, сен эса нодон».

* * *

Ўғлининг доғида куйиб кетди,
Бу дунё ғамидан тўйиб кетди.
Ғайбуллоҳ ас-Салом чархи кажни,
Сўз билан ўрнига қўйиб кетди.

* * *

Инсонни худонинг ўзи яратди,
Заминга тикилган кўзи яратди.
Муқаддас китоблар юбориб унга,
Иймонга даъваткор Сўзи яратди.

* * *

Водариғ, қаторда норим қолмади,
Кўнглимдан ўзга бир ёрим қолмади.
Не фойда, ғам чекиб, оҳлар урмакдан,
Оллоҳга дегани — зорим қолмади.

* * *

Енгилман — елкамда борим[1] қолмади,
Дилимни ўртаган зорим қолмади.
Чин дунё жаннати мени кутмакда,
Бу ёлғон дунёда корим[2] қолмади.

* * *

Қаддингни кўтар, халқим,
сен кутган замон келди,
Ҳурлик офтоби чиқиб,
таъзимга осмон келди.
Осмонга етган бошинг
қуёшдек бўлсин омон,
Озод юртингга бугун
жумлайи жаҳон келди.

* * *

Салтанат биноси улуғ бинодир,
Бу бино ичида нодон донодир.
Эй оқил, инсонга меҳру шафқат қил,
Бу дунё — ўткинчи, қайтар дунёдир.

* * *

Меҳнат мени эзиб қўйди,
Ҳолим кўриб, ёниб-куйди.
Тутиб ширин мевасини,
Пешанамдан ўпиб, суйди.

* * *

Ғилдирак сингари айланар дунё,
На боши бор, на охири, муаммо.
Асрорин билолмай боқаман ҳайрон,
Оёқ остида ер, бошимда само.

* * *

Ўзга нони миннатли экан,
Ўз топганинг қимматли экан.
Буқаламун дунёда фақат
Меҳнат эли ҳиммatли экан.

* * *

Ҳаётнинг илмига амал қилдим,
Фикр қалъасини қамал қилдим.
Сийлаб, асир тушган маъноларни,
Шеъру достонимга тамал қилдим.

* * *

Манқуртлар унутди ўз отасини,
Давронга юклашди ўз хатосини.
Елкасига чиқиб олиб улуснинг,
Барқут деб кўрсатди бўз матосини.

* * *

Иморат қурмадим ғиштдан ё тошдан,
Мармари олмади жило қуёшдан.
Мен Сўздан яратдим бир олий қаср,
Замини: Эътиқод, Иймон, Бардошдан!

* * *

Ҳабиблар ўзини урди тижоратга,
Боқмади Сўз деган нақшин иморатга.
Тирикчилик экан: Макка, Мадинамас,
Отчопар, Чорсуга борди зиёратга.

* * *

Рўзғоринг тебранмас бекор бўлсанг,
Бахт кулмас, ҳаётдан безор бўлсанг.
Умиддан айрилсанг — омад боқмас,
Ўзингдан ўпкала, хор-зор бўлсанг.

* * *

Бир қанотим «Янги Ҳамса»,
бири «Ўзбекнома»дир,
Арши аъло томон учсам
меърож олтин хомадир.
Китобларим, билинг, менинг
қайрилмас қанотларим,
Навоийга дарс берган эл
менга пир, раҳнамодир.

* * *

Шўро тузуми, билсам, уста экан
зўрликда,
Қулга ўхшаб ўзбекнинг умри ўтди
хўрликда
Қоғоздан ўчоқ ясаб, гулдан ўтин қилса
ҳам,
Ўзбек асл ўзлигин англаб етди
хурликда.

* * *

Ўзбек тарихини яратмоқ учун
Филдай қудрат керак ва шердек
журъат.
Кимки илмда зўр, ақлда устун,
Ўшанга, худойим, қилгил мурувват.

* * *

Умид билан яшаб, умидимдан
айрилмадим,
Меҳр билан яшаб, хуршидимдан
айрилмадим.
Эътиқод чироғини ўчирмадим
дилимдан,
Иймон билан яшаб, муршидимдан
айрилмадим.

---

[1] Бор — юк
[2] Кор — иш

* * *

Мен ҳаёт заҳрини кўп тотдим, нетай,
Золимлар қаҳрини кўп тотдим, нетай.
Айбим: адолатни қилиб ҳимоя,
Сиёсат макрини кўп тотдим, нетай.

* * *

Устомонсан, гапга тўн кийдирасан,
Сўзингда ўзгага жон куйдирасан.
Вафо либосига ўраб жафони,
Болга оғу солиб, эҳ, тўйдирасан.

* * *

Сенинг ғаминг билан яшайман,
Сенинг даминг билан яшайман.
Ой, юлдузсиз қаро бир тунда,
Сенинг шаминг билан яшайман.

* * *

Ҳамма қарсак урди — мен қараб турдим,
Мансабга сиғинди — бетараф, турдим.
Ҳақ десам — тилимни кесарди алҳол,
Ҳақиқат кунига мен яраб турдим.

* * *

Менга яшаш қийин — тўғри сўзликман,
Сўзидан тонмаган содда ўзбекман.
Осон яшамоқни қилмадим хавас,
Бошимда синса-да, қилич, ўзликман.

* * *

Барча дерди уни даврон доноси,
Элда баланд эди обрў биноси.
Нокаслар нодон деб тамға босдилар,
Ҳурмат уйин бузди туҳмат балоси.

* * *

Тарихга ким боқса сохта кўз билан,
Аждодлар бағрини тузлар туз билан.
Гуноҳ бошин эгиб яшайди, чунки,
Элга тик қаролмас куйган юз билан.

* * *

Эл ҳақини еган азал хор бўлган,
Ғурбатда меҳрга, нурга зор бўлган.
Жон омон қолса, бас, гарчи қафасда,
Ўзгани чақмоққа тили мор бўлган.

* * *

Гарчи боши узра булутли осмон,
Умидга таяниб яшайди инсон.
Ҳеч нарсаси йўқдир умиддан ўзга,
Умиддан айрилса зимистон жаҳон.

* * *

Шеър ёзсам — дилимдан ғам бўлар унут,
Нажот кўлларини узатар Ургут.
Қузғунга чўқитмай дардли қалбимни,
Умид тоғи узра юксалар бургут.

* * *

На чора? Дўстим кўп, душманим
камдир,
Кам бўлса ҳам, нетай, бошимга ғамдир.
Душман ҳам дўст бўлар қуёшли кунда,
Дўстлар муҳаббати дилимга шамдир.

* * *

Кулча бўлиб етиб қиш бўйи пинҳон,
Бошини чиқарди кавакдан илон.
Яшамаслик учун яна кавакда,
Дуч келган кимсани чақди беомон.

* * *

Ҳаёт шодлик берди — берди озроқ ғам,
Ғамсиз татимайди нуқул шодлик ҳам.
Шодликдан иборат бўлса гар ҳаёт,
Ғамни эса ўзи яратди одам.

* * *

Гуллардан бол йиғса асалари гар
Баъзи бар инсонлар яратар заҳар.
Бол еган кишилар қутулса дарддан,
Заҳарни тотганлар жойидир маҳшар.

* * *

Душманнинг ўқидан бўлсанг ярадор,
Бир дардга минг даво топар шифокор,
Дўст отган сўз ўқи тегса қалбингга,
Умр сўнгигача тузалмас зинҳор.

* * *

Сен бугун доносан, эртага нодон,
Нодонни адашиб сийлайди даврон.
Ҳаёт чархи доим айланиб турар,
Яна ўз аслига қайтади жаҳон.

* * *

Йиғлаяпсан, демак, одам бўлибсан яна,
Одамлар сафига қайтиб келибсан яна.
Ахир, йиғлашни ҳам қўйган эдинг
унутиб,
Мансабда маст эдинг, қадринг билибсан
яна.

* * *

Метин қоя эди — бўлмас эди қўзғатиб,
Салом учун қўлни бўлмас эди узатиб.
Оқибат қояни қўзғатдилар ўрнидан,
Совуқ сўзи дилни кетди яна музлатиб.

* * *

Минг бир жумбоқ яшар, ўғлим,
бошингда,
Жумбоқлар тоғлардек турар қошингда.
Тоғни кўтармоққа нозиксан ҳали,
Кашф учун шошилма мурғак ёшингда.

* * *

Тиниқ ва покиза фикрим булоғи,
Фикрим тоза экан, дилнинг йўқ доғи.
Булоқни тўзондан асрайди омон,
Иҳота қилинган ҳаётим боғи.

* * *

Иғво уясига суқмадим бошим,
Нокаслар бўлмади дўсту қардошим.
Фикри бузуқлардан юрдим узоқда,
Имонли одамлар содиқ йўлдошим.

* * *

Сохта ҳурмат кўрдим ўн йилдан ортиқ,
Сохта меҳр кўрдим кўнгилдан ортиқ.
Тамагир бозори чаққон давронда,
Сохта одам кўрдим бир элдан ортиқ.

* * *

Тулки терисини ёпинди қотил,
Ўзини нодонга кўрсатди оқил.
Туҳмат тиғин санчди аҳли донога,
Маърифат йўлида адашган жоҳил.

* * *

Улкан хонадонга кирди маккор зол[1],
Кибр-ла уй тўрини айлади ишғол.
Тотув оилага солди-да, нифоқ,
Оға-иниларни ёт қилди қаттол.

* * *

Нодон ҳам донодир даврон сийласа,
Бахил ҳам саховдир даврон сийласа.
Даврон гар боқсама дахо ҳам хордир,
Гадо ҳам подшодир даврон сийласа.

[1] Зол — кампир

* * *

Даврингдан нолима — одил бу даврон,
Элингдан нолима — пок дил ҳар инсон,
Бир хато ўтгандир, балки, ўзингдан,
Юртингдан нолима — йўқ ўзга макон.

* * *

Ҳаёт — бу театр, ўйин саҳнаси,
Эзгулик, ёвузлик — қуюн саҳнаси.
Инсон фожиаси ўйналар унда,
Омонат эмас, йўқ, қайюм[1] саҳнаси.

* * *

Олам кўзларимга кўҳлик кўринди,
Ҳаёт гулларида шўҳлик кўринди.
Ғам булути тарқаб элнинг бошидан,
Озурда зиёли руҳлик кўринди.

* * *

Давронга ҳукмини ўтказди маккор,
Ёвузга кин тиғин тутқазди маккор.
Ўзига санчилди қайтиб бу яроқ,
Қасос ўйинида ютқазди маккор.

* * *

Қафасга солсанг ҳам сайрайди булбул.
Ҳаётни гулзор деб англайди булбул.
Билмайди: ҳаётда тиканзор ҳам бор,
Тириклиги учун яйрайди булбул.

* * *

Ичи қора билан тенг бўлма асло,
У тиккан тўнига енг бўлма асло.
Дилинг пок, тилинг пок, кўзинг пок
сенинг,
Нопокнинг юзига менг бўлма асло.

* * *

Не эзгулик қилдим — беғараз қилдим,
Ғаразли кишидан мен араз қилдим.
Ғараз билан битса — битмасин ишим,
Ғаразсиз дунёни мен фараз қилим.

* * *

Ким чиқса минбарга — урамиз қарсак,
Ким тушса минбардан — урамиз
қарсак.
Ўрнига қўямиз қарсак урмоқни,
Жим турса минбарда — урамиз қарсак.

[1] Қайюм — барқарор турувчи, абадий

* * *

Ўзгани камситмоқ — қилмишинг сенинг,
Ўзингни кўрсатмоқ — ташвишинг сенинг.
Якка чинор бўлиб яшасам, дейсан,
Қарғишдан ёмондир олқишинг сенинг.

* * *

Сийму зар керакмас — менга ёр керак,
Шодлигу ғамимга бир дилдор керак.
Ёрсиз не қилурмен икки жаҳонни,
Жаҳондан кечсам-да, гулнигор керак.

* * *

Чақимчилик эди қилмишинг сенинг,
Орттирган олтину кумушинг сенинг.
Мустақиллик этди бозоринг касод,
Энди қандай кечар турмушинг сенинг.

* * *

Маст бўлиб айнисанг ўзгадан кўрма,
Ақлингни йўқотган бўзадан кўрма,
Инсоф кўзи билан ўзингга боққил,
Бўзани сақлаган кўзадан кўрма.

* * *

Ишинг тушса — излаб келасан,
Манфаатинг кўзлаб келасан.
Раҳму шафқат кўзғаб дилимда,
Итимни ҳам сизлаб келасан.

* * *

Ёзилган асарни йўқотиб бўлмас,
Йўқотаман дебон ўқ отиб бўлмас.
Юрак пешгаҳида ардоқлайди эл,
Элни унга қарши қўзғатиб бўлмас.

* * *

Эй дўстлар, Ҳақиқат замони келди,
Эркин фикрлилар даврони келди.
Сўзингиз юракда қолиб кетмасин,
Оталар орзусин карвони келди.

* * *

Баҳор келди — дилдан қиш кетгани йўқ,
Ёсуман «гул» тутиб — унутгани йўқ.
Ғунчалар бағри қон наврўз ишқида,
Алам музларини эритгани йўқ.

* * *

Салафлар замондан ёрлиқ кутдилар,
Унвон учун хизмат қилиб ўтдилар.
Олқишдан бўшамай, кўз юмиб ҳақдан,
Улуғлар этагин маҳкам тутдилар.

* * *

Ўзгармоқда кун сайин дунё,
Гоҳо дағал, гоҳ майин дунё.
Одамларни шайтон сингари
Ўйнатмоқда бетайин дунё.

* * *

Ёруғлик югурди дилимга бугун,
Ёруғлик йўғрилди тилимга бугун.
Зулмат ёсумани топмиш инқироз,
Ёруғлик таралди элимга бугун.

* * *

Қайрилиб боқибди ўткинчи омад,
Қаддингни тиклабди мўмай даромад.
Дўстларни кўрсатиб оёқ ўчида,
Ўзингни санабсан элда саромад.

* * *

Садафга алишмас доно дурини,
Ҳавасга тўкмагай кўзин нурини.
Ўткинчи шуҳратнинг изидан қувиб,
Елга совурмагай умр кўрини.

* * *

Муз баданин тоблаб қуёшга чунон
Ҳар йили бир марта пўст ташлар илон.
Шароитга қараб илон сингари
Тўнини ўзгартар баъзи бир инсон.

* * *

Кеча доно эдинг — бугун нодонсан,
Кеча бурдой эдинг — бугун сомонсан.
Мартаба ҳеч кимга қилмаган вафо,
Кеча бийрон эдинг — бугун соқовсан.

* * *

Ҳаёт китобининг маъносидир вақт,
Занжирбанд ҳақиқат нидосидир вақт,
Даврон ўйинига вақт олий ҳакам,
Энг оғир дардларнинг давосидир вақт.

* * *

У ҳозир, улуғлар пойин ўпгани,
Ўзидан кичикни тўпдек тепгани.
Тамаъ бозорида қилар даллоллик,
Юрак деб кўтариб юрар ўпкани.

* * *

Ўликлар рухига келтирма озор,
Қабри тепасида қурмагин бозор.
Ҳаёт андишасиз: этсанг безовта,
Тиригингда қилар ўликдан ҳам хор.

* * *

Иккиланиб турмоқ пайти эмас, бил,
Орқага қарама, олдинга интил.
Оёғингни узиб бугун домидан,
Эртани йўлингга зўр машъала қил.

* * *

Ўзгариб туради инсон олами,
Дилига кўзгудир қўйган қадами.
Ўзинг торт — ўзгага юклама ғаминг,
Ўзига етарли ҳамманинг ғами.

* * *

Маслакдош эдилар — фикрлари бир,
Бир мақсад уйида этдилар зикр.
Шахсий манфаатга келганда, аммо,
Фикрлар тўқнашиб, узилди занжир.

* * *

Юрагим санчийди — дарду ғамим кўп,
Ғарчи душманим бир, дўст-ҳамдамим
кўп,
Эл мехри, юрт мехри дардимга даво,
Дардли дамим каму хурсанд дамим кўп.

* * *

Бугун шодсан, эртага ғамнок;
Ғам тунида ўзни тут бебок.
Нокасларга бўлмагин йўлдош,
Покни этар нопоклар нопок.

* * *

Субутсиз кишига бўлма суҳбатдош,
Иғво даврасидан олиб қочгин бош.
Дили тозаларга очгил дилингни,
Мурувват уйида бўлгай фикрдош.

* * *

Боғ эрур боғбон билан хурматхона,
Ҳурмати элга баланд ҳимматхона.
Не ҳиммат, оламаро фикратхона,
Боғбонсиз боғ — боғ эмасдир,
ғурбатхона.

* * *

Мансаб этди сени дўстлардан йироқ,
Ҳаётдаги каму кўстлардан йироқ.
Босар-тусарингни билмасдан қолдинг,
Бўлибсан инсоний ҳислардан йироқ.

* * *

Оғир синовлардан ўтди қисматинг:
Чиппакка чиқарди нодон хизматинг.
Чарх айланиб яна қўллади даврон,
Яна баланд бўлди элда иззатинг.

* * *

Қорани оқ қилур даврон истаса,
Жуфтни ҳам тоқ қилур даврон истаса.
Давроннинг қўлида қўғирчоқ инсон,
Покни нопок қилур даврон истаса.

* * *

Қуллуқ бошин эгди барча тириклигида,
Тириклар ичида иши йириклигида.
Кўзининг ёғини еган маккор
махрамлар,
Туҳмат тошин отди, ҳайҳот,
ўликлигида.

* * *

Ҳаёт бахти насиб этди, минг шукр,
Куну тун сингари ўтмакда умр.
Юрагим дарёдек уйғоқ экан то,
Субҳидам Чўлпондек бўлурман зуҳур.

* * *

Боқий дунё самаридир ҳаёт қонуни,
Амру фармон билан бузиб бўлмагай уни.
Ким риоя бошин эгмай, иш тутса
хилоф,
Тўзонларга совурилар умр мазмуни.

* * *

Ўзни сақла кўнгил комидан,
Гулоб ичгил ақл жомидан.
Минбар тегса, бўлиб билағон,
Пуч сўзлама элнинг номидан.

* * *

Яшалган ҳар ойга қилгайман қуллуқ:
Ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ.
Ўтган кунлар, ўтган йиллар қайтмагай,
Келажак умрнинг ҳар они қутлуғ.

* * *

Сиёсат ҳамиша хукмин юргизар,
Гоҳ тўғри, гоҳ эгри йўлни кўргизар.
Кажрафтор фалакнинг йўлидан юриб,
Ноҳақ қўли билан ҳақни ургизар.

* * *

Бароту қадрда келдим дунёга,
Дунёни тўлдирдим қадр, зиёга.
Лайлатул-қадрдек бу қутлуғ тундир,
Қутлуғ кунда шукр қилдим худога.

* * *

Мансаб бериб, сина дейди халойиқ,
Ўзгарар, мансабга бўлмаса лойиқ.
Ҳаёт доноларга кам эмас азал,
Мансабни безайди аҳли ҳақойиқ.

* * *

Безамаса инсонни амал,
Камолига бўлмаса тамал.
Эл меҳрини жойлаб юракка
Инсон берса амалга сайқал.

* * *

Нетай, кесилмаган таёқ экансан,
Золимлар бош бўлса, оёқ экансан.
Ёмон билан қилолмадинг муроса,
Адолат аҳлига маёқ экансан.

* * *

Жомийдек яшадим ғурбатдан йироқ,
Навоийдек нигоҳ ташладим бироқ.
Гоҳ тушди, гоҳ кочди шодлик назари,
Эл меҳри ёқолди кўнглимга чироқ.

* * *

Эл дардига дармон бўлайлик,
Юрт қалбига армон бўлайлик.
Тирикликда кўрмадик бахтни,
Ўлгандан сўнг комрон бўлайлик.

* * *

Шоҳ асарлар битса ҳам
шоҳлик даъво қилмади,
Хуросондан ўзга бир
юртни маъво қилмади.
Шамсул-миллат деган ном
кундек безаб умрини,
Не ажаб, Навоийдек
ҳеч ким наво қилмади.

* * *

Мен меҳмонман деган экан
бир шоир бу дунёга,
Ҳамма бир-бир кетар экан
оқибат у дунёга.
Бу дунёнинг эгаси йўқ
худойимдан ўзга бир,
Мезбони ҳам йўқ экандир
Ҳақдек мангу дунёга.

* * *

Қиличдек йигит эдим —
камонга ўхшаб қолдим,
Донимни бериб элга,
сомонга ўхшаб қолдим.
Шеъру достонлар битиб
айб қилдимми ёки,
Яхши эдим бир замон,
ёмонга ўхшаб қолдим.

* * *

Ойнайи жаҳондан тўкмангиз савлат,
Сизларга зор эмас, билингиз, давлат.
Ўзингиз доно деб алдаманг элни,
Халойиқ кўзини босмасин ғафлат.

* * *

Истиқлол виждони — Ғайбуллоҳ
ас-Салом,
Шаънига ёғилди улусдан эҳтиром.
Ҳақиқат мулкида фидойи аллома
Амрига бўйсунди Фикрат ила Калом.

* * *

Оппоқ тонг жилмаяр гар гул йиғласа,
Гул хандон очилар булбул йиғласа.
Хазонга юз тутар чаманзор боғлар
Ва тоғлар пасаяр кўнгил йиғласа.

* * *

Одамзот яратган кошонаси — Бахт,
Тиллодан ясаган остонаси — Бахт.
Ўзини уриб у Бахт чироғига,
Қанотлари куйган парвонаси — Бахт!

* * *

Сигарет баъзида хумор қилади,
Тонгача ўйлатиб, бедор қилади.
Ёшлик ўтиб кетди, энди чексам гар
Жисм ила жонимни бемор қилади.

* * *

Баланд тоғлар паст бўлур йигит ўлса,
Чўққилардан дарз кетур — бургут ўлса.
Эл нафрати қўзғолур вулқон бўлиб,
Йигит агар юртидан унут ўлса!

* * *

Ер исинар ёпиниб қор кўрпасини,
Ёзмиш заминга осмон бор кўрпасини,
Кўрпа ичра мўралаб, кўз қисар баҳор,
Йиғиб ол, дея қишга тор кўрпасини.

* * *

Умидинг пуч қилма, эй ҳақир банда,
Тўқ қилгил, қиш ўтиб, баҳор келганда.
Кам жойинг йўқ сенинг аҳли замондан,
Бошингни баланд тут, толе кулганда.

* * *

Йўл юрдим, мўл юрдим — дармон
қолмади,
Орзулар ушалди — армон қолмади.
Кўрдим шодликни ҳам, дарду ғамни ҳам,
Қаридим, суянсам — аркон қолмади.

* * *

Гоҳ умримни олимона ўтказдим,
Гоҳ умримни шоирнамо ўтказдим.
Фақру фано хилъатини ёпиниб,
Гоҳ умримни дарвишона ўтказдим.

* * *

Менга тош отибсан девор орқасидан,
Жонга қасд қилибсан хунхор
орқасидан.
Беш кунлик ҳаётни умрбод деб ўйлама,
Келибсан — кетасан мурдор
орқасидан.

* * *

Меҳнат менга яратилган —
шуҳрат ўзгага,
Сийрат менга яратилган —
суврат ўзгага.
Умрим ўтди ижод қилиб,
билмадим не дам,
Заҳмат менга яратилган —
раҳмат ўзгага.

* * *

Шайтонларни инсон десам,
буқаламун эканлар,
Ё дайдиб кин кўчасида
юрган мажнун эканлар.
Бир-бирининг кўзин бўяб,
алдаб бири бирини,
Баланд дарахтга осилган
думсиз маймун эканлар.

* * *

Худойим, кам қилма тенгқурларимдан,
Айирма эртароқ кўз нурларимдан.
Улар кўрган кунни мен ҳам кўрайин,
Кўнгиллар безансин сўз-дурларимдан.

* * *

Ўлдирмаса сени ёвлар қўймаслар,
Йўлинг тўсиб, чоҳлар ковлар,
қўймаслар.
Ҳурлик қўшиғини айтганинг учун,
Милтиғини ўқлаб, овлар, қўймаслар.

* * *

Тавба, кимлар сенга ҳасад қилмади,
Йўлингни тўсмакни мақсад қилмади.
Шайтонлар дастида илондек ўйнаб,
Заҳар дарахтидан маснад[1] қилмади.

* * *

Ўзингга бермагил юқори баҳо,
Кўплар қаторисан, эмассан даҳо.
Қойил қилиб қўйганинг йўқ бир ишни,
Нодонлар ўзини санайди доно.

* * *

Орамизда бордир думсиз маймунлар,
Хунук қилмишидан ўзи мамнунлар.
Дўстни сотиб, душман кўнглини овлар,
Шайтонга дарс берган буқаламунлар.

* * *

Ота иззатини бош узра қўйгил,
Она хизматини қош узра қўйгил.
Умрингни бағишла ота-онага,
Бақо ҳурматини тож узра қўйгил.

* * *

Оллоҳим амри билан келибман бу
дунёга,
Ўз умримни яшадим, қолган умрим
худога.
Пешанамга ёзилган қисматни ўқий
олмай,
Яна Ҳақ амри билан кетурман у дунёга.

* * *

Ургут тупроғида менинг томирим,
Пок дил одамлари энг улуғ пирим.
Томиримни ҳеч ким узолмас ундан,
Онадек ардоқлар туғилган ерим.

* * *

Мозийнинг яқину йироқларида,
Сайҳун ила Жайҳун қирғоқларида
Топдиму Муқаддас китобларни мен,
Ўқидим Истиқлол чироқларида.

---

[1] Маснад — суянчиқ

* * *

Кошки, «Ўзбекнома» ҳар хонадонда
бўлса,
Азиз дўсту ёрон ҳам қадрдонда бўлса,
Ўқиса миллатим, англаса аҳли Турон,
Иймони бутун, пок дил мусулмонда бўлса.

* * *

Хаёлларим учиб юрди осмонларда,
Гул оралаб сайр этди бўстонларда.
Тинглаб ақлу юрак хуш суҳбатларини,
Маъно бўлиб қолди шеъру достонларда.

* * *

Мен Сибирни бошдан оёқ кезиб
чиқдим,
Саян билан Энасойни сузиб чиқдим.
Ленаю Об, Ангарада сайр қилиб,
Мард эл билан анжуманлар тузиб
чиқдим.

* * *

Воҳид Абдуллодан кўп сабоқ олдим,
Илм дурларини кўнглимга солдим.
Меҳри дарё эди, баҳри кенг денгиз,
Валламат зот эди — ҳайратда қолдим.

* * *

Арабу Юнону Русу Ҳиндни сайр этдим,
Волгаю Дунаю Нилу Синдни сайр
этдим.
Очу тўқни кўрдим, кўрдим шоҳу
гадони,
Мендек сарсон бу дунёи риндни сайр
этдим.

* * *

Манманлик дегани — менга бегонадир,
Камтарлик шамъига кўнглим
парвонадир.
Инсонлик дарсини отамдан ўргандим,
Ота ўргатгани — илми ягонадир.

* * *

Одам бир кун ўқиб, мулла бўлмайди,
Одам бир кун уқуб, мулла бўлмайди.
Мулла бўлгай ўқиб, уқса умрбод,
Ўқиб, уқса чўқиб, мулла бўлмайди.

* * *

Камина инсонлик дарсини ўтдим,
Азалий кишилик қўлидан тутдим.
Бандайи муслимдек кўнглим бўлди соф,
Жафокаш дунёдан яхшилик кутдим.

* * *

Ғийбат кўчасига қадам қўймадим,
Фисқ-фасод ўтида ёниб-куймадим.
Ёмонлаб юрмадим, ҳатто шайтонни,
Иғво, фитна аҳлин, нетай, суймадим.

* * *

Душманлик қилганни худога
топширдим,
Жазосин бергувчи дунёга топширдим.
Айтишиб юришга фурсатим бўлмади,
Ўзининг хайлига — балога топширдим.

* * *

Менга қасд қилганлар доим паст бўлди,
Оёқлар остида хору хас бўлди.
Кишилик уйида назардан қолиб,
Худо урган банда — шўр нокас бўлди.

* * *

Ёмонлик қилмангиз зинҳор бировга,
Қўлингиз урмангиз қора касовга.
Болангизга урар сизга урмаса,
Болангиз ташламанг ёнган оловга.

* * *

Ҳаёт, бу — худонинг сийлови,
Инсонга дунёнинг сийлови,
Сийловнинг қадрига етингиз,
Сизга, бу — Ҳумонинг сийлови.

* * *

Ҳар кимга ялиниб, ўзингизни хор
қилманг,
Қадрингизни топтаб, сўзингизни хор
қилманг.
Тенг қилиб яратган бандасин
Парвардигор,
Сомондек сарғайиб, юзингизни хор
қилманг.

* * *

Мен умримни мардона ўтказдим,
Ҳақ аҳлига парвона ўтказдим.
Нафас олиб Адолат мулкида,
Сажда қилмай, фарзона ўтказдим.

* * *

Айт, нетурсен, бу дунёйи ғамхонада?
Не ишинг бор, аҳли олам жамхонада?
Алам майин сипқорибсан девонавор,
Кўрмадинг ё савоб нурин хамхонада?

* * *

Иши йўқми, қорни тўқнинг қорни оч
билан?
Не қорни оч, усти бутнинг яланғоч
билан?
Мурувватни унутдими кўзи оч инсон,
Дунё боғи тўлдими мевасиз оғоч
билан?

* * *

Мевали дарахт эканман —
кетма-кет тош отдилар,
Шохларимни синдиришиб,
меваларим сотдилар.
Аммо, ҳосил бериб турдим,
йиллар ўтиб муттасил,
Оқибатда чора топмай,
тош сингари қотдилар.

* * *

Ўзбекистон — халқ давлати,
Бандасига — Ҳақ давлати.
Эл сўзига қулоқ солган
Адолату Ҳақ[1] давлати.

* * *

Ўз кавмингга меҳрибон бўл,
Мурувватли, соябон бўл.
Тўй-азада бўлиб бирга,
Ҳол сўргувчи мусулмон бўл!

* * *

Узоқлашма хеш-ақрабодан, —
Садоқати оҳанрабодан.
Ёнида бўл шому саҳар,
Ҳолин сўраб юрма сабодан.

* * *

Бировнинг устидан кулмангиз зинҳор,
Билингиз: сиздан ҳам кулувчилар бор.
Кулгига қолмангиз икки дунёда,
Ўзгадан кулмайди кимда бўлса ор.

* * *

Э дўстлар, бўлингиз соҳиб карам,
Карамдан улус бўлсин мухтарам.
Меҳрингизни тутсин эл бошида,
Сиз ҳам тож каби қилинг мукаррам.

* * *

Садоқат нурини саломда кўрдим,
Фасоҳат дурини каломда кўрдим.
Эзгулик боғини қилиб оройиш,
Кишилик умрини икромда кўрдим.

* * *

Обод этдим Меҳр деган кулбани,
Дўстлар келди, қайтиб, ҳолим сўргани,
Дедилар, оқибат риштасин боғлаб:
«Келиб туражакмиз, энди, кўргани».

* * *

Минбарга урасан ўзингни мунча,
Бозорга соласан сўзингни мунча.
Сенчалик сухандон йўқми элимда,
Шухратга тикасан кўзингни мунча?

* * *

Юзсиз бўлар экан нафс бандалари,
Кўзлари оч экан аждар сингари.
Ўзганинг молини тортиб комига,
Дарахтнинг шохида юраркан бари.

* * *

Одамлар ўзидан ортмай қолмишлар,
Ўзгалар юкини тортмай қолмишлар.
Бу ҳолат кўнглимга солмоқда ташвиш,
Эзгулик мевасин тотмай қолмишлар.

* * *

Фурсат келди: айтинг, Эркин сўзни,
Эркин сўз эгаси билинг ўзни.
Истиқлол Эркинлик берди сизга,
Адолатга боқманг боғлаб кўзни.

* * *

Ҳуррият қадрига етган хор бўлмас,
Саодат мевасин тотар, зор бўлмас.
Карвондан айрилиб қолган бўтадек,
Сарсонлик дардига гирифтор бўлмас.

* * *

Дилларга ёқдиму меҳрим шамъини,
Бошлардан аритдим қайғу дамини.
Мурувват кўрсатиб шафқат уйида,
Баҳам кўрдим ҳаётнинг дард-ғамини.

---

[1] Ҳақ — ҳақиқат

* * *

Не бахт, тўйиб нафас олдик Озодлик
хавосидан,
Диллар яйраб, ўйнаб-кулдик Озодлик
навосидан.
Тутқунликда яшаган эл билар хурлик
кадрини,
Ислом нури ёғилди шаън Озодлик
самосидан.

* * *

Бемахал ўчмасин хаёт чироғи
Ва хазон бўлмасин тириклик боғи.
Ёниб турсин, мойи эрта тугамай,
Яшнаб турсин, дилни ўртамай доғи.

* * *

Бир айтган Сўзимдан фақир
қайтмадим,
Ўйламасдан, аммо, Сўзим айтмадим.
Пушаймон бўлмасдан айтган Сўзимдан,
Сўзнинг кудратини эрта пайқадим.

* * *

Ҳасад милтиғидан менга ўқ отма,
Савоб ишлар қилдим, айбим йўқ, отма.
Элу юрт донғини ёйдим, Сўз билан,
Фитна ўқи билан мени йўқотма.

* * *

Эй, қадами қутлуғ, ёр,
Кўнгли ишққа тўлуғ, ёр.
Доим бўлгил ёнимда,
Умидлари улуғ, ёр.

* * *

Эллик йилдан бери меҳнат қиламан,
Назм саройида хизмат қиламан.
Ҳазрати Навоий — Сўз шаҳаншоҳин
Бошимга кўтариб иззат қиламан.

* * *

Кўзларингга ўтдай ёниб тикиламан,
Зарра-зарра ёғду бўлиб тўкиламан.
Ҳайрат босар қароғингда кўрсам ўзни,
Ишқингга кул эрсам агар бек бўламан.

* * *

Умидларим тонгдай тоза,
тонгдай мусаффо,
Кўнгил боғин обод этиб,
бағишлар сафо.
Ўйларимга қанот бўлиб
эттирар парвоз,
Ниятингга етгин дебон
қилади вафо.

* * *

Тоза кишини кўрмадим
бахиллар тўдасида,
Сарсон бўлиб юрмадим
бахиллар подасида.
Яхши одам ёмон бўлар
бу хайлда, ёронлар,
Бошим эгиб турмадим
бахиллар ўрдасида.

* * *

Яхшига ёндошсанг, дилинг обод
бўлғайдир,
Ёмонга ёндошсанг, дилинг барбод
бўлғайдир.
Бири нурдир, бири зулмат — кундуз ё
кеча,
Кунга интил, тунда қолма — дилинг озод
бўлғайдир.

* * *

Озодликни ёлғон дема —
у, хақиқат, — ростдир,
Доноларни нодон дема —
у, заколик меросдир.
Сен эркатой замон ўтди —
нолима эл-юртингдан,
Эл дардини афғон дема —
у, хаётга ихлосдир.

* * *

Бошимдан кўп хатолик ўтди,
Дўстлар қилган жафолик ўтди.
Кечроқ англаб олдим ўзимни,
Қолган умрим сафолик ўтди.

* * *

Мен хаммага ишонибман —
ишонгандек ўзимга,
Дўст бўлибман, тоза дебман,
қулоқ солса сўзимга,
Ҳамма бирдай эмас экан —
бор экан оқ-кораси,
Баъзилари дўстман дебон
чўп тиқдилар кўзимга.

* * *

Мени одам қилиб турган сенсан,
Дардларимни бахам кўрган сенсан.
Бошимга тушганда мушкул кунлар,
Ахволимни ёлғиз сўрган сенсан.

* * *

Шафқат қилмас экан ҳеч кимга ҳаёт,
Билсам: ўхшар экан тилсимга ҳаёт.
Қисматинг каби у бир жумбоқ экан,
Меҳрибон бўлса не муслимга ҳаёт!

* * *

Одамларни, ҳаётни кечроқ англадим,
Ақл уйига ёқиб чироқ, англадим.
Ўйларим хато экан улар ҳақида,
Мўйсафид бўлганимда, бироқ,
англадим.

* * *

Бир-бирини алдашни ўрганибди
одамлар,
Алдашиб бир-бирини, кўрсатибди
аламлар.
Инсофу эътиқодни унутдикми,
билмадим,
Одамлар бир-бирига нега қилмас
карамлар?

* * *

Бизга бошқа керакмас, аҳли комил бўлса,
бас,
Сўзимиз ўтказишга дадил омил бўлса,
бас.
Улусга етмай қолмас, билинг, яхши
сўзимиз,
Фикримизда кун сайин хуш такомил
бўлса, бас.

* * *

Тақъяи хорога[1] бошимни қўйдим,
Не бошим, кўз ила қошимни қўйдим.
Қаттиқ экан, нетай, қисматим нони,
Юмшатсин дебон кўз ёшимни қуйдим.

* * *

Ҳаёт чархи тўхтамас экан бир зум,
Айланиб тураркан кўздан мавҳум.
Юракдек тўхтамай ишлар экан,
Тўхтаса, эсаркан фавти самум[2].

* * *

Фикрларим, ўйларим қатағондан
қочдилар,
Ҳақиқат нурларини эл кўнглига
сочдилар.
Улус фикри уйғониб, виждонини
қўзғатиб,
Ҳурлик жарчиси бўлиб, эрк эшигин
очдилар.

---

[1] Тақъяи хоро — тош ёстиқ
[2] Фавти самум — йўқолиш шамоли

* * *

Эркимиз йўқ эди шўро замони,
Эркин эмас эди киши виждони.
Яшаган бўлса-да тўқ ва фаровон,
Тутқун эди эътиқоду иймони.

* * *

Орзу қилган кунига ўзбеклар етишди,
Қўли етмас юлдузни гўё кўкдан
тутишди.
Истиқлол насиб қилиб, эркин нафас
олдилар,
Ҳурриятнинг тонгида офтоб юзин
ўпишди.

* * *

Қайси ўзбекка боқсанг, булбули
гўё экан,
Камгап деб ўйлагандим, йўқ, тили
бурро экан.
Оғзи бофлиқ экан у, билсам, ўтган
замонда,
Энди тили ечилди, барчаси мулло экан.

* * *

Етти ёт-бегоналар ишимни кўролмади,
Ишимга раҳмат айтган кишимни
кўролмади.
Қуруқ гапни дўндириб, ишдан
қочсалар, нетай,
На баҳору ёзу куз, қишимни кўролмади.

* * *

Энди билсам баъзилар, гапга туғилган
экан,
Гапи ичида қолиб, дили бўғилган экан.
Иш билгунча гап билгин, деган гап
тўғримикан,
Гапга тўн кийдиради — гапга йўғрилган
экан.

* * *

Пухта ўйлаб, пухта гапирар ўзбек,
Иши каби гапни қотирар ўзбек.
Меҳнат билан қотган эти-суяги,
Битмас ишни, билгил, битирар ўзбек.

* * *

Осмонда учиб юрмай — ерда юрсанг
яхшироқ,
Одамларни ўзингга ҳамдам кўрсанг
яхшироқ,
Ўткинчи бир амал деб, айрилма дўсту
ёрдан.
Хешу ақрабо дардин бирга сўрсанг
яхшироқ.

* * *

Нархингни баланд қўйгил — арзонга
сотилмагин,
Инсон қадри пулдамас — ёлғонга
сотилмагин.
Сенинг кўзингни боғлаб, йўлдан урар
шайтонлар.
Иймон билан иш қилгил — шайтонга
сотилмагин.

* * *

Сени йўлдан ким урса —ўзини худо
урар,
Худо урган кишини — бу аҳли дунё
урар,
Ота-она юзига оёқ қўйган фарзандни,
Ҳаёт бадарға қилиб, қарғиш ва дуо урар.

* * *

Кибру ҳаво дарахтин меваси заҳар экан,
Унда тотган кишининг ҳаёти кадар экан.
Одамлардан айрилиб, айрилиб дўсту
ёрдан,
Қисмат қаҳрига учраб, боргани маҳшар
экан.

* * *

Камтар бўлсанг, тепиб ўтар манманлар,
Хоксор бўлсанг, туртиб ўтар
манманлар.
Камтар билан манман ер у осмондир,
Мағрур бўлсанг, йўртиб ўтар
манманлар.

* * *

Одам бўлиш — қийин, оғир бир савдо
экан,
Икки дунёда ҳам бошингда ғавғо экан.
Жаннатдан ҳайдашса, йўлиқасан
дўзахга,
Гуноҳ ишдан савоб иш ҳаётда авло экан.

* * *

Мунча мени иғво қилманг — иғводан
тўйиб кетдим,
Мунча менинг бағрим тилманг —
ярадан тўйиб кетдим.
Ўз холимга қўйсангиз, нима бўлғай,
жаноблар,
Мунча менга ғавғо қилманг — ғавғодан
тўйиб кетдим.

* * *

Озод нафас олсам арзир — ғанимлар
таслим бўлмиш,
Фақирга эмиш мунтазир — ўзлигим
таълим бўлмиш,
Экқан фитна уруғлари униб чиқмабди,
ажаб,
Ҳаётим экан беназир — ўрганиб
муслим бўлмиш.

* * *

Сизни менга худо яратди,
Сийму зару дунё яратди.
Қўша қаринг, деб қилиб дуо,
Ишқ уйида Ҳумо яратди.

* * *

Худо берганига, шукр қилдим мен,
Раво кўрганига шукр қилдим мен.
Шукр билан ўтар, дўстлар, ҳаётим.
Ҳолим сўрганига, шукр қилдим мен.

* * *

Бировнинг ризқини кам қилмадим,
Термулган кўзини нам қилмадим.
Покиза зотларга бериб меҳрим,
Нопоклар кўнглига шамъ қилмадим.

* * *

Норизо бўлмадим замонадан,
Фикратим шамъига парвонадан.
Замон билан бирга топдим камол,
Мурувват кутмадим бегонадан.

* * *

Аччиқ-чучугини тотдим давроннинг,
Шодлигу ғамига ботдим давроннинг.
Гоҳ даврон сийлади, гоҳо хўрлади,
Тошини бошимдан отдим давроннинг.

* * *

Кўнглимнинг тахтида одил шоҳ кўрдим,
Гоҳ ғафлат ичида, гоҳ огоҳ кўрдим.
Бошимдан уюриб ғам тошин отган.
Балодан асровчи зўр паноҳ кўрдим.

* * *

Элу юрт зийнати — озод кишилар,
Иймонли, инсофли, покзод кишилар.
Эътиқод, диёнат, меҳру оқибат,
Қадрдон диллари обод кишилар.

* * *

Қуръони карим зеб ижод хонамга,
«Шоҳнома», «Хамса»дан обод хонамга.
Одамзод яратган азиз китоблар
«Инжил»дек зийнатдир озод хонамга.

* * *

Биров билан гаплашсанг — гапингда
маъно бўлсин,
Оз гапиру соз гапир — гапингдан кўнгли
тўлсин.
Қулоғини қоқиб ё қўлига берма зинҳор,
Кўп тинглаю кам гапир — гапингни
қўмсаб келсин.

* * *

Кўнглингни еритдим Меҳр чироғидан,
Бир пиёла узатдим Меҳр булоғидан.
Нур ва сувнинг сеҳри бўлакча экан,
бил,
Дасталаб гул тердинг Меҳр гулбоғидан.

* * *

Топшириқ туфайли душманлиғ қилдинг,
Ақлингни егандек гўсфандлиғ қилдинг.
Ким чалса, чилдирма, ўйнадинг, аммо,
Оқибат, ишингдан пушмонлиғ қилдинг.

* * *

Дилим ғазабга келди замона
зўрларидан,
Шеърим ёқасин тутди замона
кўрларидан.
Ўтиб кетди, харкалай, бари, тушда
кўргандек,
Жоним раҳмга келди замона
шўрларидан.

* * *

Элу юрт мулкини нафсингга урдинг,
Ўлжага бўридай очкўз югурдинг.
Қорнинг тўйса ҳамки, кўзинг тўймади,
Оқибат ўзингни чоҳ ичра кўрдинг.

* * *

Шеър қасри қисматин жабборда
кўрдим,
Жон қасри қисматин нажжорда кўрдим.
Шеъриму жонимга қилишганда қасд.
Ҳаётим қисматин ғаффорда кўрдим.

* * *

Бир одам кетса — кетар бир олам,
Бир олам азал ҳар азиз одам.
Одаму оламнинг қадрига ет,
Тангри яратган зоти мукаррам.

* * *

Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли
гапирсин,
Катта боғда уя қурган шум бойўғли
гапирсин.
Камбағал фарзандига хали-бери гап
тегмас,
Эл кўзига сочиб қум ойнинг ўғли
гапирсин.

* * *

Назм саройида бўлиб мулозим,
Навоийга хизмат қилмоғим лозим.
Субҳу шом ҳолидан бўлгил хабардор,
Ўз ишинг бир четга қўйиб, эй, нозим.

* * *

Не бахтки, фақирни даврон сийлади,
Теримга туз сепиб, гоҳо ийлади.
Сийлову хўрликни кўрдим жаҳонда,
Манқуртлар тўдаси жоним қийнади.

* * *

Ғанимлар тўнини нозим киймади,
Қуллуққа қаддини букиб қўймади.
Эгмасдан яшади мағрур бошини,
Ватанни ётларга кўзи қиймади.

* * *

Кеча қайда эдилар — бугун Ватан
деганлар,
Кўзлаб ўз фойдасини Ватан ғамин
еганлар.
Останкино минори устига чиқиб олиб,
Кремл юлдузини фахримиз деб
билганлар.

* * *

Темур давридан бурун
ор қилганлар хижлатда,
У қурган минорларни
дор деганлар хижлатда.
Оқсоқ деб, боскинчи деб,
яна қонхўр жаллод деб,
Онгларга захрин сочиб —
мор бўлганлар хижлатда.

* * *

Ҳурлик тонги отдию офтобдан нажот
топдим,
Қуръони карим — азиз китобдан нажот
топдим.
Иймон жавҳарин асраб кўнглимнинг
уммонида,
Арши Аълодан келган хитобдан нажот
топдим.

* * *

Бас, сайрама, бойўғли, отинг ўчсин
жаҳондан,
Бирор бало келтирма, йўқол тез, бу
бўстондан.
Қоронғида ҳамманинг юрагини
ёрмагин,
Кўзинг — даҳшат, кўркинчли, йўқол,
Ўзбекистондан!

* * *

Устомон баковул уйғониб саҳар
Хизматга отланди — ош дамлар шаҳар.
Тамагирлик билан одам ажратиб,
Бировга ош қўйди, бировга заҳар.

* * *

Туғилган кунингиз, Максжон, қутлуғ
бўлсин!
Умр китобингиз маънога тўлуғ бўлсин.
Аржуманд фарзандсиз Худойим
даргоҳида,
Ота-онангизга меҳрингиз улуғ бўлсин!

* * *

Орқамдан гапирмай юзимга айтгил,
Бировга алжимай — ўзимга айтгил.
Мард бўлсанг, юзма-юз гаплашайлик,
кел,
Менда гапинг бўлса — кўзимга айтгил.

* * *

Йигитнинг давлати — отадир,
Эл ичра савлати — отадир.
Ота — тоғ, суянсанг йиқилмас,
Умрнинг шавкати — отадир.

* * *

Мен суянган бир тоғ қулади,
Кўкси кунга монанд нуртоғ қулади.
Хонавайрон айлаб кўнглимни ногоҳ,
Умрим водийсида зўр тоғ қулади.

* * *

Уйқум қочиб кетди ярим оқшомда,
Хаёлга ғарқ бўлдим сарин оқшомда.
Оламни ёритиб ой, юлдузлардек,
Самога сочилмиш зарим оқшомда.

* * *

Мақтову шуҳрату шонлар керакмас,
Аламли, ғурбатли онлар керакмас.
Озод сўз қадрини топган замонда,
Қалам аҳлига бек, хонлар керакмас.

* * *

Баҳор суви ёшликка ўхшар,
Юрган йўли тошликка ўхшар,
Севинчидан сиғмай ўзанга,
Киприклари ёшликка ўхшар.

* * *

Осмондан тўкилар оппоқ юлдузлар,
Парқудай мулойим, юмшоқ юлдузлар.
Замин сийнасига қор бўлиб қўнар,
Кумуш ё садафдан покроқ юлдузлар.

* * *

Руҳимга ёт менинг замонасозлик,
Ҳеч кимга қилмадим парвонабозлик.
Тонмадим эътиқод ҳамда имондан,
Замон аҳлида гоҳ кўрдим носозлик.

* * *

Ҳаёт — ўйин дединг, инсон —
қиморбоз,
Ютқизганлар кўпу ютганлари оз.
Ютган ҳам ютқизар, билсанг оқибат:
Бири дорбоз бўлур, бириси морбоз.

* * *

Фаррухжоним, эй фарзанди аржуманд,
Ота юртинг, она юртинг — Самарқанд.
Ўғилларинг билан, ўғлим, сен энди
Умрим машъаласин кўтаргил баланд.

* * *

Аҳли замон зўр бериб, оламни ифлос
қилманг,
Олам учун жавобгар одамни ифлос
қилманг.
Табиатни асрангиз кўзингиз қарочиғидек,
Она ерга ҳурмату карамни ифлос
қилманг.

* * *

Маъсум бўлиб туғилдим — маъсум бўлиб
қолурман,
Муслим бўлиб туғилдим — муслим бўлиб
қолурман.
Худойим шу қисматни менга кўрибди
раво,
Муқим бўлиб туғилдим — муқим бўлиб
қолурман.

* * *

Менинг энди бошим узра қиравдир,
Кўзу қабоқ, қошим узра қиравдир
Қирав тушди соқолга ҳам, водариғ,
Ки пайғамбар ёшим узра қиравдир!

* * *

Кўп гапирма, ўйлаб, оз гапир,
Гапинг элга ёқсин — соз гапир.
Кўп гап — эшакка юк, ҳақ бўлсанг,
Қоматингни тутиб ғоз, гапир.

* * *

Даҳр аҳли шод бўлса, кўнглим менинг
ободдир,
Фақр аҳли ғам чекса, кўнглим вайрон,
барбоддир.
Даҳру фақр аҳли-ла бўлган етгай
муродга,
Ғам зулмидан қутулган кўнглим озод
ва шоддир.

* * *

Назму наср, таржимаю мақолот
Китобларим — силсилайи мўъжизот
Кўринади қирқ тўққизта чўққидай,
Қуламайди — омон бўлса самовот.

* * *

Юлдузим порлайди Арши муаллода,
Меҳробим чорлайди қутлуғ мусаллода,
Жойнамозга бошим қўйдим — мусалли,
Қисматим зорлайди умри муаммода.

* * *

Ўз пулимга сафар қилдим,
Ётникидан ҳазар қилдим.
Саёҳатим самарини
Тўртта улуғ дафтар қилдим.

* * *

Кўкда юрмай, тушгил ерга,
Улус билан бўлгил бирга.
Ва ёғ босган кўзларингни,
Очиб, қара, дашту қирга.

* * *

Мен ўзимни инкишоф қилдим,
Гуноҳлардан тоза, соф қилдим.
Эллик йиллик ҳосилим йиғиб,
Хирмонимни Кўҳи Қоф қилдим.

* * *

Элу юртим яхши билар хизматимни,
Дўсту ёрон яхши билар ҳимматимни.
Кўнгли очиқ, қўли очиқ бандаман,
Аҳли Ватан яхши билар қимматимни.

* * *

Мен обрўни сўраб олмадим,
Сийму зарга ўраб олмадим,
Эл ичида топдим қадримни,
Қариганда нураб олмадим.

* * *

Кунимга яради умр йўлдошим,
Ҳол сўраб, қаради умр йўлдошим.
Ўзини ўйламай, мени ўйлади,
Мен билан яйради умр йўлдошим.

* * *

Ҳасадчилар ўқидан мен омон қолдим,
Мустабидлар дўқидан мен омон
қолдим.
Бошим тошдан эканми, шукрлар
қилдим,
Қуламасдан чўққидан мен омон
қолдим.

* * *

Обрў, иззат кўрдим хизматимга яраша,
Карам, ҳиммат кўрдим ҳимматимга
яраша.
Кўнглимни кўтарди элу юртим, ҳар
қалай,
Икром, ҳурмат кўрдим ҳурматимга
яраша.

* * *

Қиш қаттиқ келганин кўнглим сезадир,
Ҳаётим боғида чилла кезадир.
Жонимдан ўтказиб заҳрин қаҳратон:
Чиллада шеърият қасрин беза, дер.

* * *

Ёмон экан нафс балоси,
Инсон экан нафс гадоси.
Бало ўчдир, бил, гадога,
Маҳв этади нафс вабоси.

* * *

Мен нафсимни ҳалок қилдим,
Нафс балоси бағрин тилдим.
Кечиб ҳаёт ишратидан,
Сабр таги — олтин, билдим,

* * *

Каҳкашонда юлдузим бор,
Ерда кеча-кундузим бор.
Аҳли жаҳон Китобида
Фақир битган ўз Сўзим бор.

* * *

Оқил иши закодир,
Жоҳил иши жафодир.
Жафо тиғин синдирган
Комил иши вафодир.

* * *

Кўзга суриб ўқидим Муқаддас
китобларни,
Ҳар сўзидан эшитдим бандага
хитобларни,
Қуръони карим, Инжил, Тавроту Забур
аэиз,
Дил кўкида порлатди илоҳий
офтобларни.

* * *

Мен ҳимматни Хожа Аҳрордан
ўргандим,
Мен ҳикматни аҳли абрордан
ўргандим.
Ўрганмоқдан иборатдир асли ҳаёт,
Мен фикратни соҳиб асрордан
ўргандим.

* * *

Мен ижод наҳорида вахдат шаробин
ичдим,
Иқтидор баҳорида вахдат китобин
укдим.
Вахдат жомин кўтариб,вахдати жовид,
дедим,
Саодат диёрида вахдат офтобин
кучдим.

* * *

Бўрибосар бўлсанг — бўриларни бос,
Тулкиларни қўйгил, сенга келмас мос.
Тулкилар йўқ бўлмас икки дунёда,
Ботирлик шер каби инсонларга хос.

* * *

Тошни тутсам, қўлимда жавҳарга
айланди,
Кудуқ очсам еримда, кавсарга айланди.
Гавҳар тердим бахтиёр жаннат
булоғидан,
Ақлу юрак умримда сарварга айланди.

* * *

Кавокиб сайрига чиқсам осмон чароғон
кўринди,
Иқлими маъмурга боқсам инсон
фаровон кўринди.
Юлдузлар орзуманд азал рубъи
маскунга, дўстлар,
Рубъи маскунда жумлаи жаҳон
меҳрибон кўринди.

* * *

Дунёда бор бўлсин, топсин эҳтиром,
Дунё тургунича Ўзбек деган ном.
Ўзбек деган номни оқлаб, эй Ўзбек,
Аҳли жаҳон аро бўл зоти киром.

* * *

Фано сирларини очиб ўтдим мен,
Бақо дурларини сочиб ўтдим мен.
Дайри фано ичра бақолик истаб,
Назм аҳли аро кошиф ўтдим мен.

* * *

Инсон хонадонидан йироқ ўлкаларда,
Денгизлар тоғ-тошни кўтариб
елкаларда,
Тўлқин отиб, тўфон қуриб, ясаб
босқинлар,
Инсон иродасини қилгандек парварда.

* * *

Денгизлар остида маржон бутазорлари,
Кишилар кўзидан пинҳон олам
жавҳари.
Нафс балоси тортган ғаввосларни
домига,
Сийму зар комида нафосатнинг
аждари.

* * *

Наботот олами хароб денгизларда,
Балиқлар тентираб кеча-кундузларда,
Бош олиб кетарлар ризқи-рўз кидириб,
Ҳаёт деб қўрқмаслар ётса ҳам
музларда.

* * *

Шаршаралар оқиб тушар баланд
тоғлардан,
Қояларга бошин қўйган кўркам
боғлардан.
Еру осмон салтанатин солиб ҳайратга,
Тоғу боғлар узра қуёш қўнган
чоғлардан.

* * *

Денгиз ости ажойиб: маржонзор ўрмон экан,
Зўравон махлуқ яшаб, ожизи қурбон экан.
Не балиқлар ем бўлмиш акула, наҳангларга,
Ҳаёт-мамот жангида Ҳаёт ғолиб жон экан.

* * *

Одамзод дардини ёзиб, мен бўлдим,
Энди сен ёз, ўғлим, ёниб кун бўлдим.
Даво тополмадим — дарди кўп экан,
Оқибат Синодек мен маҳзун бўлдим.

* * *

Гул ва аждар жангидан гул толиб чиқди,
Ҳаёт жонини жангдан гул олиб чиқди.
Гул ҳаёт рамзи бўлиб боқди оламга,
Мамот рамзи аждардан гул ғолиб чиқди.

* * *

Маврусий мулкимни тортиб олдилар,
Елкамга ғам юкин ортиб олдилар.
Отамдан қолган мол-дунё йўқ энди,
Иймонни бир пулга сотиб олдилар.

* * *

Маддоҳлар хайлига қўшилма, э дўст,
Қошида ипакдек эшилма, э дўст.
Бу, хавфли тўдадир — оқибати йўқ,
Гапига кўндирса, бўш келма, э дўст.

* * *

Мавриди келганда айтгил дардингни,
Кўзингдан олгайлар дўстлар гардингни.
Кўнглингни ёрмагил дуч келган касга.
Кеткиза олмаслар юздан зардингни.

* * *

Ўзингдан каттага ақл ўргатма,
Тўғри юринг дебон ё йўл кўрсатма.
Улар кўпни кўрган, сендан донороқ,
Ақли хам етарли — панд бериб ўтма.

* * *

Ўзбек назмида чекиб мен аламу машаққат,
Сўзимдан сайқал топсин дедим улуғ мамлакат.
«Янги Хамса», «Чордевон», «Ўзбекнома» тахтида,
Тож кийган хур миллатим қурсин буюк салтанат.

* * *

Киромул-котибон[1], икки елкамда:
Мени кузатурлар ушбу оламда.
Ўнги — савоб, чапи — гуноҳ ишимни,
Ёзиб борадирлар хар бир қадамда.

* * *

Кимёга айланди мен тутган тупроқ,
Ошёнга айланди мен турган қирғоқ.
Савоб насимига тутдим юзимни,
Маёққа айланди мен тутган чироқ.

* * *

Ўзимни асрадим кўнгил майлидан,
Воз кечдим гохида ишрат сайлидан.
Ранжу алам чекиб ўзбек назмида,
Дўст киши топмадим душман хайлидан.

* * *

Пок дебон ўйлабман қалам аҳлини,
Рост дебон ўйлабман олам аҳлини.
Поку рост кишилар кам экан, дўстлар,
Шод дебон ўйлабман алам аҳлини.

* * *

Висол шоми қисқаю ҳижрон шоми узундир.
Висол завқи камроғу ҳижрон дарди фузундир.
Висол билан ҳижронни раво кўрибди тақдир,
Ҳаёт отлиғ дарёда инсон оққан тўлқиндир.

* * *

Ҳаёт боғида ўзимни мўътабар қилдим,
Гулшанлараро кўзимни муттаҳар қилдим.
Савоб гулини экиб, гуноҳ алафин уздим,
Юксак минбарда Сўзимни мухтасар қилдим.

---

[1] Киромул-котибон — икки елкадаги икки фаришта

* * *

Муборак тунларим бароту қадр,
Шаъбону рамазон ойимдан ажр[1].
Исломда азиздир бу қутлуғ кунлар,
Икки хайит каби байрами кабир.

* * *

Олами куброда ўзимни топдим,
Махзани маънода сўзимни топдим.
Ота-боболарим яшаган Ватан
Тупроғидан ризқи рўзимни топдим.

* * *

Манқуртлар хайлига бўлма гирифтор,
Сени балоларга қилғайдир дучор.
Учмагил ваъдаю ёлғон сўзига,
Сенга тенг эмасдир аҳли бадкирдор.

* * *

Илинмаган эдим ёвлар домига,
Тушиб қолдим аждаҳонинг комига.
Қутқаринг, э дўстлар, аҳли замона,
Шароб қуймай аҳли зулм жомига.

* * *

Жонимга жон кирди руҳафзо
сўзингдан,
Не жон, дармон кирди жонфизо
сўзингдан.
Томиримда умид қонлари югурди,
Дилим туғён урди, Сурайё, сўзингдан.

* * *

Дардимни назмда этдим ифода,
Ранжу алам чекдим фақир иншода.
Замона аҳлига кўнглимни ёрдим.
Шеър бўлиб қолгайдир дардим дунёда.

* * *

Сир бўйида жам бўлишди оқиллар,
Оқилларга кўкдан боқди жохиллар.
Қилич кесмас дебон эгилган бошни,
Мажнунтолдек таъзим этди фозиллар.

* * *

Умрим мазмунини сархисоб қилдим,
Не топдим, кашф этдим — зар офтоб
қилдим.
Пайғамбар ёшидан ўтган чоғимда,
Ҳаётим махзанин чор китоб қилдим.

[1] Ажр — мукофот, эваз

* * *

Жумъада хутбаи давлат ўқилди,
Не давлат, хутбаи шавкат ўқилди.
Элу юрт ардоқлаб султон номини,
Тахтгоҳда дуойи жавдат ўқилди.

* * *

Қоматим безади менинг ташрифот[1],
Оромин йўқотди аҳли хусумот.
Қадримни юксакка кўтариб хурсанд
Меҳрин пешкаш қилди аҳли Саодат.

* * *

Алломалар юртида биз туғилдик,
Маърифатнинг нурларига йўғрилдик.
Мурод ака, Шариф зот фарзандисиз,
Пиру мурид бунда ота-ўғилдек!

* * *

Қўлимда бир сиқим хоки Самарқанд,
Шодлиги, ҳасрати, оҳи Самарқанд,
Кўзга суриб хокин, дейман: омон бўл,
Одамзод тургунча токи Самарқанд!

* * *

Амалга минди-ю мешдай семирди,
Дуч келса: дарёю кўлни симирди.
Нафси ёмон экан — етар бошига,
Устухон топмаса, тошни кемирди.

* * *

Ақли ноқис кишилар сенга муносиб
эмас,
Қилган иши ёмонлик, сенга мусоҳиб
эмас.
Ўз қадрингни баланд тут, кўрсанг
қилма хокбўслик,
Найрангига ишонма, сенга музтариб
эмас.

* * *

Матнлар ёнмайди — матнлар ўлмас,
Улар ҳақиқатдир — йўқ қилиб
бўлмас.
Ҳақ сўзу фикрдан музайян китоб,
Китоблар ўлмайди — офтобдек
сўнмас.

[1] Ташрифот — подшоҳлар томонидан бирор кишини улуғлаш учун берилган уст-бош

* * *

Бошимга учқунлаб қор ёғмакда,
Гоҳ эриб, гоҳ тўниб, зор ёғмакда.
Чиллага кирдими умр қиши,
Тиғи жафо каби хор[1] ёғмакда.

* * *

Улфат бўлма, э дўст, майхорага,
Дил асрорин очма маккорага.
Йўлдан оздиради майхоралиғ,
Бошинг нишон қилар можарога.

* * *

Макорими-ул ахлоқ безар кишини,
Мўмин банда қилар бесар[2] кишини.
Савобли аъмолга бўлғай раҳнамун,
Садафга тенг қилмас гавҳар кишини.

* * *

Самарқанд ватангоҳимдир —
гузаргоҳим эмас,
Мақомимдир то абад — тўзаргоҳим
эмас.
Ота-боболаримнинг мақбараси унда,
Муқаддас саждагоҳимдир, мункиргоҳим
эмас.

* * *

Фароғ майин ичдим Боғи сафидда,
Жоним ҳузур қилди базми Жамшидда.
Кўнглим яйраб, тоза ҳаво симирдим,
Боқийлик тожини кўрдим хуршидда.

* * *

Кечаси сайр этдим кавкабистонда,
Ишқ аҳли ҳажрдан кавкаб афшонда.
Юлдузлар — канизак, ой — маликадир,
Ишқ қурган салтанат еру осмонда.

* * *

Кавкаби рахшанда Самарқанд
осмонида,
Булбули ғазалхон Самарқанд
бўстонида.
Самарқанд сайқали қаламимда
порлади,
Аржуманд шоирман Самарқанд
достонида.

[1] Хор — тикан
[2] Бесар — бевош

* * *

Бир гўзал чаман аро саргаштаман,
Жон ила ул гулшанга оғуштаман.
Киндик қоним тўкилган ул тупроққа,
Кенагасда қайнаган сарчашмаман.

* * *

Самарқанд сарига отландим барвақт:
Ақрабо қошига отилдим сарвақт[1].
Кўзларда мавжланди меҳр чашмаси,
Киприклар намланди, кўришсам
ҳар вақт.

* * *

Сардафтар эканман маснавийда,
Маснавий тожвари маънавийда.
Маънавий маснавий битдим фақир,
«Ўзбекнома» кўзи мавлавийда.

* * *

Шеърга бердим фақир фикратдан
ривож,
Ҳар сўзга ҳимматдан кўрсатдим
минҳож.
Ҳаёт махзанидан териб дурри ноб,
Маликул-каломга этдим зеби тож.

* * *

Дунё гирдобида умрим тўлғонди,
Маъно мехробида фикрим уйғонди.
Саргашта кездиму гулшанлар аро,
Ҳаётни мамотдан кўзим қизғонди.

* * *

Ҳаётим зийнати «Чордевон» бўлсин,
Умрим тўрт фаслидан чордостон бўлсин.
Юртимиз мустақил бўлган замонда,
Истиқлол элига армуғон бўлсин!

* * *

Фақирга дур тутди садафлар,
Отадек қўллади салафлар,
Сўз дури қорилмас тупроққа,
Бошига кўтарар халафлар.

* * *

Адиблар бор даҳоликни даъво қилган,
Даҳоларнинг уйларида ғавғо қилган.
Ўзгаларни кўзга илмас —
манмандирлар,
Адабиёт саройини маъво қилган.

[1] Сарвақт — йўклов, кўришга келиш

* * *

Сенга етгунча, эй ёр, дардим елга
сўзладим,
Дашту биёбонларда бўзтўрғайдай
бўзладим.
Васлинг истаб, Мажнундек бошимни
урдим тошга,
Нетай, қўлим етмаган юлдузни мен
кўзладим.

* * *

Энди билсам, дунёнинг йўқ экан
хад-девори,
Инсон ақли етмаган кўп экан сир-асрори.
Сир-асрорин билолмай, келиб-кетар
одамлар,
Шундай қилиб яратган уни
Парвардигори!

* * *

Ургутнинг бургути эдим бир замон,
Кўнглимда кўп эди орзу ва армон.
Мен чиқмаган юксак чўққи қолди бир,
Қаридим, энди йўқ оёқда дармон.

* * *

Мустақиллик деб сайради булбуллар,
Энди ҳурмиз деб яйради булбуллар.
Бошқа қушлар дон изласа гулзордан,
Мадҳ боғида куй таради булбуллар.

* * *

Ҳаёт азобини кўп тортган ҳабиблар,
Мункиллаб кетмакда — паноҳи йўқ
ғариблар.
Тақдирнинг жазоси шунчалик ҳам
қаттиқми?
Давоси йўқ дардни давололмас
табиблар.

* * *

Дилга сиғмаган дардлар,
Шеърга сиғмаган гаплар
Назмдан кўчдилар насрга,
Майдонга чиқди мардлар.

* * *

Мадойин қасридек кўнгли вайрона,
Дашти Карбалода кезар девона.
Кўз ёшидек хуноб Дажлаю Фурот,
Ишқ аҳлига бу дунёдир ғамхона.

* * *

Умрим ўтиб кетди меҳнат билан,
Элимга, юртимга хизмат билан.
Меҳнат таги роҳат экан, билсам,
Ҳаётим кечди хуш — иззат билан.

* * *

Нолимайман ўтган умримдан,
Меҳримни сипқорган шеъримдан.
Кўнгил уйи бўлди яна равшан,
Иймондан сочилган нуримдан.

* * *

Мен узоқ яшарман худо хоҳласа,
Бошимга қўнгайдир Ҳумо, хоҳласа.
Яхшилиқ уйида кечирдим ҳаёт,
Ёмонлик кўрмасман, дунё хоҳласа.

* * *

Жойим доим тўрда бўлди,
Ислом сочган нурда бўлди.
Ўз элимдан сийлов кўрдим,
Юрт соврини зўрда бўлди.

* * *

Ҳаёт менга вафо қилсин,
Ҳар кунимни сафо қилсин.
То дунёда борки Ўзбек,
Ёзганларим бақо қилсин.

* * *

Ватансизлар гадога ўхшар,
Айриликдан адога ўхшар.
Умри ўтар ғурбат шомида,
Ҳаёт эса жафога ўхшар.

* * *

Тилимни кесдилар Ҳақ десам,
Дилимни кесдилар Халқ десам,
Ҳақ йўлида Халққа суяндим,
Йўлимни тўсдилар Ҳақ десам.

* * *

Ичим йиғлаб, юзим кулиб туролмадим,
Дўстлар қолиб, душман билан
юролмадим.
Тўғри яшаб, тўғри сўзни сўзладим мен,
Эгри яшаб, «давру даврон суролмадим».

* * *

Оқ булутлар осмонда сузиб юрибди,
Бир-биридан пойгада ўзиб юрибди.
Қорли тоғлар, денгизларни қидириб,
Сув дардида анжуман тузиб юрибди.

* * *

Худо умр берганича яшарман,
Дунё раво кўрганича яшарман.
Ҳаётим боғини этгали обод,
Авлодларим турганича яшарман.

* * *

Худойим чордевон қилдилар инъом,
«Ҳаёт махзани» деб унга қўйдим ном.
«Янги Хамса» билан «Ўзбекнома»дек,
Элу юртда топсин обрў ва икром.

* * *

Эллик йилнинг дафтарини варақладим,
Шеърларимнинг ҳол-аҳволин сўроқладим.
Ҳар бирини меҳр билан парваришлаб,
Фарзандимдек бошин силаб,
ардоқладим.

* * *

Боқиб ҳайрон қолдим замон зайлига,
Не замон, адашган инсон хайлига.
Англадим, одамзод бир меҳмон каби
Келиб-кетар экан ҳаёт сайлига.

* * *

Осилиб обрўнинг баланд дорига,
Кўзлари санчилиб ҳасад хорига,
Манманлик кўчасин чангитган банда,
Бошин урди фисқи-фасод ғорига.

* * *

Мен дунёни билиб олдим сафарларда,
Қаро туну субҳу шому саҳарларда.
Хирмон-хирмон садаф ичра дур
изладим,
Дилим ёнди дўст узатган заҳарларда.

* * *

Эрига қўл кўтарган аёлни кўрдим,
Фарзандлари умрига заволни кўрдим.
Ёқамни ушладим. Не чора? Билмадим,
Онамас, хотинмас йўқ, дажжолни кўрдим.

* * *

Ерда қолар илдизи — чинор қуласа,
Замин бағри доғланар минор қуласа.
Уйингни кўча билиб дайдир номаҳрам,
Ҳовлингни ўраб турган девор қуласа.

* * *

Худога додим айтиб, кўнглим топди
тасалло,
Яратгандан ўзгага қилолмадим тавалло.
Тўғри қилиб яратган Ҳақ эгилма,
дедилар,
Эгилмасдан ўтурман, эгилсам, ўлган
аъло!

* * *

Таним яйраб нафас олдим,
Жоним яйраб ўйга толдим.
Ота-онам руҳин шодлаб,
Кенагасдан кетмай, қолдим.

* * *

Сен кўзимга ўтдай кўриндинг,
Бахт-иқболи бутдай кўриндинг,
Дастурхони файзли, олтин куз,
Баракаю қутдай кўриндинг.

* * *

Тоғдан эсди букун қор шамоли,
Кўнглимни оқ қилди қор жамоли.
Она-Ер бошидан садаф сочиб,
Тутиб кетди гўё қор самони.

* * *

Водариғ! Ўзингдан кетиб қолибсан,
Амалдан маст бўлиб, ўтиб қолибсан.
Ким сени дўстим дер, дўстингни сотиб,
Сотқинлик китобин битиб қолибсан.

* * *

Ўзингни ердамас, билиб осмонда,
Керилиб яшайсан ушбу давронда.
Мансабга ишониб, манманлик қилма,
Сендайлар кўп ўтган Ўзбекистонда.

* * *

Деворни нам йиқади,
Инсонни ғам йиқади.
Қоғозга сажда қилган
Шоирни шамъ йиқади.

* * *

Жабру зулм кўп кўрдим замона
зўрларидан,
Дурни тошдан фарқ қилмас замона
кўрларидан.
Тош одамга ўхшайди Шўронинг
раҳбарлари,
Бош кўтариб чиққандек замона
гўрларидан.

* * *

Инсон имконини азмойиш этдим,
Калом саройини оройиш этдим.
Дунёга шунчаки келиб-кетмадим,
Иқтидор қудратин намойиш этдим.

* * *

Ҳаётнинг неъмати — сув билан нондир,
Умрнинг неъмати — қон билан жондир.
Инсон руҳи мангу барҳаёт, шоён,
Кўнгилнинг неъмати — ишқу
иймондир.

* * *

Менга текин нон керакмас,
Меҳнатсиз ҳеч шон керакмас,
Қалб қуёшдай ёнмаса гар,
Жисмим ичра жон керакмас.

* * *

Яхши сўздан кўксим тоғ бўлди,
Ўксик кўнглим чаман боғ бўлди.
Жон қуши яйради гулшанда,
Кайфим хуш, димоғим чоғ бўлди.

* * *

Кўролмаслик дардига йўлиққан шум
бандалар
Кишилик гулшанида умрга кушандалар.
Мевали дарахтларга тош отмасдан
ўтмаслар,
Шохини синдирмаса тинчимас
газандалар.

* * *

Яхшилик қиламан деган кишини
Худо тўғри қилар доим ишини.
Бири икки бўлиб, омади келар,
Эл олар бўйнига ғам-ташвишини.

* * *

Кимки еса элнинг ғамини,
Бут қилади худо камини.
Хам қилмайди бошини асло,
Баланд қилар ҳаёт шамъини.

* * *

Сахий кишиларни ёқтирар худо,
Яхшиликлар билан сийлар доимо.
Бетавфиқ касларга қилмайди муҳтож,
Сен билан ёруғ дер коронғи дунё.

* * *

Мени тўйга айтганлар — тўйларингиз
муборак!
Тўй кунига ярашган бўйларингиз
муборак!
Сиздан бахтли киши йўқ бугун ёруғ
жаҳонда,
Меҳмонлар билан тўлган уйларингиз
муборак!

* * *

Ҳурлик тонгида чалдим дойра қилиб
осмонни,
Юлдузлар ерга тушди тарк этиб
Каҳкашонни.
Келиндек жилва қилиб замин узра
кезди ой,
Пешанасидан ўпди қуёш Ўзбекистонни!

* * *

Мен ўзимни доно десам, мендан
донолар бор экан,
Мен ўзимни сахо десам, мендан
сахолар бор экан.
Закий, фозил одамларга бой экан
дунёйи фоний,
Мен ўзимни аъло десам, медан аълолар
бор экан.

* * *

Юрагида ёли бор йигит эдим,
Гар учсам, осмонлар тор бургут эдим.
На чора? Мўйсафид бўлибман фақир,
Аслим Самарқандга ёр Ургут эдим.

* * *

Буғдойман дебсан ерга мош бўла туриб,
Тилламан дебсан элга тош бўла туриб.
Ҳамон ўзинг билмабсан дунёга келиб,
Кўз бўламан дебсан-а, қош бўла туриб.

* * *

Меҳрингни кўзларимнинг қароғида
асрадим,
Ишқингни юрагимнинг чароғида
асрадим.
Сен умримнинг файзисан,
фарзандларим онаси,
Умрингни мен жонимнинг фароғида
асрадим.

* * *

Дўстлар хурсанд бўлди, куйди душманлар,
Даштлар хазон бўлди, кулди гулшанлар.
Хаваснинг бўғзига ҳасад солди чанг,
Хору хас кул бўлди, ёнди гулханлар.

* * *

Булоқлар қуриди, дарёлар тинди,
Бўронлар увлади, дарахтлар синди.
Қуёшнинг юзини қоплади тўзон,
Шайтонлар от қилиб тоғларни минди.

* * *

Уруғни саралаб экади деҳқон,
Заминга қалб кўрин тўкади деҳқон.
Оламни фаровон қилса, деб тезроқ,
Экинга кўз нурин тикади деҳқон.

* * *

Амал тамал бўлиб қурдинг иморат,
Тақал аъмол бўлиб қилдинг тижорат.
Амалу тақалдан кетганда омад,
Дединг: «Дунё ғирромликдан иборат».

* * *

Ўзгалар фикрига амал қилмадим,
Сўзини фикримга тамал қилмадим.
Яхши гапларини унутмай, аммо,
Фикратсиз қалъани қамал қилмадим.

* * *

Ўпкам тўлиб нафас олдим баҳор хавосидан,
Нафас олиб ўйга толдим баҳор сабосидан.
Кучоғимга сиғмай гуллар, боғлар сабзасидан,
Кўнгил торин куйга солдим баҳор навосидан.

* * *

Кўздан кўзга парвоз этар меҳр,
Дилни дилга ҳамроз этар меҳр.
Бериб инсон умрига тароват,
Элни элга дилроз этар меҳр.

* * *

Аҳли қалам Сўз гадоси,
Юрагида Сўз садоси.
Китоб ёзиб лаззатланур,
Камдир, аммо, Сўз подшоси.

* * *

Мен дардимни китобга ёздим,
Китоб дема, мохтобга ёздим.
Аҳли олам ўқисин дебон
Мангу сўнмас офтобга ёздим.

* * *

Лутфийнинг ёнида бўлсаю жойим,
Хожа Ахрор умрин берса худойим.
Мен Сўздан гумбази осмон яратдим,
Унда менинг Қуёш, Юлдуз ва Ойим.

* * *

Устозининг юзига оёқ қўйган нобакор
Кўчамдан ўтди кеча саргардону дилафгор.
Отини гижинглатиб юрар эди бир замон,
Энди бошин урмакка, балки, тополмас девор.

* * *

Шайтоннинг сўзига зинҳор ишонма,
У йўлдан уради, маккор, ишонма.
Ақлинг айтганини адо қил, аммо,
Душмандан дўст бўлмас, хунхор, ишонма.

* * *

Элу юрт ишига ўзни фидо қил,
Хусну жамолига кўзни фидо қил.
Сени бор ёки йўқ қилгувчидир у,
Шаъну шавкатига Сўзни фидо қил.

* * *

Ўпкангни босгил, жаноб, ҳаддан ошиб кетибсан,
Аждаҳодек пишқириб, селдек тошиб кетибсан.
Босар-тусаринг билмай, дуч келган касни
Чумоли каби кўрмай, аттанг, босиб кетибсан.

* * *

Сенга қасд қилганни паст этмоқда чарх,
Бағрингни тилганга қасд этмоқда чарх.
Эзгуни қутқариб ёвуз комидан,
Шодлик майи билан маст этмоқда чарх.

* * *

Жазосиз қолмагай ким қилса гуноҳ,
Адолат мулкида тополмас паноҳ.
Кимки яшай деса гуноҳдан холи,
Ҳақиқат уйини этсин қароргоҳ.

* * *

Тўтисан — яшайсан олтин қафасда,
Қушлар боқар сенга — кўзи ҳавасда.
Ўз сўзинг йўқ сенинг, хўжанг не деса,
Такрорлаб турасан керак нафсда.

* * *

Минг йилликлар сарҳадида бу достон,
Она халқим, сенга бўлсин армуғон.
Кўнгил дардларини жо қилиб унга,
Бир сокин гўшасин айладим макон.

* * *

Шукуҳли карвон ўтди — акиллаб қолди
итлар,
Сарбоннинг оёғидан ногаҳон олди
итлар.
Эгаси хезланиб турди йўл четида
аламдан,
То манзилга етгунча кўп ғавғо
солди итлар.

* * *

Тилнинг учида дўсту, ичида душмандир
манга,
Ёруғ кунда адаштирган тўзону
тумандир манга.
Иши тушса, устоз дейди, иши тушмаса,
йўқламас,
На чораки, оёғимга кирган мих,
тикандир манга.

* * *

Нопок бир манфур банда покликни
даъво қилмиш,
Юзи қаро бўлса ҳам оқликни даъво
қилмиш.
Тошкент эмас, бутун юрт билса ҳам
нопоклигин,
Билмаслика олиб у, «шоҳ»ликни даъво
қилмиш.

* * *

Менга қайғуради қариндошлар,
Тегмасин дебон бошимга тошлар.
Қалқон қилишар кўкракларини,
Тошларини отганда авбошлар.

* * *

Кишилик гулшани сўлмайди абад,
Унга мамот қуши қўнмайди абад.
Ҳаёт учун замин яралган экан,
Тириклик қуёши сўнмайди абад.

* * *

Мен ўзимдан учта азиз китоб
қолдирдим,
Улус фикрин ёритгувчи офтоб
қолдирдим:
«Янги Хамса», «Ўзбекнома»,
«Ҳаёт махзани»
Ичра қалбим авлодларга бехоб
қолдирдим.

* * *

Худком аҳлин чангалига мубтало
Нокаслар ёғдирди бошимга бало.
Арзимни айтгани ҳамдард топмадим,
Кўнглимдан ўзгадан чиқмади садо.

* * *

Ўткинчи бу дунёда мен ўзимга
суяндим,
Улусга мадад берган қалб сўзимга
суяндим.
Ўзининг ташвишидан ортмаганда
одамлар,
Рафиқам, ўғлиму икки қизимга
суяндим.

* * *

Мен ўзимга ишондим — ишониб
айтдим Сўзни,
Сўзим тафти эритди дилларни босган
музни.
Кишиларнинг дардига сўздан даво
изладим,
Яхши Сўз учун мудом фидо айладим
ўзни.

* * *

Шодликдан эмас, дўстлар, аламдан
йиғлайман,
Менга сотқинлик қилган одамдан
йиғлайман.
Оқу қора аралаш бетайин дунёда,
Қафасга ўхшаб қолган оламдан
йиғлайман.

* * *

Кўзим қорачиғидек мен ишқингни
асрадим,
Ишқингнинг соқчисидек мен
рашкингни асрадим.
Ишқ билан Рашк ёнма-ён яшади
юрагимда,
Зоғлар қўнмасин дебон мен кўшкингни
асрадим.

* * *

Ёшликда таниш эдим, энди-чи,
бегонамиз,
Бошқа-бошқа эди биз ўқиган
дарсхонамиз.
Фақир ҳавас, у ҳасад мактабида олди
дарс,
Шеърият чироғида, гарчандки,
парвонамиз.

* * *

Бозор замони келиб, бозорда деҳқон
қолмади,
Чайқовчилар кўпайиб, инсофли инсон
қолмади.
Аёл-эркак бир бўлиб ўзин урди
бозорга,
Олди-сотди деганда инсонда иймон
қолмади.

* * *

Мен донога хизмат қилдим, нодонга
эмас,
Мен юртимга хизмат қилдим, жаҳонга
эмас.
Бор қилгувчи, йўқ қилгувчи халқимдир
мени,
Мен инсонга хизмат қилдим, шайтонга
эмас.

* * *

Юрагим лат еди ҳасад сўзингдан
Ва бағрим музлади ҳасад музингдан.
Шайтон каби қилдинг буқаламунлик,
Бурқираб турибди ҳасад ўзингдан.

* * *

Улусимга мудом яхшилик тиладим,
Бирор кишисига ёмонлик қилмадим.
Ёмонларнинг бергай худо жазосини,
Яхшилар бошини мехрибон силадим.

* * *

Яхши сўз туфайли инидан чиқар илон,
Ёмон сўз туфайли инсонлар бўлур
шайтон.
Яхши сўз, ёмон сўз чиқар бир оғиздан,
Тилингдан заҳармас, асал томсин,
эй инсон.

* * *

Қафасда яшайди чумчуқдан то шер,
Балиқ ҳам, чаён ҳам, аждар ҳам қарам.
Тили йўқ — дардини айтолмас далер,
Баъзида афзалдир тили бордан ҳам.

* * *

Бировнинг ҳақига хиёнат қилма,
Нафсингни тиёлмай, жиноят қилма.
Инсофу иймонни бир пулга сотиб,
Худонинг устидан шикоят қилма.

* * *

Водариғ, қолмади дармон белимда,
Не дармон, қолмади армон дилимда.
Пайғамбар ёшига етиб, қарасам,
Бахтимни кўролдим комрон элимда.

* * *

Сичқонлар биланмас, шерлар билан
олишдинг,
Довруғи оламгир зўрлар билан
олишдинг.
Сўз бўлди қуролинг, қалам бўлди
ҳамроҳинг,
Назмда паҳлавон эрлар билан
олишдинг.

* * *

Кўзим қарогида сени асрайман,
Кўнглим чароғида сени асрайман.
Сени деб жабҳада тикдим жонимни,
Умрим чорбоғида сени асрайман.

* * *

Ўзбек бўлмаса қоним — ўзбекни
куйламасдим,
Оғримаса гар жоним — ўзбекни
куйламасдим.
Ўзбек бўлиб туғилдим, ўзбек бўлиб
ўлурман,
Пок бўлмаса иймоним — ўзбекни
куйламасдим.

* * *

Ўзбек Оллоҳни олқаб, аросатдан
ўтибди,
Шайтон макридан қақшаб, Арофатдан
ўтибди.
Самарқанддан то Макка, Бухородан
Мадина,
Савоб йўлида кезиб маломатдан ўтибди.

* * *

Телба дунё: доно хору нодон, азиз,
Кўксига уриб дерлар: инсон азиз.
Азиз инсон табиатни айлади хор,
Барча инсон нодон эмас: яздон азиз.

* * *

Ҳайъатга чиқар бўлсам, йўлимни
тўсдилар,
Минбардан сўзлар бўлсам, тилимни
кесдилар.
Тўғри сўздан қочишиб, эгри сўзни
тинглашди.
Баҳри қон анор каби дилимни эздилар.

* * *

Шароб деса ўзин ташлайди томдан,
Қуйқасин қолдирмай сипқарар
жомдан.
Дўстлар даврасида гарчи хандондир.
Эл кўрса қочади бундай имомдан.

* * *

Донолик қасрига интилган одамлар
Кўнглини ўртайди укубат, аламлар.
Азобу таъқибда ўтказиб ҳаётин,
Мангулик мулкига риндона қадамлар.

* * *

Ўзбекни ўзбек қилган алломаларга
раҳмат,
Шоиру саркардаю умароларга раҳмат.
Ўз йўлидан адашмай муродга етди ўзбек,
Йўлчи юлдуз бўлолган раҳнамоларга
раҳмат!

* * *

Озод эмас мамлакатда мен озодлик
истадим,
Обод эмас салтанатда мен ободлик
истадим.
Тобе бўлиб яшаб келдик ўз
юртимизда, найлайин,
Дил шод эмас жамиятда мен
дилшодлик истадим.

* * *

Қора кучлар кучлидир, ўзингга бўл
эҳтиёт,
Улар сенга дўст эмас, улар сенга
етти ёт.
Кўрсанг қочиб узоқрок, кўрсатмагил
қорангни,
Улар қўлида тош бор, йўқдир асло
куллиёт.

* * *

Ўзбек бўлиш қийин экан: қариганда
англадим,
Оёғимдан кучим кетиб, ҳориганда
англадим.
Аҳли ҳаёт ўйлаб топган удумлари кўп
экан,
Юрагимдан дарду ҳасрат ариганда
англадим.

* * *

Ўзимдан паст кишилар баланддан
келди,
Ақлини пеш қилиб, қуюндек елди.
Замонанинг зайлига ҳайрат-ла боқсам,
Марҳамат дарахтидан хазон тўкилди.

* * *

Қайси кўчага кирсам, *бошини берк,*
дедилар,
Бизда йўлин топмаган сенингдек эрк,
дедилар.
Берк кўчани очсанг гар Эрк йўли равон
бўлгай,
Эрк аслида инсонга Ҳақ берган кўрк,
дедилар.

* * *

Содда ўзбек бўлмасам: одамларга
ишондим,
Сохта дарду ҳасрату аламларга
ишондим.
Мен ишонган одамлар мени алдади,
афсус,
Иши битгунча қилган карамларга
ишондим.

* * *

Бу дунёга келиб, у дунёга кетасан,
Жаннатми, дўзахми — манзилингга
етасан.
Абадий тириклик булоғидан ичмасанг,
Беш кунлик дунёга келиб, ўзи нетасан?

* * *

Майдон мардники, дерлар, мард бўлсанг
туш майдонга,
Номард бўлсанг, халал берма
майдондаги инсонга.
Билиб қўй: фил ишини сичқон
қилолмас асло,
Курашда мард енгади, шафқат йўқ
номард жонга.

* * *

Жаннати одамлардан дунё чаман
боғ экан,
Равза боғин яратиб, инсон кўкси тоғ
экан.
Тирикликнинг қадрига етган киши хор
бўлмас,
Бу дунёда яшамак бахт ила фароғ экан.

* * *

Маслакдош эдилар — фикрлари бир,
Бир мақсад уйида этдилар зикр.
Шахсий манфаатга келганда, аммо,
Фикрлар тўқнашиб, узилди занжир.

* * *

Бўйсунмас шоирман — майдонда, бўйин
эгмадим,
Тепамда мушт кўтарган нодонга бўйин
эгмадим.
Ғуруримни топташга йўл қўймадим ҳеч
кимга,
Инсон либосин кийган шайтонга бўйин
эгмадим.

* * *

Сокин корхона йўқ — ҳайратда қолдим,
Ижодга қўл бормас — хаёлга толдим.
Ҳолимга ғамгусор дардманд киши йўқ,
Дилсўзон оломон ичра йўқолдим.

* * *

Маърифат қолиб бир ён — хурофотга
алданма,
Садоқатинг зўр бўлса — маломатга
алданма.
Улус ичра қадрини баланд кўтарай
дебон,
Юрт мулкини талаган касофатга
алданма.

* * *

Айбсиз айбдор бўлмас дердинг ҳеч,
Ноҳақлик бошингда синдирди қилич,
Фикринг хато экан, англадинг энди,
Ҳақ қарор топгунча бўлмасмикан кеч.

* * *

Ғам — умр эгови, дейди халойиқ,
Шодлик — оби ҳаёт, дейди ҳақойиқ.
Оби ҳаёт билан яшнасин қалбинг,
Эговни кўрмагин ўзингга лойиқ.

* * *

Амал ҳавоси баланд — шох қилади
шайтонни,
Лайчани бўри билиб, шер қилади
сичқонни.
Қўғирчоқдай ўйнатиб, минг мақомга
солади,
Отасини унутган, хом сут эмган
инсонни.

* * *

Тинч яшайман десанг гар қаллоб билан
ўйнашма,
Инсон кўнгли нозикдир, сароб билан
ўйнашма.
Беш кунлик бу дунёда ўзингни қил
эҳтиёт,
Бола-чақанг бор сенинг, шароб билан
ўйнашма.

* * *

Манқуртлар сўрмаса, кувон, ҳолингни,
Сўриб ололмаслар тилдан болингни.
Узоқроқ яшасанг бўлур яхшироқ,
Сўндира билмаслар дилдан ёлингни.

* * *

Қозончининг ишидир қайдан қулоқ
чиқарса,
Чавандознинг ишидир қайдан улоқ
чиқарса.
Тангрининг берганига шукр қилинг,
одамлар,
Худойимнинг ишидир қайдан булоқ
чиқарса.

* * *

Ризқингиз бутун бўлсин — ҳеч яримта бўлмасин,
Уйингизга дўст келсин, душманингиз келмасин.
Ўзингиз ерга уриб ялинмангиз ҳеч кимга,
Сиздан азиз киши йўқ, бахт гулингиз сўлмасин.

* * *

Отангнинг ўғли бўлгил — ёмон ота йўқ,
Ҳақдан ўзга сени этмаган ато, йўқ.
Айтганини адо қил, асл фарзанд бўл,
Отанинг сўзларида, билгил, хато йўқ.

* * *

Онанинг бошидадир тожи давлат,
Оёғи остида равзайи жаннат.
Пойини тавоф қил, хокин кўзга сур,
Меҳр сувини ич, у — оби раҳмат.

* * *

Сенинг меҳринг ойнинг нурига ўхшар,
Иситмас, этса-да йўлни мунаввар.
Юзини булутлар қоплаганда ҳам,
Ой сочар ва лекин туйнуклардан зар.

* * *

Дунёни кўп кўрдиму отамдай одам кўрмадим,
Отам борида, рост гап, қайғу-алам кўрмадим.
Биров кўнглин оғритмай, айтмай бирор қаттиқ сўз,
Яшаб ўтдилар мўъмин, кўнглида ғам кўрмадим.

* * *

Кўзларимга сурмадир онамнинг хоки пойи,
Онам ёдисиз чиқмас кўксимда умид ойи.
Яхши-ёмон кунимда онам рухи мададкор,
Бахтимизга, илоҳим, жаннатда бўлсин жойи.

* * *

Беш кунлик дунёда пасту баландни кўрдим,
Бемаҳал отилган ўқу камандни кўрдим.
Кўрдим шайтон, иблис, дажжолу нокасларни,
Фарзандкуш ота, падаркуш фарзандни кўрдим.

* * *

Не бало, дуч келдим кўзойнакли илонга,
Заҳарли тилини чўзиб, қасд қилди жонга.
Олдинга ўтгани қўймади, тик турди у,
Қарасам, ўхшайди қиёфаси инсонга.

* * *

Кўкдан тушган одам йўқ — барча ер фарзандидир,
Ерни гуллаб-яшнатган она ер дилбандидир.
Динлари бошқа-бошқа, аммо, худолари бир,
Одам Атою Момо Ҳаво жигарбандидир.

* * *

Тулки терисини ёпинган инсон
Отангни алдама, бўлма устомон.
Тангрига етганда аламу зори,
Кеч бўлар, бошингга қулагай осмон.

* * *

Ҳар асрнинг бўлган ўз муаммоси,
Амалга ошмаган эл муддаоси.
Барча асрларни қийнаган, аммо,
Инсон кушандаси — уруш балоси.

* * *

Эркни излаб топмадим истибдод кучоғидан,
Чўғни излаб топмадим Адолат ўчоғидан.
Энг буюк орзуларим баргдек хазон бўлдилар,
Кема қилмоқ бўлибман пистанинг пўчоғидан.

* * *

Яхшилик уруғин доналаб экдим,
Доналаб демаким, саралаб экдим.
Гармсел, совуқдан асраб, қайғурдим,
Таъқибда ҳам қалбим яралаб экдим.

* * *

Кўпнинг ҳақини еган хор бўлар оқибатда,
Пок зотларни кўролмай яшайди адоватда.
Ҳаром тешиб чиқади, демас бекор халойиқ,
Жаннат эмас, дўзахга тушади охиратда.

* * *

Айтганим тўғри келди — билмасам
гапирмасдим,
Билган ишимни яхши қилмасам,
гапирмасдим.
Валий ҳазратларининг тушганмикан
назари,
Каромат манзилига келмасам
гапирмасдим.

* * *

Минбар тегса, тушмасдан гапиргувчи
гапдон кўп,
Элга ақл ўргатган маҳмадона чандон
кўп.
Иш билгунча — гап билгил, деган гап
ҳақиқатми?
Халқни алдаган воиз, дили сангу сандон
кўп.

* * *

Умр — дарё экан, оқиб кетди,
Сув бўйига гуллар тақиб кетди.
Наслини қолдириб, мангуликка
Ҳаёт чироғини ёқиб кетди.

* * *

Дунё тургунича кўҳна Олам бор бўлсин,
Кўҳна олам безаги бани Одам бор
бўлсин.
Бани Одам, кўҳна Олам яшаркан абад,
Оламу Одам васфин битган Қалам бор
бўлсин.

* * *

Ҳаёт экан: — мушкул фурсатда,
Оға-ини қўймас ғурбатда.
Кўришади дардингни баҳам.
Яшамайсан ғариб фуркатда.

* * *

Ҳасад сени ёндирар,
Имонингдан тондирар.
Илон бўлиб, дилингни
Заҳарига қондирар.

* * *

Умр гавҳарини асраб-авайланг,
Кўнгилнинг раъйига қарши қўзғанг
жанг.
Барги хазон каби сочмангиз елга,
Қарилик солмасдан яқонгизга чанг.

* * *

Қадрига етмадим умр жавҳарин,
Яшнатиб кетмадим ҳаёт кавсарин.
Жаннатда яшадим деганим — сароб,
Тирикликда кўрдим дўзах манзарин.

* * *

Яхши яшашни, айтинг, кимлар орзу
қилмайди,
Ёмон яшаган касни ҳаёт кўзга илмайди.
Ёмон яшаб, хор бўлиб юрган ёқмас
худога,
Яхши яшаш тарзини, афсус, ёмон
билмайди.

* * *

Яхшига ёндошдим — қочдим ёмондан,
Эзгулик кутмадим иблис, шайтондан.
Ҳеч кимдан қарздор бўлмадим, шукр,
Ношукр бўлмадим давру даврондан.

* * *

Қўли эгри бўлса — табиб керакмас,
Кўнгли эгри бўлса — ҳабиб керакмас.
Қийин экан, билсам, яхши дўст топмак,
Йўли эгри бўлса — ғариб керакмас.

* * *

Ўйлаб босдим, дўстлар, ҳар қадамимни,
Ичимга ютдим бор дард, аламимни.
Ҳақиқатни айтган чоғимда, зўрлар
Синдира олмади ҳақ қаламимни.

* * *

Сен озодсан деб, аммо, тилимни
боғладилар,
Сўзим қатағон қилиб, зулмга
чоғладилар.
Шўро замонида бу муштумзўрлик
десам гар,
Муштумини кўтариб, кўксимни
доғладилар.

* * *

Шоир аҳли ўз юртини куйлаган,
Шоҳлар каби ўз элини ўйлаган.
Бирга бўлган шоҳу гадо бўлса ҳам,
Элу юрти пайғамбардек сийлаган.

* * *

Алам шаробини тўймай ичасан,
Қўлингдан бир лаҳза қўймай, ичасан.
Тилингда Ватан деб, аммо, дилингда
Улуснинг дардидан куймай, ичасан.

* * *

Турмуш ташвишини енгиб яшайман,
Ташвишим кўп бўлса гулдек яшнайман.
Умримнинг бир куни ўтса ташвишсиз,
Ҳаёт дафтаридан узиб ташлайман.

* * *

Турмуш ташвишлари оғир келганда,
Даврондан нолиди ношукр банда.
Яшаш саодатин англайди, бироқ,
Ҳаёти боғига оқшом қўнганда.

* * *

Содда ўзбек эканман, ишонибман
ёлғонларга,
Буқаламун сингари минг турланган
инсонларга.
Алдамчи кишиларнинг юзи қаро бўлур
охир,
Инсон дебон, афсуски, ишонибман
шайтонларга.

* * *

Улус кўз ўнгида турар хар одам,
Ундан тутолмайсан айбингни мубҳам.
Яхшисанми, ёмонсанми, эл билар,
Билмайди, деб қўйма ножўя қадам.

* * *

Бир юзинг оқ эди, бири қаро,
Умрни ўтказдинг қаттол аро.
Икки юзинг энди қаро бўлди,
Ҳаётинг қолгани: мотамсаро.

* * *

Дунёга устун бўламан, дема,
Қалқиб турибди сен чиққан кема.
Устунлар кулаб, кемалар чўкди,
Мангу тириклик ғамини ема.

* * *

Яхшилик қилган кишига жонингни
бергил,
Жон демаким, жон ичра жон-қонингни
бергил.
Анқонинг уруғи яхши одам бу айём,
Унга жонингдан азизроқ — нонингни
бергил.

* * *

Қанча яхши одамнинг оёғидан олдинг
сен,
Ғам кўрмаган бошига мусибатни
солдинг сен.
Амал теккан чоғида отангни ҳам
унутиб,
Оқибатда улуснинг назаридан қолдинг
сен.

* * *

Ўзимни ўзгадан баланд қўймадим,
Уйимни ўзгадан баланд қурмадим.
Нима бўлсам бўлдим эл билан бирга,
Юртимдан айрилиб, ёниб-куймадим.

* * *

Жамиятни бузмакда қўли қинғир
одамлар,
Эркинликни пеш қилиб, йўли қинғир
одамлар.
Улар билан туз тотмас тўғри одамлар
асло,
Тўғриларни кўролмас дили қинғир
одамлар.

* * *

Сўзи билан иши бир рахбар доим бор
бўлсин,
Катта карвон йўлида қатордаги нор
бўлсин.
Улус унга эргашиб, етсин
мурод-мақсадга,
Кишилигин безаган номус ила ор
бўлсин.

* * *

Ёзганинг бир тийинга қиммат,
даъволаринг юз минг сенинг,
Қанчалаб бошларни ёрди фитналаринг,
ҳукминг сенинг.
Шайтанатга хизмат қилиб қоматинг
дол бўлди-ку,
Кишиликка, жамиятга ётдир билсанг,
хулқинг сенинг.

* * *

Фитна гулханида ёниб, адо бўлди,
Адоват даштида куйиб, қаро бўлди.
Ўзгалар омади кул қилди уни,
Ҳасад кўчасида гирён гадо бўлди.

* * *

Мағрибни мақтаб у, кун кўриб келди,
Эл дилида кунмас, тун кўриб келди.
Ниятлари қора, кўнгли кир эди,
Эмган оқ сутида хун кўриб келди.

* * *

Мураббачалик қилди ёшлигида у,
Соқий бўлай дебон айлади орзу.
Қуйқасин қолдирмай сипқориб жомдан,
Дўстларига тутди май дебон оғу.

* * *

Шубҳа кўзи билан боқма, эй рафиқ,
Эътиқоддан тониб, бўлма мунофиқ.
Меҳр нури билан ёритгин дилни,
Одамлар демасин сени бетавфиқ.

* * *

Ичимда дардим кўп — мен билан бирга
кетар,
Айтишга имкон йўқ — мен билан ерга
кетар.
Ўзгалар дардини оширмак истамадим,
Дардларим дард бўлиб — мен билан
гўрга кетар.

* * *

Ҳақни айтиб, бошимда таёқлар синди,
Холим кўриб, дарёлар, сойлар ўкинди.
Булоқларнинг кўз ёши ирмоқ бўлдилар,
Аламларга чидолмай тоғлар силкинди.

* * *

Тўғри сўз ёқмас экан, билсам, шайтонга
Шу ваҳҳдин дарс бераркан нокас
инсонга.
Эгри сўзни деганлар иззатда экан,
Тўғри сўзли сиғмаскан, билсам,
жаҳонга.

* * *

Кеч англадим: қизиқ экан бу дунёси,
Инсон зотин бузар экан дур-кимёси.
Давру даврон сурса шайтон бу дунёда,
Инсонга яралган экан у дунёси.

* * *

Тебратолмай оворасан рўзғоринг,
Сўлган каби кўринадир гулзоринг.
Умидларинг поймол қилма, умид қил,
Кундай равшан қилгай толе узоринг.

* * *

Нодон шоҳ бўлгандан, доно гадо бўл,
Донолик йўлида майли, адо бўл.
Бир хондан[1] туз тотмас шоҳ билан гадо,
Гадоларга, майли, доно подшо бўл.

* * *

Кўрпангга қараб, дўст, оёқ узатгил,
Ҳолингга яраша хонни тузатгил.
Йиғилса дўст-ёрон, хешу акрабо,
Хулқу атворига қараб кузатгил.

* * *

Давронга хукмини ўтказди маккор,
Ёвузга ўч тиғин тутқазди маккор.
Ўзига санчилди қайтиб бу ярок,
Қасос ўйинида ютқазди маккор.

* * *

Умринг ўтиб кетибди — билмай
қолибсан,
Ўтган умрингга боқиб, ўйга толибсан.
Надомат чекмакка, балки, кеч бўлди,
Ҳаёт нимани берса, шуни олибсан.

* * *

Биродар, ҳаётни жаннат демагил,
Жаннатда яшамак санъат демагил.
Биласан, жаннатнинг дўзахи ҳам бор,
Дўзахни, охири қисмат демагил.

* * *

Ҳаёт укубатга дуч қилди мени,
Азобларга қарши куч қилди мени.
Шодликдан маст бўлиб, ғамдан
ўлмадим,
Беминнат яшашга ўч[2] қилди мени.

* * *

Кеч англадим: ҳамма нарса ўткинчи экан,
Инсон печга ўтин терган ўтинчи экан.
Киши кўнгил орзусига етолмай доғда,
Кўкка муножоти — Ҳақдан ўтинчи экан.

* * *

Узоқ яшар эдим: чангу ғубор бўлмаса,
Одамлар ичида кину никор бўлмаса.
Ҳасаду адоват, фисқу фасод авж олмай,
Кишилар биродар бўлса, аҳёр бўлмаса.

---

[1] Хон — дастурхон
[2] Ўч — ундади маъносига ишора

* * *

Бир — кўнгил совуса, исиши қийин,
Бир — эски яранинг битиши қийин.
Барча дардга гарчи топилар даво,
Бир бедаво дардки, дили иши қийин.

* * *

Ёлғон гап турган жойда чин гапга ҳожат қолмади,
Чин гапни гапирганда ҳеч ким қулоққа олмади.
Унутдилар чин гапни ёлғончи бу дунёда, эҳ,
Ёлғончилар гапирса, чин сўз дилга ўт солмади.

* * *

Қоғозга тўкилди кўзларим нури,
Сўзларда акс этди фақир шуури.
Кўнгил иши экан, билсам, шеърият,
Унда ҳасби ҳолим — бир муслим умри.

* * *

Ҳавога сочмадим умр жавҳарин,
Елларга бермадим умр самарин.
Ақл билан дилни этдиму ҳамроз,
Шеър билан «безадим умр дафтарин».

* * *

Тоғларни йиқитгин кучинг борида,
Бошингдан итқитгин кучинг борида.
Кучинг кетиб, қариганда уринма,
Баланд уч бургутдин кучинг борида.

* * *

Қариликда қилма армон,
Оёғингга бермас дармон.
Фарзандларинг соясида,
Дуо қилиб, яша комрон.

* * *

Кенагасда туғилиб, Тошкентда умрим ўтди,
Ёшлигимни Самарқанд боши устида тутди.
Бешигимни тебратган Ургутистон омон бўл,
Жаннат бағрингда сенинг қалбим ғамни унутди.

* * *

Тўрт томонинг катта йўл — ихтиёринг ўзингда,
Эмин-эркин юра бер — номус-оринг ўзингда.
Эркингни қўлдан бериб, муте бўлганинг етар,
Энди қувонсанг арзир, ҳур диёринг ўзингда.

* * *

Ўзга ютуғи билан қувонмайди барча ҳам,
Дарвоза қайда, дейсиз, очилмайди дарча ҳам.
Кўролмаган кишилар тўлғонурлар илондек,
Ҳасад мотамин тутиб, кўк кияди арча ҳам.

* * *

Кўз ёшларинг, азизим, инжу бўлиб тўкилди,
Кўриб ақиқ, жавоҳир, ранги ўчиб, ўкинди.
Оқ садафнинг бағрини ёриб чиқди марварид,
Инжу чошига боқиб, дил чоклари сўкилди.

* * *

Қувват кетса белингдан,
Мадад сўра дилингдан.
Яна сўра яхшилик,
Катта қилган элингдан.

* * *

Оёқдан кетса дармон,
Дилда зўраяр армон.
Чала ишинг гарчи кўп,
Ором ол энди, инсон.

* * *

Эрка қилиб кўтармади бошида даврон мени,
Таъзимда кўрмади асло қошида даврон мени.
Эл қатори яшаб ўтдим, тамагирлик қилмадим,
Гоҳо бошимни қонатди тошида даврон мени.

* * *

Худойим, номардга муҳтож айлама,
Шайтонлар пойида меърож айлама.
Нима қилсанг қилгин, осий бандангман
Ва лекин юртимдан ихрож айлама.

* * *

Ўзингни ўйлайсан — ўзга қаёқда,
Заминда турибсан битта оёқда.
Шайтондан бошқаси сенга дўст эмас,
Ҳаммани кўрасан кора бўёқда.

* * *

Кўнгли ғараз кишилар зимдан
душманлик қилди,
Дуч келганда «ҳол» сўраб, дўст
сингари тикилди.
Ўзи панада туриб, ўзгани қилиб нишон,
Ойни этак-ла ёпиб, «омад» тилаб
эгилди.

* * *

Ишимни қилмоғим лозим саранжом,
Гарчи ором бермас фикр ва илҳом.
«Чордевон» тузмаклик осон эмасдир,
Қарилик қўлимдан тутган бу айём.

* * *

Худонинг илоҳий эҳсони Самарқанд,
Жаннатнинг азалий бўстони Самарқанд,
Самарқанд — ер юзин сайқали эрур,
Ўзбекнинг абадий достони Самарқанд!

* * *

Аҳли жоҳ кўксимни сўзона этдилар,
Озурда кўнглимни гирёна этдилар.
Хўжа замонида поралаб қалбимни,
Оқсарой бағрини бегона этдилар.

* * *

Умр бўйи меҳнат қилдим шерандом,
Ҳамрохим бўлдилар фикрат ва илҳом.
Қишнинг чилласидан омон чиқолсам,
«Чордевон»им элга этардим инъом.

* * *

Камтарлик лангарини синдириб, этиб
вайрон,
Манманликнинг дорига осилибди бир
шайтон.
Оёғи ерга тегмай, боши етмай осмонга,
Кибр кўкидан тушмай, элни қилибди
ҳайрон.

* * *

Мансабдан тушганда қочди
эрка тойлари,
Бир охурдан ем ейишган эркатойлари.
Кифтин тутди: мининг дебон янги
бошлиққа,
Тепди собиқ раҳбарини ҳуркак
тойлари.

* * *

Маст бўлиб айнисанг ўзгадан кўрма,
Ақлингни йўқотган бўзадан кўрма.
Инсоф кўзи билан ўзингга боққил,
Бўзани сақлаган кўзадан кўрма.

* * *

Тошканди азимга келдим Самарқанд
музофотидан,
Гоҳ хурсанд, гоҳ хафа бўлдим ҳаётнинг
мулоқотидан.
Кенагасни Самарқанду Тошкандига
алишмам,
Кўнглимдан қон сирқиб оқар
тақдирнинг муножотидан.

* * *

Шахсий манфаатнинг қорадир юзи,
Безовта боқади уккидек кўзи.
Қурум босган нопок виждон уйида,
Ҳукмини юритар худкомлик сўзи.

* * *

Хавотирда яшар айбдор одам,
Тинч ухлай олмайди кечалари ҳам.
Шодон кўринса-да элнинг кўзига,
Дилини эговлаб емиради ғам.

* * *

Умид осмонида ёнган юлдузлар
Ҳаётинг кечасин этар кундузлар.
Чароғон оламга боққан чоғингда,
Қалбингда шодликдан жўшар
денгизлар.

* * *

Ватан деб, ватанни сотганни кўрдим,
Ватан деб, ғамларга ботганни кўрдим.
Ватан қисматини савдога қўйиб,
Ватанга тошларни отганни кўрдим.

* * *

Олтин деб ўйлама ўзингни, чақасан,
Бировни бировга борибон чақасан.
Одамлар ичида илондек ўрмалаб,
Тилингдан заҳарлар сочибон, чақасан.

* * *

Ота-онанг қўйди сенга яхши от,
Йигитга ярашар азал яхши от.
Сен отмасанг, сени отар душманинг,
Тирик яшай десанг, укам, яхши от.

* * *

Ҳақсизлик кўзига дадил боқдим тик,
Илондек билтанглар — дилида ҳадик.
Заҳарли тилини чўзиб, ўйнатар,
Пайт топса — чақади, қараб турмас тек.

* * *

Яхшилар кўп бизда, камдир ёмонлар,
Кам бўлса-да, бошга ғамдир ёмонлар.
Ёмонлар яхшилар қадрига етмас,
Яхшилар бор жойда, хамдир ёмонлар.

* * *

Серка қаён бошласа — қўйлар кетар
изидан,
Жаннат ё дўзахгами — билиб бўлмас
кўзидан.
Пода боши деб унга жониворлар
ишонар,
Оқибат серка қолиб, қўйлар кечар
ўзидан.

* * *

Ҳаёт қизиқ экан — томошага ўхшайди,
Дардингни ёзгувчи дилкушога ўхшайди.
Томоша қилади барча бири-бирини,
Ўткинчи одамлар дўст-ошнага
ўхшайди.

* * *

Ғам тошин бошимдан ошириб отдим,
Дарёю денгизни тошириб отдим.
Олдинга ўтма, деб тўсиқлар қўйган,
Шайтонлар хайлини шошириб отдим.

* * *

Душманлар мехрига муҳтож бўлмадим,
Нокаслар қошига йиғлаб келмадим.
Юртимнинг бошига кулфат тушганда,
Шодон кўрмагунча йиғлаб-кулмадим.

* * *

«Наврўз»нинг эшиги элга ёпилган эди,
«Навбаҳор» байрами ўйлаб топилган эди.
Инобатга ўтмай, нетай, халқнинг
талаби,
Эътиқод дарахти, хайҳот, чопилган эди.

* * *

Қуёш атрофида ер айланади,
Хотин атрофида эр айланади.
Ҳаёт тўхтамайди шундай то абад,
Инсон атрофида шер айланади.

* * *

Амир Темур — миллат шони,
Озодликнинг соябони.
Меҳри билан обод бўлмиш
Ўзбекларнинг гулистони.

* * *

Қайрилиб боқибди ўткинчи омад,
Қаддингни тиклабди мўмай даромад.
Дўстларни кўрсатиб оёқ учида,
Ўзингни санабсан элда саромад.

* * *

Кенагасни соғиниб келдим,
Сочларимга оқ иниб келдим.
Ота-онам чироғи сари
Парвонадай толпиниб келдим.

* * *

Билмайман: нимада амалнинг сири?
Юксакка кўтарган тамалнинг сири?
Барча чўкиб қолар тушса амалдан,
Кимга аён ушбу касалнинг сири?

* * *

Қазиган чоҳингга йиқилдинг ўзинг,
Бошингга келтирди бало, зуғуминг.
Энди оҳ урасан чиқолмай чоҳдан,
Ҳақиқат йўлидан қирилди изинг.

* * *

Бир нарсага ҳайронсан: хамма сенга
ёпишади,
Сенга қаршилар дарҳол бир-бири-ла
топишади.
Ҳеч кимсага ёмонлик қилмасанг-да
ҳаётингда,
Бошингга қўли етмай, оёғингдан
тортишади.

* * *

Ўзбек эли дўстлашди ҳинд билан,
олмон билан,
Файласуфдай тиллашди ер билан,
осмон билан,
Аҳли олам билан у истаб
дўст-биродарлик,
Яшар жаҳон айвонида дард билан,
армон билан.

* * *

Гоҳ енгил, гоҳ оғир ҳаёт ташвиши,
Кун бўйи битмайди одамнинг иши.
Бўзчининг мокиси каби тинмайди.
Ташвишсиз яшашни билмаган киши.

* * *

Ҳаётни жаннат деб англаган одам
Кўнглида йўқ, балки, дўзах деган ғам.
У яшаб ҳаётнинг бахт бўстонида,
Кулфат саҳросига қўймаган қадам.

* * *

Думалоқ дунёни текис, деди ким?
Бири кам дунёни тўкис, деди ким?
Дунё текис бўлса ё бўлса тўкис,
Яшаган умрини «эсиз» деди ким?

* * *

Тўғри йўлдан юриб, тўғри сўзладим,
Тўғри сўзлаб, тўғри йўлни кўзладим.
Тўғри гап ёқмаскан тукқанингга ҳам,
Оқибат, ўкинчдан бағрим тузладим.

* * *

Эгри яшаб, ёлғон сўзлагувчи кўп,
Ўғри яшаб, бойлик излагувчи кўп.
Ҳақ берган умрни ўтказиб ҳаром,
Ҳалол ошни, афсус, кўзлагувчи кўп.

* * *

Бўстонни бир тўнғиз пайҳон айлади,
Боғбоннинг кўнглини вайрон айлади.
Гул билан алафнинг фарқига бормай,
Ширин ҳаётини нордон айлади.

* * *

Донишмандман дея керади кўкрак:
Соя жойда ғовлаб кетган кўк терак.
Фитначи дўстлари ҳадеб гиж-гижлар,
Ёрилиб кетмаса пуфланган пуфак.

* * *

Узун тунлар тонггача шеър бағрига
кетаман,
Мардона қалбим билан шер бағрига
кетаман.
Шеър мулкин обод этиб, шер юрак-ла
оқибат
Ер фарзанди эканман — ер бағрига
кетаман.

* * *

Заррача ғубор йўқ бугун руҳимда,
Қора булутлар йўқ тоза кўксимда.
Ўзимни сезаман тонг ўғли каби,
Замон қудрати бор шер шукуҳимда.

* * *

Муз салтанатининг муаззам
қўрғонлари —
Жанубий қутбнинг кўк ўпар
арконлари.
Бўрону довулга бардош берган муз
тоғлар
Худойим яратган дунёнинг эҳсонлари.

* * *

Кичик мансаб теккач жўжахўрозга,
Депсинди: қанотин ростлаб парвозга.
Ўзидан ўзгани тан олмай, аттанг,
Дарс бермоқ истади доно устозга.

* * *

Кўнглимдан нима кечса, мен қоғозга
туширдим,
Сўнгра қоғоз бошида узоқ ўйланиб
турдим.
Кўнглимда қолганидан қоғозда қолсин,
майли,
Қисматимни Қаламу, Сўзу Қоғозда
кўрдим.

* * *

Бирдан чолдай чўкиб қолдинг, амалдан
тушганингда,
Ҳуркиб, ўзни четга олдинг, амалдан
тушганингда.
Одамларга қўшилишга кўнглинг дов
бермади ҳеч,
Алам билан ўйга толдинг, амалдан
тушганингда.

* * *

Кутишдан оғир дард йўқдир оламда:
Кўнгил гоҳо хурсанд, гоҳо аламда.
Эзгулик насими эсса дарёдан,
Умид тугён урар кутган одамда.

* * *

Осмондаги юлдузларни санаб бўлмас,
Ўтган кеча-кундузларни санаб бўлмас.
Дунё шундай бепоёнки, юриб яёв
Дарёю кўл, денгизларни санаб бўлмас.

* * *

Сен — кўзимнинг қароғисан, она
тилим,
Сен — дилимнинг чароғисан, она
тилим.
Сендан ўзга раҳнамойим йўқдир
менинг,
Сен — жонимнинг фароғисан, она
тилим!

* * *

Шоҳлар келиб-кетар, тожу тахт қолар,
Бало, офат кетар — ҳаёт, бахт қолар.
Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи,
Ва лекин халқ билан юрт, пойтахт қолар.

* * *

Одам умри шундай асрорли олам,
Дўсту ёронга бой, аброрли олам.
Нима бўлишини олддан билолмас,
Умр муаммоли, аҳрорли олам.

* * *

Уйқудек босмасин ғафлат кўзимни,
Эҳтиёт қилмоғим даркор ўзимни.
Қадамим ўйлаброқ босмоғим керак,
Кузатиб турибди ағёр сўзимни.

* * *

Халқ очу омий бўлса — қуллик уйи бир
қадам,
Ким қорнини тўйдирса — қуллуқ туйи
бир қадам.
Саводхону тўқ бўлса эл ўзгага бош
эгмас,
Муҳтожу зор бандага — қуллик кўйи
бир қадам.

* * *

Ҳавас қилган замонларинг ўтиб кетди,
Сурган давру давронларинг ўтиб кетди.
Энди тавба қилиб яшайсан ёки йўқ,
Сен суянган арконларинг ўтиб кетди.

* * *

«Ё тавба! Ё тавба!» денглар қилган
гуноҳимизга,
Худойим ҳамдард бўлсин биз чеккан
оҳимизга.
Эгали юрт бўлсак-да, бериб қўйдик
эркимиз,
Энди Тангри ёр бўлсин олий
паноҳимизга.

* * *

Ғурбатда яшамоқ ўлимдан оғир,
Яхшими-ёмонми, бари муҳожир.
Сотқинми, қотилми, оқми ё қора?
Мусулмон бўлмайди барча мусофир.

* * *

Ҳакимлар баҳсига ҳакам керакмас,
Маҳрамлар дардига малҳам керакмас.
Маҳраму малҳамни не қилсин ҳакам,
Ҳаким ҳакам бўлса, маҳрам керакмас.

* * *

Кўлинг калта бўлса оғир ҳаётда,
Насиб қилмас сира юрмаклик отда.
Пиёда экансан битмайди ишинг,
Отлиқ бўл, ўлтирай десанг ҳайъатда.

* * *

Ҳажга бориб келса хам у мусулмон
бўлмади,
Арақдан юз ўгириб, тоза инсон
бўлмади.
Букрини гўр тузатар, деганлари
ростмикан,
Наинки, соябони, улус ҳайрон бўлмади.

* * *

Энг қадим чолғумиз дутору танбур экан,
Элга дард-ҳасратли навоси манзур экан.
Дутор тилга кирса ё танбур қилса нола,
Ўзбекнинг қисмати оламга машҳур экан.

* * *

Оғир меҳнат эзиб қўйди: тикланишим
энди қийин,
Ҳаёт деди: кексаликнинг либосини энди
кийин.
Майли асо тутмасанг ҳам қоматингни
тутгин баланд,
Меҳнатингнинг мевасини териб егин
бир-бир кейин.

* * *

Шамси Одил хотирасига

Каттақўрғон кўкидан бир юлдуз учди,
Назм уйида яна бир чироқ ўчди.
Кўкчада руҳи яшар авлоди каби,
Ўчган юлдузни Тошкент тупроғи қучди.

14.04.93.

* * *

Ҳаёт асал эмас, заҳари ҳам бор,
Севги висол эмас, ҳижрони хунхор.
Олдингда турибди мамот манзили,
Орқангга қараб кўй — авлодинг бисёр.

* * *

Бошқаларни алдаб келдинг, энди
ўзингни алдама,
Сени ота деб эргашган ўғил-қизингни
алдама.
Бу дунёдан кўрқмасанг ҳам қўрққил у
дунёдан, ки
Пулсиротдан ўтар чоғи музтар ўзингни
алдама.

* * *

Мен мозийдан бир ҳикоят келтирдим,
У тарихдир, мен ниҳоят келтирдим.
Яҳудийдан тарқалмаган ўзбеклар,
Туҳмат қилманг, мен ҳидоят келтирдим.

* * *

Ҳадиснинг фаҳмига етмай бир гумроҳ,
Ёлғон шарҳлаб: Ростни қилибди гувоҳ.
Ҳадисга ишонмай, ўзин ҳақ дебди,
Ундайлардан ўзинг асрагин Оллоҳ.

* * *

Неваралар бошини меҳр билан
силайман,
Худованди каримдан умрларин
тилайман.
Уйланиш тўйларини кўрсам деган
умидда,
Белимни маҳкам боғлаб, айтганларин
қилгайман.

* * *

Қайси куйни чалса даврон, сен ўшанда
ўйнадинг,
Бошқалар саҳнада бўлса, сен гулшанда
ўйнадинг.
Кўзларингни мўлтиратиб бокдинг унинг
кўзига,
Шайтонга ўхшаб, мастона сен гулханда
ўйнадинг.

* * *

Чорасиз қолганда жонингда қийнок,
Ерни қаттиқ, дединг, осмонни узоқ.
Узатсанг, ҳеч ерга етмайди қўлинг,
Кўнглинг ёришмайди, ёкса-да чирок.

* * *

Шайх Хованд Таҳур бобомизнинг
мақбараси муқаддас,
Зиёратга ошиқ, мусулмон, шажараси
муқаддас.
Кўзларингга сур тупроғини, ўпгил
остонасини,
Бу масканнинг об-ҳавоси, манзараси
муқаддас.

* * *

Кўнгил кўйига кириб, гоҳ манзилдан
адашдим,
Душманлар ичра қолиб, дўст,
муқбилдан адашдим.
Ақлим сўзини тинглаб, бундай ўйлаб
қарасам,
Ҳаёт деган мактабда гоҳ таҳсилдан
адашдим.

* * *

Бир ота-онадан олти жон эдик:
Уч ўғил ва уч қиз — меҳрибон эдик.
Акаю укаю опа-сингил шод,
Улкан хонадонда биз комрон эдик.

* * *

Ниятимни бутун қилдим — бутун одам
бўлай деб,
Бутун одамлар оламга азал-охир берар
зеб.
Кемтик кишилар туфайли дунё ҳам
бўлмиш кемтик,
Умримни ўтказдим бутун одамларнинг
ғамин еб.

* * *

Бир чеккада юрибман, мени олманг
қийнокка,
Азоблардан қон бўлган кўнглим
солманг қийнокка.
Савоб иш қилган эдим, гуноҳ қилдинг,
дедилар,
Туҳмат қилиб менга сиз яна қолманг
қийнокка.

* * *

Аҳли жаҳон уйини тузатдим армон
билан,
Ўзбек сарварин унга узатдим армон
билан.
Худованди каримдан элга тилаб
омонлик,
Минг йиллик анжуманин кузатдим
армон билан.

* * *

Ёмон одамлардан ҳайрон бўлмангиз,
Дил уйи бузилиб, вайрон бўлмангиз.
Ҳар яхши одамнинг бир ёмони бор,
Оёқлар остида пайҳон бўлмангиз.

* * *

Яхши зотлар билан олам гулистон,
Ёмонлар дастидан саҳро, биёбон.
Оби ҳаёт қурир ёмон бор жойда,
Яхшининг файзидан ҳаёт фаровон.

* * *

Менга бир муҳташам ошён
қурмоқдасан,
Сўлим боғ аро бир жаҳон қурмоқдасан.
Умримнинг қолгани унда хушбахт ўтсин,
Ёнимда бўл доим омон, қурмоқдасан.

* * *

Ўзингни ўзгадан яхши деб билма,
Кишилик уйининг нақши деб билма.
Сендан яхшироқлар кўпдир дунёда,
Яхшилар сафида зарни зеб билма.

* * *

Пайғамбар ёшимда чордевон туздим,
Ҳаётим боғидан минг гулни уздим.
Риндона кездиму тўрт бўстон аро,
Ёдгор бўлсин дебон элга тутқаздим.

* * *

Пиёлалаб ичдим меҳринг зилолини,
Ойдек тўлсин, дедим, бахтинг
ҳилолини.
Ёнингдан бир нафас кетмасдан, азизим,
Бирга кўрсам, дедим, ҳаёт иқболини.

* * *

Гарчандки, доимо билиб қилар ишини,
Бировга юклайди дўстим ўз
ташвишини,
Тўйини ҳам, азасин ҳам кўтарар қавми,
Ўзи эпласа, бас, ўзининг турмушини.

* * *

Кишилик боғида уйдим тоғдек баланд
хирмонлар,
Жонимга, қонимга туташ, дилга
пайванд хирмонлар.
Умр бўйи экканимни қариганда
кўтардим,
Фикратим олтин, кумуши, дурга монанд
хирмонлар.

* * *

Қариб, вайсақи чол бўлиб қолибсан,
Алифмас, қадди дол бўлиб қолибсан.
Гапирган гапингнинг тайини йўқдир,
Ажаб, ошуфта ҳол бўлиб қолибсан.

* * *

Кўнглим сизда доим қариндошларим,
Сиз билан эл аро баланд бошларим.
Сиз тоғдек турсангиз менинг ёнимда,
Суянса, не ажаб, дўст-қардошларим.

* * *

Туғилган еримдан азизроқ жой йўқ,
Унингсиз замонда дарё йўқ, сой йўқ.
Бош урар меҳробинг, аҳли туробинг,
Унингсиз осмонда юлдуз йўқ, ой йўқ.

* * *

Мен музликлар ўлкасида
нотавон бир мусофирман,
Жанубий қутбга келган
кўнгилли бир муҳожирман.
Бу дунёнинг асрорини
билмасдан хеч кетмагайман,
Сув остида салтанатин
яратган бир мубоширман.

* * *

Фахрий унвон бердилар олтмишга
кирганимда,
Ҳазрат бошим силади, зўр ишга
кирганимда.
Ўзбекнинг тарихини бир достон
қилсам, дебон,
Мозийга сафар қилиб, ташвишга
кирганимда.

1997, 24 август

* * *

Яхшилик қил мудом савоб истасанг,
Қилгил иззат-икром савоб истасанг.
Кони фойда дерлар савобнинг таги,
Бўлгил зоти киром, савоб истасанг.

* * *

Ҳар гулки, ўсган ер гулшан бўлмайди,
Ҳар тикан унган ёр чаман бўлмайди.
Чеки йўқ дунёни Ватан демагил,
Ҳар гўша кишига Ватан бўлмайди.

* * *

Ватан деб жар солма — шердек садо қил,
У мушфиқ волиданг, бурчин адо қил.
Бошқа борар жойинг йўқдир дунёда,
Бошига ғам тушса — жонни фидо қил.

* * *

Мотрудий ҳазратларин руҳларига сиғиндим,
Калом илмининг буюк кўҳларига сиғиндим.
Англаб Қуръони карим, Ҳадислар маъносини,
Ислом оламин тутган шукуҳларига сиғиндим.

* * *

«Эй, нозим! Айт, сендан нима қолади?
Ким сени, очиқ айт, ёдга олади?»
«Биродар, худодан бошқа билмайди,
Биламан деганлар йўлда толади».

* * *

Маиқуртлар фикрига муҳтож эмасман,
Муртадлар пойига меърож эмасман.
Мусоҳиб бўлишди аҳли донолар,
Гумроҳу бадхоҳга минҳож эмасман.

* * *

Уйидан чиқолмас бир муртад қози,
Ким нима келтирса, у шунга рози.
Бирин мақтаб, бирин қарғаб кун кўрар,
Гўрдан чиққан каби хунук овози.

* * *

Имом Бухорий қабрин зиёрат этганимда,
Ҳадислар султонини бош узра тутганимда,
Мусулмон бўлганимга минг-минг шукрлар қилдим,
Худованди каримдан мурувват кутганимда.

* * *

Билмадим, не учун келдинг оламга,
Яхшилик қилмадинг бирор одамга.
Оллоҳнинг лаънати сенга ёғилмиш,
Фитнадан тўлибди уйинг мотамга.

* * *

Ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугин кўрдим,
Амалнинг ҳам катта-кичигин кўрдим.
Оёғи биланмас, тили-ла юрган
Одамларнинг ҳатто кучугин кўрдим.

* * *

Нокаслар маскани ғийбатхонадир,
Ғийбатсиз тонг отмас — ғурбатхонадир,
Маломат тошлари бошини ёрган,
Яхшилар қамалган туҳматхонадир.

* * *

«Ўйинчи»лардан зерикдик, деди машхур «ўйинчи»,
Ўзидан ўзгани кўрмас элга «манзур», «ўйинчи».
Фисқу фасод дашти аро кўтариб қора қуюн,
Бошқаларни ёмонлаб кун кўрар манфур «ўйинчи».

* * *

Қўй, йиғлама — йиғингдан ой узилиб тушмайди,
Кўз ёшингдек юлдузлар ё тўкилиб тушмайди.
Ўз ўтингда ёнма, қўй, нобакор фарзандингдан,
Осмон қасри мустаҳкам, бил, бузилиб тушмайди.

* * *

Қора мушук сингари йўлимни кесиб ўтдинг,
Дуо учун очилган қўлимни кесиб ўтдинг.
«Дўстлар» гапига учиб, ижро ханжари билан
Сўзламакка яралган тилимни кесиб ўтдинг.

* * *

Ёлғон пойдеворга қурилган дунё,
Росту ёлғон аро сурилган дунё,
Адлдан топмади ўз меҳварини,
«Сиёсий ўйин»га берилган дунё.

* * *

Синиқ кўнглим бутун бўлди бир
анжуман туфайли,
Душман кўнгли кукун бўлди бир
аржуманд туфайли.
Анжуманни ўтказганлар олинди
зуғумга,
Шайтонга ҳам дарс бергувчи бир
ёсуман туфайли.

* * *

Мен халқнинг дардини султонга
айтдим,
У тебратиб турган давронга айтдим.
Бедаво дардига ахтариб даво,
Бандасин яратган Яздонга айтдим.

* * *

Одамлар ичидаги иблислар ёмон экан,
Инсон либосин кийиб юрганлари ёлғон
экан.
Гарчи юрмас эканлар тўрт оёқлаб, ё
эмаклаб,
Икки оёқли бўлсалар-да, йўқ, йўқ,
шайтон экан.

* * *

Юртимизнинг ўғлонлари ўлиб кетди,
Кўзларига қасос қони тўлиб кетди.
Сархадларда жонларини қилиб фидо,
Ўздан чиққан ёв устидан кулиб кетди.

* * *

Кўрмай босдим дема тиконни,
Заҳари йўқ дема илонни.
Илон каби тилида оғу,
Фариштасан дема инсонни.

* * *

Дунёнинг тагига етаман, дема,
Етмасам — бош олиб кетаман, дема.
Кетганлар кўп, қайтиб келганлар
йўқдир,
Охират китобин битаман, дема.

* * *

Сенга ўхшашларни кўп кўрди замон,
Шафқат даргоҳида ҳол сўрди замон.
Ишинг битиб, ўтгач эшагинг сувдан,
Ўзингни унутдинг, юз бурди замон.

* * *

Товуқ тухум туғдим деб қақиллади
пешинда,
Шоир шеър ёздим дебон жар солди эл
ичинда.
Товуқ билан шоирнинг феъли ё
ўхшашмикан,
Иккиси ҳам оламни бузай деди бир
зумда.

* * *

Ўзбегу тожик тили менинг асл
ҳаётимдир,
Дилдан дилга парвоз қилсам менинг икки
қанотимдир.
Зуллисонайн деган номга гарчи
қилмадим даъво,
Самарқандда икки тилда сўзлашгувчи
Баротимдир.

* * *

Шукр қилдим Яратганга,
Мени кўкка қаратганга.
Сўзда фикринг қил деб изҳор,
Овозимни янгратганга.

* * *

Бахтимга хам қилдим шукр,
Зое кетмай ўтар умр.
Фарзандлару неваралар
Таянчиму кўзимга нур.

* * *

Пул билан менинг ҳеч ишим бўлмади,
Баҳору ёзу куз, қишим бўлмади.
Муҳтожлик кўрмадим, худога шукр,
Пулга ўч мусоҳиб кишим бўлмади.

* * *

Бадастур яшадим — камчилигим йўқ,
Иссиқ-совуғимга етар, кўнглим тўқ.
Давлати дунёга сиғмас аҳли жоҳ
Келиб уролмади бошим ўзра дўқ.

* * *

Ҳақиқатни айтиб, хумдонга тушдим,
Наҳанглар яшаган уммонга тушдим.
Гоҳ ёндим, гоҳ ўчдим, гоҳ чўкиб кетдим,
Офтоб нури тушмас зиндонга тушдим.

* * *

Инсон билмас — шайтон хайли
қилганини қиладир,
Истаса гар ханжар олиб юрагингни
тиладир.
Арз-додингни айтай десанг, эшитгувчи
киши йўқ,
Ўзидан не ўтганини ҳар ким ўзи
биладир.

* * *

Бемаза қовуннинг уруғи бўлгунча,
Анқонинг уруғи бўлгил ўлгунча.
Сендай зотни излаб ўтишсин одамлар,
Ҳаётинг қуёши токи сўнгунча.

* * *

Дунё ҳавас қилар комил инсонларни,
Донишманд, файласуф, фозил
инсонларни.
Жоҳил инсонлардан безиган бу дунё
Орзуманд кўради оқил инсонларни.

* * *

Сени олиб кетсам юксак тоғларга,
Тоғларнинг бағрида ўсган боғларга.
Худога шукрлар қилурсан, эркам,
Етказгани учун шундай чоғларга.

* * *

Тўпиғимга чиқмайди душман сели,
Мен билан олишганнинг синар бели.
Азиз-авлиёлар руҳи қўллагай,
Фақирни дуо қилар ўзбек эли.

* * *

Менга дуо кетган — ким қилса ҳужум,
Кўзига тиқилгай тупроқ ила кум.
Хорлик кўчасида тентирар яна,
Панадан тош отган олчоқ не мардум.

* * *

Ота-онам мозорин бориб зиёрат этдим,
Улуғ ишни бажариб, ҳориб, зиёрат
этдим.
Қабрлари бошида Қуръон тиловат
айлаб,
Расулуллоҳ ёшида — қариб зиёрат
этдим.

2000, август

* * *

Бу юксак тоғларни қулатиб бўлмас,
Ёнига шайтонни йўлатиб бўлмас.
Тоза булоғини этмасин ифлос,
Ҳаёт қўшиғини куйлатиб бўлмас.

* * *

Қай тупроққа қўймай қадам,
Унда кўрдим дарду алам.
Қувонч шами ёниб милт-милт,
Шод кўринди ғамли одам.

* * *

Ургутнинг бургути деб, олган эдим ном,
Улусдан кўргандим иззату эҳтиром.
Калхатлар ёпишди муборак ёшимда,
Баланд парвоз килдинг, деб, хулласи
калом.

* * *

Меҳнат учун яратилдим — роҳат менга
бегона,
Қаноатга қаратилдим — сабр менга
ҳамхона.
Умр бўйи меҳнат қилдим — меҳнат
қилиб толмадим,
Ўз қадримни, Барот, билдим — ҳаёт
менга парвона.

* * *

Боғлар болга тўлганида,
Дўстлар яйраб кулганида.
Ўйга ботдим, ғамдан куйиб,
Бир аллома ўлганида.

* * *

Ўзингни яхши, ўзгани ёмон дема,
Ўзингни дону ўзгани сомон дема.
Тангри барчани тенг яратмишдир,
Ўзингни еру ўзгани осмон дема.

* * *

Оқибатсиз одамлардан
Ва тамали карамлардан
Зада бўлди дилим, нетай,
Азоб бирла аламлардан.

* * *

Булбул кўз ёшидан ҳижрон қўшиғи,
Бургут кўз ёшидан армон қўшиғи.
Дардмандга қўшиқдан ўзга йўқ даво,
Инсон кўз ёшидан афғон қўшиғи.

* * *

Ёзмай юрсам эди катта асарлар,
Қўлимдан тутмасди, балки, сарварлар.
Не бахт, дил амрини айладим бажо,
Эл аро йўқолмас ушбу гавҳарлар.

* * *

Ёшликдан белимни маҳкам боғладим,
Ижодий меҳнатга ўзни чоғладим.
Парвариш айладим экиб ниҳоллар,
Не бахтки, мўл ҳосил берди боғларим.

* * *

Мен нима қиламан ўзимни алдаб,
Улуғман деб ўғил-қизимни алдаб,
Ўзбекнинг хокисор бир шоириман,
Кетмасман дунёдан Сўзимни алдаб.

* * *

Иморат қурмоқ асли бир қийин савдо
экан,
Бу кўйга кирмаганлар боши бегавғо
экан.
Аммо, умр қадрини билар бино
курганлар,
Уй қурмай ўтган киши дунёда гадо экан.

* * *

Гулларга буркадим Дўрмондаги
боғимни,
Орзулар, тилаклар, армондаги боғимни.
Равза боғи десам айб этманг, э дўстлар,
Умидим гулшани — достондаги
боғимни.

* * *

Дўрмонда бир бино бунёд айладим,
Уни кўнглим каби обод айладим.
Жоним яйраб нафас олдим, минг шукр,
Ижодда ўзимни озод айладим.

* * *

Пайғамбар ёшимда чордевон туздим,
Ҳаётим боғидан минг гулни узди.м
Риндона кездиму тўрт бўстон аро
Ёдгор бўлсин дебон элга тутқаздим.

* * *

Китобим ўқиган, эй, азиз одам,
Бу ҳаёт боғида кўрманг ғам-алам.
Сиз билан ўтказиб яхши кунларни,
Кошки, дардингизга бўлолсам малхам.

* * *

Руҳимнинг кўзгуси асли «Руҳнома»,
Ҳолим битай, келди фасли «Руҳнома»,
Тарҳи тоза асар бўлсин, илоҳим,
Ўқиса не, ўзбек насли, «Руҳнома»,

* * *

«Руҳнома» деб достон туздим
рубоийдан,
Тухфа бўлсин элга, Барот —
фидоийдан.
Кошки, қадрласа келажак авлодлар,
Азиз ёдгор деб муриди Навоийдан.

* * *

Эй нозим, давронга бўлма дардисар,
Паст-баландга қара, бўлма чўрткесар.
Ўзингни қийнаб, айт, нима қиласан?
Бу ёлғончи дунё ўтару кетар.

* * *

Тожу тахт бевафо, умр бебақо,
Бу дунё кимларга қилмади жафо.
Беш кунлик умрингни савоб-ла ўтказ,
Ризо бўлсин сендан элу акрабо.

* * *

Дўрмонда уй қуриб тухфа қилди ёр,
Иморатлар ичра турфа қилди ёр.
Энди дам олинг, деб, адибга ўхшаб,
Остона хокини сурма қилди ёр.

2000

* * *

Ижодга қўл урсам унутилар ғам,
Кўнглимни тарк этар дард ила алам.
Ўзимни сезаман қуш каби енгил,
Дил розин сўзлайди қоғозга қалам.

* * *

Яхши одамларга ҳамсафар бўлдим,
Ёмон одамларга ғам-кадар бўлдим.
Бириси бол тутди, бириси заҳар,
Адолат жангида музаффар бўлдим.

* * *

Яхшилик қилдиму ёмонлик кўрдим,
Ёмонлик йўлига тоғ бўлиб турдим.
Одамлар дўст бўлди иши битгунча,
Дунёнинг ишидан кўп хаёл сурдим.

* * *

Дарвишлар уйига мен кириб қолдим,
Аҳли риндни кўриб ўйларга толдим.
Дунёни сув босса қилмаслар парво,
Ҳайратдан ўзимни қўлимга олдим.

* * *

Бир шайтонни учратдим, устаси фаранг
экан,
Тама дуторин чертар, торлари таранг
экан.
Оёғин қўлга олиб югуради не десанг,
Тарлон қувган тозидек бошлари гаранг
экан.

* * *

Мен дунёни айланиб келдим,
Кўп жойларга бойланиб келдим.
Ҳаёт гўзал экан, ёронлар,
Яшамоққа шайланиб келдим.

* * *

Руҳий тетик бўлсанг юришар ишинг,
Ёзга айланади, хаттоки, қишинг.
Омад келиб тутар қўлингдан маҳкам,
Қувончга айланар азоб, ташвишинг.

* * *

Тушкунликка тушма — тушкунлик ёмон,
Руҳингни кўтариб, бўлгил шодумон.
Ўз кўнглингни ўзинг кўтар, биродар,
Ўзгадан кутмагил нажот ва эҳсон.

* * *

Хорликка берилма — хор-зорлик ёмон,
Гулдайин юзингни қилади сомон.
Қадринг ерга урма — қорма тупроққа,
Бандам деб яратган сени ҳам Яздон.

* * *

Коронғи гўрингни иймон нури ёритсин,
Зурёдинг бошидан ғам-аламни аритсин.
Руҳингни эзозлаб оқил ўғил-қизларинг,
Сабр саройида ғам дарахтини
қуритсин.

* * *

Дунёга кимлар келиб, кимлар
кетмаган,
Кимлар ўзин бошига ўзи етмаган.
Тегирмоннинг тошидек айланар даврон,
Фитна кулини унда кимлар титмаган.

* * *

Тоза одамни излаб топмадим, нетай,
Кирган эшигим қаттиқ ёпмадим, нетай.
Бир дилкаш тополмадим кўнгилдан
покроқ,
Одамлар хайлин ташлаб кетмадим,
нетай.

* * *

Билиб қилдим ўз ишимни,
Хуш ўтказдим ёз-қишимни.
Оғринмадим мушкулотдан,
Қувонч билдим ташвишимни.

* * *

Ўт ёқиб ўлтирдим ўчоқ ёнида,
Менинг қоним бордай ўтнинг қонида.
Жонимга жон кирди алангасидан,
Инсон жони бордай ўтнинг жонида.

* * *

Ловуллаб ўт ёнар — жисмим аро жон,
Шуъласи бағишлар танимга дармон.
Лахча чўғларидан олиб ҳарорат,
Кўз узмам, томирда кўпиради қон.

* * *

Боғ қилмасдан, ҳосил оламан, дема,
Чол бўлмасдан, эрка боламан, дема.
Бу дунёнинг бордир ҳисоб-китоби,
Иш қилмай, тарихда қоламан, дема.

* * *

Икки эшикли бир уй экан дунё,
Бошу адоғи йўқ кўй экан дунё.
Биридан чиқурсан кириб биридан,
Кимга аза, кимга тўй экан дунё.

* * *

Ўзимни доною ўзгани нодон демадим,
Ўзимни инсону ўзгани шайтон
демадим.
Ҳаёт бўстонида ўсар гул билан алаф,
Ўзимни гул дебон ўзгани тикон
демадим.

* * *

Барчанинг бошида рўзғор ташвиши,
Тонгдан то шомгача битмайди иши.
Тирикчилик билан жони овора,
Бахтлидан кўп, балки, бахтсизроқ киши.

* * *

Дўст ачитиб, душман кулдириб гапирар,
Кулдириб, ѳзини тўлдириб гапирар.
Душман дўст бўлмайди — гапига
ишонма,
Ишонсанг, кўнглингни ўлдириб
гапирар.

* * *

Оловнинг шуъласида хаёлимни
тоблайман,
Рухим тозариб ўтдек фикратимни
софлайман.
Аланга борган сайин авж олади ўчоқда,
Оташда ёниб ғамим, дардларимни
асрайман.

* * *

Осмонни қопламиш кора булутлар,
Тоғлардан бош олиб кетмиш бургутлар.
Қахратон қиличин қайраб келмоқда,
Оламга чўккандек оғир сукутлар.

* * *

Халқнинг дарду ғами билан ишинг йўқ,
Кўзингни ёр босган, қорнинг эса тўқ.
Ўзингни ўйлайсан, зўр келган чоғда,
Дўст қолиб, душманга қиласан қуллуқ.

* * *

Суянчиқ изладим қариганимда,
Ишлаб-ишлаб, охир хориганимда.
Ўғил-қизим, набиралар, рафиқам
Кифт тутди, ғамлардан ариганимда.

* * *

Излама, шудгорда қуйруқ қолмади,
Сигирлик, эчкилик, қўйлик қолмади.
Кулини совурди кўкка қашқирлар,
Бўрилар кирмаган туйнук колмади.

* * *

Чалпак ёғилмади, билгил, осмондан,
Қорнингни тўйдирма хайру эҳсондан.
Меҳнат қил, бойликнинг онаси —
меҳнат,
Гадодек яланғоч ўтма жаҳондан.

* * *

Амал оламан, деб, амалингдан
айрилдинг,
Бино учун қўйган тамалингдан
айрилдинг.
Қуладинг суянган деворинг билан,
Ўнглана олмасдан камолингдан
айрилдинг.

* * *

Энг азиз жойларни зиёрат қилдим,
Замон ичра сайру мулоқот қилдим.
Кимки бир иш қилди савоб йўлида,
Меҳрим дариғ тутмай, мукофот
қилдим.

* * *

Ҳақ сўзини айтолмади — тилида кишан,
Халқ дилини ёролмади — дилида
кишан.
Шу тахлитда яшаб келди ўтган замонда,
Халқ шоири ёзолмади — қўлида кишан.

* * *

Жафо тиғи бирла ярадор қилдилар,
Бир лаҳза, нетайким, бемадор
қилдилар.
Тоғ каби йиқмоққа кучлари етмай,
Қўлимни янада устувор қилдилар.

* * *

Олма оқиб келади,
Беҳи қалқиб келади.
Садарайҳон ислари
Сувда анқиб келади.

* * *

Ҳаво бузуқ эди — осмон қоп-қора,
Хўмрайган булутлар кезар садпора.
Қайдадир гурлади момақалдироқ,
Ёмғирга кўз тикар замин бечора.

* * *

Бир тўда тулкилар мафия бўлиб,
Арслонга ташланди ғазабга тўлиб.
Бир-бир тишлаб отди тулкиларни шер,
Шодумон халойиқ кузатди кулиб.

* * *

Сулаймон ўлдию девлар қутилди,
Қорилар жам бўлиб қуръон ўқилди.
Энди у тирилиб чиқмас деб гўрдан,
Шаънига турли хил бўхтон тўқилди.

* * *

Барча от минганлар чавандоз бўлмас,
Шуҳрати эл аро сарафроз бўлмас.
Улоқ ололмайсан Ҳақ қўлламаса,
Йўлингда меҳрдан пояндоз бўлмас.

* * *

Борган еринг қуриди — оёғинг ёмон
экан,
Кирган уйинг бузилди — қароғинг ёмон
экан.
Қай дарёдан сув ичсанг заҳар бўлди
зилоли,
Иблис деб, улус қочди — сиёғинг ёмон
экан.

* * *

Мен сизни аяйман — ўзимни эмас,
Чунки, кўнглим сиздан бошқани демас.
Сиз хурсанд бўлсангиз мен ҳам
хурсандман,
Сиз хафа бўлсангиз, хафаман, хуллас.

* * *

Юрагим санчийди — ҳаловатим йўқ,
Шифо изламакка қаноатим йўқ.
Тоғдай оғир экан кўтарган юким,
Қариганда билдим — маломатим йўқ.

* * *

Сайр этдим бўстонларда,
Меҳр кўрдим инсонларда.
Ўзбек номин ёзиб кетдим
Худо берган достонларда.

* * *

Кечаги санохон бугун эъзозда,
Хушомад кўкида баланд парвозда.
Ҳамонки, кўпириб уради лофлар,
Элнинг кўзи дорда юрган дорбозда.

* * *

Сув келтирдим узоқлардан,
Турна кўзли булоқлардан.
Дардингизга бўлур даво,
Қутулгайсиз қийноқлардан.

* * *

Гапирмайди эл билмаса,
Ўз пуштига эл бўлмаса,
Элдан ўзга йўқдир ғамхўр,
Юрт ўлмайди эл ўлмаса.

* * *

Меҳрингни халқингга пояндоз қилгил,
Қалб чўғига кафтинг ҳокандоз қилгил.
Жонингни аямай халқинг ишидан,
Номини оламга сарафроз қилгил.

* * *

Кавму қариндошинг кўнглига қара,
Хурсандини қўйгил, мунглига қара.
Меҳрингни дардига қилгилу малҳам,
Ёруғ куну қаро тунига қара.

* * *

Сен ўлсанг — қавмингдан ўзга йиғламас,
Жигарим, оғам деб бағрин тиғламас.
Азангда турмайди суяниб асо,
Тирикликда шуни билиб қўйсанг, бас.

* * *

Бегона дардингга парво қилмайди,
Бошингга ғам тушса йўқлаб келмайди.
Ғамхўр йўқ, билиб қўй, хеш-акрабодан,
Сени деса, у хузурни билмайди.

* * *

Кўнглингни очмагил дуч келган зотга,
Сиримгни бермагил дўст ила ётга.
Тил — душман, яхшидир тийсанг
тилингни,
Ортиқча гап юкдир эшагу отга.

* * *

Кам гапирсанг, билгил ўзингга фойда,
Булбулдек сайрама дуч келган жойда.
Тилингни тишласанг бўлур яхшироқ,
Камгап киши эса тенгсиз чиройда.

* * *

Маҳмадона одам қадри қолмайди,
Гапини қулоққа киши олмайди.
Ўз қадрини унинг ўзи йўқотар,
Бу фоже кўнглига ташвиш солмайди.

* * *

Товламачи бир кишидан эл ҳайрон,
Фитнадан кўтармиш қўлида гаврон.
Сўзни қурол қилиб овламиш юртни,
Мақтаб, ёзмиш, кимки узатса эҳсон.

* * *

Одамнинг жони бор Ернинг жонида,
Одамнинг қони бор Ернинг қонида.
Онаю боладир Ер билан Одам,
Одам иймони бор Ер иймонида.

* * *

Ер тилин ким билар деҳқондан яхши,
Ер дилин ким англар деҳқондан яхши.
Ер тилин билган эл тилини билар,
Эл тилин ким билар деҳқондан яхши.

* * *

Бизнинг ризқ-рўзимиз Ернинг туҳфаси
Ва унга тўкилган тернинг туҳфаси.
Дон экиб, боғ қилиб, жаннат яратган,
Ердан олтин олган эрнинг туҳфаси.

* * *

Шайхонтаҳур даҳасида истиқомат
қиламан,
Гўё мозий боғларида истироҳат
қиламан.
Пири муршид мозорини зиерат айлаб
мудом,
Садоқатли мурид бўлиб, мен ибодат
қиламан.

* * *

Шохдор шайтон кеккаяр — осмонни
сузгудай,
Нарвонсиз кўкка чиқиб, юлдузни
узгудай.
Бармоғини найза қилиб санчгандай эл
кўзига,
Ваъз айтади мастона, оламни бузгудай.

* * *

Донишмандлар дунёсига камина кириб
қолдим,
Ақлу ҳикмат аҳлин кўриб узоқ хаёлга
толдим.
Бунда шайтон, бунда нокас, аҳли ҳасад
йўқ экан,
Аҳли иймон, аҳли виждон кўнглидан
дурлар олдим!

* * *

Ўтга қараб ўлтираман узоқ-узоқ,
Ўтин қалаб ўлтираман қучоқ-қучоқ.
Таним яйраб, жоним яйраб, руҳланаман,
Лахча чўғлар яшнаб ётар ўчоқ-ўчоқ.

* * *

Отам замондан қолган темир-терсакни
тақиб,
Белига қувват, дол қаддига тиргакни
тақиб,
Мункиллаб келди бир чол ёшларнинг
даврасига,
Ўтган умридан ёдгор, руҳий эрмакни
тақиб.

* * *

Тонгда бошлаб ишимни битирдим
шомда,
Ҳаёт майи ичгин деб мавжланди жомда.
Беш кунлик дунёси ҳам бир кундай ўтди,
Азиз меҳмон эканман, бўлдим икромда.

* * *

Сени хурсанд кўрдим Чорсуда,
Юрагинг ёнарди орзуда.
Хожа Аҳрор масжидидасан,
Кам бўлма, элингдан, обрўда.

* * *

Давлатга мағрур ўлибсан — боғинг аро
ел елолмас,
Савлатга мағрур ўлибсан —
кимлигингни дўст билолмас.
Ўткинчи бу дунёда сен елдинг
манманлик отида,
Ғафлатда мағрур ўлибсан —
остонангга эл келолмас.

* * *

Замонга мослашиб замонасозлар,
Хушомад боғида чалишди созлар.
Тама қўшиқлари авжига чиқди,
Янгради «офарин!» деган овозлар.

* * *

Ўзимни қон қилиб нима қиламан,
Эзилган бағримни нега тиламан.
Адолат, барибир топади қарор,
Зўрлигин қилолмас зўрлар, биламан.

* * *

Сўзим учди сабо бўлиб,
Қўшиқ бўлиб, наво бўлиб.
Кезди қишлоқ, шаҳарларни,
Эл дардига даво бўлиб.

* * *

Бизлар хато қилдик — сиз хато
қилманг,
Бизлар вафо қилдик — сиз жафо
қилманг.
Ўткинчи гап экан долзарб мавзулар,
Бизлар иншо қилдик — сиз иншо
қилманг.

* * *

Ватанни севмоқ азал ҳар инсон
иймонидан,
Иймони бутун инсон покиза
виждонидан.
Виждон буюрганини адо этар одамзод,
Одамзод одамлиги Одам Ато қонидан.

* * *

Кеча чангга беланиб ётгандинг тупроқ
ичра,
Тупроқдан бош кўтардинг дўст-ўртоқ
ичра.
Буқаламун сингари турландинг бир
алфозда,
Кибру ҳавойинг баланд гул эмас, янтоқ
ичра.

* * *

Замонанинг зайлидан кайфиятим хуш
эмас,
Тотган аччиқ-чучугим ўнгимдадир, туш
эмас.
Мен кўрган азобларни ҳаргиз ўзга
кўрмасин,
Дилим қолмас қафасда, гарчи озод қуш
эмас.

* * *

Бурҳониддин Марғиноний шоҳ китоби
«Ҳидоя»,
Илми фиқҳ қомуси, донғига йўқ ниҳоя.
Мовароуннаҳрдан Румгача,
Туркистондан то Ҳижоз,
Ҳақ йўлини излаганга «Ҳидоя»дир
кифоя.

* * *

Абу Мансур Мотрудий — имом дини
исломда,
Нодири даврону алломадир илми
каломда.
Деҳаи Мотруд унинг бешигини
тебратди,
Рўйи замин Самарқанддек машҳур
бугун оламда.

* * *

Икки буюк алломанинг руҳин ўзбек шод
этди,
Унутмаган эди аввал, бугун яна ёд этди.
Мотрудий, Марғиноний бир масканда
ётурлар,
Чокардиза мозорини эл яна обод этди.

* * *

Мендан ҳам билимдон аллома кўп бу
оламда,
Мендан ҳам забардаст шоир кўп фикру
каломда.
Шукуҳли карвонга қўшилган бир
йўловчиман,
Мендан ҳам фидойи киши кўп Сўз ва
Қаламда.

* * *

Сув сокин оқмоқда арикдан тўлиб,
Тип-тиник, биллурдек, мавж урмас
кулиб.
Кузга хос босиқлик, осойиш унда,
Ўйчан термуламан маҳлиё бўлиб.

* * *

Гавҳаршодбегим ўлимига...

Она лочин фарёд қилди: титраб кетди
Хуросон,
Умрини ёв барбод қилди, нола этди
Туркистон.
Икки дарё қонга тўлиб оқди фиғон
кўтариб,
Ҳирот билан Самарқандда мотамкашлар
ломакон.

* * *

Хайрбод қилар куз мисли фариштa,
Боғимни қилмоғим керак саришта:
Ток, анор, анжирни кўммоғим даркор,
Гулларим яланғоч кирмасин кишга.

* * *

Ичимдан тўкилдим меҳнатнинг
зўрлигидан,
Кўнглимдан сўкилдим армоннинг
пурлигидан.
Элу юрт бахтини ўйлаб ўтказдим
хаётимни,
Дон бўлиб экилдим умримнинг
нурлигидан.

* * *

Фароғат боғига йўллаб жонимни,
Асарларим сўриб олди қонимни.
Қонингиз камайиб кетибди дебон
Табиб ташвиш чекди, олиб ёнимни.

* * *

Биринчи шеъримга эллик йил бўлди,
Илҳомим — қайнаган Салсабил бўлди.
Ҳаёт — пасту баланд, ижод ҳам шундай,
Булбулдек васф этган, не бахт, дил бўлди.

* * *

Замона айшидан нафсимни тийдим,
Донолар қошида лафзимни гийдим.
Бир муслим бандадек тутдим ўзимни,
Ҳаётдан нолишу арзимни тийдим.

* * *

Бахтим қушига менинг ошён бўлди
Самарқанд,
Назмим саройи ичра достон бўлди
Самарқанд.
Самарқанд она бўлса, камина бир
фарзанддир,
Шоир фарзанди билан комрон бўлди
Самарқанд.

* * *

Улуғ йўлни босиб ўтдим,
Гоҳ тиниб, гоҳ тошиб ўтдим.
Ҳақ деганда бўлиб фидо,
Не тоғлардан ошиб ўтдим.

* * *

Юлдузлар ерга боқарлар осмон
деразасидан,
Одамлар кўкка боқарлар армон
деразасидан.
Бир-бирига маҳлиёдир инсонлару
юлдузлар,
Маҳзун боқарлар дунёнинг вайрон
деразасидан.

* * *

Кўзойнакли илонга дуч келдим бу
давронда,
Заҳарли тилин чўзиб ҳамла қилди
фирғонда.
Бошини янчай дебон ўқдек боқсам
кўзига,
Бутазорга қочди у — жоним қолди
омонда.

1987

* * *

Олтмиш уч йил яшадим мен ўтган
асрда,
Умрим ўтди Ҳақ яратган олий қасрда.
Янги асрда ҳам, кошки, шунча яшасам,
Умидимни кўрай дейман янги наслда.

* * *

Кўнглим очилади ўтга қарасам,
Не ажаб, ўт ёқиб ҳар кун яйрасам.
Ўт олади, дерлар, одам дардини,
Битгандай бўлади дилимда ярам.

* * *

Хароба боғ чеккасида сокин қабристон,
Хазонга кўмилиб ётар сохта қаҳрамон.
Тириклик чоғида даврон кўмди
шуҳратга,
Водариғ, унутди уни ўлгани замон.

* * *

Менинг дардим бедаводир,
Кўнглим, нетай, бенаводир.
Табиблар не чора қилғай,
Даволари сержафодир.

* * *

Кошки, «Ўзбекнома» ҳар дилга етса,
Дилдан-дилга ўтиб, бир элга етса,
Жаҳонга таратиб халқим номини,
Не юз йил, келажак минг йилга етса!

* * *

Орқамдан ғийбат қилган нокасларга
жавобим:
Кўзингизни оловдек куйдирмасин
китобим.
Ҳасад ўтида ёниб ўзингизни кул
қилманг,
Гарчи тутилган билан қораймагай
офтобим.

* * *

Истиқлол — тарихнинг туҳфаси бизга,
Туҳфалар ичида турфаси бизга.
Балки, келди бизга худонинг раҳми,
Эркин яшамоқнинг муждаси бизга.

* * *

Ҳасадгўй кимсалар илондан ёмон,
Иғволар тарқатар шайтондан ёмон.
Чаёндек ўлурлар ўзини чақиб,
Қотилни кўрмадим чаёндан ёмон.

* * *

Ўрмалаб чиқди, боқ, меҳробдан чаён,
Иблисликда ёмон шайтондан чаён.
Сўз аҳлини чақиб заҳарлай дейди,
Эҳтиёт бўл, чиқди инсондан чаён.

* * *

Бу дунё деб у дунёдан кечманг,
ёронлар,
Ғафлат майин кибр билан ичманг,
ёронлар.
Одамлар қатори яшанг, осий бандасиз,
Кибру ҳаво осмонида учманг, ёронлар.

* * *

Қўли гул боғбон эдим «Янги Хамса»
боғларида,
Бургутдек учган эдим «Ўзбекнома»
тоғларида.
Қўлимни кесиб, дўстлар, қанотимни
қайирдилар,
«Ҳаёт махзани»н фақир тузай деган
чоғларида.

* * *

Иймон иши бўлди шеър ёзмоқ менга,
Шеър билан фикримни ўтказмоқ
менга.
Ўзга иш қилмадим иймон ишидан,
Шеърдир элга меҳр кўргизмоқ менга.

* * *

Ушоқ шеърдан ўтолмасдан нарига,
Оч кўз билан боқма шуҳрат зарига.
Яхши бўлар эди овозинг тийсанг,
Ўхшамасдан ғўнғиллаган арига.

* * *

Замони келибди «ўйинчи»ларнинг,
Тош қадар қолмабди қиммати зарнинг,
Топилмаган пайтда отларга эгар,
Тиллодан бўлибди тўқими харнинг.

* * *

Ўзингни оқ дейсан — ўзгани қора,
Худбинлик домида юрагинг пора.
Сени йўқ қилмасдан кибр балоси,
Кошкийди, дардингга тополсанг чора.

* * *

Юлдузим порлоқ экан муҳаббат
осмонида,
Ҳаётим комрон экан муҳаббат
бўстонида.
Қисматим бутун қилиб яраттанга минг
шукр,
Не тонг, номим янграса муҳаббат
достонида.

* * *

Ярим аср махзанидан
манзумаи даврон туздим,
Замон аҳлин достон этиб,
ҳасби ҳоли замон туздим.
Қирқ минг мисра назмул-ҳаёт —
ёзганларим чорагидир.
Ўз юртимда қадр топиб,
ўз элимга девон туздим.

* * *

Бу хайлни одамлар кўзбўямачи,
дедилар,
Кўзни бўяб юргувчи сўзбўямачи,
дедилар.
Тузинг ичиб, туэликка тупурмишлар эл
олдида,
Дастурхонни топтаган тузбўямачи,
дедилар.

* * *

Донишманд одамлар камтар ва хоксор,
Донишсиз одамлар манман ва маккор,
Қисмати ўхшашдир кун ила тунга,
Инсону шайтондек, эй, Парвардигор!

* * *

Минбарда ваъз айтдинг, бузиб оламни,
Санохонлик қилдинг, чекмай аламни.
Аммо, тилинг билан дилинг эмас бир,
Замонасоз дейди сендай одамни.

* * *

Ўзга миллатлардан кам жойимиз йўқ,
Бизга ҳам берилган яшашга ҳуқуқ.
Тақдир, ҳаётимиз ўз қўлимизда,
Ўзгалар бизларга беролмас буйруқ.

* * *

Ташқи хавфдан ички хавф ёмон,
Ташқи хавфни енгасан осон.
Бошга биттан бало ички хавф,
Ички хавфдан асра, эй, Яздон!

* * *

Оллоҳнинг назари тушган Самарқанд,
Не бахтки, туғилдим сенда аржуманд.
Толе бешигида улғайдим, ўсдим,
Дунёда кам мендек аржуманд фарзанд.

* * *

Мос келмай давроний мезонларга,
Кўп шеърим сочилди хазонларга.
Ҳаёт дафтарида қолиб кетди,
Дардимни айтолмай инсонларга.

* * *

Даврон бузуқлигидан чекдим аламлар,
Инсон бузуқлигидан кўпайди ғамлар.
Замона экан носоз, аҳли замон мос,
Иймон бузуқлигидан синди қаламлар.

* * *

Дунёда инсондан азиз жонзот
кўрмадим,
Дунёда инсондан ёвуз жонзот
кўрмадим.
Азизу ёвуз экан инсон фарзанди,
Дунёда инсондан лазиз жонзот
кўрмадим.

* * *

Сайр этдим шодумон ҳайрат
бўстонларида,
Ҳайрат назмини кўрдим сафар
эҳсонларида.
Сафар ўйлари беҳад фикрат
туғёнларида,
Фикрат туғёнин ўти ҳурлик
армонларида.

* * *

Иғвогарлар бирлашиб бир анжуман
туздилар,
Кимки яшар осойиш, тинчлигини
буздилар.
Касод обрў бозорин қизитишиб
даллолдек,
Одил, софдил кишилар жон риштасин
уздилар.

* * *

Ойнайи жаҳонга мен бегонаман,
Асрорин билолмай дил сўзонаман.
Ўзимни чирокка уролмам, дўстлар,
Қанотлари куйган бир парвонаман.

* * *

Мен султон ҳақида хос гапни айтдим,
Ёлғонни эмас, йўқ, рост гапни айтдим.
Уни достон этиб, «Ўзбекнома»да,
Оллоҳнинг кўнглига мос гапни айтдим.

* * *

Эл билан тил топдим — англамади аҳли
жоҳ,
Ўзимдек эл топдим — англамади хон,
подшоҳ.
Одил шоҳлар англади, англади пок
улуғлар,
Элимдек йўл топдим — англамади не
гумроҳ.

* * *

Донолар даврасида ақлим пишиб
етилди,
Илм олмоқ ишқида не китоблар
титилди.
Китоб ўқиб улғайдим, бахтим топдим
китобдан,
Дўстлар ҳавас қилгудек китобларим
битилди.

* * *

Яхши киши қўйса қадам
Жаннат бўлур дашти адам.
Дўзах бўлур ҳатто жаннат,
Қадам қўйса ёмон одам.

* * *

Умрим ўтар шодон, шукр,
Сийлаб боқди замон, шукр.
Розидирман ҳаётимдан
Қилмагайман армон, шукр.

* * *

Ёмонламанг ўтган замонни,
Етиштирди Сиздек инсонни.
Шукр қилинг ўтган умрга,
Шод этай десангиз Яздонни.

* * *

Менга таълим берди ҳаёт,
Мушкил дамда кучу нажот.
Ҳаёт — катта мактаб экан,
Битирсанг не аъло, Барот!

* * *

Меҳр ва мурувват — инсон зийнати,
Оламни безаган инсон тийнати.
Кошки, қуёш каби нурли, пок бўлса,
Инсон сувратию инсон сийрати!

* * *

Янги йилни ибодатдан бошладим,
Оллоҳимга муножотдан бошладим.
Савобга бағишлаб азиз умримни,
Субҳидамда ҳидоятдан бошладим.

* * *

Бу дунё — энг азиз қароргоҳимдир,
Ургуту Кенагас — бахт даргоҳимдир.
Умрим ўтди Самарқанду Тошкентда,
Ноэим деб сийлаган Ҳақ — паноҳимдир.

* * *

Дилимни йўлладим Худо йўлига,
Не Худо, одамзод, дунё йўлига.
Оламу Одамга меҳр кўргиздим,
Жоним фидо қилдим вафо йўлига.

* * *

Нима қилган бўлсам халқ учун қилдим,
Адду инсоф учун, ҳақ учун қилдим.
Эзгулик йўлида ўтказиб умрим,
Бандасин яратган Ҳақ учун қилдим.

* * *

Фаришта эмасман — осий бандаман,
Оламу одамга ровий бандаман.
Гуноҳ қилган бўлсам, кечир худойим,
Савоб излаб ўтган хокий бандаман.

* * *

Рост гапир, деб ота-онам ўргатди,
Тўғри йўлни ҳар қадамда кўрсатди.
Ёлғон дема, эгри йўлдан юрма, деб,
Қулоғимга қўрғошиндек ўрнатди.

* * *

Ҳалолу ҳаром аро оқу қорани кўрдим,
Оқу қора ичида кўнгли порани кўрдим.
Шукру ношукрлик аро топдиму
тирикликни,
Муҳтожларнинг дардига эзгу чорани
кўрдим.

* * *

Кўпга берсин — кўп қатори менга ҳам
берсин,
Дуо қилдим — ҳар киши ўз ризқини
кўрсин.
Ижобат бўлсайди дуоларим ҳаётда,
Меҳнат қилган ҳар кимсаки, қандини
урсин.

* * *

Аҳли замон, жаҳаннам эшикларин
ёпингиз,
Жаннатнинг эшикларин очмоққа йўл
топингиз.
Яхшилик жавҳарлари безасин
умрингизни,
Савоб ишга, оёқни қўлга олиб чопингиз.

* * *

Тилимдан тушмайди дуолар,
Дилимдан тўхтамас дарёлар.
Яхшилик тилайман башарга,
Элимдан йўқ ортиқ дунёлар.

* * *

Озодлик йўлида ким бўлса қурбон,
Номини унутмас тарих ва замон.
Элу юрти уни ёд этар абад,
Барҳаёт яшайди тургунча жаҳон.

* * *

Бул фақир юрдим мудом
аҳли залолатдан йироқ,
Билиб босдим қадамим
аҳли разолатдан йироқ.
Яқин юрдим адлу хулқ,
зурафо аҳлига, дўстлар,
Аҳли иймон, аҳли дил
асли қабоҳатдан йироқ.

* * *

Душманни ҳам ўзингга дўст қила
билгил,
Бир ёнғоқдек ё мағзу пўст қила билгил.
Эту тирноқ бўлиб кетмасанг-да, э дўст,
Унга муомаланг дуруст қила билгил.

* * *

Қарилик — дардисар, қарилик — азоб,
Бир куни соғ бўлсанг, бир куни бетоб.
Белингда қувват йўқ, оёқда дармон,
Ҳаётдан умидинг, аммо, беҳисоб.

* * *

Ҳаётдан нолимак эрга ярашмас,
Хотин ҳам нолиса, ҳаёт қарашмас.
Ҳаёт — кураш, ҳаёт — меҳнат демакдир,
Ҳаёт — ўйин-кулги ёхуд яйрашмас.

* * *

Қилмаган ишингни қилдим демагил,
Билмаган илмингни билдим демагил.
Халқ учун қайғуриб, кўнглим пора, деб,
Тилмаган бағрингни тилдим демагил.

* * *

Халқнинг кўзгусида кўргил юзингни,
Етди ё етмади? — сўргил сўзингни.
Кимлигинг айтмаса қилиб андиша,
Билгали халқ ичра ургил ўзингни.

* * *

Қадрли бўлай десанг халқ кадрини
билгил,
Не қадр, қадр қилган халқ сабрини
билгил.
Меҳрни қуёш қилиб бошинг узра кўтар,
Шаънига доғ туширсанг, халқ жабрини
билгил.

* * *

Вафони тиласанг вафолиғ бўлғил,
Сафони тиласанг сафолиғ бўлғил.
Нима тилар бўлсанг ўзингдан тила,
Даво тилар бўлсанг даволиғ бўлғил.

* * *

Кошки, Сўзим қолса замон авроқида,
Авлодлар ўқиса достон авроқида.
Яшаса топгунча олам инқироз,
Қидириб топсалар инсон авроқида.

* * *

Бу жаҳон бир зироатгоҳдир,
Келиб-кетгувчига зиёратгоҳдир.
Нима эксанг — шуни ўрасан, э дўст,
Умри гузаронда сиёсатгоҳдир.

* * *

Эй, фарзанд! Бу дунё — жойи
фонийдир,
Охират саройи, билгил, боқийдир.
Яна бил: бу дунё — орият жойи,
На сўз десанг жавоби ҳам жоиздир.

* * *

Ҳикмат бирла жаҳонни ораста қилди Ҳақ,
Зийнату оро бериб, шойиста қилди Ҳақ.
Харобазор бўлмасин, яшнаб турсин
дебон,
Одам қисмати билан вобаста қилди Ҳақ.

* * *

Худонинг хосидур рўза ва намоз,
Намозхон, рўзадор топади эъзоз,
Ислом фарзларини келтирар бажо,
Савоб саройига кимки нақшсоз.

* * *

Намознинг биноси тавозеъ биладир,
Намозсиз кас ҳақни норози қиладир.
Барча мусулмонга хосдир фарз намози,
Намозхон кишилар эъзозли келадир.

* * *

Ҳаж умиди бешдир — чекма азият:
Муҳлат, муддат, неъмат, роҳат ва ният.
Эй фарзанд, булардан бўлсанг баҳраманд,
Тоатда қўлингдан тутар раият.

* * *

Закот — ҳар йилда бир мартаба
фарздир,
Бермасанг — бўйнингга илинган
қарздир.
Садақа — фарз эмас ва эмасдир қарз,
Қарзни узмоқ фарздир, узмасанг арздир.

* * *

Ота-она меҳр фарқин уз, эй фарзанд,
Жонини жонингга улар қилган пайванд.
Дилингга боғликдир дилининг риштаси,
Меҳринг билан этгил умрбод аржуманд.

* * *

Ерда бўлса қанча манжудот,
Ҳақ *амри-ла топгандир* ҳаёт.
Паноҳи йўқ худодан бошқа,
Набототми ёинки жонзот.

* * *

Яратганга ибодат қилдим,
Дилга ишқин ҳидоят қилдим.
Яхши амал, яхши сўз билан
Аҳли дилга иноят қилдим.

* * *

Бошимни кўтармай меҳнатдан,
Чарчамай элимга хизматдан,
Белимни маҳкамроқ боғладим,
Қўлимни бўшатмай ҳимматдан.

* * *

Бошимга иш тушса кўпга суяндим,
Кўп элнинг ичида тўпга суяндим.
Аҳли дил қилдилар мушкулкушодлиғ,
Ҳаётда адашмай ҳўбга суяндим.

* * *

Ота-она — қуёш, зиёси фарзанд,
Ота-она — ҳаёт, кимёси фарзанд.
Фарзанд — қароғдир ота-онанинг,
Ота-она — дарахт, меваси фарзанд.

* * *

Яхшилик мукофоти берилмас ҳар
инсонга,
Уни олмак истайди кимки келса
жаҳонга.
Мукофотлар ичида энг олийдир,
тенги йўқ,
Кошки, сазовор бўлсам бундай улуғ
унвонга.

* * *

Яхшилик қилганни сийланг, одамлар,
Қуш бўлса, қанотин қийманг, одамлар.
Дунёда борки жон муродга етсин,
Ёмонлик тўнини кийманг, одамлар.

* * *

Яхшилик истаган ёмон бўлмайди,
Ёмонлик пойига нарвон бўлмайди.
Қутлуғ қадам қўяр эзгулик сари,
Ёвузлик йўлида сарсон бўлмайди.

* * *

Яхшилик саройи — кишилик уйи,
Покройлик кун, ойи — кишилик уйи.
Кишилик — дунёнинг кўрки, эй
фарзанд,
Ҳаётнинг чиройи — кишилик кўйи.

* * *

Одамзод қилмаган бир иш қолмади,
Дунё бошига не ташвиш солмади.
Балогардон бўлмай Ҳаёт бахтига,
Мамот яроғини қўлга олмади.

* * *

Ҳалоскор бўлмайди инсонга инсон,
Ўзни деб, бўлмади ёмонга ёмон.
Манфаат юзидин яшади, дариғ,
Боқмади донга дон, сомонга сомон.

* * *

Дунёнинг савдоси кўп экан, билсам,
Ҳамсоя эканлар шодлик билан ғам.
Нур борки — соя бор, кун билан тундек,
Меҳрга зор экан одаму олам.

* * *

Бир фикрга келдим: қарилик — хорлик;
Куч-қувват, яхшилик, меҳрга зорлик.
Парвона бўлмасин қанчалик қавминг,
Дилингни ўртайди элга безорлик.

* * *

Рост гапни гапириб кўриндинг ёмон,
Ёлғон гапни айтиб сийландинг, инсон.
Аросат кўприги устида турма,
Рост сўзла, ёлғон дер, ким бўлса шайтон.

* * *

У жаҳону бу жаҳон
Аро овора инсон.
Тирикчилик дардида
Ўтиб кетади сарсон.

* * *

Туганмас ганждир қаноат,
Туганмас ранждир итоат.
Қаноатга итоат қил,
Туганмас ганждир саодат.

* * *

Молсиз одамнинг ҳеч қадри бўлмағай,
Одамлар ичида бахти кулмағай.
Нафи тегмаса ҳам бойга боқар халқ,
Қашшоқни дўст тутмас — яқин
келмағай.

* * *

Мол азиз, аммоки, молдан жон азиз,
Азиз жондек хонда[1] турган нон азиз.
Жон — тириклик, нон — тириклик
манбаи,
Жону нонни азиз этган хон азиз.

---

[1] Хон — дастурхон

* * *

Кимёйи саодат — саломатликдир,
Ҳаёт чорбоғида саодатликдир.
Саломат яшамак худо берган бахт,
Дардисар дунёда валломатликдир.

* * *

Не бахт, файзли эди бурунги одамлар,
Уларга ўхшамайди бугунги одамлар.
Осмон билан ер қадар фарки бордир
ўртада,
Ҳаттоки, ўхшамайди гурунги, одамлар.

* * *

Ошиққа дуч келдим гул бозорида,
Сайёҳни учратдим йўл озорида.
Боғларда тантана қилганда ҳаёт,
Хазонлар кўринди чўл узорида.

* * *

Сабр қилмак оқилларнинг ишидир,
Жабр қилмак жоҳилларнинг ишидир.
Оқил билан жоҳил икки қутбдир,
Қадр қилмак комилларнинг ишидир.

* * *

Яхшиларга дил билан,
Ёмонларга тил билан
Дўст бўлмакка интилгил,
Шод бўл аҳли дил билан.

* * *

Мингта дўстинг бўлса ҳам,
Бир душмандан қўрқ, укам.
Бирники мингга, дерлар,
Минг чекмасин сондек ғам.

* * *

Гуноҳни барчадин бурун Одам
қилибдур,
Қилинган гуноҳни, не тонг, олам
билибдур.
Ўшандан буён одамзод осий бандадур,
Гуноҳи катта-кичикдир — алам
бўлибдур.

* * *

Бобур Мирзо туғилмишдир Арк ичида,
Умри ўтмиш гўё унинг барқ ичида.
От сурмишдир Андижондан Оғрага то,
Шоҳ шоирдек ном қозонди Шарқ ичида.

* * *

Бобур Мирзо дил амрини адо этди,
Бутун Шарққа шер шоирдек нидо этди.
Шер наъраси ҳамон янграр, тингани йўқ,
Шоирлигу шоҳликка жон фидо этди.

* * *

Оқилу хуш ахлоқ фарзанд бахтингдир,
Яхшилик боғида ўтган вақтингдир.
Элу юрт ичида қадрингни топиб,
Ҳаётда ўтирган юксак тахтингдир.

* * *

Ватан ичра қурдим бир Ватан, не бахт,
Боғ қилдим — ўстирдим гул ила дарахт.
Бу дунёда қолур мендан ҳам бир жой,
У менга давлату у менга тахтдир.

* * *

Сўзга жону маъно берган илҳомимдир,
Илҳомга рух, қанот берган каломимдир.
Калом жамол очди назм либосида,
Назмим элга тонгда берган саломимдир.

* * *

Субҳидам айёми — мулоқот чоғидир,
Бомдодда худога муножот чоғидир.
Турган бахтли бўлур субҳи содиқда,
Ризқ рўзимиз Ҳақдан мукофот чоғидир.

* * *

Ҳазрати Навоий — Хизри роҳимдир,
Бошимда қуёшдек зўр паноҳимдир.
Муборак айёмда тутди қўлимдан,
Назмда меҳрибон пир-оллоҳимдир.

* * *

Бошимни силади пири комиллар,
Илмда, назмда машҳур, оқиллар.
Кошкийди, узолсам меҳр қарзини,
Йўлимга чиқарди аҳли қобиллар.

* * *

Донишда пиёдаман — отлиқлар бисёр,
Байтул-ҳикмада доно, оламда донгдор.
Отлиқларга эргашиб, Ижод уйида
Ўз сўзимни айтмакка этдим ихтиёр.

* * *

Гуноҳга чорани лойиқ қилингиз,
Кўп қилманг, кам қилмак йўлин
билингиз.
Унутманг раҳмни, меҳру карамни,
Зулм каломидин тийинг тилингиз.

* * *

Халқ йиғласа, сен ҳам гоҳо йиғлагил,
Гоҳ бирга, гоҳида танҳо йиғлагил.
Халқнинг дарди сенинг дардингдир,
нозим,
Жафо қилма, қилиб вафо йиғлагил.

* * *

Оқиллар бўлмаса эрди
вайрон бўларди жаҳон,
Жоҳиллар бўлмаса эрди
бўстон бўларди жаҳон.
Оқиллар билан жоҳиллар
кун билан тун сингари,
Комиллар бўлмаса эрди
ғариб бўларди жаҳон.

* * *

Ложарам жаҳонни қилгали обод,
Тижорат аҳлини этмангиз бедод.
Мағрибу машриққа ким қатнар бенафъ,
Бозор эркин бўлса, улус бўлар шод.

* * *

Ўз нафъингни кўзлаб, ўзгага зиён
қилма,
Мол сотсанг — яхши сот, тилингни
чаён қилма.
Хушзабон бўлгилу инсофни қўй ўртага,
Қурумсоқ кишидек ўзни намоён қилма.

* * *

Яхшилик тожини кийган одамлар
Энг юксак тахт сари тинмай қадамлар.
Умрига ёр бўлиб меҳру мурувват,
Подшодек кўрсатар элга карамлар.

* * *

Жаҳон айвонининг арконлари бор,
Тафаккур қасрида наққошу меъмор.
Маърифат булоғи кўзини очиб,
Кишилик боғини қилдилар гулзор.

* * *

Дунёдан кўп эди менинг умидим,
Кўп эди элимдан олган удумим.
Бир умр етмайди адо этмакка,
Омузгор бўлса-да пиру муридим

* * *

Шукрлар қиламан Парвардигорга,
Ўтказмадим берган умрин бекорга.
Тоатдан чиқмади бошим ёшликдан,
Эл меҳр кўргизди мендек диндорга.

* * *

Найлайин, э дўстлар, кўп хато қилдим,
Хатолар қилганим кейинроқ билдим.
Аммо, ўз вақтида тузатдим фақир,
Гарчи надоматдан бағримни тилдим.

* * *

Қилган хатоларим бўйнимга олдим,
Бировга кўрсатмай қўйнимга солдим.
Ақлдан узрлар сўради юрак,
Водариғ, дедим-да, ўйимга толдим.

* * *

Эллик йиллик ҳосилимни тоғ қилдим,
Тоғнинг ёнбағрида чоҳар боғ[1] қилдим.
Чоҳар боғда кутиб бир умр меҳмон,
Замона аҳлининг кўнглин чоғ қилдим.

* * *

Бахтиёрман ҳаётдан,
Худо берган абётдан.
«Янги Хамса» ёдгордир
Нозим Мирзо Баротдан.

* * *

Бул фақир яшайман Шайхонтаҳурда,
Бош қўйган меҳробим мабдаи нурда.
Худо берган иқтидорни эъзозлаб,
Ҳаётим хуш ўтди мулки маъмурда.

* * *

Дардларим узоқда қолиб кетди,
Дунёнинг дардидан толиб кетди.
Бу ҳаёт боғидан топмай даво,
Ноилож, бошини олиб кетди.

* * *

Итлар хуриб қолди — ўтди карвонлар,
Ушалди асрлик орзу-армонлар.
Дунё озод бўлган Ўзбекни кўрди,
Аросатда қолиб кетди сарсонлар.

* * *

Хато қилмас киши бўлмас,
Хатосизнинг иши бўлмас.
Иш қилганки, хато қилур,
Хатонинг ёз, қиши бўлмас.

* * *

Бобур изидан юрган нозим,
Бобурдек жасур бўлмак лозим.
Машрик, Мағрибни олсанг, кошки,
Гангу Нилга етса овозим.

---

[1] Чоҳар боғ — тўрт боғ

* * *

Ақл-ободонлик аломати,
Жаҳл — вайроналик маломати.
Ақл билан жаҳл — шодлигу ғам,
Ҳаёту мамотдек синоати.

* * *

Орзуларинг армон бўлмиш,
Умидларинг сарсон бўлмиш.
Етолмадинг муродингга,
Андуҳларинг хирмон бўлмиш.

* * *

Ярим аср махзанидан
манзумаи даврон туздим,
Замон аҳлин достон этиб,
ҳасби ҳоли замон туздим.
Қирқ минг мисра назмул-ҳаёт —
ёзганларим чорагидир,
Ўз юртимда қадр топиб,
ўз элимга девон туздим.

* * *

Ақл — худодандир, ўргатиб бўлмас,
Фикрга тож қилиб ўрнатиб бўлмас.
Инсонни азалдан бошқарар ақл,
Ақлга йўл-йўрик кўрсатиб бўлмас.

* * *

Ер ҳам тирик жондир — оройиш истар,
Юрак-бағри қондир — осойиш истар.
Балою офатдан асранг, одамлар,
Дардлари вулқондир — кушойиш истар.

* * *

Ерга сажда қилинг — қилинг муножот,
Одамдек унинг ҳам умри омонат.
Кишилик тахтига саломат бўлсин,
Худога қилгандек қилинг ибодат.

* * *

Жахон аҳлин яхшисидир жувонмард,
Эр йигитдек қўли очиқ, сахий, мард.
Мурувват гавҳари умрин безаги,
Мехрнинг кўзига қўнмасин дер гард.

* * *

Киприк бўлинг меҳр кўзига,
Зийнат бўлинг меҳр сўзига.
Одам элин оҳанрабодек
Тортиб олсин меҳр ўзига.

* * *

Биринчи шеъримга эллик йил бўлди,
Илҳомим қайнаган Салсабил бўлди.
Ҳаёт — пасту баланд, ижод ҳам шундай;
Булбулдек васф этган, не бахт, дил бўлди.

* * *

Аёл — яратилган иззатга,
Фарзандлар бахтига — узлатга.
Эр ёнида туриб умрбод,
Оила ҳуснига зийнатга.

* * *

Бир азиз аллома оламдан ўтди,
Оламга сиғмасдан аламдан ўтди.
Асраб қололмади даврон, қадрлаб,
Алам бўлса — у ҳам одамдан ўтди.

* * *

Дилинг тоза бўлса — тилинг бўлур пок,
Тилинг тоза бўлса — дилинг бўлур пок.
Дил билан тилингни пок қил, биродар,
Пок бўлсанг — юртингу элинг бўлур пок.

* * *

Тошкентнинг бошида минглаб муаммо,
Бир кунда ҳал қилиб бўлмайди, аммо.
Сабр билан ечмак керак — бирма-бир,
Ечганлар бўлгайдир элда муалло.

* * *

Ҳаётга ташласанг хуш назар,
Ниятинг бўлгайдир мунаввар.
Хўб, гўзал кўринур бу дунё,
Табиат таратар муаттар.

* * *

Кексалар кетмакда — ёшлар келмакда,
Баланд кўтарилган бошлар келмакда.
Дарёдек қуримас — ҳаёт бардавом,
Қувончдан кўзларга ёшлар келмакда.

* * *

Эй даврон, айирма аҳли диллардан,
Мажлисга файз берган ширин тиллардан,
Аҳли муҳиб билан кўп суҳбат қилай,
Бенасиб этмагил хўб, асиллардан.

* * *

Меҳр сувин тутди меҳри дарёлар,
Бағрини кенг қилди меҳри дунёлар.
Кимки элдан мехрин тутмади дариғ,
Эл аро айтилди меҳри кимёлар.

* * *

Яхшилик туфайли отинг қолсин,
Отингдан қувониб зотинг қолсин.
Ҳаётинг бағишла эзгуликка,
Элингнинг дилида ёдинг қолсин.

* * *

Водариғ, қанақа замона бўлди?
Аламдан неча бир фарзона ўлди.
Ҳақиқат синмасдан эгилган даврон,
Донолар йиғлади, девона кулди.

* * *

Эй нозим, қайғуриб нима қиласан?
Писта пўстидан ё кема қиласан?
Кемтик дунё бутун бўлмас — ғам чекма,
Ҳурликдан ё саросима қиласан?

* * *

Ўзга элга керагим йўқ —
ўз элимга керакман,
Ўзга тилга керагим йўқ —
ўз тилимга керакман.
Ўзга юртлар билди нима —
билмади не отимни?
Ўзга дилга керагим йўқ —
ўз дилимга керакман.

* * *

Меҳрибон бўлингиз Одам элига,
Худойим яратган олам элига.
Умр — ўткинчидир, деманг: водариғ!
Мурувват қилингиз алам элига.

* * *

Меҳнат мени қаритди,
Дарду ғамдан аритди.
Ижод қилдим бир умр,
Ҳаётимни зар этди.

* * *

Нозимлар кам эмас сиздан, жўралар,
Ўзингизни санамангиз тўралар.
Тўралар жойидир гарчандки турда,
Дўстларга қазиманг чоҳ ё ўралар.

* * *

Эл аро ичмагил — пинҳона ичгил,
Нодонлар ичида фарзона ичгил.
Ҳаёт шаробидан маст бўлсанг, э дўст,
Элу юрт дардида сўзона, ичгил.

* * *

Бомдод намозидан бошланар куним,
Хайрбод қилади кун билан туним.
Тунимни ўтказсам фароғат билан,
Кун бўйи ишимда бўлади унум.

* * *

Ҳар ўтган кунимга шукр қиламан,
Шукрни умримга зийнат биламан.
Ибодатдан бошқа ишим йўқ фақир,
Не бахтки, тирикман назм ила ман.

* * *

Худо умр берса — юз йил яшасам,
Маърифат уйида оқил яшасам.
Диллар равшан бўлса нурли Сўзимдан,
Тафаккур қил деса кўнгил, яшасам.

* * *

Орзуга айб йўқ, дейди одамзод,
Орзу билан ҳаёт боғидир обод.
Одамзод яшолмас қилмаса орзу,
Орзуси бўлмасин армон умрбод.

* * *

Доим баланд бўлсин байроқлар боши,
Байроқлар бошида кулсин қуёши.
Боши эгилмасин байроқларнинг ҳеч,
Бахту омад бўлсин содиқ йўлдоши.

* * *

Бир ишни қил — келмаса малол,
Малолли иш охири — завол.
Сидқидилдан бажарсанг ишни,
Қўлинг тутар омад ва иқбол.

* * *

Давосиз бир дардга чалиндинг,
Тоат қилиб, Ҳаққа ялиндинг:
Ўзинг бер деб дардимга даво,
Оёғига қулдек топиндинг.

* * *

Хожа Аҳрор Валий авлодларимиз,
Улуғ эшон ўтган аждодларимиз.
Шажарамиз Пайғамбарга боғланур,
Усмону Умардир нажодларимиз[1].

* * *

Меҳрибон фарзандлар бошимдадирлар,
Кечаю кундузи қошимдадирлар.
Хабардор эрурлар ҳоли жонимдан,
Эл дарди — пиронсол ёшимдадирлар.

---

[1] Нажод — насл, насаб, келиб чиқиш

* * *

Эл ғами, юрт ғами — менинг ғамимдир,
Эл ками, юрт ками — менинг камимдир.
Элу юртнинг жони билан бир жоним,
Эл шамъи, юрт шамъи — менинг
шамъимдир.

* * *

Нафс деган балодан қутилган чоғинг,
Каптарга айланар уйдаги зоғинг.
Булбуллар сайрайди яна чаманда,
Куй, қўшиққа тўлиб кетади боғинг.

* * *

Фариблик уйида умринг ўтмакда,
Танингдан куч-қувват бир-бир кетмакда.
Йўқлар кишинг йўқдир давлатдан
бошқа,
Кўзларинг тўрт бўлиб кимни кутмакда?

* * *

Ҳаёт шу экан, деб, кўрдинг тақдирдан,
Неча бор чиқардинг уни тахрирдан.
Тузата олмадинг саҳвини[1], аммо,
Хатосин кўрмадинг бир муҳаррирдан.

* * *

Оллоҳ таолонинг дуоси учун
Икки қўлим фақир кўтардим кун-тун.
Самодан ёғилди кафтимга нурлар,
Жамолин кўрсатди Ҳақ бўлиб мамнун.

* * *

«Руҳнома»ни битдим маъно аҳлига,
Адлни шоҳ этдим даҳо аҳлига,
Элимни жаҳонда кўрмак истадим,
Икки қўллаб тутдим дунё аҳлига.

* * *

Ажойиб бир фикр келди бошимга,
Туғёни сиғмади ичу тошимга.
Ҳикматлар китобин ёзсам на бўлғай,
Панднома ярашар етмиш ёшимга.

* * *

Хос Ҳожиб, Кайковус берсалар имдод,
Саъдий, Низомулмулк руҳи бўлса шод,
Термизий, Хусравнинг[2] илкини тутсам,
«Панднома» қилолса эл кўнглин обод.

* * *

«Панднома» иборат етти фаслдан,
Етти пуштим билган етти асрдан.
Етмиш етти ҳикмат унинг зевари,
Етти тахтда турган етти наслдан.

* * *

Устозлар қошида қилиб таъзимни,
Оройиш кўргиздим насру назмни.
Шараф гавҳаридек безаса, не тонг,
Маънолар махзани мулки азимни.

* * *

Муслимда муқаддас етти рақами,
Етти кун сингари азиз ҳамдами.
Ҳақ яратган етти иқлим борки, то,
Ердан аримасин Одам қадами.

* * *

Ғафур Ғулом бободан
яхши сатрлар қолди,
Яхши сатрлар билан
яхши кадрлар қолди.
Яхши экан, орқангда
одаминг бўлса, дўстлар,
Элу юртнинг ичида
яхши қадрлар қолди.

* * *

Мен дунёни тоза, соз кўрдим,
Беғубору бепардоз кўрдим.
Олам аро соҳиби даврон
Одамзодни сарафроз кўрдим.

* * *

Худо берганига қилиб шукрлар,
Ўтмакда, ёронлар, азиз умрлар.
Барчанинг боргувчи манзили бирдир,
Бошларга ёғмакда қору ёмғирлар.

* * *

Ойбек билан Миртемир
менга устозлик қилди,
Лутфий ва Навоийдек
сўзда мумтозлик қилди.
Бобур ҳақида достон
битганимдан қувониб,
Ватану улус аро
жуда эъзозлик қилди.

* * *

Ўзбекнинг «Беҳзоди» хайрбод қилди,
Аламдан бургутдек дил фарёд қилди.
Азиз инсон қайтиб келмас дунёга,
Ҳаётнинг бўстони оҳу дод қилди.

---

[1] Саҳв — хато, янглиш
[2] Хусрав — Носир Хусрав

* * *

Оллоҳ иродаси туфайли одам,
Яшайди, ўлади — бепарво олам.
Бир-бирига дўст бўлсалар, кошкийди,
Бепарво аламдан ўтгунча одам.

* * *

Фарғона бой экан фарзоналарга,
Маърифат шамъига парвоналарга.
Не илму фан, назму насрда нодир,
Довруғи оламгир мавлоноларга.

* * *

Етмиш етти ҳикматдан
иборат китоб тузсам,
Етмиш етти гулзордан
сара, хушбўй гул узсам.
«Ахлоқ бўстони» дебон
берсаму унга унвон,
Меҳру окибат билан
ҳур элимга тутқазсам.

* * *

Муқаддас Оллоҳнинг ҳиммати баланд:
Истаса, заҳардан ясар шакар, қанд.
Хуш ахлоқ кишини хуш кўради у,
Меҳрини этади жонига пайванд.

* * *

Ҳақ қилур барчага меҳрибонликлар,
Меҳрдан ўзга йўқ олий сийму зар.
Баҳраманд бўлса ким Ҳақнинг
меҳридан,
Ҳаёти, иймони бўлгай мунаввар.

* * *

Ҳиммати баландни ёқтирар Оллоҳ,
Умрбод бошида бўлади панох.
Унга раво кўрар Бахт ва Омадни,
Савоб гулшанини қилар кароргоҳ.

* * *

Мулозим сақласанг пок одамлардан,
Қутилган бўлурсан дард-аламлардан.
Ҳаётинг чорбоғи бўлгай ободон,
Қадами аримас муҳтарамлардан.

* * *

Истифода қилма ота шуҳратин,
Ўз жойига қўйгил ота ҳурматин.
Ўзингда лаёқат бўлмаса, э дўст,
Лаёқат деб билма ота кудратин.

* * *

Тутганим тош эмас — кимёи асл,
Кимёи аслни топсин ҳар насл.
Дунёи аслни қилиб гулистон,
Умрга ёр бўлсин, илоҳ, тўрт фасл.

* * *

Не бахтки, тупроқдан гавҳар ясадим,
Сув чиқмас саҳрода кавсар ясадим.
Меҳр кимёсини тутиб элимга,
Ҳиммат дарахтида самар ясадим.

* * *

Ақлу адаб — заковат мезонидир,
Не заковат, лаёқат мезонидир.
Лаёқат аҳлининг обрўси баланд,
Баланд обрў — саодат мезонидир.

* * *

Ўткир ақл эгалари зийнатидир дунёнинг,
Бу дунёдан топилмас уруғидир анқонинг.
Боши узра тутмади қадрлаб элу юртлар,
Энг азиз бандалари бўлсалар-да
худонинг.

* * *

Игна ишин найза қилолмас,
Пичоқ ишин шамшир қилолмас.
Ўз ишини қилсин ҳар кимса,
Чўмич ишин кафгир қилолмас.

* * *

Ҳар бўйга яраша кийим бичилган,
Ҳар кимга яраша кийим тикилган.
У дунёда ҳамма нарса муҳайё,
Бу дунё кийимин чоки сўкилган.

* * *

Бу дунё ишлари бешқўлдай аён,
Ўзинг билиб уни адо қил, инсон.
Бир ишни бажармай, бошқасин қилма,
Икки иш этагин тутма ҳеч қачон.

* * *

Душмани бўлмайди — ким ширинзабон,
Мушкилот домидан чиқади омон.
Ром этар душманни, ичи қорани,
Бошлайди андиша гулзори томон.

* * *

Сабр нури билан безат дилингни,
Маъно дури билан безат тилингни.
Сабрли, маъноли умр ўтар соз,
Меҳр кўри билан безат элингни.

* * *

Ғазаб шамширини тутар жоҳиллар,
Ғазаб луқмасини ютар оқиллар.
Шайтон оловининг шуъласи ғазаб,
Ғазаб ўтин сўндиради комиллар.

* * *

Паноҳингда асра бандаларингни,
Оламни безаган кимёларингни.
Гуноҳлари бўлса, кечир, Оллоҳим,
Меҳрингдек аяма сийму зарингни.

* * *

Гуноҳсиз яшашни зўр орзу қилдим,
Орзуни дилимга нур, кўзгу қилдим.
Савоб булоғидан топай деб баҳра,
Тангрига тоату тазарру қилдим.

* * *

Жаннат гўшасидир асли Фарғона,
Жаннатни яратган аҳли Фарғона.
Бу ҳаёт боғида бўлсин саломат,
То жаҳон тургунча насли Фарғона.

* * *

Худога муножот қилдим, тузат, деб,
Сиҳат-саломатлик уйин безат, деб.
Гуноҳим кечир деб тавбалар қилдим,
Жоним аямадим элга хизмат, деб.

* * *

Бобур изидан юрган адиб,
Ижод аҳлига сарвар, хабиб.
Шаън-шавкатига қўнмасин гард,
Сўз дардига хос бўлсин табиб.

* * *

Кулоғинг солмагил ғараз сўзларга,
Ҳасаду кин тўла мараз сўзларга.
Пахта тиқиб олсанг қулоққа, яхши,
Кўнглингдан жой берма араз сўзларга.

* * *

Ғазабни тарк этмак яхши хислатдир,
Кишини безаган яхши зийнатдир.
Ғазаб қиличини синдирар сабр,
Сабр таги — олтин, яхши тийнатдир.

* * *

Сабр косасини ясаган кулол
Бошида ҳумодек кулади иқбол.
Ғазаб тўнин кийиб, синдирма, э дўст,
У керак бўлади умрга ҳар он.

* * *

Яхши хулқли киши дилни забт этар,
Дилни бўстон этиб, элга гул тутар.
Бутун бир халқ кўнгли бўлса гулистон,
Бунинг савобига, айтинг, ким етар?

* * *

Яхши сўз кўнгилни нурдек ёритгай,
Бошингдан ташвишу ғамни аритгай.
Беморни соғайтар ширин сўз, дўстлар,
Хароб дил тоқини кундек зар этгай.

* * *

Элчилар жилмайиб, қувноқ гапирар,
Дўсту душманига юмшоқ гапирар.
Дилин ошкор этмас на юзи-кўзи,
Сутга оғу қўшиб, қаймоқ гапирар.

* * *

Фитна билан яшаган киши,
Кин уйида яшнаган киши,
Билиб қўйинг: бандаи гумроҳ,
Қисматидан қақшаган киши.

* * *

Элчилар — шоҳларнинг тилидир,
Не тили, сир пинҳон дилидир.
Душманни дўст этгай элига,
Эл — арқон, элчилар қилидир.

* * *

Ургутдаги боғимни
ёрим «Хамсабоғ», деди,
Боғни кўрган кишилар
сиздан кўнгли чоғ, деди.
Пиру мурид хаёти
унда кўргизур жамол,
Сиз — булоқсиз, Навоий —
булоқ чиққан тоғ, деди.

* * *

Сўзласанг, дилни дилга пайванд
айлагил,
Не дилни, элни элга дилбанд айлагил.
Каломинг ширин бўлсин қанду
наввотдек,
Пирни ота, кичикни фарзанд айлагил.

* * *

Адоват оғочин аччиқ самари,
Пўсту мағизида унинг заҳари,
Ширин таомига учма душманнинг,
Кўксига санчилар фитна ништари.

* * *

Заҳарсиз илон йўқ — ғаразсиз душман,
Асалга қўшиб ёв узатр тикан.
Тилидан бол томиб, алдар — ишонма,
Илонсиз бўлмайди, ҳаттоки, гулшан.

* * *

Саробга айланди армонинг,
Оёқда қолмади дармонинг.
Қаридинг, чекмагил надомат,
Ўтмаса ўтмабди фармонинг.

* * *

Замона зайлига қараб гапиргил,
Одамлар кунига яраб, гапиргил.
Оғзингдан чиқмасин бепошна гаплар,
Хурсан, эркинликда яйраб, гапиргил.

* * *

Бу дунёда қилма ҳеч кимдан гина,
Барчанинг дилига санчилган нина.
Билиб қўй: сендан паст, баланди йўқдир,
Офтоб тенг нур сочар шоду мискина.

* * *

Душманни ўзингдан кам билма асло,
Мехрини йўлингга шамъ қилма асло.
Макр тузоғига илинса жонинг,
Бош эгиб, кўзингни нам қилма асло.

* * *

Ўзингдан эҳтиёт, хушёр бўл, э дўст,
Қаттиқ сўз демагил, дилдор бўл, э дўст.
Кишилар кўнглини оғритма зинҳор,
Сел келса, элингга девор бўл, э дўст.

* * *

Кўнглингни айирма насиҳатлардан,
Донишмандлар берган маслаҳатлардан.
Ақл чироғини ёққил баландроқ,
Ибрат олай десанг машваратлардан.

* * *

Сиримгни ўзгага қилмагил ошкар,
Ҳамма ҳам дўст эмас, ағёри ҳам бор.
Қолмасин десанг гар бошим ниқорга,
Ақл даргоҳида бўл доим хушёр.

* * *

Дўстга ҳам айтмагил дил асрорингни,
Ичингда сақлагил аҳд-қарорингни.
Ўзингга ортиқча орттирма душман,
Берган маҳалида Ҳақ барорингни.

* * *

Яхши сўз-ла чиқар инидан илон,
Ҳаттоки, инсонга айланар шайтон.
Тилингда доимо шакаринг бўлсин,
Илон ҳам дўст бўлсин, десанг, эй инсон.

* * *

Қўлингдан чиқарма ихтиёрингни,
Саробга қаратма эътиборингни.
Ниҳол экар бўлсанг амол боғига,
Шамолга сочмагил иқтидорингни.

* * *

Ўту сув ародир хон марҳамати,
Бир элга етади кон марҳамати.
Вафога жафою мехрга қаҳр,
Пулсирот устида жон марҳамати.

* * *

Ширин гап беморни бардам қилади,
Қурумсоқ, хасисни ҳотам қилади.
Ҳаваста буради ҳасад юзини,
Дўст ила душманни ҳамдам қилади.

* * *

Улуғлар кўп ўтган мулки Туронда,
Беназир зотлардир илму урфонда.
Улардан таралган нури муқаддас:
Бошингни кўтариб юр, дер, жаҳонда.

* * *

Мансаб майи олар киши ҳушини,
Маст қилиб қўяди омад қушини.
Бахту омад қуши тарк этса бошин,
Надомат сувига айтар тушини.

* * *

Адоват ўтининг оташи ёмон,
Тоғ бўлсанг қул каби этади яксон.
Кун сайин авж олиб кин алангаси,
Тириклик боғида қўймайди омон.

* * *

Ақл гулшанининг бўйи муаттар,
Ҳидлаган кишини у сархуш этар.
Тафаккур жомига қуйиб гулобни,
Яхшилик ниҳолин эк деб узатар.

* * *

Ранж, алам уруғин, сепма, биродар,
Зарару зиёндир у берган самар.
Мехру карам донин сочган кишини,
Зар билан безайди ҳаёт саросар.

* * *

Абадий бахт йўқдир — абад шуҳрат йўқ,
Бахт, шуҳрат кушига тегмай ўтмас ўқ.
Бу дунёда омонатдир барчаси,
Мангуликка Ҳақдан ўзга беҳуқуқ.

* * *

Ишдан кетсанг — хорлик бошланар,
Яхши сўзга зорлик бошланар.
Қолмагандай қадр-қимматинг,
Кенг дунёда торлик бошланар.

* * *

Бахт қуши бошингдан учиб кетди, оҳ,
Чўққига қўнолмай, тушган жойи чоҳ.
Чоҳдан уни тезроқ кутқариб олгил,
Сен унга, у сенга бўлсин бошпаноҳ.

* * *

Саломлар аликсиз қолди, ёронлар,
Ўзгариб тураркан, ажаб, инсонлар.
Ишинг тушса, гадо ҳам шоҳ бўларкан,
Ит ҳурса ҳам ўтар экан карвонлар.

* * *

Водариғ, иблисни фариштa, дединг,
Носаранжом ишин саришта, дединг.
Кўрмасдан босибсан чақир тиканни,
Қулнимас, қулдорни олқишла, дединг.

* * *

Менга ҳам жон керак — боқдим замонга,
Жондек жонон керак — боқдим
жононга.
Мехру алам кўрдим аҳли замондан,
Дину иймон керак — боқдим Яздонга.

* * *

Душман қолиб кетди оёғим остида,
Хайлидан айирган яроғим остида.
Балони дафъ қилиб дўсту ёр бирлашди,
Сўз билан кўтарган байроғим остида.

* * *

Андижон шаҳрига қўйганда қадам,
Мунаввар кўринар кўзимга олам.
Юзимга урилар Бобур нафаси,
Дилдан унут бўлар ранж бирла алам.

* * *

Андижондан изладим Бобур изини,
Андижондан тингладим Бобур сўзини.
Не улуғ бахт, ёронлар, ҳар андижонлик
Кўзларида кўролдим Бобур кўзини.

* * *

Бош эгдим, э дўстлар, Чўлпон қошида,
Шердек жасур Дукчи эшон қошида.
Дилимда қўзғолди кучли тўлқинлар,
Сўзимни унутдим, ҳайрон, қошида.

* * *

Гоҳ фақир эслайман қалам аҳлини,
Ранжу заҳмат чеккан алам аҳлини.
Улар бу дунёдан ўтиб кетдилар,
Ҳайратда қолдириб олам аҳлини.

* * *

Бу дунёдан кетгим келмас,
Эл ичидан йитгим келмас.
Куйлаб ҳаёт шодлигини,
Мамот ғамин битгим келмас.

* * *

Худодан сўрасанг бўлиб умидвор,
Нажотсиз қолдирмас ҳеч Парвардигор.
Сидқидилдан нима тилаган бўлсанг,
Муродга етказмай қўймайди зинҳор.

* * *

Денгизда сузмакда фитна елкани,
Тўфони босмасин келиб ўлкани.
Гирдобга чўктириб ғарқ қил, эй дарға,
Гирёна бўлмасин ҳаёт кўклами.

* * *

Ноҳақлик тикани кирмасин оёғингга,
Мусибат ғубори қўнмасин ёноғингга.
Ёмон кўздан сени Тангри ўзи асрасин,
Хиёнат шарпаси тушмасин дудоғингга.

* * *

Ҳалим бўл — мушкилинг осон бўлади,
Ким билан сўзлашсанг комрон бўлади.
Мехринг ўти дилни мўмдек эритса,
Кўнгиллар қуёшли осмон бўлади.

* * *

Менманлик дардига бўлсанг мубтало,
Такаббур ҳакимдан излама даво.
Камтарлик табибин сийлаб, айт ҳолинг,
Насиҳат дорисин ичирсин доно.

* * *

Илҳом оти, завқ-шавқ филидан тушиб,
Босиқлик даврасин беза, файз қўшиб.
Дўсту ёр дардига сокин қулоқ сол,
Ичи тор қумғондек кетмагил жўшиб.

* * *

Бўрилар бир-бирин ғажиб турганда,
Душманини дўст ўрнида кўрганда,
Саодат боғини айла гулистон,
Дўстларинг сен каби яйраб юрганда.

* * *

Келиб-кетгувчиман қароргоҳингга,
Азиз меҳмонингни ол паноҳингга.
Гуноҳ қилган бўлсам, кечир Оллохим,
Дуоларим қабул қил даргоҳингга.

* * *

Билиб қўйсин аҳли жаҳон —
биз Навоий аҳлимиз,
Кўриб қўйсин насли жаҳон —
биз Навоий наслимиз.
Сайҳун била Жайҳун аро
от чопганмиз азалдан,
Биз биландир асли жаҳон —
биз Навоий аслимиз.

* * *

Аввал ўйла — кейин сўйла, дейди халқ,
Ўйлаб десанг, этмас пушаймонлик ғарқ,
Маъноли гапирсанг эл солар қулоқ,
Ёзсанг ё сўзласанг фикр урсин барқ.

* * *

Турибсан элу юрт имтиҳонида,
Ўзингни кўрсатгил синов онида.
Баён риштасига Сўз гавҳарин тиз,
Ақлингни кўрсинлар маъно конида.

* * *

Бир сўз билан мушкил осон бўлади,
Бир сўз билан кўнгил хуфтон бўлади.
Сўз — асал, сўз — заҳар, дўсту
душмандир,
Сўз — бошга балою қалқон бўлади.

* * *

Дурахшон тилингга сукут муҳрин бос,
Элда кўзғолади ҳурмат ва ихлос.
Садафдек оғзингни очма бесабаб,
Сўзингда порласин жавоҳири хос.

* * *

Назм офтобининг нури бўлакча,
Маъно махзанининг дури бўлакча.
Нур каби порлайди сўзнинг дурлари,
Шоир юрагининг кўри бўлакча.

* * *

Тақдирга тан бермай иложинг йўқдир,
Кўкка чиқай десанг меърожинг йўқдир.
Пешанангга ёзилганин кўргайсан,
Худодан ўзга бир минҳожинг йўқдир.

* * *

Сўз гулхонасидан таралар хуш бўй,
Маъно келинчаги кўринар хушрўй.
Ҳаёт муаттари ошуфта этар,
Дилингдан шеър бўлиб янграса хуш куй.

* * *

«Темурхон наслидин» Мирзо Бобуршоҳ,
Тақдирнинг ҳукмидан топмади паноҳ.
Улуғ давлат бунёд қилди дунёда,
Назму насрда ҳам ёр бўлди Оллоҳ.

* * *

Бир қултум ичсайдим оби Зам-замдан,
Дил тоза бўларди гуноху ғамдан.
Савоб гулин тутиб Одам элига,
Армонсиз ўтардим, балки, оламдан.

* * *

Ҳар қандай қонундан устун муҳаббат,
Адлу инсофдан ҳам устун марҳамат.
Муҳаббат, марҳамат устун дилларда,
Адлдан ҳам устун авфу мурувват.

* * *

«Ҳа»да[1] марҳаматинг — «жим»да[2]
гуноҳим,
Ифода этилган, қодир Оллоҳим.
Шундан «Ҳаж»га[3] келдим, фақир, авф
сўраб,
Сенга етармикан муножот, оҳим.

* * *

Нурли қалам бўлса қўлингда,
Гард қолмас ҳам босган дилингда.
Қоғозга тўкилар дардларинг,
Эл бўлмаган қолмас элингда.

* * *

Дур сўзлар сочилди қалам учидан,
Қиличлар синдилар қалам кучидан.
Қалам ер юзини айлади ишғол,
Чекинмак билмади қалам бурчидан.

---

[1] Ҳа — ҳаловат
[2] Жим — жалолат
[3] Ҳаж — зиёраттоҳ

* * *

Дур дебон сотмагил садафни,
Гул дебон кўрсатма алафни.
Осмон билан ернинг фарқи бор,
Қиблагоҳ дема тўрт тарафни.

* * *

Меҳрибон бўлингиз бир-бирингизга,
Меҳмонга келингиз бир-бирингизга.
Йўқлаб турган яхши — дийдор ғанимат,
Марҳамат қилингиз бир-бирингизга.

* * *

Бу ҳаёт боғида футувват қилгил,
Футувват чоғида мурувват қилгил.
Мурувватли, футувватли киши бўл,
Мушкилот тоғида марҳамат қилгил.

* * *

Амал қилар эмиш одам қаддин тик,
Қўлидан кетганда — бошини эгик.
Нимада, ёронлар, амалнинг кучи?
Нега бир кўнгил тоғ, бириси чўкик?

* * *

Амалнинг кучи зўр экан, ёронлар,
Таъзимга келаркан, ажаб, инсонлар.
Битиб кетар экан битмаган ишинг,
Кўкда юраркансан, йўқдек армонлар.

* * *

Амалдан айрилсанг, дўст боқмас киё,
Кўзларингга дунё кўринар сиё.
Эл боқар — яхшилик қилган
бўлсанг гар,
Қоронғи йўлингга сочишар зиё.

* * *

Амал — мерос эмас, ўткинчи нарса,
Ортиқча ташвиш у, сал нари борса.
Ўзини йўқотмас амалда оқил,
Жоҳилга қуллуқ қил — бошингни ёрса.

* * *

Амалдор номи баланд —
номидан томи баланд,
Баланд томи устида
калон думоғи баланд.
Келган амал кетади,
наҳот, ўзин унутди,
Дўст-ёрон даврасида
кўтарган жоми баланд.

* * *

Оламни яратган, эй, қодир Оллоҳ,
Одамни яратган, эй, олампаноҳ!
Бошимда кўтариб ўтирган тахтинг,
Оёғинг остида бўлсам хоки роҳ.

* * *

Инсонлик амали менга берилган,
Худо томонидан лозим кўрилган.
Кишилик бурчимни бажарсам, не бахт,
Ки умрим биноси шинам қурилган.

* * *

Бул фақир Навоий муриди бўлсам,
Назмда Навоий умиди бўлсам.
Дилимда асрайман бундай бахт дурин,
Бахтиёр наслимнинг муршиди бўлсам.

* * *

Яхши одамларга назар қил,
Ёмон одамлардан ҳазар қил.
Яхшию ёмон бор дунёда,
Ақлингни дилингга сарвар қил.

* * *

Ёруғу қоронғи жаҳонда,
Одамзод яшаган бўстонда,
Яшайди шайтону илонлар,
Эҳтиёт бўлингиз ҳар онда.

* * *

Худо каромат қилса,
ўғри посбон бўлгайдир.
Душман макридан қайтиб,
дўст-қадрдон бўлгайдир.

* * *

Нодон дўстдан, дейдилар,
доно ғаним яхшидир,
Қуён шерга айланиб,
зўр арслон бўлгайдир.

* * *

Донишмандлик тўнини
шоҳдан ечиб олдилар,
Унинг тожу тахтини
жондан кечиб олдилар.
Давлат тахтига чиқди
тож қилгали шайтонлар,
Элнинг қонини сўриб,
майдек ичиб олдилар.

* * *

Дўстлар, эҳтиёт қилинг қаламни,
Синдириб қўйиб чекманг аламни.
Уни сизларга худо бергандир,
Қалам келтирар шуҳрат, карамни.

* * *

Дўстлар, қочиб қутулинг
манқуртларнинг макридан,
Фисқу фасоди ёмон
кора илон захридан.
Ҳузур — ваҳдатда, дерлар,
фароғат — узлатдадир,
Аҳли замон кам қилмас
меҳри билан қаҳридан.

* * *

Бахтсиз парвона ўхшар
дарвишларнинг қалбига,
Ўзини ўтга урар
ўхшаб замон аҳлига.
Ҳаёт билан хайрбод
қилар, куйиб қаноти,
Ўт билан ўйнашиб у,
боқмас элнинг нақлига.

* * *

Умрим кечди Вақтнинг ғамхонасида,
Жонни ўртар Хумдоннинг дамхонасида.
Кўрдим ранжу аламлар аҳли
даврондин,
Умид қилдим кўнгилнинг
шамъхонасида.

* * *

Азиз ёр йўқдир Оллоҳдан азиз,
Бандага олий паноҳдан азиз.
Яна: ёр бўлса закий, вафодор,
Жой йўқ у турган даргоҳдан азиз.

* * *

Хасислик китобин ўқиган одам
Қурумсоқ бўлади — бой бўлмас ҳеч дам.
Топгани ўзига қилмайди насиб,
Гўрига кўтариб кетолмайди ҳам.

* * *

Ҳазрати Навоий туғилган кунида,
Хироти азимнинг мунаввар тунида.
Самода чақмоқдек чақнади бир юлдуз,
То абад порлагай у Сўз гардунида.

* * *

Ҳасад — бахтнинг эговидир,
Ҳаётнинг ҳам шум ёвидир.
Қалбингга қўймасин қадам,
У мамотнинг оловидир.

* * *

Кўнгил гулшанида ўстир райҳонлар,
Хуш бўйига тўлсин еру осмонлар.
Ёқимли ҳидидан бахраманд бўлиб,
Ҳаётда яйрасин азиз инсонлар.

* * *

Яхшилик — гул экан, ёмонлик — тикан:
Гулу тикан бирга ўсишар экан.
Алаф чанг солмасин дегандек гулга,
Тиканлар асрамиш гулни бешикан.

* * *

Мурод майини қуй тақдир жомига,
Ичмасам етолмам тақдир комига.
Ҳасад заҳрин солма гулобга, соқий,
Эсон-омон етай тақдир шомига.

* * *

Нозим ўз юртидан бош олиб кетди,
Кўнглига ғам деган тош солиб кетди.
Ватан васли узоқ қилмади насиб,
Интизор кўзида ёш қолиб кетди.

* * *

Бадарға қилинди юртидан олим,
Дўстингман деганлар чиқдилар золим.
Ўйнашди даврониинг чилдирмасига,
Демасдан: оқибат не бўлар ҳолим?

* * *

Ҳасад майин ичиб маст бўлибсан,
Кишилик зотидан паст бўлибсан.
Ўт қўйиб дўстларинг хирманига,
Душманлар билан ҳамдаст бўлибсан.

* * *

Машойихлар дейди: сабр худодан,
Сабр қилган топар қадр, худодан.
Шошқалоқлик азал шайтонга хосдир,
Шайтонга берилган жабр, худодан.

* * *

Сабрнинг калити бўлса қўлингда,
Тилсимлар очилар юрган йўлингда.
Қаноат гавҳарин териб олурсан,
Жавоҳир махзани кўпдир элингда.

* * *

Сабрнинг донидан мурод хирмани,
Сабрнинг дуридан мурод махзани.
Муродига етар яхши кишилар,
Сабрнинг гулидан мурод чамани.

* * *

Сабрсиз кишининг аҳволи хароб,
Суви йўқ ариққа бўлгандек мироб.
Қаноат дарахтин қилмас парвариш,
Оқибат йўлида муроди сароб.

* * *

Қаноат боғининг меваси ширин,
Сабр аҳли билар ширинлик сирин.
Ширин мева ўсган дарахтнинг, дўстлар,
Дилга пайванд қилинг теран томирин.

* * *

Сийму зардан сабру тоқат остонаси,
Тожу тахтга ярашади кошонаси.
Шоҳ бўламан деган киши қилсин сабр,
Сабр қилган бўлур замон фарзонаси.

* * *

Ахтариб юрмангиз меҳру мурувват,
Ўзингиз қилингиз аввал футувват.
Бу икки амалда: емак, демак йўқ;
Элу юрт бергайдир сизга куч-кувват.

* * *

Меҳр кўчасини қилиб ободон,
Бир-бирин йўқласин ҳар бир хонадон.
Мурувват кўрсатинг, маҳалла аҳли
Ова-ини бўлсин, бўлсин жонажон.

* * *

Ўз уйингни ўзинг асра, биродар,
Ким бўлма: вазирми ёки савдогар.
Ғамингни емайди энди бошқалар,
Шоҳмисан ё гадо — бўлма дардисар.

* * *

Сўзинг ўтмас бўлса — чархла ақлингни,
Одамлар эшитсин ўткир тақлингни.
Ақли, фикри ўткирга кўп ишқибоз,
Харидор бўлмаслар билмай аслингни.

* * *

Худодан тиладим отам ёшини,
Не отам, муштипар онам ёшини.
Меҳрибон тополмай ота-онамдек,
Баҳримга яширдим алам тошини.

* * *

Нашъу намо топдим Тошканди азимда,
Тошканди азимга қоматим таъзимда.
Қирқ йилдан зиёдроқ нону тузин тотдим,
Донғин достон қилдим Ўзбекнинг назмда.

* * *

Собит салтанатдир сабру қаноат,
Салтанат шоҳига қилгил итоат.
Мартаба офтоби ботмасдан, э дўст,
Шом тушмай, дарвишдек айла ибодат.

* * *

Дарвишлик чиройин ёқиб ўлтирдим,
Ушга ҳавас билан боқиб ўлтирдим.
На шамол, на бўрон ўчира олар,
Тоат дарёсида оқиб, ўлтирдим.

* * *

Қўлимни ювдиму икки жаҳондан,
Кўнглимни узмадим дину иймондан.
Фақирлик, дарвишлик йўлини тутдим,
Хизрдек омонлик тилаб Яздондан.

* * *

Шукр қилдим, нимаики берибди Оллоҳ,
Ундан ортиғини талаб қилмаклик гуноҳ.
Оқибати яхши бўлмас молга қўйсанг ҳирс,
Қаноатда фақир бўлдим нафсимга
подшох.

* * *

Қаҳрга меҳр *билан жавоб бердим,*
Заҳрга болу ишқдан шароб бердим.
Душманларни дўст қилдиму, ёронлар,
Қўлларига қиличмас, китоб бердим.

* * *

Ризқингга яраша яшасанг,
Не ажаб, гул каби яшнасанг.
Қаноат қилмасанг ризқингга,
Ўкинма, хўрликда қақшасанг.

* * *

Бошимда худо бор: гапирсам ёлғон,
Ёлғонлар дастидан озурда жаҳон,
Ёлғон не керакдир рост турган жойда,
Қачон гапирасан ростини, инсон?

* * *

Ҳаёт кирдикорин ўйлаб ол пухта,
Неъматида болу заҳар омухта.
Луқмасин қўлингга олган чоғингда,
Танаввул қилмасдан бир нафас тўхта.

* * *

Рост гап турган жойда ёлғон
гапирмадим,
Гапим ёғли бўлди, ёвғон гапирмадим.
Аввал ўйла, кейин сўйла, дер халойиқ,
Кейин сўзласам ҳам нордон
гапирмадим.

* * *

Яхши отга бир қамчи — минг қамчи
ёмон отга,
Яхши зотга раҳмату лаънатлар ёмон
зотга.
Яхши кўнгли жаннату ёмон кўнгли
дўзахдир,
Жаннатий ва дўзахий керак экан
ҳаётга.

* * *

Яхшига ёндошдим — ёмондан қочдим,
Кўнглимнинг қулфини яхшига очдим.
Ёмонга дил уйин эшигин ёпиб,
Мехр жавоҳирин яхшига сочдим.

* * *

Эски мингйилликка қилиб хайрбод,
Янги мингйилликни кутиб олсам шод.
Армонли дунёдан кетмай беармон,
Элу юрт боғини қилолсам обод.

* * *

Мен Ургут тоғиман — қоплолмас туман,
Одаму Олам-ла туздим анжуман.
Аҳли кин хуружи ҳамон тугамас,
Билинг: тоғ қуламас тош отган билан.

* * *

Руҳим синдирмоқчи бўлар шайтонлар,
Кишилик боғида кезган илонлар.
Девор орқасидан сочишар заҳар,
Заҳарнинг давоси борми, инсонлар?

* * *

Жафо тиғларини санчиб кўзимга,
Бир тўда дом қўйди менинг Сўзимга.
Нетай, ўз ҳолимга қўймас каззоблар,
Кўрсалар, илжайиб боқар юзимга.

* * *

Гадонинг душмани дегандек гадо,
Йўлингни тўсмоқда сенинг бир «даҳо».
Ўзидан ўтгани ўзгани қўймас,
Ҳасад деган дарди унинг бедаво.

* * *

Мен содда шоирман — нияти пок зот,
Кўчани чангитиб чиқармадим от.
Худойим дилимга солганин ёздим,
Ўзимдан ўзгадин сўрмадим нажот.

* * *

Ҳасад ичидан чиқиб, юзларига урибди,
Кўзи заҳарга ўхшар — кўзларига
урибди.
Тилаб олган амалин қўллар ўз
фойдасига,
Сўзидан бурқсир ҳасад — сўзларига
урибди.

* * *

Худойим берганига қилиб келдим
қаноат,
Оламу Одам аро кўп экан сир-синоат.
Кўп нарсадан лол қолдим етмай дунё
тагига,
Ақлим етгунча англаб, элга қилдим
шафоат.

* * *

Мен асримга якун ясадим,
Кўп иш қилдим — мамнун, ясадим.
Ижод билан ўтди эллик йил,
Ҳаётимга мазмун ясадим.

* * *

Юрагимнинг ўтлари чақнаб турар
кўзимдан,
Кўзим пишиб, нур олди сабр билан
тўзимдан.
Улусимни сийладим фақат яхши
Сўз билан,
Сўзим ўтга айланиб, ўт чақнади
Сўзимдан.

* * *

Янги аср бўсағасида,
Олий қаср бўсағасида
Минг йилликка боқар шодон,
Озод, янги насл, бўсағасида.

* * *

Сахрода дуч келдим тўзонларга,
Денгизда учрадим тўфонларга.
Ҳаётда барчасин енгиб ўтдим,
Кўксимни тутолдим бўронларга.

* * *

Қай булоқдан сув ичсам, дардимга даво
бўлди,
Қайнаб чиққан мавжлари шеъримга
наво бўлди.
Ер нафасин уфурди достонларим
бағридан,
Ҳаётимга Кенагас муқаддас маъво бўлди.

* * *

Фақирга ҳайратда замона,
На илож? Менингдек сўзона
Дардини эшитар киши йўқ,
Ҳазрати султондан бегона.

* * *

Мозийга сафарим хайрли ишдир,
Ўзгага ортиқча, катта ташвишдир.
Устоз айтганидек: «Ки «Янги Хамса» —
Одамзод қилолмас улуғ юмушдир».

* * *

Йигирманчи асрнинг сўнгги йили бу,
Сермаҳсул йил бўлди мен учун «ўзгу».
Йиғиб олдим эллик йиллик ҳосилим,
Зўр хирмон кўтардим — ушалди орзу.

* * *

«Озодлик»дан сайради элимга ёт
газанда,
Ўзини деди у: дунёда мен арзанда.
Ҳамма сендан ҳазар қилар, наҳот,
билмайсан,
Ақлингни едингми, худо урган шум
банда.

* * *

Аллома Азиз Қаюмни мен улуғ устоз,
дедим,
Илму фан, шеър майдонида моҳир
чавандоз, дедим.
Тўрт минг йиллик тарихимиз субҳига
солиб назар,
Донишмандлар шодасида дурри ноб,
мумтоз, дедим.

* * *

Сўриб олди қонимни асарларим,
Жон гарови — қозонган зафарларим.
Асарларим руҳига сингиб кетди,
Бу дунёга қилган хуш сафарларим.

* * *

Ҳаёт учун кураш экан қарилик,
Ҳақдан умр сўраш экан қарилик.
Ҳали у ер, хали бу ер оғрир экан,
Ўзинг билмай, нураш экан қарилик.

* * *

Сўзим етса улуғ Сарварга,
Тўлгай «Ҳаёт махзани» зарга.
Элим назар солгай, унутмай,
Ҳаётимга зевар жавҳарга!

* * *

Оёқда қолмади дармонларим,
Улусга етмади фармонларим.
Не фармон, илтижо, муножотим,
Ўзим билан кетди армонларим.

* * *

Водариғ, жонимда ҳаловатим йўқ,
Бетобман, аввалги саломатим йўқ.
Ўзимда барча айб — бўлдим бепарво,
Ўзгага кўнглимда маломатим йўқ.

* * *

Кадр кечаси Эрк назмин тугатдим,
Энди ором ол, деб дилни унатдим.
Яхши ният билан аср бошида,
Икки қўллаб улусимга узатдим.

* * *

Дардларим дард бўлиб қолиб кетмасин,
Шифо топай, мендан нолиб кетмасин.
Бу яхши ҳаётда топайин даво,
Кўнглимга ғам-ҳасрат солиб кетмасин.

* * *

Худойим чордевон қилдилар инъом,
«Ҳаёт махзани» деб бердилар некном,
Кошки, «Янги Хамса», «Ўзбекнома»дек,
Элу юртда топса обрў ва икром.

* * *

Тўртликдан тузилган ушбу достоним,
Армонли дунёда орзу-армоним.
Ҳаётнинг мазмуни, мантиғи унда,
Ҳайратдан яралган еру осмоним.

* * *

Хасталик йўламас ўйинг соф бўлса,
Мўътадил иқлимдан уйинг соф бўлса.
Таниng тоза бўлса, руҳинг бўлса пок,
Дилинг каби ранги-рўйинг соф бўлса.

* * *

«Чордевон»га топдим ном Қадр кечаси,
Тўрт номни дил этди ком Қадр кечаси.
«Ҳаёт махзани» дуррин тухфа этгали,
Эл қошига урдим гом Қадр кечаси.

* * *

Феълингга яраша ризқингни берар худо,
Ўзингни қашшоғу ўзга бой дема асло.
Сенга ҳам кўл-оёк, акл-идрок берган Ҳақ,
Ишлат уни, ўзга ғамингни емас, ошно!

* * *

Хасталикни енгиш одамнинг ўз қўлида,
Савоб ишга бахш эт ўзингни ҳақ йўлида,
Нафсингни тий, бўлма баднафсу очкўз, маккор,
Соғлом танда соғлом акл, қолма ғам чўлида.

* * *

Невараларимни ёнимга олиб,
Қадам қўйдим Янги асрга қолиб.
Масъудхон, Темурхон, Бобурхонлар шод,
Янги мингйилликка бўлишиб толиб.

* * *

Йигирма биринчи асрга кирмокдаман,
Худойим яратган қасрга кирмокдаман.
Иккинчи мингйиллик боғларини тарк этиб,
Учинчи мингйиллик — Дахрга кирмокдаман!

Тошкент,
Шайхонтаҳур даҳаси,
1987—2000 йиллар.

Хотима

Эй, аҳли замона! Эй, янги авлод!
Сизга Сўздан қилдим тўрт қаср бунёд.

Ярим аср қурдим бу қасрларни,
Бошимдан ўтказдим не фаслларни.

Баҳорда гуркираб, қишда қақшадим,
Кузда хазон бўлиб, ёзда яшнадим.

Бошимга ёғилди ёмғиру қорлар,
Кўзимга санчилди игнаю хорлар.

Дўстман деган каслар душманлик қилди,
Фисқу фасод билан бағримни тилди.

Юзимга жилмайиб боқдилар, аммо,
Ҳасад ўтин зимдан ёқдилар, аммо.

Кемага тушганнинг жони бир дебон,
Яхши-ёмон билан яшадим ҳайрон.

Не бахт, Самарқандда толиб эканман,
Илмда дўстлардан ғолиб эканман,

Билим чўққилари сари интилдим,
Энг юксак чўққини кўзлаб тикилдим.

Унда қайнаб ётар фан булоқлари,
Йўлимни ёритди шаън чироқлари.

Кошки, устозлардек баҳраманд бўлсам,
Элу юрт ичида аржуманд бўлсам.

Ўқишга берилиб кетдим дилимдан,
Омад қўл узатиб чиқди йўлимдан.

Яхши муаллимлар силаб бошимни,
Дурга айлантирди тутган тошимни.

Педбилим юртидан розиман минг бор,
Ҳаётим субҳини этди беғубор.

Биринчи шеъримни битдим мен унда,
Ўн тўрт ёшга хурсанд қадам қўйганда.

Матбуот юзини кўрди илк шеърим,
Шеър билан халқимга етказдим мехрим.

Юнус Юсуфзода — устоди аъзам,
Умримнинг қасрига ёқди биллур шам.

Отадек силади азиз бошимни,
Эгдириб қўймади ҳаргиз бошимни.

Бахтингни топ деди менга назмда,
Тенгсиз эди Самарқанди азимда.

Бу қутлуғ даргоҳда бўлиб муаллим,
Икки йил ёшларга беролдим таълим.

Сўнгра қадам қўйдим дорулфунунга,
Унинг донғи кетган рубъи маскунга.

Пири комил Воҳид Абдулла сардор
Домлалар дарс берди унда бахтиёр.

Олим, шоир эди Воҳид Абдулла,
Сўзда моҳир эди Воҳид Абдулла.

Ботирхон домла ҳам беназир эди,
Камина йўлига мунтазир эди.

Илм чашмасидан қонгунча ичдим,
Дилимда ишқ ўти ёнгунча ичдим.

Кўнглида кири йўқ, ақли беғубор
Устозлар илмидан бўлолдим номдор.

Ҳамдам Бердиёру Орифжон Икром
Сидқидил кўрсатди менга эҳтиром.

Навоий меросин ўргандим унда,
Тенгсиз даҳо экан ҳазрат мазмунда.

Ҳимолай тоғидек эканлар баланд,
Баланд тоққа интилибди Самарқанд.

Мен агар Самарқанд фарзанди бўлсам,
Не тонг, баланд тоққа мен ҳам интилсам.

Бобур ҳам қалбимга унда ўт солди,
«Кун ва тун» достони хаёлим олди.

Кўҳакдан от қўйдим Ҳинд томонларга,
Ўзанга сиғмаган Синд томонларга.

Хожа Ахрор Валий тортди ўзига,
Қулоғим осмадим даврон сўзига.

Улуғбек қатлида қўли йўқ дебон,
Оеққа қўзғолиб, боқди Туркистон

Ўзимга келтирди мозий нидоси,
Ҳазрат покдир деди кўнгил худоси.

Тарих денгизига ғарқ бўлиб кетдим,
Коронғи осмонда барқ бўлиб кетдим.

Фикратим ёришди иймон нуридан,
Сабоқ олдим алломалар эўридан.

Тошкентга чорлади Миртемир устод,
Келиб, назм боғин эт деди обод.

Ойбек домла кутди қучоғин очиб,
Меҳр дурларини бошимдан сочиб.

Оқибат пойтахтни макон айладим,
Улус хизматига ўзни шайладим.

Йигитликда келган бўлсам Тошкентга,
Қариликда маҳлиёман Бош кентга.

Умримнинг қирқ йили Тошкентда ўтди,
Аҳли Тошкент хурсанд қўлимдан тутди.

Қирқ йил тотдим бу эл нону тузини,
Яна қирқ йил эшитарман сўзини.

Мен таъзим қилурман Тошкент аҳлига,
Меҳрим нури билан кирсам қалбига.

Бу фақир гарчандки Самарқандлиғдир,
Тошкент аҳли билан дили бандлиғдир.

Тошкентлик эрурлар фарзандларим ҳам,
Арзигай, бу элга қуллуқлар қилсам.

Тошкент билан азал томирим туташ,
Қисматга ёзилмиш бу юртда яшаш.

Хожа Ахрор авлодидан рафиқам,
Валийнинг наслидан фарзандларим ҳам.

Истиқомат қилиб Шайхонтаҳурда,
Ҳаётим боғлари товланди нурда.

«Янги Хамса» билан «Ўзбекнома»ни
Битдим унда — ўпиб қутлуғ хомани.

«Ҳаёт махзани»н ҳам у тухфа этди,
Чордевонлар ичра хуш турфа этди.

Туркийда «Хамсаи сони»ни[1] битдим,
Икки қўллаб уни халқимга тутдим.

Низомий изидан ганжлар қидирдим,
Деҳлавий сўзидан «панж»лар[2] қидирдим.

Хиёбон бошида Жомийни кўрдим,
Дуосини олиб, таъзимда турдим.

Навоий қошида қилдим саждалар,
Ғойибдан гўёки келди муждалар.

Мозийда учратдим «Хамса» пирларин,
Улардан ўргандим «Хамса» сирларин.

Ҳаётимдан нолимайман, хурсандман,
Бахтиёр эл ичра бир аржумандман.

Не бахт, ўн йилдирки, мустақил бўлдик,
Ҳаёт боғларида йиғладик, кулдик.

Эркин нафас олдик — яшаймиз озод,
Эл обод, юрт обод, дил уйи обод.

Обод ҳар хонадон, маҳалла, гузар,
Шаҳару қишлоқда жаннатий манзар.

Озод юрт бошида Ҳуррият тожи,
Тождор эл бошида юрт эҳтиёжи.

Покдомон эл аро нопоклар ҳам бор,
Юраги қораю тулкидек айёр.

Ўзгалар омадин кўролмас каслар
Кўнглида ҳасаду йўқдир хаваслар.

Кўз ўнгимда ҳамон мунгли манзара,
Юртимни босганди тунги манзара:

Давлат остин-устун бўлган замонда,
Адолат йўқолди Ўзбекистонда.

Бир манқурт барчага ақл ўргатди,
Оғаси олдида ўзин кўрсатди.

Амалин пеш қилиб ўтказди зуғум,
Кўзларга қум сочиб қўзғалди самум.

---

[1] «Хамсаи сони» — иккинчи «Хамса»
[2] Панж — беш, бешлик

«Кўзойнакли илон», деди уни эл,
Элнинг алам ёши бўлган эди сел.

Фақир ҳам учрадим унинг қаҳрига,
Тилидан, дилидан сочган заҳрига.

Беш йилча яшадим, нетай, узлатда,
Бўлмадим давлатда расмий хизматда.

Не бахтки, қулади манқуртлар тахти,
Янгидан Ўзбекнинг очилди бахти.

Одил раҳбар чиқди давлат бошига,
Бутун халқ шодумон келди қошига.

Узлатдан чақириб олди фақирни,
Мен унинг қўлида кўрдим тақдирни.

Эрталаб бахтиёр ишга отландим,
Беш йилда, эҳтимол, илк бор шодландим.

Шундан бери ул зот паноҳидаман,
Олий салтанатнинг даргоҳидаман.

Ўзбек халқи билан қилиб «Мулоқот»[1],
Элу юрт меҳрини билдим мукофот.

Шоён, Ўзбек етди Мустақилликка,
Энди ҳеч бошини эгмас қулликка!

Аммо, унга тош отганлар кам эмас,
Элу юрт ҳақида, билинг, ғам емас.

Истиқлолни камситмоқчи бўлганлар,
Аламидан тириклайин ўлганлар.

Кул бўлганлар — ҳасад ўтида ёниб,
Хор бўлганлар — йигит сўзидан тониб.

Фисқ-фужур кўйида гадо бўлганлар,
Ғурбат дашти аро адо бўлганлар,

Аммо, ит ҳуради — ўтади карвон,
Карвоннинг бошида довюрак сарбон.

Сарбон омон бўлса — етиб манзилга,
Катта тўй бергаймиз бутун бир элга.

Ниятларим айтсам сизга, ёронлар,
Дилимда кўп менинг орзу-армонлар.

«Навоий Ватани» деган китобим,
Насрда улусга қилган хитобим.

Унда Истиқлолнинг бадиалари,
Ўн икки йилнинг ки йиғилган зари.

Ўқисин эҳтиёж сезганки киши,
Кизиқтирса замон дарди-ташвиши.

Яна бир китобга қўлимни урдим,
Насрда битмакни фақир хуш кўрдим.

«Мовароуннаҳр» дебон қўйдим ном,
Ўтмишу ҳозирдан юритдим калом.

Фурсати келганда чиқар нашрдан,
Умидим каттадир янги асрдан.

«Рухнома» устида ишламоқдаман,
Йил сайин эл кўнглин хушламоқдаман.

Назмда янги гап айтмоқ истадим,
Рубоий мулкига қайтмоқ истадим.

Рубоий битилар «аруз»да гарчанд,
«Бармоқ»да ёзмакка кўнглим орзуманд.

Қонун-қоидаси рубоийнинг хос,
Бармоқ вазнига у сира келмас мос.

Тўртлик битиш мумкин «бармоқ»да,
аммо,
Рубоий демангиз тўртликни асло.

Азалдан дўст эрур «бармоғ»у «аруз»,
Арузу бармоқда ёзганлар фируз.

«Рухнома» — адлу хулқ ахлин достони,
Чоп этмак мақсадим, келса имкони.

Иншооллоҳ, ниятимга етгайман,
Сўнгра бу дунёдан, балки, кетгайман.

Яна ким билади: худога аён,
Бандага қисмати бўлмас намоён.

Яхши ният қилинг — ярим давлат у,
Сўнг бутун давлатни қилингиз орзу.

Орзуга айб йўқ, дўсту ёронлар,
Не ажаб, қўлимдан тутса саксонлар.

Бир амаллаб етар эдим тўқсонга,
Худо умр берса ҳақир инсонга!

---

[1] «Мулоқот» журналига ишора

Сиз ҳам дуо қилинг — бўлсин ижобат,
Ижобат бўлгай, Ҳақ, берса ижозат.

Худованди каримдадир қолган гап,
Дилимга орзую умид солган гап.

Иншооллох, муродимга етказар.
Синовлардан омон-эсон ўтказар.

Қилинмаган ишларим кўп, беҳисоб,
Бирор кун ҳам яшолмайман бекитоб.

Худойим, умримни Китобга ёр қил.
Бахтимга номимни Китобда бор қил!

Мен унинг ишига фидойи жонман,
Ҳурликда бахт топган Ўзбекистонман!

Эй, аҳли замона — комрон инсонлар,
Мен сизга яратдим Сўздан қўрғонлар.

Эллик йил тер тўкиб, тўрт қўрғон
қурдим,
Тўрт қўрғон бошида Бахт қушин кўрдим.

Қўрғонлар бошига қўнмаса ҳумо,
Улуғ чордевоним бўлмасди бино.

Элни шод этмасди «Ҳаёт махзани»,
Ўзбекистон бўлмас эди маскани!

Ярим аср териб Сўз дурларини,
Дилингизга сочдим дил нурларини.

Ҳаётим конидан бир дур олса ким,
Билингиз: тоғ қадар ўсади кўнглим.

Тўрт қўрғон бағрида битмас хазина,
Асрлар ўтса-да, йитмас хазина.

Тухфа бўлсин, Сизга, замондошларим,
Сиз билан осмонга етсин бошларим.

Сиз билан ушалсин орзу-армоним,
Сиз белга қуввату танда дармоним.

Сиз билан доимо қаддим баланддир,
Сиз билан азалдан дилим пайванддир.

Пайванд дилингизни мендан узмангиз,
Ётлар билан асло мажлис тузмангиз.

Доим омон бўлинг менинг бахтимга,
Ярашиқ эрурсиз тожу тахтимга.

Қўлга олган замон чордевонимни,
Не тонг, ёд этсангиз менинг номимни.

Ҳаёт махзани бу ўтган асрдан,
Не ажаб, жой олса олий қасрдан.

Олий қаср — Сизнинг дилингиздир бу!
Дилингизга кирмоқ менга зўр орзу!

Орзуйим рўёбга чиққан замонда,
Бахтиёр бўлингиз Ўзбекистонда!

Ўзбекистон — чордевоним макони,
Элимнинг обрўси, шарафи-шони!

Шу обрў, шу шараф Сизга ёр бўлсин,
Ва «Ҳаёт махзани» Сиздек бор бўлсин!

Тошкент,
Шайхонтаҳур даҳаси,
2000 йил, декабр

ҲОЛ БАЁНИ

Бул фақир, раҳматли онамизнинг айтишларича, 1937 йил ёз фаслининг охирларида, узум пишиғида туғилган эканман. Камина дунёга келган Кенагас қишлоғи Самарқанднинг жанубида бўлиб, шаҳардан унча узоқ эмас, Улуғ Ўзбек йўлининг ёқасига жойлашган.

Кенагасда азалдан тўрт маҳалла мавжуд: Ўртагузар, Янги қишлоқ, Четгузар, Пастқишлоқ. Бизнинг маҳалламиз Ўртагузар. Уйимиз эса Ургутга борадиган катта кўчанинг бўйида,чорраҳада, деразалари жанубга қараган, қошида осмонўпар баланд тоғлар савлат тўкиб турибди. Қишлоғимиз баҳаво, боғларга кўмилган, иқлими ўзига хос, одамлари танти, ростгўй, покиза, меҳнаткаш.

Бизлар бир ота-онадан олти фарзанд эдик: уч ўғил ва уч қиз. Акам Муҳаммад Мурод, опам Мусаллам, ука ва сингилларим Рисолат, Холмат, Музаффара; ўзига тинч хонадонда улғайдик, ота-она меҳридан баҳраманд бўлиб, аҳил ва иноқ униб-ўсдик, бир оғиз қаттиқ сўз эшитмадик. Ота-онамиз бир-бирларига меҳрибон бўлиб, ҳеч маҳал бизнинг олдимизда қаттиқ гапирганларини кўрмаганмиз.

Отамиз раҳматлининг қишлоғимиз четида катта боғи, анчагина ери бор эди. Ўша боғда бутун умрини ўтказди, асл боғбон эдилар. Ўта босиқ, камгап, етти ўлчаб бир сўзлайдиган отамиз қишлоғимиз оқсоқоллари ўртасида ўз обрўси ва мартабасига эга эдилар. Раҳматли онамиз эса гапга чечан, эртак ва маталларни яхши биладиган зарифа аёл эдилар. Бутун умрини бизнинг тарбиямизга, билим олишимизга бағишладилар. Худога минг қатла шукрки, отамиз ҳам, онамиз ҳам улуғ ёшга етдилар, бирлари саксонда, бирлари тўқсонни қоралаб оламдан ўтдилар, илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин!

Камина мактабга борганимда акам муаллимлик қиларди. Ўқиш ва ёзишни эрта ўрганиб олганим туфайли мактабда аъло баҳоларда ўқидим. Болаликда биринчи ўқиган шеърларим Ҳамид Олимжон ва Уйғунники бўлса, биринчи насрий асар Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Навоий» рўмонлари, халқ достонларидан эса «Алпомиш», «Кунтуғмиш» ва «Чордарвеш» эди.

1951 йилда етти йиллик мактабни битириб, муаллимлар тайёрлаш билим юртига ўқишга кирдим. Ўша йилларда отам Самарқандда ишлар эдилар, Регистон ёнидаги Қози Абдурасул маҳалласида истиқомат қилардик. Билим юртида Самарқанднинг кўзга кўринган маърифатчилари қўлида таълим олдим. Шеърларим вилоят ва республика матбуотида босила бошлади. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатгач, шу қутлуғ даргоҳда икки йил муаллимлик қилдим: ўзбек, рус, тожик бўлимларида ўқиётган талабаларга дарс бердим.

1957 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирдим, ўзбек тили ва адабиёти, хорижий мамлакатлар адабиётларини яхши биладиган домлалар илмидан ва меҳридан баҳраманд бўлдим. Мавлоно Воҳид Абдулло ва Мавлоно Улуғ Турсунов сингари Ўзбекистоннинг атоқли олимлари атрофига жипслашган билимдон ва покдомон домлалардан кўп нарсаларни ўргандим. Шеъриятда кўзга кўрина бошладим. Асарларим республика газета, журнал ва адабий тўпламларида мунтазам чоп қилина бошлади. Университетда ҳазрати Алишер Навоийнинг бебаҳо асарларини синчиклаб мутолаа қилдим. Ўтмишдаги алломалар, мозийда донғи кетган шоирлар меросидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилдим.

1960 йилнинг кузида Республика ёш ёзувчилар анжуманида иштирок этдим, биринчи шеърий китобим — «Самарқанд сатрлари» нашрга тавсия этилди ва шу

катта йиғин охирида муҳтарам устоз Миртемирнинг тавсияси билан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим. Ўшанда 23 ёшда эдим, университетнинг тўртинчи курсида ўқир эдим. Айтишларича, ёзувчилар уюшмасига қабул қилинган энг ёш ҳамда биринчи талаба камина эканман. Уюшмага аъзолик менинг зиммамга янги масъулиятлар юклади.

Устод Садриддин Айний меҳридан, аълamул-уламо Воҳид Абдуллонинг Адабиёт мактабидан баҳраманд бўлдим.

Университетни имтиёзли диплом билан битириб, 1962 йилда Тошкентга ишга келдим. Бадиий адабиёт давлат нашриётида муҳаррир, «Ёш ленинчи» («Туркистон») газета таҳририятида адабиёт ва санъат бўлими мудири, «Ёш гвардия» («Камалак») ёшлар нашриётида бадиий адабиёт бўлими мудири, Бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишладим.

1972 йилда филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини ёқладим.

1974—1990 йилларда ҳукумат идораларида хизмат қилдим. 1990 йил сентябр ойидан буён «Мулоқот» журналининг Бош муҳаррири лавозимида ишлаяпман.

Биринчи шеърий тўпламим — «Самарқанд сатрлари» 1962 йилда нашр қилинди. Шундан бери 40 дан зиёд китобим ўзбек ва хорижий тилларда босилди. Бу китоблар менга худди фарзандларимдай азиз ва қадрлидир.

Шеъриятнинг йирик жанрига қўл уриб, йигирмадан ортиқ достон ёздим: «Ҳайкаллар сўзлайди», «Афросиёб», «Тож Маҳал», «Самар ва Қанд», «Ёшлик замони», «Мен кашф этган Ўзбекистон», «Адашган кема», «Ҳасби ҳол», «Рухнома» шулар жумласидан.

Шеъриятда уч азиз зотни улуғладим: Алишер Навоий, Хожа Аҳрор Валий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Навоийнома», «Кун ва тун», «Ҳайратул-Аҳрор» асарларим бунга гувоҳ. Мазкур улуғ зотларнинг барҳаёт руҳлари, назаримда, мени қўллаб-қувватлаяпти.

Оврўпо шеъриятининг сонет жанрига қўл урдим. Уни ўзбек шеъриятига олиб киришга ҳаракат қилдим. Сонетда «Самарқанд ушшоғи», «Мен кашф этган Ўзбекистон» достонларини битдим. «Самарқанд», «Ўзбекистон» сонетлар гулчамбарларини яратдим. Петрарка ва Шекспир анъаналарини давом эттириб, унга ўзбекона руҳ ва жон бағишладим.

«Навоийнома» чоркитоби устида узоқ йиллар бетиним меҳнат қилдим. 1977—1987 йилларда ёзилиб, 1980—1992 йиллар мобайнида чоп этилган ушбу улуғ асар «Нотинч Хуросон», «Шукуҳли карвон», «Сокин Хуросон» ва «Қонли Хуросон» номли шеърий рўмонлардан иборатдир.

Машаққатли ва шарафли ижодий меҳнатим, минг шукрки, Истиқлол туфайли давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. 1994 йилда муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан «Навоийнома» чоркитоби учун бул фақирга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти берилди. Мазкур олий мукофот каминани янги ижодий ишларга ундади. Ўн йилдан бери ўйлаб юрганим муқаддас мавзуга қўл уришга муяссар бўлдим. 1994—1996 йилларда Хожагон тариқатининг қутби Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг ҳаёти ва ул азиз зотнинг хайрли аъмоли ҳақида «Ҳайратул-Аҳрор» («Аҳрор ҳайратлари») шеърий рўмонини ёздим. Бу асар 1997 йилда «Янги Хамса»нинг бешинчи китоби сифатида нашр қилинди.

Яхши ният — ярим давлат, дейдилар. Шоён, энг улуғ орзуйим рўёбга чиқди. «Янги Хамса» дунёга келди. Алоҳида-алоҳида босилиб чиққан мазкур асарлар

бир-бири билан узвий боғланганлиги туфайли уларни жамлаб, 1998 йилда «Янги Хамса» номи билан чоп эттиришга муваффақ бўлдим. «Янги Хамса»ни халқимиз яхши кутиб олди. Адабий воқелигимизда янгилик сифатида қабул қилинди.

Умуман олганда, 1980—2003 йиллар орасида «Навоийнома» ёхуд «Янги Хамса» ҳақида вақтли матбуотда йирик олимлар, адабий жамоатчилик, китобхонларнинг 60 дан ортиқ илмий мақолалари, тақризлари, мактублари эълон қилинди. Ушбу мақолалар йиғилса, «Янги Хамса» қадар китоб бўлади. Ўзларининг азиз ва қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирган барча кишилардан бул фақир миннатдорман.

Ўз навбатида Ватан ва халқ олдидаги арзимас хизматларим юқори баҳоланди. 1997 йилда яна муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан каминага Ўзбекистон халқ шоири Фахрий унвони берилди. Бундай улуғ марҳаматдан хурсандман!

Айниқса, 1998 йилда «Янги Хамса»нинг нашр этилиши ҳаётимдаги энг бахтли воқеа бўлди, десам хато қилмайман. Чунки бу асарни замонамизнинг пешво алломалари ва китобхонлар юксак баҳоладилар. Академиклар Азизхон Қаюмов, Бўрибой Аҳмедов, Музаффар Хайруллаев, Ботирхон Валихўжаев, профессорлар Ҳамид Зиёев, Ғайбуллоҳ ас-Салом, Абдуқодир Ҳайитметов; маданият ва жамоат арбоблари Бектош Раҳимов, Малик Қаюмов, Ислом Шоғуломов ва бошқалар: «Янги Хамса» — XX аср ўзбек шеъриятининг улкан ва ўлмас бир обидасидир. Бу асар ёш авлодни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялашга, буюк аждодларимизга, шонли тарихимизга меҳр-муҳаббат уйғотишга, миллий ифтихор туйғусини, Ватан туйғусини ўстиришга хизмат қилади» деб ишонч билдирдилар.

Кейинчалик халқимиз шаънига, тўрт минг йиллик тарихига назар солиб, тарихий-фалсафий ва маънавий-маърифий ««Ўзбекнома» достонини яратдим. Бу достон етти фасл, олтмиш номадан иборат бўлиб, унда шеъриятимизнинг барча жанрлари намуналарини учратиш мумкин.

«Ўзбекнома» — халқимиз асрлар давомида орзу қилган, бу йўлда не-не фидойи фарзандлари жон берган Мустақиллик шаънига битилган зафар қўшиғи бўлди десам хато қилмайман. Маснавийда ёзилган ва шарқ шеъриятининг қадим жанрига янгича руҳ ва жон бағишлаган, ранг-баранглиги билан камалакдек товланиб турадиган бу ноёб асарда бугунги кундан шукроналик руҳи устун. Чинакам маънода «Ўзбекнома» — Мустақиллик зафарномасидир, деб баҳоланди бу асар.

Ушбу асар хусусида академиклар Мурод Шарифхўжаев, Иброҳимжон Искандаров, Остон Жалилов; профессорлар Сайдулла Мирзаев, Аҳмад Абдуллаев, Абдураҳмон Ортиқов, Нарзулла Жўраев, Анвар Чориев, Рустамбек Шамсиддинов ва бошқа алломалар; адиблар Мирмуҳсин, Йўлдош Сулаймон; китобхонлар Уйғун Иброҳим ўғли, Саиджон Оққиев, Коражон Қодиров махсус мақолалар ёздилар.

Кейинги пайтда «Ҳаёт махзани» номи билан чордевон туздим. Бу куллиётдан ярим асрлик ижодий фаолиятим давомида яратган асарларим ўрин олган. Унинг биринчи девони — «Ҳайрат бўстонлари»га 1951—1970 йилларда ёзилган асарларим, иккинчи девон — «Сафар эҳсонлари»га 1971—1980 йилларда, учинчи девон — «Фикрат туғёнлари»га 1981—1990 йилларда ва ниҳоят тўртинчи девон — «Ҳуррият армонлари»га 1990—2000 йилларда ёзилган шеърлар ва достонларим киритилган.

Мустақиллик ижод аҳли учун ҳам кенг имкониятлар яратди. Эркин фикр турли хил тазйиқлардан озод бўлди. 1991—2001 йилларда Мустақилликка бағишлаб ёзган шеърларим «Ҳуррият ва руҳият» туркумига мансуб. Назаримда шеър-

лар, ғазаллар, тўртликлар, рубоийлар ва сонетлардан тузилган бу Озодлик куллиёти Мустақилликка эришган халқимизга ажойиб туҳфа бўлади деб ўйлайман. Икки минг йиллик сарҳадида «Руҳнома» ёхуд «Туҳфатул-аҳрор» («Эркинлик туҳфалари») деб номланган, тўртликлар ёхуд назмул-ҳикматдан тузилган достонга қўл урдим. Бу достон — умрим мазмуни, ҳаётим фалсафаси, мўйсафидлик пандлари, эрк армуғони! Адл ва Хулқ аҳлининг достонидир.

Шеърга сиғмаган гапларимни, дилга сиғмаган дардларимни, замонамизнинг долзарб масалаларини, айниқса, Мустақиллик йилларида — юрак шеърга айланган давронда насрда изҳор этишга бел боғладим, «Истиқлол бадиалари» туркумига мансуб публицистик мақолалар ёза бошладим. Мустақилликнинг 12 йиллиги мобайнида яратилган бадиаларни саралаб, «Навоий Ватани» номи билан чоп қилдирдим. Истиқлол бадиалари элу юрт ташвиши билан ёзилган бўлиб, уларда Ватан ва Миллат равнақи, маънавият ва маърифат, тарих ва замон, миллий ғоя ва миллий ғурур, Амир Темур, Хожа Аҳрор Валий, Алишер Навоий ва Бобур Мирзо абадияти хусусида фикр юритдим.

Айни замонда «Мовароуннаҳр» ёхуд «Аждодлар ва авлодлар» китоби билан машғулман. Наср ва назмдан тузилган ушбу Истиқлол бадиалари куллиётида узоқ тарихимиздан ҳозирги замонгача, Мовароуннаҳрда — икки дарё орасида ҳаёт кечирган улуғ аждодларимиз ва уларнинг авлодлари, кишиликнинг фан ва маданият бешикларидан бўлган тарихий шаҳарларимиз: Самарқанду Бухоро, Термизу Хива, Кешу Насаф, Шошу Хўқанд, Ўзганду Ўш хусусида мушоҳада юритдим. Иншооллоҳ, муродим ҳосил бўлғай, деган умид билан яшамақдаман.

Донишмандлар айтганидай, башарият уммонида:

Китоблар — тафаккур кемалари,
Маънолар — тафаккур мевалари.
Тафаккур бирла англа дунёни,
Донолар — тафаккур сиймолари!

Оилавий ҳаётим ҳақида икки оғиз сўз: рафиқам Сурайёхон — уй бекаси, олий маълумотли, хорижий адабиёт таржимони, ўғлим Фарруҳхон — дипломат, қизларим: Шаҳлохон — тележурналист, Нигинахон — журналист, файласуф. Уч азиз фарзандим ҳам М.В. Ломоносов номли Москва Давлат университетини имтиёзли диплом билан битирганлар. Ҳозирда бири — Олмонияда, бири — Москвада, бири — Тошкентда меҳнат фаолиятини давом эттирмоқдалар. Тақдирим Ўзбекистоннинг уч азим шаҳри — Самарқанд, Тошкент, Андижон билан узвий боғланган. Уч азиз набирам Масъудхон, Темурхон ва Бобурхонлар менинг суянган тоғларим, шажарамизни бардавом қилгувчи қора кўзларимдир.

«Ҳаёт маҳзани» чордевонига ўзим ҳақимдаги ушбу «Ҳол баёни»ни илова қилишни лозим кўрдим.

Иншооллоҳ, насиб этса, яна йирик асарлар ёзиш ниятим бор.

Тошкент,
Шайхонтаҳур даҳаси,
2003 йил 4 декабр

ЯРИМ АСРЛИК ИЖОД ЙЎЛИ

Сўнг сўз

Ўтмиш мумтоз адабиётининг қонуний меросхўри ва унинг янги давр (XX—XXI аср)даги ўзига хос давоми ҳисобланган ҳозирги замон ўзбек адабиёти ҳаёт ҳақиқатини бутун борлиғи ва мураккаблиги билан акс эттирувчи ҳамда миллион-миллион — китобхонларга эстетик завқ берувчи сермазмун ва сержило адабиётдир. Бу реалистик адабиётни ҳаётда камдан кам учрайдиган ноёб истеъдодлар узоқ йиллар давомида астойдил меҳнат қилиш, янгилик устига янгилик яратиш йўли билан бунёд этганлар. Бу улуғ ва хайрли ижодий ишни бажаришда сўз санъати соҳасига 60—70 йилларда кириб келган қалам аҳлининг ҳам ўзига хос ва ўзига муносиб ҳиссаси бор. Буни мамлакатимизда хамсанавис шоир сифатида танилган, китобхонларнинг ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби Барот Бойқобилов ижоди мисолида ҳам очиқ кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, Барот Бойқобилов қарийб ярим асрдан бери адабиётга садоқат билдириб, самимий ихлос билан ижод қилиб келмоқда ва йил сайин асардан-асарга ижодий ўсмоқда. Унинг бугун ёзган асари кеча битган асаридан кўп жиҳатдан устун туради. Шоир ўтган давр ичида адабиёт ихлосмандларига «Самарқанд сатрлари», «Висол», «Самарқанд ушшоғи», «Афросиёб», «Самар ва Қанд», «Висол», «Сонетлар», «Сени излайман», «Муҳаббат хиёбони», «Шарқ камалаги», «Висол ва ҳижрон», «Мени кутинг, юлдузлар», «Ватан тупроғи», «Ким сокин яшайди Ўзбекистонда», «Замон зайли», «Ватан туйғуси», «Умр қадри», «Таббарук тупроқ», «Сен туғилган кун» каби шеърий тўпламлар (турли тилларда жами 50 тача китоб), кўплаб баллада ва достонлар тақдим этди. Натижада Барот Бойқобилов мамлакатимизда ўзига хос сермаҳсул ва халқчил ижодкор деб тан олинди.

Улуғ алломалар Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Азиз Қаюмов, Бўрибой Аҳмедов, Матёқуб Қўшжонов, Ғайбулла ас-Салом, Лазиз Қаюмов, Ботирхон Валихўжаев, Музаффар Хайруллаев, Маҳмудали Юнусов, Абдуқодир Ҳайитметов, Салоҳиддин Мамажонов, Аҳмад Абдуллаев, Ҳамид Зиёев, Ориф Усмон, Абдурашид Абдураҳмонов, Солиҳ Қосимов, Насимхон Раҳмонов, Боқижон Тухлиев, Наим Каримов, Тўра Мирзаев, Абдураҳмон Ортиқов, Орифжон Икромов, Нуриддин Шукуров, Назар Ражабов, Собир Мирвалиев, Мурод Шарифхўжаев, Нажмиддин Комилов, Султонмурод Олим, Эркин Худойбердиев, Аҳмаджон Эшонқулов, Иброҳим Ғафуров, Норбой Худойберганов каби таниқли олимлар хилмахил тақриз ва мақолалар ёзиб шоир асарларини адолатли равишда баҳолаганлар. Ойбек, К. Яшин, Уйғун, Миртемир, Иззат Султон, Шароф Рашидов, Мирмуҳсин, Сарвар Азимов сингари атоқли шоир-ёзувчилар эса Барот Бойқобилов ижоди ҳақида илиқ сўзлар баён этганлар. Устоз шоир Миртемир ўз шогирди Барот Бойқобилов шеъриятига тааллуқли асосий хусусиятларни умумлаштириб, «Мен унинг китобларини ўқиб, кузатиб бораман. Ҳар янги китоб Барот учун янги бир поғона, янги марра десам холис гап бўлади»,[1] — деб ҳақ сўзни битган эди.

Барот Бойқобиловнинг хорижий тилларда ҳам ўндан ортиқ шеърий китоблари нашр қилинди. Улар ҳақида ўз даврида С. Михалков, Р. Гамзатов, М. Карим, В. Цибин, В. Широков, Ю. Мориц, Г. Регистан, А. Каникин, В. Ларцев, В. Благонравов, С. Фролова, М. Юнусов, Н. Шукуров сингари адиб ва адабиётшунослар фикр билдириб шоир ижодига алоҳида тўхталиб, хос ва яхши баҳо берган эдилар.

[1] Миртемир. Ургут ва Бургут. Барот Бойқобиловнинг «Шарқ камалаги» тўпламига ёзилган сўнг сўз. Тошкент, 1975, 282-бет.

Барот Бойқобилов қуёшли диёримизнинг гўзал Ургут туманида туғилган (1937). Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ўзбек филологияси факультетида ўқиб, таълим-тарбия олган (1957—1962). Ўзбек адабиёти мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган (1972). Газета ва нашриётларда, партия ва ҳукумат идораларида масъул лавозимларда хизмат қилган. Бир неча йиллардан буён (мустақиллик даврида) у Ўзбекистон Республикасининг миллий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадиий журнали «Мулоқот»нинг Бош муҳаррири вазифасини бажариб келмоқда. Шунингдек, адабий ижодий иш билан мунтазам шуғулланмоқда.

Барот Бойқобилов ижоди талабалик чоғларидан (50 йилларнинг дастлабки даврларидан) бошланган ва у адабиётга аввало навқирон ёшлик пайтидан шоир сифатида кириб келган. Барот Бойқобиловнинг адабиётга кириб келишида, истеъдодли шоир сифатида шаклланишида Самарқанд адабий муҳити, хусусан, Самарқанд Давлат дорулфунуни муҳим аҳамият касб этган. Ана шу боис шоир кейинчалик талабалик чоғларини эслаб, дорулфунун ва унинг шогирдпарвар профессор-ўқитувчилари ҳақида илиқ сўзлар изҳор этган эди:

Дўстлар, СамДУ деган сўзнинг теран маъноси бор:
Чун Мароқанд ҳақда ҳар гапнинг қадим дунёси бор.
Навқалам сардоридур Нуриддину Сайдуллалар,
Барчасига раҳнамо Воҳид Абдуллоси бор.

(«Дорулфунун қасидаси»).

Барот Бойқобиловнинг «Самарқандга Наврўз келса», «Боғишамол», «Шоҳизинда», «Нон ва шеър», «Қалбим қолган йўлингда», «Зарафшон мавжлари», «Самарқанд гўзалига», «Самарқанд ушшоғи», «Самарқанддай умри узоқ чол», «Самарқанд йўлидаги булоқлар», «Оромбоғ», «Боғишамол», «Шоҳизинда», «Регистондаги ўйлар», «Бибихоним мадрасаси қошида» каби шеърлари ҳам Самарқанд илҳомлари асосида ёзилган бўлиб, улар қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳримизга, унинг шуҳратига шуҳрат қўшган ва қўшаётган меҳнат ва илм аҳлига чексиз меҳр-муҳаббат руҳи билан суғорилган.

Барот Бойқобиловнинг Самарқанд туркумидаги шеърларида маҳаллий-миллий тароват балқиб туради. «Самарқанд гўзалига» шеърида шоир лирик қаҳрамон қалбидаги ҳароратли ишқ-муҳаббат туйғуларини ифодалаш жараёнида Самарқанд юртининг ўзига хос гўзалликларини, нозу неъматларини шеър мағзига сингдиради ва уларни мафтун бўлиб куйлайди. Лирик қаҳрамон самарқандлик гўзал ёрига Боғибаланд анжири, Осиёнинг ширмон нони, Мулиённинг узуми, Чўпонота гулларидан олиб, Боғишамол атласидан кийиб, Самарқанд ушшоғини куйлаб келишини илтижо қиладики, бу фикрлар ифодаси жараёнида байтларга сингдирилган материаллар ва деталлар бу шеърнинг тўла-тўкис «Самарқанд шеъри» бўлиб чиқишини таъминлаган:

Гулисафсар сувин олиб кўҳна Афросиёбдан,
Боғишамол «саккиз тепки» атласидан кийиб кел.
Мулиённинг узумидан, Ургутнинг шаробидан,
Шаробларнинг камёбидан бир пиёла қуйиб кел.

Кўринадики, шоир мавзуни ёритишда сийқаси чиққан таъриф-тавсифларни такрорламайди, дабдабали, ялтироқ сўз ва ибораларни ишлатмайди. Аксинча, асарнинг ғоявий мазмунини халқона содда ва самимий мисралар воситасида гавдалантиради. Бу ҳол шоирнинг она-Ватан, мамлакат тарихи, ҳаёт ва тараққиёт, ҳалол меҳнат ва ақл-заковат, дўстлик-биродарлик, одам қадр-қиммати, тинчлик

ва адолат, маданият ва маънавият, мактаб ва маориф, буюк олиму фузолалар, беназир тарихий шахслар, бахтиёр ёшлик ва ибратли умр, ота-она хурмати ва фарзандлик бурчи, ахлоқ-одоб, севги-муҳаббат ҳақидаги бошқа кўп асарларига ҳам хос хусусиятдир.

Барот Бойқобилов ўз асарларида воқеликнинг турли қирраларини, хилма-хил мавзуларни ёритар экан, доимо она-Ватанимиз Ўзбекистон ва меҳнатсевар халқимиз ўзбек халқи манфаатини ва ёрқин истиқболни кўзлаб иш юритади. Шонли диёримиз ва мард халқимизнинг яхлит тимсолини қалб қўри билан йўғрилган мисраларда самимият билан тараннум этади. Шоир она-Ватан туйғусини бошқа ҳар қандай туйғудан баланд ва муқаддас деб билади. Масалан, «Табаррук тупроқ» китобида она-Ватан ҳақида теран мазмунли бадиий умумлашма яратиб, эл-юртимизни дил-дилдан улуғлайди:

Эй, она тупроғим — табаррук тупроқ,
Эй, орзу тоғида порлаган чироқ,
Энг мушкул кунларда сенга топиндим,
Энг ёруғ тунларда сени деб ёндим.

Барот Бойқобилов шеъриятида муқаддас она-Ватан тимсоли бу табаррук ернинг соҳиби бўлган ўзбек халқига меҳр-муҳаббат туйғуси билан узвий бирликда намоён бўлади. Шоир Ўзбекистон ҳақида поэтик фикр юритиб. Ўзбекистонни дунёга машҳур, гуллаган диёр даражасига кўтарган қўли гул халқимизга қайта-қайта таъзим қилади. Ўзбекистонни Ўзбекистон қилган асосий бунёдкор куч ўзбек халқидир, деган катта ғоя шоир ижодида жаранглаб акс-садо беради. Шоир ўз шеърларида халқимизга хос меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, ҳалоллик сингари миллий характер белгиларини олқишлаб, ўзбек деҳқонининг фидокорона меҳнатини ва яна шу ҳалол меҳнат туфайли эришган бахт-саодатини юракдан куйлайди. Шу йўл билан ўзбек дехконининг умумлашган образини гавдалантиради:

Пахтани пайваста айлаб бошоққа,
Бошига тож кийди ўзбек деҳқони,
Кўз нурин, қалб қўрин тўкиб чаноққа,
Пахтадек пок бўлди унинг имони.

Барот Бойқобилов ҳаётдаги турли-туман ва ҳатто, баъзан кўз илғамас даражада нозик бўлган ўсиш-ўзгаришларни ҳам санъаткор шоирга хос сезгирлик билан пайқай олади ва уларни жонли, ёрқин буёқларда тасвирлай билади. Шунингдек, ўз асарларини миллий тароват, халқимизга хос ва тегишли бўлган миллий хусусиятлар билан безаб, миллий қадриятимизни, ажойиб урф-одатларимизни, эзгу анъаналаримизни ихлос билан таъриф-тавсиф этади. Бу хусусият шоирнинг сонетларида ҳам рўй-рост намоён бўлади.

Дарҳақиқат, Барот Бойқобилов композицион қурилиши хийла мураккаб бўлган сонет жанрида баракали ижод қилиб, бу жанр ривожига ҳам муносиб улуш қўшган. Шоир, айниқса, Петрарка, Шекспир, Мицкевич, Пушкин, Усмон Носир каби машҳур сўз усталарининг сонет жанри соҳасидаги анъаналаридан, шунингдек, ўзбек мумтоз шеърияти тажрибаларидан ижодий фойдаланиб, бу жанрнинг янги-янги қирраларини кашф этди. Ўзбек шоирлари орасида биринчи бўлиб, сонетлар гулчамбарини («Самарқанд» асарини) яратди. Шунингдек, 150 тача сонетни ўз ичига қамраб олган «Сонетлар» (1971) ва чорак аср давомида сонет жанрида яратган асарларини жамлаб «Сонетлар» (1982) китобларини ўқувчилар оммасига тақдим этди. Сонет жанрида «Самарқанд ушшоғи», «Мен кашф этган Ўзбекистон» номли достонлар яратиб, бу жанрнинг имконияту афзалликлари беқиёс эканини кўрсатди.

«Мен кашф этган Ўзбекистон» ёхуд «Қуёш фарзанди» (1974) юзта серзавқ сонетдан ташкил топган ўзига хос, ҳароратли достондир. Бу асар «Муқаддима» ва «Мурод» қисмларидан ташқари тўрт фаслдан (тўрт бўлимдан) иборат. Унда шоир ўз олдига қуёшли диёр — жаннатмакон Ўзбекистоннинг бир бутун поэтик образини яратишни мақсад қилиб қўйган ва ўз мақсадига эришган. Шунга кўра шоир бу достонни ватанпарварлик туйғуси бўртиб турган қуйидаги сонет билан якунлашга ҳақлидир:

От айланиб топгандай қозиғини,
Қайда бўлсам мен юртимга келурман.
Сайёҳ кўзга суртгандай озиғини,
Юртим хокин мен тутиё қилурман.
Дарё тоғдан пойини узмагандай,
Мен ҳам ундан оёқ узиб кетолмам.
Ўз элида одамзод тўзмагандай,
Мен ҳам элсиз бирор тоғдан ўтолмам.
Олма узоқ тушмагай дарахтидан,
Сувсиз ерда унмас чинор ниҳоли.
Фарзанд кечмас онанинг тож-тахтидан,
Ҳатто элдан айрилмас юрт шамоли.
Булбул гулга айтгандай оҳу зорин.
Мен суйладим юртимга дилда борин.

Барот Бойқобилов шеърияти мавзу ранг-баранглиги ва ғоявий мазмун бойлиги жиҳатидангина эмас, шунингдек, жанр турлари жиҳатидан ҳам эътиборлидир. Шоир ижоди шакл, жанр жиҳатидан тобора бойиб, кўркамлаша бормоқда. Унда фалсафий мазмунли тўртликлардан тортиб, рубоийлар, ғазаллар, мухаммаслар, қасидалар, шеърий туркум ва шеърий қиссалар, хилма-хил достон ва рўмонлар мавжуд.

Барот Бойқобилов «Самар ва Қанд», «Афросиёб», «Мажнунтол», «Тож маҳал», «Гул ва шамшир», «Ҳайкаллар сўзлайди», «Самарқанд ушшоғи», «Табаррук тупроқ», «Флоренциялик бола», «Мажнундара маликаси», «Адашган кема», «Калев ва Линда», «Темур дарвозаси», «Кун ва тун», «Ўқ еган ой», «Ёшлик замони», «Янги ҳаёт», «Космонавтнинг онаси», «Қуёш фарзанди», «Шарора», «Қоялар ва соялар», «Энасой нидоси», «Ҳасби ҳол» каби йигирмадан зиёд катта-кичик достоннинг муаллифидир.

Гулзордаги турли хил гулларнинг ҳар бири ўзига хос бўйига (ёқимли ҳидга) эга бўлганидек, бу достонлар ҳам ўзига хос таровату гўзалликлари, мавзу ва мундарижаси, ғоявий мазмуни ва бадиийлиги жиҳатидан бир-бирларидан ажралиб, фарқланиб туради. Уларнинг аксарияти шеърхонларга (ўқувчиларга) турлича завқ-шавқ, ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Шу билан бирга, Барот Бойқобилов достонларининг ҳаммасига бирдек хос ва умумий бўлган томонлар ҳам бор. Бу умумий томонлар инсон ва инсонийликни, Ватан ва ватанпарварликни, ҳалол меҳнат ва меҳнатсеварликни, дўстлик ва тинч ҳаётни, садоқат ва адолатни улуғлаш ва куйлашдан иборатдир.

Шоир достонлари миллий урф-одатларимизга, дину иймонимизга ҳурмату эътиқод билан йўғрилган. Шоир хусусан, ўзбек миллатига хос бўлган инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик, дўстлик, эътиқодга садоқат, вафодорлик, ахлоқий поклик сингари хислатларни юксак қадрлайди. Ва бу олийжаноб инсоний хислатларни ўз достонларининг қат-қатига сингдириб юборади. Бу хусусият шоирнинг ўтмиш ҳақидаги достонларида ҳам, замонавий мавзудаги достонларида ҳам очиқ-ойдин намоён бўлади. Барот Бойқобиловнинг ўтмиш мавзуида ёзилган достонлари орасида, айниқса, «Кун ва тун», «Тож маҳал», «Афросиёб» бақувват ва гўзал санъат асарлари сифатида китобхоналарга манзур бўлди.

Барот Бойқобиловнинг «Кун ва тун» достонида ўзбек халқининг улуғ фарзанди, буюк ватанпарвар инсон, ажойиб шоир, беназир давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жонли тимсоли чизилган. Дарҳақиқат, бу достон ўзбек адабиётида Бобур Мирзо ҳақида яратилган биринчи йирик асар эканлиги билан биз учун ғоят қимматлидир. 1966 йилда ёзилган ва узоқ таъқиблардан сўнг 70-йилларнинг охирларида чоп қилинган бу асарда Бобур ҳаётининг асосий нуқталари реалистик бўёқларда тасвирланган. Жумладан, узоқ ўтмиш ва ҳозирги замон узвий боғлиқ ҳолда акс эттирилиб, буюк ватандошимизнинг жаҳоний шуҳрати ва аҳамияти, Ҳиндистон халқларининг улуғ шоир ва доно подшоҳ Бобур шахсига бўлган самимий ихлосу маҳаббати тимсолли тарзда очиб берилган:

Ҳиндистон мулкида бу тенгсиз даҳо,
Ўз фарзанди янглиг тополди қадр.
Бугун Ҳиндистонда меҳмон бўлса ким,
Ҳинд эли сўзлайди унга Бобурдан.
Ўзбек фарзандини ардоқлаб маъсум,
Дўстлар мамнун эрур буюк шоирдан.

«Тож маҳал» Ҳиндистоннинг Огра шаҳрида, Жамна дарёси қирғоғида, 17 асрда оқ мармардан ясалган машҳур, ҳашаматли мақбара ҳақидаги достон бўлиб, унда асрлар оша севги ва садоқат рамзи сифатида жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган миллион-миллион сайёҳларни ўзининг салобати ва беназир гўзаллиги билан ҳайратга солиб келаётган улуғвор, мангу ўлмас обида тимсоли яратилган. Шу билан бирга, бу тенгсиз гўзал обидани бунёд этган қўли гул меъморлар санъатига, тенгсиз маҳоратига таҳсин ўқилган. Бошқача қилиб айтганда, Тож маҳал обидаси мисолида инсон ақли-заковати мадҳ этилган.

Барот Бойқобилов достонларининг кўпчилиги замонавий мавзулар тасвирига бағишланган. «Қуёш фарзанди», «Янги ҳаёт», «Ёшлик замони», «Космонавтнинг онаси», «Ҳайкаллар сўзлайди», «Садоқат», «Самарқанд ушшоғи», «Шарора», «Қоялар ва соялар», «Ҳасби ҳол» каби асарлар бунинг исботидир. Уларда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётининг достон қилишга лойиқ бўлган кўп томонлари ёритилган, кишиларимиз турмуши ва феъл-атворининг ибратли жиҳатлари акс эттирилган.

Барот Бойқобилов ижодида йирик шеърий асарлар салмоқли ўрин эгаллайди. Зотан, шоир тарихий ўтмиш мавзуларини тасвирлаш, аждодларимиз орасидан етишиб чиққан буюк шоирлар, улуғ алломалар, доно мутафаккирлар тимсолини яратишда йирик шеърий жанрлардан унумли фойдаланган. Натижада кўп қирралик мавзунинг янги-янги томонларини очиб берган. Бу жиҳатдан унинг, айниқса, «Навоийнома» номли йирик лиро-эпик асари муҳим аҳамиятга молик. Дарҳақиқат, Барот Бойқобиловнинг энг севган бош мавзуи ҳам, асосий тасвир объекти ҳам буюк Навоий ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган воқеликдир. Бу ҳақда шоирнинг ўзи «бутун ижодимнинг бош мавзуи миллатимизнинг отаси, шеъриятмизнинг султони ҳазрати Низомиддин Амир Алишер Навоийга тааллуқли. Ул зоти шарифнинг даҳовий сиймоси, ҳаёти ва ижоди, яшаган мураккаб даври менга ижодий журъат бахш этиб, йирик шеърий асарга қўл уришга ундади. Узоқ йиллар мозийдан келган манбаъларга кўмилиб, қунт билан меҳнат қилиб, ниҳоят бу мавзуда чор китоб яратишга муваффақ бўлдим» («Ўзбекнома». Тошкент, «Шарқ», 1999 йил, 842 бет), — деб ёзган эди.

«Навоийнома»ни, ҳеч шубҳасиз, Барот Бойқобиловнинг шоҳ асари, Навоий ҳақидаги шоҳномаси деса бўлади. «Шукуҳли карвон» (1981), «Нотинч Хуросон» (1985), «Сокин Хуросон» (1987), «Қонли Хуросон» (1992) номли тўрт шеърий рўмондан ташкил топган бу катта асарнинг юзага келиши адабиётимизда қувончли воқеа бўлди. «Навоийнома» 1994 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти билан тақдирланди. Бу бежиз эмас, албатта.

Мазкур фундаментал шеърий асарда Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, ҳазрат яшаган замон воқеалари, буюк шоир замондошларининг (жумладан, Ҳусайн Бойқаронинг) фаолияти, туриш-турмушлари кенг ва атрофлича кўрсатилган. Асарда, айниқса, бош қаҳрамон Алишер Навоий тимсоли муваффақиятли чиққан. Асарда ноёб истеъдод соҳиби Навоийнинг ажойиб хислатлари, олийжаноб фазилатлари, Ватан, халқ, башарият ва адабиёт олдидаги буюк тарихий хизматлари бирин-кетин очила боради. Шуниси муҳимки, муаллиф мавзуга доир аввалги асарларда (бошқа ёзувчилар томонидан) акс эттирилган воқеа-ҳодисаларни, қўлланилган санъат ва ташбеҳларни қуруқ такрорлаб қўйишдан қочиб, оригиналликка, янгиликка эришган. Бу фикрни «Навоийнома»да XV аср ҳаёти учун типик бўлган кўп воқеа-ҳодисаларнинг реалистик буёқларда тасвирланиши ҳам, хилма-хил жонли образларнинг яратилиши ҳам тўла тасдиқлайди.

Шуни мамнуният билан алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон мустамлакачилик исканжасидан қутулиб мустақилликка эришгач (1991), бошқа кўп шоирлар қатори Барот Бойқобилов ҳам бадиий ижод ва эътиқод (дунёқараш) жиҳатидан худди қайта туғилгандек бўлди. Бу янги даврда шоир мустақилликни тўла маъқуллаб, унинг неъматларидан бахраманд бўлган ҳолда фаол равишда ижод қилди; ҳаёт ҳақиқатини истиқлол мафкураси асосида янгича талқин ва янгича таҳлилда тасвирлай бошлади. Воқеликни сохталаштирмай, бор гапни (ҳақиқатни) рўй-рост ёзди: оқни оқ, қорани қора қилиб кўрсатди. Бу хусусиятни мустақиллик даврининг маҳсули бўлган «Ҳайрат-ул-Аҳрор» (1998) шеърий рўмонида яққол кўриш мумкин (шоир китобда «Ҳурликда битилди «Ҳайрат-ул Аҳрор», ўқиганга Ҳазрат бўлсин мададкор» деб ёзган.

«Ҳайрат-ул-Аҳрор» («Аҳрор ҳайратлари») рўмони «Навоийнома» («Янги Хамса»)нинг бешинчи китоби бўлиб, унда узоқ ўтмиш давридаги ҳаёт ҳақиқати, хусусан, бош қаҳрамон Хожа Аҳрор Валий тимсоли янги мафкура асосида, янгича талқинда акс эттирилган. Аниқроғи собиқ совет даврида (то 90 йилгача) нуқул қора буёқларда реакцион шахс сифатида «таъриф-тавсиф» этилган, ҳатто буюк олим Мирзо Улуғбек фожиасининг бош сабабчиси, унинг Самарқандда қурилган машҳур расадхонасини буздирган, расадхонадаги илмий кучларни аёвсиз равишда қувғин қилган қалтабин, жоҳил одам тарзида талқин этилган Хожа Аҳрор Валий (1404—1490) сиймоси Барот Бойқобилов асарида ҳаёт ҳақиқатига мос қилиб яратилган. Асарда шоир кўпгина тарихий-илмий ёдгорликларга ва ҳужжатларга мустаҳкам таянган, уларни адолатли равишда идрок этган ҳолда Хожа Аҳрор Валийнинг қорагурухчилар раҳнамоси эмас, аксинча халқимиз ва мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим рол ўйнаган улуғ мутафаккир, муршиди комил инсон эканини кўрсатиб берган. Бошқача қилиб айтганда, «Ҳайрат-ул Аҳрор» асарида Хожа Аҳрор Валий тимсоли аввалги талқин ва тасвирлардан фарқли ҳолда «аҳли муслим мададкори ва халоскори деб ном қозонган табаррук сиймо, нақшбандия тариқатининг кутби» сифатида гавдалантирилган. Барот Бойқобиловнинг Хожа Аҳрор Валий образини яратишдаги дадиллиги ва новаторлиги ҳам аввало ана шундан.

Шоён, Барот Бойқобиловнинг «Янги Хамса»си ҳазрати Навоий «Хамса»сидан кейин она тилимизда яратилган иккинчи «Хамса»дир, Низомий, Деҳлавий, Жомий, Навоий анъанасини давом эттирган севимли шоиримизнинг бундай улуғ хизматлари мақтовга лойиқдир. Беш юз йилдан кейин «XX аср Хамсаси» яратилган экан, бу, ўзбек адабиётининг, хамсанавис шоиримизнинг катта ютуғидир.

Барот Бойқобиловнинг яна бир йирик ва етук асари «Ўзбекнома» (1999) ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг мевасидир. Ўзбекистон мустақиллигининг шарофати туфайли юзага келган бу тарихий-фалсафий ва маънавий-маърифий достонда ўзбек халқининг тахминан тўртминг йиллик шонли тарихи ва тараққиёт йўли қаламга олинган. Заҳматкаш халқимизнинг яхлит поэтик тимсоли яратилиб, ўзбек-

нинг қадр-қиммати баланд кўтарилган. Ўзбекнинг бой ва жуда қадимий тарихга эга бўлган мард, доно, истеъдодли ва бунёдкор халқ экани шеърий тилда ифодаланиб, ҳақли равишда қуйидагича бадиий-фалсафий хулосага келинган:

Осий бўлмай десанг, эй аҳли замон,
Ўзбекнинг шаънига сўз айтма ёмон...
Ўзбек ўз ғамини емайди асло,
Ўзга ғами билан яшар доимо.
Сен ҳам қадрига ет ўзбек одамин,
Ўзбек ғамини е! Омон бўл! Омин!

«Ўзбекнома»да ўзбек халқининг азалий буюк орзуси — Ўзбекистон мустақиллиги дил-дилдан қўллаб-қувватланган; самимият билан куйланган, улуғланган. Мустақиллигимизнинг асосчиси Юртбошимизнинг ҳаракатлари ва буюк хизматлари, мардлиги ва донолиги асосли равишда кўрсатилган. Дарҳақиқат, «Ўзбекнома» — Эрку Истиқлол, Ҳуррияту Озодлик зафарномасидир.

«Ўзбекнома» шакл жиҳатидан ҳам адабиётимизда ўзига хос янгиликдир. Шоир асар сюжети ва композициясини ишлашда мумтоз адабиётимизда (хусусан, Алишер Навоий ижодида) мавжуд бўлган «Қолиплаш санъати»дан ижодий фойдаланиб, мақсадига эришган. Бу асар «Дебоча» ва «Хотима» қисмларидан ташқари етти фасл, олтмиш номадан ташкил топган. Буларнинг ҳаммаси ҳам ўзича тугал ва мустақил. Шу билан бирга, бу йирик асардаги фасллар ҳам, номалар ҳам ички мазмун (умумий мундарижа) жиҳатдан ўзаро бири бири билан узвий боғланган. Шу тариқа улар бирлашиб асарда умумий бир бутунликни, катта сюжет йўналишини ҳосил қилган. Ҳар фасл бир достон билан якунланиб, достон ичра достон яратилган ва бу етти достон Жомийга ўхшатма қилиниб «Ҳафт авранг» («Етти тахт») деб номланган. Олтмиш нома эса олтмиш сонет билан хотималанган. Хулоса қилиб айтганда, «Ўзбекнома» — шоир бадиий маҳоратининг янги олмос қирраларини бизга кашф этган асардир.

Барот Бойқобиловнинг ижодий имкониятлари чексиз даражада катта. У шеъриятда аллақачон камолот поғонасига кўтарилган ва китобхонлар меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган. Бироқ, шунга қарамасдан, шоир ҳозирги кунда ҳам ўрганиш ва изланишни канда қилгани йўқ. Барот Бойқобилов ҳаёт ҳақиқатини пухта ўрганиб, устозлари маҳоратини обдон ўзлаштириб, камолот чуққиси сари тинимсиз интилмоқда. Бинобарин, унинг яна янги-янги замонавий асарлар яратиб, адабиётимиз хазинасини бойитишига, мухлисларнинг қувончига қувонч қўшишига ишончимиз комил.

Барот Бойқобиловнинг «Навоий Ватани» (2003) насрий китоби Истиқлол бадиаларидан тузилган бўлиб, Мустақиллигимизнинг ўн икки йилининг бадиий солномасидир. Бу асари билан хамсанавис шоиримиз публицист ва олим сифатида ўз истеъдодини яна бир маротаба намоён этди.

'Ўзбекистон халқ шоири, мутафаккир адибимиз Барот Бойқобиловнинг китобхонлар меҳру муҳаббатини қозонган, халқимизга манзур бўлган шеърлари ва достонлари, йирик ҳажмдаги бадиий пишиқ ва мазмунан теран асарлари катта тарбиявий-эстетик аҳамиятга эга. Шоир асарлари китобхонларга эстетик завқ-шавқ бериш билан бирга, уларни ватанпарвар, инсонпарвар, пок виждонли, одобахлоқли, меҳнатсевар кишилар қилиб тарбиялашга қодир. Шоир асарларининг қадр-қиммати ва замонавийлиги ҳам аввалambор, ана шундадир. '

Сайдулла МИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
профессор

Самарқанд,
2004 йил, январ

ТУЗУВЧИЛАРДАН

Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг соҳиби Барот Бойқобиловнинг «Ҳаёт махзани» ёхуд «Ярим аср девони» — муаллифнинг ярим асрлик бадиий ижодининг ёркин намунаси дейиш мумкин. Ўтган асрнинг 1951—2000 йилларида яратилган шеърлар ва достонлардан тузилган ушбу чордевонга киритилган асарлар севимли шоиримизнинг ўттизга яқин шеърий китобларидан сайлаб олинди. Бу асарлар шоир ижодининг тадрижий такомилини яққол изоҳлаб беради, деган умиддамиз.

«Ҳайрат бўстонлари» деб рамзий маънода номланган биринчи девонга 1951—1970 йилларда ёзилган шеърлар ва достонлар жамланган бўлса, иккинчи девон — «Сафар эҳсонлари»га 1970—1980 йилларда хорижий мамлакатларга қилинган саёҳат натижасида ёзилган шеърлар ва достонлар киритилди.

«Фикрат туғёнлари» деб аталган учинчи девондан 1980—1990 йилларда яратилган шеърлар ва достонлар, тўртинчи девон — «Ҳуррият армонлари»дан эса 1990—2000 йилларда рақам этилган шеърлар ва тўртликлардан тузилган «Армонли дунё» достони ўрин олди.

«Ҳаёт махзани» чордевонига танлаб олинган шеърлар ва достонлар шоир узоқ йиллар мобайнида яратган асарларининг «Янги Хамса» ва «Ўзбекнома»га кирмаган қисмини ташкил этади. Ушбу чордевон сайланма бўлгани учун унга муаллифнинг илгари нашр қилинмаган «Ўқ еган ой», «Болалик ғаройиботлари», «Ўсмирлик саргузаштлари», «Темур дарвозаси» сингари достонлари ва анчагина шеърлари киритилмади.

«Ҳаёт махзани» чордевонидаги («Ҳуррият армонлари» деб номланган тўртинчи девон бундан мустасно) асарлар бундан олдин бир неча марта нашр қилинган бўлиб, китобхонлар эътиборини қозонгани, шубҳасиз.

Бизлар, ушбу чордевонни тузиб, уни нашрга тайёрладик ва масъул муҳаррирлик қилдик. Муаллиф ўз навбатида уни яна бир карра назардан ўтказиб, тузувчиларга самимий миннатдорчилигини билдирди.

Ўйлаймизки, «Ҳаёт махзани ёхуд Ярим аср девони» муаллифнинг «Янги Хамса», «Ўзбекнома» асарлари сингари китобхонлар эътиборини ўзига жалб қилади ва заҳматкаш шоиримиз ижоди ҳақида ёркин таассурот қолдиради.

«Ҳаёт махзани» куллиётига киритилган шеърлар ва достонларнинг қўлёзмаси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг Ёзувчилар қўлёзмалари бўлими фондида сақланмоқда. Қўлёзмаларда асарларнинг ёзилган вақти — асл саналари кўрсатилган. Чоп қилинган китобларда айрим шеърларнинг санаси кўрсатилмаган экан. Шартли равишда саналар китоблар нашр этилган йилига қараб қўйилди. Ушбу сайланма академик нашр бўлмаганлиги учун шундай қилинди. Бунинг учун муҳтарам китобхонлардан узр сўраймиз. Муаллиф шу фикримизга рози бўлди. Сизлар ҳам рози бўлинг.

Тузувчилар:
Рашид РАУФ
Нормумин ОЧИЛОВ
Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ

2000 йил, декабр

МУНДАРИЖА

Ботирхон Валихўжаев. Тинглаиг, Самарқанд сўзламоқда. Сўзбоши 6
Дебоча 16

«ҲАЙРАТ БЎСТОНЛАРИ»

Биринчи девон

Миртемир. Ургут ва бургут 21

ЗАРАФШОН МАВЖЛАРИ

Ўзбекистон 24
Ургутнинг бургути 24
«Машойихлар» 24
«Прометей қуёшдан олов олган чоқ» . . 24
Жаҳон сайқали 25
Илҳом булоғи 25
«Қалбим» 25
Навоий юлдузи 25
Меҳнатдан қочмайман 26
Устоз дуоси 26
Бизнинг болалик 26
Чинорлар 27
Муҳаббат 27
Миноралар 28
Қадрдон далалар 29
«Бир шаҳар борки...» 29
Қора кўзлар 30
Ўзбекистон қасидаси 30
Қайтганда 31
Боғ кўчадан ўтганда 31
Баҳор 32
«Нурдан кошона ясаб...» 32
Икки қайрағоч 32
Пўлат ва муҳаббат 33
Шўх кўзлар 33
«Э дўстлар...» 33
Сен элимнинг юрагида яшайсан 33
Жарқоқ денгизи 36
Сиёб 36
Ургут 37
«Кўз тегмасин» севгимга (Ҳазил) 38
Геолог қизга 38
Янги ҳаёт (достон) 39
«Сен йирокдан...» 45
Сенинг табассуминг 45
Сурайё 46
Сиёб кечаси 46
Умрим ва шеърим 47
Ассалом, Истиқбол 48
«Чарльстон»ни тинглаганда 48
Аму-Бухоро каналидан хат 49
Тўртликлар 49
Қалбим қолган йўлингда 50
Самарқанд гўзалига 50
Қорачиғим 51
Онажоним 52
Ёргинам 52
Нон ва шеър 52
Самарқанд ушшоғи 53
Мен — саодат фарзанди 53
Ўзбек атласи 54
Севги ёшидаман 55
Самарқанд ушшоғи (Сонетлардан тузилган достон) 56
Одамлар 61
Робертино куйлаганда 61
Сен туғилган кун 62
Шаҳлонинг кулгиси 63
Ўғлидир, балки... 63
Сурур 64
Қалб ва денгиз 64
Ниҳол ва чинор 64
Субҳидам 66
Тарих ўқитувчисига 66
Самарқанд 67
Бермуд учбурчаги 67
Онажонлар (баллада) 68
«Шу азиз тупроқни...» 69
Икки сиймо 69
Юлдузлар таъзимда 69
Сенга келганимнинг сабаби 70
Фарғона лавҳалари 70
Бобурни ёдлаб... 71
Арча 71
Небитдоғ 72
Марсия 72
Анҳорнинг дегани 72
Самарқанд садолари 73
Оромбоғ 73
Юраклар гулхани 73
Навоий хиёбонида 74
Толиблар 74
Ургут тоғлари 75
Қалбим 75
Афросиёбда 76
Регистондаги ўйлар 76
Ўғлимга насиҳат 77
Висол 77
Беҳзодни хотирлаб 78
Алвидо, устоз!.. 78
Боғишамол 79
Шоирга таъзим 80

Мерос 80
Навоий чойхонаси 81
Менинг авлодим 82
Журналист дўстимга 83
Шеърият бўстони 83
Бибихоним мадрасаси қошида 84
Шоҳизинда 85
Зарафшон мавжлари 85
Чақалоқ кулгуси 86
Самар ва Қанд (достон) 87
Қор ёғар 93
Армон 94
Ургут манзаралари (Болаларга) 94
Булоқ қўшиғи 94
Ургутсой ёқасида 94
Тоғлар нидоси 95
Гулбоғ 95
Тоҳир чинори 95
Мингбулоқ 96

МУҲАББАТ ХИЁБОНИ

Ўрта Осиё 97
Чегара 98
Шеърият диёри 98
Ворислар монологи 99
Уйқудаги гўзал 99
Ургутни соғиниб... 100
Уфқдаги чироқлар 101
Салом, муаллим! 102
Шоҳимардон кечаси 102
Она ва бола 103
Самарқанд жамоли 103
Ухла, болагинам 103
Чўққидаги юлдуз 104
Гулбоғ чашмаси 104
«Икки эшик орасида...» 104
Муҳаббат хиёбони 105
Дарё ва мен 105
Қуёш ва Муҳаббат 106
Илҳом париси 106
Денгиз ва тўлқин 107
Рафиқамга 107
Ёр васли 107
Бир илтимос 108
Соғиниш 108
Янги йил орзулари 109
Алла 109
Жангчининг рафиқаси 110
Назмул-ҳикмат 111
Сонетлар 120
Фардлар 149
Мансуралар 150

ТУҲФАЛАР

Дон Жуан. Бағишлов (*Байрондан*) . 151
Шоирга (*А.С.Пушкиндан*) 152
Юлдузимга (*Н.Бараташвилидан*) . . . 153
Чақалоқ 153
Жонгинам (*М.Турсунзодадан*) 153
Қизил гул (*Н.Рубцовдан*) 158
Қалдирғоч 158
Қарға 158
Саккизликлар 159
«Кўчирмоқлик менга не даркор» 159
Денгиз суви ҳақида баллада (*Г.Лоркадан*) 159
Сонет (*И.Бехердан*) 159
Реквием (*И.Вознесенскийдан*) 160
Залдан берилган мактубга жавоб (*Р.Рождественскийдан*) 160
Бизнинг тошлар ҳақида қўшиқ (*С.Капутикяндан*) 161

«САФАР ЭҲСОНЛАРИ»

Иккинчи девон

Маҳмудали Юнусов. Ватан тупроғига пайванд шеърият 165

ШАРҚ ГУЛДАСТАСИ
(туркум)

Ҳиндистон дарвозаси 171
Фил 172
Бахт устуни 172
Севги худоси 172
Висол даричаси 173
Жамна 173
Мармарга ўйилган достон 173
Сурайё юлдузига 174
Боғи ором 175
Ўлик шаҳар (баллада) 175
Арабия денгизига 177
Ватан ҳажрида 177
Элифанта 178
Шамол қасри 178
Бўмбай 179
Бенгалия 179
Калькутта чироқлари 180
Тагор уйида 180
Рикшалар 181
Қутб минордаги ўйлар 181

Тагор сўзлайди . . . 182
Ҳиндистон сонетлари . . . 183
«Бугун дарду ғамдан холи Ҳиндистон...» . . . 183
«Лаъл қалъа...» . . . 184
«Ҳиндистон куёши мисоли тандир...» 184
«Рожистонда филлар ороли бордир...» 184
«Боғи муаллақда сўлим ҳаводир...» . . 184
«Деҳлида – Ҳумоюн мақбараси...» . . 184
«Бҳилайда икки дўст иноқ...» . . . 184
«Қуёш соатини кашф этган даҳо...» . . 185
Карочи . . . 185
Гул ва ханжар . . . 185
Иқбол мақбарасида . . . 186
Шарқ афсонаси . . . 186
Ҳавузи музайян . . . 186
Шалимар боғлари . . . 187
Илон ўйнатувчи . . . 187
Лохур қизлари . . . 187
Сени сўроқлаб . . . 188
Ватанга қайтиш . . . 189
Тожмаҳал (достон) . . . 190

ИТАЛИЯДАН МАКТУБЛАР
(туркум)

Италия қўшиқлари . . . 207
Апеннин тоғлари . . . 207
Рим . . . 208
Бронза гулчамбар . . . 209
Колизей харобаси . . . 209
Уффици галереяси . . . 210
Ҳайкалтарош . . . 211
Венеция . . . 211
Неаполлик она ҳасрати . . . 212
Тиволи фавворалари . . . 213
Римлик ёш рассом . . . 213
Тибр қирғоғида . . . 214
Флоренция . . . 214
Микеланжело . . . 215
Петрарка руҳига қасам . . . 216
Қайиқчи . . . 216
Адриатика денгизига . . . 217
«Қуёш йўли» . . . 217
Шоир . . . 218
Кулол . . . 218
Милан . . . 218
Ла-Скала қўшиқчиси . . . 219
Данте кабутари . . . 220
Сорrентолик санам қўшиғи . . . 221
Генуялик балиқчи . . . 221
Рим бозорида . . . 222
Капри армони . . . 222
Неаполитан қўшиғи . . . 223
Беморликда . . . 223
Ҳиссиётнинг бемор қушлари . . . 224
Станслар . . . 224
Қирғоқда . . . 224
Сицилия . . . 225
Флоренциялик бола (достон) . . . 226

ТУТАШ ДЕНГИЗЛАР
(туркум)

Ўғлимга . . . 236
«Қора денгиз» меҳмонхонасида . . . 236
Қора денгизга . . . 237
Босфор кечаси . . . 237
Мармар денгизи монологи . . . 238
Дарданелдаги ўйлар . . . 238
Эгей денгизига . . . 239
Ўрта Ер денгизида . . . 239
Латакия . . . 240
Угарит . . . 240
Тун . . . 240
Бандаргоҳдаги болакай . . . 241
Ғаввос билан мулоқот . . . 241
Муҳаммад Али кўчасида . . . 242
Нил . . . 243
Еғду ва садо . . . 244
Фаллоҳлар (Станслар) . . . 245
Сфинкс . . . 245
Қоҳира минорасида . . . 246
Фаластинлар (Станслар) . . . 247
Ўзбекистонни соғиниб . . . 248
Чироқлар . . . 248
Навбаҳор . . . 248
Собрат харобаси . . . 249
Нотаниш қирғоқлар . . . 249
Мальта . . . 250
Радиограмма . . . 250
Денгиз томошаси . . . 251
Юнонистонга . . . 251
Агамемнон тоғи қаршисида . . . 252
Афина манзаралари . . . 252
Парфенон . . . 253
Сени излаб . . . 254
Севги мехроби . . . 254
Босфорга . . . 254
Босфор кўпригидан ўтганда . . . 255
Истанбул станслари . . . 256
Нажот қирғоғи . . . 257
Мажнунтол (достон) . . . 257

ИРОҚ ҒАЗАЛЛАРИ

«Минг бир кеча» афсонадир . . . 259
«Дажла бўйида чалди Носир...» . . . 259
«Сеҳру асрор диёри» . . . 260
«Пулсиз сайёҳ Бағдодда...» . . . 260

МЕҲРНОМА
(туркум)

Меҳрнома 261
Қозоғистон — бу! (қасида) 263

ОЛОНХО ОҲАНГЛАРИ

Тайгани кўрганда 263
Лена устунлари 264
Буғу шохи 264
Оқ қайин 264
Қўшиқчи куйлаганда 265
Гавҳар 265
Тош одамлар 265
Мусо Жалил 266
Энасой нидоси (достон) 267
Қорақалпоқ қўшиқлари 280
Нукус 280
Нукус саройи хусусида 280
Аму 281
Қоратоғ мармари 281
Кремл боғида 282
Пушкин уйи 282
Ойдин кечалар 283
Нева бўйларида 283
Пискарев қабристонида 283
Ҳаёт йўли 284
Таллин таронаси 284
Даугава 285
Гауя тўлқинлари 285
Болтиқ денгизи 286
Юрмала 286
Каҳрабо диёри 286
Салом, Латвия 287
Калев ва Линда (достон) 288
Гул ва шамшир (достон) 292

«ФИКРАТ ТУҒЁНЛАРИ»

Учинчи девон

Б. Аҳмедов, Л. Қаюмов. Шоирнинг юлдузи 307

КИМ СОКИН ЯШАЙДИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Қўзғалур 314
Сўзласин 314
Илҳом тулпори хусусида 315
Чорбоғ ичра 316
Сирдарё қирғоғида 316
Разведкачи Сирожиддин Валиев монологи 317
Кумуш қуш (*баллада*) 319
Чаноқлар ва юлдузлар 321
Отамнинг ҳикматлари 321
Фахрийлар 324
Садоқат (*достон*) 326
Ўзбекистон фарзандиман 328
«Оқ олтин» тоғлари 329
Менинг асрим 330
XXI аср шоирларига 331
Ўзбекистон кузи 332
Менинг элим 332
Навқирон ёшим менинг 333
Эгизаклар 334
Кўнглим 334
Мажнундара маликаси (*достон*) 335
«Самарқанд сайқали...» 338
Қон ва шон 338
Ақл ва жаҳл 338
Ғолиблик ва мағлублик 338
Ватандан йироқда 338
Ҳақиқатга суиқасд 339
Олқишлар 339
Орол қисмати 340
Жангчи отлар 341
Эрк қўшиғи 342
Зарафшон мулоқоти 343
Ҳақиқат аскари 344
Қадр 344
Боғ 345
Қўмсаш 345
Номус 346
Ўкинч 346
Ерилган анор 347
Руҳият меъморлари 347
Ургут боғлари 347
Кеча ва кундуз 348
Уруш болалари 349
Уруш авлодлари 349
Қоялар ва соялар (*достон*) 350
Ким сокин яшайди Ўзбекистонда? . . . 356
Эътиқод 357
Урушдан узоқда 358
Уйғониш 358
Ҳақиқат сўзи 360
Сарбадорлар 361
Мезон 361
Байроқдорлар 362
Сирк 362
Хонадон 363
Замонасоз 363
Буқаламун 364
Нима қолар бизнинг асрдан? 364
Мулоқот 365

Қотил 365
Сувилон 365
Илон билан иғвогар 365
Андиша кўзгуси 366
«Одам сайр этмаса...» 367
«Боғ аро қўйсанг қадам» 367
«Ёна-ёна кул бўларман» 367
«Ҳуснинг балоси расо...» 368
«Сен билан яшнар кўнгил» 368
«Сенга бир боғ яратдим» 368
«Кўзларинг шароридан...» 368
Фиғон 369
Мангу жангчилар 369
«Занжирбанд шер...» 370
Адиб ва танқидчи 370
Фалакнинг гардиши 371
Сўз ва тош 371
Мунофиқ 371
Сайёҳлар 372
Токилон 372
От ҳақида монолог 372
Деҳқон орзулари 374
Меҳмон 374
Она-ер армони 375
Мардликка қасида 376
Олис қирғоқ 376
Саркаш дарё 377
Бутун экан токи имонинг 378
Театр 378
«Ер боқар инсонни...» 379
Ҳаёт минбари 379

САМАРҚАНД ЙЎЛИДАГИ БУЛОҚЛАР

Сафо келтурдинг... 381
Ургутистон 381
Самарқанд йўлидаги булоқлар 382
Нажот излаб... 383
«Ҳаётнинг жазоси хар хил...» 384
Иҳота дарахтлари 384
Тасалло 384
Ялдо туни 385
Лайлатул-қадр 386
Бизнинг хотира 387
Шиорбозлар 387
Еттинчи китъа 388
Қонли булоқ 388
Учбурчак мактублар 388
Эски шаҳар 389
Хадра пинжида 390
Онаизор 390
Тақдир ўйини 391
Минора 391
Алвидо, ракета! 391
Тамагир 392
Тегирмон 392
Чароғбонлар 392
Ўқирган шер — шеър ўқийман, дер 394
Ватан 394
Авлодлар 394
Нафс балоси 395
Дунёнинг бахтига бўлинг халоскор . 395
Ўтли нуқталар 396
«Баҳорни соғиниб қишда яшадик» . 396
Юрак тақдири 396
Ургут чинорлари 397
Қамал 397
Ақлсизлик балоси 398
Ўзбек адабиётининг харитаси 398
Тавалло 399
Илтижо 399
Лайлаклар ошёни... 400
Учинчи қутб 400
Кемалар ноласи 401
«Тўтиё этгум кўзимга...» 401
«Кимки замин фарзанди...» 402
«Замона зайли...» 402
«Аҳли Ургут йиғилган...» 402
«Довруғи олам аро достон...» 403
«Сокин маскан излаб...» 403
«Гулшанда гул бисёр...» 404
«Ошиққа энг улуғ орзу...» 404
«Ёшлик айёми келиб...» 404
«Қадр гавҳарин асранг...» 404
«Ғаройиб дунё экан...»... 405
«Бир ақли расони ишқ жунун қилди» 405
«Гиёҳсиз сахродир гулистон сенсиз» . 405
«Ёрга нома битдим...»... 406
«Тонг отмагай саҳар бўлмаса» 406
«Агар Фарҳоду Ширин кўз очиб...»
(Фонийдан) 406
«Ҳижрон тушса бошингга...» 406
«Боғ ичра куйлар бир дилбар...» . . 407
«Мужда келди гул чоғи...» 407
«Ҳақ гапни айтиб юзга...» 407
«Сайри боғ этмаса одам...» 408
«Келиб ҳижрон кулбасин вайрон эт» 408
«Ишқ фасли ошиққа ширин бир азоб» 408
«Бўлсам сен туғилган масканда» . . 408
«Узлат кулбаси бўлди...» 409
«Висол чоғин кўнгли...» 409
«Боғ кўчадан ёр берди овоз» 409
«Сенга шайдо қолдию...» 409
«Сарви равонлар аро...» 410
«Ўтган кунлар қайтмагай...» 410
«Ҳаёт саботи менга...» 410
«Севмоқ ва севилмоқдан...» 411
«Дил истагин адо этди қалам» . . . 411
«Собиқ раҳбарлар» қилди доноларни
дилафгор» 411
«Эзгулик кўп қилдим...» 412
«Умринг ўтар мазмундор...» 412
«Бир назмим туфайли...» 412
«Ҳақиқат изин излаб...» 412
«Осуда дил мулкига...» 413
«Боғимга ёғди ёмғир...» 413

«Боғни боғ қилмоқ учун...» . . . 413
«Никоҳ оқшомида...» . . . 414
«Ешлик чоғимда...» . . . 414
Дединг: «Элга гапим бор...» . . . 414
«Қуёшни кутар муштоқ сокин сабоҳ» 415
«Ватанни жонимдан ортиқроқ суйгум» 415
«Муҳаббат тонги отиб...» . . . 415
«Қаро кунда муртад отди тош» . . . 415
«Тошкент гулшани этди мени ўзига шайдо» . . . 416
«Ўртада тошқин дарё...» . . . 416
«Мулки афғонда...» . . . 416
«Аввал сезмай эҳтиёж...» . . . 417
«Олтин бўлса остонанг...» . . . 417
«Лайлаклар қайтиб келди...» . . . 417
«Дўстингдан...» . . . 418
«Имтиёзли одамга...» . . . 418
«Аҳли даврон, иш тутманг...» . . . 418
«Ўзбекистон тупроғи...» . . . 419
«Мунис ҳамрозим йўқ дилимдан ўзга» 419
«Шеър ёзсам...» . . . 419
Чорраҳа . . . 420
Дўстлик манзумаси . . . 420
«Ё ажаб...» . . . 421
Кенагас . . . 422
Чалкаш давр . . . 423
Давомли қарсаклар . . . 424
Қор одам . . . 424
Манқуртлар . . . 425
«Нон шаҳри домида...» . . . 425
«От ҳуркади» . . . 425
Она тилим баҳона . . . 425

«ҲУРРИЯТ АРМОНЛАРИ»

Тўртинчи девон

Матёқуб Қўшжонов. Армонли дунё ўйлари . . . 429

ТУРКИСТОН ТУҒЁНИ

Субҳидам умидлари . . . 437
«Карвонсарой экан дунё...» . . . 437
«Қисмат хатми...» . . . 438
Тўртликлар . . . 438
«Берк эшикдан келди эрк...» . . . 439
«Тарки дин айлаб нодон...» . . . 439
«Одамийлик тожини...» . . . 439
«Туҳматчининг юзи йўқ...» . . . 440
«Улус завқи, шукуҳин...» . . . 440
«Ғаройиб дунё экан...» . . . 441
«Аҳёрлар қилмишидан...» . . . 441
«Шоҳлар амри вожиб деб...» . . . 442
«Ўтмишсизлар ўтмишга...» . . . 442
«Кабутарлар кўринмас...» . . . 442
«Саодат сароб эмас...» . . . 443
«Ҳаёт боғи кўзимга...» . . . 443
«Лаби лабига тегмай...» . . . 443
Мустақиллик маншури... . . . 444
Туркистон . . . 444
«Дономи ёки нодон...» . . . 445
«Аҳёрнинг туҳмат тоши...» . . . 445
«Даъвойим йўқ оламга...» . . . 445
«Умидли бу дунёда...» . . . 446
«Жондан кечган мажнуннинг...» . . . 446
«Дўппи топилар, дерлар...» . . . 446
«Шажарам ибтидоси...» . . . 447
«Туркистон аҳли аро...» . . . 447
«Аҳли Самарқанд базми... . . . 448
«Олди-сотди қизиган...» . . . 448
«Не тарихни ўрганиб...» . . . 448
«Юрак шердек қўзғалур...» . . . 449
«Қишлоқ аҳлин ўйласам...» . . . 449
«Боши берк кўчададир...» . . . 449
Турон . . . 450
«Гап тоғча, иш тирноқча...» . . . 451
«Камимизни бут қилмас...» . . . 451
«Бизлар оддий қул эмас...» . . . 452
«Кул қолдирма, гул қолдир...» . . . 452
«Одам азиз бўлмаса...» . . . 452
«Эрк субҳи сабосидан...» . . . 453
«Сафарга чиқар бўлсам...» . . . 453
«Кўҳак кўкидан боқсам...» . . . 454
«Низо тиғи санчилди...» . . . 454
«Халқ» деган сўз муқаддас...» . . . 455
«Халқ номидан сўзлашга...» . . . 455
«Филдек матонат билан...» . . . 456
«Нодон етса мансабга...» . . . 456
Истиқлол арафаси... . . . 457
«Одам бўлсанг мард бўлгил...» . . . 457
«Равон йўлни ахтариб...» . . . 457
«Ботир тиғи синмаса...» . . . 458
«Пок инсон тутган ҳар гул...» . . . 458
«Турмуш дастидан нолиб...» . . . 458
«Айтинг, бу не кўргилик...» . . . 459
«Жаҳон боғи бўлса хароб...» . . . 459
«Уйнашмагин арбоб билан...» . . . 460
«Эй ёронлар, ўзни таниб...» . . . 460
«Қаро кечада қолиб...» . . . 460
«Тақдир ҳукмини битмиш...» . . . 461
«Навоийнома» хусусида...» . . . 461
«Истиқлол умидида...» . . . 462
Занжирбанд шер . . . 462
«Бозор қопқасин очди...» . . . 463
«Навоий дорилфунуни...» . . . 463
«Аҳли Турон, уйғонингиз...» . . . 464
«Чалкаш давр фарзандимиз...» . . . 464
«Улус аччиқ қисматидан...» . . . 465
«Шўро халқи азалдан...» . . . 465
«Бир каззоб раҳбар бўлиб...» . . . 465
«Дунё деган ҳудудсиз маъво...» . . . 466
«Эркимни қўлдан бериб...» . . . 466
«Остин-устун бўлгай мулк...» . . . 467

«Кема қилмоқ бўлибман...» 467
«Буқаламун давронда...» 467
«Ўзгадан кутма нажот...» 468
«Гардун тоши ёғилди...» 468
«Ғурбат надур...» 468
«Тили бошқа, дили бошқа...» 469
«Донойи даврон билиб...» 469

САОДАТ САЛТАНАТИ

Биз Темур авлодимиз 470
«Туркия бешиги...» 470
Сонет 470
«Чоркитоб безади...» 471
«Яна қайтдим шеъримга...» 471
«Ўзбек ўзига бек...» 471
«Мустақиллик ийдига...» 472
«Истиқлол насиб қилиб...» 472
«Жабру зулм азоби...» 473
«Улуғ тўйдир...» 473
«Миллий истиқлол руҳи...» 474
«Ватансизлик дардини...» 474
«Мен ҳаммага қайғураман...» 475
«Истиқлол — бу улуғ жангдир...» 475
«Сиёсатга хизмат қилиб...» 476
«Узбек халқи — улуғ халқ...» 476
«Қайга бошимни урсам...» 476
«Минг бир дарду алам кўрар...» 477
«Ҳеч ким ортмас ўзидан...» 477
«Аҳли ҳасад худкомлиғдин...» 478
«Фақир улус ғамини ер...» 478
«Бу не турфа вайронаким...» 478
«Наврўзи олам келиб...» 479
Алвидо 479
Улус иймони 479
Элим деб чиқди у Ўзбекистондан 480
Омонлик уйи 481
Улуғбек бешиги 482
Қутби миллат 483
«Мустақиллик либосин кийиб...» 484
«Кел, Шукур, дўстим, бугун...» 484
Бозор 484
«Эй, ёронлар, биродарлар...» 485
Қўрдошларимга 486
Ассалом, Навоий! 486
Мустақиллик қасидаси 487
Сўз мулкининг соҳибқирони 487
Қадаминг қутлуғ келсин 488
Ўзбекистон унутмас 489
Мустақиллик саодати 490
Карвон ўтар... 490
Яхши қолинг, боғларим 491
Ўзбекман деганда олам уйғонсин 491
Навоий сўзламоқда 492
Ўзбекистон (сонетлар гулчамбари) 494
Умр қасидаси... 497
Ватан қадри 497
Ўз-ўзингни мақтаб қол 498
«Шеърият бўстонига» 500
Самарқанд 500
«Шеър ёзмай қўйган эдим...» 502
«Бош урманг, э дўстлар...» 502
«Дарди йўқ киши борми...» 503
«Олам вайрон бўлди...» 503
«Меҳру муҳаббат менга...» 504
«Эй инсон...» 505
«Эй даврон...» 506
«Равзаи жаннатта боқиб...» 506
«Дунёда бўлганда...» 507
«Орзуларим учиб юрар...» 507
«Мардлар иши...» 508
«Дўстлар, мана сизга...» 508
«Манзилга ошиқар...» 509
«Мен чекмай ким чексин фиғон...» 509
«Уз юртимда...» 510
«Дунёнинг савдоси...» 511
«Гулшани жаннатга ўхшар...» 511
«Кишилик тамаддуни...» 512
«Бошимни уриб, эй Эрк...» 512
«Бу дунё фонийдан...» 513
«Етти иқлимда азиз...» 514
«Пешвою раҳнамосиз...» 515
«Замона аҳлида...» 515
«Тўйга келган кишилар...» 516
«Омолим буюк эди...» 518
Ватан ва халқ 519
Мозийга сафар 520
Ватан каъбаси 520
Армонли дунё (тўртликлардан тузилган достон) 522
Хотима 601
Ҳол баёни 605
Сайдулла Мирзаев. Ярим асрлик ижод йўли. Сўнг сўз 609

«ҲАЁТ МАХЗАНИ ЁХУД ЯРИМ АСР ДЕВОНИ»НИНГ МУНДАРИЖАСИ

Б. Валихўжаев. Тингланг,
Самарқанд сўзламоқда. Сўз боши . . 6
Дебоча 16
Биринчи девон 19
Ҳайрат бўстонлари 19
Иккинчи девон 163
Сафар эҳсонлари 163
Учинчи девон 305
Фикрат туғёнлари 305
Тўртинчи девон 427
Ҳуррият армонлари 427
Хотима 601
Ҳол баёни 605
С. Мирзаев. Ярим асрлик ижод йули.
Сўнг сўз 609
Тузувчилардан 616

БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ

ҲАЁТ МАХЗАНИ

«Зарафшон» нашриёти
Самарқанд — 2005

Муҳаррир *Ўктам Ниёзов*
Бадиий муҳаррир *Музаффар Аъламов*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Саҳифаловчи *Т. Огай*
Мусаҳҳих *Ҳ. Абдусаматов*

Босишга рухсат этилди 24.01.2005. Бичими 60x90 $^{1}/_{8}$. Офсет босма. Балтика гарнитураси. Шартли босма табоғи 78,0. Нашриёт ҳисоб табоғи 60,0. Адади 3000 нусха. Буюртма № 45. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41